Боқибилло Каримов домладан узр сўраб, сўз навбатини устозга бердилар. Устоз ишим ҳақида, менинг бу мавзу борасида чуқур изланишлар олиб борганлигим, ишнинг Навоий асарларини ўрганишдаги аҳамияти кабилар хусусида жуда илиқ фикрларни билдириб, иш бу соҳадаги дастлабки уринишлардан эканини, ҳали бу йўналишда номзодлик, докторлик диссертациялари қилинишини, ҳозирда мавжуд нуқсонлар кейинги йирик тадқиқот ишларида тўлдириб кетилишини ва ниҳоят, ишни ижобий баҳолаш мумкинлигини билдиришди. Шунда мен устоз айтган “Ҳаммаси яхши бўлади”, деган сўзларининг маъносини тушуниб етдим.

Ҳимоям жуда муваффақиятли ниҳоясига етди. Шу кунга белгиланган диплом ишлари ҳимояси якунига етгач, ҳамма институт ректорига йўл бўшатиб, устознинг чиқишини кутиб турдилар. Лекин Азиз Пўлатович профессор-ўқитувчиларнинг чиқишларига йўл кўрсатиб, ўзлари менинг келишимни кутиб турдилар. Мен бу ҳолатни дарҳол англаб етиб, устознинг олдиларига ошиқдим. Устоз қўлларини узатиб, “Табриклайман, ҳаммаси яхши бўлади, деб айтгандимку, келгуси ишларингизда муваффақиятлар тилайман! Сизни ўқитувчи сифатида ишга олиб қолмоқчимиз, илмий жараёни тўхтатмайсиз” дедилар. Шу вақтда мендан ортиқ бахтли инсон йўқ эди.

Устознинг айтганлари билан мен ёш ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятимни бошладим. Шу йил – 1979 йил 12 ноябрида ҳарбий хизматга чақирилдим. Бизни, яъни барча олий маълумотли чақирилувчиларни 6 ойлик танк командирлари тайёрловчи сержантлар курсига жалб этишди. Орада Афғон уруши бошланиши оқибатида ўқишимиз 3 ойга қисқартирилиб, тезлатилган тарзда ўқишимиз олиб борилди. 1981 йил май ойида ҳарбий хизматдан қайтиб (у вақтларда олий маълумотлилар бир ярим йил ҳабий хизмат қилишган) институтга келсам, мен ҳарбий хизматда бўлган 1,5 йиллик вақт ичида Азиз Пўлатович институт ректорлигидан Қўлёзмалар институти директорлигига ўтишган экан. Институтга филология фанлари доктори, профессор Ҳофиз Абдусаматов раҳбар этиб тайинланган, уларнинг ректорлик даврлари 1-1,5 йил давом этган экан. Сўнгра узоқ йиллар Маданият вазири лавозимида фаолият кўрсатиб келган, фалсафа фанлари доктори, профессор Ғайни Нажимович Нажимов ректор этиб тайинланган эканлар. Муҳтарам устоз – Ғайни Нажимович ҳам жуда ажойиб, ўта инсонпарвар инсон эдилар. Устознинг одамийликлари хусусида бир воқеани айтиб ўтишни лозим топдим. 1985 йилда ҳарбий хизмат даврида ўта совуқ олдиришдан орттирган касаллик туфайли бетобланиб, касалхонада оғир амалиёт кечирдим ва уч ой даволанишга тўғри келди. Ўша давр қоидаларига кўра касаллик варақаси муддати уч ойдан ошса, ходим ё ишга чиқиши керак, ё ногиронликни расмийлаштириши керак эди. Мен, албатта, қийин бўлса ҳам касаллик варақасини ёпиб, ишга чиқишни

маъкул кўрдим. Оёғимга шиппакни боғлаб (чунки ўша пайтда касаллик туфайли пойабзал кийиш имкониятим бўлмаган), кафедрага келдим. Кафедра мудирим мени кўриши билан салом-алик ҳам қилмасдан, жуда ёмон кайфиятда:

– Иброҳим, билишимча, энди сиз ишлай олмайсиз. Шунинг учун ишдан бўшаш ҳақида аризангизни ёзиб беринг, – деса бўладими. Бошимга гурзи билан ургандек бўлди. Қотиб қолдим. Нима дейишимни ҳам билмайман. Бир оғиз ҳам сўз айтмасдан кафедрадан оқсоқланиб, хўрланган ҳолда чиқиб кетдим. Ҳовлида бошиб қотиб, чуқур ўйга толиб кетаётгандим, олдимдан институт ректори Ғайни Нажимович чиқиб қолдилар. Домла мени жуда яхши билишар эди.

– Ие, Иброҳим, тузалиб кетдингизми? Қалайсиз, ишга чиқдингизми? – дедилар.

Жуда хўрлигим келиб турганини билиб, домла шошиб қолдилар:

– Нима бўлди, нима гап? – деб сўрадилар. Шунда мен уч ой касалхонада ётганимни, кафедра мудиримнинг бир марта ҳам ҳолимдан хабар олмасдан қилган муомаласини ва барча бўлган воқеаларни айтиб бердим. Домла хоналарига олиб кириб, кафедра мудирига телефон қилиб, қаттиқ танбеҳ бердилар. Шундан сўнг ишимни яна давом эттирдим.

Очиини айтсам, номзодлик мавзуси ҳамда ва унга раҳбар борасида етти йил қийналдим. Чунки кутубхоначилик ёки библиография соҳаларида номзодлик диссертацияси қилиш учун албатта ё Москва ёки Ленинград давлат маданият институтларида аспирантурани ўташ керак эди. Бу эса анча мураккаб жараён эди. Не бахтки, 1986 йилда филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов, доцент Боқибилло Каримов, институту ўқитувчиси Нурали Абдуғофоров ва камина Маданий-маърифий ишларга оид русча-ўзбекча терминлар луғатини қилиш устида ишлай бошладик. Иш муайян даражага келганда профессор Н.Маҳмудов ўзбек тилидаги кутубхоначилик-библиография терминологияси борасида номзодлик диссертациясини қилиш мумкинлигини айтиб қолишди. Тадқиқот збек тили борасида бўлаётганлиги боис мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатишим керак эди. Кунларнинг бирида айни шу масала Тил ва адабиёт институти директори ўринбосари, филология фанлари доктори, академик Азим Ҳожиев (Оллоҳ улардан рози бўлсин, жуда меҳрибон устоз эдилар) иштирокида кўтарилди. Азим Ҳожиев домла бу факультетни тўрт йилда битиришимни эшитиб, эртаси куни институтга келишимни айтишди. Эртасига домланинг ташаббуслари билан Москвага – Олий аттестация комиссиясига менинг ўзбек тили ихтисослиги бўйича қайта квалификация олишим учун тўртта фандан – “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Умумий тилшунослик”, “Қадимги туркий тил”, “Ўзбек тили лексикологияси” фанларидан Давлат имтиҳонлари топширишимга рухсат беришни ҳамда

комиссия раиси сифатида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректори, филология фанлари доктори, академик Ғанижон Абдурахмонов номзодини ва ўн нафар фан докторларидан иборат комиссия таркибини тасдиқлаб беришни сўраб хат ёзиб, жўнатиб юборилди. Ун – ўн беш кун деганда Олий аттестация комиссиясидан ёзган хатимизга ижобий жавоб олдик. Ана энди мен тўрт ой ҳамма нарсани унутиб айтилган Давлат имтиҳонларига жиддий тайёргарлик кўрдим ва барча имтиҳонларни “Аъло” баҳоларга топширдим. Сўнгра Москва менга “Ўзбек тили” ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациямни ҳимоя қилишга рухсат берди. Мен диссертация ишига шу қадар қаттиқ киришиб кетдим. Менинг ҳар кунлик маршрутим “уй – Маданият институти – Фанлар академияси кутубхонаси – уй” бўлиб қолди. Бошқа ҳамма ишларни деярли унутдим. Ишга шу қадар қаттиқ киришганимдан бўлса керак, 1986 йил сентябрь ойида бошлаган диссертация ишимни 1987 йилнинг май ойида якунладим. 1987 йил декабрь ойида авторефератимни тарқатдим ва

1988 йил 11 январь куни Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўзбек тили ва адабиёти институтида “Ўзбек тили кутубхоначилиқ-библиография терминологияси” мавзусида 10-02-02 – “Ўзбек тили” ихтисослиги бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациям ҳимояси бўлиб ўтди. Ҳимоя жуда муваффақиятли якунланди.

Азиз Пўлатовичга ҳимоям ҳақида анча олдинроқ хабар бердим, лекин устоз айрим сабаблар билан иштирок эта олмадилар. Ҳимоядан кейин илк кўришганимизда, ҳимоянинг яхши ўтганлигини эшитганларини, докторлик ҳимоямда, албатта, қатнашишларини ният қилдилар. Буюк Оллоҳ устознинг бу холис ниятларини ижобат қилди. Қаранки, 2005 йил 18 март куни Ўзбекистон Фанлар Академияси Ўзбек тили ва адабиёти институтида “Ўзбек китобатчилиқ терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш” мавзусида ёқлаган докторлик диссертациям ҳимоясида устоз олдинги қаторда ўтирдилар. Ҳимоя якунида кўлимни маҳкам сиқиб, бағриларига босдилар ва илиқ тилаклар билдирдилар.

2010 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Тарих факультети декани лавозимида ишлаб юрганимда “Ёшлар тарбиясида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги” мавзусидаги грант лойиҳасига раҳбарлик қилдим. Шунда “Алишер Навоий ижодида моддий ва маънавий ҳаёт уйғунлиги масалалари”га бағишланган монография ёзиб беришларини устоздан илтимос қилдим. Устоз йўқ демадилар. Ўшанда мен домланинг нақадар меҳнаткаш эканликларининг яна бир бор гувоҳи бўлдим. Ҳафтанинг ҳар шанбаси кечки соат олтиларда уйларига бораман. Кеннойи жуда ҳам илиқлик билан кутиб олиб, ичкарига олиб кирадилар. Ҳар сафар ичкарига киришим билан

болалигим эсимга тушаверарди. Чунки уйнинг ички жиҳозлари XX асрнинг 50-60-йилларига оид эди. Болалигим ўтган Қўқондаги уйимизда, шунингдек, дадамнинг ишхоналарида кўрган жиҳозларнинг такрори эди. Худди шунга ўхшаш стол лампалари бор стол-стулларда дарс қилганларим, шундай гиламлар устида дўмбалоқ ошиб ўйнаганларим ёдимга тушаверарди. Хатто, қаламдону сиёҳдонлар ҳам ўша-ўша ...

Ҳар сафар борганимда домла ўз дастхатлари билан ўттиз-қирқ саҳифадан иборат қўлёзмаларни беришарди. Қоғознинг биронтаси ҳам янги қоғоз бўлмай, қачонлардир бир томонига ёзилган, лекин иккинчи томони тоза бўлганлиги боис ўша томонига ёзилган, сарғайиб кетган бўларди. Мен бундан ҳижолат тортиб, икки-уч бор янги қоғоз пачкаларидан олиб бораман, ойлик маошларини элтиб бераман, устоз уларни аста бир чеккага олиб қўядилар. Кунлардан бирида ушбунинг сабабини сўраганимда, Навоий асарлари бўйича китоблар ёзганликларини, бу қоғоз ва пулларни уларнинг нашрига сарф этишларини айтишганди.

Кунларнинг бирида, таҳминан бундан етти-саккиз йил аввал, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Собитхон Носирхўжаев набирасининг суннат тўйи муносабати билан наҳорга ош берилётганлигини ва унга Азизхон Қаюмовни олиб келишимни мендан илтимос қилди. Мен бу таклифни жондек қабул қилдим ва кечки пайт устоз билан телефон орқали ошга бориш хусусида келишиб олдик. Эрта тонгда айтилган вақтда устознинг ҳовлилари олдига келдим. Устоз умр йўлдошлари билан жуда эрта бўлишига қарамасдан, кўчада сайр қилиб юришган экан. Салом-алиқдан сўнг машинага ўтирдик. Шунда устоз профессор Ҳофиз Абдусаматовни ҳам олиб кетишимизни, уларни ҳам огоҳлантириб қўйишганини айтишди. Ҳар икки йирик олим суҳбати жуда қизиди. Гапдан гап чиқиб профессор Ҳофиз Абдусаматов:

–Азиз Пўлатович, шу дейман, академикларга ҳам хизмат машинаси берилса, жуда “аъло” иш бўлар эди-да. Нима дедингиз? – деб сўраб қолдилар.

Азиз Пўлатов ҳозиржавоблик билан:

–Қаранг, илгарилари маҳалламизда битта менга хизмат машинаси келарди, ҳозир эса, битта менга хизмат машинаси келмайди, – дедилар. Бундай жавобни эшитиб, ҳаммамиз кулиб юбордик.

Ҳа, устоз ана шунда дилбар инсон эдилар. Умрларининг сўнгги йилларида бир умр қилиб юрган режаларини рўёбга чиқариш учун қаттиқ меҳнат қилдилар. 2008 ва 2010 йилларда устознинг ўн жилддан иборат “Асарлар” китоби “Мумтоз сўз” нашриётида чоп этилди. Мана ўша китобнинг 1-жилдига устоз ўз дастхатлари билан ёзган сўзлари: *“Муҳтарам ва қадрли олим ва фозил Иброҳимжон Йўлдошевга чуқур ҳурмат ила муаллиф, имзо, А.Қаюмов. 2009 йил*

16 май, Тошкент”. Қаранг, шогирдни кўқларга кўтаришни устоздан ўрганиш керак!

“Асарлар” нинг барча жилдларини олдим, қарасам, баъзи жилдлари иккита китобдан иборат экан. Масалан, 1-жилд иккита китобдан иборат бўлиб, биринчи китоб Навоийнинг “Хамса”сидаги илк дoston “Ҳайрат ул-аброр” талқини”га бағишланган. Ундан яна “Фарҳод ва Ширин” дostonи сирлари” ҳам жой олган. Мазкур китобга берилган аннотацияда ношир қўйидаги сатрларни битади: *“Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи “Мумтоз сўз” нашриёти билан ҳамкорликда Азиз Қажумовнинг “Асарлар”ни нашр қилишга киришди. Улар орасида олимнинг Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Ҳувайдо, Фурқат каби йирик ўзбек адибларининг ижодига оид асарлари бор. Шунингдек, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк олимлар илмий фаолиятига доир илмий-оммабон асарлари, Ўзбекистон академиклари тўғрисидаги рисоалари ҳам бу нашрда ўрин олган. Булардан ташқари, ўзбек, форс-тожик адабиёти тарихига оид мақолалари, илмий ишлари, таржималари ҳам “Асарлар” тўпламига киритилган”*.

Иккинчи китоб “Лайли ва Мажнун”, “Етти саёҳатчи” ҳамда “Садди Искандарий” дostonлари талқинидан иборат.

Мен устоздан “Нима учун 1-жилдга иккита китоб киритилганлиги?” ҳақида сўрадим. Устоз айтдиларки, “Яқинда чоп этилган Навоий Ҳазратларининг асарлари ўн жилддан иборат. Менинг “Асарлар”им буюк Навоийникидан ортиб кетиши номаъқул. Шунинг учун мен ҳам ўн жилддан кўпайиб кетишидан сақландим”, деб жавоб берганлар. Шунинг учун ҳам аннотацияда айтилган Ўзбекистон академиклари ҳақидаги китоб “Асарлар”нинг жилдлар сирасига киритилмасдан, алоҳида китоб ҳолида “Ўзбекистон академиклари” номи билан 2011 йилда чоп этилган. Буюк Навоийга бўлган ҳурматни устоз ҳар доим садоқат билан сақлаганлар.

Устоз билан жуда кўп маротаба суҳбатдош бўлиш шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман. Домла ҳар ким “Навоийни кўп ўқиши кераклигини” кўп такрорлар эдилар. Илмий тадқиқот ҳақида эса “Ҳар куни бир саҳифадан ёзсангиз, бир йилда 300 саҳифадан ортиқ ҳажмдаги асар пайдо бўлади”, дер эдилар.

Устоз сўнги ўн йилда жуда қаттиқ ишладилар. Яратилган асарларининг асосий қисми Навоий асарлари мазмунини бугунги китобхонга етказишга доир бўлди, десак янглишмаймиз. Яна бир айтганлари бор: “Ҳар ким ҳам ўз касби борасида академик. Мен Навоийни билганим учун академик бўлдим. Мана, фалончини олайлик, у компьютерни яхши билади, бу соҳада унга етадигани йўқ, у ҳам ўз соҳасининг академиги”.

Устоз умрларининг сўнги онларига қадар илмдан тўхтамадилар. Бу барчамизга ўрнақдир. Охиратингиз обод бўлсин, азиз устозим!

Иброҳимжон Йўлдошев
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
ректори, филология фанлари доктори, профессор

Prof. Dr. İbrahimcan Yoldaşev
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü
Rektörü

**АЗИЗ ҚАЮМОВНИНГ ИСЛОМГА ҚАДАР ЯРАТИЛГАН ЁЗМА
ЁДГОРЛИКЛАРНИ ЎРГАНИШДАГИ УЛУҒ ХИЗМАТЛАРИ**
**AZİZ KAYUMOV'UN İSLAM ÖNCESİNE AİT YAZMALARIN
İNCELENMESİNDEKİ BÜYÜK HİZMETLERİ**

*Қосимжон СОДИҚОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат Шарқшунослик институтути*

*Prof. Dr. Kasımcıan Sadıkov
Taşkent Devlet Şarkşinaslık Enstitüsü (Özbekistan)*

Аннотация. Ўтган юзйилликнинг 80- йилларида олим Азиз Қаюмовнинг етакчилиги остида Ўзбекистонда исломга қадар қўлланган ёзув ёдгорликларини илк манбалардан ўрганиш ишлари бошланган эди. Суғд, кўк турк, уйғур ёзувли ёдгорликлар устида тадқиқот олиб борувчи мутахассислар унинг раҳбарлиги остида етишиб чиқди. Ҳозир бу соҳалар Ўзбекистонда кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистонда бу соҳанинг бошланиши ва такомилда А. Қаюмовнинг хизмати каттадир.

Таянч сўз ва тушунчалар: *исломга қадар яратилган ёзма ёдгорликлар, туркий битиглар, суғд ёзуви, кўк турк ёзуви, уйғур ёзуви.*

Özet. Geçtiğimiz yüzyılın 80'lerinde, alim Aziz Kayumov başkanlığında Özbekistan'da İslam'a kadar yazılan eski el yazmalarına yönelik çalışmalar başlatılmıştı. Onun rehberliğinde, Sogd, Göktürk, Uygur abideleri üzerinde çalışma yürüten araştırmacılar ortaya çıktı. Bu alan çalışmaları günümüzde Özbekistan'da büyük ilgi ile ilerlemekte. Özbekistan'da, bu alanın başlanmasında Ord. Prof. Aziz Kayumov'un hizmetleri fevkalade büyüktür.

Anahtar Kelimeler: İslam öncesi yazmalar, Türk Bitikleri, Sogd yazısı, Göktürk yazısı, Uygur yazısı.

XI юзйилликда яшаб ижод этган улуғ шоир ва донишманд Юсуф Хос Ҳожибнинг «Билиглиг кишилар башиғ бил асиғ», яъни «Билимли кишиларнинг (жамоага) бош бўлишини фойдали деб билгин» деган сўзлари бор. Бу сўзлар тўла маънода ўзбек олими, устоз Азиз Пўлатович Қаюмовнинг ҳаёт йўли ва раҳбарлик фаолиятига ҳам тегишли.

Мен ушбу мақолада устоз А. Қаюмов илмий ва раҳбарлик фаолиятининг бир қиррасига – ота-боболаримизнинг исломга қадар қўллаган ёзувлари ва уларда яратилган битигларни ўрганиш соҳасидаги ишларига тўхталмоқчиман.

Олимнинг бу соҳадаги фаолиятини икки даврга ажратиш мумкин:

Биринчиси, у Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик қилган йилларга тўғри келади.

Иккинчи ва энг кўзга кўрингани, Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтига раҳбарлик қилган йиллардир.

А. Қаюмов Тил ва адабиёт институтига раҳбарлик қилган чоғларда эски ёзма ёдгорликларнинг илмий нашрларини яратиш ва уларни чоп эттиришга катта эътибор қаратди (мен буни унинг суҳбатлари ва ўша замонларни кўриб билган, қўл остида ишлаган олимларнинг оғзидан эшитганман). Ўша кезлар А. Қаюмовнинг кўрсатмаси билан С. Муталлибов «Девону луғати-т-турк» асарининг, Қ. Каримов «Қутадғу билиг» маснавийсининг, Қ. Маҳмудов эса «Ҳибату-л-хақойиқ»нинг илмий нашрларини яратиш чоп эттирганлар. А. Қаюмов бошчилигида амалга оширилган ушбу ишлар ўзбек адабиётшунослиги, қолаверса, бутун тукологияда катта воқеага айланган эди.

А. Қаюмов фаолиятининг кейинги босқичи, табиийки, Қўлёзмалар институти билан боғлиқ. Бу даргоҳдаги ўзининг узоқ йиллик илмий ва раҳбарлик фаолияти давомида олим ўзбек илмида, ўзбек шарқшунослигида ўта муҳим ва мураккаб, ўзига яраша катта бир йўналишга асос солди. Ўзбекистонда Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликларини кенг кўламда илмий ўрганиш ишларини бошлаб берган, кўҳна битигларни тадқиқ этувчи мутахассислар етиштириб, бу соҳанинг юксалувида бош-қош бўлиб турган олим Азиз Қаюмов эди.

Ўзбекистонда Ўрта Осиё халқларининг энг кўҳна ёзувлари ва уларда яратилган ёдгорликларни кенг кўламда ўрганиш иши 80- йиллардан бошланган. Сир эмас, бир пайтлар ўзбек олимларининг илк ўрта асрларнинг ёзма ёдгорликлари бўйича яратган илмий ишлари рус ва Европа олимлари яратган тадқиқотлар, улар чиқарган транскрипцион нашрлар асосида яратилар эди. Фанимиз олдидаги бу камчиликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институтида Азиз Қаюмовнинг

ташаббуси билан Ўрта Осиё халқларининг энг эски ёзма ёдгорликларини ўрганиш бўлими очилди.

Бўлимнинг муҳим вазифаси араб хати кириб келгунига қадар аждодларимизнинг қўллаган ёзувлари ва уларда яратилган ёзма обидаларни тарихий ва филологик ўрганишдан иборат эди. Бу соҳада ўтмишда кенг ишлатилган ва кунимизга дайин кўплаб ёдгорликлари сақланган учта йирик ёзув танланди. Булар: суғд, туркий рун (ўрхун-енисей) ҳамда эски уйғур ёзувларидир.

Суғд ёзуви мелоддан аввал юзага келиб, араб истилосига қадар кенг ишлатилган. Суғдларнинг Буюк ипак йўлида олиб борган савдо-сотик ишлари, уч йирик дин – буддизм, монийлик ва насронийликни ёйиш мақсадидаги уринишлари ҳамда маданий таъсирлар туфайли суғд тили билан бирга, ёзуви ҳам узоқ ўлкаларга ёйилди. Шунинг учун ҳам суғдча битиглар суғдларнинг ўз тупроқларидан ташқари, Марказий Осиёнинг узоқ ўлкаларидан ҳам топилган.

Туркий-рун, урхун-енисей, кўк турк ёзуви деб аталаётган қадимги туркий хат аждодларимизнинг йирик кашфиётларидан бири эди. Ўз даврида бу ёзувнинг доираси Узоқ Шарқдан бошлаб, Олтой ўлкалари, Марказий Осиё бўйлаб Шарқий Европага қадар ёйилган. Кўк турк ёзувида битилган тарихий-бадий асарлар адабиётимиз тарихининг тенги йўқ классик ёдгорликлари бўлиб, улардаги инжудай тизилган шоҳ сатрлар ўқиган кишининг кўнглини тўлқинлантириб юборади, ёшларга она-юртни севмакликни, қутлуғ ер-сув, тиниқ кўкни кўз қорачиғидек сақламоқни ўргатади. Ниҳоятда мазмунли ва ўта ажойиб асарлар яратилган бу ёзувда. Кўк турк ёзуви қадимги туркий халқларнинг улуғ кашфиётларидан бири эди.

Ҳозир фанда «уйғур ёзуви» дея аталаётган қадимги алифбони Маҳмуд Кошғарий «турк ёзуви», Алишер Навоий «туркча хат» деб атаган. Ушбу ёзув оромий тизимидан ўсиб чиққан бўлиб, исломга қадар ҳам, ислом даврида ҳам кенг қўлланган. Муҳими, бу ёзув XI–XV юзйилликларда турк-ислом дунёсида араб хати билан ёнма-ён ишлатилган. Ота-боболардан қолган ушбу ёзувдан Темурийлар ҳам кенг фойдаланди. Уйғур хати шарқий уйғурлар орасида ҳатто XVIII юзйилликда ҳам амал қилган эди. Туркий халқларнинг исломга қадар қўллаган ёзувлари орасида кенг ёйилган ва узоқ юзйилликлар оша қўллаган хати ана шу ёзув бўлган. Шунинг учун бўлса

керак, уйғур хатида битилган туркий ёдгорликлар ниҳоятда кўп. Айни чоғда улар дунёнинг йирик қўлёзма фондларида сақланиб турибди.

А. Қаюмов ўзбек ёзуви маданияти тарихини, ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихини, ота-боболаримиз меросини ўша битиглар ва уларда яратилган ёдгорликларсиз тасаввур эта олмади. Тарихимиз ўша обидалардан бошланганлигини қаттиқ туриб ёқлади. Шогирдларини ҳам халқ тарихи, адабиёт тарихига ана шундай кенг қарашга, миллат илдизларини теранликдан излашга ўргатди.

А. Қаюмовнинг яхши гапи бўларди: «Биз ўзбек ёзуви тарихини араб алифбосидан бошлайдиган бўлсак, катта бир методологик хатога йўл қўйган бўламиз: гўё исломга қадар, халқимизнинг ёзуви ҳам, ёзма адабиёти ҳам бўлмагандай. Шунинг учун ҳам ўзбек ёзув маданияти тарихини икки катта даврга: биринчиси, араб ёзуви кириб келгунга қадар бўлган давр, иккинчиси эса араб ёзуви ва унда яратилган ёдгорликларга бўлиб ўрганмак керак» дея таъкидларди у.

Қўлёзмалар институтида очилган янги бўлимнинг таркиби ҳам шаклланди. Қадимги суғд ёзуви ва унинг ёдгорликларини ўрганиш бўйича Мирсодиқ Исҳоқов, туркий рун ёзуви ва унда яратилган битигларни ўрганиш бўйича Насимхон Раҳмонов, эски уйғур ёзуви ва унда яратилган обидаларни ўрганиш бўйича мен иш бошлаганмиз. Бўлимда яна китобат тарихи йўналишида ҳам тадқиқот олиб борилар эди. Бу соҳада Муҳаммадjon Ҳакимов ва Эркин Охунжонов ишлаган.

Бўлимда илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари яратган ёзма обидаларни илк манбалардан, уларнинг қўлёзмалари асосида ўрганишга киришилди. М. Исҳоқов суғд ёзуви тарихи, палеография ва илк ўрта асрлар историографияси масалалари, Н. Раҳмонов қадимги туркий битиглар поэтикаси, мен эса уйғур ёзуви тарихи ва бу ёзувда яратилган туркий обидалар тили, хусусан, «Қутадғу билиг» маснавийсининг тил хусусиятларини ўрганишга киришдик.

А. Қаюмов – кенг фикрли олим эди; у узоқни, келажакни кўра билиб, фанга раҳбарлик қилди; ўз фаолияти давомида бағрикенглик билан мутахассис етиштиришнинг энг унумли усулларини ишга солди. Юртимизда бу соҳаларда мутахассислар етишмай турган бир пайтда, қўшни республикаларнинг мутахассислари, ҳатто чет эллик таниқли олимлар, йирик илмий марказларга мурожаат қилди. Қадимги туркий битигларнинг

билимдонлари, филология фанлари докторлари А. Аманжолов, Г. Айдаров, И.В. Стеблева, У.Ф. Серткая сингари туркологларнинг эътиборини Ўзбекистонга қаратди; қадимги ёдгорликларни ўрганувчи ёш мутахассисларни етиштиришда уларнинг кенг қамровли билими, тажрибаси ва кўмагидан фойдаланди. А. Аманжолов, Г. Айдаров, И.В. Стеблева сингари туркология фанининг жонкуяр-фидойилари А. Қаюмов билан елкама-елка туриб, Ўзбекистонда битигшунослар плеядасини етиштиришга кўмаклашдилар, ёш ўзбек олимларининг илмий ишларига раҳбарлик қилдилар. Хусусан, Г. Айдаров менинг номзодлик диссертациямга илмий раҳбар этиб тайинланди. А. Аманжолов, И. В. Стеблева, И.Л. Кизласов бизнинг докторлик диссертацияларимизга расмий оппонентлар сифатида қатнашдилар. Биз, ўзбек олимлари, илмий ишларимиз ана шундай таниқли олимларнинг назаридан ўтиб, юқори баҳоланганидан бениҳоя бахтиёрмиз. Буларнинг бари А. Қаюмовнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуси билан бўлди.

Ўша чоғларда Қўлёзмалар институтида аждодларимизнинг энг эски ёзувларини ўрганиш бўйича йирик илмий марказ шаклланди. Бу мактабнинг бошида А. Қаюмов турди.

А. Қаюмов ўз раҳбарлиги чоғида илмий муҳитни тутиб туришни ҳам билди, теварагида чинакам илмий муҳитни ярата олди. Биз А. Қаюмов бошчилигида ўтадиган илмий кенгашларни орзиқиб кутардик. Илмий кенгашларда ўткинчи нарсалар эмас, балки ўзбек илми, шарқ қўлёзмаларини ўрганиш, манбашунослик ва матншунослик учун муҳим саналган масалалар ҳал қилинар ва ҳар мажлисда бирор бир илмий маъруза тингланарди. Илмий кенгашнинг кенгайтирилган мажлисларига вақт-вақти билан ташқаридан келган йирик олимларнинг маърузалари ҳам киритилган. Қўлёзмалар институтининг илмий мажлислари билим ва тафаккурнинг ҳақиқий тантанасига айланар эди. А. Қаюмов бошқарган илмий мажлислар биз учун катта мактаб бўлди. Илмий кенгашларни уюштириш ва бошқариш маҳоратини А. Қаюмовдан ўрганмак керак.

А. Қаюмов ёшларга илм қилишни, ортиқча нарсаларга парво қилмаслик, илм билан шуғуланганда ҳам, фан равнақи учун энг керакли масалаларга эътибор қаратмоқликни ўргатди. Билим ҳар нарсадан устун эканлигини англатди.

Энг муҳими, Азиз Қаюмов ўта ҳалол ва олижаноб раҳбар эди. Олимдаги бу ижобий сифатлар унинг шогирдларига ҳам ўтгани ҳар қадамда сезилиб туради.

Институтда турли саналар, классик ижодкорларнинг юбилейлари муносабати билан илмий конференциялар ўтказиб туриш анъанага айланган эди. Йирик илмий анжуманларнинг бир қанчаси аждодларимизнинг энг эски ёзма меросини ўрганишга ҳам аталганди. Ўрта Осиё халқларининг исломга қадар яратган ёзма ёдгорликлари, қадимги туркий битиглар, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарларига бағишланган илмий анжуманлар кечагидай эсимизда турибди. Ушбу анжуманлар А. Қаюмовнинг ўзбек фанидаги улкан ютуқлари, энг кўҳна ёзма обидаларни ўрганиш соҳасидаги улуғ ишларининг натижаси, ҳисоботи сифатида ўтар эди.

А. Қаюмов ёш олимларнинг йилда бир ўтадиган илмий конференцияларига ҳам жиддий эътибор қаратган; фанимиз келажаги ёшларга боғлиқ эканини тўғри англади устоз. Ушбу конференцияларда у мажлис тугашигача ўтириб, ёшларнинг сўзини тинглар, сўнг ҳар бир маъруза тўғрисида ўз мулоҳазаларини айтиб чиқар, бундай эътиборни у устози Ойбекдан ўрганганлигини таъкидлаб ҳам қўярди.

Институтда илм билан шуғулланган, ўзбек фанини юксалтиришга ўз улушимни қўшаман деган олим четга сурилмади. Ўзбек адабиёти тарихи, қадимги битиглар, туркий тиллар тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик, ўрта асрлар историографияси, шарқ китобати тарихи йўналишларида қанча-қанча докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди; монографиялар яратилди. Уларнинг сонини аниқ айтолмайман, янглишсам керак.

Шулар қаторида энг эски ёзма ёдгорликларга бағишланган диссертациялар ҳам юзага чиқди: М. Исҳоқов докторлик ишини ёқлади; Н. Раҳмонов билан мен бошлаб номзодлик, кейин докторлик диссертацияларимизни ёқладик. Бу ишлар бизнинггина эмас, А. Қаюмовнинг ҳам ютуғи эди.

Илмий муассасада илм кишилари, айниқса, ёшларга шароит яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш билангина фанда яхши ютуқларга эришиш мумкинлиги А. Қаюмовнинг фаолиятида очиқ-ойдин кўриниб турибди.

А. Қаюмовнинг ўзи ҳам кўхна битиглар бўйича йирик ишлар яратди. Жумладан, у «Девону луғати-т-турк» асарида қадимги сўзлар маъносини очиқлаш учун келтирилган туркий шеърларни ҳозирги ўзбек тилига усталик ила, назмда ўгириб чиқди. Унинг ўгирмалари «Ўзбек адабиёти бўстони» туркумида чоп этилган «Қадимий ҳикматлар» китобига киритилган (Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 59–88- б.).

2000 йили «Ёзувчи» нашриётида А. Қаюмов, М. Исҳоқов, А. Отаҳўжаев, Қ. Содиқов биргаликда ёзган «Қадимги ёзма ёдгорликлар» китоби чоп этилди. Унинг чоп этилиши ўзбек историографиясининг катта ютуғи эди. Китобга кирган «Авестў» бўлимини А. Қаюмов ёзган (китобнинг 4–32-бетларида).

А. Қаюмов Ўзбекистонда исломдан аввалги ёзув ёдгорликларини ўрганиш ишини бошлаб берди. Ҳозир бу йўналиш ўзбек фанида янги босқичга қадам қўймоқда. Олимларимиз томонидан кўзга кўринарли илмий асарлар яратилмоқда. Энг муҳими, бу соҳада ёш олимлар етишиб чиқмоқда. Буларнинг бари А. Қаюмов бошлаб берган улуғ ишларнинг самарасидир.

Биз устозни ўзбек илмининг жонкуяри, фидойий олим сифатида ҳамиша ёдга оламиз.

ТЕАТР САНЪАТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ
TİYATRO SANATINDA ALİ ŞİR NEVAİ'NİN EDEBİ MİRASININ
ARAŞTIRILMASI

*Олтиной Тожибоева,
санъатшунослик фанлари доктори,
ЎзДСМИ профессори (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. Altınay Tacıbayeva
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий асарларининг ўзбек миллий театр санъатидаги талқинлари хусусида фикр юритилган. Улуғ шоир меросидаги улкан театр заҳираларини ўрганишда навоийшунослик тадқиқотларининг аҳамияти борасида мулоҳазалар қилинган.

Калит сўзлар: Илмий мерос, мумтоз адабиёт, театр, драматургия, спектакль, талқин йўллари, янгича ёндошувлар.

Annotation. The article examines the significance of the work of Alisher Navoi, as well as the impact on the new stage interpretation of the works of scholars studying the heritage of Navoi.

Key words: Scientific heritage, classical literature, theater, drama, spectacle, interpretation, new approaches.

Özet. Makalede, Ali Şir Nevai'nin Özbek ulusal tiyatro sanatındaki çalışmaları ele alınmıştır. Büyük şairin mirasındaki tiyatro kaynaklarının araştırılmasında nevaişinaslıkla ilgili araştırmaların öneminden bahs edilmiştir.

Anahtar Sözcükler: edebi miras, klasik edebiyat, tiyatro, drama, yorumlama, yeni yaklaşımlar.

Академик Азиз Қаюмовнинг бой илмий меросида Алишер Навоий ижоди борасидаги тадқиқотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Олимнинг буюк шоир асарларини кенг омма, айниқса ёшлар ўртасида тарғиб этишга қаратилган ишлари Алишер Навоий даҳоси, буюк ҳикматлари мағзини англашга ўргатади. Шу боис академик олимнинг тадқиқотлари нафақат адабиётшунослик, балки санъат йўналишларида ҳам улкан аҳамият касб этади. “Хамса” дostonларини кенг оммага тушунарли тарзда шарҳлаб берилиши ўқувчига улкан уммон қатрасидан баҳра олиш шуқуҳини бериб, изланишга ундайди, асарларни аслий ҳолда ўқиш ҳавасини орттиради. Шу

тариқа фикрлаш, мушоҳада қилиш, луғатларни титкилаш бошланади. Зеро, улуғ зот асарларини юзаки, бир томонлама тушунган ўқувчига Алишер Навоий ҳикматлари бағрига яширинган тимсоллар оламини англатувчи, тушунтириб берувчи китоблар, мақолалар, илмий-тадқиқот ишлари ниҳоятда зарурдир. Аллома Азиз Қаюмов тадқиқотлари шу боисдан ҳам ҳамиша азиз ва қадрли бўлиб қолади.

Алишер Навоий асарлари ва театр санъати муносабатларини англаб етилиши бу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини, санъатлар симбиози муайян бадиий ҳодисаниюзага келтиришини, бадиий ижоддаги таъсир ва таъсирланиш, сўз қудрати, тимсоллар мўъжизасини идрок этиш салоҳиятини беради.

Алишер Навоий ғоялари таъсирида ёки мотивлари асосида яратилган сахна асарлари албатта даҳо шоир дostonларининг улуғвор қиёфасини ифодалаши мушкул. Зотан ҳар бир дoston бир неча драмаларга, трагедияларга мавзу бўлишга лойиқ. Тадқиқотлар кўрсатадики, Алишер Навоий асарларларидаги кўз илғамас зоҳирий ва ботиний маъноларни тушуниш диний, маданий, лисоний илмларни билишни талаб этади. Тасаввуф адабиётига хос рамз ва мажоз санъатини идрок қилиш орқали мумтоз адабиётимизни нафақат ўрганиш ва тушуниш, балки унинг жаҳон бадиий жараёнларига ўтказган таъсирини тадқиқ этиш имконига эга бўлиш мумкин. Профессор Ҳ.Кароматов ёзганидек, «Ўзбек тасаввуф адабиётида худди Қуръондагидек хилма-хил тушунчалар, тарихий ва диний ҳодисаларга рамзий ишоралар, қайтариловчи ва етакчи мавзу ҳамда сюжетлар бараварига келиб, ўқувчини билим ва таҳаййул оламига ҳоди этади» (Ҳ.Кароматов, 1993:44).

Таасуфки, шўролар даврида Алишер Навоий асарларининг ғоявий-бадиий мундарижаси қисқартирилди, ижтимоий-сиёсий тушунчаларга мослаштирилди. Бу борада «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Хамса» нашри (1940) муносабати билан чопэтилган мақола фикримиз далилидир. Мақолада муаллиф ёзади, «Садриддин Айний «Хамса»ни (50 минг мисрадан ортиқ) моҳирлик билан қисқартириб берди. Бу қисқартириш техникбир процессдан иборат бўлмай, балки ижодий иш чизиғида борган» (Ю.Латиф, 1941). Бунингдек қисқартириш ва таҳрирлар натижасида муножотлар, диний-ирфоний фикрлар, тасаввуфий фалсафий қарашларолиб ташланди.

Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул мумтоз адабиёт ҳақида сўз кетганида «адабиётнинг полифоник тафаккури» (И.Ҳаққул, 2011:15) деган тушунчани қўллар экан, ундаги кўп оҳанглик, кўп маъноликни назарда тутуди. Айнан мана шу полифониклик театр санъатининг ҳам етакчи сифати ва бош хусусиятидир.

Бугунги кун театр санъатида кечаётган бадиий жараёнлардаги қатор муаммоларни ҳал қилинишида ҳам мумтоз адабиёт, хусусан Алишер Навоий асарларининг аҳамияти катта. Ҳозирги бадиий жараёнларда кечинма санъатининг психологик ижро услуги, пластик хатти-ҳаракатларгақурилган

спектакллар таъсирида сўз қудратига бўлган муносабат бирмунча пасайиб қолгандек. Саҳнадан айтиладиган сўз маҳобати, куч-қуввати, эҳтироси, жарангиборасида ўйлаб кўриш лозимдек назаримизда. Бу борада ҳамтеатр учун энг ишончли таянч манба мумтоз адабиёт бўлиб қолади.

Маълумки, Алишер Навоийнинг 1948 йилда – 500, 1968 йилда – 525 йиллик юбилейлари ўтказилди. Ўз навбатида мазкур тадбирлар навоийшунослик тараққиётида аҳамият касбэтди, адабиёт ва санъатда эса ўзига хос навоийномалар яратилишига хизмат қилди. Аксарият асарларда Алишер Навоий меросинисаҳнавий ўрганишда туб асослар ва тағмаъноларни ўқиш ва уқиш ўрнига сюжет кетидан юриш кузатилди. Уларда мафкуравий ҳозиржавоблик ва долзарблик қирралари пайдоқилинди. Гарчи театр санъатимиз тарихида Алишер Навоий дostonларига асосланган пьеса, инсценировка, либретто ва спектакллар яратилган бўлса-да, уларда ҳазратнинг ҳикмат булоғи тўлақонли равишда ўз аксини топди деб айтишга журъатимиз ва асосимиз етарли эмас. Яратилган спектакллар уларга мумтоз куй-ашулалар киритилгани ҳамда маҳоратли хонандалар, актёр-актрисалар ижроси билан кўпроқ шуҳрат қозонди.

Улуғ шоир ижодини ўрганиш борасида илм-фан, адабиёт ва санъат олдида турган кўплаб масалалар мавжудлиги кейинги йилларда янада яққолроқ намоён бўлди. Бу борада 1991 йилда Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейининг ўтказилиши алоҳида аҳамиятли бўлди. Бошланган ишларнинг натижаси ўлароқ, Алишер Навоий асарлари ҳеч бир қисқартиришларсиз, аслий ҳолда чоп этилди. Навоийшунослик илми ўз анъаналарини янги кун нуқтаи назаридан қайтадан идрок қилиб борар экан, булар саҳна навоийномасида ҳам янги саҳифалар яратиш учун етарлича имконият, шарт-шароит туғдирди. Аммо бу даврда яратилган асарларда Алишер Навоий руҳи ўзининг атрофлича бадий ифодасини топди дейиш қийин. Биргина 1994 йилдаги «Искандар» спектакли бундан мустасно бўлди. Адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев илк бор Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” дostonи асосида яратган инсценировкасида тўғридан-тўғри аслий намунага мурожаат қилди. Юксак мушоҳадалар, ўткир драматизмга тўлиқ бўлган, фалсафий ривоят шаклида саҳнага қўйилган бу асар режиссёр Баҳодир Йўлдошевнинг энг яхши спектаклларида бири бўлиб қолди. «Искандар» спектакли орқали бошланган Алишер Навоий меросини янгидан ўқиш, уқиш, англаш борасидаги жиддий изланишлар эса таассуфки, кейинги йилларда давом этмади.

Алишер Навоий дostonлари асосида асар яратишда ғоя, мақсад, сюжет йўллари, образлар характеристикаси, драматик тўқнашувлар, тасвирий ифода борасида аслий матндан ўрганиш орқали ёндошув ижодкорга кенг имконият беради. Шу ўринда фикримизни «Лисонут-тайр» дostonидаги

Шайх Санъон қиссаси мисолида асослаймиз. Ушбу дурдона асар ҳам академик Азиз Қаюмов томонидан нашрга тайёрланган.

Қиссада қизнинг шартлари бўйича зуннор тақиб, бутга сиғиниб, муқаддас китобни ёқиши амр этилган Шайхнинг ўзга руҳониятга қабул қилиниш маросими келтирилади. Мазкур тасвир инсценировка яратишда асл ҳолича қўллаш мумкин бўлган тарзда битилган. Шартли равишда «Қабул маросими» деб белгилаш мумкин бўлган бу парчадамакон, замон, тасвир, ҳаракат бирлиги ўз аксини топган. Мана ўша сатрлар:

*«Бода кўп-кўп онда ҳозир қилдилар,
Нуқл кўп-кўп доғи зоҳил қилдилар.
Савти ноқусу навойи арғунин
Шайх дини мотамиға тортиб ун...
Тахтидан тушти туман минг ноз ила,
Келди Шайх оллиға юз эъвоз ила.
Ўлтуруиб бир габраки жом этти нўш,
Ким кўруб шайх этти тарки ақлу хуш.
Бодадин соқийга юзлангач тараб,
Яна нур қилди қадаҳни лаб-балаб.
Деди: «Ич ложурға, эй улвий жаноб,
Журға қолса, билки, эрмасдур ҳисоб» (Навоий, 1996:127-128).*

Тасвирдан маълум бўладики, кўп миқдорда бода яъни шароб ва мевалар ҳозирланади. Хонада гўеки шайхнинг динигамотам тутгандек бўлиб, орган мусиқаси янграйди. Тарсо қизноз ила тахтдан тушиб келади. У ишва билан шайхга тикилиб, қўлидаги шаробни ичади, сўнгра қадаҳни соқийга туттади. Соқий қадаҳни тўлдириб қуяди. Қиз уни олиб ақлу хушиучган шайхга ўз қўли билан узатади ва буюради, – Эй, олийжаноб инсон, мана бунини ич, қадаҳ тагида бир томчиси қолса ҳам ҳисобмас! «Шайх Санъон» қиссасида саҳнавий кўриништасаввурини берадиган бунингдек бадий тасвирлар кўп. Муҳими асар асосида инсценировка, либретто ёки пьеса яратишда улардан ўринли фойдаланиш, мазмун моҳиятига путур етказмасликдир.

«Шайх Санъон» 1999 йилда Ўзбекистон Ёшлари театрида режиссёр Наби Абдурахмонов томонидан, унинг ўзи ёзган инсценировка асосида саҳналаштирилди. Спектакль дастлаб Навоий номидаги майдонда ўйналди. Режиссёрнинг тафаккури, ижодий фантазияси асардан кўзда тутилган мақсадни мусиқа ва рақс санъати уйғунлигида ифода этишга қаратилган. Сюжетнинг ғоявий йўналиши, образлар моҳияти хатти-ҳаракатлар, пластик ечимлар, ранглар, мусиқа, хореографик воситаларда ифодаланган. Режиссёр спектаклда мажозий муҳаббатнинг юксак, улуғвор туйғу эканлигини кўрсатиш орқали Алишер Навоий оламига яқинлашса-да, аммо буюк шоирнинг илоҳий ишқни акс эттирган қиссасимағзига тугал кириб борган, деб бўлмайди. Натижада йирик эпик манбага асосланган спектакль адабий манбаси одатий асарлардан катта фарқ қилмади.

Театр – жонли вужуд. У ҳар қандай даврда замонаси билан бирга нафас олади, муаммолари ва масалалари билан ҳамфикрлик қилади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Аммо шу билан биргаликда театр санъати ўз даври тафаккури ва фикрлаш оламига таъсир кўрсатиши, маънавият дунёсида из қолдириши ҳам муҳим. Бу борада Алишер Навоий мероси театр санъати учун тубсиз хазина бўлиб ётибди. Ҳазратнинг ҳар бир достонибир нечадан пьеса васпектаклларга асос, ўнлаб мавзуларга манба бўлиши мумкин.

Бугунги жамиятнинг маънавий эҳтиёжи Алишер Навоий асарларини театр санъати нуқтаи назаридан чуқур англаш ва англатишни тақозо қилади. Эҳтимол келажақда айнан Алишер Навоий асарларини саҳналаштиришга ихтисослашган махсус театр ҳам пайдо бўлар. Ҳозирда эса Алишер Навоий асарларининг муҳиби ва мухлиси бўлгандраматург, режиссёр, актёр, рассом, бастакорлар бевосита навоийшунос мутахассислар билан биргаликда ижод қилиши буюк шоирмеросини ўрганиш сари яна бир амалий ҳаракат, мақсадлиқадам бўлур эди. Академик Азиз Қаюмовнинг илмий мероси эса бу борадаги ишларда улкан восита, таянч манба, муҳим омилдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 12 –жилд. Лисонут-тайр. Масъул муҳаррир: А.Қаюмов. -Тошкент: Фан, 1996. - Б.357.
2. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. -Тошкент: Фан, 1993. - Б.96.
3. Хамса. С.Айний томонидан қисқартириб нашрга тайёрланган. Масъул муҳаррир: П.Шамсиев. Узпеднашр, 1940.
4. Юнус Латиф. «Хамса» //«Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1941.11.04.
5. Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.
6. Қаюмов А. Қалб кўшиқлари (Академик В.Зоҳидовнинг «Навоий ижодининг қалби» китоби тўғрисида). – Тошкент: Mumtoz so`z, 2016. –Б. 44.
7. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 2011. – 197 б.

**АЗИЗ ҚАЙУМОВНИНГ НАВОИЙ “ХАМСА”СИДА ФАРЗАНД ВА
ОТА-ОНА МУНОСАБАТИГА БИОГРАФИК ЁНДАШУВИ**

**ALİ ŞİR NEVAİ “HAMSE”SİNDEKİ ÇOCUKLAR VE EBEVEYN
KONUSUNA AZİZ KAYUMOV’UN BİYOGRAFİK YAKLAŞIMI**

*Ободон Адизова,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Abadan Adizova
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада адабиётшунос Азиз Қайумовнинг Навоий асарларини англашда биографик усулдан фойдаланиш маҳорати ёритилган. Шоирнинг дostonлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, биографик усул, бадиий образ, адабиётшунос, бадиий талқин, илмий, мавзу, ғоя, ҳаёт, фарзанд, тарбия, лирик қаҳрамон.

Annotation. The article deals with the mastery of the use of biographic method in understanding the works Navoiy by literary critic Aziz Kayumov. The poems of the writer are also analyzed in the article.

Key words: Alisher Navai, biographic method, artistic image, literary, artistic interpretation, scientific, childhood, friend, literary, topic, idea, life, training, lyrical hero.

Özet. Makalede tanınmış edebiyatbilimcisi Aziz Kayumov’un Ali Şir Nevai eserlerine biyografik yaklaşım metodunun önemi açıklanmıştır. Nevai eserlerindeki çocuklar ve ebeveyn ilişkisinin edebi pedagojik yönü araştırılmıştır.

Anahtar Sözcükler: Ali Şir Nevai, Biyografik metod, edebi tımsal, Edebiyatşınaslık, çocuk, terbiye, kahraman.

Мустақиллик даври халқимиз маънавий олами учун ижобий ўзгаришларга бой бўлди. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, улуг мутафаккир Алишер Навоий ҳазратларининг йигирма томлик мукамал асарлар тўплами нашри амалга ошди. Мумтоз адабиётимизнинг ўзига хос яратилиш анъаналари, улардаги муқаддима қисмлар, илоҳий ва тасаввуфий тушунчаларнинг аслича берилган қувонарли ҳодиса эди, албатта. Жумладан, Навоий “Хамса”си дostonларининг тўлиқ матнини ўқиш имконияти яратилгани таҳсинга лойиқ бўлди. Натижада Алишер Навоийнинг мукамал асарлари асосида янги-янги тадқиқотлар, ёхуд мустақил юрт маънавиятига хос янги талқинлар юзага кела бошлади. Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда мумтоз талқинлар асосида тузилди ва бу янгиланиш давом этаётир. Навоий асарларига мурожаат ҳам шу маънода

тобора кенгаймоқда. Бироқ бир ҳақиқатни инкор қилиб бўлмайди: Навоийни ҳамон адабиётшунослару мутахассис навоийшунослар тушуна билади. Кенг китобхонлар оммаси эса бу улуғ мутафаккирнинг асарларидаги тасаввуфий-ирфоний, мажозий, ижтимоий-сиёсий қарашларини моҳиятан тўлиқ тушуниб етмайдилар. Навоий ижодини тушунишнинг бир йўли эса бу улуғ ижодкор асарларини биографик усулда, яъни муаллиф асарига унинг таржимаи ҳоли, яшаган даври нуқтаи назаридан ёндашиб ўрганиш заруриятидир. Маҳоратли олим Азиз Қаюмов шоир ижодини ўрганишда кўпроқ айнан шу йўлдан боргани унинг яратган илмий асарларини халққа яқинлаштирган муҳим омиллардан бири бўлди, дейиш мумкин.

Алишер Навоий “Хамса”си бир-бири билан ич-ичидан мустаҳкам боғланган бешта дostonни қамраб олувчи яхлит асардир. Буюк шоир унда ўз даврининг барча долзарб муаммо ва масалаларини қаламга олишга интиланган. Шунинг баробарида ўз ҳаёти билан боғлиқ айрим ҳодисаларни ҳам асарлари мазмунига баъзан билиб, баъзан билмай сингдириб юборган. Азиз Қаюмов Навоийни халққа танитиш, кенг ўқувчилар қалбига олиб кириш, ҳеч бўлмаганда, шоир асарларининг бош моҳиятини, уларда илгари сурилган умуминсоний қадриятлар мазмунини, шоирнинг орзу-истак ва армонларини ўқувчиларга тушунтиришга интилар экан, кўп ҳолларда шоир ҳаётининг мана шундай биографик қирраларини очиб беради.

Азиз Қаюмов, аввало, Навоий “Хамса”сидаги дostonларнинг ижодий таржимасини амалга оширишга, ўзининг теран мушоҳадали талқинларини илмий-оммабоп тилда, бадий тасвирларга бой эссе даражасидаги мустақил асарлар кўринишида халққа етказишга ҳаракат қилгани кузатилади. Инсоннинг фарзанд кўриш орзу-истаги кундалик турмушга оид оддий ҳол ва оддий бир тартибдир. Негаки, ҳар бир инсон ўзидан ном ва из қолдириши учун, аввало, фарзандли бўлишга, яна ўз халқи ва эли учун нимадир эзгу ва хайрли ишлар қилиб қолдиришга интилиб яшайди. Булар инсон моҳиятини белгиловчи қирралардир. Навоий айтганидек:

*Ким, эскирибон ҳаёт раҳти,
Майл этса йиқилғали дараҳти.
Нахли бўлғай ёнида навбар,
Раънолиғи ўйлаким, санавбар.*

Шоир демоқчики, агар кишида бола бўлса, унинг ҳаёт дараҳти йиқилганида санавбар сингари бир баркамол ниҳол унинг ўрнида қад кўтариб туради. Мабодо ҳодисалар молу мулкани тўзитиб юборадиган бўлиб қолса, меросхўр бунга йўл қўймайди.

Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” дostonининг биринчи ва учинчи ҳикояларида бефарзандлик мавзусида ёзади. Унинг қаҳрамонлари Фаррух ва Саъднинг дунёга келишига ҳам эътибор қаратади. Негаки, фарзанд кўриш иштёқи инсон ҳаётидаги энг эзгу, шу билан бирга, оддий ва табиий истақдир. Ана шу орзунинг амалга ошмаслиги инсон қалбида чуқур ва оғир

ҳислар уйғотиши ҳам табиий. Шу дардни бошидан кечирган инсон билан фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлган одам ўртасида анча фарқ бўлади. Қолаверса, у фарзандсизлик мотиви орқали ўз дostonларида ифодалаётган воқеаларнинг драматизмини кучайтиришни кўзда тутган.

Азиз Қаюмов улуғ шоирнинг фарзандсизлик мотивидан фойдаланиш маҳоратига диққат қаратар экан: “Обру ва давлат фарзандсизлик ва ёлғизлик ўртасидаги қарама-қаршиликда турмуш диалектикаси акс этади. Бу эса дoston бадий матосининг пишиқлигидан бир нишонадир”, – деб ёзади (Қаюмов, 2008:13).

Навоий асарларида келтирилган бундай мотивлар шоир асарларининг бадий материали реал ҳаёт, кундалик турмуш билан мустаҳкам боғлиқ эканидан дарак беради. Шоир фарзандга эга бўлгач, уни асраб-авайлаш янада масъулиятли эканини ҳам таъкидлайди. Шу ғояни очиш мақсадида узоқ кутилган фарзандлар Фарҳод ва Қайснинг чақалоқлик ва гўдаклик тасвирига алоҳида ёндашгани кузатилади. Бинобарин, шоир Қайснинг чақалоқлик даврини тасвирлар экан, уни оқ ва юмшоқ жунли пўстинга ғунчани юз либос билан ўраган сингари чирмаганларини, болани кўз мардумидек асраб, совуқ шамол тегишидан эҳтиёт қилганларини айтади. А.Қаюмов таъкидича: “Навоийнинг гўдак Қайс парваришига оид келтирган бундай тафсилотлари, даставвал, воқеалар мантиқи тақозо қилган ҳаракатлардир. Сўнгра эса улғайганидан сўнг бола бошига тушадиган савдолар шиддати бундай авайлаш қаршисида шиддатлироқ бўлади” (Қаюмов, 2008:14).

Ўзбекларда фарзанд ва ота-оналар орасидаги муомала-муносабат, ота-онанинг фарзандга, фарзанднинг эса ота-онага гўзал ахлоқий муомаласи “Лайли ва Мажнун” дostonида Қайснинг ота-онасига шундай муомаласи орқали ёрқин очиб берилган. Бу ўринда Навоий катта ёшдаги фарзандларга нисбатан тутилмоғи керак бўлган муомала маданиятидан ўзига хос таълим бериб ўтади. Шоир Мажнуннинг ота ва онасини нечоғлик қаттиқ ҳурмат қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлари тасвирига алоҳида эътиборни қаратади. Ота-онасига чексиз меҳру ҳурмати туфайли Мажнун уларнинг измидан чиқмасликка ўзини мажбур қилади. Дostonдаги шу ўринларни Азиз Қаюмов: “Агар ўғилнинг ўз ота ва онасига бу қадар итоати бўлмаганда, Лайли кўйида саргардон Мажнуннинг бошқа қизга уйлантирилиши мутлақо асоссиз ва сунъий бўлиб чиқар эди. Мажнуннинг бу итоаткорлиги Навоийнинг кўнглига энг яқин туйғу – “ота ва онага чин фарзандлик муҳаббати ва итоатининг ифодаси ҳам эди”, – дея изоҳлайди (Қаюмов, 2008: 221).

Тўғри, Мажнун билан отаси ўртасидаги муносабатлар ғоят мураккаб эди. Мажнун мурувват ва футувват аҳлига мансуб инсофли ва одобли фарзанд эди. У ота ва она ризолигини баланд тутгани учун отасининг талабини қабул этади ва ўзининг ота ҳукмига бўйсунажани билдиради..

Мавжуд тарихий маълумотлардан маълумки, Навоийнинг отаси ҳам Мажнуннинг отаси каби кичик бўлса-да, ҳукмронлик мавқеига эга зот бўлган. У Сабзавор вилоятининг бошлиғи вазифасида фаолият юритган. Худди шунингдек, Мажнуннинг отаси ҳам маълум бир қабиланинг бошлиғи эди. Фақат фарқли томони Мажнуннинг отаси образида ёлғиз фарзандига ғамхўр ва фидокор падар, қўли очиқ сахий ва бағрикенг инсон, ўз қўли остидаги одамларга меҳрибон, шафқатли, софдил ва инсофли қабила раҳнамози гавдалантирилган. Унинг ҳар бир ҳаракати, қилган ишлари, айтган сўзлари шу таърифни исботлайди. Инсонпарварлик характери унинг табиатидан келиб чиқади. Масалан, Мажнуннинг отаси ўғлига ҳамиша яхшилик тилайди. Бу яхшиликни ота ўз тушунчасига мослаган ҳолда амалга оширади. Айтайлик, Қайс телбанамо ишқ даштида кезгани учун ҳамма уни “Мажнун” деб атай бошлагани ота қалбини ниҳоятда эзиб юборади. Бунинг олдини олиш мақсадида ота ўғлини занжирга солади. Ёки яна ота ўғлининг туйғуларига зид бориб, уни Навфалнинг қизига уйлантириш тадбирини қўллайди. Бу билан аслида ота эзгу ва хайрли мақсадни кўзда тутди.

“Лайли ва Мажнун”да отанинг ўғлига нисбатан ғоятда одобли ва инсофли муносабати ҳам кўрсатиб ўтилган. Негаки, бунда ота фарзандининг ишқ йўлидаги савдойилигига дастлаб тоқат қилади, ўзининг оқил ва хушёрлигини намойиш этиб, тақдирга тан беради.

Мажнуннинг эсу хуши жойида, назми ҳам равон экани ҳақида айтилаётган бу мисралар Навоийга ҳам тегишлидир. Чунки Навоий отаси тириклик пайтлари шоир сифатида ном қозониб улгурган эди. Ақлли, шоиртабиат Ғиёсиддин Кичкина эса қандай инсон шоирлик қила олишини, бунинг учун инсонда нафақат туғма истеъдод ва қобилият, балки теран ақл-заковат, билим бўлишини яхши биларди. Шу сабабдан у ўғли тутган йўлни тушуниб, унга қаршилик кўрсатмаган. Ўғлига ва унинг келажагига, ижодига ишонч ва ҳурмат билан қараган. Уни ўз тушунчалари асосида бошқаришга, ўзи маъқул деб билан йўлидан юргизишга ҳаракат қилмаган. Ўғлига ҳамиша инсоф ва адолат билан муносабат кўрсатган.

Азиз Қаюмов Навоий ижодига шоир биографияси нуқтаи назаридан нигоҳ ташлар экан: “Шоир ижоди ҳар доим у яшаган даврнинг энг муҳим масалаларини қамраб олган ва уларга жавоб берган. Шу жиҳатдан улар бадий ижоддаги замонавийликнинг ёрқин тимсоли бўла олади деб ҳисоблайди. Биографик усул адабиётшунос Азиз Қаюмов фаолиятининг устувор йўли бўлиб, Навоийни англашда, унинг асарлари моҳиятини чуқур тушунишда энг мақбул метод эканини тўлиқ намоён этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаюмов А. Асарлар 1-жилд, 2-китоб. Ишқ водийси чечаклари. “Лайли ва мажнун”. Етти саёҳатчи. “Садди Искандарий”. -Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.400
2. Қаюмов А. Асарлар. 10 томлик. 4 том. – Б.368

АЗИЗ ҚАЮМОВ ХАМСАНАВИСЛИКДА ЖОМИЙНИНГ ЎРНИ ҲАҚИДА
AZİZ KAYUMOV, HAMSECİLİKTE ABDURRAHMAN CAMI’NİN ROLÜ
HAKKINDA

*Д.С.Ўраева, БухДУ профессори,
 филология фанлари доктори
 М.Шарипова, Шофиркон тумани
 1-мактаб ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. D.S.Orayeva,
 Buhara Devlet Üniversitesi,
 M.Şaripova,
 Şafirkan, Buhara (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада таниқли адабиётшунос, академик Азиз Қаюмовнинг Шарқда хамсанавислик тарихи ва унинг такомилда Абдурахмон Жомийнинг ўрни ҳақидаги фикрлари ўрганилган.

Калит сўзлар: Адабиётшунос, академик, Азиз Қаюмов, Шарқ, “Хамса”, хамсанавислик, Жомий.

Annotation. The article is about the well-known literary critic, academician Aziz Kayumov's comment on the history of the creator of Khansa in the East, and the role of Abdurakhman Jomiy in his studies.

Key words: Literary critic, academician, Aziz Kayumov, the East, "Hamsa" ("Quinary"), writer of "Hamsa" (Quinary), Jomiy.

Özet. Makalede tanınmış edebiyatbilimcisi, Ord.Prof. Aziz kayumov’un Doğu da Hamseciliğin tarihi ve gelişmesinde Abdurahman Cami’nin rolü ile ilgili çalışmaları kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Aziz Kayumov, Abdurrahman Cami,

Таниқли адабиётшунос, академик Азиз Қаюмов таъкидлаганидек: “Мусулмон Шарқи эпик поэзияси тарихи хамсачилик анъанаси билан чамбарчас боғлиқ” (Қаюмов, 1-жилд, 2008). Олим хамсани жанр сифатида эътироф этади ва унинг даставвал XII асрда вужудга келганини, саккиз асрга яқин вақт давомида юзлаб жавоб дostonларга эга бўлганлигини билдириб ўтади.

Шарқ адабиётида биринчи “Хамса” битган шоир озарбайжонлик Низомий Ганжавий ўз дostonларини бирданига эмас, 1170-1204 йиллар оралиғида алоҳида-алоҳида ёзганлиги маълум. Шоир вафотидан сўнг бу бешта дoston яхлит бир тўпламга бирлаштирилиб, “Панж ганж” (“Беш хазина”) деб атала бошланган ва кейинчалик “Хамса” номи билан шуҳрат қозонган. “Хамса” арабча “бешлик” сўзидан олингани учун кўпчилик унинг бундай номланишига таркиби беш дostonдан иборатлигини сабаб деб

билади. Дарҳақиқат, хамсанавислардан Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Алишер Навоий “Хамса”си таркиби бешта мустақил дostonдан таркиб топган. Биргина Абдурахмон Жомий хамсаси етти дostonдан тузилган бўлиб, шунга мос тарзда “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) деб номланган. Шундай бўлса-да, у барибир яратилган хамсалар қаторидан муносиб ўрин эгаллай олган. Худди шу жиҳат “Хамса”ларнинг яратилиши учун уларнинг фақат бешта дostonдан иборат бўлишлиги асос эмас, балки барчасида мусулмонликнинг беш фарзи ёки унда биринчи ўринда турувчи “иймон” фарзининг етти белгиси талқинини ифода этиш шартланганлиги асосдир деган фикрга етаклайди. Агар “Хамса”ларнинг барчаси мусулмон давлатларида мусулмон динидаги шоирлар томонидан яратилгани эътиборга олинса, мазкур қараш янада кучлангандай бўлади.

Низомий хамсанавислигидаги ўзига хос жиҳат шундаки, унинг ҳар бир дostonи аниқ вақтда қайсидир ҳукмдорга бағишлаб, ўзигача яратилган бирор дoston таъсирида ёки бирор ҳукмдор топшириғи асосида вужудга келган. Жумладан, унинг илк дostonи “Махзан ул-асрор” (“Сирлар хазинаси”) 1170 йилда ғазнавийлар ҳукмдори Баҳромшоҳ (XII аср)га бағишлаб, XII аср мумтоз шоири Ҳаким Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар боғи”) дostonи таъсирида яратилган бўлса, шундан кейинги дostonлари ҳукмдорлар топшириғига кўра, айтайлик, “Хусрав ва Ширин” 1181 йилда салжуқий ҳукмдор Тўғрул Пнинг (1174-1194), “Лайли ва Мажнун” 1188-89 йилларда Ширвоншоҳ Ахситан Ининг, “Ҳафт пайкар” (“Етти гўзал”) 1196 йилда Алоуддин Кўрпа Арслоннинг (1174-1207) топшириғи билан яратилган. Фақатгина унинг “Шарафнома” ва “Иқболнома” деб аталувчи икки қисмдан иборат “Искандарнома” номли бешинчи дostonининг қайси йилда яратилганлиги аниқ эмас. А.Қаюмов ёзганидек, адабиётларда унинг 1197 йилдан кейин ёзилганлиги ҳақида баъзи қайдлар учрайди.

Хусрав Деҳлавий (1253–1325) Низомий Ганжавийнинг бу дostonларига жавоб ёзиб, хамсанависликка анъана тусини берди. Унинг 1299-1301 йилларда “Матлаъ ул-анвор” (“Нурларнинг бошланмаси”), “Ширин ва Хусрав”, “Мажнун ва Лайли”, “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”), “Ойнайи Искандарий” (“Искандар ойнаси”) дostonлари ёзилди.

Озарбойжон олими Ғ.Алиев Низомий дostonлари мавзуси ва сюжетига эргашиб, жавобия кўринишида 300 га яқин ижодкор ўз асарини яратганини аниқлаган. Биргина XV аср Ҳирот адабий муҳитида 20 га яқин ижодкор хамса ёзишга уриниб кўргани айтилади. Хусусан, бу борада Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий номи алоҳида қайд этилади. Лекин А.Қаюмов ҳиротлик хамсанавислар ҳақида Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” (1498), Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” (1486), Ҳумомиддин Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” асарларида келтирилган маълумотларга эътиборни қаратиб, уларни уч гуруҳга ажратишларини эслатиб ўтади:

1. Тўлиқ хамса муаллифлари (Жамолий, Ашраф Мароғий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий).

2. “Хамса”нинг баъзи дostonларига жавоб ёзган ижодкорлар (Котиб Туршизий, Абдуллоҳ Ҳотифий, Бадриддин Ҳилолий, Шаҳобиддин Жомий).

3. Битта дostonга жавоб ёзган ижодкорлар (Шайхим Суҳайлий, Али Оҳий, Хожа Имод Лорий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ, Заве Қозиси; Осафий Ҳиравий, Наргисий, Ғиёсиддин Сабзаворий, Фосиҳ Румий, Саййид Қосимий).

Бу таснифдан кўринадики, Абдурахмон Жомий тўлиқ хамса яратган муаллифлардан биридир. Хамсанавислик тарихида унинг алоҳида ўрни бор. Форс-тожик адабиётининг кўзга кўринган вакили Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) хамсасидаги дostonлар бешта эмас, балки “Саломон ва Абсол” ҳамда “Силсилатуз заҳаб” дostonлари қўшилган ҳолда еттита бўлиб, “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) деб аталса-да, барибир “Хамса” ҳисобланади. Бизнингча бунга “Хамса”ларнинг шаклидан кўра, мазмуни асос қилиб олинган. Юқорида таъкидлаганимиздек, хамсаларда мусулмонликнинг беш фарзи ҳамда етакчи ўрин тутувчи “иймон” фарзининг етти белгиси талқини муҳим саналади. Яна хамсанавислик шартига кўра, унинг илк дostonи фалсафий-дидактик йўналишда бўлиши шартланган.

Маълумки, исломда етти нарсага шубҳасиз ишонадиган киши иймонли ҳисобланади ва ислом сафидан муносиб ўрин эгаллай олади. Биринчиси – етук ҳикмат ва ўзгармас қонуният асосида қурилган олам ва унинг ичида ҳар бири алоҳида олам бўлган инсонни яратган азалий ва абадий куч – Оллоҳга ишониш бўлса, иккинчиси – олам жумласидан бўлган кўзга кўринмас руҳоний мавжудот – фаришталар борлигига; учинчиси – Оллоҳ инсониятга ҳақиқат йўлини кўрсатиш учун қадим замонлардан бошлаб ўзлари ичидан бирини воситачиликка танлаб келган ва уларга фаришталар орқали илм ва маърифат инъом этган пайғамбарларга; тўртинчиси – Оллоҳнинг фаришталар орқали ўз пайғамбарларига жўнатган китобларига, хусусан, пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳи-с-салом)га берилган Қуръони Карим Оллоҳнинг муқаддас китоби деб ишониш; бешинчиси – охират кунига, қайта тирилишга; олтинчиси – тақдирга, яъни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Оллоҳдан эканига; еттинчиси – ўлимдан кейин қайта тирилмоққа, жаннат ва дўзахга ишониш.

А.Қаюмов таъкидлаганидек, Жомийнинг ўзи ҳам “Ҳирадномаи Искандарий” дostonининг хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атаган. Сабаби шундаки, Абдурахмон Жомий ўз дostonларини яратишда хамсачилик анъаналарига қатъий риоя этгани кузатилади. Жумладан, шоир биринчи дostonи “Тухфат ул-аҳрор”ни (1481) фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишлаб, Низомий Ганжавийнинг “Махзан ул-асрор”ига жавоб тариқасида, унинг номланишига мос номлаб, ўша композицион қурилиш ва шеърӣ ўлчовда яратилган бўлса, 1482-83 йилларда яратган иккинчи дostonи “Субҳат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг тасбеҳи”)ни хамсачилик анъанасига мувофиқ, ишқӣ мавзуга бағишлаган. Жомий

хамсанавислигидаги ўзига хослик яна шунда намоёнки, унинг учинчи достони “Лайли ва Мажнун” эмас, балки “Юсуф ва Зулайхо” (1483)дир. Бошқа хамсаларда бундай мавзу ва сюжетдаги дoston учрамайди. “Лайли ва Мажнун” (1483)ни у ўз “Хамса”сида тўртинчи дoston сифатида берган. Шоирнинг дostonлари маснавийда, кўпроқ фалсафий йўналишда яратилгани билан ҳам ўзига хослик касб этади. А.Қаюмов ёзганидек, “Жомий “Хусрав ва Ширин” мавзусидаги анъанавий дoston яратишдан воз кечиб, Қуръонда “аҳсан ул-қисас” – “қиссаларнинг сараси” деб таърифланган Юсуф қиссаси баёнига бағишланган “Юсуф ва Зулайхо” дostonини яратишни лозим кўрган. Абдурахмон Жомий “Хамса”сидаги сўнги – бешинчи дoston “Хирадномаи Искандарий” ҳам Жомийнинг анъанага риоя этиши билан характерланади.

Хуллас, Абдурахмон Жомий хамсачилик анъанасига айрим ўзгартишлар ҳам киритди. У инсон умрининг мазмуни, табиат, жамият ва инсон муносабатларига доир муаммоларни муайян тақдирлар, воқеалар мисолида ёритишга ҳаракат қилди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. Ишқ водийси чечаклари. “Лайли ва Мажнун”. Етти саёҳатчи. “Садди Искандарий”. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008. – 400 б.

2. Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. “Хамса” сарлавҳалари. “Бадоеъ ул-васат”. Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2009. – 384 б.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИГА ДОИР**CENGİZ AYTMATOV ESERLERİNİN ÖZBEKÇE ÇEVİRİSİ İLE LGİLİ**

*Дилмурод Қуранов,
филология фанлари доктори, профессор
Андижон давлат университети, Ўзбекистон*

*Prof. Dr. Dilmurad Kuranov
Andican Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада “Чингизхоннинг оқ булути” қиссасининг ўзбек тилига таржимаси аслият билан қиёслаб ўрганилган. Бадиий матн таржимасида сўз танлаш билан бирга сўзларни муайян тартиб ва ўзаро алоқа-муносабатда жойлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга эканлиги мисоллар орқали асослаб берилган.

Калит сўзлар: Чингиз Айтматов, таржима, аслият, жумла, бадиий матн.

Annotation. The article studies the translation of Ch. Aitmatov’s “White Cloud of Genghis Khan” into Uzbek in association with the original. With concrete examples, it is shown that in the literary translation, both the choice of words and their placement in a certain order and relationships among themselves are equally important.

Key words: Chingiz Aitmatov, translation, original, phrase, artistic text.

Özet. Makalede Cengizhan’ın Beyaz Bulutu eserinin Özbekçe çevirisi eserin orijinaliyle karşılaştırılmıştır. Edebi çeviride söz seçimi, deyim aktarımı ve özel anlatım biçiminin aktarım tekniğine ilişkin görüşler kalem alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Cengiz Aytmatov, Cengiz han’ın Beyaz Bulutu, edebi çeviri.

Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўгирилган, ўзбек китобхонларининг маънавий мулкига айланган. Сир эмаски, таржима асарнинг бадиий-эстетик савияси, қиммати аслиятга тенг бўлмайди, сабаби, асарни аслият тилида ўқиш билан таржимада ўқиш натижасида воқеланадиган эстетик ҳодиса битта эмас. Негаки, иккинчи ҳолда ўртага таржимон аралашди, яъни аслиятда муаллиф кўзи билан кўрилган воқелик бевосита акс этса, таржимада ўша бадиий воқелик қайта яратилади. Афлотун бошқа бир муносабат билан айтган фикрни шу ҳолатга мосласак, аслиятда воқеликка (нарсага) тақлид, таржимада эса воқелик (нарса) ҳақидаги тасаввурга тақлид кузатилади. Шу жиҳатдан қаралса, Ҳайдар Хоразмийнинг ўз меҳнатини “болдан ҳалво пишурмак” дея таърифлагани, Чўлпоннинг эса, гарчи анча бўш таржимага нисбатан айтган бўлса-да, таржимани “шўрбонинг шўрбоси” деб баҳолагани остида жиддий ўйлаб кўриш керак бўлган масала ётгандек кўринади.

Агар мазкур мулоҳазаларимизга озми-кўпми ҳақ берилса, у ҳолда *дурдона асарлар қайта-қайта таржима қилинавериши керак*, деган хулосага келамиз. Албатта, иқтисодий тарафи ўйланса, бундай амалиёт номақбул: талаб бўлгач, пайдар-пай чоп этилаверади-да! Бироқ таржима сифати ўйланса, ҳеч йўғи 15-20 йилда асарнинг янги таржимасига қўл урилиши мақсадга мувофиқ. Зеро, бу ҳолда аввалги таржима ва у ҳақда билдирилган фикрлар кўшимча манба бўлади, яъни кейинги таржиманинг муваффақиятлироқ чиқиши учун пухта замин бор: мутаржим салафи эришган ютуқларни ривожлантириб, йўл қўйган камчиликларини бартараф этишни ният қилса бўлди. Тўғри, бу ҳолда кейинги таржима муаллифлиги, унга ҳақ тўлаш меъёри каби масалаларнинг ўртага чиқиши мумкин ва табиий. Бироқ уларни адабиётнинг фойдасини диққат марказига қўйган ҳолда оқилона ҳал қилиш имконини ҳамиша топиш мумкинлиги ҳам бор гап. Хуллас, қайта таржима қилиш ҳақида айтганларимиз Чингиз Айтматов асарларининг ўзбек тилига таржималарига ҳам тўла тааллуқлидирки, энди шундай зарурат борлигини асослаб кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Бадий асарда сўзнинг номинатив-тасвирий маъноси актуаллашади, айна маъноси актуаллашган сўзлар қатори ўқувчи тасавурида бадий воқеликни гавдалантиради. Иккинчидан, тасавурумизда аксланаётган воқелик ижодкор нигоҳи орқали акс этди, яъни у қай тартибда кўраётган бўлса, шу тартибда акс эттиради. Учинчидан, тасвирланаётган воқеликка ғоявий-ҳиссий муносабат ҳам параллел равишда ифодаланиб боради, яъни сўзлар қатори (нутқ оқими)да ижодкор руҳиятида кечаётган жараёнлар ҳам аслига монанд тарзда акс этиб боради. Шулардан келиб чиқиб таъкидлаш мумкинки, тасвир ва ифода уйғунлашувчи бадий матннинг яралишида сўз *танлаш* қанча муҳим бўлса, ўша сўзларни муайян тартиб ва ўзаро алоқа-муносабатда жойлаштириш ҳам шунчалик муҳим. Бундан таржима амалиёти учун қоида мақомидаги бир хулоса келиб чиқади: аслиятда қўлланган сўзларга эквивалент сўзлар топиш билан бирга уларнинг жойлаштирилиши – жумла қурилишига ҳам жиддий эътибор бериш зарур. Бу талаб бажарилмаган ҳолда эса ғалати бир ҳолат юзага келади: бундай қарасанг, таржима бинойидек – аслият маъносини бераётгандек, бироқ нимадир камдек кўринаверади. Зеро, бунда маъно ўгирилгани ҳолда, таржима аслият мазмуни – руҳидан йироқлашиб қолади.

Ч.Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булут” илова қиссаси Сариўзак даштидаги қаҳратон қиш манзарасидан бошланади. Манзаранинг илк жумласи аслиятда: “Пробиваясь сквозь белую летучую мглу, беспрестанно вздымаемую ветрами с холодных сарозекских равнин, машинистам проходящих поездов в те метельные февральские ночи стоило немало усилий разглядеть среди снежных заносов в степи полустанок Боранлы-Буранный” (Айтматов, 1991) шаклида берилган бўлиб, мана бу тарзда ўзбекчалаштирилган: “Сариўзакнинг бийдай далалари бўйлаб аёзли шамол ғазабнок қутуриб, оппоқ қор унини осмони фалаккача тўзғитиб юрган

қахратон қиш чилласида оқ либос кийган даштдаги тунги Бўронли бекатини қор уюмлари орасидан топиш поезд ҳайдовчилари учун осон эмас эди” (Айтматов, 2007:268). Аввало, сўз танлаш асосида юзага келган аслият ва таржимадаги мазмуний фарқларга диққатни тортамыз. Аслиятда “ғазабнок қутурган” шамол ҳақида эмас, қор зарраларини бетўхтов тўзитиб учираётган шамол ҳақида гап боради. Муаллиф учун айна шу маъно – атрофни “оқ зулумот” қоплаганини айтиш муҳим, чунки ушбу деталь ўқувчининг бошқа айбланувчилар билан юзлаштириш учун поездда Саратов томон олиб кетилаётган Абутолипнинг изтиробли тўлғанишларини тушуниши, уларга ишониши учун керак. Эркидан махрум шўрликнинг биргина илинжи – поезд Бўронли бекатидан ўтар чоғида хотини ва болаларини кўз қири билан бўлса-да кўрса. Шу боис юраги безиллайдики, қор ёғмасайди, деб. Шунини эътиборга олинса, муаллиф урғулаган маънонинг таржимада акс этмагани матн қисмлари орасидаги мазмуний алоқаларнинг узилишига олиб келади.

Аслиятдаги “февраль тунлари” таржимада “қахратон қиш чилласи”га алмашган. Тўғри, чилла – биздаги қишнинг энг аёзли кунларини англатади. Бироқ бу маъно Ч.Айтматов тасвирлаган ҳудуд учун тўғри келмайди: бизда чилла февралнинг бошларигача (5-санаси қадар) давом қилса, Сарийзак даштида февраль-мартнинг бошларида ҳам совуқ чилладагидан кам бўлмайди. Ниҳоят, аслиятда Абутолибнинг ҳалокати февралнинг адоғига тўғри келаётгани бежиз эмас: бу Сталин ҳукмронлигининг сўнгги кунлари бўлиб, ривоятдаги Чингизхон ҳукмронлигининг сўнгги кунлари билан аналогия ҳосил қилади, яъни таржимада бу нозик ишора ҳам йўққа чиққан. Аслиятда қор уюмлари орасидаги Бўронли бекатини илғаб олиш қийинлигини айтиш билан кифояланилган бўлса, таржимада “оқ либос кийган даштдаги” ва “тунги” аниқловчилари қўшилганки, аслиятда булар умуман йўқ. Шунингдек, аслиятда Бўронли бекатини кўз билан илғаб олиш мушкуллиги (“стоило немало усилий разглядеть”) ҳақида сўз борса, таржимада бекатни “қор уюмлари орасидан топиш” осон эмаслиги айтилади. Ҳолбуки, поезд тайёр темир издан келади, яъни машинистлар қаршисида бекатни “топиш” муаммоси йўқ, бироқ поезд “оқ зулумот” ичидан бораётганида кўзнинг “қор уюмлари орасидаги” бекатни илғаб олиши осон бўлмаслиги турган гап. Хуллас, юзаки қараганда таржимада умумий мазмун берилгандек кўринар, бироқ жиддийроқ қаралса, Айтматов жумлага юклаган мазмун сезиларли ўзгариб кетганини кўриш қийин эмас.

Таржимада жумла қисмларининг ўзаро алоқа-муносабатлари ҳам ўзгарган, бу ҳам, албатта, изсиз кетган эмас. Бунга амин бўлиш учун аслиятдаги жумла компонентлари ва уларнинг алоқаларини кўриб чиқиш керак. Жумланинг қурилиши чиндан-да мураккаб: у иккита – битта равишдошли (“Пробиваясь сквозь белую летучую мглу”) ва битта сифатдошли (“беспреданно вздымаемую ветрами с холодных сарозекских равнин”) оборот билан мураккаблашган. Бундан ташқари, равишдошли

оборот бевосита содда гапга, сифатдошли оборот эса равишдош обороти таркибидаги “мгла” сўзига боғланади – мураккаблик яна бир баҳя ортади. Агар гап компонентларининг алоқа-муносабатлари (яъни аслиятдаги гап қолипи) ўзбекчага тўғри ўгирилса, жумла қуйидагича бўлиши лозим: “Сариўзак даштининг совуқ бағридан изғирин шамоллар бетўхтов тўзғитиб учираётган оқ зулумот орасидан ёриб бораркан, февралнинг ўша аёзли тунлари ўтиб бораётган поезд машинистларининг қор уюмлари орасидаги Бўронли бекатини илғаб олиш учун кўп зўриқишлари керак бўларди”. Кўриб турганимиздек, таржимада гап компонентларининг алоқа-муносабатлари ўзгаргани боис маъно урғуси ҳам ўзгарган экан: “қахратон қиш”, “қутурган шамол”, “оқ либос кийган дашт”, бекатни “топиш қийин”лиги урғуланган. Ҳолбуки, аслиятда маъно урғуси “оқ зулумот”, “февралнинг аёзли тунлари” бекатни “кўз илғаши қийинлиги” урғуланган эди. Эҳтимол, “хўш, нима қипти шунга?! Умумий маъно ўзгарган эмас-ку!” қабилда эътироз ҳам қилинар. Бироқ бундай эътироз мутлақо ўринсиз. Негаки, биз бадий матн ҳақида, бўлиб ҳам улкан истеъдод соҳиби яратган матн ҳақида сўз юритмоқдамиз. Матннинг моҳияти эса, қарангки, “матн” сўзининг мутлақ маънодоши бўлган “текст” сўзи этимологиясида, яъни “тўқимоқ, тўқилган” маъноларида мужассам. Зеро, матнда ҳам ҳамма узвлар бир-бирига тўқиб юборилган, ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Айтайлик, илк жумлада урғуланган “бепоёнлик” билан матн давомида тавсифланувчи Абутолипнинг оиласи яшаб турган чоққина хужра, “зулумот” билан хужранинг мўъжаз деразасидан тонгга қадар тушиб турган ёруғлик қарши қўйилади. Яна бир муҳим деталь – Зарифа тонгга қадар уч-тўрт марталаб чироқ пилигининг куйик учини қирқиб қўяди, яъни чироқ узун тун давомида уч-тўрт марта ўчиб ёнади – ҳақиқатда аёл юрагидаги ёруғ кунлар умиди, қатъияту сабот билан кутиши зулматга қарши қўйилади. Энди шу деталдан келиб чиқаётган маънини бутунга татбиқан талқин қилиш лозим: Абутолипка ўхшаганларнинг золим тузумга қаршилиги нафсиздек – бепоён зулумот бағридаги ожизгина чироқ нури каби – бироқ ҳаётда абутолиплару зарифалар борлиги учунгина зулмат ҳукмронлиги боқий эмас – ўша чироқ ёниб тургани учунгина олам мутлақ зулумотга чўмиб кетмайди. Равшанки, мазкур маънонинг келиб чиқиши учун “чироқнинг туни билан ўчмаслиги” ва бунинг осонликча бўлмаслиги урғуланмоғи керак. Аслиятда шундай: “То было окошко пристанционного барака, в котором жила семья Абуталипа Куттыбаева. Это они, его жена и дети, ждали его каждый день, не гася света на ночь, и среди ночи Зарипа несколько раз подрезала нагоравший фитиль в лампе” (Айтматов, 1991). Эътибор берилса, бунда таъкидлаш мақсади билан (“Это они, его жена и дети...”) ҳамда гапдаги ўрни жиҳатидан (“не гася света на ночь”) ажратилган бўлақлар юқоридаги маънони урғулашга хизмат қилаётганини кўриш қийин эмас. Бироқ таржимада жумла қурилиши ўзгаргани туфайли маъно урғуси ҳам йўққа чиқади: “Бекат ёнидаги ана шу хужрада Абуталип Қуттибоев оиласи яшар эди. Унда

Қуттибоевнинг хотини билан фарзандлари ҳар куни дадаларини кутавериб, кечалари чироқни ўчирмас, хотини Зарипа эса лампа чироқ пилигининг куйган учини бир неча марта кесиб қўяр эди” (Айтматов, 2007: 268). Кўриб турганимиздек, таржимада ривоя услуби сақланмаган, бунда аслиятдаги жумлаларнинг маъноси шунчаки ўзбекчалаштирилган, холос. Ҳолбуки, ўзбек тилининг имконлари услубни қайта яратишга имкон беради. Масалан, сўзма-сўз ўгирсак, жумла осонликча мана бундай шаклга келади: “Бу – бекат қаторидаги барак деразаси бўлиб, унда Абутолип Қуттибоев оиласи истиқомат қиларди. Ўша шўрликлар – хотини билан болалари, уни ҳар куни – тунлари ҳам чироқни ўчирмасдан кутишар, чироқ пилиги куйик учини Зарипа тун билан бир неча қайта кесиб қўярди”. Демак, умуман олганда, аслият услубини шу тарз сақлаб қолиш имкони бор, агар профессионал таржимон сайқал берса, жумла аслига яна ҳам яқин кўриниш олиши шубҳасиз.

Кўрилатган жумланинг “Бу – бекат қаторидаги барак деразаси” тарзида қурилгани жумлалараро боғланишни таъкидлашда ғоят муҳим. Чунки ундан аввалги жумлада бепоён оқ зулумот қўйнидаги ёруғ тушиб турган биргина “дераза” ҳақида хабар берилган бўлса, кейинги жумла уни аниқлаштиришга хизмат қилади. Таржимада бу боғланиш ҳам йўқотилган, чунки “дераза” сўзи умуман туширилган-да, унинг ўрнини “хужра” сўзи (“ана шу хужрада Абутолип Қуттибоев оиласи яшар эди”) билан қоплашга ҳаракат қилинган. Тўғри, ўзбекча таржимада ҳам бинойидек маъно чиқаверади, бунинг устига, таржимон битта сўзнинг кетма-кет такрорланишидан фориғ бўлгани ҳам маъқулдек. Бироқ аслиятга қиёсланса, бу фикр янглиш экани аён бўлади. Сабаби, матннинг шу ўрнида урғуланган “дераза” сўзи кейинроқ матндаги бошқа бир “дераза” билан боғланади: “И еще одно окно, но зарешеченное черным кованым железом, в другом конце земли, в полуподвале алма-атинского следственного изолятора, тоже не гасло в те ночи до утра” (Айтматов, 1991). Ушбу жумланинг “Яна бир дераза...” (И еще одно окно...)” деб бошлангани бежиз эмас: бу билан муаллиф матн қисмларининг ўзаро алоқаларини таъкидлаб кўрсатаётир. Бу иккала қисм мазмунан зидланади: агар Зарипа чироқнинг ўчмаслигини тиласа, ўткир электр нури билан қийноққа солинаётган Абутолип чироқнинг ўчишини истайди. Фикримизча, зидлаш орқали адиб кўплаб инсоний тушунчаларни чаппасига айлантирган – ёруғликни-да зулм хизматига жалб этган тузум моҳиятига эътиборни қаратади. Афсуски, таржимада матн қисмлари аро алоқага ишора қилувчи бу сўзлар умуман тушириб қолдирилган: “Ернинг бошқа бир кунжагида – Олмаотанинг турмасида ҳам бир дарча – қалин темир панжара билан тўсилган деразада ўша кунлари тонг отгунча чироқ ўчмас эди” (Айтматов, 2007:269). Бунинг сабаби эса оддий: аввалги жумлада “дераза” сўзининг алмаштирилгани сабабли иккала жумлани боғловчи бирикма (“Яна бир дераза...”) энди ортиқчадек кўриниб қолган.

Мазкур зидланиш орқали ифодаланган фикр кейинроқ янада ривожлантирилади, умумлаштириб ва таъкидлаброқ, бадий ҳукм ўлароқ ифода этилади. Аввало, Ч.Айтматов тарихий ҳақиқатга содиқ қолганини таъкидлаш жоиз. 1953 йил феврални тасвирларкан, адиб КГБ хизматчиларидан бир гуруҳига “миллатчи унсурларни фoш этгани” учун янги квартиралар, навбатдаги зобитлик унвонию давлат мукофотлари берилгани, энди улар навбат билан ютуқларини “ювиб” бераётганларини айтади. Адиб Бўронлида кечиб турган машаққатли турмушга буларнинг тўкин ва фаровон маишатини зид қўяди: “Слегка продрогшие после холодных, плохо освещенных алма-атинских улиц, гости с порога окунались в радушие и тепло ожидавших в новых квартирах хозяев. И столько неподдельного сияния, оживления и гордости изливали встречавшие на пороге лица, глаза! Поистине, то были праздники избранных, заново познающих вкус счастья. В ту пору, когда еще не забылись недавние нищета и голод военных лет, на окраинах государства особенно восторженно, до головокружения от удовольствия, воспринимался новый, рафинированный комфорт. Здесь, в провинции, только входили в моду дорогие марочные коньяки, хрустальные люстры и хрустальная посуда. С потолков нисходило граненое сияние трофейных люстр, на столах, покрытых белоснежными скатертями, мерцали трофейные немецкие сервизы, и все это захватывало, предрасполагало к благоговейному настроению, точно в этом заключался высший смысл бытия, точно ничего иного достойного внимания в мире не могло и быть” (Айтматов, 1991).

Эътибор берилса, бу нав “тўнғиздан тўқ турмуш” биргина Бўронли бекатидагилар эмас, пойтахтлик оддий кишилар ҳаётига ҳам зид қўйилаётганини сезиш қийин эмас: “олмаотанинг совуқ, яхши ёритилмаган кўчаларидан” ўтиб келган меҳмонлар остонаданоқ бутунлай бошқа оламга тушиб қолишлари шунга далолат. Айни маъно – яъни кўчадан келиб тамом бошқа оламга кириб қолинаётганини ифодалаш учун муаллиф хонадондаги “хурсандлик ва илиқлик”ни урғулайди, таржимада эса “Меҳмонлар Олмаотанинг совуқ ва ним қоронғи кўчаларидан сўнг янги илиқ квартираларга кирди дегунча **дўстларнинг жўшқин қучоғига** отилишади” (Айтматов, 2007:275) дейиш билан аслиятдаги маъно йўққа чиқади. Хонадондаги шодиёна руҳни тасвирларкан, муаллиф бу ўтиришлар “хосларнинг байрамлари” эканини таъкидласа, таржимон “имтиёзли амалдорларнинг байрамлари” дея гўё чайнаб беради. Ҳолбуки, аслиятда бадий умумлашма кучли эди – шўро тузумида яйраб-яшнаган хослар, турли даражадаги номенклатура назарда тутилган эди. Таржимада “бахтнинг тотини янгидан англаётган” дейиш ўрнига “янги бахт қучган”, яъни “квартира ва унвон олгани учун” дея таъкидланиши билан умумлашмадан асар ҳам қолмайди, чунки бунда аслиятга тамом тескари йўлдан борилади, яъни муаллиф жумлага умумлашма маъно юкласа, таржимон жумлани конкрет ҳолатга боғлайди-қўяди. Ниҳоят, матний

боғланиш нуқтаи назаридан ғоят муҳим деталь – нур билан боғлиқ жумла таржимасида ҳам маъно урғусини силжитиб юборилади. Аслиятда “шифтдан ўлжа олинган қандилларнинг **қиррадор нурлари** ёғилиб тургани” урғуланса, бунда “шипдаги кўзни қамаштирадиган қандиллар” дея қандилнинг ўзига урғу берилади – нур тушириб қолдирилади. Ҳолбуки, “баракдаги чироқ нури – қамоқдаги электр чироқ нури – қандилнинг қиррадор нури” силсиласи матн қисмларининг ўзаро алоқадорлигини таъкидлаб, образли мазмунни изчил ифодалашга хизмат қилади. Образли маъно эса, бизнингча, нур энди янги хослар измида экани – эзгу мақсадлар йўлида курашиб тўкилган беҳисоб қонлар эвазига эришилган натижа ҳеч бўлгани, эзгу мақсадлар энди ўшалар – номенклатура бахтию фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлашдан иборатдир.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан аён бўляптики, таржима ишига давомли жараён деб қараш лозим, яъни ҳеч бир таржимага тугалланган деб қараб бўлмайди. Жумладан, Чингиз Айтматов яратган ва дунё миқёсида эътирофга сазовор бўлган асарларнинг ўзбек тилида бутун гўзаллиги ва жозибасини намоён этмоғи учун таржимонларимиз ҳали кўп изланишлари керак бўлади. Шундай экан, нашриётларнинг ҳам Ч.Айтматов асарларини, умуман, жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилида чоп этиш сиёсатини қайта кўриб чиқишлари мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Айтматов Ч. Белое облако Чингисхана: Повесть к роману. – Москва: Планета, 1991 // <http://lib.ru/PROZA/AJTMATOW/oblako.txt>
2. Айтматов Ч. Чингизхоннинг оқ булути. Қисса. Суюн Қораев таржимаси // Айтматов Ч. Охирзамон нишонлари – Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2007. – Б. 268–368.
3. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. – Москва: Международные отношения, 1980. – 343 с.
4. Кулинская С.В. Картина мира как национальный и культурный феномен // Вестник Краснодарского университета МВД России. 2010. № 4. – 105 с.
5. Рыльский М. Искусство перевода. – Москва: Советский писатель, 1986. – 336 с.

ИБОРАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИГА ДОИР

DEYİMLERİN KARŞILAŞTIRMALI TİPOLOJİK ANALİZİNE AİT

*Абдиев Муродқосим Болбекович,
филология фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. Muradkasım Abdiyev,
Semerkand Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигида иборалар хусусиятларини қиёсий типологик тадқиқ этиш масалаларига эътибор қаратилган. Жумладан, мазкур мақолада ўзбек ва тожик тилларига хос ибораларнинг қиёсий –типологик хусусиятлари очиб берилишига ҳаракат қилинган. Таҳлил доирасида уларнинг фарқли ва ўхшаш томонлари билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш долзарблиги қайд этилган.

Калит сўзлар: Қиёсий, типология, мунособат, фразеологик интерференция, фразеологик бирикмалар, тадқиқ этиш, фразеологик калька, ўзлашма фразеологизм, фразеологик қатлам, таржима, таҳлил.

Annotation. This article is devoted to the comparative-typological study of the peculiarities of Uzbek linguistics. In particular, the article reveals the comparative-typological features of the Uzbek and Tajik languages. The analysis revealed the relevance of the study of issues related to their differentiated and similar aspects.

Key words: Comparative, typology, coherence, interference phrase logical, idiomatic communication, research, phrase logical dialect, idiom, phrase logical layer, translation, analysis.

Özet. Makalede Özbek dilbiliminde deyimlerle ilgili çalışmalar ve deyimlerin karşılaştırmalı tipolojik analizi kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Özbek dilbilimi, deyimler, frazeolojizm, çeviri, analiz.

Маълумки, ўзбек тилшунослигида тилнинг барча сатҳларини бошқа тиллар материаллари билан қиёслаш борасида бир қатор тадқиқотлар яратилган. Аммо ибораларни қиёслаш борасидаги ишлар жуда кам.

Бу борада Ш.Усмонова томонидан “Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар” мавзусида номзодлик ишини ҳимоя қилинган.

Ишнинг дастлабки бобида ўзбек ва турк тилларида бирикмага тенг соматик фразеологизмлар (*бош оғриғи, кўз билан қош орасида, кўзини олиб қочмоқ, бош ирғитмоқ, кўл остида* кабилар) функционал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Унинг иккинчи бобида эса ўзбек ва турк тилларида гапга тенг соматик фразеологизмлар (*бошимиз осмонга етди, бош омон бўлса дўппи топилади* кабилар) семантик ва грамматик жиҳатидан ёритиб берилган (Усмонова, 1998).

Ш.Абдуллаев Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржималари асосида “Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси” мавзудидаги номзодлик ишини ҳимоя қилди (Абдуллаев, 2006). Ишда таъкидлашича, қорақалпоқ тилида *аўзы женгил* фразеологизми сир сақлай олмайдиган, ҳамма нарсени айтиб қўядиган маъноларини билдиради. Ўзбек тилида эса бу иборага семантик жиҳатдан яқин бўлган *оғзи бўш* фразеологизми бўлиб, у ҳам эшитган-билган нарчасини бировга айтиб қўядиган, сир сақлай олмайдиган маъносида ишлатилади. Ш.Раҳматуллаевнинг фразеологик луғати (1992)да ҳам бу ибора *оғзи бўш* шаклида берилган бўлиб, кўрган-билганини сир сақлай олмайдиган, бировга айтиб қўядиган тарзида изоҳланган. Т.Қайипбергеновнинг “Маманбий афсонаси” асарини ўзбек тилига ўгирган таржимон бу икки иборанинг семантик яқинлигидан ўринли фойдаланган, натижада ўзбекча таржима ҳам асл қорақалпоқча матндан англашилган гоё, мазмун тўла ўз ифодасини топган. Шунга биноан ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги *аўзы женгил – оғзи бўш* фразеологизмларини бир хил семантикага эга, деб ҳисоблаш мумкин. Муҳими, бу ишнинг илова қисмида асл нусха ва ўзбекча таржимада берилган ана шундай семантик жиҳатдан бир-бирига яқин айрим фразеологизмларнинг алифбо кўрсаткичи келтирилган. Тилимизнинг ўзлашма фразеологизмлар ҳисобига бойиши нуқтаи назаридан кенгроқ ўрганилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Республикаimizда ўзбеклар билан муайян бир ҳудудда ёнма-ён ва тўп (компакт) ҳолда яшаб келаётган халқлар тилларининг ўзаро бир-бирига таъсири муттасил давом этиши табиий бир ҳолдир. Бу жиҳатдан ўзбек ва тожик халқлари ва уларнинг тиллари орасидаги ўзаро алоқаларни ўрганиш ижтимоий фанлар, жумладан тилшунослик фани учун муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўзбек ва тожик тиллари ўртасидаги ўзаро таъсирни ўрганиш ҳозирги давр тилшунослигининг долзарб масалалари қаторига киради.

Шуниси эътиборлики, ўзбек тилини қабул қилган тожиклар бу тилга жуда кўп тожик тили элементларини, иборалар ва ҳикматли сўзларни ўзлари билан бирга олиб кирганлар. Ўзбек тилининг тожик сўзлари, иборалари билан бойиши бу икки халқ ўртасидаги жуда узоқ муддатли лисоний-маданий алоқалар, ҳамкорликлар, ўзаро қариндошлашиш жараёни натижаси саналади. Тилшуносликда ана шу муаммоларни тадқиқ этишни А.Навоий асос солган бўлсалар-да, XX аср бошларида Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков сингари машҳур олимлар давом эттирдилар. Кейинчалик бу долзарб муаммони илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш билан К.Юсупов, Ҳ.Ғуломов, Н.Шаропов, М.Мирзаев каби олимлар жиддий шуғулландилар.

Тожик тилшунослигида тожик-ўзбек тилларидаги фразеологик параллеллар, ўхшашлик, муқобил вариантларнинг ҳосил бўлиш омиллари масаласини ўрганишга доир айрим тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Масалан: М.Сиддиқова ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўзбек ва тожик тилларидаги муштарак ибораларнинг семантик хусусиятларини ўрганишга

доир бир неча илмий мақолалар эълон қилган эди. Жумладан, шу мақолалардан бирида М.Сиддиқова ҳар икки тил учун муштарак бўлиб қолган иборалар сифатида бадий асарлардан қуйидагиларга мос мисоллар келтиради: *икки қўлини бурнига тиқмоқ – ду даст дар бини шудан; пичоқ бориб суякка етмоқ – корд ба устухон расидан; отдан тушса ҳам, узанги (эгар)дан тушмайди – аз асп фарояд ҳам, аз узангу (зин) намефурояд; томдан тараша тушгандай – аз бом тараша афтидаги барин; хамир учидан патир – аз нўги хамир фатир; калаванинг учини йўқотмоқ – сари калобаро гум кардан; кўзи мошдай очилмоқ – чашми касе мош барин кушода шуда мондан* (Сиддиқова, 1971, 199-204) кабилар.

Унинг таъкидлашича, “юқоридаги ибораларнинг бошқа тиллардан (масалан, рус тилидан) маълум вариантини топиш керак бўлса, ўзбек ва тожик тилларидан кўп ҳолларда буларнинг айнан ўзини топиш мумкин бўлади. Булар ҳар иккала тилдан бир биргига айнан таржима қилингандек кўринсалар-да, аслида булар ҳар иккала тилнинг луғат бойлигидан аллақачонлар ўз ўринларини эгаллаганлар” (Сиддиқова, 1974:204).

Таниқли олим К.Юсупов ҳам ўз монографиясида фразеологизмлар бу тилларда бир-бирига сўзма-сўз таржима қилишини таъкидлайди: “Одатда тилнинг лексик қатламида учрайдиган фразеологик иборалар бир тилдан иккинчи тилга сўзма-сўз таржима қилинмайди. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро алоқасидаги яқинлик туфайли бу тиллардаги кўпгина фразеологик иборалар сўзма-сўз таржимаси билан бир-бирига ўтди.

Тожикча

Фарбигия гуспан мевардора - семизликни қўй кўтаради

Чъшимша руғон зер кадай - кўзини ёғ босибди (Юсупов, 1974:100).

Ўзбекча

Кейинги йилларда бу муаммони тиллар интерференцияси негизида тадқиқ этувчи айрим тадқиқотлар юзага келди. Масалан, М.Зокиров “Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилди (Зокиров, 2007). Бу ишда лексик, қисман фразеологик интерференцияга оид характерли мисоллар келтирилган бўлса-да, ўзбек ва тожик тилли аҳоли ўртасидаги мавжуд фразеологик интерференция масалаларини тадқиқ этиш шу пайтгача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келмоқда. М.Мирзаев “Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари” номли монографиясида бу масалага йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган. Унинг фикрича, “ўзбекча фразеологик ибораларнинг бир қанчаси мазмунан ва сўзларнинг тартиби жиҳатидан тожик тилидаги ибораларга мос келади (гўё улар ўзбек тилидан тожик тилига ва, аксинча, таржима қилингандай). Масалан:

Тож. *забонаш дароз; ба забон даромадан; нонаш бутун; пашша хўрда шудан; ба худ омадад* кабилар” (Мирзаев, 1969:84)

Ўзб. *тили узун; тилга кирди; нонъ бутун; пашшахўрда бўлмоқ; ўзига келмоқ; болта келганча тўнка дам олади* кабилар...” (Мирзаев, 1969:85).

Ш.Жўраевнинг докторлик диссертациясида эса Самарқанд вилояти ўзбек ва тожик тиларига хос луғавий, жумладан иборалар ҳақида йўл-йўлакай фикр билдирилган (Жўраев, 2018).

Хуллас, икки тил фразеологиясига хос ўзлашма фразеологизмлар муаммосини тадқиқ этиш долзарбдир. Тожик тилшунослигида бир қатор тадқиқотлар яратилган бўлса-да, ўзбек тилшунослигида ўзлашма фразеологизмлар масаласи бўйича айрим мақолалар яратилган, холос. Аммо фразеологик калька, унинг луғавий калька билан муносабати, ярим фразеологик калька, ҳар иккала тилга хос фразеологик тизимидаги ўзлашма фразеологик қатлам сингари долзарб муаммолар янги фактик материаллар асосида тадқиқ этилиши лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Ш.Д. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида). НДА. – Тошкент, 2006.
2. Зокиров М.Т. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. НДА. – Тошкент, 2007.
3. Мирзаев М.М. Ўзбек тилининг Бухоро группа шевалари. – Тошкент: Фан, 1969.
4. Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Тошкент, 1998.
5. Сиддиқова М. Ўзбек ва тожик тилларида муштарак иборалар ҳақида // Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектологияси масалалари. СамДУ асарлари. Янги серия. 227-чиқиши. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1971.
6. Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974.
7. Жўраев Ш. Ўзбек ва тожик тилларининг лексик сатҳидаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида). ФДДА.-Самарқанд, 2019.

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА

MAHMUDHOCA BEHBUDI'NIN EDEBI-TENKIDI GÖRÜŞLERİ HAKKINDA

*Шоира Ахмедова,
филология фанлари доктори,
Бухоро давлат университети профессори (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. Şaire Ahmedova,
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг адабий-танқидий қарашлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Жадид адабиёти, жадид танқиди, танқидчи, мақола, тақриз, баҳс, “Ойна” журнали.

Annotation. In the article educator Mahmudxuja Behbudiy's literary-critical opinions are analyzed.

Key words: Literature of jadid, criticism of jadid, literary critic, article, reference, discussion, “Oyna” journal.

Özet. Makalede Mahmudhoca Behbudi'nin edebi tenkidi görüşleri Ayna dergisindeki yazıları esasında kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Cedit edebiyatı, edebi tenkidi makale, Ayna dergisi.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаракатларида фаол қатнашган энг йирик намојандаси, янги замон ўзбек маданиятининг асосчиси эди. Туркистон жадидларининг йўлбошчиси, “мустақил жумхурият ғоясининг яловбардори, янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси” (Б.Қосимов), биринчи драматург, мунаққид, театршунос, ношир ва журналист, ўткир публицист эди. “Маҳмудхўжа Беҳбудий уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойиқ зотдур”, деб ёзади Ҳожи Муин ибн Шукрулло. М.Беҳбудий жадид танқидчилигида ҳам муҳим ўрин эгаллаган сиймо эди.

М.Беҳбудий ташабусси билан ташкил этилган “Ойна” журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқи, тарихи, тил-адабиёт масалалари, дунё аҳволига доир қизиқарли мақолалар, баҳслар бериб борилган. Айниқса, тил масалалари муҳаррирининг ҳамиша диққат марказида бўлган. Масалан, журналнинг биринчи сонидеъқ у “Икки эмас, тўрт тил лозим” деган мақола билан чиққан эди.

М.Беҳбудий адабий танқидга катта эътибор берди. Бир неча асрлик суқунатдан кейин бу соҳанинг ўзига хос хусусиятларини тайин этиб,

адабиётда унинг тенг ҳуқуқлиги масаласини ўртага қўйди. **“Танқид сараламоқдур”** (1914) деб номланган жиддий мақолаларидан бири шу мавзуга бағишланган эди.

"Ойна" журналининг 32-сонида чиққан бу мақола танқиднинг ўша даврдаги аҳволи тўғрисида маълумот беради: "Ўқилган китобларни маънан тафтиш этиб, ундаги нуқсонларни баён этмак танқиддур, таарруз ва душманлик эмас. Бизни Туркистонда янги мактаблар анча бордур, янги рисоалар хийла босилиб турибдур, жаридаларда мақола ва ашъорлар ўқилиб турибдур, аммо ҳануз танқид даврига етушганимиз йўқ" (Беҳбудий, 1999:172).

Беҳбудий газета ва журналларнинг асосий хусусияти танқидда, яъни сараламоқда деб ҳисоблайди. "Саррофлар ақчани, тужжорлар матони саралаганидек, муҳаррирлар ҳам умумий ҳол ва маишатга тааллуқ нимарсаларни саралайдурки, бошқа сўз ила "танқид" аталур".

Беҳбудий танқиднинг моҳиятини жуда тўғри тушунган ҳолда, ҳали биз танқид даврига етишганимиз йўқ деб афсусланади, танқиднинг шахсий ва ижтимоий турларини кўрсатади: "Аммо бир муаллим ё мударрис ва муҳаррирни ишидан, шахсиятидан халойиқга зарар келса, андан ҳам баҳс ва танқид ёзмоқ шахсий бўлмайдур. Танқид янги ёзилган китоб, жариди ва мажаллаларга-да жорий ва нофеъдур". Шу билан бирга танқидда айтиладиган ҳақ сўзни ҳамма ҳам тушунавермасалигини қуйидагича ифодалайди: "Иттифоқо, танқид шаклинда бир нимарса ёзилса, бизларга қатиғ тегар. Ёзганларимизни бузуқлиги ва фикримизни хатолиги, ишимизни ноқислигини бирор киши кўрсатса, аччиғимиз келур...Аммо ўзимизни мақтаб, рисола, таҳрир ва маслакимизни бир киши танқид этдими, чидай олмаймиз, диққат ила мунаққид сўзини тингламаймиз" (Беҳбудий, 1999:172). Беҳбудийнинг бу фикрлари бугунги кунда ҳам эскирмаган ва қимматини йўқотмаганлиги яққол кўриниб турибди.

Бундан ташқари адиб ўзининг "Китобат ул атфол" (1908) дарслигида мактуб жанри ҳақида сўз юритади. Аввало, ўқувчини хат ёзмоқ шартлари билан таништиради. Мактуб одобидан ўқувчини огоҳ этади. Ҳақиқатан ҳам хат инсон ҳаётида, жумладан, унинг маънавий юксалишида улкан ўрин тутадиган адабиётнинг ривожланишида маълум аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан хатни, энг аввало, бир неча гуруҳга ажратиш зарурати келиб чиқади: шахсий хат, адабий хат, публицистик хат, бадий хат каби. Кишилар ўртасидаги шахсий хат алоқа воситаси сифатида кўринса, адабиётдаги мактуб алоҳида бир жанр ҳисобланади.

Мактубларни кимга, нима сабабдан, қачон ёзилишига қараб тасниф қилиб, Беҳбудий шундай ёзган эди: "Ёзилатурғон хатлар икки қисмга бўлинадур. Бири– умумий, дигари – хусусий. Умумий хатлар девонхона, қозихона, тижоратхоналарда ёзилатурғон мактублардурким, расмий аталиб, яна шаръий ва урфий деган қисмларга айриладур. Хусусий мактублар икки киши орасига ёзилатурғон ёднома, муборакбод ва хабарномалардур".

Шундан кейин олим ҳар икки хил хатнинг намуналарини келтиради. Бу эса ўқувчига хат ёзиш қоидаларини ўрганишда анча қулайлик туғдиради.

Маҳмудхўжа Беҳбудий публицист сифатида юзлаб мақолалар ёзди. “Ўзининг Миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини кўпроқ мақола ва чиқишларида ифода этди... Ҳар қандай ҳолда ҳам Беҳбудий ғоят сермахсул қаламкаш эди. Муҳими шундаки, у XX аср бошидаги Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби эди. Унинг Миллат ва Ватан тақдири ҳақидаги барча қарашлари, аввало, мана шу мақолаларда акс этган эди” (Беҳбудий, 1999:3).

Вақтли матбуот миллий адабиёт билан бирга ўзбек танқидчилиги ривожини учун ҳам ўзига хос минбарга айлана борди. Нашр этилган бадиий ва таржима асарларга вақтли матбуот ўз саҳифаларида тақризлар бера бошлади; бу тақризлар адабий танқиднинг ривожига йўл очди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин: ҳозирги адабий танқиднинг энг оммавий, энг кўп тарқалган жанрларидан бири тақризнинг туғилиши, ривожланиши бевосита миллий уйғониш даври билан боғлиқ. Тақризларнинг газетада алоҳида "Танқид" рукни остида чоп этила бошлагани ҳам эътиборлидир.

Вақтли матбуот ўз саҳифаларида адабий танқид, унинг аҳамияти, ёзилажак асарларга ижобий таъсири, умуман, адабиётнинг тараққиётидаги роли ҳақида қимматли илмий мақолалар чоп эта борди. Хулоса қилиб айтганда, 1900-1927 йиллардаги ўзбек вақтли матбуоти ва унинг ташкилотчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий янги адабий танқиднинг юзага келиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. -Тошкент: Маънавият, 1999.

**ТОЖИК ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДАГИ “ТУРК” ЛЕКСЕМАСИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ЖИХАТЛАРИ**

**TÜRK SÖZCÜĞÜNÜN TACİK VE ÖZBEK EDEBİ DİLİNDEKİ
LENGÜAPOETİK ÖZELLİKLERİ**

*Чориев Таваккал Равшанович,
Бухоро давлат университети профессори,
филология фанлари номзоди (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. Tevekkel Çariyev,
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада тожик ва ўзбек адабий тилидаги “турк” лексемасининг луғавий-услубий ва линвопоэтик жиҳатлари Жомий ва Навоий лирикаси мисолида баён этилган.

Калит сўзлар: Лексика, луғавий маъно, услубий бўёқ, нутқий этикет, лингвопоэтика, маҳорат, ижод, лирика, поэтика, муштараклик.

Annotation. In this article was written about using “turk” lexemes and semantic and lingua – poetic peculiarities in poems of Jomiy and Navoi.

Key words: Lexeme, semantic meaning, methodic coloring, speech ethics, lingua-poetics, experience, creativity, lyrics, poetics, similarity.

Özet. Makalede Özbek ve Tacik dillerinde kullanılan Türk sözcüğünün anlamı birimleri; Abdurrahman Cami ve Ali Şir Nevai eserlerindeki kullanım tarzı kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Türk, Tacik, Özbek, Lengüapoetik, Nevai, Cami.

Жомий ва Навоий лирикасида кўпроқ учрайдиган, маъно жилолари билан бир кўринишда синоним, бошқа кўринишда омоним, полисемия хусусиятига эга бўлган “**турк**” лексемаси лисоний ва поэтик жилолари билан ўқувчи диққатини жалб этади. “**Турк**” лексемаси 1973 йилда Порсо Шамсиев, Собиржон Ибрагимовлар томонидан тартиб берилган “Навоий асарлари луғати”да “турк, шўх, гўзал, ўйноқи севгили” (Шамсиев, Иброҳимов, 1972:617), 1984 йилда Фанлар Академияси мухбир аъзоси Э.И.Фозилов таҳрири остида чоп этилган “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”нинг 3-жилдида “туркий халқ; шўх, гўзал, ўйноқи маҳбуба” (НАТИЛ, 1984: 257), Амон Нуров тузган “Фарҳанги осори Ҷомӣ”да “туркистонӣ, яке аз аҳли Туркистон, аҳли Туронзамин; зебо, базеб, хушрӯй; сипоҳ, ғоратгар; мажозий маънода маҳбубаи соҳиб ҷамол, маҳбуба, маъшуқа” (Нуров, 1984: 209), 1969 йилда М.Ш.Шукуров, В.А.Капранов, Р.Ҳошим, Н.А.Маъсумӣ таҳрири остида нашр этилган “Фарҳанги забони тоҷикӣ”да “зебо, хушрӯй, маҳбуба” (Фарҳанги забони тоҷикӣ, 1969:378), Садриддин Айний тузган “Луғати нимтафсилии тоҷикӣ барои забони

адабии тоҷик” да “халқҳои туркзабон” (Айнӣ, 1974: 398) маъноларида қайд этилган. Мазкур маълумот ва шарҳларга таянган ҳолда айтиш мумкинки Хожа Ҳофиз, Хусрав Дехлавий, Низомиддин Ганжавий, Бадриддин Ҳилолий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Убайд Законий ва уларнинг замондошлари “турк” лексемасини гўзал, зебо, соҳибжамол, маъшуқа ҳамда бошқа кўпгина мажозий маънода қўллашган. Жумладан, Хусрав Дехлавий “турки чиниҷамол” сўз бирикмасини киноявий мазмунда қуёш маъносида (Чу қуллоби сим аз камин зад ҳилол, Ба хун ғарқа шуд **турки чиниҷамол**), Низомиддин Ганжавий “турки азро” сўз бирикмасини сулув қиз маъносида, “турки хиргоҳӣ” сўз бирикмасини шўх маҳбуба маъносида (Дар он **турки хиргоҳӣ** овард даст, Силоҳи ниқобаш зи рух баршикаст), Бадриддин Ҳилолий “туркий шўх” сўз бирикмасини гўзал маҳбуба маъносида (Эй **турки шўх**, боре дар сар чӣ фитна дорӣ, К-аз шўҳии ту ҳар дам сад фитна бар сар ояд?), Убайд Законий “туркво” лексемасини чиройли, зебо маъносида (Кучо касе, ки аз он чашми **туркво** пурсад, Ки ақлу хушу қаҳоне чаро кунӣ яғмо?) қайд этишган.

Атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида (2014 йил 5-сон) чоп этилган “Шахсият ва ижод муштарақлиги” номли мақоласида Жомий ижодида учрайдиган, луғавий ва услубий бўёғлари билан бошқа лексемалардан ажралиб турадиган “турк” лексемаси ҳақида тўхталиб, илмий қарашларини ушбу мазмунда баён этади: – Жомий ғазалиёти билан танишилганда киши кўз ўнгида Хуросон, Самарқанд, Табрез, Кашмир санамларининг қиёфалари жонланади. Айрим пайтларда у араб гўзалларини ҳам мадҳ этган. Аммо унинг висолини орзу қилиб, ёниб-қуйиб интилган турк дилбарлари эди.

Эй **турки шўх**, ин ҳама нозу итоб чист?

Бо дилшикастагон ситами бехост чист?

Мазмуни: Эй шўх турк гўзали, бу нозу итобларинг нима? Дилшикасталарга қутилмаган ситамларинг-чи?

Бошқа бир ғазалда эса бундай дейилади:

Турки гулчехраи ман хайма ба саҳро задааст,

Дар дили лола руҳаш оташи савдо задааст.

Мазмуни: Менинг чехраси гул турк санамим саҳрода оқ уй тиклабди. Лекин унинг олов яноқлари лоланинг дилига аланга савдосини солибди.

Таниқли жомийшунос А.Афсаҳзоданинг ёзишича, “Жомийнинг маъшуқаси ҳаммадан аввал турк сиймосида намоён бўлди. Ва у ниҳоятда ёрқин сифат, жозибали хислатлар соҳибасидир. Ошиқнинг маъшуқа тилини билмаслиги ва унинг ўз ошиғи сўзларини тушуннавермаслиги тез-тез эсланади. Аммо тилдаги тафовут ошиқнинг садоқати, ёрига жонини бағишлашига ҳеч монелик қилмайди.

Қуйидаги байтни шу гапнинг бир тасдиғи дейиш мумкин:

Нестам чун ёр туркигў, вале то зиндаам,

Чашми турку лаъли туркигӯи ўро бандаам.

Мазмуни: Мен ёримга ўхшаб туркча сўзлашни билмайман. Бироқ тирик эканман, унинг туркона кўзи, туркча сўзлайдиган лабига бандаман” (Иброҳим Ҳаққул, 2016: 114-115).

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг аввалида тожик ва ўзбек адабий тилларида “турк” лексемаси гўзал, соҳибжамоллик маъноларини ифодалашда архаизмга айланган. Унинг ўрнини зебо, хушсимо, хушрўй, хубрў, мохрў, гулрўй, моҳлиқо, соҳибчамол, гулрухсор, гулчеҳра, нозанин, чиройли, гўзал, хусндор, хуснли, барно, сулув, латофатли лексемалари эгаллаган. Агар шундай бўлмаганида Садриддин Айний “Луғати нимтафсилии тоҷикӣ барои забони адабии тоҷик”да, ўзбек олимлари Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Т.Мирзаев, Н.Тўхлиев, Э.Умаров, Д.Худойберганов, А.Ҳожиевлар 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари изоҳидан ташкил топган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”нинг 5-жилдида, тожик олимлари Сайфиддин Назарзода, Аҳмадҷон Сангинов, Саид Каримов, Мирзо Ҳасани Султонлар 2008 йилда чоп этилган “Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ”да турк лексемасини гўзал, зебо, базоб, хушрўй маъноларида изоҳланган бўлар эдилар. “**Турк**” лексемаси гўзал, соҳибжамол маъносида:

*Агар он **турки** шерозӣ ба даст орад дили моро,*

Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро. (Ҳофиз)

*Аҷаб дар арабадаст имрӯз бо ман **турки** масти ман,*

Гиребонам ба дасти ўву домонаш ба дасти ман. (Жомий)

***Туркларнинг** қулидурменки, нигоримнинг эрур*

Қоши туркона, қабоғи кенгу кўзи қиймоч.

*Кўзларингким **турки тожик** ўлди кўнглум мулкида,*

Зулм этар ул навъким бир кишвар аҳлиға чуғул. (Навоий)

Хожа Ҳофизнинг мазкур матлаъ билан бошланадиган ғазали тожик ва ўзбек халқлари орасида ривоятга айланганлиги асл ҳақиқатдир. Амур Темур шоирнинг ғазалини ўқиб чиққач, ҳузурига Хожа Ҳофизни топиб келишини буюради. Кўп вақт ўтмай, амирнинг амри билан мутасадди инсонлар шоирни Самарқандга бошқа юртдан асир олиб келинган шахслар орасидан топиб, уни саройга олиб келадилар. Салтанатли шоҳ жандапўш, хокисор, бошини эгиб турган шоирга қараб ифтихор туйғулари ила кўпгина жанг-у жадалларда Самарқанду Бухорони ғанимлардан ҳимоя қилганлиги, уруш ва юришлар давомида мазкур жаннатмакон шаҳарларни кўз қорачиғидек асраганини айтиб, шоирдан ушбу ғазали боис ранжиганини билдиради. Шунда Хожа Ҳофиз шоирлик лутфи ила соҳибжамол (турк шерози)га Самарқанду Бухорони эмас, “як сар қанду ду хурмо” (бир бош қанду икки дона хурмо)ни инъом этганини айтади. Адолапеша шоҳ шоирнинг ҳозиржавоблиги ва сўзамолик санъатига қойил қолиб, уни авф этади.

Хожа Ҳофизнинг “Агар он турки шерозӣ ба даст орад дили моро, Ба холи ҳиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро” (Мазмуни: Шерозли гўзал кўнглимни гар ром эта олса, мен унинг ҳинд холига Самарқанду Бухорони

инъом этгаймен) матлаъси билан бошланадиган ғазалидан Алишер Навоий илҳомланиб шоирнинг ғазалида татаббуъ ёзган. “Татаббуъи Хожа Ҳофиз” сарлавҳали 18 мисрали ғазалнинг матласида турк хитои, турктоз лексемалари ижобий ва салбий эмоционал бўёқдорликни ифодаланиши ҳамда гўзал, ғорат қилмоқ маъно оттенкалари билан бир-бирдан ажралиб туради. Хожа Ҳофиз ижодида ғазал “Агар он турки шерозӣ” бирикмаси билан бошланган бўлса, бироқ Алишер Навоий ижодида “Ғар он турки хитои” бирикмаси билан бошланиб, “Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз, шояд, эй Фонӣ, Намой чошнӣ дарюза з-он назми чаҳоноро” (Мазмуни: Ҳофизнинг маҳшур ғазалига ҳамоҳанг ғазал ижод қилиш Фонийга насиб айлаган бўлиб, афкори рангин қалб ва тафаккурни мунаввар айлағай) мақтаси билан интиҳо топган.

*Ғар он турки хитой нӯш созад чоми саҳборо,
Нахуст орад сӯи мо турктозу қатлу яғморо. (Навоий)*

Ҳофиз шеърлари ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий тараннумига бағишланган. Мавзунинг турли-туманлиги, улардаги бадииятнинг ғоят юксаклигидан Ҳофиз шеърлари ўз замонасидаёқ шуҳрат қозонган, кейинги давр шеъриятига ҳам баракали таъсир кўрсатган. XVII асрдан бошлаб Ғарб адабиётига ҳам таъсир ўтказди. Гёте Ҳофиздан илҳомланиб “Ғарб ва Шарқ девони”ни яратгани шоирнинг ғарб тафаккур оламига қадам сурганига далилдир.

Навоий Ҳофиз ғазалларидаги маҳоратни юксак баҳолаган. “Девони Фоний”да Ҳофизнинг ғазаллари татаббуъида 211, таврида эса 20 ғазал мавжуд. Айтиш керакки, Навоий Ҳофиз ғазалларидан тасаввуфий мазмундагиларни олган.

Навоий “**Турк** суруди била солиб қўлум, Қилсам адо ҳай тулугум, ҳай тулум” байти орқали турк тилида асарлар яратишга кучли иштиёқи бўлганлигини таъкидлаган. Ушбу байтда турк лексемаси тил маъносини ифодалаган. Суруд сўзи эса ўзбек тилидаги қўшиқ сўзи ўрнида келган. Жомий “Нестам чун ёр туркигӯ, вале то зиндаам, Чашми турку лаъли туркигӯи ўро бандам” байти орқали туркий тил ва каломига ошуфталигини эслатган. Мавлоно Жомий Алишер Навоийнинг туркий тилда ашъор битишига оқ фотиҳа бериб, пир-у муршидлик муштарақ фаолиятни ижод соҳасида давом эттиришни уқтирган буюк зот.

Туркий халқлар эпоси ва афсоналарида Афросиёбнинг бобоси -Турнинг авлодидан деб таърифланади. У Туронни чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилган. Қуйидаги мисолларда турк лексемаси юрт ва миллат маъносида:

*Чомӣ, аз хоки Хуросон чӣ кунӣ азми Ҳичоз,
Чун туро каъбаи мақсуд ба **Туркистон** аст.
Биноз, эй чашми шӯхат фитнаи хубони **Туркистон**,
На чашм аст он, ки динғораткуни **тоҷику турк** аст он. (Жомий)*

*Сортқа гарчи бу борур яхшилар,
Турк ила ҳам яхши борур бахшилар.
Турку мўғул қуллари хонлар анинг,
 Мулк диҳи, мулк ситонлар анинг. (Навоий)*

Жомий ва Навоий ижодида “турк” лексемаси ёрдамида пайдо бўлган сўз бирикмалари ижобий ва салбий эмоционал бўёқдорликка эгаллиги билан бир-биридан ажралиб туради. Ушбу турларни ташкил этувчи мисоллар ниҳоятда кўп. Жомий ижодида “турки парипайкар”, “турки шаҳсувор”, “турки шўх”, “турки ошиқкуш”, “турки сархуш”, “турки ниммаст”, “турки каҷқулоҳ”, “турки моҳрўй”, “турки шўхшанг”, Навоий ижодида “турки хито”, “турки хўтан”, “турки чин”, “турки фалак”, “турки ҳижоз”, “турк алфози”, “турк нағмаси”, “турк тили”, “турк улуси”, “турки анжум” изофали сўз бирикмалари тавсиф санъати сифатида қўлланилиб, ижобий эмоционал бўёқдорликка эга бўлган.

*Ваҳ, ки он **турки парипайкар** маро девона кард,
 Ошно ногашта аз ақлу хирад бегона кард.*

*Аз меҳри мо матоб рух эй **турки моҳрўй**,
 Бинмо зи рӯи меҳр чу маҳ гоҳ-гоҳ рӯй.*

*Рўзи майдон аст, **турки шаҳсавори** ман кучост?
 Чашми ҳар кас бар рухи ёрест, ёри ман кучост? (Жомий)*

***Турки Хўтан** топти чу зебо жамол,
 Мушк фишон бўлди насими шамол.*

*Ул **турки хитонинг** эрур андоқки кўзи қиймоч
 Ким, ноздин ўлмас демак оллиндаки, кўз оч.*

*Ишингиз жону дин олмоқдур, эй муғ дайри атфоли,
 Агар қуффори хайбарсиз ва гар **турки хитодурсиз**. (Навоий)*

Жомий ижодида “турки чафопеша”, “турки ситамгар”, “турки тундхў”, “турки яғмогар”, “турки саркаш”, Навоий ижодида “турктоз” лексемаси денотатив маънолари билан салбий эмоционал бўёқдорликни ифода этган. Шоирнинг бадий тасвирида зулмпеша турклар кўп сонли фақир инсонларнинг жанг-у жадаллар жараёнида қонининг тўкилганлиги (биринчи байт), ситамгар турклар сафига қўшиладиган шахсларнинг қадам қўйиши билан боши танасидан жудо бўлиши (иккинчи байт), бошқа халқлар хотирасида яғмогар турк шахс сифатида муҳрланганлиги ва уларга нисбатан нафрат туйғулари борлиги (учинчи байт), сафарга отланган бадфеъл турк қайси томондан келаётганлиги (тўртинчи байт) ўз ифодасини топган.

*Зи бас хуни ғарибон рехт он **турки чафопеша**,
 Губоре, к-аз сари он кўй хезад, бўи хун ояд.*

*Ҳар кī хоҳад сӯи он **турки ситамгар** гузарад,
 Воҷиб он аст, ки аввал қадам аз сар гузарад.*

***Турки яғмогаре** ки мегўянд,*

Шак надорам дар ин яқин ки туй

*Ба ҷониби сафар он **турки тундхӯ** рафтаст,
Хабар диҳед маро, к-аз кадом сӯ рафтаст.*

*Чу **турки саркаши** ман пой дар рикоб кунад,*

Карашма бар маҳу ҷавлон бар офтоб кунад. (Жомий)

***Турктоз** айлаб қўнгул олдинг ажсалдин бурна жон,
Ҳисса ойирма анга, невчунки эрмас эрди ченг.*

Бузди ҳусн аҳли қўнглум андоқким,

*Ёғи мулкани **турктоз** аҳли. (Навоий)*

Жомийнинг “Воситат ул-иқд”, “Хотимат ул-ҳаёт” девонларида турк лексемаси иштирокида турли хил тузилиш ва маъноларни ифодаловчи сўзларнинг “Конкорданс луғати” орқали зикр этамиз. Қуйидаги жадвалнинг биринчи устундаги сон ғазал мисраларини миқдорини, учинчи устундаги сон шоир девонидан учрайдиган ададни, тўртинчи устундаги биринчи рақам ғазал ададини, ундан кейинги рақам ўша ғазалнинг қайси байтида “турк” лексемаси мавжудлигини билдиради.

10375	турк	5	70/3; 78/1; 118/1; 620/1; 712/1
10376	турканд	1	822/5
10377	турке	1	839/4
10378	туркест	1	568/3
10379	турки	26	105/3; 169/1; 177/1; 190/1; 226/1; 272/1; 273/1; 285/1; 292/1; 309/2; 319/4; 362/1; 367/5; 379/5; 397/1; 404/1; 676/2; 737/1; 774/1; 790/5; 811/1; 834/1; 867/1; 903/5; 1000/1; 1004/5
10380	туркигӯ	1	620/1
10381	туркигӯи	1	620/1
10382	Туркистон	2	147/7; 712/1
10383	туркон	1	545/4
10384	туркони	3	99/5; 799/1; 925/1
10385	турктоз	1	35/6

1492-498 йиллар давомида Навоий китобат қилган, яъни “Чор девон” номи билан халқ орасида машҳур бўлган “Ҳазойин ул-маоний” таркибидаги “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 1 маснавий, 50 қитъа, 133 рубойида, “Наводир уш-шабоб” девондаги 650 ғазал, 1 мустазод, 3 мухаммас, 1 мусаддас, 1 таржеъбанд, 50 қитъа, 52 муаммода, “Бадоеъ ул-васат” девондаги 650 ғазал, 1 мустазод, 2 мухаммас, 2 мусаддам, 1 таржеъбанд, 1 қасида, 60 қитъа, 13 туюқ, 10 чистонда, “Фавойид ул-кибар”даги 650 ғазал, 1 мустазод, 2 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржеъбанд, 1 соқийнома, 50 қитъа, 86 фардда ҳамда “Девони Фонӣ”да учрайдиган доминантали муштарак

лексемаларнинг “Конкорданс луғати”ни тузишини истиқболли ишлардан бири сифатида қолдирамиз.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида таҳлил этилган “турк” лексемаси тожик ва ўзбек адабий тилларининг лексик қатламида асл ва мажозий маънолари билан бошқа лексемалардан ажралиб туради. Мазкур лексема Жомий ва Навоий ҳамда уларнинг замондошлари ижодида турли хили маъноларни англаган. Ижобий ва салбий маънолари билан нутқ услубларининг ранг-баранглигини таъминлаб, тожик ва ўзбек адабий тилларининг тадрижий риволанишига кенг имконият яратган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шамсиев П, Иброҳимов С. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: “Ғафур Ғулом”, 1972. – 784 бет.
2. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III жилд. – Тошкент: “Фан”, 1984. – 624 бет.
3. Нуров А. Фарҳанги осории Ҷомӣ. Ҷилди 2. П – Ҷ. – Душанбе: “Энцеклопедияи тоҷик”, 1984. – 608 бет.
4. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷилди 2. П – Ҷ. – М.: “Энцеклопедияи тоҷик”, 1969. – 952 бет.
5. Айнӣ С. Луғати нимтафсилии тоҷикӣ барои забони адабии тоҷик. – Душанбе: “Ирфон”, 1974. – 564 бет.
6. Иброҳим Ҳаққул. Навоийга қайтиш. 3-китоб. – Тошкент: “Тафакур”, 2016. – 224 бет.
7. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўртинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011.– 840 бет.
8. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Иккинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011.– 772 бет.
9. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Учинчи жилд. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011.– 764 бет.
10. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Девони Фонӣ. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2011.– 860 бет.
11. Ҷомӣ. Воситат ул-иқд (Девони сонӣ). Ҷилди шашум. – Душанбе: “Адиб”, 1988. – 560 бет.
12. Ҷомӣ. Хотимат ул-ҳаёт (Девони салис). Ҷилди ҳафтум. – Душанбе: “Адиб”, 1989. – 544 бет.

ТИЛ ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИМИЗДА НАВРЎЗНИНГ ЎРНИ

DİL VE KÜLTÜR TARİHİMİZDE NEVRUZ

Маъруфжон Юлдашев
филология фанлари доктори
Зухра Юлдашева
ЎЗРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институту, Фольклор бўлими илмий ходими

Doç. Dr. Marufcan Yoldaşev,
Zühre Yoldaşeva,
Özbekistan İlimler Akademisi
Özbek Dili, Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü

Аннотация

Ўзбек халқи туркий ва форсий халқлар қатори асрлар мобайнида Наврўзни эзгулик, меҳр-шавқат ва саҳоват байрами сифатида қадрлаб келади. Ушбу мақолада Наврўз тарихи, туркий халқларнинг Наврўз билан боғлиқ маросим ва анъаналари, ўзбек лингвомаданиятида Наврўзнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Наврўз, байрам, туркий халқлар, баҳорги анъаналар, лингвомаданият.

Abstract. Nawruz is a specific holiday, while the seasons change, the new day, the symbol of a new life. This feast is a holiday of returning to self, the memories of my ancestors, the awareness of the sick, the orphans, and those who are fond of affection. This article studies the history of Nawruz, the rituals and traditions of the Turkic peoples in Nawruz, the role of Nawruz in Uzbek linguoculture.

Keywords: Nawruz, holiday, Turkic peoples, spring traditions, linguoculture.

Özet

Özbek halkı, diğer Türk ve Fars halkaları gibi yüzyıllardır Navruz'u şefkat ve merhamet bayramı olarak kutluyor. Bu makalede Navruz'un tarihi, Nevruz bayramıyla ilgili Türk halklarının gelenek ve görenekleri, Navruz'un Özbek dilbilimindeki rolü kaleme alınmıştır.

Anahtar sözcükler. Nevruz, bayram, Türk halkları, gelenekler, görenekleri, dil ve kültür.

Ҳар тунинг қадр ўлубон,

Ҳар кунинг ўлсин Наврўз!
(Алишер Навоий)

Наврўз баҳор фаслининг бошланиши, тенгкунлик тантанасидир. Қадимдан табиат сирларини билишга қизиққан ота-боболаримиз Ер ва унинг Қуёш тизимидаги ҳаракатини кузатиш асосида вақтни белгилашган. Наврўз, фасллар алмашинуви, иқлим янгилашиши, янги кун, янги ҳаёт рамзи бўлиш билан бирга, ўзига хос бирдамлик байрами ҳамдир. Бу шунчаки сайлу томоша ёки одатий байрамлардан эмас. Бу байрам ўзликка қайтиш, ота-боболарни ёдлаш, беморлар, етим-есирлар ва меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олиш байрамидир. Бу байрам халқни юксак фазилатлар атрофида бирлаштирувчи, миллат руҳида Ватан туйғусини мустақамловчи бебаҳо қадриятдир. Ўзбек халқи асрлар мобайнида Наврўзни эзгулик, меҳр-шавқат ва саҳоват байрами сифатида қадрлаб келади.

Баҳорнинг келиши, ҳаволарнинг исиши, қорларнинг эриши, табиатнинг жонланиши дунё халқларининг барчасини деярли бир хилда севинтириши аниқ. Туркий халқлар ҳам қадимдан кўкламни орзиқиб кутишган, уни алоҳида тайёргарликлар, қувонч ва тантаналар, тўю томошалар билан кутиб олишган. Кўклам келишини қишлоқларда, овулларда қўни-қўшнилари, қариндош-уруғ, ёр-биродар, дўсту қадрдонлар биргалашиб байрам қилишган. Бир-бирларини байрам билан қутлашган, байрамона таомлар билан кўнгил олишган. Жойлардаги кўклам шодиёнасида кўпкари, ҳайвон (хўроз, така, ит) уриштириш, югуриш, тухум уриштириш, олов устидан сакраш, кураш тушиш каби қадимий спорт мусобақалари ўтказилган. Марказий Осиёда яшаган бошқа халқлар қатори ўзбеклар ҳам Наврўзни нишонлашда ўзига хос урф-одатларни шакллантирган ва уларни асраб-авайлаб авлоддан авлодга ўтказиб келади.

Ўзбек лингвомаданиятида байрам сўзининг семантик доираси ва ифода имконлари ниҳоятда кенг. Байрам “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича тавсифланади: “Байрам. 1. Тарихий, маданий-маънавий анъаналарга кўра расмий ёки норасмий равишда уюштириладиган умумхалқ шодиёнаси куни, тантана куни. *Мустақиллик байрами. Наврўз байрами, Янги йил байрами.* 2. Бирор-бир муносабат билан ўйин-кулги иштирокида тантанали равишда ўтказиладиган тадбир. *Оилавий байрам. Арча байрами. Шеърят байрами.* 3. *кўчма.* Вақтичоғлик, хурсандлик; бахт, омад. *Жони соғга кунда байрам, кунда тўй.*” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1.ж., 143-б)

Байрам сўзи асосида ҳосил қилинган *байрамлашмоқ* (байрам билан қутлаш, табриклаш), *байрамбозлик* (ишларни қўйиб кўнгилхушликка берилиш), *байрамлик* (совға), *байрамолди* (байрамдан олдинги кунлар,

арафа), *байрамона* (тантанали), *байрамчилик* (байрамга хос хурсандчилик) каби бирликлар миллий маданият ва қадриятларнинг тилдаги акси ҳисобланади. Ўзбек лингвомаданиятида мазкур сўзлар билан боғлиқ ҳолда “Отнинг ўлими итнинг байрами”, “Байрамлашиш бир кунлик, кўнгил олиш умрлик”, “Байрамда кўшнинг оч бўлса, ўчоқ ёқма”, “Саҳоватинг байрамда, одамлигинг ҳар дамда синалади” каби эзгуликка чорловчи мақол ва ҳикматли сўзлар пайдо бўлган.

Турк тилида “байрам”, татарчада “бейрем”, ўзбек, қорақалпоқ ва нўғай тилида “байрам”, қозоқчада “мейрем”, қирғизчада “майрам” тарзида талаффуз қилинган бу сўз олтой, телеут, шор каби баъзи туркий тилларда “пайрам/пейрем” шаклида қўлланилади. “Турк тилининг этимологик луғати”да мазкур сўз кенг изоҳланган: “Бу сўз энг қадимги даврлардан бери истеъмолда бўлган. Нисбатан эски шакли “бадрам” бўлганлигини Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” асаридан биламиз. Кошғарийнинг маълум қилишича, ўғизлар “байрам” шаклидан фойдаланишади. Бу мисолда Маҳмуд Кошғарий ўғизлар -*д*- товушини қоидага мувофиқ -*й*- га ўзгартириб олганлигини айтади. Маҳмуд Кошғарий бу билан мазкур сўзнинг соф туркий эканлигини таъкидлашга ҳаракат қилган. Этимологик жиҳатдан мураккаб. Доэрферга кўра, Маҳмуд Кошғарийдан миннатдор бўлишимиз керак. Чунки у “байрам”нинг туркий “бадрам” шаклини ёзиб қолдирган. Клаусон эса мазкур сўзнинг форсий тилларга хослигини таъкидлаган. Севортян “байрам”нинг қадимий “бадрам” шаклининг ўзи форсчадан ўтган деган фикрни йўққа чиқаришини айтиб ўтган.

Бу сўз туркий тиллардан кўшни халқлар тилига ҳам ўтган. Доэрфер тожик тилига “байрам”, “майрам” шаклининг ўзбеклардан ўтган деган фикрни илгари сурган. Тувалар “байир (яйлов, адир)” сўзини “байрам, маросим” маъносида ишлатадилар. Бир қарашда алоқадорлик бордек. Аммо “байрам” ва “байир”ни этимологик жиҳатдан муштарак деб бўлмайди. Расаненга кўра, Севортяннинг “байрам”ни “маросим” маъносидаги “бай”га боғлаши, “байир” ва “байроқ”ни бир ўзакдан дейиши янглишдир. Тувача “байир (яйлов, адир)” мўғил тилидан ўтган бўлиши керак.” (Hasan Eren, 1999: 45)

Озарбайжон фольклоршуноси Ағаверди Халил ўзининг “Туркий халқларда баҳор байрами ва Наврўз” деб номланган асарида байрам сўзининг келиб чиқишини “безамоқ” феълига боғлаб изоҳлашга уринади: “Байрам сўзининг энг эски формаси бўлган “бадрам/базрам” “безамоқ” феълига бориб тақалади. Қадимдан маросим ва тантаналарда декорациядан

кенг фойдаланилган. Маросим ўтказиладиган ер безатилиб тантанавор кўринишга келтирилган. Қадим замонлардан бери мавжуд бўлган “базрам” бироз фонетик ўзгариш билан бугун ҳам барча туркий халқларда кўлланилмоқда. Байрам сўзида “бойимоқ” маъноси ҳам бор.” (Ағаверди Халил, 2013: 3-4) Бу ўринда олим Маҳмуд Кошғарийнинг байрам сўзининг изоҳига асосланган кўринади. Чунки Кошғарий байрам ўтказиладиган маконнинг гул-чечаклар билан безатилишини, шамлар ва машъалалар ёқилгани ҳамда бу майдонга келган инсонларнинг баҳри дили очилишини алоҳида таъкидлаган. (Кошғарий, 2016: 121)

Тарихий манбаларга кўра туркий халқлар қадимдан байрам ва шунга ўхшаш қутлаш маросимлари мавжуд бўлган. Бундан ташқари хунлар бешинчи ойда яъни баҳорда “Лунг-жинг” деб аталган кенг майдонда байрамлар ташкил қилишган. Бу байрамларда халқ инончлари билан боғлиқ урф-одатлар намойиш қилинган. Турли беллашувлар ўтказилган ва диний маросимлар адо қилинган. Кўктангри ва муқаддас макон учун от қурбонлик қилинган. (Дэ Гроот, 1921: 59. Қаранг: Ағаверди Халил. Ўша асар: 4). Яна ўша асарда келтирилишича, қурбон маросимида мусобақалар ташкил қилинган. Бундай мусобақалар куз фаслида ҳам такрорланар эмиш. (Eberhard 1942: 76. Қаранг: Ағаверди Халил. Ўша асар: 4).

Хунларнинг тантаналарига ўхшаш байрам ва маросимлар кўктурклар даврида ҳам учрайди. Кўктурклар даврида ҳар йили маълум вақт оралиғида оталари руҳига атаб қурбонлик сўйилган. Байрам маросимларини эсатбешинчи ойнинг иккинчи ярмида “кўктангри” ва “муқаддас ер ва сув” учун қурбонлик ато қилиш билан бошлашган. Қурбонликдан кейин жамоа шаклида байрам нишонланар эди. Бундай байрамларда ўйинлар ўйналар, қимиз ичилар, қўшиқлар айтилар эмиш. (Eberhard 1942: 87; Liu Mau-tsai 1958: 42 Бу ҳақда қаранг: Ағаверди Халил. Ўша асар: 5).

Бугунги кунда деярли барча байрамлар оммавий маданиятнинг бир бўлаги сифатида катта тантана, алоҳида декорация, алоҳида куй-қўшиқ, саҳналаштирилган асарлар ва жозибадор ранглар фонидида ўтказилади. Байрамларнинг колоратив мазмуни қайси фаслда ўтишига қараб белгиланади. Баҳорги байрамнинг ранглар фонидида яшил, пушти ва сариқ зич кўлланилса, ёз ва куз байрамларида пишиқчилик билан боғлиқ тўқ ранглар кўп ишлатилишини кузатиш мумкин. Ўзбекистонда миллий байрамлар ичида Наврўзнинг ўрни алоҳида. Наврўз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича изоҳланади. “Наврўз. I. 1. Шамсия йил ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21-кунига тўғри келади.) 2. Баҳор чоғи, баҳор. Наврўз ёмғири. Наврўз байрами. Баҳорнинг бошланиши

муносабати билан ўтказиладиган байрам. Наврўзи ажам. Ўзбек мумтоз куйларидан бирининг номи. 3. Наврўз (эркаклар исми). II. Кечпишар шрик нави.” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-ж., 8-б) Бу сўз, айна пайтда *наврўзгул* (кўп йиллик баҳорда гуллайдиган ўсимлик), *наврўзгулдошлар* (наврўзгул туркумидаги ўсимликлар оиласи), *наврўзи* (Наврўзга хос, Наврўзга оид), *наврўзлик* (тар. Эски мактабда Наврўз муносабати билан тўпланадиган пул) каби лексемаларнинг пайдо бўлишига асос бўлган. Баҳор палласида туғилган чақалоқларга Наврўзбек, Наврўзгул, Наврўзой, Наврўзбека, Наврўзберди каби исмлар бериш анъанага айланган. Наврўзда кўк сомса, кўк чучвара, кўк варақи сомса, ҳалим, сумалак каби таом ва ширинликлар тайёрлаб кўни кўшнилар, қариндош-уруғлар билан бирга баҳам кўрганлар. Наврўзни халқ кенг майдонларда, дала-қирларда нишонлашни хуш кўрган. Шу боис халқ сайли шаклида ўтказиладиган Наврўз тантаналари репертуаридан кўпкари ёки улоқ, арқон тортиш, ким ўзарга югуриш, кураш тушиш, полвонлар беллашуви, дорбозлик, чавандозлик каби миллий ўйин ва спорт турлари ҳам ўрин олган.

Носириддин Рабғузий ўзининг “Қиссаси Рабғузий” номли дидактик асрида Наврўзга атаб шундай байтларни ёзган:

*Кун ҳамалға кирди эрса, келди олам наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир, қиш қолмади, қори бузи.
Кун келу минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.
Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри булбул муқри бўлиб, ун тузар тун-кундузи.*

Манбаларга кўра, “Наврўзни байрам қилиш Ўрта Шарқ ва Ўрта Осиё мамлакатларининг қадимий анъанасидир. Бу байрам инсоннинг жуда қадимдан шакллана бошлаган маълум удум, урф-одатлари, кундалик турмуш эҳтиёжлари, атроф-муҳит, табиат омиллари билан муносабатлари замида вужудга келган. Асрлар ўтиши билан бу урф-одатлар мамлакатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланиши замида кенг ёйила борган, мазмунан бойиган ҳамда маълум ўлкалар доирасида тарқалиб, мустақкам анъанага айланган. Ёзма манбаларда Наврўзнинг қадимийлигига ишора этувчи талай ривоятлар мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, Наврўз аҳамонийлар давридан (милоддан аввалги 558-330 йиллар) бошлаб одат тусига кирган. Наврўз ҳақидаги энг тўлиқ манбалар буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Қонуни Масъудий” ва “Ат-тафҳим” асарларида, Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” рисоласида ёзиб қолдирилган.”

“Наврўз” талаффуздаги бироз фарқлиликларга қарамай, туркий халқлар тилида муштарак тушунчанинг номидир. Наврўз, Невруз, Нооруз, Нўвруз, Норуз, Неврез, Нарес, Меврис кабилар сўзнинг форс тилидаги маъно мундарижасидаги каби “янги+кун”нигина эмас, балки умуман баҳорнинг келишини қутлаш вақти ҳисобланади. Бу қутлаш вақти бир кун эмас бир ой мобайнида давом этган. Қишнинг совуғидан зериккан халқ учун Наврўз, ҳавонинг исиши, иқлимнинг ўзгариши, экин-тикин учун дала-қирга чиқиш пайтининг келганлигини ифодалаган.

Наврўз қадимдан халқ хурсандчилиги, тўю тантанаси бўлиш билан бирга туркий халқларнинг давлат тизимида алоҳида аҳамиятга эга кун сифатида ҳам эътиборли бўлган. Жумладан, Салжуқийлар давлати исломиятни қабул қилган пайтда хижрий тақвимни етарли деб ҳисбламagan ва султон Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида қадимий туркий тақвимга ўхшаш “Тақвими Жалолий” деб аталган йил боши 21 март кунига тенг келадиган янги тақвимни тузишган. Давлатчиликда барча ишларни ўша тақвимга мослашгани ҳақида манбаларда таъкидланган. (Onarli, 1998: 11-14)

Халқни бирлаштирувчи, ёшларни эзгулик ғоялари асосида тарбияловчи бу қадимий байрам мустабид тузум даврида жиддий тақиққа учраган эди. Халқ Наврўзни кенг миқёсда нишонлай олмаган бўлса-да баҳорнинг бетакрор таоми ҳисобланган сумалакни уйларда яширинча пишириб кесалар ва беморларга улашиб келган. Мустақиллик туфайли қатағонга учраган кадриятларимиз тикланди ва янада ривожланиши учун керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Наврўз миллий байрам сифатида кенг миқёсда нишонланиб келинмоқда.

Шеърят султони Алишер Навоий айтганларидек:

Ҳар тунинг қадр ўлубон,

Ҳар кунинг ўлсин Наврўз!

Лайлатул қадр кечаси кечаларнинг энг хайрлиси, энг муқаддаси бўлгани каби йил кунларининг энг қутлуғи Наврўздир. Тунларимиз Лайлатул қадрдек азиз, муқаддас, кунларимиз Наврўздек серфайз бўлсин. Наврўзингиз муборак бўлсин!

Адабиётлар:

Ağaverdi Xalil. Türk Xalqlarının Yaz Bayramları ve Novruz. Baku, Elm ve tahsil, 2013.

Hasan Eren. Türk Dilinin Etimolojik Sözlüğü. Ankara, 2. Baskı, 1999.

Onarli, İsmail. Nevruz Bayramı, Alevilerin Sesi Dergisi, Köln, Say: 24 Nisan 1998.

Türk Dünyasında Nevruz Dördüncü Uluslar Arası Bilgi Şöleni Bildirileri. AKM. Ankara, 2001.

- Маҳмуд Кошғарий. Девони луғат турк. Солиҳқори Муталлибов таржимаси. Тошкент: Мумтоз сўз. 2016.
- Миртожиев М. Туркий туб сўзлар луғати. Ғ.Ғулом нашриёти, 2016.
- Наврўз қўшиқлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
- Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили фразиологизмлари луғати. Тошкент, 1995.
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 ж. Тошкент: Ўзбекистон энциклопедияси. 2006.
- Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент: Фан, 1984.
- Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент: Ўзбекистон энциклопедияси. 2008.

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ

EKOLOJİK MEDENİYET VE MARİFET

*Т.М.Махмудов, тиббиёт фанлари доктори,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори
Н.Э.Абрайкулова, Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси*

*Prof. Dr. T.Mahmudov,
N.Abraykulova,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. Ушбу мақолада аҳолининг экологик маданиятини ошириш мураккаб жараён бўлиб, экологик маданиятни ривожлантириш учун экологик таълим-тарбия ва экологик тарихий меросга, диний, маънавий қадриятларга муносабатни шакллантириб бориш лозимлиги ўқтирилган. Аҳолининг экологик маданиятини ошириш ва ривожлантириш учун икки йўналиш танлаб олиш лозим бўлади: биринчи йўналиш, экологик тарихий меросни – анъаналарни умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми сифатида асраб-авайлаш ва ижодий ривожлантириш; иккинчиси, табиат ва жамиятни назарий билиш ҳамда амалий ўзгартириш жараёнида янги экологик маданият йўналишларини шакллантириб, ҳаётга татбиқ этишдан иборат бўлиши очиқ берилган.

Калит сўзлар: Атроф муҳит, атмосфера, гидросфера, экологик ҳуқуқ, босқич.

Annotation. In this article it is difficult to raise the ecological culture of the population, and the ecological education for the development of ecological culture should be based on the ecological historical heritage, religious and spiritual values: it is necessary to select two directions for increasing and developing the ecological culture of the population: ecological and historical heritage as part of universal values: the second is the formulation and implementation of the new ecological culture in the process of theoretical knowledge and practical change of nature and society.

Key words: Environnement, atmosphere, hydrosphere, ecological right, step.

Özet. Bu makalede, toplumda ekolojik kültürü geliştirmek, ekolojik eğitim ve ekoloji tarihi, dini ve manevi açıdan ekolojinin önemi kaleme alınmıştır. Nüfusun ekolojik kültürünü artırmak ve geliştirmek için iki alan seçmek gerekir: birinci yön - evrensel insan değerlerinin bir parçası olarak geleneklerin korunması ve yaratıcı gelişimi; İkincisi, teorik bilgi ve uygulama değişikliği sürecinde doğadaki ve toplumdaki yeni ekolojik trendlerin yaratılması ve uygulanmasıdır.

Anahtar Kelimeler: Çevre, Atmosfer, Hidrosfer, Çevre Kanunu, ekolojik eğitim. Ekoloji kültürü.

Экологик маданият, мухтасар қилиб айтганда, табиатнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур англаган ҳолда унга зарар етказмай асраб-авайлашдир. Унинг тараққиёти экологик таълим-тарбия ҳамда экологик маълумотларни аҳолига етказиш – тарғибот-ташвиқот қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, экологик маданият замирида экологик таълим-тарбия ётади. У эса табиатни муҳофаза қилишни илмий асослари учун зарур билимларни чуқур ўзлаштириш жараёни ва натижаси ҳисобланади.

Экологик маданияти кенг ва тор маъноларда тушуниш мумкин. Кенг маънода экологик маданият – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш унинг олдида бурч ва масъулиятни англаган ҳолда табиатга онгли муносабатда бўлиш, она табиатни асраш йўлидаги фаолият. Тор маънода ҳар бир шахснинг табиатни муҳофаза қилиш маданияти дейиш мумкин. Экологик маданият – экологик тарбия, экологик маърифат ва экологик ахлоқни ўзида жамлайди.

Собиқ иттифоқ даврида атроф-муҳит билан боғлиқ муносабатларда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, шахснинг экологик маданиятини ривожлантириш истиқлол йилларида республика маънавий-маърифий муассасалари фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланди.

Собиқ иттифоқ даврида атроф-муҳит билан боғлиқ муносабатларда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, шахснинг экологик маданиятини ривожлантириш истиқлол йилларида республика маънавий-маърифий муассасалари фаолиятидаги муҳим вазифалардан бирига айланди. Шунга кўра, ёшларда атроф-муҳитни асраш маданиятини шакллантириш ва юксалтириш таълим муассасалари фаолияти диққат-эътиборида бўлмоғи лозим.

Экологик маданият, энг аввало, оилавий тарбиядан бошланади. Бинобарин, ҳозирги даврда жаҳон миқёсида ҳаёт-мамонт масаласига айланган экологик дунёқарашни ривожлантириш ҳам оиладаги ахлоқий тарбия маҳсулидир.

Ҳозирда юртимизда таълимнинг барча босқичларида экология фани ўқитилмоқда. Бу фан тирик организмларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзи яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабати ҳамда шу асосда вужудга келадиган қонуниятларни ўрганади. Айни даврда технологик тараққиётнинг атроф-муҳитга таъсири натижасида экологик маданият тушунчаси тобора кенгайиб бормоқда. Биз “экология” ва “табиатни муҳофаза қилиш” ибораларини кўп қўллаймиз. Хўш, бу тушунчалар ўртасида қандай умумий жиҳат ва фарқлар мавжуд?

“Табиатни муҳофаза қилиш” деганда табиатни яхлит ҳолатда ёки унинг ер, ҳаво, ўсимлик, ҳайвонот дунёси каби айрим компонентларини муҳофаза этишни тушунамиз. Экология фани ҳам бу функцияларни ўз зиммасига олади. Бироқ, у барча тирик жонзотларнинг яшаш муҳитини, уларнинг ўзаро муносабатларини ўрганувчи табиий фанлар қаторига

киради. Демак экология фани ҳам табиат, ҳам инсониятнинг муҳофазасига қаратилган таълимот. Экологик маданият тушунчаси, азалдан барча халқларнинг турмуш тарзида муайян даражада мавжуд бўлсада, ижтимоий фаннинг алоҳида, махсус йўналиши сифатида Ғарб олимлари томонидан XX асрнинг иккинчи ярмида илгари сурилган.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида халқларнинг географик жойлашуви ва уларнинг тарқалиш хусусиятлари ҳақидаги фан – этногеография шаклланди. Этногеография алоҳида фан тармоғи – этник экология учун ҳам пойдевор вазифасини ўтаган. “Этник экология” атамаси 80-йилларнинг бошларига келиб илмий муомалага киритилган. Бу фаннинг шаклланишига америкалик антрополог олим Жулиан Стюарднинг “Маданий экология” концепцияси ҳамда АҚШда пайдо бўлган этноэкологик мактаб ва йўналишлар сезиларли таъсир кўрсатган.

XX асрнинг 70-йилларида рус олими В.П.Алексеев “Антропогенез” концепциясини олға сурган. Шунингдек, олим халқларни популяцион (тарқалувчан) узоқ яшовчанлигининг ташқи муҳитга этномаданий мослашуви билан белгиланиши ҳақидаги тахминга асосланган комплекс антропологик, биологик ижтимоий-этнографик тадқиқот ўтказган. Бу тадқиқот натижалари ҳам этник экология фанининг шаклланишига туртки бўлган. Бу фан энди анъанавий, ўзига хос маданият яратувчи – этноснинг табиий муҳит билан ўзаро алоқасини, унинг ўз ҳаётини таъминлаш тизими хусусиятларини, экосистемаларнинг шаклланиши ва амал қилиш қонуниятларини жиддий ўргана бошлаган.

Мутафаккирларнинг фикрича, тарихга икки хил нуқтаи назардан ёндашиш мумкин. Уларнинг бири – табиат, иккинчиси – инсоният тарихидир. Лекин улар узвий боғлиқ, ўзаро алоқадор. Чунки, инсон бошқа тирик жонзотлардан тубдан фарқ қилади. Инсон моддий ва маънавий маданияти ўртасидаги уйғунлик тарижий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучидир. Умуман олганда, моддий ва маънавий ривожланиш босқичлари табиатни муҳофаза қилиш эҳтиёжи билан тўқнаш бўлиб келган. Айнан шу зиддиятнинг кучайиши экологик вазиятни кескинлаштириб, умумбашарий муаммога айланганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Экологик маданият кўп жиҳатдан ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва унинг жамиятдаги эгаллаган мавқеига ҳам боғлиқдир. Шу боисдан ҳам экологик тарбиянинг ҳуқуқий асоси табиатни муҳофаза этишга доир қонунларда, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқ ва бурчларида ўз ифодасини топган. Норматив ҳужжатлар кишининг табиат неъматларига ақл билан ёндашиб, ундан тежамкорлик билан фойдаланишини қонун доирасида назорат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий экологик маданиятни юксалтириш мақсадида амалий иш олиб бораётган экологлар фаолиятини янада

жонлаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш эҳтиёжи туғилди.

Эколог, этнолог, социолог ва ҳуқуқшунослар жам бўлиб, миллатимиз менталитетини инобатга олган ҳолда, экологик ахлоқ кодексини ишлаб чиқсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, соҳадаги назарий-концептуал билимларни оммавий ахборот воситалари ёрдамида оммалаштириш орқали фуқароларда экологик маданиятни ва экологик таълим-тарбияни шакллантириш ҳам айни даврда ғоят долзарб аҳамиятга эга. Зотан, табиий экологик муҳит, наботот ва жамодот олами наинки биз, балки, келажак авлодлар ҳам баҳра олиши лозим бўлган мўтабар бойликдир.

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовиштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир.

Юртимизда мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилишга жуда катта эътибор берилмоқда. Бунинг исботи сифатида юртимизда экологик сиёсатнинг йўлга қўйилганлигини ва унинг ҳуқуқий, сиёсий муносабатларга ривожланиш имконини берадиган механизмларни кўриб чиқишимиз лозим. Бунда “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” ва “Экологик маданият” тушунчалари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигига эътибор бериш лозим. Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ўрганар эканмиз, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида экологик муаммолар юзага келмоқда. Юртимизда аҳолининг экологик маданиятини яхшилашга ва аҳоли саломатлигига бўлган эътиборни амалга оширилаётган ислохотларда, экологик сиёсатнинг яхши йўлга қўйилганлигини бир қатор табиатни муҳофаза қилишга оид қонунларда кўришимиз мумкин.

Масалан юртимизда мустақиллик йилларида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид 13 та қонун 30 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки бу қонунлар ижроси “Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 1996 йил 26 апрелда Олий Мажлис томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низом”га мувофиқ фаолият юритади. Низомнинг 11-моддасига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидаги асосий комплекс экологик вазифаларни бажаради:

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- табиатни муҳофаза қилиш доир фаолиятни тармоқлараро комплекс бошқариш;
- табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- атроф-муҳитнинг экологик ҳолати қулай бўлишини таъминлаш;
- экологик вазиятни соғломлаштириш каби кўринишларда ўзини аксини топмоқда.

Шу нуқтаи назардан, ишлаб чиқаришни экологик маданий муносабат асосан ташкил қилиш билан “табиат-жамият” муносабатларини мувофиқлаштириш мумкин. Бунда, биринчидан, жамият тараққиёти даражаларига мос равишда ва экологик маданият ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ахлоқий муносабатларнинг мазмунига айланиб боради. Иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёт йўналишларининг экологиялашуви ҳамда, уларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ўзига хос маданий хусусиятларини вужудга келтиради. Учинчидан, турли ижтимоий соҳалар ривожланишининг нисбатан мустақиллашиб бориши, экологик маданиятнинг дифференциялашуви йўналишларида намоён бўлмоқда. Тўртинчидан, “табиат-жамият-инсон” мажмуасининг муштараклашуви билан ижтимоий – экологик муносабатларнинг тарихий интеграциялашув жараёни кучаймоқда.

Инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларига мос тарзда “табиат-жамият” муносабатлари шаклланган ва бу муносабатлар маълум маънода, жамият маданияти, маънавияти ривожланишининг мезонига айланган. Айниқса, XXI асрда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва фан-техника тараққиёти жадал суратлар билан ривожланиб бораётган бир пайтда инсониятнинг табиат ва жамият билан ўзаро муносабатларини тўғри ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар илм-фан олдидаги энг долзарб вазифалардан бирига айланди.

Хулоса қилиб айтганда аҳолининг экологик маданиятини оширишда аҳолида экологик онг ҳамда экологик маданиятни шакллантириш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолиши лозим. Бунинг учун таълим-тарбия тизимига тадбиқ этилаётган экологик таълимнинг тамойилларини такомиллаштириш; аҳолида экологик маданиятни шакллантиришнинг кулай усул ҳамда технологиясини яратиб, амалиётда қўллаш зарур.

Албатта, таълим-тарбия тизимига тадбиқ этилаётган экологик маданият бирданига ривожланиши қийин. Шунинг учун ҳам, уларни ривожлантиришда таълим беришнинг босқичлари амалиётга киритилмоғи лозим.

Ушбу босқичнинг биринчиси мактабгача бўлган таълим тизимидан бошламоқ даркор. Болалар боғчаларида болаларга ўйин тариқасида барча ўсимлик ва дарахтларни ҳурмат қилишга, ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида бирор-бир ўсимлик ёки дарахт экиши мажбурийлигини акс эттириши лозим.

Иккинчи босқич бу ўрта таълим мактабларига тегишли бўлиб, унда меҳнат дарсларида мажбурий дарахт кўчатларини экиш, уларни парваришlash ва доимо ҳимоя қилишни ўргатмоқ лозим.

Учинчи босқич бу ёшликнинг энг жўшқин даври академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиш давридир. Ушбу даврда “Экология ҳуқуқи” фанларини ўрта махсус таълим тизимига киритиш, ҳар бир ўқувчининг касбий компетенциясига бирор-бир кўчат экиш мажбуриятини

киритиш, мазкур талабларни барча ўрта махсус таълим муассасаларининг ички тартиб қоидаларига киритиш кераклиги.

Тўртинчи босқич бу олий таълим тизимига жорий қилиш бўлиб, унга кўра ҳар бир яратилаётган Давлат таълим стандартларида махсус банд сифатида экологик маданиятни оширишга қаратилган талаблар қисмини киритиш лозим. Ушбу бандда барча талабаларга мажбурий даражада дарахт кўчатларини эктириш ва уларни 4 йил давомида парваришлаб, битирув малакавий ишини топшириш даврида ҳар бир экилган кўчат кўрғазмаси ўтказилиб, кўрғазмада қўйилган баҳо ҳар бир талабанинг битирув малакавий ишига қўшиб берилиши лозим.

Ва ниҳоят, охирги бешинчи босқич. Ушбу босқичда меҳнат фаолияти даври ҳисобланиб, ҳар бир инсон меҳнат фаолияти даврида белгиланган тартибда маълум даражадаги кўчатларни экиши ва парваришлаш мажбурияти қўйилиши лозим.

Кўриб турганимиздек ушбу босқичлар инсонни қайсидир маънода экологик тарбиялашга қаратилгандир. Аммо, ҳозирда ушбу босқичларни амалда қўллаш фақат ихтиёрий равишда амалга оширилмоқда. Биз ният қиламизки, келажакда барча инсонлар ушбу босқичларни ўз оилаларида амалда жорий қилишни бошлайдилар.

Адабиётлар рўйхати:

1. Отабоев Ш., Хидоятова З. Экология, гигиена, сиҳат ва саломатлик. Тошкент, 2007.
2. Отабоев Ш., Мирвалиев С., Турсунов. Экологияда маданият ва маънавият муаммолари. Тошкент, 2010.
3. Икромов Э.Ж., Ҳотамова А.А. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш асослари. Тошкент: Ибн Сино, 2001.
4. Тўхтаев А., Ҳамидов А. Экотизимлар, биоценозлар, биогеоценозлар ҳақида тушунча. Тошкент, 1998.
5. www.ziyonet.uz
6. www.kasu.uz

ЎЗБЕК ТАРЖИМАЧИЛИГИ САРЧАШМАСИ

ÖZBEK ÇEVİRİ EKOLÜNÜN KAYNAĞI

*Хамдам Исмоилов,
филология фанлари номзоди,
ЎзДСМИ доценти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Hamdam İsmailov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек таржимачилиги ниҳоятда чуқур тарихга эга эканлиги машҳур таржимон Қутб Хоразмий ижоди ва унинг Низомий асарининг таржимаси мисолида кўриб чиқилди. Қутб ўзбек таржимачилигини бошловчиси бўлиш билан бирга ўз таржимаси билан адабий алоқалар жараёнига катта ҳисса қўшди, таржима принципларини белгилаб берди.

Калит сўзлар: Таржима, Қутб Хоразмий, Низомий.

Annotation. This article is about the history of Usbek translation and it is analysed in Kutb Khorezmiy's and Nizamiy's works. Kutb was a founder of Uzbek translation and he defined the principles of the Uzbek translation.

Key words: Translation, Kutb Khorezmiy, Nizami.

Özet. Bu makalede, Harezmi'de çeviri ekolünü başlatan Kutub Harezmi'nin çevirmenlik mahareti, Nizami eserlerinin Özbekçe çevirisi örneğinde açıklanmıştır. Şair Kutub Harezmi, Özbek çeviri ekolünün başlatıcısı olmakla birlikte, Hive edebi mektebinin gelişme sürecine büyük katkı sağladı.

Anahtar Sözcükler: Çeviri, Kutub Harezmi, Nizami.

Ўзбек таржимачилиги кўп асрлик тарихга эга. Бунга машҳур таржимон Қутб Хоразмийнинг таржимонлик фаолияти ёрқин мисол бўла олади.

Хоразмлик шоир Қутб Хоразмий 1340 йилда Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Қутбнинг бу таржима асари X асрдан то XIV асргача бўлган бадий таржима асарлари ичида энг фундаментал ва энг юксак бадий маҳорат билан таржима қилинган бирдан-бир асардир. Бу бадий таржима ўз замонасида жуда катта ижобий роль ўйнади ва ўзбек халқининг бадий таржима соҳасидаги дурдона асари сифатида машҳур бўлди. Таржима тарихи ёзилар экан, Қутб Хоразмий номи алоҳида тилга олиниб, зўр фахр билан эсланади. У улуғ шоир Низомий Ганжавийнинг асарини ўзбек тилига таржима этар экан, ўзбек тилининг куч-қудратини кўрсатиб қўйди.

Қутб Хоразмий ўз замонасининг илғор ва кучли шоири, классик адабиётнинг атоқли намояндаларида биридир. Унинг бошқа таржималари ҳақида бизгача бирон маълумот етиб келмаган.

«Хисрав ва Ширин» таржимасининг қўлёзмаси Парижда «Национал библиотек»да сақланади. Бу асарнинг фотокопиясини Навоий қўмитаси ташаббуси билан Париждан олдирилган эди. 1940 йилда уни Навоий қўмитасининг ходими, таниқли адабиётшунос олим Ҳоди Зарифов нашрга тайёрлади олим Жумвниёз Шарипов таҳрир қилган эди, аммо бу асар уруш бошланиб қолганлиги туфайли нашр этилмади. Ўша пайтда нашрга тайёрланган нусха Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида сақланмоқда. «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг 1-жилдида бу асардан айрим парчалар чоп этилган.

Қутбнинг таржимаи ҳоли ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Қутб Олтин Ўрда хонларидан Ўзбекхоннинг ўғли даврида яшаган. Ўзбекхон 1312-1340 йилларда хонлик қилади. Унинг Тинибек деган ўғли бўлиб, шоир-таржимон Қутб ўз асарини шунга ва унинг хотини Маликага бағишлаган. Шоир «Хисрав ва Ширин»ни маснавий тарзида арузнинг «ҳазаж мусаддас мақсур» вазнида таржима қилар экан, асл нусханинг маъноси, сюжети, образларини сақлайди.

Низомий Ганжавий (1141-1203) озарбойжон халқининг улуғ шоири бўлибгина қолмай, дунё адабиёти хазинасига кирган улуғ сиймолардан бири. У кучли истеъдодга эга бўлиб, ўз замонасининг илғор фикрларини талқин қилган мутафаккир, донишманд ва муаррих эди. Низомий Ганжавий (Озарбойжоннинг Ганжа шаҳрида туғилгани учун *Ганжавий* номи билан машҳур бўлган) девон тартиб берди ва «Хамса» асарини ёзди. «Хамса» беш дostonдан иборат: «Махзанул-асрор» (Сирлар хазинаси), «Хисрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» (Етти гўзал) ва «Искандарнома», яъни беш хазина киради. У форс-тожик адабиётига, туркий халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг адабиётига ва ҳатто ҳинд адабиётига катта таъсир қилди. У яратган «Хамса» халқлар дилидан жой олди. Шундай қилиб, Низомий «Хамса» яратиш анъанасини бошлаб берди.

XX аср бошларигача Низомий Ганжавийниг уч дostonи ўзбек тилига таржима этилган: «Хисрав ва Ширин» (Қутб Хоразмий таржимаси), «Махзанул-асрор» (Ҳайдар Хоразмий таржимаси) ва «Ҳафт пайкар» (Огаҳий таржимаси). Уччала шоир-таржимон ўзбек халқига озарбойжон халқининг ўлмас адабий ёдгорлигини туҳфа қилиб қолдирди ва бу билан буюк ёзувчига бўлган самимий ҳурматни изҳор қилди.

Шоир-таржимонлар Низомий Ганжавий асарларини ўзбек тилига ўғирар эканлар, ҳар қайсиси дostonга ўзидан кириш сўзи ёзади. Унда буюк шоирга бўлган ҳурмат изҳор қилиниб, ўзларининг орзу-

умидларини баён қиладилар ва айни дostonнн нима учун таржима қилаётганликларининг сабабини баён қиладилар.

Қутб Хоразмий асарнинг бошида: «Китоб назм қилмоққа сабаб баён аюр» деган 34 байтдан иборат муқаддима ёзади. Муқаддимадаги мисралар таржима асарининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Қутб Хоразмий «Хисрав ва Ширин» дostonини таржима қилар экан, ундаги асосий образлар: Ширин, Хисрав, Фарҳод, Маҳинбону, Шопур, Шеруяларнинг характер, хусусиятларини ўзбек тилида оригиналнинг айнан ўзидай беришга тиришади, воқеа ва сюжет линиясини тўлалигича сақлашга ҳаракат қилади.

Ширин тасвиридан бир парча:

...Садаф ичра тизилмиш тишлари дур,

Тишининг шўъласи дурга берур нур.

Ажойиброқ ики лаъли бадахшон,

Кўрарман бўлмиш ул дур узра ғалтон.

Қарақи жодуси кўрганни ўртар,

Ёмон кўзлук кўзин кун бирла ўртар.

Бу мисралар қуйма таржима бўлиб, гўё Низомий Ганжавийнинг ўзи ўзбек тилида ёзгандай туюлади. Тасвирлар бадий юксак савияда яратилган. Таржимон ўқувчи кўз олдига гўзал, адолатпарвар Ширинни жонли гавдалантириб бериш учун ранго-ранг бўёқларни ишлатади, ўзининг бор санъатини сарф этади, ўзбек тили бойликларидан эркин фойдаланади. Бундай ҳолни биз мураккаб образ Хисрав тасвирида; ишчан, меҳнатсевар, Ширинга мафтун бўлиб, шу йўлда қурбон бўлган Фарҳод образини гавдалантиришда; адолатли, меҳрибон Маҳинбону ифодасида ҳам кўриш мумкин.

Таржиманинг тили тўғрисида шуни айгиш мумкинки, унда тушуниш қийин бўлган арабча, форсча сўзлар кам, бўлганлари ҳам халқ дилига сингиб кетган сўзлардир. Таржимада шундай иборалар, ифодалар борки, гўё улар ҳозирги замонамизда, шу кеча-кундузда, бу куннинг адабий тилида ёзилганга ўхшаб кетади.

Асар сатрлари бундан 600 йил илгари ёзилган бўлса ҳам, содда ва жонли, сўзлари сиқик, маъноси кенг бўлган қуйма сатрлардир.

Қутб Низомий дostonидаги сарлавҳаларни ҳам аниқ, равшан ва қисқа қилиб таржима қилади. Масалан, «Хисрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазмоқлиқи сўзи» (127-бет), «Фарҳод тоғни қазарда Ширин суратига қаршу зори қилғони» (131-бет) ва «Ширин Бестун тоғига Фарҳодни кўрмакка боргани» (137-бет) ва ҳоказо.

Таржиманинг вазнида сохталикларни учратмаймиз, қофиялар тўлиқ ва ихчам, улар бир-бирларини такрорламайди. Таржимон-шоир Низомий диалогларига хос оригинал ибораларни ишлатади ва унинг маъноларини тўла беришга интилади.

Қутб Хоразмий Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини қайси қўлёзмадан таржима қилганини ёзмайди. Маълумки, Низомий «Хисрав ва Ширин» асарини 1180 йилда ёзган, Қутб эса 1340 йилда таржима этган. Демак, у 160 йилдан кейин Низомий асарини таржима қила бошлаган. Бу йиллар ичида Низомийнинг асарини бир қанча котиблар кўчирган, ҳар қайси қўлёзмага маълум ўзгаришлар киритилган. (Бундай ҳол Навоий асарларида ҳам мавжуд эканини биламиз).

Бу эса асл нусха билан таржима асарини солиштиришда қийинчилик туғдиради. Биз мисолни Озарбойжон Фанлар академияси Шарқшунослик институту ва Низомий номидаги Тил ва адабиёт институту 1960 йилда чоп этган «Хисрав ва Ширин»нинг илмий-танқидий матнидан олинди. Бу китобни марҳум Л. А. Хачатуров нашрга тайёрлаган ва марҳум Е.Э.Бертельс таҳрир қилган. Нашрга тайёрловчи ўнта қўлёзмадан, шу жумладан Париж, Лондон, Ленинград, Бокудаги қўлёзмалардан фойдаланилган.

Қутб Хоразмий таржимасининг нақадар аниқ ва тўғри таржима қилинганлигини дostonнинг «Мунозараи Хисрав бо Фарҳод» бобидан бир парчада кўриш мумкин.

Бу юксак бадий эҳтирос билан ёзилган ва ниҳоятда машҳур бўлиб кетган диалог ўзбек тилида ҳам форс тилидаги каби жаранглайди.

Бу ерда ишлатилган «айитти», «айиттиким» сўзлари кетма-кет такрор қилинса ҳам китобхонни ва тингловчини зериктирмайди, аксинча, ҳаяжонга солади. Булар форсчадаги «бигуфт», «бигуфто» сўзларининг айнан таржимаси бўлибгина қолмасдан, шеърда кўтаринки руҳ беришда муҳим стилистик вазифани бажаради.

Қутб таржимада Хоразм шевасида ишлатиладиган сўзлардан ҳам фойдаланган. Масалан, *том* ўрнида «учак», *тўрт* ўрнида «дўрт», *қўл* ўрнида «ал», *гилам* ўрнида «ғоли» ва ҳоказо.

Таржимон-шоир Қутб Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» дostonини бутун тўлалиги билан, унинг сюжети, композицияси ва мазмунини тамом сақлаган ҳолда таржима қилган. Тўғри, асл нусха 102 бобни ташкил қилади. Таржимада эса бу 91 бобга келтирилган, демак 11 боб қисқариб кетган.

Қутб таржима ҳилганда воқеа ва сюжетни қисқартирмайди, балки буларга халал етказмайдиган даражада бобларни бир-бирига қўшган, аниқроғи бобларнинг номларини ўзгартирган, холос. Масалан, оригиналдаги: «53-боб. Огоҳ шудан Хисрав аз ҳоли Фарҳод», «54-боб. Талаб кардан Хисрав Фарҳод», «55-боб. Мунозараи Хисрав бо Фарҳод» деган уч бобни Қутб икки бобга келтирган: «52-боб. Хисрав Фарҳоднинг Ширинга ошиқ бўлган хабарини эшитгани», «53-боб. Хисрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазмоқлиқи сўзи».

Лекин шу икки бобда оригиналдаги уч бобнинг мазмуни, воқеа ва сюжети тўла берилган, ҳатто уч бобнинг сатрлар сони ҳам сақланган.

Бундан ташқари, таржимон «Хисрав ва Ширин» достони сюжетига алоқаси бўлмаган бобларни қисқартирган. Бундай ҳоллар асариинг бошида ва охирида учрайди. Масалан, асар охирида сюжет, воқеа тамом бўлгач, муаллиф яна саккиз бобни беради. Қутб шуларнинг тўрт бобини таржима этган, қолган тўрт боби — «Чиҳл қисса аз «Қалила ва Димна» («Калила ва Димна»дан қирқ қисса), «Натичаи афсонаи «Хисрав ва Ширин» («Хисрав ва Ширин» афсонасининг натижаси), «Меърожи Муҳаммад» (Муҳаммаднинг кўкка чиқиши), «Дар насиҳат фарзанди худ Муҳаммад» (Ўз фарзандим Муҳаммадга насиҳат баёнида) бобларини таржима қилмай қолдирган. Шу каби қисқартиришлар натижасида бобларнинг сони камайган, лекин юқорида айтганимиздай, бу қисқартиш достоннинг на мазмуни, на сюжети ва на композициясига халақит берган.

«Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг биринчи томида Қутбнинг таржимаси ҳақида ноаниқлик кетган. У ерда шундай деб ёзилган:

«Қутбнинг «Хисрав ва Ширин» номли биргина достони сақланиб қолган. Бу асар асосан Низомий Ганжавийнинг худди шу номли достонининг ўзбекчага эркин таржимасидан иборат бўлиб, асл оригиналидан анчагина фарқ ҳам қилади».

Бу жумладан гўё «Хисрав ва Ширин» Қутбники, у Низомийдан фойдаланиб бошқа бир оригинал асар яратган, деган маъно чиқади. Ҳолбуки Қутб Хоразмийнинг ўзи Низомий Ганжавийга катта ҳурмат билан қараб, унинг асарини таржима этганини («Ушбу форси тилини чевурдим». «Низомий болидин ҳалво пишурдум») очиқ-ойдин қайд этган.

Қутб Хоразмийнинг «Хисрав ва Ширин» асари таржимасини XIV аср таржимачилигининг нодир намунаси деб айтиш мумкин. У Низомийнинг асарини ўзбек халқига танитди. Асарнинг таржимаси, юқорида таъкидланганидек муваффақиятли чиққан, бу таржима қадим ёдгорликлардан бири бўлгани ҳолда, ўзбек адабиётининг олтин фондиди бойитди.

Қутб Хоразмий таржима қилган «Хисрав ва Ширин» матнини Польша Фанлар академиясининг ходими олим А. Зайончковский 1958 йилда чоп эттирди ва бу шарқшунослар учун яхши бир адабий тухфа бўлди.

Қутб Хоразмий таржима қилган Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» асарини ажойиб адабий ёдгорлик намунаси сифатида ўзбек таржимачилиги тарихига кирди, мутаржим эса таржимачилигилгимиз тарихидан муносиб ўрин олди. Қутбнинг

таржима асар кейинги мутаржимларга таржима мактаби бўлиб қолди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. –Тошкент:Ўқитувчи, 1965.
2. Дониёров Р. Бадий таржимада миллий хусусиятларни акс эттириш. “Тил ва адабиёт масалалари” тўплами. –Тошкент, 1962.
3. Саломов Ғ. Бадий таржимада автор услубини сақлаш. “Шарқ юлдузи” журнали. 6-сон, 1961.
4. Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихи. –Тошкент: Фан, 1965.

ҚАНОТЛИ СЎЗЛАРНИНГ ОММАЛАШУВИДА КИНО ҲАМДА ТЕАТР САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

ÖZLÜ SÖZLERİN YAYGINLAŞMASINDA SİNEMA VE TİYATRO SANATININ ÖNEMİ

*Исакова Гўзалхон Неъматовна,
филология фанлари номзоди
ЎзДСМИ доценти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Güzelhan İsakova
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. Қанотли сўзлар машхур файласуф, олим, ёзувчи ва давлат арбобларининг сайқалланган шаклдаги фикрларидир. Улар тилдан тилга ўтиб келаётган алоҳида бирликлар бўлиб, миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга. Ушбу мақолада қанотли сўзларнинг оммалашувида кино ҳамда театр санъатининг ўрни борасида фикр юритилади.

Таянч сўзлар: Қанотли сўзлар, сайқалланган, образли, яхлит, кенг қамровли, маънодор, қўлланувчан, лўнда, кино, театр.

Annotation. Winged words are the words that have been formed and shaped by great philosophers, scientists, writers and political leaders. Therefore the given article deals with winged words. The winged words have a great role in the national and the world culture. They. This article points out the importance of the art of cinema and theater in spreading winged words.

Key words: Winged words, trimmed, figurative, general, character, meaning of content, wide usage, wide consumption, cinema, theater.

Özet. Özlü sözler, ünlü düşünürlerin, şair ve yazarların, bilim ve devlet adamlarının düşünce, duygu ya da ilkelerinin kısa ve öz bir biçimde anlatan sözleridir. Makalede özlü sözlerin yaygınlaşmasında sinema ve tiyatronun öneminden bahsedilmiştir.

Anahtar Sözcükler. Özdeyiş, vecize, aforizma, özlü söz.

Қанотли сўзлар миллий ва дунё маданиятида алоҳида ўринга эга бўлиб, улар сайқалланган шаклда машхур файласуфлар, олимлар, ёзувчилар ва давлат арбоблари томонидан айтилган маънодор фикрлардир. *Қанотли сўзлар* нутқни образли ва аниқ ифодалайди. Улар турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг нутқларида кенг қўлланилади. *Қанотли сўзлар* тилда яхлит ҳолда ишлатилади. Улардан ижтимоий, маиший, руҳий кўринишларнинг ифодаланиши тавсифи сифатида фойдаланилади.

Қанотли сўзлар кенг қамровлилик, маънодорлик, кўп қўлланувчанлик ва аниқ манбага эгалик жиҳатлари билан бошқа тил бирликларидан фарқланади. Улар нутқда фалсафий фикрларни лўнда, аниқ ва образли

етказиб беради. Шунингдек, мураккаб ҳолат ва характерларнинг маъносини қисқа ва лўнда тарзда ифодалайди.

Ҳар бир халқ кўп сонли *қанотли сўзлардан* яхшилик ва ёмонлик тушунчаларига мос келадиган, гўзаллик, ҳақгўйлик, халқ орзу-умидларини ифодаладиган, унинг эстетик талабларига мос келадиганларини ажратиб олади ва нутқида қўллайди.

Қанотли сўзларнинг муҳим манбаси **жаҳон адабиёти** ҳисобланади. Ҳар бир халқ ўзининг кўплаб *қанотли сўзлари*га эга. Лекин жаҳон хазинасига уларнинг энг сараларигина киради. Улар буюк ёзувчи, шоир ва мутафаккирларнинг кўплаб тилларда кузатиладиган ва вақт синовларига дош берган фикрлари мужассамлашган ифодалардир.

Француз адабиётининг кўплаб буюк намоёндаларининг асарлари жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутуди ва улардан олинган *қанотли сўзлар* кўплаб халқлар қалбидан муносиб ўрин олган. Шунинг билан бирга, француз халқи жаҳон хазинасидан унумли баҳраманд бўлишади ва уларнинг нутқларида ўзга тил вакилларининг ижодларига мансуб маънодор ифодалар *қанотли сўз* сифатида фаол кузатилади.

Маълумки, асарларнинг экранлаштирилиши уларнинг янада кенг ёйилиши, кўпчиликнинг қалбига кириб боришига сабаб бўлади, айниқса, адабий асарларнинг бадиийлигини таъминлайди. Қизиқиб ўқилган асарни экран орқали намоёиш этилиши томошабинга олам-олам завқ бағишлайди, маҳорат билан ижро этилган асардаги қаҳрамонларнинг сермазмун ифодалари уларни бефарқ қолдирмайди. Ўрни келганда уларни нутқида қўллаб фикрларини образли ифодалашга имкон яратилади.

Шу ўринда сермазмун ифодалар, яъни *қанотли сўзларнинг* тарқалишида кино ва театр санъатининг ўрни беқиёсдир. Қуйидаги мақолада барча халқлар севиб томоша қиладиган фильм ҳамда театр асарларидан олинган *қанотли сўзлар* ҳақида фикр юритилади.

Пьеса ҳақида гап борар экан француз миллий театрининг асосчиси, йирик драматург-комедиограф Жан Батис Мольер (1622-1673) ижодига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Мольер ўзининг сермахсул ижоди давомида француз халқ фарсини театрга мослаб пьесалар ёзади ва ўзи ташкил этган труппа репертуарларини бойитиб боради.

Унинг “Олима аёллар”, “Кулгили нозанинлар”, “Тартюф”, “Дон Жуан”, “Зўраки табиб”, “Хасис”, “Жеорж Дандин”, “Сохта касал” каби пьесалари барча халқларнинг дилидан муносиб ўрин олган. У ўз пьесаларида аристократик хулқ-атвори, таннозликни қоралайди.

Юқори табақа вакиллари ичида авж олган риёкорлик, мунофиқлик ва ахлоқсизлик каби нуқсонларини фош этади. Француз халқи Мольерни ўз пьесаларидаги образни саҳнада қиёмига етказиб ижро этган театр актёри сифатида жуда қадрлашади. У бор маҳоратини, умрини саҳнага баҳшида қилган ўз касбининг чинакам фидойисидир.

Француз тилида Мольер ижодига мансуб *қанотли сўзлар* нутқда фаол қўлланилиши билан характерланади. Масалан, унинг “Дон Жуан”

комедиясига мансуб *Monsieur Dimanche* ифодаси комедиядаги бичиқчининг номи бўлиб, ҳозирда ушбу ном “бичиқчи”нинг синонимига айланган.

La naissance n'est rien et la vertu n'est pas ифодаси “ҳақиқий олижаноблик туғилишга боғлиқ эмас”; *Par l'amour de l'humanité* ифодаси асосан кесатиқ маънода қўлланиб, “инсониятга муҳаббат туфайли”; *Pour des prunes* ифодаси эса “арзимаган нарсалар учун” деган маънони англатади.

Мольернинг “Тартюф” пьесасидан олинган *C'est un Tartuffe* ифодаси пьесанинг бош қахрамонига ишора қилади. Унинг характеридан келиб чиқиб ифода “иккиюзламачилик” тимсолига айланган. Ушбу асарда қўлланган *Ne pas se toucher du pied* ифодаси эса “анойи эмас” ёки “уни алдаб бўлмайди” деган маъноларни англатади.

Мольернинг “*Les femmes savantes*” комедиясидан олинган *Qui veut noyer son chien l'accuse de la rage* - ким итини чўктирмоқчи бўлса, уни қутурганликда айблади, яъни “ёмонлик қиламан деган йўлини топади” деган маънони билдиради. *Ne savoir ni A ni B* ифодаси бўлса “ҳеч нарса билмаслик”ни англатади.

Мольернинг “*Le m'decin malgr' lui*” комедиясидан олинган *Il y a fagots et fagots* ифодаси нарсани нарсадан ёки одамни одамдан фарқи борлигига ишора қилади, яъни “беш қўл баробар эмас” маъносини англатади.

Voilà pourquoi votre fille est muette ифодаси асардаги бир кўринишга ишора қилади. Унда севмайдиган одамига турмушга чиқмаслик учун ёлғондан соқов бўлиб олган қизни шох-шабба боғловчи, зўраки табиб кўриқдан ўтказди. Маъносиз ва чигал гапларни гапиради ва сўзини охирида “Мана нима учун сизнинг қизингиз соқов” - дейди. Шундан келиб чиқиб бу ифода ҳеч нарса тушунтира олмай мужмал сабаблар кўрсатилган ҳолатларни ифодалайди.

Maitre Jacques Мольернинг “*Avare*” комедиясидаги персонажлардан бири. Асарда у ҳам аравакаш, ҳам ошпаз қиёфаларида гавдаланади. Шундан келиб чиқиб *Maitre Jacques* “ҳамма юмушни қилаверадиган хушфеъл одам”нинг синонимига айланган. Ушбу асарда қўлланган *Marier le Grand Turc avec la R'publique de Venise* ифодаси “иложсиз нарсани сўрамоқ” маъносини англатади.

Pour les beaux yeux de qn – “чиройли кўзлар учун” тарзида янграйдиган бу ифода Мольернинг “*Les precieuses ridicules*” комедиясидан олинган. Унда персонажлардан бири ўзи ёқтирадиган аёлдан ушбу ифодани қўллаб нолийди. Бу ибора кинояли равишда бирортасини хурсанд қилиш учун, ўзи бутунлай хоҳламаса ҳам, бирор нарса қилган ҳолатларда қўлланилади.

Vous êtes orfèvre, monsieur Josse. Ифода муаллифнинг “*L'amour m'decin*” асаридан олинган. Унда Сганарел дўстларидан қизини қандай овунтиришни сўраганида заргар Жоссе унга дейди: “Мен сизни ўрнингизда бўлганимда унга бриллиант, ёқут ёки зумрадлардан чиройли тақинчоқлар сотиб олган бўлар эдим”.

Унга жавобан Сганарел: “Сиз заргарсизда, жаноб Жоссе ва сизнинг маслаҳатингиз фақат товарларини тезроқ ўтказишни истайдиган одамларга хос”. Шунга кўра *Сиз заргарсизда, жаноб Жоссе* ифодаси бирор киши ўз манфаатини ўйлаб маслаҳат берган ҳолатларда қўлланилади.

Vous l'avez voulu, George Dandin ифодаси Мольернинг “George Dandin” комедиясидан олинган бўлиб, ўзида пьесанинг туб маъносини мужассамлаштирган. Жеорж Дандин зодагонларга ҳавас қилган деҳқон. У бир зодагон қизга уйлангандан сўнг, зўр бериб зодагон бўлиб кўринишга ҳаракат қилади ва калака қилинадиган шахсга (қўғирчоққа) айланиб қолади. Охири ўзи буни фаҳмлаб алам билан ўзига “Сиз шуни хоҳладингиз, Жеорж Дандин”, дейди. Шундан келиб чиқиб бу ифода одам ўз хатосини тушуниб нолиган ҳолатда қўлланилади.

Шунингдек, *Dorer la pilule (Amphytrion)* ифодаси “яхши гап билан тузламоқ” маъносини, *N'avoir plus de jambes (Le bourgeois gentilhomme)* ифодаси “жуда чарчамоқ”, “юришга холи бўлмаслик” маъносини,

Tirer sa poudre aux moineaux (L'Ecole des Maris) ифодаси арзимаган ишга кўп куч сарфлашни, яъни “чумчуққа замбарак отмоқ” маъносини англатади.

Мольернинг кўплаб пьесаларида учрайдиган *Je suis votre serviteur*, яъни “камина қулингаз” ифодаси асосан кесатиқ маънода қўлланилади.

Юқоридагилардан кўринадикки, Мольер пьесалари кундалик турмушда фаол кузатиладиган сермазмун ифодаларга бойлиги ва уларнинг халқ тилида қайта-қайта жонланиб турли воқеа ва ҳодисаларни образли, лўнда ифодалашга хизмат қилганлиги билан характерланади.

Биламизки, Корнелнинг “Сид” трагедияси жуда катта муваффақият қозонган асарлардан саналади ва у дунё халқларининг театр сахналаридан муносиб ўрин эгаллаган. Шунинг учун *Beau comme le Cide*, яъни *Cide каби гўзал* ифодаси “жуда гўзал, беқиёс” маъносини англатади.

У айниқса бадий асарларни таърифлашда, уларга баҳо беришда кенг қўлланилади. Асардаги *L'Amour est un tyran qui n'pargne personne* ифодаси эса “севги шафқатсиз” деган маънода қўлланади.

Яхшилик доимо ғалаба қозонган эртаклари билан машҳур Ш.Перро(1628-1703)га мансуб “Raoul le chevalier de la Barbe Bleu” номли эртакли барча халқлар ўқиганлар ҳамда экран орқали томоша қилганлар.

Barbe Bleu, яъни *Кўк соқол* ушбу эртакнинг бош қаҳрамонидир. У эртакда ўзининг олти хотинини ўлдирган қонхўр, золим эр сифатида гавдаланган. Фақатгина унинг еттинчи хотини акалари ёрдамида қутқариб қолинади. Шунга кўра *Кўк соқол* ифодаси “рашкчи ва золим шахс”ни синонимига айланган.

Эртакнинг яна бир қаҳрамони *Prince Charmant* бўлиб, у барчанинг қалбидан мафтункор, истарали йигит сифатида муносиб ўрин эгаллаган. Шунга кўра, *Prince Charmant*, яъни *мафтункор шахзода* ифодаси ижобий хисларларга эга бўлган кўркем йигитларни таърифлашда қўл келади.

Шунингдек, француз тилида фаол қўлланувчи *Qui sert bien son pays n'a besoin d'aïeux* ифодаси француз ёзувчиси Вольтернинг “M'rope” пьесасида қўлланган. Ифода “ким юртига сидқидилдан хизмат қилса, аждодларига муҳтож бўлмайди” маъносини беради ва нутқда фаол қўлланилиши билан характерланади. *Mettre le feu aux poudres*, яъни *порохга ўт қўймоқ* ифодаси “ғазабни қўзғатмоқ” маъносини англатади.

Маълумки, А.Дюма ота ўзининг “Les Trois mousquetaires” (Уч мушкетёр) романи билан машҳур. Ушбу асар асосида ишланган фильмни барча халқлар севиб томоша қилишади. Асар қаҳрамонларининг хусусиятларидан келиб чиқиб *Les Trois mousquetaires* ифодаси барча халқлар тилларида дўстлик ва жасурликнинг рамзига айланган.

Dame aux Camélias. А.Дюма(ўғил)нинг шу номли пьесаси қаҳрамони камелия гулини жуда яхши кўрадиган бир енгилтак аёл бўлган. Шунга кўра ифода “енгилтак аёл”ни ифодалайди.

Кўпчиликка манзур бўлган фильмлардан яна бири машҳур испан ёзувчиси Сервантеснинг “Дон Кихот” асари асосида ишланган фильмдир. Асарда қўлланган бир нечта ифодалар қанотли сўз сифатида кўплаб халқлар тилида кенг қўлланилади. *Chevalier à la triste figure* ифодаси қайғули образдаги рицарь, асарнинг бош қаҳрамони “Дон Кихот”ни ифодалайди. Кўчма маънода ушбу ифода “хаёлпараст ва ғамгин шахс”ни ифодалайди.

Noces de Gamache, яъни *Гамашнинг тўйи* ифодаси асардаги бой деҳқон Гамаш ва гўзал Китерияларнинг тўйига ишора қилади. Ҳозирда ушбу ифода “мўл-кўл, қуюқ зиёфат”га нисбатан қўлланади.

Se batter contre les moulins à vent. Асарда Дон Кихот шамол тегирмонини душман деб ўйлаб у билан жанг қилади. Кўчма маънода ифода “хаёлий душман билан курашмоқ” ёки “кучини бекорга сарф қилмоқ” маъносини англатади.

Машҳур инглиз ёзувчиси Шекспир асарларидан олинган кўплаб қанотли сўзлар нутқимизни безаб келмоқда. Масалан, унинг “Ромео ва Жюлетта” трагедиясидан олинган *L'Alouette, cette messagere de l'aurore* ифодасини қўлланилишига сабаб, унда икки севишганлар тўрғай қўшиғини эшитиб ажралишадилар. Шунга кўра, *Тўрғай садоси* ифодаси бир умрга ажралишаётган севишганларнинг сўнгги видолашув онини англатади. Асарнинг номи, яъни *Roméo et Juliette* “севишганлар” маъносини беради. *Les Capulets et les Montaigus*, булар Ромео ва Жюлетта оилаларни номлари. Шундан келиб чиқиб ушбу ибора “ашаддий душманлар” маъносини англатади.

Etre ou ne pas être, voilà la question. Шекспир қаҳрамони Гамлетнинг машҳур монологи шу сўзлар билан бошланади. Бу ифода муҳим қарорлар қабул қилинадиган ҳолатлардан олдин, кўпинча кесатиқ маънода қўлланади.

Des mots, des mots, des mots. Бу ҳам Гамлетга тегишли сўзлар бўлиб, “бефойда гаплар”га мос келади. *La Faiblesse est ton nom, femme*. Гамлет ушбу

сўзларни онасига қарата айтган. Ифода “Аёл, сенинг исминг ожизлик” тарзида янграйди.

Mon royaume pour un cheval. Шекспир қаҳрамони Ричард III ушбу сўзларни Босворс жангида айтган. Ифода “муҳтож бўлган нарсаси учун бор будини бермоқ” маъносини англатади.

Кўринадики, *қанотли сўзлар* халқ тилида, адабий асарларда қайта-қайта жонланиб кундалик турмушда фаол кузатиладиган турли воқеа ва ҳодисаларни образли, лўнда ифодалашга хизмат қилаётганлиги билан характерланади. Уларнинг кенг халқ оmmasига тарқалишида кино ҳамда театр санъатининг ўрни беқиёсдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-5 жилдлар. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. -Тошкент, 2006-2008.
2. Овруцкий Н.О. Крылатые латинские изречения в литературе. -Киев, 1962.
3. Тимескова И. Н. Les citations françaises. -Ленинград, 1974.
4. Назарян А. Г. Почему так говорят по-французски. -Москва, 1968.
5. Le Petit Larousse. Dictionnaire encyclopédique. -Paris, 1993.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЧИЛИГИДА ШЕРОБОД МАКТАБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ÖZBEK HALK DESTANCILIĞINDA ŞİRABAT MEKTEBİNİN ÖNEMİ

*Насим Очилов,
филология фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Nasim Açilov,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада Шеробод бахшичилик мактабининг ўзбек достончилигида тутган ўрни, ўзига хослиги, устоз ва шогирд анъаналари, бахши импровизацияси, ҳозирги достончилик анъаналарининг сақланиш ҳолати ва бахшилар эпик репертуари ҳақида назарий қарашлар билдирилган.

Калит сўзлар: Бахшичилик мактаби, устоз ва шогирд, анъана ва бадий маҳорат, бахши репертуари, достон куйлаш.

Annotation. This article presents the theoretical views on the roles, peculiarities of the sherobod bachelor's school, the peculiarity of the traditions of the teacher and student, the imprudence of improvisation, the preservation of the present traditions of patriotism and the epic repertoire of Bakhshi.

Key words: School of bachelor, teacher and student, tradition and artistic skill, Bakhshi repertoire, epic singing.

Özet. Makalede Şirabat bahşicilik mektebinin Özbek destancılığındaki önemi, kendine özgü yönü, usta ve çırak, gelenek, bahşıcılık ve destancılık mektepleri kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Şirabat bahşıcılık mektebi, usta ve çırak, Özbek destancılık geleneği.

Маълумки, оғзаки эпик анъаналарнинг жонли жараёнларда сақланиши ва давом этиши бевосита бахшилар поэтик маҳорати билан белгиланади. Бахши достон ижро этувчи санъаткор. Бахшиларнинг умумлашган поэтик анъаналар доирасида индивидуал ижодий маҳорати, йўллари, услуб ўзгачаликлари ва устоз-шогирд анъаналаридаги фарқли томонлари алоҳида мактабларни юзага келтириб, бахши-шоирларни бирлаштирган.

Бундай ижодий маҳорат мактаблари фольклоршуносликда достончилик марказлари деб юритилган. Фольклоршунос олимларнинг XX аср давомида олиб борган илмий кузатишлари республикамизда бир қатор достончилик марказлари-ўнлаб достончилик мактаблари мавжуд бўлганлигини кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё достончилик мактаблари бунинг ёрқин

мисолидир. Гарчи ушбу дostonчилик мактаблари ижро усуллари жиҳатидан умумийликка эга бўлса-да, уларни ажратиб турувчи фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бундай хусусиятларни Шеробод дostonчилик мактаби мисолида кўриб чиқсак.

Шеробод дostonчилик мактаби қадимий марказлардан бўлиб, кўплаб бахши-шоирларни тарбиялаб умумўзбек дostonчилигининг тараққиётига муносиб улуш қўшди. Устоз ва шогирд, бахши ва унинг дoston ижроси, соз ва сўз ижрочилиги, анъана ва бадиҳага эътибор ушбу мактаб бахши-шоирларининг эстетик қарашларида акс этган. Бундай хусусиятларни ўрганган фольклоршунос Ҳ.Зарипов: “Шеробод бахшилари доимий равишда оғзаки анъаналарни давом эттириб келганлар, улар ўзларининг репертуари ва ижро усуллари жиҳатидан бизга маълум дostonчилар билан умумий томонларга эга. Шу билан бирга уларнинг баъзи бир ўзларига хос хусусиятлари мавжуд, репертуарида бошқа вилоятларда бўлмаган айрим дostonлар, жумладан, Гўрўғлининг ўлими ҳақида дoston бор”лигини таъкидлайди (Зарипов,1970:264).

Т.Мирзаев Шеробод дostonчилик мактаби бахшилари репертуари, ижро маҳорати ҳақида фикр билдириб, „... бошқа жойларда номаълум бир қатор сюжетлари, айрим қадимий мотив ва тасаввурларини сақлаб қолганлиги билан аҳамиятлидир”, деб таъкидлайди (Мирзаев,1978:120). Гарчи Шеробод дostonчилик мактаби ижрода ўзига хос фарқли томонларга эга бўлса-да, умумўзбек дostonчилигининг узвий, таркибий қисми сифатида фаолият олиб борди.

Фольклоршунос А.Қаҳҳоров Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактаблари репертуари, ижро усуллари, устоз-шогирдлик анъаналарини узоқ йиллар мобайнида кузатар экан, Шеробод дostonчилик мактаби шажарасининг бошида Бобо шоир (XIX асрнинг биринчи ярми) туриб, у жуда кўплаб шогирдлар етиштирганлигини, айниқса, Қосимкўр, Шерназар Бердиназар ўғлидек талантларни тарбиялаганлиги, дostonчилик мактабининг кейинги тараққиёти бевосита ана шу талантли бахшиларнинг шогирдлари томонидан ривож топганлигини қайд этиб ўтади (Қаҳҳоров,1985:13-20).

М.Афзалов ҳам Шеробод дostonчилик мактаби бахши-шоирларининг устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида фикр юритганда Шерназар Бердиназар ўғлининг дoston ижро этиш маҳорати ҳамда Мардонақул Авлиёқул ўғли, Аҳмад юзбоши, Саодат юзбоши, Нормурод Шерназар ўғли, Жўра Эшмурод ўғли каби талантли бахшиларни тарбиялаб етиштирганлигини алоҳида таъкидлайди. Таҳлил ва кузатишлардан кўриниб турибдики, эпик ижро билан боғлиқ устоз-шогирдлик анъаналари ва уларга муносабат Шеробод дostonчилик мактаби бахши-шоирлари ўртасида анча яхши йўлга қўйилган. Бахши-шоирлар устозларидан ўрганган дoston ва уни ижро этиш анъаналарини ижрода мустаҳкамлаб, бадиҳагўйлик маҳоратларини намойиш қилиб борганлар.

Шу боисдан ҳам ушбу мактаб билан боғлиқ дostonчилик анъаналари Сурхондарё, Қашқадарё ҳамда Жанубий Тожикистон худудларида кенг тарқалган. Поэтик мактаб бахшилари репертуарида “Оллоназар Олчинбек”, “Зайидқул”, “Олтин қовоқ” каби дostonлар мавжуд бўлиб, бу дostonлар бошқа мактаб бахшилари репертуарида мавжуд бўлмаган. Дostonчилик мактаби ижросига хос яна бир хусусият “Гўрўғли” туркумига оид дostonларнинг Авазхон ва унинг ўғли Нуралига бағишланган намуналари кўпроқ ижро этилган. Мактабнинг истеъдодли бахшиси Қодир Раҳимовнинг ижодий изланиши, анъанавий дostonчилик усул ва йўллари асосида тарқоқ сюжет сифатида оғзаки анъаналарда давом этиб келган, “Ёзи билан Зебо”, “Келиной” каби дostonларни яхлит сюжет ва композицион ҳолатга келтирди. Бахши-шоирлар дoston ижро этиш анъаналарига доимо масъулият билан ёндошиб келганлар. Дostonчилик мактаблари доирасидаги ижодий учрашувлар, тортишувлар ва ўзаро ҳамкорлик ушбу мактаб бахшилари учун ҳам анъанага айланган.

Бугунги дostonчиликнинг Жанубий Ўзбекистонда давом этиши, сақланишида ҳам Мардонақул Авлиёқул ва Умир шоир Сафаров каби талантили бахшиларнинг Қодир Раҳимов, Хушвақт Мардонақулов, Қора ва Чори Умировлар, Чоршанби Раҳматуллаев каби шогирдларни тарбиялаб этиштирганликлари бўлди, десак хато бўлмас. Анъанавий дoston ижро этиш усуллари устозларидан ўрганган ушбу бахшилар ҳам устозлари анъанасига содиқ шогирд сифатида Шоберди Болтаев, Боборайим Маматмуродов, Абдуназар Поёнов, Рўзи Қултўраев, Қаҳҳор Раҳимов, Жовли Тангиров, Абдусалом Эргашев, Абдуқаҳҳор Умиров ва бошқа бир қатор бахшиларни этиштирдиларки, улар бугунги жонли жараёнларни нисбатан сақланишига эришмоқдалар. Гарчи бу каби бахшилар дoston ижро этиш анъаналарини сақлашга ҳаракат қилсаларда, ижтимоий-маданий ҳаётимизда кечган ўзгаришлар дoston ижро этиш усуллари ўзгартириб, янги талқинлар асосида ижро шакллари юзага келтирди. Бу эса фольклордаги индивидуал ва жамоавий ижод мутаносиблигининг бузилишига олиб келмоқда. Ўзига хос анъаналар замирида юзага келган Шеробод дostonчилик мактаби ижро усуллари умумўзбек дostonчилик мактаблари ижро усуллари билан умумлашди. Бундай хусусиятлар бир мактабга хос дostonларни иккинчи мактаб дostonчилигида ижро этилишига сабаб бўлди. Бахшилар эпик анъаналар доирасида дostonлар ижро қилишга ҳаракат қилсаларда, бугунги адабий-маданий муҳит туфайли ўзларида муаллифлик ҳисси, анъанавий эпосга ижодий ёндашув туйғуси кучайиб бормоқда.

Бундай ҳол уларнинг ўзлари куйлаётган дostonларга билиб-билмай ўзгартиришлар киритишга олиб келди. Кўпчилик бахшиларнинг мавжуд дostonлар сюжети асосида ўз вариантларини ясаб ижро қилишга уринишлар ҳам шундай ҳолатлар билан изоҳланади. Бундай “дostonлар” айрим бахшиларнинг ёзувчилик, шоирликка интилиши, илгари эпик

анъанада бўлмаган дostonларни тўқишга уриниш маҳсулидир. Бахшилар томонидан анъанавий дostonчилик йўлида “Темур ва Боязид”, “Аҳмад Яссавий”, “Самарқанд таровати” каби дostonлар яратилди. Уларда сунъийлик бўлганлиги учун ҳам репертуарда ўзлашмади. Ёхуд “Алпомиш” дostonини парчалашга уриниш ҳоллари ҳам анъанавий дostonчиликда юз берган ҳодисалардан биридир. “Алпомиш” дostonининг Умир шоир варианты Жанубий Ўзбекистон бахшилари куйлаган дostonларга нисбатан анъанавий мотивларнинг ишланиши, композицион изчиллиги, воқеаларнинг қизиқарлилиги, бадий-тасвирий воситаларнинг ўринли қўлланиши билан алоҳида ажралиб туради. Бундай ҳолат Қашқадарё, Сурхондарёдаги дostonчиликнинг қадимий анъаналарига мосдир. Шу билан бир қаторда бошқа дostonчилик мактабларидан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonининг вариантлари Жанубий Ўзбекистон вариантларидан баъзи мотивларнинг ишланиши жиҳатидан ўзаро фарқланади.

Масалан, Самарқанд дostonчилигида конфликтнинг келиб чиқиши ака-ука Бойбўри билан Бойсари ўртасидаги келишмовчилик закот мунозараси асосида юзага келади. Жанубий Ўзбекистон дostonчилиги, жумладан, Умир шоир вариантыда ушбу ҳолат оилавий-маиший муносабатларда тасвирланади. Умир шоир вариантынинг бу ўринларини Чори ва Қора Умировлар, Қодир Раҳимов, Хушвақт Мардонақуловлар вариантларига қиёслаганимизда улар вариантларида Бойсарининг кўчиш сабабларини иккилантирилганлиги, ҳатто учлантирилганлигини кўраимиз. Ушбу бахшилар “Алпомиш” дostonининг Шеробод дostonчилик мактабига хос хусусиятларини ўзида сақлай олмаганлар. Анъаналарни билиб-билмай бирлаштириш натижасида улар вариантларида бир-бирига зид тасвирлар мавжуд. Дoston воқеаларига бугунги давр кишиси дунёқараши асосида баҳо бериш кўзга ташланади. Бу нарса сохта вариантлар ва талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Хушвақт Мардонақулов репертуаридан ёзиб олинган “Алпомиш” дostonида ҳам шундай мисолларни кузатишимиз мумкин. Қизларнинг сайилбоққа чиқиш тасвири романик дostonлар учун хос бўлиб, бундай тасвир қаҳрамонлик дostonларида деярли учрамайди. Баъзан бир дoston турига хос бўлган хусусиятларнинг иккинчиси таркибида учрашини бахшилар бахшилар баравар куйлаб келганлиги сабабли кейинги даврларда рўй берган ҳодисалардан бири сифатида баҳолаш мумкин. “Алпомиш” қаҳрамонлик дostonининг айрим вариантларида романик дostonларга хос хусусиятларнинг кириб қолиши ҳам шу билан изоҳланади.

Масалан, Умир шоир репертуаридаги “Алпомиш” дostonида Товканинг канизлари билан Чилбир чўлидаги қўрғончасига сайилбоққа чиқиш эпизоди ёки Берди бахши вариантыдаги “Мен сени севдим, Товкажон, Сен мени севгин, Товкажон” тасвири шундай ўринлардандир. Аммо бу вариантларда меъёр, мутаносиблик тўла сақланган. Хушвақт бахши дostonида ҳам қизларнинг сайилбоққа чиқиш тасвири бўлса-да, тасвирдаги хусусиятларнинг ўзгачалиги билан ажралиб туради. Дostonда:

*...Қорли товлар газаси,
 Сочли милтиқ дазаси,
 Хейла, келаётирлар
 Сулувларнинг тозаси.
 Битта қучиб ўпсангиз,
 Ҳафта кетмас мазаси.
 Чин ошиқ бўп айрилсанг,
 Сира кетмас иззаси.
 Мана келар Барчин ёр,
 Кўзлари хумор-хумор (Алпомиш,1998:30).*

Каби узундан-узоқ тасвир мавжуд. Бундай парчалар бахшининг маълум маънода бадиҳа қилиши, тасвирни кенгайтиришга бўлган ижро жараёни билан боғланса-да, у дostonдаги воқеалар тасвири билан уйғунлашиб кетмаган бўлиб, дoston таркибига тиркаб қўйилган мустақил термага ўхшаб қолган. Ёхуд Чори бахши Умиров репертуаридан ёзиб олиниб, чоп эттирилган “Алп Қўнғиротбек” дostonи ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Дostonнинг жонли оғзаки анъаналарида мавжуд матни бўлмаганлиги учун ҳам у Чори Умиров репертуарида якка ҳодиса сифатида баҳоланади.

Хулоса қилиб айтганда, Шеробод дostonчилик мактаби бахшилари асрлар оша дostonчилик анъаналарига қатъий амал қилиб, жонли оғзаки анъаналарнинг ривож топишига ҳаракат қилган бўлсалар-да, бугунги ижтимоий-маданий ўзгаришлар асосида репертуарини мураккаблаштириш, индивидуал ижодкорликка хос хусусиятларни шакллантириши билан жонли жараёнларни нисбатан давом этишига хизмат қилмоқдалар. Эндиликда Шеробод дostonчилик мактаби бахшилари ижро жараёни замонавий кўринишларда авлодларга хизмат қилишда давом этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Зарипов Ҳ. Ўзбек фольклористикаси тарихидан // Ўзбек фольклори масалалари. -Тошкент: Фан, 1970.
2. Мирзаев. Т. Эпос и сказитель. -Тошкент: Фан, 2008.
3. Қаҳҳоров А. Янги дostonлар. - Тошкент: Фан, 1985.
4. Алпомиш. Дoston. Айтувчи Хушвақт Мардонақулов. Нашрга тайёрловчи Т. Турдиев. –Тошкент: Ёзувчи,1998.

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИНИНГ РАМЗИЙ ТАЛҚИНИ

ÇOLPAN ŞİİRİNDE YIL MEVSİMLERİNİN SEMBOLİK YORUMU

*Дилрабо Қувватова,
филология фанлари доктори, БухДУ профессори
Зарнигор Соҳибова,
БухДУ таянч докторанти (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. Dilrabo Kuvvatova,
Zernigar Sahibova,
Buhara Devlet Üniversitesi*

Аннотация. Мақолада янги ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси Абдулҳамид Чўлпоннинг йил фасллари тасвирига бағишланган лирикасига хос хусусиятлар ёритилган. Айниқса, шоирнинг баҳор, куз, қиш мавзусидаги шеърларидаги рамзий-тимсолий маънолар мисоллар орқали асослаб берилган.

Калит сўзлар: Чўлпон, тимсол, баҳор, куз, қиш, лирика, бармоқ.

Annotation. In the given article there is observation of poems devoted to the description of year seasons of Abdulkhamid Chulpon. Especially, poems of the poet on the theme spring, autumn, winter were founded by the examples of symbolic notion.

Key words: Chulpon, symbol, spring, autumn, winter, lyric, finger.

Özet. Makalede Cedit dönemi edebiyatının ünlü temsilcisi Çağdaş Özbek şiirinin kurucusu Abdulhamid Çolpan'ın şiirlerindeki mevsimlerle ilgili semboller analiz edilmiştir. Şairin bahar, güz, kış mevsimleri konusundaki şiirlerinin remzi – sembolik özelliklerinden söz edilir.

Anahtar Sözcükler. Çolpan, sembol, bahar, güz, kış.

Абдулҳамид Чўлпон шеърляти ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифасини ташкил этади. Шоир шеърлярида бетакрор маъно товланишлари, оҳорли ташбеҳлар, поэтик ифода яхлитлиги кузатилади. Буни ижодкорнинг табиат фасллари мавзусидаги шеърляри орқали асослашга ҳаракат қиламиз. Зеро, “шоир даврнинг оғриқли дардларини, замондошларининг аламли ва маҳзун кайфиятини, гоҳо эҳтиросли қалб кечинмаларини тасвирлашда” табиат фасллари мурожаат этди (Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён, 2018:111). Унинг “Баҳор авваллари”, “Куз”, “Яна қор”, “Қиш олдида”, “Баҳор келди”, “Хазон” сингари шеърляри бу жиҳатдан эътиборни тортади.

Бинобарин, “Куз” шеърлярида шоир ёзади:

Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар,

Оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек.

Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар

Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек (Чўлпон, 2013:86).

Маълумки, сарғайган япроқ кузнинг келганига ишора, рамздир. Шоир бу образга ижтимоий мазмун юклайди. Яъни ўтган асрнинг XX йилларидаги “оғриқ, мағлуб, тутқун”, эрксиз Шарқни сарғайган япроққа менгзайди.

Қора булут тўдасиким, кўкларни

Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир.

Куз кўшини оғу тўлуғ ўқларни,

Ёз бағрига ҳеч саноқсиз отмишдир (Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён, 2018:86).

Куз табиатига хос бўлган қора булут тўдаси рамзий маънода эрк ва озодлик душманини ифода этмоқда. Бунда озодлик сари ошиқаётган Шарқ “осмон”ини, ёруғликни у парда каби тўсиб турибди. “Куз кўшини” шоирнинг бетакрор метафораси бўлиб, сариқ барглари ифода этмоқда. Оғу – захар сариқ рангда бўлади. “Оғу тўлуғ ўқлар” ҳам заъфарон тусдаги япроқлар образи сифатида ижтимоий мазмунга эга.

Шоирнинг қиш фаслига бағишланган шеърлари анъанавий поэтик образлар ва новаторона белгиларга эга. “Яна қор” шеърида Чўлпон қорни оқ кафанга ўхшатади. Бу шеърятимиз учун янги ташбеҳ. Шоир бу билан чекланмайди. Қор учқунларини парларга қиёс этади:

Яна қор. Оқ кафан ўралди яна,

Яна кўк қуйди ерга парларини.

Қарғанинг тиллари буралди яна,

Яна қиш чорлади “нафар”ларини (Чўлпон, 2013:95).

Ёхуд Чўлпон яна ёзади:

Тўнгдиргувчи захар совуқ тунда

Бева-бечоралар ёмонлайлар.

Шоир қишнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, сифатлашлар ва ўхшатишлар (тўнгдиргувчи захар совуқ тун, тўнгдиргувчи, музлатгувчи оппоқ қуш) қўллаганки, бундай ифодалар қиш манзарасини ўзида ёрқин ифода этади. Тўнгдиргувчи сўзи жадид адабий тилида қўлланган. Ушбу сўз тўнгмоқ феълидан олинган бўлиб, музлаб қотиб қолмоқ, музламоқ деган маъноларни билдиради (ЎТИЛ, 2008:239). Демак, тўнгдиргувчи сифати музлатгувчи сўзига синоним сифатида ишлатилган.

“Баҳор келди” шеъри кўклам ҳислари билан тўлиб тошган:

Йўқсилларни ингротгучи қиш кетиб,

Баҳор келди, гулбарралар очилди.

Ваҳимали қиш биноти йиқилиб,

Гўзал баҳор эшиклари очилди (Чўлпон, 2013:156).

Маълумки, қишдан сўнг баҳорнинг ташриф буюриши билан мудраб ётган туйғулар уйғонади, қиш совуғи ингротган қалблар илийди, табиат яшариш, янгиланиш сари юз тутади. Шу маънода “гулбарралар очилиши” кўклам келаётганидан нишона. Қиш қорлари эриб, совуқларнинг чекинишини шоир ўзига хос поэтик тасвирлайди. Яъни “ваҳимали қиш

биноси йиқилганидан”, “гўзал баҳор эшиклари очилганидан” қувонади. Эътибор берилса, бунда табиатдаги икки ҳолат контраст қўйилмоқда.

Булбулларнинг мусиқадек овози

Руҳимизга ширин озиқ берадир.

Жилва билан турса баҳор шамоли,

Димоқларга шодлик иси келадир (Чўлпон, 2013:156).

Бу сатрларда ҳам шоир ташхис ва сифатлаш орқали баҳор манзарасини жонли чизади. Зеро, булбуллар овози баҳорда қалбларга завқ бағишлайди. Баҳор шамолининг эсиши инсондаги гўзал ҳаракат (жилва қилиш) орқали ташхислантирилган.

“Кўклам келадир” шеъри ҳам шеърхонни бефарқ қолдирмайди:

Тиниқ ҳаво... Кўк юзинда оппоқ ҳарир пардадек,

Оқ булутлар унда бунда ёйилганлар паришон.

Шуълаларнинг акси билан йилтиллаган игнадек

Кун тиғлари қарашларга ўткир ўткир санчилган (Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён, 2018:186).

Кўклам осмони мусаффо бўлади. Табиатнинг бу манзарасини шоир янада жозибали тасвирлайди. Баҳор осмонида сузиб юрган оқ булутларни оппоқ ҳарир пардага ўхшатади. Уларнинг ҳар ёнга тарқалганлигини эса ташхис орқали ифодалайди. Инсондаги паришонлик ҳолати булутларга кўчирилади. Қуёш нурлари йилтиллаган игнага қиёсланади.

Қип-яланғоч дарахтлар ҳам қучоқ очиб, кўз тутиб,

Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан куталар (Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён, 2018:186).

Қишда дарахтлар “кийимини ечади”, чунки куз унинг япроқларини тўқади. Баҳор эса уларни яна яшил баргларга буркайди. Шоир қўллаган “кўк кўйлак” метафораси рамзий маънога эга. Аввало, бунда дарахтларнинг яшилланиши назарда тутилса, иккинчидан, баҳор тимсолини ифода этади.

Баҳор келди... Табиатнинг қўллари

Дарахтларга ипак кўйлак кийгизди.

Ер ҳам сўлган кўкатларни тиргизди,

Яшилланди далаларнинг йўллари (Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён, 2018:196).

“Табиатнинг қўллари” – шоирнинг бадиий топилмаси. Ёхуд баҳорда дарахтларнинг оппоқ бўлиб гуллаши эса ипак кўйлакка менгзалмоқда. Қолаверса, майсаларнинг бош кўтариши эса “яшилланди далаларнинг йўллари” тарзида бадиий ифода этилади.

Юқорида таҳлил этганимиз шеърлар Чўлпоннинг табиатга улкан муҳаббатидан туғилган сатрлардир. Куз фасли тасвирида шоир мазлум Шарқ тимсолини ифодалаб, унга ижтимоий мазмун юклаган бўлса, қишга бағишланган шеърларида ҳам эзилган, тутқунликка маҳкум этилган халқ образини ифода этади. Баҳор тасвири чизилган шеърларда эса яшаш ва яратиш сари интилаётган ҳаётсевар инсон образи бўй кўрсатади. Шоир

қўллаган ташбеҳ, ташхис, сифатлашлар табиат ва лирик қаҳрамон руҳий ҳолатидаги уйғунликларни таъсирчан ифодалаш воситаси сифатида хизмат қилган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён. Конференция материаллари. –Тошкент: Mashhur-press, 2018. - 326 б.
2. Чўлпон. Асарлар. I жилд. –Тошкент: Akademnashr, 2013. -372 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 4-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –592 б.

КАСБ-КОР ДОИРАСИДА ШАКЛЛАНГАН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

MESLEKLE İLGİLİ ÖZBEK HALK ATASÖZLERİ

Бибиш Жўраева,
Бухоро давлат университети
доценти (Ўзбекистон)

Bibiş Corayeva,
Buhara Devlet Üniversitesi

Аннотация. Мақолада косибчилик, дурадгорлик, тикувчилик, бўзчилик, кулолчилик, бўёқчилик, темирчилик, новвойлик, қассобчилик, мусиқачилик асосида шаклланган ўзбек халқ мақоллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Мақол, касб-кор, шаклланиш асоси, касб оти, кулол, бўзчи, дурадгор, бўёқчи, новвой.

Annotation. The article deals with the Uzbek folklore based on the art of carving, carpentry, sewing, molding, ceramics, painting, iron, baking, knitting and music.

Key words: Proverb, profession, basis of formation, name of profession, ceramic, rug, carpenter, painter, baker.

Özet. Makalede marangozluk, terzilik, dokumacılık, boyacılık, demircilik, ekmekcilik, kasaplık, türkücülük ve benzeri meslekler ilgili atasözleri tahlil edilmiştir.

Anahtar Sözcükler. Atasözleri, marangozluk, terzilik, dokumacılık, boyacılık, demircilik, ekmekcilik, kasaplık, türkücülük.

Касб [а] иш-фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; ҳунар (ЎТИЛ. I, 1981:371) бўлиб, ўзбек тилида муайян шарт-шароит тақозоси билан айрим касб-корларга боғлиқ ҳолда мақоллар вужудга келган. Бу гуруҳга кирувчи мақоллар қуйидаги сингари ички турларга бўлинади:

1. Косибчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Косиб. 1) қўл иши билан шуғулланувчи ҳунарманд; 2) оёқ кийими (этик, маҳси ва ш.к.) тикиш билан шуғулланувчи ҳунарманд (ЎТИЛ. I, 1981:399). Этикдўзлик ўзбек халқи шуғулланиб келувчи ҳунарлардан бири бўлиб, бу асосда ҳам бир қатор мақоллар вужудга келган. Чунончи: *Этикдўзнинг этиги йиртиқ*. Ҳунари бор инсон борки, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш учун тинмай меҳнат қилади, ўзининг юмушини адо этишга эса вақт тополмайди. Шундайларга қарата халқимиз мажозий маънода шу мақолни қўллайди. *Уста пичоққа ёлчимас, этикдўз – бигизга*. Ҳунарманд киши моддий бойлик яратиш, ўз турмушини тобора яхшилаш учун эртаю кеч тинмай меҳнат қилади ва, албатта, бунда ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунари доирасидан келиб чиқиб турли хил меҳнат қуролларидан фойдаланади. Чунончи, маҳсидўз, этикдўзлар,

кўпинча, бигиздан; уста дурадгор арра-тешадан ва ҳ.к. Шунинг учун хунармандларнинг меҳнат қуроллари тез-тез синиб, емирилиб ишдан чиқиб туради.

2. Дурадгорлик асосида шаклланган халқ мақоллари. Дурадгор [ф-т] ёғочдан иморат ва бошқа ҳар хил буюмлар ясовчи хунарманд, уста... Дурадгорлик – касб оти (ЎТИЛ. I, 1981:340). *Болта тушгунча, кунда дам олар.* Ушбу мақол “Ҳикматнома”да мажозан: “Машаққатли дамлар оралиғидаги осойишталикдагина киши нафас ростлай олади” (Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990:61) дея изоҳланади. Аммо бадиий адабиётларда бу мақолнинг мажозан: “Ҳозирча осойишталик-ку, шу дамни ғанимат билайлик” деган маънода ҳам қўлланганлик ҳолати учрайди:

Шу хил мулоҳазалар билан Мурод: “Болта тушгунча, кунда дам олади”, деб бой даргоҳида юра берди... (Айний, 1982:24).

Дурадгорлик маймуннинг иши эмас. Ҳар бир меҳнат ўз эгаси қўлида ҳалол. Оддий бўлиб кўринган ҳар қандай машғулот, хунар остида ҳам машаққатли меҳнат ётади. Ушбу мақол орқали ҳар ким ўз ишини билиб қилишига урғу берилган.

3. Тикувчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Тикувчилик... – касб оти (ЎТИЛ. I, 1981:174). Ўзбекларда дўппи, сўзана, кийим сингариларни тикувчи кишилар шу ном остида юритилган бўлиб, ҳозирги кунда бу шахс оти фақатгина кийим тикувчи маъносида ихтисослашган: *Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар.* Йўлбошчи қайси йўлга бошласа (хоҳ у тўғри йўл бўлсин, хоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёққа қараб кетаверади. Оиланинг ҳаётида ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ (Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990:150), деган маънода қўлланади. *Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчар.* Одамларнинг қаричи, алчини узун-қисқа бўлгани каби, ақл-идроки, дид-фаросати, илм-билими ва ҳ.к. ҳар хил бўлади. Биров сенинг кўнглингдагидек қилиб гапирса, фикр билдирса, биров энсақотирма, суюқ, бемаъни гап қилади. Шунинг учун бундан хафа бўлиш керак эмас”, демоқчи бўладилар (Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990:513).

4. Бўзчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Бўзчи – бўз тўқувчи косиб (ЎТИЛ. I, 1981:158). Ўзбек халқи ҳаётида бўзчилик асосида ҳам турли хил мақоллар шаклланган. *Бўзчи белбоққа ёлчимайди.* Маълумки, ҳар бир хунарманд меҳнат фаолияти давомида ишлаб чиқарган буюмларининг сараларини бозорга чиқаради. Бозорда сотилмай қолган маҳсулотларни эса ташлаб юборишга кўзи қиймай, кундалик эҳтиёжи учун ишлатади. Бу ҳолат такрорланган сайин хунарманд ишлаб чиқарган маҳсулотларининг яхшиларини сотиб, улардан ўз эҳтиёжи учун фойдаланолмай қолади. *Милкени кўр – бўзини ол, Онасини кўр – қизини ол.* Бўзнинг икки четида милк бўлади. Агар милк тортилмасдан бир хил, текис турса бу бўзнинг сифатли эканлигидан далолат беради. Оилада, аввало, қизни она тарбиялайди. Ўтириб-туриш, муомала маданиятини қиз бола энг биринчи

ва, асосан, онасидан ўрганади. Милки бир хил, яъни текис турадиган бўз қанчалик сифатли бўлса, маданиятли, тарбияли она қўли остида тарбия топган қиз ҳам шу даражада оилага тайёр бўлади.

5. Кулолчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Кулол – лойдан турли сопол идишлар тайёрлайдиган ҳунарманд. Кулолчилик – касб оти (ЎТИЛ. I, 1981:440). *Кулол мўндида сув ичар*. Ҳаёти давомида лойдан сопол идишлар тайёрлаб кун кечирувчи кулоллар яратган идишларининг энг сараларини бозорга чиқаришади, ўзларида эса бирор жойида нуқсон бор идишлар қолади. Ушбу ҳаётининг ҳақиқат асосида шаклланган бу мақол ҳозирги кунда мажозийлик касб этган бўлиб, шу ва шу каби ҳолларда қўлланади.

Ушбу мақолнинг қуйидаги маънодошлари ҳам мавжуд:

Кулолнинг ичишга косаси йўқ.

Кулолнинг кулфатини кўр: тутгани сопол товоқ.

Синмасни кулол яратмас. Маълумки, кулоллар яратган идиш-товоқлар, кўзалар вақт ўтган сари бирор сабаб билан синади, истеъмолдан чиқади. Мақол мажозан инсоннинг умри ўткинчи эканлиги, албатта, бу умр поёнига етажанинг англатиш мақсадида қўлланади. *Синган – кулолнинг кўзаси, Тўкилган – бўзагарнинг бўзаси*. Бўзагар – бўза ичимлиги тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланувчи одам (ЎТИЛ. I, 1981:158). Бу мақол билан: “Ҳа, синган бўлса – кулолнинг кўзаси синибди, тўкилган бўлса – бўзагарнинг бўзаси тўкилибди. Шунга ҳам хафа бўлиб, қайғуриб, изтироб чекиб ўтирасанми?! Бўлар-бўлмасга қайғуриб, ташвишланиб юрма, асабингни бузма, ўз сихатингни ҳам ўйла”, деган маънода насиҳат қиладилар (Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990:371).

6. Бўёқчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Бўёқчи – 1) газлама, ип ва шу кабиларни бўёвчи уста, мутахассис, рангворчи. 2) сиркор уста, уй сирловчи, бўёвчи мутахассис. Бўёқчилик – касб оти... (ЎТИЛ. I, 1981:157). Бўёқчилик асосида ҳам кўплаб халқ мақоллари шаклланган. Жумладан: *Бўёқчининг бўёқчилиги қўлидан маълум*. Бўёқчилар бўёқ билан ишлагани сабабли қўлларида, аксарият ҳолларда, бўёқ изи бўлади ва бу белги уларнинг бўёқчи эканлигини кўрсатиб туради. Бу – мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан эса кишининг бирор-бир ишни бажара олиш ёки олмаслиги, феъли, хулқ-атвори ва ҳоказоси унинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши, ўтириб-туриши кабилардан кўриниб туради, деган маънода қўлланади. *Бўёқчини бўёқчи десанг отасининг соқолини бўййди*. Бефаросат, бефаҳм, калтабин кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

7. Темирчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Темирчи – темирни болғалаб, ундан турли буюмлар ясайдиган уста. Темирчилик – касб оти (ЎТИЛ. II, 1981:159). *Игначининг минг ургани – темирчининг бир ургани*. Бу мақол бирор ишни узоқ вақт қийналиб, зўр-базўр амалга оширадиган одам билан худди шу ишни бирпасда, осонгина амалга ошириб қўядиган одамни бир-бирига таққослаганда айтилади. *Темирни қизиғида бос*. Мақолда

ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш лозимлиги, фақат шундагина бу ҳаракат ижобий самара бериши мумкинлиги уқтирилади.

8. Новвойлик асосида шаклланган халқ мақоллари. Новвой [ф-т]. Нон ёпувчи ва нон ёпиб сотиш касби билан шуғулланувчи шахс. Новвойлик... – касб оти (ЎТИЛ. I, 1981:506) бўлиб, ўзбек халқи жуда қадимий ва бой новвойлик сирларига эга. Шу асосда кўплаб ўзбек халқ мақоллари ҳам шаклланган. Чунончи: *Етилмаган хамир тандирда турмас*. Ҳаётий тажрибалардан маълумки, етилмаган хамирдан ясалган нон тандирга ёпишмай, таппа-таппа ташлаб, кулга беланиб нес-нобуд бўлади. Мажозан эса “Киши ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаса, ҳаёт... турткисини, зарбасини емаса, яъни етилмаса, кундалик турмушда учрайдиган баъзи қийинчиликларга бардош бера олмайдиган бўлади. Шунинг учун болани ёшлигидан чиниқтириш, меҳнату машаққатларга ўргатиш зарур” (Шомақсудов, Шораҳмедов, 1990:108), деган маънони беради. *Нонни тандирнинг қизиғида ёп*. Маълумки, нон ёпишдан олдин тандир яхшилаб қиздирилади, қиздириш меъёрга етган пайтда ёпилган нонлар қип-қизил бўлиб пишади ва улар тандирдан осонгина узилади. Акс ҳолда нонлар қизармайди, ўз хуснини йўқотади, шунингдек, бундай нонларни тандирдан узиб олиб ҳам бўлмайди, олинаётганда улар майда бўлакларга бўлиниб кетади. Мажозан эса ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш керак, шундагина у яхши самара бериши мумкин, деган маънода қўлланади.

9. Қассобчилик асосида шаклланган халқ мақоллари. Қассоб – мол сўювчи ва гўшт билан савдо қилувчи одам. Қассобчилик – қассоб касби, қассоблик (ЎТИЛ. II, 1981:560). *Қассоб онасига ҳам суяк сотар*. Қассоблар орасида бировнинг ҳақиқага хиёнат қилувчи, ноинсоф, қаллоблар ҳам бўлиб, улар савдо пайтида гўштга суяк қўшиб сотишади, тарозидан уриб қолишади. Халқимиз бу хусусдаги фикрларини юқоридаги сингари мақолларда ифода этган.

10. Мусиқачилик асосида шаклланган халқ мақоллари. “*Карнайчидан қутуламан десанг, олдига бориб анор е*” мақолида карнайчи қулоғингни қоматга келтириб, тинчлигингни бузиб, тоқатингни тоқ қилаверса, унинг олдига бориб анор есанг, оғзининг сўлаги оқиб, карнайини пуфлай олмайди. У ёки бу қилиғи, эзма-чуруклиги, шилқимлиги, ҳали уни, ҳали буни сўраб келавериши билан сени бездирган одамдан қутулишнинг бирор йўлини, чорасини топ деган маъно илгари сурилмоқда. “*Карнайчидан нима кетди, бир пуф*” мақолида бирор одамдан бир нимани ўртада воситачи бўлиб ундириб беришни, бировни бир нарсага кўндиришни илтимос қилганда: “Бу иш сиз учун ҳеч нарса емас“, “Бу ишни сиз осонгина уддалай оласиз“, “Бу ишга сизнинг бир оғиз сўзингизгина кифоя“ деган маънода қўллайдилар.

Ўзбек халқи турмуши воқелиги ҳамда касб-кор доирасида шаклланган халқ мақолларининг асосини, одатда, ҳар бир касб эгаси яратадиган маҳсулот, ўша касб доирасида кечадиган ҳаёт тарзи билан боғлиқ воқеа-

ҳодисалар ташкил этади. Масалан, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш учун тинмай меҳнат қилиб, ўзининг юмушини адо этишга эса вақт тополмайдиган ҳолатни косиб: “Этиқдўзнинг этиги йиртиқ”, бўзчи: “Бўзчи белбоққа ёлчимас”, кулол: “Кулол мўндида сув ичар” ва ҳ.к. тарзида шакллантирган. Аста-секинлик билан бир касб доирасида пайдо бўлган мақол фалсафийликка эга бўлиб, умумлашма ҳолатларга нисбатан қўлланадиган бўлиб қолган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Айний Садриддин. Эски мактаб. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. –48 б.
2. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990. –526 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 1-жилд. А–Р. – Москва: Рус тили, 1981. –631 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. С–Ҳ. – Москва: Рус тили, 1981. –715 б.

RUS-KAZAK İLİŞKİLERİNİN TARİHİNE GENEL BİR BAKIŞ

Naz PENAH,

*Bartın Üniversitesi Edebiyat Fakültesi /
Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Bölümü*

Özet: Bu çalışmamızda, 1917'ye kadar yayımlanan ilk Kazak roman ve hikâyelerinin birkaç örneği ışığında, Rusların 19. yy'ın sonu ile 20. yy'ın başlarında askerî ve siyasal çerçevede işgal ettikleri Kazak bozkırlarına yerleştikten sonra, dayattıkları kültürel (dil, din, eğitim vb.) değişimin yerli halka etkisi ve uzantıları değerlendirilecektir. Bu bağlamda halkın yaşadığı kültürel karışıklığı bertaraf edilmesi için çözüm arayan aydın Kazak gençlerinin çalışma ve çabalarına yer verilecektir.

Anahtar Sözcükler: Kazak Roman ve Hikâyeleri, Kazaklar, Ruslar, Asimilasyon.

Abstract: In this work, after having settled in the Kazakh steppes occupied by the Russians in the military and political contexts in the late 19th and early 20th centuries, in the light of a few examples of the first Kazakh novels and stories published until 1917, the cultural (language, etc.) will be assessed for the effects and extensions of the local people. In this context, the efforts and efforts of the intellectual Kazakh youth who are seeking solutions to eliminate the cultural confusion of the people will be given place.

Key words: Kazakh Novels and Stories, Kazakhs, Russians, Assimilation.

Bilindiği gibi Ruslar 17. yy.dan itibaren Orta Asya'nın birçok yerlerini özellikle de Kazak bozkırlarını işgal etmeye başlamışlardı. Ünlü tarihçi Zeki Velidi Togan (Türkolog, tarihçi ve siyaset adamıdır) bu durumu şöyle özetler:

“Rus idaresinin evvelki devirleri, Ruslar için yerlileri öğrenmek, bu Asya ülkelerinde kendi idare usullerini yerleştirmek; yerli Türkler için de “Bu yeni rejim, yeni tertibat ve dünyayı istilâ etmekte olan bu yeni medeniyet acaba ne imiş?” diyerek bir murakabede bulunmak ve öğrenmek devrini teşkil etmiştir. Ruslar daha Avrupa medeniyetine yabancı iken, işgal ettikleri ülkelere, Kazan ve Astarhan'a ve garbî Başkurdistan'a, “Asyalı Hristiyan millet” olarak geliyorlardı, din yoluyla cebri temsil siyasetini kullanıyorlardı. Devlet idare usulleri de daha Moğollardan öğrendikleri usul idi. Kazakistan, şarkî Başkurdistan, Kırım ve Kafkasya'ya ise Ruslar, yepyeni bir millet olarak geldiler.

Rusların, 18. asrın birinci yarısında şarkî Başkurtlar ve Kazaklar hakkında kullandıkları siyasetleriyle, ileride istilâ işinde takip edecekleri hattihareket taayyün etmiş bulunuyordu: Göçebe kavmin bir kısmı tarafından kabul edilen tâbiyeti, diğer kısmına hâkim olmak için sebep gösteriyorlardı. Yahut göçebe bir kavmin geçmiş asırlarda herhangi bir reisinin, bir zaruret dolayısıyla muvakkat bir zaman için Rusya'ya itaat etmiş olmasını, daha sonraki devirlere teşmil etmek, istilâ için bir bahane oluyordu” (Togan 1942-1947: 239-241).

İşgalle beraber, Rus hükümetinin Kazak bozkırlarındaki yönetimi de başlamış oluyordu.

Mirjakıp Dulatov tarafından kaleme alınan ‘Bakıtsız Jamal’ (Talihsiz Cemile) (Arıkan, Metin, Volume 3/7 Fall 2008) isimli eser, Kazak edebiyatı tarihinin ilk romanı olarak kabul edilip 1910’da Kazan şehrinde yayımlanmıştır. İki gencin (Jamal [Cemile] ile Ğali [Ali]) trajik aşk hikâyesi üzerine kurgulanan bu eserde, Rus-Kazak ilişkileri bütün yönleriyle olmasa da bazı yönleriyle yansımıştır.

Konuya ilişkin eserin başlarında, bir Rus ‘Naçalnik’i, ‘Hohol’ (Ukraynalı köylü. Kazakistan topraklarına yerleştirilmişlerdi) köyüne uğrayacağını planlar ancak önce Kazak avuluna (Bozkırdaki geçici yerleşim yeri (küçük köy denilebilir)) uğramaya karar verir. Romanda bu durum şöyle anlatılır:

“Bir gün öğle vaktinde gölün öte tarafından atlarını hızla koşturarak gelen bir Rus ve bir Kazak görüldü. Çocuklar korkudan evlerine saklanırken büyükler de “bu ikisi nerede duracaklar acaba?” diye onları izliyordu. Atlılar oba beyi Bekjan’ın evinin önünde durdular. Yarım saat geçmeden yayladaki obaya, “yarın buraya ‘Krestyanskiy Naçalnik’ gelecekmiş”, haberi yayılmıştı bile. Gelenlerden biri strajnik diğeri ulak imiş. Bunlar, geleceklerden önce, otağ (Keçeden yapılmış ev, göçebenin konutu) ve bineği hazırlatıp koyunu kestirmek için, yola çıkmışlardı. O gece avul sakinleri ile avulun ‘vıbornayları’ uyumadan çalışıp durdular. Ertesi sabah obanın biraz dışında kurulmuş bir beyaz ve bir de boz otağ görüldü. Sabah saatlerinde atlı arabayla Naçalnik de geldi. Naçalnik’in önünde ve arkasında aşırı saygı gösterileriyle eşlik eden Kazaklar ile beraber, kendisi için hazırlanmış olan otağın yanında durduğunda, boyunlarına zincirli madalyalar takmış oba beyi ile adamları, diğer boy beyleri, birkaç defa hürmetle başlarını eğerek ‘Beyefendi, beyefendi!’ diyerek onu içeri buyur ettiler” (B J., s. 8).

Bu parçada Kazakların Rusları ve onların yöneticilerini ne kadar önemseyip önceden karşılama hazırlıklarına başlamaları ayrıca çocukların gelen misafirlere korkuyla uzaklaşmaları, Rusların toplum üzerinde bıraktıkları endişe ve korku olarak değerlendirilebilir. Bunun yanı sıra, Kazak toplumu o dönemde Rusları sosyal, siyasî ve diğer meselelere çözüm bulan ve kendilerine ev sahipliği yapan bir millet olarak kabul etmişlerdir, denilebilir.

Civardaki bir ‘Hohol’ köyüne giden Naçalnik’in bir gün önceden haber göndererek köylülerin kendisine koyun kesip ziyafet vermelerini istemesi, köyün ileri gelenlerinin bu isteği resmi bir emir gibi telakki etmeleri ve saygıyla yerine getirmeleri dikkati çeker.

Bu durum kırsal kesimde Rus yönetiminin zamanla köylüler üzerinde nasıl bir baskı oluşturduğunu da gösterir. Naçalnik’i karşılayan köylüler arasında ‘vıbornayların’ resmi bir törene uygun olarak madalyalarını takmış olarak gelmeleri, köylülerin gelenlere aşırı saygı göstermeleri vs. dikkati çeker. Bu durum kırsal kesimde Çarlık güvenlik kuvvetlerinin sağladığı aşırı otorite sonucudur. Bunun karşılığında Rus yöneticilerinin köylülerin istek ve problemleri hakkında kayıtsız oldukları anlaşılmaktadır.

Eserin devamında, Rus Naçalnik'in avula geldiğini duyan halk merakla durumu seyrederek ve kendi aralarında konuşurlar:

“O arada işi olan olmayan sadece seyir için yüz civarında insan toplanmıştı, onların o anki sohbetleri Naçalnik' ne için gelmiş? Belki de bu sene Satıpdı'nın şikâyeti neticelenmiştir?” diyorlardı. Bazıları, “hayır, onun için niye gelsin. M'mbet'in bolıstığın geri vermek için gelmiş olmalı” deyip her biri kendi fikirlerini söyleyip yüksek sesle konuşurlarken alnından ter damlayan, kalpağı elinde Bekjan otağdan çıktı.” Halk ona dönüp: “Haberler nasıl, bey? Rus Töre (Naçalnik) memnun kaldı mı? Niçin gelmiş, diye sordular. Oba beyi şöyle dedi: “Elhamdülillah, beni pek övdü, elimi tekrar tekrar sıkarak ‘spasibo’ (Teşekkür ederim) deyip durdu. İş de burada değilmiş, Karasu istasyonundaki ‘Hohol’ şehrine gidiyormuş. Burada misafir olup, dinlenip, akşama doğru yola çıkacak. Kendisi çok merhametli birine benziyor gibi. “Hayat nasıl geçiyor? Huzurlu musunuz?” diye herkese sordu. Geçenlerde Kötibay'ın bana küfür ettiğini söylemedim. Onu söyleseydim mahvolurdu, ne yapayım. Hasen'i kıramadım. Töreniñ (Naçalnik'in) bir haberi daha var: “Kazaklardan asker alınmayacak...” dedi. (B J., s. 8-9).

Naçalnik'i saygıyla ağırlayan oba beyi Bekjan'ın köylülerin sorularına cevap vermeden önce Naçalnik'in kendisini övdüğünden söz etmesi ‘spasibo’ diye birkaç defa teşekkürünü ifade etmesi Bekjan'ın nazarında çok önemlidir. O, Naçalnik'in sıradan bir memnuniyet bildirmek için söylediği ‘spasibo’ sözünü, bilerek veya bilmeyerek çok daha büyük anlamlar yükler. Bu sözü tekrar etmekle güya Naçalnik'in kendisine ne kadar değer verdiğini köylülere anlatmaya çalışır. Bekjan'ın bu tavrı, cahil bir Kazağın küçük bir göreve de sahip olsa Rus memuruna kırsal kesimde atfedilen değer ve önemi göstermektedir. Bekjan aynı zamanda kurnaz biridir. Kötibay'ın kendisine yaptığı hakareti Naçalnik'e söylememekle ona karşı iyilik, büyüklük, anlayış gösterdiğini vurgulamak ister. Böylece köylülerin saygısını kazanma fırsatını yakaladığı düşünür. Bu tavır Rus yöneticileri üzerinden bazı Kazak görevlilerinin halk üzerinde nasıl otorite kurmaya çalıştıklarını da göstermektedir. Hâlbuki bu gibi küçük Kazak görevlilerin, Rus yöneticileri nezdinde pek de itibarı bulunmamaktadır.

Özet. Prof. Dr., Başkurdistan Cumhuriyeti Bilimler Akademisi Üyesi, Rusya Federasyonu Beşeri Bilimler Akademisi Üyesi, Rusya Federasyonu ve Başkurdistan Cumhuriyetinin Tanınmış Kültür Adamı, geleneksel arkeografinin kurucusu İşmuhamet Gilmutdinovich Galyautdinov (1948-2015) Rusya ve Başkurdistan'da beşeri bilimlerin gelişmesine özellikle, arkeografi biliminin gelişmesine büyük katkıda bulundu. Makalede Galyautdinov'un bilimsel çalışmaları ve hayatı anlatılmıştır.

Anahtar Sözcükler. Gilmutdinovich Galyautdinov, arkeografi.

Башкортостандың Учалы төбәгендә тыуып үскән филология фәндәре докторы, профессор Ишмөхәмәт Ғилметдин улы Ғәләүәтдиновтың археография, текстология, әзәби башкорт теленең тарихи үсешен өйрәнәү проблемаларына бәйле ғилми эштәре менән бер рәттән халык ижадына, балалар фольклорын өйрәнәүгә арналған хезмәттәре лә бихисап [7]. Ғилми мәкәләләр Башкортостанда ғына түгел, ә Рәсәй кимәлендә уҙғарылған фәнни-ғәмәли конференцияларға, киң матбуғатта яктыртылһа, башкорт халык уйындарына арналған китаптары киң катлам укыусылар араһында күптән инде үз укыусыһын тапты.

1964 йылда Өфө калаһының 1-се мәктәп-интернатында укыған сағында ук Ишмөхәмәт Ғилметдин улының “Совет Башкортостаны” гәзите биттәрәндә курайсылар ансамбленә арналған “Тырышһаң була икән!” [9] тәүге мәкәләһе донъя күрһә, 1967 йылда, Башкорт дәүләт университетында белем алғанда, уның “Карға буткаһы” [8] мәкәләһе баһылып сыға. Ошо көндән башлап буласак ғалимдың гәзит-журнал биттәрәндә халык

уйындарына, уларзың балаларзы, йәштәрзе тәрбиәләүзе тоткан роле хақында, шулай ук журайға, журайсыларға арналған фәнни мәкәләләре донъя күрә, киң матбуғатта уйындарға бағышланған рубрикалар асыла башлай [16]. Журайза башкорт халык көйзәрен ошта башкарған, фольклорға, уның рухи ынйыларына битараф булмаған ғалим үсеп килгән быуынға “уйын һинең өсөн тормош мәктәбе, хезмәткә әзерләнеү сараһы һәм халкыңдың изге ғәрәф-ғәзәттәрендә һәйбәт тәрбиә алыузың асыл сығанағы” [3, 4-се б.], - тип өндәшә.

Ғалим И.Ғ.Ғәләүәтдинов халык уйындарын өйрәнеүсе генә түгел, ә үзе халык күңеләнән йыйыусы, башкорт телендә генә түгел, рус теленә тәржемә итеп, киң ғилми әйләнешкә индереүсе лә. Ул уйындарзы өйрәнеп, үз хезмәтендә “һауаһыз йәшәп булмағандай, тормошондо уйындарһыз күз алдына килтереү мөмкин түгел” [3, 4-се б.], – тип билдәләй. Уның 1979 йылда хәрәкәтле уйындарға бәйле “Уйнайык, дустар, бергәләп” [12], 1987 йылда был баһманың балалар һәм йәштәр уйындарына арналған икенсе китабы [13], 1991 йылда бишек йырзари, һанамыштар тупланған “Ак тирәк, күк тирәк: балалар фольклорының үрнәктәре” [1] йыйынтыктары донъя күрә. 1994 йылда нәшер ителгән “Балалар фольклоры: Бала сак -уйнап, көлөп үсер сак” [3] китабының 1-се баһмаһында балалар фольклорын өс зур төркөмгә бүлеп карай ул: әсәләр поэзияһы, балалар ауыз-тел ижады, уйын фольклоры. Ә 1996 йылда киң даирәгә сыжкан икенсе китабы иһә көләмәстәр, әкиәттәр, уйындар йыйылмаһын тәшкил итә [2]. 1995 йылда иһә Ишмөхәмәт Ғилметдин улының балалар һәм йәштәр уйындарына арналған “Уйнайык, дустар, бергәләп!” [14] тигән күләмле хезмәте донъя күрә. 2002 йылда иһә “Башкорт халык балалар уйындары” китабының үзгәртелгән 1-се баһмаһы [6], ә 2011 йылда башкорт фольклорсыһы Ә.М.Сөләймәнов менән берлектә төзөлгән “Башкорт балалар фольклоры” [5] китаптары баһылып сыға, был хезмәттең хәрәкәтле уйындарға арналған өләшө И.Ғ.Ғәләүәтдинов тарафынан язылған. Ғалимдың тағы бер хезмәте, фольклорсы Ә.М.Сөләймәнов менән берлектә төзөгән “Башкорт халык ижадының” “Балалар фольклоры” томы иһә, әлеге көндә “Китап” нәшриәтендә донъя күрер сәғәтен көтә.

Ишмөхәмәт Ғилметдин улы бәләкәйзән журайға, уның моңона ғашик булып үсә һәм бик ошта уйнарға ла өйрәнә, сөнки уның атаһы тирә-якта дан тоткан журайсыларзың береһе була. Ғалим 1972-1985 йылдарза Өфөлә Тарих, тел һәм әзәбиәт институты эргәһендә эшләүсе “Кобайыр” фольклор-этнографик ансамбленең ошта журайсыларының береһе була. Был ансамбль менән ул Рәсәй һәм Германия буйлап гастрольдәрзә, 1983 йылда Й.Исәнбаев исемендәге призға Республика журайсылар конкурсында, 1989 йылда Алма-Атала Халык-ара музыкаль фестивалдә, 1990 йылда Нефтекама калаһында узған Бөтә Рәсәй фольклор коллективтары фестивалендә катнашып, лауреат исеме ала.

Халык ижады гәүһәрзәренә битараф булмаған, йырлы-моңло ғаилә мөхитендә үскән Ишмөхәмәт Ғилметдин улы Ғәләүәтдиновтың башкорт фольклористикаһына индергән өлөшө баһалап бөткөһөз. Һәм ғалимдың “халык ижады һуты менән һуғарылып үскән бала ғына киләсәктә рухи яктан бай, физик яктан көслө була” [3, 4-се б.] тигән һүззәрендә лә оло һаклыҡ бар.

Әзәбиәт:

1. Аҡ тирәк, күк тирәк / Йыйыусы И.Ғ.Ғәләүәтдинов. - Өфө: Башкортостан китап нәшриәте, 1991. - 32 с.
2. Балалар фольклоры / Яуаплы мөхәр. И.Ғ.Ғәләүәтдинов; төз. И.Ғ.Ғәләүәтдинов, М.Ә. Мәмбәтов, Р.М. Ураксина. - Өфө, 1996. - 2-се китап.
3. Балалар фольклоры: Бала-саҡ – уйнап-көлөп үсер саҡ. 1 кит. / Төз. И. Ғәләүәтдинов, М. Мәмбәтов, Р. Ураксина. - Өфө: Китап, 1994. - 160 б.
4. Балалар фольклоры: Мөғжизәле бала саҡ – уйындарҙа һәм уйҙарҙа каласаҡ / Төзөү. И. Ғәләүәтдинов, Р.Ураксина. - Өфө: Китап, 1996. - 176 б.
5. Башкирский детский фольклор / Сост. А.М. Сулейманов, И.Г. Галяутдинов. - Уфа, 2011. - 184 с.
6. Башкорт халык балалар уйындары / Төз. И. Ғәләүәтдинов. - Өфө: Китап, 2002. - 248 б.
7. Галяутдинов И.Г.: Биобиблиографический указатель / Сост. Г.Р. Ильясова, А.Г. Салихов, Р.М. Булгаков. - Уфа: Гилем, 2005. - 76 с.
8. Ғәләүәтдинов И.Ғ. Карға буткаһы // Совет Башкортостаны. - 1967. - 25 июнь.
9. Ғәләүәтдинов И.Ғ. Тырышһаң була икән! // Совет Башкортостаны. - 1964. - 6 май.
10. Ғилми архив, ф.3, тсу 2, эш. 1027.
11. Ғилми архив, ф.3, тсу 47, һ.б. 3; Ғилми архив, ф.3, тсу 92, һ.б. 3.
12. Уйнайыҡ, дуһтар, бергәләп / Сост. Галяутдинов И.Г. - Уфа, 1979. - 68 с.
13. Уйнайыҡ, дуһтар, бергәләп / Сост. Галяутдинов И.Г. - Уфа, 1987. - 125 с.
14. Уйнайыҡ, дуһтар, бергәләп! / Төзөүселәре И. Ғәләүәтдинов, М. Мәмбәтов, Р. Ураксина. Үзгәртелгән 2-се баһма. - Өфө: Китап, 1995. - 240 с.
15. Фольклор учалинских башкир (куваканцы, тиләуцы, барынтабынцы, кара-табынцы) / Сост. Султангареева Р.А., Гайсина Ф.Ф., Зинурова Р.Р., Вагапова Р.Р. - Уфа: Гилем, 2014. - 252с
16. Шыу-шыу шыузырмак: “Уйнайыҡ бергәләшеп” рубрикаһы асылыу уңайы менән// Башкортостан пионеры. - 1981. - 3 июль.
17. Экспедиция материалдары – 2011: Учалы районы / Төзөүселәре Г.В. Юлдыбаева, Г.Р. Хөсәйенова. - Өфө: РФА ӨҒҮ ТТӘИ, 2012. - 156 б.

РЕВОЛЮЦИЯҒА ТИКЛЕМГЕ БАШКОРТ ӘЗӘБИӘТЕНДӘ ФОЛЬКЛОР

DEVİRİM ÖNCESİ BAŞKURT EDEBİYATINDA FOLKLOR

Н.А. Хуббитдинова,
Институт истории, языка и литературы, Уфа, РФ

N.A.Hubitdinova,
Tarih, Dil ve Edebiyat Enstitüsü,
Ufa/Rusya Federasyonu

Аннотация. Филология фәнендә фольклор менән әзәбиәт бәйләнештәре проблемаһы актуаль булды һәм һақланһып килә. Дөйөм төрки рухтың өлөшө буларак, революцияға тиклемге башкорт милли әзәбиәтен ошо проблема сиктәрендә өйрәнеү шулай ук актуаль. Мәкәләлә дөйөм күзлектән сығып ошо революцияға тиклемге башкорт әзәбиәтендә фольклорҙың идеә-эстетик художестволы сағылышы үзенсәлектәрен байкауға арналды. Башкорт әзиптәренең күбеһе ябай ауыл мөхитенән сыкаан кеше буларак, халык ауыз-тел поэтик ижадының иң асыл традицияларын әсә һөтө менән һендергән. Фольклор мотивтары, образдары, сюжеттары, халык ижадының һүрәтләү саралары язуысыларға юғары художестволы әсәрҙәр ижад итергә һәм ябай халыкка яқынайырға яҙам итте. Был процеста мәкәлә авторын әзәбиәттә фольклор традициялары идея-художестволы функция үтәгән һәм шулай яңы әсәрҙәр ижед иетргә мөмкинлектәр биргән фольклор-әзәбиәт бәйләнештәре кызыкһындыра.

Даими һүзәр. Башкорт әзәбиәте, фольклор, идея-художественность, поэзия, проза, драматургия, мәҙәниәт, революцияға тиклемге осор.

Аннотация. Проблема фольклорно-литературных взаимосвязей была и остается актуальной в филологической науке. Рассмотрение дореволюционной башкирской национальной литературы, являющейся частью общетюркского духовного достояния, в контексте данной проблемы не менее актуальна. В статье в обзорном плане рассматриваются особенности и своеобразие идейно-эстетического художественного отражения фольклорных традиций в дореволюционной башкирской литературе. Башкирские писатели данного периода, будучи в большинстве своем выходцами из среды простого народа, с молоком матери впитали в себя самые яркие традиции устного поэтического народного творчества. Фольклорные мотивы, образы, сюжеты, средства изображения устного народного творчества помогали писателям создавать высокохудожественные произведения и стать ближе к простому народу. В этом процессе автора статьи привлекает именно фольклорно-литературные взаимосвязи, когда фольклорные традиции выполняют в литературе

идейно-художественную функцию и на их основе создаются новые произведения.

Ключевые слова. Башкирская литература, фольклор, идейно-художественность, поэзия, проза, драматургия, культура, дореволюционный период

Abstract. The problem of folklore and literary interrelations was and remains relevant in philological science. Consideration of the pre-revolutionary Bashkir national literature, which is a part of all-Turkic spiritual property, in the context of this problem not less actuality. In article in the survey plan is look features and originalities of ideological and esthetic art reflection of folklore traditions in pre-revolutionary Bashkir literature. The Bashkir writers of this period, being in the majority natives of the circle of the simple people with milk of mother have absorbed in themselves the brightest traditions of oral poetic folk art. Folklore motives, images, plots, means of the image of folklore helped writers to create highly artistic works and to become closer to the simple people. In this process of the author of article attracts folklore and literary interrelations when folklore traditions perform ideological and art function in literature and on their basis new works are created.

Keywords. Bashkir literature, folklore, ideological artistry, poeziya, prose, dramatic art, culture, pre-revolutionary period

Özet. Folklor ve edebiyat ilişkisi filolojinin en önemli konularından olmuştur ve halen devam etmektedir. Ortak manevi mirasının bir parçası olan devrim öncesi Başkır ulusal edebiyatının bu konu bağlamında ele alınması önemlidir. Makalede devrim öncesi Başkır edebiyatına halk geleneklerinin ideolojik ve estetik sanatsal yansımalarının özellikleri ele alınmıştır. Folklor motifleri, imgeleri, grafikleri, sözlü halk sanatını betimleme araçları, yazarların yüksek sanatsal işler yaratmalarına ve sıradan insanlara yakınlaşmalarına yardımcı oldu. Yazar, folklor geleneklerinin edebiyatta ideolojik ve sanatsal bir işlev görmesi ve bunlara dayanarak yeni eserler yaratması üzerine folklor-edebi ilişkilere dikkat çekmektedir.

Anahtar kelimeler. Başkurt edebiyatı, folklor, ideolojik, sanatsal, duruş, nesir, drama, kültür, devrim öncesi ulusal edebiyat.

XIX б. икенсе яртыһы – XX б. башы – революцияға тиклем осоро, һәр милли әҙәбиәт ке-ек үк, башкорт әҙәбиәтенең үсеше лә илдә, Башкортостанда барған ижтимағи-сәйәси, иктисади үзгәрештәр фонында барҙы. Был тарихи осор Рәсәй өсөн реформаларға бай булды: крепостнойлык хоқуғының бөтөрөлөүе халыҡ тормошонда ла, ижтимағи фекер, зыялылар эшмәкәрлегендә лә прогрессив азым булғайны. Башкортостанда иһә кантондар идаралығының бөтөрөлөүе, башкорттарҙың хәрби сословиенан гражданлык хәленә күсереләүе, ерле халықтың кәзимге ауыл хужалығы обывателдәренә әүереләүе, социаль-иктисади яктан иркенлек алдында тороуы күзәтелде [3, 380-385; 4, 157-158]. Шул ук мәлдә башка реформалар менән бергә илдә әүзәм тормошка

ашырыла башлаған ер мәсьәләһенең килеп тыууы башкорт халкы язмышында иң ауыр һәм кискен осор булып торҙо. Башкортостан ерҙәрен межалау һөҙөмтәһендә асаба халыктан ерҙәр төрлө ысулдар менән (арзан хакка һаттырыу, алдау, куркытыу, янау, көс менән) тартып алынды һәм ситтән килгән төрлө халыкка - припущенниктарға бирелде. Һөҙөмтәлә, башкорттар элекке кеүек күпләп мал үрсетеп тота алманы, йәйләрлек, ашлык үстөрөрлек, бесән сабырлык ер ҡалманы [3, 393]. Ергә налогты махсус рәүештә арттырыу сәбәпле, ҡрәстиәндәрҙе үз биләмәләрен арзан хакка һатырға мәжбүр итте [5, 55]. “Шулай итеп, капитализмдың үсеше башкорт ерҙәрен массовый рәүештә талау менән оҙатыла барҙы” [9, 111].

Ошондай катмарлы осорға ҡарамаҫтан милли аң, мәҙәниәт, мәғрифәт үсешәү юлында ине. Башкортостан ерендә барған оло үзгәрештәр айырыуса әҙәбиәттә сағылыш тапты, яңы художестволы киңлектәргә, әҙәби фекер төрлө прогрессив асыштарға өлгәште. Был осорҙа үҙендә үткән быуат традицияларын һаҡлаған, шул уҡ мәлдә, новаторлык алымдарын, үзенсәлектәрен булдырып өлгөргән язма әҙәбиәт алғы планға сықты. Мәҙәниәттә, әҙәбиәттә барған бындай үсеш һәм үзгәреш сәбәптәренең береһе булып халыҡ ижадына әйләнеп ҡайтыу, уны әҙәбиәттә ижади үләштәреү торҙо. Башкорт ғалимы Ҡирәй Мәргән был процесты “фольклорҙың әҙәбиәتكә, профессиональ поэзияға яқынайыуы” тип билдәләгәйне [6, 226]. Әммә был осорҙа, киреһенсә, әҙәбиәт идея-эстетик мәнфәғәтенән, ихтыяжынан сығып, фольклорға яқынайҙы. Был, үз сиратында, һүҙ сәнғәтендә фольклор менән әҙәбиәттең үз-ара бәйләнешен көсәйтеүгә килтерҙе, милли әҙәбиәтебеҙҙе яңы художестволы үрҙәргә күтәрҙе.

Филология фәнендә әҙәбиәт менән фольклор бәйләнеше проблемаһы актуаль проблемаларҙың береһе буларак ярайһы уҡ тикшерелде. Был өлкәлә, бигерәк тә, А.Н. Веселовский, В.Я. Пропп, Е.М. Мелетинский, В.М. Жирмунский, М.К. Азадовский, У.Б. Далгат, М. Аэзов, К.Ш. Нурланова, Б.Н. Путилов, Д.Н. Медриш кеүек рус һәм башҡа милләт ғалимдары менән бер рәттән Ҡирәй Мәргән, Ә.И. Харисов, К.Ә. Әхмәтйәнов, Ғ.Б. Хөсәйенов, Ә.М. Сөләймәнов, С.Ә. Галин, Ғ.С. Ҡунафин ише башкорт тикшеренеүселәренең хезмәте әйтеп бөткөһөз зур. Әммә һүҙ сәнғәтенең был ике үз аллы эстетик формаларының үз-ара бәйләнеше мәсьәләләренә арнап бик күп ғилми мәкәләләр язылһа ла, монографияларҙа параграф йәки бүлексәләрҙә телгә алынһа ла, ул хакта башкорт ғалимдарының төплө махсус хезмәттәре юҡ ине тиерлек. Әҙәбиәттә фольклор традицияларының сағылыуын анализлау әҙәби әсәрҙәрҙең художестволы үзенсәлектәрен асыҡлау эше шулай ҙа безҙең тарафтан дауам ителә [10, 6-7].

Әҙәбиәттә халкыбыҙҙың йола фольклорының урын алыуы хакында һүҙ сыҡҡанда, туй йола поэзияһы менән бер рәттән, бигерәк тә, шиғриәттә халыҡ ғөрөф-ғәҙәттәренең береһе булған шиғри хат, йәдкәр языу кеүектәре киң кулланылыуы күҙәтелә. Ә.Сөләймәновтың билдәләүенсә, йәдкәр язып

калдырыу, иштәлек өсөн шиғри хаттар ижад итеү халкыбыздың асыл йола күренештәренең береһе һанала. “Йәдкәрҙе ирекһезҙән ситкә китеүсә язып йә йырлап ишеттереп, шуны отоп алырға тәкдим итеү формаһында калдырыу йолаһы булған” [1, 26].

Бәлки, уларҙы һәр кем башкара алмайҙыр, бының өсөн поэтик һәләт мотлак талап ителәлер, шунлыктан ул йола буларак киң әйләнештә башкарылып йәшәмәйҙер тигән фекерҙең дә тыуыуы ихтимал. Әммә иштәлек өсөн хаттарҙы, йәдкәрҙе тик поэтик һәләткә эйә булған кеше генә аткара алған тигәнгә, был язмаларҙың араһында теҙмә формала язылғандарының һакланыуы ла, тимәк, уның ғәзәти йола булуы хақында һөйләйҙер. Ошо күзлектән сығып карағанда, башкорт поэзияһында йәдкәр калдырыу, иштәлек өсөн шиғри хат язу йола традицияларының үзенсәлекле художестволы сағылыш табыуы ла күҙәтелә.

Әзиптәребеҙҙең ижадында шулай ук иң киң кулланылыш тапкан фольклор жанры булып мәкәлдәр торалыр. Был башкорт әҙәбиәтенең үсеш тарихында быуын-быуын әзиптәрҙең әсәрҙәрендә сағылып, һакланған үзенә күрә традицион күренеш булды. Әммә башкорт халыҡ ижадында йола буларак кулланылған “мәкәл” менән “әйтемдә” рус халыҡ ижадындағы “пословица” менән “поговоркаға” тап килтереп кулланыуы ғәзәт иткәнбәз. Әле XX быуаттың егерменсе йылдарында баһылған хезмәттәрҙә үк “әйтем” урынына халыҡ телендә йәшәгән “тапкыр һүз” термины телгә алынды [2, 25]. Был фекер һуңғарак, 60-сы йылдарҙа дауам ителеп, “әйтем” тип Ж.Ф.Кейекбаев, Кирәй Мәргән (Әхнәф Кирәев), С.Ә.Галин кеүек ғалимдарыбыҙ бер нисә мәкәлдән торған (йәки, бер нисә мәкәлгә тарқалмалы) теҙемдәрҙе билдәләгәйнеләр. Кирәй Мәргән икенсе төрлө уларҙың шул килеш тулғау жанрының һасил итеүе тураһында ла әйткәйне [6, 169]. Әммә тулғау – афористик жанр түгел, бәлки, ғалим түбәндәге “һүз сурытмаһынан торған теҙемдәң формаһын ғына күз уңында тотканға окшай” [8, 36].

Көн күрмәгән көн күрһә,
Көндөз сыра яктырыр;
Тун күрмәгән тун күрһә,
Кағып-һуғып туззырыр;
Аш күрмәгән аш күрһә,
Һыуза байзы уззырыр һ.б.

Ф.А. Нәзершина әйтемдә, мәкәлдән айырмалы рәүештә, синтаксик яктан тулы булмаған “тапкыр һүз” тип рус фольклорындағы “поговорка” тигән афоризмдарҙы күз уңында тотҡа [7, 5, 42-43, 52]. Башка төрки халыҡтарында шулайыраҡ атала был терминдар: мәкәләне карағалпактарҙа “аталар һүзә”, руссалағы “поговорканы” – “маталалар”, тизәр. Төрөктәр, төркмәндәр иһә мәкәл менән әйтем йәки тапкыр һүзҙе икеһен дә “аталар сөзү”, “ата сөзү” тип йөрөтәләр һ.б. [8, 32] Әммә халыҡ һиндәйҙер “ижади төр”, “жанр” кеүек терминдарҙы кулланырға ла, уларға

һалынған йөкмәтке, идея-эстетик максаты хақында төшөнсәләре булған, ә инде 20-се йылдарға фольклордың иң һутлы сағына тура килгән тикшеренеүселәрҙең фекеренә қолаҡ һалмау мөһимдер [8, 38].

Ғ.Сокорой, Акмулла, М.Өмөтбаев, Р.Фәхретдинов, З.Һази, М.Ғафури, Я.Якшығолов, Ф.Сөләймәнов һәм башка әзиптәр был йәһәттән оло мираҫ калдырҙы, үзәренең ижадтарында милли әҙәбиәт, фольклор традицияларын һаҡлап, әсәрҙәрендә яңы фекер, яңы форма һәм йөкмәтке булдырҙы һәм үстәрҙе. XIX быуат аҙағында Акмулла менән М. Өмөтбаев башкорт әҙәбиәтендә мәғрифәтселек ағымын башлап ебәреүселәр буларак танылып, ижадтарында үзәренең идеяларына халыҡ ижады өлгөләрен художестволы оҫта файҙаланып үстәреүгә ирештеләр. Әйтергә кәрәк, улар фольклор традицияларына махсус рәүештә түгел, ә уларҙы аңһыҙ (бессознательно) рәүештә ижадтарында художестволы сағылдырҙы. Был йәһәттән қазақтарға ла таныш сәсэн телле Акмулла халықтың тапкыр һүзәрен, мәкәлдәрен һүрәтләү сараһы итеп, шулай булырға тейеш кеүек, тәбиғи файҙаланып, үзенең тормош, ижади тәҗрибәһенән сығып, үзенсәлекле афоризмдар тыузырҙы. Улар, үз сиратында, халыҡыбыҙдың аралашуы теленә инеп китеп, тамам халыҡлашып таралды.

Мөхәмәтсәлим Өмөтбаев иһә үзен рус лексикографы, тикшеренеүсәһе һәм әзибе В.И. Даль кеүек, тормошто тасуирлаусы, һүрәтләп күрһәтәүсә (бытописатель) буларак танытты. Ул фольклорға аңлы, махсус һәм аңһыҙ рәүештә лә мөрәжәғәт итеп, үзенсәлекле әсәрҙәр ижед итте. Уның поэзияһында ғына түгел, проза һәм этнографик язмаларында ла халыҡ ижады традициялары ярайһы уҡ мул урын алды (“Йәдкәр”, алышкан-язышкан хаттары).

Был осорға шулай уҡ сәсәндәр ижады ла әүземләшә, улардың фольклор традицияларына мөрәжәғәт итеүе тоторокко һаҡлана һәм үстәрелә. Буранбай, Ишмөхәмәт Мырҙаҡаев, Ғәбит Арғынбаев кеүек сәсәндәребез фольклор менән язма әҙәбиәт араһында торған ауыз-тел әҙәбиәтен тағы ла йәнләндереп ебәрҙеләр. Шул уҡ мәлдә улардың әсәрҙәрендә язма әҙәбиәт традициялары ла һиземләнеп, индивидуаль ижад башланғыстары көсәйә төштө. Исемдәре билдәле булған сәсәндәрҙең ижадында ауыз-тел әҙәбиәте менән язма әҙәбиәте традициялары бергә укмашып үсеште, һәр осорға яңы һызаттар, художестволы бизәктәр менән байытылды, ахырға бер бөтөн әҙәбиәттә һасил итте.

XX быут башы әҙәбиәтендә иһә илдә барған дөйөм тарихи, социаль-иктисады үзгәрештәр менән бер рәттән мәҙәниәттә лә, шул иҫәптән әҙәбиәттә лә үзгәрештәр, үсештәр кисерҙе. Мәғрифәтселек тенденциялары бер ни тиклем һүлпәнәйгән осорға, тәнкитле реализм менән бергә романтизмдың баҙыкланыуы күзәтелә. Был йәһәттән тормошто, ысынбарлыҡты реализм күзлегенән сығып баһалап, ябай халыҡка еткерәүҙә тыуған телдә һаҡлаған фольклорға мөрәжәғәт итеп, романтик йүнәлеш әҙәбиәттә үз урынын алды (М. Ғафури, Р. Фәхретдинов,

С. Якшығолов, М.Танғатаров, Ф.Туйкин, Ф. Сөләймәнов һ.б.). Шулай ук үзәндә тыуған телдең бөтә асылын, сафлығын, халыктың тормошон, булмышын, ынтылыштарын һәм изге ниәттәрен сағылдырған фольклор менән кызыкһыныу за күзәтелә. Бигерәк тә йыр поэзияһын, эпик комарткыларҙы язып алыу һәм ташкабақтырып сығарыу эштәре лә алып барыла (М.Ғафури “Заятүләк менән һыуһылыу” кобайырын, Ф.Туйкин менән З. Өммәти йыр һәм бәйеттәр йыйынтығын, С. Мөхәмәтҡолов “Күсәкбей” кобайырын, Ф. Вәлиев “Ек Мәргән” кобайырын бақтырыуҙары, М. Буранғоловтың эшмәкәрлеге һ.б.). Тимәк, фольклор менән әҙәби бәйләнештәр ике яклап үсеште: бер төркөм языусылар фольклор традицияларын әсәрҙәрендә ижады ниәттәренән сығып, художестволы фәйзалланһа, иенселәре иһә йәнле ауыз-тел ижады сығанактарын халыктан йыйып, ташка бақтырып, уларҙы пропагандалау, популярлаштырыу эшен дә үҙһенде. Был иһә фолкльор-әҙәбиәт бәйләнештәрен нығытты, әҙәбиәтебезҙе камиллаштырҙы һәм байытты.

Әҙәбиәт:

1. Башкорт халык ижады: Йола фольклоры // Төз., баш һүз авт. Ә.Сөләймәнов, Р.Солтангәрәева. – Өфө: Баш. кит. нәшр.-е, 1995.Т.1. – 560 б.
2. Вилданов Ғ. Төрөк милләттәре әҙәбиәттәрен тикшереп һәм уларҙың йәкүне // Башкорт аймағы. – 1926. №2. – 2-26-сы бб.
3. История Башкортостана с древнейших времен до наших дней. В 2 т./И.Г. Акманов, Н.М. Кулбахтин, А.З. Асфандияров и др.; под ред. И.Г. Акманова. – Уфа: Китап, 2007. т.1. – 488 с.
4. История Башкортостана во второй половине XIX – начале XX века/Предисл., заключ. И. Гвоздиковой, М. Роднова: авторский коллектив: М.Роднов, А.Уразова, Б.Давлетбаев и др. – Уфа: Гилем, 2006. – 240 с.
5. История башкирского народа: в семи томах/редкол. М.М. Кульшрипов, К.К. Каримов, М.Н. Фархшатов, Ф.Г. Хисамитдинова. Уфа: Гилем, 2010. т.5. – 400 с.
6. Кирәй Мәргән. Башкорт халык ижады. Юғары укыу мәктәптәренең филология факультеты өсөн дәреслек. Өфө, 1981. – 226-сы б.
7. Нәзәршина Ф.А. Халык һүзе. - Өфө, 1983. – 160 б.
8. Сөләймәнов Ә.М. Башкорт фольклоры: халык ижады өлгөләрен йыйыусылары өсөн методик кулланма. - Өфө: БДПУ, 2008. – 140 б.

ФАНО НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

FENÂFİLLAH TEORİSİ VE UYGULAMASI

*Каххарова Шахноза Абдимуминовна,
филология фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Şahnaza Kahharova,
Karşı Devlet Üniversitesi*

Аннотация. Мазкур мақолада XIII аср охири XIV аср бошларида фано назарияси ва унинг амалиётга тадбиғи хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Шариат, тариқат, фано, бақо, ишқ, маърифат, ҳақиқат, нафс, сулук.

Annotation. This article deals with the theory of fano and its application in the late XIV and beginning of XIV centuries.

Key words: Sharia, tariqat, fano, baqo, love, enlightenment, truth, nafs, lullaby.

Özet. Makalede 13. Yüzyılın sonu 14. Yüzyılın başlarında Fenafillah teorisi ve uygulaması ile ilgili çalışmalar kaleme alınmıştır.

Anahtar Kelimeler. Fenafillah, tefani, teori, uygulama.

Мутахассисларнинг маълум қилишларича, XIII аср охири – XIV аср бошларига келиб тасаввуфда назария билан амалиётнинг бирлашиш жараёни кечган. Бу жараёнда тасаввуф илми бир томондан фалсафа ва ҳикмат билан бойитилган бўлса, иккинчи томондан уни амалиётга татбиқ қилиш ҳаракати пайдо бўлган. Тасаввуфнинг илк босқичларида, дейлик IX-X асрларда, унинг соф назарий тушунчаларини бойитишга эътибор қаратилиб, жумладан, фано ва бақо тушунчалари тарғиб қилинган. Кейинчалик уни амалда исбот қилишга уринишлар бошланган. Назария билан амалиётнинг бирлашишини сўфийлар орасида кўпроқ сўфий-шоирлар фаолиятида кузатиш мумкин.

Тасаввуфга оид бадий асар ёзган кишиларни шартли равишда бу таълимот назариясининг шарҳига бағишлаб асар ёзган сўфий-шоирлар ва ҳам асар ёзган, ҳам ўзининг эътиқоди, яшаш тарзи билан унинг ривожига ҳисса қўшган сўфий-шоирларга ажратиш мумкин. Бу ажратиш Шўро адабиётшунослигидаги сингари сарой ё пролетариат шоири деган ажратишга ўхшаб қолмаслиги учун Фирдавсийни тарихчи-шоир, Юсуф Хос Ҳожибни ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритишга мойил шоир, Атоий ёки Гадоийни кўпроқ дунёвий севги-муҳаббат қизиқтирган шоир эди, деб далил келтириш шарт бўлади.

Хусайн Воиз Кошифийнинг таснифига биноан шариат билан тариқат ўртасидаги фарқ мана бундай: “Шариат равшанлик, нишон ва ҳурмат эрур.

Тариқат – саъй-ҳаракат, баён ва хизмат. Шариатнинг самараси – аҳдга вафо, тариқатники – фано, яъни ўздан кечмоқ”. Ушбу мулоҳазаларни фано назарияси ва амалиётига нисбатан қўллаганда, “фано назарияси – аҳдга вафо, амалиёти эса натижа” дир.

Фано назарияси ва амалиётининг бирлашган намунаси Шарқ мумтоз адабиётининг айрим намоёндаларигагина насиб қилган. Бу пайтда бирдан Имомиддин Насимий, Мансур Ҳаллож ва Бобораҳим Машраб номлари ёдга тушади. Лекин булар қаторида гарчи “*дорга бормаган*” бўлсалар ҳам яна бир нечта номларни ҳам тилга олиш мумкин. Жумладан, шайх Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоий ва ҳ.к.

Тарихдан маълумки, Нажмиддин Кубро яшаган даврда мансабпарастлик, манманлик, кибр-у ҳаво, бойлик кетидан қувиш авж олган эди. Хоразмшоҳ Нажмиддин Кубронинг истеъдодли шогирди Мажидиддин Бағдодийни қатл эттиради. Абдураҳмон Жомийнинг “Нафоҳату-л-унс” асари талқинича, бу воқеадан сўнг Нажмиддин Кубро шогирдларига: “*Энди юртингизга боринг. Шарқдан фитна олови келмоқда, кўп ўтмай у ҳамма ёқни куйдириб кул қилади*”, дейди. Шогирдлари: “*Устод, дуо қилинг, бу офат мусулмон оламидан даф бўлсин, ахир Сизнинг дуойингиз ҳар доим ижобат бўлғай-ку*”, дейишади. Бунга жавобан шайх: “*Бу қазойи мубрам (яъни ўзгармас)дир. Уни дуо билан қайтариб бўлмайди*”, деб жавоб беради. “*Ундай бўлса сизни ҳам олиб кетайлик*”, дея илтижо қилган шогирдларга шайх қатъий қилиб: “*Мен бу жангда шаҳид бўламан, менга киндик қоним тўкилган тупроқни, Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ*”, дейди.

“Ал усул ал-ашара” (“Ўн усул”), “Рисолаи Нажмиддин” асарларида, шунингдек, кичик лирик асарлари – рубоийларида ҳам Нажмиддин Кубронинг шариат масалалари баёнидан баландроққа – тариқат талқинига кўпроқ мурожаат қилгани аён. Ўз-ўзи билан курашиш, гуноҳ ишларни қилмаслик, нафсни енгишга ва сабр-қаноатли бўлишга чақиради. Кубро асарларида шариат, тариқат, маърифат назарияси ривожлантирилади, назария ўзининг шахсий намунаси асосида амалиётга татбиқ қилинади ва яқунда шайхнинг юқоридаги жасорати билан исботланади. Рубоийларидан бирида:

Ишқ дарди ғариб танимдаги жон бўлғай,

Дард чекса киши ахийри инсон бўлғай, - деб ёзади Кубро.

“*Ишқ дарди*” бирикмасини соф интим ёки тасаввуфдаги руҳоний ишқ деб талқин қилинсин, ҳар икки ҳолатда ҳам бу бирикма “*дард чеккан кишигина ҳақиқий инсон бўла олади*” деган мантиқнинг асоси бўла олади. Ишқ дарди билан ёнишга даъват асосида мукамалликка эришиш мақсади ётади. Ошиқ одам дардли бўлади. Бу дард кишини азобларга солади, шу билан бирга уни мард қилади. Мард одам эса, фанонинг соф истилоҳий маънодаги моҳиятини ҳам, тасаввуф талқинидаги моҳиятини ҳам ўзининг ҳаёти ва фаолияти билан намоён қила олади.

Шайхнинг яна бир рубоийсида:

*Бир дев бор ичимда, асти пинҳон бўлмас,
Бошини эмак онинг осон бўлмас, - деган мисралар бор.*

Нафс девининг бошини янчган киши қаноат мулкининг подшоси бўлади, деган талқин бор. Лекин нафсни енгиш бу фоний оламдаги инсон томонидан амалга оширилиши деярли мумкин бўлмаган энг мураккаб ишлардан биридир. Шайх Абу Наср Саррожнинг фикрича эса, фанонинг биринчи шарт кишининг ўз нафси ва шунга ўхшаш бошқа сифатларидан фано бўлиши, яъни қутилишидир. Демак, қанча машаққатли бўлмасин, нафс устидан ғолиб келиш лозим.

Алишер Навоийнинг “Лисону-т-тайр” достонида Ҳинд денгизда савдосотиқ ишларига муккасидан кетиб, гарчи Макка атрофини бир неча марта айланиб ўтган бўлса-да, кишиларнинг ҳаж амалини бажариш керак, деган насиҳатларига қулоқ осмаган савдогар ҳикоятини келтиради. Ҳикоя қилинишича, *бир кун денгизда бўрон кўтарилди. У тушган кема гоҳ осмонга сапчир, гоҳ пастга тушиб кетар эди. Савдогар савдо ишларига ғарқ бўлганидек, унинг кемаси ҳам денгизда ғарқ бўлди. Денгизда сузиш хаёли ҳаж сари йўл бермади. Охир-оқибатда у катта бир балиққа ем бўлди* (Навоий, 1991:316).

Ушбу хулоса фанонинг илк босқичи – нафсни енгиш шарт моҳиятини кўрсатиб турибди. Яъни фано йўлига кирган солиқ аввало ўз нафсини енга олмоғи – ундан фано бўлмоғи шарт. Нафс солиқ устидан эмас, балки солиқ ўз нафси устидан ғалаба қилсагина кейинги босқичга қадам қўя олади.

Кубро башорат қилган офат мўғул босқини эди. Чингизхондай шафқатсиз бир хоқон ҳам Нажмиддин Куброга ўз яқинлари билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетишга рухсат беради. Шайх бу марҳаматни рад этади. Хоразмшоҳ ташлаб қочган ватан ҳимоясига қилич кўтариб, шохдан марҳамат кўрмаган пок имонлиларга бош бўлиб 76 ёшли Нажмиддин Кубро чиқади. Улар бир неча кун Урганч қалъасини душмандан сақлаб турадилар. Алишер Навоийнинг ёзишича, Нажмиддин Кубро бир ҳамлада душман байроғини тортиб олган ва ўлганидан кейин ҳам уни кўлидан бўшатмаган. Ўн нафар ёғий ҳарчанд уриниб байроқни ололмаганлар. Шунда шаҳид шайхнинг бармоқларини битталаб чопганлар. Нажмиддин Куброга ўзининг ва шогирдлари (умуман олганда халқ)нинг кейинги тақдири – шаърий фано (жисмоний ўлим) аниқ бўлгани ҳолида, гарчи ундан қутилиб қолиш имконияти бўлса ҳам, унга юзма-юз келади. Бу нарса шайх фаолиятида фано назарияси ва амалиётининг мужассамлашганини кўрсатади.

Шайх Аҳмад Яссавий ҳаёти ва фаолиятида шарият босқичидаги солиқнинг фаноси намоён бўлган дейиш мумкин. Маълумотларга қараганда, Аҳмад Яссавий пайғамбар ёшига етгач, кейинги умрини ертўлада ўтказган ва яна 63 йил умр кўрган. Шайхнинг бу хатти-ҳаракатида пайғамбарга нисбатан беқиёс ҳурмат намунаси намоён бўлган. Гарчи Яссавий пайғамбар ёшидан узоқ умр кўришни истамагандек туюлса ҳам, унинг бундай ҳаракати аслида шаръий фано (жисмоний ўлим)га тайёрликнинг бир кўриниши

сифатида баҳоланади. Чунки, унинг ўзи шогирдларига (умуман бутун кейинги авлодларга) “ўлмасдан бурун ўлинглар” деган Қуръоний ҳукми сингдиришга уринган. Яъни:

*Мўмин қуллар дард-у ҳолат пайдо қилди,
Ҳақ йўлида жон-у дилни шайдо қилди,
Дунё ташлаб, охиратни савдо қилди,
Савдо қилсанг, хур-у ғилмон бари тайёр* (Яссавий, 1990: 164).

Фано назарияси ва амалиёти мужассамлиги ҳақида сўзлаганда Алишер Навоийни тилга олмасликнинг мутлақо иложи йўқ. Унинг ҳаётини, ижодий фаолиятини тасаввуфнинг фано назарияси ва амалиётидан тамом узиб тасаввур қилиб бўлмагани сингари, моддий борлиқ ва оддий инсоний муносабатлар талқинидаги фано назарияси ва амалиётидан холи тадқиқ қилиб ҳам бўлмайди. Шоир ижодида фанонинг ҳар икки талқини етарлича қуйланган.

Бошқа сўфий-шоирлар ижодида бўлгани сингари Алишер Навоий ижодида ҳам биринчи навбатда шаръий фано (жисмоний ўлим)ни англатади.

*Ёшинг эллик бўлди, юз қўйғил фано туфроғиға
Ким, шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас,* деб ёзади шоир (Навоий, 1988: 161).

Шоир рубоийларидан бири мана бу:
*Ким истасасалтанат, саходурангашарт,
Ҳарваъдакиайласавафодурангашарт.
Ким фақрталабқилса, фанодурангашарт,
Оллиға неким келса, ризодур анга шарт* (Навоий, 1988: 450).

Кўринадики, рубоий инсоннинг бу оламдан истаги ва бу истакнинг амалга ошиши учун зарур шарт ҳақида. Киши салтанат, унинг мустаҳкам бўлишини истайдими, саховатли бўлсин; ваъда бердингми, унга вафо қил; мабодо фақр йўлини танладингми, фано бўл: Ҳақдан нима бўлса, барчасига ризо бўлишинг шарт – бусиз сира мумкин эмас. Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти ва фаолияти ана шу рубоийда ўртага ташланган тўрт муҳим шарт асосида амалга ошган деб хулоса чиқариш мумкин. Бу хулоса Хондамирнинг “Макориму-л ахлоқ” асарида ўнлаб мисоллар орқали далилланган. Жумладан, Алишер Навоий ўз ҳисобидан 60 дан ортиқ бино, 20 га яқин ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом, 20 масжид ва бир қанча мадрасалар, хонақоҳлар барпо эттирган. Ва ҳатто бир сафар Ҳусайн Бойқаро хазинасида айрим зарур харажатлар учун маблағ етмай қолганида Навоийнинг бир ўзи бу маблағларни ўз ҳисобидан тўлаб берган. Бу далилларнинг барчаси Навоийнинг шаръий фанога муносабатини яққол кўрсатади, дейиш учун асос бўлади. Чунки, шаръий фанога – моддий ўлимга қадар киши ўзидаги чин инсоний фазилатларни кўрсата билиши зарур.

Алишер Навоий дунёқарашидаги тасаввуфий фано, таъбир жоиз бўлса, “Лисону-т тайр”да тўлалигича акс этган. Яъни, *сайр қилаётган солиқ фақру*

фано водийсида йўлни ниҳоясига етказди. Бунда сулук аҳли ўз мақсадига эришиб, иш ўзгача бир ҳолат билан тамом бўлади ... Бу водийда хомуш, гунг, кар ва беҳуш бўлишдан ўзга нарса йўқдир.

Тобора юксакка эришиб бораётган солик энди ўзи учун Ҳақдан бошқага ҳеч эҳтиёжи йўқ эканини янада чуқурроқ англай бошлайди. Моддиятга эҳтиёжсизлик эса нафсо устидан ғалабадир. Ҳақнинг тенгсиз, яккаю ягона эканини мушоҳада қилиш, англаш солиқни ҳайратга солади. Киши Ҳақ жамоли учун риёзат чекар экан, қачонки бу риёзатнинг аввали фақирлик эканини англамас экан, охири бениҳоя завқ-у шавқ эканини ҳам англай олмайди. Солиқ фақирликни тан олиб, фанога эришади, яъни қудратли Ҳақдан бошқа ҳамма нарса фоний – ўткинчи, фақат ёлғиз угина мутлақ боқий эканини англайди. *Ҳақдан ўзга ҳар қандай зот, фараз қилайлик, оби ҳаёт ичган бўлса ҳам, бу оламда мутлақ ўткинчи ҳисобланади. Агар сен боқийлик истамоқчи бўлсанг, ўзингни фоний қилмоғинг зарур, деб ёзади шу ўринда Алишер Навоий.*

Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” даги ғазалларидан бирида шундай байт бор:

Чун балосиз ком йўқ, топмас бақо комин магар

Кимки, ани ўртамас оти фано бўлган бало.

Яъни мақсадга эришиш (турфа хил балоларсиз) осон бўлмайди, агар кишининг мақсадибақога эришиш бўлса-ю, уни фано отли бало ўртамаган (ёндирмаган) бўлса, зинҳор бақо коми – мақсади зинҳор ҳосил бўлмайди.

Яна шуни ҳам қайд этиш лозимки, шоир “Ҳамса”да яратган барча ишқий қаҳрамонлар – Фарҳод, Мажнунда Алишер Навоий сиймосининг муҳим қирралари ўз ифодасини топган. Фарҳоднинг ё Мажнунинг фаноси – бу Алишер Навоийнинг фаноси деб қаралмоғи мақсадга мувофиқдир.

Хулоса шуки, тасаввуф фалсафаси ва адабиётида илгари сурилган фано тушунчаси айрим сўфийлар томонидан фақат назарий жиҳатдан ривожлантирилган бўлса, айрим сўфийлар томонидан амалиётга ҳам татбиқ қилинган. Фано назарияси ва амалиётининг бирлаштириш имконияти эса камдан кам сўфийларгагина насиб қилган. Улар сирасига фақат Имомиддин Насимий, Мансур Ҳаллож, Бобораҳим Машраб сингари “дор остига борган”ларнигина эмас, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Алишер Навоийларни ҳам киритиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. –Б.256.
2. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. ТАТ, 20 томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. –Б. 488.
3. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. –Б. 463.

**АВТОБИОГРАФИК ҚИССАЛАРНИНГ БАДИИЙ-КОМПОЗИЦИОН
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ**

**OTOBIYOĞRAFİK HİKAYELERİN EDEBİ YAPISAL ÖZELLİKLERİ VE
ÖNEMİ**

*Башорат Жамилова,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти
Дилдора Амонова,
Бухоро давлат университети
магистранти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Beşaret Cemilova,
Dildare Amonova,
Buhara Devlet Üniversitesi*

Аннотация. Мақолада улуғ истеъдод эгалари, ёзувчиларнинг автобиографик қисса, болалик ёдномалари ҳамда хотираларига бағишланган асарларнинг бадиий-композицион хусусиятлари ва уларнинг адабий тадқиқотчилик, болалар китобхонлигидаги муҳим ўрни ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Автобиографик қисса, ёднома, хотира, болалик, образ, қаҳрамон, нарратология, услуб, жило.

Annotation. The article has points concerning the features and importance of stories and applications which relate to childhood.

Key words: Autobiographical, story, applications, memory, childhood, symbol, hero.

Özet. Makalede yazarların çocukluk anıları konusunda yazan hikayelerinin edebi, yapısal ve pedagojik özellikleri kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler. Otobiyografik eser, anı, çocukluk anıları, çocuk edebiyatı.

Шундай адабий жанрлар бўладики, улар ўқувчида нафақат бадиий-эстетик завқ уйғотади, балки тарихий давр ҳақида яхлит тасаввур бериш, ўтмиш аждодларимизнинг ҳаёт тарзини жонлантира олишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Инсоннинг руҳий ривожланишдаги ўз-ўзини англаш даври болаликда кашф этилиши турли халқларда турли даврларда кечди. Негаки, болалик инсоннинг ўзидаги бебаҳо ички олам сифатида, катталарни ўзининг чуқур моҳияти ва ажойиботлари билан ўзига ром этувчи давр экани, катталиқ эса худди энг самимий ва болаларча беғуборлик тарк этилган давр сифатида англай бошланиши ана шундай асарлар орқали ёрқин намоён бўлади.

Рус адабиётида улуғ адибларнинг ўз болалиги ҳақидаги автобиографик қиссалар XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларидаёқ алоҳида жанр сифатида вужудга келган. Жумладан, Л.Н.Толстой, А.М.Горький, И.А.Бунин, А.Н.Толстой, А.Гайдар, К.Чуковский, С.Маршак, В.Катаев, В.Распутин, В.Астафьев, Ч.Айтматов каби адибларнинг “болалик”лари, энг аввало, ўз халқларининг ёш авлоди, замондош китобхонлари учун алоҳида аҳамият касб этишига шубҳа йўқ. Ўзбек болалар адабиётида эса автобиографик характердаги саргузушт қисса ўтган асрнинг 30-йилларидан Гафур Ғулумнинг “Шум бола”си орқали, сўнгра 60-йиллардан Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳаким Назир ижодида ўзига хос услуб ва жанрда намоён бўлди.

Ойбекнинг “Болалик” асари – “Хотираларим” (1963), А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”и – “Саргузашт қисса”(1979), Ҳ.Назирнинг “Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим” – “Хотира-қисса”(1995), Ч.Айтматовнинг “Болалигим” асари – “қисса”(2017) тарзида нашр этилган бўлса-да, улар моҳиятан бир ҳодиса – адибларнинг ўз болалик хотиралари асосидаги ҳикоялардир.

Ижодкорнинг хотира, кундалик ва ёдномалари бу – оддий қайдлардан иборат эмас, албатта. Бунда анча олис йиллардаги воқеалар, ҳолатлар ижодкорнинг соҳир қалб туғёни билан қайта уйғонади, умр йўлларида ардоқлаб олиб ўтган, юрагининг энг тубида мудом ўзига ҳамроҳ қилиб юрган кечинмалари қайта “тирилади”, гоҳ алам, гоҳ шодликда кечган болалик хотиралари муаллиф кўз ўнгида яққол намоён бўлиши жоиз. Ана шундагина ижодкор ўтмиш ёдномаларини маржон шодасидек ипга тизади. Шу сабабли бу асарларда воқеалар болалик хотиралари андозаси янглиғ тасвирланса ҳам, уларда етук истеъдод соҳибларининг нигоҳи сезилиб туради.

Жаҳон ва рус адабиётида ҳам муаллиф ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган воқеалар, ижодкор яшаган давр, у ўсган муҳит, оила аъзолари ва дўстларининг реалистик характери кабилар автобиографик қиссаларнинг бош хусусияти сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга ёзувчининг бадий ниятига кўра бундай қиссаларнинг услубий жиҳатлари ўзига хослик сифатида кузатиш мумкин. Зотан, Ойбекнинг “Болалик” ва Ч.Айтматовнинг “Болалигим” қиссаси композицион ва мазмун ифодаси жиҳатдан яқин бўлса, “Ўтмишдан эртаклар” ва “Оқ фотиҳа” қиссалари фаслларга ажратилиб, мустақил сюжетли ҳикоялар тарзида берилиши билан муштарак. Айни пайтда, Ойбек, А.Қаҳҳор ва Ҳаким Назирнинг болалик хотираларидаги қаҳатчилик, оғир турмуш тарзи, ҳар қадамда болаларнинг жеркиб берилиши, катталар ва болаларнинг ўзаро салбий муносабатлари тасвирида ўхшаш лавҳалар кузатилади.

“Болалик” қиссасининг тасвири, баён услуби ҳам қаҳрамон ёшига монанд тарзда ўзгариб боради. Асар бошидаги лавҳалар 4 ёшли Муса образига мос тарзда берилса (масалан: “Тор кўчада, кўшнимизнинг эски шалоқ эшиги олдида менинг чол бобом ўз ўртоғи узун соқолли, йирик

жуссали кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўзлашади. Бобом ориқ, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган: ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса қўпол, эски сағри кавуш кийган, узун, сертук оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда ерга ёнбошлаб ўтирибди... Мен чолларнинг атрофини айланаман. Дам бобомнинг, дам ўртоғининг гаврондай узун ҳассасини “от” қилиб минаман, тупроқда ҳассалар чизган изга қизиқиб қарайман. Кейин бу қуруқ таёқларни тарақлатиб улоқтираман... ” каби), қисса ниҳоясида тафаккури анчайин ўсиб, воқеликка ва суҳбатларга фаол аралашадиган ўсмир образи гавдаланади.

Дарҳақиқат, Ойбекнинг серқирра ижодида болалар олами алоҳида мавзуни ташкил этади. “Қонли бармоқлар”, “Зафар ва Заҳро”, “Алишернинг ёшлиги” каби қисса ва дostonларида ҳам турли ёшдаги, мамлакатдаги болалар тимсоллари мавжуд. Шундай тажрибалар асоси янглиғ Ойбек тўрт ёшли Мусавойнинг қилиқларини, бобоси ва унинг ўртоғи, оила аъзолари, яқин қариндошлари портретини, ҳовли ҳамда кўчаларини, воқеалар тафсилотини юксак бадиий маҳорат билан акс эттира олади. Натижада, китобхон қаршисида ўша тарихий давр лавҳалари яққол намоён бўлади.

Муаллифлар ўз болалиги орқали тарихий давр руҳини, айрим бир асарларига “хамиртуруш” бўлган деталларни баён этиши ҳам қиссаларнинг аҳамиятини теранлаштиради. Айтайлик, Ойбекнинг она томонидан бобоси маҳсидўз бўлгани туфайли бу ҳунарнинг барча қиррасини ёш Муса обдон кузатади. “Болалик”нинг бир неча саҳифасида Мусанинг бобосиникига бориши билан устахонадаги асбоб-ускуналар, айниқса, шонлар, қолипларни тарақлатиб, гоҳ у тоқчага, гоҳ бу тоқчага териши, тайёр бўлган бачкана маҳсиларни тахлаши, баъзиларини оёқларига ўлчаб кўриши, бобоси пешин намозига кетгач, дарров унинг ўрнига ўтириб, худди бобоси каби жиддият ва қунт қилиб, газан билан чармларни кесиши, ширач билан бир-бирига ёпиштириши, буришган эски чармларни хўллаб, кунда устига қўйиб, кўва билан уриб текислашни жуда севишини мароқ билан ҳикоя қилади. Бу эса адибнинг “Қутлуғ қон” романидаги “Меҳнаткаш қиз” бобида Унсиннинг Шокир отага ёрдам бериш учун маҳси тикишда *ип эшиб, мумлаб бериши*, маҳсиларга *шон қоқиши, шондан тушириши, пардозлаши, лок суркаши* каби деталларининг бежиз келтирилмагани аён бўлади.

Адабиётшунос олим А.Расуловнинг бу борадаги эътирофи ҳам шу маънода ўринли. “Ойбек,— деб ёзади у, — даврларни яхши эслайди. Аниқроғи, XX асрнинг 10-йиллари воқелиги, одамлари Ойбек ижодининг ўқ илдизини белгилаган. Ойбек ижодини ўрганишда биографик методни зинҳор унутмаслик керак” (“Шарқ юлдузи”, 2014, 3-сон).

“Болалигимнинг илк эсдаликларини катта энам Ойимхоннинг ёрқин хотирасини ёдга олиш билан бошламоқ вафо бурчимдир,—деб бошлайди ўз қиссасини Ч.Айтматов. — Раҳматли энам ўзгача бир инсоний сифатлар соҳиби бўлиб, овулда обрў-эътибори, теран ақли заковати билан ажралиб

турар, худо у кишини табиатан доно қилиб яратган эди. У кишининг бошларидан ҳеч қачон оппоқ дасторлари тушганини кўрмаганман...” (Айтматов, 2017:115).

Ҳар икки лавҳа икки буюк ижодкорнинг энг меҳрибон, суюкли инсонлари тасвирига бағишланган бўлса ҳам услубий ўзига хослик англашилиб туради.

Дарҳақиқат, Ч.Айтматовнинг 5-6 ёшларидаги хотираларида акс этган чорвадор халқнинг турмуш тарзи, айниқса, яйловга кўчиш воқеаси, кутурган йилқи уюрлари ва кўра-кўра қўйларни ҳайдаб боришида қатнашиб, сўнгра икки ой мобайнида яйловда бўз уйлар тикиб, ана шу табиат ва ҳайвонот оламининг инжа сирларини бола қалбида туйиши улкан санъаткор асарларига асос бўлган дея оламиз. Ёки Жамила ва Дониёр воқеаси айнан қавм-қариндошлари ҳаётидан олинганини эътироф этган муаллиф: “Унда мен ҳам унчалик кўзга ташланмаган, ҳеч ким эътибор бермайдиган кичкина бир бола эдим-да... Бироқ ўзим истамаган ҳолда ўша икки қалб севги-муҳаббатининг шоҳиди бўлиб қолдим. Гоҳида Дониёр Жамилани, гоҳида Жамила Дониёрни кутар эди. Иккови бир юк аравага ўтиришиб, далага қараб кетишарди. Бепоён далада иккиси ҳар доим бирга юришарди...” (Айтматов, 2017: 202).

Шу маънода А.Қаҳҳор ҳикояларининг данаги ҳам адиб болалиги хотираларида илк бор ниш урганини “Ўтмишдан эртаклар”даги Бабар ҳикоясидан Қобилбобо, амакисининг ўғли Ғаффоржондан “Бошсиз одам”даги ўғил, онаси тақдиридаги қийинчиликларни “Бемор”да Сотиболдининг хотини образлари тасдиқлайди.

Ҳаким Назир болалик хотираларидан ҳам ёшларда китобхонликка муҳаббат, ўсмирларнинг касб-ҳунар эгаллаши каби мавзуларни ўз асарлари учун бош мавзу қилиб олгани бежиз эмаслиги англашилади. Умуман, адиблар хотираларида болаликнинг қоронғу тунларидан ёруғ кунларигача, яъни ўсмир бўлиб ўз келажагини илм-маърифатга, ижодга бағишлаш орзусини рўёбга чиқариш учун ҳаракат бошланган кунларгача ҳикоя қилиниши бир-бирини тўлдириб турувчи асар сифатида эътиборни тортади. Бинобарин, устоз ёзувчиларнинг ўз болаликларига бағишланган хотиралари деярли бир тарихий давр, авлодга хос бўлса ҳам уларнинг услубий жилолари, бадиий-композицион ифодаси турлича. Гарча бу хотира қиссаларда болалик умрнинг энг шодон, бетакрор ва бахтли онлари сифатида юксак пафос билан эмас, чор-ночорликдан дийдираган болакайлар тасвири етакчилик қилса-да, ижодкор бадиий оламини биографик, психологик жиҳатдан теран тадқиқ этишга имкон беради.

Эндиликда, ёднома, бадиа, хотира, кундаликлар ҳам адабий жанр сифатида автобиографик қисса ва автобиографик характердаги асарлар билан синтезлашиб бормоқда. Аммо болаликка бағишланган қиссаларнинг аксарияти, энг аввало, шу халқнинг болалар адабиёти намуналари сифатида ардоқланиб келинган. Шундай экан, автобиографик қиссаларнинг

ёднома ва хотира, бадиалардан айрича жанрий-бадий хусусиятларини ойдинлаштириш, хусусан, қиссачилик тамойилларини тадқиқ этишда нарратология – баёнчилик услубининг ўзига хос кўринишларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим вазифа. Яна бир нарса: ҳар бир авлоднинг ўз адабиёти, адиблари бўлганидек, янги юз йиллик болалар адабиётида автобиографик ва биографик қиссаларнинг бетакрор намуналари, тасвир ва талқини юз очишига ишониб қоламиз. Улар нафақат болалар ва катталар китобхонлигида, балки адабий тадқиқотчиликда ҳам муҳим манбаа бўла олишини эсда тутиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Айтматов Ч. Болалигим. – Тошкент, 2017.
2. Абдулла Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1979. –Б. 120.
3. Баҳодир Карим. Рухият алифбоси. – Тошкент, 2016.– Б.166.
4. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент, 2015. – Б.148.
5. Ойбек. Болалик. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1963. – Б.275.
6. Ҳаким Назир. Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштларим. – Тошкент: “Чўлпон”. – Б.122

ЛИРИК ҚАҲРАМОН ТАСВИРИДА ШАРҚ ВА ҒАРБ АНАЪНАЛАРИ ТАЪСИРИ

ŞİİR KAHRAMANI TASVİRİNDE DOĞU VE BATI GELENEKLERİNİN ETKİSİ

*Башорат Жамилова,
филология фанлари номзоди,
Бухоро давлат университети доценти
Ойнисо Обидова,
Бухоро давлат университети талабаси (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Beşaret Cemilova,
Aynisa Abidova,
Buhara Devlet Üniversitesi*

Аннотация. Мақолада шоира Зулфия ижодида лирик қаҳрамон тасвири ифодаси, унинг образли чизгиларида Шарқ ва Ғарб анъаналарининг намоён бўлиши ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: лирик қаҳрамон, оҳанг, туйғу, тимсол, шеърият, қутб, кечинма, ҳижрон, айрилиқ.

Annotation: the expression of the image of lyrical hero in the creativity of Zulfiya. There are several thoughts in the article about the appearance of western and eastern traditions

Key words: lyrical hero, tone, feeling, symbol, poetry, pole, experience, missing, separation.

Özet. Makalede Özbek kadınlar şiirinin önde gelen temsilcisi Zülfiye'nin estetik mahareti anlatılmıştır. Onun şiirde kahraman karakterini betimlemedeki sanatsal yaklaşımları kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler. Zülfiye, Özbek şiiri, Poetik Kahraman.

Шеър бу шоир учун ҳаёт муждаси, қалб ифодачиси, кўнгил рози, юрак амри. Ҳар бир даврнинг муҳим воқеалари, буюк ўзгаришлари ҳам шеъриятда инъикос этиши табиий. Шунингдек, инсоннинг кўп қиррали руҳий камолоти, кечинмалари унда тилсимланади. Зотан, лирик қаҳрамонлар ҳам баайни ижодкорнинг ўзи, ёхуд унинг замондошлари, “юрагига яқин кишилар”.

Шу маънода, Зулфияхоним шеъриятининг лирик қаҳрамонлари XX асрнинг иккинчи чорагидан нафақат ўзбек халқининг, балки Шарқ хотин-қизларининг чинакам тимсоли бўлиб дунёга танилди. Аммо шоиранинг шарқона тафаккури Ғарбга вобаста. У Ер қуррасининг деярли барча жойини кезиб ҳам, ўз замини баҳорига мудом интиқ шоира сифатида эл иззатига

мушаррафдир. Рост, Зулфия шеърларида ўз даврининг қаҳрамон аёллари бисёр. Улар шижоатли пахтакор, илғор раис, Олтин юлдуз таққан теримчи, зоотехник қиз, чўпон ва соғувчи. Шу билан бирга, улар аввало суюкли ёр, садоқатли аёл, муштипар ва меҳрибон она сифатида гавдаланади! Зулфиянинг бахти шундаки, у болалигида “Сўфи Оллоёрни, девона Машраб, Баёзларин ўпиб, қўлга оларди”. Сўнгра, унинг ҳаётига дунёнинг турли тарафидаги йўллар, улар билан бирга қадрдон дўстлар, турли эл ҳақида сўйловчи турли тилдаги китоблар кириб келади (Зулфия, 3-жилд, 1986:8). Бинобарин, Зулфия шеърларида севиқли ёр, маҳбуба, ошиқ тимсолини ифодалашда оламнинг икки қутби уйғунлаша боради. Даставвал, лирик қаҳрамон кечинмаларида шарқона ибo устунлик қилади. Ўз севгисини изҳор қилган йигит нигоҳи олдида қизнинг сукути табиий. Чунки:

*Шу чоққача ишқин қиз фақат,
Дилдан сўраб айтганди дилга .*

Илк, мусаффо, катта муҳаббат

Қиз дилидан келмасди тилга. (“Муҳаббат тонги қулганда”, 1936.)

Дарҳақиқат, шоира шеърларининг лирик қаҳрамонлари ўзи каби пок севгисини қалбида ардоқлаб, вояга етказган санамлардир. Бу туйғунинг бокира қалбларда яширин сақланиши шундан:

Менинг севганимни ҳали билмасдинг,

Танҳо ўртанишдан мен олдим лаззат.

Дилимни кемирган муҳаббат сирин,

Ўзим ардоқладим, ҳам қилдим иззат.

Қалбимга ёзилган муҳаббат сўзи,

Ўйимни чулғади менинг ҳар минут;

Лекин ишондимки, сен сўз очмасанг,

Шу дардда ўлсам ҳам этаман сукут. (“Сенинг мафтунинг”, 1942 .)

Чиндан ҳам Шарқ аёлининг муҳаббат туйғулари ана шу яширинлиги билан сирли, қимматли. Лирик қаҳрамон йигитга севгисини изҳор қилишни уят ҳисоблаб келган. Бу қизнинг ҳуснига доғ солар деб ўйлайди. Шу сабабли жангга кетган ёрининг йўлига муштоқ лирик қаҳрамон ҳам ўз севгисига иқрор бўлишдан ибo қилади. Аммо иккинчи жаҳон уруши фожиалари жуда кўп айрилиқларни бошлаб келди. Натижада, ҳижрон ва айрилиқ мотиви адабиётда етакчилик қила бошлади. Шоира шеърларининг лирик қаҳрамонлари ҳам шу аланга оташида қовурилади. Зулфия бу пайтда рус адабиётининг моҳир таржимони ва етук шоир даражасига кўтарилиб улгурган Ҳамид Олимжондек улкан шоир билан етти йил ҳаёт кечирган, ўзи ҳам жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўлиш орқали, улардан ижодий таъсирланган. Ана шу ижодий таъсир натижасида шоиранинг лирик қаҳрамонлари ўз севгисини жаҳон адабиёти анъаналрига ҳамоҳанг, баралла куйлай бошлади. Дастлаб, маҳбуба ёри эккан гулларининг лабидан қониб, тўйгунча лаззатли бўсалар олган бўлса (“Гуллар очилганда”, 1942), дилда севги тўлқини тошгач (“Сой кечаси”, 1943):

*Беҳад соғинганман, кўришга зорман,
Хабар бер, қайдасан, эй офатижон, дея нидо қилади.*

У севимли ёрини тушида кўришни ҳам бир бахт деб билади. Ўз севиқли ёрини ҳам тушда, ҳам ўнгда излаш ва уни бир умр шундай садоқат билан кутиш асосан Шарқ аёллари, жумладан ўзбек аёлига хос. Не тонгки, шоиранинг ўзи ҳам “ўттизга етмаёқ сочи қор ялаб”, қаҳрамонларига қисматдош бўлди. Бахтиёр севгини куйлаётган шоира қалами ўлим ханжарига тегади-ю, бир умрга ҳижрон фарёдини унутолмайди. Бинобарин, унинг шеърларидан ана шу ҳижрон дарди, айрилиқ азоби ўқтин-ўқтин аксадо бериб туради:

*Ўтди ойлар ғам билан оқиб,
Дил топмади зарра тасалло,
Фироқингда қолдим тутоқиб,
Не балога этдинг мубтало.
Кўз очгани қўймайди алам,
Бошим қўйсам куйдирар болиш.*

Шоира қалбини ўртаган бу дард “фироқда қолган келинлар”, “севгидан етим-у умрдан ярим”(А.Орипов) аёллар қисматига айланган эди. Шу боис ўзбек аёлининг матонати ҳам, садоқати ҳам унда намоён бўлган. Зеро, шеъриятдаги шарқона муҳаббат ва садоқат мотивлари ҳали-ҳануз сўнгани йўқ.

Зулфия ўзи ўқиган, таржима қилган асарлари руҳида ҳам талай шеърлар битади. Жумладан, улуғ рус шоири Пушкиннинг бир нечта шеърини ўзбек тилига маҳорат билан ўгиради. Бу эса ўзаро ҳамоҳанг туйғуларнинг пайдо бўлишига асослиги табиий. Рус шоиранинг Зулфия таржимасидаги “Қонимда ёнади орзу оташи” шеърида шундай сатрлар бор:

*Сен менинг дилимга солдинг жароҳат;
Бўса ол: шаробу болдан ҳам ширин
Сенинг бўсаларинг, бағишлар роҳат.
Кел, меҳру севги-ла бошимга эгил,
Беисён, оромда тин олсин жоним... (Пушкин, 1965: 135)*

Шоира Пушкин шеърлари билан ўтган асрнинг 40-йиллардаёқ таниша бошлаган, дейиш мумкин. Чунки, бу йилларда унинг умр йўлдоши Ҳ.Олимжон Пушкин асарларидан таржималар қилган. Зулфиянинг “Соғинганда” шеъридаги:

*Ҳам табиат, ҳам дўст, ҳам рақиб,
Барчасини қолдириб доғда,
Кўришсак-у, яна тирилса*

Ўша ўлган бўса дудоғда, мисралари бу туйғулар уйғунлиги ифодасидир. Яъни шоиранинг лирик қаҳрамонлари ўз туйғуларини энди жаҳон адабиётида учрайдиган оҳангларга монанд ифода этганини кузатиш мумкин. Пушкин қаламига мансуб “Истак” (Миртемир тарж.), “Ўйладимки, юрак унутди” (Зулфия тарж) шеърларидаги айрим туйғулар Зулфия

ижодида қайта бўй кўрсатади. Рус шоири шеърларида ишқнинг, муҳаббатнинг эзгу азобини унутиш юрак учун қанчалар қийинлиги, кунларнинг судралиб ўтиши, қайтиб келмайдиган севги оташи дилини ёндирса ҳам ўлгунча ундан воз кечмаслиги куйланади. Ва биламизки, бу туйғу ўзбек шоираси қалбига ҳам жуда-жуда яқин. Унинг ҳам ойлари ҳам билан оқиб, дили ҳеч нарсадан тасалло топмайди: лирик қаҳрамони ёр фироқида тутақди; севишмоқликда шунчалар алам борлиги, энди эса ирода-ю идрок бардош беролмаслигидан у азобда. Ҳатто “Ўлгудайин муштоқ бўлибман – Висолингга, йўқ чоғи тоқат”,–дея ҳайқиради.

Шуниси борки, Зулфия шеърларидаги лирик қаҳрамон ўз севгисидан бевақт ажал, уруш айрилиқлари туфайли ажралиб қолган ва шундан армонда. Рус шоири шеърларида куйланган муҳаббат вафосиз севги, хиёнаткор гўзаллар ҳақида. Аммо лирик қаҳрамонни оташида ёндирган севги кучининг алангаси бир хил. Демакки, севган ва севилган юрак учун унинг қувончу изтироблари ўхшаш. Бинобарин, яна бир улуғ шоир, шарқшунос, файласуф, олмон адиби Йоханн Вольфганг Гёте (1749-1832) ижодидаги ишқ оташининг ўлмас сазоси ҳам шоира шеърларида мавжуд. У “Муҳаббатнинг китобида, Қувонч тўла варағи кам, Лекин бисёр азоби” эканлиги айтиб, бунинг исботи сифатида “Ғарбу Шарқ девони”ни яратади. Шоирнинг “Вақт кушанда, у бешафқат, Ҳаммага ҳам санчар тиг. Байтлар тирик қолгай фақат, Мангу муҳаббат янглиғ” сатрлари Зулфиянинг “Йиллар ўтган бўлса, ундан нарига, Кимда муқим қолмиш ўн саккиз ёши”, “Вақт етса шу халқда қолар дафтарим” каби мисраларида давом эттирилгандай гўё. Ҳа, “Пушкиннинг севган малаги, Гёте орзу қилган қиз” тимсоллари ишқ-муҳаббат бобида қандай жозибатор тасвирланса, Зулфия лирикасидаги севги оташи, садоқат тимсоллари Вомиқу Узродан кам эмас. У шоира ижодида “бетакрор, бетенг, беодат” аммо “ўлгунингча давлат ва ҳусн”, “бир умрга кифоя фасл” деб таърифланади.

Кекса олмон шоирининг ҳаёт фалсафаси, руҳиятидаги сокинлик ва абадий туйғуга айланган ишқ оташи бардавомлиги ҳам орадан бир юз эллик йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, Зулфия руҳиятида акс-садо бергандай гўё: “Ҳа, сабр қил бирпас, тинарсан сен ҳам” деб сўнгги мисрасини ёзганида Гёте 82 ёшда эди (Йоханн Вольфганг, 2012: 27). Зулфия 80 ёшида “Вақт етса бу ёқда қолар дардларим, Руҳим у ёқларга қуш бўлиб учар...” дея умр поёнида ҳам “Куйганман. Бош-оёқ куйган жисмимнинг, Нимасин ёқарди дўзах ўтлари” дея ишқ ўтининг алангаси ҳамон совимаганига ишора қилади.

Демак, Зулфия ижодининг сарҳади чегара билмаслигида асос бор. Унинг ижодида шарқона муҳаббат мотивлари баҳорги куртак мисоли пинҳона ниш урган бўлса, авж пардада куйланиб, Ғарб оҳангларига ҳамоҳанг гуллади. Ишқпарст қалб тасвирида замону замин Шарқу Ғарб яхлит полотно, холос. Зулфия ана шундай полотнога Шарқ аёли қалбининг эскизини ярата олди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Зулфия. Асарлар. 3-жилд. -Тошкент, 1986.
2. Зулфия. Асарлар. Икки томлик. Биринчи том. Шеърлар. -Тошкент, 1974.
3. Янгибой Қўчқоров. Ой теграсида юлдузлар. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2015.
4. Пушкин А.С. Танланган асарлар. Шеърлар, поэмалар. -Тошкент, 1965.
5. Йоханн Вольфганг Гёте. Заковат дурдоналари. (олмон тилидан М.Акбаров таржимаси) -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2012.

ШОИР МИРТЕМИР ШЕЪРИЯТИНИНГ БАДИИЯТИ**ŞAİR MİRTEMİR ŞİİRİNİN POETİK ÖZELLİKLERİ**

*Шоҳида Каромова,
филология фанлари номзоди,
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Dr. Şahide Karamova,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Адабиётшуносликда Миртемир асарларининг ижтимоий, сиёсий аҳамияти, бадий-эстетик фазилатлари, шоир ижодида сўзнинг ғоявий-бадий аҳамиятини, поэтик образ яратишдаги ролини кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Миллий адабиёт, поэтик образ ва образлилик, бадий-эстетик фазилат, шеър, фикр ва туйғулар самимийлиги.

Annotation. The literary criticism reflects the social, political, artistic and aesthetic qualities of Mirtemir's works, the ideological and artistic significance of the poet's creativity, and the role of poetic image.

Key words: National literature, poetic image and image, artistic-aesthetic character, poetry, sincerity of thought and emotions.

Özet. Makalede 20. Yüzyıl Özbek şiirinin güçlü temsilcilerinden Mirtemir eserleri kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler. Özbek şiiri, Mirtemir, poetik özellikler.

Ўзбек миллий адабиётида Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода шеърляти каби Миртемир шеърляти, деб аталган ибора ҳам бор, одатда бундай ибора адабиётда ўзига хос мактаб яратган, ўз замини ва ўз осмони бўлган жуда машхур санъаткорларга нисбатан қўлланилади. Шоир Миртемир ҳам ана шундай ардоқли ва атоқли шоирлар сирасига киради деб айтишга ҳақлимиз.

Миртемир ижоди юзасидан адабиётшуносликда 30-йилларда қизғин мунозаралар бўлган. Кейин эса адабиётшуносликда унинг ижодини ёки айрим асарларини ижобийроқ баҳолаш тамойили устунлик қила бошлаган. Шоир ижодига оид диққатга сазовор асарлар сифатида О.Шарафиддиновнинг “Миртемир” номли адабий портретини, Қ.Азизовнинг худди шундай сарлавҳали биографик очеркни, И.Ғафуровнинг “Она юрт куйчиси” китобларини ажратиб кўрсатиш ўринли бўлади.

Миртемирнинг дастлабки шеърляри матбуотда эълон қилинганда шоир жуда ёш бўлган. Халқимизнинг ғоят сермазмун ҳаёти, эртанги яхши кунлар қуриш йўлидаги қаҳрамонона кураши ва меҳнати шоирга илҳом

берди, унинг созини сероҳанг ва жозибали қилди, шоирни шеъриятимизнинг баланд чўққиларидан бирига айлантди. Бу ҳақда Миртемир шундай дейди: “Садағанг кетай халқим! Тилни ҳам, тимсолни ҳам, адабни ҳам, меҳнатни ҳам, ўринлик ғурур туйғуси ва ғазабни ҳам, ўринлик жирканиш туйғуси ва инсон номини ҳам, чўққилардан юксак тута билишни ҳам ўзингдан беминнат ўрганаман” (Миртемир, 1980:5).

Миртемирнинг ижодкор сифатида ўзига хос бош фазилатларидан бири шуки, у давр овозини, ижтимоий воқелик пафосини, кишилар қалбида замонанинг улкан воқеалари, ишлари ва курашлари таъсирида туғилган хилма-хил оҳанглари, кечинмаларни ҳаққоний ва чуқур акс эттирди.

Шеърият билан мусиқа бир-бирига яқин, мусиқа инсон қалбини ва ҳаёт оҳангини куй орқали, шеърият сўз орқали ифодалайди. Инглиз филолог олими Кристофор Кодуэлл: “Илм ҳар доим математикага, шеърият эса мусиқага интилади”, деб бежиз айтмаган. Унинг ёзишича, “шеърият, энг аввало, қўшиқдир, ритмсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган қўшиқни эса жўровоз куйланади, у умумий кайфиятни ифодалайди. Кўтаринки нутқнинг жумбоқларидан бири ҳам шунда” (Мамажонов, 1983: 23). Замоннинг руҳи, одамларнинг кайфияти шеъриятнинг ритми, оҳангида ҳам акс этади. Уларда закон руҳи ётади. Бу ҳақда Аристотель қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Ритм ва оҳанглари даставвал реал воқеликка яқин келувчи ғазаб ва мулоимликни, жасорат ва мўътадилликни ҳамда шуларга зид хусусиятларни акс эттиришни ўз ичига олади” (Аристотель, 2000: 170-171).

Шоир Миртемир ҳам воқеликни ифодалашда жуда кўп ритмлар, оҳанглари яратди. Шоир Миртемир шеъриятининг ижтимоий маънавий маданият камалига олиб кирган янгилиги шундаки, у она юрти, халқи, миллати эриша олмаган эркинликни бадий сўзга берди, ҳур фикрликнинг мажозларга бурканган гўзал намуналарини яратди. Унинг каломи қафасдаги булбулнинг бўғиқ ва ингроқ овози эди. Шоир шеъриятидаги бадий истеъдоди ҳам шунда. Шоир шеърларида эрк-ҳақиқат орзудида ёнган, курашган, қалбнинг аламли, ҳасратли изтиробни бор. Ширин ёлғонларга, алвон шиор ва ғояларга алданган шахс юрагини кемирган адоқсиз ғашлик бор. Шоир Миртемир ижоди ҳаётбахш лирик туйғуларга, янги-янги фикрларга, чуқур ғоявий мазмунга, теран ҳиссиётга, ўзига хос ажойиб образларга, ранг-баранг бадий тасвир воситаларига бойдир.

Санъаткор ижодида лириклик билан публицистик руҳ ўзаро чамбарчас ҳолда боғланган, десак муболаға қилмаймиз. Унда ҳаётга, инсониятга, эзгуликка муҳаббат туйғуси баралла акс этиб туради.

Миртемир – бетакрор овоз соҳибаси. Ижодкорнинг ўз тили, ўз йўли, ўзига хос услуби бор. Теран фикрловчи санъаткор ҳаёт ҳақида ўзига хос тарзда поэтик фикр юритади ва ўз асарларини фалсафий мазмун билан безайди. Қайноқ ҳаётни тасвирлаб, ундаги кичик воқеа ва деталлардан катта поэтик умумлашмалар чиқарди.

Кейинги йилларда ижодкор шахсига қизиқишнинг ортиши ва ўрганишга бўлаётган уринишлар кишини қувонтиради. Айниқса, шўро даври адабиёти вакиллари шахсиятини ўрганиш уларнинг фаолиятини холисона баҳолаб, ижодига нисбатан юзаки фикрларнинг ҳосил бўлишини олдини олади. Шу билан бирга шахсни ўрганиш давомида мустабид тузум даври ижодкорларининг барчаси ҳам ҳукмрон мафкуранинг талабларига сўзсиз бўйсунмагани, ҳатто унга қарши ички эътирозлари бўлгани, баъзан бу ҳол уларнинг асарларида гоҳ яширин, гоҳ образли пардаларга ўралиб, тимсоллар воситасида бўй кўрсатганини ҳам кўраемиз.

Устоз Миртемир ижодини адабиётшунослик юқори баҳолаб, унинг моҳиятини эса адабиётда сокин кўнғироқ чалиб ўтган карвонга ўхшатишади. Шоирнинг “Бетоблигимда” шеъри ва “Ёдгорлик” мажмуаси, шоир шеъриятининг сокин кўнғироғи овозига кўниккан замондошларимиз ақли-шуури ғалаён кўзғади. Шоирнинг сокин кўнғироғи шеърият кўкида бонг ургандек бўлди. Чақмоқ чақиб гулдирос солди, ҳисларни ёритиб юборди. Биз яхши биламизки, санъатда, адабиётда воқеликни ҳаққоний акс эттириш ижодкорнинг ўша жараёнлар тўғрисидаги тасаввур ва тушунчалари, муносабати, шахс сифатидаги фаолияти, ўзига хос мустақил нуқтаи назари билан баҳоланади. Ана шу санъаткорлик нигоҳининг қанчалик ҳассос ва холислиги, ҳаққоний ва ёруғлиги эстетик баҳонинг салмоғини, санъаткор ижодининг ижтимоий куч-қудратини ҳам кўрсатади.

Миртемир шеъриятининг мағзини, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, “ҳаёт ва ҳаётгий воқеа мавжи” ташкил этади. Ана шу ҳаёт ҳақиқатининг бадий инкишофи шоир шеъриятининг бадий салоҳиятини белгилайди. 1928-йилда эълон қилинган “Шуълалар қўйнида” китобидаги сочмалардан тортиб, энг сўнги шоирнинг ўзи дасталаган “Ёдгорлик” мажмуасигача – барчасида шоир ҳаёт ҳақиқатини излайди, топади ва уларни рамзлар билан бадий ҳақиқатга айлантиради. Шоирнинг 1972-йилда ёзган “Бетоблигимда” шеъридан олинган қуйидаги парчага эътибор берайлик:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Қоврилмай то ғашлик алангасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Нафасимни ростлай кўланкасида.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Қушлар овозига қулоқ солайин,

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Хаёл оғушида ором олайин.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим (Миртемир, 1980: 42).

Мазкур шеър ва “Ёдгорлик” мажмуасидаги “Чирилдоқ”, “Тошбу”, “Ўзим биламан”, “Абдулҳаққа айтганим”, “Онагинам”, “Ёдгорлик” каби ўнлаб шеърлари билан 1926-1928-йиллар оралиғида яратган сочмалари ўртасида

теран руҳий борлигини пайқаш қийин эмас. Улардаги сўзлар, сатрлар – бу бетутун ёнган юракни эътирофи, нидоси, туғени ёхуд изтиробли ҳолатларининг тасддиғини эмас. Улар уйқуда уйғанаётган, мардлари кўзини очишга шошилмаётган она замин туйғуларидир халқимизнинг дарахтларга айланган сабр-тоқати, армонлари ва дардларидир; хотиралар шаклига кирган кўҳна ўтмишнинг, мўйсафид тарихнинг ўйларидир. Сўзлар – бу руҳий бир Ватан демақдир.

Миртемир гўзаллик – бу инсон эркида, ҳур фикрлигида, миллатнинг озодлигида, деб билади. Инсонийликни оёқ ости қилмасликда, одамни шахс сифатида юзага чиқаришда, камол топтиришда маънавий гўзалликнинг муҳим белгиларини кўради шоир. Ёлғон ғоялар одамларни бефарқликка, бепарволикка ва энг даҳшатлиси, қўрқоқликка ўргатди. Юксак алвон ғояларни тарғиб этган эстетика ғайриинсонийликни ёқлаб, одамларни шахс сифатида синдирди, уларни ижодкорликка эмас, ижрочиликка ўргатди, жонли темир одамларга – роботларга айлантди. Шоир шеърини замондошларинигина эмас, келажак авлодларнинг гўзаллик моҳиятини тушунишга ўргатади: туйғуларни тоблайтиди, фикрларни чархлайди; ҳар бир нарсани ўз номи билан айтишга ўргатади.

Миртемир ўз ижодининг бошидан охиригача она-юртини, Ватан гўзаллигини куйлади. У оддий меҳнаткаш одамни севар, у яратган ва яратадиган меҳнат мўъжизаларини муқаддас биларди. Тўпламда шоир лирикасининг шу хусусиятлари янгича жило билан сайқалланган. Шоир Ўзбекистон, бободехқон, она, барҳаёт жангчи, фидойи аёл образлари, қардошлик, дўстлик, муҳаббат тароналари, болалик, йигитлик хотиралари, табиат лавҳаларини шеър мисраларига, образларга айлантиради. Шоир бу тўпламда ҳам шукрона сўзини, фарзандлик туйғуларини она халқига бахшида қилади:

*Мен сенга суянгандим,
Мен сенга суянгайман.
Сендан сал нари бўлсам,
Ёнгайман – ўртангайман.*

Миртемир эътиқодли сўзларига ҳаётининг охирига қадар амал қилиб яшади. Шоир бор шеърини иқтидорини ижодий ҳалоллик ва заҳматкашлик билан уйғунлаштира олди. Қардошлик, Дўстлик, Ўзбекистон, бободехқон каби катта мавзулар шоир такрор-такрор қаламга олган ардоқли мавзуга айланди.

Миртемир деҳқонча содда самимияти ва ҳақгўйлиги билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради. У тарих синовларидан ўтган ғояларимизни умр бўйи эҳтирос билан тарғиб этди. “Ёдгорлик”да Миртемирнинг қахрамони ўзининг ўша характери - очиқ самимияти, тўғри сўзлиги билан ажралиб туради:

*Мен ўтган йўл чағирлик,
тошлоқлик бўлган эди.*

*Азиятлик, чигиллик,
жумбоқлик бўлган эди.
Мен утган йўл шиддатлик,
беаёв бўлган эди (Миртемир, 1978: 47).*

Бу оддий, лекин ҳаётий мисралар мазмуни кўп қиррали: уларда бирйўла айрим бир шахс ва халқ тақдири акс этади. Гарчи “мен ўтган йўл” ибораси замирида Миртемир шахсияти, унинг мураккаб ҳаёт йўли, ижодий қисмати англашилиб турса ҳам, унда шоир қаҳрамонининг умумлашган фикри акс этган. Лирик қаҳрамон образи ўзида ижодкор дунёсини бирлаштира олган.

*Тангрига туҳмат қилманг,
Шайтонга туҳмат қилманг...
Замонга туҳмат қилманг...
Замонга ишонгандим,
Инсонга ишонгандим,
Халқимга ва инсоний
Ҳаққимга ишонгандим...
Ҳаққимга ишонгандим...
Ҳаққимга ишонгандим...*

Шоирнинг бундай ҳақ сўзларини, кучли мантиқини эндиликда ўзбек адабий танқидчилиги ҳам холис баҳолашга қодир. Бугунги адабиётимизнинг кучи шунда. Миртемирона ҳақгўйлик ўлкамизни жафоли ўтмишини чизишда аниқ ва ёрқин акс этиб туради. Шоир кечмиш мавзуга тез-тез қайтаркан, вайрон ўлка образини, чорасиз ва нажотсиз халқ образини шеърдан шеърга томон пурдлард маънолар билан тўлдириб, янги қирралар очиб боради. Шоир шеърларига назар ташлар эканмиз, улар қайси мавзуда эканлигидан қатъий назар Миртемирнинг ўзигагина хос бўлган тасвир услубини, соддалик ва равонликни, фикр ва туйғулар самимийлигини, кутилмаган поэтик хулосалар чиқаришдаги маҳоратини кўрамыз. Балки бу соддалик ва равонлик баъзилар назарида бугунги кун модерн шеърларига хос бўлган ўта образлилик ва мураккаблик олдида жўн кўриниши мумкиндир. Лекин оддийликдан бадиий қадрият яратиш ва кишиларни ҳайратга солиш ҳам улкан санъат. Айтиш мумкинки, шоир ўз шеърларида бу санъатини юксак даражада намоён эта олган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Миртемир. Асарлар. Биринчи жилд. Ўзим ҳақимда. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.
2. Салоҳиддин Мамажонов. Сайланма. Икки томлик, 1-том. -Тошкент, 1983.
3. Аристотель. Риторика. Поэтика. – Москва: Лабиринт, 2000.
4. Миртемир. Танланган асарлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
5. Миртемир. Шеърлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978..

6. Миртемир. Ёдгорлик. Шеърлар. -Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ДЕМОНОЛОГИК ТИМСОЛЛАР**ALİ ŞİR NEVAİ GAZELLERİNDE DEMONOLOJİK TİMSALLER**

*Ражабова Маърифат Бақоевна,
филология фанлари номзоди, доцент
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Rajabova Marifat
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада халқ оғзаки ижоди Алишер Навоий учун илҳом манбаи эканлигига урғу берилади. Дев, пари, аждар каби мифологик образларнинг бадий талқинлари орқали ёритилган мавзулар шоир лирик мероси мисолида таҳлилга тортилади. Шунингдек, Алишер Навоий мифологик унсурлардан инсон қалбининг нозик кечинмаларини, маънавий – руҳий қиёфасини чизишда усталик билан фойдаланганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт, дев, пари, аждар, соч.

Annotation. This article defines that national oral literary gives Alisher Navoi themain essence. By giving the examples such as, devil, angel, dragon, article analyzez the lyrical charactes of his inheritance. Moreover, Alisher Navoi in his literary showed the spirit of human being, and portrayted spirital forms in his litetrary frames.

Key words: National oral literary, written literary, devil, angel, dragon, hair.

Özet. Makalede halk edebiyatının Ali Şir Nevai eserlerindeki yeri tespit edilerek Nevai'ye ilham kaynağı olduğu vurgulanacaktır. Dev, peri, ejderha gibi mitolojik karakterlerin bedii bir dille yorumlanmasıyla açıklanan konular Nevai'nin lirik mirası örneğinde analiz edilmiştir. Bununla birlikte Ali Şir Nevai insanın kalbindeki nazik hislerini, manevi ve ruhi görünüşünü betimlerken mitolojik unsurlardan da ustalıkla yararlandığı ortaya konmuştur.

Anahtar kelimeler: Halk edebiyatı, yazılı edebiyat, dev, peri, ejderha, saç

Халқ оғзаки ижоди адабиётда ахлоқий-таълимий мавзунинг маънавий заминларидан биридир. Халқ оғзаки ижоди таркибидаги ҳаётбахш туйғулар, исломий-илоҳий ҳикматлар ўз навбатида ёзма адабиётга ҳам катта таъсир кўрсатиб келди. Ёзма адабиётда яратилган ҳар бир адабий асар маълум бир тарихий давр ижтимоий ҳаётининг, халқ орзу-умидларининг бадий инъикоси сифатида майдонга келади. Бундай вазифани амалга оширишда эса ижодкорларга халқ оғзаки ижоди намуналари беминнат хизмат қилади. Буни биз улуғ шоир Алишер Навоий ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўз ижодида бутун инсоният олдида турган муаммою масалаларни ёритган Алишер Навоий ижодининг муҳим манбларидан бири халқ оғзаки ижодидир. Улуғ шоир ўз асрларида халқ оғзаки ижодидаги халқона руҳни сингдиришда халқ тили, халқ мақоллари, афсона ва эртақларидан самарали фойдаланди. Бундан ташқари, Алишер Навоий шеъриятида халқ оғзаки ижоди унсурларининг қўлланганлиги ҳам шоирнинг мазкур манбадан унумли фойдаланганлигидан далолат беради.

Маълумки, Алишер Навоий лириксида ошиқ ва маъшуқа асосий қахрамонларидан бири саналади. Шоир маъшуқанинг муболағавий тасвирида, ошиқнинг гоҳ маҳзун, гоҳ мунгли ва баъзан қувноқ кайфиятнини китобхонга етказишда халқ оғзаки ижоди образларига мурожаат қилади. Булар дев, пари, аждар кабилардир. Адабиётшунос олим Н.Маллаевнинг таъкидлашича: “Аждар, дев, пари ва бошқалар айни замонда ҳар қандай ёмонликнинг тимсоли сифатида гавдаланувчи рамзий образлардир” (Маллаев, 1974:93).

Хўш, Алишер Навоий ёмонлик тимсоллари сифатида номланувчи бундай унсурлардан қандай мақсадларда фойдаланган?

Алишер Навоий шеъриятида аждар образи билан боғлиқ байтлар кўп учрайди. Аждодларимизнинг қадим дунёқарашида ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш тасвирланар экан, улар ёвузлик тимсоларини оламга ўт қўювчи, офат ва ўлим вабосини тарқатувчи сифатида тасаввур қилганлар. Ёзма аоабиёт намуналарида эса ёвузлик кучларининг бундай белгилари ўзгартириб қўлланганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Алишер Навоий шеъриятида маъшуқага хос бўлган сифатлар тасвирида қиёс сифатида аждар образига мурожаат қилинади. Маъшуқанинг кўркама жамоли, хушсуръат рафтори тасвирланар экан, шоир унинг ҳар бир аъзосига ўзгача бир таърифларни келтиради. Жумладан, соч маъшуқа гўзаллига гўзаллик қўшувчи зеболик кўркидир. Навоий шеъриятида маъшуқа гўзаллигининг мазкур жиҳатини ёритишда мифик образ аждарга мурожаат қилади.

Зулфи қонлиғ пайкаримни чекти печу хам била,

Ул сифатким, тортқай аждар биравни дам била (Навоий, VI жилд, 1990:362).

Маъшуқанинг қонли зулфи – сочи сабабли ошиқнинг қомати ҳам-эгилган. Тўлғанувчи соч аждар каби ошиқни ўз домига тортади. Байтда аждарнинг шакл ва ранги билан боғлиқ жиҳатлари сочга кўчирилиб, янгича тасвир ҳосил қилинган.

Алишер Навоий лирикасида учрайдиган мифологик образлардан яна бири ғул бўлиб, у «дев», «даҳшатли сахро махлуқи» каби маъноларда қўлланилган. Навоий асарларининг изоҳли луғатида бу сўз «дев», «ғули биёбоний» бирикмаси эса «дашт-сахро деви» маъносини билдирувчи сўз эканлиги қайд қилинган (НАЛ, 1972:775). Қуйидаги байтда бу мифологик образ «дашт-сахро деви» маъносида қўлланилган:

Йўл билур қофиладин тушмак айруким эрур,

Бу биёбон аро ҳам ғул кўпу ҳам раҳзан (Навоий, II жилд, 1990:386).

Раҳзан - йўлтўсар, қароқчи; қофила - карвон, сафарга чиққан йўлчилар тўдаси. Сен сафарда йўлни биладиган йўлчилардан айрилма, чунки бу биёбонда ғул - «дашт-саҳро деви»и ҳам, йўлтўсар қароқчилар ҳам кўп.

Албатта, байтнинг умумий маъносини англаш учун бутун ғазалга дахл қилиш лозим. Шу байтнинг ўзи билан чекланадиган бўлсак ҳам, шоир халқнинг дашт деви билан боғлиқ қарашларини мажозий маъно учун бўйсундиргани кўришимиз мумкин. Байтдаги йўл инсоннинг умри. Сафарга чиққан инсон сафар (яшаши) давомида турли қийинчиликларга, нафс ғулғулаларига дуч келади. Шоир дев, қароқчилар мисолида шуларга ишора қилади. Пари образи ҳам Навоий шеъриятида кўп қўлланган унсур. Пари образи генетик жиҳатидан ибтидоий даврларга бориб тақалади. Инсоний қиёфа – париларнинг асосий шаклу-шамойили. Бу кўринишдаги пари образининг етакчи белгиси гўзалликдир. Одатда бундай парилар ниҳоятда сулув, ойдай гўзал қизлар ёки баркамол йигитлар қиёфасида намоён бўлади (Қаюмов, 1999:10). Улуғ шоир шеъриятида ҳам асосан пари образининг мана шу жиҳатлари инобатга олинган. Пари гоҳ маъшуқа билан қиёсланади, гоҳ маъшуқа ўзининг латофати билан паридан устун келади, баъзан парига ўхшатилади.

Гар парийлар қуш каби рам қилсалар мен телбадин,

Ғам йўқ, ул шўхи пари пайкар менинг ромим керак (Навоий, V жилд, 1990:239).

Ошиқнинг ягона илинжи маъшуқанинг васлидан баҳраманд бўлиш. Гулшанга қадам қўйган ошиқдан пари – маъшуқа қуш каби ром – хуркиб қочмоқда. Ошиқнинг энди ғами йўқ. Унинг муроди пари пайкарни қуш каби рам – қўлга ўргатишдир. Бу мисраларда маъшуқанинг парига қиёсланиши китобхон тасаввурида унинг нечоғлик кўркем, нозик ва назокатли эканлигини ҳис қилишга хизмат қилади.

Юзунг Ҳақ нур, жисминг руҳи пок, эй руҳдек ғойиб,

Сенингдек бир малаксиймо париваш йўқтур инсонда (Навоий, I жилд, 1987:479).

Париларнинг инсонлар кўзига кўринмаслик хусусияти диний ва халқнинг мифологик қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳазрат Навоий юқоридаги байтда ана шу қарашларга асосланиб, руҳ ва парига хос бўлган хусусиятни малаксиймо париваш (маъшуқага)га кўчиради.

Алишер Навоий лирикасида халқ оғзаки ижоди асарларида ҳам, ёзма бадиий адабиётда ҳам намоён бўладиган мифик образ Хизр жуда кўп ўринларда қўлланган. Хизр ҳамиша одамларга яхшилик қилувчи, адашган кишиларга йўл кўрсатувчи, булоқлар кўзини очиб, одамларга оби ҳаёт улашувчи, далаларга мўл ҳосил бахш этувчи, ҳаёт сувини топиб ичганлиги учун абадий умр кечирувчи асотирий персонаж (Нурманов, 2007:10). Навоий лирикасида Хизр образига маъшуқанинг муболағавий тасвири жараёнида мурожаат қилинганлигини кўришимиз мумкин. Хизр тириклик сувига эга.

Унга ҳар қандай жонсиз вужудга жон ато этиш мўъжизаси берилган. Улуғ шоир лирикасида маъшуқага Хизрнинг мазкур сифатлари кўчирилади. Маъшуқанинг хусни жамоли, оғзи, лаъли лаби ошиққа жон ато этишда Хизрга тенглаштирилади, баъзан ундан ҳам устун қўйилади.

Хизр хаттинг сабзаси, ҳайвон суи нўши лабинг,

Ул су мавжидин бўлиб бир даври тавқи ғабғабинг (Навоий, II жилд, 1990: 307).

Байтда маъшуқанинг лаъли лаби Хизрдаги “оби ҳайвон”га тенглаштирилган. Тириклик сувига эга бўлган Хизр абадий тирикликка эришган бўлса, ошиқ учун тириклик суви – маъшуқанинг лаби абадий тириклик манбаидир.

Хулоса қилиб айтсак, халқ оғзаки ижоди намуналари бағридаги ўлмас ғоялар Алишер Навоий ижоди учун сарчашма вазифасини ўтади. Шоир лирикасида қўлланилган мифологик образларнинг ҳар бири шоирнинг муайян мақсад ва муддаосини рўйёбга чиқариш учун хизмат қилган. Бундан ташқари, мифологик образлар воситасида ҳосил қилинган поэтик санъатлар Алишер Навоий лирикасининг бадиий баркамоллигини таъминлаган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик I жилд. Бадойиъ ул-бидоя. –Тошкент: “Фан”, 1987.
2. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик II жилд. Наводир ун-ниҳоя. –Тошкент: “Фан”, 1990.
3. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик VI жилд. Фавойид ул-кибар. –Тошкент: “Фан”, 1990.
4. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XX жилдлик V жилд. Бадоеъ ул - васат. –Тошкент: “Фан”, 1990.
5. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Ғафур Ғулом нимидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. 755-бет
6. Нурманов Фурқат. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2007.
7. Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
8. Қаюмов Олим. Ўзбек фольклорида пари образи. Филол. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент: 1999.

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ – ОНА ТИЛИМИЗ ЖОНКУЯРИ**AZAD ŞARAFİDDİNOV – ANA DİLİMİZİN ATEŞLİ SAVUNUCUSU**

*Р.Р.Сайфуллаева, ф.ф.д., ЎзМУ профессору
 Ҳ.Ҳ.Ҳамроева, ф.ф.н., ЎзМТРК камта муҳаррири
 Р.Қаршибоева, ЎзМУ тадқиқотчи си (Ўзбекистон)*

*Prof. Dr. R.R.Sayfullayeva,
 Özbekistan Milli Üniversitesi
 Dr. H.H.Hamrayeva,
 Özbekistan Milli Televizyonu ve Radyosu
 R.Karşibayeva,
 Özbekistan Milli Üniversitesi*

Аннотация. Ушбу мақолада атоқли олим ва публицист О.Шарафиддиновнинг она тилимиз ҳақидаги танқидий фикрлари баён этилган. Она тилимиз хусусиятлари, тил таълимидаги муаммолар ҳамда уларнинг ечими берилган.

Калит сўзлар: Она тили, муаммо, миллий руҳ, таълим, ифтихор, хорижий сўзлар, саводсизлик.

Annotation. The article outlines the critical views of prominent scholar and publicist O.Sharafiddinov on native language. Mother tongue features, problems with language teaching, and their solutions.

Key words: Mother tongue, problem, national spirit, education, pride, foreign words, illiteracy.

Тил ва руҳ муштараклиги лисоний жамиятнинг мавжудлигини тақозо қилади. Лисоний жамият эса тил ва руҳ яхлитлигига асосланади. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг публицистик ижодида маънавият, миллий яхлитлик муаммоси устувор мавзу бўлиб, олим учун унинг ўзак масаласи ҳисобланган миллий тил, давлат тили, тил таълими, тил тараққиёти ва софлиги каби масалалар энг етакчи муаммолар бўлиши табиий. Зеро, ҳар бир даврда замоннинг пешқадам олимлари тил ва жамият муаммосига алоҳида эътибор қаратишган. Ўз даврининг етук жамоат арбоби Озод Шарафиддиновнинг она тили - ўзбек тили ҳақидаги қарашлари, мақолалари, чиқишлари эса ўткир тафаккур эгасининг чуқур билими, шижоати ва маҳоратини ифодаллагани билан ажралиб туради. Олимнинг публицистик мақолаларидан бир нечтаси бевосита она тилимизнинг ҳозирги аҳволи, унинг жонкуярлари, равнақи ва бу соҳадаги муаммолар хусусида. “Она

тилим – ифтихорим, инжа ганжинам”, “Тилда ҳикмат кўп”, “Тил илмининг дарғаси”, “Навоий сабоқлари” каби мақола ва эсселар бевосита она тили ва унинг хусусиятлари ҳақида бўлса, бошқа жуда кўплаб эсселарида бошқа муаммолар билан бирга, йўл-йўлакай она тили, тил таълими, уни ривожлантириш каби муаммолар доирасидаги қатор долзарб масалаларни кун тартибига қўяди.

Олимнинг “Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам” мақоласи ўзидаги муаммолар қамровининг кенглиги чуқур ва кенг фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, фикрларнинг илмий асослилиги билан ажралиб туради. Фикрлар марказида зоҳиран Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Э. Воҳидовнинг “Она тилим” мақоласи таҳлили тургандек бўлса-да, ботинан қаралганда, бу олимнинг йиғилиб ётган фикрларини бир қолипга солиб, жамоатчилик эътиборига ҳавола этишига бир туртки бўлган, холос. Зеро, унинг ўзи эътироф этганидек: “Ўзини ўзбек зиёлиси деб ҳисоблаган ҳар бир инсон фақат тил байрамларида эмас, доимий равишда она тилимиз байроғимиздек юксак ва покиза бўлиши тўғрисида қайғурмоғи ҳам фарз, ҳам қарзидир. Эркиннинг мақоласи мени ҳам тўлқинлантириб юборди ва анчадан бери йиғилиб қолган баъзи мулоҳазаларимни қоғозга туширишга ундади” (Шарафиддинов, 2004:263).

Она тили ҳақида чин қалбдан айтилган қуйидаги фикрлар, ҳақиқатан ҳам, миллат ва миллат тили жонқуяри бўлган фидойи инсонларгагина хосдир: “Ўзбек тили нафақат қадимий тил, у ғоятда нафосатга бой тил, у ҳар қандай маънони энг нозик, энг инжу қатламларигача ифодалаб бера оладиган, ўзининг гўзаллиги билан одамга завқ-шавқ улаша оладиган, баҳри дилини очиб, гўзаллик туйғусини қондира оладиган тил. Тўғри, бир вақтлар туркий тилнинг нафосатига шубҳа билан қарайдиганлар бор эди - улар нафосат тили фақат форс тили, бошқа тиллар эса шеърий туйғуларни ифодалаш учун ўзларининг дағалликлари туфайли ожизлик қилади, деб қарар эдилар. Авваламбор, Навоий бобомиз ўзининг назмий ва бадий асарларида бу қарашнинг мутлақо асоссиз эканини исбот қилиб берди. Қолаверса, бизнинг давримизда Чўлпон, Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов каби шоирлар ҳам ўзбек тилининг имкониятлари беқиёс даражада чексиз эканини исбот қилиб беришган. Эркин Воҳидовнинг-ку “Ёшлик девони”ни ҳеч иккиланмай, девон эмас, «нафосат уммони» деб атаса бўлади. Буларнинг бари ва бу ерда тилга олинмаган яна кўпгина асарлар она тилимиз гўзаллигининг ишончли ҳужжатларидир. Бунга амин бўлмоқ ва бу гўзалликдан баҳраманд бўлмоқ учун фақат бу асарларни ўқимоқ керак, холос. Йилда-ойда бир эмас, кунда ўқимоқ, тилда бўлмаса, дилда ўқимоқ керак” (Шарафиддинов, 2004: 267-268).

Публицистнинг **она тилимиз нафосати** ҳақидаги фикрлари ўзига хос теранлиги, мантиқийлиги ва илмий асослилиги билан ажралиб туради. Масалан, тилдаги миллий руҳ аввало ундаги ибора, мақол, матал ва кўчма маъноли бирликларда намоён бўлади. Буни тил ва жамият, тил

ва тафаккур муаммоси билан шуғулланган тилшунослар ва бошқа мутахассислар ҳам эътироф этишади (Павлов, 1967). Бунга доир ўз фикрларини олим қуйидагича ифодалайди: “Минглаб ибораларимиз борки, улар ихчамлиги, тўқислиги ва теранлиги жиҳатидан математик формулаларни эслатади. Масалан, “ўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган замонлар” деган ибора бор. Шу бешгина сўз замирида қулоч-қулоч мақолаларда ифодаланадиган мазмун бор. Яна унинг образлилигини айтмайсизми? Осонгина эса қолишини айтмайсизми?” (Шарафиддинов, 2004:269). Ёки олимнинг сўзларнинг кўп маънолилиги, маъновий имкониятлари ҳақидаги қуйидаги фикрлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: “Мана, биргина «қарамоқ» сўзини олиб кўрайлик, ўнлаб унга яқин, маънодош сўзлар бор - улар, асосан, бир хил маънони англатган ҳолда, ҳар гал шу маънонинг бирор жиҳатини, бирор қатламини, бирор ҳолатини таъкидлаб кўрсатади: **тикилмоқ, разм солмоқ, бақраймоқ, алангламоқ, ўқраймоқ, мўлтирамоқ, саросаб солмоқ, қарамоқ** ва яна мен билмаган ёки ҳозир эсимга келмаган ўнлаб сўзлар... Буларнинг ҳар қайсисидан ўз ўрнида билиб фойдалансангиз, тузилган жумла шунчаки бирор маънони ифодалаб қўя қолмайди, балки камалак ранглари билан товланади, гўзаллиги билан сизни маст қилади. Ахир шундай гўзалликлардан ҳузурланмай, фахрланмай бўладими?” (Шарафиддинов, 2004:273). Бир қарашда бу оддий эҳтиросли жумлалардек тасаввур уйғотиши мумкин. Бироқ бу тилшунос бўлмаган, аммо тил сеҳрини ҳис эта оладиган, шунингдек, сўз сеҳридан тўла маънода завқ туя оладиган улуғ адибнинг эътирофи эканлигини унутмаслик керак. Бу эса сўз қўллашга муносабатда талабчанликка ҳам сабаб бўлиши тайин: “Кунлардан бирида “Давр”ни кўриб ўтириб, ғалати бир ибора эътиборимни тортди. Диктор кимдир кимнидир “озодликка қўйиб юборишни талаб қилгани” тўғрисида гапирди. Ҳайрон бўлдим - бу нима дегани? “Озодликка қўйиб юбориш” дегани нимаси? Ўйлай-ўйлай топдим - ўзбек тилининг табиатига мутлақо ёт бўлган бу жумла “отпустить в свободу” деган русча иборанинг сўзма-сўз таржимаси экан. Бу ўринда “эркинлик” сўзи ҳам, «озодлик» ҳам ножоиз, “қўйиб юбориш”- ку, умуман, керакли маънони бермайди. Бу иборани “турмадан (ёки қамоқдан, ё ҳибсдан, ё авахтадан, ё тутқунликдан) чиқариб юбориш”, халос этиш деб ишлатган маъқул эди” (Шарафиддинов, 2004:273).

Сўз руҳини ўз руҳияти билан идрок ила уйғунлаштира оладиган буюк санъаткорлар каби тилга нисбатан айрим лоқайдликларга эътиборсизлик олимга ёт. Шунинг учун сўз қўллашдаги ноқисликлар, тилга эътиборсизликлар ҳақида адиб куюниб фикр билдиради. Қуйидаги афоризм каби янграйдиган жумлалар фикримиз далилидир: “Аксинча, тилга лоқайд қарайдиганлар, ўз саводсизликларини яширмай, тилга зўравонлик қиладиганлар қанча кўпайса, тилимизнинг ғализлиги шунча ортади, у ҳам араванинг ёғсирарган ғилдирагидай ғижирлаб қолади”. “Лекин,

афсуски, амалиётда биз кўп ҳолларда тилимизга беписанд қарашни кўрамыз. Гапирганда ёки ёзганда ўзимизни назорат қилмаймиз, ўзимизнинг тилимизни ўзимиз ҳис қилмаймиз, унинг ички оҳангларига қулоқ тутиб кўрмаймиз, балки жиловни устига ташлаб қўйилган отдай майсаси кўпроқ кўринган ўтлоққа кириб кетаверамиз” (Шарафиддинов, 2004:272). “Аҳён-аҳёнда саҳрода адашган ёлғиз йўловчининг фарёдидек бирор-бир одамнинг зорланиши эшитилиб қолмаса, тилдаги бу салбий тамойиллар ҳеч кимнинг парвойига келмайдигандек туюлади” (Шарафиддинов, 2004:253). “Натижада шунақа алмойи-жалмойи иборалар, бесўнақай жумлалар пайдо бўладуки, улар бирлашиб, “саводсизлик бўстони»ни майдонга келтирадилар” “Менимча, бу иборанинг маъносини чақиш бўйича республика танлови ўтказилса ҳам, бирорта одам биринчи тугул, учинчи ўринни ҳам ололмайди” (Шарафиддинов, 2004:276). Бу таъкидлар она тилига эътиқод қўйган улуғ ижодкорнинг бетакрор фикрларидир.

О.Шарафиддинов қаламига мансуб ҳар бир эссе ёки мақолагина эмас, балки ҳар бир жумла ҳам ўз таъсирчанлиги билан қалбнинг тубигача етиб боради. Олим ўз она тилининг нозик томонларини чуқур ҳис қилади. Назаримизда, олимнинг биргина асаридан олинган 10 та кичик матнларда берилган фикрлар у қўллаган қолиплар орқали мукамал ифодаланган. Бу фразеологик бирликлар, маънодош сўзлар, ўхшатишлар, содда ва қўшма гаплар, улар таркибидаги уюшиқ, ажратилган бўлақлар, йиғиқ гаплар, риторик сўроқ гапларнинг ҳар бири ўз ўрнида қўлланганлиги олим фикрларининг ўта ишончли ва таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилган. Бу кичик матнларда муаллиф ўз мақсадини қандай шаклларда ифодалаганлиги, уларнинг жойлашиши, кетма – кетлиги ва бир – бири билан узвий боғлиқлиги ўқувчини ҳайратга солади. Матнларда саволлар қўйилган ва айримларида жавоблар ҳам келтирилган, баъзиларида сўроқ қўйилган гапларнинг жавоблари ҳам бор. Муаллиф ўз фикрларини баён қилибгина қолмайди, ўқувчидан жавоб кутади, уни баҳслашишга, она тили учун курашишга чорлайди, ўз монологик нутқи орқали диалогик вазият яратади. Албатта, бу омиллар атоқли олимнинг она тилини чуқур билиши, моҳиятини англашидан дарак беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004.
2. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004.
3. Павлов В.М. Проблема языка и мышления в трудах Вилгельма Гумбольдта и в неогумбольдтианском языкознании //Язык и мышление. – Москва, 1967.
4. Менглиев Б., Сайфуллаева Р., Маматов А., Миллий тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида // Маърифат газетаси, 2008 йил, 21 май.
5. Маҳмудов Н., Худойберганова Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. - Тошкент, 2013.

МАНСУР ҲАЛЛОЖ ВА НАСИМИЙ
MANSŪR EL-HALLAÇ VE NESİMİ

*Амонова Зилола Қодировна,
Бухоро давлат университети доценти
(Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Dr. Amonova Zilola Kadirovna,
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада Мансур Ҳаллож ва унинг “Анал- ҳақ” ғоясининг Насимий ижодига таъсири масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: Мумтоз адабиёт, тасаввуф, ҳалложийлик, анал-ҳақ, Мансур Ҳаллож, Насимий.

Annotation. The article deals the influence of Mansur Khallag and his idea “I am the truth” to the Nasimiy works.

Key words: Classical literature, sufism, religious beliefs, Mansur Halloj, Nasimiy.

Özet. Makalede Mansûr el-Hallaç ve onun “En-el Hak” ile ilgili görüşlerinin Nesimi icadına etkisi açıklanmıştır.

Anahtar Sözcükler: Klasik edebiyat, tasavvuf, Mansur Hallac, Nesimi.

Мансур Ҳаллож ўзининг “Анал – ҳақ” (Мен ҳақман) ғояси билан бутун дунёга танилган сиймо. Унинг бу ғоясидан илҳомланмаган тариқат аҳлини ҳамда шоирни шарқ мумтоз адабиётида топиш душвор.

Ҳазрат Алишер Навоий “Насойим – ул – муҳаббат” асарида Мансур Ҳаллож ҳақида қуйидагича маълумот беради: “... Кунияти Абулғайз. Форсинг Байзосидиндур. Аввал Ҳаллож эмас эрди. Бир ҳаллож дўқонида эрдиким, анинг дўсти эрди. Ани бир ишга йиборди. Кўнглига ўттики, анинг рўзгорин зоеъ қилдим. Бармоғи била ишорат қилди: момуғ чигитдан айрилди. Анга бу жиҳатдин Ҳаллож от қўйдилар...” (Навоий, 2001: 105).

Мутасаввиф Абул Муғис ал Ҳусайн бин Мансур Ҳаллож ҳақида яна бир қатор манбаларда ҳам маълумот берилган. Жумладан, Хужварийнинг “Кашфул маҳжуб”, Фаридиддин Атторнинг “Тазкирайи авлиё”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс” ва бошқалар. Маълумотларга қараганда, у дастлаб Саҳл бин Абдуллоҳнинг муриди бўлган, аммо маълум муддатдан сўнг мазкур шайхнинг рухсатисиз Амр бин Жумонга шогирд тушган. Сўнгра бу муршидини ҳам тарк этганлиги ва Амр бин Усмон ал – Маккийга мурид бўлганлиги ҳақида Ибн Арабийнинг маълумотлари мавжуд (Ҳаққул, 2007:9).

Мансур Ҳалложнинг тариқи шуттор (тариқат истилоҳи бўйича, тавҳид мақомига эришган, ҳақ мушоҳадасига берилган, жами борлиқда Оллоҳ тажаллисини кўрувчилар) (Муҳаммад Гиёсуддин, 1987:476) аҳли эканлиги

боис, илоҳий ишқдан беҳушлик ва жазба унинг доимий ҳамроҳи эди. Ана шундай ҳолларнинг бирида ундан “Сен кимсан?” деб сўрашади. У “Анал – ҳақ” деб жавоб беради. Бу ибора кўплаб олиму уламоларни, баъзи тариқат шайхларини дарғазаб қилди. Натижада Ҳаллож зиндиқликда айбланиб, мелодий 922 йилда ваҳшиёна ўлдирилди.

Улуғ сўфийнинг ўз тақдирини кашфу каромат билан башорат этганлиги бир неча манбаларда қайд этилган: “Мансур Ҳалложнинг шогирдларидан бири Абдумалик Аскофнинг эслашича, ўлимидан анча муддат олдин Ҳаллождан “Эй шайх, ориф кимдир? деб сўрашганда у: “Ориф улдурки, уч юз тўққизда, зулқаъда ойининг йигирма тўртида сешанба куни ани Бағдодда Бобутоққа элтгайлар ва аёғ – илкин кесгайлар ва кўзин ўйгайлар ва сарнигун дордин осқайлар ва танин куйдургайлар ва кулин кўкка совургайлар деб жавоб берган экан” (Ҳаққул, 1998:5). Айтилган бу фикрлар Ҳалложнинг ўз қисмати ҳақидаги башорат эканлигини тарих кўрсатди. Яна шундай ривоят борки, Ҳаллож хибсда эканлигида Имом Шиблий унинг ҳузурига келиб: “Эй Мансур, севги – муҳаббат недур?” деб сўрабди. “Бугун сўрама, эрта келғил”, - дебди Мансур. Эртаси уни қатл эттириш учун бир майдонга олиб борибдилар. Ўша ерда Шиблий ҳам бор экан. Шунда у Имомга: “Эй Шиблий, севги – муҳаббатнинг аввали ёнмоқ, охири дорга осилмоқдир”. Бу ривоят ҳам бевосита юқоридаги фикрларни тўлдиради.

Мансур Ҳалложнинг вафотидан сўнг у илгари сурган “Анал – ҳақ”лик тушунчаси тасаввуф арбоблари ва шарқ мумтоз шоирлари ижодида кенг куйланди. Ҳатто, “Анал – ҳақ” тушунчасини талқин этувчи насрий ва назмий асарлар яратилган. Бу борада ҳуруфийлик тариқати ва унинг вакиллари ижодини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Мазкур тариқат араб ҳарфларининг илоҳийлигини тарғиб этувчи тариқат бўлиб, асосчиси Фазлуллоҳ Наимийдир. Унинг ижодида ҳам Мансур Ҳаллож ва унинг “Анал– ҳақ” ғояси билан боғлиқ мисралар мавжуд.

Пумбаи ғафлат аз гўш хўжа чу орад бирун,

Бишунавад аз коинот инни аналлоҳ мо (Қулизода, 1970:113).

Мазмуни: Хўжа қулоғидан ғафлат пахтасини олса, коинотдан таралаётган “Анал – ҳақ” садомизни эшитади.)

Наимийнинг юқорида келтирганимиз байтининг иккинчи мисраси бевосита “Анал – ҳақ” ғояси билан боғлиқ бўлиб, шоир ўн саккиз минг олам, инсон, умуман мулки борлиқдаги барча мавжудот Оллоҳ тажаллисидир, деган фикрни илгари суради.

Маълумки, Мансур Ҳаллож “Анал – ҳақ” туфайли шариат пешволарининг ҳам, баъзи тариқат аҳлининг ҳам ғазабига учраган. Улар шайх Ҳалложнинг бу тушунчасини қабул қила олмадилар. Шунинг учун Наимий бу тоифага “қулоғингиздан ғафлат пахтасини олинг” ва “коинотнинг “Анал – ҳақ” садосини эшитинг” дейди.

Улуғ шоир Имодиддин Насимий ижодида ҳам Мансур Ҳаллож образи муҳим ўрин тутати. Мансурни кўкларга кўтариш ва унга тиз чўкиш Насимий ижодига тегишли хусусият саналади. Шунинг учун турк тадқиқотчиси Абдулбоқи Гулпинорли “Насимий тарихга иккинчи Мансури Ҳаллож бўлиб кирди” (Қулизода, 1970:158), - деса, Озарбайжон олими Гулизода уни “хусайния” ва “ҳалложия” тариқатига мансуб деб белгилаган (Қулизода, 1970:195). Дарҳақиқат, у Мансур Ҳалложга бўлган улуғ садоқати туфайли ижодининг илк босқичларида Ҳусайни, Сайид Ҳусайни, Сайид тахаллуслари билан ижод қилган. Шоир ҳуруфийлик тариқатининг муриди бўлгандан сўнг, асарларида муршиди Фазлуллоҳ Наимийга мос, Насимий тахаллусини қўллаган. Насимийнинг ижодида турфа мавзулар қатори шайх Мансур тимсоли ҳам марказий ўринда туради. Унинг учун Мансур Ҳаллож шижоат ва ҳақпарастликнинг нодир тимсолидир:

Мансур каби истарсан агар мансаби олий,

Йитирма бақо дорин, фано дора ёпишма! (Насимий, 1977: 25).

Насимийнинг шайх Мансурга бўлган буюк эҳтироми “Анал – ҳақ” ғояси туфайлидир. Унинг шеърий мисраларида қайд этилган:

Мансур “Анал – ҳақ” айтар, яънеки ҳақ бинем ҳақ,

Чун ҳақ аён эмиш кўрким кўрмия аёни (Насимий, 1973:151).

Шоир бутун борлиқ Оллоҳ тажаллиси эканлигини, шу жумладан инсонга илоҳий руҳ берилганлигини яна қуйидаги мисраларида гўзал бадий ифодасини яратган:

Хувал аввал, хувал охиргидир ондин иккилик ким,

Насимий ёрла жон улашди, жумла ёр ўлди (Насимий, 1973:154).

Насимий ошиқ ва маъшуқ бир бўлди, ҳамма нарса иккиликдан қутулиб, бирлик ҳосил қилди, деб “Анал - ҳақ” ғоясини кейинги ғазалларида ҳам давом эттиради :

Азалдин ичмишам жоми сафо ман,

Онинг чун сўйларам ҳар дам “Анал–ҳақ” (Қулизода, 1970:154).

Насимий шайх Мансурнинг илоҳий ишқ майидан нечоғлик сархушлигини ва унинг “Ҳақ ошиғи” сифатида якто эканлигини эътироф этади:

Қани Мансурдаин бир ҳаққа ошиқ,

Осилар ишқ ичинда боши бардор?

Қани мардонавор бир ҳаққа ошиқ,

Қани кўрмиш ҳаққи бир аҳли дийдор? (Насимий, 1977: 149).

Улуғ шоир Мансур Ҳалложни илоҳий ишқ майидан маст беҳуш ҳолда “Анал – ҳақ” дея тараннум этганлигини алоҳида таъкидлайди.

Маст ўлиб сўйлар “Анал – ҳақ” ишқ ила оламда дил,

Яънеким Мансур ошиқ ўлубон бардор маст (Насимий, 1977: 201).

Насимий шайх Ҳаллож эришган олий мақомга ҳавасла боқиб у қўлга киритган юксак чўққини забт этишга бошқа ижодкорларни ҳам даъват қилади:

*Кел осил бор дор чун Мансурлайн Мансурвор,
Оқибат мансурни Мансур осар дориға* (Насимий, 1973: 55).

Шунингдек Насимий ўзини “Анал – ҳақ” куйловчиси сифатида эътироф этиб шайх ғоясига мос мисралар битади:

Сири “Анал – ҳақ” сўйлорам, оламда пинҳон келмишам,

Ҳам ҳақ деярам, ҳақ мендадир, ҳам хатми инсон келмишам (Насимий, 1973:71).

Таъкидлаш жоизки, бу икки оташин ҳақ ошиқларининг тақдирлари бир – бирига маълум маънода ўхшаб кетади. У ҳам шайх Ҳаллож сингари зиндиқликда айбланиб, ваҳшиёна ўлдирилди. Бу ҳақида Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида ҳам маълумот берган. Забардаст шоир Насимий Мансур Ҳалложга том бир ихлос билан қараб, унинг қайноқ ғояларини ўз ижодида ёритди. Ҳаллож каби “Анал – ҳақ” дея куйиб ёнди.

Кўринадики, Мансур Ҳаллож ғоялари ва ҳуруфийликда илгари сурилган шижоат, матонат, танлаган эътиқодига садоқат, адлу – амниятга бўлган юксак муҳаббат каби умумбашарий ғоялар юртимизда баркамол авлодни тарбиялашдек улуғ мақсад йўлида беминнат хизмат қила олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Навоий А. Насимий ул – муҳаббат. МАТ 20 жилдлик, 17 – жилд.– Тошкент: “Фан”, 2001.
2. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс – ул – луғот. –Душанбе: “Адиб”, 1987.
3. Насимий. Девон. –Баку: “Қизил Шарқ”, 1973.
4. Насимий. Асарлар. Тошкент. “Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти”, 1977.
5. Қулизода. Хуруфизм и его представители в Азербайджане. –Баку: “Элм”, 1970.
6. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. –Тошкент: “Маънавият”, 1998.
7. Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. -Тошкент. “Шарқ”, 2007.

ТАРЖИМАДА ИЧКИ ШАРҲ ВА ИЛМИЙ ИЗОҲ ХУСУСИДА

TERCÜMEDE İÇ YORUM VE BİLİMSEL AÇIKLAMA HUSUNDA

*Ўрмонова Нигорахон Мўминовна,
филология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон миллий университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Ormanova Nigorahon
Özbekistan Milli Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ўзбек классик адабиётидан француз, ўзбек тилларига қилинган таржималарни қиёсий таҳлил қилиш; уларнинг аслиятга бадий услубий мослиги даражасини белгилаш; ушбу халқлар адабиётидаги ўзига хос ва муштарак хусусиятларни аниқлаш; ёзма манбаларнинг замондош китобхонларга етиб боришидаги ютуқ ва камчиликларни аниқлаш.

Таянч сўзлар: Таржима, адабий мерос, мумтоз асар, тарихий давр руҳи, тарихий архаик сўзлар.

Annotation. This article is about comparative research of French, Uzbek translations of Uzbek classical literary works defining the level of stylistic adequacy to the original, revealing peculiarities (general and specific) in translation, analysis of shortcomings and achievements of existing translations and their communicative effect on the modern reader. It shows the influence of original work to translation and differences between them.

Key words: Translation, literary heritage, classical literary work, the historical spirit of epoch, historical-archaic words.

Özet: Bu makalede Klasik Özbek edebiyatından Fransızcaya ve günümüz Özbekçesine yapılan tercümeleri mukayeseli analizi; tercümelerin eserlerin asıl dilinde mevcut olan bedii usluba uygunluk derecesinin tespiti; söz konusu halkların edebiyatında görülen özel ve ortak özelliklerin ortaya konması; klasik edebiyat ürünlerinin çağdaş okurlara ulaşmasındaki başarılar ve eksikler üzerinde durulmuştur.

Anahtar kelimeler: Tercüme, edebiyat mirası, klasik edebiyat eseri, geçmiş ruhu, arkaik kelimeler.

Шарҳ адабиёти ва тарихнавислиги намуналарини Европа тилларига таржима қилишда ички шарҳ, илмий изоҳ зарурий ҳодиса бўлиб қолмоқда. Чунки бундай асарлар таржимасида аниқликка, аввало, унинг илмий ҳамда тарихий манбалигини сақлаш орқали эришилади.

Классик асарларда қўлланган ва ҳозирда биз учун тарихий сўз ҳисобланган тил воситалари ўтмиш даврга хос бўлган ижтимоий

муносабатларни тасвирловчи бирликлар бўлиб, уларга контекстда асосий вазифа юклатилгандир. Айти тарихий-архаик лексика қайси тилдан кириб келган бўлмасин, у XV-XVI асрлар ҳаётида муҳим алоқа воситаси бўлиб, муайян бадий ёки тарихий асарларда, шунингдек, маъмурий ва ҳуқуқий (фикҳий) ҳужжатларда қўлланиб келинганини кўриш мумкин. Чунончи, бек, амир, қозикалон, миршаб, сипоҳий, муҳрдор каби амал-мансабни англатувчи сўзлар “Бобурнома”, “Ҳумоюннома” каби асарларда кенг қўлланилган. Бунда ҳар бир тарихий сўз, ибора ёки атаманинг қўлланиш доираси, истеъмолдаги қўлами, маънолари, ифодавий кўринишлари, талаффузи таржимонлар томонидан эътиборга олинган.

Шарқ тарихий манбалари таржимасида тарихий-архаик лексикани ўгиришда контекстга асосланган транслитерация энг кўп қўлланилган усулдир. Таржимонларнинг ушбу усулдан фойдаланишларига бир қатор сабаблар бўлиб, улар тарихий-миллий ҳамда давр руҳининг аслиятда қолдирган изи икки тил воситаларини бир-бири билан алмаштиришни инкор этиши; тарихий-миллийликни англатувчи тил воситаларининг таржима тилида акс этмаганлиги, уларнинг аслиятда акс этган халқ турмушига хос нарса ва ҳодисаларнинг номларини англатиши; аслиятда қўлланилган тархий-архаик лексиканинг маъносини маълум даражада очиб бера оладиган муқобиллари таржима тилида борлиги, аммо контекст талабига кўра улар ўзаро тўла муқобил бўла олмаслиги кабилардир.

Қуйида “Бобурнома” аслиятида бир неча ўринларда қўлланилган арабча “*тарҳ*” сўзи таржимасини кўриб чиқсак.

Тарҳ - а. 1. ташлаш, олиб ташлаш. 2. Қурилган бино лойиҳаси, кўриниши. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1981: 97, 130).

Тарҳ - 1. Режа, лойиҳа, жадвал. 2. Тартиб, тузум, тузиш (НАЛ, 1972: 598).

Бу сўз “Бобурнома”да луғатдаги маъноларидан ташқари “қўшиннинг жанговар ёрдамчилари”, “захирадаги қўшин” маъноларида ҳам қўлланган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз қўшинини анъанавий 5 таркибдан ташқари, яна ёрдамчи таркиб (Дадабоев, 1990: 45), кўмак, мадад қисмга ҳам ажратган. Бу бўлинмалардан зарур ўринлардагина фойдаланилган.

Баъзи манбаларда келтирилишича, *тарҳ* захирадаги илғор бўлинма бўлиб, уни Бобур бутун ҳарбий юришлари давомида фақат бир мартагина Панипат (Азимжанова, 1977: 114) жангида қўллаган. Қуйида

1). “Абдулазиз Миронхурни *тарҳқа* тайин қилиб эдук” (Бобурнома, 1989: 244). Б.Граммон таржимаси: “Nous d’signames Abdulaziz Maître des ’curies au commendement *de la reserve*” (Б.Граммон, 1985: 251).

2). “... бу жиҳатдан Абдулазизниким *тарҳқа* муайян эди, буронғорға кўмак юборилди” (Бобурнома, 1989: 244). Б.Граммон таржимаси: “Abdulaziz qui avait ’t’ affect’ a la r’serve fut envoy’ pour *le renforcement*” (Б.Граммон, 1985: 251).

3). Яна бир мисол: “... Андин кўчбаркўч юруб келиб Гузарға туштук, мунда ҳам бир неча сўзлашмоқ *тарҳини* солдук” (Бобурнома, 1989: 188).

Б.Граммон таржимаси: “De la, nous *proposames* de nouveau aux Arghuk *de discuter* avec nous” (Б.Граммон, 1985: 197).

4). Ва яна “Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошқа буюрулдики, бир калладор мусамман ҳавз бу якпора саҳн бўлғон тошнинг устида *тарҳ* қилди” (Бобурнома, 1989: 312). Б.Граммон таржимаси: “... j’ordonnai à maître Chah Muhammad le Tailleur de pierre *de creuser* un bassin octogonal couvert ...” (Б.Граммон, 1985: 311).

Келтирилган мисоллардан кўринадик, таржимон Б.Граммон аслиятдаги *тарҳ* сўзининг турли маъно нозиклигини бера олган. Биринчи ва иккинчи мисолда “тарҳ” аслиятда қўлланилган *мадад–aide*, *қўмак–la reserve*, *le renforcement* каби сўзларнинг синоними сифатида қўлланилган. Учинчи мисолда *сўзлашиш режасини тузиш* ва тўртинчи ҳолатда эса *қуриш* маъноларини ифодалаган.

“Ҳумоюннома” таржималарини аслият билан қиёсий ўрганиш жараёнида шунга амин бўлиндики, асарда акс этган тарихий воқеа-ҳодисалар таржимонларга ҳамиша ҳам тушунарли бўлган эмас. Бу каби ҳолларда мутаржимлар тарихийархаик сўзни изоҳсиз ташлаб кетган ёки изоҳ берса ҳам, унда ўзининг икки хил фикрини билдириб ўтган.

Аслиятда: “Бегим дар жавоб гуфтанд, ки Хуросонро *ду донг* мегуянд ва Ҳиндистонро *чаҳор донг*, ҳар гоҳ, ки дар *ду донг* баҳам расад, дар *чаҳор донг* худ ба тариқи авло баҳам хоҳад расид ...” (“Ҳумоюннома”, 94). С.Азимжонова таржимасида: “Бегим бунга жавобан: Хуросонни *икки дон*, Ҳиндистонни эса *тўрт дон*, дейдилар. *Икки дон* жойда бўлган нарса, албатта, *тўрт дон* жойда яхшироқ бўлади, деди” (Гулбаданбегим, 1959: 81). Бу таржимада “донг” сўзи “дон” деб келтирилиб, хатога йўл қўйилган ва жумла мазмуни китобхонга ноаниқ бўлиб қолган. Французчада: “Ce jour-la, Châh-zada Sultânâm demande a Namîda Bânû Baygam s’il y avait de tels *tchatr* (*Chatre (chatra), sorte de tante en forme d’ombrelle*, (Gul-Badan Baygam, 1996: 231) et de tels *tâq* (*Tente a toit arrondi ou construction en forme d’arch*, (Gul-Badan Baygam, 1996: 231) eu Hindoustan. La Baygam r’pondit: “On dit qu’*g deux dâng* du Khorasan correspondent *quatre dâng* de l’Hindoustan. Quand une chose peut tenir *en deux dâng*, il est clair que cela sera encore mieux *en quatre dâng*” (Gul-Badan Baygam, 1996: 115). Таржималардан келтирилган парчалар қиёсланса, “*чипру тоқ*” (бу ўринда чодир маъносида келган. Таъкид бизники. –Н.Ў.) замондош ўзбек китобхонига тушунарсиз, аммо француз таржимони бу тарихий сўзни тасвирий усул билан изоҳлаган. Энди *дон–dâng* сўзига келсак, бизнингча, таржимонлар унинг маъносини тўла очиб бера олмаганлар. Француз таржимони изоҳда: “Sens exact peu clair: il peut s’agir d’un grain, du quart ou du sixi’me de quelque chose” (Gul-Badan Baygam, 1996:231), “бу бирон нарсанинг уруғи ёки олтидан бир қисмини билдиради” деб тахмин қилади ва “сўзнинг асл маъноси тушунарсиз” (Таржима бизники. –Н.Ў.), деб айтади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, “донг” сўзининг луғатдаги маъноси француз таржимонига тушунарли, аммо таржимада матн моҳияти

очилмай қолган ва тахминдан нарига ўтилмаган. Натижада тарихий сўзнинг маъноси, контекст мазмуни китобхонга тушунарсиз ҳолда қолдирилган.

Ҳумоюннома”нинг французча таржимасида (Hasan Rumlu дан олинган) ушбу жумлага дуч келамиз: “Le chah, refuge de la Religion, entra dans la tente, accompagn’ de l’ Empereur Humâyûn, et ils prirent place ğ un endroit convenable. Entre autres pr’sents, il y avait un diamant d’un poids de quatre *misqâl* et quatre *dâng*” (Gul-Badan Baygam, 1996: 114).

Энди донг сўзининг луғатдаги маъноларига эътибор қаратсак. Донг – 1. Аз шаш ҳисса як ҳисса, шашьяки ҳар чиз. 2. Воҳиди вазнест, ки дар асрҳои мухталиф ва маҳалҳои гуногун вазн ва баҳои он мутаовит буд ва ҳоло баробари шашьяки дирам аст (як дирам ду қирот ва ҳар қирот аз 0,19 грамм иборат аст) (Фарҳанги забони тоҷики, 1969: 592).

Шундай қилиб, таржимада сўзларнинг айна контекст ичида қандай маъно касб этганлигини тушуниш ва сўнгра унга мувофиқ келадиган муқобил сўз (ёки ибора) топа билиш жуда муҳимдир. Классик асарлар, ноёб ёзма обидаларнинг ҳар бири алоҳида илмий тадқиқот манбаидир. Демак, бу борада илмий изланишлар ҳали давом этаверади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Москва: Рус тили, 1981.
2. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
3. Дадабоев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Ташкент: Фан, 1990.
4. Азимжанова С. Государство Бабур в Кабуле и Индии. –Москва, 1977.
5. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989.
6. Le livre de Babur (Babur-nama), Memoires du premier Grand Mongol des Indes (1494-1529). –Paris, Imprimerie Nationale, 1985. Б.Граммон таржимаси.
7. “Ҳумоюннома”нинг L 17122 рақамли форсча қўлёзма нусхаси ҳамда ҳижрий 1307 (мелодий 1889-1890) йилларда чоп этилган 9658-рақамли тошбосма нусхаси.
8. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома. –Тошкент: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959.
9. Gul-Badan Baygam. Le livre de Humâyûn (Humâyûn-nama), – Paris, Imp. Nat., 1996.
10. Фарҳанги забони тоҷики. – Москва: СЭ, 1969. Т. I.

“СУКУТ ҲАҚҚУШИ” ҲАҚИҚАТИ

“SÜKÛT HAK KUŞU” KİTABININ ÖZELLİKLERİ

*Мўминова Саодат Араловна,
филология фанлари номзоди,
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Dr. Muminova Saadet Aralovna,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек адабиётининг истеъдодли вакилларида бири шоир Ўроз Ҳайдар шеърияти таҳлили берилган.

Калит сўзлар: Шеърият, метафора, ошиқ, туйғу, инсон, табиат, ташбеҳ, жанр.

Annotation. This article analyzes poet Uraz Haydar's poetry, one of the most talented representatives of Uzbek literature.

Key words: Poetry, metaphor, love, emotion, human, nature, tashbeh, genre.

Özet. Makalede Özbek şiirinin yetenekli temsilcilerinden biri olan Oraz Haydar'ın şiirleri analiz edilmiştir.

Anahtar Sözcükler: Şiir, metafor, aşık, duygu, insan, teşbih, tür.

Мумтоз шоир Алишер Навоий ҳақиқий ошиқни "... дард билан яшайди, унинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам пок бўлади. Ишқ уни ўз "мен"идан пок қилиб, ҳатто фано ўтига ҳашак қилган бўлади. Юзини сариқ қилиб, дардини яширади; кўзини ариқ қилиб ёш оқизади", - дея таърифлаган эди (Навоий, 1974:73). Дарҳақиқат, ҳақиқий ошиқнинг аҳволи дил изҳоридан, ҳолатидан билинади. Ноёб истеъдод соҳиби Ўроз Ҳайдар шеърияти ана шундай самимий дил изҳоридан, инсонга бўлган чин муҳаббатдан яралган. "Сукут ҳаққуши" деб номланган шеърий тўпламга (Ўроз Ҳайдар, 2018) киритилган шеърларнинг мавзу-мундарижасини кўздан кечирар эканмиз, унда "Огаҳий этагин тутган мироб" қалбининг "ўзансиз дарё"дек товланишларини кўрамиз.

Ўроз Ҳайдар–сўз устаси. У сўзни "қайлиқ сайлагандек" (Асқад Мухтор) танлайди, уни дилга бўйсундира олади, доимо ғаройиб сўзларни танлаб қўллайди. Бу ҳолни тўпламнинг номланишидаёқ кўриш мумкин: "Сукут ҳаққуши"! "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да "сукут" сўзига "Кимсадан ёки ҳеч кимдан чурқ этган товуш, садо чиқмай жимлик ҳукм сурган ҳолат, сўзсизлик" ва "Ҳаққуш" сўзига эса "Узун оёқли қушлар туркумининг қарқаралар оиласига кирувчи парранда" дея таъриф берилган. Ҳаққуш "ҳақ-ҳақ" деб сайрар экан. "Каптарлар халқа бўлиб, ҳаққушлар ҳақ-ҳақ деб, қумрилар дўст тортиб, ғазалайлар сайраб, боққа оройиш бериб,

нағмасозлик бир муносиб ярашиб турибди”, “Равшан” достонидан (ЎТИЛ, 2008).

Кўрамизки, шоирлар ҳам рамзий маънода ҳаққушлардир. Уларнинг шеърларида, ҳатто сукутларида ҳам катта маъно мужассам.

Ўроз Ҳайдар шеърларини мутолаа қилар эканмиз, уларнинг мавзуси адабиётнинг абадий мавзулари: олам ва одам муносабатлари ҳақида эканлигини кўрамиз. Дунё яралибдики, шоирлар инсоний туйғулар, дард-аламлар, изтиробларни қаламга оладилар. Бундан Ўроз Ҳайдар ҳам истисно эмас. Шоирнинг “Ниқоб базми” номли шеърини кузатайлик:

*Ҳамма ниқоб кийган–ниқоблар сайли,
Хали чошгоҳ бўлмай қизғин паллада.
Зебра йўртиб борар, лапанглар айиқ,
Сичқон каламушга ўқир баллада.
Шоқол тортиб олиб қундузнинг хумин,
Чиптасига ютуқ чиққандай шодмон.
Тулки юлиб қочар шайтоннинг думин,
Кўр шерни масхара қилади қуён.
Бир четда бўрига:–Сенсан муттаҳам,
Дея шохин ниқтаб қўчқор урар дўқ.
Томоша кўрсатур томошабин ҳам,
Улар орасида фақат одам йўқ (Ўроз Ҳайдар, 2018: 14).*

Тасаввур қилинг: базмда барча ҳайвонлар ниқоб кийган ҳолдалар. Сичқон каламушга баллада ўқимокда, тулки шайтоннинг думини юлқиб қочмоқда, қўчқор бўрига дўқ урмоқда, ҳатто томошабин ҳам томоша кўрсатмоқда, фақат улар орасида **одам** йўқ. Қизиқ ҳолат. Томошабин ким? Шоир одам деганда кимни кўзда тутяпти? Яшаш учун муроса-мадорани устун қўювчиларними? Ўз манфаати учун ҳар қандай ролни актёр каби ўйнайдиганларними? Фақат қорин ғамида эртаю-кеч меҳнат қиладиганларними? Аслида, ер юзидаги энг катта худбинликлару, ёвузликларнинг ижодкори, сабабчиси одам эмасми? Инсон ва табиат азалдан бир-бирига мутаносиб, зеро, инсон табиатнинг ажралмас узвидир. Инсон ҳаёти мобайнида шу қадар чалкаш ҳолатларга тушиши мумкинки, бунинг оқибатида у ўзлигини сақлаши, мувозанатини ушлаши ҳам қийин бўлиб қолади. Чор-атроф ниқоб кийганлар билан қуршалган. Ана шундай “ниқоб кийган” лар даврасида виждон амри билан яшайдиган, ҳалол, пок қалбли одамлар мисоли зулмат ичидаги нур каби ёруғ юз билан яшайдилар, улар “томоша” кўрсатмайдилар, суратлари ва сийратлари бир бирига ҳар доим мос. Шоир одам деганда ана шундай ўз эътиқодида собит инсонларни назарда тутди.

“Метафора тушунчаларнинг тасаввурдаги уйғунлигидир. Тасаввурни янгиламай туриб на метафорани, на сўзни янгилаб бўлади. Тушунчалар воқелик турган жойда фақат исмдир. Воқелик тасаввурга айлангач, унинг

эврилиш жараёни кучаяди. Тасаввур тушунчага эркинлик беради”, –деб ёзган эди истеъдодли адабиётшунос Назар Эшонқул (Назар Эшонқул, 2014:82). Ўроз Ҳайдар шеърларини теран тасаввурсиз, интеллектуал ҳозирликсиз ўқиб бўлмайди. Мисол учун унинг “Вақт” деб номланган шеърини тушуниш учун бой тасаввур олами керак:

*Ҳавога учаётган Вақт ҳавоникидир,
У ҳеч кимники эмас.
Улаб бўлмас ип кабидир
Ўтган Вақт.
Вақт саркашдир,
Ёввойи кўтосдай сузади олдга,
Қарагин ортга денг, қарамайди у,
Худди улкан махлуқ ортидан таъқиб этаётгандек.
Қаҳратонда қор кечиб
Яп-яланғоч кетаверади.
Қум қайнаётган саҳрода ҳам
Ялангоёқ, кийимсиз кетаверади.*

Вақт Оллоҳники. Инсонга бериладиган вақт–бу умр. Кимдир ундан оқилона фойдаланади, кимдир уни ҳавога совуради, кимдир уни ёмонлик қилишга сарфлайди, кимдир эса уни эзгу амаллар қилиб абадиятга муҳрлайди. Умр– ўлчовли, чегарали. Бенаф ўтган вақт “узилган ип”дир. Вақтнинг “Қаҳратонда қор кечиши”, “Яп-яланғоч, кийимсиз, ялангоёқ” (мазмунсиз) юришини тасаввур қилинг. Аслида вақтнинг қаҳратонда қор кечиши инсон умридаги қийинчилик пайтлари, вақтнинг “яланғоч, кийимсиз, ялангоёқ” эканлиги бенаф ўтган умр дамлари эмасми?

*Вақт доим
Жар ёқасида ўлжасини кутади,
У бизни қаршиласа шундай қаршилар (77-бет)*

Нега вақт бизни айнан жар ёқасида кутади? Фикрлашга уринамиз. Машхур ҳинд эпоси “Калила ва Димна”даги машхур ҳаким Барзуянинг фикрича, инсондаги энг хавфли касалликлардан бири мол-дунё тўплаш касаллигидир. Бу қутурган туядан жар устига эгилган икки шохга осилиб қутулиб қолмоқчи бўлган одамнинг ҳолини эслатади. Одам оёқ қўйган жар ёқасидаги индан тўртта илон бош чиқариб туради. Тепада осилган шохларнинг бирини оқ, бирини қора сичқон муттасил кемириб туради. Жаҳаннамдай жарда эса улкан аждаҳо оғзини катта очиб туради. Шохларнинг бири устида асалари уяси. Одам асалга қўл узатади (*нафс*) ва асалнинг ширинлигидан боши айланиб жарга қулайди. Жар – бу дунё рамзидир. Шоирнинг фикрича, “Вақтнинг макони йўқ, манзили ҳам, Барча бекатлар уникидир. Аммо бекатлардан изламайди у ўлжасини”. Ҳа, вақт ўлжасини бекатда эмас, айнан жар ёқасида кутади. Шеър мисралари инсонларни огоҳликка чақиради, омонатга берилган вақтдан унумли

фойдаланишга, мазмунли, ибратли умр кечиришга, кўнгиллардан пок туйғуларга жой ҳозирлашга ундайди. Мана шеърдаги мағиз, моҳият.

Шоирнинг сукут ҳаққуши “Ёлғон–тинчлантирувчи малҳам, жиндай истеъмол қилиб кўринг, кўрмадим дейсиз кўрганингизни, бажарамиз дейсиз, аммо юмуш йўқ, буюртма берасиз қандайдир ишга”, “Менинг жимжитлигим–сенинг исёнингдир”, “Муҳаббат бўлмаса ҳеч нарса йўқдир”, “Марҳум нон тишламас, сукутда мудом” (*фақат марҳумларда нафс бўлмайди! Марҳумлар оламининг сукутида дунё ҳикматлари мужассам*), “Ҳеч қачон адашмайди Бир умр ўрнидан жилмаган одам” (*Ишламаган одам хато ҳам қилмайди*), “Эрки ўғирланган одамнинг Ватани бўлмайди ҳеч қачон” дея сайрайди.

Ўроз Ҳайдар шеърлари бадий жиҳатдан бақувват. Уларда ноёб ташбеҳу жонлантиришлар бисёр: “Ҳавога учган вақт ҳавоникидир”, “Ҳадга тузоқ солар ҳадсизлик”, “Чексизликнинг чегараси бор”, “Тирикликнинг қаҳҳор сабоғи”, “Дарё оқ илондай жимжит ўрмалар” каби мисралар буни исботлайди.

Шоирнинг нияти эзгу: инсон номига муносиб яшасин, унинг тоза кўнглида покиза хислату фазилатлар унсин. Дунёда эзгу амалли, пок қалбли, инсонларнинг сафи кенгайсин, барча инсонларга “Ҳаққуш” бўлиш насиб этсин!

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. -Тошкент, 1974, 73-бет.
2. Ўроз Ҳайдар. Сукут ҳаққуши. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2018.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент, 2006-2008.
4. Назар Эшонқул. Мендан “Мен” гача. –Тошкент: “Академнашр”, 2014.

ЎЛМАС УМАРБЕКОВ ҲИКОЯЛАРИДА МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

ÖLMES UMARBEKOV'UN ÖYKÜLERİNDEKİ MİLLİ GELENEKLERİN EDEBİ TELKİNİ

*Гулчеҳра Имомова,
Қарши давлат университети
доценти (Ўзбекистон)*

*Gulçehre İmamova,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мазкур мақолада ёзувчи Ўлмас Умарбеков ҳикояларидаги миллий анъаналар бадиий синтез билан уйғун ҳолда таҳлил қилинган.

Калит сўз : ҳикоя, воқелик, синтез, анъана, талқин, образ, қаҳрамон.

Annotation. This article analyzes national traditions in the stories of writer Oilmas Umarbekov in a harmonious way with artificial synthesis.

Key word: story, realism, synthesis, tradition, interpretation, image, hero.

Özet. Makalede tanınmış yazar Ölmes Umarbekov'un öykülerindeki milli geleneklerin edebi özellikleri kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler. Öykü, olay, sentez, gelenek, telkin, timsal, kahraman.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб ўзбек ҳикоячилигида кескин бурилиш юз берди. Бу даврга келиб адиблар воқеликни шунчаки тасвирламасдан, балки кишилар характеридаги, онгидаги ўзгаришларни ҳиссий ва руҳий тарзда акс эттиришга интилдилар. Мана шу даврда яратилган айрим ҳикояларда халқимизнинг маънавий-ахлоқий қарашларини, онгидаги эврилишларни тасвирлашга мойиллик кўчайди.

Ўлмас Умарбековнинг “Қиёмат қарз” (Умарбеков, 1984: 82-89) ҳикояси халқимиз маънавиятига мансуб омонатга хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, кишиларга олийжаноблик билан муносабатда бўлиш каби хислатлар улуғланади.

Чунки реал ҳаётда ўзгалар ҳақидан тап тортмаслик каби нохуш тамойиллар авж ола бошлаган эди. Ижодкор ана шундай тамойилларнинг олдини олиш, ҳаётда кенг қулоч ёйишига йўл қўймаслик учун ўз ҳикоясининг бош ғоясини омонатга садоқат билан муносабатда бўлиш мавзуйига қаратади.

Маълум бўладики, адиб ўз асари учун танлаган мавзу ва ифодамоқчи бўлган ғояси жиҳатидан ўша давр ҳикоячилиги учун “ностандарт” ҳисобланар эди. Бундай “ностандартлик” эса ижодкордан икки хил анъанани таққослаш орқали воқеликни бадиий тадқиқ этиш йўлидан боришни талаб этар эди.

Сарсонбой ота уруш туфайли ёлғиз фарзандидан жудо бўлади. Устига устак ҳамқишлоғи Ҳайдарали урушга кетаётиб омонатга ташлаб кетган иккита қўй ҳам орадан йигирма йил ўтгандан кейин қирқтадан ортиб қолган. Ҳайдарали дом-дараксиз кетгач қўйларни кимга топширишни билмаган Сарсонбой ота, ҳар бозор куни дўсти Мадумарнинг чойхонасига келиб, чойхона деразасидан бозордаги одамларни кузатади. Унинг мақсади бозорга келган одамлар орасидан Ҳайдаралини топиш ёки у ҳақда бирор хабар эшитиш эди. Бироқ унинг бундай ҳатти-ҳаракати ҳеч қандай натижа бермайди. Вақт эса ўтиб борар, Сарсонбой ота зиммасига олган омонатни беҳиёнат эгасига топшириш умидида яшар, ҳар куни қўйларни олдига солиб, қирга чиқиб кетар эди.

Кунларнинг бирида қир этагига дам олиш учун уч-тўрт йигит келади. Улар қўйлардан бирини сўйиш учун сотишини сўрашади. Ота бунга кўнмайди. Шунда улар қўйлардан бирини тутиб олишга ҳаракат қилишади.

Сарсонбой ота уларни бу ишидан қайтаришга уриниб, ҳикоянинг бош ғоясини ифодаловчи қўйидаги сўзларни айтади;

“- Ҳозир биттасини ўзимиз тутиб олсак-чи?- йигит илжайди.

- Ундай қилмайсиз. Омонат дедим-ку бўтам.

- Жуда зиқна экансиз-да!- йигит аччиқланди.- Битта қўй нима, одамдан ҳам азизми?

- Нима дейсан?- деди йигитлардан бири.

- Юр, биттасини тутиб келайлик. Раисга узимиз жавобини берамиз.

Йигитлар тош қалъа томон йўл олишди.

- Тухтанг! Қичқирди Сарсонбой ота

- Мукулмон боласимисизлар, меники эмас, дедим-ку! Эгаси йўқ бу қўйларнинг, урушга бедарак кетган, йигирма йилдан бери боқиб юрибман... Инсоф борми? Йигитлар тўхтаб қолишди, кейин битта-битта орқага қайтишди.

- Кечиринг, ота, билмадик, - деди кимдир. Сарсонбой ота индамади. Унинг рангида қон қолмаган, лаблари титрарди.

- Узр бобой!”

Адиб Сарсонбой ота билан йигитларнинг учрашини ҳамда мулоқатлари орқали икки хил анъананинг тўқнашувини ва бу тўқнашувда ҳалолликнинг ғолиб чиқишини беришга интилади.

Ушбу эпизод ҳалолликнинг енгиши билан якун топади. Албатта ҳаётда бунинг акси бўлиши мумкин. Лекин ижодкорнинг эстетик идеали бундай якун билан келиша олмас эди. Чунки адибнинг эстетик идеали воқеликни гўзаллик қонуниятлари асосида тасвирлашни талаб этади.

Дарҳақиқат, эстетик идеал ижодкорнинг дунёқараши, мафкуравий, диний ҳамда инсоний туйғулари асосида шаклланган бўлиб, у бу идеалдан чекинишга изн бермайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳикоя Сарсонбой отанинг омонатга хиёнат қилмаслик, аҳдига садоқат билан, келгусида ўз мақсадига эришажаклигига умид қилиб уйига қайтиши билан якунланади.

Чинакам фарзанд ота-боболарининг касб-корини давом эттириши, уларга хос ижобий хислатларни ўзида шакллантириши зарур. Шу жиҳатдан қаралса, Ўлмас Умарбековнинг “Чарос” (Умарбеков, 1984: 79-82) номли ҳикояси алоҳида диққатга сазовор.

Ҳикоя “мен”- I шахс томонидан баён этилади. Маълум бўлишича ҳикоя қаҳрамони эрталаб ишга кетаётиб, бир эшик олдида чарос еб турган болани кўриб қолади. Бу унинг болалик хотираларини ёдга солади. У мактабга ўқиб юрган чоғлари қишлоқдаги катта узумзорга ўртоқлари билан ўғирликка тушади ва боғбоннинг қўлига тушиб қолади. Боғбон уни эргаштириб чарослар пишган жойга олиб боради;

– Тузукми ? – деди чол менга қараб ва кулиб қўйди. Кўкрагига тушиб турган қалин оппоқ соқоли силкиниб кетди – Тузук бўлса, шундан ўзиб бераман.

У қийиғига осиб қўйган пичоғини қинидан суғуриб узум уза бошлади. Бир наstdа яктагининг иккала бари тўлиб кетди.

- Мана болам, ол. Ўртоқларингга ҳам олиб бор. (Умарбеков, 1984: 81)

У чолнинг раҳмдиллигию мурувватидан карахт бўлиб қолган эди. Унинг хотирасида бобонинг қизил этиги, оқ этаги-ю, белидаги кўк қийиқ сақланиб қолган эди. Бу хотиралар уни ўз қишлоғига бошлайди. Қишлоқ анча ободанлашган, узумбоғ ҳам ўша-ўшандай яшнаб турибди. Боғ девори тагида ёнғоқ ўйнаб ўтирган уч-тўрт боладан у боғбон чолни сўрайди. Болалардан бири боғбоннинг ўтган йили вафот этганини айтади. У боғдан нарироққа бориб, туриб қолади. Шунда;

- Қани, ҳой болалар! Болалар-ов! – деган овоз эшитилди. Шарта узумзор томонга угирилдим. Деворнинг орқасида оппоқ яктагининг этагига тўлатиб узум солиб олган бир йигит жилмайиб турарди. Мен то ўзимни ўнглаб олгунимча болалар этакни бўшатишди, йигит узумзор ичига ғойиб бўлди.

- Ким бу? сўрадим ҳалиги боладан боққа ишора қилиб.

- Узумчи буванинг ўғиллари. (Умарбеков, 1984: 81)

Ҳикоячи адиб ўқувчи диққатини муҳим иккита деталга тортади. Улардан бири ёш боғбон йигитнинг кийган кийимлари айнан отасиникига ўхшашлигида бўлса, иккинчиси йигитнинг ота касбини давом эттириши ва унга хос хислатларни ўзида сақлаганлигида кўзга ташланади. Бу билан ижодкор ҳар бир инсоннинг фарзанди отаси бошлаган ишларнинг давомчиси, унга хос саховотпешаликни ҳам эгаллаб олиши зарур деган ғояни илгари сўради.

Хуллас, Ў.Умарбековнинг мазкур ҳикоясида анъаналар сатҳидаги бадиий синтезнинг ўзига хос нозик қирралари акс этган.

Нурулла Отахоновнинг “Дунё кенг...” (Отахонов, 1986: 14-20) ҳикояси ниҳоятда ҳаётий мавзуга бағишланган. Унда Мастон, Сорабону ва Соттихон

исмли кампирларнинг ўзаро муносабатларини тасвирлаш орқали айрим ўзбек аёлларига хос бўлган ёмон бир иллат ҳақида сўз юритилади.

Маълумки, баъзи ўзбек аёллари бўш қолди, дегунларича, бир-бирларининг иғвосини қилишади. Ёзувчининг учта кампирни танлаши бежиз эмас. Бу учликдан иккитаси учрашиб қолса, албатта, учинчисини ёмонлаш бошланади. Уччаласи учрашиб қолсалар, ўзларини ўзаро гўё иноқдек тутадилар, бир-бирларни мақтайдилар.

Кекса аёллар характериға хос бундай ноқис сифатларни адиб ўқувчига жуда ишонарли тарзда тасвирлайди. Уларнинг суҳбатида оддий маиший воқеа ва деталлар ўта топқирлик билан қўлланилган. Кампирлар бир-бирларини ёмонлашар экан, бу дунёнинг ўткинчилигини унутиб қўядилар.

Ҳикоя масаланинг моҳиятини очиб берувчи қуйидагича фалсафий талқин билан яқунланади;

Дунё кенг экан, одамлари турфа экан, умр эса- оқар дарё. Мен билганим шу бўлди, азизлар. Энди ер юзидан у кампирларнинг изи учган, ер тагида жисми ҳам қуриб битган.. Бор-ўғи ўн йил ичида, демак, ҳаш- паш дегунча..

Аввал Сотти шилпиқ оламдан ўтди. Бу жудолик Сорабону билан Мастон кампирни етим қилиб қўйди. Лекин илож қанча айюҳаннос солиб қолаверишди. Молнинг ўлимига мол чидайди, одамники бўлакча-да, азизлар.

Кейин... Мастон кампир қазо қилди. Дунёни хувиллатиб кетди, бояқиш.

Охири Сорабону... Айтишларича, жон таслим қилгунча Сорабону тоза қийналган эмиш. Ўлимидан олдин фақат бир-икки лаҳзагина ҳушига келибди, тилга кирибди, ўшанда ҳам зўрға ; юрагим сиқилиб кетаяпти”, дея олибди холос.

Начора, дунё кенг, одамлар турфа... ишонинг, азизлар. (Отахонов, 1986: 20)

Инсон табиати қизиқ. Ўзи кенг жаҳонга сиғмаган ҳолда уни кичкина юрагига жойламоқчи бўлади. Шунинг учун у ўзгалар билан келиша олмайди. Инсон табиатидаги барча ярамас иллатлар мана шундан келиб чиқади.

Мастон кампир, Сорабону ва Сотихонлар оламдан кўз юмишди. Лекин улар тириклик чоғларида бир-бирлари билан келиша олишмади. Дунёнинг ўткинчилигини англаб етмадилар. Инсон табиатига хос хусусиятларни адиб кампирлар ўртасидаги бир- икки мулоқат воситасида очиб беришга ҳаракат қилади.

Диққат қилинса, ҳикояда бадий синтез йўқдек туюлади. Аммо жиддийроқ қаралса, унда икки қутбли синтезнинг бир қутбини кўриш мумкин. Синтезнинг иккинчи устувор қутби ўқувчи онгида жонланиб туради. Чунки тириклик пайтида бир-бирларини кўра олмай иғво қилиб юрган кампирлар йўқликка кетгандан кейин ҳам дунё кенглигича қолаверди.

Адиб ҳикоя орқали кишиларни инсофга бир-бирларини қадрлашга ва ўткинчи ҳаётда инсофли бўлишга даъват этади. Агар бу даъват оддий

ифодаланса, таъсири камроқ бўлар эди. Шунинг учун ёзувчи ўз даъватини таъсирчанлигини таъминлашда анъаналар сатҳидаги бадиий синтезга мурожаат қилади ва уни мувоффақиятли амалга оширади.

Анъаналар сатҳидаги бадиий синтез бўйича олиб борган кузатишларимиз бизга қуйидагича хулосаларга келишга имкон беради;

- Халқимиз ранг- баранг маросимлар, урф - одатлар ва анъаналарга бой. Ўзбек реалистик ҳикоячилигида анъаналар сатҳидаги бадиий синтез намуналарининг кўплиги фикримизнинг исботидир. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу синтез типи XX аср бошларидан бошлаб, ҳозирга қадар яратилган ҳикояларда кўзга ташланади.

- Анъаналар сатҳидаги бадиий синтез ҳикояларни бадиий шакл ва ғоявий мазмун жиҳатидан бойитишга хизмат қилганлиги табиий бир ҳол. Чунки аксарият ҳикояларда бадиий синтезга асос бўлган урф-одат ва анъаналар ҳикояларнинг кўпмуоммали сажия кашф этишига ёрдам берди.

Айни пайтда у ҳикоя асосидаги конфликтни эмоционаллигини оширишда зарурдир.

Хуллас, анъаналар сатҳидаги бадиий синтез нафақат ҳикоячилик учун балки, бошқа жанрлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган бадиий усул ва восита сифатида ҳар бир ижодкор учун катта имкониятдир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Умарбеков Ў. Сайланма. Уч жилдлик. Биринчи жилд: -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
2. Отахонов Н. Дунё кенг. Ҳикоялар. –Тошкент: Ёш гвардия, 1986.

**ДЕРИВАЦИЯ ВА МОТИВАЦИЯ - ОККАЗИОНАЛ
ЯСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ**

**TÜRETMA VE MOTİVASYON OKAZYONEL SÖZCÜK YAPIMININ
ÖNEMLİ FAKTÖRÜ**

*Севара Маҳмудова,
филология фанлари номзоди,
ЎЗДСМИ доценти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Sevara Mahmudova,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. Ушбу мақола ўзбек тилида ноодатий сўз яшаш усуллари ҳақида бўлиб, унда сўз ижодкорлигининг матн билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Окказионализм, сўз яшаш, деривация, мотивация.

Annotation. This article deals with the ways of formation of occasionalisms, and their varieties. The research is aimed at model formation of occasionalisms in the context of word-building means

Key words: Occasionalism, word formation, derivation, motivation.

Özet. Makalede sözcük yapımının sıradışı yöntemleri ile ilgili görüşler edebi eserlerden alınan örnekler analizi aracılığıyla açıklanır.

Anahtar Sözcükler. Okozyonel sözcükler, sözcük yapımı, türetme, motivasyon.

Ғайриодатий сўз ясашиши (ғайриодатий қўллаш ҳам) нутқ амали, матн таркиби билан узвий боғлиқ ҳодиса. Аён нутқ ва матн тилнинг қўлланишини бевосита қайд этишга, кузатишга, таҳлил ва тажриба қилишга имкон берувчи фаолият маҳсулидир. Окказионализмларнинг ясашиши ва ишлатилиши ҳам тилнинг бевосита қўлланиш сатҳи нутқ-матн билан узвий алоқадор. Матнда (умуман, нутқ жараёнида) сўз ясашиш тарзини ҳам, сабабини, вазифасини ҳам, унинг адабий маром, нутқий одатларга муносабатини ҳам бевосита кузатиш ва баҳолаш мумкин. Чунки аксарият ғайриодатий ясалмалар нутқ соҳибининг лисоний ҳулқи, малакаси, маҳорати (ҳатто ижодий тажрибаси) сифатида тингловчи ёки ўқувчининг “кўз ўнгида” юзага келади ва айна шу жараён асосида фаҳмланади. Сўзнинг ясашиш мантиғи матн туфайли аёнлашади. Ушбу хусусиятни сўз ясашишининг функционал-динамик мотивацияси сифатида баҳолаш мумкин.

Деривация ва мотивация ясалма қўлланишининг муҳим омили. Узуал сўз ясашиши мотивацияси ҳақида қаранг (Ҳожиев, 1989:12,16). Янги ясашишлар, ўзгартириб олишларнинг нутқ асносида асосланиши сўзнинг коммуникативлик тамойилларига мувофиқ амал қилади. Бунда,

биринчидан, сўзнинг - ясалманинг маъновий ва шаклий (маъно ва унинг ифодаланиши), иккинчидан, ясалма таркиби - шаклининг лисоний тизим талабига, учинчидан, аён нутқ бирлигининг нутқий вазият талабига мувофиқлиги ва номувофиқлиги тамойиллари асослаш (мотивация) амалининг муҳим манбаи ҳисобланади. Демак, у ёки бу ясалманинг асосланиши муайян нутқ амали талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ юзага чиқади.

Окказионал сўзнинг ясалиши билан қўлланиши ясалиш ва асослаш жараёнининг коммуникатив нутқ амали сифатида юзага чиқишини талаб қилади. Бунда ясалма таркибий қисмлари фаоллаштирилиб (актуаллаштирилиб) асослашнинг ўзига хос унсурларига айлантиради. Бунда маълум морфем умумийликка эга бўлган ясалмалар тизмасини нутқда кетма-кет (контакт ёки дистант ҳолда) қўллаш ҳамда уларни бир-бирига муқоёса қилиш ёки қарама-қарши қўйиш усулидан кенг фойдаланилади. Масалан, оғзаки нутқда маълум вазиятларда Тўхтамурод исмини Шошма-мурод ёки Элмуродни Елмурод деб ўзгартириш орқали тўхта қисми маъноси “жонлантирилади”: Тўхтамурод - менинг эрим... у мени кечиради. Тўхтамурод. Тўхтамурод, Кечирмурод (Олим Отахонов): Кечирмурод ясалмаси унинг табиатидаги хусусиятни номлаш (номинация) тамойилида таъкидлашга имкон берган. Норқул-да, Норқул-Норқул (“Ёшлик”). У асли ижодкор эмас, ижодхор (Т.Сулаймон). Якшанба эмас, Эркшанба дейиш керак. Синфдошимиз Имомалини ўртоқлари эритувчи дейишади. Сабаби у ҳар бир гапида эримайсизми дейди (“Табассум” радиоэшиттиришидан). Ахир бизлар қариндошмиз. Қариндош дегани қориндош сўзидан олинган. Билдингми? (Н.Аминов).

Мисоллардан кўриниб турибдики, ясалманинг (товуш томондан ўзгартириб олинган морфеманинг ҳам) асосланиш усуллари ранг-баранг бўлиши мумкин. Чунончи Эркшанба, Норқул ясалмаларида “ясовчи асос”ни товушдош сўз билан, “ижодхор”да эса “кор” қўшимчаси хор сўзи билан алмаштириляпти. Якшанба, Норқул, ижодкор сўзлари эса асослаш манбаи ролини ўтамоқда. Эритувчи ясалма маъноси “эритмайсизми” кўчирма ифодаси орқали фаҳмланмоқда (омоним сўз юзага келган). “Қариндош”да этимологик шакл жонлантирилиб қайта тикланган.

“Муштум” журналида (1989) “Оқи-ба(т)д” сарлавҳаси берилган. Оқибат сўзининг оқи-бад тарзида таркибланиши тасаввури яратилган: оқи ва бат морфемаларига ўзига хос маъно юкланган. “Ма(х)фия” сарлавҳасида эса қавс ичида Х ҳарфини бериш орқали мафия сўзи шаклий-маъновий жиҳатдан қайта фаҳмланган.

Баъзи ясалмаларни асослаш айрим ҳолларда мураккаб шуурий-лисоний тасаввурлар билан боғлиқ бўлади. Бундай тасаввурлар силсиласини фаҳламаслик ясалмани тушунишга тўсқинлик қилиши мумкин. Масалан, тилшунос Қ.Самадов Султон Акбарийнинг “Алладаги азизликдан ҳам Тўрвадаги майизликдан ҳам, Бўсадан ҳам кечмасмидим

мен” мисраларидаги “алладаги азизликдан, тўрвадаги майизликдан” қўлланишини хато ясалиш сифатида танқид қилади.(Қ.Самадов, 1981: 49)

Бизнингча, бу ясалмалар маъноси “аллада азиз, тўрвада майиз” ибораси орқали мотивация қилинади. Шоир ибора қисмларини -лик ясовчиси орқали (аллада азизлик) яхлит лексема ҳолатига айлантирган. Шунга ўхшаш хусусиятни бўрдоқичилар (бўрдоқи боқувчилар), қорхатчилар (қор хат ёзувчилар), боғчачи (боғчада бола боқувчи) опа. Доричи самолёт ўтса... (О.Матжон) каби ясалишларда ҳам кўриш мумкин. Бу хил окказионал ясалмаларнинг маълум қисми сўз бирикмаларининг қисқариши, одатда ясовчи қўшимчани олган қисмнинг тушириб қолдирилиши орқали юзага келишини таъкидлаш лозим.

Ўрни келганда айтиш керак, бундай ясалмаларнинг аксарият қисми кўплик (-лар) шаклида қўлланади, уларнинг матн сарлавҳаси вазифасида қўлланиши ҳам кўп учрайди. Матн ичида эса улар одатда бирикма ёки ибора шаклидаги кўриниши билан ёнма-ён ишлатилади. “Коинот мулоқотчилари” (“Сирли олам”) сарлавҳаси матнда аввал “коинот билан мулоқот қилувчилар” шаклида, кейинроқ эса “мулоқотчи” ясалмаси тарзида ишлатилган. Сукут-чилар (Сукут сақловчилар), Пайсалчилар (Пайсалга солувчилар), Ростчилар (Рост гапирувчилар), Ҳавокорлар (ҳаво - осмон забткорлари), Бўрдоқичилар ғалабаси, Сабоқчининг сабоғи каби сарлавҳаларда ҳам мана шу хусусиятни кузатиш мумкин. Матнда қўлланган муайян сўз, сўз шакли ёки сўз бирикмаси янги ясалма учун ясовчи асосга айланади ва гапда ясовчи асос ва ясалма ёнма-ён қўлланади:

Ғуруримга ғурурдош замонга минг ташаккур (А.Орипов); учамиз самода, чопар лаҳзалар, тўйга лаҳзадошдир гоҳо азалар (М.Шайхзода); О, Ўзбекистон, асал сандиғим менинг, асалистоним менинг (О.Матжон), худди бугунгидек, минг йил ўтсв ҳам майдонга чақириб майдонсизларни! (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”); Ахир бозорга борган одам “бозорлашиб” кетиши керак. Шошиб олса кўнгилдагидек харид бўлмайди (“Тошкент оқшоми”). Қиёс: савдолашиб.

Бундай нутқий ясалишлар одатда муайян тасаввурни, белги-хусусиятни умумлаштириш, матний номлаш вазифасини ўтайди. Улар маъноси матнда қўлланган тавсиф, тасвир мазмунига тенглаштирилади: асал сандиғим - асалистоним парафраза, метафорик маъно янги сўзга асос бўлган. Бой бойлашиб, камбағал камбағаллашиб: бу ерда аналогия ҳам бор.

Янги ясалма учун ясовчи асос бўлган сўзнинг матнда аввал ишлатилган бўлиши зарурий хусусият (шарт) эмас. Баъзан матндаги муайян қисм, гап ёки гап бўлаги мазмуни янги сўз ясовчи асоснинг танланишини англашиб туради: Мен Ғафур Ғулом ёки Ҳамид Олимжонни уларнинг усуллар ва жумлазорларининг кўтаринкилиги учун айблай олмайман (И.Ғафур). Қандай кириб қолдим шеърстонга мен. (Ҳ.Худойбердиева) Шеърни қофиязор тушунган гўдак, Қаердан англайман унинг юкини.(Ҳ.Худойбердиева)

Бундай ясалма асослари матн мазмунидан келтириб чиқарилади. шеърийта кўпинча муайян сўзнинг мажозий-тимсолий маъноси асосида янги сўз яшаш ҳоллари кўп учрайди: Ҳаёт мунча ширин экан, юлдузланар, ойланар. (Г.Нуруллаева) Шеър ипига яна шеърдек боғландим, Илҳом қушин қанотида тоғландим (Отаёр). Қиёсланг: ойлантир, тонглантир (М.Қўшмоқов).

Сўз кўчма маъноси матнда мажозий (ўхшатиш, метафора, гипербола) окказионализмлар яратиш учун танланади. Бундай ясалишларни лисоний иқтисод ёки тасвирий баённи қисқартириш (содаланиш) усули билан юзага келган дейиш ҳам мумкин: юлдузланар, ойланар (юлдуздай, ойдай мавжланар), тоғландим (тоғдай юксалдим) каби ясалмалар тимсолий - мажозий маъно асосида яратилган ижодий ясалмалардир. Қиёс: бигизланглар, ҳўкизланди (Ойбек). Поэтик матнда бундай ясалмаларнинг ясалиш жараёни берилмаган ҳолларда уларни тушуниш бирмунча қийинлашади. Уларни асосламасдан матнга киритиш ҳар доим ҳам кўзланган натижани беравермайди. Улар қуйидаги ясалмалар каби нутқий хатолар сифатида фаҳмланиши мумкин. Қиёсланг: Шундай ўтаётиб бир аҳволлашиб кетайин дедим (Тоғай Мурод); Самар ака, бир чойлашайлик (Тоғай Мурод); ... Магазинлашамиз (Ойбек).

Тилшуносликда мотивациянинг 1) морфологик (сўз ясалиши), 2) семантик ва 3) фонетик турлари мавжудлиги маълум. Окказионал ясалишларда ҳам, асосан, мана шу асослаш турлари иштирок этади. Лекин бу асослаш турлари нолисоний вазиятлар талаби ва нутқ мақсади билан узвий алоқадорликда ғайриодатий тасаввурлар, сохта фаҳмлашлар асосида амал қилади.

Демак, нутқий ғайриодатий ясалмалар ясалиш вазияти, ўрни, вақти ва нутқ мақсади билан боғлиқликда фаҳмланади ва асосланади. Бу нутқий ясалма ички формасининг муайянлигини (аён ва равшанлигини) тайин этувчи муҳим қонуният десак янглишмаймиз. Англашилишича, окказионал ясалмалар мотивациясида парадигматик омиллар синтактик-синтагматик омиллар билан узвий алоқадорликда амал қилади. Маълум ясалиш андозасидаги бир ўзакли ёки турли ўзакли ясалмалар тизмаси матнда муайян тартибда ишлатилади. Ясалманинг синтактик-синтагматик қуршови мотивация учун ўзига хос “иқлим” (фон) яратади. В.Хлебниковнинг таъкидлашича, “Сўз икки тарафлама ҳаёт кечиради. Гоҳ ақл товушга, гоҳ товуш ақлга “қулоқ солади”. (Хлебников.В, 1920:22) Ғайриодатий сўз ижод қилиниши ҳам ушбу хусусиятдан бутунлай маҳрум эмас. Шу боис ҳам ижодий (бадий) ясалмалар ўзининг фавқулоддалиги, ғайриодатийлиги, аммо тилдаги фонеморфологик қонуниятларга ҳам, сохта тасаввурларга ҳам мувофиқлиги билан нутқий таъсирчанлик манбаи ҳисобланади. Бундай ясалмаларнинг маъноси ҳам, эстетик қиймати ҳам, аввало алоқа вазияти, матн мазмуни ва қурилиши билан узвий боғлиқликда юзага келади. Айни пайтда ясалманинг ясалиш тарзи, сабаби, матнни яратишнинг,

таркибланишнинг муҳим воситаси вазифасини ҳам ўтайди. Окказионал ясалмаларда сўзнинг ясалиш ва унинг асосланиш жараёнларини фарқлаш мумкин. Таҳлил қилинган мисолларда ясалиш жараёни муайян андоза ёки сўз ясалиши парадигмасига хос қонуниятлар асосида, асосланиш жараёни эса нолисоний асосда - шарҳлаш, тушунтириш, талқин этиш (баён қилиш) орқали юзага чиқади. Бундай фарқлаш шартли, чунки ясалиш амалида бу икки омил биргаликда иштирок этади. Аммо уларнинг амал қилиши маълум сўз, ифодаларни қўллашдан янги сўзни ясаш, янги ясалмалардан унинг қўлланиши ёки вазифасини тайин этиш тарзида бўлиши мумкин. Ясалмани асослашдан мақсад унинг қўлланиш имкониятини таъминлаш бўлса, окказионал ясалма нутқий қўллаш натижасидир. Окказионал ясалишлар замирида ясалиш андозаларига (ёки аён намунага) тақлид (пародия) қилиш хусусияти ҳам ётади. Ясалиш шаклига ғайриодатий тақлид (пародия) ҳам тилдан фойдаланишдаги тадрижийлик ва ижодийликнинг шахсий вазиятли ёки матний бир усули дейиш мумкин. Сўз ясалиши шаклига тақлид узул қонун-қоидаларни онгли равишда бузиш “ўйини” бўлиб тилдаги барқарорлик, доимийлик, такрорийликка зид иш тутишдир

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиши. -Тошкент: Ўқитувчи, 1989. 12-16 - бетлар.
2. Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. -Тошкент, 1981. 49 - бет.
3. Хлебников. В. О современной поэзии. - Москва, 1920. стр – 22.
4. Бердиалиев А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Хўжанд, 2015. 108-бет.
5. Земская Е.А. Словообразование как деятельность. -Москва, 1992. Стр - 196.

ДОСТОЕВСКИЙНИНГ БАДИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ

DOSTOYEVSKI'NIN EDEBİ KONSEPSİYONU

*Дилбар Халилова,
филология фанлари номзоди, доцент
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Dilber Halilova,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада Достоевский ижоди буюк бадий кашфиётлари, фалсафий ва психологик теранлиги билан жаҳон адабиёт тараққиётига ҳисса қўшиб келаётганлиги, инсон қадр-қиммати, эътиқоди ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: “Камбағаллар”, қаҳрамонлар руҳияти, ижодкор концепцияси, мактублар.

Annotation. In his essay, Dostoyevsky contributed to the world of literature with his great artistic discoveries, philosophical and psychological proficiency, human values and ethics.

Key words: “The Poor”, psychology of heroes, the concept of a creator, letters.

Özet. Makalede Rus yazar Dostoyevski'nin yaratıcılık mahareti, dünya edebiyatına felsefi ve psikolojik derinlik kazandıran eserleri, insan ve değerleri, inanç ve itikadı incelenmiştir.

Anahtar Sözcükler. “Fakirler”, kahramanlar psikolojisi, yazarın kavramı ve kuramı, mektuplar.

Бугун Фёдор Достоевскийни бутун дунё ўқияпти, ўрганаяпти ва унинг асарлари таъсирида санъатнинг янги қирраларини очишаяпти. Гарчи бугунги кунда Достоевскийни ҳар бир ўқимишли киши билса ва севса ҳам, у ҳақида ҳамон шубҳа ва хавотир билан гаплашишяпти: Уни қабул қилиш керакми, йўқми? Бу хил мулоҳазаларга ёзувчининг мураккаб ижодий фаолияти, унинг қарама-қаршиликлардан иборат ва адабий дунёси, эзилган кишиларнинг руҳий изтиробларини беҳад бўрттириб (аслида энг реалистик) кўрсатгани энг аввало, ёзувчининг ижодий услубининг хилма-хиллиги, дунёқарашининг бир шакл қобиғида эмаслиги сабаб бўлаяпти.

“Достоевскийгача бўлган рус адабиётида ҳали бир хиллик ҳамда Ғарб таъсири кучли эди. Тенденциоз таъсир эса адабиётни маълум бир йўналишда бўлишини талаб этарди, тўғри XIX асрнинг бошларидаёқ барча рус зиёлилари жон-жаҳдлари билан Ғарб адабиётини, аввало, француз ва немис адабиётини таржима қилишга, уларнинг ютуқларини ўзлаштиришга киришдилар. Шу маънода рус адабий дунёси жонланди” (Бекер, 1959: 3).

Достоевский ижоди буюк бадий кашфиётлари, фалсафий ва психологик теранлиги билан реалистик адабиёт тараққиётига ҳисса бўлиб кўшилди. Унинг асарларида барча ҳиссиётларнинг улкан босими, туйғулар туғёни, турли хил қарашлар ва эътиқодларнинг кураши, кўтарилиши ва пасайиши, эътиқод кучи ва уни инкор этиш ҳолатлари жуда кескин ҳис қилинади.

«Достоевский қаҳрамонлари биз ҳар куни кўчамизда, шаҳримизда кўриб юрган оддий кишиларга жуда ўхшайди» (Пушкин, 1987: 350). Бироқ, биз ҳеч қачон бу одамларнинг қалбига қулоқ солиб кўрмаганмиз, уларнинг ўй-азобларидан беҳабармиз. Достоевский эса бу дунёни ўзининг улуғ салоҳияти билан кашф этди. Поэзия нима деган саволга биз фақат Достоевский асарларидангина тўла жавоб топа оламиз. Поэзия – кўзгу эмас, у бор нарсани ўша ҳолича кўрсатмайди, поэзия – кашф этишдир, поэзия – ғалаёндир. Шу маънода Достоевский энг улуғ шоирлар қаторида туради ва энг улуғ шоир деб аташимизга арзийди. Бунга шубҳа қилганлар у яратган қаҳрамонларга боқсин! «У ўчмас из қолдирганлардан биридир» (Фридендер, 1964: 289).

Инсон қандай ва ким бўлишидан қатъий назар инсонга ачиниш ва севиш ҳисси ёзувчининг бутун асарларидан уфуриб туради, у паст табақа, четга сурилган кишилар тақдиридан ўз асрининг фожиасини топа олади. Биз бу ҳолатни Достоевскийнинг илк асари “Камбағаллар”да кўришимиз мумкин.

Асарда қаҳрамонларнинг руҳияти, гаплари, оғриғи, эпизодлар, психологик приёмлар такрорлангандек, бир-бирини қайтаргандек, сайқаллангандек туюлади. Лекин эътибор билан ўқисак, бу ҳеч қачон қайтариқ эмас, аксинча бир-бирининг давомчиси эканини ҳис қиламиз. Буни мана шундай формула билан кўрсатиш мумкин: Макар Лавушкин – бу ёзувчининг яратган биринчи образи эди, ёзувчи бу образнинг фақат бир томонини кўрсатди: қолган асарларида эса ана шу биринчи асарида кўзга ташланмай қолган қирраларни териб ола бошлади ва ёритди. Мактублардан иборат бўлган асар роман жанри деб кўрсатилган бўлса-да, асарга композицион қурилиш нуқтаи назардан қарасак, роман эмас, балки диалогик шаклдан иборатлиги жиҳатидан публицистика устиворлигини кўриш мумкин. Бироқ, ижодкор концепцияси жамиятнинг энг таҳқирланган гуруҳи яшайдиган ўнқир-чўнқир жин кўчалардан иборат, хилват, бироз ваҳимали макон деб аталмиш бурчакларни ҳамда моддий жиҳатдан ўта қашшоқ, маънан эзилган, таҳқирланган одамларнинг қиёфаси, ички дарду ҳасратлари, келажакда яхши турмуш тарзини орзу қилиб, бироқ унинг ҳеч қачон бўлмаслигини ич-ичидан ҳис қилиб, умр кечирадиган қалби соф одамларнинг образини яратиш мақсад қилиб олинганлиги кўзга ташланади.

Асарда Макар Алексеевич Девушкин ва Варвара Алексеевна Доброселованинг бир-бирини авайлаб, ҳолатини билса-да, бир-бирига

тасалли бериб, қалбидаги оғриқни сездирмаслик учун самимий муносабатда бўлиши ўта таъсирчан очиб берилган. Макар Девушкин турар жойи ниҳоятда ночор бўлса-да, нолимайди. “Марҳаматли маликам, Варвара Алексеевна!” номли мактубида хона ичи зах, кўланка ҳидли, ётоқхонаси ошхонада бўлишига қарамай, шу кунига ҳам рози эканлигини ифодалайди. Яъни, “...Аввало, уйимизга кираверишдаги зинапоялар ўртача деса бўлади, хусусан, катта эшик олдидаги зинапоя озода, ёруғ, кенг, ҳаммаси чўян билан қизил ёғочдан ясалган. Аммо орқа томондаги зинапояни сўрамай қолинг; винтсимон, зах, ифлос, поналари синган, деворлари ҳам шу қадар мойлики, уларга кўл тирасанг, кўлинг чипа ёпишади. Ҳар қайси майдончада сандиқлар синиқ, шалоқ стул ва шкафлар туради, латта-путталар ёйилган, деразаларнинг синиб битган; тос ва тораларда ҳар хил ахлат, супуринди, тухум пўчоқлари ва балиқ пуфакчалари уйилиб ётибди; кўланса ҳид бурқиб туради... Хуллас, яхши эмас-да... Хонага биринчи киришда кишида ярамас тасаввур қолади, лекин ҳечқиси йўқ; хонамизда бир-икки дақиқа турганингиздан кейин димингиз ўрганиб қолади, ҳеч нарсани сезмайсиз-қўясиз...” (Достоевский, 2018: 18).

Ўз мактубида аянчли яшаш ҳолатини ҳам шукроналик билан тасвирлаши, биринчидан, ўз суҳбатдошини авайлаши ифодаланса, иккинчидан, мана шу ночор турмуш тарзига кўникишдан бошқа иложи йўқлиги, бир умр шу ҳаётга маҳкум қилинганлигини ҳис қилиб яшаши кўрсатилган. Ҳар икки қаҳрамон мактуби китобхонни психологик таъсирчанлигини оширади.

Ким кўлида фонус тутиб, доимо мағзава ҳиди анқиб турадиган, кир-чир, хилват, жимжит, бироз ваҳимали, жамиятнинг энг таҳқирланган гуруҳи яшайдиган хомуш бурчакларни ёритади?! Ким бу кўчаларнинг тарихчиси бўлади? Достоевский ўз олдида ана шундай мақсад қўйди ва ижоди билан бу саволга жавоб берди. Қалами ва қалбини фонус қилиб, ана шу хомуш, минг йиллардан бери «беллитристлар»нинг эсидан чиқиб: унутилиб келган кўчаларни кезиб чиқди. Фанидан мағзава ҳиди келадиган ҳақиқий характерларни, халқона мукамал образларни яратди. Достоевский дунёқарашини маълум бир қолипга солиб бўлмайди. Бироқ унинг битта асосий ижодий концепцияси бор. Фақат шу концепциягина унинг бутун ижодини бир чизиққа чизиб туради. Лекин ана шу мураккабликларда, изланишларда, ҳар хил фалсафий ғоялар курашида инсон дардини бўрттириб кўрсатишларда битта умумий томон бор. Бу ҳам бўлса инсонни ардоқлаш фазилатидир. Ана шу юксак ардоғни “Камбағаллар” асарида Макар Девушкиннинг “Менинг бебаҳом”, “марҳаматли маликам”, “мусичаи безаволим”, “кабутарим менинг, онажоним”, “Онажоним”, “меҳрибоним маликам”, “бебаҳом менинг”, “фариштам”, “мурувватли малика ва самимий дўстим”, “азизим, Варвара Алексеевна!” номларида 27та, Варвара Алексеевнанинг “муҳтарам жаноб”, “марҳаматли жаноб, “қадрдоним”, “мурувватли, меҳрибон”, “Азиз дўстим, Макар Алексеевич!” номларида 19 та

мактубдан иборат самимий ва холис муносабатида тўлақонли очиб берган. Буни ўз вақтида Добролюбов ҳам сезган ва юксак баҳо берган эди. Достоевский асарларида биз умумий бир хусусиятни кўрамиз, у ёзган нарсаларнинг ҳаммасида бу хусусият озми, кўпми, сезилиб туради. У ҳам бўлса одам тўғрисида ачиниб қайғуришдирки, бу одам ўзини ожиз деб билади ёки ниҳоят ҳатто, ҳақиқий бус-бутун, ўзига мустақил одам бўлишига ўзини ҳақли эмас деб билади.

Достоевский асарларида маиший сюжетлар кезиб юрса ҳам, аслида у ҳар бир асарида инсон ҳақида баҳс юритди. У инсонни табиатнинг энг гўзал ва улуғ мўъжизаси деб тушунди.

Достоевский аввал воқеаларни диалогларга, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларига: кичик ҳодисаларга, деталларга, тасвирларга, манзараларга сочиб юборади – улар аввал бизга айри ҳолда намоён бўлади, кейин эса бу воқеалар изоҳ тариқасида умумлаштириб, баҳо бериб, шарҳлаб берилади. Натижада бизга тарқоқ, узук-юлуқ бўлиб кўринган воқеалар ўртасида мустаҳкам алоқа борлиги аён бўлади. Бу занжир ўз-ўзидан руҳий кечинмаларнинг узвий равишда бир-бирига боғлиқлигида кўринади.

Шодлик ҳам, қайғу ҳам, аввало, ана шу ерда уйғонади. Бахт ва бахтсизлик, муҳаббат ва нафрат, қайғу ва қувонч, разолат ва эзгулик, жаҳолат ва донолик, хўрлик ва фахр, ғурур ва хушомад, мардлик ва хиёнат, яхшилик ва ёмонлик тимсоли ўлароқ бу тириклик саҳросидан – Достоевский асарларида бу саҳро битмас туганмас, чексиздек кўринади.

Достоевский асарларининг қаҳрамонлари ёдимиз, шууримизда бир умр ўрнашиб қолади, бизнинг ҳаёт ва дунё ҳақидаги, инсон ва эзгулик ҳақидаги юзаки қарашларимизни парчалаб ташлайди, бизни ҳавойи гуманизм осмонидан ерга, заминга туширади. Агар ўз туйғуларимизни синчиклаб текширсак, Достоевский қаҳрамонлари бизнинг ўзимиз бўлиб чиқамиз.

Достоевский ана шу алдаб бўлмас инсон юраги ҳақида ва унинг туйғулари ҳақида ёзди. Чунки бу туйғулар одамнинг ўзлигини белгилайди. Одам ўзини ўзи алдаши сира ҳам мумкин эмас.

Достоевский фабула, сюжет, тугун ва ечим, композиция, лирик манзараларнинг янги қирраларини, янги имкониятларини очди. У ўз таланти билан XIX асрда тўхтаб қолмади, кейинги асрлар учун ҳам улуғ дарға вазифасини ўтади. Чинакам адабиёт фақат бугун учун хизмат қилмайди, у келажакка ва янги-янги авлодларга хизмат қилади, янги авлодлар ундан ўзлари учун янги ижодий куч ва илҳом топадилар, бугунги, адабиётнинг ҳақиқийлигига ҳам келажакдаги авлодлар баҳо бера олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Бекер И.Р. В защиту поэзии. –Москва, 1959.
2. Пушкин А.С. Капитан қизи. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
3. Фридендер Г. Реализм Достоевского. – Москва, 1964.
4. Достоевский Ф.М. Камбағаллар. Роман. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 2018.

**БАДИЙ АСАР КОМПОЗИЦИЯСИДА РИВОЯТ ВА
АФСОНАЛАРНИНГ ПОЭТИК ЎРНИ
(Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси мисолида)**

**BEDİİ ESERİN OLAY ÖRGÜSÜNDE RİVAYET VE
EFSANELERİN POETİK GÖREVİ
(Özbek yazar Ötkir Haşimov’un “Dünyanın İşleri” eseri örneğinde)**

*Дилбар Халилова,
Дилрух Сайфуллаева,
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Dilber Halilova,
Dilruh Sayfullayeva,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек адабиётида ривоят ва афсоналарнинг қўлланиш ўрни адиб Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссаси мисолида очиб берилди. Мақолада ўзбек насрининг бадий ривож ва адибнинг ўзига хос поэтик оламини яхлит тадқиқ этиб, адабиёт ва фольклор муносабатларининг истиқболлини белгилашга қаратилган баъзи мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: Адабиёт ва фольклор, ривоят, афсона, ўзбек насри.

Annotation. His article the stories of legends myths of Uzbek literature will be opened on U. Khoshimov’s case as a narrative of “Dunyaoning ishlari” (The works of the world). In this article it is necessary to study the artistic development of the Uzbek prose and the poetic world of literature, to determine the perspectives of literature and folklore relations.

Key words: Literature and folklore, narration, legend, Uzbek prose.

Özet. Makalede Özbek edebiyatında rivayet ve efsanelerin kullanımı, poetik görevi, tanınmış yazar Ötkir Haşimov’un “Dünyanın İşleri” adlı eserinden alınan örnekler temelinde açıklanmıştır. Edebi eserde kullanılan folklor materyallerinin genel olarak edebiyatın gelişmesine yaptığı katkılardan söz edilmiştir.

Anahtar Sözcükler. Edebiyat ve Folklor, rivayet, efsane, Özbek nesri.

Оғзаки ижоднинг ёзма адабиётга таъсири алоҳида аҳамиятга эга ва бу шубҳасиздир. Туркий халқларнинг дастлабки ёзма адабий ёдгорлиги бўлган “Қутадағу билиг”да ҳам китоб муаллифининг ўрни-ўрни билан халқ афсона ва ривоятларидан фойдалана борганини кўрамиз. Бу анъана асрлар ўтган сайин такомиллаша бориб, Навоий қаламида юқори поғонага кўтарилди, ундан кейинги-халқчил санъаткорлар ижодида янги-янги қирраларини намойиш қилди. “Чунки халқ ижод қилишдан тўхтамайди. Шу боисдан, синчков ёзувчи ҳамиша халқ билан бирга бўлиб, улардан ўргангани ва

ижодий таъсирланади” (О.Шарафиддинов, 2004:28). Ёзувчи Ўткир Ҳошимов ёзма насрга афсона ва ривоятлар жанрини олиб кирар экан, бадий асарнинг композицион қурилишида бу жанрлардан ижодий фойдаланади. Унинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шу боис, биз ижодкорнинг афсона ва ривоятдан ижодий фойдаланиш маҳоратини кузатишдан олдин ушбу жанр хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталишни лозим топдик.

Маълумки, халқ прозаси жанрлари орасида афсона ва ривоятларининг иккаласида ҳам ўтмишда бўлиб ўтган эпизодик воқеалар, у ёки бу жойларнинг номларини изоҳловчи ёхуд улкан шахслар ҳаётидан муайян воқеалар соф информатив планда акс эттирилади. Афсона ва ривоят жанрларини ўрганиш асосан XX асрнинг 40-йилларидан бошланган бўлиб, бугунги кунгача кенг тадқиқотлар олиб борилган. Ривоят ва афсоналардан фойдаланиш ижодкор Ўткир Ҳошимов бадий маҳоратини кўрсатадиган омиллардан биридир.

“Санъатнинг ҳар бир асари албатта даврга, тарихий воқеликка ва санъаткорнинг жамиятга бўлган муносабатларига қараб баҳоланиши лозим; ёзувчининг характерини ва шунинг кабиларни кўриб чиқиш ҳам кўпинча асарнинг яратилишини аниқлашга хизмат қилиши мумкин. Бошқа томондан, санъатнинг хусусий эстетик талабларини назардан тушириб қолдириш ҳам мутлақо мумкин эмас” (В.Г.Белинский, 1955: 240).

“Дунёнинг ишлари” қиссасининг тўла маънодаги санъат асари эканлиги, унда бизга бевосита алоқадор бўлган воқеликнинг реал акс эттирилганлиги, муаллифнинг жамиятга бўлган эътиқодини эса таъсирчан ва ишонарли ифодалаганлигининг асосий сабабидир. Айнан ривоят жанри адиб яратган романларда жуда муҳим бадий вазифа бажаради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, Ўткир Ҳошимов ривоятни асар сюжети ва композицион қурилишнинг давомийлиги, тўлақонлилигини тامينлаш мақсадида қўллайди. Агар ривоят фабуласи билан қисса сюжет қиёслаб кўрилса, ривоятда турмушнинг аччиқ ҳақиқати гавдалантирилганини, бу ҳақиқат кенг кўламда, турли соҳаларни қамраб олувчи фалсафий талқинда берилганини кўрамиз.

Айниқса, ҳикояларидаги тасвирлар қисса ва романларга кўчирилганлиги ўқувчига таниш воқеалар, таниш қаҳрамонлар образлари қиёфасини эслатиб туради. Шунингдек, “Қонқус”, “Ҳаққуш”, “Алла”, “Саҳоба”, “У юрт, бу юрт”, “Ажина кўприк” ҳақидаги афсоналар ва ривоятлар сюжети адиб қиссаларида бир неча ўринларда қайта-қайта берилган. Бу адибнинг ўзини ўзи такрорлаши сифатида эмас, балки улар ҳар ўринда турли хил вазифаларни бажариши, ёзувчи тасвир усулининг янги қирраларини очишга имкон яратиши сифатида кўринади. Тасвирланаётган воқеа- ҳодисалар қаҳрамон тасвирининг эмоционал таъсир кучини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Ўткир Ҳошимов халқ ривоятидаги сюжетни айнан кўчириб олмайди, балки унинг ғоявий асосидан усталик билан фойдаланади, натижада

китобхон воқеа оқимида ҳеч қандай ғайритабиийлик сезмайди, уни эҳтирос билан кузатиб боради.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасидаги “У юрт бу юрт” афсонаси мазмун-моҳиятан Ч.Айтматовнинг “Оқ кемаси”даги “Она буғи” афсонасига анча яқин туради. Ҳар иккала афсонада ҳам очкўзлик, бойлик тўплаш натижасида инсоний хислатлардан узоқлашган кишиларга нафрат акс эттирилган.

Бойлик ва ер талашиш натижасида қириб ташланган уруғдан бир ўғил, бир қиз бола она буғи ёрдамида тирик қолади. Вақтлар ўтиб ана шу авлод наслидан бўлган арофатлар буғи зотига қирғин-қирон келтиради. Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси она буғи тўғрисидаги ривоят замирига қурилган. Яъни, бадий тимсол даражасида талқин қилинган она буғи образи асарда катта бир ўқ чизиқни ташкил қилади. Ч.Айтматовнинг мазкур асарида ёш бола бобосидан эшитган ҳикояни сўзлаб беради. Шу жиҳати билан ҳам Ўткир Ҳошимов қирғиз адаби анъанасини давом эттирган, янгилик изловчи адиб сифатида эътиборни тортади. Чунки “Дунёнинг ишлари”даги Эрмон бободан эшитган ҳикояни баён этади:

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир-бири билан қўшни турадиган иккита юрт бор экан...

- Шундоқ қилиб десангиз, у юртдагилар ҳам бу юртдагилар ҳам тинчгина буғдойни сепиб молини боқиб юраркан.

Аммо лекин тасаддуқлар ғаламис дегани ўша замонлардаям бор экан-да. Ўртага ғаламис аралашиб икки юртнинг орасини бузибди. У юртнинг ичи қора одамлари ўз подшосини бузибди. “Бу юртда шунақанги яйловлар борки, от миниб уч кун чоптирсангиз у бошдан бу бошга етолмайсиз” дебди.

Бу юртнинг ичи қора одамлари подшонинг кўнглига ғулғула солибди. “У юртда шунақанги боғи-роғлар борки, жаннатга ўхшайди” – дейди.

- Шундоқ қилиб, у юртнинг подшоси ҳам, бу юртнинг подшоси ҳам лашкар тўплашга киришибди.

Тагин қанақа лашкар денг! Ҳар биттаси олтмиш ва уйимга ўхшаган норғул йигитлар эмиш. Йигитларнинг мўйсафид оталари, кекса оналари ғамдоба бўлиб қолибди. Урушдан кимга фойда-ю, кимга зиён дейишибди. Уруш қилиб хазинасини бойитадиган подшолару, боламизни ажал оғзига юборадиган бизми, дейишибди. Аммо камбағалнинг додини ким эшитарди, тасаддуқлар. У юртнинг лашкари бу юртникига от сурибди. Шундоқ қилиб десангиз, қирғинбарот бошланибди. Не-не ойдек қизлар оёғости бўпти, бешиқдаги болалар онасидан, оналар боласидан айрилибди. Попукдай қизлар, нозаниндай жувонлар, норасида болалар худога нола қилишибди. “Подшолар бир-бирини юртини босиб оламан деса бизга нима гуноҳ” дейишибди. Нимага бизни онамиздан жудо қиласан, акамиздан айирасан?, дейишибди. Лекин, уларнинг ноласи худога етиб бормабди. Шундоқ қирқ йил қирғин бўлибди. У юрт ҳам, бу юрт ҳам вайронага айланибди. Ё тавбангдан кетай тасаддуқлар, не-не дарёлар қуриб, не-не боғлар култепага

айланибди. Борики йилт этган битта гиёҳ қолмабди. Жамики паррандалару даррандаларга қирон кепти. Охири дарахтлару ўт-ўланлар, дарёлару қушлар худога нола қипти:

Урушни қиладиганку одамлар, бизда нима гуноҳ дебди. “Сен бизни одамлар учун яратган эдингку, нимага одамзод бизга қирон келтиради”, дебди. “Одамзоднинг феъли шунақа ёмон бўлса биз нима қилайлик” – деб йиғлашибди. Ана ўшанда Оллою-таоллонинг қаттиқ қаҳри кепти. У юртни ҳам, бу юртни ҳам чўл биёбонга айлантириб ташлабди. У юртда ҳам, бу юртда биронта ғимирлаган жон қолмабди. Ўшандан буён офтоб ҳам шу юртларни четлаб ўтармиш. Шамол яқинига бормасмиш. Қуш учмасмиш. У юрт ҳам, бу юрт ҳам зимистонга айланиб қолган эмиш.

Эрмон бува чуқур хўрсиниб: “Ана шунақа гаплар” дегандек маънодор бош чайқаб қўйди.

- Олтмиш акангизничи қиличи бор. Алпомишникига ўхшаб қирқ газ келади. Қайтиб келгандан кейин ўша қиличини сизга бераман.

Эрмон бува ваъда қилган Олтмишвой аканинг қирқ газли қиличи менга насиб этади. Унинг ўзи ҳам, қиличи ҳам урушдан қайтмади. Ўша йили биринчи қор тушган куни Эрмон бува яна битта афсона айтиб берди. Бу чўпчакни атиги бир марта айтган бўлса ҳам негадир хотирамда сақланиб қолган.

Воқеалар ривожидан кўриниб турибдики, “Дунёнинг ишлари”даги бола ҳам Эрмон бободан эшитган ҳикоясини баён этади.

Унда ҳам уруш туфайли икки юрт бир-бирини қириб ташлаб тангри ғазабига дучор бўлади. Ёвузлик ва аросатликнинг оқибатлари икки юртни ҳам чўл-у биёбонга айлантирди. Китобхон ҳар бир асарни ўқиганда болаларча тасаввур билан эзгулик ва ёвузлик ҳақида узоқ мушоҳада қилади.

Бундан ташқари ёзувчи асарда афсона ва ривоятларни ёритиш билан бирга халқимизнинг турғунлик йилларда бошидан кечирган кунларини ҳам эслатиб ўтади. Адиб бу жараённи Эрмат бобо тилидан қўйидаги афсона асосида китобхонга етказди.

Қадимда бир юртни ёв босибди. Одамлар қала ичига бекиниб олишибди. Ёв шаҳарни ўраб олиб кутаверибди, кутаверибди. Охири қала ичидагилар ҳам, ёв ҳам ҳолдан тойибди. Қамалда қолганларнинг очликдан силласи қурибди. Одамлар оқсоқол олдига бориб бўлди, энди шаҳар дарвозасини очиб берамиз, дейишибди. Ўзимиз оч, деб нолишибди. Аммо, оқсоқол доно киши экан.

– Эрмон бува тантана билан қадини букиб қўяди ва ҳужрага йиғиб қўйган аллақанча ғўзапояни олиб чиқибди. Пахта дегани жаннатдан чиққан, менга ишонинглар, тасаддуқлар, дебди. Буни қарангки, чол айтган гапи тўғри чиқибди. Пахтанинг момиғини аскар болаларнинг ярасига босишибди. Толасини йигириб бўз тўқишибди, кийим тикишипди, чақолоқларга йўргак қилишипди, чигитни ёғини эритиб, гўшт

қовуришипди. Кунжасини отларга беришипди. Ғўзапояни ёқиб уйларни иситишипди.

– Эрмон бобо овозини янаям баландлатиб:

- Қарабсизки, ёвнинг ҳоли танг. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетибди.

- Ана, кўрдингларми, пахтанинг хосиятини, тасаддуқлар,- деб афсонасини тугатибди.

Асар сюжетидан ўрин олган афсона ва ривоятлар воқеликнинг давомийлиги ва бадий қарашларнинг тўлақонли чиқишини, халқимизнинг миллий психологияси ва ўзига хос турмуш тарзини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган, десак янглишмаган бўламиз. Бу эса, ўзбек насрининг бадий ривожини ва адибнинг ўзига хос поэтик оламини яхлит тадқиқ этиб, адабиёт ва фольклор муносабатларининг истиқболларини белгилашга қаратилган йирик изланишлар олиб боришга имкон беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шарофиддинов О. Ижодни англаш бахти. –Тошкент, 2004.
2. Белинский В.Г. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўздавнашр, 1955.
3. Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари. –Тошкент: “Шарқ”, 2015.

ҲАСАД МОТИВИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

HASET MOTİFİNİN EDEBİ TELKİNİ

*Акрам Ҳамдамов,
филология фанлари номзоди
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Dr. Akram Hamdamov,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. “Ҳақим ва ажал” достонида узоқ асрлар давомида халқнинг кундалик турмуши тажрибаларидан ўтган муҳим бир ҳаётий ҳақиқат, халқ донолиги билан шоирнинг адабий-фалсафий мушоҳадаси уйғунлашиб, дostonни поэтик жиҳатдан кучайишига олиб келган. Шу маънода дoston ноёб адабий дурдонадир.

Калит сўзлар: Фольклор, афсона, ҳақим, ҳасад, ажал, Ибн Сино, ривоят, Малика, Мирзо, афсонавий Ибн Сино, тубанлик, буюклик, иблис қиёфаси.

Annotation. An important fact in the epic "Hakim va ajal", which has passed through the experience of daily life of the people, combined with the literary-philosophical conception of the poet, with the wisdom of the people, poetically enhanced the poem. In this sense, poetry is a unique literary dance.

Key words: Folklore, myth, dominance, jealousy, destiny, Ibn Sina, narration, Malika, Mirzo, the legendary Ibn Sina, immorality, greatness, demon appearance.

Абдулла Ориповнинг “Ҳақим ва ажал” достонидаги бadiий концепция **ҳасад мотиви** ва **ҳасад муаммосида қурилган**. Дostonдаги ҳасад тушунчасига ҳам мотив, ҳам муаммо сифатида қараш мумкин. Сабаб – у дoston воқеаларини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида мотив, асардаги ғоявий бadiий юк тарзида муаммодир. Ҳасад муаммосининг дoston марказига олиб чиқилиши бош қаҳрамон образининг қай тарзда талқин этилишини ҳам белгилаб берган. Бундай бadiий талқин асардаги ғоявий концепциянинг ҳосиласи ўлароқ вужудга келган.

Ҳасад - ҳамма замонларда ҳам юзтубанлик белгиси, маънавий қашшоқлик кўринишларидан бири бўлиб келган. Шу икки образ моҳияти хусусида адабиётшунос Иброҳи Ҳаққул ёзади: “Ибн Сино - даҳо, Мирзо - қабоҳат тимсоли... Ҳасаднинг олдида ажал ҳам ҳатто ожиз бир нарса. Ибн Синони ҳалок қилган ажал эмас, ҳасад-хусумат. Мана, дostonнинг умумий мазмунидан келиб чиқадиган бош маъно” (И.Ҳаққул, 1987: 144).

Шоир йигирма сатрдан иборат бadiий-фалсафий хулоса билан асарни якунлайди. У тадқиқотчилар орасида турлича фикр уйғотади. Жумладан, таниқли адабиётшунос Сувон Мели ушбу умумлашма хулосани қуйидагича

изоҳлайди: “Шоир Ҳаким, яъни Абу Али ибн Сино ҳақидаги халқ нақлларига суяниб, дostonни шундай фалсафий-поэтик хотима билан якунлайди. Ҳаким ўзи тайёрлаган дори оғзига томизилганда эди, боқий ҳаётга восил бўларди. Не кажбахтки, даҳоларнинг мангу ҳамроҳи Ҳасад аралашиб, иш бузилди. Сўнгги томчи томизилмай, шиша чилпарчин этилди.

Шунда шоир юқоридаги беш банд, йигирма мисра шеър билан оламга юзланади. Бунда биз Ҳакимнинг мангу трагик ҳолати, улуғ фоже образига гувоҳ бўламиз. Бу образнинг чўққиси сўнгги мисраларда, Ҳаким билан буюк чарх юзлашувида намоён бўлади:

"Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига

Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор".

Ҳаким билан ажалнинг баҳси, таъбир жоиз бўлса, дуранг билан якунланди. Ажал ўз мақсадига етмади, у буюк Ҳаким, оламшумул табибни маҳв эта олмади. Эвоҳки, Ҳаким ҳам қайта тирилмади. Ҳасад бунга йўл бермай, ажалга кўмак берди. Лекин Ҳаким тамом ўлмади. У буюк Сукутга эришди. Шоир айтганидек, "бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир..."

Сукут - йўқлик эмас. Сукут - хушёр бедорлик. Тирик инсонга мангу ҳамроҳлик” (Қўшжонов, 2000: 54).

Бу фикр, бизнингча, бир томонлама. Унда Ҳакимнинг умр шомидаги ҳолати бир оз кўтаринкилик билан ижобий баҳоланади, холос. Шу туфайли бўлса керак, Сувон Мели сукутни “буюк Сукут” деб атайди. Гап шундаки, сукут Ҳаким ҳолатининг етакчи белгиси эмас. Унда етакчи белги нима? Бу, бизнингча, дostonнинг сўнгги икки мисрасида ўз ифодасини топган:

“Кўради-ю, сўзлай деса забони йўқдир,

Эштади, тураи деса йўқдир мажולי”.

Бадий асар хотимаси, айниқса, сўнгги жумлада алоҳида аҳамият касб этишини ҳисобга олсак, ушбу қўш мисрада мажолсиз Ҳакимнинг маҳзун қиёфаси ва фоже ҳолати кўз олдимизда яққол намоён бўлади.

Мирзонинг сўнгги шишани синдирар пайтда айтган гапларига айрича диққат қаратишни истаймиз:

Мен – иблисман, одамларнинг ўзидан чиққан,

Сен – закосан, йўқдир сени кўрарга кўзим.

Мирзонинг иблисона қудрати Ҳакимнинг кейинги, “вақтдан холи” тақдирига соя ташлайди, аниқроғи, белгилайди. М.Қўшжонов ёзганидек: “Оқибат Ҳаким ажал билан олишувда ўзи ихтиро қилган ҳаётбахш дорининг охирги томчиларидан маҳрум бўлади. Натижада у фақат афсоналарда учраши мумкин бўлган, бироқ ҳақиқат заминиде турган азобда қолади. Тирик бўлиб тирик эмас, ўлик бўлиб ўлик эмас. Тириклик ва ўликликнинг азобини баробарига тортади Ҳаким” (Қўшжонов, 2000: 53).

Тонгда Ҳаким ётоғига кирдилар аста

Гўё ҳеч сир бўлмагандай кун эди ёввош.

*Ётар эди тўшагида **безабон хаста,***

Фақат ҳорғин кўзларида ялтирарди ёш.

Бу - Ҳаким ҳаётининг фоний дунёдаги сўнгги, абадиятга дахлдор боқий ҳаётининг илк кунлари эди. Энди у дostonда тасвирланганидек, “безабон хаста”. Ушбу ифода мазмунига ҳам айрича эътибор қаратмоқ лозим. Негаки, у ўз аламини, кўнглидан кечган ўй-фикрларни фақат ҳорғин кўзларидаги ёш билан англата олади, холос. Ҳаким умрининг безабон, фаолиятсиз, руҳсиз – чала ўлик ҳолатда кечган сўнгги аснолари тасвирланади:

*Кунлар ўтди, ойлар ўтди судралиб секин,
Сўнг йиллар ҳам ўтиб борди сингиб йўқликка.
Ҳолатида бир ўзгариш бўлмади лекин,
Ётар эди ҳануз Ҳаким боққанча кўкка.*

Шоир бунда халқ донолиги, бағрикенглиги анъаналарига таянади - Ҳакимга афсонавий умр бахш этади. “Безабон хаста” ҳамон ўша-ўша, ҳолатида бир ўзгариш йўқ. Кейинги банд бирмунча ёруғ бўёқларда акс этади. Руҳсиз, сўзсиз ҳаёт тирикликнинг барҳам топганлиги эмас, аксинча, Ҳакимнинг кўзидаги, кўнглидаги нур ундан рози инсонлар қалбига кўчиб ўтади. Умрининг ёруғлиги қалбларда давом этади.

*Шогирдларнинг умри кечди унга термулиб,
Ҳаким кўзин тарк этмади нурли нишона.
Охир бир кун ундан рози инсонлар келиб,
Тепасида кўтардилар улкан кошона.*

Шогирдлар ҳам умрини “безабон хаста” устозга термулиб ўтказдилар. Ҳаким кўзин эса “нурли нишона” тарк этмади. Ҳакимнинг танаси ярим тирик ва яна ўлик ҳолатда боқий қолаётгир. Хусусан, Ҳаким кўзларидан нур кетмаган. Жоннинг жасадга бундай абадий тутқунлиги, Ҳаким руҳининг эркин парвозига йўл бермаслиги буюк аллома тушган вазият, муҳитнинг мудҳиш даҳшатидан далолатдир. Боши узра кўтарилган улкан кошона ҳам ўлиб-ўлмаётган, қолиб - қолмаётган жасадни ёпиб, пана қилиб туради, холос. Бу энди “тақдир иши”, унга ҳеч ким дахл қила олмайди.

*Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,
Салтанатлар келиб – кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор.*

Ҳаётнинг англаб бўлмас ғаройиб– қизиқ шўришлари ҳам, чархнинг даҳшати ҳам шундаки, бундай бедорлик руҳнинг уйғоқлиги эмас, аксинча, жасад - вужуднинг (руҳ эса, жасадга тутқун) бедорлигидир. Вужуднинг бедорлиги эса жисмоний азоб. Ҳакимнинг чала ўлик ва чала тирик ҳолатида икки нарса барқарор - сукут ва бедорлик. Бу сукутнинг мазмуни ўзгача:

*Бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан холи.
Кўради-ю, сўзлай деса забони йўқдир,
Эштади, турай деса йўқдир мажולי..*

Дастлабки икки мисра Ҳаким абадийлигини тараннум этаётгандек таассурот қолдиради. Ҳақиқатдан даҳолар умрининг поёни бўлмайди. Уларнинг умри боқийликка дахлдор. Вақт улар олдида ожизлик қилади гўё. Лекин дostonнинг кейинги икки мисраси вазиятни ўзгартиради. Аниқроғи, уйғоқ ётган, бошқача айтганда, ўлолмай ётган тирик вужуднинг қийноқларини ҳадди ҳолга етказди. Ҳаким кўради, лекин сўзлашга забони йўқ, эшитади, лекин турарга мажоли йўқ.

Юқорида айтганимиздек, бу жуда даҳшатли ҳолат. Мирзо қиёфасидаги Иблис ёки Иблис қиёфасидаги Мирзо Ҳакимга, яъни Даҳога шу қадар оғир жазо берадики, жазони енгиллаштиришга ҳатто муаллиф - шоир ҳам ожиз. Бундай чўнг жазога мустаҳиқ этилган Ҳакимнинг гуноҳи, қолаверса, жинояти нима экан, деган савол зукко ўқувчи қаршисида муаллақ туриб қолади. Ҳакимнинг иблисифат Мирзолар олдидаги гуноҳи ва жинояти унинг Даҳо эканлигидир. Негаки, ёвузликнинг найранглари, иблисларнинг маккорликларига унча-мунча одам боласи бардош беролмайди. Бас ҳам келолмайди. Унинг ҳийлаларини ёлғиз Даҳоларгина даф эта олиш қудратига эга. Ана шу жараёнда иблис қиёфасига кирган Мирзо образи мудҳиш моҳият касб этганлиги кўринади. Бунинг ҳосиласи ўлароқ Ҳаким трагик образ мақомига кўтарилади. Ҳакимнинг трагик ҳолатига бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, ҳаётий ҳақиқат фантастик шакл воситасида кўрсатилганига гувоҳ бўламиз. Ҳозирги замон тиббиёт фани дастлабки икки сатрдаги фактларнинг барчасини инкор этиши мумкин. Лекин бу бадий адабиётда, бадий идрок ва ифодада шартлилик устувор. Таҳлил этилаётган тўртликдаги “фантастик мазмун” реалистик ўлчам учун “ёлғон фикр” каби туюлади. Хусусан, дастлабки икки сатр мазмуни эса бизни ишонтиради. Кўринадик, фольклор мотиви реалистик тасвир билан синтезлашиб, шоирнинг бадий мақсадини ишонарли ҳолда рўёбга чиқаради.

Достон хотимасидаги маъно рамзий. Аввало, даҳо табиб, ва, умуман, барча буюк аждодларимиз, миллат руҳи, қолаверса, руҳият оламининг бадий инъикоси тасвирланган. Руҳият олами эса ер юзида бўлиб ўтаётган барча ноҳақликларни кўриб, эшитиб туради, лекин унинг ечимига аралаша олмайди. Шу пайтгача на инсоният ва на адабиёт тарихида достондаги буюк Ҳакимдек мудҳиш жазога мубтало бўлган образни учратиш қийин. Айтиш жоизки, бу якуний тугалланма тор миллийлик чегарасидан чиқиб, умуминсоний моҳият касб этади.

Ҳақиқатдан ҳам достонда Ҳасаднинг иштироки улкан. Асарнинг етакчи қахрамонларидан бири Мирзони ҳаракатга келтирувчи куч ҳам айна ҳасаддир. Лекин асар моҳиятига чуқурроқ кирилса, ундаги пинҳоний маъноларга диққат қилинса, ҳасад достонда мавжуд потенциал бадий мазмунга нисбатан юзаки қатлам экани аён бўлади. Достондаги теран қатлам эса муаллиф томонидан аввалданоқ аниқ белгиланган. Сарлавҳадаёқ

Ҳакимга қарши турадиган куч ажал бўлиши қайд этилиб, қаттол беллашув шу икки ўртада содир бўлиши асар ибтидосиданоқ тайинланади.

Маълумки, асарнинг номланиши бадий асар сезимида катта аҳамият касб этади. Муаллиф, одатда, асар орқали айтмоқчи бўлган ғоявий бадий мазмун юкини сарлавҳага жойлайди. Ҳақиқатдан, асарга чуқурроқ назар ташланса, унинг бутун мазмун – моҳияти шу икки сўзда жамланганига гувоҳ бўламиз. Лекин қизиғи шундаки, Ҳаким ва ажал мотиви очиқ ҳолда фақат асарнинг сўнгги бўлагида юз кўрсатади. Унгача тасвирланган барча воқеа – ҳодисалар, ҳамма тадориклар ушбу мотив – ғоя намоён бўлиши ҳамда намоиш этилиши учун тайёргарлик босқичидек хизмат қилади. Муаллиф китобхонни бу катта ғояга қадам – бақадам тайёрлаб боради. Хусусан, уни тасдиқловчи мисолларга мурожаат қилайлик:

*Гар ажалга даво топсам етардим ҳаққа,
Ечиларди, - дерди Ҳаким, - барча саволлар
ёки:*

*Ажал билан олишувдир, дерди, ниятим,
Иккимиз ҳам ҳақ олдида соме ҳар қачон.*

Ажал мотивининг бу тахлит такрор ва такрор таъкидланиши унинг муаллиф нияти ва асар қатидаги мустасно ўрнини тайин этади.

Зеро, Ҳаким ўз касби табиатига кўра, одамларни ажал чангалидан қутқаришга йўналтирилган. Бинобарин, Ҳаким табиб сифатида ажалга қарши бориши табиий. Лекин шу жараёнда Мирзо (бошқача айтганда, ҳасад) ажал тарафида туриб Ҳакимга қарши кураш олиб боради. Ҳаким ҳаётининг охирги сонияларидагина Мирзо вақтинча ажал вазифасини, аниқроғи, ажал югурдаги вазифасини ўтайди, холос. Шу тариқа дoston конфликтининг мазмун – моҳиятини ташкил этувчи *Ҳаким – Ҳасад - Ажал* учлиги юзага чиқади. Дostonнинг ғоявий қатламида ҳам, асосан, уч қаҳрамон иштирок этади. Улар шундай учбурчакни ҳосил қилади: *Ҳаким – Малика – Мирзо*. Бу учбурчакдан дostonдаги етакчи мотивлардан бири - Ҳасаднинг юзага келиш сабаб ва манбаи аниқланади. шоирнинг халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган “Ҳаким ва ажал” дostonига Ибн Синонинг “*ўликни ҳам тирилтира оладиган дори*”ни кашф этгани ҳақидаги афсона асос қилиб олинган. Бизгача бу афсонанинг икки варианты етиб келган. Биринчиси – буюк Ҳакимнинг шогирди ҳаяжонланганидан, дори солинган охирги идишни кўлидан тушириб юборади ва буюк Ҳаким тирилмай қолади. Иккинчи вариантда эса шогирддаги ҳасад туйғуси ўз устозининг тирилишига йўл бермайди. Шогирд охирги идишдаги дорини устозининг оғзига томизмайди. Абдулла Орипов афсонанинг иккинчи вариантини танлайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Биринчидан, асарнинг асосий масалалари – кульминацион нуқтаси ҳам, ечими ҳам бир нуқтага – асар охирига жамланган. Охирги сахнада **буюклик** билан **ҳасад**нинг юзма-юз келиши – ҳасад номли ижтимоий иллатнинг жамият учун – инсоният учун қай даражада хавfli эканлиги бутун бўй-басти билан очиб берилади.

Ана шу икки оқим – халқ орзуси ва Ҳақимнинг жаҳди – қўшилиб асардаги Ибн Сино образининг бадий мукамаллигини ва дostonнинг бадий жозибасини таъмин этган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ибн Сина. Избранные философские произведения. -Москва: “Наука”, 1980.
2. Абу Али Ибн Сина. Канон врачебной науки. Изд.разделне. -Тошкент: Фан, 1985.
3. И.Ҳаққул. Бадий сўз шукуҳи. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
4. Қўшжонов М. Мели Сувон. Абдулла Орипов. -Тошкент: Маънавият, 2000.

**ФИЛОЛОГИК ТАЪЛИМДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН
ФЙДАЛАНИШ**

**FİLOLOJİK EĞİTİMDE GELİŞMİŞ ÜLKELERİN TECRÜBELERİNDEN
YARARLANMA**

*Х.Ш.Нарходжаева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Қарши давлат университети (Ўзбекистон)*

*Dr. H. Narhodjaeva,
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни модернизациялаш мақсадида хорижий тажриба асосида дарс жараёнида идрок харитаси ва таълимда ундан фойдаланиш йўллари ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: хорижий технология, интеллект карта, идрок харитаси, Блум токсономияси, нутқий мулоқот.

Annotation. The article provides an overview of the lessons learned in the lesson on the basis of foreign experience and the ways to use it in education in order to modernize the teaching and learning process of teachers.

Key words: foreign technology, intelligence card, perception map, Blomeconomy, speech communication.

Özet. Bu makalede öğretmenlerin eğitim öğretim sürecinin planlanması ve yürütülmesini modern hale getirmek amacıyla yurt dışı tecrübeler esasında ders süresinde algı haritası ve onun öğretimde kullanma metotları üzerinde durulmuştur.

Anahtar kelimeler: teknoloji, zihin kartı, algı haritası, Bloom Taksonomisi, konuşma iletişimi.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболни белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга, интилиш йўлидаги кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш йўлидан кетмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда бўлгани каби таълимда ҳам йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, таълим олдидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш жамият

аъзоларидан алоҳида фидокорлик, меҳнат ва қатъият кўрсатишни талаб этади.

Олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни модернизациялаш, мақсадга мувофиқ равишда ташкил этишга замин тайёрлайдиган илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, уларни амалиётда қўллаш ва турли вариантларини ишлаб чиқиш компетентлигини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Юқоридаги вазифаларни эътиборга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар филологик таълим жараёнида таълим мазмунига боғлиқ ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга доир илғор хорижий технологияларини қўллай олиши лозим. Филология таълимида турли хорижий технологияларни ўринли қўллай олиш, дарс самарадорлигини таъминлаш билан бир қаторда талабаларда мавзунинг моҳиятини тушунишга Блум токсономияси бўйича таҳлил қилишга ўргатади. Жумладан, дарс жараёнида “Интеллект карта” (“mind map”) яъни “идрок харитаси”дан фойдаланиш берилган тушунча бўйича – тақдимотлар ўтказиш, қарор қабул қилиш, ўз вақтини режалаштириш, катта миқдордаги маълумотларни эсда сақлаш, ақлий ҳужумларни ўтказиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мураккаб лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мустақил таълим, ривожланиш ва шу каби вазифаларни ҳал этишда ажойиб восита бўлиб хизмат қилади. Интеллект-карталарни дарсларда қўллашга оид дастлабки тажрибалар Тони Бьюзен томонидан амалга оширилган. Т.Бьюзен “Superthinking” асарида интеллект-картанинг деталларини белгилаган: 1) асосий фикр, муаммо ёки сўз марказга жойлаштирилади (у расм кўринишида, белги ёки сўз кўринишида); 2) расмлар марказий фикрни ифодалаш керак; 3) ҳар бир тармоқ турли ранг билан белгиланиши керак; 4) картани тайёрлашда фақат рангли қалам ёки маркерлардан фойдаланилади; 5) асосий тармоқлар марказдаги асосий тушунча билан боғланади, кичик тармоқлар эса асосий тармоқларга боғланади; 6) ҳар бир тармоққа фақат биргина калит сўз ёзилади; 7) интеллект-картани ҳосил қилишда ассоциатив тушунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интеллект-карталардан маърузаларнинг аниқ ва тушунарли конспектларини яратишда, китоб/дарсликларни ўқишда максимал самарага эришишда, реферат, курс лойиҳалари, диплом ишларини ёзишда қўллаш мумкин.

Таълим доирасида дарслик, китоб, мақолаларни; эшитиш орқали маърузаларни конспектлаштиришда интеллект-карталарни қўллаш мумкин.

Кўпинча, дарсликни ўқийсиз, тушунгандай бўласиз, бироқ ўқиганингиздан 3-4 ҳафта вақт ўтгач, имтиҳонлар тугагач, барчаси ёдингиздан кўтарилиб кетади. Бутун маълумотни эсга солиш учун 200-300 саҳифали дарсликни яна қайтадан ўқиб чиқиш лозим бўлади. Айнан мана шу имкониятни бизга Интеллект-карта беради. Интеллект картага

ўқилган мавзу доирасидаги ғояларни режасини хомаки чизиш ва акс эттириш мумкин. Иккинчи босқичда эса қоғозга акс эттирилади. Ёки янги усул: дастлаб мақола режасини интеллект-карта кўринишида хомаки ёзиш, сўнг мана шу хомаки қолипга қолган матнни жойлаш мумкин.

Бундан кўзланган мақсад: Таҳлил/тушуниш.

Баъзан матндан бир саҳифа ўқийсиз, лекин ҳеч нарсага тушунмайсиз. Яна бир моратаба ўқийсиз... Яна тушунмайсиз. Ёки муаллифнинг фикрлари жуда мураккаб, жуда чалкаш... Бу фикрларни узвий кетма-кетликда хотирада сақлаб қолиш зарурати юзага келади.


Картани қўллаш қўйидагиларга имкон яратади: а) муаллиф фикрларини яхши илғашга; б) муаллиф йўл қўяётган мантикий хатолар ва қарама-қаршиликларни кўра билишга; в) матнни яхшироқ таҳлил қилишга; г) ўз фикрлари билан тўлдиришга;

Баъзан қандайдир маълумотни эслаш талаб этилади (узоқ муддатли хотирага). Бунга ҳам интеллект-карталар ёрдам беради, яъни матннинг саҳифаси эмас, балки 100 та калит сўз эсга олинади. Карта узоқ муддатли хотирада сақланиши учун бир неча марта такрорланиши зарур. Яхши нотиқ чиқишга тайёрланади. Яъни китоблар, мақолаларни ўқийди... улардан кўчирмалар тайёрлайди, бу турли-туманликда чалкашиб қолмаслик учун буларни интеллект-карталар кўринишида тайёрлаш самаралидир.

Тажрибадан маълумки, матн кўринишидаги тарқатма материални ҳеч ким ўқимайди. Агар тарқатма материал схема кўринишида бўлса, ҳеч бўлмаганда унга назар солишади. 20 саҳифа талаб этиладиган жойга баъзан 20 та калит сўзли 1 саҳифа етарли бўлади. Ва бу 1 саҳифа одатий 20 саҳифали тарқатма материалдан кўра кўпроқ маълумотни тезроқ хотирлашга имкон яратади. Интеллект-хариталар мунозара ҳолатида асосли қарорларни чиқаришга ёрдам беради: “сотиб олмоқ – сотиб олмаслик”, “бориш -бормаслик”, “ишини ўзгартириш - ўзгартирмаслик” ва ҳоказо.

Интеллект-хариталар бир варақдаги барча маълумотларни бир кўз ташлашда тўплаш имконини беради. У ёки бу қарорнинг яхши ва салбий томонларини назардан қочирмайди.

Ассоциатив тафаккурни фаоллаштириш анъанавий таҳлилда назардан четда қолган муҳим омилларни эътиборга олиш имконини беради.



Масалан, филологик таълим йўналишида “Социолнгвистика”, “Нутқ маданияти”, “Мутолаа”, “Нутқ маданияти ва мутолаа санъати” ва шу каби фанларда “Нутқий мулоқот” мавзуси ёки тушунчаси ўргатилади. Интеллект-хариталар бир варақдаги барча маълумотларни бир кўз ташлашда имкон берадиган восита бўлиб, дарснинг самарадорлигини оширишда хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мухторов А. ва бошқ. Таълим соҳасини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, 2012.

2. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Тошкент: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 -160 б.

3. Бьюзен Т., Бьюзен Б. Супермышление. - Минск: Попурри, 2003. - 211с.

4. Schul J.E. Revisiting and old friend: The practice and promise of cooperative learning for the twenty-first century. The Social Studies, 2012.

5. Lamy, M.N.& Hampel, R. Online communication in language learning and teaching. -London: Palgrave Macmillan. 2006.

6. Urazova M.B., Khodjaev B.Kh. Intellect cards as a development factor of a professional competence of future teachers. <https://cyberleninka.ru/article/n/intellect-cards-as-a-development-factor-of-a-professional-competence-of-future-teachers>.

ДОИРА ФАҚАТ МУСИҚА АСБОБИ ЭМАС

DAİRE SADECE MÜZİK ALET DEĞİLDİR

*Бахтиёр Халмуратов,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси
Шукрулло Насриддинов,
Наманган давлат университети ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Dr. Bahtiyar Halmuratov,
Şükrülla Nasriddinov,
Nemengan Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек миллий зарбли мусиқа асбобларидан бири бўлган доира ва у билан боғлиқ этнографик маълумотлар ёритиб берилган. Мақолада асосий эътибор доира рамзи билан боғлиқ халқона қарашлар, ушбу атаманинг этимологияси ва унинг шомонлик эътиқодидаги талқини акс этган.

Калит сўзлар: Мусиқа, ўзбек халқи, шомонлик, этнография, чилтон, маросим, урф-одат, даволаш жараёни.

Annotation. This article describes the doira of Uzbek national music instrument and ethnographic information about it. The main focus of the article is the public opinion on the doira symbol, the etymology of this term and its interpretation of the shamanism.

Key words: Music, Uzbek people, shamanism, ethnography, chiltan, ceremonies, traditions, process of medical.

Özet. Bu makalede vurmali çalgı aletlerinden, Özbek milli müzik enstrümanı olan *daire* ve onunla ilgili etnografik bilgiler açıklanmıştır. Makalenin ana odağı, *daire* sembolüyle ilgili halk inançları, bu terimin etimolojisi ve şamanizmin inancındaki yorumu yer almaktadır.

Anahtar kelimeler: Müzik, Özbekler, şamanizm, etnografya, şilitan, törenler, gelenekler, tibbi işlem.

Ўзбек миллий мусиқа асбоблари хилма-хил бўлиб, улар зарбли ва зарбсиз каби чолғу турларига бўлинади. Зарбли мусиқа асбоблари ичида энг кенг тарқалганларидан бири – доирадир. Доира – юмалоқ шаклдаги ўзбек ва тожик халқларида ва ишлатиладиган урма чолғу асбоби ҳисобланади. Унинг асосий қисми (гардиши) ток занги, заранг, акациядан тайёрланади. Гардишининг ташқи томонига бузоқ, той ёки эчкининг ошланган тери қопланади. Доиранинг ички тарафига майда темир халқалар илиниб, уларнинг сони 40 тадан 100 тагача бўлиши мумкин ва доирага зарб берилганда хуштак каби овоз эшитилади. Овозининг тиниқ ва баланд

чиқиши учун доирани аввал қуёшда ёки оловда қиздирилади. Доирага тўрта бармоқнинг зарби билан овоз чиқарилади. Катта бармоқлар доирани ушлаб туришига хизмат қилади. Қўлнинг тўрт бармоғи ва кафт зарби билан овоз чиқарилади (ЎзМЭ, 2002: 335). Доиранинг марказига зарб бериш орқали паст ва бўғиқ овоз чиқарилади. Доира четига зарб бериш билан баланд ва жарангдор овоз чиқарилади.

Барча диний эътиқодларда бўлгани каби шомонликда ўзига хос маросимлар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ҳеч бири маросимий воситаларсиз ўтмайди. Шомонлар ўзларининг руҳий кучларига нисбатан ишонч-эътиқодни янада ошириш, мақсадга тезроқ ва қулайроқ равишда етишиш ёхуд муайян таъсирни узоқроқ муддат сақлаб туриш мақсадида хилма-хил ташқи ёрдамчи воситалардан фойдаланадилар. Фарғона водийси шомон-бахшиларининг маросим атрибутлари жумласига чилдирма, қамчи, тасбех, йигирув чархи, уяли алоқа воситаси, кул, сув, пичоқ, ойна, турли хил иплар, инсон сочи, тол новдаси кабилар киради. Номлари қайд этилган анжомлар воситасида водий шомон-бахшилари беморларни даволаш ишларини олиб борадилар. Ана шундай маросим атрибутларидан бири “чилдирма” дир.

Фарғона водийси шомон-бахшилари беморни даволаш жараёнида чилдирмадан унумли фойдаланадилар. Чилдирма садолари остида бахши ўзининг ёрдамчи руҳларини чақиради, доиранинг мусиқий оҳанги маросим руҳига кўтаринки кайфият бағишлайди. Чилдирма шомонлар учун сеҳрли хислатга эга ҳисобланади. Водий ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, доирадан анъанавий оилавий маросимлар (тўй-томошалар) жараёнида фойдаланилади. Доира ўзбекларда доира, чилдирма, чирманда, чилдирмон каби номлар билан аталади. Улар орасида кенг тарқалган варианты доира ва чилдирмадир. Элшунос К. Шониёзовнинг қайд этишича, қарлуқларда доира сўзи ўрнига “зағома” атамаси қўлланган (Шаниязов, 1964: 158).

Л.Троицкаянинг ёзишича, XX аср бошларида Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси орасида чилдирма сўзи ўрнига “чорманда” сўзи ишлатилган. Бу атама форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “тўрт торли асбоб” деган маънони билдирган (Троицкая, 1974:147). Муаллифнинг фикрича, келиб чиқиши тожикча бўлган дойра сўзи ҳам асли туркий тилдан олинган, аммо, фонемаси тожик тилидаги “қирқ” атамаси билан бир хил айтилиши бу фикрни инкор этади ва қирқ сонининг шомонликдаги аҳамиятини пасайтирмайди.

Шомонликда чилдирманинг ўрни масаласи бир қатор адабиётларда ва мақолаларда ўз аксини топган. Жумладан, К.Шониёзовнинг фикрига қараганда, чилдирма доира шаклидаги мосламага тортилган, эчки терисидан тайёрланган бўлиб, доира атрофига ҳалқа ва шилдироқлар ўрнатилган ва шундан унинг номларидан бири чилдирма сўзи келиб чиққан (Шаниязов, 1964:158).

Элшунос Л.Троицкаянинг ёзишича, XX аср бошларида Тошкент шомон-бахшилари доимо ўзлари ишлатадиган ёғоч айлана ҳалқалардан ташқари ўз чилдирмаларига ҳам эга бўлганлар. В.Басилов эса XX аср 50–60-йилларида Жиззах шомонлари асосан, диаметри 30–40 см бўлган чилдирмадан фойдаланганликларини қайд этган (Басилов, 1981:118).

Кўриниши жиҳатидан оддийроқ бўлган чилдирма этнолог ва фольклоршунос олимлар диққатини ўзига кўп тортмаган. Чунки, унинг ташқи кўриниши оддий доирадан фарқ қилмайди. Аммо, у қозоқлардаги “қўбиз” каби ўзбекларда ҳам муҳим атрибутлардан бири ҳисобланган. Баъзан доираларнинг вазифаларидан унинг маҳаллий урф-одатлардаги ўрни қай даражада эканлигини англаб олиш мумкин. Масалан, қадимда Хоразм шомонлари касалларни даволаш жараёнида ўз ёрдамчи руҳларини доира атрофига йиғиб, доира чалиб, руҳлар эътиборини ўзига тортишга ҳаракат қилганлар (Снесарев, 1969: 55).

Диншунос М.Элиадэ асоссиз равишда “Ўрта Осиё шомонлари, жумладан, туркий халқлар маросимлар мобайнида чилдирмадан фойдаланмайди, уларга бу нарса маълум эмас”, – деб қайд этган эди (Eliade, 1974:45). Аслида ушбу фикр нотўғри бўлиб, дала тадқиқотлари жараёнида Фарғона водийси ўзбеклари шомон маросимлари давомида бахшининг доира чалиб, руҳларни чақириш одати мавжуд эканлигига гувоҳ бўлинди.

Шомон маросимлари даврида доирадан фойдаланиш одати қадимги туркийларга хос бўлиб, улар орасида кенг тарқалган афсоналарга кўра, Эрликхон теридан бир довул ясаб, илк шомонлик маросимларини ўтказар экан. Ўрта Осиё худудидан ташқарида истиқомат қилувчи бошқа туркий халқлар – уйғур, олтой, хакас шомонлари қадимда доира садолари остида фол очган бўлса, селькупларда шомон ноғораси қайиқ бўлиб, шомон унинг ёрдамида афсонавий вақт дарёсида сузади, деб ўйлаганлар (Гемуев, Пелих, 1997: 36-46).

Шуниси характерлики, шомон доираларининг деярли барчасида ички қисмлари турли хил тасвирлар билан безалган бўлади. Ушбу расмларнинг тузилиши қандай маъно англатишини ҳеч ким билмайди, аммо уларнинг барчаси бир хил “қирмизи қон” номи билан юритилган. Расмни қон билан безаш Сибирь шомонларида ҳам учрайди (Иванов, 1976:224-227). Шомон доираси ички қисмидаги расмларни қон билан безаш сабаби аниқ: доирага чизилган расмлардаги қон белгиси руҳларни ўзига жалб этган, лекин қандай руҳларни ўзига тортиши тўғрисида этнология фанида ягона фикр мавжуд эмас.

Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғида яшовчи Мақсуда бахшининг фикрига қараганда, қон сеҳрли кучга эга бўлиб, руҳларни доира атрофига жалб қилишда асосий ўринни эгаллайди. Доирага суртилган қонни жинлар келиб ялайди. Шундан сўнг улар қоннинг эгасини бошқа ёвуз руҳлардан ҳимоя қилиб юради (Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғи, 2009). Лекин, шуни эътироф этиш лозимки, қонни

доирага суртиш одати бевосита қадимги анимистик тасаввурларнинг қолдиғидан бошқа нарса эмас.

Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳрида яшовчи Гулола бахши: “Доирани чилтонники деб ўйлаймиз”, – деб таъкидлайди (Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳри, 2010). Андижон вилояти Пахтаобод шаҳрида яшовчи Фотима бахши ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлаб, “Чилдирмадаги қон қирқ чилтонга тегишли”, - деб қайд этади (Дала ёзувлари. Андижон вилояти Пахтаобод шаҳри, 2009).

Шомон маросимларида доирага қон суртиш одати тоғли тожикларда ҳам мавжуд бўлган. О.Сухареванинг ёзишича, Ўратепа тожиклари шомон маросимлари жараёнида доиранинг ўрта қисмига қон суртишиб, руҳларни чақирганлар. Улар шу йўл билан ёвуз руҳларни доирага йиғиб олар экан (Сухарева, 1975: 35). Шунинг таъкидлаш керакки, барча халқларда ҳам шомон доирасини қон билан безаш одати мавжуд бўлмаган. К. Задихинанинг қайд этишича, қадимги Хоразмнинг ўрта қисмида яшаган ўзбек шомонлари доирасига тасвир чизишда қондан фойдаланилмаган. Чунки, қон Хоразмда қадимдан муқаддас унсур бўлиб, уни увол қилиш оғир гуноҳ ҳисобланган (Задыхина, 1952: 233).

Қошғар қирғизларида доира “дап” деб аталиб, у ҳам худди Олой қирғизларининг ликопчаси сингари шомон сеанслари давомида кенг қўлланилган. Зарафшон водийсининг ўрта қисмида яшаган тожик шомонлари маросимлар давомида доира ўрнига дутордан фойдаланган (Муродов, 1975:96). Н.Жуковская эса шомоннинг шахсий доираси, кийимлари ва ҳатто махсус дарахти ҳам бўлишини қайд этган. Муаллифнинг фикрича, шомон доираси оддий мусиқа асбоби бўлибгина қолмай, у шомон учун руҳлар оламига олиб борувчи восита ҳисобланган (Жуковская, 1998: 149).

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, Фарғона водийси шомонларининг маросим асбоблари ва ишлатадиган буюмлари бошқа ҳудуд шомонлари воситаларидан тубдан фарқ қилмайди. Маросим асбобларининг аксарият қисми ҳозирги кунга қадар ишлатилиб келинмоқда. Фақатгина ислом дини таъсири остида айрим буюмларнинг сиқиб чиқарилиши ва янгиларининг кириб келиши ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу ўзгаришлар шомонликнинг асл моҳияти йўқолиб бораётганлигини англатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т.4. – Тошкент: ЎзМЭ, 2002.
2. Шаниязов К. Ш. Узбеки–карлуки. – Ташкент: Фан, 1964.
3. Троицкая Л. Лечение больных изгнанием ... – С. 147.
4. Шаниязов К.Ш. Узбеки–карлуки. – Ташкент: Фан, 1964. – С. 158.
5. Басилов В.Н. Новые материалы узбекского шаманства. – Москва: Наука, 1981.
6. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – Москва: Наука, 1969.

7. Eliade M. Shamanism. Archaic techniques of Ecstasy. – London, 1974.
8. Гемуев И., Пелих Г. Категория селькупских шаманов // ЭО. 1997. №5.
9. Иванов С. В. Некоторые аспекты изучения сибирских бубнов // Из истории Сибири. – Томск: Наука, 1976.
10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Учкўприк тумани Қақир қишлоғи, 2009 йил.
11. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳри. 2010 йил.
12. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Пахтаобод шаҳри. 2009 йил.
13. Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинных таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – Москва: Наука, 1975.
14. Задыхина К. Узбеки делты Амударьи // ТХАЭЭ. – Москва: Наука, 1952. Т.1.
15. Жуковская Н. Шаманство: Религия? Мировоззрение? Практика? // Наука и жизнь, 1998. №8.

ТЮРКИЗМЫ В БЕЛОРУССКОМ ЯЗЫКЕ

BEYAZ RUSÇADA TÜRKÇE ÖDÜNÇLEMELER

*Бабаходжаева М.Х. – к.п.н., доцент Ташкентского
института инженеров железнодорожного транспорта (Узбекистан)
Грицук Л.Н. – старший преподаватель Брестского
государственного университета им. А.С.Пушкина (Беларусь)*

*Doç. Dr. M. Babahodjaeva
Taşkent Demiryolu Mühendisliği Enstitüsü (Özbekistan)
Kıdemli Öğr. Üye. L. N. Gritsuk
Puşkin Adli Brest Devlet Üniversitesi (Beyaz Rusya)*

Annotatsiya. Maqola belarus tilidagi turk so'zlarining ishlatilishiga bag'ishlanadi. Qirim tatarlarining polyaklar, litvaliklar va belaruslar bilan millatlararo munosabatlari turkizmlarni jorun kelishiga o'z hissasini qo'shdi. Shunday qilib turli galakse o'rtasidagi munosabatlar turk so'zlarining belarus tiliga singob ketishigaj sabab bo'ldi. Ko'pgina turkizimlar belarus tilida sayqallanib uning leksik jamg'omasidan joy oldi.

Kalit so'zlar: Turkizmlar, millatlararo aloqalar tarixi, belarus tilining leksik fondini boyitgan yo'llar.

Annotation. The article is devoted to the functioning of Turkisms in the Belarusian language. The history of interethnic contacts of Crimean Tatars with Poles, Lithuanians and Belarusians contributed to the borrowing of turkisms. Thus, the history of contacts between different peoples contributed to the penetration of turkisms into the Belarusian language. Many turkisms are mastered by the Belarusian language, enriched its lexical fund.

Key words: Turkisms, the history of interethnic contacts, the ways enriched lexical fund of Belarusian language.

Özet. Makalede Beyaz Rusya dilinde Türkçe kökenli kelimeler ve onların kullanımıyla ilgilidir. Kırım Tatarlarının Polonyalılar, Litvanyalılar ve Beyaz Ruslarla olan etnik ilişkileri, Türkçe kelimelerin bu dillere geçmesine katkıda bulundu. Bu sebeple farklı halklar arasındaki temaslar, Türkçe kelimelerin Beyaz Rusçada ödünçlenip yerleşmesine yol açtı. Bir takım Türkçe kelimeler Beyaz Rusça'da çeşitli semantik olaylar sonrasında dil hazinesinden yerini almıştır.

Anahtar kelimeler: Türkçe ödünçlemeler, etnik ilişkilerin tarihi, Beyaz Rusçanın leksik zenginleşme yolları.

Тюркизмы в белорусском языке – слова или выражения, заимствованные в белорусский язык из тюркских языков (в первую очередь татарского и турецкого). Тюркизмы начали приходить в белорусский (старобелорусский) язык в период с XIV по XVII века. Появление тюркизмов

было обусловлено тесными контактами между белорусами и татарами. На территорию ВКЛ (Великого княжества Литовского) попадали пленные и переселенцы из Золотой Орды. Многие из них служили в армии, занимались ремеслом и торговлей.

На территории ВКЛ даже образовались татарские поселения, о чем свидетельствуют географические названия типа *Татаршчына*, *Татары*, *Татарка*, *Татарск*, *Татарская Слабада* и др. Конечно, такого влияния, как на территории Московского государства, татары в ВКЛ не имели, так как Беларусь не пострадала от татаро-монгольского нашествия. Есть даже гипотеза, что Белая Русь называлась *белой*, так как была свободной от татаро-монголов и не платила им дань.

Особенностью татарского населения на территории Беларуси можно назвать то, что это были преимущественно мужчины. И они чрезвычайно быстро обеларусивались, поскольку в жены брали местных женщин, которые растили детей на белорусском языке, а также служили в армии, где контактировали с местными солдатами. В мечети же службы проходили на арабском языке.

Безусловно, браки с христианками (белорусками и польками), которые очень часто заключались литовскими татарами в XVI в., что видно из источников того времени, отрицательно влияли на процесс сохранения татарами своего языка. И после заключения брака с белоруской либо с полькой татарину не с кем было говорить дома на своем родном языке. В его доме звучали белорусский или польский язык, потому что жена его и слуги-христиане не обладали знанием других языков. А дети их, хотя их и воспитывали в мусульманской вере, слыша из уст матери, нянек и прислуги белорусский или польский язык, говорили с отцом именно на ней. Таким образом, через несколько поколений татарский язык фактически вышел из употребления.

Тем не менее, поселившись на землях Белорусско-Литовского государства, литовские татары принесли с собой арабский алфавит, приспособленный к фонетике чагатайского языка, т.е. того, которым они тогда пользовались. В процессе освоения белорусского и польского языков, составления религиозных и светских текстов на этих языках возникла необходимость ввести в арабско-чагатайскую графику дополнительные диакритические значки, которые передавали бы звуки, которых нет ни в арабском, ни в чагатайском языках. Так возник язык *китаб*, написанных на белорусском и частично польском языках (*al-kitab* – что по-арабски значит 'книга'). Китабами сейчас называют мусульманские религиозные книги, написанные по-белорусски арабской вязью. Китабы – многоязычные рукописи, но доминирует в них белорусский диалектный язык тех времён. Язык *китабов*, близкий к белорусскому народному языку, отличается от языка памятников старобелорусской письменности. Достаточно часто

наблюдается сочетание и переплетение арабских, тюркских и белорусских языковых традиций в манускриптах.

В текстах *китабов* отразилась белорусская лексика, белорусский синтаксис. С помощью арабской графики, адаптированной к белорусской фонетике, более точно, по сравнению с кириллическими письменными памятниками, передаются некоторые звуковые особенности белорусского языка, в первую очередь *дзекаанне* и *цеканне*, а также разнообразные ассимиляционные изменения.

Проблема тюркизмов в белорусском языке еще мало исследована. Изучение тюркских заимствований в белорусском языке полезно не только как лингвистическая явление. Историческое содержание слов, время их закрепления в письменных источниках, употребление в говорах помогут лучше узнать о многих страницах жизни общества.

Тюркизмы попадали в белорусский язык не только напрямую, но и через посредничество других языков: украинского (*арбуз, казак, чумак*), польского (*мечеть, карман*), русского (*кочевать, кабала, калека*).

Внедрение тюркизмов в белорусский язык в разные исторические периоды происходило неравномерно. Выделяют два хронологически разных слоя тюркизмов: заимствования общеславянского периода и заимствования периода самостоятельной истории белорусского языка. Большинство тюркизмов попало в продолжение XIV-XVII веков в результате непосредственных контактов белорусского населения с представителями тюркских народов (прежде всего, с крымскими татарами) и благодаря посредничеству соседних языков – польского, русского, украинского.

Начиная со времен Гедимина (великого князя литовского с 1316 по 1341 годы), укрепляются непосредственные контакты торгово-экономического и военного характера между Великим княжеством Литовским и тюркскими народами, населяющими причерноморские степи. Литовские князья вели дипломатическую переписку с крымскими ханами, приглашали татар на службу в армию, имели от них поддержку в войнах.

На территории современных белорусских земель появляются островки татарских поселений, состоящие из добровольных переселенцев, пленных, ремесленного и торгового люда, который вступал в непосредственные языковые связи с местным населением. Местные жители заимствовали из языка татар отдельные слова, которые с течением времени становились общеизвестными и стали применяться как лексическая норма белорусского литературного языка.

С того времени в белорусском языке употребляются тюркизмы бытового характера (*алмаз, аршын, атлас, кабала, кайданы, каўпак, каптан, кумыс, курган, нагайка, саф'ян, султан, табар, тафта, туман, хабар, шаравары, шацёр*). Словари белорусского языка фиксируют также ряд устаревших тюркизмов (*апанча, армяк, казна, кісцень, таф'я*). Некоторые

тюркизмы перешли в разряд историзмов (*бунчук, есаул, калчан, мурза, сагайдак, тамга, янычар, ясак, ясыр*).

Каждый белорус понимает не менее 2 тысяч тюркских слов. Среди лексики, которая разными путями заимствована из тюркских языков, в основном выделяют:

- наименования лиц по административным должностям, роду занятий, вероисповеданию, физическим и духовным качествам: *атаман, басурман, бек, гайдамак, гайдук, казак, калека, рахманы, улан, чабан, янычар*;

- наименования одежды, обуви и материалов для их изготовления: *армяк, атлас, башлык, бязь, кабат, каракуль, каўпак, каптан, кішэня, кунтуш, кутас, саф'ян, тасьма, тафта, халат, чобат, шаравары*;

- сельскохозяйственные, природоведческие термины: *аер, алыча, атава, атара, байрак, баклажан, баран, барсук, бахча, беркут, бугай, буланы, гарбуз, кабан, кабачок, кавун, калач, кізіл, качан, сазан, саранча, табун, таракан, тарпан, туман, тытунь, фундук, яр*;

- военные термины: *барабан, булат, дзіда, канчук, кінжал, кисцень, нагайка, палаш*;

- названия построек, помещений: *мячэць, кабак, майдан, амбар, шацёр, шалаш, курган*;

- названия животных: *бык, кабан, беркут, саранча, баран, собака, барс, бурундук*;

- названия цвета: *алы, кары, буры, буланы, кауры*;

- экономические понятия, измерения: *аршын, тавар, чарга, магарыч, базар*;

- бытовые слова: *аркан, бакалея, барыш, біклага, бязмен, дыван, кава, кадык, кантар, капшук, кілім, локшына, саган, сургуч, сурма, тапчан, таўро, торба, харч, чапрак, чыгун, шчыгрын*.

Одной из отличительных черт тюрко-татарских слов, употребляющихся в современном языке, есть сингармонизм. Слова, оканчивающиеся на *-ан, -ун, -ук, -ык, -аш*, морфологически неразделимы.

Среди ономастических наименований на карте Беларуси очень часто встречаются образованные от слов *татарин* или *турок*, которыми предки белорусов долгое время называли многие тюркских племена и народы»: *Татары, Татарская, Татарск, Татаршчына, Татарка, Татаршчызна, Татаркавічы, Татар'я* и др. Этнонимическая основа *татар* - проявляется в 14 географических названиях, которые служат для обозначения 47 населенных пунктов: *Туркі, Туркаўская Слабада, Турчанка, Туркаўшчына, Турэц, Турак* и др. Встречаются и другие топонимы, образованные от тюркских корней: *Шайбакова, Чаусы, Баева, Карацак, Агдэмер, Баўбасава, Балашэвічы, Балажэвічы, Баштан, Мамайкі, Шайтэрава, Шарыба, Шарыбайка, Туган, Бабаевічы, Булгары, Апчак, Арда, Койданава, Мамаі, Пагост, Узда, Якшыцы* и др.

Есть белорусские названия, которые народной этимологией связываются с татарами: *Целеханы* (рус. *Телеханы*) якобы образованы от сочетания 'тело хана'. Также имеем белорусские фамилии, в основу которых положены тюркские корни: *Бабаев* (от 'дед'), *Бузук*, *Букаты*, *Булгак*, *Булгаков*, *Була*, *Бушков*, *Дага*, *Даўляш*, *Кабак*, *Калдай*, *Калган*, *Камай*, *Канчак*, *Карач Кардаш*, *Кашкур*, *Курбека*, *Кураш*, *Салтан*, *Талатыннік*, *Салтан*, *Шабаш*, *Шахновіч*, а также производные от них.

Насколько сильно вошли тюрко-татарские заимствования в белорусский язык, свидетельствуют следующие примеры. Так, слово *бархан* – песчаный холм дугообразной формы в пустынях, степях – получил постоянную прописку в деревне Старый Свержень Столбцовского района. Земляную насыпь, на которой раньше стояла деревянная церковь, до сих пор называют *барханом* или *барканом*. Здесь же услышишь слово *капюшон* как название капюшона во всех видах одежды; слово *харч* во всех означенных словарем значениях: 1) то, что едят; 2) запасы пищи; 3) корм для скота.

Ниже предлагаем список слов, хорошо известных на белорусских землях:

- длинная веревка с петлей на конце для ловли животных – *аркан*;
- старинная верхняя крестьянская одежда из самотканого сукна – *зіпун*;
- сказочный силач, великан – *багатыр*;
- некоторые продовольственные товары: сахар, чай, кофе, мука, крупы и под. – *бакалея*;
- взятки, гостинец – *бакшыш*;
- хищный пушной зверь семейства куньих с острой мордой и длинной грубой шерстью – *барсук*;
- сильная буря, вьюга – *буран*;
- хлопчатобумажная ткань полотняного переплетения – *бязь*;
- продукт из особым образом заквашенного молока, обычно с фруктовыми добавками, по консистенции похожий на сметану – *йагурт*;
- травянистое растение семейства тыквенных с лежащими стеблями и большими сладкими сочными плодами – *кавун*;
- минерал, кристалльная кубическая модификация самородного чистого углерода – *алмаз*;
- котел с круглым дном и широким верхом – *казан*;
- плодовое дерево семейства розовых, а также похожий на яблоко плод этого дерева, твердый и терпкий на вкус – *айва*;
- мешочек для табака, который затягивается шнурком – *кісет*;
- кашемировый ковер ручной работы без ворса – *кілім*;
- пучок нитей, связанных на одном конце вместе, служит для украшения – *кутас*;
- порошок из мелкозернистой горной породы, которым шлифуют и очищают металлические изделия и стекло – *наждак*;

прибыль, выгода от какой-либо торговой операции – *барыш*;
 суконный *капюшон с длинными концами, который надевается на голову в непогоду – башлык*;

низкая кровать из досок на козлах; комнатная широкая скамейка со спинкой – *тапчан*;

монашеский головной убор в виде высокой цилиндрической шапки с покрывалом – *клубук*;

растение с длинным мечевидного листьями и толстым ползучим корневищем, растет по берегам водоемов – *аер*.

Таким образом, анализ исторических и письменных источников показывает, что к концу XVI в. коммуникативная функция разговорного родного языка литовских татар исчерпывается и на смену ему приходят белорусский и польский. Положение это сохранилось до сегодняшнего дня.

Согласно переписи населения 2009 г., в Беларуси проживает 7 316 татар, из которых 1 411 человек назвали белорусский язык своим родным языком.

Список литературы:

1. Беларуская мова: Энцыклапедыя / пад рэд. А.Я.Міхневіча; рэдкал.: Б.І.Сачанка. – Мінск: Бел. Энцыкл., 1994. – 655 с. – 10 000 с.
2. Булыка А.М. Слоўнік іншамоўных слоў: У 2 т. – Мінск: Бел. Энцыкл., 1999. – 5000 с.
3. Бурак Л.І. Сучасная беларуская мова / пад рэд. Л.М.Шакуна. – Мінск: Выш. школа, 1985. – 319 с.
4. Лексікалогія сучаснай беларускай літаратурнай мовы / пад рэд. А.Я.Баханькова. – Мінск: Навука і тэхніка, 1994. – 463 с. – 1360 с.
5. Шур В.В. Беларускія ўласныя імёны: Беларуская антрапаніміка і тапаніміка. – Мінск: Маст. літ., 1998. – 239 с.

РУКОВОДИТЕЛЬ И ЕГО РОЛЬ В РАБОТЕ С ХОРОВЫМ КОЛЛЕКТИВОМ

BAŞKAN VE ONUN KORO GRUBU ÇALIŞMASINDEKİ ROLÜ

*Васильченко Ольга Анатольевна,
кандидат педагогических наук, доцент
Государственный институт искусств
и культуры Узбекистана*

*Doç. Dr. Olga Vasilçenka
Özbekistan Medeniyet ve Sanat Enstitüsü*

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совокупности решения проблем в подготовки высококвалифицированных хоровых специалистов, а также о роли педагога - руководителя в работе с хоровым коллективом.

Annotation. In the article questions of set of the decision of problems in preparation of highly skilled choral experts, and also about a role of the teacher - the head in work with a choral collective are considered.

Özet. Makalede, yetenekli koro uzmanlarının yetiştirilmesinde görülen sorunlar ve aynı zamanda öğretmenin bu husustaki rolü ile ilgili meseleler üzerinde durulmuştur.

В Узбекистане уделяется огромное внимание воспитанию и образованию молодежи и важным условием развития страны на современном этапе является формирование совершенной системы подготовки кадров на основе богатого интеллектуального наследия народа и общечеловеческих ценностей, достижений современной культуры, экономики, науки, техники и технологий.

На современном этапе развития дирижерско-хорового образования вопросы нового приема учащихся и подготовка высококвалифицированных кадров хоровых специалистов различного профиля приобретает новое актуальное значение. Необходимо решать эти важные вопросы с позиций современной науки, а также в соответствии с потребностями жизненной практики хоровой культуры: кого и как принимать в специальные учебные заведения, каких специалистов хорового дела и для каких общественно-государственных целей необходимо готовить в будущем. Объективная необходимость выпуска талантливых хоровых специалистов различного профиля для удовлетворения потребностей хоровой культуры на данном этапе очень актуальна. Как говорил президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев: «Мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества для того, чтобы наша молодежь обладала самостоятельным мышлением, высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, ни в одной сфере не уступала своим сверстникам из других стран, была счастлива и уверена в своем будущем» (Мирзиёев, 2016).

Поэтому в подготовки студентов – будущих педагогов-хормейстеров, хоровой класс занимает особое место. Это центральная дисциплина цикла, основа постановки учебного процесса специальности «вокальное исполнительство», поэтому трудно переоценить значение и актуальность разработки вопросов методики организации и постановки работы учебного хора. Именно хоровой класс имеет важное психологическое значение, помогая студентам с первых шагов воспитать необходимые для дирижера волевые и артистические качества.

Будущий руководитель хора еще в период обучения должен приобрести достаточные познания в области теории вокального пения, научиться в совершенстве владеть певческим дыханием, ясно представлять себе технологию и практически усвоить приемы правильного звукообразования, уметь пользоваться резонаторами, воспитывать в себе комплекс вокально-технических навыков, необходимых для исполнения произведений различного стиля и любой вокальной сложности. Приобретенные вокальные знания и навыки обеспечат высокий уровень вокально-хоровой культуры будущего учителя музыки, которая, в свою очередь, станет залогом вокально-хоровой культуры руководимого им хорового коллектива.

На занятиях учебного хора студенты приобретают и совершенствуют такие специфические навыки хорового исполнения, как навыки хорового строя, хорового ансамбля и т.п., досконально изучается технология репетиционного процесса, воспитываются навыки исполнительской деятельности интерпретации. Все эти профессиональные качества будущие специалисты приобретают в процессе пения в учебном хоровом коллективе, т.к. «воспитание хорового дирижера нужно осуществлять в постоянной связи с практикой пения в хоре» (Пазовский, 1959: 86-87).

Совокупность успешного решения всех этих проблем на базе правильно организационной работы учебного хора, в конечном итоге, обеспечивает правильное формирование хоровой культуры будущего учителя музыки. И здесь вновь на первый план выдвигается проблема качества, уровень хоровой культуры учебного хорового коллектива. «Как пианиста нельзя научить играть на инструменте плохого качества, так и дирижера нельзя воспитать на звучании плохого хора. Учебный хор должен быть доведен до уровня высоко – квалифицированного художественного коллектива» (Пигров, 1964: 132).

И здесь особо важна роль педагога - руководителя в работе с хоровым коллективом, который должен предстать перед аудиторией не просто эрудированным в области истории культуры, но умеющим мыслить, сопоставлять, анализировать, а главное – любящим, понимающим студентов, умеющих эмоционально воспринимать искусство.

В задачу руководителя хора входит не только обучение его участников правильным певческим и хоровым навыкам, но и воспитание у них

хорошего художественного вкуса, высокой духовности, любви к хорошему искусству. Именно в условиях хоровых занятий раскрываются широкие возможности для духовного развития студентов, формирования их художественно - эстетического вкуса, поскольку в хоровой деятельности они приобретают определенные знания, расширяя свой обще эстетический и художественный кругозор, определяя свои художественные интересы и предпочтения, получают необходимые исполнительские навыки и умения, создают звучащие произведения хорового искусства, представляющие социальную ценность. Такой широкий и разнообразный спектр деятельности руководителя хора требует от него не только знаний, умений и навыков в области хорового искусства, но и широкой общей эрудиции и педагогической образованности. Для этого необходимы большие знания в области литературы, изобразительного искусства, общественных наук, педагогики и психологии.

Сложность задач, которые стоят перед руководителем хорового коллектива определяет высокие требования, предъявляемые, прежде всего к нему. Руководителем хорового коллектива должен быть человек с ярко выраженными качествами лидера, способным зажечь руководимый коллектив и увлечь за собой. Обладать развитым интеллектом, основанным на широком круге знаний в различных областях и, прежде всего, музыке. Он должен знать историю музыки, хоровую литературу, обладать развитым гармоническим и мелодическим слухом, иметь навыки тщательного слухового контроля, хорошо владеть методикой работы с хором. Иметь четкое представление о механизме работы голосового аппарата, о принципах звукоизвлечения и звуковедения, иметь голосовые данные, уметь показать певцам, как правильно петь, показывая как добиться верного звучания.

Он должен не только грамотно исполнить музыкальный текст, но и передать идейную сущность произведения, его эмоциональный строй, обладать широкой эрудицией в разных сферах искусства. Знакомство педагога с музыкальным материалом есть процесс образовательный, поскольку в ходе него расширяется представление об изучаемом материале. Педагог знакомит с периодом создания музыкального сочинения, основными этапами творческого пути автора, строением и формой музыкального произведения, с преодолением исполнительских приемов технического содержания сочинения, сталкивается с поиском выразительных средств музыки в работе над художественным образом. Особенность этих знаний состоит в том, что они непосредственно связаны с отражением истории, современной жизни, социальных проблем, человеческими чувствами и переживаниями, формирующими знания и умения, личностные качества, которые имеют воспитательный потенциал. Обобщение теоретических знаний и умений, применение их в

исполнительской интерпретации, умение их синтезировать развивают хоровую подготовку учителя музыки, ориентируют ценностные отношения к действительности, активно формируют духовный мир, художественный вкус, следовательно, выполняют эстетическую функцию в учебном процессе.

В том случае, если воздействие на хористов оказывает руководитель, пользующийся авторитетом и внушающий доверие, то каждое его замечание и предложение становится веским и убедительным, заражает желанием работать и, таким образом, подчиняют своему влиянию (Петрушин, 2006: 400).

Работа с хором требует от руководителя большой работоспособности, сильной воли, выносливости и крепкого здоровья, а также оптимизма и, естественно, чувства юмора. Все эти знания, умения, навыки, способности и черты характера являются, профессиональными качествами руководителя хорового коллектива. Личность педагога, его талант, профессиональная эрудиция, опыт, а главное любовь и безраздельная преданность к музыке, своей профессии должны быть всегда примером, достойным подражания. Поэтому руководство учебным хором следует поручать одному из авторитетных педагогов, который способен поднять студенческий хор на самый профессиональный уровень, создать в коллективе подлинно творческую атмосферу.

Стремясь сплотить хор, как монолитный творческий коллектив, не следует забывать, что каждый его участник есть личность мыслящая, чувствующая, стремящаяся к максимальному проявлению своих способностей (<https://>).

Таким образом, вопросы организации работы учебного хора и практической подготовки будущих учителей музыки в условиях высшего музыкально-педагогического образования должны решаться комплексно. При этом приобретение навыков практической работы с хором осуществляется, прежде всего, в процессе систематической работы студента с хоровым коллективом. Хоровой класс должен всегда оставаться учебной дисциплиной и под руководством педагога последовательно решать иные проблемы на пути профессионального становления дирижера, главная из которых – формирование хоровой культуры будущего учителя музыки.

Велика и ответственна роль руководителя хорового коллектива: это не только педагог, но и музыкант, хормейстер, артист, способный увлечь, повести за собой, научить певческому мастерству, добиться незаурядного исполнения. В этих условиях хоровой класс приобретает все основные качества, присущие исполнительским коллективам высшей квалификации, становится той «творческой лабораторией», где закладываются основы профессионального мастерства у будущих учителей музыки

«При всей важности таких факторов, как интерпретация», говорит Борис Тевлин дирижер, народный артист, профессор – исполнительская

трактовка, дирижерская концепция, подкупает, прежде всего, когда хор красиво и чисто поет, то есть пение как таковое. А чтобы хор пел красиво, этим надо заниматься, и не от случая к случаю, а регулярно, причем особого внимания требует работа над дыханием, педагогический метод у меня один. Высокая требовательность, в первую очередь, конечно, к себе, и потом уже к коллективу. Я быстро работаю, стараясь поменьше времени тратить на разговоры, требую полного погружения в музыку, максимальной концентрации: надо, чтобы хор все время пел во время репетиции» (<https://>).

Для достижения этого хоровой класс в высшем учебном заведении должен представлять собой хороший исполнительский коллектив, принципы работы и качество звучания которого на многие годы могут стать образцом для каждого студента в его дальнейшей профессиональной деятельности.

Сегодня новое время выдвигает новые требования. Чтобы удовлетворить новые запросы культурной сферы, безусловно, потребуются и новые люди, молодые специалисты, компетентные в различных областях современной жизни.

Список литературы:

1. Мирзиёев Ш. Мы все вместе построим свободное, демократическое и процветающее государство Узбекистан. /Выступление на торжественной церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан на совместном заседании палат Олий Мажлиса. –Тошкент, Ўзбекистон. 2016.
2. Пазовский А. Дирижер и певец. Учеб. пособие. –Москва: Изд-во «Музгиз», 1959.
3. Пигров К. Руководство хором. Учеб. пособие. –Москва: Изд-во «Музгиз», 1964.
4. Петрушин В.И. Музыкальная психология: Учебное пособие для преподавателей и студентов. -Москва: Академический проект, 2006.
5. Источник: https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=927

**НОДИРА ИЖОДИДА ҚУРЪОНИЙ МАВЗУНИНГ
ПОЭТИК ТАЛҚИНИ**

**NADİRE ESERLERİNDE KURAN-I KERİM KONULARININ
POETİK TELKİNİ**

*Эшонқулова Сурайё,
филология фанлари номзоди,
Жиззах давлат педагогика институту
доценти в.б., (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Surayyo Eshonqulova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақола Нодира ижодида қуръоний мавзунинг поэтик талқини тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: Ислом дини, Қуръон мавзуси, тарихий шахс, ҳамд, наът, иймон, эътиқод, эзгу амал.

Annotation. The article is about the Islamic theme in Nodira's works which is poetically analysed.

Key words: Islam realigion, The Holy Koran, historical person, belief, thank fullness, good deed, conviction.

Özet. Makalede Klasik sonrasi dönemi Çağatay edebiyatının kadın şairlerinden olan Nadire'nin manzum eserlerinde İslami konuların, bilhassa Kur'an-i Kerim ayetlerinin yorumu üzerinde durulmuştur.

Anahtar kelimeler. İslam, Kur'an-i Kerim, tarihi şahsiyet, hamd, naat, iman, itikat, iyi amel.

Жаҳон халқлари адабиёти тарихий ва фольклор материалларидан озиқланиши, улардан илҳом олиши маълум ҳақиқатдир. Ижодкорлар мазкур материаллардан ўз хоҳиш-истаклари, келажак билан боғлиқ идеалларини тараннум этишда уларга ўзига хос рамзийликни юклаганлар. Жумладан, ўзбек адабиёти вакиллари ҳам асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган туркий ва мусулмон халқлари тарихига оид материаллардан фойдаланган ҳолда ўз фикрларини ифодалашга интиланганлар.

Ислом ва Қуръон мавзуси ўзбек адабиётида тарихий шахслар образи талқинининг ўзак моҳиятини ташкил этган. Исломият даври адабиётида тарихий шахслар образи иймон, эътиқод, эзгу амаллар, инсоннинг Яратган олдида масъул экани каби мезонлар асосида тасвирланган. Шу боис ҳам, ягона Ислом маданияти ҳудудларида туркий халқлар адабиёти бой

анъаналари жиҳатидан муҳим ўрин тутган ва ўзга адабиётларга ҳам таъсир ўтказган.

Нодира дунёқарашининг такомилида ўзи мансуб бўлган ислом дунёсининг маънавий таъсири катта. Шоира девонида Аллоҳ таоло, пайғамбар алайҳиссалом бетакрор бадиият билан васф этилади. Тарихий образлар теран мазмун мутаносиблигида талқин қилинади. Бу шоиранинг калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билганидан далолат беради.

Нодира лирикасида асосан ислом дини тарихи ва шоиранинг ўзи яшаган давр билан боғлиқ тарихий шахслар образлари ўзига хос поэтик талқин этилгани кузатилади. Адабиётшунос М.Қодирова Нодира девонининг 1963 йилги нашрида шоира асарларида учрайдиган қирқдан ортиқ тарихий ва мифик образлар кўрсаткичини илова қилган (Нодира, 1963: 621).

Дарҳақиқат, шоира дунёқарашининг такомилида ўзи мансуб бўлган ислом дунёсининг маънавий таъсири катта. Нодира девонида Аллоҳ таоло, пайғамбар алайҳиссалом бетакрор бадиият билан васф этилади. Тарихий образлар теран мазмун мутаносиблигида талқин қилинади. Бу шоиранинг калом илмини, ислом дини ва миллатимиз тарихини чуқур билганидан далолат беради.

Назмни қуръоний мавзу ва поэтик талқин билан бойитиш Шарқ адабиётига хос анъана бўлиб, Нодира шеърляти ҳам бундан мустасно эмас. Шоиранинг ҳамд, наът мавзусидаги ғазаллари теран маъно ва гўзал бадиий шакл уйғунлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Девон тартиб берар экан, у мавжуд анъанага мувофиқ дебочани ҳамд ва наът билан бошлайди. Ўзбек ва форсий тилдаги ғазаллари ҳам ҳамд ва наътлар билан бошланади. Маълумки, наът ғазал деб Муҳаммад пайғамбар мақтовига бағишланган ғазалларга айтилади (Воҳидов, 1994: 208; Ғаффорова:62). З.Ғаффорова мусулмон Шарқ халқлари адабиётида анъанавийлашган наът шеърларни васф, меърожнома ва шафоатга бўлиб ўрганади. Нодира ижодиётидаги наът шеърлар ҳам асосан, васф, меърожнома ва шафоат-фахрия мазмунида. Уларда Муҳаммад пайғамбарнинг сўнги пайғамбар эканлиги, олам у туфайли яратилганлиги, қиёмат кунда пайғамбар шафоати боис умматларининг барча гуноҳлари кечирилиши оҳорли мазмун ва бетакрор ташбеҳлар воситасида ифодаланади.

Жумладан, дебочада Тангри ҳамдидан кейин қуйидаги форсий байтлар келтирилган:

Аҳмадки, ҳабиби Ҳақ таолост,

Кавнайн зи нури ў хувайдост.

Аз зулмати маъсият чи бок аст,

Хуршиди жамоли ў мужаллост.

Мазмуни:

Аҳмад (Муҳаммад) Ҳақ таолонинг дўстидир,

*Икки олам унинг нуридан намоёнدير.
 Гуноҳлар зулматидан не қўрқинч бўлсин,
 Ахир (Муҳаммад пайғамбар)
 жамолининг қуёши порлаган-ку!*

Мана бу ўзбекча мисралар ҳам коинот сарвари наътида Нодиранинг ўзига хос назм намуналарини яратгани исботидир:

*Муҳаммадким, набилар хотамидур,
 Бисоти ламъи Аллоҳ маҳраמידур,
 Агар ҳар кимсаким табъият айлар,
 Саодатнинг савоби аъзамидур (Нодира-Комила, 2001: 18).*

Иккала шеър моҳиятан бир-бирини тўлдиради. Биринчисида Нодира Муҳаммад алайҳиссалом Ҳақ таолонинг ҳабиби, икки олам унинг нуридан пайдо бўлган, унинг жамоли қуёшдек ҳамма ерни ёритиб турганда, маъсият қоронғилигидан қўрқинчга ўрин қолмайди, деб расули акрамни улуғлайди. Шоира бу ўринда дастлаб ислом дини ақидасига кўра, олам Муҳаммад пайғамбар туфайли яратилгани, унга уммат бўлиш нечоғлик шарафли экани, Расули акрамнинг қиёмат кунда ўз умматларига шафеълиги, жумладан Нодира ҳам ўша умматлар қаторида шафоатдан умидворлиги ифодаланади. Кейинги шеърда эса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг “набийлар хотами” – охирги пайғамбар экани, инсониятни тўғри йўлга бошловчи, саодатга етакловчи эканлиги, унга табъият айлаган, яъни унга эргашганлар савоби аъзамга ноил бўлиши бадий талқин этилган.

Муножот ғазалдан олинган мана бу байтда Муҳаммад пайғамбарнинг қиёмат кунда ўз умматларининг гуноҳини Тангридан сўровчи шафеълиги билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. Унга кўра, Нодира ўзининг гуноҳкор эканлигини айтиб, Яратгандан Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаққи хурмати бандалари, жумладан, ўз гуноҳларини кечиришни сўрайди:

*Ё раб, ба ҳаққи Аҳмади Мухтору оли ў,
 Бахшой чурми банда ба алтофи Кибриё.*

Мазмуни:

*Эй Худо, Аҳмади Мухторнинг уруғ-аймоғлари ҳаққи,
 Кибриёлик лутфинг билан бандаларинг гуноҳини кечир.*

Қуйидаги иқтибосда эса, Муҳаммад пайғамбар икки дунёда ҳам қўлловчи подшоҳ, ҳидоят сари етакловчи каби сифатлар билан васф этилган:

*Туи дар ҳар ду олам дастгирам,
 Дилу жонам фидоят, ё Муҳаммад.
 Ба мулки офариниш подшоҳй,
 Бувад шоҳон гадоят, ё Муҳаммад
 Бувад халқи жаҳон мамнуну масрур,
 Зи эҳсони атоят, ё Муҳаммад.
 Мунаввар гашта хуршеди ҳидоят,
 Ба бутҳо аз сафоят, ё Муҳаммад.*

*Туи бадри олай, ки жо дар чашму дил бош,
Ки шуд ин ду жоят, ё Муҳаммад.*

Мазмуни:

*Сенсан икки оламда қўллагувчим,
Дилу жоним фидойингдир, ё Муҳаммад.*

Бу борлиқ мулкига подшоҳсан,

Шоҳлар сенинг гадойингдир, ё Муҳаммад

Сенинг эҳсону мурувватингдан

Бутун жаҳон халқи мамнун ва масрурдир, ё Муҳаммад.

*Ҳидоятинг қуёши туфайли мунаввар бўлган санамлар ҳам
Нури назарингдан бебаҳра қолмади, ё Муҳаммад.*

Сен тўлин ойдирсан, ҳам дилимдан, ҳам кўзимдан жой олдинг

Ҳар иккови сенинг жойингдир, ё Муҳаммад.

(Нодира-Комила, 2001: 96-97).

Шоиранинг “Касе, ки нест сараш хок гашта бар дари ў” мисраси билан бошланган ғазалида эса, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўнгги пайғамбар эканлиги, меърож воқеаси, барча умматларининг гуноҳини тилагувчи шафеъ эканлиги улуғланади.

Моҳларойим ижодида хулафои рошидин васфига бағишланган шеърлар кўп бўлмаса-да, уларнинг фазилати, ислом дини ривожига хизматлари васф этилган мисраларни учратиш мумкин. Масалан, мана бу рубоийда дастлабки тўрт халифа – исломнинг илк даврларида Абу Бакрнинг Муҳаммад алайҳиссаломга ҳамроҳлик қилиб, мушриклардан қочиб ғорга яшириниш воқеаси, ҳазрати Умарнинг одиллиги, Усмон ва Алиларнинг динни мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари тасвирланган:

Эрди Бубақр ёри ғор анга,

Умар адл этти устувор анга,

Қилди Усмон чароғидин равшан,

Муртазо эрди дўстдор анга. (Нодира-Комила, 2004: 418)

Умуман, Нодиранинг наът ва манқабат шеърларида умуммусулмон адабиётига хос тарзда Муҳаммад пайғамбарнинг фазилатлари, яқинларининг ислом тамаддуни юксалишидаги хизматлари ўзига хос пафос ҳамда оҳорли ташбеҳлар воситасида ифодаланган.

Демак, шоира ҳамду наътлари унинг дунёқараши, эътиқодини ифодалаганини таъкидлаш керак. Бу мазмундаги шеърлар, хусусан, наътларда Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатлари, фазилатлари васф этилади, чорёрлар улуғланади. Муҳими, Нодира ана шу туркумдаги анъанавий шеърларида ҳам ўзига хос талқинларни беришга интилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – Б. 208
2. Нодира. Девон. – Тошкент: Фан, 1963. – Б. 621.
3. Нодира-Комила. Девон. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. – Б. 18.

4. Нодира-Комила. Девон. II китоб. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004. – Б. 8-10
5. Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1998. – Б. 112.
6. Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наът ғазаллари. – Тошкент: Маънавият, 2001. – Б. 62.

АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

EDEBİ ETKİ VE ÖZGÜLÜK

*Нодира Соатова,
филология фанлари номзоди, доцент
Жиззах давлат педагогика институту (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Nodira Soatova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақола Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Шухрат романларидаги образларнинг характеридаги умумийлик ва ўзига хослик жиҳатларини тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: Адабий таъсир, бадиий маҳорат, тафаккур, драматик ҳолат, руҳий кечинма, бадиий ифода, психологик таҳлил.

Annotation. This article is devoted for researching general and original characteristic sides in Abdulla Kadiri's, Abdulla Kahhar's and Shuhrat's novels.

Key words: Literary influence, art skill, reflection, dramatic condition, sincere experience, art expression, the psychological analysis.

Özet. Bu makale Özbek mensur edebiyatinin önde gelen isimlerinden Abdullah Kadiri, Abdullah Kahhar ve Şöhret'in romanlarında görülen genel ve özgün karakteristik yönlerinin araştırılmasına yönelik hazırlanmıştır.

Anahtar kelimeler. Edebi etki, sanat ustalığı, yansima, dramatik durum, duygu, bedii anlatım, psikolojik analiz.

Адабиёт ва санъатнинг нодир намуналари жамият тараққиётининг муайян босқичида истеъдодли ёзувчилар туфайли юзага келиб, шу жамият ҳаётининг ранг –баранг қирраларини ўзида акс эттиради. Лекин жамиятнинг таназзулга учраши ва янги тарихий даврнинг бошланиши билан чинакам санъат асарлари ўз қимматини йўқотмайди. Аксинча, у яшашда давом этиб, кейинги авлодлар учун ҳам маънавий бойлик, эстетик таъсир ва тарбия воситаси сифатида хизмат қилаверади. Мана шундай асарлар сирасига Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб”, Шухратнинг “Олтин зангламас” романларини киритиш мумкин.

Сирасини айтганда, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Шухрат ижоди, бадиий маҳорати ҳақида адабиётшунос – танқидчилар томонидан жуда ибратли фикр ва мулоҳазалар билдирилган ва ҳанузгача уларнинг янги қирралари эътироф этилмоқда.

Ўзбек халқини янги “замоннинг “Тоҳир ва Зухро”лари “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин”лари, “Баҳромгўр”лари билан таништириш”ни мақсад қилган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”

романи Отабек ва Кумуш муҳаббати асосига қурилиб, уларнинг бахтига кўз тиккан худбин Ҳомид ва кундошлик балоси натижасида хазонга айланган муҳаббат тарихини ёритишга бағишланган бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи буржуа миллатчилиги ғоясини фош қилиш, уларнинг разил башараларини очиш баробарида романнинг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадий талқин қилади. Шуҳратнинг “Олтин зангламас” романи эса ўзбек адабиётида қатағон йиллари ҳақидаги биринчи асар бўлиб, у кескин тўқнашувлар, ўткир конфликтлар асосига қурилгандир.

Хўш, бу учала романдаги образларнинг характеридаги умумийлик ва ўзига хослик нималарда кўринади? “Ўткан кунлар”, “Сароб” ва “Олтин зангламас” романларини қиёсий ўрганиш асносида адибларнинг характер яратиш маҳорати, ўзига хос услубини кўрсатиш, асар поэтикаси, композицияси ва сюжети, тили ва бадий тасвир воситаларини, шунингдек романлар орасидаги муштарак, вобаста жиҳатларини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

Шу ўринда “Ўткан кунлар” романидаги салбий қаҳрамонлардан бири Ҳомид, “Сароб” романидаги бош қаҳрамон Раҳимжон Саидий ва “Олтин зангламас” романидаги Мирсалим образлари хусусида тўхталишни лозим кўрдик. Чунки, Ҳомид, Саидий ва Мирсалим образларида ўзаро ўхшаш, муштарак жиҳатлар кўп.

Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қадимий ва энг хавфли иллатдир. Шу сабабдан адиблар бу шахслар тимсолида риёкорликнинг турли товланишларидаги кўринишларини тасвирлайди. Халқда “Одобни одобсиздан ўрган” деган мақол бор. Назаримизда, адиблар ҳам шу мақолга амал қилиб, инсоният маънавиятининг ана шу азалий душманига қарши қалам яланғочлаб жангга киришган. Демак, романларнинг асосий ғояси шундаки, улар бу образлар орқали худбинлик, сотқинликнинг ҳалокати муқаррар эканлигини кўрсатиш баробарида инсонларни ҳушёрликка ва эзгуликка чақиради.

Шу ўринда романдаги салбий қаҳрамонларни қиёслаш тўғрими, деган ўринли савол туғилиши табиий. Фикримизча, реалистик адабиётда қаҳрамон ижобий бўладими, салбийми, барибир, биринчи навбатда тўлақонли инсон бўлиши керак, унинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи, сўзлари ҳам бақувват ички мантиққа эга бўлмоғи, китобхонни ҳеч қандай гап – сўзсиз ишонтирмоғи лозим.

Чунки, асар ўқувчини ҳаяжонга сола олмаса, унинг эстетик дунёсини бойита олмаса, унинг яхшиликка ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, қандай мавзу ва муаммолар қўйилмасин, у ҳақиқий санъат намунаси бўла олмайди. Шу сабабдан ҳам бу уч романдаги салбий характердаги қаҳрамонларни танқидий кўз билан ўрганиб, улардаги нуқсонли хислатларни кўрсатиб беришни мақсадга мувофиқ кўрдик.

Абдулла Қодирий Ҳомид образини яратар экан, роман бошидаёқ уни шундай тасвирлайди: “узун бўйли, қора чўтир юзли, чоғир кўзли, чувоқ соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди. Бу йигит яхшигина давламанд бўлса ҳам, лекин шуҳрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, “Ҳомид хотинбоз” деб шуҳратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашганда унинг отига тақилган лақабини кўшиб айтмасалар, ёлғиз “Ҳомидбой” дейиш ила уни танита олмайдилар”. Ёзувчининг шу сўзларини ўзиёқ, кўз ўнгимизда унинг қандай одам эканлигини кўрсатади. Романда Ҳомид икки уйланган бўлишига қарамай, яна ўз шаҳвоний ҳирси йўлида яна уйланишни мақсад қилиб, бу йўлда ҳар қандай ножўя йўлдан тоймайдиган кимса сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Отабекнинг Марғилонга келиши муносабати билан уни кўргани келган Раҳмат, Ҳомиднинг ўзаро суҳбатида Ҳомиднинг қиёфаси ёзувчи томонидан тўлалигича очиб ташланади: “Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ,..Хотинларга “эр” деган исмининг ўзи кифоя..хотинни икки қил! Буниси ҳам келишмаса, учинчисини ол!..Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб, тириклик қилоласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйгунимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас!”

Абдулла Қаҳҳор яратган образ эса буржуа худбинлигини ўзида мужассамлаштирган мукамал образ бўлди. Асарнинг бошларидаёқ ёзувчи Саидий шахсида худбинлик ниш уриб турганлигини таъкидлайди. Саидий Мунисхонни биринчи бор учратганидаёқ яхши кўриб қолади. Унинг кўнглидан ўтказган биринчи нияти қуйидагича эди. “Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса –да, қутқарадиган киши ягона мен бўлсам”. Бу сўзлар Саидий шахсининг асосий мақсад йўналишини, яъни унинг худбинлигини белгилайди.

“Олтин зангламас”даги Мирсалим – чи? Романнинг бош қаҳрамони Содиқ шаҳарга келиб илк бор “сурма ранг дўппили сертакаллуф” киши Мирсалимга дуч келади. Мирсалимнинг ҳимматига сазовор бўлади. Шундан кейин ёзувчи келгусида юз берадиган тўқнашувлар учун замин ҳозирлашга, аввало Мирсалим шахсиятини таърифлашга киришади. Мирсалим Содиққа ўзини яқин олиб, илтифот кўрсатар экан, бу тасодифий эмас, кўнглига туғилган ўй – режалар уни шунга даъват этади. Мирсалим “илоннинг оёғини санаган одам”, Содиқ шунчаки одамлардан эмас, “ахир қўлидан бир иш келмас, шундай шахри азимга келармиди..., бунда албатта бир ҳикмат бор, кўтарилиши мумкин, ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, айна пайт”. Мана Мирсалимнинг ўй – ҳаёли, худбин қиёфаси.

“Ўткан кунлар” романида Отабекнинг кўз остига олиб қўйган Кумушга уйланганидан ғазабланган “тусидан йиртқичлик, бир гуноҳсизнинг устига хужумга ҳозирланган ваҳшийлик белгилари” кўринган Ҳомид ўзининг разил режасини амалга ошириш учун кўрбошиникига боради ва Отабек, Мирзакарим қутидорга туҳмат қилади. Бу ҳам иш бермагач у яна қулай

фурсат кутади, шунда Отабекнинг Тошкентдан қайта уйланиши у учун айни муддао бўлади. Ўзига ўхшаган шериклар топиб, улар ёрдамида ўзининг разил режасини амалга оширади. Отабек томонидан Кумушга сохта талоқ хати киргизиб, натижада қайнотаси томонидан Отабекни қувиб чиқарилишига сабабчи бўлади. Бу ҳам етмагандай Отабекнинг Содиқ ва Мутал ёрдами билан ўлдириш режасини тузади.

“Сароб” романида Саидий университетда ўқий бошлагандан кейин курсдошларини назар – писанд қилмайди, гуруҳдаги студентлар ўртасида “қўпол, минг йил ўқиганда ҳам нам ўтмайдиган, аслида гўё жисмоний меҳнат учун яратилганлари ҳам бор”... Буларни кўрганда Саидий афсусланар эди: “Шулар ҳам студент!... Саидий кўпдан бери айтмоқчи бўлиб, айтишдан ҳайқиб юрган бир гапни бир куни дарсда кекса, ранги заҳил, лунжлари осилган бир профессор айтади:

– Сиз университетга муносиб эмассиз, – деди у, Саидий “тўнгал” деб ном қўйган йигитга, – бориб кетмонингизни чопинг!. Шунда Саидий тор оёқ кийимини ечиб ташлагандек яйради ва шу профессорни яхши кўрди. Саидийнинг яхшигина таниш – билишлари бор эди. Эҳсон, Шариф, Шафрин. Лекин Саидий улар билан қўшилишни истамайди. Шариф билан Шафринни эса мутлоқо ёқтирмас эди. Улар мабодо Эҳсонни йўқлаб (Саидий Эҳсон билан бир хонада турар эди) келиб қолсалар ўзини ухлаганга солиб ётиб оларди, ўқиш ҳақида гапиришса, унга кўп ёқавермас ҳам эди. Улардан биронтасига маслаҳат ҳам қилмас, маслаҳат ҳам олмас, ўз дардини очиб ҳам гапирмасди. Саидийдаги бу кайфият, хусусан, Эҳсонни Москвага жўнатиш пайтида яққол кўринади “Эҳсонни кузатгани вокзалга кўп одам чиқади. Поезд жўнаб кетгунча Саидий ўлиб бўлди... Платформадан чиққандан сўнг Саидий булардан ажралиб қочиш йўлини излади ва эвини қилиб қочди”. Мана, Саидийнинг асл қиёфаси.

Ҳаётда, шундай кишилар бўладик, улар ўзларининг худбин ниятларини яшира биладилар, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда парда орқасидан туриб, асдойдил ҳаракат қиладилар ва шу саъйи ҳаракатлари ўлароқ кўпгина мувафаққиятларга эришадилар. Ҳомид ва Саидий ундайлардан эмас, лекин “Олтин зангламас”даги Мирсалимга бу хислат жуда мос.

Ҳа, Мирсалим ҳамиша ўз фойдасига иш кўради, бу гал ҳам шундай қилади, айни пайтда Содиқни тушовлаб олади, ёнгинасидан ҳовли – жой топиб беради, уйига чақириб, меҳмон қилади. Содиқ тез орада мактабда обрў – эътибор қозонади, каттага ука, кичикка ака бўлиб олади, буни кўрган Мирсалим бир жиҳатдан ҳасад қилади, иккинчи жиҳатдан унга ўзини яна ҳам яқин олади.

Дарҳақиқат “Ўткан кунлар” романида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келамиз. Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбек Кумуш билан никоҳи бўладиган кун Ҳомид томонидан ўлдирганлигини гумон қилган уста Фарфи ҳамкасби Умарбекдан эшитган сирини ҳақида Олим ва Отабекка гапириб

беради. Ўзининг айбсиз дор остига келтирганлиги ва қайинотаси томонидан бесабаб қувилгани сабабини тушунган Отабек, шундан сўнг, Ҳомид кирдикорларини очишга жазм қилади. Кумушга бир неча марта совчи қўйиб унга етиша олмаган Ҳомид энди яна бир қабиҳ режа тузиб, уни ўғирлаш ва кечаси шаҳардан чиқариб юбориш маслаҳатини Содиқ ва Мутал билан тузади. Ўз шахсий манфати йўлида ҳар қандай пасткаш йўлдан тоймайдиган, яъни тухмат қилиш, ҳийлаларига чув тушириш, ҳаттоки одам ўлдиришга бориб етган Ҳомид охир оқибатда Отабек томонидан фош этилади.

“Сароб” романида эса Саидий шахсиятида худбинликнинг туғилиши, унинг характеридаги иккиланишлар ва ниҳоят миллатчилар томонига ўтиб олиши ажойиб далиллар билан кўрсатилган. Ёзувчи ўз маҳоратини, бутун куч –қувватини Саидий характеридаги мана шу этапларни кўрсатишга сарф қилган. Худбинлик, ўзининг алоҳидалигига, фавқулоддалигига ишониш, ўзининг доҳий, бошқаларни оми ҳисоблаш, ўз шахсига маҳлиё бўлиб, бутун оламини шунга мослаштиришга интилиш Саидийда яна бир хавfli касаллик –шухратпарастликни авж олдиради. Абдулла Қаҳҳор Саидийдаги бу иллат қандай куртак ёза бошлаганини ҳаётий деталларда, психологик жиҳатдан асосли лавҳаларда тасвирлайди. Худбинлик Саидийга ўқишда ҳам, дўстларига ҳам, атрофидаги ҳаётга ҳам лоқайдлик билан қараш ҳиссини туғдиради ва уни ҳаётда катта мақсаддан, олийжаноб эзгу ниятдан маҳрум қилиб қўяди. Ёзувчи роман охирида Саидийнинг ўз –ўзини ўлдиришни, яъни жисмоний ҳалокатини кўрсатади, бироқ ундан аввал роман воқеаларининг ривожини давомида унинг аллақачонлар маънавий ҳалок бўлганини чиройли тасвирлаб беради.

“Олтин зангламас” романидаги Мирсалимда ҳам Ҳомид ва Саидий каби худбинлик, кўролмаслик кучли бўлиб, у бутун ҳийла – макрини ишга солиб соддадил Содиқни лақиллатади. Жаннатнинг туғмаслиги унга қўл келади, қисқаси уни Жаннатдан совутиб, Мушарраф исмли бошқа аёлга рўпара қилади. Эгри йўллар орқали кун кўришга одатланган Мирсалим Содиқ таъқибига учрагандан кейин ҳам ана шунақа йўл ахтаради ва ниҳоятда қабиҳ ишга қўл уради. Содиқдан дакки еган ғаламисларни атрофига тўплаб, унинг устидан иғво тарқатади, ўша йиллардаги мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолади. Содиққа “халқ душмани” ёрлиғини ёпиштиришга, уни асоссиз қамашга мувофиқ бўлади. Содиқни қаматиб, ўрнига мактаб директори бўлиб олгач, мактабда ўз режимини ўрнатади. Шухрат бош қахрамон Содиқ тақдирига алоқадор янги конфликтлар тасвири билан бирга параллел равишда Мирсалим тақдирини ҳам ҳикоя қилиб боради. Мирсалим учун ҳам янги зиддият майдонларини белгилаб олади. Содиқнинг укаси Қодир ва унинг севиклиси, ўз қизи Азизани айириш учун, бир –биридан жудо этишга, Қодирни орадан йўқ қилишга кўп уринади, иғво, фисқу фасодлар тарқатиб Қодир бошига оғир савдолар солади, лекин у

барибир ожиз қолади, муҳаббат қабиҳлик устидан ғолиб келади. Мирсалим эса ўз қилган хато гуноҳларининг қурбони бўлади.

Бу уч романдаги Ҳомид, Саидий, Мирсалим образларининг характеридаги умумийлик – худбинлик иллоти уларнинг барчаси учун хос бўлса, ҳар бир образнинг ўзига хос индивидуал нуқсонли хислатлари ҳам мужассамлашган–ки, адиблар буни шахслар тимсолида жонлантирган. Ҳомид нафақат хотинбоз, яъни аёлларга суяги йўқ кимса, балки унинг “Қамчингдан қон томса” дейишини ўзиёқ, унинг ўзига хос бағритошлик иллоти ҳам учун бегона эмас эканлигини намоён қилса, Саидий шахсида эса ичиқоралик ва таъмагирлик иллоти шу даражада барқ урганки, бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизнинг бошига фалокат тушишини тилаши унинг кўнглининг кирлигидан, қутқарадиган киши ягона у бўлишини исташи эса таъмагирликдан далолат. Мирсалимда эса Содиқнинг ютуқларидан ҳасади келса ҳам, уни ўзини дўсти қилиб кўрсатиши – иккиюзламачилик ҳамда ўрнига эга чиқиш учун, Содиқни асоссиз қамалишига мувофиқ бўлиши, унда сотқинлик каби иллат ҳам борлигини яққол ифодалаб беради.

Демак, юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчиларимиз ўз романларидаги қаҳрамонларнинг худбин қиёфаларини бир неча кўринишда: кўролмаслик, ҳасад қилиш оқибатида, тухмат қилиш, сохта хатлар уюштириб дор тагига келтириш ёки қаматиш тарзда намоён этишган. Шу билан бирга бу худбин кимсаларнинг ўзлари қазиган гўрга ўзлари йиқилганларини адиблар романда ишонарли бадий тасвираб беришга эришишган. Натижада, романларда қаҳрамонларнинг ўша дамдаги драматик ҳолати, руҳий кечинмалари ҳаққоний ва таъсирчан қилиб кўрсатилган ва адибларимиз бунда уларнинг бадий ифодасига, қалб драмаси тасвирига, психологик таҳлилига ҳам алоҳида эътибор беришган, бу эса ёзувчиларимизнинг юксак бадий маҳорати эгаси бўлганликларини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қаҳҳор. Сароб. Асарлар, 5 жилдлик, 1-жилд. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.
2. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.
3. Шухрат. Олтин занглас. –Тошкент: Шарқ, 1995.

МОЛОДЁЖЬ - КАК ДВИЖУЩАЯ СИЛА РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

GENÇLER, ÖZBEKİSTAN'IN LOKOMOTİFİDİR

Туйчиева С.С.

*д.ф.н., профессор Государственного института
искусства и культуры Узбекистана.*

Prof. Dr. Tuyciyeva S.S.

Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Аннотация. В статье рассматриваются особенности молодежной политики в годы независимости. В частности анализируется проблема социальной активности молодежи в Узбекистане, а также даются рекомендации по её повышению. На примере деятельности союза молодежи Узбекистана разрабатывается механизм подготовки молодежи к восприятию идеологии гражданского общества и демократических ценностей.

Ключевые слова: гражданское общество, демократическая ценность, молодежь, Стратегия действий, социальная стабильность, гармонично развитое поколение.

Abstract: The article examines the features of the youth policy in the years of independence. In particular, the problem of social activity of the youth in Uzbekistan is analyzed, and recommendations are given for its improvement. On the example of the activity of the Union of Youth of Uzbekistan, a mechanism is being developed for preparing young people for perceiving the ideology of civil society and democratic values.

Keywords: civil society, democratic value, youth, Strategy of action, social stability, harmoniously developed generation.

Özet: Makalede bağımsızlık yıllarındaki gençlerle ilgili devlet politikasının özelliklerini incelemektedir. Yapılan çalışmalar, gerçekleşen projeler analiz edilir ve geliştirilmesi için öneriler sunulur. Özbekistan Gençlik Birliği örneğinde, gençler için sivil toplum ideolojisi ve demokratik değerlerin algılama mekanizmaları ile ilgili görüşleri sunulmuştur.

Anahtar kelimeler: gençler birliği, demokratik değerler, gençlik, sosyal istikrar, gelişmiş nesil.

В Узбекистане взят курс на построение современного демократического правового государства с сильным гражданским обществом. Это предполагает качественно новый уровень взаимоотношений между государством, обществом и личности. В этом контексте молодежь страны выступает движущей силой развития государства и одним из важных факторов социальной стабильности в обществе.

Вопросы молодёжи в Узбекистане всегда были в приоритете государственной политики. В первые годы независимости, несмотря на наличие многих социально-экономических проблем, присущих «переходному периоду» в нашей республике, этому вопросу было уделено первостепенное внимание. Об этом свидетельствует и тот факт, что одним из первых законов, подписанных Первым Президентом Республики Узбекистан И.А.Каримовым, был Закон «Об основах государственной молодёжной политики».

Закон «Об основах государственной молодёжной политики в Республике Узбекистан», принятый 20 ноября 1991 года, был первым документом, который поднял вопрос внимания к подрастающему поколению в нашей стране на уровень государственной политики. Долгое время этот закон служил правовой основой воспитания здорового, гармонично развитого поколения, развития системы образования, социальной защите молодёжи, поддержки молодёжных организаций в нашей стране.

Прочным правовым фундаментом в сфере молодёжи стала Конституция Республики Узбекистан. Положения Конституции создали правовые и законодательные базы для получения молодёжью современного образования, приобретения профессии, занятия своего места в обществе.

В Конституции впервые в истории узбекского законодательства закреплено право молодёжи страны на ведение предпринимательской деятельности на основе признания частной собственности, социальные гарантии, включая и право на труд, бесплатное общее образование и квалифицированное медицинское обслуживание, но обеспечение их возложено на государственные органы.

В частности, в воспитании молодёжи и формировании её жизни важную роль играют гарантирование права на образование, а также государственные гарантии на получение бесплатного общего образования (Статья 41 Конституции). [1]

В основном законе страны закреплены гарантии формирования политической культуры молодёжи. Само понятие политической культуры состоит из следующих компонентов: семья, система обучения, национальные и общечеловеческие ценности. Поэтому в нашей Конституции уделяется особое внимание социальному институту семьи, системе обучения, национальным и общечеловеческим ценностям. [2]

Например, статья 65 Конституции гарантирует равенство детей перед законом вне зависимости от происхождения и гражданского состояния родителей, а также охрану материнства и детства государством.

В целом, за годы независимости в Узбекистане сформирована развитая нормативно-правовая база, созданы правовые, экономические условия для обеспечения интересов молодёжи, проявления её таланта и потенциала. В

более 20 законах, указах и постановлениях, принятых за этот период отражены нормы и правила, непосредственно касающиеся жизни молодёжи.[3]

Наряду с этим, в годы независимости в Узбекистане разрабатывается специальная государственная программа, провозглашающая социальное направление года. В частности, 2008 год был объявлен «Годом молодёжи», 2010 – «Годом гармонично развитого поколения», 2014 – «Годом здорового ребёнка», и 2016 – «Годом здоровой матери и ребёнка». Данный факт свидетельствует о колоссальном внимании государства на создания надлежащего условия для подрастающего поколения.

В настоящее время более 60 процентов населения составляет молодёжь, то есть в стране проживает целое поколение людей, не достигшее 30 летнего возраста. Поэтому ключевым приоритетом всех социальной политики в Узбекистане стала забота о воспитании гармонично развитого молодого поколения.

Особенно, Закон «О государственной молодёжной политике», принятый 14 сентября 2016 года, создал прочную правовую базу для воспитания гармонично развитой, самостоятельно мыслящей, инициативной и энергичной молодёжи, способной взять на себя ответственность за будущее нашей страны, задействовать свой потенциал во имя интересов народа, а также реализации её интеллектуального и творческого потенциала.

Под государственной молодёжной политикой в законе понимается система мер, осуществляемых государством и предусматривающих создание условий для социального становления и развития интеллектуального, творческого и иного потенциала молодёжи. Документ относит к молодёжи (молодым гражданам) всех лиц в возрасте от 14 до 30 лет включительно.[4]

Согласно закону главными направлениями государственной молодёжной политики Узбекистана являются:

- обеспечение прав, свобод и законных интересов молодёжи;
- охрана жизни и здоровья молодёжи;
- содействие духовному, интеллектуальному, физическому и нравственному развитию молодёжи;
- обеспечение для молодёжи доступного и качественного образования;
- создание условий для трудоустройства и занятости молодёжи;
- воспитание молодёжи в духе патриотизма, гражданственности, толерантности, уважительного отношения к законам, национальным и общечеловеческим ценностям, способной противостоять вредным влияниям и течениям, с твёрдыми убеждениями и взглядами на жизнь;
- защита молодёжи от действий, приводящих к подрыву нравственных устоев, идей терроризма и религиозного экстремизма, сепаратизма, фундаментализма, культа насилия и жестокости;
- повышение уровня правового сознания и правовой культуры молодёжи;

- поддержка и стимулирование одарённой и талантливой молодёжи;
- создание условий для развития молодёжного предпринимательства;
- формирование у молодёжи стремления к здоровому образу жизни, а также создание условий для организации содержательного досуга молодёжи и массового развития молодёжного спорта;
- реализация комплексной системы мер по моральной и материальной поддержке молодых семей, созданию для них достойных жилищных и социально-бытовых условий;
- развитие сотрудничества между международными организациями, осуществляющими деятельность в сфере реализации прав и свобод молодёжи.

Следует отметить, что Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев обращает особое внимание на воспитание подрастающего поколения. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, принятая по инициативу Президента страны, определила ряд новых важных задач по повышению активности молодёжи в процессе реформ по построению демократического государства и развитию гражданского общества. В Стратегии отдельный раздел посвящён вопросам совершенствования государственной молодёжной политики.[5]

Речь Президента страны Ш.М.Мирзиёева 30 июня 2017 года на IV курултае общественного движения молодёжи «Камолот» под названием «Физически и духовно зрелая молодёжь – наша опора в достижении наших благородных целей» подняла настроение всему молодому поколению Узбекистана, ещё более укрепила его веру в свои силы и будущее. [6]

Принятие ряда мер, направленных на всестороннюю поддержку молодёжи, защиту её прав и интересов, оказание всемерного содействия для того, чтобы она нашла своё место в жизни, приобретает все более важное историческое значение.

Объявление в нашей стране 30 июня Днём молодёжи, создание совершенно новой организации – Союза молодёжи Узбекистана стало действительно опорой для молодых людей, которые полны благородных целей и устремлений, принесло им уверенность в завтрашнем дне.

Воспользовавшись созданными условиями, Союз молодёжи Узбекистана уже приступил к формированию молодой силы, определяющей будущее страны. В этих целях Союз создаёт различные молодёжные ассоциации, центры оказания социально-психологической помощи, а также организует ряд крупных мероприятий.

Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев: «В настоящее время заместители хокимов областей и районов по вопросам молодёжной политики, социального развития и духовно-просветительских дел, заместители начальников районного отдела внутренних дел по

вопросам молодёжи назначаются на свои посты согласно рекомендациям Союза молодёжи Узбекистана.

Это, конечно же, способствует качественному улучшению сотрудничества между местными органами власти и структурами Союза молодёжи Узбекистана».[7]

В этом направлении важной правовой основой стал Указ Президента нашей страны «О мерах по повышению эффективности государственной молодёжной политики и поддержке деятельности Союза молодёжи Узбекистана» от 5 июля 2017 года. [8]

На сегодняшний день на руководящие должности в министерствах и ведомствах, крупных компаниях и банках, хозяйственных объединениях назначаются молодые, перспективные кадры, прошедшие школу Союза молодёжи Узбекистана, обладающие современными знаниями и навыками, лидерскими качествами.

Особенно на высокие государственные должности назначаются очень молодые, в то же время перспективные кадры. Ярким примером может служить тот факт, что молодой выпускник Сингапурского института развития менеджмента в Ташкенте Алишер Саъдуллаев был назначен на пост заместителя министра народного образования, а выпускник Туринского политехнического университета в Ташкенте Олимжон Туйчиев был назначен на высокую должность в министерстве инновационного развития.

Известно, что на сегодняшний день в мире проживает беспрецедентное число молодых людей - 1,8 миллиарда, которые по-прежнему сталкиваются с множеством препятствий.

Как отметил Президент Ш.М.Мирзиёев в своём выступлении на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН в сентябре 2017 года, обеспечение условий для самореализации молодёжи создаст заслон на пути распространения «вируса» идеологии насилия. В целях развития многостороннего сотрудничества для социальной поддержки молодого поколения, защиты его прав и интересов глава нашей страны предложил разработать Международную конвенцию ООН о правах молодёжи. [9] Это дополнительно свидетельствует о важности роли молодёжи в развитии государства и общества.

В сегодняшних условиях в Узбекистане молодёжь может стать социально активной силой общества, способной в полной мере воспринять новые демократические ценности и в будущем принять ответственность за развитие общества.

Наш взгляд, следует поставить вопрос о дальнейшем повышении эффективности модели привлечения молодых людей в сферу общественной жизни, которая отвечала бы потребностям молодёжи, опиралась на демократические ценности и была способна организовать молодых людей как один из основных ресурсов будущего развития Узбекистана.

Общественно-политическое сознание молодёжи в настоящий период развития должно происходить при оптимальном сочетании активного усвоения ею демократических ценностей, реалий рыночной экономики.

Заканчивая средние и высшие учебные заведения, молодые люди не имеют достаточного опыта самоуправления, основанного на принципах сотрудничества, социального партнёрства и взаимодействия в рамках местного самоуправления. Во многих случаях в высших и средних учебных заведениях социальная активность предполагает определённую дополнительную инициативу со стороны администрации учебных заведений.

Поэтому в Узбекистане большое значение имеют общественные институты, где молодёжь приобретает опыт конструктивного взаимодействия с властью, бизнесом, местными сообществами, учится защищать свои права и добивается реализации своих планов и интересов. В этом плане деятельность Союза молодёжи Узбекистана имеет большое значение для повышения социальной активности молодёжи в контексте её реальных современных потребностей.

На наш взгляд, в том контексте следующее могло бы способствовать повышению эффективности деятельности Союза молодёжи Узбекистана:

Во-первых, необходимо разработать более эффективные механизмы подготовки молодёжи восприятию сформировавшихся в республике идеологии гражданского общества и демократических ценностей. В частности, чрезвычайно важно разъяснить молодому поколению суть и значение проводимой в нашей стране государственной молодёжной политики.

Во-вторых, необходимо более реальный учёт особенностей социальных и профессиональных групп нашей молодёжи;

В-третьих, необходимо обеспечивать более органичные связи этого процесса с её реальной жизнью и деятельностью.

Разумеется, только тщательно овладевшие современными знаниями и профессиями, самостоятельно здравомыслящие, всегда ощущающие причастность к судьбе страны молодые люди способны взять на себя ответственность решать злободневные задачи, стоящие сегодня на пути развития общества.

Литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 80 с.
2. Кадыров Э. Конституция – основной источник формирования политической культуры молодёжи. 11.12.2012. http://fikir.uz/blog/8-dekabr_Konstitutsiya_kuni/10706.html
3. Праздничное поздравление молодёжи Узбекистана. // Газета «Народное слово». 30.06.2018.

4. Закон Республики Узбекистан «О государственной молодёжной политике» от 14 сентября 2016 г. www.lex.uz/docs/3026250

5. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. // Собрание законодательства Республики Узбекистан. - 2017. - № 6 (766). - Ст. 70.

6. Новая организация молодёжи Узбекистана. 30.06.2017 <http://uza.uz/ru/politics/novaya-organizatsiya-molodezhi-uzbekistana-30-06-2017>

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – С. 526.

8. Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности государственной молодёжной политики и поддержке деятельности Союза молодёжи Узбекистана» // Газета «Народное слово». 6 июля 2017 г.

9. Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев выступил на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. 20.09.2017. <http://uza.uz/ru/politics/prezident-uzbekistana-shavkat-mirziyeev-vystupil-na-72-y-ses-20-09-2017>

**ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР АХБОРОТ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**KÜRESELLEŞME ORTAMINDA GENÇLERİN BİLGİ YETERLİLİĞİNİN
GELİŞTİRİLMESİ VE ÖZELLİKLERİ**

Айниса Мусурманова

*ЎзДЖТУ “Педагогика ва психология” кафедраси мудири,
педагогика фанлари доктори, профессор*

Мусаллам Абдужаббарова

*ЎзДСМИ “Педагогика ва психология” кафедраси
мудири, педагогика фанлари номзоди*

Prof. Dr. Aynisa Musurmanova

Özbekistan Devlet Cihan Dilleri Üniversitesi

Dr. Musallam Abducabbarova

Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Аннотация. Мақолада глобаллашув шароитида ёшлар ахборот компетентлигини шакллантиришда ахборот коммуникация технологиялари шу жумладан, медиатаълимнинг ўзига хос педагогик шарт-шароитлари, хусусиятлари, компетентликни ривожлантирувчи манбалар ва уларнинг таснифи, педагогик тамойиллари, шакл ва методлари ҳамда мавзу доирасидаги хулоса ва тавсиялар ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Глобаллашув, ёшларнинг ахборот компетентлиги, ахборот коммуникация технологиялари, интернет манбалари.

Özet. Bu makalede, gençlerin, belirli pedagojik koşullar, yetkinlik özellikleri, yetkinlik arttırıcı kaynaklar ve bunların siniflandırılması, pedagojik ilkeler, formlar ve yöntemler ve bu konu bağlamındaki sonuç ve önerileri de dahil olmak üzere, küreselleşme koşullarındaki gençlerin bilgisinin oluşumundaki bilgi ve iletişim teknolojilerinin önemi kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler: Küreselleşme, Gençliğin bilgi yetkinliği, BİT, İnternet kaynakları.

Annotation. The article highlights the information and communication technologies in the formation of young people's knowledge in the conditions of globalization, including specific pedagogical conditions, features of competence, competence-enhancing resources and their classification, pedagogical principles, forms and methods, and conclusions and recommendations in the context of this topic.

Key Words: Globalization, youth's information competence, ICT, Internet resources.

XXI-аср глобаллашув шароитида ахборот кўламининг кенглиги, зичлиги, ахборот коммуникатив технологияларнинг ривож, фан, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг яқдиллиги, ахборот тарқатиш, ахборот алмашишнинг тезлиги ва мукамаллиги, инновацион янгиликларга одамлар эҳтиёжининг ортиб бориши, ахборот маконининг кенг қамровлилиги билан “ахборот асри” деган тарихий даврга айланди. Дарҳақиқат, глобаллашувнинг ўзига хос хусусияти у ўз - ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан кўлга киритиш ва тарқатиш, уларни ўз онгида қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Глобаллашув шароитида

китобга меҳри пасайиб болаларимиз кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ёшлар ахборот компетентлигини ривожлантиришда ахборот коммуникация технологиялари кучли ахборот майдони ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларнинг таълим-тарбияси ҳақида гапирганда, уларнинг китобга меҳри пасайиб, болаларимиз кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётганини алоҳида таъкидламоқчиман”- деган сўзлари аксиомадир [8/469-бет]. Мамлакатимизда бу борада муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ”Ахборотлаштириш тўғрисида”ги (11.12.2003), “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 Фармони, 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730- сонли, 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–1989-сонли қарорлари ёшлар ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Глобаллашув шароитида ахборот бутунлай янги турдаги психологик қурол ҳисобланади. У замонавий оммавий ахборот воситалари, интернет тизими, компьютер ўйинлари орқали инсон онги ва дунёқарашига таъсир этади. Шу боис унинг ёшлар таълим – тарбиясига ҳам ижобий ҳам салбий таъсири каттадир. Тадқиқотлар натижасига кўра, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ёшлар таълим-тарбиясига ижобий таъсирини қўйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан,

-халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади(71б);

-ёшлар ҳаётида полиглотлилик тенденцияси вужудга келади, замонавий билим доираси кенгаяди, инновацион жараёнда иштирок этишга эҳтиёж ортиб боради;

- маданиятлараро интеграция вужудга келади, умуминсоний ва миллий кадриятларнинг ўзаро бир-бирига таъсири кучайиб боради;

-ёшларда миллатлараро бағрикенглик, толерантлик тафаккури ривожланади;

-меҳнат муносабатларида трансумумиллий ҳамкорлик, эркинлик, ҳалол ва адолатли рақобат вужудга келади;

-электрон оммавий ахборот воситалари, Халқаро пресс-клублар, глобал тармоқда Uz доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари (Ўзбекистонда 400 дан ошиқ) воситасида ахборот алмашишининг тезкорлиги таъминланади ва б.қ. Мазкур ижобий ҳолатлар ёшларнинг ахборот коммуникация компетентлигини ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

Шунинг билан бир қаторда бу жараённинг салбий томонлари ҳам мавжуд бўлиб,улар:

-ахборотлар оқимининг шиддат билан кириб келиши сабабли уларнинг мазмун ва моҳиятини ҳар томонлама таҳлил этмасдан ва руҳий-ахборот хавфсизликни таъминламасдан қабул қилиш оқибатида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимолининг катталиги;

-этник жиҳатдан кам сонли ҳамда йирик миллатлар, халқлар, элатларнинг маданияти, тили, анъаналари бир-бири билан рақобатлаша олмайди,албатта кам сонлиларники ўз-ўзидан таназзулга юз тутади;

- ахборот воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида интернет, уяли телефон, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларида баъзан бериладиган манзили ва манбаи асоссиз ахборотлар кириб келиши оқибатида уларда тарғиб этилаётган–“қадриятлар” кўп ҳолларда ёшларни миллий кадриятлардан,тарихий илдизларидан узоқлашувига олиб келади;

- “оммавий маданият”нинг турли хил кўринишлари ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши оқибатида уларнинг кийинишларида, қизиқишларида, бўш вақтларини ташкил этиш шакллари ва мазмунида, миллий кадриятларга муносабатларида миллийлик йўқолиб боради. “Оммавий маданият”ниқоби остидаги мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги кинофильмлар, интернетфильмлар, мода ва турли хил рекламалар ёшларимизнинг онгида ғарбона индивидуализм, эгоцентризм, андишасизлик, беҳаёлик, зўравонлик, миллий кадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик каби салбий ҳолатларни пайдо қилади;

- ёшлар ахборот коммуникатив компетентлигига таҳдид солувчи “оммавий маданият”,“ахборот қарама-қаршилиги”, “ахборот уруши”,“ахборот босими”, “ахборот хуружи” каби тушунчаларнинг салбий оқибатлари натижасида улар ҳаётида миллатчилик, шовинизм, маҳаллийчилик, мафкуравий қарамлик ва экспансионизм, империявий

тафаккур, экстримизм, терроризм, гиёҳвандлик, ноқонуний миграция, одам савдоси ва бошқа шу каби иллатларга қарамлик ҳолати вужудга келади. Глобаллашувнинг салбий оқибатларини олдини олиш ёки унга қарши туриш учун энг ишончли йўл – ҳар қандай ташқи ахборотга нисбатан ёшларни танқидий фикрлашга ўргатиш, уларни миллий ғоя, миллий мафкура асосида тарбиялаш ва уларда ахборот компетентликни шакллантиришдан иборатдир. Бу ўринда қуйидаги йўналишлардаги манбалар муҳим тарбиявий аҳамият касб этади:

- мамлакатимиз ҳамда жаҳон миқёсида илмий-техника соҳасида эришилган ютуқлар борасида мавжуд маълумотларнинг маънавий жиҳатлари ҳақидаги ахборотлар;
- XXI асрдаги ахборот-психологик хавфсизликка таҳдид солувчи салбий иллатлар ҳақидаги манбалар;
- матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўз ифодасини топган илмий-техник янгиликлар ва уларнинг инсон капиталини шакллантиришдаги маънавий асосларига оид маълумотлар;
- тезкор ва замонавий маълумотларни берувчи интернет глобал халқаро оммавий коммуникация воситаси (ОАКВ), миллий ахборот технологиялари ва ресурсларидан фойдаланиш ҳамда уни тўплаш;
- ахборот ва телекоммуникация восита ва тизимларида ўз аксини топган ахборотларнинг маънавий – маърифий жиҳатларидан фойдаланиш ва б.қ.;
- бадий, оммабоп асарлар, ғоявий-сиёсий, ахборот характеридаги ОАВ материаллари, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳадаги янгиликлар;
- интернет манбалар: ўргатувчи, ахборотли, маслаҳат берувчи, баҳоловчи, тақдимотли интернет манбалар; (вертуал мактаблар, лабораториялар, веб синфлар, музейлар, оммавий очиқ онлайн курслар-ОООК(massive open online course-МООС), онлайн институтлар, телеконференциялар, электрон кутубхоналар, лўғатлар, каталоглар, ўқув қўлланмалар, маълумотномалар масофавий конкурслар, олимпиадалар, векториналар, тақдимотлар ва б.қ.).

Глобаллашув шароитида ёшларнинг ахборот компетентлигини шакллантиришда **медиатаълимнинг** имкониятлари ниҳоятда катта. Медиатаълимдан кўзланган мақсад ахборотлашган жамиятда медиасаводхонлик воситасида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Жаҳон таълим амалиётида бу соҳадаги изланишлар XX асрнинг 70-йилларидаёқ бошланган бўлиб у педагогика фанида ўзига хос медиапедагогика йўналиши сифатида шакланган.

У Европа давлатлари, АҚШ, Австралия ва Россия сингари мамлакатларда медиатаълим мажбурий фан сифатида таълим тизимига киритилган. «Медиа» атамаси (лотинча - medium, яъни восита, воситачи, усул) турли кўринишдаги коммуникация ва ахборот воситасини англатади.[10/15] Медиатаълим-таълимнинг янги йўналиши, бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот ва коммуникация соҳасидаги таълимдир. Медиатаълим ёшлар ўртасида ахборот-коммуникация технология ютуқларини онгли равишда тушунишни назарда тутаяди, бу ўз навбатида уларни қуршаб турган оламда бўлаётган воқеа-ходисалар жараёнида фикран ва қалбан иштирок этиш имкониятини беради.

Медиатаълим-асосий қонунларни тушунишга ёрдам берадиган, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганишга кўмаклашадиган, ўқувчилар бадиий салоҳиятининг ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшадиган, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва танқидий таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ифодалайди.

Унинг умумпедагогик аҳамияти медиасаводлилик, медиабилимлилик, медиасалоҳиятлилик, медиамаданият, медиаменталитет узвийлигини таъминлайди. Глобаллашув шароитида таълим жараёнига медиатаълим элементларини сингдиришда ёшларнинг қизиқиши, ёш хусусиятлари, физиологик ривожланиши, ёш психологиясини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Медиаахборотлар воситасида ёшлар ўртасида ўтказиладиган конференциялар, ўқув семинарлари, кўрик танловлар, ток-шоулар, веб-ресурслар, медиа-оромгоҳлар, марказлар, маънавий – маърифий, илмий оммабоп, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, ижтимоий телерадио роликлар, рекламалар, плакатлар, буклетлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, фотоальбомлар, семинар – тренинглар, мунозара, мусоҳаба ва бошқалар самаралар гаровидир.

Ёшларнинг ахборот компетентлигини шакллантириш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бу жараёнда таълим муассасалари билан ОАВ ўртасидаги педагогик ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳамкорлик замирида ҳар иккала субъект қатор педагогик талабларга эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Жумладан: ахборот коммуникатив технологияси тизимида жамиятнинг шахс маънавий маданиятини шакллантиришга эътибори моҳияти; янгича методологик ёндошув асосида ёшлар маънавий маданиятини шакллантириш; таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклигига асосий эътибор

бериш; уларнинг ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва улардан кенг фойдаланиш; маънавий муҳит, маънавий қадрият, маънавий ўзликни англаш тизими асосида ўсмирлар маънавий маданиятини шакллантириш андозасини яратиш; таълим –тарбиянинг самарали шакл, метод ва воситаларидан кенг фойдаланиш; ёшларнинг ёш, психологик, ижтимоий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда интерфаол усуллардан фойдаланиш; маънавий қадриятларни ўрганишда изчиллик, илмийлик, тарихийлик, мантиқий кетма-кетлик, мослик, миллийлик, тамойиллирига асосланиш; умуминсоний ва миллий қадриятлар моҳиятини ёшлар онгига сингдиришда фанлараро, мавзулараро, таълим муассаси билан фуқоролик жамияти институтлараро (оила, маҳалла, нодавлат ноижорат ташкилотлар) ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирга эътибор; ўқитувчи, ота-она ва ўсмир ўртасидаги ўзаро уч томонлама муносабатнинг шаффофлиги, дўстоналиги; бўш вақда ўтказиладиган тарбиявий тадбирларнинг шаклан ва мазмунан ёшлар қизиқиши, дунёқараши, маънавий онги, тафаккурига мослиги; тарбиявий тадбирлар дастурини ҳамкорлик педагогикаси талаблари асосида шакллантириш; ёшлар маънавий маданиятини шаклланганлик даражасини педагогик – психологик диагностика қилиш, тарбиявий ишлар натижасини доимий мониторинг этиш замирида таълим–тарбиянинг зомонавий педагогик технология ва ахборот коммуникация технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ва бошқа педагогик талабларга риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.Шундай қилиб глобаллашув шароитида ёшлар ахборот компетентлигини шакллантириш самарадорлигини оширишда:

-ахборот оқимида ёшлар келажаги, уларнинг манфааларига мос бўлган ахборотларни,таълим-тарбия мазмунига сингдириш орқали салбий ахборотларнинг таъсир кучини камайтиришда инновацион педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш давр талабидир;

-ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этишдан иборат бўлиб, бунда энг кучли таҳдид манбаларини аниқлаш ва уларга қарши ҳимоя чораларини белгилаш, ишончли, тарбиявий таъсири кучли маълумотлар базасини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир;

-дунё фан-техника тараққиёти ютуқларидан хабардорликни кучайтириш, инновацион ғоялар устуворлигини таъминлаш орқали турли ахборот хуружларини олдини олиш, салбий ахборотларга қарши курашиш иммунитетини шакллантиришнинг самарали шакл ва методларидан фойдаланиш зарур;

-таълим тизими ўқитувчи-тарбиячилари, ота-оналар, фуқаролик жамияти институтлари мутасадди ходимлари томонидан ёшларда ахборот компетентликни шакллантиришнинг таъсирчан воситаси ҳисобланган жаҳон ва миллий илмий-техник, бадий, оммабоп асарларга нисбатан қизиқишларни ривожлантириш даркор. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондириши шарт. Агар партиялар бунга эриша олмаса, бу бўшлиқни ғараз ниятли кучлар тўлдиришга ҳаракат қилиши шубҳасиз. Айрим ҳолларда тўлдиришти ҳам-бун яширишнинг ҳожати йўқ”. [7/559 бет]

Ҳулоса қилиб айтганда, бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётган ахборот коммуникация технологияларидан ёшлар ахборот компетенциясини ривожлантиришда самарали фойдаланиш ҳозирги зиддиятли, таҳликали ва мураккаб давр талабидир. Чунки ахборот компетентлиги шаклланган ёшлар ҳар қандай мураккаб муаммоларни ҳал этишга қодир, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топа олади, ижтимоий тармоқларда берилаётган баъзи зарарли ахборотлар юзасидан адолатли қарор қабул қила олади.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси “Телекоммуникациялар тўғрисида” ги Қонуни
- 2.Ўзбекистон Республикаси ”Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349 Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730- сонли Қарори
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ–1989-сонли қарори
- 7.Мирзиёев Ш. М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: ”Ўзбекистон” НМИУ, 2017.-559 б.
- 8.Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.-Тошкент: ”Ўзбекистон” НМИУ, 2017.- 469-бет
9. Пахрутдинов Ш. Глобал ахборот жамиятида медиатаълимнинг ўрни ва аҳамияти
- 10.Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. – Тошкент: -«Extremum-press», 2015. – Б. 9.
- 11.Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева ва бошқ. Р.Рўзиев ва

Қ.Хонназаров умумий таҳририда.Тўлдирилган учинчи наشري \-Т.: ”Шарқ”,
2006.70-71б.

**O‘RTA ASR YOZMA MANBALARIDA TURKIY XALQLARNING
ZIROATCHILIK BILAN BOG‘LIQ ATAMA VA URF ODATLARNING TAVSIFI
VA TAHLILI**

**ORTA AĐ YAZILI KAYNAKLARINDA TÜR K HALKLARININ TARIMLA
İLGİLİ TERİMLERİ VE GELENEKLERİ**

Z.S.Isokov

*O‘zbekiston Davlat san‘at va madaniyat instituti
“İjtimoiy-gumanitar” fanlar kafedrası
dotsenti, t.f.n.*

Doç. Dr. Z. Isokov

Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Annotatsiya. Ushbu maqolada Maxmud Qoshg‘ariyning “Devonu lug‘atit turk” asarida keltirilgan Turkiy xalqlarning dehqonchilik bilan bog‘liq atamalar, maqollar, urf-odat va marosimlar tahlil qilinadi.

Калит сўзлар: lug‘at, etnos, qabila, etnograf.

Summary. The terms, proverbs, customs and traditions related to agriculture, are analysed in this article work of Makhmud Qashgary is "Dictionary of Turkish".

Keywords : dictionary, ethnicity , tribe , ethnologist.

Özet. Bu makalede Kaşgarlı Mahmud’un Divanü Lügati’t-Türk adlı eserinde geçen Türk halklarının kullandığı tarimla ilgili terimler, atasözleri, gelenek ve görenekler, merasimler incelenmiştir.

Anahtar Sözcükler: sözlük, etnik yapı, kabile, etnograf.

Ma’lumki XI asrning ikkinchi yarmida Maxmud Qoshg‘ariy tomonidan Bag‘dod shaxrida yozilgan “Devonu lug‘otit turk”(Turkiy so‘zlar devoni) asari hozirgacha ko‘plab tilshunoslarni, tarixchilarni, sharqshunoslarni, turkologlarni va etnograflarni e’tiborini tortib keladi. Bu asar 1928 yilda Nemis sharqshunosi Brokkelman tomonidan nemis tiliga, 1943 yilda Basim Atalay tomonidan Turk tiliga,1960 yilda esa iqtidorli o‘zbek filolog olimi S.Mutalibov tomonidan o‘zbek tiliga tarjima qilindi (S.Mutallibov.Devonu lug‘atit turk. I T,. 1960 yil, II T, 1960 yil, III T, 1962 yil).

Asar boshqa soha mutaxassislari kabi etnograflar uchun ham qimmatli manba hisoblanadi. Ushbu asarda ko‘plab turkiy qabilalar, joy nomlari, turli urf odatlar haqidagi ma’lumotlar, hamda maqol,masal va to‘rtliklar mohirona tarjima qilingan va izohlangan. Bu o‘z davrida ilm ahli, jumladan K.Shoniyozov tomonidan yuqori baholangan (K.Shaniyozov. Senniy trud uchenogo-lingvista. // ONU. 1961 g. №3, str. 72-73).

Shu bilan birga asardagi ba'zi ma'lumotlarga olim o'zining tanqidiy fikrlarini bildirib o'tgan. Jumladan asardagi Turklarning shajarasi Nuh payg'ambarning o'g'li Yofas uning o'g'li Tur yoki Turkga borib taqalishi hususidagi ma'lumotni olim hech qanday tarixiy- ilmiy asosga ega emasligini ta'kidlaydi (Shoniyozov.K. O'zbek xalqining shakllanish jarayoni. Toshkent. 2001, 42-43 betlar). Shuningdek asarda Qarluqlarning Turkmanlar deb ta'riflanishi, yoki "Kimak" qabila nomini "Yamak" deyilishi olimning haqli e'tiroziga sabab bo'ladi.

Shu o'rinda olim yana asarning Kirish va Izoh qismida S.Mutalibov tomonidan yo'l qo'yilgan ayrim ju'ziy kamchiliklar xususida ham to'xtaladi. Masalan: Taroz va Isfidjob shaharlarini bitta shahar deyilishi, yoki Subran shahrini jug'rofik o'rnini noto'g'ri ta'riflanishi kabi ayrim anglashilmovchiliklar ko'rsatib o'tiladi (Shaniyazov.K. Senniy trud uchenogo-lingvista. // ONU. 1961g. №3. s 73).

Biroq olim ta'kidlaganidek yuqorida keltirilgan fikrlar asarning ilmiy qimmatini tushirmaydi. Muxtasar qilib aytganda Maxmud Qoshg'ariyning ushbu asari hamda uning ilmiy va tarixiy ahamiyati xaqida hozirgacha ko'plab soha vakillari tomonidan turli fikr mulohazalar va ilmiy mushohadalar bayon qilingan.

Shu o'rinda biz ham asosiy muddaoga o'tishdan oldin asardagi etnologiyaga bevosita ta'lluqli bo'lgan ayrim ma'lumotlarni keltirib o'tishni lozim topdik. "Devon"da turkiy qabila va elatlar ikki guruhga ya'ni Shimoliy va Janubiyga bo'linib, ularning har birida o'ntadan qabila ko'rsatib o'tiladi. Shimoliy qabilalarga: Pecheneglar, Qipchoqlar, Og'uzlar, Yag'molar, Boshqirdlar, Basmillar, Qaylar, Yabg'ular, Tatarlar va Qirg'izlarga ajratiladi. Janubiy qabilalarga: Chig'illar, Tuxsilar, Yamaklar, Ig'roqlar, Charuklar(Choruqlar), Jumullar, Uyg'urlar, Tangutlar, Xitoylar, Tabg'achlar ajratiladilar. Shu o'rinda devondagi Yettisuvda yashovchi So'g'dlar (Bu yerda VI asrda So'g'ddan Yettisuvga ko'chib o'tgan So'g'dliklar haqida so'z boradi, VII ga kelib So'g'dliklarning ko'chib o'tishi yanada jadallashgan. Qarang: // Trudi Semirechenskoy arxeologicheskoy ekspeditsii, №17. M-L., 1950, str.72) va Turk qabilalari bo'lgan Arg'u va Kanjaklar (Sharqiy Turkistonda yashovchi aholi)ning ikki tilda ya'ni So'g'd va Turk tilida so'zlasha olishlari haqidagi ma'lumot e'tiborga molik. Qabilalarning "devon"da keltirilishi haqida to'xtalsak, ta'kidlash joizki muallif Turkiy qabilalar xususida ma'lumot keltirganda asosan o'sha davrning ijtimoiy-iqtisodiy xayotida faol ishtirok etgan hamda kuchli siyosiy ta'sirga ega bo'lgan Turkiy qabilalarga a'lohida urg'u berib, ular haqida ko'proq ma'lumot keltiradi. O'sha davrdagi kam sonli yoki siyosiy jihatdan kuchsiz hisoblangan Qabilalar haqida esa u yoki bu ma'lumotlarni va so'zlarni keltirish hamda qiyoslash jarayonidagina to'xtaladi. Yuqorida qayd etilganidek "Devonu lug'otit turk" asari turli soha vakillari tomonidan o'rganilgan va fikr mulohazalar bildirilgan. Biz ushbu maqolada esa asarning ziroatchilik tarixi u bilan bog'liq urf-odat va rasm-rusumlarni o'rganishdagi o'rnini va ahamiyati xaqida to'xtalib o'tmoqchimiz. Bu esa qadimiy Turkiylar xayoti va turmush tarzida dehqonchilik qanday o'rin tutganligini aniqlashda muhimdir. Darhaqiqat, asar bu yo'nalishda deyarli tadqiq etilmagan. Asarda Turkiylarning ziroatchilik bilan bog'liq ayrim urf odatlari, rasm-rusumlari hamda maqollari, ko'plab dehqonchilik atamallari va

terminlari qayd etilgan. “Devon” ni o‘rganish orqali ziroatchilik bilan bog‘liq ayrim urf odatlar yoki ularning kelib chiqish ildizlari haqida tasavvur hosil qilish mumkin. Masalan XX asr boshlariga qadar O‘rta Osiyoning ayrim hududlarida Yada toshi orqali yomg‘ir chaqirish marosimi bo‘lgan. Ushbu marosim haqida devonda ancha batafsil ma‘lumot keltirilib, unda muallif bu marosimni turkiy qabila Yag‘molar yurtida o‘z ko‘zi bilan ko‘rganligini ta’kidlaydi. Marosim asarda “JAT” (ya’ni yada qilish) atamasi bilan keltirilib, ushbu termin devonda ikki marotaba qayd etilgan (Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. III Tom , 8, 174 – bet S.Mutallibov tarjimasini 1962). Shu kabi marosimlardan “Xo‘p xaydash” ning kelib chiqishi xususida ham “devon”ni o‘rganish orqali ayrim ilmiy tahminlar qilish mumkin. Asarda keltirilishicha Turkiy qavm Arg‘ularda xirmonda hosilni yanchishda foydalanilayotgan Xo‘kizlarning o‘rtasidagisi “OP” deb atalgan,(Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. I T, 70-bet. S.Mutallibov tarjimasini 1960) S.Mutallibovning ta’kidlashicha“Op xaydash” vaqt o‘tishi bilan “Xo‘p xaydash”ga o‘zgargan. Bizningcha ham bu fikr haqiqatga ancha yaqin. Ta’kidlash kerakki yurtimizning ayrim dehqonchilik hududlarida “Xo‘p xaydash” marosimida xirmon o‘rtasiga xo‘kiz o‘rniga kattaroq bir xoda, qoziq sifatida qoqilib, qolgan ishchi xayvonlar unga bog‘langan va u“Mo‘miq” yoki “O‘miq”deb yuritilgan. “Devon”da xuddi shu qoziq ayrim turkiy qavmlarda “Mama” deb yuritilganiligi qayd etiladi (Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. III Tom, 253-bet. S.Mutallibov tarjimasini 1962). Bizningcha ushbu qadimiy turkiy termin vaqt o‘tishi bilan transskripsiya uchragan bo‘lishi mumkin.

Ma‘lumki dehqonlarimiz o‘tgan asrning boshlariga qadar yerga qo‘sh solishdan boshlab to xosilni yig‘ib olishga qadar bir biriga yordam qo‘lini cho‘zganlar. Bu odat xalqimizda “Alg‘ov”, “Xamqo‘sh”, yoki “Xashar” deyilib, hech kim undan chetda qolmaslikka intilgan. Xosilni yanchib olishdagi bu odat qadimiy turkiylarda ham mavjud bo‘lib u “Luchnut” deb yuritilgan (Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. I T, 421-bet. S.Mutallibov tarjimasini 1960) “Devon”da yana dehqonchilik odatlaridan biri xirmondagi xosildan Masjid imomiga, Mirobga, Beva bechora va Yetim-yesirlarga “Kapsan” berish haqida ham ma‘lumotlar keltiriladi. Kapsan asarda “Qefsan” tarzida keltirilgan(Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. III Tom, 395-bet. S.Mutallibov tarjimasini.1962).

Shuningdek “Devon”da ayrim dehqonchilik bilan bog‘liq irimlar keltirilib, unga ko‘ra qadimiy turkiylar xosilni yomon ko‘zlardan saqlash maqsadida maxsus jonsiz qo‘riqchilar qo‘yilib ular “Ko‘sgo‘k”yoki “Abaqi” nomlari bilan yuritilgan(Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. I Tom, 155, 334-bet. S.Mutallibov tarjimasini 1960). Bu irim xozirgacha yurtimizning ko‘plab dehqonchilik hududlarida mavjud.

Shu o‘rinda ta’kidlash o‘rinliki ziroatchilik qadimiy turkiylar xayotining ajralmas qismi bo‘lganligini ushbu faoliyat turining xalq og‘zaki ijodiyotida aks etganligidan ham ko‘rish mumkin. “Devonu lug‘atit turkda” dehqonchilik bilan bog‘liq ayrim maqollar ham uchraydi. Ulardan ba’zilarini keltirib o‘tamiz: “Ekish davrida kelishish bo‘lsa, xirmon vaqtida janjal bo‘lmaydi”(Maxmud Qoshg‘ariy. Devonu lug‘at-it turk. III Tom, 423- bet. S.Mutallibov tarimasi 1962) (Sabanda sandurush

bo'lsa, ortgo'nda irtash bo'lmas) bu har bir ishni boshlashdan oldin albatta maslahatlashish kerak ma'nosida qo'llanilgan yoki "Bug'doy orqasidan qoramug'(Maxmud Qoshg'ariy. Devonu lug'at-it turk. I Tom, 450-bet. S.Mutallibov.1960) ham suv ichadi" (Bug'dach qatinda sarqach suvalur) bu maqol yaxshi odamga ergashsang yaxshilik ko'rasan ma'nosida qo'llanilgan. Shunday maqollardan yana biri quyidagicha: "Qovun talon bo'lsa, egasi ikki qo'llab tortadi"(Maxmud Qoshg'ariy. Devonu lug'at-it turk. I T, 388 bet) (Qag'un qarma bolsa,izisi ikki eligin tegir) bu kishi boyligi ko'paygan sari unga qattiq xirs qo'yadi ma'nosida qo'llanilgan (Tarjima va izohlar S.Mutallibovniki) Bu kabi chuqur mazmunga ega bo'lgan maqollar turkiylarning nafaqat ziroatchilik sohasida balki ma'naviy jihatdan ham yetuk bo'lganligidan dalolat beradi.

Bulardan tashqari qayd etish o'rinliki "Devon"da 30 ga yaqin ziroatchilik ekin turlari 20 ga yaqin dehqonchilik mehnat qurollari nomlari 10ga yaqin sug'orish (irrigatsiya)ga oid terminlar,40 ga yaqin ziroatchilikka oid atamalar keltiriladi. Asarda ziroatchilik atamalari ko'rsatilish jarayonida har bir turkiy qabilada qanday nomlanishi ham a'lohida izohlangan. Masalan: dehqonchilik ekinlari paxta devonda keltirilishicha Arg'u, Yag'mo va Qarluqlarda **Jo'ng** deyilgan bo'lsa, O'g'uzlarda **Pamuq**, qolgan ko'pchilik turkiy qabilalarda **Kebaz** u ekiladigan ekin maydoni esa Kebazlik deyilgan(Maxmud Qoshg'ariy. Devonu lug'at-it turk. I T,. 360, 464 betlar. III T,. 373-bet.S.Mutallibov tarjimasi 1960) Shu kabi Bug'doy ham Turkiy qabilalarda turlicha **Bug'dach** (Bug'daj), **Budg'ach** (Budg'aj), **O'ko'r**, **Qonaq** yoki **Tariq** (Tarig') u ekiladigan maydon esa Tarig'lig' deb yuritilgan. Yuqoridagi kabi dehqonchilik mehnat qurollari ham turlicha nomlangan jumladan xosilni yig'ishtirib olishda foydalaniladigan birgina O'roq devonda **Org'aq**, **Bashtar**, **To'rbo'k**, **Bo'chi** nomlari bilan tilga olinadi. Bu kabi misollarni ko'plab keltirish mumkin.

Yuqoridagi ma'lumotlardan xulosa qilib shuni aytish mumkinki ziroatchilik Turkiylar tarixini o'rganishdagi muhim jihatlardan biridir. Maxmud Qoshg'ariyning "Devonu lug'otit turk" asarida keltirilgan ma'lumotlardan ham ko'rinadiki dehqonchilik mashg'uloti qadimiy turkiylar xayoti va turmush tarzining ajralmas qismi bo'lgan. Bu kabi tarixiy hamda ilmiy asarlarni o'rganish esa boy o'tmishimizni tadqiq etishda muxim ahamiyat kasb etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

- Bartold. K.** istorii orosheniya Turkestana, otd. ottisk, SPb. 1914.
Maxmud Qoshg'ariy. Devonu lug'otit turk. tarjimon S.Mutallibov. Toshkent. AN UzSSR nashriyoti, I T,. 1960yil, II T, 1960 yil, III T, 1962 yil.
Shaniyazov.K. Senniy trud uchenogo-lingvista. // ONU. 1961 g. №3,
Shoniyozov.K. O'zbek xalqining shakllanish jarayoni. Toshkent. 2001.
Shaniyazov.K. Senniy trud uchenogo-lingvista. // ONU. 1961g. №3. .
Lerx. P.I. Arxeologicheskaya poyezdka v Turkestanskiy kray v 1867 g. SPb., 1870. // Trudi Semirechenskoj arxeologicheskoy ekspeditsii, №17. M-L., 1950.

САРГУЗАШТ-ҚИССА МАЪНАВИЯТИ

MACERA-HİKAYE'DE MANEVİYAT

*Юлдуз Каримова,
филология фанлари номзоди
Жиззах давлат педагогика институти (Ўзбекистон)*

*Dr. Yulduz Karimova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада Фриц Вюртленинг “Бобур-йўлбарс” саргузашт-қиссасидаги 12 ёшлик подшоҳ Бобур образини яратишда, унинг ахлоқий-маънавий дунёсини очиб беришда муаллиф маҳорати ўрганилган.

Калит сўзлар: Фонд, экспедиция, саргузашт қисса, сюжет, композиция, бола подшоҳ, Ахси қалъаси, меҳр-муҳаббат минораси, Фарғона мулки, болаларбоп ифода, Бобурнома.

Annotation. The article reveals the craft of writer Fritz Wurtle’s novel ‘Babur-The Tiger’, in depicting the character as well as spiritual demeanour matters of a twelve year old Padishah Babur (king).

Key words: Fund, expedition, adventure store, komposition, boy padishah, fortress arrangement, minaret Ahsi, property Fergana, exspression childy suitable, Baburname.

Özet. Bu makalede yazar Fritz Wurtle’nin *Babur - Pars* adli romanında 12 yaşındaki bir Padişah Babur karakterini betimleme mahareti, Bahur Şah’in ahlaki ve manevi dünyasının ortaya konmasındaki ustalığı incelenmiştir.

Anahtar kelimeler: Fon, sefer, macera-hikâye, süje, genç padişah, Ahsi Kalesi, Fergana bölgesi, Baburname.

Академик Азиз Қаюмов ёзувчи, Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция аъзоси Қамчибек Кенжанинг “Буюклар изидан” сафарномасига ёзган сўзбошисида мустақиллик берган маънавий неъматлар, беқиёс имкониятлар ичида Бобур номидаги халқаро жамият фонди, фонд тарафидан Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг ташкил этилганлиги республикамиз маъданий-марифий ҳаётида жуда катта ютуқ бўлганлигини таъкидлаган. Муҳтарам олимимиз бу фонд ва экспедициянинг хайрли, савобли ишларини эътироф эта туриб, Хирот университетининг ректори Абдурауф Мухлиснинг ҳам ушбу жамғарманинг ташаббус ва ташкилотчилиги ўзлигини биладиган ва ўз маданиятини қадрлайдиган ҳар бир миллат вакилига катта ибратдир” деган фикрларини фахр, ғурур билан эслайди ва илмий жамоатчилик диққатини бир нарсага

қаратади: Бобур халқаро жамғармаси нафақат маърифатпарварлик фаолияти билан шуғулланмоқда, балки бу фаолият бугун ўзбек бадиий адабиётида янги бир ижодий соҳанинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бу бадиий сафарнома жанридир” (Қаюмов, 2016: 3-4). Ҳақиқатдан ҳам, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ва халқаро илмий экспедиция халқимиз ва миллатимизнинг ўзлигини билиш, таниш, англаш ўз маданиятини, бой тарихини қадрлаш йўлида беқиёс хизмат қилмоқда.

Шу пайтгача экспедиция ўзининг йигирмадан ортиқ хорижий сафарларини амалга оширди. Экспедиция аъзоларининг фидокорона фаоллиги натижасида Бобур ва Бобурийлар тарихи билан боғлиқ ўзбек бобуршунослиги ва бобурномашунослиги ривожига хизмат қиладиган 400дан зиёд қўлёзма асарлар, хужжатлар, нодир манбалардан нусхалар, кўплаб тарихий-бадиий китоблар Ватанимизга келтирилди. Биз ушбу мақолада фонд илмий экспедицияси Германияда қўлга киритган яхши бир асар - австриялик немис олими, ёзувчиси Фриц Вюртленинг “Бабур, дер Тигер” - “Бобур - йўлбарс” деб номланган саргузашт қиссаси ҳақида ўз мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Бу асарни таржимон Янглиш Эгамова “Анджон шаҳзодаси” номи билан немис тилидан ўзбекчага ўгирган. Қисса Мирзо Бобур умрининг болалик фаслига бағишлангани билан ўзбек китобхонларида катта қизиқиш уйғотди. Асар жанри саргузашт-қисса деб белгиланган. Фриц Вюртле “Бобур-йўлбарс”ни “Бобурнома”дан таъсирланиб ёзганлиги сабабли қисса қайсидир маънода тарихий-биографик характерга ҳам эга.

Қиссада кўҳна Туркистон, хусусан, Фарғона мулкида XVI асрнинг бошларида рўй берган тарихий воқеалар асарнинг бошиданоқ сюжетга асосий қаҳрамон сифатида кириб келган, сюжет ривожланган сайин бош қаҳрамон даражасига кўтарилиб, ўзининг жисмоний ва ақлий камолоти билан китобхонни мафтун этадиган Бобур образи билан боғлиқ ҳолда тасвир этилади.

Фриц Вюртле дунёнинг фозил инсонлари томонидан эътироф этилган, фақат Мирзо Бобургагина хос бўлган характер илдизларини унинг ташна болалигидан топади. Бу илдизларни ёзувчи оддий тафсилотларда эмас, кучли драматик коллизиялар, характерлар тўқнашуви, психологик вазиятлар билан боғлиқ ҳолда очади.

Ташна болалик. Ҳақиқатдан ҳам Заҳириддин Шайбонийхон тили билан айтганда “бола подшо” бўлишига қарамай кўрқмас, довюррак, қаҳрамонликларга ўч, билимга, ўрганишга, амалда кўрсатишга ташна эди. Фриц Вюртле Бобурга бу хислат улуғ аждоди Амир Темурдан ўтганини қиссанинг бир ерида, қаҳрамоннинг ўз тилидан таъкидлаб кетади. Сотқин қалъабегини тарафидан қамал қилиб олинган Ахсини қўлга олиш учун жанг режаси тузилаётган пайтда қўшин юзбошилари ёш подшоҳнинг ҳаётини хавфга қўймаслик мақсадида уни ортда қолдирмоқчи бўладилар. Шунда Заҳириддин: “Менинг қонимда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг қудрати бор...Ахси эртага бизники бўлади! Мен олдинда бораман, Аллоҳнинг

муқаддас қиличи олдида қасамёд қиламан, сизлар эса менга эргашасизлар!”, - дейди (Вюртле, 2011:103).

Саргузашт-қисса табиатига мос асар сюжети воқеалари анча тезкор кечади. Ички ғалаёнларга, янгидан-янги қаҳрамонликларга ўч Заҳириддин характерини очиш учун ёзувчи ўткир интригаларга, кескин ўзгаришли ситуацияларга бой сюжет танлайди.

Асар тилидаги юморга мойиллик ҳам қиссанинг умумий руҳига кўтаринкилик, самимийлик бағишлайди. Бу, айниқса, Заҳириддин ва устози Мирзо Уллоҳ, Заҳириддин ва Сепкилвой, жаллод ва Сепкилвой муносабатларида яққолроқ кўринади.

Асарнинг дастлабки саҳифалари ўқувчини болаликнинг беғубор, ўйинқароқ, фантазияларга бой оламида яшаётган Заҳириддинга рўбарў қилади. Унда ҳали Умаршайх Мирзо ҳаёт бўлади. Бароққуҳ тепалигида “меҳр-шафқат тимсоли” дарахти соясида “билимдонлик булоғи” - Мирзо Уллоҳ шаҳзодага дарс бераяпти. Аммо юртга ёв босиб келаётганлигини эшитган Заҳириддиннинг фикрича, айти пайтда унинг жойи жанг майдонида. Шаҳзодани бўлса аллақандай қийин форсий ҳарфларни ёзишга мажбур қилиб ўтиришибди. Устози шогирдининг хаёлини бир жойга тўплаш мақсадида Темирқозиқ юлдузи ва ҳаёт йўллари ҳақида бир жумлани ёзишни буюради. Топшириқни бажаришнинг ўрнига бепоён қум саҳросида ўзини Шайбонийхон кўшини билан юзма-юз жангда тасаввур қилиб хаёл суриб ўтираверган қулоқсиз шогирдидан устози дарғазаб бўлади. Заҳириддин устидан подшоҳга арз қилишни кўнглига туккан Мирзо Уллоҳ Андижонга қайтиш учун йўлга чиқади. Ўзи ётган кажаванинг мувозанатини сақлаш учун туянинг нариги томонидаги кажавага Заҳириддиннинг чиқиб олишини буюрар экан: “ҳеч бўлмаса, гавдангнинг оғирлигидан фойдаланай”, деб киноя қилади. Аммо ўзининг жанговар ўй-хаёллари билан кенг дунёга сиғмаётган Заҳириддин қандай қилиб тор кажавага сиғсин?!

Заҳириддинсиз енгил бўлиб қолган кажава мувозанатни йўқотиб, Мирзо Уллоҳ ухлаб ётган кажава нақ ергача шув этиб тушиб кетади.

Энг ёмони тепага бойлаб қўйилган сиёҳдон устознинг устидан қўйилиб кетади. Виждон азобида қолган Заҳириддин туянинг жировини ушлаб, устозининг уйқусини бузмасликка ҳаракат қилиб, кажавани мумкин қадар текис жойлардан олиб ўтиб, минг бир азобда шаҳарга етиб келади. Аммо барибир устозининг дарғазаб чехраси билан учрашишига тўғри келади:

“ – Сен ярамас, - қичқирди бўёққа ботган, лекин ҳар доимгидек дадил Мирзо Уллоҳ кажавасидан чиқиб келаркан, - сен ярамас, мени ухлаяпти деб ўйладингми?..ҳаммасини кўрдим, ҳаммасини биламан!.. қилган гуноҳинг учун товонингга яхшигина хипчин ейсан, -деди у қўлга тушган гуноҳкорга ва қўшиб қўйди: -Бунга бирор эътирозинг борми?” (Вюртле, 2011:21).

Шу ерда Заҳириддин бир оғиз “йўқ” деган жавобни бериб қўйса бўларди, барибир жазо олиши муқаррар эди. Чунки Фарғона мулкида амал

қиладиган барчага баробар Умаршайх адолати шуни тақозо этар эди. Аммо унда Заҳириддиннинг бола характери очилмай қоларди, образ рангсиз ва қуруқ бўлиб қоларди. Ахир барча болаларга хос: ўз айбини хаспўслаш, бир озгина лоф, бир чимдимгина шумлик Заҳириддинга ҳам бегона эмас эди-да, Заҳириддиннинг устозига берган жавобидан ўқувчининг лабига кулгу югуради:

“ – Йўқ, о, билимдонлик булоғи, албатта йўқ, - шоша-пиша жавоб қайтарди Заҳириддин Муҳаммад, -мен сизни ўша фалокатдан сўнг тоғу тош оралаб, олий навли қирғовул тухумидек авайлаб олиб келдим” (Вюртле, 2011:21)

Заҳириддин жазони ҳақиқий шаҳзодаларга хос матонат билан, инграмай, додламай ўтаб, воқеани кузатиб турганларнинг таҳсинига сазовор бўлади. Мирзо Уллоҳ темир устида турган шогирдининг товонига иккинчи хипчинни зарб билан уриб, учинчисини ҳам тушираётганда чопар Заҳириддиннинг Фарғона ҳукмдори бўлганлиги ҳақидаги хабарни етказди. “Адолат ҳеч кимни четлаб ўтмаслиги керак, акс ҳолда у адолат деб аталмайди. Тағин бир оз сабр қилиб тур”, дейди-ю устози Заҳириддиннинг товонига учинчи хипчинни туширади.

Қиссининг шу жойидан сюжет ситуацияси кескин ўзгаради, ҳеч кутилмаганда асар қаҳрамони тақдирида бурилиш юз берадики, буни бахтиёрлик ҳам, бахтсизлик ҳам деб бўлмайди. Қулоқсиз шогирдини бутун эл-юрт олдида намойишкорона жазолаётган Мирзо Уллоҳ иккита хипчинни Заҳириддиннинг шаҳзодалигида улгуриб тушириб қолади. Учинчи хипчин Заҳириддинга подшоҳ деб эълон қилинганидан сўнг тушади.

Заҳириддин подшоҳ бўлганининг эртаси куниёқ устози яшаётган чодирни мулозимларга буюриб, буздириб ташлайди ва Мирзо Уллоҳни ҳузурига чақиртиради.

Бу хабар бир зумда атрофга ёйилиб ҳамма, ҳатто қиссани мутолаа қилаётган ўқувчи ҳам энди Мирзо Уллоҳнинг ҳоли нима кечар экан, деб турганда Заҳириддин устози қўлига аввал бажаролмай жазоланишига сабаб бўлган вазифани: Темирқозик юлдузи ва ҳаёт йўллари ҳақида ёзилган дафтарни тутқазди ва дейди:

“-Ҳа, адолат чироғи, Сиз ҳайрон бўляпсиз. Бироқ мен подшоҳ бўлганимдан эътиборан Сизнинг сўзларингиз мағзини тўлиқ тушуниб етдим. Уларни айтганингиз учун Сиздан миннатдорман. Қадрли устозим, уруш бўлади, мен юриш бошлашим керак. Агар мен оддий мактаб топшириғини ниҳоясига етказолмасам, қандай қилиб юришни муваффақиятли яқунлай оламан” (Вюртле, 2011:51).

Фриц Вюртле ёш подшоҳ Заҳириддиннинг ҳукмдор бўлган кунданоқ ўзи учун белгилаб олган ҳаётий принципини, нуқтаи назарини кўрсатиш учун ғоятда қизиқарли вазият ўйлаб топган. Заҳириддин сийратида кечган ана шундай кескин улғайишда қаҳрамон характери динамикаси ёрқин кўрсатилган.

Заҳриддин шу суҳбатда устозига энди сизга чодирнинг кераги йўқ, доимо мен билан яшайсиз, дейди. Қаҳрамоннинг бу фикрига Фриц Вюртле алоҳида бир рамзийлик юклаган. “Меҳр-шафқат тимсоли” дарахтининг соясида дарс берувчи Мирзо Уллоҳ “адолат чироғи”, “билимдонлик булоғи”, “донолик чашмаси”, “оқиллик кони” эди-ку. Энди шунча фазилатлар доимо подшоҳ Заҳриддин билан яшайди.

Қисса мутолааси давомида ўқувчи Фриц Вюртлени “Бобурнома”ни ўқиган, уққан ва шу асар орқали теурий ҳукмдор Бобур сиёсати ва у амалга оширган гуманистик ислоҳотларни дилдан қувватлаган муаллиф сифатида кўради. Маълумки, Бобур ўз қўшини таркибидаги мўғул бекларининг очкўзлиги, талончилигидан оғриниб, “Бадбахт мўғул босса ҳам ўлжа олади, бостирса ҳам ўз элини талаб ўлжа олади” дея нафратланади. Айниқса, “Бобурнома”нинг тўққиз юз тўққизинчи (1503-1504) йил воқеалари бўлимида Қорабоғ ёнидаги Оқсарой сайхонлигида бировнинг бир кўза ёғини ўғирлаган навкарни тайёқлатганини, бу навкарни таёқ остида жон берганини эслар экан, ана шу жазо йўли билан “эл бу сиёсатдан босилди” (Бобур, 2008:104) - дейди Бобур.

Асар муаллифининг истеъдоди, қаламининг кучи шундаки, у ўзининг эътиборини тортган, Бобур амалга оширган ана шундай сиёсат билан боғлиқ катта ижтимоий-маънавий масалаларнинг бадий талқинида бола дунёси ва тафаккури зўриқмай қабул қиладиган ифода йўсинини топа билган.

Қув ва тадбиркор Сепкилвой Ахси қалъасини қайтиб олиш учун кетаётган ёш подшоҳ Заҳриддин қўшини сафида. Улар битта - Заҳриддиннинг отига миниб олишган. Сепкилвой Заҳриддинни энг яхши дўстлардек кучиб олган. Йўл олис, саҳро, сувсизлик. Узоқ йўл Заҳриддинни ҳолсизлантиради, у оч қолади. Лекин у бунга атрофдагиларга билдирмайди, чунки у подшоҳ, қолганларга ирода, сабр бобида ўртак ибрат бўлиши керак. Аммо Сепкилвой Заҳриддиннинг оч қолганини унинг қорни қулдирашидан билиб қолади. Шунда Сепкилвой секингина Заҳриддиннинг қулоғига “Иккита боланинг баланд деворига чиқиб сап-сарик беҳиларни ўғирлаётгани кўзимга кўриняпти” - дейди.

- Жим бўл, - деди суҳбатдоши (Заҳриддин Ю.К.). Ва орқасида ўтирган маҳмадонанинг қорнига совут кийган қўли билан яхшилаб туртди. - Бундай аҳмоқона гапларни гапирма. Кеча ўзим ҳарбий қонун чиқардим: кимки, бир қатим ипни ўзлаштира ёки битта игнани ўғирласа, жазоси ўлим!

- Жазоси ўлим! – дея қичқиришди шоҳнинг сўнгги сўзлари қулоқларига чалинган иккала жаллод. - Унинг жазоси ўлим! – такрорлашди музофотлик олти баҳодир ва тўқмоқларини силкитишди.

Сепкилвой яшириқча қашинди-да, секингина: - Одам подшоҳ бўлса, ажойиб бўлса керак. Унда уни чивинлар ҳам чақа олмайди, - деди (76-бет).

Қув Сепкилвой бу тагдор гапи билан ўзидан фарқли ўлароқ совут кийиб олган Заҳриддинни чивинлар чақа олмаётганига ишора қилса, бир

томондан подшоҳ чиқарган буйруғига ўзи амал қилиши шартми, у ахир подшоҳ-ку демоқчи.

Ўғирликнинг даражаси бир қатим ип билан белгиланишида ҳам алоҳида маъно бор эди. Чунки сал аввал Сепкилвой жаллоднинг халқали камалак ранг ипини ўғирлаб олган эди-да. Жазодан Сепкилвойни унинг уддабуронлиги ва жасорати қутқариб қолади. Аҳси қалъасини қайтариб олишда Заҳриддин қўшинидан енгилган ва яшириқча қочиб кетаётган сотқин қалъабегини Сепкилвой шу халқали ип билан тутиб олади.

Буюк рус танқидчиси В.Г.Белинский: "...болалар учун китоб ёзиш керак ва зарур, бироқ болалар учун шундай яхши ва фойдали асарлар ёзмоқ зарурки, улар катталарни фақат болаларга аталганлиги туфайлигина эмас, балки чинакам бадий асар сифатида ҳаммага мўлжалланганлиги билан қизиқтира олсин" (Белинский, 1977:144), - дейди. Шу маънода Фриц Вюртле "Андижон шаҳзодаси" асарида фактик манбаларга ижодий ёндашади. Ёзувчи тарихий реалликни бадий фантазияси, ижодий тахайюли билан бойитган ҳолда уни ёш китобхонга етказишнинг болаларбоп ифодасини топа олган.

Заҳриддинга асарда устози Мирзо Уллоҳ қоронғу тунларни нурафшон қилиб турувчи Темирқозиқ юлдузи инсонларга йўл ва манзилларини кўрсатиб туради. Тангримиз ҳаёт саҳросида ҳам бизга шундай юлдузни ато қилсинки, токи биз йўлимизни йўқотиб қўймайлик, дейди.

Аслида, Мирзо Бобурдек даҳоларнинг ибратомуз ҳаёт йўллари, инсоният олдидаги буюк хизматлари мисоли Темирқозиқ юлдузидек китобхонни эзгуликнинг манзил-мароҳилларига бошлаб боради. Зеро, саргузашт-қисса маънавияти, муаллиф нияти ҳам айнан шунда бўй кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қаямов А. Қамчибек кенжа. Буюклар изидан сафарномасига сўзбоши. –Тошкент: "Шарқ" 2016.
2. Вюртле Ф. Андижон шаҳзодаси. (Бобур-йўлбарс): саргузашт-қисса / Фриц Вюртле: олмон тилидан Я.Эгамова таржимаси. –Тошкент: "Ўқитувчи" НМИУ, 2011.
3. Bobur. Boburnoma. –Toshkent: "O`qtuvchi" NMIU nashryoti, 2008.
4. Белинский В.Г.Адабий орзулар. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
5. Бобур энциклопедияси. –Тошкент: "Шарқ", 2014.
6. Сирожиддин Саййид. Юз оҳ, Заҳриддин Бобур... –Тошкент: "Ўзбекистон", 2011.

**TIL MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHDA ALISHER NAVOIY
MEROSINING O'RNI**

**DİL KÜLTÜRÜNÜ GELİŞTİRİLMESİNDE ALİ ŞİR NEVAİ ESERLERİNİN
ÖNEMİ**

*Tavaldieva Gulbaxar,
Toshkent kimyo texnologiyalari
Instituti dotsenti (O'zbekiston)*

*Doç. Dr. Gulbahar Tavaldieva
Tashkent Kimya Teknologileri Enstitüsü (Özbekistan)*

Annotatsiya. Maqolada oliy ta'limda talabalar til madaniyatini rivojlantirish muhim vazifa ekanligi ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: Til, til madaniyati, so'zlashish madaniyati, nutq, nutq odobi, notiq, so'z, talaffuz, ohang.

Annotation. The importance of student's language culture in higher education is shown in the article.

Key words: Language, culture of language, culture of speech, speech, ethics of orator, orator, word, pronunciation, intonation.

Özet. Bu makalede yüksek öğretimde öğrencilerin dil kültürünün önemi geliştirmesinin önemi üzerinde durulmuş, bu konuda Ali Şir Nevai'nin eserlerinden yararlanmanın faydalarına değinilmiştir.

Anahtar kelimeler: Dil, kültür, konuşma kültürü, konuşma, etik, hitabet.

Turkiy xalqlar, jumladan, o'zbek xalqining til madaniyati va nutq odobiga oid qarashlari muayyan tizimga ega bo'lib, juda qadimiydir. Sharq uyg'onish davrida inson muammosi ma'naviy-ma'rifiy sohadagi asosiy masala bo'lgan. Shuning uchun ham ta'limga, tarbiyaga alohida e'tibor berilgan. Sharq mutafakkirlari badiiy-ilmiy qarashlarida ta'lim va tarbiyani bog'liqlikda olib borish ko'zlangan natija berishi alohida uqtiriladi. "Bu davrda yaratilgan ta'limiy-axloqiy risolalar - "Fozil odamlar shahri", "Baxt saodatga erishuv haqida", "Axloq xaqida risola", "Ishq risolasi", "Qutadg'u bilig", "Hibatul-haqoyiq", "Qobusnoma", "Guliston", "Bo'ston", "Mahbub ul-qulub" kabi Forobiy, Beruniy, Ibn Sino, Yusuf xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Kaykovus, Sa'diy, Jomiy, Alisher Navoiylarning ta'limiy-axloqiy asarlari inson shaxsini ma'naviy-axloqiy shakllantirish muammosini hal etishda sof pedagogik asarlar sifatida muhim ahamiyatga ega bo'ldi" (Xoshimov va b., 1995: 69).

Bu asarlarda tilni puxta o'rganish, uning lug'aviy boyligi va grammatikasini puxta egallash, mantiqli so'zlashni o'rganish, nutqning shakl va mazmuniga birday e'tibor berish, go'zal va ta'sirchan nutq tuza bilish, til boyliklarini maqsadga muvofiq hamda o'rinli ishlatish vazifalarini qo'yadilar.

Sharq mutafakkirlari pedagogik qarashlari haqidagi ilmiy adabiyotlardan ko‘rinadiki, buyuk mutafakkirlarimizning yoshlar til madaniyatini o‘stirish va rivojlantirishga oid tavsiyalari, pand-nasihatlari hamma zamonlar uchun ham zaruriy bilimlardir. Bo‘lajak mutaxassislar - talabalar til madaniyatini o‘stirish va rivojlantirish bugungi kompyuterlashgan davrda nihoyatda katta muammodir. Bu muammoning yechimi sifatida ko‘p oliy ta‘lim muassasalari o‘quv rejasiga “Nutq madaniyati” fanining kiritilishi va uni amaliy mashg‘ulotlar orqali sohaga yo‘naltirib o‘rgatilishi maqsadga muvofiqdir.

Dars mashg‘ulotlarida ajdodlarimizning boy merosiga tayanib, buyuk notiqnlarning hayotiy tajribasiga asoslanib, til madaniyaning mutaxassis hayotida, ish faoliyatida naqadar muhim ahamiyatga ega ekanligini anglatish lozim. Bunda bizga Alisher Navoiyning boy merosi bo‘lmish o‘zbek tilida nutq tuzishning go‘zal namunalari hisoblangan “Muhokamat ul-lug‘atayn”, “Mahbub ul-qulub”, “Nazm ul-javohir” asarlari amaliy qo‘llanma sifatida yordam beradi.

Navoiyning nutq madaniyati va odobiga oid fikrlari shoir yashagan davrgacha va u yashagan davrda mavjud bo‘lgan qarash va tamoyillarning mohirona sintezi bo‘lib, bu masala adib asarlarida yanada rivoj topgan va rivojlantirilgan. “Adabiy tilimizda asrlar davomida to‘plangan til boyliklari va qoidalari Alisher Navoiy ijodida umumlashib, sintez holiga keldi. Asta-sekin yuz bergan miqdoriy o‘zgarishlar buyuk dahoning qahramonona mehnatlari bilan sifat o‘zgarishiga aylandi. Navoiy davrida tilimiz mumtoz adabiy til talablariga to‘liq javob beradigan yuksak taraqqiyot bosqichiga ko‘tarildi (Qodirov, 1982).

Alisher Navoiy nutqni kishi fazilatlaridan biri hisoblagan va til madaniyatiga, nutq madaniyatiga katta e‘tibor bilan qaragan. Navoiy inson tilining tafakkur bilan bog‘liqligini til va nutq qiyosi orqali tushuntirib beradi. Uningcha, tilni xalq yaratadi. Tilning yuzaga chiqishi, uning mazmuni shunchaki oddiy jarayon emas, uni inson tafakkuri, fikrlashi, ehtiyoji hosil qiladi. Shoir nutqning tilga bevosita ta‘sir qiluvchi vosita ekanligini biz doim yodga oladigan “Til muncha sharaf bilan nutqning olatidur va ham nutqdurki, agar nopisand zohir bo‘lsa, tilning ofatidir” (MQ: 94) degan fikri bilan ifodalaydi.

A.Navoiy asarlarida nutq odobining bir qancha talablari qo‘yiladi, ya‘ni tilni, so‘zni qadrlash, uni hurmat qilish; so‘zlaganda dil va tilni bir tutish; xushmuomala, shirinso‘z bo‘lish; o‘ylab, tushunib gapirish; to‘g‘ri so‘zlash, nutqda halol bo‘lish; ko‘p so‘z, ezma, vaysaqi bo‘lmaslik; suhbat sirlarini saqlash; sharoitni, suhbatdoshini hisobga olish, beo‘rin so‘z aytmaslik; fikrning ta‘sirini susaytiradigan qaytariqlardan qochish.

Ma‘lumki, nutqning sifati nutq madaniyati talablariga javob berishi notiqning maqsadi, suhbatdoshiga munosabati, tildan foydalana olish malakasi, ongli yondashuviga ham bog‘liq. Mana shunga ko‘ra, nutqqa ijobiy fazilatlar ato etuvchi omillar bilan birgalikda, aksincha, salbiy, ya‘ni nutqni buzuvchi, unga zid keluvchi omillar ham yuzaga keladi. A.Navoiy asarlaridagi yaxshi nutqning fazilatlariga oid qarashlarini kuzatish asosida nutq madaniyati, til madaniyati tushunchasi haqidagi

fikrlarini “fasohat” tushunchasi bilan ifodalanganini anglaymiz. (O‘.Islomov Alisher Navoiy asarlarida nutq madaniyati:83)“Fasohat” - “chiroyli va yoqimli so‘zlash qobiliyati, nutqning aniq va ravonligi”dir (O‘TIL, IV: 334).

Alisher Navoiy fasohatli nutq sohiblarini bayoni sarif, fasih lison, ilmning fasihrog‘i, fasih tili bila so‘zlovchi kabi tushunchalar bilan nomlaydi. Masalan, “Nasoyim ul-muhabbat”da shunday fikrlar bor: “Abu Abdulloh Dinavariy q.s. Beshinchi tabaqadindur. U sufiya mashoyihlarining ulug‘rog‘i, shu toifa ilmning fasihatlirog‘i edi.” (NM: 188); “Shayx Abu Ali Daqqoq r.t. Sarif bayoni va fasih lisoni bor erdi.” (NM: 204); “Markab keyin boqib, fasih til bila anga dediki, urg‘ilki, o‘z dimog‘ingga urarsen” (NM: 161).

Navoiy tilning kommunikativ sifatlarini yanada rivojlantirish va boyitishda ulkan ishlar qilgan buyuk adib va olimdir. Shoir o‘z asarlarida bugun biz “kommunikativ sifatlar” deb atayotgan nutq xususiyatlari - nutqning aniqligi, to‘g‘riligi, mantiqiyliqi, tozaligi, ta’sirchanligi, maqsadga muvofiqliqi, qisqaligi, boyligi, ifodaliligini eng zaruriy omillar deb bayon etadi.

Alisher Navoiy nutqning aniq va to‘g‘ri, ta’sirli va jozibali bo‘lishini targ‘ib qiladi. Bunday nutqqa erishish uchun so‘z ma’nosiga alohida e’tibor berish lozimligini o‘quvchiga uqtiradi. Shoir “fasohatli nutq” – “madaniyatli nutq” ni yuzaga keltiruvchi lisoniy omillar haqida keng fikr yuradi. Uningcha, nutq sermazmun, teran ma’noli bo‘lishi kerak. U bunday til toshni ham eritadi, deya yozadi:

Nuqta suv yanglig‘ eritur toshni,

Topsa haqiqat o‘tidin choshni (HA: 54).

Shoir nutq to‘g‘ri tuzilishi uchun so‘zlaganda til qoidalari, me’yorlariga amal qilinishiga ahamiyat berish kerakligi haqida gapiradi.

Tildan nutqqa mos vositalarni, ya’ni so‘zlarni tanlay olish va ulardan til qoidalarga mos foydalanish nutqning aniqligini ta’minlaydi. Alisher Navoiy tilni yaxshi egallagan kishi nutq mazmuniga mos keladigan fikrni to‘g‘ri ifodalay oladigan bo‘lishi va til vositalarining mosini tanlay olishi hamda ishlatishi, deb hisoblaydi:

Ul biri ul fazlu fasohat bila,

Bu biri bu fe’lu qabohat bila (HA: 219; NAIL, III: 335).

Navoiy nutqning izchil, mantiqiy bo‘lishiga katta e’tibor qilgan. Ya’ni, nutqning bayoni izchil bo‘lmog‘i, fikrlar bir-birini to‘ldirib, aniqlab bormog‘i lozim.

Shoir fikricha, nutq ta’sirchan kuchga ega bo‘lishi lozim. Buning uchun so‘zlar chin yurakdan chiqmog‘i lozim: “... bu kimiyo asar so‘zlar ta’sirig‘a Tengri inoyatidin arjumand.” (NM: 12; NAIL:140). Bundan tashqari, Navoiy so‘zlovchi nutqning qiziqarliligini, ta’sirchanligini ta’minlaydigan omillardan biri sifatida tinglovchining kimligi va uning saviyasi, darajasi, ehtiyojini hisobga olmog‘i lozim, deb hisoblaydi:

Har biriga o‘zgacha so‘z muddao,

O‘zgacha so‘z demaki, yuz muddao (HA:334).

Tilni, uning boy imkoniyatlarini bilish va egallash lozim. Nutq rang-barang, ifodalarga boy bo‘lishi kerak. Alisher Navoiy kishilarning nutqiga baho berar ekan,

ularning lisoniy mahoratini tilning boyliklarini qanchalik egallagani, undan qay darajada foydalanishiga qarab belgilaydi.

U nutqning g'alizligi tilga zarar yetkazishini, aksincha, puxta o'ylab tuzilgan nutq tilning boyishiga xizmat qilishini ta'kidlaydi. Shoir nutq uslublarini - oddiy so'zlashuv tili, badiiy til, rasmiy tilni bir-biridan farqlay olish, ularni o'z o'rnida maqsadga muvofiq qo'llash kerakligini aytadi. Navoiy o'zbek mumtoz adabiyotida o'zi yaratgan "Munshaot" deb atalgan asarida yangi bir janr – maktub yozishga bo'lgan talab, yozma nutqqa, nutq uslublariga munosabat bildiradi. Maktublar bevosita suhbat va muloqot asosida yozilganligi uchun rasmiy til jimjimalaridan xoli bo'ladi. Alisher Navoiy Husayn Boyqaroga yozgan javob maktubida "Bitikingdinki, savodini ko'rib jon topdim", deydi.

Navoiy nutq texnikasiga oid tushunchalarga ham munosabat bildirib, nutq sifatini ta'minlovchi "talaffuz", "dam", "damsard", "un", "qiroat", "xushovozlik" kabi tushunchalarni misollar bilan tahlil qilgan. Navoiy yoqimsiz, jozibasiz nutqiy ohangni, xunuk ovozni nutqning ijobiy fazilatlarini yo'qqa chiqaruvchi salbiy omillardan biri deb hisoblaydi va bu holatni "badovoz" – ovozi xunuk, tovushi yoqimsiz deb baholaydi: "Agar muqriy lavanddur, bad ovozu kulg'undidur, lahni nosoz, badani vuzu' qaydidin nopok va xush vaqt rioyatidin bebok" (MQ:29; NAIL, T.I:189).

Ko'rinadiki, Alisher Navoiy qoldirgan bebaho boy meros til madaniyatini o'rganishda, undan amalda to'g'ri foydalanishda g'oyatda muhim ahamiyatga ega.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Xoshimov K. va bosh. Pedagogika tarixi. –Toshkent: "O'qituvchi", 1995.
2. Qodirov P. Tilini mumtozlik darajasiga ko'targan siymo. -Toshkent, 1982.
3. Islamov O'. Alisher Navoiy asarlarida nutq madaniyati // Til va adabiyot ta'limi. -Toshkent, 2008. -№3. -B. 81-85.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. IV jild. - Toshkent: O'zME, 2008.
5. Nasoyim ul-muxabbat/Alisher Navoiy.Mat. XVII jild. –Toshkent: "Fan", 2001.
6. Hayrat ul-abror/ Alisher Navoiy.Mat. VII jild. –Toshkent: "Fan", 1991.

ТИЛ ЎРГАТИШДАГИ САМАРАЛИ ВОСИТАЛАР ХУСУСИДА

DİL ÖĞRETİMİNDE VERİMLİ ARAÇLAR HUSUSUNDA

*Келдиёрова Гулчеҳра Сайдиевна,
Кимё-технология институти доценти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Gulchehra Keldiyorova
Tashkent Kimya Teknolojileri Enstitüsü (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада муаммоли таълим - талабаларни изланишга ундаш, уларнинг фикрлашида мантиқий, тўғри хулосаларни излаш ва ўзлаштиришга рағбатлантирадиган муаммоли вазиятларни юзага келтириш ҳақида фикр юритилади .

Калит сўзлар: Муаммоли таълим, изланиш, мантиқий хулоса, муаммоли вазият, ижодий тафаккур, ижодий қобилият, инновацион усул.

Annotatsion. The article discusses the problematic learning that can lead to the study of students, creating problematic situations that encourage them to search and adopt logical conclusions.

Keywords: Problematic learning, research, logical conclusions, problem situation, creative thinking, creative abilities, innovative way.

Özet. Makalede probleme dayali öğrenme, öğrencilerin çalışmasına yol açabilecek problem temelli öğrenmeyi, tartışarak mantikli sonuçlar aramaya sevk edecek vasiteler üzerinde durulmuştur.

Anahtar Kelimeler: Probleme dayali öğrenme, araştırma, mantiksal sonuçlar, problem durumu, yaratıcı düşünme, yaratıcı yetenek, yenilikçi yol.

Таълим жараёнини мақсадли ташкил этишда педагогнинг бошқарувчилик маҳорати асосий омиллардан биридир.

Таълим берувчи таълим олувчининг ўзи изланиши, муаммолар ечимини ўзи топиши, гуруҳларда дўстона муҳитни юзага келтириши, мантиқий фикрлаб яқдил қарор чиқариши, фикрларини асосли, эркин ва раван баён этиши учун шарт-шароит яратади. Таълим берувчининг ўзи эса дарс жараёнининг ташкилотчиси, бошқарувчиси, йўналтирувчиси, кузатувчиси, назоратчиси, таълим олувчи (талаба ёки тингловчи)нинг дўсти, ҳамкори, ёрдамчиси сифатида фаолият юритади. Шунингдек, касбий савиясининг узлуксиз равишда ўсишини ҳисобга олган ҳолда уни ривожлантириш ва такомиллаштириш; педагогик тафаккурини босқичли бойитиб бориш; таълим жараёнида қўллаш зарур бўладиган замонавий ва ахборот технологиялари, методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш; ўқитиш жараёнига илғор,

халқаро педагогик тажрибаларни жорий этиш ва уларни ўз ўрнида қўллай олиш; таълим олувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълим беришнинг метод, усул ва воситаларини тўғри танлаш; таълим жараёнини лойиҳалаштирилган тизим асосида бошқариш, шунингдек, технологик харита орқали интерфаол дарсларни ташкил этишни ҳам назарда тутати.

Таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва мустақил фикр юритишларига ундаши бевосита таълим берувчи фаолиятига боғлиқ. Таълим берувчи таълим олувчиларни фаоллаштирадиган, ўзи ва ўрганувчи учун қулай бўлган усул ва услубларни ўқитиш шаклларида фойдаланади. Муаммоли таълим талабаларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришда жиддий аҳамиятга эга.

Муаммоли таълим технологиялари талаба фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган бўлиб, унинг асоси талабанинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш қобилиятидан келиб чиқади. Муаммоли таълимнинг бош мақсади - талабаларнинг муаммони тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат.

Муаммоли таълимни амалиётда қўллаш асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоли вазият яратишдан иборат. Ўзбек тили фанидан ўқитувчилар дарслар жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилишни ва уларни ечиш усулларини назарда тутишлари лозим. Муаммоли таълим технологияси жуда қадим замонлардан буён шаклланиб келаётганлиги маълум. Жумладан, қадимги Грецияда муаммоли савол-жавоблар, қадимги Хиндистон ва Хитойда муаммоли баҳс-мунозаралардан фойдаланилган. Муаммоли таълимни америкалик психолог, файласуф ва педагог ДЖ.Дьюи 1894 йилда Чикагода ташкил этган тажриба мактабида қўллаган. Муаммоли таълимнинг асосий ғояси билимларни талабаларга тайёр ҳолда бериш эмас, улар томонидан дарс мавзусига тегишли муаммолар бўйича ўқув-тадқиқотларини бажариш асосида ўзлаштирилишини таъминлашдан иборат.

Бундай таълим технологияларининг қуйидаги шакллари мавжуд (Муслимов, Усмонбоева, Сайфуров, Тўраев, 2015:113):

- муаммоли баён;
- муаммоли маъруза;
- эвристик суҳбат;
- муаммоли намойиш;
- изланишга асосланган амалий машғулот;
- ижодий топшириқ;
- хаёлий муаммоли тажриба;
- муаммо фаразларини шакллантириш;
- масалаларни муаммоли ечишнинг оптимал вариантларини танлаш; - муаммоли вазифа;

- муаммоли ўйин.

Муаммоли вазият яратиш усуллари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (Толипов, Усмонбоева, 2006: 35):

- ўқитувчи талабаларда дарс мавзуси билан боғлиқ зиддиятли ҳолатни тушунтиради ва уни ечиш йўлини топишни таклиф қилади;

- бир масалага доир турли нуқтаи-назарларни баён қилади;

Муаммоли вазиятларни ҳал этиш даражалари:

- ўқитувчи муаммони қўяди ва ўзи ечади;

- ўқитувчи муаммони қўяди ва унинг ечимини талабалар билан биргаликда топади;

- талабаларнинг ўзлари муаммони қўядилар ва унинг ечимини топадилар.

Муаммолар назарий ёки амалий йўналишда бўлади. Муаммога қўйиладиган энг катта талаб - талабаларнинг қизиқишини оширадиган ёки талабаларда қизиқишни юзага келтирадиган бўлиши керак. Муаммо талабаларнинг билим даражаларига ҳамда интеллектуал имкониятларига мос бўлиши ҳар томондан мақсадга мувофиқдир. Юзага келган муаммоли вазиятни ечиш учун топшириқлар янги билимларни ўзлаштиришга ёки муаммони аниқлаб, яққол ифодалаб беришга ёки амалий топшириқни бажаришга йўналтирилган бўлади.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида муаммоли вазиятларнинг турли хилларидан фойдаланилмоқда. Олий таълим тизимида ҳам муаммоли вазият яратиш усулидан унумли фойдаланилмоқда.

Бунда таълим берувчи таълим олувчилар таълим олувчиларда билишга қизиқиш уйғотишни, таҳлил жараёнида таълим олувчиларнинг аввалги тажрибаси ва билимига суянишни, таълим олувчига қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил қилишни назарда тутиши керак.

Муаммоли таълим тил ўқитишда кенг қўлланиладиган интерфаол методлардан биридир. Бу таълим технологияси талабани фикрлашга, мулоҳазали бўлишга, ўрганилаётган ҳодиса ҳақида фикрлашга ўргатади. Тил ҳодисаларини ўргатишда шу технологиядан фойдаланилса, талабалар мавзунини теран ва онгли идрок этадилар. Тил таълимида ҳамма мавзуларни ўргатишда бу усулдан фойдаланиб бўлмайди. Мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда бу усул қўлланиши мумкин. Ўқитувчи муаммо қўйилиши мумкин бўлган мавзунини тўғри белгилай олиши керак. Тил ўргатиш таълимида муаммо дарснинг маълум қисмида юзага келтирилади ва талабалар эътиборига ҳавола етилади. Талабалар қўйилган муаммони ҳал қилиш учун мавзуга оид назарий тушунчаларни атрофлича ўрганадилар, муаммо ечимига ёрдам берадиган амалий ишларни бажарадилар. Бундай амалий ишларга тил ҳодисаларини таққослаш, гуруҳларга ажратиш, мисоллар топиш, ҳукм чиқариш каби мустақил ишлар киради.

Ўқитувчи бу технологияни қўллашда синфни гуруҳларга бўлиб иш олиб борса, мақсадга эришиш имкониятлари кенгайди. Гуруҳлар муаммони

биринчи бўлиб ечишга интиладилар ва фаолроқ ишлайдилар. Гуруҳлар билан иш олиб бориш муаммо юзасидан бир неча ечимларни қиёслаш имкониятини ҳам беради. Талабалар ўқитувчи ёрдамида муаммога оид енг тўғри ечимни белгилайдилар.

Бу усулнинг афзаллиги - талабалар ҳаётий воқеа, ҳолат ва вазиятларга ўз муносабатларини билдирадилар, бу вазиятларни эркин, мустақил, ижодий ёндашган ҳолда таҳлил қиладилар. Таъкидлаш жоизки, юқорида зикр қилинган янги инновацион фаол усулларни ўқитиш жараёнида қўллашда таълимнинг ноанъанавий, қизиқарли фаол, инновацион усуллари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуниб етиш ва сўнгра ўқитиш жараёнида қўллаш, ўқитиш жараёнида фаол усулларни қўллашнинг самарали услубиётини танлай олиш, инновацион усулларни ҳар бир фан хусусиятларидан келиб чиқиб қўллаш, ўқитиш жараёнида фаол инновацион усуллардан фойдаланишда таълим-тарбия принципларининг узвийлигига эришиши кабилар талаб ва тавсияларга риоя қилиш лозим.

Талабаларнинг ўқитиш жараёнида фаолликка чорлаш усулларини тўғри танлай ола билиш, ўз устида мустақил, ижодий ишлашга, эркин фикр юритишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу талаб ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнларида таълимнинг фаол, инновацион усулларини қўллаш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари.- Тошкент, 2001.
2. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент, 2006.
3. Н.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Сайфуров, А.Тўраев. Инновацион таълим технологиялари. – Тошкент, 2015.
4. Педагогик технология ва педагогик маҳорат / С.А.Мадиярова ва б. – Тошкент: “Iqtisod-moliya”, 2009.

**“MUSIQA MADANIYATI” FANINI O‘QITISHNING SAMARADORLIGINI
OSHIRISHDA MUTAXASSIS TAVSIYALARI**

**MÜZİK KÜLTÜRÜ DERSLERİNDE EĞİTİM VERİMLİLİĞİNİ ARTTIRMA
KONUSUNDA UZMAN TAVSİYELERİ**

*Ilxomov Muxtor Adxamovich,
Nizomiy nomidagi TDPU dotsenti (O‘zbekiston)
Doç. Dr. Muhtor Ilhomov
Nizami Tashkent Pedagoji Universitesi (O‘zbekistan)*

Annotatsiya. Mazkur maqolada umumiy o‘rta ta‘lim tizimida musiqiy fanlarni o‘qitishda faoliyat turlaridan foydalanish metodikasi bo‘yicha so‘z boradi.

Kalit so‘zlar: Musiqa, san‘at, maktab, musiqiy madaniyat, musiqiy cholg‘u, musiqiy did, musiqa tinglash, kuylash.

Annotation. This article describes that, using methods of the types of activity about teaching musical subjects in secondary educational system.

Key words: Music, art, school, musical culture, musical instrument, musical manner, listening to music, singing.

Özet. Bu makalede, ortaöğretim sistemindeki müzikal konularin öğretiminde kullanılan faaliyet ve etkinlik türlerini etkin kullanma metoduyla ilgili tespitler yer almaktadır.

Anahtar kelimeler: müzik, sanat, okul, müzik kültürü, müzik aleti, müzik tarzi, şarki.

O‘zbekiston Respublikasining umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida o‘quvchilarni umuminsoniy xislatlarini shakllantirish va rivojlantirishda boshqa fanlari qatorida musiqa san‘ati o‘ta muhim ahamiyat kasb etadi (O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim to‘g‘risida”gi qonuni, 1997). O‘quvchilarning ruhiy, ma‘naviy, badiiy va ahloqiy madaniyatini shakllantirish, shuningdek, ularda milliy g‘urur va insoniy qadriyatlar, vatanparvarlik ruhi tarbiyasini amalga oshirishda ijodiy mahorat, nafosat va badiiy didni o‘stirishda, fikr doirasini kengaytirishga, musiqiy his-tuyg‘usini rivojlantirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni tarbiyalashga xizmat qiladi.

Umumta‘lim maktablarining 1-7 sinflarida “Musiqa madaniyati” fani haftasiga 1 soatdan olib boriladi. Ushbu fan umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida o‘qitiladigan barcha o‘quv predmetlari, shu jumladan, adabiyot, tasviriy san‘at, jismoniy tarbiya, mehnat va boshqalar bilan bog‘liqdir. Barcha o‘quv fanlari qatorida “Musiqa madaniyati” fanida ham Davlat ta‘lim standartining joriy etilishi milliy musiqiy meroslardan to‘laqonli foydalanish imkonini beradi (Umumiy o‘rta ta‘limning DTS va o‘quv dasturi, 2011). Bular nafaqat o‘zbek xalqining balki har bir mahalliy aholining ommaviy xalq sayillarida, bayram va tadbirlarida, kuy-qo‘shiqlarida, xonanda va sozandalarning,

ijodiy faoliyatlarida, maqom san'ati, doston va bugungi zamonaviy musiqiy faoliyatda o'z aksini topib kelmoqda. Musiqa san'atining bu kabi imkoniyatlari yangi avlodni tarbiyalashda, ularning barkamol bo'lib yetishlarida va ayniqsa bugungi globallashuv jarayonida, axborotlar alamashinuvining masofaviy shakllarini keng rivojlanib ketgan davrida o'ziga xos va takrorlanmas manba bo'lib xizmat qilmoqda. Azaldan Sharq, jumladan, o'zbek musiqa san'ati ta'lim-tarbiyasida, uning mukammal uslubiylari dunyoning boshqa hech bir xalqlari tajribasida uchramaydigan ustoz–shogird an'analari misolida takomillashib kelganligini ko'rishimiz mumkin.

Umumta'lim maktablari musiqa ta'limi tizimida davlat ta'lim standartlari asosida yangi ta'lim mazmuni o'quvchilarning musiqiy bilim va ko'nikmalarini shakllantirish bilan bir qatorda, ularda kuzatuvchanlik, xotirani mustahkamlash, obrazli tasavvur qilish, ijodkorlik xususiyatlarini shakllantirish mustaqillik, tashabbuskorlik, badiiy va musiqiy did kabi hislatlarni rivojlantirishni ta'minlaydi (Soipova, 2009). Shu bois, "Musiqa madaniyati" fani ta'limining yangi mazmuni yosh avlodni musiqiy merosimiz asosida milliy g'urur va iftixorlikni, Ona-Vatanga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashda xizmat qila oladigan, xalqimizning umumbashariy musiqa boyligini idrok eta oladigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishni nazarda tutadi. Bunda o'quvchilar musiqa san'atini butun nafosati bilan o'rganishlari, ommaviy musiqa faoliyatlari, musiqani badiiy didini idrok etish, yakka va jamoa bo'lib qo'shiq kuylash, raqsga tushish va ijodkorlik malakalarini shakllantirish asosiy maqsad hisoblanadi. Shuningdek, o'quvchilarda musiqiy iqtidorni rivojlantirish, ularning ong va tafakkurida musiqa san'atiga mehr va ishtiyoqini oshirish, biror bir cholg'u asbobida chalish yoki xonandalik qilishga qiziqishini orttirishda zaruriy shart-sharoitlar yaratib berish, ularning badiiy ehtiyojlarini qondirishda avvalam bor bolalar qo'shiqlarini, undan keyin asosan mavsumiy, mehnat yoki yil fasllari bilan bog'liq aytimlarni tanlash kutilayotgan natijalarni beradi. Shu bilan bir qatorda jahon xalqlarining umuminsoniy musiqiy qadriyatlarini ham chuqur o'rganish yosh avlodni xalqaro nufuzga molik bo'lgan madaniy durdonalardan bahramand bo'lishini ta'minlaydi.

Ko'p yillardan buyon takomillashtirilib kelinayotgan "Musiqa madaniyati" fanining mazmuniga bo'lgan minimum talablar asosan nazariy va amaliy faoliyatlar majmuasidan tashkil topgan bo'lib, ular asosan quyidagi mavzularni belgilaydi (Sharipova, 2018:190):

- boshlang'ich musiqa savodi, musiqiy asarlar ijodkorlari faoliyati;
- musiqa ijrochilari;
- musiqa ijrochiligi (ashula, xor, ansambl, orkestr va simfonik orkestrlar faoliyati);
- musiqiy sahna asarlari;
- xalq va professional musiqasi (bastakorlar va kompozitorlar ijodi);
- o'zbek xalq cholg'u asboblarini bilish;
- mashhur o'zbek xalq sozanda va xonandalarning ijodiy faoliyati;
- musiqiy atama va iboralar;
- musiqa janrlari, ustozona mumtoz musiqa, Sharq va jahon xalqlari musiqasi, ularning taniqli namoyondalari;

- maqom va shashmaqom, uning mashhur ijrochilari faoliyati;
- o‘zbek musiqasida mahalliy va uning mashhur ijrochilari;
- o‘zbek milliy musiqasida zamonaviylik va zamonaviy musiqa;
- milliy estrada musiqasi va uning ijrochilari kabi mavzular asosida milliy musiqa madaniyatimizni o‘zlashtirishni nazarda tutadi.

Mazkur mavzular dars jarayonida quyidagi o‘quv faoliyatlarida nazariy ham amaliy mashg‘ulotlarda bajariladi.

1. Musiqa tinglash.
2. Jamoa bo‘lib kuylash.
3. Musiqa savodi.
4. Cholg‘u asboblarda ijro etish.

Musiqa tinglash yakkanavoz va jo‘rovozikni ajrata bilish, ansambl va orkestr ijrosini farqlay bilish, sozlar va sozlar tembrini ajrata olish, musiqiy did va idrokni rivojlantirish (Sharipova, 2018:190). O‘zbek, qardosh va jahon xalqlari bastakorlari asarlaridan namunalar tinglash kabilarni o‘z ichiga oladi. Musiqa tinglash va yakka xolda yoki jamoa bo‘lib kuylash ta‘lim mazmunining asosini tashkil etadi. Ularni kuylash, tinglash faoliyatlari vositasida o‘rganish bilan bir qatorda cholg‘u asboblarda ijro eta olish ko‘nikmasin rivojlantirish, musiqali harakatlar, ijodkorlik faoliyatlari bilan har tomonlama o‘rganish va o‘zlashtirish, musiqiy tavsiflarni ifodalash imkoniyati yaratiladi. O‘zbek bastakorlari va kompozitorlari, qardosh va jahon xalqlari kompozitorlari musiqiy asarlaridan, shashmaqom sho‘balari, mahalliy musiqa uslublaridan namunalar tinglanadi.

Jamoa bo‘lib kuylash faoliyati o‘quvchilarni musiqiy o‘quv qobiliyati hamda ijrochilik mahoratlarini rivojlantirish uchun zarurdir. Sinfda jamoa bo‘lib kuylash jarayonida o‘quvchi o‘z ovoz ijrosini boshqarishni, ustozlarni ijrosini eshitish, kuzatadi, ovozni to‘g‘ri yo‘lga qo‘yadi, boshqalar ovoz pardasiga qo‘shiladi hamda ular bilan bahamjihat jo‘rnavozlik qilishga intiladi. Bunda o‘quvchilarning bir qancha sezgi organlarini birgalikda ishlashiga va takomillashuviga amali yordam beradi.

Xonandalik faoliyatida o‘quvchilar o‘zbek xalq qo‘shiqlari, o‘zbek bastakorlari va kompozitorlari qo‘shiqlari mahalliy musiqa uslublariga oid qo‘shiqlari, jahon va qardosh xalqlari kompozitorlarining bolalar asarlarini, o‘zbek mahalliy musiqa uslublariga oid folklor qo‘shiqlari, maqom aytim yo‘llaridan namunalarini o‘qituvchi rahbarligida birgalikda kuylashga harakat qiladilar (Panjiyev, 2010).

Musiqa savodi faoliyati esa musiqaning elementar nazariyasidagi barcha bilimlarni nazariy birlashtiruvchi faoliyat sifatida o‘ta muhimligini kuzatishimiz mumkin bo‘ladi. Darsdan qaysi faoliyat mashg‘uloti (tinglash, ijro etish, musiqiy harakatlar) bo‘lmasin, berilgan mavzudagi asar o‘rganiladi va uning xususiyatlari (janri, shakli, tuzilishi, ijrochiligi) haqida yangi tushunchalar hosil bo‘ladi. SHu bois, musiqa savodi faqatgina nota yozuvlarini o‘rganishdan iborat bo‘lmay, balki o‘quvchilarning umummusiqiy bilim saviyasini tarkib toptiruvchi umumiy bilim tushunchalarini majmuasini (ijrochiligi, xalq va bastakorlik musiqasi, ularning farqlari, milliy musiqaning mahalliy uslublari, klassik musiqa, nota savodi) tashkil etadi. Musiqa

savodida musiqiy atamalar, an'analar, templar (sur'at), intervallar, alterattsiya belgilari, dinamik belgilar, musiqaning ifoda tili, oddiy musiqa shakllari va musiqa janrlari, major va minor ladlari haqida tushuncha beriladi.

Cholg'u asboblarda ijro etish faoliyatida o'quvchilarning biror-bir milliy cholg'uga bo'lgan qiziqishi ortadi. U o'zbek yoki boshqa xalqlar kuylarini o'zi xoxlagan cholg'u asbobidla ijro etib, undagi ichki va tashqi xususiyatlarni o'zstirishiga zamin yaratadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida" gi qonuni. –Toshkent, 1997.
2. Umumiy o'rta ta'limning DTS va o'quv dasturi. –Toshkent, 2011.
3. Soipova D. Musiqa o'qitish nazariyasi va metodikasi. O'quv metodik qo'llanma. –Toshkent: O'zDK, 2009.
4. Sharipova G. va boshqalar. Musiqa o'qitish metodikasi. Ma'ruzalar matni. –Toshkent, 2018. -190 b.
5. Panjiyev Q. Surxondaryo viloyati o'zbek xalq qo'shiqchilik ijodiyoti. Dissertatsiya. 2010.

XIX ASR OXIRI VA XX ASR BOSHLARIDA O‘ZBEK XALQ CHOLG‘U IJROCHILIGI TARAQQIYOTI

19. YÜZYILIN SONU VE 20. YÜZYILIN BAŞLARINDA ÖZBEK HALK ÇALGI İCRACILIĞININ GELİŞMESİ

*Raximov Shavkat Normatovich,
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika
universiteti professori (O‘zbekiston)*

*Prof. Dr. Shavkat Rahimov
Nizami Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi (Özbekistan)*

Annotatsiya. Mazkur maqolada XIX asr oxiri va XX asr boshlarida o‘zbek xalq cholg‘u ijrochiligi taraqqiyoti va unga hissa qo‘shgan atoqli san‘at namoyandalarining faoliyati yoritilgan.

Kalit so‘zlar: Musiqa, musiqa cholg‘usi, ashula, qo‘shiq, terma, yalla, lapar, katta ashula, musiqiy asar, ansambl.

Annotation. The article describes the development national instruments’ performance and its famous authors at the end of XIX and the beginning of the XX century.

Key words: Music, musical instrument, song, melody, terma, yalla, lapar, large song, musical poem, ensemble.

Özet. Makalede 19. yüzyilin sonu ve 20. yüzyilin başlarında Özbek Halk müzik çalgılarının icrasında görülen gelişim ve bu uğurda katkı sağlayan ünlü sanatkarların faaliyeti anlatılmıştır.

Anahtar kelimeler: Müzik, müzik aleti, şarki, melodi, terma (derleme), yalla ve lapar türküleri, katta aşula, müzik eseri, topluluk.

1917 yilda Turkistonda hukumronlik qilgan xonliklar va amirlik to‘ntarilishidan keyin o‘zbek musiqa san‘ati ma’lum darajada rivojlandi. Diniy taqib musiqani ma’lum darajada cheklov ostida olinganligi, shuningdek, bu o‘rinda ayollarga nisbatan taqib yanada kuchli edi. Birinchi o‘n yillikdayoq musiqa ta’limi, folklorshunoslik, ijrochilik san‘ati sohalarida muayyan yutuqlarga erishildi. Musiqa o‘quv yurtlari Toshkentdagi Turkiston xalq konservatoriyasi (1918) va uning Samarqanddagi, Farg‘onadagi (1919), Buxorodagi (1920) filiallarida katta ishlar amalga oshirildi (Isohoq Rajabov, 1963). Ularda asosan o‘zbek xalq cholg‘ularini hamda ba’zi Yevropacha musiqa cholg‘ulari (fortepiano, skripka va damli cholg‘ular)ni chalishga o‘rgatganlar. Bu musiqa bilim yurtlari tom ma’nodagi konservatoriya bo‘lmasa-da, biroq, o‘tgan davr musiqa madaniyati ilmini o‘rganish imkoniga ega bo‘lmaganlarga soda musiqiy-nazariy hamda

ijro san'atida saboq berilar edi. Shu tufayli yosh respublikaning ko'pgina shaharlarida musiqa havaskorligi keng quloch yoydi.

Dastlabki musiqa to'garaklarini, musiqiy-dramatik truppalarini, Farg'onadagi o'lka musulmon siyosiy guruhini, Andijondagi uezd musiqiy Teatr truppasini tashkil topishi aholi oraisda turli mavzudagi ilk qo'shiqlarning yaratilishi musiqa san'atini yanada aholi orasida ommalashiga turtki bo'ldi. Turkistonda ko'p qirrali ijodiy va pedagogik faoliyatni hamda o'zbek cholg'ulari ijrochilik maktabining shakllanishi va rivojlanish jarayoni san'atning barcha sohasida odamlar kayfiyatiga o'zgacha bir shukuh bag'ishladi. 1916 yilda Farg'onada birinchi o'zbek damli cholg'ular (duxovoy) orkestrini tashkil etilishi musiqa san'atiga alohida o'zbek yoshlarini qiziqishiin orttirdi. Bu kabi tadbirlarda Hamza Hakimzoda Niyoziyning xizmatlari kata bo'ldi. 1918 yilda Hamza Farg'onada solistlar, xor va ilgari tashkil qilingan damli cholg'u orkestrdan iborat sayyor musiqiy dramatik truppasini tuzdi. Repertuari Hamza yaratgan va bastalagan qo'shiq va kuylardan iborat bo'lgan (buni kapelmeyster I.Grigorev orkestr uchun moslashtirgan) damli cholg'u orkestr jamoasi truppada muhim o'rin tutgan. Hamza rang-barang, badiiy yuksak kontsert repertuarlari yanada kengaytirishga intilgan. U O'zbekistondagi musiqachilar orasida birinchilardan bo'lib, ko'povozli xalq orkestrini tuzish uchun o'zbek xalq cholg'ularini ta'mirlash (rekonstruksiya qilish) va xromatizatsiya qilish lozimligini aytdi. Hamza chalgan tanbur M.Ashrafiy nomidagi Toshkent davlat konservatoriyasi xalq cholg'ulari muzeyi qoshidagi tajriba laboratoriyasida saqlanmoqda. Dutor va tanbur chala olgan, xalq qo'shiqlarini yaxshi bilgan Hamza o'zi ham ko'pgina qo'shiqlar yaratdi. Ular hozirda ham yakka ijroda va o'zbek xalq cholg'ulari orkestri ijrosida birdek ijro etilib va kuylanib kelmoqda. Hamza ijodi o'zining baynalminal mohiyati bilan o'zbek xalqining madaniyat hazinasini boyitdi. Hamzaning faol faoliyati taniqli qo'shiqchi, aktyor, yetuk musiqiy teatr arbobi Muhiddin Qori Yoqubov (1896-1957), ajoyib raqqosa, xonanda, baletmeyster, muallim, ko'zga ko'ringan musiqa arbobi Tamaraxonim (Tamara Artyomovna Petrosyants) (1906-1991), mohir doyrachi va nog'orachi, o'zbek xalq musiqasi va cholg'ularining bilimdoni Yusufjon qiziq Shakarjonov (1869-1939) kabi respublikaning ko'zga ko'ringan ijrochi va cholg'uchilari bilan bog'langan edi.

1917 yilgacha bo'lgan davrdagi xalq musiqachi va ijrochilari yaratgan an'analari cholg'uchilarning keyingi avlodlari ijodida tarkib topdi va davom etdi. Musiqachi ijrochilar qayta tuzilgan madaniy-ma'rifiy tashkilotlarda ishga kirishib ketishdi. Taniqli tanburchi va xonanda Shorahim Shoumarov 1919 yilda Toshkentdagi «Namuna» maktab-internati qoshida xalq cholg'ulari ansamblini tuzdi. Bu ansambl keyinchalik Toshkent musiqa texnikumini tashkil qilish uchun asos bo'lib xizmat qildi. 1920 yillarda o'quv yurtlari, zavodlar, fabrikalar qoshida, qishloq joylarida «Ko'k ko'ylak», «San'atchi qizlar», «Sanoyi nafisa» kabi musiqiy jamoalar tuzildi. Tashkil qilingan ijodiy jamoalar tarkibida naychi, dutorchi, tanburchi, g'ijjakchi, doyrachi, nog'orachilar va qashqar rubob sozandalari bo'lgan xalq cholg'ulari ansambllari ham bor edi. Xalq cholg'ulari ansambllari Farg'onada, Qo'qonda, Andijonda, Samarqandda ham tuzildi. Ularga mashhur Usta Olim Komilov, To'xtasin Jalilov, Ahmadjon Umrzoqov, Yusufjon

qiziq Shakarjonov, Usta Ro'zimat Isaboev, Matyusuf Xarratov, Usta Tohir, Ma'rufjon Toshpo'latov, Muhiddin Mavlonovlar rahbarlik qilishgan. Ularning samarali ijodi tufayli o'zbek xalq cholg'ularida ijrochilik san'atidan ko'pchilik bahramand bo'ldi.

To'xtasin Jalilov (1896-1966) Andijonda tug'ilgan. Uning otasi turli xil ustaxonalarda mavsumiy ishchi bo'lib yollanib, ro'zg'or tebratar edi. To'xtasin bolaligidanoq musiqani sevgan bo'lsada, ammo maktabda o'qish nasib etmadi. U Qo'qonga borganida mashhur cholg'uchilar Eshon g'ijjakchi, Madamin doyrachi, Yusufjon changchi bilan uchrashdi. Yusufjon changchi unga g'ijjak chalishni o'rgatgan birinchi muallimdir. 1919 yilda To'xtasin Andijondagi o'zbek xalq cholg'ulari ansambllaridan birida qatnashadi. 1923 yilda Moskvada Butunrossiya qishloq xo'jalik ko'rgazmasida berilgan kontsertlarda qatnashgan 15 cholg'uchi orasida To'xtasin Jalilov va Mulla To'ychi Toshmuhamedovlar ham bor edi.

1926-1927 yillarda T.Jalilov Qori Yoqubov va Tamaraxonim boshchilik qilgan kontsert-etnografik ansamblida g'ijjakchi bo'lib ishlaydi. Bu erda u ajoyib cholg'u ijrochilar Usta Olim Komilov (doyra), Abduqodir Ismoilov (nay), Davlat Oxunov (dutor) va boshqalarning ijodi bilan tanishadi. Shu ansambl bilan ko'pdan-ko'p shaharlarda ijodiy safarda bo'ladi. 1929 yilda u Andijon teatrining musiqa rahbari etib tayinlanadi. Ya.M.Sverdlov nomidagi Toshkent musiqa teatrining bosh dirijyor va musiqa rahbari bo'lib ishladi (1934-1936). T.Jalilov 1936-1937 yillarda O'zbekiston davlat filarmoniyasi ashula va raqs etnografik ansamblining 1940-1949 yillarda esa Muqimiy nomidagi o'zbek musiqali drama va komediya teatrining badiiy rahbari xizmat vazifasida ishladi. To'xtasin Jalilov yirik atoqli bastakor. U «Nurxon», «G'unchalar», «Alpomish», «Muqimiy», «Surmaxon», «Ravshan va Zulxumor», «Tohir va Zuxra» kabi musiqali drama spektakllarning yaratilishida ham muallif sifatida ishtirok etdi (Nazarov Abdumannon, 1995).

Umriining so'ngi yillarida T.Jalilov qo'shiq janri sohasida ishladi. Uning ko'p yillik ijodiy xizmatlari, musiqiy va jaomatchilik faoliyati yuksak mukofotlandi. 1937 yilda unga O'zbekiston xalq artisti fahriy unvoni berildi.

Yangi sharoitda chuqur ijtimoiy ahamiyatga molik bo'lgan muammolarni hamda ijrochilik san'atining keyingi taraqqiyot yo'llarini belgilash muammosi nihoyatda dolzarb masala bo'lib qoldi (Lutfullaev, 2006).

Toshkentda musiqiy-etnografik hay'at (komissiyasi) tashkil etildi (1919-1923). Uning tarkibiga V.A.Uspenskiy, G'ulom Zafariy, Emil Mengiyli, N.N.Mironov kabi ijodiy ziyolilar va folklorshunoslar jalb etilgan. Musiqiy-etnografik hay'at (komissiya) o'zbek an'anaviy musiqasi bo'yicha boy material to'plab nashr etdi. Ushbu hay'at (komissiya) vakillari tomonidan o'tkazilgan jamlash ishlari tufayli ko'plab musiqa asarlari yozib olindi. Ular ichida 1924 yilda V.A.Uspenskiy tomonidan chop etilgan Shashmakomning buxorochoa turkumining yozib olinishi katta tarixiy ahamiyatga molik bo'ldi (Abdukarimov, 2005).

O'zbek xalq cholg'ulari orkestri (1937) asoschilaridan biri Nikolay Nazarovich Mironov (1870-1952) Samara guberniyasida tug'ilgan. U mutaxassisligi bo'yicha skripkachi bo'lib, 1917 yilgacha O'rtaOsiyoning Marg'ilon, Andijon Qo'qon va boshqa

shaharlarida harbiy damli cholg'ular orkestri rahbari va bosh dirijyori bo'lib ishladi. 1897 yilda Toshkent musiqa jamiyatining rahbari bo'lgan. N.N.Mironov o'zbek xalq musiqasining dastlabki to'plovchilaridan biridir. U Turkiston xalq konservatoriyasida musiqa nazariyasida saboq berdi. N.N.Mironov 1922 yilda Toshkentda musiqiy-etnografik ansambl tashkil qilib, u bilan O'rta Osiyo hududida va uning tashqarisidagi ko'pgina shaharlarda kontsert chiqishlar qildi. Ansambl dasturiga o'zbek xalqi, boshqa xalqlar, horijiy mamlakatlar musiqalari kirgan. N.N.Mironov 1928-1932 yillarda Samarqanddagi musiqa va xoreografiya ilmiy-tadqiqot Institutining tashkilotchisi va direktori bo'lib ishladi. Shu yillarda «O'zbek musiqasi», «O'zbek va boshqa Sharq xalqlari musiqa madaniyatining obzori», «Farg'ona, Xiva va Buxoro musiqasi» kabi kitoblarni yozdi. N.N.Mironov birinchi bo'lib, o'zbek xalq cholg'ulari ansambliga ko'povozlilikni kiritishni sinab ko'rdi. O'zbekiston davlat filarmoniyasi xalq cholg'ulari unison (bir ovozli) ansamblining Moskvada bo'lib o'tgan o'zbek san'ati dekadasidagi muvaffaqiyatli chiqishlaridan so'ng, nota orkestrini tuzadi va unga boshchilik qiladi (1937). N.N.Mironov qator malakali musiqa ijrochilarini tarbiyalab yetishtirdi. Ularning orasida M.Ashrafiy (dutor), M.Burhonov (tanbur), T.Sodiqov (nay), M.Leviev (nay, dator), E.Bobokalonov (tanbur), A.Kamolov (nay) kabilar bor (Mulla Begjon Rahmon o'g'li, Muhammad Yusuf Devonzoda, 1998). Uning musiqa sohasidagi xizmatlari munosib taqdirlandi, 1937 yilda unga O'zbekiston Xalq artisti unvoni berildi.

Ko'zga ko'ringan rus musiqa ijrochilari ta'siri ostida O'rta Osiyoda mahalliy aholi o'rtasida ham musiqa havaskorlarining soni ortdi. Musiqachi cholg'uchilar va yangi ijodiy jamoalar tashkilotchilari faoliyati keng quloq yoydi. Muhitdin Qori Yoqubov, Yunus Rajabiyilar o'zbek xalq cholg'ulari ansamblarining ilk rahbarlaridan bo'ldilar. Muhitdin Qori Yoqubov (1896-1957) O'zbekistonda tashkil etilgan kontsert-etnografik ansambl rahbari. Uning ijodiy yo'li juda yoshligidanoq boshlandi. U 1916 yildayoq Farg'onada iqtidorli yoshlardan nota asosida musiqa to'garagini tuzdi. Asosan milliy cholg'ulardan iborat bo'lgan to'garak tarkibida Yevropacha musiqa asboblari (skripka, mandalina, truba) ham mavjud edi.

Respublikada ilk musiqiy-etnografik ansamblning tuzilishi, uning muvaffaqiyatli kontsert chiqishlari, o'zbek xalq musiqasi asarlarining to'planishi nihoyatda katta ahamiyatga ega bo'ldi. Ansambl repertuarini xalq kuylari va zamonaviy bastakorlarning «Bayot», «Dugoh», «Ushshoq», «Navro'zi Ajam», «Ilg'or», «Tanovar» va boshqa asarlariidan tashkil topgan edi (Fitrat, 1993).

O'zbek xalq musiqasi an'analarning davomchisi, toshkentlik mohir xalq cholg'u ijrochisi datorchi, tanburchi, naychi Yunus Rajabiyning (1897-1976) ijodiy faoliyatiga ma'rifatparvarlik, keng musiqiy-ijtimoiy xususiyatlar xos edi. Besh jildlik o'zbek xalq musiqasini yozib olib, nashrga tayyorlanganligi Yunus Rajabiyning ko'p yillik ijodiy faoliyatining eng ajoyib samarasi bo'ldi. Yunus Rajabiyning «Chorgoh», «Ko'chabog'i», «Bayot», «Birlashingiz», «Fabrika», «G'alaba», «Hammamiz», «Ilg'or», «Mirzadavlat» kabi asarlari bugungi kunda ham o'z ahamiyatini yo'qotgan emas.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Nazarov Abdumannon. Farobiy va Ibn Sino musiqiy ritmika xususida. – Toshkent, 1995.
2. Abdukarimov M. Cholg‘ushunoslik. –Toshkent, 2005.
3. Lutfullaev A . O‘zbek xalq cholg‘ularida ijrochilik tarixi. -Toshkent: Musiqa, 2006.
4. Abdurauf Fitrat. O‘zbek klassik musiqasi va uning tarixi. Qayta nashri. Nashrga tayyorlovchi Karimbek Hasan. –Toshkent, 1993.
5. Isohoq Rajabov. Maqomlar masalasiga doir. –Toshkent, 1963.
6. Shashmaqom 1 jild. Notaga oluvchi Yunus Rajabiy. –Toshkent, 1966.
7. Nafas Shodmonov. Temuriylar davrida musiqashunoslik. –Toshkent, 1995.
8. Mulla Begjon Rahmon o‘g‘li, Muhammad Yusuf Devonzoda. Xorazm musiqiy tarixchasi. Qayta nashrga tayyorlovchi San‘atshunoslik fanlari nomzodi Botir Matyoqubov. –Toshkent: Yozuvchi, 1998.

YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA MUSIQA DARSLARINING O'RNINI
GENÇ NESLİN EĞİTİLMESİNDE MÜZİK DERSLERİNİN ÖNEMİ

*Karimova Dildora Anvarovna,
Nizomiy novidagi Toshkent davlat pedagogika
universiteti professori v/b (O'zbekiston)*

*Prof. Dr. Dildora Karimova
Nizami adli Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Mazkur maqolada umumta'lim maktablarida yosh avlodni musiqa san'ati orqali tarbiyalashning masalalari yoritilgan.

Тayanch so'zlar: San'at, madaniyat, estetik, tasavvur, nasl, muhit, tarbiya, o'qituvchi, vokal, xor.

Annotation: The article mentions the issues of upbringing young generation through music in general education schools.

Key words: Art, culture, aesthetics, imagination, generation, environmental, education, teacher, vocal, chorus.

Özet. Bu makalede ilk ve orta okullarda genç nesli müzik sanat aracılığıyla eğitme meselesinin üzerinde durulmuştur.

Anahtar kelimeler: Sanat, kültür, estetik, tasavvur, nesil, muhit, eğitim, öğretmen, vokal müzik, koro

Barkamol avlodni atroflicha yetuk inson qilib tarbiyalashda, maktablarda o'qitiladigan musiqa madaniyati darslarining ma'naviy-ma'rifiy, tarbiyaviy ahamiyati kattadir. Shunday holatda musiqa san'ati u milliy qadriyatlar asosidagi nafis san'at, u fan, u xalq dardi, tili, dili, ma'naviy madaniy, ma'rifiy tadbirlar mazmunini tarbiyaviy ahamiyatini teran anglashga yordam beruvchi vositadir. Musiqa madaniyati o'qituvchisi umumiy o'rta ta'lim maktablarida va maktabdan tashqari muassasalarda o'ziga xos milliy ma'rifatni, ma'naviyatni, madaniyatni ahloqiy tarbiyani, musiqa madaniyati darslarida va musiqiy bayram tadbirlari vositasida targ'ib etuvchi mutaxassis sifatida, o'z o'rnini va mavqeyiga egadir. Jamiyatimizning taraqqiyot bosqichida yoshlarimizning shaxs sifatidagi ma'naviy-ma'rifiy, madaniy shakllanishi dolzarb muammodir. Yosh avlod tarbiyasi, uning tashkil etilishi mazmuni nafaqat shaxs kamoloti, balki jamiyat taraqqiyotini ham belgilashda muhim ahamiyatga ega. Demak, jamiyatimizning buguni, ertasi va istiqboli yoshlarimizga, ularning qay darajada bilim olishiga, tarbiyalanishiga bog'liqdir.

Yangi avlodni qanday tarbiyalash jarayonlarini amalga oshirishning samarali vositalarini tanlash va izchillik bilan amalga oshirishga bog'liqdir. Bu borada musiqa

madaniyati o'qituvchisi avvalo, o'zi tarbiyalangan, yuksak madaniyatli, ma'naviy-axloqiy, ma'rifiy savodli, bilimli yangi davr talabi asosida puxta bilimga ega, katta salohiyatli, fikr-mulohaza yurita olishi davr talabidir. Shuningdek:

- Musiqa madaniyati fani misolida darslar jarayonida, tarbiyaviy ijobiy fazilatlar mazmunini tahlil qilib tushuntira olish;

- Komil inson qiyofasini, aql-idrok, keng tafakkur olami bilan shaxsning ma'naviy qiyofasini tarbiyalashda, mehnat qilish, yangi davr talabi asosida faol faoliyat yurita olish;

- Musiqiy ma'naviy-ma'rifiy, madaniy tadbirlarni mustaqil tarzda mutaxassis sifatida to'liq bajara olishi lozim.

- Zamon talabi asosida, musiqa madaniyati o'qituvchisining ma'naviy-ma'rifiy, madaniy shakllanishi jamiyatimizning taraqqiyotidagi dolzarb masalalardan biridir.

Bo'lg'usi musiqa o'qituvchilarini mutaxassislikka tayyorlash fanlarini o'rgatish jarayonida, o'ziga xos ijodkorona fikr-mulohaza yuritish, yangiliklarni izlash, har bir mavzuga yanada yangi mazmun baxsh etishini taqozo etadi. Bunday jarayon musiqa o'qituvchisining imkoniyatlarini kengaytiradi. Hamisha izlanish, yangiliklarni kashf etish, yosh mutaxassislarga xos xususiyatdir.

Musiqa inson hissiy kechinmalari, fikrlari, tasavvur doirasini musiqiy tovush (ton, nag'ma)lar izchilligi yoki majmui vositasida aks ettiruvchi san'at turidir. Uning mazmuni o'zgaruvchan ruhiy holatlarni ifodalovchi muayyan musiqiy badiiy obrazlardan iborat. Musiqa insonning turli kayfiyatlarini (ko'tarinkilik, shodlik, o'ychanlik, zavqlanish, mushohadalik, g'amginlik, xavf-qo'rquv va boshqalar) ni o'zida mujassamlashtiradi. Bundan tashqari musiqa, shaxsning irodaviy sifatleri (qat'iyatlik, intiluvchanlik, vazminlik va boshqalar)ni, uning tabiati (mijozi)ni ham yorqin aks ettiradi. Musiqaning ushbu ifodaviy tasviriy imkoniyatlari yunon olimlari-Pifagor, Platon, Aristotel va Sharq mutafakkirlari - Farobiy, Ibn-Sino, Jomiy, Navoiy, Bobur, Kavkabi, tasavvuf arboblari - Imom G'azzoliy, Kalobodiy, Buxoriy va boshqalar tomonidan yuqori baholangan (Qodirov, 2005).

Musiqaning odam ongi va hissiyotga ta'sir etishning ajoyib kuchi uning ruhiy jarayonlariga hamohang bo'lgan protsessual –muayyan jarayonning tabiati bilan bog'liqdir. Bolani shaxs sifatida rivojlantirishda nasl, atrofidagi muhit, tarbiya muhim rol o'ynaydi. O'qituvchi bu omillarni kuzatib, o'rganib chiqib, o'quvchilarni qiziqishi, qobiliyati, musiqaga, go'zallikka, mehnatga munosabatlariga qarab, musiqiy bilim, ko'nikma va malakalarini singdira borishi lozim. Inson musiqadan umrbod zavq topadi va madad oladi. Shu bois o'quvchilarga musiqa madaniyatini tarbiyalash, yuksak did bilan qurollantirish, ma'naviy dunyoqarashini shakllantirish musiqa o'qituvchisining vazifasidir. Musiqa inson ruhiyatiga emotsional ta'sir ko'rsatish bilan birga, musiqiy tovush yordamida vujudga keladigan musiqiy ohanglar bilan ta'sir etadi, bolalarni quvontiradi, o'ylantiradi, yaxshilikka, go'zallikka yetaklaydi va nafosat olamiga olib keladi. Shunday ekan, musiqa madaniyati darslariga e'tiborni yanada kuchaytirib, musiqa o'qituvchisi oldiga katta vazifalar qo'yilmoqda. Musiqa madaniyati darslarida milliy musiqa meroslaridan to'laqonli foydalanish va bugungi zamonaviy asarlarni

musiqa darslarida qo'llash, o'qituvchidan ish mazmunini va uslubini yangilashni talab etadi (Abdumannon Nazarov, Olimjon Bekov).

Musiqa madaniyati o'quv dasturiga kiritilgan ashulalar ham o'quvchilarning yoshi va qiziqishi, mazmunan rang-barangligi, qiziqarli, ohangdorligi bilan estetik madaniyatni yuksaltirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Unda, ayniqsa ona Vatan, go'zal tabiatni ifodalovchi, yil fasllari, qushlar va hayvonat olami haqidagi lirik raqs hazil-mutoyiba harakteridagi ko'plab qo'shiqlar o'quvchi yoshlarning estetik zavqini oshirib borishga, tarbiyaviy-madaniy vazifalarni uddalashga va ashula aytishda zaruriy malakalar hosil qilishga yordam beradi (Boltaev, 2010).

Musiqa madaniyati darslaridan tashqari, Musiqa o'qituvchisi dars jarayonida qo'shiq kuylash, musiqa tinglash, musiqaga mos bolalar cholg'u asboblardan jo'r bo'lish musiqiy ritmga harakatlar bajarish kabi dars faoliyatlarida musiqaga qiziqitira olish, ularni musiqiy qobiliyatlarini o'stirishga harakat qilishi lozim. Chunki, musiqa o'quvchilarga tez ta'sir eta oladigan ta'lim - tarbiya vositasidir. U o'qituvchilarni shaxs bo'lib shakllanishi uchun ommaviy va ahloqiy tomondan ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Shuning uchun ham, musiqa madaniyati darslari, avvalo tarbiya darsi deb ataladi. Dars samaradorligini oshirish musiqa o'qituvchisidan mehnat, o'z faniga muhabbat, bolalarni go'zallik va nafosat olamiga olib kirish uchun bilim, musiqaga mehr va shijoat talab etadi. Musiqa darsi boshqa darslardan o'zining badiiyliги, qiziqarliligi va bolalarga ko'proq ijodiy zavq, emotsional tuyg'ular va obrazli kechinmalar uyg'otishi bilan ajralib turadi. Gap musiqada, ta'lim va tarbiya haqida ketar ekan o'quvchi yoshlarda eng avvalo sog'lom didni shakllantirib borish e'tiborga loyiq o'rinda turadi.

Yuksak badiiy didni tarbiyalashda san'atning hamma turlari muhim va ularning har biri xusuiyat va imkoniyatga ega. Mamlakatimiz maktablarida estetik tarbiyani amalga oshirish, o'quvchilarga yuksak estetik badiiy didni voyaga yetkazish uchun zaruriy zamin xozirlab berishning, yoshlarga san'at asarlarining estetik mohiyatini singdirishning muhim tarmog'idir. Musiqa va estetik madaniyatning paydo bo'lishi hamda shakllanib borishida tinglanayotgan har bir asarni o'quvchilar tomonidan to'la o'zlashtirib olinishiga bog'liq. Shu munosabat bilan maktabda musiqani tarbiyasini amalga oshirishda o'quvchilarning musiqa ma'lumotlarga alohida e'tibor berish, ularni dastur talablariga muvofiq musiqiy bilim bilan qurollantirish, musiqa haqida bilim – ma'lumotlarini chuqur puxta o'zlashtirishga erishish eng muhim vazifalardandir.

Badiiy did tarbiyasining asosi ham maktabda dars jarayoni o'quv mashg'ulotlari vaqtida vujudga keladi. Xo'sh, hozirgi maktablarimizda o'quvchilarning badiiy didlari biz hohlagandek shakllanayotganmikan? Savol tariqasida shularni aniqlash mumkinki ko'pchilik o'quvchilarimizda g'arb musiqasiga bo'lgan qiziqish tabora ortib bormoqda, ularni maktab dasturidagi kuy va qo'shiqlar borgan sari qiziqitirmay qo'ymoqda, xatto ulardan qanday kuy va qo'shiqlarni yoqtirasizlar deb so'ralsa, albatta g'arb davlatlaridagi hozirgi mashhur qo'shiqlarni misol tariqasida keltiradilar. Xatto qo'shiqlarni ijro etib berishni iltimos qilishadi. Ularning bu darajada g'arb davlatlari madaniyatiga ixlos qo'yishlari natijasida ularning badiiy didlari ham shunga moslashib rivojlanmoqda. Buni ba'zi o'quvchilarning tashqi ko'rinishlari ham isbotlab turibdi. Biz

esa maktablarimiz qat'iy sur'atda, faqat ta'lim maktabi emas, balki estetik maktab bo'lishiga intilamiz. O'quvchilarda estetik didni tarbiyalashda maktabning butun hayoti barobar qatnashsada, musiqa darsining alohida ahamiyati bor. Ya'ni musiqa darsi badiiy didni tarbiyalashda ta'sirchan vositadir. Bu borada eng ma'suliyatli vazifa musiqa o'qituvchilariga topshiriladi. Badiiy didni tarbiyaash har bir musiqa o'qituvchisining vazifasidir.

Quyida 5-sinf musiqa darslarida berilgan "BOLALAR UCHUN OPERALAR" mavzusida qo'llanilgan "Blits-o'yin" nterfaol uslubini tavsiya etaman (Karimova, 2008).

Avaz Mansurovning B.Isroil va F.Safarov librettosiga yozilgan – «Hayvonlar sultoni» operasining mazmunini o'qib beriladi. O'quvchilarga tarqatma material (prolog va voqea) tarqatiladi.

PROLOG. O'rmon. Barcha hayvonlar to'planishib turadigan joy. Sho'x ohanglarda hirgoyi qilib o'tib ketayotgan quyonchalardan so'ng Ertakchi bobo paydo bo'ladi, u o'rmon tabiatini madh etadi. Shu o'rmonda yashaydigan jonzotlarni birma – bir tanishtiradi. Ular – Sher Sul-ton, Bo'ri, Quy-on, Ayiq, Tulki - o'zlari haqida qo'shiqlar aytishadi. Ertakchi bobo tonglar otib, kunlar botib, bunda har kun hayot qaynashini, hech to'y-maslar – ochko'zlar faqat o'lja payida yurishlarini aytadi va bir kun bo'lib o'tgan voqeani tomosha qilishga taklif etadi....(Mansurov, Karimova, 2015).

VOQEA. Ikki och bo'ringning jangi avjida. Tulki paydo bo'lib, bo'rilar talashayotgan o'limtik kiyikni olib qochmoqchi bo'ladi. Bo'rilar sezib qolib tulkini haydab yuborishadi va jangni davom ettirishadi. Tulki alamkashlik qilib hayvonlar sul-toni – Sher Sul-tonni etaklab keladi. Sher Sul-ton ikkala bo'ri arzlarini tinglab, ajrim qiladi. Talashganlar tarqalishib, Sher Sul-ton pana joyda dam olishga yotadi.

O'ynab - quvnab quyonchalar kirib kelishadi. Ayyor tulki yana paydo bo'ladi. Quyonlardan biri «Men botirman! Boks-chiman! Hattoki Sher Sul-tonni nakaut qilib qo'yaman!» deb, maqtanib qoladi. Tulki paytdan foydalanib, hayvonlar sul-toniga o'xshatma qilayotgan quyonni Sher Sul-tonga ro'para qilib qo'yadi. Botirligi puchga chiqadi. Sher Sul-ton o'zining engilmasligidan, salobatidan mamnun bo'ladi....

Kutilmaganda o'rmonda to's – to'polon boshlanadi. Hamma hayvonlar o'zlarini yo'qotib quyishgan, ular Sher Sul-tonni ham pisand qilmay qolishdi, hukmdor hayron.... Hayvonlar tarqalgach, Sher Sul-ton panaga berkinadi. Baralla qo'shiq aytib, Odam kirib keladi. Sher Sul-ton ustiga to'r tashlaydi. Hayvonlar yordamida ham Sher to'rdan ozod bo'la olmaydi. U yengilganini bo'yniga olib, «Ne sharting bor!» deb so'raydi. Odam – do'stlik, tinchlik va baxtiyor hayotni taklif etadi. Hammalari do'stlikni madh etib raqs tushishadi, qo'shiq aytishadi:

«Do'stlik bo'lsin!

Tinchlik bo'lsin!»

«Hayvonlar sul-toni» operasi

No	Harakatlar mazmuni	Yakka baho	Guruh bahosi	To'g'ri javob	Yakka xato	xato
1	Asar mualliflari.					

	Sahnalashtiruvchilar haqida ma'lumotlar berish					
2	Ikki och bo`rining jangi					
3	Quyoning maqtanishi					
4	Opera tomoshasiga 15-20 daqiqa oldin borish					
5	Sher Sultonning yengilmasligidan mamnunligi					
6	O`rmonda to`palon					
7	Operaning mazmuni yozilgan dasturchani olish					
8	Do`stlikni madh etib Raqs va qo`shiq ijrosi					
9	Sahnada ertakchi bobo ko`rinishi					
10	Tulki hayvonlar Sultoni – Sher Sultonni yetaklab kelishi.					
11	Sahnada quyunchalar					
12	Baralla qo`shiq aytib sahnaga odamning kirib kelishi.					

Izoh: 1-grafa yakka holda to`ldiriladi, 2-grafa yonidagi do`sti bilan to`ldiriladi, 3-grafaga o`qituv-chi tomonidan etilgan to`g`ri javob yoziladi. 4-grafa yakka holda qo`yilgan baho to`g`ri javob bilan solish-tirilib farqi yoziladi. 5-grafaga hatoga yo`l qo`yilgan ball yoziladi.

To`g`ri javoblar: 1-3; 2-5; 3-7; 4-1; 5-9; 6-10; 7-2; 8-12; 9-4; 10-6; 11-8; 12-11.

Musiqqa fani o`qituvchisi yangi mavzularni tushuntirishda interfaol uslublardan (Klaster, Bumerang, “Blits-o`yin”, keys va b.) foydalanishi, o`quv qurollari, cholg`u sozlari, ko`rgazmali vositalar (bastakorlar, sozandalar, dirijyorlar, aktyorlar, hofizlar, baxshi-shoirilar portretlari), klassik musiqalar fonotekasini ham tashkil qilishi lozim (audio, video, disklar va b.). Bu esa o`qituvchining musiqiy fanlarni Davlat ta`lim standarti talablari darajasida o`qitilishi uchun eng zarur bo`lgan sharoitni yaratadi, bo`lajak musiqqa o`qituvchilarining kasbiy mahoratini shakllantirishda juda muhim ahamiyat kasb etadi, shuningdek musiqqa madaniyati darslarini samaradorligini oshirishda va yosh avlodni tarbiyalashda musiqqa san`atiga bo`lgan mehr muhabbatni yanada oshiradi.

Adabiyotlar ro`yhati:

1. Qodirov R.G. Musiqqa psixologiyasi. –Toshkent: ”Musiqqa” nashriyoti, 2005.
2. Nazarov Abdumannon, Bekov Olimjon. www. http.uz.
3. Boltaev D. Uzluksiz ta`lim ttizimida musiqqa fanlarini o`qitish masalalari. Respublika ilmiy amaiy anjumani. TDPU, 2010.
4. Karimova D.A. Musiqiy pedagogik mahorat asoslari. –Toshkent: Moliya – iqtisod, 2008.

5. Mansurov A., Karimova D.A. Musiqa. 5-sinf uchun darslik. –Toshkent: G`ulom nashriyoti, 2015.

O‘ZBEK XALQ CHOLG‘ULARINING TAKOMILLASHUV JARAYONI VA
UNI O‘QITISH BORASIDA BERILADIGAN AYRIM TAVSIYALAR

ÖZBEK HALK ÇALGILARININ GELİŞME SÜRECİ VE BU ÇALGILARIN
ÖĞRETİMİNE YÖNELİK BAZI ÖNERİLER

*Panjiyev Qurbonniyoz Berdievich,
TDPU, Musiqiy ta’lim” kafedrası mudiri,
san’atshunoslik fanlari nomzodi
Abduqayumova Feraza,
TDPU talabasi (O‘zbekiston)*

*Dr. Kurbonniyoz Panjiyev
Feraza Abduqayumova
Nizami Tashkent Devlet Pedagoji Universitesi (Özbekistan)*

Annotatsiya: Mazkur maqolada xalq cholg‘u asboblarning takomillashuv jarayoni hamda ularni o‘zbek xalq musiqa ijodida tutgan o‘rni va ahamiyati haqida so‘z borib, mumtoz musiqa san’ati bilan o‘zaro chambarchas bog‘liqligi ko‘rsatib o‘tilgan.

Kalit so‘zlar: meros, ashula, maqom, mumtoz musiqa, lapar, yalla, terma, qo‘shiq, mumtoz ashula, shashmaqom, sho‘ba, aytim yo‘li, cholg‘u yo‘li.

Annotation. The article is about the developing process of national instruments and it’s the role and importance of uzbek national music creativity and it depends on classic musical art.

Key words: heritage, song, makom, classic music, lapar, yalla, terma, melody, epic poem, shashmakom, section, the way of singing, the way of playing.

Özet. Bu makalede Özbek halk müzik çalgilarinin gelişme süreci ve bu müzik aletlerinin Özbek müziğindeki önemi ve yeri üzerinde durulmuş, ayrıca klasik müzik sanatı ile bu aletlerin ilişkisi ortaya konmuştur.

Anahtar kelimeler: miras, şarki, makam, klasik müzik, lapar türküsü, yalla türküsü, derleme, klasik şarki, alti makam, şube, icra usulü, çalma usulü.

Uzluksiz ta’lim tizimida musiqiy fanlarni o‘qitishda o‘quvchi-yoshlarning aqliy imkoniyatlarini o‘stirish, ularda badiiy estetik borliqni butun tarovati va jozibasi bilan his etishni tarbiyalash muhim pedagogik-psixologik vazifa bo‘lib, bu borada ustoz-murabbiylardan tinimsiz mehnat va tashabbuskorlikni talab etadi. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘qitiladigan musiqiy fanlarning izchillik va mantiqiylik asosida rejalashtirilgan bo‘lib, bakalavriat bosiqichi talabalarida aqliy imkoniyatlarni ma’lum tizim asosida rivojlantirib borishga yo‘naltirilgan.

Mutaxassislik fanlari qatoriga kiruvchi “An’anaviy xonandalik”, “Cholg‘u ijrochiligi va ansambli”, “Vokal va zamonaviy musiqa”, “O‘zbek xalq musiqa ijodi”, “Xor va xorshunoslik”, “Dirijyorlik”, “Musiqa o‘qitish metodikasi va maktab repertuari”, “Musiqa tarixi”, “Cholg‘ushunoslik” va qolaversa “Musiqa nazariyasi” va uning tarkibidagi “Garmoniya”, “Musiqa asarlari tahlili”, “Solfedjio” kabi fanlar talabalarning musiqiy bilim va tafakkurini, idrokini o‘stirishda, ularga chuqur bilim va tajribalarni oshirishda fundamental fanlar sifatida xizmat qilmoqda. Keyingi yillarda xalqimizning madaniy merosini, jumladan musiqiy qadriyatlarni o‘rganish, tiklash va rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar yaratildi. Ayniqsa, uzluksiz ta’lim muassasalarida mumtoz musiqa namunalari - maqomlar, xalq ashulalari va kuylarini o‘rganish, milliy sozlarimizda chalish istagi ortib bormoqda. Ana shular e’tiborga olinib, Respublikamizda faoliyat ko‘rsatayotgan pedagogika sohasi oliy va o‘rta maxsus ta’lim muassasalarining o‘quv rejasi ham yanada takomillashtirilib, musiqiy fanlarga ajratilgan soatlar ko‘paytirilmoqda. Fikrimizni isboti sifatida mazkur fanlar sarasiga “Cholg‘ushunoslik” fanini ham kiritish o‘rinlidir. Ushbu fan asosan milliy sozlarimizning paydo bo‘lishi tarixi, shakllanishi, tuzilishi va ularning hozirgi musiqa ijrochiligidagi o‘rni haqida ma’lumot berishga yo‘naltirildi.

Fan orqali o‘quvchi-yoshlarda milliy cholg‘ularning an’anaviy va qayta takomillashtirilgan nusxalari, tuzilishi va ijro etish mahoratini shakllantirish, shuningdek, ularda xalqimizning boy musiqiy ijodi haqida bilim va tasavvurlarni oshirishdan iborat.

Uzluksiz ta’lim tizimida olib borilayotgan darslar jarayonida milliy sozlarning guruhlariga bo‘linishi kamonli sozlar, noxun bilan chalinadigan, puflab chalinadigan hamda zarbli sozlar haqida talabalarga keng ma’lumot beriladi. Shuningdek, guruhlardagi har bir cholg‘u asbobining tuzilishi, parda xususiyatlari (applikaturasi) an’anaviy va akademik (takomillashtirilgan) turlarini taqqoslash yo‘li bilan ularning ijro xususiyatlari tahlil etiladi. Shuningdek, milliy sozlarimizning bastakorlik ijodiyoti bilan o‘zaro munosabati, ularda yakka va ansambl (jamo bo‘lib) ijro etish imkoniyatlari hamda cholg‘ularimizning o‘tmishi va hozirgi zamon ustoz ijrochilari ijodi bilan bakalavrlarni tanishtirish ko‘zda tutilgan (Abdurauf Fitrat, 1993). Shu bilan birga milliy sozlarning umumiy o‘rta ta’lim maktablarida musiqa madaniyati darsini o‘tishdagi imkoniyatlari borasida ham keng ma’lumot beriladi.

Shuni aytish joizki, “Cholg‘ushunoslik” fani musiqa mutaxassisligi bo‘yicha ta’lim olayotgan o‘quvchi-yoshlarning kasbiy bilimlari va dunyoqarashini boyitish bilan birga, ularning milliy musiqiy merosimiz, maqomlarga bo‘lgan qiziqishlarini oshiradi (Raximov, 2011:142), o‘z kasblariga bo‘lgan muhabbat va e’tiqodlarini yanada mustahkamlaydi va shu orqali tafakkur hamda idrokni tarbiyalashga olib keladi.

Dars jarayonida talabalar ansambl bo‘lib musiqiy asarlarni chaladilar va cholg‘ushunoslik fani bo‘yicha egallangan nazariy bilimlarni amalga tadbiq etadilar. Bu milliy sozlarimizning paydo bo‘lish tarixi o‘zbek milliy davlatchiligining shakllanishi tarixi bilan mushtarakdir. Manbalardan ma’lumki, milliy musiqa cholg‘u asboblariimizning tarixi olis zamonlarga borib taqaladi. Tarixiy manbalarda eramizdan

avvalgi XIII ming yillikdayoq, dastlab urma zarbli cholg'ular so'ngra shovqinli sozlar paydo bo'la boshlagan (Alaviya, 1974: 21-32).

Nega aynan urma zarbli sozlar ilk bor kashf etilishini buyuk olimlar eng qadimgi mehnat qo'shiqlari – aholining kundalik shug'ullanadigan mehant faoliyatining ritmik tuzilishi bilan bevosita bog'liqlikda yuzaga kelganligidan dalolat beradi. Keyinroq xalq ustalari tomonidan qamish yoki bambuk poyasidan surnay, nay, hushtak, shaqildoq va chiltor (arfa) singari cholg'ular yasaladi. Ma'lum muddatdan so'ng torli mezrobli va torli kamonli musiqa cholg'ulari yaratiladi. Keyinchalik ko'p asrlik madaniy taraqqiyot jarayonida o'ziga xos tuzilish va jarangdorlikka ega bo'lgan dutor, tanbur, rubob, g'ijjak, chang singari an'anaviy sozlar ijod qilingan (Karomatov, 1985. 2-tom: 6-22). Dunyo endigina ohangni kashf eta boshlaganida Turon zaminida anchagina yutuqlar qo'lga kiritilganining o'ziyoq musiqiy merosimizning shajarasi juda uzoqligiga ishonch hosil qilish mumkinligini izohlaydi.

Jamiyatning evolyutsion rivojlanishi jarayonida xalq cholg'uchilari Markaziy Osiyo va Yaqin Sharq mamlakatlari xalqlarining turmushi va mehnat faoliyatiga singib inson faoliyatining ajralmas tarkibiy qismiga aylanib qoldi va bu cholg'ulardan xalqlar o'z milliy marosim hamda oilaviy bayramlarida keng foydalanildi (Karomatov, 1985. 2-tom: 6-19). Shubhasiz, bu davrda cholg'u ijrochiligi san'ati ham ma'lum darajada rivojlanish bosqichiga ko'tarilib, xalq orasidan mohir va iste'dodli yakka ijrochi sozandalar yetishib chiqadi. Shundan so'ng yakkanavozlik ijrochiligi bilan bir qatorda asta-sekin jo'rnavozlik ijrochiligi, qolaversa ansambl bo'lib ijro etish ham shakllanib aholi orasida ommalashadi.

Milliy qadriyatlar, ayniqsa mumtoz musiqa asosida musiqa ta'limi tizimida tahsil olayotgan o'quvchi-yoshlarning aqliy imkoniyatlarini, ularda musiqiy tafakkur va idrokni yuksaltirish uchun barcha mavjud ish usullarini qo'llash taqozo etilmoqda (Isohoq Rajabov, 1963). Shu jumladan, hozirgi sharoitda ta'lim sohasiga musiqiy meros hisoblangan maqomlarning jozibali, maftunkor, o'ziga xos jalb etuvchi, tinglovchining hissiyotlariga ta'sir etib, unda turli kayfiyat va kechinmalarni uyg'otuvchi kuchini ko'rsatish hamda ularda mumtoz musiqamizga nisbatan mehr-muhabbatni uyg'otish o'ta muhimdir (Ibrohimov, 1994:62).

Musiqiy tafakkur va idrokni yuksaltirish uchun innovatsion pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri bo'lib qoldi (Panjiev, 2010).

Yaqin vaqtlargacha o'quv mashg'ulotlarida qo'llanib kelingan audio va videotexnika vositalari faqatgina berilgan musiqiy material: maqom sho'balari hamda turli musiqa janrlariga xos asarlarni eshittirish va ko'rsatish imkoniga ega edi, xolos. Biroq, bugungi kunda ushbu vositalar bugungi kun yoshlarining talab-ehtiyojini qoniqtirmay qoldi. Bugungi kun talabidan kelib chiqib, musiqiy asarlarining nota matnini tahliliy o'rganish, notalarni nomlari bilan aniq intonatsiyada kuylash, asarda uchraydigan turli intervallar, dinamika va ijro sur'atini aniq tasavvur etgan holda kuylash, shuningdek, notalarni sol'fedjio qilib kuylash talab etiladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Alaviya M. O‘zbek xalq marosim qo‘shiqlari. –Toshkent: Fan, 1974.
2. Karomatov F. O‘zbek xalqi muzika merosi (yigirmanchi asrda) Toshkent, 1985. 2-tom.
3. Ibrohimov O.A. O‘zbek xalq musiqa ijodi (metodik tavsiyalar I qism). - Toshkent, 1994.
4. Abdurauf Fitrat. O‘zbek klassik musiqasi va uning tarixi. Qayta nashri. Nashrga tayyorlovchi Karimbek Hasan. –Toshkent, 1993.
5. Isohoq Rajabov. Maqomlar masalasiga doir. –Toshkent, 1963.
6. Raximov Sh.N. CHolg‘i ansambli. –Toshkent, 2011.
7. Panjiev Q. Surxondaryo viloyati o‘zbek xalq qo‘shiqchilik ijodiyoti. Dissertatsiya. 2010.

**ФОРМИРОВАНИЕ МУЗЫКАЛЬНОГО ВКУСА У УЧАЩИХСЯ
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ТВОРЧЕСТВА
РУССКИХ КОМПОЗИТОРОВ XIX ВЕКА**

**19. YÜZYIL RUS BESTECİLERİNİN ESERLERİ EŞLİĞİNDE
ÖĞRENCİLERİN MÜZİK ZEVKİNİ GELİŞTİRME**

*А.Х.Тригулова,
доцент ТГПУ им. Низами
Конурова Лейла,
магистр ТГПУ им. Низами (Узбекистан)*

*Doç. Dr. A. Trigulova,
Leyla Konurova
Nizami Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Русская музыкальная культура XIX века, изучаемая в общеобразовательной школе, рассматривается в данной статье, как важный фактор формирования музыкального вкуса у учащихся общеобразовательных школ в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: Русская музыка, оперная классика, русский балет, музыкальный вкус.

Annotation. Russian musical culture of the XIX century, studied in a secondary school, is considered in this article as an important factor in the formation of musical taste among students of secondary schools in the Republic of Uzbekistan.

Key words: Russian music, Opera classics, Russian ballet, musical taste.

Özet. Bu makalede XIX. Yüzyilin Rus müzik kültürü Özbekistan Cumhuriyetindeki ortaokul öğrencileri arasında müzikal lezzet oluşumunda önemli bir etken olarak görülmektedir.

Anahtar kelimeler: Rus müziği, Opera klasikleri, Rus balesi, müzik zevki.

Русская музыкальная культура XIX века вошла в историю мировой культуры как период величайших завоеваний выдающихся русских композиторов во всех основных жанрах музыкального искусства, которые обогатили мир произведениями, непреходящей художественной ценности.

Творчество основоположника русской классической литературы – Александра Сергеевича Пушкина определило концепцию основоположника русской классической музыки – Михаила Ивановича Глинки, создавшего оперы «Иван Сусанин» и «Руслан и Людмила». Именно от них исходят две ветви русской оперной классики – героическая народная музыкальная драма и опера – сказка.

Подлинным новатором в музыкальной культуре XIX века стал Петр Ильич Чайковский, вошедший в историю как основоположник русского балета («Лебединое озеро», «Спящая красавица», «Щелкунчик»), как создатель нового типа симфонизма, который можно назвать, как симфония – драма, симфония трагедия. В шестой симфонии Чайковский-симфонист выступил как художник, который подвел итог симфонизму XIX века, осмыслив в философском и эмоциональном плане главные тенденции классического и романтического искусства, как современнейший из композиторов своей эпохи

П.И.Чайковский обогатил сферу лирического романса, фортепианной литературы. Он вошел в историю музыки, как создатель детского фортепианного репертуара («Детский альбом»).

Его фортепианный цикл «Времена года», состоящий из 12 пьес, по числу месяцев в году, идеально представляет образы и картины русской природы в характерном для Чайковского лирическом плане. В мировой фортепианной литературе нет произведения, в котором так просто и в тоже время гениально, был передан круговорот сменяющихся месяцев, жизни природы и людей.

Бессмертные произведения П.И.Чайковского (оперы «Евгений Онегин», «Пиковая дама», Шестая симфония и другие) стоят в одном ряду с произведениями А.С.Пушкина, Л.Толстого.

Огромна воспитательная и художественная ценность произведений М.П.Бородина, М.П.Мусоргского, Н.А.Римского – Корсакова, С.В.Рахманинова, которые играют большую роль в формировании музыкальной культуры и музыкального вкуса подрастающего поколения и включены в программу уроков музыкальной культуры в общеобразовательной школе.

Рассматривая музыкальный вкус как одно их проявлений эстетического вкуса, мы должны выделить его особенность – способность понимать и оценивать произведение русских композиторов XIX века с учетом жанров – стилевой, художественной направленности в процессе слушания музыки, хорового пения, музыкального творчества.

В качестве основных компонентов музыкального вкуса в настоящее время выделяют: музыкальное переживание, музыкальный интерес, восприятие музыки, оценка музыкального произведения, развитие потребности суждения, эстетический идеал.

Характеризуя музыкальный вкус как особую «культуру восприятия» музыкального произведения, мы должны отметить, что только постоянное общение с музыкой могут сформировать настоящий музыкальный вкус и навыки постижения глубины содержания музыкального произведения.

«Дурной вкус - это вкус ленивый, не дающий человеку серьезно задуматься над жизнью, над собственным поведением. Это вкус грубый,

довольствующийся примитивной красотью. Не умеющий распознать истинную красоту» (Кассиль, 1998: 36).

Проблемам формирования музыкального вкуса посвятили свои труды музыканты М.А.Балакирев, Ц.А.Кюи, А.Г.Рубинштейн, С.Н.Танеев; музыковеды - А.Н.Серов, В.В.Стасов; педагоги-музыканты - Н.Я.Брюсова, Т.Я.Ломакин, Б.Л.Яворский и др. Они рассматривали пути формирования музыкального вкуса по следующим направлениям:

1. Приобщение учащихся к различным видам музыкальной деятельности;
2. Использование высокохудожественных музыкальных произведений;
3. Музыкально-просветительская работа;
4. Изучение художественных интересов учащихся;
5. Внедрение основных понятий-компонентов музыкального вкуса.

Разрешение проблемы приобщения учащихся к различным видам музыкальной деятельности они видели в организации следующих видов работы: «слушание» музыки, хоровое пение, музыкальное творчество детей.

На уроках музыкальной культуры в общеобразовательной школе в процессе слушания музыки во втором классе изучаются следующие произведения выдающегося русского композитора XIX века П.И.Чайковского: балет – сказка «Щелкунчик», финал 4 симфонии, «Неаполитанская полька». В третьем классе в процессе слушания, происходит знакомство с пьесой «Осень» Чайковского из цикла «Времена года», с балетом-сказкой «Спящая красавица», а также с Первым фортепианным концертом – (фрагменты – вступление, третья часть).

В пятом классе слушают учащиеся фрагмента из балета «Лебединое озеро», «Евгений Онегин», «Пиковая дама».

При изучении этих произведений развиваются музыкальные и творческие способности. Воспитываются чувства увлечённости, любви к музыке, имеющие важное значение в жизни порастающего поколения.

Слушание и исполнение одного из самых популярных вальсов - «Вальса цветов» из балета «Щелкунчик» П.Чайковского, знакомит учащихся не только целой вереницей красивых мелодий, которые следуют одна за другой, но и с главным инструментом, исполняющим вальс - арфой. Учащиеся знакомятся и с другими инструментами: торжественно и плавно звучит основная тема у четырёх валторн, её сменяет лирическая мелодия - у струнных, за ней - лёгкая, изящная мелодия у флейт и гобоев, широкая и распевная-у виолончелей. Этот урок готовит к более близкому знакомству с симфоническим оркестром и его инструментами, которое состоится в третьей четверти.

При слушании «Осенней песни» П.Чайковского внимание ребят направлено на выразительность музыки, красоту мелодии, ее задушевный песенный характер. Важно, чтобы, делаясь своими впечатлениями по поводу услышанной музыки, ребята не увлекались «фантазированием» на темы

падающих листьев, накрапывающего дождика. В пьесе П.Чайковского главное - не изобразительность, а чувства и мысли человека, его размышления об увядании природы и об осени человеческой жизни. От общего настроения, характера музыки можно перейти к более детальному рассмотрению музыки П.Чайковского, обратив внимание на то, какую, например, большую смысловую нагрузку несет в ней сопоставление мажора и минора. В этой музыке мажор, словно луч солнца, стремящийся вырваться сквозь тучи, но музыка все же остается минорной, а настроение - печальным.

Таким образом, на примере произведений П.И.Чайковского мы рассмотрели, какую роль они играют в процессе формирования музыкального вкуса учащихся общеобразовательных школ.

При изучении произведений русских композиторов XIX века учащиеся узнают о значении музыки в жизни людей, о взаимосвязи жизни и творчества композитора, о воплощении творческого замысла композитора, об идеи, содержании музыкального произведения, которое передается исполнителем и воспринимается слушателем. В процессе изучения произведений русских композиторов XIX века у учащихся формируется слушательская и исполнительская культура, умения и навыки восприятия и передачи в исполнении музыки различной по характеру, форме и содержанию. Развиваются музыкальные, творческие способности, музыкального мышления. Воспитываются духовные, нравственно-эстетических качеств личности, интереса и увлеченности музыкой.

Через творчество русских композиторов XIX века учащиеся знакомятся с такими музыкальными жанрами, как балет, опера, фортепианный концерт, симфония, знакомятся с музыкальными инструментами, у школьников развиваются слуховая и зрительная память, воображение, фантазия, творческое и логическое мышление, и музыкальный вкус.

Список литературы:

- 1.Альшванг А.А. Опыт анализа творчества П. И. Чайковского (1864—1878). -М.-Л., 1998.
2. Наумов С.А. Эстетический вкус, его воспитание / С.А.Наумов. - Н. Новгород, 1997.
3. Кассиль, Л. Дело вкуса / Л. Кассиль. - Москва: Искусство, 1998.
4. Торшилова Е.А. Воспитание вкуса в развитии личности ребенка / Е.А.Торшилова // Искусство и образование. - 2002. - № 3.
5. Туманина Н.В. Чайковский: великий мастер 1878-1893. -Москва, 1998.

**ЗНАЧЕНИЕ КУРСА «ИСТОРИЯ ЗАРУБЕЖНОЙ МУЗЫКИ» В
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ СТУДЕНТОВ ПЕДВУЗОВ**

**PEDAGOJİ YÜKSEK ÖĞRETİM KURUMLARINDAKİ ÖĞRENCİLERİN
MESLEKİ EĞİTİMİNDE "YABANCI MÜZİK TARİHİ" DERSİNİN ÖNEMİ**

*А.Х.Тригулова,
кандидат педагогических наук, доцент
ТГПУ им. Низами (Узбекистан)*

*Doç. Dr. A. Triгулова
Nizami adli Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Изучение любого предмета в высшем учебном заведении должно быть представлено в виде организованной системы, обладающей интегративными связями и отношениями. Курс «Истории музыки», изучаемый в педвузах (направление «Музыкальное образование») рассматривается в данной статье как непрерывно – развивающийся культурно – исторический процесс, в течение которого появляются новые стили, эволюционируют жанры, формы и музыкальный язык.

Ключевые слова: Системный подход, интегративные связи, жанр, стиль, форма, интонационный язык.

Annotation. The study of any subject in higher education must be submitted in an organized system with integrative connections and relations. The course "history of music", studied in the pedagogical institutes (direction "Musical education") in this article as a continuously evolving cultural – historical process during which there are new styles, evolyutsioniruet genres, forms and musical language.

Key words: System approach, integrated communication, genre, style, form, musical language.

Özet. Bir yükseköğretim kurumundaki herhangi bir konunun çalışması, bütünleştirici bağlantıları ve ilişkileri olan organize bir sistem biçiminde sunulmalıdır. Pedagoji alanındaki yüksek öğretim kurumlarında (“Müzik eğitimi” yönünde) okutulan “Müzik Tarihi” dersi, bu makalede, yeni stillerin ortaya çıktığı, türlerin, formların ve müzik dilinin geliştiği, sürekli gelişen kültürel ve tarihi bir süreç olarak ele alınmıştır.

Anahtar kelimeler: Sistem yaklaşımı, bütünleştirici bağlantılar, tür, stil, biçim, müzik dili.

Одним из действующих компонентов процесса образования является системный подход, который определяется в настоящее время, как новыми потребностями развития научного знания, так и практическими потребностями более широкого плана. Отличительной особенностью

образовательной деятельности в современных условиях является то, что изучаемые объекты должны быть представлены как организованные системы, обладающими своими интегративными связями и отношениями. Системность является важным показателем качества знаний студентов. Она становится основанием, «несущей конструкцией» образовательного процесса, способствующей полноте, глубине и осознанности знаний (Формирование системного мышления в обучении, 2002: 344).

Процесс накопления знаний и развития мышления студентов связан с формированием глубоких связей между научными теориями, закономерностями, фактами науки и жизни, создающими почву для дальнейших более сложных связей и отношений. Неумение мыслить системно, попытки изучать сложные процессы вне их связей воспринимаются сегодня как показатель низкой культуры мышления и непрофессионализма.

Одним из главных предметов, играющих важную роль в формировании системных знаний о музыкальном искусстве в педагогических университетах (направление «Музыкальное образование») является курс «Истории зарубежной музыки», который дает студентам знания о музыкальном искусстве на протяжении огромного исторического периода (от Древнего мира до XX века). Музыкальное искусство рассматривается как непрерывно развивающийся социально – исторический процесс, во всем многообразии связей и явлений.

Изучая данный курс, студенты получают знания о европейской музыкальной культуре в течение нескольких исторических эпох (от искусства Древнего мира и античности, музыкального искусства средневековья, Возрождения, эстетики Барокко, до классицизма, романтизма и импрессионизма).

Студенты знакомятся с национальными музыкальными школами, возникшими в 19 веке и сыгравшими огромную роль в истории мировой музыкальной культуры. Это польская, венгерская, норвежская музыка, представленная творчеством таких композиторов, как Шопен, Лист, Григ и др.

Методологической основой формирования системных знаний является исторический аспект, значение которого заключается в том, что каждое музыкальное явление оценивается на фоне исторического процесса, оно соотносится с аналогичными явлениями других эпох, осмысливается его связь с прошлым и направленность в будущее (Аверьянов, 1985: 263).

Возникают трудности у студентов при усвоении стилевых, жанровых особенностей музыкальных произведений. Они часто не могут выявить вклад изучаемых композиторов в историю мирового музыкального искусства, индивидуальные особенности каждого отдельного произведения, не умеют ориентироваться в закономерностях формы, анализировать музыкальные произведения, играть и петь отрывки из изучаемых

произведений, привлечь для этого знания, полученные из курса теории музыки, фортепиано, вокала, дирижирования.

В предметное содержание курса «Истории зарубежной музыки» входит знакомство с основными понятиями, являющимися ключевыми в формировании основных музыкально – исторических знаний будущих учителей музыки. Сюда входят знания по истории, которые становятся исходным материалом для характеристики той или иной эпохи, во время которой были сформированы определенные художественные и стилевые тенденции в творчестве изучаемых композиторов.

Так, при изучении творчества Ференца Листа студенты должны знать, что под влиянием итальянского искусства эпохи Возрождения были созданы произведения: «Обручение» (по картине Рафаэля), «Мыслитель» (по скульптуре Микеланджело), соната – фантазия «После прочтения Данте», «Три сонета Петрарки». Знаменитая симфония «Данте» также написана под впечатлениями композитора от знаменитой «Божественной комедии» Данте.

Анализируя симфонические произведения Листа, мы знакомим студентов с произведениями Шекспира (поэма «Гамлет»), Виктора Гюго (поэмы «Мазепа», «Что слышно на горе»), Гете (симфония «Фауст», серия «Мефисто – вальсов»), с древнегреческой мифологией (поэма «Орфей»).

Знание произведений выдающихся представителей эпохи Возрождения (Рафаэль, Микеланджело, Петрарка, Шекспир), эпохи Просвещения (Руссо, Дидро, Вольтер, Шиллер), классицизма (Гете, Дюма, Бальзака), Романтизма (Гюго, Гейне) являются основополагающими при изучении западно – европейской музыки XVIII - XIX вв.

Раскрывая панораму культурных формаций прошлых эпох, мы приближаем наших студентов к пониманию мобильности сменяющихся картин мира, общности музыки с другими видами искусства, принципами их взаимосвязи. Сопоставления с композиторами, художниками, поэтами, скульпторами даются для правильного понимания стиля данной эпохи, особенностями изображения того или иного образа.

Этот факт наиболее ярко проявляется при изучении произведений композиторов – импрессионистов (Дебюсси, Равель), на творчество которых повлияло искусство художников – Э.Мане, К.Моне, О.Ренуара, Э.Дега, К.Писсаро и других. Новые выразительные средства, появившиеся в творчестве композиторов – импрессионистов, при всем своеобразии и специфике, имеют аналогии с живописным языком художников – импрессионистов, и мы показываем это нашим студентам на примере частого обращения Дебюсси и Равеля к старинным ладам народной музыки (пентатонике, дорийскому, фригийскому, миксолидийскому), а также целотонному звукоряду в сочетании с натуральным мажором и минором, аналогично огромному обогащению цветовой палитры у художников – импрессионистов.

Весь основной материал по курсу «История зарубежной музыки» выстроен по стилистическому принципу и это дает возможность нашим студентам четко осознать смену художественно – стилистических эпох и эволюцию важнейших жанров. Так, в результате эволюции четырехчастная симфония, сложившаяся в творчестве венских классиков (Гайдн, Моцарт, Бетховен) в творчестве композитора – романтика Ференца Листа превратилась в двухчастную симфонию «Данте» и трехчастную симфонию «Фауст» в связи с обращением композитора к новым поэтическим образам и новым средствам выразительности (характер тематизма, гармонический язык, форма, инструментовка).

Принцип монографического изложения материала сочетается с анализом ведущих жанров в творчестве отдельных композиторов (оперы, симфонии, камерной вокальной и инструментальной музыки). Большое внимание уделяется знакомству с важнейшими художественными тенденциями и стилями, имеющими свою эстетику и философскую основу. К таким стилевым направлениям относятся классицизм и романтизм, сыгравшие большую роль в развитии определенных жанров и форм. Мы выделяем высшую ступень развития музыкального классицизма, связанную с именами И.Гайдна, В.Моцарта, Л.Бетховена. Эти великие мастера, вошедшие в историю мировой музыки как Венские классики – обобщили достижения различных стилей и национальных школ, создав новый тип классицизма, значительно обогащенный, освобожденный от условностей, свойственных предыдущим эпохам классицистского стиля в музыке и связанного с именами Ж.Б.Рамо, Ф.Куперена, Д.Скарлатти и К.В.Глюка.

Направленность на развитие у студентов обобщающего мышления сочетается с совершенствованием у них навыков анализа конкретного музыкального произведения с точки зрения «интонационного словаря» и «жанрового фонда» эпохи, умения определять его место в музыкально – историческом процессе. Здесь проявляется огромное значение особой систематизирующей роли художественного содержания, которое также отражает характерные черты исторической эпохи в определенном комплексе средств и элементов музыкального языка.

Проверка системности итоговых занятий по курсу «История зарубежной музыки» осуществляется в результате устных опросов, тестирования, сообщений на семинарских занятиях. Эти знания продолжают оттачиваться и совершенствоваться при изучении «Истории русской музыки». «Истории узбекской музыки», «Анализа музыкальных произведений». Именно эти предметы продолжают развивать и дополнять системные знания о стилях, жанрах, формах, интонационных особенностях, полученных при изучении «Истории зарубежной музыки».

Формируя системные знания по «Истории зарубежной музыки», мы ставим перед собой конкретную цель: научить студентов осмысливать каждое музыкальное явление с позиций общих культурно – исторических

процессов. Студенты должны уметь выявлять как воплощаются идеи времени в конкретных музыкальных явлениях и как данное музыкальное явление оценивается на фоне определенного исторического процесса в целом.

Список литературы:

1. Аверьянов А.Н. Системное познание мира: методологические проблемы. – Москва: Политиздат, 1985.
2. Бабанский Ю.К. Интенсификация учебного процесса. - Москва: «Знание», 1987.
3. Пушкарева Е.А. Знание как основа науки и образования: специфика современного состояния. Философия образования. - 2007. № 3.
4. Формирование системного мышления в обучении: Учебное пособие для вузов / Под ред. З.А.Решетовой. – Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2002.

**АНЪАНАВИЙ АШУЛА ИЖРОЧИЛИГИДА ТАЛАБАЛАР ИЖРО
МАҲОРАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

**GELENEKSEL ŞARKI İCRASINDA ÖĞRENCİLERİN BECERİLERİNİ
ŞEKİLLENDİRİLMESİ**

*Д.Қ.Қодиров, Тошкент давлат
педагогика университети доценти
Д.Д.Қобилова, Тошкент давлат
педагогика университети талабаси (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. D. Kadirov,
D. Kabilova,
Nizami Taşkent Devlet Pedagoji Üniversitesi*

Аннотация. Мазкур илмий мақолада миллий муסיқий меросимиз бўлган анъанавий ашула ижрочилиги мактаби тарихи, мумтоз ашула, катта ашула ижрочилик мактаби, «Гуллиги», «Бинниги», «Ишкамби», «Хонақоҳий» деб номланган нафас олиш, чиқариш ва ижро йўллари, устоз ҳофизларимиз дастурларидан ҳар хил маросимларда ижро этиладиган ашулалар, анъанавий ашула ижрочилигида куйлаш малакаларини шакллантириш, овоз созлаш машқларининг аҳамияти, хонандаларни қўшиқ айтишга тайёрлашнинг тўғри услублари ҳамда муносабат амаллари ҳақидаги назарий ва амалий манбаалар тақдим этилган.

Калит сўзлар: «Гуллиги», «Бинниги», «Ишкамби», «Хонақоҳий», «Якка фарёд», «Амин насруллоийи», «Қийиқ», «Қора тонг», «Гулёри Шаҳноз», «Сарпарда», «Рок баланд», «Дилхирож», «Муножот».

Annotation. This article analyzes the history of the national musical heritage of the traditional school of singing, classical singing, the great school of singing, methods of breathing, breathing and exhalation methods “Gulligi”, “Binnigi”, “Ishkambi”, “Honakokhy”, theoretical and practical sources of attitudes towards singing, performed at different ceremonies, the formation of singing in traditional singing, the importance of exercises for adjusting the voice, the correct methods of preparing performers for singing.

Key words: «Gulligi», «Binnigi», «Ishkambi», «Xonaqohiy», «Yakka faryod», «Amin nasrulloiyi», «Qiyiq», «Qora tong», «Gulyori Shahnoz», «Sarparda», «Rok baland», «Dilxiroj», «Munojot».

Özet. Bu bilimsel makalede milli müzikal mirasimiz olan geleneksel şarki icrasi okulunun tarihi, klasik şarki, *Katta aşula* adlı şarki icrasi okulu, “Gülligi”, “Binnigi”, “İşkemi” “Hanekahî” olarak isimlendirilen nefes alma, çıkarma ve icra usulleri, usta

türküçülerin bestelerinden yer alan ve çeşitli törenlerde icra edilen türküler, geleneksel şarki icrasında söyleme becerilerinin şekillendirilmesi, ses ayarlama uygulama ve alıştırmalarının önemi, şarkıcıların şarki söylemeye hazırlamanın doğru yöntemleri gibi konularda teorik ve uygulamalı bilgiler ortaya konmuştur.

Anahtar Kelimeler: “Gülligi”, “Binnigi”, “İşkembî” “Hanekahî”, “Yekke Feryad”, “Emin Nasrullayî”, “Kiyik” “Kara tang”, “Gülyar-i Şahnaz”, “Serperde”, “Rak belend”, “Dilhirac”, “Münacat” türküleri ve geleneksel şarkilari.

Миллий мусиқа меросимиз жанр, услуб ва бадий мазмунга бой бўлган ва асрлар давомида ривожланиб, сайқалланиб, шакл, бадий ифодалари билан мукамаллик, баркамолликка эришган санъатдир. Унда халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, эрк ва бахт йўлидаги тарихий кураш ва орзу-умидлари ўз аксини топган (Қодиров, 2018:7).

Бугунги кунда миллий ижрочилик мактаби истиқболи ҳақида гап борар экан, бу буюк маънавий қадриятимиз бўлмиш мусиқа меросимизни таълим-тарбия тизимида ўрганиш ва уни тиклаш энг зарур вазифамиздир. Чунки IX аср буюк файласуфи Ал-Киндийнинг таъбири билан айтганда «Аждодлар меросини ўрганиш – авлодлар ақлига жон бахш этувчи бир оби-ҳаётдир» (<http://naurok.mpedagog.ru>).

Ҳозирги кунда мусиқа таълими йўналиши мавжуд бўлган барча олий ўқув юртларида “Анъанавий ва халқ кўшиқчилиги”, “Ашулачилар ансамбли”, “Анъанавий хонандалик”, “Яккахон кўшиқчилиги” каби фанлардан талабаларга ўзбек халқининг бебаҳо мероси бўлган мақомлар, мумтоз ашула, катта ашула ва халқ кўшиқларини куйлаш малакаларини шакллантириш бўйича амалий ҳамда назарий билимлар бериб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 17 ноябрь куни имзолаган “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда анъанавий санъатимиз ҳисобланган мақом ижрочигига бўлган эътиборнинг юксак намунаси деб қараш мумкин (Ш.Мирзиёев, 2017.17.11).

Президент Қарори ва юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, университетда мусиқа таълими йўналиши ўқув режасига иккинчи ярим йилликдан бошлаб “кўшимча фанлар” блокига “Мақом санъати” фани киритилди. Мазкур соҳага давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, фанларни ўқитишга ажратилаётган соатлар, ёшларимиз истеъдодини ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, улар иқтидорини халқаро фестивал ва танловларда, республикада ўтказилаётган кўрик-танловларда, оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш бўйича кенг қўламли ишларни оғишмай амалга оширишимиз зарур ва муҳимдир.

Анъанавий хонандалик фанининг ҳам ана шу вазифаларни амалга оширишга бўлган беминнат ҳизмати каттадир. Фан орқали талабалар анъанавий ашула ижрочиличиги бўйича аввал назарий билимлар билан

куроллантириладилар, сўнгра амалий машғулотлар орқали куйлаш бўйича ижро маҳоратларини, малакаларини шакллантирадилар.

Ўтмишда ҳофизларимиз овоз маромига қараб «Гуллиги», «Бинниги», «Ишкамби», «Хонақоҳий» деб аталмиш нафас олиш, чиқариш ва ижро йўлларида фойдаланишган. Ўша давр ҳофизларининг овозлари ўқтам, бақувват бўлганлиги сабабли улар кўпроқ «Ишкамби» йўлида ижро этганлар.

Устоз ҳофизлар ўз ижрочилик маҳоратларини ошириш учун акс-садо берувчи махсус гумбазли биноларда машғулот ўтказганлар, шу тариқа овозларига сайқал беришган. «Ишкамби» йўлидан фарқ қилувчи «Хонақоҳий» йўли бўлиб, унда ҳофиз кўшиқ сўзларини аниқ талаффуз этиб, тингловчига ғазал мазмунини ифодали қилиб етказган.

Мумтоз ашулачилик - лирик характеридаги ривожланган куй ва шаклига эга бўлган йирик айтим-ашула йўли. Ашула мумтоз мусиқанинг етакчи жанрларидан бўлиб, ўзининг куй ривожини, вазмин лирик ёки оғир характери, ҳаяжонли ва дардли мазмуни, диапазон кенглиги, усул-ритмининг сезиларли даражада мураккаблиги ва ижро услуби мукамаллиги билан ажралиб туради. Мумтоз ашулалар мусиқий матннинг ривожланиши ҳамда куй тузилмаларининг нисбатан давомлироқлиги, кенгроқ диапазонлиги, баланд авжи билан халқ ашулаларидан фарқланади. Уларнинг ривожланиш жараёни даромаддан бошланиб тобора авжланган ҳолда ривожланади. Шу туфайли ашула шаклидаги асар мумтоз ва бастакорлик ижодиётларида кенг ўрин олган, унинг локал вариантлари мавжуд. Жумладан, Бухорода халқ ашула ва муҳаммас, Хоразмда сувора ва нақш, Фарғона водийсида ашула йўллари, катта ашула, ёввойи ашула деб юритилади.

Ўзбек бастакорлари ҳам мумтоз ашула жанри асосида асарлар яратганлар. Бу ашулалар якканавоз ижросида, чолғу ансамбли жўрлигида айтилиб келинган. "Тановар", "Муножот" ва бошқалар.

Патнусаки (патнис) ашула - Фарғона водийсига хос бўлган ўзбек анъанавий ашула йўли. Одатда, 2-5 ҳамнафас ашулачи (ҳофиз) томонидан чолғу жўрлигисиз (патнис, ликобча ушлаган ҳолда) айтилади. Кўпинча юқори пардаларда ва кенг нафасда ижро этилиб, ўзига хос мураккаб ижро услуби билан ажралиб туради.

XX асрнинг 2-ярмида Катта ашуланинг янги ашула-чолғу йўллари, яккаҳон ҳофизга мўлжалланган турлари юзага келди. Мазкур намуналарда чолғу ансамбли ҳамнафас ҳофиз вазифасини бажарган, ижрода эркин услуб сақланиб қолган. Катта ашуланинг бу услуби Жўрахон Султонов томонидан яратилган ("Эй дилбари жононим", "Оҳким", "Топмадим", "Гулузорим қани", "Меҳнат ахли", "Ўзбекистон" ва бошқалар). Айрим мақом шўъбалари ("Баёт", "Чоргоҳ", "Уш-шоқ") ҳам Катта ашула ("Ёввойи мақом") услубида айтилган (мас., "Ёвво-йи Ушшоқ", "Патнусаки Чоргоҳ", "Ликоби Баёт" ва бошқалар.

Анъанавий ашула ижрочилигида қуйидаги куйлаш малакаларини шакллантиришга эътибор бериши лозим (Боқихонов, 2014:31).

1. Нафас олиш, товушни тўғри шакллантириш; 2. Нафас олиш ва уни тежамли сарфлаш; 3. Куйлаётган пайтда қоматни тўғри туттиш; 4. Елкаларни кўтармасдан, шовқинсиз, эркин ва чуқурроқ нафас олишга ҳаракат қилиш; 5. Куйлаётган вақтда оғизни эркин очиб, сўзларни аниқ ва бурро талаффуз қилиш; 6. Соф, тиниқ ва жозибали куйлаш; 7. Барча регистрларда юқори овоз ҳосил қилиб куйлаш; хонанда сифатида куйлаш.

Анъанавий ашула ижрочилигида овоз созлаш машқларининг аҳамияти катта. Бу фаолиятда қуйидагиларга эътибор бериш лозим: *1. Нафас олиш ва уни чиқариш машқлари; 2. Талаффуз артикуляция (и, а, о, м, т, пи, зи, то, ту) дикция (сўзларни дона- дона, бурролиги) учун машқлар; 3. Ашула, қўшиқ сўзлари устида ишлаш; 4. Овозни ўстириш, овоз диапозонини кенгайтириш учун машқлар; 5. Овоз пайчаларини қиздириш ва қўшиқ айтиш учун тайёргарлик машқлари; 6. Нафас олиш ва уни тутиб туриш машқлари; 7. Овозни тоблаш, юқори пардаларда овозни тутиб туриш машқлари.*

Хонандаларни қўшиқ айтишга тайёрлаш (овоз машқлари). Маълумки ҳар бир машғулот хонанданинг овозларини қўшиқ айтишга тайёрлаш ва оҳанг эшитиш қобилиятларини кўзда тутувчи машқларни бажаришдан бошланади. Машқлар 10-15 дақиқа ва ундан кўпроқ давом этиши мумкин. Бу овозни тўғри ҳосил қилиш, тўғри нафас олиш, яхши ансамбл ва жарангдорликка эришишга ёрдам беради. Хонандаларни қўшиқ айтишга тайёрлашнинг тўғри услублари мавжуд: *1. Машқларни бутун гуруҳ ёки алоҳида овоз турлари бўйича кичик гуруҳлар билан ишлаш. 2. Маълум унли товушлар, бўғимлар ва сўзлар ёрдамида иш олиб бориш. 3. Турли товуш йўналишларида (legato, staccato, markato, nonlegato) услубида иш олиб бориш. 4. Турли динамик (товуш кучи) суръат услубида иш олиб бориш. 5. Айрим ҳалқ қўшиқлари бўлакларидан фойдаланиб ижро қилиш.*

Анъанавий ашула ижрочилигида халқ ашулалари намуналарини ёшларга сингдиришда муҳим бўлган сўз ва талаффузнинг ўрни беқиёсдир. Анъанавий хонандалик санъатида идроклаш лозим бўлган қуйидаги назарий ва амалий малакани тўла ўзлаштиришни тақозо этади. Булар, анъана ва мерос, нафас ишлатиш услуби, шеърят ва талаффуз ҳамда муносабат амалларидир. Бу омиллар хонандалик амалиётида чархланиб, ўзлаштириладиган зарур ҳолатлар эканлигини унутмаслик лозим.

Ижрочиликни шакллантиришда сўз ва талаффуз маҳорати асосий муаммолардан биридир. Маълумки, шеърят ва мусиқа азал-азалдан бир-бирига йўлдош санъат турлари сифатида, шаклланиб, ривожланиб, ардоқланиб келинган. Оҳанглар бағрида шеърнинг, яъни сўзларнинг таъсири янада жонли, таъсирчан ва ёқимли бўлади. Шундай экан, ижрочилик билан шуғулланаётган ҳар бир ёш хонанда шеърятдан боҳабар бўлиши зарур.

Талабалар билан ҳалқ ашула ва мақомларимизни куйлаш чоғида сўзларда ноқерак харфларга урғу бериб куйлаш кўплаб кузатиб келинмоқда. Масалан, ашулада келаётган барча “И” харфларни бўрттириб ”ИИИ” тарзида ортиқча урғу билан куйлайдилар ёки “А” харфларни ниҳоятда “очиқ, яланғоч” ҳолда куйлайдилар. Натижада ижро даражаси тингловчига “ижро ёқимсиз, малол келиб” ғашини келтиради. Бу ўринда биз намунавий ижро орқали бу ҳолатда харфлар қандай куйланиш кераклигини кўрсатиб берамиз. ”И” харфлари ”УУУЙ” тарзида, ”А” харфлар эса “ОЎЎЎ” тарзида ашула оҳанги билан куйлаб берилади.

Талаба доим ашула матнида “О” харфини сўз ўртасида ёки сўз охирида бўлсин нотўғри талаффуз қилиб куйлайди: ”Вафо”, “Фидо”. Лекин анъанавий хонандаликда академик вокал ижрочилиги талабларидан келиб чиқиб, талаффузда “О” харфини талаффуз якунида оғизни ёпиб, “ОВ” деб талаффуз қилиш талаб этилади. Масалан: *Кимга қилдим бир вафоқим, юз жафосин кўрмадим?!*, матни. *Кимга қилдим бир ваф(ооов)қим, юз жаф(ооов)син кўрмадим?!* деб куйланиши зарур.

Мазкур тарихий жараёни неча-неча авлодларга мансуб машхур хонандаю - созандаларнинг ижровий моҳирлиги ва йиллар мобайнида тўплаган тажрибалар синови дейиш мумкин. Яъни, ”..қадимий ва доимо навқирон халқ ашулаларининг асрлар оша ҳаёти ва ривож, бир қатор омиллар қаторида, шубҳасиз устоз-ҳофиз ва созандаларнинг юксак ижрочилик маҳоратини ўрганиш билан ҳам узвий боғлиқдир” (Ўзбекистон санъати (1991-2001), 2001: 113).

Хуллас, мамлакатимизда комил инсон шахсини шакллантириш давлат сиёсатининг устивор йўналишига айланган ҳозирги шароитда маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлган анъанавий ашула ижрочилигининг ўрни беқиёсдир. Зеро, мусиқа, ашулаларимиз ҳар доим халқимизнинг жон озиғи бўлиб келган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2017 йил 17 ноябрь.
2. Расулов Ў. Анъанавий хонандалик ўқитиш методикаси. Мусиқий лицей ва коллеж ўқитувчилари учун ўқув услубий қўлланма. –Тошкент, 2006.
3. Маннопов С. Ўзбек халқ мусиқа маданияти. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги аср авалоди, 2004.
4. Боқихонов Ю. Хонанда овозини йўлга қўйиш ва анъанавий хонандалик. Услубий қўлланма. –Наманган, 2014.
5. Ўзбекистон санъати (1991-2001). -Тошкент, 2001.
6. Қодиров Д.Қ. Анъанавий хонандалик. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2018.
7. Қодиров.Д.Қ., Қобилова Д. Анъанавий ашула ижрочилиги. Услубий қўлланма. –Тошкент, 2018.

SOME QUESTIONS OF SOCIAL DEFENSE PEOPLE IN UZBEKISTAN
DURING THE SECOND WORLD WAR

İKİNCİ DÜNYA SAVAŞI SÜRESİNDE ÖZBEKİSTAN'DA İNSANLARININ
SOSYAL SAVUNMASINDAKİ BAZI SORUNLARI

*Ganiev Jokhongir Hakimjanovich,
candidate of historical sciences,
head of the Department of "Social and Human Sciences"
at the Tashkent state higher school of national
dance and choreography (Uzbekistan)*

Аннотация. Данная статья посвящена истории социальной защиты населения в Узбекистане в годы второй мировой войны.

Ключевые слова: социальная защита, социальное обеспечение, толерантность, военнослужащие, пособия, материальная помощь.

Annotation. This article is devoted to the history of social protection of the population in Uzbekistan during the Second World War.

Key words: social protection, social security, tolerance, military personnel, allowances, material assistance.

Özet. Bu makale, İkinci Dünya Savaşı sırasında Özbekistan'daki nüfusun sosyal koruma tarihiyle ilgilidir.

Anahtar kelimeler: sosyal koruma, sosyal güvenlik, hoşgörü, asker, ödenek, maddi yardım.

The state system of social protection of the needy part of the population in Uzbekistan was formed in the 20-ies. XX century. The first decrees of the Council of People's Commissars were organized by the social welfare departments, orphans were brought up, pensions and cash benefits were paid to former Red Army men, wounded, families of servicemen, the elderly, disabled people and others.

During the war years (1939-1945), the provision of large-scale and specifically directed social protection became the most urgent and vital issue for the survival of a certain part of the population. Many of our compatriots from the first days of the war participated in the battles and made a worthy contribution to the victory over fascism. More than 1.4 million people were sent from Uzbekistan to the war, many of whom were awarded state awards for their courage and heroism. Many people went to war, and very few of them returned alive and healthy. Most of those who returned were disabled or injured.

Great help was rendered to the front by the population of the republic by their selfless labor, hospitality and tolerant attitude towards the settlers. Important industrial

and cultural objects were evacuated from the front and front lines, as well as from areas occupied by the fascists, children, women, elderly people and some employees of enterprises were resettled. Local authorities in the shortest time taken the necessary measures to provide evacuated people with housing, food, work and medical and other material assistance.

The materials stored in the archives of the Republic of Uzbekistan can directly serve as the foregoing. For example, in the state archive there are foundations, documents in which there are facts on the implementation of social protection of the population in the period under review. By their nature these documents represent decrees, decrees, orders and reports on the activities of the authorities on social protection. Based on the nature of the archival sources, they can be divided into the following groups:

- Decrees and orders on the organization of the Department and departments for state benefits to large families and single mothers;
- Decisions on the state custody and household organization of military families;
- Measures to improve the overall condition of catering in working canteens;
- Taking into account, payment of pensions and rendering material assistance to war invalids by social security departments (1, 105).

Among the archive sources included in the first group, one can welcome the example of the decision of the Council of People's Commissars of Uzbekistan No. 1032 "On the organization of the Office and the departments of state benefits for large and single mothers", which notes the following:

"... in order to improve material assistance to pregnant women, mothers with many children and single mothers, encourage large families and strengthen the protection of motherhood and childhood, the Council of People's Commissars of the Uzbek SSR decides:

To organize, as part of the National Finances Office of the Uzbek SSR, the Office for State Benefits of Large and Single Mothers consisting of six units with a monthly payroll fund of six thousand rubles"(2, 148). In addition, the social security authorities recorded the number of mothers with many children, they were awarded special medals, services were provided to improve living conditions in the dwellings.

In the sphere of social security, the protection, provision and household organization of military families was an important issue. It should be noted that during the work of social departments on the ground there were also some major shortcomings, for the elimination of which a special resolution of the Council of People's Commissars was adopted. In this archive document it is noted that "in a number of departments of state provision and household organization of families of servicemen at district and city executive committees, applications of families of servicemen are not considered for two and three months, sometimes families do not receive the benefits or pensions prescribed by law" (2,158).

"In connection with this, the Tashkent Regional Executive Committee was asked to eliminate the existing shortcomings and violations in the social security and

household servicing of military families within a month. In addition, the SNK UzSSR decided to oblige the prosecutor of the Tashkent region comrade. Yusupova in ten days to finish the investigation on embezzlement and embezzlement" (2, 158).

An analysis of archival documents relating to the payment of pensions and the provision of material assistance, the issues of placing war invalids on the job, shows that in this direction the colossal work was accomplished and the shortcomings were eliminated. For example, in Decree No. 282 of the Council of People's Commissars of the Uzbek SSR it is said that one thousand 300 disabled war veterans were employed in the system of the Narcoopin Council. This indicator was decided to increase and eliminate shortcomings with the employment of persons of this category. The resolution numbered 1556 SNK UzSSR contains data on the work on the appointment and payment of pensions, allowances and home improvement of homes for disabled war veterans, labor and families of military personnel. The document notes the following: "Oblast, rayon and city executive committees are not systematically dealing with the status of work on the appointment and payment of pensions, allowances for war invalids. Head of the Department for State Support under the SNK of the Uzbek SSR comrade. Mukhiddinova did not check on November 1 the correctness of appointments and payments of pensions and benefits for the Samarkand region and the Karakalpak Autonomous Soviet Socialist Republic. The cases of the appointment of pensions and benefits have not been eliminated in the manner of an individual order. The Council of the Council of People's Commissars decides: ... to put in order in a month's time all paperwork and documentation on the issue of pensions and benefits." Social protection of the needy and needy part of the population was constantly improved, data was refined, new programs were developed and adopted to ensure its full development and development.

In conclusion, I would like to note that during Second World War, many people were in trouble: there were not enough basic things, food, clothing, housing problems, there were problems with obtaining pensions and benefits, but without looking at it, much attention was given to social protection of the population. And first of all social security was wounded serviceman, their families, mothers-loners and large families. The given data only partially give an idea of the large-scale works in this field.

References:

1. Central State archive of the Republic Uzbekistan. Fond 10, inventory 18 a, document 41.
2. Central State archive of the Republic Uzbekistan. Fond 10, inventory 18, document 39.

ЕВРООСИЁ ТЕАТРИ САРИ...

AVRASYA TİYATROSUNA DOĞRU...

*Т.Юлдашев,
санъатшунослик фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография
олий мактаби (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. T. Yuldaşev
Taşkent Devlet Milli Dans ve Koreografi Yüksek Okulu (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий театр амалиёти – Шарқ ва Ғарб театри маданиятлари яқинлашиши процесслари ҳақида сўз юритилади. Европа театри XV ва XVI асрларда шаҳар ва қишлоқ халқ анъаналаридан воз кечиб – таъкидланади мақолада, - Юнонистон ва Рим антик театр анъаналарини қайта тиклаш билан шуғулланади. Шарқда бундай процесслар XIX асрда бошланган. Хулоса сифатида – “евроосиё театри” томон ҳаракатланиш, “анъаналар анъана” сига қаратилган ва турли театр маданиятларини ўзаро бирлашишига ва ўзаро бойиши учун интилишларга урғу берилди.

Калит сўзлар: Этно ўзлик, персонаж, театр, метафора, фигура, қадрият, анъана.

Annotation. The article “on the way to the Eurasian theater” deals with the practice of the modern theater about processes bringing the theatrical cultures of the East and the West closer together. The article notes that the theater of Europe, in the 15th and 16th centuries, abandoned the folk traditions of the city and village and began reviving the traditions of the ancient theater of Greece and Rome. In the East, such processes began in the 19th century. As a final phrase, E. Barb concludes that the movement towards "Eurasian theater", towards the convergence of theatrical cultures through the "tradition of traditions" began.

Key words: Ethnocentrism, character, theater, metaphor, figure, tradition, image.

Özet. Bu makalede çağdaş tiyatro uygulaması – Doğu ve Batı tiyatro kültürlerinin birbirine yaklaşma süreci üzerinde durulmuştur. Avrupa tiyatrosu XV. ve XVI. yüzyılda şehir ve köye ait halk geleneklerinden vaz geçerek antik Yunanistan ve Roma geleneklerini tekrar canlandırmakla meşgul olmuştur. Doğuda ise bütün süreçler XIX. yüzyılda başlamıştır. Sonuçta olarak “Avrasya tiyatrosu”na doğru ilerleme, “gelenekler geleneği” vurgulanmış, ayrıca çeşitli tiyatro kültürlerini birleşmesi ve kendi arasında zenginleşmesi hakkında tespitlere yer verilmiştir.

Anahtar kelimeler: Etnik kimlik, karakter, tiyatro, metafor, figür, değer, gelenek.

Шарқ ва Ғарб: театр маданиятлари яқинлашиши имконлари ҳақида масалалар кўпдан бери қўйилиб келинади. Машҳур ва таниқли италян режиссёри Эуженио Барба ўзининг “Eurasian Theatre” мақоласида қизиқарли хулоса қилади: “Театр санъатини этник, миллий, ҳудудий ва хаттоки индивидуал анъаналарини туркумларга ажратиш табиий ҳол, лекин ўз маданиятини илдизларини, уникал хусусиятинианглаш ва тушуниш учун ўзимиз анъаналаримизга бошқа анъаналар нуқтаи назаридан қараш ўта муҳимдир. Ноанъанавий театр шакллари ҳам Шарқда, ҳам Ғарбда яратишга уринишлар пировардида “анъаналар анъанаси” (Э.Барба - изоҳи) деб таърифланган манбадан қувватланган ва қувватланиб келмоқда”.

Тарих саҳифаларидан биламизки, XV ва XVI асрларда европа театри шаҳар ва қишлоқ ҳалқ анъаналаридан воз кечиб, Юнонистон ва Рим антик театр анъаналарини қайта тиклаш билан шуғулланди. Яна уч аср оша романтиклар классицистик анъаналардан алоқаларни узиб Елизаветта театри, Италия ниқоблар театри, маросмий томошалар, ўрта аср мистериялари ва шарқ театри тажрибаларига мурожаат этади. Шу даврлардан фарқли ўлароқ бутун Ғарб театри Шарқ театрини тажрибасига нафақат тарқалган афсоналар таъсирида, балки бевосита мулоқот жараёнида мурожаат этади.

“Нега Ғарбда Шарққа нисбатан актёр тор доирали мутахассисга айланди?” – ёзади мақоласида Э.Барба – Амалиётда актёр - қўшиқчини актёр – раққос билан бирлаштирадиган хусусиятлар йўқ. Нега ғарб спектаклида актёр ўзини бир персонаж сурати доирасига киритиши лозим? Нега энди бу актёр ўйналаётган воқеани тугал қисмини кўпгина гавдалантиришлари билан умумийликдан хусусийликка, биринчи шахсдан учинчисига, ўтмишдан ҳозирги замонгача, инсондан буюмгача ўтишларини тасаввур этишга уриниб кўрмайди? Нега Ғарб театрида бундай кўп қирраликни ҳикоя жанрида чиқаётган актёр ёки буюк Дарио Фо каби даҳо эп кўрадики, зеро Шарқда эса бундай талаблар актёрни мажбурий профессионал кўникмалар таркибига киради? Албатта, тарихга мурожаат этиб, бу саволларнинг барчасига жавоб топса бўлади, лекин профессионал фойдани улар шунда кўрсатиши мумкинки, агарда биз анъаналаримизни ва ўзимизни санъатимиз ҳақидаги тасаввурларни бузмаган ҳолда, уларни доирасини кенгайтиришга уриниб кўрсак” (Barba, 1988:126 - 130).

Шарқда баъзи санъат анъаналаридан воз кечиш XIX асрда бошланган. Омманинг кўпчилигини ташкил этувчи саводсиз вакиллари Шекспир, Шиллер, Ибсеннинг драматургияси ҳамда Диккенсни, Бичер Стоуни романлари асосидаги инценировкалар билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Шарқ оммаси Ғарбни илк бор ўтмиш ҳақида эмас, ҳозирги замон ҳақида гапирадиган театрини кўрди. Ҳозиргача қизиқишлар, ҳаваслар, тақлидлар Ғарб ва Шарқ театрлари муносабатларида ўзаро характерга эга. Агарда шарқдагилар ғарб санъати арбобларини янги мавзуларни

топишларига ва классикани эркин талқин этишига ва негадир “мастер – класс”ларида ҳали бадий яхлит бўлмаган, оҳиригача саҳналаштирилмаган спектаклларида лавҳаларни кўрсатилишига ҳавас қилса, ғарбдагилар эса шарқдагиларни жонли театр шакллари, халқ анъаналарини авлоддан – авлодга мерос сифатида эъзозлаб етказишига тан беради. Лекин шу билан Шарқ ва Ғарб театрлари бир – биридан фарқли ўлароқ турли йўналишларида кўп асрли ривожланиши жараёнида баъзида бир – бири ҳақида бир ёқлама тасаввурларга олиб келди. Ғарб театри арбоблари таъкидлашча ҳақиқий шарқ театри намуналари улардан анча узоқ ва профессионал тадқиқ қилиш учун мураккаб. Дарҳақиқат, “Эски масжид” театр студиясининг Тожикистонлик режиссёр Фаррух Қосимов томонидан саҳналаштирилган “Шайх Санъон” спектаклини ва шу режиссёрнинг Халқаро Марказий Осиё театрларини “Наврўз – 92” фестивалини олий совриндори бўлган “Юсуф Ханаанга қайтади” спектаклини ва ўзбекистонлик режиссёр Авлиёқули Хўжақулиевнинг “Медея”, “Шох Эдип”, “Заратуштра шуни айтганди” спектакллари чуқур, қайсидир маънода суфистик фалсафа билан суғорилган спектакллари Ғарб театри мутахассисларни лол қолдирган ва таҳлил қилиш учун мураккаб. Бу маънода машҳур инглиз театр режиссёри Питер Брукнинг 1988 йилда Тошкентда кўрсатилган “Маҳабхорат” бадий фильмини чуқур фалсафий маъноси ҳам томошабиннинг покланишига аҳамиятли ва кўп қиррали образлар галереяси сифатида тан олинди.

Э.Барбанинг таъкидлашча: “Ўз маданий илдизларни англаш “этно ўзликни” (“этноцентризм”ни) бартараф этиш билан боғлиқ. Гап “анъаналар анъанаси”да ўз жойини топишдадир. Бу маънода “илдизлар”, ва “манбаа”лар ғаройибона тушунилади. Бу бизни бир жойга боғловчи нарса эмас, балки шундай нарсаки мунтазам ҳаракатда бўлиш учун имкон берувчи омилдир. Буларни хаммаси мумкин бўладиган агарда иккита шартга риоя қилинса: яъни ўз маданий илдизларни ўрганишда ҳақиқий эҳтиёж бўлиши ва шундай тугал бир шароит яратиш лозимки у жараёнда ҳам миллий, ҳам шахсий ижодий анъана бошқа, ундан фарқли ўлароқ анъаналар билан ўзаро таъсирга эга бўлиши керак”.

Бадий касблар Олий институти (Франция) мураббийси Этъен Марест ўзининг “Figure - figure” деб номланган мақоласида замонавий ғарб театрида содир бўлаётган трансформациялар қаторига спектаклнинг таркибий қисми бўлмиш “персонаж” билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида фикр юритади. Замонавий театрда “персонаж” одам ўз – ўзига тенгликни чамалайдиган ва бу ўхшашликни саҳнада айнан кўрсатиш имконига эга спектакль элементига айланганини таъкидлайди. “Метафора” ва “тушунча” категорияларини таққослаб, Э.Марест метафорани ҳаётини самарадорлигига, аниқ кўп қиррали маънодорлигига, ҳаётнинг мураккаб зиддиятларни очиш хусусиятига тан беради. Худди нутқда ҳаракатсиз “тушунча”га “жонли” метафорага қарама – қарши бўлганидек бугунги театрда, - таъкидлайди

Э.Мерест, - қотиб қолган персонажга “фигура” қарама – қарши туради (таққосланг “Нутқ фигураси”).

“Фигура (дейлик “Ҳайкал”) пайдо бўлиши билан томоша сурат ва кўчирмадан, воқеликни такроридан тасвирий ижодий асарга айланади. “Фигура” театрларда ҳаракатларга бой маиший қолиплар билан чекланмаган маконда янги мустақил ҳаётга эга бўлади.” Танқидчи Э.Мерест таъкидлашича персонаждаги энг эскирган, муқаррар жонсиз бўлиб қолган анъанавий шакллари шиддатли ижодий кураш жараёнида бузилмоқда...

Менимча бундай трансформациялар ҳам Ғарб ҳам Шарқ театр санъати амалиётида содир бўлмоқда. Бадий образ ўрнига драматурглар режиссёрлар саҳнага баёнчилик асосида, кўпинча, репортаж жанрида ёки тадбил асосида бир ёқламали персонажлар олиб чиқишмоқда. Масалан, актёр С.Мелиев “Евгений Онегин” спектаклида, театр рассоми Б.Тўраевнинг “Қумдаги севги жилолари”, “Чегарадаги уй” спектаклларида анъанавийликдан, типикликдан “тозаланган” образлар бирёқламали персонажларга айланиб қолган.

Театр санъатини ўзига ҳослиги, хоҳ Ғарб ёки Шарқ театри бўлсин, бевосита томошабин кўз олдида, унинг иштирокида актёр (режиссёр, рассом эмас) образ ярата билишидадир. Агарда тадбил усули асосида ёки мавзубозлик устуворлиги таъсирида персонаж характеридан “типиклик” (баъзида бир миллатга хос хусусият) олиб ташланса ва ўзбеклаштириш, ижобийлаштириш (нафақат “замондош”ни куйлаш учун) асосий мақсадга айланса, актёрнинг бадий образ яратишига асос қолмайди. Саҳнавий образ яратиш жараёнида бундай салбий трансформацияларга чек қўйиш керак.

Ўзининг “Falsafa – hikmatdir” мақоласида файласуф олима Шаҳноза Қаҳҳорова: “Ўзбекистоннинг кейинги мустақил ҳаёт йўлини аниқ белгилаб берадиган, глобаллашган жаҳон цивилизацияси билан тенг мулоқот юрита оладиган миллий ва умуминсоний қадриятлар тизимига мустаҳкам таянадиган янги дунёқараш, янги фалсафий маданиятни шакллантириш лозим”лиги ҳақида фикр юритади. Бу йўналишда Ўзбекистон театр арбоблари, ижодкорлар анчагина ютуқларга эришишди. Бу ҳақда салмоқли монографияларда батафсил ёзилган ва матбуотда ёритилган. Айниқса, таниқли режиссёрларимиз Баходир Йўлдошев, Марк Вайль, Олимжон Салимов, Наби Абдурахмонов, Авлиёқули Хўжақулиев, Аҳад Фармонов, Динара Юлдашева спектакллари чет эл театр санъати мутахассислари томонидан юқори баҳоланган. Ва бунинг сабаби уларнинг бадий яхлит саҳна асарларида миллий ва умуминсоний қадриятлар юқори профессионал даражада яратилган образлар орқали ифодаланганида.

Юқорида келтирилган Евроосиё театри ҳақида мақолада италиялик режиссёр Э.Барба театр антропологияси Халқаро мактаби доирасида ҳам Ғарб, ҳам Шарқ театр мутахассислари билан ишлашга имкони бўлганлиги, турли услублар ва усулларни таққослаганини, актёрлик маҳорати техникасини чуқур қатлами борлигини ва у ҳамма учун умумий эканлигини

таъкидлайди. Ва бу қатламни “pre expressivity”, яъни экспрессив – ўта ҳаяжонли ҳолатдан олдинги доира деб номлайди. У доирада актёр томошабин олдида образда намоён бўлиши учун ўзининг жисмоний ва руҳий ҳолатини моделлаштиради. Бу доирада турли мактаблар усулларини ўзлаштирган актёрлар учун бир хил қоидалар кучга эга бўлади ва қачонки актёр кейинги доирага чиқса, яъни экспрессив доирадан ташқарига чиқса ана шунда жуда катта фарқлиликлар аён бўлади. “Мана шу доирадан, - хулоса қилади Э.Барба, - евроосиё театри томон ҳаракатланиш бошланади. Бу театрни анъанаси йўқ. У “анъаналар анъанаси”га қаратилган ва турли театр маданиятларини ўзаро бирлашиши ва ўзаро бойиши учун онгли равишда интилишлар натижасида пайдо бўлди”.

Адабиётлар рўйхати:

1. Barba E. “Eurasian Theatre”. The drama revive, vol.1988, p.126 – 130.
2. Қаххорова Ш. “Falsafa – hikmatdir”. Тафаккур журнали, 2010. №4, 20 – 31 бетлар.

АЛИШЕР НАВОЙИЎ СЎЗ ВА УНИНГ МАЪНО СТРУКТУРАСИ ҲАҚИДА

ALİ ŞİR NEVÂÎ KELİME VE ONUN ANLAM YAPISIYLA İLGİLİ

Исламов Ў.Ҳ.

филология фанлари номзоди ЎзДСМИ.

Dr. İslamov O.H.

Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü

Аннотация. Мазкур мақолада Алишер Навоий асарларида учрайдиган сўз лексемасининг қандай маъноларда ва қандай вазифаларда қўлланганлиги ҳақида фикр юритилади. Мақолада Навоийнинг тил ва сўз, нутқ маданияти ва одоби мазмунидаги мисралари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: сўз, тил, нутқ, лисон, лексема, фикр, нутқ маданияти, луғат, гап.

Аннотация. В данной статье говорится о лексеме слов, которые встречаются в произведения Алишера Навои, а также о том, в каком качестве они применяются и какое имеют значение. В статье анализируются язык и слова Алишера Навои, полустилишия, обозначающих культуру речи и ее стил.

Ключевые слова: слово, язык, речь, изучение языка, лексема, мысль, культура речи, словарь, предложение.

Annotation: This article talks about the lexeme of words that are found in the works of Alisher Navoi, as well as in what capacity they are used and what they matter. The article analyzes the language and words of Alisher Navoi, half-meanings, denoting the culture of speech and its style.

Key words: word, language, speech, language learning, lexeme, thought, speech culture, vocabulary, sentence.

Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадий, балки мислсиз маънавий бойлик ҳамдир. Мана шу маънавий ҳамда лисоний бойликнинг таркибий қисмини шоир асарларида учрайдиган нутқ маданияти ва одобига оид қарашлар, талқинлар ташкил қилади. Қуйида “сўз” лексемасининг Навоий ўз асарларида қандай маъноларда қўллаганига тўхталамиз:

1. Сўз – тил бирлиги лексема маъносида. Бу “сўз”ни соф лисоний маънода талқин этишдир. Навоий оламнинг яратилишига боис бўлган илк – сўз, оддий сўзни, тил луғавий бирлиги бўлган сўзга шундай таъриф беради:

Рифъат аро фавқи Арши аъзам сўз эмиш,

Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиш,

(“Назм ул-жавоҳир”, 126-бет).

2. Сўз – нутқ маъносида. Навоий сўз инсон нутқи орқали ифодаланганда қандай қудратга эга эканлигини шундай таърифлайди:

*Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,
Сўздурки, берур жонга хабар жонондин.*

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким гуҳари йўқ, шарифроқ андин. (“Н. жавоҳир”, 125-бет).

Шунингдек, “Хамса” дostonларининг бир неча ўринларида “сўз”ни Навоий нутқ ўрнида қўллаган:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,

Йўқ сўзиким, ҳам сўзи-ю ҳам ўзи. (“Х аброр”, 205).

Сўзидин чун таматтуъ олди ҳар хайл,

Навоий асарларида “сўз” – тил луғат фонди, луғат бойлиги сифатида ҳам келтирилади: “сўз боғи”, “сўз чамани”, “сўз гулшани”, “сўз гулистони”, “сўз бўстони”, “сўз хайли”, “сўз баҳри” каби бирикмаларда сўзни, нутқдаги, ҳаракатдаги, нутқий фаолиятдаги сўзни кўзда тутлади. Аммо у битта, ягона сўз эмас, сўзлар, сўзлар йиғиндиси, кенг қўламини англатади. Шу сабабли, бу бирикмалар:

1. Тилнинг луғат фонди, сўз таркибини, яъни тилдаги мавжуд сўзлар мажмуини;

2. Сўзлар, гаплар ёрдамида ҳосил бўлган ҳар қандай матнни, нутқни;

3. Кўп ҳолда бадиий асар, шеърни.

4. Булар тилнинг сўз (луғавий) бойлигини ифодалайди. “Боғ”, “чаман”, “бўстон”, “гулистон” деганида яқка “гул”, “ўсимлик”, “дарахт” кўзда тутилмаслиги аниқ бўлганидек, “сўз бўстони” ҳам битта яқка сўз эмас, сўзлар мажмуидан иборатдир. Бу ўринда шоир тил луғат фонди, луғат таркиби тушунчаларининг бадиий усулда, бадиий тил билан мажозий йўл билан ифодалашда аввало қуйидаги бирикмалар мавжуд мисраларни келтирайлик:

То топибон хуш такаллум тузай,

Сўз чамани ичра наво кўргузай. (“Х аброр”, 82-бет).

“Чун бу нотавоннинг булбули табъи сўз гулистонини нишиман қилди ва андалиби руҳи сўз гулшанини ватан айлади...” (“Назм ул-жавоҳир”, 127-бет); “Ва адно сўз хайли авом такаллуми...” (“Назм ул-жавоҳир”, 126-бет); “Сўз боғи ажаб гулистондурким, анда жонбахш атрлик ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳалик раёҳини гуногун кўптурур...” (“Назм ул-жавоҳир”, 127-бет).

Келтирилган бирикмаларнинг барчасида кўплик миқдори ифодаланган конкрет бирор асар, шеър ёки нутқ ҳақида гапирилмаяпти. Демак, Навоий бу ўринда тил бирлиги, бойлиги бўлган сўз ҳақида, миқдоран, ғоятда, кўп, чексиз бўлган сўз ҳақида фикр билдирмоқда.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”да тил, сўз бойлигини “баҳр” (денгиз, океан)га, уни кезиб ўзига керак сўзни топувчини ғаввосга қиёс қилади.

Демак, бу ўринда ҳам тилнинг луғавий фонди сўзларнинг бойлиги, мажмуи кўзда тутилмоқда.

*Ул киши сўз баҳрида ғаввосдур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.
Файз ҳаримида тажаллий анга,
Ким ёрибон машъали маъни анга.*

Сўз майини у киши ошом этиб,

Ким дури маъни садафин жом этиб. (“Ҳ аброр”, 62-бет).

Ушбу сатрлар ҳақида Навоийшунос олим А. Ҳайитметов “Навоий фикрича, кимки сўз санъатини яхши эгаллаган, яъни сўз баҳрида ғаввос бўлса, ўзига керакли сўзларни у осонлик билан топади”, деганда ҳақли эди¹.

Сўз гап маъносида. Алишер Навоий “сўз” лексемасини кенгроқ, яъни гап маъноларида ҳам қўллайди. Бу унинг “Хамса”га оид мисраларида ёрқин кўринади.

Музҳиқ эрур маст чу айлар хуруш,

Сўзни тааммул била дер аҳли хуш. (“Ҳ. аброр”, 157).

Келтирилган мисралардан “сўз” лексемаси гап маъносида келган. Айниқса, “*тил топибон сўз насиб*”, “*бу сўз ким тилидин*” ибораларида бу ёрқин ифодаланган.

Сўз – фикр, мулоҳаза маъносида. Маълумки, гап фикр ифодалайди. Навоий “Муҳокамат ул-луғотайн” асарида сўзни бир неча ўринларда фикр маъносида қўллаган: “... *бу тоифанинг кўпрак истилоҳ ва қавоидидин олий мажлисда сўз ўтса мухотаб бу фақир...*” (34-бет); “*сўзни узотмоқ ҳожат эрмас*” (35-бет); “... *ҳумоюн раъйлари тартиб берган девон бобида бир неча сўз густоҳлиқ юзидан сурмак...*” (39-бет);

“Сўз” лексемасини фикр, мулоҳаза маъносида қўллаш “Хамса”га кирган дostonлар тилида ҳам кузатилади:

Сўзларидин чекма қалам ташқари,

Хатларидин қўйма қадам ташқари. (“Ҳ. аброр”, 160).

Келтирилган мисралардаги “сўз” лексемасини фикр, мулоҳаза, тақлиф маъноларида ҳам талқин қилиш мумкин. Навоий кўп бор таъкидлаганидек, тилнинг вазифаси маъно, мазмун, бирор ахборот ташиш, ифодалашдир. Навоий “гап” ҳақида фикр юритар экан, унинг моҳияти бўлиши, у англатувчи мазмунни ҳам кўзда тутди. Буни эса, баъзи ўринларда гап лексемаси орқали эмас, балки Навоий ўз фикрини “сўз” лексемаси билан ифолайди. Демак, фикр, мулоҳаза маъноларини ташувчи “сўз” лексемаси мазмунан аслида *гап* ва *тил* маъноларига яқиндир.

Сўз – калом, ҳадис маъносида. Навоий “сўз” лексемасини *калом*, *ҳадис* маъноларида ҳам қўллаган. Маълумки, “*калом*” арабча сўз бўлиб, сўз, гап, нутқ маъноларини англатади. Масалан: “*Бу сўзким, сойири ҳайвонот билан*

¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий – танқидий қарашлари. 1959 йил, 129-130-бетлар.

инсон орасида дағи тафовут анинг сабабидиндур” (“Назм ул-жавоҳир”, 125-бет). Бу маънони қўйидаги мисраларда ҳам учратиш мумкин:

*Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур,
Сўзким десун улки ихтиёрида дурур,
Сўз яхшилиги чу ихтисорида дурур.* (“Назм ул-жавоҳир”, 144).

Сўз – гаплашмоқ, мулоқот маъносида. “Насойим ул-муҳаббат”дан олинган қўйидаги сатрлардаги бирликларда гаплашиш, мулоқотга киришмоқ маънолари аниқ ифодаланган: “Сўзга кижурмоқ” – сўзлашга киришмоқ: “Деб эрдик, эй Абу Али, бор бўлгайки тўтидек сени сўзга кижургайлар” (“Насойим ул-муҳаббат”, 248); “Сўз очмоқ” – сўзлашга бошламоқ: “То санга бизнинг ниёзимизга сўз очулгай” (Насойим ул – муҳаббат”, 205); ва бошқалар.

“Фарҳод ва Ширин” достонида шундай мисралар бор:

*Парининг сўзини ул ерга солмай
Парининг хотиридин кеча олмай.* (“Ф ва Ш”. 299).

Бу мисраларда “сўз” лексемаси таклиф, илтимос маъносидадир.

Сўз – аҳд, вафо, сўзида туриш маъносида. Сўзнинг мана шу маънода келиши қўйидаги сатрларда аниқроқ кўринади:

*Яна хизматимда неча юз ҳаким,
Борининг сўзи поку ройи салим.* (“С.Искандарий”, 394).

Алишер Навоий ўз асарларининг кўп ўринларида бадий тилни, бадий жанр турларини, бирор адибнинг асарини, конкрет шеърни, насрни “сўз” термини билан ҳам юритади. Навоий учун сўз бадий сўз сифатида кўп қирралидир.

Демак, Алишер Навоий тилнинг луғавий бирлиги бўлган “сўз” тушунчасини лингвистик, этикавий, эстетик, диний – фалсафий нуқтаи назардан баҳолайди. Навоий асарларида сўз – тил, нутқ, тилнинг луғавий бирлиги, луғат фонди, фикр, мулоҳаза, калом, бадий асар, бадий ижод, бадий жанр каби ўндан ортиқ маъноларда қўлланилган. “Сўз” тушунчаси адиб асарлари матнида турли иборалар таркибида келиб, у турли маъноларни ифода қилган. Келтирилган мисоллар Алишер Навоий туркий тилни, яъни ўз она тилининг имконияти ва бойлигини мукамал, теран англаганлигидан дарак беради. Алишер Навоийнинг бадий, илмий ва диний таълимот ва этикага оид барча асарларида нутқ маданияти ва одобига доир қимматли фикрлар, талқинлар ҳозирги давр тилшунослиги нуқтаи назаридан ғоят қимматли бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга эканлиги билан бугунги кун нутқ маданияти фани учун ғоят муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. III том. Тошкент Фан. 1988. 616 б.

3. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. VII том. Тошкент. Фан. 1991. 392 б.
4. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. VIII. Тошкент. Фан. 1991. 544 б.
5. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. МАТ. IX том. Тошкент. Фан. 1992. 356 б.
6. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. МАТ. X том. Тошкент. Фан. 1992. 448 б.
7. Навоий Алишер. Садди Искандарий. МАТ. XI том. Тошкент. Фан. 1993. 640 б.
8. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. XIV том. Тошкент. Фан. 1998. 130 б.
9. Навоий Алишер. Назм ул-жавоҳир. МАТ. XV том. Тошкент. Фан. 1999. 88 б.
10. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XVII том. Тошкент. Фан. 2001. 520 б.
11. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий танқидий қарашлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1959. 520 б.

**ЎЗБЕК НИКОҲ ТЎЙИ МАРОСИМИДА “КУЁВ ЎТИРСИН”
УДУМИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР**

**ÖZBEK NİKAN DÜĞÜNÜ MERASİMİNDE “GÜVEY OTURSUN”
ÖRFÜNE AİT BAZI DÜŞÜNCELER**

*Матлуба Муродова,
фалсафа доктори, Тошкент давлат миллий
рақс ва хореография олий мактаби доценти (Ўзбекистон)*

*Doç. Dr. Matluba Muradova
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi Yüksek Okulu*

Аннотация. Ўзбек никоҳ тўйи маросимида “куёв ўтирсин” удуми энг қадимий маросимлардан бири бўлиб, ўзига хос шакл, мазмун ва локал хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг кўпгина ҳудудларида сақланиб қолган “Куёв ўтисин” удумига оид қўшиқлар фольклоршунос олимлар М.Жўраев, О.Сафаров, Г.Мардонова ва бошқалар томонидан ёзиб олинган ва нашр этирилган. Ушбу мақолада Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида яшовчи ижрочилардан ёзиб олинган манбалардан фойдаланилган.

Калит сўзлар: Ўзбек фольклори, никоҳ маросими, маросим қўшиқлари, поэтик матн, постфольклор, этник фольклор, фольклор материаллари.

Annotation. The ritual “Let the bride sit down” is performed in different regions of our republic. The ritual looks different in it’s form and content. The ritual has been studied among the population of Zarafshan region in detail. The author has used scientific works of scientists in folklore by M.Jorayeva, O.Safarov, Y.Mardonova. The ritual “Let the bride sit down” and its songs are ethnographic phenomena among the residents of Samarqand, Navoi, Bukhara regions and population of Zarafshan region.

Key words: Uzbek folklore, marriage, ceremony, songs, poetry text, postfolklore, ethnic folklore, folklore materials.

Мамлакатимиз ҳудудида минг йиллар давомида шаклланган қадимий фольклор анъаналарининг ўзига хослиги аввало бу миллий қадриятлар тизимининг ҳар бир ҳудудда мавжуд бўлган фольклор ижрочилигини ўзида ифода этганлиги билан белгиланади. Шу жиҳатдан олганда, ўзбек никоҳ тўйи маросими фольклорининг жанрлар таркиби, ундаги турли-туман урф-одат, расм-русум ва ирим-сиримларнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ўзига хос турмуш тарзи ва миллий анъаналарига эга бўлган халқимиз қадим замонлардан буён хилма-хил жанрлардан иборат оғзаки бадиий ижод

намуналарини яратган. Аждодларимизнинг бадий иқтидори ва ижодий салоҳияти нақадар кенг қамровли бўлганлиги туфайли ғоят улкан фольклор мероси юзага келганки, бу бебаҳо қадриятлар силсиласи юз йиллар давомида маънавиятимизнинг тараққий этишини таъминлаган муҳим омиллардан бири вазифасини ўтаган. Зеро, “фольклор халқ оммасининг маиший ҳаёти, ижтимоий-сиёсий турмуши, кундалик фаолияти билан мустаҳкам боғланган, ўзига хос ғоявий-эстетик тизимга эга бўлган ижод сифатида юзага келган ва ривожланишда давом этган.

Ўзининг шаклланиш тарихи ва генетик асосларига кўра маросим фольклори жанрлари бадий тафаккурнинг энг қадимий намуналари сирасига мансуб бўлиб, унда ўтмишда яшаган аждодларимизнинг мифологик қарашларидан тортиб турли расм-русумлари ва ибтидоий ритуалларигача бўлган этномаданий қатламнинг изларини учратиш мумкин. Шунинг учун ҳам маросим фольклорини ўрганиш, айниқса, тарихан урф-одат ва расм-русумларнинг вербал компоненти сифатида юзага келиб, анъанавий тарзда ижро этиб келинган маросим кўшиқларини турли ҳудудлар материаллари асосида қиёсий-тарихий ва ареал фольклоршунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ўзбек халқи бадий тафаккурининг шаклланиши ва тараққиёти қонуниятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими ва унинг поэтик фольклори муайян ўзгаришларга учраган ҳолда бўлса-да, бугунги кунга қадар ўзининг жонли анъаналарини сақлаб келаётганлиги сабабли тўй маросими кўшиқларининг постфольклор сифатидаги ҳозирги ҳолати, унинг ҳудудий-локал хусусиятлари ва тарихий-ижтимоий воқеликнинг тўй маросими удумларига таъсири масаласини махсус тадқиқ этишни тақазо этади.

Ўзбек никоҳ тўйи маросими тизимида “куёв ўтирсин” удуми ҳам муҳим ўрин тутаяди. Анъанага кўра, “куёв ўтирсин” удуми “куёв ўз жўралари билан келинни олиб кетиш учун унинг уйига борганида қайнота-қайнонасига ҳурмат юзасидан ўтирмай туриши одати. Келиннинг қариндошлари, дастлаб ота-онаси, сўнг яқин хешу ақраболари келин-куёвга ўтиришга рухсат беришади; бундай рухсат бўлмагунча куёв ўтирмаган. Бу, ўз навбатида куёвнинг келинни тарбиялаб вояга етказганларга, тўйга йиғилганларга нисбатан ҳурмати, иззат-эҳтироми ифодаси ҳисобланган” (Жўраев, Худойқулова, 2008: 65).

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида “куёв ўтирсин” удуми келинни куёвнинг уйига олиб кетиш учун куёв ва унинг жўралари қиз хонадонига келганда амалга оширилади. Одатга кўра, куёвжўралар келин бўлиб узатилаётган қиз истиқомат қиладиган ҳовлида кутиб олинганларидан сўнг, янгалар уларни алоҳида хонага бошлаб кирадилар. Бу хонада “куёвбошлар”, яъни куёвжўралар ҳамда куёв учун махсус дастурхон тузатиб қўйилган бўлади. Йигитлар уйнинг тўрида қатор бўлишиб тикка турган ҳолда келин тараф янгалар ва бошқа мезбонларга эгилиб бир неча марта таъзим билан салом беришади. Янгалар уларга ўтиришга рухсат

беришади ва “куёвбошлатар”, яъни куёвжўраларнинг етакчиси ўз жўраларини ўтиришга ундайди: ҳамма жўралар ўтиришса-да, куёв ва унинг яқин дўсти ўтирмасдан, унинг тўрида тикка тураверишган. Шунда йигитлар бир овоздан қизнинг онасини чақиришади. Куёвнинг қайнонаси ҳаммага эшиттириб: *“Ола сигирим боласи сизники”*, -деб ўзининг куёвга атаган совғасини эълон қилганидан кейингина куёв билан куёвбошлатар ҳам ўтиришади ҳамда дастурхонга қўйилган таомларни тановул қиладилар (ЎзРФА Фольклор архиви. Инв.№9806).

“Куёв ўтирсин” удуми мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида, масалан, Қашқадарё вилоятида ҳам ўзига хос тарзда ўтказилган бўлса-да, умумўзбек анъаналари билан муштарак-ўхшаш жиҳатларга эгаллиги билан характерланади. Этнограф К.Шониезовнинг келтиришича, қашқадарёлик қарлуқлар удумига кўра, куёв никоҳ тўйи кун икки марта келинни келган борган: биринчи марта келганида унга сарпо кийдирилган ва сочалоқ сочилган бўлса, иккинчи марта куёш ботмасдан аввал келиб, келинни олиб кетган. Чунки куёш ботиши ёки кун ботар пайти халқимизда “кун қапишган” деб аталган ва ёвуз кучлар фаоллашадиган давр сифатида хайрли ишларни ундан аввалроқ, яъни куёш ботмасдан илгарироқ бажаришга ҳаракат қилишган. Шунинг учун пешиндан кейин куёв ўзининг бир-икки жўраси билан келинни келган ва уларни чимилдиқ тутилган уйга олиб кирилган. Куёв одоб сақлаб ўтирмай турганида келиннинг отаси билан онаси кириб келган ва қайнонаси:

Ўтиринг куёв, ўтиринг,

Давлатимизнинг шеригисиз,

Қизимизни сизга топширдик,

Сизни худога топширдик! – деган (Шаниёзов, 1964:14). Шундан кейин куёв ўтириши мумкин ҳисобланган.

Шуниси характерлики, Қашқадарё воҳасида “куёв ўтирсин” удуми никоҳ тўйидан кейин ўтказиладиган “куёв салом” маросими таркибида ҳам амалга оширилган. Тўйнинг эртаси кун тонг отиши биланоқ куёв ўзининг тоғаси ва жўраси билан биргаликда қайнотасиникига борган. У ўз қайинлари билан сўрашиб, саломлашса-да, аммо ўтирмасдан тикка тураверган. Қиз томон қариндошлар унга “Куёв ўтиринг!” -деб мурожаат қилишса-да, у ўтирмай ҳурмат билдириб тураверган. Шунда қайнотаси куёвга атаган совғаларини номма-ном санаб маълум қилган ва куёв ўтириши мумкин бўлган (Тошева, 2002: 90).

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида куёв ва унинг жўралари келинни олиб кетиш учун қизнинг уйига келишганида куёвни кутиб олиш чоғида ўзига хос айтим-қўшиқлар айтилади. Бу қўшиқ асосан куёв таърифидан иборат бўлиб, “хуш келдингиз” такрори қўшиб ижро этилиши билан характерланади. Куёв ва унинг жўралари дарвозадан киришгач, келин томон аёллардан бири “Хуш келдингиз” қўшиғини айтади:

Дарвозани бошига,

Каклик қўйиб йўрғаласин,
 Ўрта бўйли, қалам қошли,
 Куёв бола хуш келдингиз.
 Орқасидан бирга келган,
 Жўралари хуш келдингиз.
 Катта чинор, кичкина чинор,
 Чиқманг ака шохи синар,
 Шохлари синиб кетса,
 Булбул келиб қайга қўнар,
 Куёв бола хуш келдингиз.
 Орқасидан бирга келган,
 Жўралари хуш келдингиз.

Бу қўшиқда қўлланилган “каклик”, “булбул” каби поэтик тимсоллар куёв образининг бадий аниқловчилари бўлиб, “дарвозанинг бошига” “каклик қўниши” куёвнинг қиз хонадонига келганлигига ишорадир.

Куёв ва унинг жўралари безатилган хонага киришгач, уларнинг олдида “тўққиз товоқ” қўйилади. “Тўққиз товоқ” қўйишдан аввал ҳамма йигитлар ўтирса-да, куёв ўтирмасдан бошини эгиб ҳурмат бажо келтирган ҳолда тикка тураверади. Шунда куёвжўралар келиннинг онасини чақирадилар. Қайнонаси кириб келади ва куёвига ўзининг энг яхши кўрган нарсаларини, одатда, қизил тусли сигири билан қўй-қўзиларини ҳадя этади. Ўша пайтда кайвони ёки келин тараф аёллардан бири:

Куёвгинам айлансин-о,
 Зар-бахмалга белансин-о,
 Қизил сигир, бир қўй-қўзи,
 Шу куёвимдан айлансин-о.
 Лангар отам қўлласин-о,
 Хизир ота йўлласин-о,
 Қўй ҳайдаин қўрғонига,
 От бойлайин арқонига,
 Айналайин ойгинамдан,
 Сув олайин сойгинамдан,
 Гўжа туйиб буғдойимдан,
 Бахт тилайин худойимдан, - деб қўшиқ айтади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, “куёв ўтирсин” удуми Зарафшон воҳасида истиқомат қилувчи аҳоли никоҳ тўйи маросимининг анъанавий узвларидан бири бўлиб, тўйнинг икки ўрнида, яъни куёв ва унинг жўралари келинни олиб кетиш учун қиз яшайдиган хонадонга келишганида ҳамда тўйдан кейин ўтказиладиган “куёв чақирди”, “куёв чаллар”, “чорлов” маросимлари таркибида бажарилади. Бу удум ўзининг этнографик талқини ҳамда вербал қисми – поэтик матндан иборат анъанавий фольклорини ҳозирга қадар сақлаб келганлиги билан характерланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Жўраев М., Худойкулова Л. Маросимнома. Ўзбек халқининг урф-одат ва маросимлари ҳақида қисқача маълумотнома. -Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008.
2. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№9806. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида яшовчи 52 яшар Бувқант Нуруллаевадан 1960 йил 5 мартда Холмирза Ўроқов ёзиб олган.
3. Шаниёзов К. Узбеки-карлуки. -Ташкент: Фан, 1964.
4. Тошева Г.С. XX асрда Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг никоҳ тўйи маросимлари: Тарих фан. ном. дис. -Тошкент, 2002.
5. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. –Тошкент: Фан, 1974.
6. Сафаров О. “Келин ўтирсин” ва “Куёв ўтирсин” маросим қўшиқлари (Бухоро никоҳ тўйлари мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент, 1989. № 5. – Б.35-36.
7. Ой олдида бир юдуз. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: Маматкул Жўраев. -Тошкент: Адабиёт ва санъати нашриёти, 2000. -Б.106-108.
8. Тўй муборак ёр-ёр. Тўплаб, нашрга тайёрловчи Охунжон Сафаров. - Тошкент: Маънавият, 2000.
9. Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. Фил. ф. н. дисс. автореф. -Тошкент, 1996.
10. Мардонова Г. Нур тўла уй. –Тошкент: O‘zbekiston, 2011. -Б.60.

“РАҚС ТЕАТРИ”НИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

“RAKS TIYATROSU”NU OLUŞTURMA YOLUNDAKİ ARAYIŞLAR

*Шоира Ҳамидова,
Тошкент давлат миллий рақс ва
хореография олий мактаби доценти (Ўзбекистон)*

*Доғ. Şaira Hamidova,
Taşkent Devlet Milli Raks ve Koreografi Yüksek Okulu*

Аннотация. Мақолада “Рақс театри”ни яратишдаги икки ижодий изланиш босқичи тадқиқ этилган. Биринчисида Мукаррама Турғунбоеванинг “Тановар”, “Катта Ўйин” каби етук рақслари ўзига хос “рақс театри” асарлари сифатида баҳоланиб, шу нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Иккинчи қисм Ю.Исматова томонидан асос солинган “Тановар” рақс театрининг ижодий йўли ва унинг энг етук рақс театр спектакллари кўздан кечирилади. Йигирма йил давомида биринчи ўзбек рақс театри сифатида фаолият кўрсатган бу жамоанинг ижодий тажриба ва анъаналари рақс санъатига қизиқувчи ёш авлод санъаткорлари учум хизмат қилиши мумкин. Мақолада шу хулоса олға сурилган.

Калит сўзлар: Рақс, хореография, театр санъати, режиссёр, бадийлик, пластика, хатти-ҳаракат, жанр, услуб, “Тановар”, ансамбль.

Annotation. The article is about the artistic research and the emergence of Uzbek Dance. Uzbek classical dances as "Tanavar" or "Katta uyin" directed by Mukarram Turgunbaeva are considered as a reference of Uzbek Theatre Dance. Yulduz Ismatova became a successor of this amazing phenomenon and a creator of a Dance Theatre "Tanavar" which existed for 20 years. This artistic research and a great work serves as an example and inspiration for future generation of dancers and choreographers.

Key words: Dance, choreography, theatre art, director, fiction, rhythm, movement, genre, style, “Tanovar”, ensemble.

Рақс театри деганда беихтиёр кўз ўнгимизда Мукаррама Турғунбоеванинг рақслари қад кўтаргандек бўлади. Турғунбоеванинг ҳар бир рақси ўз дебочаси, ривож ва якунига эга яхлит театр сахна асари тимсоли тасаввурни беради. Бу рақслар орасида унинг “Тановар” рақси ўзининг алоҳида ҳиссий сарқатлам, кишини ўй ва фикрга тортувчи муҳим умумлашмалари билан маҳобатли бир санъат наъмунасига айланади. Бу санъаткор истеъдодининг нақадар юқори ва бетиним машқ ва меҳнатининг буюк тортиғидир.

Мукаррама Турғунбоева ўз рақс мактабини яратгунга қадар аввал мусиқали театр, Ўзбек Давлат опера ва балет театрларида балетмейстер

сифатида фаолият кўрсатиб, мусиқали драма ва опера спектакллари учун кўплаб рақслар яратди. Унинг уста Олим Комилов, Юсуф қизиқ Шакаржоновлар билан ҳамкорликда қатор балет спектакллари яратганлиги айниқса эътиборлидир. “Пахта”, “Шоҳида”, “Гуландон” каби балетлар ўзбек миллий рақс анъаналари билан йўғрилган Европача усулдаги миллий балетлар сифатида ўрин олган.

Европача бадий тамоилларга асосланган балет услубини борлиғи билан ўзбек миллий рақс санъатида шаклланган санъаткорнинг қарашларига мос тушмаслиги табиий эди. Санъатшунос олима Л.Авдееванинг буюк раққоса ижодига бағишланган китобида “Мукаррама Турғунбоева балет рақсини қабул қилмади” дея жуда ўринли таъкидлаб, уни буюк рус балериналаридан Г.Уланова, М.Плесецакяларнинг маҳоратидан хайратга тушганлигини таъкидлайди. Уларнинг ўз санъати билан инсоннинг руҳиятига таъсир кўрсатиши М.Турғунбоевани хайратга солган эди. Шу маънода уни айниқса “Оққуш кўли” балетидаги оққуш ўлим саҳнаси таъсир этгани ва “Танавор” рақсини яратишда туртки бўлганини уқтиради.

Санъатшунос Л.Авдеева Турғунбоеванинг рақсларини йиллар давомида ўрганиб, турли шароитларда кўриб, кузатиб бу санъатнинг сирини нимада экан деган саволга жавоб излаб, ҳеч қандай сир йўқ экан, у саҳнага чиқдимиз, ўз рақси оғушида яшаб, яъни рақс ҳаракатлари саҳнавий яшаш тарзига айланар экан деган хулосага келади. У ўрганилган ҳаракатларни такрорламас, уларни шу лаҳзада томошабиннинг кўз ўнгида ўзидан ўзи туғилаётган ифода омиллари тарзида намоён бўлар эди. Биз буни кечинма санъати деймиз, кўпгина буюк ўзбек драма актёрларнинг ижоди шу услубга асосланган. М.Турғунбоева оққушнинг ўлимида, яшаш сари талпинишларида, инсоннинг севиш ва яшашга бўлган иштиёқи, унинг эзгу интилишларини кўргандек эди.

“Танавор” рақсини Л.Авдеева рақс-монолог ва энг сирли рақсдир, дейди. Унда инсоннинг ички ҳис-кечинмалари, нозик ва тимсолий маънога умумлашган образлар орқали намоён бўлган.

М.Турғунбоева рақсларни қандайдир тилсимот таъсирига тушгандек борлиғимиз билан берилиб томоша қиламиз. Рақс тугагач қарсақлар ҳам унча кўтарилмайди, лекин уни кўнглимиз тўймагунча уни саҳнадан чиқармаймиз. Сабаби у ўз рақсларининг сеҳри билан кўнглимизни олиб бўлган ва бизни ўзига тоъбе қилиб қўйган эди. Бу нима ҳисобига бўлди? Бу унинг инсоннинг руҳий оламига кириш маҳорати, саҳий қалб харорати, инсонга нисбатан бўлган меҳр-оқибат ҳисобига амалга ошди.

М.Турғунбоева инсонни маънавий комиллик руҳида тарбиялашда ўз рақс мактабини тўла тасдиқлаш, чинакам халқ мулкига айлантириш мақсадида 1954 йили “Баҳор” рақс ансамблини ташкил этади. Ансамбл тез фурсат ичида халқнинг олқишига сазовор бўлади ва унга ҳукумат

томонидан Ўзбекистон Давлат рақс ансамбли деган ном берилади. Бу миллий санъатимиз ривожда тарихида рўй берган ажойиб воқеа эди.

Биз рақс театри ҳақида сўз очаётган эканмиз, бу санъат – театр турини дунёга келишида рақс ансамблида улкан раққосалар жамоасида ҳар бир рақсни театр мулки, кичик театр спектакл сифатида яратилганлиги ва Турғунбоева мактабини бутун ўзбек рақс санъатининг асосий мактаби – услубига айланиб борганлигини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади.

Турғунбоеванинг энг сара рақслари ўз моҳияти эътиборидан мақом санъатига хос, инсон қалбини тарбиялашга қаратилганлиги билан кўзга ташланиб туради.

Турғунбоева ўзи ижро этган ва сахналаштирган рақслари мумтоз рақслар тарзида ҳозирда ҳам яшашда давом этиб келади. Нега биз уларни рақс асари деб атадик? Сабаби, уларнинг туб мазмуни ва моҳияти инсон тимсолини яратиш билан боғлиқ. Ташқи жиҳатдан жозибадор, кўнгил очиш воситсига айланган рақс, театр рақси махсули бўла олмайди.

Рақс театри театр санъатининг алоҳида тури бўлиб биринчи ўзбек рақс театри 1984 йили барпо этилди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юлдуз Исматова ташкил этган эди. “Тановар” деб аталган бу жамоа йигирма йил яшашда давом этди. Ю.Исматова йигирма йиллик меҳнати самарасини кўрмаёқ 2004 йили ёруғ дунёни тарк этди. Бу фидойи санъаткорнинг спектакллари одамлар хотирасида қолди. Айниқса ижодкорнинг изланишларини кузатиб, керагида маслаҳатлар берган санъатшунослик фанлари доктори, профессор Т.Турсуновнинг “Рақс театр санами” (“Театр” журнали 2004 йил 4-сон) деган ажойиб таҳлилий мақола бизга мерос бўлиб қолди.

Ю.Исматова театр санъатининг рақс театридек янги турини яратишдек эзгу мақсадга қўл урдики, бу ҳақиқий ижодий жасоратдир. Янги сўзи аслида янги эмас. Боиси драма театрининг ўзи рақс театридан дунёга келган. Раққос - актёр қадимда ўз ҳаракат ва рақслари билан эстетик ҳис – кечинма уйғотиш қатори инсоний ва ижтимоий муносабатлар ғоя ифодачиси, ижодкор сифатида кўринган.

Т.Турсунов рақс театрини тузиш Ю.Исमतованинг қисматига айланганлигини уқтиради. “Раққоса, актриса, режиссёр Юлдуз Исматовага толе ўзбек миллий рақс театрининг санами бўлишни тақазо этди, - деб бошлайди муаллиф ўз мақоласини, уни худди қисматдек елкасига юклади, унинг вужуди ва шуурини рақсни театр билан боғлаш, орзуми, интилишми ҳали ўзига ноаниқ мақсад эди” – дейди.

Кашфиётлар осонликча дунёга келмайди, бунинг учун ўзини баҳш этмоқ керак. Исматова мақсадига эришгунча узоқ ва машаққатли изланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб хореография билим юртини тугатди, раққоса сифатида Муқимий номидаги мусиқали театрда ишлай бошлади, айнан шу фаолияти давомида унга мақсади сари йўл очила бошлади. Раққосалик истеъдодининг алоҳида мафтункорлиги билан М.Турғунбоева эътиборига

тушди, унинг шогирдига айланди ва устознинг далда ва ёрдамлари билан мақсад сари интилишда давом этди. Аввал М.Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти актёрлик, сўнг 1984 йили режиссёрлик бўлимларини тугатди.

Ю.Исмаатовани ўша кезлари Ўзбекистон телевидениеси қошида очилган рақс ансамблига режиссёр сифатида таклиф этилиши унинг рақс театри тузишдек эзгу мақсадини рўёбга чиқишида муҳим воқеа бўлди.

Исмаатовани ижодий режани рўёбга чиқаришда нақадар тўғри, илмий асосланган йўл тута олгани, уни режиссёр, йирик ижодкор шахс эканидан далолат беради. Рақс театри фақат рақсга асосланади, унда инсоний муносабатлар, мураккаб ички кечинмалар барчаси фақат рақс орқали намоён этилади. Шундай вазифани ансамбл раққосалари адо эта олармикан? Исмаатова шу саволга жавоб топиш, ҳар бир иштирокчининг нимага қодирлигини билиш учун уларни мумтоз рақслар ижросида синаб кўришга қарор қилди. Бу жуда жиддий синов эди.

Алишер Навоийнинг “Саббаи сайёр” асари асосида яратилган “Севги нидоси” спектакли Ю.Исмаатованинг рақс театри йўналишидаги биринчи қадам деса бўлади. Драматик воқеалар тизимига бой либретто муаллифи Ю.Исмаатова ва мусиқа муаллифи М.Бобоев. Яна муҳим жиҳати унинг марказида икки бош қаҳрамон: Дилором ва Баҳром образларини ифодаланиши бўлди. “Севги нидоси”да санъаткорнинг узоқ вақт давомида режалаштириб юрган интилиш ва ғоялари намоён этилган.

Рақс театри асарнинг ғоявий қиймати шундаки, улар ижтимоий маъноси, аҳамияти теран воқеалар асосига қурилган. “Улуғбек буржи”, “Қадимий маросимлар”, “Темурий маликалар”, “Увайсий”, “Мозийдан садо” каби асарлардир. “Темурий маликалар” спектаклида буюк Соҳибқирон Темур образини яратилишининг ўзи ажойиб ҳодисадир.

Исмаатова ўзи саҳналаштирган барча асарлар либреттосини ўзи яратган. Бунга у тўла ҳақли эди, сабаби рақс, пластика, воқеалар орқали қандай кенг ва гўзал намоён бўлишини балетмейстернинг ўзигина билади. Исмаатова “Темурий маликалар” асарига мазмунан кўламдор ва рақсда чинакам нафосат ифодасига айланиши мумкин бўлган воқеалар тизимини топган. Бу ерда Соҳибқирон қатори Бибиҳоним ҳам асосий қаҳрамон тарзида кўринади. Уларнинг набиралари Ҳалилсултон билан унинг севгилиси Шодимулқоним орсидеги ишқий муносабат бош воқеага айланган.

Ю.Исмаатова спектаклларида рақс театрининг бадиий эстетик хусусиятларига хос туб тамоиллар ўз ифодасини топган. “Ўзбек рақс театри ижодкорининг, хусусан Ю.Исмаатованинг эътиборли ютуқларидан бири, рақс спектаклларида теран мавзу ва ғояларни сингдира билишида кўринади. Қайси спектаклни олмайлик, бу хусусият яққол кўзга ташланади” - деб ёзди Т.Турсунов.

Бу эътироф ва таърифнинг ўринлилиги шундаки, рақс театри ҳам драма театри каби инсон тимсоли ифодаси орқали инсонга хос энг жиддий муаммоларни ўз ифода омиллари орқали бадиий тадқиқ этишга қаратилган санъатдир.

Ю.Исматованинг “Тановар” театри Ўзбекистонда кенг танилиши қатори ўз спектакллари билан Франция, Белгия, Голландия каби мамлакатларда ижодий сафарда бўлиб хорижда ҳам эътироф этилган жамоа сифатида тарихда қолди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақс тарихидан. –Тошкент: Мукаррама Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс миллий рақс бирлашмаси”, 2001.
2. Авдеева Л. Мукаррама Турғунбоеванинг рақси. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашрети.
3. Тамарахоним. Моя жизнь. А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. –Тошкент, 2009.
4. Турсунов Т. Саҳна ва замон. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007.

HISTORY AND DEVELOPMENT OF CINEMATOGRAPHY

*Ikboljon Melikuziev,
Uzbekistan State Institute of Arts and Culture
Docent head of the Department of
Sound directing and cameramen skill (Uzbekistan)*

Annotation. This article discusses the history and development of cinematography in Uzbekistan and the processes of creative development of arts in the development of Uzbek cinematography.

Key words: Cinematographer, film director, critic, image, lightness, recurs, production, picture, plastics, rhythm, composition, editing, scenario, method.

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек кинематография тарихи ва ривожланиши санъатнинг ижодий ривожланиш жараёни ёритилган.

Таянч сўзлар: Кинооператор, режиссёр, кино танқидчи, матн, фотография, бадиий образ, нур-соя, ракурс, ранг-тасвир, композиция, услуб.

The art of cinema in Uzbekistan is regarded relatively young art. The devoted to the cinema did their best to accelerate its development, and as a result the Uzbek cinema art has gained the current appearance within the period of more than a half century.

The cinema art is formed on the basis of technical means of artistic creativity; an important part of screen art; shooting real world as it is or through artistic documentary images, means of animation; including television, videocassettes and video clips which serve to distribute films to public. The cinema art appeared simultaneously with the cinematography art. A cinematograph arose in connection with the development of science and technology and gradually became the most important sphere of economy, art and culture. Cinema first appeared in Paris in December 28, 1895 (inventors brothers August and Louis Lumiers). In turn its appearance was objective legality stage in the history artistic culture of mankind. In the cinema art the experiences of literature, theatre, visual art and music are harmonized with their aesthetic aspects; the reality in its expressing means is shown through photographic image.

The ideological artistic influence of the cinema art is very strong in upbringing public's socio-political and cultural aspects, in forming people's mind, ideas and opinions, aesthetic sense of taste, and in general their spirituality. Thanks to the American director D.Griffate the art of cinema has achieved its development. He was the first to use such expressing means, as close-up, parallel installation, extended panorama and others.

Also S.Eyzenshtain, Ch.Chaplin, E.Shtrawgaim, K.Dreyer, K.Vidor, R.Clair, as well as contributed to the cinema art development. In the first half of XX century in the genre system new types of movies, like comedy, adventure and horror films came into the cinema world. Since 20s the cinema art faced various methodological researches.

For instance, there appeared ‘expressionism’, ‘poetic film’, ‘secret film’ movement, ‘open film’ and very many others. Later a special attention was paid to movie stories. And the number of films narrating a definite history increased. In the years after the war the basics of the world screens were occupied by the films made by cinematographers from the leading countries, particularly Italian neorealism. At the end of 50s in the cinema art there were a number of important changes, such as, mutual influence of the cinema art with TV; producing films lasting for several hours. At the same time there formed and developed TV screen works connected with the cinema art. Appearing cinematography in Asia, Africa, Latin America and some other countries, development of specific cinematography schools in the western countries supported variety in the film production (Teshabaev, 1968: 69-70).

The art cinema enriched in genre and methods. The creative work of the screen began to implement different shapes of polyphony. In highly developed countries old genres faced Renaissance. First of all, traditional forms began to revitalize in melodrama and cinematographic narration.

However, wide spread of new television system (cable television), broadcasting through satellite, videotape, videocassettes, and videodiscs caused some difficulties in the development of the cinema art. The art of cinema is a production of creative team: a playwright, a director, an actor, a cameraman, a cinematographer, a composer. A director is the leading person in the cinema. Film making involves two sides: creation and production. The centre of film production is film studio. Ready production of a film is shown through film distribution and exhibition system. The screen has its own means of expression: general shooting, medium and closed-up; the movement of cameras at perspective; different forms of editing episodes and personnel. There are 4 types of the cinema art: feature film, popular science film, documentary and animated film. Of them feature film is regarded as the main type of the cinema art, which is shot on the bases of specially written script or rewritten fiction (documentary or fiction prose, theatre drama and so on) narrating real or imaginary events with the help of performing means of creation.

Scientific popular films introduce cinema audience to the life of nature and society, scientific inventions and discoveries. Another important type of the cinema art is animated films. The most common forms are films created on pictures and puppets. Pictures drawn by an artist or models are made to move to film them.

A documentary film films real events and movements. There are also such genres of the cinema art, as comedy, historical, drama and adventure films. The first film in Uzbekistan was shown in 1897 in “Eski jova” square. Since 1908 a number of foreign films were shown in Tashkent, Samarkand, and Kokand and in other towns. The films shown in Central Asia were mainly American and French films depicting oriental exotics. The Uzbek national cinema art appeared in the 20s of XX century. The first Uzbek cinematography Khudaybergan Devanov in his first documentary chronicle films showed the life, traditions and customs of Uzbek people and views of Khorezm as well (Teshabaev, 1968:10-11).

The foundation of Russian - Bukhara company “Bukf kino” in 1924 and “Shark yulduzi” in Tashkent in 1925 (from 1936 “Uzbekfilm”) started the development of the Uzbek cinema art. But in the result of the shortage in the national specialists the attempts to found a studio and regularly shooting processes were not successful.

Coming of not recognized Russian cinematographers to Tashkent film studios and lacks in their professionalism couldn't afford to create films with real national content. The films made by them were only on exotic and propaganda character; the life of the Uzbek people was shown as it was. Russian actors played the roles of Uzbek women, in the result of which the inner world of a hero, his psychological experiences could not be revealed. For instance, “Tower of death” (dir. V.Viskovsky), “A Muslim girl” (D.Bassaligo), “The second wife” (M.Dronin) and others. The refuse of using national prose and drama in making a film, creation of films based on the screens written by Russian playwrights who didn't know the life of the Uzbek people well enough was a great loss in the cinema; for a long time it didn't have their own image. It was like a barrier to the development of the Uzbek national cinema. Silent films of that time expressed the opinions of European specialists, because they were made by the authors who were very far from knowing national traditions. The films “Umbrella cab” (O.Frelikh), “Ravat jackals” (K.Gertel), “Sly paw” (V.Kozlov), ”Tent” (M.Averbakh). Appearing sound films raised the artistic value of the Uzbek cinema industry. The first Uzbek sound film “Swear” (A.Usoltzev-Graf, 1937) expressed national actor's culture, the Uzbek life and psychology. There appeared the drama based on social contradictions. As, all the roles were played by Uzbek actors. But the film was between the past and the present day, because it was not free from the remnants of old cinema culture like the film of silent film period. Therefore the films produced in that time didn't reach the level of the films made in Georgia, Azerbaijan. Despite this, the film “Nasriddin in Bukhara” (Ya.Protazanov, 1943) could reveal real opportunities of people's theme, it showed how beautifully and expressively descriptive means lines could be built, and at last it showed the highest performing method.

The film “Takhir and Zukhra” (dir.N.Ganiev, 1945) broke boundaries of the films based on folk fairy tales, laid the ground work of creating historical films and it gave possibilities to feel the width of expressive potential opportunities in the national spirit. Later on created film “AlisherNavai” (dir. K.Yarmatov, 1947) was made on the fundament of the film “Takhir and Zukhra”. Also, films like “Boy ilakhizmatchi” (“The rich man and a servant”), “Qutlugqon” (“Sacred blood”) (L.Fayziev, 1953, 1957), “Shokhisuzana” (A.Beknazarov, 1954) were screened. A new look to the modern requirements and avoid from old dogmas appeared in the young cinematographers of the Uzbek cinema art, and they began to feel the world poetically. Along with this there appeared films which opened a new page in the Uzbek screen cinema art, explained that real life doesn't consist of only love, having fun, spending time in the cafes, well dressing and they played educational roles in upbringing the urban youth. This can be seen particularly in the work of the director E.Eshmukhamedov, “Nafosat” (Tenderness”), (1966), “Loving pair” (1969). The following films are the examples of

the above-mentioned: "Maftuningman" ("Charmed with you") (dir. Yu.Azamov, 1958), "Makhallada duv-duv gap" ("Much spoken in the neighbourhood"), "You are not an orphan", "The sun in your heart", "Tashkent is the city of bread" (1960, 1962, 1966, 1967, dir. Sh.Abbasov), "Sinchalak" ("A blue tit"), "Ulugh-bek's star", "Natashahonim" (1961, 1965, 1966, dir. L.Fayziev), "The passing days" (1969, dir. Yu.Azamov) and others. Organizational and creative activities of film creators, considering accumulated experience with new eyes and increased requirements to the screen art were the reasons of creating historical revolutionary films, such as, "The crash of Black council" (dir. K.Yarmatov), "The seventh bullet" (A.Khamraev), along with a number of films in the contemporary subject: "Intensity" (dir. U.Nazarov), "The summer rain" (A.Kabulov), "At the footstep of disaster" (Z.Sabitov), "The tragedy of love" (Sh.Abbasov), "Flaming blind alleys" (Yu.Azamov), "A bitter fruit stone", "Other's happiness" (dir. Q.Kamalova), "Human follow a bird" (dir. A.Khamraev, the film which won the International Film Festival "Silver Peacock", in Dehli, 1976), "The duel under the plane" (M.Abzalov) and etc. As well as there were made films about the life of the great thinkers, "Nodirabegim" (dir. K.Yarmatov), "Abu Rayhon Beruni", "Fiery roads" (Sh.Abbasov) and "Abandoning from darkness" (Yu.Azamov), "Mischievous" (D.Salimov) and others. The Uzbek cinema art strived for perfection in creating films that convey social processes happening in the society, and widening researches in the film industry (Abulkasimov, 2008: 25-27). The quality and number of the screen and rose; genres became stronger in shape and content, their variety grew, it was noticeable avoiding from old habitual contents. The films "Alibaba and forty thieves" (dir. L.Fayziev, U.Mekhra), "That guy came back". (R.Botirov), "The golden sheep wool skin", "Renaissance" (L.Fayziev), "Disobient" (A.Kabulov), "Judgement debt" (U.Nazarov), "The youth of a genius", "Numbing" (E.Eshmukhamedov), "The password is hotel 'Regina'" (Yu.Azamov), "Dissatisfaction", "Joyous", "Rebellion of daughters in law", "Maysara's tricks" (M.Abzalov), "In the embrace of dreams" (F.Zaynutdinov), and other films are characterized by variety in aesthetic quality and new forms.

In the last ten years the Uzbek cinema art has faced intense development M.Abzalov, Z.Musakov, Yu.Sabitov with their interesting films have begun to make films, where solving problems of present time, the youth's painful aspects of the life were the main content in them and of course the variety of methodologies were supported.

The films, "Till the morning" (Yu. Azimov), "The voice of ancestors"- (G.Shermukhamedov), "Don't leave" (J.Ishakov, R.Sadullaev), "Victims of love"- (A.Ismailov) are worth noticing. The year of 1966 was an important point in the national cinema. According to Resolution of the Cabinet of Ministers №247 July 12, 1996, the "Uzbekkino" became a public joint stock company. The decree urged the Uzbek cinema art to new researches, to keep consentient with the tasks of the present time, to find the ways to draw public's attention, self funding, to be armed with the new technical equipment. As a result of the decree there appeared the films with the newest

interpretation, “The youngest daughter”(R.Kubaeva), “Environment covered with snow” (K.Kamalova), “The star sky” (F.Davletshin), “The great Amir timur” (I.Ergashev, B.Sadikov), “Margiyana” (H.Fayziev), “The passing days” (M.Abzalov, H.Fayziev), “Pe-destrian” (R.Malikov), “Thanks to the creator” (Z.Musakov), “Love” (I.Ergashev), “My only keepsake” (S.Nazarmukhamedov), “Tilsimoy-a miraculous girl” (M.Baymukhamedov). Nowadays the social authority of films has increased, limits of contents expanded, the scope of the works of local writers became noticeable. The folklore, historical, modern and philosophical themes have been developed. The films “The kingdom of womankind” (Yu.Razikov), “The scorpion flower” (S.Nazarmukhamedov), “Parimomo” (M.Rajabov), “Mother” (Z.Musakov) are considered as the best films of the last years.

The founder of the Uzbek cinema Nabi Ganiev and People`s Artist Kamil Yarmatov introduced the Uzbek cinema to the world and they are regarded the brightest page in the history of the Uzbek cinema art (Ismailov, 2004: 58-59).

In addition, the deeds of the directors Yu.Azamov, Sh.Abbasov, L.Fayziev, Fayziev, R.Batirov, A.Khamraev, A.Kabulov, K.Kamalova, Z.Musakov, I.Ergashev, H.Fayziev, and cinematographers, as, H.Fayziev, A.Pan, M.Krasnuansky, A.Mukarramov, M.Penson, D.Fathullin, A.Ismailov, L.Travitzky, D.Abdullaev and other talented film-makers are significantly great in developing our national cinema and being equal with best the films of the world. The films of today`s young film-makers are also worth being praised. In the nearest decade one can see that film producers keep the tendency transferring from daily themes to new social spiritual themes. It means that, in future the young creators will do their best to produce films artistically perfect, rich in content, which will glorify our nation.

References:

1. Teshabaev J. The history of the Uzbek cinema. –Moscow, 1968.
2. Abulkasimov Kh. The history and theory of Cineteleradio. –Tashkent, 2008.
3. Ismailov A. The art of cinematography. –Tashkent, 2004.

**ШТРИХИ К ТВОРЧЕСКОМУ ПОРТРЕТУ КАРАКАЛПАКСКОГО ТЕАТРА (70-80
ГОДЫ XX-ВЕКА)**

**KARAKALPAK TIYATROSUNUN SANATSAL PORTRESİNE ÇİZGİLER
(20.YY.IN 70-80'LI YILLARI)**

*Р.Ж.Уснатов, и.о. доцент
Государственный институт
искусств и культуры Узбекистана*

*Doç. R.C. Usnatov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. В Статье рассматривается творчество каракалпакских художников, его ценность, результаты исследований и искусство режиссуры. Ему пришлось преодолеть много трудностей при работе с изображениями и массивами, созданными в постановочных представлениях, на основе вдохновения, написанного многими творческими писателями. Создатели этого пути являются примером современной молодёжи. Это можно увидеть на примере нынешних художников.

Ключевые слова: Театр, актёр, режиссёр, драматург, репертуар, балетмейстер, автор, композитор, репетиция.

Annotation. In the storycreative works which were cherried by Karakalpak authors had a separate importance with its quantity, results of search and skill of producer in talk. By working on images and decorations which were created by performances which were staged on the base of play written by polyhedral authors who functioned in that epoch were difficult. The authors who showed selflessness in this year are accounted as a pattern for nowadays students. It can be seemed as an example of authors who are functioning in this days.

Key word: Theatre, actor, director, playwright, repertoire, ballet master, author, composer, repetition.

Каракалпакском национальном театре в становлень который встречался со многими творческими, а также организационными трудностями. В 70-80 годы XX века театр своей творческой работой стремился утверждать новую позицию к активному творческому поиску, новых выразительных средств, равнозначных поиску нового стиля, обновлению собственных возможностей в лице каракалпакских актёрских и режиссёрских силах.

В первой половине 60-х годов XX века репертуар каракалпакского национального театра не обеспечивал благоприятные условия для

динамичного роста коллектива, полного раскрытия потенциальных возможностей его одарённых мастеров. Этот короткий период в истории национального театра наименее эффективен с точки зрения роста режиссёрского искусства театра. Режиссёры старшего поколения театра, такие как Юлдаш Шарипов и приглашённый С.Григорян не сумели сплотить коллектив и фактически не создали ни одного настоящего спектакля. Частичные успехи некоторых из постановок, интерес к ним зрителей были обусловлены главным образом отдельными актёрскими достижениями. К примеру современный комедийный спектакль «Палуас» (драматург С.Хожаниязов, режиссёр Ю.Мамутов), чья популярность объясняется отличным исполнением ролей виднейшими мастерами национального театра Айимхан Шамуратовой, Рейимбай Сейтовыми Уразбаем Умиткуловым. Тут за каждой ролью стояла от природы блестяще одарённая актёрская личность с их большим опытом и мастерством, накопленные за многие годы их творческой деятельности (Баяндиев, 1987: 76).

Как и в прошлые годы главной причиной трудностей театра было отставание национальной драматургии.

Не было удачных пьес на современные темы, винить в этом только драматургов нельзя, либо их судьба складывалась сложно под давлением очередных «творческих установок» сверху. В этих условиях недостаточно сильная режиссура оказывалась уже беспомощной. Она делала свое дело, то есть третируя актёрские штампы.

Творческий коллектив национального театра фактически был лишён возможности поиска острых конфликтов окружающей жизни, он не мог вести честный, бескомпромиссный, заинтересованный диалог со зрителем. Чаще всего он безработно плыл по течению, как и многие другие театры, молча принимал к сведению указания сверху и, особо не размышляя, как бы передавал их дальше публике.

Такая творческая пассивность, такое следование идейно-эстетическим догмам неизбежно рождали бескровные схемы в режиссуре, повторения привычных штампов в актёрском искусстве. Каракалпакский театр в это время буквально задыхался без свежей оригинальной мысли, которую могла привести только добротная литература-драматургия или же проза. Но местные драматурги, к тому же, были пассивны, до прозы руки не доходили, да кроме того, надо было ещё уметь с нею работать. Театру мало что оставалось делать в такой обстановке. разве что дублировать репертуар узбекских коллег, где полнокровные оригинальные пьесы на современные темы появлялись.

Выход национального театра из такого кризисного, застойного положения наметился в начале 70-х годов, когда на должность главного режиссёра театра был приглашён Г.Абдулов, специалист с большим потенциалом и творческим опытом, твёрдо знавший свое ремесло, да ещё воспитанный в традициях русского реалистического театра, повлиявший на

судьбы молодых актёров. Эту творческую инициативу опытного режиссёра поддержал молодой, энергичной, принципиальный в творческих вопросах Куатбай Абдуреймов, Т.Абдулов и К.Абдуреймов, которые сразу же начали заботиться об обогащении национального репертуара, а это означало приток новых ролей.

В обновлении национального театра в начале 70-х годов заметную роль сыграли и молодые актёры театра – недавние выпускники актёрских факультетов Ташкентского театрально-художественного института им. А.Н.Островского (Баяндиев, 1992: 48).

Спектакли этого периода “Судьба актрисы” И.Юсупова, “Алдар кўсе” (Безбародый обманщик) казахского драматурга Ш.Хусаинова, “Первая любовь” татарского писателя Х.Бахыта, “Отелло” Шекспира, “Дочь каракалпака” по роману известного каракалпакского писателя Т.Каипбергенова (инценировка Г.Абдулова и Т.Баяндиева) поставленные главным режиссёром театра Г.Абдуловым и молодым каракалпакском режиссёром К.Абдиреймовым свидетельствовали о стремлении театра к всестороннему качественному его обновлению, прежде всего к тематическому и жанровому многообразию и поиску яркой сценической формы, к умению реализовывать режиссёрские идеи через актёра единомышленника.

В лучших постановках этого периода наблюдалось и самостоятельное стремление каракалпакской режиссуры отойти от плоского бытовизма, освоить более сложные системы художественной образности, проникнуть в природу поэтического начала. Свидетельство тому спектакли «Материнское поле» по повести Ч.Айтматова, «Абу Райхон Беруни» Т.Сейтжанова, «Дочь каракалпака» по роману Т.Каипбергенова (Турсынов, 1988: 184).

Спектакли «Абу Райхон Беруни», «Дочь каракалпака», «Невестка», «Алмандар из Алдермуша» могли стать очень заметными, по сути, этапными явлениями в каракалпакском театре именно потому, что театр в это время переживал важную пору своего обновления и в репертуаре, и в актёрском искусстве, и в режиссуре. Одновременно поисками новых путей и средств сценического воплощения шла борьба за создание творческого коллектива единомышленников, способного целенаправленно добиваться подъёма мастерства на основе глубокого владения реалистическим методом.

Работая над драматическими произведениями местных авторов, молодые национальные режиссёры и актёры всегда, как правило, бережно относились к авторскому замыслу, стремились лучше раскрыть подтекст и особенно тонкости юмора и литературного богатства своего языка.

Актёры Досберген Ранов, Нажиматдин Ансатбаев, Шамурат Утемуратов, Райхан Сапарова, Базарбай Узакбергенов, Жалгас Султабаев, Балтанияз Каипов, Бегебай Алланиязови другие в лучших своих ролях стремились максимально использовать традиции народного творчества,

яркую эмоциональность, образность, искренний юмор фольклора (Станиславский, 1973:127).

В анализируемый период национальной театр впервые за годы своей истории повернулся лицом к большой многонациональной, в том числе и к местной каракалпакской прозе. Каракалпакские зрители увидели инсценировки романов «Овод» Войниа, «Джамиля», «Материнское поле» Ч Айтматова, «Дочь каракалпака» и «Маманби» Т.Кайпбергенова, «Халкабад» Ш.Сеитова и другие. Это была вовсе не дань моде, а взвешенный, трезвый учёт новых тенденций в соседних казахском и киргизском театрах, тем более молодёжь, истинные любители большой прозы знали и любили замечательные романы и повести Чингиза Айтматова, Толепбергена Кайпбергенова или же Шаудирбая Сейтова.

Актёры же каракалпакского театра в это время тосковали по настоящей большой литературе, и тут и они, и зритель нашли тот выход, который удовлетворял общие интересы.

Список литературы:

1. Баяндиев Т. Куатбай Абдреймов. -Нукус: Каракалпакстан, 1987.
2. Баяндиев Т. Рейимбай Сейтов. -Нукус: Каракалпакстан, 1992.
3. Турсынов Б. Драматургия ҳәм театрымыздың мәселелери. -Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988.
4. Станиславский К.С., Немирович-Данченко Вл. Об искусстве актёра-певца. -Москва: Искусство, 1973.

**ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ТУРМУШ” ҲИКОЯСИДА
КОМПОЗИЦИОН ТАФАККУР МАСАЛАСИ**

**ERKİN AZAM’IN “TURMUŞ” HİKAYESİNDE KOMPOZİSYON DÜŞÜNCE
MESELESİ**

*Машхура Шералиева,
PhD, Андижон давлат университети
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Dr. Meshura Şeraliyeva
Andican Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Özet: Makalede Özbek yazarı Erkin Azam’ın “Turmuş” (“Yaşam”) hikayesinin kompozisyon düşüncesinin kendine özgü yönleri tahlil edilmektedir. Nitekim, eserin bölümleri arasındaki mazmunsal ilişki, kompozisyon usuller ve onların fonksiyonu, detay ve tafsilatların önemi değerlendirilmiştir.

Anahtar kelimeler: Hikâye, kompozisyon, kompozisyon düşünce, kompozisyon usul, detay, tafsilat.

Аннотация. Мақолада ёзувчи Эркин Аъзамнинг “Турмуш” ҳикоясида композицион тафаккурнинг ўзига хослиги тадқиқ этилган. Жумладан, асар қисмлари ўртасидаги мазмуний алоқа, композицион усуллар ва уларнинг функцияси, деталь ва тафсилотларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Ҳикоя, композиция, композицион тафаккур, композицион усул, деталь, тафсилот.

Annotation. The article explores the features of compositional thinking in the story of E. Agzam “Turmush” (“Life”). In particular, the issues of semantic relations between parts of the work, the role of compositional techniques and their functions, the meaning of details and details are considered.

Key words: Story, composition, compositional thinking, compositional technique, detail, details.

Бадий асар поэтикасини тадқиқ этишдаги муҳим муаммолардан бири композицион тафаккур масаласидир. Ёзувчи Эркин Аъзамнинг бу борадаги маҳоратини “Турмуш” ҳикояси таҳлилида кўриб чиқамиз.

Ҳикоя сюжети уч ҳафта давомида рўй берган воқеаларни қамраб олган. Ҳикоядаги сюжет вазиятига сабаб бўлган воқеа ретроспектив тарзда берилади: асар қаҳрамони хотинини бир тарсаки ургани ва Малика болаларни олиб отасиникига кетиб қолиши Тилакнинг бироз аввал бўлиб ўтган воқеаларни эслаши тарзида берилган; коллизиянинг ечими ҳам сюжет вақтидан ташқарида қолдирилади: ровий Маликанинг қайтиб

келишини, ҳозирча қаҳрамон бундан беҳабар эканини айтган жойда асар яқунланади. Кўринадики, коллизияни юзага келтирган воқеа ва унинг ечими сюжет вақтига эмас, композиция вақтига тааллуқли. Муаллиф асар давомида фақат Тилаккагина тааллуқли воқеаларни ҳикоя қилар экан, қўйилган муаммо айна персонажнинг ўзига алоқадор эканини урғулашга эришади.

Шу ўринда асар қисмлари ўртасидаги мазмуний алоқага тўхталмоқ керак. Қўйилган проблематикани ифода этиш нуқтаи назаридан асар тўрт қисмга бўлинган. 1. Бир неча соат аввал Малика болаларини олиб отасиникига кетиб қолган, Тилак диванда мана шу воқеани ўйлаб ётибди (*биринчи кун*). 2. Тилакнинг эртаси куни ишдан қайтишдаги ўйлари (*иккинчи кун*). 3. Тилакнинг ёлғиз ўтказган кунлари (*иккинчи кундан бошлаб Хуррам келгунича бўлган йигирма кун*). 4. Ҳайкалтарош Маратнинг устахонасидаги ўтириш, Тилакнинг уйга қайтиши, уйда ухлаётган қизчасини кўриши (*йигирма биринчи кун*).

Ҳар бир қисмда берилган воқеаларнинг кетма-кетлиги, изчиллиги иллюзиясини ҳосил қилиш учун муаллиф ривояда айрим тафсилотларни бериб ўтади:

I. 1-биринчи қисм охирида: “*У эрталаб соқол қираётганида...*” (Ишга бориш учун тайёргарлик);

II. 2-қисм бошланишида: “*Тилак ўша куни ишдан қайтаётиб...*” Шундан сўнг Тилакнинг қайта уйланиш ҳақидаги ўйлари ва бу борада дўсти Маратнинг ўгитлари, у билан танишиш тафсилотлари келтирилади; 2-қисм охирида: “*Энди ҳайкалтарош ошnasi (Марат – М.Ш.) ҳар замонда <...> қўнғироқ қилиб қолади*”.

III. 3-қисм бошланишида: “*Тилак уйи олдига етиб, илинж билан деразаларига кўз тикди. <...> “Маратнинг олдига борсам бўларкан, – деб ўйлади...*” Шу куни у Маратникига бормади; 3-қисм охирида: (Орадан йигирма кун ўтгани айтилгач): “*Тилак ишдан кейин уйга қайтгиси келмай, <...> Маратнинг устахонасига қўнғироқ қилди*”;

IV. 4-қисм бошланишида: “*Тилак ҳамма ёғи лой-гил, ивирсиқ устахона ўртасида...*”.

Албатта, ажратиб берилган тафсилотлар асар қисмлари орасидаги алоқадорликни ташқи томондан таъминлайди, воқеалар кетма-кетлиги иллюзиясини ҳосил қилади, макон ва замон ўзгаришларидаги “чоклар”ни сездирмайди. Натижада ёзувчи ривоя ва сюжетнинг ўзаро яхлитлигига эришади.

Ҳикояда композицион тафаккурнинг бутунлиги, яхлитлигини таъминлаган учта сатҳни айтиб ўтиш зарур: персонажлар тизими, сюжет ҳамда ривоя. Сюжет ва ривоянинг ўзаро уйғунлигига юқорида бир қадар тўхталдик. Навбатдаги масала персонажлар тизимининг ёзувчи бадий ниятини ифода этишдаги аҳамияти ва унинг сюжет билан алоқасини кўриб чиқишдан иборат.

Ҳикоя марказига чиқарилган қаҳрамон – Тилак; ундан бошқа асарда яна учта персонажни кўрамиз: Тилакнинг ҳайкалтарош дўсти Марат, унинг таниши – рассом қиз Ирода (“Ира”) ҳамда Тилакнинг жияни Хуррам. Бир қарашда мазкур персонажларнинг иштироки уларнинг фақат сюжет воқеаларидаги иштороки билангина боғлиқдек туюлади: Хуррам ҳар ҳафта – ўн кунда Тилак акасидан хабар олиб туради, шундай келишларининг бирида Тилакни хотини кетиб, ёлғиз яшаётган вақтига тўғри келади; ёлғизликда сиқилган Тилак дўсти Маратнинг устахонасига келади, у ерда Ирода билан танишади. Бироқ Марат ва Хуррам билан боғлиқ тафсилотлардан англашиладикки, ушбу персонажлар ҳикояга Тилак ва унинг болалари вазиятига *ёнма-ён қўйиб* (“со-поставление”) тасвирлаш учун киритилган.

Худди Марат Тилакнинг эҳтимолий келажаги сифатида ёнма-ён қўйилганидек, Хуррам Тилакнинг фарзандлари учун эҳтимолий келажак сифатида ёнма-ён қўйиб тасвирланади. Икки марта уйланиб ажрашган Маратнинг “бошдан ўтказган табиб” сифатида айтган гаплари персонажнинг ўзини тавсифлаши билан бирга Тилакнинг вазиятини аниқроқ тасаввур қилишга ҳам ёрдам беради.

Персонажлар ўртасидаги мазмуний алоқадорлик, уларнинг ёнма-ён қўйилишидан келиб чиқадиган мазмун тафсилотлар орқали янада урғуланади. Масалан, Хуррамнинг отаси ҳақида: “Ўзига бардам, болаларига бўлишиб туради-ку, лекин пул – пул, ота – ота!”; Хуррам ҳақида: “Эртаси куни отаси жўнаганда у *тузукроқ хайрлашмади ҳам*” (Аъзамов, 1984:77). Тилакнинг қизчаси ҳақида: “Лоақал қизи, суюкли қизи бир оғиз ‘хайр’, *демади-я*, ота бошқа, она бошқа экан-да!” (Аъзамов, 1984: 65).

Ҳикояда персонажларнинг ўзаро ёнма-ён қўйилишидан келиб чиқадиган маъно ёзувчи томонидан очиқ-ошкора урғуланмайди. Аксинча, воқелик, тафсилотлар Тилакнинг онги ва нигоҳидан берилиши персонажларнинг ёнма-ён қўйилишидан келиб чиқадиган маънони бироз хиралаштираётгандек, иккинчи планга ўтказиб юбораётгандек туюлади. Зотан, Тилак Хуррамнинг отасиз ўсганлигига эмас, бошқа жиҳатларга диққат қаратади: “Тилакнинг ўзидек камгап, Тилакнинг ўзидек мағрур, бош эгишни билмайди – жияни-да! (Аъзамов, 1984:84). унинг отасиз ўсганлиги тафсилоти Маликанинг тавсифи сифатида берилади. Шунингдек, ёзувчи Тилак ва Хуррам ўртасида мулоқотнинг йўқлигини уларнинг иккиси ҳам камгаплиги билан изоҳлайди, бу билан ҳар икки персонаж ҳикояда қўйилган муаммо нуқтаи назаридан бошқа-бошқа қутбда эканини таъкидлаш имкони бой берилгандек кўринади. Аслида эса ундай эмас. Китобхонни асар мазмунини тушунишда композицион тафаккур босқичига олиб чиқиш учун ҳам ёзувчи атайин шундай йўл тутди. Ҳикоядаги воқелик Тилакнинг нигоҳидан ўтказиб тасвирланяпти, ривоя орқали китобхонга фақат Тилакнинг нуқтаи назари бериляпти. Жумладан, Хуррамнинг ўз отасига муносабатига ҳам Тилакнинг кўзи билан қараймиз: “Шу-шу, Тилак

бу – кўнгли ярим, аммо кўкси баланд болани яхши кўриб қолди” (Аъзамов, 1984:77). Бироқ хотини кетиб, сиқилиб юрган, жияни Хуррамга ҳасратини айтгиси келаётган Тилакнинг назаридан четда қолаётган бир нарса бор – Хуррам унда фақат жигарини эмас, отаси (Тилакнинг тоғаси) каби йўл тутиши мумкин бўлган одамни ҳам кўради ва бунинг олдини олиш учун ҳам Тилакка ҳеч нарса демай, Малика билан ярашишлари учун ҳаракат қилади.

Хуррам Тилакнинг ҳасратини эшитиш ўрнига “девор томонга ўгирилиб, пишиллаганча ухлаб қолиши” унинг камгаплигига йўйиб қўйилган бўлса-да, Хуррам ҳақидаги тафсилотлар унинг бошқа қутбда эканини, унда Тилакни эшитиш учун эмас, “эшитмаслик” учун мотив етарли эканини англатади. фарзандларини тирик етим қилиши мумкин бўлган Тилакнинг туйғулари отасиз ўсган Хуррам учун бегона.

Одатда “...минг чандон ноҳақ эканини билатуриб ҳам... бирор марта бирор кимсадан узр сўрамаган – сўраёлмаган” (Аъзамов, 1984:65), Малика билан бўлиб ўтган жанжалдаги ўз айбини эсламаслик учун умуман жанжалнинг ўзи нимадан чиқаннию унинг тафсилотларини эслай олмаётган Тилак ҳикоянинг охирига қадар вазиятни ўзгартириш учун аниқ ҳаракат қилмайди. Бироқ ўтган йигирма кун уни қандайдир даражада ўзгартиради. Шу билан бирга ҳикоя финалига қадар ҳам Хуррамнинг масалага бошқа қутбдан қараши мумкинлигини ўйлаб кўрмаслиги унинг эски одатларидан биратўла қутулди, деб айтишга имкон бермайди. Бу ҳол, ўз навбатида, бизни китобхон сифатида қаҳрамон нуқтаи назаридан четлаштиради, масалага Тилакдан ташқари Маликанинг, фарзандларининг нуқтаи назаридан ҳам қараб кўришга ундайди. Композицион тафаккурнинг шартларидан бири шундаки, нафақат асар қисмлари, деталлар ва тафсилотларнинг ўзаро алоқасини, балки нуқтаи назарларни қиёслашдан келиб чиқадиган маънони ҳам кўра олмоқ керак. Масалага бошқа персонаж нуқтаи назаридан қараш эса ўз навбатида китобхонни ҳикоянинг концептуал мазмунини тушуниш томон йўналтириши шубҳасиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Аъзамов Э. Турмуш // Аъзамов Э. Олам ям-яшил. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. – 1984. – Б. 64–84.
2. Левитан Л.С., Цилевич Л.М. Сюжетно-композиционное единство // Левитан Л.С., Цилевич Л.М. Сюжет в художественной системе литературного произведения – Рига: Зинатне, 1990. – С. 286-386.
3. Успенский Б. Поэтика композиции // Успенский Б. Семиотика искусства. – Москва, 1995.

MATN TUZISHDA TIL VA USLUB QOIDALARI

METİN KURULUŞUNDA DİL VE USLÛP KURALLARI

*Farida Egamberdiyeva,
pedagogika fanlari nomzodi (PhD),
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU dotsenti
Shahzoda Egamberdiyeva,
Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zMU magistranti (O'zbekiston)*

*Doç. Dr. Farida Egamberdiyeva,
Shahzoda Egamberdiyeva,
Özbekistan Milli Üniversitesi*

Annotatoin. This article focuses on the language and style of writing, the width of the journalistic style, the genre-methodological nature of the writing, and the way in which the language is used in the text.

Key words: Language, language tools, information, speech, text, style, functional style, language of press.

Anglashilishicha, “Til fikr va tuyg‘ularni ifodalash imkoniyati, nutq esa bu imkoniyatlarni amalga oshirish shakllaridan biri, ya’ni nutq – tilning amal qilinishi. Nutqiy ifodalarning xilma-xilligi tilning a’moliy aloqaviy tomoni bilan bog‘liq” (1.56).

Muayyan bir qo‘llanish bilan bog‘liq bo‘lmagan aloqa vositasi tildir. Ayon bir fikr, mazmun bilan bog‘liq qo‘llanishdagi til vositalari nutqdir. Umumiy (til) xususiy (nutq) tufayli mavjud. Nutq umumiy tilning muloqot jarayonida ishlatilgan qismi – ko‘rinishlaridan biridir.

Til tarixan o‘zgaruvchan. Lekin nutq yanada o‘zgaruvchandir. Tildagi barcha o‘zgarishlar dastlab nutqda yuz beradi. Til vositalari ayon bir nutqda til tizimida mavjud bo‘lmagan o‘zga bir vazifada ishlatilishi, yangi ma’no kashf etishi mumkin. Nutq jarayonida har doim yangicha qo‘llanishlar (bular faqat jamiyatdagi yangiliklar bilangina emas, individual, okkazional qo‘llanishlar bilan ham bog‘liq) yuzaga kelib turadi. Bunday hollarda biz nutq hodisasini – nutq (konteksti)da qo‘llanishi, nutqiy ma’nolar haqida gapiramiz. Nutqiy qo‘llanishlar ham tilning yashirin imkoniyatlari asosida kelib chiqadi. Binobarin, nutqiy barcha o‘zgarishlar va yangiliklar til tizimida o‘z ifodasini topavermaydi. Ularning ayrimlarigina til tarkibiga kirishi, til tizimining unsuriga aylanishi mumkin. E’tiborimizni quyidagilarga qaratsak:

Noaniq so‘zlar. Biz qanday so‘zlayotganimiz haqida gapirayotganimizda, ba’zida fikrlarni jamlash va so‘z tanlashda qolip (shablon) so‘zlardan noo‘rin foydalanamiz. Ba’zida bu jarayon natijasi bizni qoniqtirgandek bo‘ladi, lekin aslida bunday hol nutqning noaniq bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Bunday holat, ayniqsa, yozma nutqda yaqqol ko‘zga tashlanadi. Nutqning bir qolipga tushib qolishidan qanday qilib qutulish mumkin? Birinchi navbatda yozishdan yoki tahrir qilishdan oldin yaxshilab fikrlab

oling. Yillar davomida turli hujjatlar ustida ish olib borish tilni byurakratik soʻzlar yigʻindisiga yaʼni qolip soʻzlarni yuzaga kelishiga olib keladi. Bunday holat jurnalistlar, yozuvchilarning matnlarida ham kuzatiladi (2.142).

Soʻzlarni birga qoʻllash. Gapning aniq va ravon boʻlishi asosan soʻzni toʻgʻri tanlash bilan bogʻliqdir. Bunda soʻzlarni toʻgʻri joylashtirish muhim ahamiyatga ega. Soʻz tartibini oʻzgartirish oʻquvchining diqqatini jalb etish uchun ham ishlatilishi mumkin. Bitta gapni turli xil tartibda ifodalash mumkin. Bu esa uning mazmuniga ham taʼsir etadi (3.144).

Tildagi hamma narsa toʻgʻri va maromlidir. Tilda mavjud vositalarga nisbatan «yaxshi», «yomon», «toʻgʻri» va «notoʻgʻri», «aniq va noaniq», «oson va qiyin» tarzida baholash sifatlarini qoʻllab boʻlmaydi. Bunday baholash birikmalari nutq uchun dahldordir. Chunki nutq til qoidalari va maromlaridan chekinish holatlarining yuz berishi tabiiyki, til xatolari emas, nutq xatolari haqida gapirish lozim. Nutq madaniyati muammosi xuddi mana shu asosida yuzaga keladi.

Har qanday matn (nutq) kamida quyidagi toʻrt umumiy tamoyil asosida yuzaga keladi:

- 1) tushunilganlik, fahmlanganlik;
- 2) maqsadga yoʻnaltirilganlik, asoslanganlik;
- 3) nutq vaziyati talablariga muvofiqlik;
- 4) bogʻlanganlik, muntazamlilik va izchillik.

Shunday ekan, matn (nutq) qurilishini tartibga soluvchi uslubiy qoidalar shu umumiy tamoyillar bilan uzviy aloqada boʻladi, turli nisbatda va munosabatda amal qiladi.

Uslub – muallifning oʻziga xos yagona va aniq dunyoqarashini ifodalashi boʻlib, u orqali materialga oʻquvchi diqqatini tortish mumkin. Bunday ifodalash matn sifatida yuzaga keladi. Bu asar muallifining fikrlashi, tildan foydalanish mahorati va dunyoqarashini aks ettirish yoʻlidir. Uslub muallifning yozadigan materialining konsepsiyasini tuzish jarayonida yuzaga keladi. Uslub yozuvchi tadqiqotlarining chuqurligi, kengligi, oʻziga xosligi va ajoyibligi bilan umumiy xususiyatga ega boʻladi. Va, albatta, uslub yozma matnda ham oʻz aksini topadi.

Uslub matn yaratish jarayonida yuzaga keladigan mashaqqatli mehnat jarayonida paydo boʻladi. Uslub yozma shaklda asosiy oʻringa ega (4.153).

Matn insonning muayyan vaziyatdagi ehtiyoji va intilishi jihatidan «siyrati va suvratning dilkashligi» (Alisher Navoiy) tufayli tarkiblangan aloqaviy axboriy yaratiqdir. Bu yaratiqning tarkibiy qismlari oʻzaro vobasitalik (bogʻliqlik) va payvastalik (ulanganlik) silsila asosida mazmuniy va shakliy bir butunlikni xosil qiladi.

Matn ijodkori oʻzi yaratgan matnning talqinchisi, sharhlovchisi hamdir. U oʻz xabarini tarkiblashni rejalashtirar ekan, uning muayyan hajmga va qiymatga egaligidan kelib chiqadi. Tushunilishi qiyinroq ifodalarni qayta tarkiblaydi, ikki xil maʼno oʻqiladigan oʻrinlarni bartaraf etadi yoki izohlaydi, qoʻshimcha maʼlumot bayon qiladi. Bu yerda kommunikator pragmatikasiga amal qiladi va bunda matn tavsifi bir xilda – maqsadga muvofiq holda talqin etiladi.

O'quvchi ham turli xil matnlarni o'qish va tahlil etish malakasi, tajribasiga ega. Shunga qaramay ayni bir axborot, matn o'quvchilar tomonidan o'ziga xos tarzda talqin etilishi, farqli xususiyatlarni kasb etishi mumkin. Matn – axborotning asosiy manbai. Bu manba ham doim muallif maqsadiga muvofiq (aynan) talqin etilavermaydi. Matn talqinidagi aynanlik yoki farqlilik muallif va o'quvchining xabardorlik darajasidagi aynanlik yoki farqlilik bilan belgilanadi. Xabardorlik, deyilganda kishilarning muayyan axborot mundarijasi, uni uzatish vositasi va usullari haqidagi tag bilishi (tajriba malaka sifatida o'zi to'plagan umumiy bilim darajasi) tushuniladi. Xabardorlik samarasi matn talqinchisi (o'quvchisi) ongidagi lisoniy fikrlash ko'lamlarining (bilim va tajribaning, salohiyatning) matnning pragmatik qo'lamlari tizimi bilan mos kelishi asosida yuzaga chiqadi.

Auditoriyaning tafovutlashda axborotning qiymatlilik, ahamiyatlilik, baholash nuqtaiy nazari, lug'at boyligi, lisoniy maromlilik nutqiy malaka va salohiyat kabilar muhim mezon hisoblanadi. Shu jihatdan iste'mol ahli guruhi lisoniy ong (matnni talqin etuvchilar lisoniy ongi) omili haqida gapirish mumkin. Iste'mol ahli lisoniy ongini baholashda ular faoliyat doirasi bilan bog'liq bo'lgan muayyan sohaga oid mavzuiy lug'at boyligi muhim o'rin tutadi. Zero, axborot iste'molchi guruhga xos lug'at va nutqiy malaka majmui asosida idrok etiladi, fahmlanadi. Bundan kelib chiqqan xulosa shuki, nutq ahlining voqellik unsurlari, lisoniy vositalar bo'yicha xabardorlik darajasi (bilimi, malakasi) ancha yuqori bo'lsa, ularning fikriy va lisoniy hodisalar bilan ish ko'rishdagi (bir-birini tushunishdagi) farq ham shuncha kam bo'ladi; nutqiy ijodiylik asosi kengayadi, shaxsning muayyan semantik guruh (auditoriya)ga mansubligi uning nutqiy malakasini tavsiflovchi quyidagi belgilar asosida aniqlanadi.

- 1) umumadabiy til vositalarni bilish darajasi;
- 2) ma'lum uslubning va janrning qonun-qoidalariga rioya qilish malakasi;
- 3) matnni o'qish va uni talqin eta olish malakasi va tajribasi.

Matn mazmunini talqin etish malakasi o'quvchilarning xabardorlik darajasini belgilaydi. Matniy materiallarni turkumlashda ham ularning axboriyliigi (informativligi) ya'ni ma'lumot miqdori yoki hajmi hisobga olinadi va baholanadi. Xususan, matniy materillarning axboriyliigi (informativligi) ularni o'quvchilar tomonidan aynan (adekvat) talqin etilish mezoni bilan tavsiflanadi. Matniy talqinning aynanligi, muqobilligi uning asosiy g'oyasini tushunish darajasiga bog'liq. Shunday ekan, matn talqini aynanligi undan idrok etilgan g'oyaning aynanligini anglatadi.

Amalda matn uslubi tushunchasi ham ko'p ishlatiladi. Bu odatda, ikki xil ma'noda taqdim etiladi. Matn uslubi, deyilganda muayyan bir uslub va janrga mansublik sifati nazarda tutiladi. Ammo aksariyat hollarda tahlil etilayotgan matnning boshqa matnlardan farq qiluvchi o'ziga xos tomonlari, xususan, uning muallif tomonidan tarkiblanishdagi o'ziga xoslik (shaxsiy uslub hodisasi) tushuniladi.

Matn uslubi, **birinchidan**, tilning usluban betaraf va umumuslubiy vositalaridan, **ikkinchidan**, muayyan uslubga xoslangan uslubiy maqom (belgi)li so'zli iboralardan, hamda shu uslubga xos tarkiblash, tartiblash usullaridan, **uchinchidan**, o'zga uslubga xos vosita va priyomlarni uslubiy qo'llashdan (matniy yoki kontekstual qo'llashlar)

tashkil topadi. Demak, matn uslubi u mansub bo'lgan nutq uslubiga xos tarkibiy unsurlar asosida belgilanadi va baholanadi. Matn uslubi uning qurilishidan, nutqiy janriy andozalarga muvofiqligi xususiyatlaridan kelib chiqib tahlil etiladi. Til vositalarining uslubiy ixtisoslashuvi ham nutq usullari uchun xos xususiyat. Janrlarda ishlatilishiga xoslangan til vositalari bor, deb bo'lmaydi. Ma'lum janrga xos matn tarkibida o'sha janr mansub bo'lgan uslubga xoslangan vositalar ishlatiladi va matn uslubi asosini tashkil etadi. Shu bilan birga matnni tarkiblash va tartiblashda ma'lum bir nutq uslubi, ifoda yo'sinida tahlil qilish, nusxa olish (stilizatsiya) vositalari ham, iqtibosu ko'chirmalar qilishga xos usullardan keng foydalaniladi. Bular metoforalar, o'xshatishlar, majoziy tasviriy ifodalar, takrorlardan iborat bo'lishi, axborot mazmuni, muloqot vaziyati bilan bog'liq sharhu talqinlar tarzida bo'lishi ham mumkin.

Axborotga berilgan ta'riflarda masalaning ayni mana shu jihatiga ko'pincha e'tibor berilmaydi. Amaliyotda ham jurnalistlarning ko'pchiligi axborotning zamon va makon bilan bog'liqligi (bular axborot manbaini ham ko'rsatadi) is'temol ahli uchun muhim ahamiyat kasb etishiga bee'tibordirlar.

Matbuot tilida ta'sirchanlik, tushunarlik, xalqchilik tamoyillaridan keng foydalanadi. Yozma va og'zaki nutqni bir-biriga yaqinlashtirish tamoyili ham shuni talab qiladi. Binobarin, matbuot tili yozma-kitobiy va og'zaki so'zlashuv tili vositalarining o'ziga xos tarzda aralashuvi va shu tufayli adabiy tilning gazetada qo'llanuvchi a'moliy uslubiy ko'rinishi yuzaga kelganlagi bilan tavsiflanadi.

Matniy muloqotning o'ziga xosligi, eng avvalo, uning nutqiy tarkiblanishida, matniy qurilishida, shuningdek, axborotni berish usuli va mavzuni yoritish tarzida ko'rinadi. Chunonchi, dolzarb ijtimoiy mavzuni ijtimoiy-g'oyaviy yo'nalishda baholab, talqin etish va tasvirlash jurnalist ijodining mohiyatini tashkil etadi. Jurnalistning yozuvchidan, ommaviy muloqotning badiiy adabiyotdan farqi ayon voqea-hodisaga asoslanish, hujjatlilik va aqliy-tahliliy fikrlashdir. Shunday ekan, til vositalarni tanlash va qo'llashda ham, matniy qurilishni shakllashtirishda ham mana shu tamoyilga asoslaniladi (5.16).

Matn yaratishda adabiy tilning funksional uslublari haqidagi bilimga va ularni amalda qo'llay olish malakasiga ega bo'lish talab etiladi. Voqelikka munosabat nuqtai nazaridan adabiy til uslublari bir xilda teng qiymatga ega emas. Ular voqelikni turlicha aks ettiradi. Masalan, rasmiy uslub matnlari voqelikning bir turdagi, bir xil tizimdagi sohasinigina qamrab oladi. Ular tor mavzu ko'lamiga ega. Ilmiy uslubda esa voqelikni ilmiy nuqtai-nazardan nazariy asoslar orqali yoritishga e'tibor beriladi. Badiiy uslubda esa tasviriy ifodalar orqali voqelikni ifodalashga urg'u beriladi.

Ommaviy matniy muloqotda turli sohalarga mansub so'z va ifodalar, adabiy tilning barcha funksional uslublarga xos unsurlar foydalaniladi.

Funksional uslublarda ham mavzu, ham lisoniy-uslubiy jihatdan boy bo'lgan uslublardan biri – publitsistik uslubdir. Publitsistik uslubning mavzu ko'lamini juda kengligi va o'ziga xos janriy-uslubiy xususiyatga egaligi bois unda tilning turli vositalaridan bemalol foydalaniladi. Bu jihati bilan uning uslubi badiiy nutq uslubiga yaqinlashadi. Ta'sirchanlikni berish maqsadida so'zlashuv uslubiga xos bo'lgan so'zlar,

tilning tasviriy vositalari, maqol-matallar va ibora ya'ni frazeologizmlardan keng foydalaniladi. Yuqoridagi misolda ham ana shunday til vositalaridan foydalanilgan. Matniy muloqotda umumiy nutqiy faoliyat va shaxsiy nutqiy faoliyatga xos sifatlar uyg'unligi yuzaga keladi. Bu uslubda kitobiy-yozma nutq va og'zaki nutqqa xos vosita va usullarning keng qo'llanilishi ma'na shu omil asosida izohlanadi. Unda jamiyatda qaror topgan va ko'pchilik tomonidan qaror toptirilgan g'oyalar bayon qilinadi. Bu uning yozma-kitobiylik sifatini tayn etadi.

Albatta, buning uchun matnning janriy-uslubiy xususiyatlarini e'tiborga olish muhim ahamiyatga ega. Matniy muloqotda til vositalaridan foydalanishda matnning uslubiy toifalanishi muhim ahamiyatga ega. Masalan, rasmiy uslubda yozilgan matnlarda aniqlik va tushunarlik, faktlarga asoslanganlik tamoyillari ustun turadi. Ushbu uslubga xos "Jenisbek va jahon ulug'lari" matni tahlil qilish orqali fikrimizga oydinlik kiritsak: *"O'zbekiston davlat konservatoriyasida Milliy simfonik kamer orkestri va Xalq cholg'ulari orkestri hamkorligida O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Jenisbek Piyazovning yakkaxon konsert dasturi bo'lib o'tdi.*

Konsertda I.Shtraus, J.Rossini, J.Bize, N.Muhammedinov, V.Motsart, Sh.Guno, G.Manchini, A.Babayan, A.Paxmatova, S.Yudakov kabi kompozitorlarning "Ko'rshapalak" operettasi, "Saviliya sartaroshi", "Don Juan", "Faust", "Maysaraning ishi", operalaridan ariyalar va xalq qo'shiqlari ijro etildi.

Konsert mehmoni – O'zbekiston xalq artisti Muyassar Razzoqovanning chiqishlari muxlislarda katta taassurot qoldirdi. Konsertda Kamoliddin O'rinboyev dirijorlik qildi"(6.4).

Matnda uslub talablaridan kelib chiqib, rasmiy nutqqa xos til vositalaridan foydalanilgan. Quruq xabar, ma'lumot berish bilan cheklanilgan. Matnda ta'sirchanlikni ta'minlovchi til vositalari umuman qo'llanilmagan. Neytral ma'noni ifodalovchi so'zlar: **bo'lib o'tdi, konsertda, ijro etildi, taassurot qoldirdi, xalq artisti** kabilardan foydalanilgan.

Joy nomlari, atoqli otlar, asar nomlarini berish orqali matnning fakt va dalillarga asoslanganligini ta'minlashga erishilgan. Masalan, **O'zbekiston davlat konservatoriyasida, Jenisbek Piyazov, I.Shtraus, J.Rossini, J.Bize, "Faust", "Maysaraning ishi"** kabilar. Bunday uslubda yozilgan matnlarning tili quruq, sodda bo'lib adabiy til me'yorlariga qat'iy rioya qilish talab etiladi.

Demak, ommaviy muloqotning matniy muloqotga daxldor ko'rinishi bu matbuot tilidir. Shuning uchun matniy muloqot, deganda, ko'pincha matbuot tili nazarda tutiladi. Matbuotda adabiylik, maromlilik, umumiylik va andozalashganlik sifatlariga alohida e'tibor qaratiladi. Matbuot matni miqdor jihatdan ko'p, yoshi, kasbi, sohasi, bilimi va ijtimoiy toifasi jihatdan xilma-xil bo'lgan, hududan tarqoq butun bir auditoriyaga mo'ljallangan. Tahririyat ularning barchasi bilan alohida-alohida munosabatda bo'la olmaydi. Bunday sharoitda matbuot tilining hamma uchun bir xilda tushunarli bo'lishini ta'minlash zarur.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Toshaliyev I., Abdusattorov R. Ommaviy axborot vositalarining tili va uslubi. – Toshkent: Universitet, 2006. 56 - b.
2. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA, 2008.142-b.
3. Lauren Kessler, Duncan McDonald. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA, 2008. 144-b.
4. Lauren Kessler. When words collide. A media Writers Guide to Grammar and Style. Thomson Higher Education Boston, MA 02210-1202, USA, 2008. 153- p.
5. Toshaliyev I., Abdusattorov R. Ommaviy axborot vositalarining tili va uslubi. – Toshkent: Universitet, 2006. 19 -b.
6. O‘zbekistob adabiyoti va san’ati.//2015: 4.

“ГҮР ҲҒЛИ” РОМАНИДА ШАХС ФОЖИАСИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ
“KÖR OĞLU” ROMANINDA BİREY FACİASININ SANATSAL TELKİNİ

*Шоҳсанам Давронова,
филология фанлари номзоди,
БухДУ доценти, (Ўзбекистон)*

*Dr. Şahsanem Davranova,
Buhara Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Мақолада истиқлол даври ўзбек адабиётининг етакчи вакилларида бири Назар Эшонқул қаламига мансуб “Гўрўғли” романи, унда шахс фожиасининг талқин этилиши масаласи хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: роман, истиқлол даврида роман, Назар Эшонқулнинг “Гўрўғли” романи, “Гўрўғли” романида шахс тасвири.

Annotation. In this article there is written about the, description of personal tragedy in the example of the work “Gurugli” by one of the leadings of uzbek literature Nazar Eshonkul.

Key words: novel, novel in the period of Independence, “Gurugli” by Nazar Eshonqul, description of personalitiy in the novel “Gurugli”.

Özet. Yazıda bağımsizlik dönemi Özbek edebiyatının öncülerinden yazar Nazar Eşankul kalemine mensup “Köroğlu” romanında şahis faciasinin telkini meselesine yer verilmiştir.

Anahtar kelimeler: Roman, Bağımsizlik döneminde roman, Nazar Eşankul’un “Köroğlu” romani, Şahis tasviri.

Инсон ва унинг камолоти, фаровонлиги, қадр-қиммати масаласи ҳамиша адабиётнинг бош муаммоси бўлиб келган. Ҳозирги давр дунё адабиётида ҳам шахснинг маънавий олами, индивидуал хислатларини кашф этиш борасида каттагина ютуқлар қўлга киритилмоқда. Жумладан, ўзбек носирлари ҳам бугунги кунда инсоннинг ички олами, руҳияти, ҳис-туйғуларини тасвирлашга эътибор қаратмоқдалар. Бу айниқса ҳаётини бутун мураккаблиги билан кенг қамровли тасвирлаш имкониятига эга бўлган романда ёрқинроқ намоён бўлди. Янги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакилларида бири Назар Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи таҳлили мисолида фикрларимизни далиллаб боришга ҳаракат қиламиз.

Романнинг бош қаҳрамони Н. ёруғ келажакдан умидвор ва хотиржам ҳаёт кечираётган бир пайтда фисқу фасод ва тухматлар, қинғирликлар ҳоким бўлган муҳит қурбонига айланади. Шу туфайли у ўз бошидан жуда

оғир кечмишни кечиради. У уйланмоқчи, мансабда ҳам юқорироқ поғоналарга эришиш ниятида бўлгани ҳолда муҳит унинг олижаноб истакларини амалга оширишдан маҳрум қилади. Бироқ юзага келган вазият Н.ни йўлнинг қоқ ўртасида тўхтатиб қўйган бўлса-да, инсоний туйғуларини, ишончини сўндира олмайди. Одамлараро муносабат, яхшилик, ёмонлик, бурч, садоқат, масъулият, инсоф сингари масалалар тўғрисида баҳс юритар экан, адиб ўз қаҳрамони Н.ни бир қатор синовлардан ўтказди. Қаҳрамон яшашда, курашишда давом этади. Унинг дарду оҳлари, қалб ингроқлари бўғзидан отилиб чиқади. Дардини бировга ёролмаган, ўзини тинглайдиган киши йўқлигини англаган инсон шу даражада кучли фарёд билан инграйдик, унинг ингроқлари энди инсон товушларига ҳам ўхшамай қолган эди. Н. итдай увлай бошлайди. У ҳар қадамда ўз манфаатини ўйлайдиган, ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиган, ғаразгўй, фирибгар, алдамчи, кўзбўямачиларга дуч келади. Улар ҳар қадамда бор эдигина эмас, балки жамият ана шундай олчоқлар қўлида ўйинчоққа айланиб қолган эди. Суянчиқ деб биладиган, интиладиган нарсалари аслида рўё эканлигини англаган қаҳрамон бора-бора умидсизликка тушади. Инсон шаъни, қадр-қимматини заррача ҳам ҳисобга олмайдиган, унинг ўз имкониятларини юзага чиқариши учун йўл бермайдиган тўсиқлар бош қаҳрамон онгида, руҳиятига кучли таъсир кўрсатади. Натижада унинг оху фарёдлари ич-ичидан даҳшатли бир увлаш тарзида отилиб чиқа бошлайди. Чунки воқеалар ривожини натижасида Н. ўз уринишларининг асоссизлигини аста-секин англаб боради, тан беришга маҳкумлига иқроп бўла бошлайди. Энди унинг увлашга ҳам мадори қолмаган эди: “Бутун кучини тирсақларига жамлаб, титраб-қақшаганча бекатга қараб эмаклар борар, ҳозирги ҳолати таланган, оёқлари синдирилган итнинг судралишига ўхшашини ўйлаб, бутун танасини заҳарханда кулги қамраб олди ва бутун танасидаги ҳордиқни увлаб ҳайдаб чиқаргиси келди, бироқ ҳатто увлашга ҳам мадори келмай қолди – бекатга етар-етмас чўзилиб ётиб олди” (Эшонқул, 2018:302).

Роман персонажларидан бири Т. ва унинг шериклари қаршисида гапириб, ҳаракатланиб турган тирик, жонли Н.ни кўриб кўрмасликка олишади. Улар қоғозга ишонишади ва ўзлари кўтариб келган аёвсиз ҳукмни қатъийлик билан тасдиқлашади: “– Мен ҳеч нарса билмайман, – деди Т. жаҳл билан. – Биз кичик одаммиз. Ўлган деб бўйруқ беришса ўлганга чиқарамиз. Аслида сизни бир ҳафта олдин котиба қизнинг айби билан ўлганлар рўйхатига қўшиб қўйишган, Раҳбар имзо чекиб юборганди. Мен рўйхатдаги хатони Раҳбарнинг олдида олиб қирганимда андак жаҳли чиқди: “Шу арзимас хато деб мен бутун бошли рўйхатни қайта ёздираманми?! Кўйинг тураверсин, ўлган куни қайта рўйхатга киритиб ўтирмаймиз”, дедилар. У киши узоқни кўра оладиган киши, мана бир ҳафта ўтмай сизнинг ўлганингиз тасдиқланди” (Эшонқул, 2018:39) Н. тириклигини исботлаш учун ўзини ўлганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилган газета нашриётига, суд маҳкамаларига бориб мухбир, тепакал, бақалоқ, Бурундуқ, соқчи, қоровул,

олим каби жуда кўп кишилар билан мулоқотда бўлади. Бироқ уринишлари самарасиз кетиб, ҳеч биридан натижа чиқмайди. Барча далиллар унга қарши эди. Олим кашф қилган кашфиёт, яъни терговчининг ўлганлиги ҳақидаги тахмин ниҳоят Н.нинг барча ҳаракатларига нуқта қўйган эди. Бироқ асар шу билан тўхтаб қолмайди. Н. яна бир ёлғон учун жабр чекади: ўзи учун қабр қазиб берган Н. ниҳоятда ночор аҳволга тушади.

Ижодкор воқеалар занжирини шу тариқа моҳирлик билан чигаллаштириб бораверадики, қаҳрамоннинг чорасиз аҳволи ҳаққоний бадий асосланилиб, ишонтириш кучига эга бўла боради. Асар сюжети ниҳоятда зиддиятли воқеалар асосига қурилган бўлиб, муаммонинг ечимини топишнинг иложсизлиги ҳар бир эпизодда исботлаб борилаверади. Натижада роман конфликтни қуюқлашаверади. Асар қаҳрамони Н.нинг ҳаётлик белгиларини инкор этувчи факторлар навбатма-навбат юзага чиқаверади.

Ёзувчи мустабид жамиятда инсон фаоллик кўрсатиш, оддий ва тартибли ҳаёт кечириш имкониятидан маҳрум бўлиши табиийлигини бирма-бир тасвирлаб, исботлаб боради. “Сизнинг ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ, - деди гўрков энди мутлақо бамайлахотир. – Энг катта хатонгиз шарт бўлмаган нарсени исботламоқчи бўлганингизда! Сиз курашни нотўғри танладингиз ва ютқаздингиз!” (Эшонқул, 2018:296).

Роман конфликтни дастлаб қаҳрамоннинг ички руҳий изтироблар шаклида юзага чиқса-да, унинг илдизлари ижтимоий тўқнашувларга бориб тақалади. Асарнинг ғоявий мағзида иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётнинг юксак ривожланишига раҳна солаётган нуқсонларнинг ўзак нуқтасида алоҳида шахснинг таназзули сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қарашлар ётади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви” романи орқали ўзбек адабиётида инсон қалби, руҳий оламини теран очиб бериш, яқка шахс қисматида ижтимоий муҳитнинг ўрни ва роли муаммосини тасвирлаш борасида ўзига хос ютуқларга эришилаётганлигини кузатиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Солижонов Й. Йил хирмони, ҳосил сифати. // Шарқ юлдузи, 2013. – №3. – Б. 122-125.
2. Эшонқул Н. Гўр ўғли ёхуд ҳаёт суви.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2018. – 304 б.

“САДДИ ИСКАНДАРИЙ”ДАГИ ҲИКМАТЛАРДА АДОЛАТ ҒОЯСИ
ТАЛҚИНИ

“SEDD-İ İSKENDERİ” ESERİNDEKİ HİKMETLERDE ADALET
DÜŞÜNCESİNİN TELKİNİ

*Зухра Мамадалиева, ф.ф.н.,
Жиззах давлат педагогика институту
Жумаев Анвар,
Жиззах ДПИ талабаси (Ўзбекистон)*

*Dr. Zühre Mamadaliyeva,
Enver Cumayev,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü
(Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги ҳикматлар, ундаги бош образлар Искандар ва унинг устози Арастунинг достондаги вазифасини очиб бериши борасидаги аҳамияти ҳақида сўз юртилади.

Калит сўзлар: Искандар, Арасту, образ, ҳикмат, адолат, ирфоний, ижтимоий, ахлоқий-маиший.

Annotation. In this article the importance of the sayings in the oral epic “Saddi Iskandariy” by Alisher Navoiy which reveals the tasks of main characters Iskandar and his teacher Arastu is studied.

Key words: Iskandar, Arastu, character, saying, justice, irphonium, social, ethical-household.

Özet. Makalede Ali Şir Nevai'nin “Sedd-i İskenderi” eserindeki hikmetler, ana karakterler, İskender'in ve onun hocası Aristoteles'in görevlerinin açıklanması üzerine söz edilmiştir.

Anahtar kelimeler: İskender, Aristoteles, karakter, hikmet, adalet, irfan, sosyal-ahlaki

Арасту юнон файласуфи Платоннинг шогирди бўлган Арестотелнинг Шарқона номи. У “Садди Искандарий”даги асосий донишманд ва Искандарнинг устози бўлган бу файласуф Искандар тахтга чиққанидан то умрининг охиригача унинг насиҳатларига амал қилади. Унинг насиҳатлари жаҳонгир фотиҳни улуғ донишманд бўлиб етишувида катта аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари Арасту унга жаҳонни кўрсатувчи ойинани ясаб беришда Буқрот билан юз нафар олимга раҳбарлик қилади.

Маълумки, Шарқ ва Ғарбда Арастуни “соҳиби мантиқ”, “мантиқ отаси” деб улуғлашган. Шунинг учун ҳам Навоий Арастуни Искандарга у ер

юзидаги етти иқлимни забт этишида бош мураббий этиб тайинлайди. “Садди Искандарий”га Арасту XVIII бобидан кириб келади.

Достоннинг асосий қисми ўзига хос композицияга эга. Уни шартли равишда қуйидаги 4 қисмга бўлиш мумкин:

1. Искандар воқеаси – Искандар ҳаёти билан боғлиқ бирор воқеа ёки ҳодиса баёни;
2. Назарий масала – муайян ахлоқий муаммонинг таърифи;
3. Ҳикоят – шу ахлоқий масалага доир ҳикоят;
4. Ҳикмат – Арасту ва Искандарнинг суҳбати (Юсупова, 2016: 169).

Достон давомида Искандар Арастуга ахлоқий муаммолар хусусида турли хил саволлар беради. Бу савол-жавоблар достонда “Ҳикмат” номи билан аталади. Ҳикматлар достон воқеалари билан боғлиқ бўлгани ҳолда ирфоний, ахлоқий-таълимий ва кундалик-маиший мавзулардадир. Ҳикмат ҳақида “Ғиёс ул-луғот”да қуйидагича таъриф келтирилади: “Ҳикмат – донолик ва тўғри кирдор кўрсатиш бўлиб, ашё – нарсалар ҳақида баҳс этувчи илм, башарий билимлар мажмуидир” (Ғиёс ул-луғот, 1967, 1-жилд: 81).

Бундай ҳикматларни достон воқеалари билан боғлиқ бўлгани ҳолда *ирфоний, ахлоқий-таълимий ва кундалик-маиший* мавзуларга бўлиб, таснифлаш мумкин.

Ирфоний мавзулардаги ҳикматлар нисбатан кам бўлиб, қуйидагилардир:

Искандар шундай илму ҳикмат эгаси ва жаҳонгир подшо бўлишига қарамай ҳар қандай ишга киришишдан олдин устози Арасту билан маслаҳатлашади, унга муайян масала юзасидан савол бериб, ҳикмат тинглайди ва у берган таълимдан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Бу ҳам унинг ориф инсон эканлигидан дарак беради. Жумладан, достондаги биринчи ҳикматда Искандар Арастуга “мақсадга қайси манзил яқинроқ?” деб сўрайди.

Арасту унга бу йўлда уч хил тариқ (йўл) борлигини айтиб, аввало, фано йўлида хоку туробга айланган маъқул, деб маслаҳат беради. Бу Навоийнинг орифона йўлга (тариқатга) муносабати ҳисобланади ва Искандар тахтдан воз кечганлиги воқеасидан кейин берилади:

*Деди: “Халқни ўзни фард айламак,
Фано йўлида гард айламак”*

Арасту манзилга олиб борувчи иккинчи йўл ҳайру эҳсондир дейди. Зеро бу йўлда ҳам меъёр ва ўрин кераклиги ҳақида сўз боради. Учини йўл эса адолат билан ҳукм юрғазиш эканлигини айтади.

Тўртинчи ҳикматда Тангри тақдири ва унга банданинг тадбири ҳақида савол-жавоб бўлади. Арасту Тангри тақдирини мутлақ эканлигини эътироф этиб, бандаси ҳар қанча ҳаракат қилмасин, тақдири азалга қарши ҳеч қандай тадбир қилолмаслигини айтади. Бу жавоб тақдир масаласига, айни пайтда, Навоийнинг муносабатини акс эттиради.

Саккизинчи ҳикматда яхшилик ва ёмонликнинг ажру мукофоти тўғрисида сўз боради. Арасту ҳар бир яхши ва ёмон ишнинг муайян натижаси борлиги ҳақида сўзлайди. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам инсоннинг ўз амали натижаси эканлигини айтса-да, “кишиларнинг феъл-атвори яратилганда, унинг ичига табиий аҳволининг уруғи ҳам яширинган”, дейди. бу ҳам Навоийнинг қисмат илоҳий ва ўзгармас эканлиги ҳақидаги фикрига ҳамоҳангдир. Ундаги ҳикоятда фарзандини йўқотиб, қаттиқ изтиробга тушган ва уни излаб юрган савдогарнинг бор пулини бир нотаниш асирни қутқариб олишга сарфлагани ва у асир савдогарнинг ўз фарзанди бўлиб чиққанлиги ҳикоя қилинади. Бу ҳикоятга бағишланган ҳикматда Искандар устози Арастудан яхшилик ва ёмонлик ҳақида сўрайди. Арасту яхшиликка яхшилик, ёмонликка ёмонлик қайтиши муқаррарлиги, бу илоҳий қонуният эканлигини таъкидлайди:

*Ки, ҳар ким аён этса яхши қилиғ,
 Етар яхшилиқдин анга яхшилиғ.
 Ва гар кимсадин зоҳир ўлса ямон,
 Кўрар ҳар неким, зоҳир этти ҳамон.* (Навоий, 1991: 286)

Ўн иккинчи ҳикматда инсон ва уни ўзининг англаши борасида сўз боради. Искандар устозига “инсон зотида илоҳиёт сири яширинган бўлса-да, ўзидаги бу сирдан беҳабарларнинг ҳайвондан қандай фарқи бор? – деб савол беради. Арасту жавоб беради:

*Деди: «Улча бордур ўзида ниҳон,
 Билурдин фузунроқдур аҳли жаҳон.*

Яъни: *одамзод мана шу жоҳиллигича ҳам билганлардан (балки фаришта ва малойикалардандир) ҳам афзалроқдир* (Навоий, 1991: 403). Бу жавоб ҳам Навоийнинг фикри бўлиб, улуғ мутафаккирнинг инсонни улуғлайдиган гуманистик дунёқарашини акс эттириши билан аҳамиятли.

Достондаги ахлоқий-таълимий мавзудаги ҳикматлар бештани ташкил этиб, бу адолатли ҳукмдор бўлиш учун зарур бўлган маслаҳатлардан иборатдир. Бу борада энг кўп қўлланилган кундалик-маиший мавзудаги масалалар бўлиб, улар олтига ҳикматда ўз аксини топган. Жумладан, иккинчи ҳикматда Искандар устозига адолат билан иш юритиш йўл-йўриқлари ҳақида суриштиради. Арасту унга жавобан айтган сўзида салтанатнинг ҳам маънавий, ҳам моддий устунлари адолатдан бино бўлишини айтиб, уни бир қанча далиллар билан исботлайди. Жумладан, машҳур одил шоҳ, Эрон сосонийларнинг вакили бўлмиш Ануширвон таърифини келтиради:

*Ануширвон гарчи кофир эди,
 Вале адл зотида зоҳир эди.
 Ўрун гарчи кофирға дўзахдурур,
 Анинг адлдин ўрни барзахдурур.*

Яъни, Нўширавон гарчи кофир бўлса ҳам, адолатли эди. Шунинг учун. Гарчи кофирларнинг ўрни дўзах бўлса ҳам, унинг адолати шарофати билан

шоҳнинг ўрни (жаннат ва дўзах орасидаги) барзах дунёсидир. (Навоий, 1993: 132).

Мақолотга илова қилинган ҳикоятда эса Маҳмуд Ғазнавийнинг бир хислати – Ҳиндистон юришидаги адолати туфайли жаннатга кирганлигини ҳақида сўз юритади. Бу билан Навоий Искандарга устози Арасту тилидан адолатли бўлиш подшоҳнинг энг асосий хусусиятларидан эканлигини уқтириб ўтади.

Профессор Н.Комиловнинг “Садди Искандарий” достони ҳақидаги “Ҳикмат ва ибрат достони” номли тадқиқотида Искандар образи ҳақида сўз юритиб, уни нафақат адолатли шоҳ, балки, ориф ва ҳаким инсон сифатида таърифлар экан, орифлик ва ирфон тўғрисидаги қуйидагичи фикрларни келтиради: “Жалолиддин Даввоний назарийда ирфон билан ҳикмат, ҳаким билан валий, файласуф билан дарвеш моҳияти ўзаро яқин. Айтиш мумкинки, ҳакимда валийлик, валийда ҳакимлик ҳислатлари мавжуд” (Комилов, 2005: 187). Демак, буюк Навоий комилликнинг икки қутби ҳисобланган ҳакимлик ва орифликни бир образ – Искандар образи мисолида гўзал тарзда бирлаштира олган. Унинг устози Арасту эса илоҳий ҳакм, комил устоз тимсолидир.

Маълумки, Аристотелнинг “Этика” – “Катта ахлоқ китоби” унинг Шарқда ҳам машҳур бўлган асарларидан саналади. Ушбу асар араб ва форс тилларига бир неча бор таржима қилинган. Балки Навоий ҳам бу асардан баҳраманд бўлгандир, ҳарқалай ундаги баъзи ҳикматлар “Садди Искандарий”даги ҳикматлар билан уйғунлашмоқда (Арасту, 2004).

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1993. 11-том.
2. Алишер Навоий. Садди Искандарий (Насрий баёни билан). -Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
3. Арасту. Ахлоқи кабир. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2004.
4. Комилов Н. Ҳикмат ва ибрат достони./ Хизр чашмаси. -Тошкент: Маънавият, 2005.
5. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). 2016.
6. Ғиёс ул-луғот. 1-жилд. (тожик тилида). -Душунбе, 1967.

ТАБИБИЙ ВА ШҶРИШИ ИШҚ

TAVIBÎ VE ŞÛRİŞ-İ AŞK

*Жасурбек Маҳмудов,
филология фанлари номзоди,
ЎзДСМИ доценти (Ўзбекистон)*

*Dr. Casurbek Mahmudov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet Enstitüsü*

Аннотация. На этой статье речь идёт о мухаммасае и одной газели Ахмада Табиби, живший на последней четверти 19 века и первой половины 20 века в Хиве. Эта мухаммас (пятоистишия) была написана на газели Шайх Саъдиддин Аҳмад бин Мавлоно Абдулғаффар бин Мавлоно Абдулазиз ибн Мавлоно Абдулкарим Саййид ал-Хусайний ал-Ансорий ал-Кобулий, который жил 18 веке и написал стихи по псевдонимом Шуриши ишк или Шури ишк. Он и обладал диваном, которые большинство стихов на ней были по суфийской тематикой. Надо отметить, что на диване стихов Ахмада Табиби была газел на тот тему, которое воспевал Шуриши ишк, и это говорит о том что Табиби тоже был искренно любивший и относивший на идеологию “вахдати шухуд”, основоположником которого был индийский суфий, Ахмад Фарук Сирхиндий, основоположник накшбандий-мужаддий и восхлавшийся с именем Имами Раббаний мужаддиди алфи сани.

Ключевые слова: Мухаммас (пятоистиший), газел, Ахмад Табиби, Саъдиддин Ахмад, Ахмад Фарук Сирхиндий.

Annotation: This article deals with two muhammas and one ghazal of Ahmad Tabibi who lived in the last quarter of the 19th century and the first half of the 20th century in Khiva. These two muhammas were written on a ghazalah Shaykh Saddiddin A'mad bin Mavlonon Abdul'afar bin Mavlonon Abdulaziz ibn Mavlonon Abdulkarim Sayyid al-Jusayniy al-Ansoriy al-Kobouli who lived in the 18th century and wrote poems under the pseudonym Shurisi ishk or Shuri ishk. He also possessed a sofa, which most of the verses on it were on Sufi themes. It should be noted that on the couch of Ahmad Tabibi's verses there was a gazelle on the topic that Shurishi ishk was singing, and this shows that Tabibi was also a sincerely arbitrary and ideological "wahdati shuhud", the founder of which was the Indian Sufi, Ahmad Faruk Syrindiy, the founder of the Naqshbandi-muzhaddidiy, and the exalted muzhaddidi alfi sany, who sang with the name Imami-Rabbani.

Key words: Muhammas (pyatistashiy), gazelle, Ahmad Tabibi, Saadiddin Ahmad, Ahmad Faruk Syrindiy.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида XIX аср охири XX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитининг йирик вакили Аҳмад Табибийнинг 7083 инвентар рақамида сақланаётган “Тухфат ус-султон” номли форсий девони мавжуд. Мазкур девон таркибида 123 та форсий мухаммас келтирилган. Мухаммаслар орасида шоирнинг Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонда ижод қилган шоир, ориф ва уламоларга боғлаган мухаммаслари жой олган. Мухаммаслар орасида Шўриши ишқ ёки Шўри ишқ тахаллуси билан шеърлар ёзган афғонистонлик Шайх Саъдиддин Аҳмад бин Мавлоно Абдулғаффор бин Мавлоно Абдулазиз ибн Мавлоно Абдулкарим Сайид ал-Ҳусайний ал-Ансорий ал-Кобулий ғазалига бағишланган иккита мухаммас мавжуд.

Қўлёзманинг 260–261 варақларидан жой олган 9 бандлик “8 Мухаммас ғазали Шўриши ишқ” ирфоний-тасаввуфий мавзуда. Ирфондаги “ваҳдат уш-шуҳуд” таълимоти асосида ёзилган мазкур шеърнинг асл ғояси “барча ерда ёрнинг ранги, сурати бор” мазмунидадир. (Саъдий Шерозийнинг машхур “Барги дарахтон ки дар назари хушёр, Ҳар варақаш дафтарист маърифати кирдигор” байтининг мазмунида айти шу таълимот ғояси ифодаланган).

8-мухаммаси Табибий ғазали Шўриши Ишқ

*Сувару бўланди настий ҳама ранги ёр дорад,
Шўху хумору мастий ҳама ранги ёр дорад,
Чи дурустию, шикастий ҳама ранги ёр дорад,
Чамани баҳори ҳастий ҳама ранги ёр дорад,
Майу, майкада – бакулли ҳама ранги ёр дорад.*

*Шўдаам дар-ин жаҳон то зи инояти Худойи Ҳай,
Задаам ҳамиша карда талаб висоли сад май.
Ту агар назора созий зи раҳи хирад баҳар шай,
Дафу, чангу, барбату, най – ҳама дар фиғон шўд аз вай,
Хуму, жому, соқию, май – ҳама ранги ёр дорад.*

*Чи ту, эй ғарибу маҳзун ба ҳабиб мубталои,
Бирасад аз-ў бажонат ситаму, ғаму жафои,
Бамушт бақўйи ондам ки ҳамдами балои,
Маҳи ман агар дар-ойи бамақом ошнои,
Нақуний зи кас жудойи ҳама ранги ёр дорад.*

*Ба-ту дир, эй рафиқам шабу рўз хуш мақомий,
Ки дар уст мастийи ту зи майи тараб мудомий,
Бишнав ки гуямат ман зи садоқатам каломе,
Мулки башар тамомий пайи кори некномий
Мафкан назар баҳомий ҳама ранги ёр дорад.*

Агар тавофи каъба бакунад Худо муяссар,

*Бинмо зи Ҳақ талаб кун биҳишту оби кавсар,
Басе аз-он барои тавфи дар равзаи паямбар,
Ба Сафо мўрдаи бигзар ба Мақом кун неҳ сар,
Сўйи дайр каъба нигар, бингар ҳама ранги ёр дорад.*

*Агар андар-ин замона набвад бату таваккал,
Бакуши зи ҳар каси дун ситаму, ғаму таъаллул,
Бакун, эй фаҳимму комил назаре ба-ин тасалсул,
Гулу боғу, зоғу булбул, чу насими доғи ҳар гул,
Чи бинафшаву, чи сунбул ҳама ранги ёр дорад.*

*Зи шароби лолагун шўд ба муҳтасту вузуям,
Шабу рўз сажда бошад басўйи нигори хўям,
Агар, эй ҳабиб, ойи багшода рух басўям,
На манам баман ки гуям, на тўйи батў жуям,
Зи чи дастҳои хўям ҳама ранги ёр дорад.*

*Зи ҳаводиси замона бирасад бату зиёне,
Бависоли ёр йобий зи ҳама ано амоний,
Зи рисолаи жаҳон гар сабақи вужуд хоний,
Дами марги зиндагоний Аҳаду Самаду бидоний,
Азалу абад ки хоний ҳама ранги ёр дорад.*

*Агар Табибий бо ту зи ғурури ишқ бошад,
Бадили ғамгини зорат зи сар дар ишқ бошад,
Тарабу нишоту айшат баҳузури ишқ бошад,
Ҳама Шўри ишқ бошад, ҳама нури ишқ бошад,
Ҳама таври ишқ бошад, ҳама ранги ёр дорад.*

Мухаммас охиридаги “Ҳама Шўри ишқ бошад, ҳама нури ишқ бошад” байтига кўра шоирнинг иккита таҳаллус, яъни Шўриши ишқ” ва “Шўри ишқ” таҳаллуслари билан ижод қилганини англаймиз.

Табибий ҳам айна Шўри ишқ каби ирфоннинг “ваҳдат уш-шухуд” ошиғидир. Балки шунинг “Тухфат ус-султон” девонининг “дол” радифли ғазалларнинг биринчиси, яъни “109 ғазали Табибий” айнан юқоридаги мухаммас мавзусидадир:

*Ҳама кавну ҳам маконий – ҳама ранги ёр дорад,
Ҳама зоҳиру ниҳоний – ҳама ранги ёр дорад.
Ҳасу хору хоку гулхан, гули сабҳаҳойи гулшан,
Ғараз эй биродари ман – ҳама ранги ёр дорад.
Фалаку нўжуму моҳий, ҳама қудрати илоҳий,
Чу сафидию сиёҳий – ҳама ранги ёр дорад.
Ҳама мардумони олам, ҳама кори сусту муҳкам,*

*Ҳама шодийу ҳама ғам, ҳама ранги ёр дорад.
 Чи жаҳаннам, чи жаннат, чи балову ғам, чи роҳат,
 Чи саодату нахват, ҳама ранги ёр дорад.
 Чи шаху агар ғарибий, чи асир ё ҳабибий,
 Чи маризийу, ё Табибий ҳама ранги ёр дорад.*

Энди Шўриши ишқ таҳаллуси билан ғазаллар ёзган ва девон тузган шахс ҳақида тўхталсак. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди қўлғезмалари каталогини форс тилида нашрга тайёрлаган раҳматли Шониёз Мусаевнинг “Фихрести нусхаҳойи хатти осори манзум анституи шарқшиноси Абу Райҳон Беруний Фарҳангистони улуми Ўзбекистон” китобида бу шахс ҳақида қуйидагича тўлиқ маълумот келтирилган: 1189. Шўмораи 2131. Девони Шўри ишқ. Аз Шайх Саъдиддин Аҳмад бин Мавлоно Абдулғаффор бин Мавлоно Абдулазиз ибн Мавлоно Абдулкарим Саййид ал-Ҳусайний ал-Ансорий ал-Кобулий бо таҳаллуси “Шўри Ишқ”. Муаллифи осори зиёди ирфоний-тасаввуфий таълиф карда аст, ки теъдоди онҳо дар “Нашъатул-қудс” зикр шўда аст. Дар муқаддимаи девон эттилоъоти зиндагийи шоир, тарихи бар-гаштани аз Ҳинд ба Кобул дар соли 1171/1757-58 м. ва ашъори ирфоний-тасаввуфий шомил шўда аст.

Мужаллади зибои музайян ва тиллоий. Дар коғази зарафшон, ба хатти настаълиқи хоно. Матни девон дар жадвали тиллоий ва рангий. Ҳошия бо хатти тиллоий. Барги аввали девон дорои сарлавҳаи нафису музайяни тиллоий ва барғҳои гулу гиёҳи тиллоий. Дар оғози муқаддима ва оғози девон низ дў сарлавҳаи музайяну нафис аст, ки амали Аҳмадхон ал-мулаққаб ба Сиддиқ... дар кашмир тазйин шўда аст, китобат шўда ва низ соли китобати девон 1265/1848 м. сабт шўда аст. Оғоз:

*Аввал баноми онки баҳар зарра ном дод,
 Сармоёи вужуд ба ҳар хосу ом дод.*

Анжом:

*Қоҳилону жоҳилону ғофилону воизонро, жумлагий шўд қотилон,
 Қатли қотил дар шариат шўд раво ин чунин фармуда аст он кибриё.
 (Мушаххасот: 351 барг. Андоза 19Х30 см. СВР II 1591).*

Шониёз Мусаев бу маълумотларни “Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР»нинг 2-жилди асосида тайёрлаган.

“Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фихрести” китобида ўқиймиз: “Девони Шўриши ишқ” – шайх Саъдиддин (Саъдуллоҳ) Аҳмад Ансорийнинг девони “Шўриши ишқ” деб аталган ва девон шу ном билан шуҳрат қозонган. Шоир Қобулда 1195/1780 йилда вафот этган. У тиб, ҳандаса, риёзиёт илмларида ҳам ижод қилган” (Эркинов, Полвонов, Аминов, 2010: 193).

Адабиётлар рўйхати:

1. Фихрести нусхаҳойи хатти форсий осори манзуми анституи шарқшиноси Абу Райҳон Беруний Фарҳангистони улуми Ўзбекистон. Ба кўшиш: доктор Шохниёз Мусаев. Зир назар: Ҳамид Мустафавий, Омонулло

Бўриев. Ройзаний фарҳангий сефорати жумҳурийи исломи Эрон дар Ўзбекистон.

2. Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Ҳ. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси фихрести. –Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2010. –Б. 193.

АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ – ИЛМИЙ МАКТАБ АСОСЧИСИ

ORDINARYUS AZİZ KAYUMOV – İLMÎ MEKTEP KURUCUSU

*Розия Хабохунова,
Андижон давлат университети
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Raziya Habohunova,
Andican Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Маколада олимлар томонидан яратилган илмий мактаблар ҳақида, хусусан академик Азиз Каюмов илмий мактаби тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Илмий мактаб, навоийшунослик, мумтоз, манба, қўлёзма, адабиётшунослик.

Annotation. In this article, it is written about the scholarly researches, in particular the academic Aziz Kayumov.

Key words: Science school, Navai sciences, classical, sourcing culmination, literary criticism.

Özet. Yazıda bilim adamları tarafından oluşturulan ilmi mektepler, özellikle, ordinaryus Aziz Kayumov'un ortaya çıkardığı akademik ekolden bahsedilmektedir.

Anahtar kelimeler: ilmi mektep, Nevai araştırmaları, Klasik edebiyat, Kaynak, Yazma, Edebiyat araştırmacılığı.

Фаннинг муайян йўналишида илмий мактаб яратилиши соҳага янги илмий қарашларни, тадқиқот объектига янгича ёндашув мезонларини, янги методларни олиб кириши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Илмий мактабнинг яна бир эътиборга молик жиҳати, фаннинг маълум бир тармоғида тадқиқотчиларнинг бир неча авлодини шакллантиради. Муайян жабҳада бир-бирини тўлдирадиган янги илмий йўналишлар юзага келишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фанни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқади. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари ўзбек мумтоз адабиётининг тадқиқи борасида чин маънода ривожланишга эришилгани жиҳатидан ҳам адабиётшунослигимиз тарихида муҳим ўрин тутди. Бу даврда адабиётшунослик фан сифатида ривожланди, бу фаннинг назарий асосларига доир мавжуд қарашлар такомиллаштирилди, илмий мактаблар яратилди.

Маълумки, “Илмий мактаб” истилоҳи замирида қуйидаги талабларга жавоб бера оладиган тадқиқотчилар жамоаси назарда тутилади: 1) янги илмий қарашлар муаллифи бўлган олим-лидернинг мавжудлиги; 2) олим-

лидер ғояларининг, хоҳ расмий илмий гуруҳ, хоҳ ихтиёрий бирлашган издошлардан иборат давомчилари бўлиши; 3) бу ғоялар илмий тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши; 4) илмий мактаб ғояларининг издошлар тарафидан мустақамланиши ва янгилиниши” (Лебедев, 2004: 35).

“Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари” деб номланган йирик тадқиқотда университет олимлари томонидан турли соҳаларга доир қирқдан ортиқ илмий мактаблар яратилгани акс этган. Мазкур тадқиқотда адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасидаги уч илмий мактаб ҳақида сўз боради. Булар: 1) ўзбек мумтоз адабиёти бўйича профессор Ғулом Каримов, 2) жадидчилик ва жадид адабиётини ўрганишга доир профессор Бегали Қосимов, 3) ўзбек адабий танқидчилиги йўналишида Озод Шарафиддинов илмий мактаблари (М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари, 258-291). “Бу илмий мактаблар Ўзбекистондагина эмас, хорижий мамлакатларнинг нуфузли фан ва таълим марказлари томонидан ҳам эътироф этилди” (Жабборов, 2008:153-154).

Фаннинг муайян соҳасида бир вақтнинг ўзида бир-бирини такрорламайдиган, аксинча бири иккинчисини тўлдирадиган бир нечта илмий мактаблар ҳам яратилиши мумкин. Бунга фан тарихида мисоллар кўп. “Профессор Ғулом Каримов 50-90-йиллар давомида Фитрат, Абдурахмон Саъдий бошлаб берган тадқиқот йўлини давом эттириш билан чекланмай, атрофига ўндан ортиқ истеъдодли олимларни бирлаштира олди ва ўзбек мумтоз адабиётини махсус тадқиқ этувчи илмий мактабга асос солди” (Болтабоев, 2008: 277). Буни инкор этмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, ўша даврда ўзбек мумтоз адабиёти бўйича яна бир илмий мактаб яратилган. Бу – академик Азиз Қаюмов илмий мактабидир. Олим яратган илмий мактабнинг асосий кўрсаткичлари нималардан иборат?

Биринчидан, академик Азиз Қаюмов ва унинг издошлари энг қадимги даврга оид адабий манбаларни тадқиқ қилиб, адабиётшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Олимнинг “Қадимият обидалари” асарида “Девону луғотит турк”, Урхун-Енисей обидалари сингари манбалар тадқиқ қилинди. Бу ёзма ёдгорликларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги баёни амалга оширилди (Қаюмов, 2010: 4-148). Бу асари орқали олим кўҳна адабий ёдгорликлардаги бадий-тарихий матнлар моҳиятини илм аҳлига ва кенг китобхонлар оммасига етказиш ишига катта ҳисса қўшди.

Академик Азиз Қаюмов қадимги ёзма обидаларни тадқиқ ва тарғиб этиш баробарида ўзи раҳбарлик қилган Ўзбекистон ФА Қўлёмалар институтида мазкур ёдгорликларни ўрганувчи алоҳида бўлим ташкил этди. Бўлимга етук олимларни жалб этиб, бу соҳани режали асосда илмий ўрганиш ишини йўлга қўйди. Ана шу бўлимда олимнинг издошлари Насимхон Раҳмонов Ўрхун-Енисей тошбитиклари, Қосимжон Содиқов уйғур ёзувидаги манбалар ва Мирсодиқ Исҳоқов суғд ёзма ёдгорликлари бўйича

илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар. Натижада Ўзбекистонда қадимги ёзма манбаларни ўрганиш соҳаси сезиларли даражада ривожланди. Янги илмий манбалар аниқланди, уларни тадқиқ қилиш юзасидан салмоқли натижаларга эришилди, янги қарашлар юзага чиқди.

Адабиёт тарихининг нисбатан қадимги даври билан боғлиқ Азиз Қаюмов илмий фаолияти Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳақидаги илмий-оммабоп рисолаларида намоён бўлган. Бу рисолалар халқимизнинг буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига доир қизиқишлари эътиборга олингани, қимматли илмий маълумотларни жамлагани, янги қарашларга бойлиги жиҳатидан катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Иккинчидан, олим илмий мактабида навоийшунослик алоҳида ўрин тутди. Азиз Қаюмов буюк мутафаккир Алишер Навоий “Хамса”сининг ҳар бир достони бўйича жами бешта илмий тадқиқот яратган. Бу тадқиқотлар “Ҳайрат ул-аброр талқини”, “Фарҳод ва Ширин” сирлари, “Лайли ва Мажнун”, “Етти саёҳатчи”, “Садди Искандарий” номлари билан нашр этилган. “Хамса” дostonларини тадқиқ қилар экан, олим улардан ҳар бирининг қўлёзма манбалари, рус тилига таржималари ҳақида муфассал маълумот беради. Буюк бешлик бўйича ўзигача яратилган энг муҳим тадқиқотларга таҳлилий муносабат билдиради. Асар чуқур таҳлил этади, аҳамиятга молик хулосалар чиқаради.

Академик Азиз Қаюмов тадқиқотлари ҳақида сўз кетганда, уларнинг замондош адабиётшунослар илмий ишларидан фарқ қиладиган муҳим бир хусусиятини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. Бошқа барча асарлари сингари “Хамса” дostonларига доир илмий ишларида ҳам олим жамиятнинг барча табақалари қизиқишларини эътиборга олади. Унинг асарларини ўқиганда, олим ҳам, оддий китобхон ҳам бирдай завқ ҳиссини туяди. Чуқур назарий ёндашув, таҳлилий қувват ва шарҳ усулининг ўзаро уйғунлиги Азиз Қаюмов тадқиқотларининг хос хусусиятларидир. Олим тадқиқотларида шарҳ усулини танлаши бежиз эмас. Бу орқали у буюк Алишер Навоий асарларидаги ҳаётбахш ғояларни кенг китобхонлар оммасининг қалби ва онгига етказмоқни мақсад қилган ва бунга эриша олган.

Алишер Навоийнинг адабиётшуносликда нисбатан кам ўрганилган асарлари ҳақидаги “Нодир саҳифалар” асари олим илмий фаолиятида алоҳида мавқега эга. Бу китобда буюк мутафаккирнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Муножот”, “Вақфия”, “Сирож ул-муслимин”, “Тарихи мулуки Ажам” сингари асарлари монографик асосда ўрганилган. Мазкур асарлар матнидаги мумтоз адабиётимизнинг бугунги кундаги мухлислари учун энг эътиборга лойиқ жиҳатлар ҳақида қимматли илмий мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, олим “Насойим ул-муҳаббат” асарини таҳлил этар экан, бошқа мутахассислар эътиборидан бир қадар четда қолиб келган муҳим масала – ҳазрат Алишер Навоийнинг оила аъзолари, дўстлари ва яқинлари давраси тўғрисидаги маълумотларнинг асарда акс этиши билан

боғлиқ маълумотларга эътибор қаратади. Буюк шоирнинг отаси ҳақидаги “бу фақирнинг отасининг фуқаро аҳлига кўп иродат ва ихлоси бор эрди”, деган сўзлари келтирилиб, Бобо Кўкий билан боғлиқ воқеа мисолида бу ҳақда таҳлилий фикрлар келтирилади. Шунингдек, ҳазрат Навоийнинг “кибар асҳобидан” саналган Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, устози Абдурахмон Жомий, шунингдек, Дарвеш Саййид Ҳасан, Хожа Авҳад Муставфий, Бобо Пирий, Бобо Хокий сингари яқин кишилари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил этилиб, муҳим хулосалар чиқарилган.

Олимнинг “Алишер Навоий” асари буюк шоир ва мутафаккир ҳаёт йўлининг илмий-оммабоп талқини эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Азиз Қаюмовнинг навоийшунослик борасидаги илмий ишлари Саидбек Ҳасанов, Муҳаммаджон Имомназаров, Афтондил Эркинов каби шогирдлари томонидан изчил давом эттириб келинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, рус олими С.А.Лебедевнинг илмий мактаб учун “олим-лидер ғояларининг, хоҳ расмий илмий гуруҳ, хоҳ ихтиёрий бирлашган издошлардан иборат давомчилари бўлиши” (Лебедев, 2004: 35) зарурлиги ҳақидаги фикрлари устоз олим илмий фаолиятининг издошлари тимсолида ўз тасдиғини топаётганидан далолатдир.

Учинчидан, Азиз Қаюмов Қўқон адабий муҳитини илмий ўрганиш ишига асос солган олим. “Қўқон адабий муҳити” монографияси адабиётшунослигимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган тадқиқотлардан. Мазкур монографияда олим бу адабий муҳитни ёритувчи қўлёзма манбалар, Қўқон адабий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, йирик намояндалари тўғрисида қимматли илмий маълумотларни аниқлаган, тадқиқ қилган, муҳим хулосалар билдирган. Жумладан, Низомий Хўқандий, Жалолоий, Азимий, Акмал, Ғозий, Равнақ, Садоий, Шўхий, Амирий, Вазир, Адо, Фазлий, Увайсий, Маҳзуна, Нодира, Нодир, Маъдан, Хон, Махмур сингари шоирлар ижодий меросини биринчилардан бўлиб ўрганган. Улар асарларининг манбаларини аниқлаган, муқояса этган, салмоқли илмий хулосаларни илгари сурган. Адабиётимиз тарихида тутган ўринларини белгилаб берган. XIX аср иккинчи ярми Қўқон адабий муҳити намояндалари Фурқат, Муқимий, Завқий адабий мероси бўйича ҳам эътиборга молик тадқиқотлар яратган. Бу ижодкорлар биографияси ва ижодий фаолиятига доир янги маълумотларни илмга олиб кирган, чуқур таҳлил ва тадқиқ қилган.

Қўқон адабий муҳитига доир олим қарашлари Шариф Юсупов, Аҳмаджон Мадаминов, Нурбой Жабборов, Абдуллатиф Турдиалиев, Отабек Жўрабоев, Қўлдош Пардаев каби олимлар томонидан изчил давом эттирилди, давом эттирилмоқда. Бу борада ҳам мазкур илмий мактаб анъаналари наинки давом этмоқда, балки янги манбалар илмий истифодага олиб кирилди, тадқиқотлар кўлами кенгайди, янгича илмий талқинлар илгари сурилди. Қўқон адабий муҳитини, етакчи намояндалари адабий меросини ўрганиш иши янги босқичга олиб чиқилди. Шариф Юсупов ва

Нурбой Жабборовнинг Фурқат, Аҳмаджон Мадаминов ва Абдуллатиф Турдиалиевнинг Муҳйи ва Завқий, Отабек Жўрабоевнинг Ҳазиний, Қўлдош Пардаевнинг Муқимий ижодий мероси юзасидан олиб борган тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, академик Азиз Қаюмов ва у асос солган ўзбек мумтоз адабиёти илмий мактаби вакиллари адабиётшунослигимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб кўшилган тадқиқотларни яратдилар. Бу илмий мактаб анъаналари бугунги кунда ҳам муносиб давом эттирилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Лебедев С.А.Философия науки: Словарь основных терминов. – Москва: Академический проект, 2004.

2. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари.– Тошкент: “Ўқитувчи”, 2008.

3. Жабборов Н. Миллий университетнинг ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослиги соҳасидаги илмий мактаблари. / “Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожига Ўзбекистон Миллий университетининг роли” мавзусидаги халқаро илмий конференция материаллари. - Тошкент, 2008.

4. Болтабоев Ҳ. Профессор Ғулом Каримовнинг ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш илмий мактаби. /Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2008.

5. Қаюмов А. Қадимият обидалари. / Асарлар. 10 жилдлик, 10-жилд. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010.

6. Қаюмов А. Ҳайрат ул-аброр талқини”, “Фарҳод ва Ширин” сирлари. /Асарлар. 10 жилдлик, 1/1-жилд. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008.

7. Қаюмов А. Лайли ва Мажнун”, “Етти саёҳатчи”, “Садди Искандарий”./Асарлар.10 жилдлик, 1/2-жилд. –Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2008.

USE OF POEMS, SONGS AND RHYMES IN ENGLISH CLASS

*Khodjaeva S.S.,
senior teacher Uzbekistan State
World Languages University*

Annotation. This article deals with the use of poems, tongue twisters, songs and rhymes in the process of teaching pronunciation of English language. In the article the author touches upon the issues of using of poems, tongue twisters, songs and rhymes in understanding the sounds. The author gives some examples on using poems, tongue twisters, and songs.

Key words: Poems, tongue twisters, songs, rhymes.

Аннотация. Эта статья посвящена использованию стихов, скороговорок, песен и стихов в процессе обучения произношению английского языка. В статье автор затрагивает вопросы использования стихов, скороговорок, песен и рифм в понимании звуков. Автор приводит несколько примеров использования стихов, скороговорок и песен.

Ключевые слова: Стихи, скороговорки, песни, рифмы.

One of the effective methods of teaching pronunciation is the use of poems, tongue twisters, songs and rhymes in a foreign language class. The close attention of many scientists, methodologists and teachers attracts the search for effective ways and methods of teaching a foreign language. The use of poetic and song materials in a foreign language lesson is one of such effective teaching methods. Many teachers and methodologists who work with children at different stages of learning use poetic texts and songs when learning a foreign language.

The purpose of teaching foreign languages is the acquisition of knowledge, the formation of students' skills and abilities, as well as their mastery of information from a regional geographic, linguistic and cultural and aesthetic character. Poems and songs bring pleasure when learning a foreign language and instill a love of poetry for children from an early age, as well as increase the efficiency of the educational process. The purpose of this article is to try to show an increase in the effectiveness of teaching pronunciation when using poems, tongue twisters and songs in English lessons. Undoubtedly, various forms of using poems and songs contribute to improving learning, if this takes into account modern methods of teaching a foreign language, the psychological and pedagogical characteristics of students, and the amount of grammar and lexical material studied in the classroom. N.P. Dyachenko notes that the methods of work on a poetic text can be different and depend both on the stage of education and on the goal that the teacher sets for herself (3; 30-33). At the same time many tasks can be realized, such as teaching grammar, phonetics, vocabulary and translation. Reading poems, their declamation and translation make foreign language classes more

meaningful, motivational and increase interest in studying the subject. It is necessary to determine the approximate sequence of work with a poem; it can be divided conditionally into several stages: a) Phonetic presentation of the text; b) Lexical presentation of the text; c) The grammatical presentation of the text.

Formation of pronunciation skills is conducted at all stages of learning a foreign language. In this case, students with great desire and diligence work on individual sounds, difficult-to-pronounce words and intonation, if they are presented in rhymed form (3: 4). To address issues related to learning pronunciation, the comparative analysis of the phonological base of the studied and native languages is of great importance. The development of speech hearing in students is the main task in teaching pronunciation. This problem can be solved by combining explanation with imitation. The imitation process consists of two stages: listening to the sample and its reproduction. Improving the skills of pronunciation in a non-linguistic environment allows you to work with poetic works and tongue twisters in foreign language lessons. This is a simple, not boring and at the same time effective way that allows you to avoid many mistakes when learning, working out and fixing new sounds. Often, the lesson begins with phonetic charging and specially selected verses and rhymes can be used as phonetic charging. In the next two or three lessons, N.P.Dyachenko advises repeating a poem or rhyming, correcting the pronunciation of sounds. This type of work can be included in the lesson at different stages; it serves as a kind of recreation for children (2: 30-31).

Chanting tongue twisters under rhythmic music is very effective for working out the pronunciation technique. You can successfully use such famous patterns as “Fuzzy Wuzzy was a bear,” “Peter Piper picked a peck of pickled peppers,” and others. Do you have difficulty pronouncing the sound / P /?

Then train: “Peter Piper picked up a peck of pickled peppers.

A peck of pickled peppers Peter Piper picked.

If Peter Piper picked up a peck of pickled peppers,

What’s the peck of Peter Piper picked? ”

At the stage of learning pronunciation, the correctly set intonation is also important. Speakers, as a rule, are phrases that contain many phonetically similar words. These words are often the ones we call minimal pairs, that is, they are pairs of words that differ only in one sound. In the example “she sells sea shells by the seashore”, there are two minimal pairs: “she / sea” (she / sea) and “sells / shells” (sells / shells). In both cases, the words are the same except for the first sound. In this distinction it is important that it can be useful for determining the difference between such sounds and the practice of English pronunciation. Now try with the full text:

“She sells sea-shells on the sea-shore.

The shells she sells are sea-shells, I’m sure.

For if she sells sea-shells on the sea-shore

Then I’m sure she sells sea-shore shells”.

Not so easy, right? What is the difficulty of pronunciation tongue twisters?

You will probably ask yourself why tongue twisters are difficult to pronounce even for native speakers of English; after all, there are no sounds in the shells and sells that are foreign to the English language, so what's the problem? The answer is how we process the language. Linguists believe that we do not process words in a statement (no matter what we say) one by one; instead, the whole line is processed by the brain, before we start saying the first word. The mistakes we make when uttering tongue twisters are often so-called wait errors. Speakers usually originate not from classes of words, but from phonologically similar words. In any case, there is a connection between words that confuse the human mind.

Now that we know that even native English speakers make mistakes when they say tongue twisters, you ask, how can an English student learn from them? It is easier for learners to perceive the intonation structure of English sentences, listening and reproducing intonations of verses and songs. For example, 'Why do you cry, Willy?' Can be used not only for practicing sound [w], but also for practicing intonation. For the formation of pronunciation skills in the study of the plural, you can learn the following rhyme, while emphasizing the correct pronunciation of the ending: [s], [z], [iz]:

A cat – cats, a hat – hats,
 A sock – socks, a clock – clocks.
 A pen – pens, a hen – hens,
 A bee – bees, a tree – trees.
 A fox – foxes, a box – boxes,
 A bus – buses, a glass – glasses.
 Lady – ladies, a baby – babies,
 A cherry – cherries, a berry – berries.
 Shelf – shelves, a wolf – wolves,
 Wife – wives, a knife – knives.

You can perform this exercise in writing and evaluate the knowledge of spelling rules: y - ies; f - ves. The formation of lexical skills and abilities presupposes knowledge of the situational, social and contextual rules that native speakers adhere to. Students must learn the meanings and forms of lexical units, and be able to use them in different situations of oral and written communication.

Songs and rhymes help to introduce or fix lexical material in a lively and emotional way. Memorizing songs and playing them in class, first in chorus, and later individually or in pairs, develops speaking skills in a foreign language. Rhyming speech is more familiar and natural to children than simple, because it is easier to remember information in rhymed form. At the initial stage of education, children are well perceived, memorized and reproduced ready-made lexical constructions, especially if they rhyme or are introduced to music, rhythm.

The use of song material increases the activity of students, makes classes in grammar more exciting, and helps to master the program lexical and grammatical material of the training course easily and quickly.

In conclusion, I would like to note that the use of poems, rhymes and songs creates a psychologically favorable climate and a comfortable atmosphere in the classroom. The techniques of working with poems, songs and rhymes are combined with other techniques and make the lesson easy, interesting and memorable and bring a lively stream to the course of the lesson, creating the effect of novelty. Any material based on the song is remembered easier and faster, stronger and is stored in the long-term memory of students. But music is not an end in itself and not entertainment in a lesson, but its natural part, which should be interwoven into the lesson's plot and have a positive effect on the motivational sphere of students. And most importantly, the teacher should strive to ensure that the learning process would not be monotonous mechanical reproduction of the material being studied, the teacher should enthrall his students, which is greatly facilitated by work on rhymes, poems and songs.

References:

1. Витни Н. “Open doors 2”, Оксфорд, 2000. с. 57.
2. Гебель С.Ф. Использование песни на уроках иностранного языка/С.Ф. Гебель//Иностранные языки в школе, 2009. №5. – с. 28-31.
3. Дьяченко Н.П. Стихи, рифмовки и песни как средство повышения эффективности урока английского языка. /Н.П. Дьяченко// Педагогический вестник, 2004. №3. – с. 30-33.
4. Нехорошева А.В. Rhyme your English: Сборник стихов, рифмовок и песен на английском языке: Практическое пособие – Москва: АРКТИ, 2006. – 80с.

FEATURES OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE COURSE OF LEARNING FOREIGN LANGUAGES

*S.S.Khodjaeva,
senior teacher Uzbekistan State
World Languages University*

Annotation. This article presents the peculiarities of cross-cultural communication in the process of teaching of foreign languages. In the article the author touches upon the issues about difficulties in understanding while representatives of different cultures build contacts between each other as well as the ways of solving out these difficulties. The author provides us with the methods of teaching of foreign languages in relation to cross-cultural communication.

Key words: Cross-cultural, communication, foreign languages.

Özet. Makale yabancı dilleri öğrenme sürecinde kültürlerarası ilişki sorunuyla ilgilidir. Bu ilişkinin sıkıntıları, onları bertaraf etme ve çözme meselelerine yer verilmiştir. Yazar kültürlerarası ilişkiyi öğretme tekniğini sunmuştur.

Anahtar kelimeler: kültürlerarası ilişki, yabancı diller, öğrenmek, sorun.

Аннотация. Мақола хорижий тилларни ўрганиш жараёнида маданиятлараро мулоқот муаммосига бағишланган. Мақолада маданиятлараро мулоқотнинг қийинчиликлари ва уларни қанда ҳал қилиш масалалари кўриб чиқилади. Муаллиф маданиятлараро мулоқотни ўргатиш технологиясини батафсил баён этади.

Калит сўзлар: Маданиятлараро, мулоқот, хорижий тиллар.

The 21st century is the age of information, globalization, the rapid development of science and new technologies. Today, no country remains isolated. The bulk of humanity is involved in the global circulation. Studying abroad, scientific activities, business - all this leads to the need to communicate with representatives of foreign cultures. For successful communication, a person, regardless of his country of residence, needs not only to have a good knowledge of a foreign language, but also to accept his interlocutor as a carrier of a foreign culture that has its spiritual world, its own world perception. Knowing the same language, people cannot always understand each other correctly, and the reason for this is often the difference between cultures. At first glance, due to globalization and intensive migration, differences between cultures should gradually disappear, giving way to the so-called “universal” or “world. Communication is an act or process of transferring information to other people, a connection between two or more individuals, based on mutual understanding, the communication of information by one person to another or several persons. Intercultural communication is communication between representatives of different human cultures.

Culture is an essential characteristic of a person, connected with the human ability of purposeful transformation of the environment.

Living world, during which creates an artificial world of things, symbols, as well as connections and relationships between people. Everything that is made by man or is related to him is a part of culture. Communication and communication are an essential part of human life, and therefore part of culture. Emphasizing their significance, many researchers equate culture with communication (communication). Based on this interpretation, many Western scientists figuratively depict culture as an iceberg, which is based on cultural values and norms, and its peak is the individual human behavior, based on them and manifested primarily in communication with other people. No culture exists in isolation. Relations are intercultural if their participants do not resort to their own traditions, customs, ideas and ways of behavior, and get acquainted with other people's rules and norms of everyday communication. Intercultural communication should be considered as a combination of various forms of relations between individuals and groups belonging to different cultures. Why do many difficulties arise in understanding when representatives of different cultures make contacts with each other? And what hinders successful intercultural communication? Most people consider their own culture to be the center of the world and a scale for all others. This phenomenon is called "ethnocentrism". As a rule, ethnocentrism prevents a person from adequately evaluating, adequately accepting and being tolerant to members of another culture. The meeting of two cultures can be compared with the concepts of "internal" and "external", "one's own" and "alien". "Inner" means warmth, security, and confidence, "outer" - threatening, alien, unknown. At a psychological level, a person, entering into a communicative act with a representative of a foreign culture, is obviously negatively disposed. The third reason that prevents understanding of two communicants is the emergence of stereotypes about the representatives of a certain culture. The inability of the interlocutor to go beyond the established images of this culture often leads to disagreement. Teaching people to communicate (verbally and in writing), to teach how to produce, create, and not just understand foreign speech is a difficult task, complicated by the fact that communication is not just a verbal process. Its effectiveness, in addition to knowledge of the language, depends on many factors: the conditions and culture of communication, the rules of etiquette, knowledge of non-verbal forms of expression (facial expressions, gestures), the presence of deep background knowledge and much more. In a situation of contact between representatives of different cultures, overcoming the language barrier is not enough to ensure the effectiveness of communication. For this it is necessary to overcome the cultural barrier. The national-specific features of the most diverse components of the cultures of communicants may complicate the process of intercultural communication. The main answer to the question of solving the actual problem of teaching foreign languages as a means of communication between representatives of different nations and cultures is that languages should be studied in inseparable unity with the world and the culture of peoples who speak these languages. It is necessary not only to teach a person a foreign language, but also to teach him to

respect and appreciate the culture of a given people (Ter-Minasova, 2000). Language is a mirror showing the world in a person's perception surrounding a person and reality. At the same time, the person himself, his lifestyle, behavior, relationships with other people, the system of values and culture are reflected in the mirror of the language (Ter-Minasova, 2000). According to Ter-Minasova S.G., there are three notions: "patience", "tolerance", "tolerance" - a universal formula for successful intercultural communication (Ter-Minasova, 2000). Since the language and culture are interrelated, it is impossible to teach the language in isolation from the culture of the country.

There are several ways of simultaneously teaching language and culture.

Role-playing games. A technique that is very popular in our time, when students enter the position of a representative of a different nationality and, trying to preserve the peculiarities of his culture and language, play out sketches on the topic. This form of theatrical presentation needs, in the language of the actors, the maximum penetration into the role, and therefore requires serious preparation, search for materials in books and the media. It is pleasant to note that our students have unlimited opportunities for this: excellent specialized bookstores, movies, TV shows, talk shows, the Internet, personal interaction with carriers of a certain culture and language (in clubs, bars, at student parties, etc.). Preparation of individual messages containing interesting facts on the topic of employment. For example, higher education in one of the countries of Europe or Asia, the peculiarities of the national cuisine of the countries of Europe and Asia, the peculiarities of conducting business negotiations in various countries, etc., in accordance with the current topic of the lesson. Students choose a country and prepare an overview on the topic. The rest of the group carefully notes the presentation in order to be ready for a reasoned discussion.

Home reading. This is a special kind of homework. Students receive a task for a month, at the end of which in one of the classes they discuss the features of the management described in a particular work of art. Students discuss management issues in comparison with our time and our country. This method of work helps students to actively replenish their vocabulary, learn new realities, characteristic of the country, to plunge into the world of another culture.

The game: "Instructing tourists before a trip to a particular country." Performed individually as homework. The topics are pre-distributed among students, and at the lesson each "instructor" talks about his chosen country and answers questions from the audience. The main task of the "instructor" is to provide the most necessary information to future "tourists" who would help them to adapt from the first days in the country. It should concern all sorts of aspects of the life of the country and be interesting and useful. A general discussion of the cultural characteristics of a country based on the personal experience of students, knowledge gained from the media, books and magazines. The teacher offers the country for discussion. And students should exchange information in such a way that they have the most complete and correct picture of the country. In the process of performing the above types of work in the classroom and at home, students have to actively use a lively spoken foreign language. And, of course, to

get acquainted with a huge amount of realities inherent in the countries under discussion. And it greatly enriches the vocabulary of young people, develops them, expands the range of interests, and helps to better know the life of their peers in other countries, their problems and nuances of life. And most importantly, it helps students understand that the same guys live there. And that the differences between "them" and "us" are not so great!

This leads young people to realize their own place in a wide range of human cultures. They become aware of the aspects of the "common" and "universal", of what exists beyond geographical boundaries, what unites people of the whole world. Going deep into the study and understanding of other cultures, admiring the culture of other nations, we are proud to realize the place of culture of our country, which is especially close and clear to us.

As a result, we try to share this feeling with our students, cultivating in them a deep love for our country and tremendous respect for other countries and peoples.

References:

1. Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. -Москва, 1990.
2. Грушевицкая Т.Г., Попков В.Д. Основы межкультурной коммуникации. - Москва, 2002. 352 с.
3. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. - Москва, 2000.
4. Ingrid Piller. Intercultural Communication: A Critical Introduction. Edinburg University Press, 2011.
5. Stella Ting-Toomey. Communicating Across Culture. Guilford Press, 1999.

THE FUNCTION OF NATURE IN MARGARET DRABBLE'S NOVEL "THE WITCH OF EXMOOR"

*Nilufar Mukhammedova,
Senior Lecturer, Uzbekistan State
World Languages University*

Annotation. The presented article focuses on the role of nature in describing woman character in the novel of modern woman English writer Margaret Drabble. Nature, especially forest plays an important role in presenting the main character's eccentric features as the main character prefers to live in the forest though she has lived in comforts and brought up three children in her life. Her attitude towards nature, forest, animals reveal her inner world and unusual feature in her personality.

Key words: Nature, forest, woman, novel, description, place, character.

Аннотация. В статье рассматривается роль природы в изображении женского характера в романе современной английской писательницы Маргарет Дрэбл. Природа, а особенно лес играет важную роль в описании необычных черт главной героини, так как она предпочитает жить в лесу, несмотря на то, что она жила в хороших условиях и воспитала трех детей. Ее отношение к природе, животным в лесу, раскрывает ее внутренний мир и эксцентричность в ее характере.

Ключевые слова: Природа, лес, женщина, роман, изображение, место, характер.

In the process of writing a novel the writer gives attention to particular detail, as it serves to be an important key to presenting the idea of the novel. The characters of the novel act around that detail and their thinking, attitude towards the world is explored. In the novel that detail may stay inactive, but for the writer it is essential in presenting the idea of the author. One of such literary devices is nature, specifically forest. For some writers forests are usually the place in which wild animals, wild birds live and survive. By describing the forests as a location these writers present the relation between humanity and nature. For famous American writer Jack London (1876-1916) the nature was a place in which he presented the relation between wild animals and humanity. For Russian writer Mikhail Prishvin (1873-1954), it was a place in which he explored the animals' life and their attitude towards people. For other writers the description of forests is used in novels as a mysterious place where heroes can escape and survive as they are not able to join the society due to their dirty deeds. The writers who enjoyed the beauty of the forests started using description of forest as a literary device in presenting not only the idea but in demonstrating the unusual characteristics of their main heroes in the novels.

A prominent English writer of the XX century Margaret Drabble in the foreword to her book "A Writer's Britain" states that "at the beginning of the nineteenth century love of nature seemed almost to replace love of mankind as a subject for literature.

Despite an uncertain climate and a large-scale industrial revolution, English writers have persisted in seeing and praising the distinctive beauties of their own country” (Drabble, 2009: 6). Though English poet Robert Browning preferred Italy, wrote “Oh, to be in England now that April’s there”, another English poet George Byron could not suppress a surge of enthusiasm at the sight of the white cliffs of Dover and the green fields of Kent” (Drabble, 2009:6). For William Wordsworth, a famous English poet of Romanticism period in English literature, nature became his subject matter which lay around him in his infancy. “The river Derwent and the mountains of the Cumberland were as mother and father to him. William Wordsworth forged a new relationship between man and the natural world: he lived in a new communion, and when he was young he found the language, in Shelley’s phrase, like clay in his hands” (Drabble, 2009:149). “Wordsworth not only saw the natural world as a vital formative influence on man; he was at least half persuaded that every living object, even plants and trees, could experience joy and sorrow. The world was a living symbol, but more than that, it lived in its own right” (Drabble, 2009:153).

In the novel of the modern woman English writer Margaret Drabble forest helps the reader to understand the eccentricity of the main heroine Frieda Palmer. For the writer the forest is a place where Frieda can realize her dream, think of her life and reflect on it. Frieda’s attitude towards the forest, animals, birds show her personality as a good woman, mother and grandmother.

The title of the novel “The Witch of Exmoor” (1996) gives the idea about the personality traits of the main heroine Frieda Palmer. The witch is “a woman thought to have evil magic powers, popularly depicted as wearing a black cloak and pointed hat, and flying on a broomstick” (CALD, 2008: 1035). She is the main negative hero described in fairy tales and never does anything good to humans. Even the appearance of the witch reveals her features as an unusual old woman. Another negative association about the witch is that she does not develop good relations with children, by nature she does not like children and children are afraid of her. But in “The Witch of Exmoor” the author presents quite different “witch” who possesses very different features and almost all of them are of positive characteristics. Frieda Palmer, the witch of the novel, is a mother who has three adult children. All of her children are educated, have their families and children, found their place in the modern British society.

The novel starts with the dinner in which Frieda’s adult children come to decision of what to do about their mother. According to her children Frieda lost her mind or gone senile. But they cannot find any signs that could prove Frieda’s incompetency. For them Frieda’s decision to move to Exmoor and staying there becomes a sign that proves her eccentricity. Frieda doesn’t care what they think, as she has never been an attentive mother when they were young. In order to bring up her children Frieda earned her living by writing. But now her adult children bore her and so she does not worry about them. Her children feel she is a monster because of her past and current inattentiveness. They really have no idea how she spends her days and who her friends are. Critic Mundow Anna states that “two-thirds” of “The Witch of Exmoor” is about successful author

Frieda Palmer and her relationship with her three children and their spouses” (Mundow, 1997:6).

When Frieda decides to move to a ruin of a house in Exmoor to examine her life and write her memoirs, her family starts discussing over who should be looking out for mother. Frieda is merely independently living her life and she seems always to have despised her children, their jobs, their spouses, their eating habits and their stuffy, complacent lives. But only now in old age has she decided to desert them and their modern England: abandoning her car in a traffic jam, selling the family house and taking up reclusive residence in a semi-ruin overlooking the sea.

Her life in Exmoor is considered to be a place or a source that can reveal her eccentric features as a witch. Exmoor is an area of moorland with its thick forest situated on the cliff near the sea. The nature of Exmoor is a place where Frieda behaves and demonstrates herself as a witch of the novel. The house in which she settles is vast, hideous and uninhabitable. Electricity often keeps going off there and the house is about to fall into the sea. Frieda purchased a dilapidated thirty-room Victorian castle by the sea. “The house is called Ashcombe, a dull suburban name for what Rosemary has described as a grand Gothic folly... Neither light nor sound emerge from her remote planet” (Drabble, 1998:85).

The way how the author describes Exmoor reveals Frieda’s style of life that resembles the witch: “Exmoor was full of eccentrics. Would a normal person want to live alone at a place like Ashcombe? Ashcombe had a bad reputation. Nobody normal had ever lived at Ashcombe. In its hotel days, it might have had one or two normal guests, but they hadn’t stayed long. And the manager had been barking mad. So had the proprietor, and so had the retired admiral who had built the place. It stood no reason that anybody who lived alone at Ashcombe might well wander off alone. Nothing illegal in that” (Drabble, 1998:167). As it is seen from the description, Frieda also preferred to walk alone and find comfort in communicating only with animals and birds in Exmoor.

Frieda’s attitude towards her house also shows her unusual feature as she does not think of order in her house. Her place does not illustrate the warmth which usual woman can create in their house, even the objects kept in Frieda’s house present her weird feature: “All the house was dump, with great mushrooms in places, and she said she’d never been into some of its rooms. Upstairs she had a globe and binoculars and a word-processor. She said she’d found a human skull under the floorboards...” (Drabble, 1998:109).

The description of nature, especially forest, moorland, woman’s attitude towards nature helps the author to present how eccentric the main heroine is. Thus it can be stated that nature becomes as a device that illustrates unusual features of Frieda Palmer’s personality. Even at the end of the novel Frieda disappears mysteriously as it happens with witches in fairy tales.

References:

1. Drabble M.A. *Writer’s Britain*. – Thames & Hudson, 2009. – 288 p.
2. *Cambridge Advanced Learner’s Dictionary, Third Edition* – CUP, 2008.

3. Mundow A. "The Witch of Exmoor" by Margaret Drabble. Los Angeles Times, 1997.
4. Drabble M. The Witch of Exmoor. – A Harvest Book, 1998. – 281 p.

**ЧАРЛЬЗ ДИККЕНС ПРОЗАСИДА БЕКАЧА ПОРТРЕТИНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**

CHARLES DICKENS NESRİNDE EV HANIMI PORTRESİNİN İFADESİ

*Хулкар Мухаммедова,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети катта ўқитувчи (Ўзбекистон)*

*Hulkar Muhamedova,
Özbekistan Devlet Cihan Dilleri Üniversitesi*

Аннотация. Мазкур мақолада инглиз танқидий реализм оқими вакили бўлган Чарльз Диккенс ижодида яратилган аёл характери типларидан бўлган бекача портрети таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Танқидий реализм, портрет, бекача портрети, статик портрет, динамик портрет, характер.

Annotation. The following article focuses on the portrait of a little housewife, type of a portrait in the novels of English writer Charles Dickens.

Key words: Critical realism, portrait, little creature, little housekeeper, static portrait, dynamic portrait, character.

Özet. Yazıda İngiliz edebiyati tenkidi realizm akiminin temsilcilerinden Charles Dickens'in eserlerindeki kadın tiplerinden olan ev hanimi karakteri tahlil edilmektedir.

Anahtar kelimeler: Tenkidi realizm, portre, ev hanimi, statik portre, dinamik portre, karakter

Европада ўрта асрларда романтизм, сўнгроқ классицизм, маърифатчилик каби турли оқимлар руҳида яратилган асарларни кузатганда аёл қалбини таҳлил этиш тобора кучайиб борганини кўриш мумкин. Мақоламизда мана шундай оқимлардан бўлган танқидий реализм даври вакили бўлган Чарльз Диккенс прозасида бекача портретининг ифодаланиши масаласини таҳлилга тортдик.

Ғарб адабиётининг энг муҳим хусусиятлардан бири ёзувчи ижодини даврлаштириб ўрганишдир. Бу тарзда илмий изланиш олиб бориш адиб ижодини монографик планли ўрганишга имконият беради. Хусусан, Чарльз Диккенс ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Ж.Форстер, М.Слейтр, Р.Боденхаймер, П.Экرويد, Э.Вилсон, А.Исба, М.Марголис. М.Тугушева, А.Аникин, Т.Сильман, Ж.Банкслар каби диккенсшунос олимлар муаллифнинг ижодини тўрт даврга бўлиб ўрганишган. Мана шу тўрт ижод даври мобайнида яратилган асарлардаги бекача портрети турли кўринишларда тасвирланган. Унинг биринчи ижод даври (1833-1841 йиллар)

“Боз очерклари”, “Пиквик клубининг мактублари”, “Оливер Твист”, “Николас Никлби”, “Асори атиқалар дўкони” каби юмористик асарларни ўз ичига олади. Иккинчи ижод даври (1842-1848 йиллар) “Америка хатлари”, “Мартин Чезлвит”, “Домби ва Ўғли” сингари асарларни қамраб олса, учинчи ижод даври (1849-1859 йиллар) “Девид Копперфилд”, “Совуқ Уй”, “Мудҳиш замонлар”, “Жажжи Доррит” каби ўткир ижтимоий масалаларга бағишланган асарларни яратди. Адибнинг тўртинчи ижод даври (1859-1870 йиллар) “Икки шаҳар ҳақида қисса”, “Буюк умидлар”, “Бизнинг умумий дўстимиз” ва тугалланмай қолган “Эдвин Друд сири” сингари асарларни ташкил этди. Муаллифнинг иккита йирик асари “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” ва “Буюк умидлар” асари таржимонлар Эркин Миробидов ҳамда Шоазим Минаваров томонидан ўзбекчага таржима қилинган.

Адибнинг илк ижоди бўлган “Боз очерклари” асарида муаллиф тўртта опа-сингил характерини тасвирлайди. Мазкур опа-сингиллар характерини тасвирлашда ёзувчи тўрт опа-сингил атрофидаги инсонларнинг фикрлари орқали ифода этади. Уларнинг фикрича у тўрт опа-сингил бегоналар билан гаплашишмас, рўзғор ишларини уддалашда уларга етадигани кам экан. Бундай таърифдан уларнинг оддий уй бекаси эканлигини аниқлаш мушкул эмас. Адибнинг илк ижод даврига тегишли бўлган “Пиквик клубининг мактублари”(1836), Оливер Твист (1838), Дэвид Копперфилд (1849) асарларида бекача портрети яққолроқ ифода этилганига гувоҳ бўламиз. Чарлз Диккенс айнан бека деб эмас, бекача –little creature дея таъриф бериши муҳим аҳамият касб этади. Оддий уй бекаларидан тортиб, хизматкор аёлларгача муаллиф томонидан берилган энг яхши таъриф бу бекача эканлигини муаллиф ўзи ҳам таъкидлаб ўтади. Ёзувчи асарларида ифода этилган бекачалар 13 ёшдан тортиб 17 ёшгача бўлган қизларни акс эттиради. Ёшлик шижоати уфуриб турган бекачалар тасвирида бироз муболаға ҳам мавжуддир. Хусуан, бу типдаги қизлар тажрибали ва оқила уй бекалари эга бўлган тажрибага эгадир. Балоғатга етмаган қизларнинг уй-рўзғор ишларини моҳирлик билан уддалашлари китобхонда бироз шубҳа туғдириши табиий холдир. Чарлз Диккенс бекачалар тасвирида уларнинг кўринишидан тортиб, характеригача ижобий таъриф беради. Уларни яратишда ижобий сифатлардан кенг фойдаланади.

Адибнинг ижоди ҳам бундай типдаги бекачалар Диккенс учун қадрли бўлганлигидан далолат беради (Holbrook, 1993:11). “The little creature” яъни уй бекачаси портретини тасвирлар экан, унинг бекачалик сифатига аҳамият беради: “*These are late hours for working and thinking. You do that for all of us, all day long, little creature just a little housekeeper – бу дақиқалар ишлаш ва ўйлаш учун оғир эди. Сен хаммасини кун бўйи фақат бизлар учун қилдинг бекача, уйнинг кичик бекаси*” (Dickens, 2013: 237-238).

Маълумки адабиётда портрет персонажнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши яъни қиёфаси, жуссаси, кийими, юз

ифодаларини ўз ичига олади. Адабиётшунос олим Д.Қуроноф портрет тасвирининг статик ва динамик турларга бўлади. Статик портретда персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда деталлаштирилиб чизилади. Динамик портретда эса персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар воқеа ва диалоглар тасвирида акс этади (Қуроноф, 1984:226-227). Чарлз Диккенс ижодида портрет тасвирининг иккала турини ҳам кўриш мумкин. Хусусан, “Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари” асарида ёзувчи Роз Мэйли портретини қуйидагича яъни статик ҳолда тасвирлайди: *“Кичик хонимнинг аёлларга хос латофату назокати баҳори етишган бу вужуд фаришталар жон-жон дея маскан тутадиган ўн еттилар чамасида эди. Қадди қомати бежирим чехраси мулойим, мовий кўзлари чақнаб турарди”* (Диккенс, 1984:256).

Муаллиф асар қаҳрамони суратини сўз орқали чизиб кўрсатади. Шу ўринда ҳар бир қаҳрамонга хос кўз, юз, лаб, кулги каби ремаркаларни моҳирлик билан танлайди. Масалан, “Икки шаҳар ҳақида қисса - A tale of two cities” асаридаги бош қаҳрамон Люси Манеттнинг характерини очиб беришда бекачанинг ўзига хос сифатларини ва белгисини қуйидагича таърифлайди: *Янги қаҳрамоннинг исми Люси бўлиб, табиатан Нэллга ўхшаб кетади. Унинг гавдаси калта ва ёқимтой озғин бўлиб, тилларанг соч ва бир жуфт мовий кўзга эга эди. Ёш бўлишига қарамай тикиш ва бичишни уддалай олишининг ўзи уни қийинчиликдан қўрқмаслигини, қўрқув бегоналиги, кучли таассурот қолдиришини, хайратланиши каби тўрт иборани ўзида ифода этади - new heroine is named Lucie nor that she physically resembles Nelly even down to a characteristic expression of countenance: she has a short, slight, pretty figure, a quantity of golden hair, a pair of blue eyes,.... And a forehead with a singular capacity (remembering how young smooth it was), of lifting and knitting itself expression that was not quite one of perplexity, or wonder, or alarm, or merely of bright fixed attention, though it included all the four expression* (Dickens, 2013:98).

Юқорида келтирилган таъриф шундан далолат берадики, асар қаҳрамони бўлган Люси Маннетнинг ташқи кўринишида Европа қизларига хос бўлган мовий кўз ҳамда тилларанг соч тасвирланган. Бундан ташқари муаллиф унда тикиш ва бичишни уддалаши, қийинчиликлардан қўрқмаслиги, кучли таассурот қолдира олиш каби сифатларни келтириб ўтади. Бундан келиб чиқадики Люсининг бекачалик сифатида унинг ишбилармонлигини ҳам пайқаш мумкин.

Динамик портретда акс этувчи персонаж кўриниши воқеа ходисалари орқали яққолроқ кўринади. “Мартин Чазлвит” асарида тасвирланган Рус Пинч характерини муаллиф унинг акаси Том билан бўлиб ўтган суҳбат жараёнида ифода этади: *“Ruth Pinch has a good face; a very mild and prepossessing face; and a pretty little figure – slight and short, but remarkable for its neatness – Рус Пинч озғин ва калта бўй бўлиб, юзи ёқимтой кўринишига эга эди. Аммо унинг ажойиблиги унинг тартибли эканлигида кўринарди”* (Dickens, 2013: 314).

Келтириб ўтилган Рус Пинч портретида ҳам нафақат унинг ташқи қиёфасини тасвирлаш балки унинг тартибли иш юритиши каби хусусияти портрет тасвирини тўла қонли акс эттиради. Чарлз Диккенс ижодига хос бўлган портрет ҳамда характерни уйғунлаштириб тасвирлаши унинг юксак маҳоратидан далолат беради. Персонажни динамик портрет усулида тасвирлаш “Асори-атиқалар дўкони” асаригаги миссис Куилп портретида ҳам динамик портрет белгилари кўзга ташланади: *“Mrs Quilp herself a pretty little, mild-spoken, blue-eyed woman, who having allied herself in wedlock to the dwarf in one of those strange infatuations of which examples are by no means scarce, performed a sound practical penance for her folly, every day of her life – Miss Quilp оғир- вазмин сўзловчи, мовий кўзли аёл эди. У бир сўз билан айтганда пакана билан турмуш қуриши натижасида рафиқалик бурчини ўташи ғалати ҳодисалардан бири бўлиб, бундай ноёб жўшқин муҳаббат чексиз ўкинишни ва унинг унинг ҳаётидаги аҳмоқона қарор бўлганлигини ҳар қуни эслатиб турарди”* (Dickens, 2013:483). Миссис Куилп тасвирида портрет деталаридан ташқари унинг руҳий кечинмаси ҳам ўз ифодасини топган. Чарлз Диккенс оғир ва вағмин табиатли аёлнинг йўл қўйган хатосини ва мана шу хатонинг ҳар қуни унга эслатиб турилишини ҳам ифода этади. Мазкур тасвирда характер ва портрет тасвири уйғунлаштириб ифода этилганига бевосита гувоҳ бўламиз.

Юқорида келтириб ўтилган бекачалар портретларида уларнинг либослари ҳам мутаносиб ҳолда тасвирланади. Уларнинг бошларидаги пешбанди ва олдига таққан узун фартуклари ҳам бекачаларнинг бошқалардан ажралиб турувчи белгиси сифатида қайд этилади. Чарлз Диккенс учун қадрли бўлган бекачалар асарларда иккинчи қаҳрамон сифатида талқин этилади. Гарчанд улар фақат ижобий сифат ва ўзига хос характерни намоён этсада, улар ҳеч қачон асар саҳифаларида биринчи планда тасвирланмаган.

Муаллиф фикрига кўра хонадонларда ва ўз уйида оиласи ва хизмат қилувчи хонадонига садоқат билан хизмат қилсада бекачаларнинг бу садоқатлари хўжайинлари томонидан муносиб тақдирланмайди. Бекачалар тақдирида қаттиқ ва машаққатли оғир меҳнат улар зимасига юклатилганлигини кўрсатади. Мана шу машаққатли меҳнати орқали уларнинг иродасини тобора тоблаб боради. Натижада асар якунидагина ёзувчи уларнинг мана шу меҳнатини ҳисобга олган ҳолда муносиб тақдирлайди.

Персонажлар характерини очувчи деталлардан бири бўлган портрет тасвирларида турли хил деталларнинг ифодаланиши унинг ўзига хос хусусияти мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга портрет тасвирларида уларнинг қай миллатга тегишли эканлиги портрет элементларида кўзга ташланади. Европа миллатларига хос бўлган мовий кўзлар, тилларанг сочлар уларнинг илк белгилари сифатида портретларда акс этади. Чарлз Диккенс асарларида тасвирланган персонажлар портретларида ифода этилган ташқи кўриниш ва характер белгилари уларнинг бекачалик

сифатидан ташқари уларнинг ҳаёт тарзидан дарак берувчи деталларни ҳам ўз ичига олган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Holbrook D. Charles Dickens and the Image of Women. -New York University Press. 1993. –P. 11.
2. Dickens Ch. Bleak House. The Penn State Electronic Classic Series. The USA 2013.-P. 237-238.
3. Қуронов Д. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. - Б. 227-226.
4. Диккенс Ч. Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари. – Тошкент: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. -Б. 256.
5. Dickens Ch. A Tale of two Cities..<http://www.planetpdf.com>
6. Dickens Ch. Martin Chuzzlewit. The Penn State Electronic Classic Series. The USA 2013. -P. 314.
7. Dickens Ch. The Old Curiosity Shop. The Penn State Electronic Classic Series. The USA 2013. -P. 483.

ШЕЪРИЯТДА ҚАЛАМ МАДҲИ

ŞİİRDE KALEMİN MEDHİ

*Мунира Шарипова,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Munira Şaripova,
Özbekistan Devlet Cihan Dilleri Üniversitesi*

Аннотация. Мақолада бугунги маданият ва маърифатнинг ибтидоси ёзув асбобларидан бошланганлиги, хусусан инсоният тараққиётида қалам беқиёс аҳамият касб этганлиги ҳақида фикр юритилади. Ўзбек мумтоз адабиётида ҳам, замонавий шеъриятда ҳам ижодкорлар қалам, қоғоз, сиёҳдон каби ўзлари учун муҳим бўлган ёзув воситаларига бағишлаб асарлар ёзганликларига эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: Қалам, хома, қоғоз, сиёҳдон, ўчирғич, ёзув асбоблари, шеърият, апострофа, маданият.

Annotation. The article considers that the beginning of today's culture and enlightenment began with writing tools, in particular, the importance of pencil in human development. In both Uzbek classical literature and modern poetry, attention is drawn to the fact that writers and poets have written works on writing instruments, such as pencils, paper, inkwells and others.

Key words: Pencil, paper, inkwell, eraser, writing tools, poetry, apostrophe, culture.

Özet. Makalede günümüz medeniyet ve marifetinin iptidasinin yazi malzemelerinden başladığını, özellikle, insanlık gelişiminde kalemin eşsiz değere sahip olduğu kaydedilmektedir. Özbek klasik edebiyatında da, çağdaş şiirde de şair ve yazarlar kalem, kağıt, mürekkep gibi yazıyla uğraşanların çok önemsedikleri yazi araçlarıyla ilgili eserler kaleme almışlardır. Yazıda bu meselelere değinilmiştir.

Anahtar kelimeler: kalem, hâme, kağıt, mürekkep, silgi, yazi malzemeleri, şiir, apostrofa, medeniyet.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида қаламга шундай таъриф берган:

*Қаламким, раҳнаварди тезтакдур,
Азалдин манзили фавқул-фалакдур.*

Яъни, қалам ниҳоятда тез йўл юради. Бу тезтак – чопағоннинг манзил-маъвоси азалдан фавқул-фалакда – осмонда, осмондан ҳам баландда,

юқорида. Байт замирида қалам эгаси, яъни ижодкорнинг тафаккур ва идроки, тасаввур ва хаёлот олами нақадар кенг қамровда эканлиги, юксаклиги эътироф этилган.

Қалам (кўплиги ақлом) сўзининг бир қанча кўчма маънолари бор. Тилимизнинг бойлигини кўрсатиш мақсадида улардан баъзиларини келтирамиз: қалами сунъ – яратувчининг қалами, тақдир қалами, тақдир; етти қалам – араб ёзувининг етти усули: сулс, муҳаққиқ, тақвиъ, райҳон, риқоъ, насх, таълиқ; қалам аҳли ёки аҳли қалам – ёзма асарлар ижод қилувчилар: ёзувчилар, шоирлар ва журналистлар; қалами ожиз – фикрни яхши ифодалаб ёза олмайдиган; қалами ўткир – фикрини таъсирчан қилиб ёза олдиган, юқори савиядаги бадий асар ярата биладиган; ёш қаламлар – бадий асарлар ижод қилишга яқинда киришган ёш шоир ва ёзувчилар; қалам ҳақи (ёки учи) – гонорар; қалам юргизмоқ (ёки тебратмоқ, сурмоқ) – ёзмоқ, хат машқ қилмоқ, адабий асар ёзмоқ, ижод этмоқ.

Қалам мумтоз адабиётимизда хома деб тилга олинади. Алишер Навоий хома сўзини ҳам ўз ва кўчма маъноларида қўллаган.

Ангаким хома гуҳарбор ўлғай,

Ҳайфким, бухл ила бекор ўлғай.

Шоир мазкур мисраларда фасоҳат билан ёзадиган ўткир қалам эгаси бахиллик туфайли ноёб истеъдодини зое қилиши мумкин деган ҳақиқатни баён этган.

Хома сўзи ҳам бир қанча маъноларни ифодалайди. Масалан: хома – ёзув, асар, ижод; хомаи гавҳарнигор – чуқур маъноли нома, хат; хомаи дурбор – қийматли, нозик ва нафис маъноли сўзлар битувчи қалам; хомаи мушкбез – яхши маъноли сўзларни ёзадиган қалам; хомаи тақдир – тақдир қалами, тақдир, ёзиқ; хома сурмак, хома тутмақ – ёзмоқ, таҳрир қилмоқ; хома чекмак – имзо чекмоқ, ҳукм чиқармоқ. Қалам билан меҳнат қилувчи, ёзувчи “хомазан” деб аталган.

Қаламнинг такомил йўли инсониятнинг равнақ эта бориши билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги маданият ва маърифатнинг ибтидоси қаламга бориб тақалади. Қалам тафаккур мевалари ва онг ҳосилаларидан биридир. Илк қалам тошқалам бўлган. Эндиликда турмушимизни қаламсиз тасаввур этиб бўлмайди. Илм-фан ва технология тез суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги даврда ахборот етказиш ва маълумотлар алмашиш ҳамда фикрни ёзма баён қилишнинг турли замонавий воситалари кенг қўлланаётган бўлса-да, қалам ўз аҳамиятини асло йўқотган эмас.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов қалам ҳақида шундай ёзган:

Шеърининг тимсоли – қалам,

У ҳақда-ку, шеърлар беҳисоб.

Дарҳақиқат, мумтоз адабиётимизда ҳам, замонавий адабиётимизда ҳам миннатдор қалам аҳли қаламга бағишлаб жуда кўп шеър ёзганлар. Ижодкорлар ўз фикр ва туйғуларини, қалб кечинмаларини қоғозга

туширишда бу беминнат ёзув асбобининг хизматидан фойдаланганликларини эътироф этишни ҳам унутмаганлар.

Хусусан, Эркин Воҳидов ижодида қалам ҳақида, бевосита унга мурожаат тарзида, яъни апострофа усулидан фойдаланиб ёзилган махсус шеърлар талайгина. “Қалам”, “Яна қаламга” каби шеърларида шоир қаламни олқишлайди, уни ўзига қадрдон улфат, дўст, сирдош деб атайди. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров сўзлари билан айтганда, “жуда эрта қаламга ошно бўлган, унга суянган ва ундан улуғ мадад олган” шоир ёзади:

Қалам!

Эҳтиромим, олқишим сенга,

Танҳо кечаларда эй танҳо улфат.

Олам юкин ортдим нозик белингга,

Йўлимиз олисдир,

Толиқма фақат.

“Шоирлик даъвоси” учун эмас, балки “ёзгу мақсад” билан қўлига қалам тутган шоирнинг бадий ва илмий ижод йўлининг бошида айтган бу орзу-ниятлари амалга ошди. “Шеър ярмида синмасин қалам” деган тилаклари рўёбга чиқди. У шеъриятнинг серзавқ ва шу билан бирга машаққатли йўлларида узоқ йиллар баракали қалам тебратди.

Шоир учун қалам бир умр шеър тимсоли, тиғдай ўткир ҳақиқат тимсоли бўлди. Ҳаёт йўлларида мангу ҳамроҳ ва ҳамроз бўлди. Уйқусиз кечаларда шам каби қалам ҳам унинг танҳо дўстига айланди. Қалам ижодкорни истакларини элга баён этиш ва эл-юртига хизмат қилиш “давлатига” етказди.

Қаламнинг бошини минг бор кессалар ҳам, у рост сўзни ёзишдан асло бош тортмай мағрур тураверади. Нозик жуссаси билан дунё муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилаверади.

Рост, қалам тимсоли шеър,

Тимсоли тиғ, тимсоли ҳақ,

Бошини минг кесдилар,

Бош эгмади асло қалам.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов қаламдан миннатдорлигини ва бошқалар ҳам унга эътиборли бўлишлари лозимлигини бир тўртлигида шундай ифодалаган:

Эркалангиз қаламни олиб,

Ўпиб қўйинг уни мулойим.

Шўрлик ўзи яланғоч қолиб

Кийинтирар эгасин доим.

Мазкур мисраларда оддий инсонлар диққат-эътибор қаратмайдиган жиҳатлар ижодкор назаридан четда қолмаганлиги акс этиб турибди. Қаламни ҳам эркалаш, ардоқлаш лозим, чунки у бечора ўзини аямай эгасининг хизматини қилиб унга фойда келтиради. Мана шу оддий, лекин муҳим бир ҳақиқат ихчам жанрда маҳорат билан баён қилинган. Тўртликни

кенг маънода тушуниш ҳам мумкин: яъни шундайлар борки, улар умр бўйи ўз роҳат-фароғатларидан кечиб инсонларга яхшилик илиниб яшайдилар, керак бўлса жонларини фидо қиладилар.

Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо “Хома” номли шеърида қаламни биринчи мўъжиза, одамзот яратган илк кашфиёт деб атайди.

*Мўъжизага жазман бани одамзот,
Хайратга ҳамиша талабгор олам.
Биринчи мўъжиза мана шу, ҳаёт,
Биринчи инкишоф шу – хома – қалам!*

Қалам ҳам ўзининг қадр-қимматини, инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятларида, хусусан қаламкашларнинг илмий ва ижодий ҳаёт йўлларида қанчалар муҳим аҳамият касб этишини яхши билади. Шунинг учун ҳам қаламнинг тилидан шоир мана шундай деган:

*Қалам гуфто, ки ман шоҳи жаҳонам,
Қаламкашро ба давлат мерасонам.*

Дарҳақиқат, қалам – жаҳоннинг шоҳи. У ўзига ўзи шундай фахрия битишга ҳақли. Зеро, шоҳлар фақат маълум бир мамлакат, мулк ва ўлкаларга ҳукмронлик қилсалар, қаламнинг эса қаламравидаги ҳудуднинг чек-чегараси йўқ. Шоҳлар истаган инсонларини бойлик, унвон, мансабу мартаба билан сийлашлари мумкин. Қаламнинг имкониятлари шоҳларнинг имкониятидан кенг. Қалам қаламкашга нафақат моддий бойлик келтиради, балки ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган беқиёс маънавий бойлик инъом этиш, шон-шуҳратга буркаш, жаҳоншумул обрў-эътибор келтириш ва шу орқали унинг номини мангуликка етказиш қудратига эга.

Ижодкорлар қаламдан ташқари қоғоз, сиёҳдон, ўчирғич каби ўзлари учун жуда зарур ва муҳим бўлган буюмларни ҳам мадҳ этганлар, уларни ҳам улуғлаб шеърлар битганлар. Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом қоғоз ва сиёҳдонга: “*Жонланиб ўзинг айт, қайси сўз билан Сенинг мақтовингни куйлайин, қоғоз!*” ва “*Сиёҳдон, азизим, қора кўзлигим, Қора тунлар аро ёриган кўзгу*” дея худди инсонга мурожаат қилгандек сўзлайди.

Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода сиёҳдонни “*ишчан ҳамдамим*” деб атайди, сиёҳдон ва қаламнинг доимо бирга бўлишини таъкидлайди. Мана шундай яхши тилаклар изҳор этиш билан бирга шоир ўзининг ҳам ҳамиша ижоддан тўхтатмаслигини сиёҳдондан талаб қилади:

*Сиёҳдон, омон бўл, ишчан ҳамдамим,
Ишонки, сўққабош бўлмагайсан ҳеч!
Сени кўп безовта қилди қаламим,
Сен ҳам ухлатмагин мени эрта-кеч!*

Э.Воҳидов ҳатто ўчирғичнинг хизматини ҳам унутмайди. Асарнинг бенуқсон бўлишида мазкур митти буюмнинг ўрни борлигини ҳам эътироф этади:

*Усиз бўлмас шеърингиз равон,
Усиз қилмас сатрлар ханда.*

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мабодо шу ёзув-чизув асбоблари ихтиро қилинмаганда эди, шоиру ёзувчилар, олиму мусаввирлар ижод қила олмасдилар ва илмий-адабий ёзма манбалар, тасвирий санъат асарлари мавжуд бўлмасди. Мазкур манбаларнинг борлиги ва инсонларнинг минг йиллар мобайнида яратилган ижод маҳсулларида бахрамандлиги ёзув асбоблари туфайлидир. Тамаддуннинг бугунги поғонасида турган авлод ҳам уларнинг аҳамиятини унутмаслиги зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Иброҳимов А. Ёруғлуғ. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
2. Воҳидов Э. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Муҳаббатнома. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
3. Орипов А. Йиллар армони. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
4. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт жилдлик. III–IV жилд. –Тошкент: Фан. 1985.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдлик. II жилд. –Москва: “Рус тили” нашриёти, 1981.

ПРОФЕССИЯ: КИНООПЕРАТОР**PROFESYONEL MESLEK: FİLM OPERATORU**

*Хасанов Хамидулла Бабаевич,
Заслуженный работник культуры Республики
Узбекистан, старший преподаватель,
Государственный институт искусств
и культуры Узбекистана*

*Hasanov Hamidulla Babayevich,
Özbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet
Enstitüsü Öğretim üyesi*

Аннотация. В статье рассматривается профессия кинооператора. Кинооператорское искусство принадлежит к тем областям художественного творчества, без которых не может существовать кинематограф и современное цифровое телевидение.

Ключевые слова: Кино, жанр, картина, композиция изображения, кинематограф.

Annotation. The article deals with the profession of cameraman. Cinematographic art belongs to those areas of artistic creativity, without which there can be no cinema and modern digital television.

Key words: Cinema, genre, picture, image composition, cinematography.

“Лучше один раз увидеть, чем сто раз услышать”. Эта пословица - сегодня нашла научное подтверждение. Учеными установлено, что почти 90% информации об окружающем нас мире мы получаем при помощи зрения. А кино и телевидение в принципе говорят со зрителем при помощи изображения. Отсюда понятна и естественна, высокая требовательность к качеству работы кинооператора и необходимость его отличной профессиональной подготовки. Кинооператорское искусство принадлежит к тем областям художественного творчества, без которых не может существовать кинематограф.

Кинооператор настоящий художник. Он пользуется светом, объективом, как красками, съёмочной камерой, как кистью. Экран – это полотно, на котором он запечатлевает свои работы.

Художественные образы кинопроизведений возникают перед зрителем как оптико-фонические явления. На экране нет ничего, кроме света различной силы и цвета, но этот свет формирует самые разнообразные картины действительности; в сочетании звука и изображения на экране возникают художественные образы. Кинематограф, писал Всеволод

Пудовкин, «в полной мере обладает силой непосредственного впечатления зрительным образом. Его свободное движение во времени может в полной мере использовать и развивать формы ритма, установленные музыкой и поэзией...

Кинематограф обладает всеми возможностями театрального зрелища плюс новые огромные технические и творческие возможности, позволяющие развернуть это зрелище до предельного объема содержания литературного или даже научного сочинения. Таков кинематограф в своих возможностях. Он вмещает в себя все возможности всех до сих пор созданных искусств».

Кино, как синтетический вид искусства, использует изобразительно-выразительные средства других искусств, как, например, колорит и композицию, но на новой основе и в новом качестве сравнительно, например, с живописью или графикой. Киноизобразительные операторские средства не могут быть отделены от других изобразительно-выразительных средств киноискусства, так же как и творчество оператора не может существовать в отрыве от творчества других участников художественного процесса создания фильма. И, однако, работа оператора обладает целым рядом специфических художественных особенностей, которые позволяют рассматривать операторское творчество как новый вид изобразительного искусства - **кино изобразительное искусство**.

Рисунок дает наглядное представление о предмете, но недостаточно полное по воспроизведению формы, масштаба и фактуры.

Фотография позволяет получить более точное представление о действительности, о форме предметов, об их положении в пространстве и размере, но лишь в статике. Кинематографическое изображение из средства **фиксации** превращалось в средство **выражения** художественного образа. Киноизображение наиболее полно и широко воспроизводит картину реальной жизни, сохраняя качество достоверности фотографического изображения. Кино единственное из всех изобразительных искусств, обладающее возможностью передать движение.

Кино - искусство зрелищное, пластическое, и изображение является одним из главнейших компонентов в воплощении идейно-художественных задач. Специфика этого вида искусства предполагает особое значение профессии кинооператора, роль которого в процессе работы над фильмом трудно переоценить. Вопросы профессионализма в кинооператорской среде, как ни в какой иной, остры и всегда актуальны. Сейчас эта проблема тем более животрепещуща: новые возможности, открытые, стремительным ростом кино и видео техники, требуют инновационного подхода, гораздо более высокого уровня профессионализма, отменяют те критерии и нормы, которые еще недавно казались навсегда установленными. Кинооператорская профессия основана на знании и практическом освоении

таких всеобъемлющих понятий, как **композиция свет**, а также дисциплин **технических**.

Технические дисциплины: оптика, электроника, светотехника, экспонометрия, цветоведение, электротехника, съемочная аппаратура, вспомогательная кинооператорская техника. Кинотелевизионная техника постоянно совершенствуется. В этом процессе участвует огромное количество фирм, тысячи специалистов по электронике, оптике, светотехнике, записи изображения и звука. Сегодня электронные системы видеокамер во многом помогают кинооператору, автоматически определяя диафрагму, фактически заменяя экспонометр, а также по желанию кинооператора меняя и удерживая фокусное расстояние до объекта съемки. Электронная система генерирует все цвета радуги. Претерпевает модернизацию и консервация изображения, ферро - магнитная пленка уступает первенство компакт-дискам с цифровой записью изображения и звука. С применением компакт-дисков отпадает необходимость в лентопротяжных механизмах и связанных с ними неполадках. Вспомогательная техника — осветительные приборы различной мощности, тележки рельсовые и на надувных колесах, кинооператорские краны всевозможного назначения и размера, системы, стабилизирующие изображение, - также постоянно модернизируется, и часто не без помощи кинооператоров. Совершенное владение техникой необходимо кинооператору не для формального ее использования, а для развития и осуществления своих творческих замыслов. Необходимо особо подчеркнуть, что **композиция** и **свет** не поддаются никакому техническому совершенствованию, они целиком и полностью зависят от умения кинооператора видеть, чувствовать и воплощать на экране свои творческие замыслы. Иными словами, зависят от способностей и профессиональной подготовки кинооператора. Более того, кинооператорская профессия, как и любая творческая профессия, требует совершенствования в течение всей жизни. Кинооператор должен быть сначала профессионалом, а потом уже художником. На один талант рассчитывать нельзя. Вообще любой кинематографист должен стать сначала профессионалом - виртуозом, а уж потом к этому фундаменту прикладывается талант. Талант без крепкого ремесла долго не выдержит. Нас всех учили этому еще во ВГИКе с институтских лет – и в теории, и на практике. И все же эти очевидные вещи далеко не для каждого стали жизненной формулой. Любой кинооператор, начинающий самостоятельную творческую жизнь, должен овладеть достаточным комплексом знаний по всем аспектам кино и видео техники и технологии кино процесса. Для этого требуется время и собственная практика - не чужая, по советам и рассказам, - своя, личная. Все надо испытать на «собственной шкуре», через все надо пройти самому: постоять как следует у камеры, освоить все тонкости работы со светом в современных павильонах, изучить экспонометрию, провести немало часов в

кино лаборатории и освоит компьютерные изобразительные программы. Эта точка зрения - результат жизненного опыта, опытного кинооператора. Как нас учили доктор искусствоведения Анатолий Головня и профессор Леонид Косматов.

Кинооператор-непременный, обязательный и полноправный участник коллективного творческо-производственного труда над созданием кинокартины, ответственный за ее идейно-художественное качество. Кинооператор отвечает за изобразительное решение фильма и командует двумя группами, отвечающими за освещение и собственно работу камеры, – от всех этих людей, на которых возложена реализация выдвигаемых им задач художественного и технического плана, зависит, будет ли фильм ярким и красочным или мрачным и полным теней, реалистичным или импрессионистичным, наполненным статикой или снятым «от первого лица». Наряду со сценаристом, придумывающим историю, и режиссером, приводящим ее в движение, кинооператор принимает решения, напрямую влияющие на то, как будет выглядеть конечный результат. Все это определяет высокие требования к художественной культуре и производственной квалификации кинооператора. Для полноценной творческой и производственной работы над фильмом кинооператор должен иметь ясное и точное представление о киносценарии, понимать композицию и образный строй драматургических произведений, уметь читать авторские ремарки, знать методику и практику разработки постановочного сценария.

Кинооператор должен знать и понимать роль монтажа в кино. Кинооператор должен знать и понимать методику и технику работы киноактера, уважать актеров и их сложное творчество. Кинооператор должен чувствовать стиль изобразительно-декорационного оформления фильма - уметь работать с художником. Кинооператор обязан понимать постановочный замысел режиссера, уметь вместе с ним руководить съемочной работой на площадке. Опыт показывает, что для успешного создания фильма важно как творческое, так и производственное мастерство кинооператора. Производственная квалификация кинооператора имеет весьма важное значение для организации и экономики производства фильма, так как от его активности на съемочной площадке во многом зависит темп работы всей съемочной группы. Кинооператор во многом подкрепляет и дополняет режиссера в работе над постановкой и съемкой фильма. Кинооператор должен отлично знать творческие и производственные особенности процесса создания фильма. Кинооператор обязан хорошо разбираться в художественных возможностях и технических качествах кино-видео цифровых телевизионных съемочных аппаратов, современных осветительных приборов, виды и технические качества киноплёнки, видео носителях и т. д. Уметь вести съемку в павильоне и на натуре, управлять всей киносъёмочной техникой: съёмочными аппаратами,

ветродуями, пиротехникой, кранами, тележками и т. д. Руководить работой механиков, светотехников. Наконец, кинооператор должен владеть художественными средствами своего искусства, быть настоящим художником, мастером своего дела. В этом постоянно развивающемся искусстве возрастает роль кинооператора со творца сценариста и режиссера, интерпретатора и соучастника их творческого замысла. Средствами зрительной пластики светом, движением, колоритом кинооператор создает на экране пластический образ, аккумулирующий и эмоциональный и философский ряды, некий целостный, своеобразный мир со своими героями, средой, неповторимую атмосферу, настроение, то есть то, что и делает фильм произведением искусства. И ныне кинематограф активно вторгается в современную жизнь, и в наши дни кинооператоры, совершенствуя свое мастерство, активно ищут новые средства и приемы выразительности. Современные кинооператоры в своей практике охотно и весьма успешно применяют самые оригинальные киноизобразительные приемы, изобразительно-монтажная система решения фильма, где ракурсы, панорамы, крупные планы являются неперенными элементами композиции, а светотональные эффекты красками операторской палитры, необходимыми для усиления выразительности актерской игры на экране. Конечно, сила выразительности актерской игры на экране, а значит, успех всего фильма во многом зависит от удачной киноизобразительной формы. Кинооператор несет ответственность за эстетическое качество кинофильма как киноизобразительного произведения, содержание которого зафиксировано на пленке, на видео носители и выражено на экране. И поэтому работа над композицией кадра, над освещением, над тоном и колоритом фильма чрезвычайно важна для художественной ценности фильма. Работа эта должна всегда и творчески и производственно-технически выполняться на высоком уровне. Производственная квалификация, профессиональное мастерство, умение не только придумать или задумать образное решение, но и выполнить его на пленке, на видео носители - необходимые и обязательные условия работы кинооператора. Профессионализм в операторском искусстве необходимое условие успешной работы. «Болтание» камерой, перспективные деформации и фотографические недодержки совершенно недопустимы для квалифицированной работы кинооператора. Высокая культура кинооператорского мастерства это не трясущееся изображение, не искажающая лицо актера перспектива, обнажающие технику съемки, это творческое использование разнообразных киноизобразительных средств для раскрытия задач драматургии на основе режиссерской трактовки. Изобразительная форма фильма должна быть ясна и доступна любому зрителю. На кинооператоре, как работнике искусства, лежит своеобразная задача, о которой говорит К.Паустовский в применении к творчеству писателя: «...держать читателя в напряжении, вести его за собой и не

допускать в своем тексте темных или неритмичных мест, чтобы не давать читателю возможности споткнуться об эти места и выйти тем самым из-под власти писателя». Переоценка роли киноизобразительных средств и съемочных приемов основная ошибка сторонников теории «эмоциональной камеры». Совершенно неверно также какие-либо удачные операторские находки или новаторскую манеру возводить в принцип, выдвигать в качестве незыблемого эталона. Ничего не может быть губительнее для операторского творчества эпигонского подражания раз удавшимся кому-то приемам съемки.

К сожалению, подобный недостаток бывает свойствен работам молодых операторов, с увлечением отдающих предпочтение «модным» киноизобразительным «открытиям», не задумываясь над тем, соответствуют они содержанию и стилистике фильма или нет. Кадры из фильма «Летят журавли».

«Мосфильм» 1957 год. Режиссёр-постановщик: Михаил Калатозов. Главный кинооператор: Сергей Урусевский. Большой приз «Золотая пальмовая ветвь» 1958 год. Канн. Франция.



Кадры из фильма «Выживший» «XX век фокус» США. 2014 год. Режиссёр-постановщик: Алехандро Г. Иньярриту, Главный кинооператор: Эммануэль Любецки. Премия Американской академии кинематографических искусств и наук: «Оскар» 2015 год.



Преимственность художественной культуры - необходимое условие развития искусства, которое отнюдь не означает ни механических подражаний, ни застоя, ни консерватизма.

Конечно, у разных кинооператоров - разная склонность к тому или иному жанру фильмов, той или иной изобразительной манере. У одних кино-операторов выявляется способность к живописным решениям, у других - к конструктивным. Одним прекрасно удаются кадры исторических фильмов, других, наоборот, современная тематика вдохновляет на оригинальные и свежие композиционные решения.

Но каждый из кинооператоров лучшими работами вносит свой вклад в совершенствование языка кинооператорского искусства, развивая те или иные элементы, стороны мастерства. Поэтому никак нельзя ограничить изучение кинооператорского творчества исследованием манеры съемок только, предположим, «поэтических» кинопроизведений и отвергать, например, съемку фильмов-спектаклей или фильмов с длинными разговорными сценами на том основании, что они будто бы далеки от специфики кино. Так же как и литературные произведения, кинофильмы могут быть лирическими, эпическими, драматическими и т.д., и каждый из этих видов требует своей киноизобразительной стилистики, своеобразия использования изобразительно-выразительных средств киноискусства. Не съемочный прием определяет художественный строй фильма как кинематографического произведения, а идейно-художественный замысел обуславливает применение тех или иных композиционных форм и той или иной манеры освещения для создания кинообраза. Кинооператор, как совершенно правильно определил А.Н.Москвин, по самому смыслу своей производственной работы отвечает за эстетику и выразительность кадров кинокартины на экране. Поэтому кинооператор должен уметь профессионально оценивать качества и свойства материалов, предлагаемых к съемке. Кинооператор в этой оценке является «последней инстанцией», как художник, владеющий средствами киноизобразительности.

Список литературы:

1. Исмаилов А. Кинотелеоператорское мастерство. –Ташкент, 2004.
2. Мелиқўзиев И.М. Кино-телеоператорлик маҳорати (бадий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари). Дарслик. –Тошкент, 2017.
3. Дыко Л.П. Основы композиции в фотографии. –Москва, 1989.
4. Головня А.Д. Мастерство кинооператора. -Москва, 1966.

TALABA AKTYORNING ETYUDDAGI XATTI-HARAKATI

TALEBE AKTÖRÜN ETÜTTEKİ DAVRANIŞLARI

*Qobilov Habibullo,
O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat
instituti katta o‘qituvchisi*

*Kabilov Habibulla,
O‘zbekistan Devlet Sanat ve Medeniyet
Enstitüsü öğretim üyesi*

Annotatsiya: Maqola etyudning talaba aktyor tarbiyasidagi o‘rni, uni kamol topishida xatti – harakatni o‘rni haqida. Aktyorni to‘g‘ri fikrlashi va shu orqali tabiiylikka erishishi haqida.

Kalit so‘zlar: Etyud, aktyor, san’at, obraz, xatti - harakat, mimika.

Annotation. The article focuses on the role of student in the field of education and the role of behavior in learning. It's about correctness of the actor's thinking, and hence his naturalness.

Key words: Stetch, actor, art, figure, action, mine.

Özet. Yazida etüdün talebe aktörün eğitimindeki yeri, onun olgunlaşmasında davranışlarının önemiyle ilgili fikir ve düşünceler yer almaktadır.

Anahtar kelimeler: etüt, aktör, sanat, tip, karakter, davranış, mimik.

Etyud – bu aktyorlik san’atida ko‘rsatiladigan hayotiy kichik lavha hisoblanadi. Birinchi navbatda aktyorlar etyud yaratishayotganlarida etyud haqida tushunchalarini boyita borishadi. Ular, avvalambor, etyudning voqeasini aniqlab, shu voqeaviylik asosida etyudni rivojlantirib to‘ldira boshlashadi, Ishtirokchilar orqali bu voqeani ochib berishadi. Ijro davomida aktyorlar etyudning asosiy g‘oyasini belgilab, ikkinchi darajali fikrlarni uning atrofida mustahkamlashadi, unga kenglik va aniqlik kiritib yaxlit bir qolipga solishadi. Biroq etyuddagi asosiy ma’no bir xillikka olib kelmasligi, undagi hayotni, ishonch va haqiqatni yo‘qotmasligi lozim.

Etyudlarning turlari juda ko‘p. Ularga misol qilib hayvonlar hayotidan, buyumlarni jonlantirish, hayotdagi real voqealar asosida yaratilgan etyudlar, yakka va juft holda ijro etiladigan, guruh bo‘lib ijro etiladigan va shunga o‘xshash juda ko‘p turlari bor. Har bir etyud o‘z mazmun mohiyatiga va g‘oyasiga egadir. Bu g‘oya va mazmun asosida xatti harakatlar, so‘zlar, kayfiyat va aktyor tasavvuridagi aniq fikrlar jonlanadi.

Biror bir etyud xatti-harakatsiz bo‘lmaydi, “Xatti – harakat o‘zi nima?” Xatti – harakat aktyor san’atining asosi hisoblanadi, bu teatrga asos bo‘lgan xatti – harakat

ishonarli va aniq chiqadi. Har bir etyudning g'oyasi har xil va undagi xatti harakatlar ham turlicha mazmun mohiyat kasb etadi. Etyuddagi xatti harakat jarayonida aktyor o'ynayotgan rolni so'zsiz, uning ifodalari orqali tushunib uning yuz ko'rinishlarida aks etgan ma'no orqali tushunish mumkin. Agarda aktyor ijrosida davomida maromiga yetkazib o'ynasagina tushunish mumkin. Xatti-harakatning ikki tipdagi ko'rinishi bor: mimika orqali va so'z ifodasi orqali.

Mimika - bu aktyorning yuz ko'rinishida aks etadigan holat. Yuz ifodasi ya'ni "mimika" orqali aktyor o'zida sodir bo'layotgan jarayonni ichki his tuyg'ulari va kayfiyatini ko'rsatadi. Aktyorning eng asosiy ifoda vositasiga "ko'z" ham kiradi. Ko'z bu aktyorning ko'zguisi - u mimika bilan chambarchas bog'liq. Ko'z ham holat va jarayonni ko'rsatuvchi vosita hamdir. Mimika orqali biz aktyorning yuz ifodasidagi xatti-harakati uning kayfiyatini va holatini ko'rsak, ko'zi orqali esa uning ichki dunyosini ko'ramiz. Ko'p hollarda aktyorlar rol ijrosi davomida yuzdagi mimikalarni bo'rttirib ko'rsatishga harakat qilishadi, bu xato sanaladi va aktyorning professional emasligini ko'rsatadi. Etyud yoki spektaklda biror bir rolni ijro etayotgan aktyor berilgan qahramonning bajaradigan vazifasini yaxshilab o'rganishi lozim. Chunki ko'p hollarda aktyor rovida yig'lash joyi kelganida baqirib, dodlab yig'lashga harakat qiladi, bu xato hisoblanadi chunki real hayotda inso yig'layotgan bo'lsa o'zini tinchlantirishga harakat qiladi, yoki masalan biror bir qahramonning kulgi joyi kelganda etyudda rol ijro etayotgan aktyor baqirib, qah-qah otib kulishni bo'rttirishga harakat qiladi bu bilan u katta xatoga yo'l qo'yadi, hayotimizda biror inson miriqib kulayotgan bo'lsa u o'zini kulishdan to'xtatishga urinadi. Aktyor rol ijrosi davomida o'ziga berilgan qahramon timsolini ko'pirtirib ko'rsatmasligi lozim, agar u ichki kechinma bilan emas balki taqlidiy san'at vositasida rolni ijro etsa bu unga shtamp bo'lib qoladi. Buning uchun aktyor kuzatuvchan bo'lishi, hayotda insonlar bilan sodir bo'ladigan ruhiy holatlarni ko'rib ularni sinchiklab o'rganishi lozim. O'z ustida tinimsiz shug'ullanishi ichki kechinmani o'zida mustahkam qilib singdirishi, hayotida sodir bo'lgan ruhiy jarayonlardagi xotirani eslab o'zida qayta jonlantirishni o'rganishi lozimdir. Buyuk rus kompazitori V.I.Chaykovskiy "Bir foiz iste'dod va to'qson to'qqiz foiz mehnat" deb bejizga aytmagan.

Dramatik aktyorlar san'atida eng muhim o'rinni "So'z ifodasidagi" xatti-harakat egallaydi. Buning maqsadi partnyorga biror bir vaziyatni yoki holatni tushuntirish va uning ongiga yetkazib berish bilan bog'liq. Aktyor qahramonining tasavvurida paydo bo'ladigan obrazi, uning ko'rinishi so'z ifodasida va ovozdagi muloqotda xatti-harakatga kirishadi.

So'z ifodasi orqali xatti-harakat qilayotgan aktyorning maqsadi nimaga bog'liqligi va uni nimaga chorlayotgani, qanday sharoitda bo'lishi bilan uning so'z ifodasi ham turlicha bo'ladi. So'z ifodsining jismoniy tomoni esa uning tana harakatlarning partnyorga yordam beruvchi ovozdagi ifodasida jonlanadi. So'z ifodasidagi xatti-harakatlar so'zsiz holatda bir birini to'ldirib, bir chiziq ostida tizilib, inson hayotidagi ma'lum bir bosqichda maqsad sari intilishi natijasida sahnada haqqoniy real obrazni

yaratadi. Inson o‘z fikrlari asosida tasavvuridagi xatti-harakatlarni bir biriga taqqoslab, rivojlantirib o‘z intellekti orqali ifoda etadi.

Xatti-harakatlar shartli ravishda “oddiy” va “murakkab”ga bo‘linadi. Oddiy xatti-harakatlar shartli ravishda “jismoniy” xatti-harakatga aytiladi. Chunki, uning oddiyligi tabiiy ruhiy holatdan tarkib topganligidadir. Murakkab xatti-harakatlarga esa “ruhiy holat” deb aytiladi. Ruhiy holat jismoniy holatga nisbatan murakkabroq va tushunish ancha qiyin hisoblanadi.

Adabiyotlar ro‘uxati:

1. Джоржо Стрелер. Театр для людей. –Москва: Радуга, 1984.
2. Кацман А.И. Психология творчества. Сборник докладов. ЛГИТМиК, 1989.
3. Lenard Petit. The Michael Chekhov handbook (for the actor). Routledge Taylor & Francis Group, 2009.
4. “Moziydan sado” jurnali // 3. 2013-yil.

**МАХСУС МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНГЛИЗ ТИЛИНИ
ЎҚИТИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ВА ЎЗБЕК МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ**

**MAHSUS AMAÇLARA YÖNLENDİRİLEN İNGİLİZCE EĞİTİMİN
YURTDIŞI VE ÖZBEK METODU SORUNLARI**

*Ю.Х.Кушаков, Г.Т.Тулабаева,
Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институти (Ўзбекистон)*

*Y.H.Kuşakov, G.T.Tulabayeva,
Taşkent Otomobil yollarini projelendirme,
yapım ve uygulama Enstitüsü*

Annotation. In this article, the main problems of Uzbek and foreign countries' methodology on teaching ESP (English for special purposes) are revealed. The author highlights the key tendencies and problems in this sphere.

Key words: ESP, Special Subjects, various approaches, authentic material, teacher training.

Аннотация. В статье проанализированы основные проблемы узбекской и зарубежной методики преподавания английского языка для специальных целей. Автор выделяет ключевые тенденции и проблемы в этой сфере.

Ключевые слова: Английский язык для специальных целей, разные подходы, аутентический материал, обучения преподавателей.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда хориж тилларини, хусусан инглиз тилини ўрганишга қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Давлатимиз томонидан ҳам инглиз ва бошқа хорижий тилларни ўрганиш ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда. Авваломбор хорижий тилни ўргатиш нафақат мутахассис филологлар учун, балким бошқа касб эгалари учун ҳам долзарб бўлган давр талабидир. Пировардида, мутахассисларга махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда бир қанча муаммоларнинг ечимини топиш наинки Ўзбекистонда, шу билан бирга хориж давлатларида ҳам долзарблигича қолмоқда.

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишдаги долзарб муаммолар анчадан бери мавжуд. Авваломбор шу нарсани таъкидлаш лозимки, бу соҳа Европада ва Америкада пайдо бўлди. Ўқитишдаги талаблар, топшириқлар ва уларнинг натижаларидаги номуносиблик туфайли бу соҳада таълим бериш гўёки инқироз ёқасида турибди, - деган илмий қарашлар мавжуд. *Ўқитишни ҳаммабон соҳага*

айлантириш ва инновацион технологияларни ҳисобга олиш асосий мақсаддир. Натижада янги мутахассисларга бўлган зарурат пайдо бўлади. Бу соҳадаги муаммоларнинг ижобий ечими уларнинг глобллашувидадир. Янги ахборот манбаалари, мулоқат учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Шунингдек хориж тилларини ўрганишга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бундай зарурат фақат Ўзбекистонда эмас, жахоннинг бошқа мамлакатларида ҳам мавжуддир.

Ушбу масалани кўриб чиқиш учун дастлаб унинг пайдо бўлиш тарихига бир назар солсак. Бу йўналишнинг пайдо бўлиши 20-асрнинг урушдан кейинги 50-йиллардаги барча жабхалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу даврга келиб тижорат ва технология соҳаларида самарали ўсиш ҳолатлари кузатилди ва натижада янги зарурат пайдо бўлди. Бу зарурат халқоро тилнинг ривожига ва янги ўрганувчиларнинг пайдо бўлишида акс этди. Янги ўрганувчилар деганда, ўша даврдаги фаолиятлари тижорат ва технологиялар билан чамбарчас боғланган катта ёшлилар назарда тутилади. Улар ўз маҳсулотларини сотишлари учун, қоида ва кўрсатмаларни ўқишлари учун хорижий тилни билишлари зарур эди. Янги соҳаларнинг вужудга келиши ва фақатгина бир тилда мавжуд бўлган қўплаб материалларнинг пайдо бўлиши кишиларнинг хорижий тилларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларининг ортишига олиб келди. *Ўша давр талабалари феъл хулқ атворидаги асосий хусусиятларидан бири нима учун хориж тилини ўрганиш кераклигини онгли равишда ҳис этишларидир.* Барча диққат эътибор тилдан мулоқот воситаси сифатида фойдаланишга қаратилди. Турли мутахассисликларга ўқиётган талабалар орасида тилни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳақида фикрлар пайдо бўла бошлади. Бу дегани модомики, тилни мулоқат воситаси сифатида ишлатиш нуқтаидан қарайдиган бўлсак, тиббиёт ва бошқарув соҳаларидаги кўпгина фарқларни кўришимиз мумкин. *Шунинг учун хорижий тилни ўқитиш мазмуни турли касб эгаларига турлича ёндошувни тоқоза этади.* Инглиз тилини ўқитишдаги ўзгаришларга бўлган турли ёндошувлар XX-асрнинг 60 ва 70 йилларида пайдо бўлди. Ўша даврга келиб фан ва технология соҳаси учун инглиз тилини ўқитиш каби йўналиш ажралиб чиқди ва бу нарса ўша пайтда махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш тушунчаси билан баробар эди. -Сизга инглиз тили нимага кераклигини айтсангиз, мен сизга қайси соҳа билан боғлиқ инглиз тили кераклигини айтаман - қабилидаги шиор бош тамойилга айланди.

Махсус мақсадларга йўналтирилган чет тилларни ўқитиш жараёнига бўлган ёндошувнинг ўзгариши сўнги туб бурилишнинг ривожига замин яратди. Ўша даврдан эътиборон бу йўналиш жадал ривожланди ва ўзгаришларга бой бўлди (Hutchinson, 1991: 5-21). Таълим бериш марказида энди ўқувчи ва унинг манфаатлари ётадиган бўлди. Мақсад ва манфаатдорлик тушунчалари пайдо бўлди. Шунинг учун инглиз тили дарслари ўқувчиларнинг тўлиқ дидига мос равишда ташкил қилиниши керак ва бу ўз навбатида уларнинг манфаат ва мақсадларининг ортишига ва

ўрганилаётган дарс материални қабул қилишда сифат самарадорлигини ошишига ёрдам беришлиги жаҳондаги кўплаб давлатларнинг тилшунос олимлари томонидан тан олинди ва бугун ҳам ўша даврларда илгари сурилган фикрлар тасдиғини топмоқда. Агарда биз махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш соҳасининг умумий мазмунига эътибор берадиган бўлсак, у бир нечта хусусиятларга эга. Авваламбор хориж тил ўқитиш методикасида махсус мақсадларга йўналтирилган тил (LSP) ва махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (ESP) тушунчалари бир биридан фарқланади. Биринчи тушунчада асосий урғи таржимага берилиб, бу ўз навбатида иккинчи тушунчанинг диққат объекти ҳисобланмайди (Pradhan, 2013:1-3).

Кейинги ишлар мобойнида урғи аутентик (ўрганилаётган хорижий тилга тегишли соф табиий кўринишдаги тил ўқув материали) материалнинг ўрганилишига, мулоқат кўникмаларининг ривожлантирилишига ва тил ўрганувчи томонидан касб фаолияти билан боғланган муаммоли масалаларни қўйишга берилади. Умуман олганда шу нарсани эътироф этиш керак-ки, мулоқат қилиш малака ва кўникмаларини касб фаолияти билан боғлиқ ҳолатда ривожлантириб бориш асосий масалалардан бири ҳисобланади (Sultana, 2013: 1-4).

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш (ESP) бевосита махсус мақсадларга йўналтирилган тилни ўқитиш (LSP) сифатида қараладиган бошқача ёндошув ҳам мавжуд ва диққат эътибор таржима фаолиятига қаратилади. У орқали биз бошқа маданиятни ўрганишимиз ва уни ўзимизники билан бир қаторга қўйишимиз туфайли таржима асосий фаолият сифатида қаралади, ҳар бир миллатнинг тилида унинг ўзига хос хусусиятлари, қоида ва тамоиллари, ғоялари, бир сўз билан айтганда унинг дунё қараши акс этади. Шу туфайли таржима орқали ўқитиш мақсади бешинчи кўникма сифатида қаралади. Ва ўз навбатида таржима мулоқот қилиш фаолият турларидан бири сифатида қаралади (Benabdallah, 2013: 2-7).

Бу мавзу бўйича кўп бора кўрилаётган масалаларга диққатимизни қаратадиган бўлсак, уларнинг ичида битта энг кўп учрайдиганини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бу махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилидан дарс берувчи ўқитувчиларни ўқитиш масаласидир. Бу фанни ўқитишда пайдо бўладиган қийинчиликлардан бири ўқитувчиларнинг махсус фандан билимларининг саёзлигидир ва бу ўз навбатида талабалар билан мулоқат қилишда ва берилган масалаларни таҳлил қилишда мураккабликлар келтириб чиқаради. Ечимини топиш керак бўлган муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: махсус услубият муаммолари, ўқитувчининг махсус фандан умуман хабардор эмаслиги, тайёрлов курсларининг мавжуд эмаслиги, дарс беришда хорижий тилдан амалиётда қўлламаслик, талабаларнинг ўрганилаётган тилни билиш даражасидаги хилма хилликларни ҳисобга олмасдан қўлланиладиган дарс бериш методлари, дарсда қўлланиладиган кўргазма материалларининг камлиги, замонавий ахборот технологияларидан кам

фойдаланиш.

Юқорида кўриб чиққанамиздек, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишдаги хориж давлатлари методикасидаги кузатиладиган муаммолар биз учун ҳам ўта муҳимдир. Зеро, бу соҳани ривожлантириш келгусида хориж тилларини мукамал биладиган малакали мутахассислар тайёрлашга замин яратади. Замон талаби ҳам шудир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримовнинг “Чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги. ПҚ-1875 қарори. 10.12.2012 йил.

2. Benabdallah Awicha. ”Teaching ESP through translation: A key for Teaching Specialized Communication. www.spworld.info/Abstract_benabdallah_translation.htm.

3. Hutchinson T. & Waters A. English for Specific Purpose. 1987.

4. Johns, A. M. and Dudley-Evans T. (1991) “English for Specific Purposes: International in Scope, Specific in Purpose”, “Teaching English to Speakers of Other Languages Quarterly”, 25, 297–314.

5. Pradhan A. “English for Specific Purposes: Research, Trends, Issues and Controversies”. English for Specific Purposes World, ISSN 1682-3257, <http://www.esp.world.info>, issue 40, 04, 2013.

8. Sultana S. “Design of Materials and Tasks for making ESP Classes”. English for Specific Purpose /SSN 1682 32 57, <http://www> 37, vol. 13, 2013.

**ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛЛАРИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ТЕРМИНЛАРИДАГИ СЕМАНТИК МУШТАРАКЛИКЛАР**

**ÖZBEK VE KARAKALPAK DİLLERİ İCTİMAİ-SİYASİ TERİMLERİNDEKİ
SEMANTİK MÜŞTEREKLİKLER**

*Сададдин Жалилов,
Нукус давлат педагогика институту
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Sadaddin Calilov,
Nukus Devlet Pedagoji Enstitüsü
öğretim görevlisi (Özbekistan)*

Аннотация. Ишда ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ижтимоий-сиёсий терминлари семантикасидаги муштараклик жиҳатлари ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Семантика, муштарак терминлар, лисоний меъёр, терминлар барқарорлиги.

Annotation. The paper considers identical sides in the semantics of the socio-political terms of the Uzbek and Karakalpak languages.

Key words: Semantics, identity, term stability, distinction semantics.

Özet. Çalışmada Özbek ve Karakalpak dilleri sosyal, siyasi terimleri semantikasindeki müştereklik yönleriyle ilgili düşüncelere yer verilmiştir.

Anahtar kelimeler: semantika, müşterek terimler, lisani ölçü, terimlerin sabitliği.

Тилшунослик ривожининг ҳозирги даври бу, шубҳасиз, семантика давридир,-деб ёзади Ю.Д.Апресян ва фикрни давом эттириб шундай хулосага келади, -унинг лингвистик предметлар доирасидаги марказий ҳолати шундай омиллардан келиб чиқадики, инсон тили ўзининг асосий функцияси доирасида муомалани, ахборотни кодлаштириш... воситасидир. Бу тезисни изчил ривожлантириб бориш, охир-оқибатда, лингвистикани шундай фан концепциясига олиб олиб келадики, унга нафақат грамматик, балки лексик маъноларни ҳам тавсифлашдан келиб чиқадиган ривожланган семантика ҳам келиб қўшилади [Апресян 3]. Рус ва ғарб тилшунослигида сўзнинг семантик хусусиятларини ўрганишга бағишланган қатор ишлар майдонга келди. Айниқса, бу борада Л.В.Шчерба, Ш.Балли, В.В.Виноградов, В.Г.Гак, В.А.Звегинцев, Ю.Д.Апресян каби олимларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ю.Д.Апресяннинг юқорида келтирилган фикрлари бугунги кун тилшунослиги учун ҳам ғоят қимматли ва аҳамиятлидир.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилшунослигида сўз семантикаси масалаларига XX асрнинг 2-ярмидан эътибор берила бошлади. И.Қўчқортоев, С.Ғиёсов, Б.Жўраев, М.Нарзиеваларнинг тадқиқотлари юзага келди. 1981 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан “Ўзбек тили лексикологияси” номли фундаментал монография эълон қилинди. Бу асарда эса семасиологияга кенг ўрин берилган (Ўзбек тили лексикологияси, 1981: 198-292). Унда сўз ва унинг маънолари, лексик маъно типлари, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра хиллари каби масалаларга катта эътибор берилган.

Маълумки, қорақалпоқ тилшунослигида сўз семантикаси масалаларига бағишланган йирик ишлар бўлмаса-да, айрим тадқиқотларда бу масалага тўхтаб ўтилган. Бу ўринда Е.Бердимуратов, Н.Насиров, Т.Бегжанов каби олимларнинг ишларини кўзда тутамиз.

Турколог олим К.Мусаев шундай ёзади: “Туркий сўзлар семантикаси борасидаги тадқиқотларида синхрон-қиёсий йўналишни ривожлантириш зарур. Бунда қиёсий-тарихий ва этимологик тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, сўзлар ва улар маъноларининг қайта тикланиши ва этимологияси масалалари қаралмайди. Асосий вазифа ҳозирги тиллар сўз семантикасининг ривожланишидаги муштаракликлар ва ўзгачаликларни аниқлашдан иборатдир (Мусаев, 1974: 14).

Туркий тилларни ўрганишга бағишланган ишларнинг барчаси (монографик ишлар) да мазкур тилларнинг кўпроқ фонетик, морфологик хусусиятлари қиёслаб ўрганилган. Бу тадқиқотларда семантик қиёслаш масаласи эса четлаб ўтилган. Шунинг учун К.Мусаевнинг юқорида келтирган сўзларига амал қилиб, ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ижтимоий-сиёсий терминлари семантикасидаги муштарак ҳолатларни таҳлил қилишни лозим топдик.

Маълумки, термин анча мураккаб категория бўлиб, семалар билан “иш кўради”. Бир оиласига мансуб тилларда эса лексик-семантик жиҳатдан бир хил тушунчани ифодаловчи маънолар, семалар тез-тез учраб туриши табиий ҳолдир.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида терминларнинг семантик жиҳатдан муштараклиги масаласини қуйидагича тушунамиз: маълумки, тилнинг луғат таркибидаги бирор лисоний белги моносемантик ёки полисемантик бўлиши мумкин (бу ўринда фақат ижтимоий-сиёсий терминларни назарда тутамиз). Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида у ёки бу ижтимоий-сиёсий тушунчани ифодалаш учун қатор бир маъноли ва кўп маъноли терминлардан фойдаланилганлиги аён бўлди. Бундай терминлар ҳар иккала тилда ҳам айтилган бир хил маънони ифодалаш учун хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбек тилида ҳам, қорақалпоқ тилида ҳам қўлланиётган ижтимоий-сиёсий терминлар англатган маънолар бир-бирига тўла мос келади, бошқачароқ айтганда, семантик жиҳатдан муштарак термин сифатида тил

эгаларига хизмат қилади. Масалан, тарихий **бек** терминини олиб кўрайлик. Бу термин Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (бундан кейин ЎТИЛ) ҳам, Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғатида (бундан кейин ҚҚТИЛ) ҳам айнан **“айрим туркий халқларда феодализм даврида шаҳар ёки вилоят ҳокимларига, шунингдек, баъзи амалдорларга берилган ёки мерос бўлиб ўтган унвон”** маъносини ифодалайди. Масалан:

Тор кўнгиллик **беклар**
ман-ман деманг, кенглик қилинг
(Турди)

Инақу **бектиң** баллары,
Барқулла жетти қоллары
(Бердақ)

Амалдор (эмелдар//ҳэмелдар) термини ҳам семантик жиҳатдан муштараклик касб этади:

Шарқий Пруссиядаги корчалон бойлар, **амалдорлар** илик мойию, ғоз гўштисиз яшашмаган, дейишади (Т.Дўстматов, “Мангу жасорат”)

Ҳэмелдар ҳақысын алар тум-тустан,
Олардың бәрисин көрдик...
(эжинияз)

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар семантикасидаги муштаракликнинг мавжудлигини яна қўйидаги бир маъноли лексемалар мисолида ҳам кўриш мумкин:

Бетарафлик (ққ. бийтәреплик) – ҳеч қайси томонга ён босмаслик, қўшилмаслик, холислик, нейтраллик.

Дунёда тинчликни асраш гаровларидан бири **бетарафлик**дир.

Жыйналыста бизлер
бийтәреплик тәрепине өттик...

Битим (ққ. питим) – келишув, шартнома, аҳднома.

Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги **битимлар**,... имзоланди (Халқ сўзи)

Жигирма бес жорға, елиў сыйыр,
алпыс жағалы сарпай, үш жүз қойға
питим болды
 (“Мәспатша”)

Миллат (ққ. миллет) – кишиларнинг ягона тилда сўзлашиши, яхлит худудда истиқомат қилиши, муштарак иқтисодий ҳаёт кечириши, умумий маданият ва руҳиятга эга бўлиши асосида тарихан ташкил топган барқарор бирлиги.

Миллат - тарихан ташкил топган, маданияти, тили, территорияси, иқтисодий ҳаёти ва руҳий хусусиятларининг умумийлиги асосида вужудга келган кишилар гуруҳи (ЎТИЛ)

Кимлер булар? Ким, қайдан келген?
Кәспи-кәри, **миллети** қандай?
(И.Юсупов)

Мулк (ққ. мүлик) -ихтиёридаги, қўлидаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва бошқа бойликлар.

Хусусий **мулк** бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат

Мүликти пайдаланыў экологиялық орталыққа зәлел келтирмеўи керек (ҚРК)

ҳимоясидадир (ЎРК)

Қурултой (ққ. **қуралтай** – бир соҳа вакиллари иштирокидаги республика миқёсида ўтказиладиган катта йиғилиш.

Қишлоқ-хўжалик ходимлари
қурултойи бошланиши олдидан раис
билан котиб ўртасида даҳанаки жанг
бўлиб ўтди
(Шарқ юлдузи)

Гўллан халық **қуралтайы** болып,
кеңеслери белгиленди
(Қ.Ирманов)

Ҳар иккала тилда бир неча семаларга эга бўлган бир қатор терминлар мавжуд. Маълум бўлишича, уларнинг икки ёки уч семаси ижтимоий-сиёсий соҳага оид тушунчаларни ифодалаши мумкин. Мана шу хилдаги икки ёки уч семаси ижтимоий-сиёсий бир хил маъноли лексемаларни ҳам семантик жиҳатдан муштарак терминлар сирасига қўшиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Масалан, **бой** лексемасини олиб кўрайлик. ЎТИЛ да унинг 7 та, ҚҚТИЛ да 4 та семемага эга эканлиги қайд этилган. Ҳар иккала тилда ҳам бу семалардан биринчи ва иккинчи маънолари ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодалаб, маъноларида фарқ борлиги кўзга ташланмайди. Фикримизни далилловчи мисолларга мурожаат этайлик:

Хўжайиннинг дадаси катта
бой эди, мол-мулкни беҳад йиққан
эди (Ойбек)

Ол **бай**ларды конфискалаў
ўақытта ең искер еди.
(Т.Қайипбергенов)

Сиёсат (ққ. **сиясат, саясат**) терминини олиб кўрайлик. Асли арабча бўлмиш бу термин уч маъноли бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳар иккала тилда баб-баровар маъновий юкни ташийди. Масалан:

1. “Давлат ҳокимиятининг мамлакатни бошқарувда ва халқаро муносабатларда тутган йўли” маъносида:

Ички сиёсат
Ташқи сиёсат
Миллий сиёсат

Ишки сиясат
Сыртқы сиясат
Миллий сиясат

2. “Ҳийла-найрангга асосланган, йўлига қилинган иш, хатти-ҳаракат, устамонлик” маъносида:

Фармонда мардикор
дейилган, аммо Салим ака,
манимча, бу нарса бир **сиёсат**,
бир алдов бўлса керак (Ойбек)

Бул бийлерге **сиясат**, пухараға
абырой болады
(Мәспатша)

3. “Дўқ, пўписа, қўрқитув” маъносида. Ўрни келганда шуни қайд этиш лозимки, О.Бекбаулов, К.Мамбетназаровларнинг “Қахарманлық дастанларындағы озлестирме созлердин тусиниги” номли ишида қорақалпоқ қахрамонлик дostonларида **сиясат** термини қўйидаги маъноларда қўлланилган деб уқтирилади:

1. Жазога лойиқ кишиларнинг жазосини беришда шиддат кўрсатиш.

2. Хукмронлик этиш. **Батирға шарапат, сыпайыға сиясат, алымға ишарат** (О.Бекбаулов, Қ.Мамбетназаров. 76)

Ваҳоланки, мисолларда айна шу “дўқ, пўписа, қўрқитув” маъноси “бўртиб” турибди.

Сиз буларни тутдириб,
яхшигина пўписа, **сиёсат** қилиб бир-
икки кун қиматтириб қўйинг
(С.Айний)

Пахта жөниндеги **сиясат**ын патша
Түркистандағы майда байлар, урыў
баслықлары арқалы жүргизди
(Қ.Ирманов)

Хизматкор (ққ. **хызметкер**) термини ҳам иккала тилда семемаларининг муштарақлиги билан ижтимоий-сиёсий термин сифатида майдонга чиқади:

1. “ХХ асрнинг 20-йилларигача бой ёки мансабдорларнинг шахсий хизматини, уй ишини қилувчи киши” маъносида:

(Девонбеги)...хон олдида унинг
кўз-қулоғи бўладиган бир
хизматкорга эга бўлади...
(Э.Самандаров)

Шашы қуўдай ағарған **хызметкер**
шал жол баслады.

2. “Халқ ёки жамият манфаатлари учун хизмат қилувчи киши” маъносида:

Йўлинга кўз тикар албатта,
Улғайсанг, ўқиб бўл элга
хизматкор (М.Алавия)

Ал, әдебий **хызметкер** болса еле
ғырс етер емес
 (“әмудәрья”)

Шу хилдаги маънолари иккала тилда ҳам муштарақ терминлар жумласига **хўжалик** (ққ. **хожалық**) лексемасини характерли мисол тариқасида келтириб ўтишни лозим, деб топдик. Маълумки, ўзбек тилида хўжалик термини 6 хил маънога эга. ҚҚТИЛ да ҳам 6 та маъно (аслида 8 та маъноси борлиги кўрсатилган) Бироқ мазкур изоҳли луғатда киритилган 2 та семема, назаримизда, луғат тузувчиларнинг субъектив қарашлари билан боғлиқ бўлса керак. Масалан, унда **хожалық** терминининг бир маъноси “ис, жумыс”, яъни “иш” деб таърифланган ва қуйидаги мисол келтирилган: **Хожалық машқаласын көтеремен деген биреў болса дым жақсы** (“әмудәрья”) Ваҳоланки, бу мисолда **хожалық** термини ушбу маънони англатмаяпти. Луғатда **хожалық** терминига яна битта қуйидаги маъно юклатилган. «*Ислеп шығарыўды тәмийн ететуғын, оны әмелге асыратуғын, пайда ететуғын*», яъни “*Ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, уни амалга оширадиган, фойда келтирадиган*”. Бу изоҳ от туркумига эмас, балки сифат туркумига алоқадордир, бош сўз сифатида келтирилган “хожалық” дан кейин унга от пометаси қўйилган, бу эса луғатчилик принциплариға эътиборсизлик оқибати, деб ўйлаймиз. Хуллас, келтирилган иккала семема **хожалық** лексемасига алоқадор эмас.

Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари ижтимоий-сиёсий терминологияларидан семантик жиҳатдан муштарақ терминларнинг яна бир қанчасини мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин келтирилган мисолларнинг ўзиёқ, ҳар бир

тилнинг ўз ички ва ташқи қонуниятлари асосида ривожланиши, бунда генетик негизи бир хил тилларда, ҳатто семантика борасида ҳам умумийлик, муштараклик мавжуд эканлигини яққол тасдиқлайди, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика.-Москва, 1974.
2. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии //Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т. I. -Ленинград, 1958.
3. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва,1955.
4. Виноградов В.В. Русский язык. Грамматическое учение о слове. - Москва, -Л., 1949.
5. Гак В.Г. Беседы о французском слове (из сравнительной лексикологии французского и русских языков). -Москва, 1961.
6. Звегинцев В.А. Замечания о лексической синонимии//Вопросы теории и история языка. -Ленинград, 1963.
7. Қўчқортоев И.Қ. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. -Тошкент, 1977. Гиясов С.Т. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка: Автореф. дис...канд. филол. наук. -Ташкент, 1983; Джураев Б.А. Структурно-семантическое исследование многозначных слов современного узбекского языка: Автореф. дис...канд. филол. наук. -Ташкент, 1985; Нарзиева М. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке: Автореф. дис...канд. филол. наук. -Ташкент, 1992.
8. Ўзбек тили лексикологияси. -Тошкент, 1981.
9. Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилиниң лексикологияси. -Нөкис, 1974.
10. Насыров Д. Лексико-семантические особенности диалектов каракалпакского языка. -Нукус, 1972.
11. Бегжанов Т. Сөзлердиң семантикалық топарлары// Қарақалпақ тили бойынша изертлеўлер. -Нөкис, 1974.
12. Мусаев К. Лексикология тюркских языков. –Москва, 1974.
13. Бекбаўлов О., Мамбетназаров Қ. Қаҳарманлық дэстанларындағы өзлестирме сөзлердиң түсиниги, - Нөкис, 1992.

ТУРИЗМ ВА УНГА ОИД ТЕРМИНЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

TURİZM VE TERİMLERİ HAKKINDA DÜŞÜNCELER

*Бойманов Элёр Ғиёзович,
Навоий давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Baymanov Elyor Gıyasovıç
Nevai Devlet Pedagoji Enstitüsü*

Аннотация. Мазкур мақолада туризм соҳасида қўлланиладиган терминлар ҳақида фикр юритилган ва уларнинг изоҳига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Туризм, халқаро туризм, агротуризм, миллий туризм, этник туризм, спорт ўйинлари туризми, миллий маданият туризми, глобаллашув.

Annotatsion. In this article analyzed about termins which is used in the field of national tourism, also considered about their definations and meanings.

Key words: Tourism, international tourism, agrotourism, national tourism, ethnic tourism, sport games tourism, traditional tourism, globalization.

Özet. Yazıda turizm alanında kullanılan terimlerle ilgili söz edilmiş, onların açıklaması üzerine görüşler bildirilmiştir.

Anahtar kelimeler: turizm, uluslararası turizm, agroturizm, milli turizm, etnik turizm, spor oyunları turizmi, milli medeniyet turizmi, küreselleşme

Маълумки, мамлакатимизда туризм сиёсатини шакллантириш, иқтисодиётни ўрганиш, уни ташкил этиш ва бошқариш муҳим масалалардан бири бўлганлиги сабабли у иқтисодиёт учун зарур бўлган тармоқлардан бирига айланмоқда. Ички ва халқаро туризм сиёсатини шакллантириш, бу соҳадаги терминларни ўрганиш, туризм терминологиясига доир билимларни пухта эгаллаш ғоят муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бу масалаларга Ҳаракатлар стратегиясида ҳам вазифалар белгилаб қўйилган: ”Ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, 2017–2021-йилларда концепцияни амалга оширишга доир аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш...” (*Ҳаракатлар стратегияси. 2017 йил 7 февраль*).

Юртбошимизнинг “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (“Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 07.02.2018 й. ПҚ-3514. 6-сон, 100 модда)дан ҳам билиш мумкинки, юртимизда туризм соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг Парламентга

Мурожаатномасидаги туризмни ривожлантиришга доир қуйидаги фикрлари диққатимизни тортади: “*Туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради...*” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабр).

Бугунги глобаллашув жараёнида туризм терминологияси соҳаси бўйича Ўш мутахассисларни тайёрлаш, шу орқали мамлакатимизни халқаро ва ички туризми ривожланган давлатга айлантириш муҳим вазифа сифатида қаралади.

Миллий туризм ҳақида гап кетганда, аввало, *миллий* сўзига эътибор қаратиш лозим. *Миллий* – арабча сўз бўлиб, *халқона, миллатга тегишли* деган маънони беради (ЎТИЛ, 2-т.:593). Туризм халқаро соҳа бўлганлиги учун ўзбек тили луғат таркибида бу соҳага оид сўзларнинг кўпчилигини ўзлашма сўзлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам миллий туризм соҳасида ўзлашма терминлар ҳам кўп ишлатилади ва улар турли вазифалар бажаришда аҳамиятлидир. Қуйида баъзиларига оид изоҳларни келтириб ўтаемиз:

Миллий маданиятга қизиқиш туризми бу – халқимизнинг урф-одатлари, маълум ҳудуддаги шева сўзлари, оила ҳаёти, катталар ва ёшлар муносабатлари, саломлашиш, меҳмон кутиш ва меҳмондорчилик, тўй ва диний маросимлар, оила байрамлари, оиладаги ҳуқуқлар, келин ва суннат тўйлари, уй тутиш ва ҳоказоларга қизиқишлар тушунилади. Бу туризм турлари ўзбек халқининг узоқ ўтмишига бориб тақалади.

Халқлар, эллар, уруғлар, уларнинг яшаш тарзи, миллатларнинг урф-одатлари, келиб чиқиши тарихи, жойлашиши, ўзаро алоқалари, халқларнинг, миллатларнинг ҳар хил сабаблар билан дунё бўйлаб тарқалиб кетиши, уларнинг бир-бирларига интилиши, соғиниши, қўмсашидаги ички ва халқаро туризми *этник ва соғиниш туризми* деб юритилади.

Сир эмаски, ўзбек халқи санъатнинг турли турлари бўйича жаҳон халқларининг эътиборига тушган. Миллий санъат, миллий фолкълор, қўшиқчилик, миллий рақслар, аскиялар, лапарлар, айтишувлар, рассомчилик ва ҳайкалтарошлик, бахшилар, ўлан айтиш қўшиқчиликлари каби санъат турларига қизиқиш *миллий санъат туризми* ҳисобланади. Бу тур қуйидаги йўналишларга бўлинади:

- а) қўшиқчилик ва рақс санъати йўналишлари;
- б) бахшилар қўшиқчилиги мактаблари;
- в) аскиялар, лапарлар, айтишувларга қизиқиш;

г) миллий рассомчилик ва ҳайкалтарошлик;

д) миллий фольклор турлари.

Табиий-тарихий тасвирлар туризми. Бунга табиат музейлари ва табиат ҳайкаллари, тоғ қоятошларидаги қадимий расмлар, ҳайвонот боғлари, ўлкашунослик ва миллий халқ ҳаёти тарихий музейларига қизиқиш кабилар киради.

Миллий ҳунармандчилик туризмининг турларида миллий ҳунармандчиликдаги йўналишлар, “Халқ – меъмор, халқ – уста” шиори ва рекламаси, миллий ҳунармандчилик буюмларининг мукамал ва мўъжизакорлигига қизиқиш тушунилади. Бу туризм тури қуйидаги тармоқларга бўлиниб кетади:

а) дурадгорлик ва унинг мактаблари;

б) кулолчилик ва унинг мактаблари;

в) каштачилик, зардўзлик, миллий либослар (дўппи, тўн, белбоғлар) тикишдаги йўналишлар;

г) миллий устачилик: темирчилик, мисгарлик, мусиқасозлик, бешиқсозлик, аравасозлик, сандиқсозлик, эгарсозлик, маҳсидўзлик, гиламчилик ва палос тўқиш кабилар.

Миллий ўйинлар туризми. Марказий Осиё халқларида миллий ўйинлар номини олган ўзига хос мусобақалари, мардлик, жасурликни намойиш қилувчи беллашувлар ва дунё халқларида кўплаб учрайдиган ҳайвонлар ва паррандаларни уруштиришга қизиқиш. Бу тур қуйидаги йўналишлардан иборат: а) кўпкари-улоқ; б) миллий кураш; в) кўчқор уриштириш; г) хўроз уриштириш; д) бедана уриштириш; е) дорбозлик.

Ғоршунослик туризми. Ўлкамиздаги тарихий ғорлар, ғорлар ҳақидаги маълумотлар, тарихий шахслар ҳаёти билан боғлиқ ғорлар, палеонтологик ғорлар, ғорлардан ўтмишда ва ҳозирда фойдаланиш, ер ости қасрларига саёҳатга қизиқиш.

Цирк туризми – санъаткорлар, сеҳргарлар ва ҳайвонот турлари иштирокидаги ўйин дастурларига қизиқиш.

Агротуризм. Мамлакатимиздаги асосий экинлар, миллий гулчилик, интродукция, ўсимликлар селекциясига, қишлоқдаги деҳқончилик, полизчилик, мева-сабзавотчилик, баҳорикор ва суғорма деҳқончилик, қишлоқларнинг турли-туманлиги ва табиий-тарихий даврда юзага келиши, қишлоқ аҳолиси ҳаёти, фермерлар ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш.

Халқаро полвонлар беллашуви туризми. Ватанимизда халқ полвонлари ўйинлари ва халқаро полвонларнинг беллашувига қизиқиш.

Ҳаёт учун хавфли спорт ўйинлари туризми: *Бейс жампинг* - баланд қоя ва бинолардан парашютда сакраш; *Хелискинг* - чанғида вертолётдан қорли тик қояга сакраш; *Дайвинг* – сув остига шўнғиш; *Кейв-дайвинг* - сув ости ғорларига саёҳат; *Корридо* – асов отни жиловлаш; *Стритлагинг* – автомобиллар серқатнов тик тоғ йўлидан пастга қараб роликли тахтага ётиб ҳаракатланиш; *Скалалазинг* – тик қояларга, баланд биноларга

ҳимоясиз, арқонсиз ва асбобларсиз чиқиш; *Велокросс* - велосипедда ҳавода машқлар бажариш, ноқулай жойларга чиқиш ва тушиш; *Мотокросс* – мотоциклда ёнаётган объектлардан сакраб ўтиш; *Рафтинг* - ўта тез оқадиган, хавфли шоввалар, камарлар бор дарё оқими бўйлаб махсус қайиқларда сузиш; *Дорбозлик* - ҳимоясиз ва шартли ҳимояда баланд бино, баланд қоя ва кенг сув ҳавзаларига тортилган арқондан юриб ўтиш; *Заҳарли илонлар, чаёнлар* орасида ўтириш, илон ўйнатиш ва ҳакоза.

Умуман олганда, ўзбек миллий туризм соҳасида қўлланиладиган терминлар тартибга солиш, унификация қилиш, стандартлаштириш, уларнинг муқобили вариантини муомалага киритиш сингари масалаларни ҳал этиш муҳимдир. Соҳа бўйича тўпланган материаллар таҳлили, ҳалим бу борада қилиниши лозим бўлган бир қатор масалаларни ҳал этишдек муҳим вазифалар мавжудлигидан далолат бериб турибди. Яъни соҳага оид терминларни қўллашдаги турли туманлик ва чалкашликларни бартарф этиш ва уни кенг халқ оммасига етказиш ўта долзарб эканлигидан далолат бериб турибди.

Адабиётлар рўйхати:

1. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. -Тошкент, 2017 йил 7 февраль.
2. “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 07.02.2018 й. ПҚ-3514. 6 -сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. -Тошкент, 2018 йил 28 декабр\“Дўстлик байроғи” газетаси, 2018 йил 29 декабрь сони.
4. Абдулқосимов Х. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари. Магистрлик диссертацияси. ТДИУ. -Тошкент 2005. 53 бет.
5. Тўхлиев И.С., Хайитбоев Р., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд: СамИСИ, 2013.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. -Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006 - 2008.

САКРАЛЬНЫЕ ТЕКСТЫ

KUTSAL METİNLER

*Зейналова Лалендер Хафиз гызы,
докторант кафедры современного азербайджанского языка
Бакинского славянского университета,
директор средней общеобразовательной школы № 178 г. Баку
(Баку, Азербайджан)*

*Zeynelova Lalender Hafizoğlu,
Bakü Slavyan Üniversitesi*

Пословицы, поговорки и афоризмы играют большую роль в общении, в речевой коммуникативной культуре любого народа независимо от национальной, расовой и религиозной принадлежности и кругозора. Особую значимость этим народным выражениям придает их уместное применение, содержание важной информации, частое употребление в сакральных текстах, в особенности в божественных книгах. Особо следует отметить пословицы и поговорки, встречающиеся в священной книге Коран.

Интересен метод, при помощи которого исследуются пословицы и поговорки в Коране, в которых заключены все тонкости арабского языка, отточены литературные фигуры. Обращение к народным высказываниям дает возможность уточнить и конкретизировать определенные мысли и афоризмы. Таким образом, выражения, распространенные только в устной речи, приобрели новое дыхание уже в виде записанных текстов.

В Коране пословицы и поговорки используются не так как в других текстах. Учитывая глубину и широту значений выражений, встречающихся в коранических текстах, выясняется, что осмысление их доступно далеко не каждому, и детальное их восприятие возможно только лишь «мудрыми» и «учеными». Этим и подчеркивается высокий смысл значений пословиц и поговорок, что отличает их от простых выражений: (вставка аль – анкабут:43). («Мы приводим эти примеры для людей. Их могут понять лишь знающие (ученые)).

Арабские пословицы дошли до наших дней сквозь долгие годы, шлифуясь и формируясь для того, чтобы разъяснить высказывания передовых мыслителей о различных событиях. Простота и в то же время глубина народных выражений, способ их проявления, ясность и правильность отображения событий не только стабилизировали их применения, но и стали причиной постепенного появления и развития новых выражений, которые появлялись по мере необходимости.

Если сравнить исследования, изучение и сбор арабских пословиц, поговорок и афоризмов со сбором драгоценностей, затерявшихся в недрах их безграничной красоты, то это не будет пустым преувеличением.

Также следует отметить, что в Священном Коране, в котором в наилучшей форме, при помощи красноречивых выражений, собраны такие мысли, как возникновение Вселенной, место человека в бесконечной жизни, равновесие жизни и т.д., мысли об отношениях глобального и локального уровня, которые были ниспосланы людям, эти выражения созданы в такой простой форме, которая доступна для восприятия простых людей. И здесь, с самого начала, с самого первого аята до последнего, включая весь мекканский и мединский периоды, интерес к пословицам и поговоркам указанного периода не только ослабевает, но и усиливается, так как выражения, обладающие более широким значением, со временем становятся актуальны (Ахмед Хусейн Аль-Багури, «Тахта райати аль-Гуран», 2001, стр. 14).

Каждый исследователь, поставивший перед собой цель изучить арабские пословицы, поговорки и афоризмы, прекрасно понимает, что это очень серьезная и довольно сложная работа. Для этого необходимо глубоко изучить арабскую культуру, в которой имеются отличительные особенности. Для исследования неотъемлемой ее части, устной народной литературы, общественно-политической, социально-культурной жизни. Исламского, омеййядского и аббасидского периода следует обратить внимание на новые пословицы, выражения и устойчивые словосочетания, которые соответствуют самобытному укладу определенного периода. Особо следует отметить отношение Священного Корана к этому вопросу.

Другими словами, применение восточного фольклора в общем и искусства арабского красноречия в частности вне Корана, глубокое исследование способов его выражения не принесет большой пользы. Во время изучения арабских пословиц в первую очередь следует обратить внимание на точку зрения Всевышнего на данную пословицу.

Учитывая все это и изучив пройденный великими учеными путь и оставаясь преданным их методике, мы постигли вероятность успеха в данном вопросе. Пройденный ими путь мы считаем для себя большой школой. Как говорил поэт, (вставка, стр.3, 1-ый абзац).

Тексты Корана занимают достойное и незаменимое место в восточной поэзии в общем, и изучение этих текстов играет большую роль в упорядочении теории литературы, определении категории арабского языкознания и художественных фигур. Рост интереса к этой работе был связан с продолжением исследования сакральных божественных текстов, а также с поэтическими художественными и научными ценностями. Нельзя забывать и о качестве веры этих ученых. Как говорится в Священном Коране: (вставка, 2-ой абзац, стр.3, Аль-Багара:282). Ученые Средневековья и

филологи последующих периодов создавали ценные произведения об арабских пословицах и поговорках, в частности об особенностях их употребления в Коране. Ученые-риторики и филологи высказывали весомые мысли, приложив немалые усилия в исследовании особенностей каждого периода периода, отнеся примеры этого фольклора к джахилийскому периоду, периоду Садри-ислам и последующим периодам. Следует особо учесть то, что автор произведения «Асрар аль балагати» Абдулгадир Аль-Джурджани отвел особое место пословицам и поговоркам в этой книге. Аль-Руммани в произведении «Аль-Сынаатейн», повторив путь Аль-Джурджани и изучив эту тему, отвел ей особое место.

Что касается ученых, всерьез интересующихся арабским языкознанием и литературой, им удалось написать довольно весомые произведения по этой теме. Джирджи Зейдан писал по этому поводу следующее: «Когда арабские ученые пришли к мысли приступить к написанию произведений по арабскому языкознанию, они стали изучать аяты и хадисы Корана, и тогда перед ними встал вопрос выбора изучения джахилийского периода, и, как следствие, исследование пословиц и поговорок. И тогда у них возник большой интерес к этой теме, возникло желание создание отдельных произведений.

Первый независимый автор произведений на эту тему был йеменский писатель Убейда Ибн Шариййа. К концу первых лет хиджры появилась отдельная книга, состоящая из 50-ти страниц пословиц и поговорок. К сожалению, книга не дошла до наших дней.(Джирджи Зейдан...)

Известный филолог-лексикограф Ибн Надым, автор произведения «Аль-Фихрист», коснувшись этой темы писал следующее: «В период расцвета исламской культуры и филологии Басрийского и Куфийского периода в том числе, многие филологи стали писать произведения, в которых касались вопроса исследования пословиц и поговорок. Среди тех первых исследователей можно отметить Сихара Аль-Абди, современника Ибн Шариййи(..вставка, 2-ой абзац, стр.4).

Далее Ибн Надым перечисляет имена ученых, которые создали на эту тему отдельные произведения: Юнус Аль-Нахви(ум.в 182 г.х.), Абу Убейда (ум. в 211 г.х.), Салаби (ум. в 291 г.х.), Абу Убейда Аль-Касыма Ибн Саллам (ум. в 223 г.х.), Аль-Муфаддал Аль-Даби (ум. в 178 г.х.), Хамза Аль-Исфাহани(ум. в 960 г.х.), Абу Халаль Аль-Аскарри (ум. в 395 г.х.) и др.

В последующие столетия большинство мусульманских ученых прокомментировали произведения вышеупомянутых ученых и дополнили их. Среди тех произведений, которые дошли до наших дней, следует отметить произведение «Китаб аль-м устакса», написанное Аль-Замахшари (ум.в 538 г.х.) и «Маджмаи аль-амсаль» Аль-Мейдани (ум.в 518 г.х.).

Аль-Мейдани составил свою книгу на основе избранных пословиц и поговорок из 50-ти книг, дополнил их своими примерами и расположил по алфавиту. Эта книга считается самой совершенной книгой среди все,

которые написаны об арабских пословицах и поговорках. Автор высказал весьма ценные мысли и широко прокомментировал пословицы. Эта книга была неоднократно издана в Египте, Сирии, Ливане и др. арабских странах.

Что же касается произведения «Китаб аль-мустакса» Аль-Замахшари, то известно, что экземпляры его рукописи можно встретить в Лейдене, библиотеке Вены, британском музее и в египетской библиотеке Аль-Худейвийя.

Относительно первоисточников, к которым обратились Аль-Мейдани, Аль-Замахшари и др. ученые, этими произведениями являются «Аль-амсаль», опукдикованное в 1836 г. В Гутенджене со стороны Абу Убейды Аль-Касыма Ибн Саллама, «Аль-амсаль аль-араб», автором которого является Аль-Даби (опубликованное в Астане в 1300 г.х., в Индии и неоднократно изданное в Египте и Европе), произведение «Амсалу Лугман», опубликованное в 1847 г. В Париже на французском языке. (Аль Устаз Джирджи Зейдан, «Адаюу аль-лугати аль-арабиййяти»)

Доктор Абдулхамид Абидин писал следующее о процессе работы над пословицами: «После возникновения ислама арабы весьма серьезно взялись за сбор пословиц и проявили особый интерес также и другим отраслям культуры, регистрация образцов древней культуры получила распространение в Ираке. Основным летописцем пословиц стал Саххар ибн Аль-Айяш, или просто Аль-Айяш. Он еще во времена Маувийи приобрел славу, написав книгу о пословицах и поговорках. Ибн Аль-Надым указывал, что йеменский ученый Абу Убейда ибн Шарийя тоже написал книгу, состоящую из 50-ти страниц. Но, как известно, эта книга не дошла до наших дней, как и знаменитая книга о пословицах «Саххар Аль-Абди». Исследования в этом направлении стали стремительно развиваться представителями басрийской и куфийской школ. Аль-Муфаддал Аль-Даби, руководитель куфийской школы языкознания, прославился как автор произведений, написанных на эту тему. Его книга сохранилась до наших дней. Возможно, эта книга является одной из самых древних источников. Автор к каждой из пословиц дал отдельную историю. (Аль-дуктур Абдуль Меджид Абидин, «Аль-Амсаль фи аль-нашр аль-арабиййя аль-кадим, стр. 31-32, Аль Кахира»).

Арабский ученый Хафни Мухаммед Шараф ибн Али Аль Исбаи, исследуя произведение «Тахрир аль-тахбир», пишет следующее: «Появилось произведение автора под названием «Китаб аль-амсаль». Автор связал это произведение с анализом пословиц и поговорок из Корана, затем дал комментарий пословиц и поговорок из книг Хадисов под названием «Даваину аль-ислам аль-ситта» (Шесть диванов ислама) Аль-Бхари, Муслима, Аль-Тирмизи, Абу Давуда Ибн Маджа и Нисаййи, исследовал стони стихов Абу Таммама и Аль-Мутанабби, в которых встречаются пословицы, изучил пословицы в творчестве Абу Аль-Таййиба. Все этому от отвел большое место во втором томе «Тахрир аль-тахбир» (Абу Аби Аль-Исба

Аль-Мисри, Тахрир аль-тахбир фи джинаати аль-шир ва аль-нахви ва байану иджази Аль-Гуран, тахта вль –дуктур Хафне Мухаммед Шариф, т.20, стр.51, Бейрут).

Annotation. Various forms and methods of work with the country study material at the English lessons are considered in this article. In the opinion of this article author, when conducting English lessons, the following should be used: texts oriented to country studies through language, authentic letters, and proverbs, idiomatic expressions. The above listed forms of introducing the materials on country study and country studies through language have a beneficial effect on the foreign culture understanding by students and facilitate in their involvement in dialogue between cultures and develop the general learning skills of students.

Key words: country study, country study through language, competence in cultural linguistics, authentic letters, geographic letters and calendars, proverbs, idiomatic expressions, communicative, information.

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз тили машғулотида мамлакатшуносликка оид мавзуларнинг шакл ва усуллари ҳақида фикр юритилади. Шунингдек, турли мамлакатларнинг маданиятига, урф-одатларига хос бўлган мақоллар, атамалар ҳамда халқ оғзаки ижодидан намуналар келтирилган. Юқорида келтирилган мисоллар орқали инглиз тили нутқ кўникмаларини ва талабанинг мулоқатга тез кириша олиш қобилиятини ривожлантиришда ижобий натижа бериши таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлари: Мамлакатшунослик, маданий лингвистикада компетенция, мамлакат шуносликни тил орқали ўрганиш, мақолалар, идиомик иборалар, мулоқат, маълумот.

The modern technique of training in foreign languages proclaimed in quality defining personal and activity orientation contents and process of training in a foreign language. Such orientation assumes search and creation of optimal conditions for linguistic cognitive activity of the personality.

Result such activity the linguoculturological competence in studied is foreign language. Competence – set of knowledge, abilities, formed in the course of training in a foreign language (1, page 28).

Training in communicative behavior has to be carried out to a dress with training in actually language skills of foreign language skills in receptive and productive aspects. Communicative and sociocultural development of pupils is carried out due to the correct realization language learning through study of a country's approach at lessons. Such approach provides assimilation of language in close connection with the culture of the

countries of the learned language, which includes informative data on history, literature, country archeology, her customs, traditions, household features.

The main objective of training in a foreign language consists in development the identity of the pupil capable and the person interested to participate in cross-cultural communications.

Proceeding from goals in contents to training to regional geography at lessons of English the following joins components: language learning through study of a country's including knowledge, understanding realities (the words designating objects of national culture) and their ability to use and also background lexicon, phraseological units, proverbs as source of national cultural information; knowledge of regional geographic subjects, connected with the general knowledge of the country; text material which is contained in textbooks and a training material on regional geography it is also general an educational component (1, 87).

The teacher's task according to realities of time consists in providing conditions for familiarizing of pupils with foreign-language culture and them to preparation for participation in transfer of spiritual wealth of the people of the country target language, in particular in enrichment of the subjects offered for studying on regional geography that everything worked for cross-cultural communication.

Within education there is only a training type out of language environment. In the conditions of lack of the real language environment, compressed framework of a lesson and lack of regional geographic material the teacher faces with objective difficulties in the solution of a difficult task of formation versatile sociocultural competence of pupils, therefore presence in this or that type of components of attributes of the language environment of the country target language at lessons it is necessary. On efficiency of formation sociocultural competence, the personality has significant effect teachers, his style, experience and ability to build the relations with a class in time occupations and after hours.

Work with language learning through study of a country's texts

As we already spoke, the quality of training in many respects depends on ability teachers to pick up language learning through study of a country's and regional geographic material. Texts of regional geographic character figure prominently in process training in a foreign language. The contents of such texts have to be significant for pupils to have for them novelty.

Textbooks of English contain material of regional geographic character which allows to provide realization of sociocultural component, offering information on Great Britain and English-speaking the countries, developing abilities of pupils to represent the country in comparison with other countries. Students learn to build speech and nonverbal behavior with accounting of features of culture of a target language when understanding uniform systems of ethnic values of the people. The training material is represented and it is fulfilled in the tasks modulating situations of real daily applications of language. According to us, regional geographic material in textbooks not there is enough for fuller understanding of history, culture, life, etc. the studied country.

Therefore, it is necessary to enter additional texts. The picked-up relevant and interesting materials about life in these countries, informative texts, photos and illustrations do them fine addition to traditional school textbooks on the one hand. With another – the system of additional texts is designed to expand and deepen the language learning through study of a country's information obtained by students at lessons English (2, 300)

Forms of control can be in the form of question-answer work on contents of the text, stay in the text of offers which can serve as confirmation of illustrations, short retelling of the text, in the form of any conversation of the teacher and the pupil in the read text, justifications by the pupil of the point of view. Sometimes depending on problems of a lesson it is possible to combine traditional and nonconventional forms of control. As a rule, at the end of texts tasks of lexical and grammatical character are given, for example, when studying the text about the royal family the training in oral speech of phrases with use of possessive case, in others – definition in texts of the English equivalents, drawing up questions with use of new lexical units, etc. is supposed (2, 355).

Work with authentic letters

In work with letters the following problems are solved:

- to teach it is correct to make out the letter in English, it is correct to sign an envelope.

- to teach to understand and to correctly comprehend contents of texts.

- to teach to express the opinion on the basis of information which is contained in the text, to conduct a conversation, to argue the point of view.

- to learn to apply the gained knowledge in writing in situations, close to real.

Authentic letters differ from usual texts the simple daily language. At the same time to students interestingly literally all: from the image on marks, envelopes and cards, finishing with handwriting, not to mention contents. The authenticity of correspondence is a powerful tool of motivation of students in their aspiration to seize skills of writing of letters.

Different types of letters are studied: the letter gratitude, the letter invitation, the letter of apology, the cover letter to a parcel, the letter - request for health, etc. The structure of the personal and business letter is without fail studied, examples of introductory phrases, greetings (address), final phrases are learned by heart, the approximate scheme of the sequence of statement of events in the main part of the letter speaks. Though correspondence takes the insignificant place in the maintenance of a training material, but according to us its studying is capable to recover, diversify traditional lessons of English and to maintain the interest of students to its studying.

Work with nonverbal forms, proverbs, idiomatic expressions

Materials of similar orientation not only give a deep idea of language and the culture of the countries of a target language, but also that is more significant, "Do English to the most English". It is no secret thateasy even to determine by the used English lexicon in the interlocutor Uzbek the speaking representative. When studying

the above-stated material there is the greatest possible approach to a target language, "introduction" in a mentality of British. The fact that we hear, not always what we are told. There is a verbal loss of information therefore nonverbal means of communication which sometimes tell more are so important, than it is possible to put into words (tone, shout, a timbre), including a sign language.

We will give some examples.

Standing with hands on hips - Readiness, aggression

Sitting, legs apart - Open, relaxed

Arms crossed on chest - Defensiveness

Rubbing the eye - Doubt, disbelief

Stroking chin - Trying to make a decision

Some English, Uzbek and Russian proverbs have a general meaning and can literally be translated from one language on another. For example, "There is no smoke without fire" has the Uzbek and Russian equivalent "Smoke without fire doesn't happen".

In other cases, the value of one proverb can be translated different in the ways: "Once bitten, twice shy" can be expressed in Uzbek and Russian "Having burned on milk, you will blow on water" or "Frightened crow of a bush is afraid" (A burnt child dreads the fire, once bitten twice shy).

The cognitive interest of students is attracted by studying of value of some and the same words having different value in British, American and Australian English. For example, Barbie-barbecue, roo-kangaroo, mozzie-mosquito, chook-chicken, tellie-TV.

As it was specified, above, approach to the culture of the country studied language is impossible without acquaintance with its folklore, proverbs, etc. that is an obligatory component of language learning through study of a county's material.

It would be desirable that when studying English to this aspect it was given bigger value.

Work with authentic announcements, newspapers, magazines, cards, household objects, attributes

Presently it is possible to receive enough above – stated objects which can be used as when carrying out lessons of a subject when studying the corresponding subject now, and on class hours, and when carrying out week of English.

All listed forms of introduction of materials of regional geographic contents promote transfer of English-speaking culture to school students, promote their involvement in dialogue of cultures, develop their creative and informative abilities, raise and maintain interest in a learning of foreign language.

In the course of training it is necessary to consider possibilities of students and degree of complexity of a training material. Lessons are under construction so that the student showed the intellectual opportunities, felt interest in improvement of the individual abilities. Training material it is offered on model "passed + given + new".

The analysis of the interesting problems of students of an average and senior link shows that as the main there are four blocks of educational subjects when studying

regional geographic material: youth problems; fashion, leisure; education; about and the world around.

Studying of these subjects is directly connected with a content of the lesson which includes the following components:

1. Language learning through study of a country's component:

a) Knowledge, understanding of realities (the words designating objects of the national cultures) and ability to use them and also background lexicon (antonym, homonyms); phrase logical units, proverbs, aphorisms and as source of national and cultural information. As a rule, it is acquaintance lessons with culture on the basis of texts about holidays, symbols, traditions.

b) Knowledge of the regional geographic subjects connected with the general knowledge of England and its history (English humour, history and traditions of the royal family, famous King Arthur, etc.). One of types of work on the history of England there can be an evening of the English poetry, or performances according to works Mark Twain, Shakespeare.

2. General and educational component:

a) The educational and organizational abilities connected with formation at learning students of ability to work in various modes (the student-teacher; student-student; students-students; group students and others), objectively and it is correct to estimate the activity and activity of the companions. In lessons presentations, projects when the group of students of 3-5 people chooses subject, prepares the message, and then protects it before a class. Obligatory condition is - to ask questions about a subject, to estimate in English.

b) The educational and intellectual abilities connected with formation of ability to compare, compare, analyze, systematize and to generalize the studied material. In this plan works are interesting students on such subjects as "Subculture", "Policy", "Generation gap" in the form of the presentations, reports, an interview, meetings.

c) The educational and communicative abilities which are shown in the cultures of communication i.e. in abilities to listen and hear the partner in communication, to prove the point of view. Lesson forms various: lesson travel, lesson teleconference, lesson magazine, lesson excursion, lesson quiz, etc.

All above-mentioned forms of introduction of materials regional geographic and language learning through study of a country's contents promote transfer to students foreign-language culture, promote their involvement in dialogue of cultures, develop it is general educational abilities of students, their creative and informative abilities, increase interest in a learning of foreign language in general.

References:

1. Aseev V.G. Age psychology. - Irkutsk: IGPI publishing house, 1989. - page 87.
2. Svirina L.O., Segal N.G. A linguoculturological context in training in foreign-language speaking (on English material)// the Vestnik TGGPU. - 2011. - No. 4(26). - page 357-360

3. Abildinova Zh.B. Pavlodar State Pedagogical Institute, Candidate of Philological Sciences, Assistant Professor of Foreign Languages Department, abildinova_zhana@mail.ru

ФОЛЬКЛОРДА ҚЎШИҚ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ

HALK EDEBİYATINDA KOŞUK TÜRÜNÜN ÖNEMİ

*Usmanova Khumora Ahmadjanovna,
Uzbekistan State Institute of Art and Culture
Senior teacher of the chair of Languages and Literature*

Аннотация. Ушбу мақолада асрлар давомида ўз қадрини йўқотмай келаётган санъат тури - фольклорда қўшиқ жанрининг ўзига хос хусусиятлари ва ўрни ҳақида фикр юритилган. Хусусан, лирик қўшиқларда ички кечинмалар, ҳис-туйғуларнинг уйғунлиги содда тилда ёритилишига алоҳида тўхталган.

Калит сўзлар: фольклор, халқ оғзаки ижоди, қўшиқ, лирик жанр, санъат, рамз, уйғунлик, ҳис-туйғулар, тажриба.

Özet: Makalede asırlardır değerini kaybetmeden devam eden koşuk türünün kendine özgü yönleri ve öneminden bahsedilmektedir. Özellikle, lirik koşuklarda duygu ve düşüncelerin uygunluğu sade bir dille ifade edilmesine dikkat edilmektedir.

Anahtar kelimeler: Halk edebiyati, Koşuk, Lirik tür, Sanat, Remiz, Uygunluk, His-duygular, Tecrübe.

Annotation. In the article, the author considers the place and peculiarities of folklore songs as a type of art. Particularly, the article highlights the ways of representing of inner experiences, emotional feelings in a very simple language.

Keywords: folklore, national oral folk, song, lyrical, genre, art, symbol, highlights, emotional feelings, experience.

Инсон қадимдан атроф муҳитда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдирган. Бу муносабат, аввало, турли хатти-ҳаракатлар, овозлар, эҳтирослар воситасида амалга ошган. Кейинчалик ҳис-туйғуларни сўзлар, сўз йиғиндиси, рақслар ифодалаган. Яна кейинроқ одамлар ўзларича дунёнинг, табиатнинг, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоғлар, сувларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи тўқима ҳикоялар ўйлаб топадилар. Йигитлар, қизлар муҳаббат қўшиқларини тўқийдилар. Қабила-уруғнинг мард ва жасур йигитлари ҳақида, уларнинг ғаройиб қаҳрамонликлари ҳақида афсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳали ёзув маданияти вужудга келмасдан олдин жамоа-жамоа бўлиб яшаётган аҳоли ўртасида шуҳрат топади. Бугунги кунда биз уларни “халқ оғзаки ижоди” деб аташга одатланганмиз. (1,142-169 б)

Бизларни ардоқлаб келаётган ота-боболаримизнинг айтмоқчи бўлган панд-насиҳатлари, эл эъзозлаган инсон бўлишнинг талаб-қоидалари, Мир Алишер Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Темур Малик каби ажойиб юрт фарзандларининг ботирликлари, халқимизнинг урф-одатлари, миллий фазилатларимиз санъат даражасига кўтарилган сўз тизимларидан иборат мақол, кўшиқ, эртак, достон, болаларга бағишланган асарлар ва бошқа жанрлардаги намуналарда ифодасини топади. Шунингдек, халқ оғзаки ижодини миллий қадриятлар деб аташ одат бўлган. Илмий томондан бу жараёнга қарайдиган бўлса халқ оғзаки ижоди илмда фольклор деб юритилади. Бу атамани 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс таклиф қилган бўлиб, унинг маъноси “халқ донолиги” деган тушунчадан иборат. Аслини олганда, фольклор деганда, халқ томонидан яратилган ҳамма санъат намуналари тушунилади. Меъморлик, наққошлик, ганчкорлик, зардўзлик, мусиқа, рақс, оғзаки адабиёт намуналари – ҳаммасини фольклор деб тушуниш қабул қилинган. Санъат соҳасида иш олиб бораётган ҳар бир санъат арбоби ёки бўлмаса мутахассис ўзи танлаган турни “фольклор” деб атайверса бўлади албатта. Масалан, мусиқачи халқ куйларини, хореограф халқ рақсларини, архитектор халқ меъморчилигини, фольклоршунос олим халқ достонлари, эртакларини фольклор асари деб ҳисоблайди. Биз – филология соҳасида, яъни ким тил ўқитиш соҳасида бўлганлигимиз сабабли ушбу жараёнда фольклорнинг ҳар қайси турларига ёки бўлмаса жанрига дуч келамиз. Фольклорнинг мақол, топишмоқ, лоф, аския, латифа, кўшиқ, эртак, достонлари ва бошқа намуналарни ўрганамиз ва таҳлил қиламиз (1, 142).

Фольклор сўз санъатининг асосини ташкил этади. Айни чоқда фольклор асарлари ҳамини жонли ижро билан алоқада бўлади. Шунинг учун эртак, кўшиқ, достон ва бошқа бир қатор оғзаки ижод асарлари ижро давомида синкретик санъат намунаси ҳисобланади. Синкретик сўзи бирлашмоқ, қоришмоқ, аралашмоқ тушунчасини билдиради. Достон куйланганда мусиқа, сўз, саҳна санъатлари қоришиб уйғунлашади. Яъни бахши дўмбира, соз чалиб хонанда сифатида ёқимли овозда достон айтади. Достон эса матндан – сўзлардан иборат бўлади, мусиқа асбобида ижро этилгани учун бахши хонандалик, созандалик қилади. Айни пайтда достондаги воқеаларни товуш товланиши – саҳна санъати – актёрлик маҳорати билан ҳикоя қилади. Санъат ва маданият таълимида бу асосий мезон ҳисобланади. Шунингдек, кўшиқлар ёки халқ драмасига оид асарлар ижросида рақсга тушиш, саҳна ҳаракатлари амалга оширилади. Бинобарин, ижро этилаётган асарнинг асосини сўз ташкил қилгани билан унинг тингловчиларга намоёиш этилишини бошқа санъат турлари билан алоқасиз тасаввур қила олмаймиз(4, 223).

Бугунги кунда мураккаблашиб кетган санъат турларининг кўпчилиги дастлабки босқичда халқ оғзаки ижоди асарларини ижро этиш жараёнида пайдо бўлган, шаклланган, ривож топган ва кейинчалик ўзига

Хос санъат турига айланган бўлиши мумкин десак, у қадар катта хатога йўл қўймаган бўламиз.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай дейилади: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир” (3, 113).

Халқ ижоди, хусусан, оғзаки ижод асарлари миллат сифатидаги ўзбеклар табиатининг шаклланишидаги аҳамиятини И.А.Каримов моҳият жиҳатдан юксак баҳолайди. Юқорида атилган сўзларни инобатга олган ҳолда мақоламизда айнан халқимиз ўтмишидан намуна бўлиб келган қўшиқлар яъни фольклорда халқ қўшиқларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритиб, халқ қўшиқларининг айрим рамзи тизимлари ва унинг инсоният ҳаётида тутган ўрнини ёритиб беришга қарор қилинди.

Халқ қўшиқлари оғзаки ижодимиздаги лирика жинсига мансуб жанрдир. Бу жанрнинг бошқа турдаги асарлардан фарқ қилувчи бош хусусияти унда ижодкорнинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини ифодалашдан иборат. Албатта бошқа жанрдаги асарларда ҳам қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини акс эттирувчи ўзига хос белгилар мавжуд, лекин бошқа жанрлардаги асарларда асосий йўналиш воқеани баён қилишдан иборат бўлади. Фақат айрим ўринлардагина ҳис-ҳаяжон тасвири билан боғлиқ парчаларни учратамиз. Бу ўринларда лирик тасвир қаҳрамон қиёфасини очишда усул бўлиб хизмат қилади. Хоразм дostonлари бундан истисно. Чунки хоразмлик бахшилар ижро этган дostonларнинг шеърӣ парчалари қўшиқ қилиб айтилади ва улар ҳам лирик жинс намунаси ҳисобланади. Халқ қўшиқлари эса тўлиқ равишда лирик ижод сифатида белгиланган. Таниқли олима, халқ қўшиқларининг йирик тадқиқотчиси, бутун умрини халқ қўшиқларини ёзиб олиш, ўрганиш, нашр қилишга бағишлаган фидойи инсон Музаёяна Алавия мазкур асарларга: «...оддий ҳаёт ҳодисалари туғдирган ҳиссиётни ифодалаган, куйга солишга қулай, қисқа, эса қоладиган қофия, вазнга эга бўлган шеър қўшиқ бўла олади» , - деб таъриф беради (2, 45).

Инсон борки ишқ бор, муҳаббат бор. Авлоддан кейин кичик авлод, наслдан кейин насл келади, аммо инсондаги муҳаббат туйғуси, қалбда эҳтиросли ҳис-туйғулар уйғониши ўзгармайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғоти-т-турк» асарида шундай тўртлик бор:

*Булнар мени улас қўз,
Қора менгиз қизил юз.
Андин томар тугал туз,
Булнап яна ул қачар.*

Мазмуни:

Бу маст кўзли (севиклим)

Қора холи ва қизил юзи билан (мени асир қилди).

Яноқларидан ширинлик томиб, мени асир қилди-ю,

Лекин кейинидан (тутқич бермай), мендан қочиб кетди.

Мисралардаги сўзларни тушуниш қийин эканини ҳисобга олмасак, кўшиқдаги ҳис-туйғу кечагина яхши кўрган қизи қочиб кетган шоиртабиат йигитнинг кўнгил изҳоридан фарқ қилмайди.

Яна бир тўртликка диққат қилинг:

Яғмур ёғиб сачилди.

Турлук чачак сучулди.

Инжу қоби очилди.

Чиндан йипор югрушур.

Мазмуни:

Ёмғир томчилари тўкила бошлади.

Турли чечаклар унди.

Инжу қутичалари (ғунчалар) очилди.

Ҳар томонда шифобахш атир ҳидлар гуркиради.

Кейинги тўртликдаги сўзлар шунчалар содда ва бизга тушунарлики, асл матнни ўқиганда ҳам асосий фикрни аниқ тасаввур қилишимиз мумкин. Яъни ҳаётнинг тинимсиз ўтиши севги дардига мубтало бўлган йигит ёки наврўз айёмида табиатдаги гўзал ўзгаришларни руҳан ҳис қилган инсон қалбидаги ички кечинмаларнинг жўш уришига мутлақо таъсир қилмайди. Замон ўзгараверади, аммо баҳор келгани заҳоти ёш болалар турли кўринишдаги варракларни учираверишади, айти пайтда, «Бойчечак»ни айтишаверади. Таъкидлаш жоизки, инсон пайдо бўлибдики, ҳис-туйғуларни ифодалаш воситаси ҳисобланмиш – кўшиқлар унга ҳамроҳ эди.

Биз кўшиқ деб атаётган жанр адабиётларда кўрсатилишича, «шлок», «такшут», «ир» (йир), «куг» каби атамалар билан қадимдан аталиб келган. Маҳмуд Кошғарий эса бундай асарларни «қошуғ» - кўшиқ, қасида, шеър тарзида беради. Сўзнинг маъносини шарҳлашдаги тўртликда «маликага мендан мақтов етказ» мазмунидаги мисра борки, изоҳдаги қасида атамасини қўллаш ҳам ўзини оқлайди (5, 223).

Ҳақиқатан ҳам, кўшиқнинг пайдо бўлишига бош сабаб инсон кайфиятидаги чуқур изтироб ёки тўсатдан пайдо бўлган кўтаринки руҳдир. Инсон нохуш дамларда кўпроқ сукут сақлайди, хаёлда вазият ечимини топишга уринади. Бундай дақиқаларда мунгли куй тасалли беради, кўнгилни бир оз бўлса-да ёзади. Хурсандчилик онларида эса шўх кўшиқ, рақс ҳамроҳ бўлади. Айти ана шундай манфий ва мусбат ҳолатлар шахс қалбида лирик кечинмаларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлайди: оқибатда кўшиқнинг яратилишига сабаб бўлади. Халқимизда «Куйган – кўшиқчи, суйган – бахши» ҳикмати бежиз айтилмайди.

Деярли барча адабиётларда қўшиқ ҳақида берилган назарий маълумотлар унинг «қўшмоқ» феълидан ҳосил бўлгани айтилади. Қўшиқ атамасининг тарихи қанчайин содда туйилмасин, оғзаки ижодимиздаги бу жанр жуда мураккаб руҳий кечинмаларни ифодалашга хизмат қилади. Ўқилганда, эшитилганда тушуниш осон сезилган тўртликлар заминада олам-олам маъно, мураккаб қисмат ётади. Шу боис ҳар қандай қўшиқ билан танишганимизда тезлик билан шошиб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

Халқ оғзаки ижодидаги лирик тур ҳисобланган қўшиқ куйидаги жанр хусусиятларига эга:

1. Қўшиқларда инсон кечинмалари, қалб изҳорлари акс этади. Шунинг учун улар лирик жинсга мансуб жанр деб ҳисобланади.

2. Қўшиқ шаклан шеърий кўринишда бўлади. Ўзбек халқ қўшиқлари, асосан, бармоқ вазнда, баъзан арузда яратилади.

3. Қўпинча, халқ қўшиқлари тўрт мисрадан иборатдир. Гўзал руҳий ҳолатни ифодалаш хусусиятига эга. Айни пайтда бир неча бандлардан иборат муайян мавзунини ёритувчи қўшиқлар ҳам бор. Баъзан 6, 8 мисрали намуналар ҳам учрайди. 4 мисралилари а б а б; а а б б; в в г г; а а а б; а а а тарзда қофияланади.

Қўшиқнинг куйи бўлади. Бирор асбоб жўрлигида айтилади. Аксари халқ қўшиқлари ижросида асбоб жўрлиги шарт эмас. Ижрочи хониш усулида қўшиқ айтиши мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллардан хулоса келтирадиган бўлсак, қўшиқ албатта асрлар давомида ўз ўрнида ишлатилиб келган ҳам маросим, ҳам мавзумий қўшиқларга эга эканлигини англаймиз. Аввало, таъкидлаш лозимки, халқ қўшиқлари мавзуйида мисол қилиб келтирилган, назарий маълумот берилган, таҳлилга жалб қилинган ҳамма тўртлик шаклидаги шеърий асарларнинг ҳаммаси бадиий адабиётнинг лирик жинсига мансуб эканлиги акс этади. Шу боис «лирик қўшиқлар» атамасини шартли тушуниш мақсадга мувофиқдир. Аслида фольклоршуносликда лирик қўшиқ деганда, ишқ-муҳаббат изҳор этилган тўртликларни назарда тутиш қабул қилинган. Агар меҳнат, маросим асарларида етакчи мақсад иш қуроллари, мавсумдаги табиат ўзгаришлари, маросим тартиблари ҳис-туйғу воситасида акс этса, лирик қўшиқларнинг асосий вазифаси муҳаббат туйғуларини ифодалаш билан белгиланади. Бинобарин, лирик қўшиқларда моҳиятан ички кечинмалар, ишқ-муҳаббат дардига йўлиқишдан мамнунлик кайфияти устувордир.

Ҳар бир йигит-қиз балоғат ёшига етганда муҳаббат туйғусини бошидан кечиради. Инсоннинг севиши ёки севилиши, ишқ кечинмаларига йўлиқиш ташвишлари уни шоирликка ундайди. Лирик қўшиқлар матнини ўрганиш уларни фақат муҳаббат туйғусини юрак қон томирларидан ҳис қилган шахсларгина яратиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.142-169.
2. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари. - Тошкент, 1959.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”, 2008.
4. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. - Тошкент: Фан, 1974.
5. Саримсоқов Б. Меҳнат қўшиқлари / Ўзбек фольклори очерклари. - Тошкент: Фан, 1988. – Б. 223-244.
6. Алавия М. Лирик қўшиқлар / Ўзбек халқ қўшиқлари. - Тошкент, 1959. – Б. 244-253.
7. Жуманазаров У. Тарихий қўшиқ / Ўзбек фольклори очерклари. Т.: Фан, 1988. – Б. 254-261.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ -УСТОЗЛАР САЙҚАЛИДА

HALK KOŞUKLARI USTADLAR SAYKALINDA

*Д.М.Маликова,
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси
доцент в.б. (Ўзбекистон)*

*D.M.Malikova,
Özbekistan DSMİ Vokal bölümü*

Аннотация. Мақолада халқ қўшиқларини маданий-маънавий бойликка айланганлиги, ўзбек композиторлари томонидан уларни хор учун мослаштириб, замонавий сайқал беришлари сабабли уларнинг жозибаси, умри ва тарбиявий аҳамияти янада ортиб бораётганлиги кўрилган. Ўзбек композиторларининг асаpella жанрида қўллаган услублари ва воситалари, ўзбекона миллий ижро ва мусиқанинг ёш авлодни маънавий оламини юксалтирувчи омиллари борасида фикр-мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: асаpella, лад, монодия, гармония, фактура, полифония, канон, антифон, имитация, мелизм, мордент, форшлаг, дирижёр, хормейстер.

Özet: Yazıda halk koşuklarının kültürel, manevi zenginlik olduğu, Özbek bestekarlarının koşukları koro icrası için uygun hale getirerek renklendirdiğinden dolayı onların cazibesinin ve eğitimsel değerinin arttığından bahsedilmektedir. Özbek bestekarlarının acapella türüyle kullandıkları üsluplar, milli icra ve musikinin genç neslin manevi dünyasını geliştiren amillerden olduğu üzerinde durulmaktadır.

Anahtar kelimeler: acapella, lad, monodi, garmony, factura, polifoni, canon, antifon, imitasyon, melizm, mordent, forşlag, koro şefi, hormaster.

Аннотация. В статье изучены и анализированы народные песни обработанные узбекскими композиторами как жанр а саpella написанных для хора обогащёнными современным колоритом. Рассматривается особенности национального исполнения произведений, значение народных песен в духовном развитии и воспитании молодого поколения.

Ключевые слова: асаpella, лад, монодия, гармония, фактура, полифония, канон, антифон, имитация, мелизм, мордент, форшлаг, дирижёр, хормейстер.

Annotation. In the present article is spoken about the rising the educational influence of folk songs, which were worked up and were enriched with modern colors by composers. Uzbek composers have been discussing the methods and tools used by

the capella genre, as well as the factors promoting the spirituality of the Uzbek young folk music.

Key words: a capella, lad, monody, harmonic, texture, polyphony, antiphon, canon, imitation, conductor, choirmaster, ornamental, mordent, grace note.

Муסיқа – улкан таъсирчан кучга эга бўлган тарбия воситаси, инсон руҳиятига ҳаётбахш куч бераоладиган жон озуғидир. Қудратли кучга эга бўлган муסיқа ўз жозибаси билан инсон қалбини қамраб олади.

Муסיқани қалби гўзалликка иштиёқманд кишиларгина севади, англайди. Муסיқа тинглаш ва уни идрок этиш болалиқдан тарбияланади ва сингдириб борилади, тарбияланади.

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамоллик ҳақида гапириб бўлмайди. Муסיқа ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир. Муסיқа бадий ва тарбиявий аҳамиятга эга санъат туридир.

Муסיқа санъати ҳақида Биринчи президентимиз И.А.Каримов куйидагича фикрлар ёзганлар: “Инсоннинг руҳий камолоти ҳақида гапирар эканмиз, албатта бу мақсадга муסיқа санъатисиз эришиб бўлмайди... Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларини ифода этади.” [1-Б-140.]

Халқ муסיқаси минглаб йиллар давомида шаклланиб сайқал топиб, бадийлашиб юксак поғоналарнга кўтарилган ва ҳар бир халқнинг маданий-маънавий бойлигига айланган. Ўзбек халқ муסיқаси халқнинг турмуш тарзи, ахлоқ-одоби, диний эътиқодининг айрим жиҳатларини ўзида мужассамлаштириб, орзу-умидлари, меҳнатга, ватанга бўлган мухаббатни, севгига вафодорликни тараннум этади. Халқ байрамлари, сайиллари, катта йиғинлари, тўй-томошаларини муסיқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларда янграган ҳар бир куй-қўшиқ, рақс иштирокчиларининг руҳиятига ижобий таъсир кўрсатган. Маросим, байрам ва сайилларда ижро этилган, халқ томонидан яратилган қўшиқлар табиат манзараларига, ижтимоий воқеликка бўлган муносабатлари натижасида вужудга келган. Ўзбек халқ муסיқаси табиат, жамият ҳодисалари ва инсон ҳулқ-атворидаги гўзалликни идрок этишга, улардан завқланишга хизмат қилади. Барча халқ қўшиқлари муайян шароитда юзага келиб ҳаётни ўзида акс эттиради.

Халқ муסיқаси кишилар онгига санъат асарларининг энг таъсирчан воситаси сифатида теварак-атрофда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни сингдиришга ёрдам беради.

Халқ қўшиқлари ва муסיқаси ижодкорларни ҳар доим ўзига жалб қилиб келган. Ҳар бир халқ фольклорини қайта ишлаш бастакордан асарларни пухталиқ билан ўрганиб чиқишни талаб этади. Айниқса, бу жараён табиатан бир овозли бўлган халқ қўшиқлари билан ишлашда ўта нозиклик ила намоён бўлади. Кўповозли миллий муסיқанинг шаклланиши ва ривожланишида халқ қўшиқларининг ўрни беқиёсдир.

“Биз ҳамма вақт кенг аҳоли қатламларининг ҳам мумтоз, ҳам замонавий миллий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳра олишига имкон бериб келган маданият сарчашмаларига авайлаб муносабатда бўлишни ўрганиб олишимиз лозим. Ўзбекистонда мусиқа, тасвирий, монументал ва амалий санъат соҳаларида катта муваффақиятларга эришилганлиги тасодифий эмас. Бу санъат турлари чет элда кенг эътироф этилган. Миллий ва жаҳон энг яхши намуналари кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак” [2-Б-150].

Буюк, атоқли ўзбек композитори Мутаваккил Бурхонов ўзбек ва қардош халқлар кўшиқларини қайта сайқал бериб, жамоавий ижро учун мослаштирган биринчи композиторлардан. Унинг бадиий етук даражада қайта ишланган ўзбек халқ кўшиқлари: “Ёрларим” (“Тановар”), “Гўзалқизга” (“Ганжи Қорабоғ”), қорақолпоқ халқ кўшиғи “Бибигул”, уйғур халқ кўшиғи “Сайра”, тожик халқ кўшиқлари “Зарра гул” ва “Сари кўҳи баланд” каби жўрсиз асарлари ҳали-ҳамон композиторлар ва хор санъати ижодкорларига намуна сифатида хизмат қилиб ижро этиб келинмоқда. Ушбу асарлар ўзбек хор мусиқасининг намунаси, ўзига хос эталонига айланди.

Унинг истеъдодли издошлари Собир Бобоев, Ботир Умиджонов ва бир қатор хормейстерлар Ш. Ёрматов, Ж. Шукуров, Е. Нечаев, Н. Шарафиевалар халқ кўшиқларини хор учун мослаштиришда мислсиз натижаларга эришдилар. Қайта ишлаш – ижодиётнинг қизиқарли ва мустақил соҳаси бўлиб, ҳар бир халқ кўшиқ маданиятининг бетакрор, ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, унинг мусиқий тафаккурини очиб бериш имкониятига эга. Қайта ишлашнинг асосий вазифаси турли ифодавий воситалар орқали кўшиқ мазмунининг ўзига хос образлилиги, унинг миллий “ранг-бўёқлари” ни очиб беришдан иборатдир.

С. Бобоевнинг хор ижрочилиги учун қайта ишлаган “Чаман ичра”, “Яли-яли”, “Галдир”, “Тановор”, “Энди сендек” халқ кўшиқлари ҳозирги кунда ҳам ўқув ва профессионал хорлар дастурида янграб келмоқда.

Бу борада айниқса устоз дирижёр, ижодкор хормейстер, ўзбек хор санъати билимдони, композитор Ботир Умиджоновнинг юзлаб халқ кўшиқларини қайта ишлаб, янги, оригинал асарларни яратиб хор санъатини халқимизга манзур этишда хизматлари жуда каттадир. У “Илиллаёр”, “Қорасоч”, “Чамандагул”, “Қилпиллама”, “Лапар”, “Галбари” ўзбек халқ кўшиқлари, ҳамда турли Ўрта Осиё халқ кўшиқлари: “Дилиман” (тожик), “Япурай” (қозоқ), “Ўйнамду яхши”, “Долан мекти”, “Алмыхан” (уйғур), “Қомузчу”, “Чалойна” каби нафақат миниатюраларини яратди, шунингдек, мумтоз анъанавий касбий мусиқа бўлмиш мақом намуналарини кўповозли хорга мослаштиришда ҳам Б. Умиджоновнинг ҳиссаси катта. Унинг томонидан қайта ишланган “Сегоҳ” (Хуршид ғазали), “Чоргоҳ” (Фурқат ғазали), “Сарахбори Наво” (Ҳофиз ғазали)лар хор ижросида янгича

бўёқ ва жаранг билан янгради. Устоз дирижёр жўрсиз хор учун помир халқ кўшиқлари асосида “Дилбаруме”, татар халқ кўшиқлари асосида “Яшлар улони” ва “Бахт нури” сюиталарини ҳам яратди. [3-Б-108-109]

Умиджонов хормейстерлик фаолияти жараёнида хор ижрочилигининг академик йўлини – миллий хонандалик анъаналари билан мувофиқлаштирди. Ўзбек миллий хор ижрочилигига ўзига хос услуб ва безак топишда Ўзбекистон халқ артисти, буюк хор дирижёри, бастакор Ботир Умиджоновнинг меҳнатлари ва касбий маҳорати беқиёс бўлган. Бу жамоа ўзининг миллий ижро услуби бўйича бошқа хор жамоаларидан ажралиб туради. Хор учун мослаштирилган устозларнинг барча асарларини асосан Ўзбекистон радио ва телевидениясининг олтин фонди магнит ленталарига “Республикада хизмат кўрсатган хор жамоаси” куйлаб, халқимизга манзур этиб келди.

Турли хор жамоалари билан муваффақиятли фаолият кўрсатган устоз профессор Е.Нечаевнинг ўзбек халқ кўшиқлари: “Зар дўппи”, “Наманганнинг олмаси”, “Ҳо лайло”, “Қийиқ”, уйғур халқ кўшиқлари “Назугум”, “Дутарымнинг тарлыры”, “Чырайлиғим”, “Серық себде”, туркман халқ кўшиғи “Бибижан”, тожик халқ кўшиқлари “Чашмони сиёх ту”, “Мавжи жонон мезанад”, қозоқ халқ кўшиқларидан “Айтым салем қалам қас”, қорақалпоқ халқ кўшиқларидан “Кызлар сейили”, бугунги кунда ҳам ҳали фаолият кўрсатиб келаётган профессор Н.Шарафиевнинг “Ўзбекистон тароналари”, “Эй, нозанин”, “Хоразм наволари”, “Сайри боғ”, “Ҳазил”, “Эй меҳрибоним”, “Тасаддуқ”, “Мустаҳзод”, “Наврўз саломи”, “Дейди-ё”, татар халқ кўшиқларидан “Тан атганда”, қорақолпоқ халқ кўшиқларидан “Сондай кулдим” каби бир қатор асарларини ҳам келтириш мумкин.

Устозлар кўшиқ жанри, куй характери, мазмуни, оҳангининг таркибини хусусиятларига қараб, хор ёзувининг турли-туман услубларини қўллаганлар. Бир овозли кўшиқларни европача турдаги кўповозли кенг қўламли тараннуми таркибига киришига ва уни овозости-полифоник ва фактурали жихатини шакллантиришга муваффақ бўлдилар.

Халқ кўшиқларини, яъни монодик кўшиқларни хор ижрочилиги учун қайта ишлаш жараёнидаги кўповозлиликнинг динамик суръатининг ўсиш тамойилларини кузатар эканмиз, хор кўповозлилик услубида нисбатан оддий шакл бўлган кварта-квинта интервали, паралель овозлар ҳаракатини кўришимиз мумкин. Бу ҳаракатлар айниқса хорнинг бир қисми чолғу жўрлигини, гармоник фонни ўз зиммасига олган ҳолларда қўлланилади. Ижрочиликнинг бундай услуби чолғу ижрочилигига мансуб “датор” икки овозлигига хосдир. Халқ кўшиқларини қайта ишлашда антифон (диалог), канонли, имитация йўллардан жуда кўп фойдаланилади, чунки улар муסיқанинг миллий табиатини, унинг турли кўринишларини ёрқин кўрсатиб беришга, ўзбек монодияси шаклини унга хос садолар доирасида очиб бериш ва кўповозлилик бўёқлари билан бойитишга имконият яратади. Кўповозлиликнинг бошқа услубларининг шаклланишлари

қаторида, фольклорнинг қайта ишлашда полифоник хат усулларидан фойдаланиш, профессионал композиторларга ҳамда халқ кўшиқларини қайта ишлаш билан шуғулланувчи хормейстерлар учун ҳам оддий ҳолга айланди.

Кўшиқларни қайта ишлашдаги манбаларидан бири усул ҳисобланади. Дарҳақиқат усулнинг ўзбек мусиқасида бадий-ифодавий хусусиятлари беқиёсдир. Турли хил ритмик усулларга бой доиранинг зарбларини ҳам кўповозиликка мослаштиришда композиторларимизнинг моҳирона, ранг-баранг эффектлардан фойдаланишларини кўрамиз. Халқ кўшиқларини кўповозиликка мослаштиришда яна кўплаб колористик эффектлар-юмиқ овоз, унли товушларни вокаллаштириш, махсус бўғин бирикмаларидан (“бум-бак”, “ра-на-на”, “рак-так-так”, “ёр-ёр”, “ёроней”), қарсак чалиш, бармоқларни қирсиллатиш, турли ҳил хайқиришлардан фойдаланиш кўшиқларни янада мусиқий ривожини бойитади ва кучайтиради. Мелизмлар, форшлаг, мордентлар куйларни янада безаб уларни янада жозибалироқ, нафисроқ, гўзалроқ бўлишини таъминлайди.

Бу ижодкорлар ўзбек халқ кўшиқларининг мелоси, асосий мусиқий йўналишини сақлаб қолган ҳолда кўшиқ хажмини эътиборга олиб хор ижроси учун мослаштирганлар. Кўшиқлардаги матнлар маъносига қараб асосий куй йўналиши гоҳ эркаклар гуруҳига, гоҳ аёллар гуруҳига кетма – кет берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқнинг мусиқа фольклорида бетакрор, фақат шу халққагина хос хусусиятлар ҳам намоён бўлади. Қайта ишлашнинг қатъий, мажбурий шарти миллий мелосни ўзгартирилмаган ҳолда, яъни мазкур куйнинг ўзига хос бўлган куй ва ритм тафсилотлари билан сақлаб қолинишдир.

Маълумки, эстетик ҳиссиётни тарбиялаш инсоннинг ёшлик даврларидан бошланади. Миллий ғурур, миллий туйғу, миллий қадриятлар, анъаналарга садоқат, она заминга ҳурмат—буларнинг барчаси инсонга унинг ёшлик даврларидан бошлаб сингдирилган.

“Барчамизга аёнки, куй кўшиққа санъатга мухаббат, мусиқа маданияти халқимизда болаликдан бошлаб оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, мусиқанинг хаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кучлироқ таъсир кўрсатмоқда” деб таъкидлаган эди Биринчи президентимиз И.А.Каримов [1-Б-141].

Болаларни халқ кўшиқлари асосида тарбиялаш ҳам энг муҳим вазифалардандир. Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти дирижёр, композитор Ш.Ёрматовнинг жуда кўплаб болалар халқ кўшиқларини болалар хорлари учун мослаштирган асарларини таъкидлаб ўтиш жоиздир. “Бойчечак”, “Читтигул”, “Лолача”, “Бу гулшан соз”, “Жамалаги тилло” каби

бир қатор болалар халқ кўшиқларини бастакор бир неча йиллик тажрибаларига асосланган холда болалар хори учун мослаштирди. Жамоа ижросида бу кўшиқларнинг тарбиявий аҳамияти, таъсирчанлиги янада кучайди.

Демак, халқ мусиқаси орқали инсон руҳиятига эстетик таъсир кўрсатиш кишида ҳаётнинг ҳақиқий гўзалликдан завқланиш қобилитини, одамлар бахт-саодати йўлида ижодий меҳнат қилишни, маънавий баркамол инсон бўлишга интилишларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Куй-кўшиқ инсоннинг инсон бўлиб ижтимоий мавжудот сифатида шаклланиши ва яшаши учун асосий руҳий-маънавий омил ҳисобланади. Халқ кўшиқларининг ҳар бир тури инсонни маънавий жиҳатдан тарбиялашда ўзига хос вазифани бажаради.

Халқ кўшиқларини хоҳ болалар, хоҳ катта ёшдаги хор жамоаларининг биргаликда куйлаши барча инсонларни янада оммавийлашишига, бир-бирларига бўлган меҳрларини уйғотиб, янада яқинроқ англаш, ҳис-туйғуларини ривожланишига ундайди.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов мусиқа санъатини замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз бўйича қуйидагича фикрлар ёзганлар: “Биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва хайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз янги босқичга кўтаришимиз зарур”...[1-Б-129].

Халқ кўшиқларини кўповозлилиқ ижро мазмунида ҳам эзгулик ғояларига ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат, ўз тарихи, маданияти билан мағрурланиш, пок виждон, ҳалол меҳнат, яхшилиқ, садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатларнинг маъно-моҳияти ифодаланган.

Хор санъати ҳам инсонларни маънавий савиясини, бадиий дидини оширишга, уларни бирлаштиришга ва инсонларда эстетик завқ уйғота оладиган санъат турларидан биридир. Бу санъат соғлом ёш авлодни, ёшларнинг маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятини шакллантиришга, миллий ғурур, ватанпарварлик, нафосат ва ижодкорлик тарбиясини амалга оширишга, дунё қарашини кенгайтиришга, мустақиллик ва ташаббускорликни ўстиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Шомахмудова Б.В. Хор луғати. –Тошкент: Мусиқа, 2009.

ВОКАЛ ТАЪЛИМИДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

VOKAL TALİMİNDE MİLLİ VE ULUSLARARASI TECRÜBELER ENTEGRASYONU

*Феруза Мансурбекова,
ЎзДСМИ “Вокал” кафедраси
камта ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Feruz Mansurbekova,
Özbekistan DSMİ Vokal bölümü ögr.üyesi*

Аннотация. Мазкур мақолада Вокал фанини ўқитиш жараёнида хорижий ва миллий тажрибалар интеграцияси ёритилган. Ривожланган давлатларда мусиқа таълими таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Мусиқа, мусиқа таълими, вокал, санъат, оркестр, хор, акапелла, ансамбль, эстетика, эстетик тарбия.

Özet: Makalede vokal dersinin öğretilmesinde uluslararası ve milli tecrübeler entegrasyonu konusuna yer verilmiştir. Gelişmiş ülkelerdeki musiki talimi tetkik edilmiştir.

Anahtar kelimeler: Musiki, musiki eğitimi, vokal, sanat, orkestra, koro, acapella, grup, estetik, estetik eğitim.

Annotation: The given article highlights integration of national and foreign experiences in the teaching process of vocal subject. Moreover, it was analyzed music education in developed countries.

Key words: music, music education, vocal, art, orchestra, chorus, acapella, ensemble, aesthetics, aesthetic education.

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш билан кечмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир.

Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашув нафақат иқтисодий ёки сиёсий балки санъат соҳасида, хусусан вокал санъатида ҳам муҳим жараён бўлиб, бу борада миллий ва хорижий тажрибалар интеграцияси бирламчи омилдир.

Ҳар бир мамлакатнинг мусиқа тарбияси ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг маорифида мусиқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу миллатнинг мусиқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга мусиқа тарбиясининг тузилиши, тизими ва илмий-методик ютуқлари бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади. Хорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўз давлатининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин [4, 33].

Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Мусиқа дарсларида юксак ривожланган техник воситаларидан кенг фойдаланилади. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни руёбга чиқаришдан иборат.

ЮНЕСКО қошидаги мусиқий тарбия халқаро жамияти ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Бу жамият ўз олдида долзарб ва эзгу мақсадларни қўйиб, бутун жаҳонда болалар ва ўсмирларни мусиқий тарбиялаш, бу жараёни ёш авлодни ахлоқий, интеллектуал ва эстетик жиҳатдан шакллантиришда қудратли восита сифатида ўрганади [2, 48].

Бу ташкилот фаолиятининг асосий шаклларида бири халқаро миқёсида ўтказилаётган анжуманлар бўлиб, буларнинг ичида композиторлар, етакчи ташкилотлар, амалиётчи-педагоглар, болалар хор жамоаларининг раҳбарлари иштирок этадилар. Анжуманлари икки йилда бир марта ўтказилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги мусиқий тарбия тажрибалари билан тўла танишиш имконини беради.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида болаларга мусиқий тарбияни бериш, хор санъати ёрдамида баркамол, мукаммал ривожланган шахсни ривожлантиришида бой тажриба орттирилган. Қатор мамлакатларда мактаб

ҳамда мактабдан ташқари ташкил топган ўқув жараёни, унинг шакл ва усуллари шубҳасиз катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга мусиқий тарбия бериш ишлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, шахс шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

АҚШда мусиқани ўрташи учун ягона давлат дастури йўқ. Мусиқа таълими "Эстетика" фани сифатида ўтилади. Ўқитувчилар ўзлари хоҳлаганларича дарсларни ташкиллаштирадilar. Унда мусиқа, тасвирий санъат ва меҳнат мазмунан бир-бири билан боғлаган. Давлат мактаблари билан бирга диний ҳамда шахсий дунёвий мактаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳар бир штатда, давлат мактабларида, шахсий ва диний мактабларда ўқув соатларни ҳам бир хил эмас, ўрта ҳисобга I-IV-синфларда ҳафтасига 1-2 соатдан дарс ўтилади [1, 13].

Мактабларнинг I-IV синфларида мусиқа дарси ҳар куни 20-30 минут ҳажмида ўтказилади. Дарсларни умумий ўқув фанлари бўйича дарс берадиган ўқитувчилар олиб борадилар. Дарсда ўқувчилар мусиқа остида ритмик ҳаракатлар бажарадилар, ҳар хил мавзулардаги, жумладан, ибодат кўшиқларини ҳам ижро этадилар. Ўрта таълим мактабларида мусиқа дарслари дарс жадвалидан ташқари вақтга белгиланади.

Дарсдан ташқари ҳар бир ўқувчи мусиқа тўғаракларига – хор, оркестр, рақс, ВИАларга аъзо бўладилар. Кўпчилик мактабларда симфоник оркестрлар мавжуд. Мактаб билан келишилган ҳолда ўқувчилар симфоник оркестрларга жалб этиладилар [1, 18]. Синфдан ташқари мусиқа дарслари жараёнида ўқувчилар турли хил мусиқа чолғу асбоблари – мусиқий қутичалар, барабан, учбурчақлар каби чолғуларда ижро этиш малакаларини эгаллайдилар. 3-синфдан бошлаб турли оркестр чолғуларида ижро этиш ўргатилади. Ўқувчилар чолғу асбобларда ижро этишни ўрганиб бўлганларидан кейин, мактаб оркестр жамоаси ташкил этилади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг шахсий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, чолғу ансамбллари, хор жамоалари ҳам ташкил этилади. Умумий ўрта таълим ўқитувчилари коллеж ва университетларда таҳсил оладилар.

АҚШда мусиқа таълими соҳаси бўйича аниқ бир тизим бўлмаганлиги, таълим муассасаларини турили хил шахслар, компаниялар бошқариши туфайли таълим тизимида нотурғунлик ва номутаносиблик мавжуд. Мусиқа машғулотларининг ўтказиладиган вақти, шакли ва мазмунини педагоглар томонидан белгиланади. Мамлакатда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги, мусиқа машғулотларига махсус маълумотга эга бўлмаган, ёш композитор ва ижрочиларни жалб этиш эҳтиёжини туғдиради. Натижада, мактабларда ягона мусиқий ижро репертуари вужудга келади.

Ихтисослашган мусиқий таълим коллежлардан бошланади. Коллежларда ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, талабалар кейинчалик ўқишни давом эттиришлари ва магистр унвонини олиш учун икки йил, докторлик

илмий даражасини олиш учун беш йил, жами етти йил ўқишлари керак бўлади. Муסיқага ихтисослашган коллежларнинг уч хил йўналиши – ижрочилик, муסיқашунослик ва педагогик йўналишларда муסיқа ўқитувчилари тайёрланади.

Коллеждаги таълимдан кейин талабалар ўқишни университетларда давом эттиришлари мумкин. АҚШда XIX асрда консерваториялар ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда улар университетларга қўшиб юборилган. Бундан асосий кўзланган мақсад таълим сифатини яхшилаш, ёшларга муסיқий таълим билан бирга адабиёт, санъатнинг бошқа турларидан ҳам керакли билимларни бериш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришдир.

Англия мактабларида буржуа мамлакатлари жумладан, АҚШ қатори, ягона дастур ва услубиётнинг йўқлиги сабабли мамлакатдаги муסיқий тарбия ишларининг аҳволи турли савиядадир. Ҳозирги кунда Англия мактабларида кўпрок Дж.Кервен (1816-1880) томонидан ишлаб чиқилган релятив тизимига асосланган ўқитиш усуллари қўлланилмоқда. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини ўрта махсус ўқув юртлари – икки ёки уч йиллик коллежлар тайёрлайди. Миллий муסיқа, қироллик муסיқа коллежи ва ҳатто Қироллик муסיқа академиясини битирган муסיқачилар учун 1 йиллик махсус педагогик курслар ташкил этилган. Ўрта мактаб муסיқа ўқитувчиларини университетларнинг муסיқа – педагогика факультетлари тайёрлайди. Уларда ўқиш муддати 4 йилни ташкил этади. Университетлар ўрта мактаб учун универсал муסיқа ўқитувчисини тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганки, ўқитувчи нафақат хор жамоасига раҳбарлик қилиш, шунингдек оркестрни бошқариш, муסיқа ва чолғу ансамблида машғулоти олиб бориш, болаларни муסיқий чолғуда ижро этишга ўргата билиши лозим [1, 26].

Англияда бошланғич синфларда 5 - 11 ёшда бўлган болалар ўқийдилар. Барча ўқув фанларини битта ўқитувчи олиб боради. Бошланғич мактабни битиргач, болалар гуманитар ёки техник йўналишга асосланган ўрта мактабларга ўтадилар. Буларда муסיқа таълимига кўпрок эътибор берилади.

Болгарияда муסיқа дарслари, ўқув режасига мувофиқ, мактабни биринчи синфидан тўққизинчи синфига қадар ўтказилади, 10 – 12 синфларда эса, ихтиёрий машғулотлар тарзида, ҳафтада икки соатдан олиб борилади. Биринчи синфда муסיқа дарсига 1 «шартли» соатдан иборат, чунки биринчи синф тайёрлов синфи бўлиб, унда муסיқий эшитиб қўйлайдилар ва рақсга тушадилар. 2-4 синфлардан эса муסיқа дарсларига икки соатдан ажратилади.

2-синфдан бошлаб ўқувчилар дарсда муסיқа саводини ва қўшиқ айтишни тизимли равишда ўргана бошлайдилар. Болгариядаги оммавий муסיқий тарбиянинг асоси – бу халқ қўшиқларидир.

6-синфдан бошлаб ўқувчилар асосий жанрлар ва Болгария муסיқа маданияти билан таниша борадилар. Болгар халқ муסיқаси ўзига хос усул, оҳанг ва бошқа хусусиятларга кўра ҳозирги замон ёшларининг муסיқа

этиёжларини қондира олиш имкониятига эгадир. Болгарияда асосан диққат эътибор оммавий ҳаваскорлик жамоалари – фольклор ансамблларига қаратилган. Уларнинг фаолиятида халқ ижоди намуналари миллий ижрочилик услубига яқин кўринишларда намоён бўлади. Халқчиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган болалар ва ёшларнинг қўшиқ ва рақс халқ ансамбллари маънавий-ахлоқий тарбияси ва бадий-эмоционал таъсирнинг воситаларидир. Болгария мусиқа таълими тизимида нотасиз куйлашдан, нотага қараб куйлаш жараёнига ўтишда 1923 йилда Борис Тричков томонидан ишлаб чиқилган "столбица" (устун) методи кенг тарқалди. Оддий, оммабоп, қизиқарли бўлган "столбица" усули, айниқса, умумтаълим мактаб болалари билан ишлашда катта ёрдам бермоқда. Бу услуб асосан мусиқа саводи жараёнида қўл келади

Бироқ амалиётда – қўшиқ куйлаш, мусиқа тинглаш жараёнларида бу методдан фақат до мажор миқёсидагина фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда мусиқа дарсини барча ўқув фанларидан машғулоти олиб борадиган педагоглар ўтказадилар. Улар гимназияни битиргач, муаллимлар институтида таълим оладилар. Муаллимлар институтида ўқиш муддати уч йил. 5-8 синфларда ашула дарсини, икки ўқув фани (тил ва ашула) бўйича педагогика институтининг махсус факультетида таълим олган ўқитувчи ўтади. 9-12 синфларда эса, консерваториянинг мусиқий педагогика бўлимларининг битирувчилари олиб борадилар. Ўқиш муддати 4 йил [3, 36].

Чехиядаги мусиқий тарбия ҳозирги замон мусиқали – педагогик илми ва назарияси ютуқлари асосида ривожланмақда. Бу жараёнда ҳаваскорлик мусиқа ижрочилиги анъаналарининг тикланиши, замонавий шахснинг мусиқавий эҳтиёжларига жавоб берадиган оммабоп мусиқанинг янги услубини яратиш муҳим омил ҳисобланади. Ҳозирги замон чех мусиқа педагогикаси ўқувчиларнинг мусиқий-ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг мусиқий тафаккури, хаёли, хотираси, мусиқани ҳиссиёт орқали идрок этиш имкониятларини ривожлантиришга қаратилган.

Мусиқий тарбияда болаларнинг мусиқали - иждодий фаоллигини кўтариш мақсадида мусиқий машқларнинг тўрт тури жорий этилган: куйлаш (овозни, мусиқа ўқувини ривожлантириш, мустақил куйлаш), мусиқа чолғуларида ижро этиш (бирор мусиқий чолғуни ўзлаштириш ҳамда ансамбл ижроси), тинглаш (болаларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантириш), ўйин-рақс (нафис ҳаракатни ривожлантириш).

Чехияда болаларнинг мусиқавий ривожи 5 босқичдан иборат. 4-6 ёшдаги болаларга ўйинга асосланган мусиқа ўргатилади. Бошланғич синф (6-9 ёш)да мусиқали ўйин маълум қоидалар билан тўлдирилади. 1-3 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 1 соат ажратилади. Ўрта ёшли ўқувчиларда хор жамоасида, бирор чолғу ансамблида иштирок эта олиш малакаси шаклланади. 4-6 синфларда мусиқий тарбияга ҳафтада 2 соат ажратилади.

Юқори синфларда эса ўсмирлар мусиқа ўрнида мустақил йўл топа олишни ўрганишади. 7-9 синф ўқувчилари мусиқа билан ҳафтада 1 соат шуғулланади; бундан ташқари факултатив асосида хор кўшиқчилиги ва чолғу ансамбли машғулоти ҳафтада 2 соатдан олиб борилади. 16-19 ёшдагилар мусиқий тарбияни махсус ўқув юртлири – 4 йиллик гимназияларда давом эттирадилар. Ўқишнинг дастлабки икки йили давомида мусиқа дарслари ҳамма учун мажбурий бўлиб, эстетик тарбияси дарслари билан навбатма-навбат олиб борилади. Учинчи ва тўртинчи йилга келиб, мусиқий тарбия факультатив ўқув фани сифатида ўтилади [3, 48].

Россияда мусиқа педагогикаси катта муваффақиятларга эришди ва жаҳон мусиқа жамоатчилигининг эътиборига сазовор бўлди. Шу жумладан, таниқли композитор, педагог, мусиқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевский ҳозирги замон мусиқий тарбиясига катта ҳисса қўшди. Д.Б.Кабалевский ишлаб чиққан тарбия тизимида ички алоқалар бирлиги мезони асосий ўрин тутди. Унинг фикрича дарснинг таркибий муштараклиги машғулоти изчиллигининг асосини ташкил этиши керак. Бирлик мезони билан бир қаторда, дастурда, умумлаштириш қондасига ҳам муҳим ўрин ажратилган. Таъкидлаш лозимки, болалар билим эгаллашида "хусусийликдан умумийликка" формуласи "умумийликдан хусусийликка" қондаси билан алмаштирилган. Д.Б.Кабалевский тизимининг асосида уч мезон яъни кўшиқ, рақс, марш туради. Бу ишда оддий жанрлар болалар учун мусиқа ҳақида тушунчаларнинг шаклланишида биринчи кадамдир. мусиқий асар орқали яъни, кўшиқ, рақс, марш жанрида ёзилган асарларни эшитиб, уларни фарқлаш, аниқлаш, тинглаганда фаҳмлай олишини мақсад қилиб қўйган.

Кейинги босқичда ушбу тушунчалар чуқурлаштирилади, яъни рақссимон, маршсимон, кўшиқсимон асарлар болаларга эшиттирилиб, улар ҳақида эркин фикр юритиш малакалари ривожлантирилиши мақсад қилиб қўйилади. Д.Б.Кабалевскийнинг ишлаб чиққан мусиқий ўқитиш тизими, мусиқий асарлар орқали ҳамма билим ва малакаларни болаларга тақдим этиш асосида тузилган. Шу билан бирга педагогиканинг муаммоли ўқитиш тизими Кабалевскийнинг тизимида асосий воситалардан бири бўлиб қолган. Яъни болалар ўзлари фикр юритиб муҳокама қилиб, ўқитувчининг раҳбарлигида маълум бир билим ва малакаларга эга бўлишлиги назарда тутилади.

Хор кўшиқчилиги болаларда тасаввур ва ижодий тафаккурни ривожлантириш, кўшиқ орқали ташки оламини идрок этиш, дунё ҳақидаги билимларни эгаллаш ва бойитишнинг манбаларидан бири, инсонпарварлик тарбиясининг таркибий қисмларидан бири сифатида таърифланади. Хор жамоасида кўшиқ айтиш замонавий инсон учун зарурият ҳисобланади.

Вокал таълими юзасидан илғор мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш юзасидан мусиқий тарбия шакл ва тизимларини таҳлил қилиб, ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ҳақида қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

Ижобий томони	Салбий томони
<ul style="list-style-type: none"> – мусиқа материалининг асоси сифатида халқ мусиқасидан кенг фойдаланиш; – мусиқа ўқуви, ритм, хотирани ривожлантириш, мусиқа саводхонлигини ошириш юзасидан оммабоп усулларни тадбиқ этиш; – мусиқа ўқитувчиларининг педагогик тарбиясига жиддий эътибор бериш; – ўқитувчилар мусиқий тайёргарлигининг мақсадга мувофиқ усулларини кидириб топиш; – таълимда техник воситаларидан кенг миқёсдан фойдаланиш. 	<ul style="list-style-type: none"> – мусиқа ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнидаги тафовутлар; – умумтаълим мактабларда ягона ўқув режалари ва дастурларининг йўқлиги.

Ўзбекистон Республикасида мусиқа таълими, жумладан вокал санъати бўйича кадрлар тайёрлаш тизими “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан тайёрланган Давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган бўлиб, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиб, тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Республикамизда таълим қуйидаги турларда амалга оширилади: мактабгача таълим; *умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими;*

олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Кадрлар тайёрлаш тизими таълимнинг узлуксизлик ва узвийлик тамойилига асосан таълим ва тарбия бир-бири билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Жаҳон мусиқий тарбия тизими бугун изланишлар босқичидадир. Унда мавжуд бўлган турли мақсад ва вазибаларига қарамасдан мусиқий тарбиянинг умумий томонларини ҳам кўрсатиш мумкинки – унинг асосини ижодий ва асосан жамоавий (оммавий) мусиқа ижроси ташкил қилиш керак.

Болалар мусиқий тарбиянинг энг янги усуллари билан танишиш, тажриба алмашиш, учрашув, семинар, анжуманлар, болалар хор жамоалари кўрикларини ўтказиш ва бошқа чора-тадбирлар болалар мусиқа таълими ва тарбияси соҳасида жадал ривожланишга олиб боради.

Ҳозирда, консерватория ва мусиқа академияларининг Европа Ассоциацияси ва Умумжаҳон хор федерацияси ташкил қилинган. Ушбу халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш юртимизнинг мусиқа педагогикаси, мусиқий тарбия назарияси ва амалиётининг бундан кейинги ривожланиши ва мукаммаллашуви учун зарур бўлган илғор услубиётнинг эгаллашда муҳим ўрин тутди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Music Education in England: A review by Darren Henley for the Department for Education and Department for Culture, Media and Sport, 7 February 2011.
2. Lloyd, Georgina. (2012). Music Education. University of Technology Cottbus-Senftenberg / PDF, – 420 p.
3. Rudolff, Britta. (2006). Music & pedagogical: Johannes Gutenberg-University of Mainz, Germany / PDF, – 305 p.
4. Соипова Д. Мусиқа ўқитиш назарияси ва методикаси. – Тошкент: ЎзДК, 2009.

**ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАЛАРИДА
ЛИНГВОКУЛЬТУРЕМАЛАРНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ МАҲОРАТИ**

**ÖZBEK MASALLARININ İNGİLİZCE TERCÜMELERİNDE
LİNGVOKÜLTÜREMALARİ YENİDEN OLUŞTURMA YETENEĞİ**

*Otabek Fayzulloyev,
Бухоро давлат университети
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Otabek Fayzulloyev
Buhara Devlet Üniversitesi, Özbekistan*

Аннотация. Мақолада концепт, культурология, лингвокультурология, лингвокультуремаларнинг бир-бирига қанчалик ўхшашлик томонлари бўлишига қарамасдан, уларнинг чегара доиралари мавжудлиги ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: Миллий маданият, халқ эртаклари, атропоним, концепт, культурология, лингвокультурология, лингвокультурема.

Özet: Makalede konsept, kültüroloji, lingvokültüroloji, lingvokültüremaların bir biriyle benzer yönlerin olmasına rağmen onların arasında sınırların olduğu anlatılmaktadır.

Anahtar kelimeler: milli kültür, halk masalları, atropnim, konsept, kültüroloji, lingvokültüroloji, lingvokültürema.

Annotation. The article deals with the existence of border areas of concept, culturology, linguoculturology and linguaculturems in spite of their similarities.

Key words: National culture, folk tales, atroponyms, concept, culturology, linguaculturology, linguaculturema.

Ўзбек халқининг машҳур эртакларидан бўлган “Чалпак ёққан кун” эртаги “Pancake rain day” номи билан инглизчага таржима бўлган ва унинг рус ҳамда инглиз тилларидаги нусхаси “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти томонидан “Ўзбек халқ эртаклари. Узбекские народные сказки. Uzbek popular fairies tales” китобида 2015 йилда чоп этилган.

Барча халқ эртакларининг номларидан, яъни эртакнинг номланишиданоқ, унинг нима тўғрисида эканлигини қисман бўлса-да, билиб олиш мумкин. Лекин номи бевосита миллий-маданий сўз билан ифодаланган эртаклар таржимасини ўқиётганда, бу ҳол осон кечмаслиги аён. Айтайлик, “Ур тўқмоқ”, “Чалпак ёққан кун”, “Олтин бешик”, “Тилла сандиқ” сингари эртакларнинг номидаги **тўқмоқ, чалпак, бешик, сандиқ**

сўзлари миллий маданиятимизни англатиши жиҳатидан хорижлик ўқувчи учун бирданига тушунарли бўлмайди. Қолаверса, бундай сўзларни таржимада бериш ҳам осон кечмайди.

Таҳлил қилаётган эртагимиз “Чалпак ёққан кун” номидаги “чалпак” лингвокультуремаси миллий руҳ билан суғорилган бўлиб, миллий пишириқлар сирасига кирувчи “ёғда қовурилган юпқа егулик”ни билдиради. Беш томлик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “чалпак – хамирни юпқа ёйиб, ёғда пишириладиган егулик” деб кўрсатилган (ЎТИЛ, 2006).

Унинг халқ тилидан бадий асарлар тилига ҳам кўчганлиги таниқли ўзбек адиби Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Галатепа қиссалари” китобидан олинган қуйидаги парча орқали тасдиқлаб ўтилган: “Эсимдан чиқибди, – дейди кампир, – майлига, мен ўзим ўнта чалпак пишириб, чироқ ёқаман” (ЎТИЛ, 2006).

Дарҳақиқат, чалпак – ритуал, маросимий пишириқ. Уни аёллар кўпинча хотирлаш маросимларида пиширадилар. Ўзбек мотам маросими фольклорини махсус тадқиқ қилган Д.Ўраева халқимиз орасида дафн маросими ўтказилган кундан сўнгги биринчи жумада ёки “Етти”, “Қирқ”, “Йил” хотира маросимлари ўтказиладиган кунда чалпак пиширилишини айтиб ўтади. У чалпакнинг сувга қорилган оддий хамирдан тайёрланишини, айлана шаклда фақат қўл билан юпқа қилиб ёйилишини, ўқлов ишлатилмаслигини, тайёр хамир ёғда қовуриб пиширилишини билдириб ўтади. Бу каби ёғли кулчалар марҳумлар руҳига бағишланишини таъкидлайди. “Шу сабаб бўлса керак, ўлим билан боғлиқ қарғишларда “Чалпагингни егай” деган иборага дуч келинади. Бу билан кишига ўлим тиланаётгани ойдинлашади”, – деб ёзади олима (Ўраева, 2005: 306).

Умуман айтганда, “чалпак”нинг шу тарзда лингвокультурема эканлигини асослаш мумкин. Ана шу сабаб таржимонлар уни айнан тасаввур қилишда, ҳис этиб, ўз тилига ўгиришда қийинчиликка дуч келишгани сезилади. Жумладан, инглиз тилидаги таржимада “чалпак” сўзи ўрнида “Pancake”, яъни “қуймоқсимон хамир овқат” тушунчаси берилган. Лекин Ш.Бўтаев муаллифлигидаги луғатда Pancake, Chalpak сўзлари учрайди (Butayev, 2013: 880).

Ўзбек миллий пишириғи бўлган “чалпак” номини “қуймоқсимон хамир овқат” тарзида изоҳлаш, албатта, унинг мазмун-моҳиятига тўлиқ мос эмас. Бундан ташқари, чалпак доимий емак эмас, балки халқ маросимларида, хотира удумларида пишириладиган ритуал егуликдир. Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги иборани келтириш kifоядир: “Кунда ҳайитми, чалпак ейсан”.

“Чалпак ёққан кун” эртаги бош қаҳрамонларидан бирининг исми – Танбал. Ўзбек китобхонлари учун бу ном ишەқмас киши деган тушунчани англатади, аммо бошқа миллат вакиллари учун бу фақатгина оддий исм, антропоним, холос. Бироқ таржимада шу антропоним моҳияти хориж

ўқувчисига етказилсагина, эртақ мазмуни унинг учун тўлиқ тушунарли бўлади, акс ҳолда йўқ. Шунинг учун Танбал образи таништириладиган парчада: “Нурмат экинчининг Анвар ва Танбал деган икки ўғли бор экан” деган ахборотни қўшимча изоҳлар билан “Нурмат экинчининг **ақлли** Анвар ва **исми жисмига мос иш ёқмас, дангаса, тебса-тебранмас** Танбал деган икки ўғли бор экан” деб бериш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки таржима – ижодий фаолият (жараён). Миллий маданиятимиз бебаҳо манбаларида мужассамлашган тушунчаларнинг таржимада ўз аксини ёрқин топиши қийин бўлса-да, бунга эришиш таржимоннинг маҳоратини, топқирлигини, чуқур билим соҳиби эканлигини намоён этувчи омиллардан биридир.

“Чалпак ёққан кун” эртагида қўлланган ўзбек тилидаги “жаллоблар” лингвокультуремасининг асл маъноси (арабча – ўзига тортувчи; савдогар) – олиб сотувчи дегани. Бу сўз иштирок этган ўзбек халқ мақолларининг бирида “Жаллоб – турган-битгани қаллоб” дейиладигани, бу орқали қаллоб сўзи жаллоб сўзига шунчаки оҳангдош, қофия бўлгани учунгина эмас, унинг характер-хусусиятига бериладиган таъриф, сифатлаш вазифасини ҳам ўтаётди. Бу сўз бадий асарларда ҳам кўп учрайди. Масалан, Ё.Шукуровнинг “Қасос” асарида “чорбозорчи жаллоблар” бирикмасини, С.Айнийнинг “Қуллар” романида “У бутун умрини жаллоблик, қаллоблик билан ўтказган одам” парчасини учратиш мумкин.

“Чалпак ёққан кун” эртагининг инглизча матнида “жаллоблар” лингвокультуремаси умуман ишлатилмаган, тушуриб қолдирилган. Эртақдаги “Жаллоблар ва харидорлар унга саккиз тилла баҳо қуйишибди” жумласи тўппадан-тўғри “Харидорлар унга саккиз тилла баҳо қуйишибди” – “Consumers offered eight coins for his cow” тарзида таржима қилинган.

Хуллас, эртақ таржимасида “жаллоб ва харидорлар” бирикмаси битта “Consumers” сўзи билан алмаштирилган. Аслида ушбу сўзни транскрипция қилиб, изоҳ бериш йўли билан ифода этиш мақсадга мувофиқ бўларди, чунки бу ҳолатда жаллобнинг фаолияти очиб берилган бўлади.

Бир ўринда Ўзбекистоннинг фаунасида учрайдиган қушларнинг маълум бир тури бўлган утки номи конкрет усулда берилган. Инглиз тили таржимасида утки – a bird, яъни шунчаки қуш деб умумлаштирилган.

“Тилла” сўзи ўзбек халқи тушунчасида “танга” маъносини ҳам англатиб келади. Лекин баъзан таржимада унинг инглиз халқи тилига хос coin – чақа сўзи билан алмаштирилиши кузатиладигани, бу мантиққа тўғри эмас.

Бозор – инглиз тилида market деб муқобил таржима қилинади, лекин мутаржим бу лингвокультуремани “bazaar” кўринишида транскрипция қилишни афзал ҳисоблайди. Кузатишларимиз натижасида “bazaar” сўзининг инглиз тили луғат таркибига кириб борганига гувоҳ бўлдик.

Ўзбек халқ эртақлари тилида кўп учрайдиган “хум” сўзи инглизчада “a jug” сўзи орқали адекват таржима қилингани кузатилади.

“Така” “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Эчкининг эркаги; соғлом насл олиш учун танлаб олинадиган зотли эркак эчки” деб изоҳланган. Бироқ таржима матнларида “така” сўзи ўрнида умуман “эчки” сўзидан фойдаланилган ҳолатлар учрайди. Ваҳоланки, инглиз тилида унинг “a billy goat” таржима муқобили мавжудлиги аён.

Бундан кўринадики, таржимонлар лингвокультураларни беришда баъзан унинг моҳиятини тушунмаса, ўз тилига ўгиришга жуда қийналса, уни ё “тушириб қолдириш”, ё яқин муқобилини излаб топиш йўлидан боришлари мумкин. Бу эса, ўз навбатида, асар миллийлигини йўқотишга олиб келади.

Албатта, таржима бу ижодий фаолият бўлиб, унда бир эмас, балки икки тилнинг кўп қиррали хусусиятлари (шу жумладан, маданий қадриятларни ифодаловчи сўзлари ҳам) инобатга олинади.

Умуман олганда, лингвокультуралар – узоқ ўтмишимиз, бебаҳо маданиятимиз бой тарихи ҳақидаги маълумотлар хазинасидир.

Яна шуни хулоса қилиш мумкинки, концепт, культурология, лингвокультурология, лингвокультураларнинг бир-бирига қанчалик ўхшашлик томонлари бўлишига қарамасдан, уларнинг чегара доиралари мавжуд.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. WWW. Ziyouz.com. kutubxonasi.
2. Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклорининг жанрий таркиби ва бадиияти: Филол. фанлари доктори.. дисс. – Тошкент, 2005.
3. Butayev Sh. English-Uzbek, Uzbek-English dictionary. –Toshkent: O`qituvchi, 2013.

**ҲИКОЯ ЖАНРИ ПОЭТИКАСИДА РАМЗ
(Н.Эшонкул ҳикоялари мисолида)**

**HİKÂYE TÜRÜ POETİKASINDA REMİZ
(N.Eşonkul hikâyeleri örneği)**

*Нилуфар Чўлиева,
Қарши давлат университети
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Nilüfer Çolıyeva
Karşı Devlet Üniversitesi (Özbekistan)*

Аннотация. Ушбу мақолада ҳикоя поэтикасида рамз талқини Назар Эшонкул ҳикоялари асосида тадқиқ этилган. Мақолада адибнинг “Шамолни тутиб бўлмади”, “Хароба шаҳар суврати”, “Тобут” ҳикоялари таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Рамз, символизм назарияси, экзистенциализм, контраст, тасаввуф, бадий-эстетик тафаккур, фольклор.

Özet: Yazıda hikâye poetikasında remiz telkini Özbek yazarı Nazar Eşonkul hikâyeleri esasında incelenmiştir. Edibin “Rüzgar yakalanamaz”, “Harabe şehir sureti”, “Tabut” hikayeleri tahlil edilmiştir.

Anahtar kelimeler: Remiz, sembolizm teorisi, egzistansiyalizm, kontrast, tasavvuf, sanatsal-estetik tefekkür, folklor.

Annotation. In the article, the explication of symbols in narrative poetics is investigated as the examples of narrations by Nazar Eshonkul. In the article, the author’s narrations named ‘It’s impossible to catch the wind’, ‘The picture of the old town’, ‘The coffin’ are discussed.

Key words: Symbol, the theory of symbolism, existentialism, contrast, Sufism, artistic-aesthetic thoughts, folklore.

Ўзбек ҳикоячилигида бадий тасвирдаги ўзига хослик (экзистенциаллик), онг ости оқимини кўрсатишга уриниш, воқеалар тасвирланадиган замон ва маконнинг чекланмаганлиги, образлар кўламининг кенглиги, рамзлар қуюқлашиши, асар тили стилистикаси (мураккаб қурилмали жумлалар), “муаллиф – ровий – қаҳрамон” учлигида муаллиф “мен”ининг тажассум даражаси ҳамда бу учликнинг бир неча шаклий муносабатларининг асар бадииятидаги ўрнини белгилаш кабилар бугунги адабиётшунослик олдига жанрни муфассал тадқиқ этиш вазифасини қўяди. Таъкидлаш жоизки, ҳикоя жанри “юк”ининг янада салмоқли бўлишида рамзларнинг ўрни аҳамиятлидир.

Ўзбек насрида ҳикоялари билан жанр бадииятини тубдан янгилашга эришган адиб Назар Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Хароба шаҳар сурати”, “Тобут”, “Баҳовуддиннинг ити” ҳикояларидаги рамзий-метафорик тасвир асар моҳиятини тўлақонли ва ўзгача ифодалашда етакчи восита бўлиб хизмат қилган.

“Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясида даврнинг бешафқат силсиласида руҳан ўлган, жисман тирик заифа жувоннинг одил вақт ва мусибат қаритган, муштдек жуссасида қора хотиралар карвонини ортмоқлаган метин кампир – Байна момога айланиб, эри ва навқирон ўғлининг қотили Замон отбоқарга бўлган чексиз нафрати тасвирланади. Муаллиф услубига хос сокин ва залворли жумлаларда Байна момонинг кескир қиёфаси бўртиб туради. (Айниқса, момонинг ўз қишлоқдошларига қилган писандаларида бу қиёфа янада яққол намоён бўлган.) Асар қурилиши ноодатий – воқеаларни гоҳ охиридан, гоҳ аввалидан тасвирлаш китобхонни тушуниксиз шаклни илғашга чорлагандек қизиқиш уйғотиб, ўзгача ифодавийлик касб этади, воқеалар динамикасига таъсир этади. Мазкур тасвир услуби қаҳрамоннинг – Байна момонинг ички оламини, муҳит ва қаҳрамон зиддиятининг ижтимоий моҳиятини кузатишда ўқувчига жонсараклик бахш этади. Ҳикоя давомида характерлараро конфликт ҳам авжланиб борадики, натижада, Байна момога Замон отбоқарнинг: “- Эринг бу ерда бўлмаса бошқа ерда барибир ўлган бўларди. Сен эса хавотир олма, ўлсанг итларим кўмади” (Эшонқул, 2008: 254), деган захарҳандасига ҳам “бир оғиз ортиқча” гапирмаган кампир ўз бахтининг парвозини кўрмай қаро ерга кўмган, эри ва фарзандининг ҳам бахтли лаҳзаларини ўзининг “темир чангали” билан яксон қилган душмани – Замон қассобга бўлган нафратини изтиробли, айти пайтда, даҳшатли сукунат қаърига кўмади. Бу оғир изтироб оловидан бутун вужуди ёнган Байна момонинг адоий-тамом қиёфасини муаллиф қизлар образи воситасида конкрет, эмоционал тасвирлайди: “- Агар ўғлингиз бўлганида мен сизга жон-жон деб келин бўлардим, - деди қизлардан шаддодроғи Байна момонинг эчки соғишидан завқи келиб. Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар кўрқиб кетишди: кўз олдиларида Байна момонинг бутун танаси тутаб жўнагандай туюлди. Қизлар дуд хидини аниқ сезишди...” (Эшонқул, 2008:258).

Асар сюжетидаги контраст – Замон отбоқарнинг тўйга тараддуди тасвири билан Байна момонинг у туфайли йигирма йиллик азобларига азадор қиёфаси тасвири ҳикоя воқеалари фониде оқ-қора бўёқларнинг янада конкретлашишига хизмат қилган.

Ҳикояда қўлланилган рамзлар, рамзий ишоралар эса нафақат воқеликни теранлаштирган, балки бадиий адабиётимизнинг тафаккур тадрижини ҳам белгилаган, дейишимизга имкон беради. Жумладан, Байна момонинг кун бўйи уйига келмай “...алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда шарпадай” кириб келиши, “то миршаблар сўраб келмагунча”

уйдан чиқмаслиги, ўлимидан сўнг сандиғидан Замон отбоқарнинг кесиб олинган ўнта бармоқ суяклари топилиши уни китобхон тасаввурида қотил сифатида жонлантирса, асар сўнгида кампирнинг “лайлатулқадр кутилаётган оқшом”да жони узилиши, ёки эски сандиғидан “сарғайиб кетган Қуръон”нинг топилиши кабилар унинг бундай жоҳилликка қўл урмаганлигига рамзий ишора бўлиб хизмат қилади. Бу ўринда лайлатулқадр, Қуръон – эътиқод мустаҳкамлиги рамзидир. Муаллиф детал-рамзлар воситасида ҳикоя бағрига шундай камалакранг фикрларни жо қиладики, ўқиғувчи боши-адоғи турли томон бўлган фикрларга келмасин уларнинг умумлашмаси асарнинг туб моҳияти ҳақида чиқариладиган хулосага заррача таъсир қилмайди. Яъни ўз эътиқодига содиқ қолиб, уни халқнинг асрий анъаналари қаторида (сандиқда) асраб келаётган, йигирма йилдан ортиқ вақт ситамларига юрак бағри ёнса-да, фақат “хотираларига исиниб” яшаётган инсон, наҳот ўша замоннинг одами бўлган Замон отбоқарни кун келиб ёмоннинг ўз бошини ўзи ейишига сабри етмаган бўлса. Англаш мумкинки, Замон отбоқарнинг қотили у хизматида бўлган, у эътиқод қилган, ва кейин уни чиқитга чиқарган замоннинг ўзидир. “Шамолни тутиб бўлмайди” – ҳикоя номининг рамзийлиги ҳам гипермаъновийликни таъминлаган. Зеро, шамолни ёмонликнинг адоий тамом бўлиб эзгуликнинг ғалабаси билан тугаши ҳақидаги ҳамда ҳеч бир инсон (инсоният)нинг қолипларига сиғмайдиган, бўйсунмайдиган ўлмас ҳақиқат рамзи сифатида ҳам, сохта эътиқод деб мавжудликни вайрон қилган, оҳир оқибат йўқликка юз бурган асл ватансизлик, қўнимсизлик рамзи деб ҳам тушуниш мумкин.

Демак, асарнинг туб моҳиятини инсониятнинг яшаш мантиғи муайян мафкуралар доирасидагина ўлчаниши эмас, балки унинг ўзи яшаш мақсадини тўғри йўналтириши, аслида нега яшаётгани, ўзининг кимлигини англашга бўлган интилиши муҳимроқ деган ғоя ташкил этади.

Адибнинг “Хароба шаҳар сурати” ҳикояси ҳам айти шу ғояни изчил давом эттирган. Ҳикоядаги қаҳрамоннинг хароба шаҳарнинг ўз руҳиятига яқин олишидан пайқаш мумкинки, у ўз руҳиятини, умуман ўзини вайрон қилган мавжудлик ва, ёки мавҳумлик нима эканлигини англашга уринади. Асар қаҳрамони таназулга юз тутганлигини кўра олган, ўзлигини қидирган инсонлар типидир. Ҳикоядаги профессор, таниқли шоир образлари эса инсониятнинг абадий яшамоқ ҳақидаги асрий орзу ва ақидаларини унутиб, ўз мақсадларини ўткинчи тирикчилик ташвишлари асосига қурган ёки шу ташвишларнинг сарҳадсиз маконида ўзини, ўзлигини йўқотган инсонларнинг бадий умумлашмасидир. Яратганнинг улуғ езгу умидининг акс садоси бўлган инсонни У ғоят гўзал қилиб яратди. Унга гўзал жаннатдан макон қилди. Инсон эса нафси ва хатолари билан бу гўзалликни поймол этди. Асардаги “ҳар тонг азон ўқиладиган”, “яшил боғлари, зангор осмони, ...миноралари, шаҳардан узоқларда ҳам ҳиди уфуриб турадиган... нафис ва дуркун гуллари, ҳилол билан бирга ҳилпирайдиган туғлари”

(<http://www.ziyouz.com>) бўлган Турсория шахри айна шу гўзалликнинг нишонаси бўлса, унинг вайрон этилиши эса инсоният қилган хатоларининг тимсолидир. Хароб этилган шаҳар тасвирида “...қандайдир ғалати, таҳдидли улкан оёқ излари”нинг акс этиши, гўзалликни топташи эса одамзот шу кунгача қилган хатоларининг, гуноҳларининг инъикоси ёки бу хатоларнинг илк яратилган Инсон – Одам Атодан “мерос” бўлиб келаётганининг, муттасиллигининг рамзи сифатида тажассум топади. Шунингдек, ҳикояда “...шунча ёнғину алғов-далғовдан сўнг ҳам ҳали бус-бутлигича тўхтаб қолган тегирмон пар-пари кўринарди: паррак ҳали мустаҳкам эди ва бу ўлик шаҳарга фақат шу парраккина умид бағишлаб тургандай эди” деган жумлалар бор. Шу ўринда, “Қиссаси Рабғузий” асаридаги қуйидаги воқеа ёдимизга тушади. Нуҳ алаҳиссалом “-Тўфон ваъдаси қачон бўлур?”, деб сўраганларида “-Қачонки, тандиринг ичидан сув чиқса, балки азоб келган турур”, деган хитоб келади. Нуҳнинг кофир хотини нон пишираётган чоғда тандир ичидан сув чиқади (<http://www.ziyouz.com>). “Қиссаси Рабғузий”даги бу ҳолат қиёматнинг қойим бўлиши инсониятнинг бу дунёдан ризқи узилиши билан бошланишига ишора қилади. “Хароба шаҳар сурати”даги тегирмоннинг қулаб тушиши эса инсон тириклигининг меъзони бўлган маънавиятнинг таназзули, айланувчи паррак эса путур етмас вақт узвийлиги рамзидир. Зеро, ҳар бир инсон муайян вақт бирлигида ўз умри шахрини бунёд этади. Хароба шаҳар эса таназзулга юз тутган, парчаланаётган инсон руҳиясининг ҳам, бутун инсониятнинг шу кунгача билиб-билмай қилган хатоларининг ҳам рамзий тасвиридир.

Адибнинг “Тобут” ҳикоясини адабиётшунослигимизда Камюнинг “Вабо” романи билан менгзашади. Яъни ҳар икки асар воқеаларининг асосини муайян макондаги номаълум касалликка қарши кураш ташкил этиши, вабо фашизмнинг, тобут шўро мафқурасининг рамзи экани таъкидланади. Аммо айтиш керакки, Камю асарида ўлатнинг чекиниши инсониятнинг вабо (фашизм)га бўлган курашининггина эмас, балки ўз-ўзига қилган исённинг натижасидир. Зеро, Камю таъбири билан айтганда, исёндан “... мақсад – ўзгаришга юз тутиш. Инсон аслида ким бўлса, шундайлигича қолишни истамайдиган ягона мавжудотдир” (Мамадиёрова, <http://www.kh.davron.uz>). Назар Эшонқулнинг “Тобут” ҳикоясида эса башариятнинг муайян таъсирлар турткисида таназзулга юз буриши ва бу таназзулга маҳкумлиги тасвирланади. Мазкур ҳикоя ҳақида муаллифнинг ўзи шундай ёзади: “...шаҳар (эътиқод, ғоя, фикр, ўзлик)нинг ўлимга маҳкум этилишига сабаб нима деган саволга жавоб излаганман ва кейин асли уни бошиданоқ ўлимга маҳкум қилиб, тобут шаклида қуришган, шунинг учун ҳамма нарсадан таназзул анқиб ётибди, бу шаҳарда таназзул тақдирдир, маҳкумлиқдир...” (Эшонқул, 2014: 216). Бу маҳкумлиқ Камю қаҳрамони Сизиф дучор этилган маҳкумлиқ ғоясидан фарқ қилади, албатта. Яъни Сизиф думалатаётган харсангтош манзилига етолмайди, у доим ҳаракатда. Бу адоғи йўқ, бесамар ҳаракат Сизиф учун маҳкумлиқ. Демак, Камю ўз

асарида ҳаракат (шахсий икир-чикирлар)ни аслида, ҳаракатсизлик, абсурд эканига ишора қилмоқда. “Тобут” ҳикоясида эса муаллиф асар қаҳрамонини у дучор бўлган, аниқроғи, маҳкум этилган таназзул, абсурд фожиани англаб етган инсон қиёфасида тасвирлайди: “У хонамга кечқурун кириб келди: жуда ҳорғин эди, кўзларида даҳшат аралаш жунун ўйнарди. – Бутун шаҳар тобут шаклида қурилганди. Мен буни лойиҳада кўрдим. Биз шунча кун тобутни кезиб юрган эканмиз...”(Эшонқул, <http://www.ziyouz.com>).

Дарҳақиқат, инсоният яшаш (ғам чекиш, азобланиш, қайғуриш) ва ўлишга маҳкумдир. Аммо у қандай умр кечиришни ўзи ҳал этади. Демак, ҳикояда инсон учун эрки, эътиқоди, фикри, ўзлигини асраб қолиши олий мақсад бўлиши кераклиги кўрсатиб берилади.

Хуллас, адиб Назар Эшонқул асарларини таҳлил қиларканмиз, ушбу ижоднинг жозибаси нафақат ёзувчи ифода услубида, балки “хаёл ва ҳаётнинг шартли ифодаси” бўлган рамзлар воситасида ҳам намоён бўлади. Адиб асарларидаги рамзни англаш, нафақат у яратган ижод, балки бугунги насримиз хусусиятлари ҳақидаги хулосаларга ҳам даҳл этади. Назар Эшонқул ҳикояларидаги қиёфалар тасвирида эса инсонни англашга ва бу англаш орқали у ҳақидаги илмларни бойитишга, уни қайта инкишоф этишга бўлган бадиий мақсад балқиб туради. Ана шу улуг мақсадга интилиш самараси ўлароқ бадиий адабиётимиз сарҳадлари турфа образлар, ўзгача гўзал асарлар билан кенгаймоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. –Тошкент: ”Akademnashr”, 2014.
2. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди: Қиссалар ва ҳикоялар. -Тошкент: “Шарқ”, 2008.
3. Мамадиёрова С.Альбер Камю публицистикасида инсон омили. (Электрон манба). URL:<http://www.kh.davron.uz>
4. Рабғузий Носируддин. Қиссаси Рабғузий. (Электрон манба). – URL:<http://www.ziyouz.com>
5. N.Eshonqul hikoyalari. (Elektron manba.) – URL:<http://www.ziyouz.com>

“ҲАЙРАТ УЛ АБРОР”ДА САТИРА ВА ДИДАКТИКАНИНГ УЙҒУНЛИГИ

“HAYRET UL-EBRAR”DA HİCİV VE DİDAKTİĞİN UYGUNLUĞU

*Равшанова Гулрухбегим,
Қарши давлат университети
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

*Ravshanova Gulruhbegim,
Karşi Devlet Üniversitesi, Özbekistan*

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек адабиётида сатиранинг ўрни ва роли, сатиранинг дидактика билан уйғунлиги Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” дostonи мисолида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Ҳажвия, сатира, дидактика, жанр, кулги, танқид, иллат, салбийлик, тубанлик, кулги фони, адабий тур.

Özet: Makalede Özbek edebiyatında hicvin önemi, didaktikle uygunluğu Ali Şir Nevai'nin “Hayret ul-ebrrar” eseri örneğinde verilmiştir.

Anahtar kelimeler: Hiciv, didaktik, tür, gülme, tenkit, illet, olumsuzluk, aşağılık.

Annotation. This article explains the role and place of satire in the Uzbek literature and its harmony with didactics, covering the interpretation of satirical and didactic issues in Navoiy's works, including the poem "Hayratul abror".

Key word: Hilarious, satire, didactic, genre, laughter, criticism, illusion, negativity, frenzy, laughter fonts, literary tour.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида сатира – “ҳажвиёт” алоҳида ўринга эга. Ўзбек адабиёти тарихида кулги фони остида илк тажрибаларга Навоий ўз асарлари орқали мурожаат қилди. Зеро, ўзбек сатираси адиб ижодида биринчи бора шаклланди, адабий тур сифатида ўз жанрларига эга бўлди. Сатиранинг бошқа адабий турлардан ажралиб турувчи муҳим хусусияти шундаки, сатира мавжуд адабий турларнинг барчасида жумладан, лирика-сатирик шеър ва дostonлар; эпик-сатирик ҳикоя, роман ва ҳ.к; драма-сатирик комедия ва бошқаларда ҳам намоён бўла олади. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, сатирани лирикада ҳам, эпосда ҳам, драмада ҳам яратиш мумкин. Унинг яна бир бошқа тур ва жанрлардан ажралиб турувчи жиҳати шундаки, у носатирик (кулгисиз) асарлар жисмида ҳам яшайди. Сатирани фақатгина соф сатирик (кулгили) асарлардан қидирсак уни том маънода чегаралаб қўйган бўламиз.

Навоий ижодида соф сатирик асарларга нисбатан сатирик бўлмаган асарлар жисмида намоён бўлувчи сатирик баҳо, муносабат ва ҳукмларни

кўплаб асарларида учратамиз. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Навоий замонида сатирага зарурат бормиди, эҳтиёж сезилдими? Ижтимоий ҳаётдаги иллатларга қарши аёвсиз курашда Навоий сатирани ўзи учун қурол қилиб олди. Сатира орқали нафақат жамият иллатларини балки турли кўринишдаги ҳар қандай ёмонликларни танқид остига олади ва уларни аёвсиз “савалайди”.

Академик Ойбек “Ҳайрат ул аброр” сатираси ҳақида шундай ёзади: “... Яна бу дostonда Навоий хонақаҳларда, масжидларда уя қуриб макр-ҳийла билан эл таловчи шайхларнинг бутун ифлосликларини очиб беради. Бу боб Навоий қаламининг ҳажвдаги қудрат ва маҳоратини жуда равшан кўрсатади. Риёи ҳирқапўшлар боби мукамал сатиранинг намунасидир. Навоий қаламининг сатирик кучи бу бобда айниқса ёрқин ранглар билан товланади. Бунда ҳар бир сўз тигдай ўткир, ҳар бир чизик бениҳоя жонли ва лўндадир. Шунинг учун бизда сатирик жанрнинг илк устози Навоийдир, дейишга тўла ҳақлимиз” (Ойбек, 1967: 33-79).

*Рухни нафс оллида қул айлабон,
Хуллани дажжолға жул айлабон.
Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малоик паридан пардапўш.
Кўнглак аро мушку абири тараб,
Кўнглида юз ит ўлубу гандараб* (Навоий, 2006: 100).

Ушбу дostonдаги карам ва саҳоватга бағишланган бешинчи мақолат ҳам диққатга сазовор. Мақолатда ўринсиз айниқса, муҳтожларга наф келтирмайдиган сахийликни ҳажвга олади. Зеро, карам ва саҳоват холис бўлгандагина мантиққа тўғри келади. Навоийнинг фикрича қорни оч кишининг олдига бориб унга қуллуқ қилгандан кўра унга бир танга бериб ҳожатини чиқариш ҳам фойдали, ҳам савоб, ҳамда мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлайди. Йўқса у танқид ва кулгига, киноя ва майнага сабаб бўлади. Дарҳақиқат, оч ва муҳтож кишилар қолиб қорни тўқ, бадавлат кишиларга саҳоват кўрсатиш, оч-яланғочлар қолиб амалдорларга кўша-кўша кийим-бошлар тарқатиш ўринсиздир. Бу билан саҳоватпешалик, хотамтойлик даъвоси мантиқсиз ва кулгили бўлади. Кундузи шамнинг беҳуда ёқиб кўйилиши, булутнинг қуриб ётган боғ узра эмас, балки кераксиз ерга ёғиши, лаълни унинг кони Бадахшонга юборилиши қанчалик бемаъни бўлса, ўринсиз саҳоват ҳам шунчалик кулгидир:

*“Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари.
Шамъни кундуз ёрутур беадад,
Меҳр зиёсиға берай деб мадад.
Ўйла булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза”* (Навоий, 2006: 106).

Дostonдаги бу парчаларни ўқиш жараёнида ўқувчи юзида беихтиёр ним табассум, кулги югуради. Кулгининг юзага келишида аввало кулгили

ҳолатнинг топилиши, ўз ўрнида қўлланилиши зарур, шундагина кулги пайдо бўлади. Кулгили ҳолатнинг берилиши, ундаги камчилик, нуқсон, иллатларнинг идрок этилиши ва баҳоланишининг натижаси сифатида кулги намоён бўлади. Шу сабабдан ҳам кулги сатиранинг муҳим ва етакчи компонентларидан саналади.

Ўн олтинчи мақолатда давлат тепасидаги юксак рутбали кишилар ҳаёти, фикрлари саёз ва чиркин эканлигини ҳаққонийлик билан тасвирланади. Мақолатда ўрта асрларлар жамиятидаги пасткашликлар, носоғлом муҳит қатъий танқид остига олинади ва иллатлар аёвсиз қораланиб фош этилади. Бу сатирик муносабатни равшанроқ тасаввур этиш учун мақолатдан парча келтирамиз:

*Тўни ипак бўлмаса, кўнгли ҳазин,
Жинси хитой бўлмаса қошида чин.
Ер-ичари барча ҳарому ҳариш,
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.
Чун чекибон икки тўла жоми соф,
Лоф ила ҳар дам ушотиб юз масоф.
Тоғ каби тиғ чекиб бедариғ,
Еткуруб ой ҳудиға ҳар лаҳза тиғ.
Гурз ила Баҳром бошин ёнчибон,
Найза била сувратиға сончибон* (Навоий, 2006: 193-195).

Навоий бу ерда қалбаки баҳодирлар устидан аёвсиз кулади. Баҳромнинг сувратиға найза санчиб, бошини янчишлари тасвирида қўрқоқ ва мақтанчоқ ботирларнинг асл қиёфаларини фош этади.

Навоий меросида комизм, кулги бўртиб, яққол намоён бўлмайди аммо, моҳиятан фош этиш ва аёвсиз танқиднинг кескинлиги жиҳатидан тўлақонли сатира даражасига кўтарилган лавҳа, бобларни кўплаб учратамиз. Одатда, бу иллатларни бартараф қилишда ижодкор кесатиқ, киноя, майна ва масхаралаш йўли билан юмористик ҳолатларни юзага чиқариб мақсадга эришади. Чунки, кулгида иллатларга тез ва кескин таъсир эта олиш қудрати мавжуд. Бадий адабиётда бу каби иллатларга фақатгина кулги ва кулгили ҳолатлар билан қарши чиқибгина эмас, балки танқид, қоралов, ғазабкор рух, менсимаслик, таҳқирлаш орқали ҳам инкор этиш мумкин. Бу ҳолат кўпинча носатирик асарлар жисмидаги сатирик баҳо ва муносабатларда учрайди. “Ҳайрат ул аброр”даги қалам аҳлларига бағишланган ўн иккинчи мақолатдаги қози, муфти ва солиқ ўндирувчиларнинг бадий тасвири шу хил сатирага намуна бўла олади. Мақолатда Навоий деярли кулгили ҳолатга мурожаат этмайди. Ўз даврининг қози, муфти ва солиқ ундирувчиси бўлган амалдорларнинг шиори “хиёнатни диёнат, диёнатни хиёнат” қилиб ҳақиқатдан юз ўгиришлари замирида кулгили фожеа ётади. Адиб улар фаолиятини кулгисиз, очиқдан-очиқ сатирик фош этади:

Борча хиёнатни-диёнат қилиб!

*Борча диёнатда-хиёнат қилиб!
 Хўша узумким,-киши ришват деса,
 Куйдурубон боғни- жаннат эса!
 Сўнгғиси –муфтийи ҳиял пеша бил,
 Ҳийла била макр-анга андеша бил!*

Бу амалдорлар фаолияти “кулгисиз”, қаҳру-ғазаб, нафрат билан тасвирланади. Амалдорнинг деҳқоннинг уйига меҳмонга келиши балою азимга, яна ҳам тўғрироғи уйга вабо киришига ўхшатилади. Чунки у деҳқоннинг бор-будини еб битиради, ҳаттоки уруғлик учун олиб қўйган арпасини отларига ем қилади. Навоий амалдорлар фаолиятининг туб моҳиятини, зўравонликларини янада равшанроқ, яққол ва ошкора намоён қилади:

*Неча ситам қилғувчи обод ўлуб,
 Борча ситам чеқувчи барбод ўлуб.*

Умуман, кулгининг ўрнини жиддийлик эгаллаши, кулгили тасвирга нисбатан жиддийлик тасвирининг устунлик қилиши, аниқ сезилиб турган норозилик, ғазабнинг кулгини “ушлаб”, “бўғиб” туриши Навоийнинг носатирик асарларидаги сатира учун хос ҳолатдир (Абдуғафуров, 1972: 92).

Навоий томонидан ўз замонаси ҳукмрон табақа вакилларининг халққа нисбатан кўрсатган жабру-зулмларини сатирик тасвирлаб ўқувчини туриб бир вақтнинг ўзида ислом ва иймон, саҳоват ва карам, раҳм-шафқат сингари чин мусулмоний фазилатларга эга бўлишга ҳам чорлайди. Унинг маҳорати шундаки, бир иллатни фош эта туриб иккинчи ёқдан ўқувчига дидактик таъсир ўтказа олади ва ижобийликни тарқиб қилади. Навоий сатира орқали жамиятни чиркинликлардан тозалашни хоҳлайди. Сатирада фақатгина танқид билан чегараланиб қолмай унда дидактикани ёки аксинча дидактикада сатирани моҳирона қўллай олади. Бу хусусият унинг бошқа дostonлари, “Маҳбуб ул қулуб”, “Лисон ут тайр” ва лирик меросига ҳам сингиб кетган.

Дostonнинг ўн бешинчи мақолатида май ва майхўрлар ҳақидаги сатирик лавҳалар берилган. Навоий бунда фақатгина майни танқид қилмайди, аксинча зарарлари ҳақида ҳам бир талай далилларни келтириб ўтади. Шунинг ўзиёқ бу сатирик лавҳага дидактизмнинг уйғунлашиб кетганлигини исботлайди:

*Бодаки йиқмоқ сори-ўқ майлидур,
 Жисм уйига билки бало селидур.
 Қайси бўлур жисм уйиким, жон уйи,
 Жон уйи ҳам демаки, имон уйи.
 Томса чароғ ўтиға бир қатра сув,
 Уйда ёруғлиқдин илик ўзга юв.*

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий жамиятдаги иллат, салбийлик, тубанлик каби бир қатор тубанликларни бартараф этишда сатирадан фаол фойдаланди. Асарлари соф сатирик руҳда бўлиб қолмай, унга дидактикани

ҳам моҳирона сингдириб юбора олди. Сатира орқали у жамиятдаги иллатларни қоралабгина қолмай, уларнинг яхшиланишларига ҳам умид қилди, шу сабаб сатира ва дидактикани уйғунлаштириб юборди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ойбек. Навоий гулшани. Навоий ҳақида мақолалар. –Тошкент, 1967.
2. Навоий. “Ҳайрат ул аброр”. -Тошкент, 2006.
3. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. –Тошкент: ”Фан”, 1972.

HELPFUL HINTS FOR LANGUAGE TEACHERS ABOUT HOW STUDENTS CAN BE MORE EFFECTIVE DURING THE CLASS

DIL ÖĞRETMENLERINE ÖĞRENCILERIN DERS ESNASINDA NASIL ETKİLİ OLABİLECEKLERİ HAKKINDA FAYDALI İPUÇLARI

*Zuhra Safarova, English teacher,
Karshi Engineering Economical
Institute Academic Lyceum (Uzbekistan)*

Annotation. In the article the author presents her ideas how to involve students in class and the methods which can increase the effects of learning language.

Key words: Discover, involve, complain, premise, emphasis, significantly, visualise, appropriate, accelerate, encourage.

Annotatsiya. Ushbu maqolada maktab va akademik litsey o'quvchilarini darsga to'liq jalb qilish maxorati va til o'rganishning samaradorligini oshiruvchi usular taqdim qilinadi.

Калит сўзлар: Kashf etmoq, qamrab olmoq, shikoyat qilmoq, bino, urg'u, ahamiyatli, tasavvur qilmoq, mos keladigan, tezlashtirmoq, ruhlantirmoq.

Now there is a great demand for teachers to discover or learn new methods in order to conduct better interactive classes. A good teacher always searches new information and methods to involve his/her students and try to be much more practical. Also, it is essential that teachers must aim to make good citizens of their students.

Nowadays some students complain that they have learnt a lot of English words but after graduating they cannot speak English well. In spite of this, from my experience I have found that it is one of the major issues which can be easily solved.

It is undeniable fact that there is thousands of language teaching methods have been creating since foreign languages started to be taught. Approximately decades ago language teachers emphasized traditional teaching methods like grammar and vocabulary. Particularly, they were a bit more theoretical rather than practical. Students did their best, they learnt all grammar rules and vocabulary, but unfortunately, some of them could not use the language to communicate.

Now everything has changed significantly. New efficient and effective methods are being taught. There is huge demand for students to learn and to be compatible in increasing world. One thing should be mentioned is that a great deal of people has the same problems of remembering. People would learn languages faster and easier if they had a good memorizing skill.

Vusualizing method. Assume that students must learn a list of new words; they would be able to use these words in their speech as well. So the aims of the lesson are quite simple:

1. To memorize the vocabulary
2. To communicate using these words

For memorizing a large vocabulary, we need a place where words can be accessed quickly and easily. So, we should order and organize them properly. For instance, a list of words which belong to the kitchen could simply access into familiar kitchen or canteen; sport activities into the sport center; house words and actions into the private house, and all the nouns, adjectives, adverbs and verbs are placed into educational premises. So, all of this images are committed to memory by visualizing. In this approach, the language taught revolves around the task itself, not the other way around.

Step 1: choose a familiar town to store all these words by using detailed mental map of a town or village.

Step 2: use our imagination and association. In this case, a foreign word suggests a key image.

Step 3: place our key image in an appropriate location, suggested by our native language.

Step 4: combine key image and location.

Here are some more examples:

Glisten (porlamoq, yaltiramoq):

Key image is **Guliston** (It is a name of a region). Gulistonning g‘o‘zal bog‘larini ko‘rib ko‘zlarim quvonchdan porlab ketdi (I was astonished by seeing flowers in the gardens of **Guliston**. This region is in the east side of the country, that’s why we may locate this image in the east side of our familiar town.

Evaluate (qadrlamoq):

Key image is **Valit** (Jack from pack of card). Qartada valit qadirlanishining sababi u shahzoda(The reason of appreciating Jack is that he is prince). And the location is in the most luxurious house of exact town.

Cohesion (bog‘lanish, birikish):

Key image is **Kohin** (priest). Ibodatxona kohini “ruhlar bilan bog‘lanib, muloqot qila olaman” deb hammani aldamoqda(The priest of the church is lying everyone saying that he can link up with souls). Location is in the local church.

Devour (yamlamay yutmoq, yemoq):

Key image is **Devor** (wall). Qorin shu darajada ochki, devorni ham yamlamay yutyapsiz(You are eating wall from hunger pangs). Location is private house.

Earthquake (zilzila):

Key image is **Is,kvak** (smell, kvak (the sound of frog)). Tasavvur qiling, zilzila ro‘y bera boshladi va yer ostidan turli xil islar chiqa boshladi, qurbaqalar bo‘lsa kvak, kvak, kvak deb qurillay boshladi(Imagine,the earthquake has started and unpleasent smell is emerging, frogs are kvaking; kvak, kvak, kvak. Location is the nearest lake.

The person we have to thank for this method is Domenic O‘Brien who is eight times winner of the ‘World Memory Championships’ and has a number of entries in the Guinness Book of Records. The technique is so effective and simple that one would

learn a new language in a matter of days and weeks rather than months and years. Personally I am using this technique during the classes and it seems that now students

Start is learning English effortlessly. Also, they have a great chance to communicate with each other absorbing new words which are newly acquired. It is very essential to note that the main aspect of this method accelerates the speed and efficiency of passing tests.

For this method to work, teachers must use some kind of vocabulary quiz's which helps to create English atmosphere and make students work and speak with each other during class.

In conclusion, teachers must understand their student's needs and expectations in order to design lessons that help their students succeed. Grammar, vocabulary and language skill are just vehicle that enable students to achieve their final outcomes. I must declare that I finally achieved my ambition to encourage students during my class with visualizing method. Now my students know how to learn vocabulary easily and can speak fluently. Using this method will be more effective for ESL teachers.

References:

1. Butler H.E. translation of *Institutio Oratoria*, (Loeb 1954).
2. Tony Buzan, *Use your Memory*, (BBC 1986).
3. Caplan H. translation of *Ad Herrenium*, (Loeb 1954).
4. Hunt E. and Love T. 'How Good Can Memory Be?', in *Coding Processes in Human Memory*, (Winston/Wiley 1972) pp. 237-60.

**SOLVING THE PROBLEM OF QUALITY IN TEACHING FOREIGN
LANGUAGES THE STUDENTS OF NON-LINGUISTIC DEPARTMENTS WITH
THE HELP OF A BLENDED LEARNING COURSE**

*Sheraliyeva Shakhnoza Irkinovna,
Normirzayeva Dildora Mirobidovna,
Tashkent institute of design construction
and maintenance of automobile roads (Uzbekistan)*

Annotation. The article is dedicated to the issue of improving the process of teaching English the students of non-linguistic departments under the condition of not sufficient full-time classes number. This is very important because nowadays more and more specialists of different fields need good knowledge of English. The article also considers the possibility of using blended learning in the teaching process.

Key words: Blended learning, non-linguistic departments, full-time classes, self-study, Common European Framework of Reference (CEFR).

Основная задача преподавания иностранных языков в Узбекистане в настоящее время - это обучение языку как реальному и полноценному средству общения. Решение этой прикладной, практической задачи возможно лишь на фундаментальной теоретической базе. Научить людей общаться (устно и письменно), научить произвольно создавать, а не только понимать иностранную речь - это трудная задача, осложненная еще и тем, что общение не просто вербальный процесс. Его эффективность, помимо знания языка, зависит от множества факторов: условий и культуры общения, правил этикета, знания невербальных форм выражения (мимики, жестов), наличия глубоких фоновых знаний и многого другого восприятие, осмысление, запоминание и овладение учебным материалом, что дает возможность обучаемым свободно пользоваться иноязычной лексикой. Второй компонент обучения иностранному языку в русле культурологического подхода связан с формированием умений и навыков. К ним традиционно принято относить речевые умения (умение говорить, аудировать, читать и понимать и т.п.), навыки употребления лексики, грамматики или произносительные навыки, входящие как элементы в состав речевых умений. Данные умения позволяют формировать языковое чутье, устойчивую мотивацию постоянной работы с иностранным языком, использовать иностранный язык для получения определенной информации чтение журналов и газет, толковых словарей, и тому подобное что делает данный язык незаменимым в познавательной деятельности обучаемого, вместе с тем сам иностранный язык усиливает общую познавательную деятельность обучаемых, а следовательно, повышается и мотивация изучения языка. Реализация культурологического подхода в процессе преподавания английского языка в вузе, создает условие, которое направлено, прежде всего, на широкую общекультурную подготовку через углубление изучения в контексте конкретной области знания, соответствующей профессионализации. Культурологический подход должен выполнять пять функций: развивающую, учебную, воспитательную, познавательную и профессиональную

Сегодня в мире происходит глобальные изменения связанные с взаимоотношениями народов и народностей. Наша страна Узбекистан проводит политику направленную на развитие взаимопонимание различных культур. В годы независимости в нашей стране были созданы хорошие условия для того чтобы наш народ получил наслаждение от работ написанных не только нашими учёными - мыслителями но представителями других культур и традиций. В свою очередь во многих странах мира также изучают произведения великих узбекских мыслителей как Аль Бируний, Ат Термизий, Аль Харезми, Алишера Навои, Захриддина

Мухаммада Бобура и других. Безусловно это создаёт предпосылки для налаживания диалога между Западом и Востоком.

Мы хорошо понимаем что Запад и Восток являют собой два противоположные типа мировоззрения, мироощущения, способа бытия в мире, две противоположные типологические формы культуры. Мы часто употребляем понятия «Восток» - «восточная культура», «Запад» - «западная культура» как автономные, самостоятельные, специфические и относительно замкнутые феномены бытия человека. Конечно, по каким-то очень важным внутренним аспектам, во многом определяющим все содержание того или иного типа культуры, восточная культура существенно отличается от западной. Однако в чем же самое главное отличие восточной культуры от западной? В способе отношения к окружающему миру? В мировоззрении? В специфике некоторой предзаданности мировой роли Запада и Востока? С другой стороны не следует противопоставлять восточную и западную культуру, хотя бы потому, что это – культуры человека, человечества как единого рода (и, следовательно, если углубиться в содержание этих культур. Поэтому, когда мы говорим «Запад», «Восток», «западная культура», «восточная культура» и настаиваем на существенных отличиях в них, то мы правы лишь до какого-то момента. Дальнейшее же противопоставление этих культур, настаивание на предельно принципиальном отличии, на отличие человека Востока от человека Запада по самым глубоким человеческим измерениям (а именно это и составило бы содержание глубочайшей специфике культур Востока и Запада) определено и неверно.

Самосознание культуры не могло поспеть за ее стремительным развитием. Мы с трудом начинаем постигать, что существуем теперь в принципиально новой ситуации, суть которой состоит, кратко говоря, в том, что понятие «мировая культура», «мировое искусство» стало приобретать непреложную эстетическую реальность. За этой динамически формирующейся всемирностью художественного развития – окончательное сложение глобального экономического пространства, революция средств информации и передвижения. Земля, казавшаяся когда-то столь необозримой, предстала перед нашим взором как малая планета, в любую точку которой можно попасть за считанные часы, а увидеть и услышать то, что в этой точке земного шара происходит, можно в мгновение ока. Общий процесс изучения Востока происходил в порядке последовательной постановки геополитических, военно-стратегических и экономических проблем перед государствами и их организационными возможностями для их решения

Объективные тенденции, определенные в работе, выражают одну из главных закономерностей общественного развития, а именно стремление к взаимоизучению народов, суть которой можно определить как зависимость развития мировой цивилизации от уровня политического, экономического,

научного, культуроведного, экологического сотрудничества стран Запада и Востока. В первую очередь это продукты духовного воспроизводства и прежде всего фундаментальной науки, культуры и образования. Эти ценности имеют самую высокую значимость в гуманистическом постиндустриальном обществе. *И здесь имеет важность изучение значительного вклада в мировую культуру и науку наших соотечественников.* Научная деятельность востоковедов служит основой сближения нашего государства не только со странами Востока, но и через вхождение наших соотечественников в мировые центры ориенталистики — со странами Запада.

Именно концентрация внимания и усилий на опережающее развитие социокультурной сферы даст Узбекистану уникальный шанс стать одним из ведущих стран по развитию взаимопониманию между Востоком и Западом. Выступая за интеграцию лучших достижений восточных и западных культур, наша страна сможет показать пример эффективного диалога и взаимодействия цивилизаций. Для этого нужна как четкая самоидентификация народов и этносов, так и понимание ее целостности, общих интересов и единой судьбы. Только такая взаимосвязь народов позволит восстановить устойчивые, эффективные и взаимовыгодные экономические, научно-технические и культурные связи, которые складывались столетиями.

Список литературы:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасини Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон фармони. –Тошкент, 2017.
2. Ш.Мирзиёев. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳарбир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Из истории традиционной китайской идеологии. - Москва: Наука, 1984.
4. Иконникова С. Диалог о культуре. - Ленинград: Лениздат, 1987.
5. Ильенков Э.В. Философия и культура. - Москва: Политиздат, 1991.
6. Конрад Н.И. Запад и Восток. Статьи. - Москва: Наука, 1972.
7. Мамонова М.А. Запад и Восток: традиции и новации рационального мышления. - Москва: Изд-во МГУ, 1991.

**БАДИЙ АДАБИЁТ ВА АДАБИЁТ ДАРСЛАРИ - ТАНҚИДИЙ
ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ**

**KRİTİK DÜŞÜNCEYİ GELİŞTİRME ARACI OLARAK
EDEBİYAT VE DERSLER**

*A. T. Baltayeva,
Tashkent Otomobil Yollarini projelendirme,
Yapma ve Uygulama Enstitüsü, Özbekistan*

*A. T. Балтаева,
Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш,
қуриш ва эксплуатацияси институти (Ўзбекистон)*

Аннотация. В статье раскрываются особенности развития критического мышления учащихся в процесс изучения художественных произведений, освещаются технологии формирования умений критической оценки литературных героев. В качестве эффективных приемов и методов названы приемы, способствующие развитию творческой деятельности, формированию навыков анализа, наблюдений, сравнения, обобщения и другие.

Ключевые слова: Критическое мышление, критическая оценка, доказательства, выводы, педагогическое сотрудничество, обсуждение, диспуты, самостоятельная работа, художественное произведение, урок литературы.

Annotation. Given article is dedicated to questions of the shaping the critical thinking learners' in process of the study of the literary product. In her are determined pedagogical conditions of the shaping beside learners' learners' independent estimation of the artistic product, in count, calculate, list which is named interaction of the teacher and learners' in the course of analysis of the artistic text, enrichment learners' literary knowledges, development to independent activity learners' and the main - a critical approach to estimation of the product and his(its) heroes.

Key words: Artistic product, literary hero, analysis, critical thinking, estimation, methods of the teaching, creative activity, literary skills, aesthetic estimation.

Бугунги кунда ўқувчиларга таълим-тарбия бериш муаммоси нафақат педагогларни, балки ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, бутун бошли давлат ва жамиятни бирдай қизиқтирмоқда. Бунда ўқувчиларга фундаментал билимларни бериш билан бир қаторда, уларнинг фикрлаш доиралари ва амалий фаолиятларини ривожлантириш ҳам алоҳида долзарблик касб этмоқда. Анъанавий ҳамда замонавий таълим-тарбия ва

унинг назарий асослари орасидаги бўшлиқни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Маданиятлар мулоқоти, билимларни умулаштирган ҳолда ўзлаштириш ва ўқув дастурлари ва ўқув методик адабиётлар учун уларнинг изчиллигини таъминловчи принциплар ва методларни излаш, шахснинг ахлоқий сифатларини шакллантириш муаммоси янада долзарблашмоқда.

Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Жамиятнинг билимли аъзоларигина маънавийтсизлик, ахлоқсизлик, билимсизлик билан самарали кураша олади. Шу билан бир қаторда, таълимнинг тўртта асосий жиҳатлари мавжудлиги эътироф этилади: билиш, фаолият кўрсата олиш, ҳамкорликда ҳаёт кечириш, яшашга ўрганиш кабилар.

Ўқитувчининг вазифаси нафақат ўқувчиларга таълим-тарбия бериш ва ривожлантириш, балки намойиш қилиш ва уларга таъсир кўрсатишдан ҳам иборат. Нафосат ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан бадий ижод орқали ўқувчиларда оламни аниқ идрок этиш кўникмаларини шакллантиради. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, у ўқувчи кўз ўнгиди оламнинг манзарасини кўргазмали, ёрқин гавдалантиради. Унда нафосат элементлари, ахлоқ меъёрлари, маънавий ҳис-туйғулар ўз ифодасини топади. Чунки бундай туйғулар ва ахлоқий меъёрларни ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши ва ўзига сингдириши зарур.

Педагогика олий ўқув юртларидаги адабиёт ўқитиш методикаси курсининг вазифаларидан бири – Ўзбекистон жамиятидаги умуммаданий ўзига хосликларни мужассамлаштириши керак. Бугунги кунга келиб, жамиятнинг ҳар бир аъзосида маънавий қадриятларга нисбатан қизиқиш ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд адабий стереотиплар, бадий ва педагогик ижодга хос далиллар бир-бирини инкор қилмоқда. Ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги янгича йўналишдаги ўзаро муносабатлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқитувчи ўқувчиларни ижодий изланиш ва мустақил ҳукмлар чиқаришга ундаши лозим. Ўқувчининг ҳукмларида танқидий тафаккур элементлари устувор ўрин эгаллаши талаб этилади. Чунки адабиёт дарсларида ўқувчилар турли характердаги шахслар билан рўбарў бўладилар ва мулоқотга киришадилар.

Мустақиллик йилларида биринчи навбатда бадий адабиёт ўзгарди. Унда янгича тафаккур юритиш ва ўзига хос қадриятларга амал қилиш имкониятига эга бўлган образлар вужудга келди. Бундай вазиятда илмнинг ҳар қандай соҳаси шу жумладан адабиёт ўқитиш методикаси ҳам янги мавқени эгалламоқда. Бунда муқобил фикрлаш тарзига эга бўлган ўқувчиларни шакллантириш, уларда танқидий фикрлашни таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик фаолиятга устувор ўрин ажратилмоқда. Адабиёт ўқитиш методикаси мазкур фанни кенг кўламдаги маданий йўналишда ўқувчиларга тақдим этишни назарда тутиши лозим. Бу жараёнда ўқитувчи танқидий фикрлаш лаёқатига эга бўлган ўқувчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар нафақат адабиёт фанини ўқитишнинг ўзига хос

хусусиятларини ўзлаштирадилар, балки ўқувчиларни асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришга ўргатиш механизмларини ҳам ўзлаштирадилар.

Бугунги кунда нафақат адабиёт ўқитиш методикасини такомиллаштириш зарурияти вужудга келмоқда, балки ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларига танқидий баҳо беришни ўргатишга йўналтирилган вазиятларни тизимлаштиришга эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Бунинг учун бадиий асар қаҳрамонларининг эстетик, ғоявий, ахлоқий, ахлоқий-эстетик мавқеларини таҳлил қилишга оид зарур билимлар билан ўқувчилар қуролланган бўлишлари керак. Ўқувчилар бадиий асарни таҳлил қилганларида қаҳрамонларга ғоявий-эстетик, яъни ҳиссий-ғоявий жиҳатдан ёндаша олишлари талаб этилади. Адабиёт дарсларида ўқувчилар бадиий асарларни таҳлил қилар эканлар, унга турли асослардан келиб чиққан ҳолда ёндашадилар. Жумладан, адабиётшунослик нуқтаи назаридан, лингвистик-услубий нуқтаи назаридан, мазкур йўналишларни онгли тарзда уйғунлаштириш талаб этилмоқда. Ўқувчилар олдида бундай талабни қўйиш учун эса ўқитувчининг ўзи уларни ўзаро уйғун тарзда амалга ошириш кўникмасига эга бўлиши лозим. Кўпчиликни ташвишга солаётган ҳолатлардан бири – ўқувчи-ёшларнинг бадиий адабиётдан узоқлашишлари, уни чуқур англашга интилмаётганликларидир. Бундай ҳолатни бартараф этиш учун ўқувчиларда мустақил китобхонлик ва бадиий адабиётни англаш идрокни шакллантириш лозим. Бунинг учун ҳар бир ўқувчи бадиий асарни чуқур таҳлил қилишга одатлантирилади. Шу мақсадда ўқувчиларни бадиий асарни яхлит тарзда ўрганиш, ёзувчи қўллаган сўзлар ва маънолари устида ишлашга йўналтирилган вазиятларни ташкиллаштириш талаб этилади. Ўқувчилар бадиий асарни ҳар томонлама чуқур ва аниқ таҳлил этишлари учун унда ифодаланган воқелик, акс этган замон ва макон бирлиги, бадиий асарнинг баҳоси, поэтикасини идрок этишлари зарур.

Мустақиллик даврида ўзбек адабиётига кўплаб янги асарлар кириб келди. Шу асосда адабиёт ўқитиш методикасида ҳам бир қатор янги муаммолар ҳам намоён бўла бошлади. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бадиий асарни сўз санъати намунаси сифатида ўқиш ва идрок этиш, ўқувчи ва унинг маънавий оламини шакллантириш муаммоси. Бу ўринда ўзига хос ихтиёрсизликнинг хавфлилигини тушуниб етиш талаб қилинади. Жумладан, идрокнинг тўлақонли эмаслиги, ўқувчиларнинг ўзига хос аҳамиятли хатти-ҳаракатлари, уларни ўқиш учун асарларни танлашлари, ўқиган бадиий асарларини баҳолашлари, танлаган ҳаётий мақсадларида намоён бўлади. Бу кўникмалар кўплаб сабаблар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади. бунда китобхонлик идрокининг мустақиллиги муҳим ўрин эгаллайди.

2. Адабиёт ўқитиш методикаси ва адабиётшуносликни ўзаро алоқадорлик асосида илмий манбалар билан бойитиш муаммоси. Адабиёт

дарсларида бадий асарларни ўрганиш муаммоси ва истиқболлари бугунги кунда янгича ижодий фикрлаш контекстида талқин этилмоқда.

3. Бадий асарни идрок этиш билан уларни таҳлил қилиш, қаҳрамонларга танқидий баҳо бериш билан боғлиқ бўлган ўқувчиларнинг мустақил фаолиятлари орасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлаш муаммоси.

4. Ўқувчиларнинг бадий асар қаҳрамонларига танқидий баҳо бериш кўникмаларининг ривожланишини ўрганиш муаммоси. Бунда тадқиқотчилик йўналишига устивор ўрин ажратиш талаб этилади. Бунинг учун ўқитувчилар мактаб адабиёт курсининг асосларини яхши билишлари, адабиёт ўқитиш концепцияси, ўқув дастурлари, инновацион технологияларни танлай олишлари ва турли синфларда амалга ошириладиган адабиёт таълими жараёнида улардан фойдаланишлари назарда тутилади.

5. Ўқитувчилар ўқувчиларни бадий асарни ўқиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, танқидий баҳолаш усуллари ва методлари билан қуроллантиришлари, янги материалларни лойиҳалашга одатлантириш муаммолари.

6. Адабиёт дарсларида ўқитувчи билан ўқувчилар орасида янгича характердаги ўзаро муносабатларни шакллантириш, бунда ўқувчиларда бадий ижодкорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш муаммолари.

7. Дарснинг янги таркибини жорий қилиш устида ишланишлар олиб бориш ва машғулотларни ташкил этишнинг янги шакллари моделиштириш муаммолари кабилар. Бунда ўқитувчилар эстетика, фалсафа, тарих ва адабиётшуносликка оид ёндашувлар ва нуқтаи назарларга мурожаат қилишлари керак.

Моддий борлиқни бадий тарзда идрок этиш ва ўзлаштириш Ўзбекистон жамияти маданий ҳаётини англаш ва ўзлаштириш воситасидир. Борлиқни бадий ўзлаштириш бир қатор фаолият турларини ўзида мужассамлаштиради. Жумладан, тубдан ўзгартириш, билиш, қадриятларга йўналтириш ва коммуникативлик кабилар.

Замонавий ёндашувларга таянган ҳолда шуни айтиш мумкинки, ёзувчи билан китобхон ўртасида ўтиб бўлмас чегаралар мавжуд эмас. Чунки санъат, шу жумладан бадий адабиёт бадий ижод маҳсули бўлиб, бадий билиш сингари мулоқот шаклларида бири сифатида намоён бўлади. Бадий асар билан мулоқот қилиш жараёнида ўқувчилар шахс ва субъект сифатида мазкур жараёнга иштирок этади ва объектив борлиққа нисбатан муносабатлар тизимини ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам, бадий адабиёт шахснинг мустақил онгини шакллантириш орқали жамиятни инсонпарварлаштиришнинг муҳим воситасидир. У ўзида ўзбек халқининг бадий-эстетик хотираси, ахлоқий меъёрларини мужассамлаштирганлиги учун ҳам ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларда танқидий тафаккурни шакллантириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Активные формы преподавания литературы. Лекции и семинары на уроках в старших классах / Сост. Р.И. Альбеткова. -Москва: Наука, 1991. 135 с.
2. Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш // Пед. фан. доктори...дисс. -Тошкент, 1998.
3. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Монография. -Тошкент: Фан, 2006.

THE EFFICIENT WAYS OF TEACHING ENGLISH USING PROVERBS AND SAYINGS

*Navruza Habibullayevna Aliyeva,
Fergana Devlet Universiteti*

*Алиева Навруза Хабибуллаевна,
Фарғона давлат университети
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз тили дарсларини интеграллашган ҳолда ўқитиш ва тил ўрганишни янада қизиқарли ўтказишда мақолларнинг ўрни таҳлил қилинади. Дарс жараёнида қўйиладиган мақсадларни аниқлаб, дарсни режалаштириш учун турли ўқитиш техникаларини аниқлаш усуллари кўриб чиқилади. Чет тилининг тўрт кўникмалари ёрдамида мақолларнинг мазмунини ўргатиш бўйича олиб борилган изланиш натижалари билан таништирилади.

Калит сўзлар: Мақоллар, метафорик тушунча, мақолага оид компетентлик, маданий йўриқнома, интизомлар боғлиқлиги.

Annotation. This article observes methods of using proverbs in English classrooms, to teach integrated skills and make language learning interactive and more interesting. An attempt is made to identify specific linguistic goals, that could be developed from the chosen content and select a variety of teaching techniques for designing lessons on proverbs. The focus is made on introducing teachers with the research findings suggesting enhancement of proverbs meanings through different four skills in a foreign language.

Key words: Proverbs, metaphorical understanding, proverbial competence, cultural instruction, interdisciplinary connectedness.

There is a widespread opinion that the proverb plays an important role in language teaching as a part of gaining cultural knowledge, metaphorical understanding and communicative competence.

Proverbs are a part of every language as well as every culture. Proverbs have been used to spread knowledge, wisdom and truths about life from ancient times up until now. They have been considered an important part of the fostering of children, as they signal moral values and exhort common behavior. Proverbs belong to the traditional verbal folklore genres and the wisdom of proverbs has been guidance for people worldwide in their social interaction throughout the ages. Proverbs are concise, easy to remember and useful in every situation in life due to their content of everyday experiences.

Here there is the general description of the proverb: “A proverb is a short, generally known sentence of the folk which contains wisdom, truth, morals, and

traditional views in a metaphorical, fixed and memorable form and which is handed down from generation to generation”.

According to the paroemiologist Wolfgang Mieder, proverbs have been used and should be used in teaching as didactic tools because of their content of educational wisdom. When it comes to foreign language learning, proverbs play a role in the teaching as a part of cultural and metaphorical learning. Linguists also claim that the use of proverbs in the teaching of English as a second or foreign language is important for the learners' ability to communicate effectively (Mieder Wolfgang, 1993:166).

Durbin Rowland points at some arguments pro the use of proverbs in language teaching. Rowland says that proverbs “stick in the mind”, “build up vocabulary”, “illustrate admirably the phraseology and idiomatic expressions of the foreign tongue”, “contribute gradually to a surer feeling for the foreign tongue” and proverbs “consume very little time” (Rowland Durbin, 1926: 89).

Some scholars propose the use of proverbs in a range of areas within language teaching: grammar and syntax, phonetics, vocabulary development, culture, reading, speaking and writing. They state that proverbs, besides being an important part of culture, also are an important tool for effective communication and for the comprehension of different spoken and written discourses.

It is considered that both the structure and the content of proverbs are useful in ESL teaching especially when it comes to teaching and understanding of culture, as proverbs conveys the values and metaphors shared by a culture. Proverbs are also useful in teaching the differences between spoken and written language, something that often confuses language learners; they use conversational style when they write. Proverbs are one way to help the students to clarify the distinction between oral and written English.

His conclusion is that the processing of proverbial language involves all the functions of both the right and the left hemisphere of the brain. The function of the left hemisphere is to interpret the incoming linguistic data, i.e. text, while the right hemisphere supports the understanding of context. Due to the metaphorical content of a proverb, the function of the right hemisphere is to create a literal meaning with the help of the contextual features in which the proverb is used, while the left hemisphere processes the linguistic structure of the proverb. Proverbs therefore serve an important purpose in the second-language classroom.

Proverbs change with time and culture. Some old proverbs are not in use any longer because they reflect a culture that no longer exists, e.g. *Let the cobbler stick to his last*, which has vanished more or less, because the profession of the cobbler nowadays is rare. However, new proverbs that reflect the contemporary society are created instead, e.g. *Garbage in, garbage out*, a proverb created due to our computerized time. Old proverbs are also used as so called anti-proverbs today, i.e. “parodied, twisted, or fractured proverbs that reveal humorous or satirical speech play with traditional proverbial wisdom”. One example is *Nobody is perfect*, which as an anti-proverb is changed to *No body is perfect*.

Students come into the classroom with a rich heritage of personal, experiential and acquired knowledge from their parents and community. Teachers need to draw from these uniquely personal understandings and allow the student to share their familial and historical perceptions within the classroom and in their readings. The reader combines personal knowledge and experience, knowledge of history and cultures, experience with values and ideas, and knowledge of other pieces of literature (Christenbury, 2000). When teachers allow students to reflect on and share their perceptions the teacher is affirming the students' knowledge and participation, opening up discourse, and encouraging students to "make a community of meaning" (Christenbury, 2000:132). One of the avenues to help develop this community of meaning is by examining proverbs, which are learned through oral literacy, through parental and generational teachings, and through cross-cultural studies, which can be implemented in the teaching English arts, customs, traditions and history. Proverbs were and are primary tools for teaching children in all cultures and communities throughout the world. The purpose of this paper is to encourage educators to understand the origin of oral literacy, which preceded the written word, and how multicultural proverbs can effectively be used to engage students in participating in literary and cultural understanding.

Proverbs represent a legitimate literary source from which students can incorporate their understanding as it applies to their knowledge and experiential base. Lee (1993) states, "Voice is the metaphor of empowerment" (p.19). Educators can grasp the opportunity to integrate proverbs, both researched and those shared by the students, as a teaching tool, which will engage students and enhance their understanding of the world around them. Communal proverbs can be valued for their pragmatic use as a vehicle for instruction in teaching the cross-cultural origins and applications of shared wisdom through oral and written literacy.

Sharing proverbs is a positive avenue and door opener for engaging students of diverse cultural backgrounds and interacting with their peers from a prior knowledge-based heritage rich with generational discourse. Proverbs serve for edification, teaching, warnings, admonishments, as well as maintenance for the survival of the family, community and culture. Professor Kofi Asare Opoku, who has invested considerable research in the proverbs states, "The Yoruba of Nigeria emphasize the value of proverbs by saying, 'A proverb is the horse that can carry one swiftly to the discovery of ideas'" as cited in Diener and Lieber (2001, p.1). Proverbs promote intercultural and interdisciplinary connectedness in language arts, history and the social sciences. Cook (1993) compiled proverbs into categories such as: peace of mind, happiness, acceptance, forgiveness, helping other people, a higher power or God, faith and belief, self-acceptance, self-knowledge, self-reliance, simplicity, the past, the present, hope and an area of other categories, which are common concerns and challenges for all humankind. According to the Florida Sunshine State Standards (1996) and the International Reading Association (IRA) and the National Council of Teachers of English (NCTE) Standards for the English Language Arts (1996), cultural instruction should be included on a regular basis. Specifically, some of the NCTE/IRA standards address cultural inclusion

and encourage the development of the student's understanding regarding language and cultural diversity as applied to geographic regions and social roles, consequently promoting a respect for different language patterns and societal norms. As students contribute and apply their own literary and historical understanding of proverbs, they become reflective participatory actors in a global community.

References:

1. Жалолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси – Тошкент, 2015. 68-75 б.
2. Mieder Wolfgang. *Proverbs Are Never Out of Season. Popular Wisdom in the Modern Age.* -New York: Oxford University Press, 1993. 166-170 б.
3. Rowland Durbin. “The use of proverbs in beginners’ classes in the modern languages.” *Modern Language Journal* 11, 1926. 89-92 б.
4. Mieder (Ed.) *Wise Words. Essays on the proverb.* -New York: Garland publishing Inc., 297-316.
5. Mieder Wolfgang. *Proverbs - A Handbook.* Westport, CT; Greenwood Press, 2004. 101-106 б.
6. Leila Christenbury. *Teaching ideas that spark learning.* Urbana, IL: NCTE, 2000. 106-111 б.

INGLIZ TILINI QIZIQARLI O‘QITISHNING ENG ODDIY VA SAMARALI USULLAR

İNGİLİZCEYİ EĞLENCELİ ÖĞRETMENİN EN BASİT VE VERİMLİ USÜLLERİ

*L. Teshebaeva,
D. To‘xtasinova,
Fergana Devlet Üniversitesi, Özbekistan*

*L. Teshebaeva,
Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi
D. To‘xtasinova,
Farg‘ona davlat universiteti talabasi, O‘zbekiston*

Аннотация. Ushbu maqolada maktabgacha ta’lim va maktab yoshidagi bolalarga ingliz tilini qiziqarli o‘qitishning samarali usullari haqida so‘z yuritilgan.

Калит so‘zlar: Ta’lim, bola, maktab, usul, qiziqarli o‘yinlar, tushuntirish.

Annotation. This article discusses effective ways of how to teach pre-school and school-aged children foreign languages and English fluently.

Key words: Education, kid, school, method, exciting games, explaining.

Bugungi kunda ta’lim – tarbiya sohasi jadal rivojlanib borayotgan yo‘nalishlardan biri – zamonaviy pedagogik texnologiyalarni o‘quv jarayonida qo‘llash, uni amalga oshirish dolzarb vazifalardan sanaladi. Ma’lumki, ta’lim-tarbiya jarayoni katta avlod tomonidan o‘z bilim va tajribalarini o‘sib kelayotgan avlodga o‘rgatishdan iborat bo‘lib, bu jarayonda, asosan, inson hayoti uchun zarur axborotlarni avloddan-avlodga uzatish orqali amalga oshiriladi. O‘quvchilarning dunyoqarashlarini oshirish, ularni keng fikrlay olishga o‘rgatish, dunyo yoshlari bilan bemalaol tillasha oladigan, bahslasha oladigan qilib tarbiyalash muhim vazifa. Bunda o‘qituvchi yuksak salohiyatga ega bo‘lgan yoshlarni tarbiyalashga mas’ul. Bugun maktab partasida o‘tirgan yoshlar kundalik axborotlardan doimo xabardor bo‘lib ulg‘aymoqda. Bugungi kunda yoshlarimiz ona tilimiz bilan bir qatorda ko‘pgina tillarni bilishga ishtiyoqi baland. Jumladan, hozirgi maktab o‘quvchilarini aksariyati ingliz tilini mukammal bilishga qiziqadi. Shu sababli maktabda ingliz tili darslarini o‘qitilishiga ham alohida e’tibor berilmoqda. Chunki bugungi kun pedagogining birgina maqsadi bitiruvchilarni emas, balki maktab ta’lim – tarbiyasini ko‘rgan bilimli yoshlarni tarbiyalashdan iborat.

Xususan, ilm-fanda ham katta o‘zgarishlar, sezilarli yutuqlarga erishilmoqda. Har bir fanni yangi innovatsion pedagogik texnologiyalardan foydalanib talabalarga yetkazib berish bugungi kundagi ta’limning asosiy talablaridan biri hisoblanadi. Ayniqsa,

O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Abdug‘aniyevich Karimovning 2012 yil 13 dekabrda PQ 1875 - sonli qarori qabul qilingandan so‘ng mamlakatimizda chet tillarni o‘qitishga, o‘rganishga bo‘lgan e‘tibor yanada kuchaydi. Yurtimizda chet tillarni o‘qitilishida yangicha bosqich, yangicha davr boshlandi. Ingliz tili darslarining o‘qitilishi jarayonida ilg‘or pedagogik texnologiyalarni, interfaol, innovatsion usullardan, kommunikativ-axborot vositalaridan foydalanish talab qilinmoqda.

Respublikamizda ingliz tilining o‘qitilishi, chet tili o‘qituvchilarining bilim va ko‘nikmalarini baholashning umumevropa ta‘lim tizimiga mos ravishda yangi usul va talablari ishlab chiqildi. Unga ko‘ra umumta‘lim maktablari o‘quvchilari uchun darsliklar yaratildi. Ushbu talablarga mos ravishda o‘quv xonalari stendlar va yangi axborot kommunikativ texnikalar bilan jihozlandi. Ingliz tili o‘rganishga bo‘lgan talabham kundan kunga oshib bormoqda. Ingliz tili fani to‘rt aspektga (o‘qish, yozish, tinglab tushunish va gapirish) bo‘linib, ularning har biri bo‘yicha alohida tushuncha va ko‘nikmalar berilmoqda (Prasad, 2003: 137).

Ingliz tili darslarining o‘qitilishida turli rolli, harakatli o‘yinlardan foydalanish ham darsga ham til o‘rganishga bo‘lgan qiziqishni ortishiga sabab bo‘ladi. O‘quvchilarning juft yoki kichik guruhlarda ishlashlari orqali esa o‘quvchilarning boshqalar bilan kommunikativ aloqa qilishlari uchun yordam beradi.. Ingliz tilini o‘qitish jarayonida turli xil jadvallardan foydalanishning ham samarasi yuqoridir. Ta‘lim jarayonida jadvallardan foydalanib, o‘quvchilar ma‘lum bir grammatik qoidani, masalan, zamonlardan foydalanib gaplar tuzish, yangi so‘zlarni joylashtirib chiqishi mumkin. Ingliz tilini o‘rganishga ehtiyoj yuqori bo‘lgan bir davrda, ta‘lim jarayonida zamonaviy axborot texnologiyalaridan, innovatsion ta‘lim texnologiyalaridan unumli foydalanish bu jarayonni samarali bo‘lishiga olib keladi. Innovatsion ta‘lim texnologiyalarning samaradorligi ularning ta‘lim jarayonida to‘g‘ri va unumli foydalanilganida kichik yoshdagi bolalarga ingliz tilini o‘rgatishning innovatsion usullarining qo‘llanilishi zamon talabi.

Ingliz tili fanini o‘rganishning eng oddiy va samarali usullari ko‘p. Undan foydalanish esa o‘qituvchidan katta mahorat talab qiladi. Bunda albatta, o‘qituvchi o‘quvchilarning yoshi va bilim salohiyatiga qarab turli usullarni tanlashi kerak (Richard-Amato, 1988:118). Zamondan o‘zib kelayotgan yosh avlod shu darajada ziyrak va zukkoki, ularga qancha fan yangiliklaridan xabardor qilib borilsa, shu darajada ularni oson va tez qabul qilib oladilar. Shu sababli biz turli o‘quvchilarni yoshiga mos eng qulay va o‘quvchi uchun tushunishi oson, idrok qila olishiga mos keladigan usullarni tahlil qilib o‘tmoqchimiz. Bu usullar albatta, sinflar kesimida bo‘lib, eng samarali va o‘quvchi uchun tushunarli, qiziqarli usullardir .

Bolalarga ingliz tilini mazmunli va qiziqarli o‘rgatish uchun quyidagi usullardan foydalanish mumkin:

- qo‘shiq va she‘rlar orqali tushuntirish yoki esda qolishi qiyin bo‘lgan, ma‘noga ega bo‘lmagan harf yoki birikmalarni kuyga solib o‘rgatish.
- aqliy va jismoniy harakatlar bilan bo‘g‘liq bo‘lgan o‘yinlar;
- multfilmlar;

➤ rol ijro etish(role play) o‘qituvchi biror ma’lumotni, masalan, hayvon yoki qushlarning nomlarini o‘rgatayotgan paytda rol orqali ijro etishi yoki bolalarga ijro ettirishi lozim. Misol uchun: bir o‘quvchi itning vovillashi, mushukning miyovlashini ko‘rsatib bersa, boshqa bir o‘quvchi bu tovushlar qaysi hayvonga tegishli ekanligini bilib, uning inglizcha nomini aytishi zarur.

➤ mavzuga oid muhit; o‘qituvchi mavzusiga qarab o‘sha muhitni yaratib bera olsa, bolalar tilni yaxshi o‘rganishadi. Masalan: traveling, birthday, in the kitchen va boshqalar.

➤ topishmoqlar; bolalarda topishmoqlarning javobini topishga qiziqish kuchli. Shuning uchun o‘qituvchi topishmoqni ingliz yoki o‘zbek tilida aytganda, uning javobini bolalardan ingliz tilida aytishini talab qilishi lozim. Shunda bolalar so‘zlarni tez o‘rganishadi.

➤ amaliy mashg‘ulotlar (mevalar va boshqa oziq-ovqatlarni tatib ko‘rish, gullarni hidlab ko‘rish); Masalan: eshik(door), kitob(book), stol(table) doska(blackboard), oyna(window) va shu kabilarga yozish. Bunday narsa-buyumlar doimo ko‘zga tushib turishi va amliyotda ko‘p qo‘llanishi bois, bola bu so‘zlarni ixtiyorsiz tarzda o‘rganadi.

Bolalar qiziquvchan, ular bir xillikdan tez zerikadi. Shuning uchun ularga har doim bir turdagi usullardan foydalanib dars o‘tish emas, balki bunday usullarni o‘zgartirib, yangilab dars o‘tish lozim. Aks holda bolalar o‘qituvchining qanday dars o‘tishini fahmlab olishadi va bunga tayyorgarlik ko‘rishadi. Usullarni yangilab dars o‘tish bolalarning intilishlarini oshiradi. Xulosa qilib aytganda, kichik yoshdagi bolalarga til o‘rgatish majburiyat sifatida emas, qiziqarli mashg‘ulot tarzida olib borilishi, bir necha samarali usullardan foydalanib dars o‘tish ularning kelajakda oladigan bilimlari uchun poydevor bo‘lib xizmat qilishi mumkin.

Maktab o‘quvchilariga sinflar kesimida quyidagi usullardan foydalanish juda maqsadli (Mo‘sayev, 2008:154). Bu usullar juda oddiy va o‘quvchilar uchun qiziqarli bo‘lib, ularda ingliz tiliga bo‘lgan qiziqishlarini ortiradi. Quyida ushbu usullarni sanab o‘tamiz:

Dastlab maktabda o‘quvchilar notanish til sanalgan ingliz tili fani bilan tanishish jarayonida alfavit bilan to‘liq tanishib chiqqanlaridan keyin ushbu usulni qo‘llash juda o‘rinli.

1-usul. Bu usul “Kim ko‘p so‘z biladi” deb nomlanadi. Bu usul quyidagi tartibda olib boriladi. O‘qituvchi ingliz tili alifbosini doskaga ilib o‘quvchilarni har bir harfga inglizcha so‘z aytishga undaydi. Topgan o‘quvchilar saralanib olinadi. Masalan:

A harfiga- apple

B harfiga- bee

S harfiga hokazo (eng ko‘p so‘z topgan o‘quvchi g‘olib deb topilad).

2-usul. “Mevalar” “Fructes” usuli. Bu usulda o‘quvchilar ikki guruhga bo‘linadi. Birinchi guruhga yurtimizda yetishtiriladigan mevalarni sanash, ikkinchi guruhga boshqa yurtlarda yetishtiriladigan mevalar nomini sanash beriladi.

Masalan: 1-guruh apricot, apple.peach.....


2-guruh oranje, banana, pear....

3-usul. “Kim yaxshi-yu kim yomon” usuli. Bu usul orqali o‘qituvchi o‘quvchilarni fikrlash qobiliyatini oshiradi. Ko‘p ishlatiladigan so‘zlarni yodga olish xissini oshiradi. Bu usulni “Zumrad and Qimmat” (stary jairy tale) ertagi asosida amalga oshirish mumkin. Bu bilan o‘quvchilarni odobli bo‘lishga, badiiy kitobga oshno bo‘lishgaundaydi.

Zumrad	Qimmat
Odobli	Dangasa
Mehnatkash	Ayyor
Mehribon	Qo‘pol
Chaqqon	Uyquchi

4-usul. “Lets play”-“Keling o‘ynaymiz” usuli. Bunda o‘quvchilarni topqirligi va xotirasi, so‘z boyligi, so‘zlarni eslab qolishlari aniqlanadi.

(Cluster usuli)




5-usul. Bu usul ham qo‘uvchilarni ingliz tilini mukammal bilishga undaydi. Bunda ingliz tilida sonlarni aytilishini bilishlariga yordam beradi.”Numbus” deb nomlanadigan oddiy va samarali usul.

1971- yilni o‘qilishini misol qilish mumkin.19|71 shu tariqa o‘qilsa ham xato sanalmaydi.

- a) One thousand nine hundred seventy one
- b) Nineteen seventy one

Bu usul ham o‘quvchilarni bilimini oshiradi va xotirani mustahkamlaydi.

6-usul. Bu Venn diogrammasi asosida olib boriladi. Buni fasllar misolida o‘quvchilarni bilim va ko‘nikma malakalarini oshirish mumkin.



Yuqorida o‘quvchilar uchun oddiy va samarali usullardan misollar keltirdik. Bundan tashqari ularni yanada bilimlarini oshirishning samarali usullaridan savol- javob usuli ham o‘quvchi uchun qiziqarli. Masalan darsning boshlanish qismida o‘quvchilarni ikki guruhga bo‘lib bir- birlari bilan savol-javob o‘yinini tashkil qilish mumkin, bunda o‘qituvchining yordamida savollar beriladi. Masalan: “Siz o‘zingizni qanday his qilyapsiz?” yoki “Sizning kayfiyatingiz qanday?” shu kabi savollar asosida ularni ham nutqiy faoliyatini, ham bilim, malaka va ko‘nikmalarini oshirib borish mumkin. O‘quvchini bilimini oshirish va fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish uchun o‘qituvchi turli usullarni qo‘llashi mumkin. Lekin har bir usul ham o‘quvchi uchun qiziqarli bo‘lavermaydi shu sababli ularni yosh xususiyati ham katta ahamiyat kasb etadi. Qanday usul tanlashdan qat’iy nazar o‘qituvchi mahorati muhimdi. Shu sababli bugungi kun o‘qituvchisi izlanuvchan bo‘lishi darkor. Shunday ekan, bilimli yoshlarni tarbiyalash bugungi kun pedagogining bosh maqsadidir.

Xulosa qilib aytganda, ingliz tilini samarali va oddiy usullardan foydalanib darslarni tashkil etsak, o‘zib kelayotgan yosh avlod chet tillarini bimalol o‘rganadigan va tillasha oladigan bo‘lib ulg‘ayadi. Biz berayotga ta’lim - tarbiya orqali yoshlarimiz yuksak marralarga erisha oladi.

“БОБУРНОМА”ДА ЭСАН ДАВЛАТБЕГИМ СИЙМОСИ

BABŪRNÂME’DEKİ ESÂN DEVLET BEGŪM PORTRESİ

*Elmira Hazratkulova,
Cizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü
Öğretim üyesi (Özbekistan)*

*Элмира Ҳазратқулова,
Жиззах давлат педагогика институти
ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақолада “Бобурнома“ ва бошқа тарихий асарлар асосида Эсан Давлатбегим образи таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида Эсан Давлатбегимнинг Бобур ҳаётида тутган ўрни, унинг сиёсий фаолияти ва инсоний фазилатларига эътибор қаратилади.

Калит сўзлар: Бобур, темурийлар сулоласи, Эсан Давлатбегим, Бобурнома, Тарихи Рашидий, шоҳлик иқтидори.

Annotation. In this work the Esan Davlatbegim is analyzed through the “Baburname” and other historical works. In the analysis her political activity, the role of the Babur’s life and specific peculiarities are learned.

Key words: Babur, Temurids, Esan Davlatbegim, Baburname, Tarikhi Rashidiy, king’s capability.

“Бобур ҳам улуғ миллатпарвар адиб, ҳам буюк салтанатнинг асосчиси, ҳам оламий тафаккур соҳиби бўлган аллома, ҳам аҳли суннаъ жамоасига мартабалар келтирган ғозий, ҳам шавкатли баҳодир, шу билан бирга ўз оиласини жаҳоннинг йирик сулоларидан бирига айлантира олган меҳрибон ота сифатида қадрланади” (Болтабоев, 2009:3). Шунингдек, буюк тарих битикчиси сифатида ном қозонган Бобурнинг “Бобурнома” асари ўзида кўплаб фан соҳаларига оид маълумотларни мужассам этгани ҳамда уларнинг ҳар бирига муаллифнинг етук мутахассис сифатида аниқ муносабат билдирганлиги билан кўплаб замондош тарихий битиклардан фарқланиб туради. Асар матнида соф бадий асарларга хос бўлган равон тил ва тиниқ услубнинг етакчилик қилиши унинг характерли жиҳатларидан бири саналади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу битикларида жанг манзаралари ва тарихий эврилишлар ҳақида холис фикрлар билдириш билан бирга, ўзи билан бир даврда яшаган тарихий шахслар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар беришга эриша олган. Тилга олинган тарихий шахслар орасида муҳим аҳамият касб этган аёллар ҳақида ҳам муайян маълумотлар берилиб ўтилган. Ана шундай аёллардан бири Бобурнинг

бувиси Эсан Давлатбегимдир. “Темурийлар орасида Бобур аёл зотига юксак инсоний муносабати билан ажралиб туради. Бобур томонидан зўрлик, гаровда тутиш эвазига бировнинг аёли ёки қизини никоҳига киритиш ҳолати бўлмаган. Бу унинг замондош ҳукмдорлардан фарқли томонларидан биридир” (Қудратуллаев, 2009: 152).

Асардан маълумки, Эсан Давлатбегим Бобурнинг онасини онаси ҳисобланади. “Бобурнома”да Бобуршоҳнинг нигоҳи аксар ҳолларда эркак ҳукмдорларнинг хулқ – атвори, давлат тутуми ва ҳарбий саркардалик қобилиятларига қаратилган бўлади. Тарихий аёлларнинг шахси ва фаолиятига доир чизгилар эса ихчам жумлалар ва мухтасар хулосалар билан ажралиб туради. У ўз бувиси Эсан Давлатбегим номини асарнинг турли саҳифаларида саккиз марта тилга олиб ўтган. Дастлабки маълумоти асарнинг 9-саҳифасидаёқ кўзга ташланади: “.. яна бир қиз Ёдгор Султонбегим эди, онаси Оға Султон отлиқ ғунчачи эди.. Ёдгор Султонбегимни менинг улуғ онам Эсан Давлатбегим сахлаб эди” (Бобурнома, 2002: 38). Ушбу парча Умаршайх мирзонинг аҳли аёли ва фарзандлари ҳақидаги маълумотлари орасида келтириб ўтилади. *Менинг улуғ онам* дейилганда, (катта она) қариндошлик тушунчаси бўлган бувини ифодалаб келмоқда. Ҳукмдор темурийлар саройида етакчи мавқега эга бўлган онахон маликаларнинг ўз зурриёдига алоқадор бўлган, бироқ аслзода бўлмаган қиз набираларни ҳам ўз тарбиясига олиши ва уларга меҳр бериши тарихда кузатиладиган ҳоллардандир. Воқеалар баёнида Юнусхон ва Эсан Давлатбегим тақдирига оид аниқ маълумотлар ҳам келтириб ўтилган.

“*Ул фурсатта сағричи бекларнинг улуғи Шер Ҳожибек эди, анинг қизи Эсан Давлатбегимни олди. Мўғул тўраси била хонни ва Эсан Давлатбегимни олди. Мўғул тўраси била хонни ва Эсан Давлатбегимни бир оқ кийиз устига ўлтурғузуб хон кўтардилар. Хоннинг бу Эсан Давлатбегимдин уч қизи бўлди.* (Бобурнома, 2002: 39). Бобурнинг бувиси Эсан Давлатбегим тақдири ҳам бир текис кечмаган. Умуман “Бобурнома” ва ўша даврда яратилган бошқа тарихий асарларда ҳам аслзода аёлларнинг қисмати феодалистик жамиятда нақадар аянчли кечганлигига гувоҳ бўламиз. Бир қанча жанглarning шартли сулҳлари натижасида юзага келадиган никоҳ муносабатларида маликаларнинг душман тарафига узатиб юборилиши оқибатида умрбод ўз яқинлари билан қайта кўришмаган, қисмати оғир кечган маликалар ҳам бор. Эсан Давлат бегим сиймосини гавдалантирган энг ихчам характерли чизги “Бобурнома”да қуйидаги мисраларда яратилган: *Хотунлар орасида раъй ва тадбирда, менинг улуғ онам Эсан Давлатгимча кам бўлғай эди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш куч аларнинг машварати била бўлур эди*” (Бобурнома, 2002:47).

Бу тасвир Бобурнинг 12 ёш атрофида тахтга ўтириш жараёнидаги воқеалар силсиласида келтириб ўтилган. Дарҳақиқат, бола Бобурнинг подшоҳлик маснадни эгаллаши ва эл-улусга муносиб шоҳлик фазилатларининг шаклланишида Эсан Давлатбегимнинг ўрни беқиёс

бўлган. Қуйидаги парчага диққат қилсак: *“Хожа Қози ва Қози Қавчин ва Али дўст тағойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимнинг қошида йиғилиб сўзни бу ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъқубни маъзул қилиб, фитнасиға таскин берилгай* (Бобурнома. 2002: 47).

Демак, салтанатнинг барча йирик арконларидан олдин Хожа Қози номи тилга олинмоқда. Бу нуфузли пир ҳақида Бобур асарнинг бир неча саҳифаларида ишонч ва ихлос билан ўз эҳтиромини ўқигувчига билдириб ўтган эди. Шунингдек, бошқа амалдорларни кетма кет санаган ҳолда уларнинг *Эсан Давлатбегимнинг қошида йиғилиб сўзни бу ерга қўй*”ганлигига урғу берилмоқда. Англашилиб турибдики, давлатнинг ўша пайтдаги омонат ва таҳликали даврида Эсан Давлатбегим қошида энг сўнги ҳал қилувчи қарорлар қабул қилинган. Умаршайх мирзонинг вафотидан кейинги талотўпларда бу оқида аёлнинг сиёсатни олдиндан кўра билиши ва давлат ишларида тадбиркорлик қила олиши кўп мартаба ўзини оқлаган ва ўз пайтида наф берган. Ёш подшоҳнинг хаёли Самарқанд сари мойил бўлганда ҳам уни Эсан Давлатбегим қўллаб-қувватлагани аниқ, чунки 15 ёшли подшоҳнинг Темурбекдан қолган улуғ шаҳар Самарқанди азимни қўлга олишга бўлган орзуси кўп ўтмай амалга ошди. Бироқ Бобурнинг тўсатдан хасталаниши ва шаҳар аҳолисининг абгор аҳволи қўл остидаги очкўз бекларнинг тумтурақай бўлиб қочишига ҳамда Андижонда кутилмаган бир хиёнатнинг уюштирилишига сабаб бўлади. Бобур бу кутилмаган воқеликларни надомат билан ёзар экан, шундан дейди:

“...Чун оналаримдинким, онам ва онамнинг онаси Эсан Давлатбегим бўлғай, яна устод ва пиримдинким, Хожа Мавлонайи Қози бўлғай, бу навъ хатлар келиб, мундоқ эҳтимом била тилағайлар, не кўнгул била киши турғай..” (Бобурнома. 2002:63). Оналарим дейилганда, демак, ўз онаси ва онасининг онаси Эсан Давлатбегим алоҳида санаб урғу бериб айтилмоқда. Маълум қилинишича, Бобурга Самарқандни ташлаб, яна Андижонга қайтишга ва қўлдан кетган ҳукуматни тезда қайтариб олиб, айбдорларни жазолашга, вақти келганда такрор Самарқандни эгаллаш мумкинлигини таъкидлаб мактуб ёзганлар: онаси Қутлуғ Нигорхоним, Эсан Давлатбегим, ва пири Хожа Мавлоно Қозилар экан. Буларнинг мактублари бошқа-бошқа мактуб, лекин улар бир ечимга ундамоқда эди.

Маълумки, Бобур Самарқандни иккинчи марта (Шайбонийнинг қўшинини ғафлат бостириб) эгаллаган пайтида ўзининг барча яқинлари, хешлари ва оила аъзоларини Самарқандга чорлаб олишга муваффақ бўлган эди. Аёвсиз қамал асносида, чорасиз қолган Бобур бу гал ҳам Самарқандни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. “Бобурнома”да сулҳ ҳақида сўзланмаса-да, бошқа тарихий манбалар, жумладан, “Шайбонийнома” ва “Тарихи Рашидий”да сулҳ эвазига Хонзодабегимни Самарқандда қолдиришга мажбур бўлганлиги айтиб ўтилган. Бобур келишувга мувофиқ тун ярмида ўзи билан онаси Қутлуғ Нигорхоним ва бошқа яқинлари ҳамда аскарлари билан биргаликда шаҳарни ташлаб чиқиб кетган эди. Эсан Давлатбегим эса Самарқандда қолиб, набираси Хонзодабегимнинг тўйини

ўтказиб, кейинроқ улар олдига етиб боради. Бобур ёзади: “*Неча кундин сўнг менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимким, мен Самарқанддин чиққонда қолиб эдилар, Самарқанта қолғон кўч уруғ ва оч оруқ била келдилар*” (Бобурнома, 2002:87). Ёш Бобур “*мен Самарқанддин чиққонда қолиб эдилар*” деган маълумотида сулҳ туфайли бўлиб ўтган тўй ҳақида гапиргиси келмайди, сабаби, энг катта рақиби-бешафқат Шайбонийхонга жондан азиз жигарини раво кўраётганлиги унинг қалбини аёвсиз шикастлагани аниқ. Лекин кўпни кўрган, тажрибали ва меҳрибон Эсан Давлатбегимнинг набираси Хонзодабегим қошида бир муддат қолиб, дилгир лаҳзаларда яна бир карра уни ёлғиз қолдирмагани ва совуққина тўйни ўтказилиш чоғларида кексаларга хос далда бериб, унинг аччиқ тақдирига ҳамдард бўлгани ойдинлашмоқда. Эсан Давлатбегимнинг ақлли ва фавқуллодда жасорат эгаси эканлиги бошқа тарихий манбалар орқали ҳам англашилади. Хусусан, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар қаламига мансуб “Тарихи Рашидий” (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 2011:152) асарида ҳам Эсан Давлат бегим ҳақида Юнусхон зикри билан боғлиқ воқеалар баёнида батафсил тўхталиб ўтилган. Асарнинг қирқ бешинчи фаслида айтилишича, (1450 йиллар воқеалари), Юнусхон Тошкентга баҳор фаслида ташриф буюради. Аммо Юнусхоннинг мулозимлари ўзаро бирикиб хиёнат қилиши натижасида Мирзо Султон Аҳмаднинг ўзбошимча ва калтабин Хар лақабли амалдори Шайх Жамол Юнусхонни осонлик билан банди қилади. Ҳукуматни ўз қўлига олиб, бир йил мобайнида Юнусхонни зиндонда сақлаб туради. Бу пайтда хоннинг ҳарами ҳам Тошкентга келган эди. Айни пайтда Юнусхоннинг уч қизи Абу Саид Мирзонинг уч ўғлига узатилган бўлиб, ўзаро қуда андачилик муносабатлари сиёсий иттифоқнинг бир рамзи бўлиб хизмат қилар эди. Шайх Жамол Хар банди бўлган Юнусхоннинг рафиқаси Эсан Давлатбегим устидан ўз-ўзича нодонлик билан ҳукм чиқаради: ҳукмга кўра Эсан Давлат бегимни ўзининг бекларидан бири Хожа Калонга тортиқ қилишни буюради. Шу пайтда бу буйруққа Шайх Жамол Харни ҳам ҳайрон қолдириб ҳеч қандай қаршиликсиз Эсан Давлат бегим унинг қарорига осонликча розилик беради. Ниҳоятда ҳовлиққан Хожа Калон ҳам Юнусхоннинг тортиб олинаётган жуфти ҳалоли ҳузурига келади: “... Охшомда Хожа Калоннинг мулозимлари турди. Хожа ўзи кирди. Эсан Давлатбегим югуруб кўфуб, иззат қилди. Куёв эшикни маҳкам этиб эди, Эсан Давлатбегимга маълум бўлдики, эшиклар беркитилди. Дарҳол кўпуб таёқ бирла уруб, Хожа Калонни ўлтурди. Саҳар ўлигини ташқарига ташлади. Халқ анинг ўлигини кўруб Шайх Жамолга билинтурди...” (Мирзо Муҳаммад Ҳайдар, 2011: 152). Эсан Давлат бегимдаги бундай ирода ва вафодорлик тарих саҳнасида маликалар қисматида камдан кам кузатилади. Сабаби феодалистик жамият ва ўрта аср жоҳиллиги шундай бир тубан ҳолга келиб қолган эдики, аёлларнинг никоҳ олдидан ўз хур фикрларини билдира олиши ҳеч қандай аҳамият касб этмас, уларнинг душман томонга мулкдек осонгина айрибошланиши оддий ва табиий кўриниш касб этган эди.

Хўш, Эсан Давлат бегимдаги бу жасорат ва шиддатнинг манбаси қаерда? Тарих манбалардан маълум бўлишича, унинг турмуш ўртоғи Юнусхон ҳам ўз даврининг донишманд ҳукмдорларидан бўлган. Унинг 12 ёшида Моворауннаҳрга келиши, теурийлар кўмакида фазлу камол топиши (унинг тарбияси Шарафиддин Али Яздийга ишониб топширилган эди), ёшлигида бир неча юртларни кезиб илм олганлиги, шубҳасиз, шахсиятининг юксалишига, ички сийратининг улуғвор бўлишига замин ҳозирлаган эди. Ана шундай фозил шоҳнинг рафиқаси бўлган Эсан Давлат бегим ҳам унинг инсоний фитратига мос ва хос муносиб аёл эди. У бандиликда ётган подшоҳ-ёрининг ор номусига ва улғайиб қолган фарзандларининг шаънига доғ туширишдан қаттиқ ҳазар қилган ифбатли малика аёл эди. Бўлган воқеани эшитган Шайх Жамол Хар Эсан Давлат бегимни сўроққа тутди. Сўроқ пайтида Эсан Давлатбегим мағрур туриб, ўзининг ҳали ҳам Юнусхонинг ҳарамига тегишли эканлигини, бу иш мусулмончиликдан эмаслигини таъкидлайди. Маликанинг дадиллигидан таъсирланган Шайх Жамол ҳам Эсан Давлат бегимни жазолаш фикридан қайтади. Уни бандиликда сақланаётган Юнусхон қошига юборади. Юнусхоннинг Эсан Давлатбегимдан бошқа рафиқалари ҳам бўлган. Лекин хон фарзандларининг онаси Эсан Давлатбегим ва Шоҳбегим бўлган эди. Эсан Давлат бегимнинг уч қизи бўлиб, тўнғич қизи Меҳр Нигорхоним бўлиб уни Абу Саъд Мирзонинг тўнғич ўғли Аҳмад мирзога узатишган эди. Афсуски, Аҳмад мирзодан Меҳр Нигорхонимнинг фарзанди бўлмайди. Кейинчалик Бобурнинг айтишича, “фатаротларда” Шайбонийхон кўлига тушади. Самарқанддан Хуросон орқали Кобулга келиб Бобур ҳузурига келиб бир муддат яшайди. Лекин Меҳр Нигорхоним ва унинг ўғай онаси Шоҳбегим Бадахшонга йўл олиб золим Абобакрнинг кўлига тушиб хор зорликда ўлиб кетади. Эсан Давлат бегимнинг иккинчи қизи Бобурнинг онаси Қутлуқ Нигорхоним бўлиб, ўғлининг дарбадар кунларида доим унга ҳамроҳ бўлган ва якунида Кобулда касаллик оқибатида оламдан ўтган. Эсан Давлатбегимнинг учинчи қизи Хўб Нигорхоним бўлиб, Муҳаммад Хусайнга берадилар. Хўб Нигорхонимнинг бир ўғил ва бир қизи бўлиб, қизининг тақдири Шайбонийнинг жияни Убайдуллахонга, ундан сўнг Саъидхонга бориб боғланади. Кўп ҳолларда Юнусхон ва Эсан Давлат бегим қиш фаслини Мовороуннаҳрда ўтказарди. Юнусхон 1485-1487 йилларда Тошкент ҳокими бўлган. 1487 йилда Юнусхон вафот этган пайтда Бобур тўрт ёшда бўлган. Юнусхон ҳаётлик чоғида ҳам куёви Умаршайх мирзо билан илиқ муносабатда бўлганлиги учун у вафот этгандан сўнг Эсан Давлат бегим қолган умрини Қутлуғ Нигорхоним қошида ўтказиши, тўғрироғи, ёш подшоҳнинг давлат ишларига кўмакдош бўлиши табиий ҳолдир, албатта. Бобур Кобулда эндигина ҳукуматни оёққа турғизаётган пайтда онаси Қутлуғ Нигорхоним оғир хасталикдан вафот этади. Бу ҳақда Бобур изтироб билан шундай ёзади: “Муҳаррам ойида менинг онам Қутлуқ Нигорхоним ҳасба марази ориз бўлди. Бир хуросонлик табиб бор эди.

Сайид табиб дерлар эди. Хуросон дастури била ҳиндувона берди, чун ажал етиб экандур, олти кундин сўнг шанба куни Тенгри раҳматиға борди...”. Унинг барча ҳарбий юришлари-ю, дарбадарликларида ҳеч ҳам ўғлидан йироқлашмаган Қутлуғ Нигорхонимга ҳам йўл азоблари-ю, саргардонликлар ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган эди. Онасининг доимий ҳамроҳлиги саргашта ўғил учун тоғдай таянч ва юпанч эди. Қалби хиёнатлардан эзилган Бобур учун бу йўқотиш катта йўқотиш эди. Бобур онасига сўнгги оромгоҳ учун Кобулдаги Улуғбек мирзо томонидан солинган Боғи Наврўзийни тайин этади. Лекин дафн этишдан олдин Бобур подшоҳ эканлигига қарамай ўзини оддий фуқаролар каби боғнинг масъулидан ижозат сўрашни муҳим аъмол деб билади: *“Варасасининг рухсати била якшанба куни бу боққа келтуруб, мен ва Қосим кўкалдош туфроққа топшурдук* (Бобурнома, 2002: 124). Демак, дафн этиш пайтида Бобур шахсан ўзи фарзандлик бурчини бажариши билан бирга кўкалдоши Қосимнинг ҳам бу таъзияда иштирок этишга ҳақдор эканлигини ва унинг оилага яқин аъзо эканлигига ҳам урғу бермоқда. Ўз онасининг вафоти билан боғлиқ аза удумлар ўтказиш билан овора бўлган ғамгин Бобурга яна бир совуқ хабарни етказадилар: *“бу азода кичик кичик хон додам Олачахонни ва улуғ онам Эсан Давлатбегимни манга эшиттурдилар”* (Бобурнома, 2002: 124).

Аниқ бўлмоқдаки, Эсан Давлатбегим ва унинг қизи Қутлуғ Нигорхоним бирин кетин вафот этмоқда. Ҳам меҳрибон онасидан, ҳам оқила бувисидан ажраган подшоҳ Бобурга бу айрилиқларни кўтариш оғир кечган: *“...азо расмини бажо келтургандин сўнг, ош ва таом фақир ва масокинға тортилиб, хатм ва дуолар борғонларнинг арвоҳиға қилиб, кўнгиллари олуб, қароларини солиб, бу муҳиммотдин фориғ бўлғондин сўнг, Боқи Чағониёнийнинг саъйи била Қандаҳор устига черик отландук. Сафар қилиб келиб, Қуш Нодир ўлангига тушиб эрдимким, мен иситтим, ажаб тавр беҳузурлиқ эди. Мени ҳар неча саъй қилиб уйғотсалар, яна ўшал замон кўзум уйқуға борур эди. Тўрт-беш кундин сўнг филжумла яхшироқ бўлдим”* (Бобурнома, 2002: 124). Шоҳ Бобурнинг маросимлар ўтар-ўтмас яна черик ишларига, сипоҳилиқ юмушларига мажбуран машғул бўлиши унинг тинкасини қуритган, руҳиятида эзгин бир ҳоғинликни юзага келтирган эди. Табиийки, жисмга хасталик руҳиятнинг зўриқишидан, асабларнинг толиқишидан ва ички тушқунлик сабабли осонлик билан ўрнашади. “Бобурнома” даги Бобур шоҳнинг юқорида ўрганилган ҳасбу ҳоли унинг лирикасидаги қуйидаги маъюс мисраларига ҳамоҳангдир:

*Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, кўргайсиз эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда
Неким тақдир бўлса, ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда* (Бобур, 1994: 54).

Темурийзода султонлардан бири, улуғ шоир ва давлат арбоби, йирик саркарда ва беназир тарихнавис Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди давру замонлар ўтгани сайин неча авлод ижодкорларини

қизиқтириб келмоқда ва бундан буёғи ҳам шундоқ бўлмоғи муқаррар (Саййид, 2011: 5)

Кузатилган мушоҳадаларимиздан шундай хулосага келинди. Юқорида таъкидаланган сифатлари билан улғайган шоҳ ва шоир Бобурнинг беназир камолотида ҳамда ёрқин истиқболнинг бўй кўрсатишида унинг бувиси Эсан Давлатбегимнинг тарбияси ва жонқуярлиги беқиёс бўлган. Эсан Давлатбегим гарчанд ўзи ўғил фарзандли бўлмаган эса-да, набираси Заҳиддин Муҳаммад Бобурнинг шахзодалик пайтиданоқ унинг униб-ўсишига бор эътиборини қаратган, унинг истиқболида порлоқ бир давлатнинг тикланишини олдиндан кўра билган ҳамда Бобурнинг камолоти ва юксалишида ўзини астойдил масъул дея ҳис қилган, сиёсий-ҳарбий мувоҳасалалар ечимини топишда тенгма -тенг елкадош бўлган қатъиятли аёл арбоб бўлган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Хорижда Бобуршунослик. Тадқиқот, талқин ва мақолалар. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.
2. Ҳасан Қудратуллаев. Бобур армони. – Тошкент: “Шарқ”, 2009.
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: “Шарқ”, 2002.
4. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. –Тошкент, 2011.
5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. –Тошкент: Фан, 1994.
6. Сирожиддин Саййид. Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

**“ХАМСА”НИ ЎҚИТИШДА МУЛЬТИМЕДИЯ ВОСИТАЛАРИДАН
ФЙДАЛАНИШ**

**“HAMSE” ESERİNİN ÖĞRENİMİNDE MULTİMEDYA ARAÇLARINDAN
YARARLANMA**

*Elmira Hazratkulova, Cizzah
Devlet Pedagoji Enstitüsü Öğretim üyesi
Ganieyva Zarina, Jizzah Devlet
Pedagoji Enstitüsü öğrencisi (Özbekistan)*

*Элмира Ҳазратқулова, Жиззах
давлат педагогика институти ўқитувчиси
Ғаниева Зарина, Жиззах давлат
педагогика институти талабаси (Ўзбекистон)*

Annotation. This article about multimedia approach to teaching Alisher Navoi’s “Khamsa”.

Key words: Classic language, Khamsa, method creative, humanism, video and audio materials.

Аннотация. В данной статье рассказывается об использовании мультимедийных средств при изучении “Хамсы” (“Пятерицы”) Алишера Навои.

Ключевые слова: Классическая литература, Хамса, методика, креатив, гуманизм, видео и аудио материалы.

“Жорий йилнинг 12 январида қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишида ёшларни бадиий адабиёт воситасида комиллика етказиш уларни Алишер Навоий орзу қилган идеал инсонлик чўққисига олиб чиқиш бўйича қатор вазифалар берилган. Жумладан, олий таълим муассасалари олдида давримизнинг энг зарур вазифаси ўсиб келаётган ёш авлодни китоб воситасида тарбиялаш, уларни етказишнинг илмий, оммавий ва амалий йўл йўриқларини кўрсатиб берди (Til_adabiyot@umail.uz). Бугунги кун замонавий таълим тизимида, хусусан, олий таълим муассасаларида Алишер Навоий биографияси ва ижодий фаолиятини талабаларга осон ва қулай, атрофлича тушунтиришдек залворли масъулият филологлар зиммасига бир қатор вазифаларни юклайди.

Аввало, Ҳазрат Навоийнинг ижодигаги теран фалсафий мушоҳадалар, асрлар давомида ўзининг қадр-қимматини йўқотмаган ҳикматли қарашлар,

қомусий характердаги мураккаб асарлари ва бу зотнинг мазмунли ва ибратли ҳаётӣ фаолиятини талабаларга англантишда профессор-ўқитувчиларнинг нафақат бадиӣ адабиёт сир-асрорларидан воқифлиги шу билан бирга, ислом, фикҳ, ҳадисшунослик, фалсафа, тарихшунослик, адабиётшунослик ва тил тарихи каби соҳалардан чуқур хабардор бўлишларини, араб ва форс тили соҳасидаги матнлар билан танишишда ҳам қоқилмасликлари лозим бўлади. Лекин, мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда, университет ёки институтга эндигина қабул қилинган биринчи босқич талабалари билим даражалари бошланғич нуқтада қотиб қолганлиги сабаб мумтоз адабиёт намуналарини ўқитишда, жумладан, аллома ва шоирларнинг ижоди ва ҳаёт йўлларини тушунтиришда баъзи бир таълимий муаммолар келиб чиқмоқда. Айнан мумтоз адабиёт дурдоналари учун яратилган луғатларнинг етишмаслиги асосий муаммолардан бири саналади.

Тўғри, интернетнинг расмий таълимий сайтларида эски нашрдаги мумтоз луғатларнинг электрон кўринишлари мавжуд, лекин талабаларда ҳам илм аҳлида ҳам янги тўлдирилган, тузатилган ҳолдаги янги нашрдаги луғат китобларга эҳтиёж каттадир. Олий таълим муассасаларининг филология факультетларида Навоийнинг “Хамса”си билан таништиришда ҳам асл матн билан ишлаш билан бир қаторда унинг табдил шакллари ҳам кўп мурожаат қилишга тўғри келмоқда. Зеро, ўз даврида ҳам Навоий “Хамса”си тилининг мураккаблиги сабаб ҳам халқ саводига мос равишда шу сюжетдаги халқ китобий дostonларининг турли вариантлари пайдо бўлган эди. Ўтган ўқув йилида биз фаолият юритаётган таълим муассасада учинчи босқич талабаларига “Шарқ адабиётида хамсачилик анъаналари” курсини ўқитиш орқали уларда ушбу соҳа доирасида қизиқишнинг баландлигини ҳисобга олиб, талабанинг осон ўзлаштириши учун мультимедиа воситаларидан фойдаланишга тўғри келди. Бироқ интернетнинг таълимий сайтларида Навоий ҳаёти ва ижодига умумий ёндашилган (асосан MTRK сайтидан олинган) ва сифат даражаси ҳамин қадар бўлган аудио, видео ёзувлар, “Хамса” қаҳрамонлари тасвирланган миниатюралар ва Навоий ғазаллари негизида куйланган мақом қўшиқлари ҳамда мутафаккир ҳикоятлари асосида ишланган баъзи бир болаларбop мультфильмлардан бошқа бирор тузукроқ материалнинг ўзи учрамайди.

Афсуски, бугунги кунда навоийшунослик соҳаси ривожига сезиларли даражада улуш қўшаётган олимлар фаолиятида ҳам бир хиллик кузатилади: тадқиқотни чоп этириш ва унинг электрон нусхасини сайтга жойлашдан ташқари Навоий ижодининг турли қирраларини қамраб олган мультимедиа воситаларини яратишга бўлган қизиқиш деярли сезилмайди. Айниқса, Навоий ғазаллари шарҳи, ёхуд унинг адабиётшунослик соҳасидаги қарашларини тизимли равишда ўргатадиган электрон дарсликлар яратиш давримизнинг кўндаланг турган муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Мана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда талабалар ўртасида уларнинг креатив қобилиятларидан унумли фойдаланиш мақсадида учинчи босқич

талабалари ўртасида “Хамса” ҳикоятларига ишланган видео роликлар танлови эълон қилинди. Курсда жами таҳсил олаётган талабалар сони 125 тани ташкил этиб шулардан 70 таси танловда қатнашиш истагини билдирдилар. Рус адабиётшунос методист олимаси Г.Д.Ахметова “Биз таълим методикаси, замонавий таълим технологиялари деганда уч нарса фан, ўқитувчи ва ўқувчининг яхлит бирлигини тушунмоғимиз керак” (Ахметова, 2014, 20-сон: 79). Дарҳақиқат, инновацион технологияларини қўллашдан мақсад ҳар икки томонни фаолликни ундаш орқали фанни чуқур билишга ундашдир. Бу ишга киришиш асносида талабаларга Навоийгача яратилган “Хамса”лар ҳикоятларидан фойдаланиши мумкинлиги айтилди. Шундан сўнг, уларга алоҳида ҳикоятлар тақсимланиб, тегишли мавзуда Power Point дастури ёки мультимедия ёрдамида тақдимотни яратиш топшириғи берилди. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида талабалар ўзларининг креатив фикрлаш қобилиятларини қулай муҳитдагина тўла намоён қилишлари мумкин. Бу жараёнда улар томонидан мавзу мазмунининг пухта англаниши ва креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолашда қўлланиладиган метод ва воситалар муҳим аҳамият касб этади.

Креатив характерга эга муҳитдагина талабалар ўрганаётган мавзунинг мазмуни, ўқув ахборотлар ўртасидаги ўзаро алоқани тушуниш имкониятига эга бўлади ва бу ҳақида фикрлаш бошлашади. Берилган муддат оралиғида талабаларнинг ҳикоятлар замиридаги маънони кашф эта билишлари учун уларга таянч фундаментал соҳасидан олган назарий билимлари билан бирга айнан уларнинг замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдала олиш кўникмалари ҳам қўл келдики, бу ҳолат танлов якунидаги тақдимотларда яққол кўринди. Зеро ҳозирги кунга келиб, компьютер саводхонлиги маданиятнинг муҳим белгисига айланиб улгурди, келажакда эса у ҳар бир инсонга қаерда, қайси участкада ишламасин заруратга айланади. Ўтказилган танлов натижасида талабалар томонидан тайёрланган видеороликлар ва тақдимотларни ўрганиш орқали қуйидаги хулосаларга келинди:

- Талабаларда креативликни одатга айлантириш орқалигина креатив фикрлаш кўникмасини муваффақиятли шакллантириш мумкин;
- Навоий «Хамса»си ва унинг салафлари «Хамса»си ҳикоятларига ишланган видео роликлар ҳамда бошқа тақдимот материалларининг ўқув машғулотларида намоёиш этилиши ўқувчиларнинг мавзуни чуқур тушуниши ва бош фалсафий ғоясини ҳис қилиши, шу билан бирга осон ўзлаштириши учун хизмат қилиши аниқланди;
- креатив қобилиятли талабалар томонидан тайёрланган сифатли видео маҳсулотлари асарнинг мазмунини очиб бериши, яъни ахборотларнинг мустақил манбаи сифатида фойдаланиш имконини бериши лозим;
- талабаларнинг бир ҳикоят мазмунини очиб бериш мақсадида тайёрлаган видео маҳсулотлари орқали уларнинг бир неча қобилиятларини атрофлича кузатишга эришилди: фикрни режалаштириш, вақтни

тақсимлаш, тизимли ёндашиш, тўғри илмий - фалсафий хулосалар чиқариш, суҳандонлик, ахборот технологиялари соҳасини ўзлаштириш туфайли ҳосил бўлган малакадан унумли фойдаланиш ҳолатлари в.ҳ.

- глобаллашув жараёнида Навоий меросини келгуси авлод онгига мақсадли сингдиришда анъанавий ўқитиш усуллари билан бирга замонавий технологиялар ўрнини оширишга қаратилган тадбир ўзининг ижобий натижасини ҳосил қилди;

- “Хамса” ҳикоятлари сюжетини экранга кўчириш жараёнида асарни уч дақиқалик эфирга мослаштириш, унинг сценарийсини қайта ихчам кўринишга солиш, оддий томошабин талабидан тортиб илмий потенциали юқори мутахассиснинг дидигача бўлган оралиқни топа билиш ҳолатлари ҳам талабанинг мумтоз адабиёт намунасига жиддий масъулият билан ёндашишига туртки бўлиб хизмат қилди;

- Тайёрланган мультимедиа воситалари, аввало, талабаларнинг ўзлари учун бугунги даврда ҳам, келажакда ҳам яшовчан гуманистик ғояларининг ўткирлиги ва мавзуларининг долзарблиги билан, бадиий тақомилининг бетакрорлиги, бебаҳолиги туфайли ноёб саналган “Хамса”ларнинг яқиндан уқиб олинишига замин ҳозирлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ахметова Г.Д. Таълим технологиялари; кеча ва бугун. “Молодой учённый”, 2014. 20 - сон. Б.79
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Еттинчи том. Ҳайратул аброр. –Тошкент, 1996.
3. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Фарҳод ва Ширин. -Тошкент, 1997.
4. Низомий Ганжавий. Иқболнома. Форсчадан Жонибек Субҳон таржимаси. -Тошкент: «ART FLEX» нашриёти, 2009.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Лайли ва Мажнун. –Тошкент, 1992.
6. Til_adabiyot@umail.uz

**АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ “ЖАННАТГА ЙЎЛ” ДОСТОНИДА ШОИР
ШАХСИ МУАММОСИ ТАЛҚИНИ**

**ABDULLA ARIPOV’UN “CENNETE YOL” DESTANINDAKİ ŞAİR KİŞİLİĞİ
SORUNUNUN TELKİNİ**

*Dildora Bahriddinova,
Tashkent Kimya Teknolojisi
Enstitüsü öğretim görevlisi (Özbekistan)*

*Дилдора Баҳриддинова,
ТКТИ ўқитувчиси, тадқиқотчи (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мақолада Абдулла Ориповнинг “Жаннатга йўл” достонида шоир шахси муаммоси хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Шоир, давр, шахс, дoston, нореалистик талқин, ижодкор, маънавий ҳаёт.

Annotation. This article is about the personal issues of the poet of poem "Road to paradise" by A.Oripov.

Key words: Poet, epoch, person, poem, non realistik interpretation, creator, spiritual life.

Абдулла Орипов ўз даври эҳтиёжларини яхши англаб етган ижодкор эди. “Жаннатга йўл” достонида шоир ўз даври учун долзарб муаммо бўлган шоир шахси муаммосини ўртага ташлади. Мазкур асарда шоир воқеалар тасвирининг нореалистик усулини танлайди. Бадиий асарда кечаётган воқеалар қайси иқлимда содир бўлмасин, уни ёзаётган ижодкор шу давр кишиси эканини ҳисобга олсак, асарда тасвир этилаётган воқеалар бевосита шу заминга ва замонга даҳлдор эканини сезиш қийин эмас. У ўзи яшаб турган жамият муаммоларини “нариги дунё”га кўчириш орқали тасвирлайди. Аслида, муаллифнинг бадиий нияти ўқувчига савобу гуноҳ нелигини англатишдан иборат эмасди. У ўзи яшаган турғунлик йилларида ижодкор қисмати муаммосини кун тартибига қўйди. Бу муаллифнинг ижодкор шахс сифатида англаб етган эҳтиёжи эди.

Агар эътибор бериб қаралса, мазкур дoston яратилган 70-80 йилларда ижтимоий тафаккурда шахс ва миллат эрки тушунчаси асосий планга чиқди. Дostonда А.Орипов мустабид тузум шароитида адабиётни партиянинг буйруқларини адо этувчи дастёрига айлантирган, қандай ёзиш ҳақида кўрсатма берадиган муҳитга ва ижодкорларга ишора қилади. “Жаннатга йўл”да биз жамият дардини, оғриғини ўз қалбидан ўтказаетган, улкан ижтимоий “мен”ига эга шоир шахсини кўрамиз. У ўзининг эстетик

идеалини шоирликнинг асл вазифаси нима эканини англатиш орқали намоён қияпти. Шоир шахсига қўйилган талаблар орқали муаллиф мавжуд жамиятни ўзгартиришни, асл шоирлик миссияси биз идрок қилганимиздан бошқачароқ эканини англатяпти. Достонда муаллиф ўз ҳақиқатларини шоир образи воситасида тасдиқлашга интилди. Мунаққид М.Кўшжонов “А.Орипов “Жаннатга йўл” драматик достонини яратиш учун қўлига қалам олар экан, диний афсонадаги баъзи бир ажойиботу ғаройиботларни шунчаки қайд қилиб ўтишни мақсад қилган эмас.

Маълумки, турғунлик йилларида ҳар хил кўринишдаги фирибгарликлар авж олди. Олғир олчоқларга йўл очилди. Иккиюзламачилик ривож топди. Ғаламуслик, фосиқлик одатдаги ҳодисалар бўлиб қолди. Бу ҳолдаги бузилишлар шоир қалбини қитиқлади, дард бўлиб шаклланди. Улар ҳақида асосли фикр айтиш, китобхонга бу дарднинг моҳиятини очиб бериш керак эди. Шу йўсинда “Жаннатга йўл” майдонга келди”(1) дейди. Ижодкор ўзини ўйлантираётган саволга жавоб излайди, уни ечиш йўллари, усулларини қидиради ва жавобни ўзи яшаб турган муҳитдан топади. «Жаннатга йўл» достонида «Илоҳий комедия» таржимасидан олинган илҳомлар таъсири сезилади. Макон нуқтаи назаридан достон воқеалари “Нариги дунёда” бўлиб ўтади. А. Орипов “Дантенинг безовта руҳи” мақоласида Данте учун нариги дунё бир адабий усул эди, холос. Аслида, унинг “Илоҳий комедияси” инсоният ҳақидаги ўта реалистик асардир(2)дейди. Бу фикрларни “Жаннатга йўл” достони хусусида ҳам айтиш мумкин. У 1978 йилда ёзилган. Сталин шахсига сиғинишга барҳам берилган, “хрушчевча илиқлик йиллари” бошланган бўлса-да, сиёсий таъқиб ва таҳдидлар партиянинг санъат ва адабиётга аралашуви тарзида давом этарди.

Жумладан, “А.Ориповнинг ўша давр “руҳига” тўғри келмаган “Жаннатга йўл” драматик достони, бутун умри давомида сиёсий назорат остида яшаган адиб Мақсуд Шайхзоданинг Абу Райҳон Беруний” тарихий трагедияси сирли равишда “йўқолди”(3). А.Ориповнинг асари кейинчалик қайтариб берилди. Аммо Мақсуд Шайхзоданинг асари хануз топилмаган.

Аввало, А.Орипов танлаган усул – достон воқеаларининг нореалистик тарзда ифодаланиши хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бу усул А.Ориповнинг мавжуд шароитда ўзини тўла намоён эта олмаётган қахрамони(қайсидир маънода ижодкорнинг ўзини ҳам)ни гапиртиришнинг маъқул йўли эди. Буни “Адабиёт социализм ривожланган даврда ташқи таъсирга қаршилиқ кўрсатганча узлатларга чекиниб “лирик парда”лар панасида жон сақлашга мажбур бўлиши”(4) билан изоҳлаш мумкин. Лекин энди ортиқ “лирик парда”лар панасида жим туришга тоқат қилиб бўлмасди. Ижодкорда етилиб келган ижтимоий дард ўзгачароқ йўсинда воқеъ бўлиш учун йўл ахтарди.

А.Ориповнинг “Некрасов ҳасрати” шеърида айтилганидек, “Шоир қаламида ҳасратлар қат-қат” бўлиб борар ва турғунлик йилларида

мафкуравий босим остида ижтимоий адолатсизликлар, маънавий-ахлоқий иллатларни кўрсатиш, ШАХС ва ШОИРлик хусусидаги ўз баҳосини айтишда “Жаннатга йўл”даги усул ўзини ҳар жиҳатдан оқлар эди.

Демак, “реалистик тасвир тамойилларидан чекиниш муаллифга реал воқеликдаги ҳодиса моҳиятига, уни келтириб чиқарган омилларга теранроқ назар ташлаш имконини берган”(5). Қолаверса, жаҳон адабиётида ўзи яшаб турган муҳитдан, замонадан қониқмаслик, мавжуд тузумнинг ҳақиқий қиёфасини очиб ташлаш ниятида асар воқеаларини бошқа замон ва маконга кўчириш ҳолати мавжуд ва бу ҳолат аксарият ҳолларда муваффақиятли чиқади. Гарчи дoston воқеалари нореаллик касб этса ҳам биз реал муҳитда ҳаракатланаётган қаҳрамонларни кўрамиз. А.Орипов ўз идеалидаги ижодкор қиёфасини кўрмоқчи бўлади. У орқали ижодкор шоирликка нисбатан ўз фалсафий поэтик баҳосини берган. Йигит драматик образ. У ижтимоий муносабатларда олчоқ, ифвогар, тубан кимсалар билан муросасиз. Дoston сюжетида перепития алоҳида ўрин тутади. Асар сюжети Йигитнинг Тарозибон ҳузурига келишидан бошланади. Йигитга икки пайса савоб етмагани учун жаннатга киролмайди.

*Мен дўзахдан чўчимасман, устимдан қулма,
Мен чидарман, аммо қайда ҳақиқат, имон.(6)*

Йигит бир умр ғаламислар, олчоқлар билан келишолмай яшаган. Демак, у виждонига ҳиёнат қилмаган. Ҳатто ўлими ҳам савоб амал бажариш чоғида юз берган. Лекин шоир наздида буларнинг бари етарли эмас.

*Илоҳий дил берган эди сенга худойим,
Қулоқ сол деб шўрликларнинг оҳи-воҳига,
Сен-чи само шуласини куйладинг доим,
Шеърлар битдинг юлдузларга, гулга, оҳуга*

Кўриниб турибдики, муаллиф ўз бадиий концепциясини қатъий ҲУКМ кўринишида тақдим этипти. Дostonда муаллифнинг мавжуд воқелик ҳақидаги фикрларининг тасдиғи берилади. Шоир токи ўз олдида қўйган миссиясини адо этмас экан у буюкликка(дostonда Жаннат тимсоли) даъвогар эмас. Дoston бош қаҳрамони ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси сифатида мавжуд ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларга қарши курашмади. Модомки, у шахс мақомига эга ижодкор экан ўз позициясини мустаҳкам ҳимоя қилиши лозим эди. У ноҳақлик қурбони бўлганларнинг дардига малҳам бўлиш, фаоллик кўрсатиш ўрнига узлатга чекиниб, оҳуга, гулга шеър битиш билан банд бўлди. Тўғри, у жонини хатарга қўйиб, қизчани қутқариб қолди. Лекин унинг чинакам ижодкор шахс сифатида ўзини англаб етиши кеч содир бўлди. Муаллиф наинки ёмонликни, балки ёмонликка бефарқликни ҳам қаттиқ қоралапти. Шоирликка эса жуда улкан мъсулияни юклапти:

*Қодир эгам муҳибларин сийлаган маҳал
Шоирларни киритмишдир пари қавмига.
Фаришталар тил фарқламас, миллат ҳам азал,*

Улар фақат қулоқ тутган кўнгил майлига

А.Орипов дostonда чинакам ижодкорга хос ШАХСИЯТни, маънавий ЎЗЛИКни англаб етиш масаласини асар бадиий бутунлигига сингдирди. Шоир наздида Жаннатга кириш учун бегуноҳ бўлишнинг ўзи етарли эмас. Ўзида Шахсликни шакллантирган, жамият ҳаётининг олдинги қаторида ҳаракатланаётган ижодкор инсон жамият ва инсонлардаги заиф нуқталарни жим кузатмаслиги, уларнинг оғриқларига дармон бўлиши, ноҳақликка, зулмга қарши курашиши лозим. А.Орипов ўз қаҳрамони зиммасига жиддий эстетик вазифа юклайди. Зулмга қарши курашишнинг турли усуллари мавжуд. Л.Толстой зулмга зулм билан жавоб бермасликни ёқлаган.

М.Ганди ҳам ёвузликка қарши зулмсиз кураш усулини ишлаб чиққан. Дoston қаҳрамони Йигитда ҳам ёмонликка, зулмга қарши курашиш учун етарли потенциал бор эди. Ижодкор одамда воқеликни, бирор вазият моҳиятини англаш, мушоҳада қилиш туйғуси кучли бўлади. Чунки унда барчага берилмаган истеъдод бор. Йигит эса мана шу истеъдодни, кучни манфур, золим кимсаларга қарши кураш учун эмас, ўз кўнгилини банд этган туйғуларни куйлаш учун сарфлади. Ҳар бир даврни ўз ижодкоридан кутадиған керакли гапи бўлади. “Жаннатга йўл” ёзилган пайтда жамиятда йиғилиб ётган муаммолар, одамлар дилида айтилмай турган гаплар талайгина эди. Шоир наздида, истеъдодлар ана шу муаммоларни кўтариб чиқиши, халқ дилида айтилмай турган дардларга дармон топиши жоиз эди. Лекин шоир ўзи ва замондош шоирлари ижодидан мана шу нарса йўқлигидан изтироб чекапти. Шунинг учун у истеъдоднинг баҳосини англамаётган ижодкорларни дантеона усулда дўзахга ҳукм қилмоқда. Шоир адолат ва тўғрилиқка, виждон ва инсофга, ахлоқ-одоб ва яхшилиқка доир умуминсоний қадриятларни, олийжаноб фазилатларни тарғиб - ташвиқ этишда диний тушунчалардан ҳам, рамзий образлардан ҳам моҳирона фойдалана олган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Қўшжонов М. Адабиётда мазмун ва шакл бирилиги. Ўзбек тили ва адабиёти. 1993 йил, 3-сон, 8-бет.
2. Дантенинг безовта руҳи//Орипов А. Эҳтиёж фарзанди. –Тошкент: Ёш гвардия, 1988 йил. Б. 49.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида//Тузувчилар М. Жўраев ва бош. –Тошкент: Шарқ, 2000.–Б.580
4. Титов А. Адабиёт кераксиз бўлиб қоладими?//Жаҳон адабиёти, 2010 йил, 11-сон.–Б. 127.
5. Куронов Д. Адабий ўйлар.–Тошкент: Турон замин зиё, 2016. –Б.16.
6. Орипов А. Юзма юз. -Тошкент, 1979 йил. –Б. 65

ÜNİVERSİTE ÖĞRENCİLERİNİN BAĞIMSIZ ÇALIŞMASINDA
ORGANİZASYON ÖZELLİKLERİ

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ
РАБОТЫ СТУДЕНТОВ В ВУЗЕ

*Mirsagatova Umida Zahidovna,
Tashkent Kimya Teknologisi
Enstitüsü (Özbekistan)*

*Мирсагатова Умида Захидовна,
Ташкентский химико-технологический
институт (Узбекистан)*

Аннотация. Автор статьи обосновывает актуальность организации самостоятельной работы субъектов образовательного процесса, характеризует уровни и типы самостоятельных работ и особенности самостоятельной работы студентов, классифицирует их по типам, исходя из частно - дидактических целей, познавательных задач и специфики учебно-познавательной деятельности.

Ключевые слова: Самостоятельная работа, учебная деятельность, самостоятельность учащихся, психологическая готовность, учебные стратегии, типы самостоятельных работ.

Annotation. The author of the article justifies the relevance of the organization of independent work of the subjects of the educational process, characterizes the levels and types of independent work and the characteristics of independent work of students, classifies them by type, based on particular didactic goals, cognitive tasks, and the specifics of educational and cognitive activity.

Key words: Independent work, educational activity, independence students, psychological readiness, learning strategies, types of independent work.

В настоящее время перед высшей школой поставлена задача подготовки специалистов знающих, мыслящих, способных самостоятельно и быстро ориентироваться в постоянно меняющихся экономических и технологических условиях, «обладающих, кроме высокой профессиональной квалификации, навыками и умением организовывать производство конкурентоспособной продукции, умением нестандартно мыслить, работать в команде и с командой, владеющих новой инновационной культурой» (Похолков, 2003: 3-8).

Это требует наличия у студентов таких качеств, как самостоятельность в принятии решения, оперативность и нестандартность в решении задач, а также развития их творческих способностей. Именно такие специалисты

обладают готовностью и умением переучиваться, самостоятельно совершенствовать профессиональные знания. Они способны к творческой переработке всё возрастающего потока информации и готовы к её компетентному использованию на практике. Решение этой задачи непосредственно связано с поиском новых форм, методов и средств обучения, обеспечивающих более широкие возможности развития, саморазвития и самореализации личности.

Решение приоритетных задач профессионального образования в Узбекистане связано с повышением роли самостоятельной работы студентов над учебным материалом и усиление ответственности преподавателей за успешное ее осуществление. Самостоятельная работа помогает перевести студента из пассивного потребителя знаний в активного их творца, умеющего сформулировать проблему, проанализировать пути ее решения, выбрать оптимальный вариант и доказать его эффективность. Самостоятельная работа студента – это форма организации учебного процесса, при которой запланированные задачи выполняются студентом самостоятельно под методическим руководством преподавателя.

Это самонаправляемый процесс преобразования учебного материала в систему получения знаний, умений и навыков, необходимых для продолжения образования, освоения содержания получаемой профессии, развития профессионально-личностных характеристик компетентного специалиста (Черникова, 2011:398-402). Тем самым самостоятельная работа студентов рассматривается и как вид деятельности, стимулирующий активность, самостоятельность, познавательный интерес, и как основа самообразования, толчок к дальнейшему повышению квалификации, и как система мероприятий или педагогических условий, обеспечивающих руководство самостоятельной деятельностью студентов.

Изучение иностранных языков в современном обществе становится неотъемлемой частью профессиональной подготовки специалистов в вузах разного профиля. От степени языковой подготовки будущего специалиста может зависеть его карьерный рост.

Целью самостоятельной работы является усвоение в полном объёме учебной программы и формирование у студентов общей и профессиональной компетентности, которая играет существенную роль в становлении будущего специалиста с высоким уровнем квалификации, а также формирование самостоятельности студента, что осуществляется посредством содержания и методических приёмов всех видов учебной деятельности.

Для освоения учебного материала по иностранному языку в вузах разного профиля, кроме аудиторных занятий значительное внимание необходимо уделять самостоятельной работе, что является постоянным закреплением изученного материала во время выполнения домашних заданий и индивидуальной работы, подготовки к презентации. В ходе

самостоятельной работы студент должен превратиться в активного участника учебного процесса, должен сознательно относиться к овладению теоретическими и практическими знаниями, свободно ориентироваться в информационном пространстве, нести ответственность за качество своей профессиональной подготовки.

Самые распространенные виды самостоятельной работы при изучении иностранных языков:

- подготовка и написание рефератов, докладов, очерков и других письменных работ на заданные темы;
- выполнение домашних заданий разнообразного характера, выполнение индивидуальных заданий, направленных на развитие у студентов самостоятельности и инициативы, выполнение курсовых работ и проектов;
- подготовка к участию на научно-теоретических конференциях, олимпиадах.

Выпускник вуза должен овладеть необходимыми навыками и умениями, однако необходимо помнить, что успех обучения во многом зависит от методики работы преподавателя иностранного языка для решения конкретных образовательных задач.

При подготовке к выполнению той или иной самостоятельной работы целесообразно обращаться к активным методам обучения. Важным мотивационным фактором является интерактивный режим обучения в высшей школе. Предполагается введение в учебный процесс методов активного социально-психологического обучения, прежде всего игрового тренинга, в основе которого лежат ролевые, имитационные и организационно - деятельностные игры. В ходе такой работы происходит не просто приобретение навыков, а осуществляется переход от односторонних частных сведений к многосторонним знаниям об объекте, идет моделирование новых явлений и процессов с выделением ведущих противоречий. Первым шагом на пути внедрения активных средств обучения является применение кейс-метода на занятии - обсуждение значимых (эмоционально-, личностно- и профессионально - статусно - нагруженных) ситуаций на учебном занятии. Я на своих занятиях по практическому курсу русского в техническом вузе, где основной целью обучения является развитие устной речи студентов, применяю кейс – метод при изучении таких тем, как «Экология и окружающий нас мир», «Деловой мир», «Личность и общество», а также по теме «Профессия».

Следующим активным методом обучения является составление двухчастных и трёхчастных дневников. Данный метод эффективен при изучении студентами художественных произведений. Известно, что подобные активные методы развивают познавательную деятельность, активизируют критическое мышление, учат выражать собственные мысли.

При осуществлении индивидуальной педагогической поддержки студента в его самостоятельной работе преподаватель выполняет

различные профессиональные роли: помощника, консультанта, модератора, координатора, наставника. При этом преподаватель проводит инструктаж по содержанию и алгоритму выполнения задания; соблюдает график консультаций (индивидуальных и групповых) по оказанию помощи при разработке плана и программы выполнения задания. Преподаватель может выступать образцом профессионализма и креативности, средствами ведения занятий, помогая студенту раскрыть творческий потенциал, определить перспективы внутреннего роста. Постоянное обновление содержания преподаваемого предмета и демонстрируемая готовность к самообразованию покажут, что самостоятельная работа - это норма современного специалиста-профессионала. Подготовка к последующей за временем обучения в вузе эффективной профессиональной деятельности становится в этом случае самым действенным мотивирующим фактором (Гликман, 2002).

Таким образом, самостоятельная работа в вузе представляет собой вид познавательной деятельности, которая становится средством воспитания таких личностных качеств, как инициативность, активность, креативность. Повышение роли самостоятельной работы студента в системе высшего образования означает принципиальный пересмотр всей системы организации учебно-воспитательного процесса, который все больше становится направленным на развитие у студента умения учиться, формировать способность к саморазвитию, вкус к творческой деятельности. Пути и формы организации самостоятельной работы студентов с учетом их специализации и уровня подготовки определяются преподавателем самостоятельно. Подбор заданий - это творческий процесс для профессорско-преподавательского состава высшей школы.

Список литературы:

1. Похолков Ю. Проблемы и основные направления совершенствования инженерного образования // *Alma mater* (Вестник высшей школы). 2003. № 10. С. 3-8.
2. Гуманитарные технологии преподавателя в высшей школе: учебно-метод. пособие / Под ред. Т.В. Черниковой. - Москва: Планета, 2011. - С. 398-402.
3. Гликман И.З. Управление самостоятельной работой студентов / И.З. Гликман. - Москва, 2002.
4. Шibaев В.П. Статья Организация самостоятельной работы студентов в вузе как педагогическая проблема. Научный журнал «Вестник университета», 2013.

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ РУССКОГО ЯЗЫКА В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА
ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ БЕЗ ОТРЫВА ОТ ПРОИЗВОДСТВА**

**ÖĞRENCİLERİN MESLEKİ EĞİTİM KALİTESİNİ YÜKSELTMEDE RUSÇANIN
ROLÜ VE ÖNEMİ**

*Komilova Şahlo AbdunabiYevna,
Tashkent Kimya Teknologisi Enstitüsü,
Kidemli Öğretim Görevlisi (Özbekistan)*

*Комилова Шахло Абдунабиевна,
Ташкентский химико-технологический институт,
старший преподаватель (Узбекистан)*

Аннотация. В этой статье автор рассказывает о роли русского языка в решении первоочередной задачи высшей школы – осуществлении решительного поворота от массового обучения и усилению индивидуального подхода, развитию творческих способностей студентов-производственников, опираясь на их самостоятельную работу, активные формы и методы обучения – дискуссии, деловые игры, моделирование производственных и практических ситуаций, участие студентов в научно-исследовательской работе.

Ключевые слова: Дискуссия, полемика, деловые игры.

Annotation: In this article, the author tells about the role of the Russian language in solving the main task of higher education – making a decisive turn from mass education and strengthening the individual approach, developing the creative abilities of students, relying on their independent work, active forms and methods of teaching – discussions, business games, modeling of production and practical situations, participation of students in scientific research work.

Rey words: Discussion, polemics, business games.

Русский язык в техническом вузе – дисциплина, играющая многостороннюю роль в подготовке специалистов, оказывающие воздействие на личность студента и являющиеся частью профессиональной подготовки специалиста. Они должны помочь воспитать инженерные кадры, способные обеспечить революционные преобразования в технике, технологии производства, многократный рост производительности труда. Знание русского языка используется студентами в учебной и трудовой деятельности, оно необходимо им для обеспечения дальнейшего непрерывного повышения квалификации (Икрамова, 1987: 3-4).

Поскольку с каждым днём Узбекистан все больше участвует в жизни мирового сообщества, расширяются международные связи, обучение

молодого поколения русскому языку становится действительно необходимым во всех сферах деятельности человека. Это привело к необходимости переосмысления цели, задач и содержания обучения русскому языку.

Общая цель обучения русскому языку складывается из определённого набора связанных между собой целей-направлений, которыми являются:

- формирование у обучаемых специальных умений и навыков в составе речевых умений, а также речевых и технических навыков, обеспечивающих их основные коммуникативно-познавательные потребности;

- формирование, расширение и углубление у обучаемых содержательных знаний, позволяющих им более эффективно участвовать в иноязычном общении;

- приобретение обучаемыми определённых ценностных ориентаций, обеспечивающих мотивационную базу изучения русского языка, развитие их познавательных интересов. (Интернет-ресурс: bilingual-online.net)

Для этого студентам необходимо заниматься чтением учебной и общетехнической литературой, журналов по специальности, чтением и переводом патентов и технической документации, вырабатывать умение изучать и систематизировать материалы о деятельности ведущих отечественных и зарубежных фирм, ведением деловой документации и переписки, разговорной речью на деловые темы – это основные умения, которые особенно значимы для студентов технических вузов в их настоящей и будущей деятельности.

Велика роль русского языка в решении первоочередной задачи высшей школы – осуществлении решительного поворота от массового обучения и усилению индивидуального подхода, развитию творческих способностей студентов-производственников, опираясь на их самостоятельную работу, активные формы и методы обучения – дискуссии, деловые игры, моделирование производственных и практических ситуаций, участие студентов в научно-исследовательской работе и т.д.

На уроке русского языка по теме «Деловой мир» можно организовать дискуссии и полемики на проблемы, возникающие в производстве. Перед началом дискуссии необходимо объяснить, что по правилам дискуссии в ней участвуют ведущий, то есть, организатор, а также защитники выдвинутых идей (положений) и оппоненты – противники в споре. Темы для дискуссии могут быть разными. На своём уроке я выбираю темы для обсуждения по специальности каждой группы. Например, если студенты обучаются по направлению «Технология высокомолекулярных веществ», то часто на обсуждение ставится проблема «Нужен ли нам полиэтилен?». Дискутируя на подобную проблему, студенты учатся выражать своё отношение к данному вопросу, высказывать мнение, отстаивать свою точку зрения, различать субъективное и объективное мнения. Замечено, что именно в процессе обсуждения какой-либо проблемы возникают новые афоризмы,

мысли и особенно идеи, которые затем можно применить в производстве или вести над ними научно-исследовательскую работу.

До начала дискуссии важно ознакомить студентов с правилами, которые должны соблюдаться во время полемики:

- Проявлять уважение к мнению собеседника.
- Никогда не говорить оппоненту, что он не прав, без доказательств.
- Проявлять симпатию по отношению к мыслям и взглядам собеседника.
- Вести спор в дружелюбной форме.
- Не прерывать собеседника, так как он скорее сделает ошибку.

Также важно, чтобы студенты запомнили выражения согласия и несогласия, такие как: *я вполне согласен с тем, что...; я присоединяюсь к вашему мнению о том, что...; вы правы в том, что...; я не могу согласиться с тем, что...; с этим нельзя согласиться...и т.д.* Запоминание этих выражений приводит к обогащению речевого запаса студента, а через них и лучшему способу высказывания своего мнения по интересующему вопросу. (Комилова, Мирсагатова, Имомалиева, 2015: 89-90)

Сегодняшний день требует, чтобы специалист технического профиля свободно владел русским языком, поэтому деятельность преподавателей русского языка должна быть направлена на разработку новых методик, способных интенсифицировать учебный процесс, перенести акцент на самостоятельную работу студентов, создавая для этого комплексы дидактических материалов по данной проблеме с учётом профессиональной ориентации. Для этого рекомендуется работа над такими текстами, как «Этика деловых приёмов», «Удачливые предприниматели», «Деловые встречи». Из этих текстов студенты-производственники могут получить не только массу полезной информации, но и приобрести знания, связанные с ведением деловых приёмов и деловых встреч.

Список литературы:

1. Икрамова Х.В. Материалы для научно-методической конференции. – Ташкент, 1987.
2. Комилова Ш.А., Мирсагатова У.З., Имомалиева М.А. Пособие для учащихся нефилологического направления. Часть II. –Ташкент, 2015.
3. Интернет-ресурс: bilingual-online.net

АБДУЛЛА ҚАҲҲОРНИНГ СЎЗ ҚЎЛЛАШ МАҲОРАТИ

YAZAR ABDULLA KAHNAR'IN ÜSLUP MAHARETI

*Eshniyazova Ayimhon Seripbayevna,
Tashkent Kimya Teknologisi Enstitüsü,
(Özbekistan)*

*Эшниязова Айимхон Шерипбаевна,
Тошкент кимё технология институти,
тадқиқотчи (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мақолада А.Қаҳҳорнинг сўз танлаш маҳорати, сўзга талабчанлиги, оз сўзга кўп маъно сингдира олиш маҳорати таҳлил қилинади. “Бемор” ҳикоясининг частотали луғати орқали ёзувчи маҳорати ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Частотали луғат, конкарданс луғат, ҳикоя, эпиграф, этнографик атамалар, маҳорат.

Annotation. In the article A.Kahkhor's word choice skill, word exactions proficiency in exposing more sense with few words are analyzed. The writer's proficiency is illuminated through the frequency dictionary of the story “Bemor” (“Patient”) by him.

Key words: Frequency dictionary, concordance dictionary, story, proficiency, epigraph, ethnographic terms.

Адабий тилнинг бадий мукамалликка, миллий характерлар яратишдаги ўзига хосликка эришувида сўз санъаткорларининг машаққатли хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боис уларнинг асарлари тили ва услубини лингвистик жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, “ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний сўзлари билан айтганда, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур» (Каримов, 2008: 38). Миллий тилнинг луғат таркиби, ёзувчи ва шоирларнинг сўздан унумли фойдаланиш маҳоратини ўрганиш тилшуносликнинг муҳим масаларларидан бири. Тилшуносликда луғатнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, шулардан частотали луғатлар тил тараққиётининг кейинги босқичида юзага келган. Частотали луғатлар матнда сўзларнинг ишлатилиш частотаси (қай даражада ишлатилиши)дан келиб чиққан ҳолда тайёрланадиган сўзликлар ҳисобланади. Частотали луғатлар статистик

лексикографиянинг ривожини натижасида юзага келган. Бундай луғатлар, айниқса, тил ўқитиш жараёнида лексик минимумларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Частотали луғатлар тараққиёти давомида мазмун жиҳатдан бойиди ва коркондас луғат деб ҳам юритила бошлади. Частотали луғатнинг илк намунаси 1861 йилда босмахонада ҳарф териш ишини осонлаштириш мақсадида тузилган.

Ўзбек тилшунослигида илк частотали луғат 1986 йилда С.Ризаев ва Н.Бўроновлар томонидан “А.Қаҳҳор “Синчалак” повести тилининг частотали луғати” тадқиқоти яратилди. 2006 йилда Д.Ўринбоева томонидан “Ўзбек халқ дostonлари тилининг частотали луғати” ишлаб чиқилган. Бу луғатда “Алпомиш”, “Равшан”, “Рустамхон” дostonлари матни статистик тадқиқот объекти қилиб олинган, унда 28499 сўз шакли статистик тадқиқ қилинган. Сўздан унумли ва ўринли фойдаланиш, оз сўзда кўп маъно ифодалаш маҳоратини юксак даражага етказган ёзувчи А.Қаҳҳор асарлари тили ва бадиъи тадқиқотларга асос бўлади. Зеро, “Абдулла Қаҳҳор ижоди юксак эъзозга, теран тадқиқотларга муносиб бўлган, маданиятимиз тарихидан алоҳида ўрин оладиган улкан маънавий бойликдир” (Қодиров, 1987:7). А.Қаҳҳорнинг тилга талабчанлиги, ўзбек тилидаги сўзларни заргарона моҳирлик билан қўллаши ҳикояларида намоён бўлган. Бу фикрларимизни “Бемор” ҳикояси частотали луғати яна бир қарра тасдиқлайди.

Абдуғанибой – 2, Азоб тортмоқ – 1, Албатта – 1, Аллақандай – 1, Аммо – 1, Аниқ – 1, Анчагача – 1, Арз – 1, Армон – 1, Афсусланмоқ – 1, Аҳвол – 1, Аямди – 2, Ба номи – 1, Бақавли – 1, Баққол – 1, Баланд – 1, Баттар – 1, Бахши – 1, Баъзан – 1, Бегуноҳ – 1, Бейгин – 1, Бемор – 8, Бетоб – 1, Билан – 5, Билмоқ – 3, Бир – 6, Битта – 1, Бола – 1, Бор – 2, Бормоқ – 4, Боши айланмоқ – 1, Бўлиб қолмоқ – 1, Бошқа – 1, Бу – 6, Бўлмоқ – 5, Буров – 1, Ва – 6, Вақт – 1, Гаврон – 1, Гавсулаъзам – 1, Гадоҳ – 1, Газаб – 1, Гашлик – 1, Гинғилламоқ – 1, Гўдак – 1, Даво беймоқ – 1, Дадаси – 1, Дайди – 2, Дарахт – 1, Даргоҳ – 1, Девонаи Баҳовуддин – 1, Демок – 2, Докторхона – 4, Дуо – 2, Дуо қилмоқ – 2, Дўст – 1, Ёқ – 1, Ён – 1, Ётқизмоқ – 1, Ёш – 1, Жилмаслик – 1, Жим – 1, Ижобат бўлмоқ – 1, Извош – 1, Йигирма – 1, Йиғламоқ – 1, Йиғламоқ – 2, Иморат – 1, Ингичка – 1, Инграмоқ – 1, Инқилламоқ – 1, Йўғон – 1, Ичи – 2, Кампир – 3, Карахт – 1, Касал – 1, Касб қилмоқ – 1, Кейин – 2, Келмоқ – 3, Кетмоқ – 2, Кеч – 3, Кечаси – 2, Киши – 1, Кўз олди – 3, Кўзи тинмоқ – 1, Кулранг – 1, Кўмилиб – 1, Кўммоқ – 2, Кўнгил – 1, Кундан кун – 1, Кунжара – 1, Кўп – 1, Кўрмоқ – 1, Кўтармоқ – 1, Қабзали – 1, Қабул қилмоқ – 1, Қайтмоқ – 1, Қарз кўтармоқ – 1, Қиз – 4, Қолмоқ – 1, Қон олмоқ – 2, Қоп – 1, Қўл – 2, Қулаб кетмоқ – 1, Қўлидан келмоқ – 1, Қўнғироқ – 1, Қўримоқ – 1, Қўрқмоқ – 1, Қўшни – 1, Мажбур бўлмоқ – 1, Муддао – 1, Мукка тушмоқ – 1, Нарса – 1, Нима – 1, Нимжон – 1, Оғирлашмоқ – 1, Оғриб қолди – 1, Одатдагича – 1, Оёққа бостириб бермоқ – 1, Оқ – 2, Оқ подшо – 1, Омбор – 1, Она – 2, Ост – 1, Ота – 1, Офтобшувоқ – 1, Охири – 1, Парк – 1, Пашиа – 2, Пичирламоқ – 1, Пул – 2, Раддибало – 1, Расул – 1, Рўмолча – 2,

Саваламоқ – 1, Сават – 3, Савдо қилмоқ – 1, Садақа – 1, Салқин – 1, Сахар – 4, Силамоқ – 1, Сим – 1, Солмоқ – 2, Сотиб олди – 9 та, Соч - 1, Сўз – 1, Сўймоқ – 1, Сўм – 1, Сўнгра - 1, Сўрамоқ – 1, Сурат – 1, Табиб – 2, Тайёр – 1, Талвасага тушмоқ – 1, Танга -1, Тетик -1, Тинч – 1, Тирикчилик – 1, Товуқ – 1, Товуш – 1, Тол – 1, Тортмоқ - 1, Тугма – 1, Тўғри келмоқ - 1, Тўғрисида – 1, Тузатмоқ - 1, Тўзимоқ – 1, Тузук - 1, Тўқимоқ – 2, Тўрт – 1, У ёқ - бу ёқ - 1, Узилмоқ - 1, Уйғотмоқ – 2, Уйқу - 1, Ўқимоқ - 2, Ўладиган бўлмоқ - 1, Улгуржи - 1, Ўлик - 1, Ўрганмоқ – 2, Ўсал бўлмоқ - 1, Ўтирмоқ – 1, Ухлаб қолмоқ – 1, Фақат - 1, Хипчин – 1, Хира – 1, Хонаки – 1, Хотин – 3, Худо - 4, Хўжайин – 2, Ҳамма – 2, Ҳаммаёқ – 1, Ҳар - 1, Ҳар замон – 1, Ҳар хил – 1, Ҳатто - 1, Ҳозир – 1, Чакка – 1, Чақирмоқ – 1, Чигит пўчоқ - 1, Чилёсин - 2, Чиройли – 1, Шайдулло – 1, Шаҳар – 1, Шиша – 1, Шу – 4, Эй - 1, Экан – 2, Энди - 1, Эрта – 1, Эшик – 1, Эшитмоқ – 2, Юз - 1, Юммоқ - 2, Яқин –йироқ – 1, Яна - 1.

“Бемор” ҳикоясида ёзувчи 215 та сўз қўллаган. Такрор қўлланган сўзлар: Сотиболди 9, бемор 8, ва 6, бир 6, билан 5, бўлмоқ 5, докторхона 4, қиз 4, бормоқ 4 марта. Ёзувчи 7та ёрдамчи, 2та алоҳида олинган сўз, 204 та мустақил сўз ёрдамида жамиятнинг оғриқли нуқтасини бадиий акс эттирган. Ҳикояда қўлланган этнографик сўзлар, асосан, халқнинг турмуш тарзи, эътиқоди билан боғлиқ бўлган миллий-эстетик ҳодисаларни ифодалашга хизмат қилган. Масалан: *Сотиболдининг хотини оғриб қолди... Бахши ўқиди. Аллақандай бир хотин келиб толнинг хипчини билан савалади, товуқ сўйиб қонлади* (А.Қаҳҳор. 2018: 116). Берилган парчадаги бахши, ўқимоқ, саваламоқ, қонламоқ каби сўзлар этнографик сўзлар бўлиб, бахши – «дуолар ўқиб, дам солиб, ирим-сиримлар қилиб даволовчи табиб»; саваламоқ, ўқимоқ – «касални даволаш учун унинг ҳузурида турли оят ва дуоларни зикр этмоқ»; қонламоқ – «жонлиқ сўйиб, унинг қонини беморнинг баданига суртмоқ» (ЎТИЛ, 2006) каби маънолари билан иштирок этган.

“Мен ёзилган саҳифани, ҳатто жумлани ҳам устидан тузата олмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15— 16 марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар сафар сайқал бераман”. Абдулла Қаҳҳорнинг мазкур сўзлари ҳаммага маълум, унингсўзга хасислиги, ўзига талабчанлиги адабиётшунослигимизда кўп марта таъкидланган. Шу боис унинг асарлари қисқа, ихчам, лўнда ёзиш мезони, намунаси, деб айтсак ҳам муболаға бўлмайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006.
3. Қаҳҳор А. “Анор”. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018.
4. Қодиров П. Абдулла Қаҳҳор сабоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. – №4. – Б. 7.

**ГИЛАМЧИЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ СИНОНИМИК, ВАРИАНТЛИЛИК
ҲАМДА АНТОНИМИК МУНОСОБАТЛАРИ**

**HALICILIK TERİMLERİNİN EŞ ANLAMLILIK, ÇEŞİTLİLİK VE ZIT
ANLAMLILIK İLİŞKİLERİ**

*Saparova Guldasta,
Semerkand veteriner hekimligi
Enstitüsü Öğretim görevlisi
Sadinov Fazliddin,
Semerkand Devlet Üniversitesi
Lise Kıdemli Öğretim Üyesi (Özbekistan)*

*Сапарова Гулдаста,
Самарқанд ветеринария медицинаси
Mark Pennington (2009, p-1) stresses that fluency is not the ability to read fast. A fluency score does not determine grade level reading. A high fluency score is not a guarantee of good reading comprehension. Fluency practice does not consist of a read-around or popcorn reading. Fluency is a measure of the reader's competence at decoding and recognizing sight words with automaticity at a specified reading level. Fluency is also a measure of how well the reader attends to punctuation and the intonation of words in the manner that the author intended. Students need both oral and silent fluency instruction until mastery has been achieved. Marcie Penner-Wilger (2008, p-1-3) explains that reading fluency is comprised of three component skills and also they are called fluency indicators:

Accuracy of word decoding; Automaticity of word recognition; Prosody of oral text reading.

Accuracy of decoding refers to the ability to correctly generate a phonological representation of each word, either because it is part of the reader's sight-word vocabulary or by use of a more effortful decoding strategy such as sounding out the word. Skills required for accuracy of decoding include: alphabetic principles, the ability to blend sounds, the ability to use cues to identify words in text, and a large sight – word vocabulary of high-frequency words (Torgesen & Hudson, 2006, p-138). Next component of reading fluency is automaticity.

Automaticity of word recognition refers to the ability to quickly recognize words automatically, with little cognitive effort or attention. Automaticity is gained through practice to the point where previously effortful tasks, such word decoding, become fast and effortless – freeing up cognitive resources for other tasks, such as text

comprehension. Automaticity requires quick and accurate identification of individual words as well as speed and fluidity in reading connected text.

Prosody of oral text reading refers to naturalness of reading, or the ability to read with proper phrasing and expression, imbuing, text with suitable volume, stress, pitch, and intonation. Prosody is an indicator that the reader is actively constructing the meaning of a passage as they read.

Moreover, American educator Hasbrouck J. claims: “For students who are not yet fluent, silent reading is not the best use of classroom time” (2006, p-4-5) recommends these strategies: Classroom strategies for fluency.

Timed repeated readings; Tape assisted reading; Reader’s theater; Paired (or partner) reading; Choral reading.

Timed repeated readings are an instructional practice for monitoring students’ fluency development. Repeated readings, under timed conditions, of familiar instructional level text can increase students’ reading speed which can improve comprehension.

One minute reading. The student reads for a minute. The teacher or partner counts the number of words read correctly in one minute (WCPM). This score is as valid as calculating percent correct or accuracy on longer readings. Teacher provides some practice time with non-assessment reading material before beginning the 1 minute timed reading.

Timed repeated readings. The student reads the same passage for 1 minute multiple times (3-5). The teacher or partner counts how words correct per minute (WCPM). Teacher chooses a passage. Time the student when s/he reads the passage. Example: A student read a story with 148 words in 2 minutes, 55 seconds. She made 8 errors to determine WCPM.

1. Count the total number of words. Example: 148 words
2. Count the number of mistakes. Example: 18 words
3. Take the number of words minus the number of mistakes = number of words read correctly. Example: $148-18=130$
4. Calculate percent accuracy number of words read correctly divided by total number of words. Example: $130/148=87\%$
5. Convert the time it took to read the passage to seconds. Example: 2minutes, 55 seconds= 175 seconds
6. Convert the number of seconds to a decimal by dividing the number of seconds by 60. This is the total reading time. Example $175/60=2.91$
7. Divide the number of words read correctly by the total reading time in decimal form. Example: $130/2.91=45$ WCPM

Tape assisted reading is an individual or group reading activity where students read along in their books as they hear a fluent reader read the book on an audiotape. As confidence and reading skills develop, students read the same passage or text without the assistance of the tape.

Reader's theater is a strategy for developing reading fluency. It involves children in oral reading through reading parts in scripts. In using this strategy, students do not need to memorize their part; they need only to reread it several times, thus developing their fluency skills. The best Reader's Theater scripts include lots of dialogue.

Paired (or Partner) reading is a research-based fluency strategy used with readers who lack fluency. In this strategy, students read aloud to each other. When using partners, more fluent readers can be paired with less fluent readers or children who read at the same level can be paired to reread a story they have already read. Paired reading can be used with any book, taking turns reading by sentence, paragraph, page or chapter.

Choral reading is reading aloud in unison with a whole class or group of students. It helps build students' fluency, self-confidence, and motivation. Because students are reading aloud together, students who may ordinarily feel self-conscious or nervous about reading aloud have built-in support.

To conclude, reading fluency is the ability to decode and comprehend text simultaneously. Thus, reading fluency forms a bridge from decoding skills to comprehension. Fluency is comprised of three component skills or indicators: accuracy of decoding, automaticity of decoding, and prosody of oral text. Reading fluency is a crucial component of instructional reading programs and should be assessed regularly in the classroom. Quick and easy assessment of all components of reading fluency can be performed using a one-minute oral reading passage. To experiment classroom strategies mentioned above are sorted out as the real helpful techniques for establishing reading fluency.

References:

1. Sandra Silberstein. *Techniques and Resources in Teaching reading*. Oxford University Press. – China, 1994.
2. Beatrice, S., & Mikulecky. *A short Course in Teaching Reading Skills*. Addison-Wesley Publishing Company. – USA, 1990.
3. Torgesen & Hudson. *Teaching Reading Comprehension to Students with Learning difficulties*. The Guilford Press. - New York, 2006.
4. Mark Pennington. *Reading Skills*. Hunt Publishing Company. 2009.
5. <http://www.busyteacherscafe.com/literacy/fluency.html>

ЭСТЕТИКА БУ ҲАМ БИР САНЪАТ

ESTETİK DE BİR ÇEŞİT SANAT

*Adasheva Mavludahon,
Ravshan Hurramov,
Tashkent Devlet Milli Raks ve koreografi
Yüksek Okulu (Özbekistan)*

*Адашева Мавлудахон,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография
олий мактаби катта ўқитувчиси
Равшан Хуррамов,
ТДМРХОМ талабаси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақолада эстетиканинг келиб чиқиш тарихи, бугунги кундаги аҳамияти ва қолаверса, санъатнинг театр ҳамда рақс каби турларидаги ўрни ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: Эстетика, Ўрхун, театр, санъат, рақс.

Annotation. This article is about the origin of the aesthetics, its role in today's world and furthermore, importance of types of arts like theatre and dancing.

Key words: Estetika, O'rxun, teatr, art, dance.

“Эстетика” тушунча сифатида қадимги Бобил (Вавилон), Миср, Ҳиндистон, Юнонистон ва ўрта Осиё мамлакатларида пайдо бўлган. “Эстетика” атамасининг туб маъноси юнонча “Эстезис” сўзи билан алоқадор бўлиб “сезиш”, “ҳис қилиш қобилияти” деган маъноларни беради. “Эстетика” сўзини биринчи бор фанга атама сифатида Олмон маърифатчиси, файласуфи Александр Баумгартен (1714-1782) ўзининг “Поетик асарининг баъзи бир масалалари тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалари” асарида киритган. Эстетика доирасига эстетик кўринишлар, эстетик жараёнлар билан бир қаторда инсонни бадий фаолияти киради, яъни эстетика ҳам гўзалликни, ҳам санъатни алоҳида бир-биридан узилган ҳолда эмас, балки уларни ўзаро таъсирида кўради. Шундай қилиб эстетика биринчи навбатда воқеликни инсон томонидан бадий англаш ва бадий идрок этиш қоидаларини ўрганади. Бундай эстетикани ўзига хослигини таърифлаш деярли тез бўлмади. Масалан, немис файласуфи Гегел “эстетикани мавзуси фақат инсонни бадий фаолияти, санъат, аниқроғи санъатдаги гўзаллик” деб ҳисоблайди. Табиийки, аёл, она, табиат гўзаллигичи? Манзаралар, шаршаралар, автомашиналар, уяли телефонлар эстетикасичи? Ишлаб чиқариш жараёнидаги ишчи либослари, хиёбонлар - буларнинг барида эстетика барқ

уриб турибди. Инсон табиий гўзалликларни (барчасини) баъзиларини моҳиятига етиб ололмаслигини ҳисобга олиб, бу билим соҳасига “эстетика” деб ном берди.

Эстетика ҳақидаги тушунчалар Шарқ ва Ўрта Осиёда ҳам ўз тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Шу билан бирга қадимий ёзма ва оғзаки ёдгорликлар, меъморий обидалар орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. эстетика ўзида: гўзаллик, нафосат, олийжаноблик, улуғворлик, фожиявийлик, хунуклик, пасткашлик, разиллик, қабоҳат ва шу каби категорияларни ўзида мужассамлаштиради.

Эстетика сўзини санъат даражасига кўтаришимизнинг сабаби оддий, уни ҳар бир соҳада учратишимиз мумкин. Санъатнинг театр, кино, рақс, рассомчилик ва бошқа турларидан маълум бир шахс (талант) эгалари фойдаланиши мумкин. Эстетика аталмиш санъат туридан эса барча фойдаланиши, завқ олиши табиий. Албатта, бу санъат- бошқа санъатларнинг ичидан туғилганлиги боис, шу ҳақида фикрлар баён этишга ҳаракат қилсак.

Эстетика – бу дунёни гўзаллик орқали англаш, ҳис қилиш, кўра билиш каби тушунчаларни ҳам ўзида акс эттириб кетади. Эстетика соҳаси бу нафақат ақл билан боғлиқ бўлган жараён, балки бу ерда ҳисобга олиниши керак бўлган ақл ва ҳиссиёт катта аҳамиятга эга, лекин яна бизни бошқа қобилиятларимиз – яъни, интуиция, тасаввур этиш, орзу эта билиш аҳамиятлидир. “Эстетик” тушунчадан биз фойдаланиб, фақат ҳиссий билимни назарда тутмаймиз. Эстетика сўзи, тушунчасини ўзининг тўғридан тўғри маъносига қарамасдан, бошқа тўлиқроқ, тарихий ҳаёти ҳам аҳамиятли бўлди. Эстетика – санъатда гўзалликни идрок этишдан ажралмайдиган тушунчадир. Эстетик билим тури инсоният тарихида бу фан барпо этилишдан анча олдин пайдо бўлган. Эстетик буюмлар ва воқеалар ҳақида маълумотларни биз қадимий шарқ халқлари манбаларидан топишимиз мумкин. Масалан, қадимий Хитой файласуфлари мусиқа ва унинг аҳамияти ҳақида кўп мулоҳазалар олиб боришган.

Эстетика тушунчаси азал-азалдан мавжуд бўлган деган фикрларимизни янада кенгроқ давом эттиришимиз учун албатта тарихга мурожаат қилмасдан иложимиз йўқ. Доро томонидан Бехустун тоғида тошга ўйиб ёзилган ёзувлар, суратлар, қолаверса Ўрхун–Энасой, Кул тигин, Тунюқуқ ёдгорликларини беъмалол, қўрқмасдан эстетиканинг ривож топишида муҳим бўлган асосий ўчоқ сифатида таъкидлаб ўтсак, фикримизча, аҳамиятга молик иш бўлар эди деб ўйлаймиз. Сабаби ўша ёдгорликларда акс эттирилган ёзувлар биздек келажак авлод учун эстетик завқланиш борасидаги асосий таянч вазифасини ўтаганлигини ҳис қилиб завқ-у шавққа тўламыз.

Тунюқуқ - шахс номи бўлиб, Элтариш хоқонининг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган. Элтариш хоқон – иккинчи Турк хоқонлигининг асосчиси эди. Тунюқуқ элтариш хоқоннинг ўғли Билга Хоқон даврида мазкур

битиктошни ёздиреди. Тунюкүк битиктоши 2 та устунга ёзилган. Уларнинг бири 170, иккинчиси 160 см дан иборат. Бу ёдгорликни Елизаветта Клеменс 1897 –йил Шимолий Мўғулистонда турмуш ўртоғи Дмитрий Клеменс билан биргаликда излаб топган. Битиктош Улан - Батордан 66 км Жануби – Шарқдаги Баин – Сокто манзилидан топилган бўлиб ҳозирги кунда ҳам шу ерда сақланади”.

Кул Тигин битиктоши - бу элтариш хоқоннинг ўғли Билга хоқоннинг иниси Кул Тигин шарафига қўйилган. Бу битиктошни ёзган муаллифи Юллуғ Тигиндир. “Кул Тигин” битиктоши мрамрдан ишланган, баландлиги 3 м 15 см, қалинлиги 41 см, туб қисми 1 м 24 см бўлиб юқори томонга қараб торайиб борган. Ёдгорликни рус зиёлиси Н.М.Ядринсев (1842-1894) 1889 - йили Мўғулистоннинг Кошо Сайдам водийсидаги Кўкшин - Ўрхун дарёси қирғоғидан топган. Улан-Батордан 400 км. Жанубда, Қора Балгасун шаҳри ҳаробаларидан 40 км Шимолда жойлашган. Ёзувлар ўнгдан чапга ва юқоридан пастга қараб битилган.

Эстетика тушунчаси шунчалик даражада кенгайиб бормоқдаки, у ҳаттоки кундалик турмушимизнинг барча соҳаларини қамраб олиб, ўзининг гўзаллик уруғларини тарқатмоқда. Санъатнинг ҳар бир турида мана шу эстетиканинг ифोरини сезишимиз мумкин. Мисол тариқасида “Театр” санъати.

Аслида театр сўзи Юнонча “Театрон” сўздан олинган бўлиб, томошалар бўладиган жойлар деган маънони англатади. Театр санъати қадимий Юнонистонда пайдо бўлиб, бу борада эхил (“Занжирбанд Прометий”), Софокл (“Шох эдип”), Еврипид (“Медея”) каби буюк драматурглар етишиб чиқдилар. Илк театр бинолари ҳам айнан мана шу ерда бунёд бўлади. Санъатнинг бу тури йиллар ўтиб Римга ва Рим орқали бошқа Европа мамлакатларига тарқала бошлайди. Ўрта Осиёда ҳам қизиқчилик, кўзбойлоғичлар, аскиялар, қиличбозлик, дорбозлар мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси биргаликда халқ театрини ташкил қилади Белинский айтганидек: “Театр-бу санъат қасри, муқаддас кошона, у эзгулик меҳроби. Шошилиниг театрға, у ерга боринг, табаррук остонага қадам қўйинг” деганида буюк бир ҳақиқатни айтган эди. Қадимги даврдан ҳозирги кунга қадар ривожланиб, шаклланиб бораётган театрнинг бир қанча турлари мавжуд. Драма театри, қўғирчоқ театри, опера ва балет театри, мусиқий драма театри, бир актёр театри ва ҳоказалар шулар жумласидандир.

Ҳар бир халқ миллатининг, эстетик онги ривожланган бўлиши керак. Инсон онги, қалби бора-бора гўзаллашиб бораверар экан, у эстетик комилликка қараб йўлда давом этаётган бўлади. Бу борада унга, албатта, алломаларимизнинг фикр ва қарашлари жуда катта ўрин эгаллайди.

Бизнинг ҳаётда бахтли ёки бахтсиз яшашимиз, эстетик тарбиямизнинг қанчалик даражада мукамал ёки мукамал эмаслигига боғлиқ.

Ҳаммамизга маълум бўлганидек, яхшилик-ёмонлик, гўзаллик-хунуклик, разиллик- олийжаноблик кабилар ўртасида доимо кураш бўлиб келади.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол инсонни вояга етказиш, юксак эстетик маданиятни қарор топтириш ҳамда халқнинг эстетик қарашларини шакллантириш сингари улкан вазифаларни, оила тарбиясисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу борада оила катталарига улкан эстетик масъулият юклатилади. Ота-она эстетика борасида қанча кўп билим ва кўникмага эга бўлса, аввало ўзининг, қолаверса, фарзандларининг эстетик жиҳатдан мукамал, соғлом ва албатта, софдил инсон бўлиб етишишида асосий кўприк вазифасини ўтаган бўлади. Шундай экан мана шу кўприкларимиз мустаҳкам бўлиб анча йиллар хизмат қилишида, биз фарзандларга ҳам юксак эстетик масъулият юклатилиши турган гап.

Яратган бизни ҳар нарсадан буюк қилиб яратди. Дунёдаги жамики: ҳайвонотлар, ўсимликлар, тоғлару дарёлар, чўллар – адирлар барча-барчасини инсон учун яратди. Инсон шулардан оқилона фойдаланиши ва кейинги келажак учун гўзал бир дунёни ҳадея қилиб қолдириши лозим ва албатта келажак ортга қараганида хўмрайиб эмас, кулиб қарасин, жилмайиб кўйсин. Худди биз аждодларимизни қанчалик ўргансак шунчалик кам туйилганидек, авлодлар ҳам худди мана шу эстетик туйғуни ҳис қилсинлар. Яна Навоийга юзланар эканмиз, унинг асарларида эстетиканинг намунасини такрор ва такрор учратишимиз мумкин. Унда шундай жумлалар баён этилган: “Одобли инсон барча одамларнинг яхшиси эканлигини, у мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқ эканлигини таъкидлаганди. Унинг фикрича, гўзал кўнгилни очади, хунук ҳаётни ўкситади, яхши хулқли гўзал -жаннат ҳуридир, ёмон табиатли хунук – дўзохбон девдир. Бу сўзларни хоҳ эшитиб, хоҳ ўқиб беихтиёрий равишда, билиб - билмаган ҳолатда, меҳрибон, жонкуяр, вафодор, олийжаноб, софдил инсонга айланиб қоласан. Бу ҳам гўзалликнинг инсонга бўлган таъсиридир.

Санъатнинг яна шундай бир тури борки, унда эстетиканинг сержило наъмуналарини кўришимиз мумкин. Бу табиийки - рақс санъатидир. Бу санъат турини чеклаб ўтишимизнинг умуман иложи йўқ. Чунки, у сеҳрли дунё, сирли синоат, ажиб бир жумбоқ. Инсон ҳаётини актёрлик томоша санъатисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, рақсни ҳам ҳаётимиздан ажратиб, четга қўйиб қўёлмаймиз. Сабаби ҳар бир нарсада рақс ифодасини кўришимиз мумкин. Она фарзандига алла айтганида, бешиклар тебраниши, боланинг ухлаши, ҳатто баъзи бирларида уйқу орасида боланинг ширингина жилмайиб кўйиши, бу ҳам бир рақс, “Ширингина лаб рақси”. Мана шу ўринда боланинг бир жилмайишидаёқ бутун олам гўзалликлари кафтдек номоён бўлиб, ҳақиқий эстетик гўзал бир кўринишни ҳосил қилиши ҳаммага сир эмас, албатта. Лекин масаланинг бир томони борки, бунақа гўзалликни фақатгина қалби олийжанобликка тўла инсонларгина

кўра олиши, ҳис қилиши мумкин. Рақс ҳақида фикримизни давом эттирар эканмиз, ўзбек рақси даҳоларини тилга олмасак бўлмайди. Улар: Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Юсупжон қизиқ Шакаржонов, Исоҳор Оқилов, Розия Каримова ва уларнинг шогирдлари катта аҳамиятга моликдир. Улар рақс санъатининг ҳақиқий, жонкуяр фидойилари бўлишганлиги ҳеч кимга сир эмас. Улар ижод қилиб, бизга мерос қолдириб кетган ҳар бир рақслари алоҳида таҳсинга лойиқ. Ўзбек рақс санъатининг мерос рақслари қаторига: “Муножот”, “Роҳат”, “Тановар”, “Пилла”, “Пахта”, “Катта ўйин” ва бошқа рақсларни киритиш мумкин. Биз бу миллий рақсларимизни асраб – авайлашимиз, ардоқлашимиз ва албатта келажакка тўлақонли тарзда етказиб бериш бизнинг олдимизда турган энг катта маъулиятли ва ишончли бурчларимиздан бирига киради десак, ҳақиқатни сўзлаган бўламиз!

Адабиётлар рўйхати:

1. Эстетика асослари: Э.Умаров, Р.Каримов, М.Мирсаидов. –Тошкент, 2013. 3, 132, 133 - бетлар.
2. Александр Баумгартен. Поетик асарининг баъзи бир масалалари тўғрисидаги фалсафий мулоҳазалари.

МЎЖИЗАКОР САНЪАТ

MUCİZEVİ SANAT

*Adasheva Mavludahon,
Maftuna Mirzahocayeva,
Tashkent Devlet Milli Raks ve koreografi
Yuksekk Okulu (Özbekistan)*

*Адашева Мавлудахон,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография
олий мактаби катта ўқитувчиси (Ўзбекистон)
Мафтуна Мирзахўжаева,
Тошкент давлат миллий рақс ва хореография
олий мактаби ўқувчиси*

Анотация. Ушбу мақолада мусиқа ва рақс санъатининг ўзига ҳос хусусиятлари, инсон саломатлиги учун фойдали жиҳатлари ҳаётий мисоллар ва таҳлиллар асосида очиб берилган.

Калит сўзлар: Бешқарсақ, Катта ўйин, Лазги, Кема ўйин, Ашшадароз.

Annotation: In this article, specific features and how useful to human health of art and dancing has been revealed with examples and analyzes.

Key words: Beshqarsak, Katta o‘yin, Lazgi, Kema o‘yin, Ashshadaroz.

Рақс санъати инсоннинг ички қалб кечинмалари, оташин юрак сирлари, борлиқдан олган ҳиссий таассуротларини ифодаловчи илоҳий, мўжизакор санъатдир. У дастлаб қўшиқ ва сўз билан боғлиқ бўлиб, кейинчалик эса мустақил санъат турига айланган.

Ҳар бир ҳалқнинг рақс услуги, тасвирий воситалари ўзига ҳос равишда бўлиб, у ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида ривожланиб боради. Ўзбек миллий рақслари мазмунини ифодалашда ижрочилар қарсақ, рўмол, пиёла, қадах каби буюмлар билан ижро этиб, ижро махоратининг табиийлигига эътибор беришган. Марказий Осиё жумладан Ўзбекистон худудидан топилган қоя тош тасвирлари, археологик топилмалар, бу ерларда рақс жуда қадим замонлардан бери мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. “Авесто” давриданоқ санъатнинг барча турлари шаклланиб, ривожланиб борди. Жумладан Ўзбек миллий мусиқамиз ҳамда рақсимиз, миллатимизнинг маданий-маънавий бойлиги бўлиб, хозирги кунгача кўз қорачиғимиздек асраб-авайлаб келинмоқда. Тарихдан маълумки, барча санъат турларидан аввалроқ пайдо бўлган, рақс санъатининг ранг-баранг ва сержило жанрлари, шакл ва турлари ўзининг бетакрор ижро жозибаси, ёрқин ифодавийлиги, мазмуни ва эмотционал кучи билан ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Юртимизда рақс санъатининг ривожланишида асосан

халқ орасида машхур бўлган “Бешқарсак”, “Катта ўйин”, “Лазги”, “Кема ўйин”, “Ашшадароз” ва бошқа қадимий ўйинлар сабаб бўлган. XX асрларга келиб рақс санъатида Бухоро, Хоразм, Фарғона рақси мактаблари ташкил этилиб, замонавий сахна талаблари асосида қайта ишланган халқ рақси ривож топди. Рақсни сўзсиз ўйин деб ҳам аташади. Аммо уни мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқа ва рақс доимо бир – бирини тўлдириб, олам мўжизаларни англашга ёрдам беради. Масалан табиатнинг гўзал ҳодисалари: сувнинг шилдираши, қушларнинг сайраши, ҳашоротларнинг ажойиб товушлари, оддий тошдан тортиб, баланд тоғларгача рўй бераётган табиий жараёнларни кўришимиз мумкин. Олам мўжизалари орасида табиатдан келаётган товушни мусиқага, гулларнинг майин шаббодада хилпираб, ҳаракатга келишини эса рақсга қиёслашимиз мумкин. Зеро “Санъат, инсонни яшашга ундайди, кишилар ўртасига меҳр-муҳаббат туйғуларини улашади”. Санъат инсонлар қалбида гўзал туйғуларни мужассам этади.

Санъат нафақат инсон қалбига хузур, балки дардига даво, умрига умр қўшади. Масалан, ўзбек миллий рақси вакилларининг аксарияти 100, 110, ҳатто 120 ёшгача ҳаёт кечирганликларининг ўзи ҳам бир мўжиза. Бунинг ягона сабаби уларнинг касби, яъни рақс санъати усталари бўлганлигида.

Ҳа, рақс ҳам спорт каби инсондан кўплаб ҳаракат ва энергия талаб этади. Шунингдек, мутахассисларнинг фикрича, бир кунда ярим соат жисмоний тарбия билан шуғулланган ёки рақсга тушган инсон ўз саломатлигидан ҳечам шикоят қилмаса бўлар экан. Рақс санъати усталари кун давомида ўз касблари билан машғул бўлишади. Бундан кўриниб турибдики, уларнинг узоқ яшаши табиий ҳолат. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, рақсга тушиш киши кайфиятини кўтариб, тана барқарорлигига эришади. Тетик ва бақувват бўлади. Энг асосийси, агар рақсни севувчи инсон бўлса, у кун давомида бахтли юради. Психологларнинг фикрича, рақсга тушиш инсонни турли ғам ташвишлардан ҳалос этиб, қалбига хузур бағишлайди. Мусиқачи? Мусиқа бизга нима беради?

Санъатнинг юраги ҳисобланган мусиқа табобатда ҳам, илм фан саифатида ҳам, умуман олганда ҳаётда ҳам ўрни беқиёсдир. Чарлз Дарвин умрининг охирида ўзининг шеъриятга, мусиқага бўлган иштиёқининг камайгани хусусида ўқиниб, «Агар ҳаётимни қайтадан бошлаш насиб қилганда, ҳар ҳафтада лоақал бир марта шеър ўқиш, мусиқа тинглашни қоида қилиб, шу йўл билан мия ҳужайраларининг фаол ҳолатини сақлаб қолган бўлар эдим», деб ёзган эди (Файзиев, 2013:16).

Ҳақиқатан ҳам инсоннинг ҳис-туйғулари маълум тарбияга, парваришга, мунтазам қилинадиган машқларга муҳтож бўлади. Бу борада мусиқанинг аҳамияти катта. Мусиқа таъсирида киши ғоят нозик ва теран ҳиссиётларни, эҳтиросларни бошдан кечиради. Инсоният қадимдан мусиқанинг турли туйғуларни кўзғатиш хусусиятларидан фойдаланиб келган. Масалан, жанг олдидан мусиқа аскарлар руҳини кўтарган.

XVIII аср мусиқасида кишига ором бағишлайдиган оҳанглар устунлик қилган бўлса, XIX асрга келиб, мусиқада романтик хаёлот ва сирли ҳиссиётлар сари чорловчи оҳанглар кучайди. XX аср мусиқасида эса фалокатларни башорат қилувчи, инсониятнинг ғам-алам ва армонларини акс эттирувчи оҳанглар пайдо бўлди.

Мусиқанинг шифобахш хусусияти кўпчиликка маълум. Айни пайтда турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда мусиқа кенг қўлланилмоқда. Мусиқа билан даволаш тарихи ҳам қадим замонларга бориб тақалади. Табиблар асабларни даволашда мусиқа, қўшиқ, рақс ва турли хилдаги муаттар ҳид тарқатувчи нарсалардан фойдаланишган. Айтишларича, Тангри одам танасини яратгандан кейин, куй ёрдамида вужудига жон киритган экан. Манбаларда келтирилишича, эрамиздан тўрт минг йил аввал ҳам касалликлар мусиқа билан даволанган. Пифагор ва Арасту мусиқанинг турли хилдаги даволаш усуллари ҳақида ёзиб қолдиришган. Ал-Хоразмийдан, «Учта даво усулидан қайси бири сизга маъқул?» деб сўрашганларида, у зот «Тўртинчиси», деб жавоб берган экан. Унинг бу гапидан ҳамма ҳайрон бўлиб қолган. «Менинг ватанимда, – дейди ал-Хоразмий, – қадим замонлардан бери касалликларни даволашда сўз, дори-дармонлар, тил ва мусиқадан фойдаланадилар. Менга моҳир созанданинг созидан чиққан ҳар қандай ҳазин куй ҳар қандай доридан яхши таъсир қилади ва шифо ато этади» (Абдуллаев, 2008:6).

Яна бир қатор алломалар мусиқанинг ўзига хос жиҳатларини санаб ўтишган. Масалан моҳир созанда қўлидан одам руҳини наинки кўтариш, балки дардига даво бўлиш билан бирга, хулқ-атворини яхши томонга ўзгартириш ҳам мумкинлиги ҳақида ҳам манбааларда ёзиб қолдиришган.

Шунингдек Алишер Навоий «Сабъайи Сайёр» асарида анвойи гуллар инсон соғлигига ижобий таъсир қилишини ёзади. Навоий ўзига “Наво” таҳаллусини танлагани ҳам бежизга эмас.

Созларни моҳирона тарзда чалган, Абдураҳмон Жомий Алишер Навоийнинг илтимосига кўра, мусиқа ҳақида асар ёзиб, айниқса, мақомларнинг инсон руҳига қанчалик кучли таъсир қилишини исботлаб берган. Масалан, Ушшоқ, Наво, Рост, Ироқ, Исфахон, Бозиргоний мақомлари инсонга кух-қувват ва кўтаринки кайфият бахш этади. Бузрук, Роҳат, Ҳусайний, Дилхирож каби куйлар эса дилларни янада шодлантиради. Айни пайтда асаб тизими ишдан чиққан, ичкиликка мутбтало бўлган беморларни мусиқа билан даволаш бир қатор мамлакатларда кенг қўлланилмоқда. Демак, мусиқа дори-дармон ўрнини босиши мумкин. Шу мақсадда шифокорлар мумтоз (классик) мусиқани тавсия қиладилар. Аниқланишича, Бетховеннинг 5-синфонияси юрак фаолиятига хуш таъсир қилади. «Ой сонатаси» эса безовта асабларни тинчлантиради. Бахнинг «Италия концерти» куйини тинглаган одамнинг ғазаби босилар экан. Шопеннинг «Мазурка» куйлари ва Штрауснинг валс оҳанглари кишидаги хавотирои туйғуларни аритади. Чайковскийнинг «Оққуш кўли» одамларда кўтарилган

қон босимини туширади. Шопеннинг «Ноктюрни ре-минор» асари ҳам ҳам қон босими ошганда фойда қилади (https://kitobxon.com./).

Яна шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, бизнинг олийгоҳимизда муסיқа тарихи ва муסיқа назарияси фанидан дарс берувчи устозимиз Нодира Алимжонованинг айтишича, оналар фарзандларини чақалоқлигидан муסיқа билан тарбия қилса, бола шу муסיқанинг хонишига қараб тарбияланар экан. Яъни классик муסיқаларни эшитиб улғайган бола феъли юмшоқ, сокин, санъатсевар, шўх рок, жаз брекданселарни тинглаб улғайганлар эса аксинча асабий, жиззаки бўлишар экан. Энг қизиғи шундаки, классик муסיқанинг сигирларга ёқиши ҳам фанда исботланган. Уларга асосан Бахнинг асарлари манзур бўлар экан. Тажриба ўтказилганда симфоник муסיқа сигир сутини 5-10 фоизга кўпайтиргани, замонавий суронли оҳанглар эса, аксинча, сутни камайтириб юборгани аниқланган.

Буни қарангки, ўсимликлар ҳам муסיқага бефарқ эмас экан. Канадалик мутахассислар хулосасига кўра, Бах сонаталари ўсимликлар ҳосилдорлигини кўтара олади. Америкалик бир миришкор эса муסיқа эшиттириб, ажойиб тароватга эга ва бақувват гулларни етиштирган, унинг ҳар бир туп атиргули 65 тагача ғунчалаган. Ошқовоқ - эркаклар хонишини, сули - аёллар овозини хуш кўриши, зиғирнинг эса най наволарига мойиллиги кузатилган. Гершвин муסיқаси макканинг ўсишини тезлатибгина қолмай, донининг вазнини 42 фоизгача кўтариши мумкин экан. Муסיқа остида ривожланган помидор кўчати 4,5 метргача ўсгани ва 835 дона мева бергани, ҳар дона «меломан» картошкасининг узунлиги 15 сантиметргача, вазни 400 граммгача етгани фанда маълум. Англаганингиздек муסיқанинг нафақат биз инсонларга балки барча жонзот, ўсимликларга фойдаси катта экан. Ҳаёт бир мўжиза ундаги барча нарсалар ҳатто майда заррачаларнинг ҳам ўрни бор. Санъатнинг гўзал турларидан муסיқа ва рақс ҳаётимизни янада гўзаллаштириб турибди.

Энг асосийси, санъатнинг қайси тури бўлмасин, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат, туйғуларни шакллантиради ва мустаҳкамлайди. Шунингдек санъаткорлар, масалан муסיқачи, рассом, раққоса каби касб эгаларидан асло ёмонлик чиқмайди, бу дунёдаги ҳар бир инсон ўзининг хоҳиш истакларидан келиб чиқиб бирон-бир санъат тури билан шуғулланса, шунда балки, ҳаётимизда рўй бераётган баъзи хунрезликлар қайсидир маънода барҳам топарди. Чунки гўзаллик дунёни қутқаради. Гўзалликни эса санъат яратади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. –Тошкент, 2001.
2. Каримова Розия. Тановар. –Тошкент, 1993.
3. Файзиев О. Ўзбек муסיқа тарихи. –Тошкент, 2013.
4. <https://kitobxon.com./o'zbek-musiqasi>.
5. Абдуллаев Р.С. Ўзбек мумтоз муסיқаси. –Тошкент, 2008.

РАБОТА ОПЕРАТОРА НАД ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫМ РЕШЕНИЕМ ФИЛЬМА

FİLMİN GÖRSEL ÇÖZÜMÜNDE OPERATÖRÜN ÇALIŞMASI

*Adilov Anvar Corayevič,
Özbekistan Devlet Sanat ve Kültür
Enstitüsü öğretim üyesi*

*Адылов Анвар Джураевич,
преподаватель, Государственный институт
искусств и культуры Узбекистана*

Аннотация. В статье рассматривается особое значение профессии кинооператора в процессе работы над фильмом.

Ключевые слова: кино, жанр, картина, цветаизображения композиция, кинематограф.

Annotation. The article deals with the special significance of the profession of a cameraman in the process of working on a film.

Key words: film, genre, picture, color composition, cinema

Кино - искусство зрелищное, пластическое, и изображение является одним из главнейших компонентов в воплощении идейно-художественных задач. Специфика этого вида искусства предполагает особое значение профессии кинооператора, роль которого в процессе работы над фильмом трудно переоценить. Сценарий находит своё воплощение в зримых образах не только в творчестве режиссера, художника, актёров, но и оператора. Оператор непременно участвует в подготовке режиссёра к съёмке фильма.

Он вместе с ним и художником выбирает натуру, обсуждает декорации, эскизы с позиции, конечно, своего искусства, своего участия в фильме. Оператор, как и все ведущие работники кино, должен обладать широкой эрудицией, знанием всех тонкостей своей профессии, знанием работы всей съёмочной группы. Особенно это касается работы режиссёра и художника.

Художник первым ищет и предлагает изобразительный стиль, колорит будущего фильма. Режиссёр и оператор могут соглашаться или не соглашаться с этим предложением, но в любом случае, так или иначе, оно находит своё отражение в фильме. Не было ещё такого случая, чтобы предложенное художником совершенно отрицалось режиссёром и оператором. Оператор должен, между тем, в деталях знать замысел режиссёра, его видение будущего фильма, чтобы реализовать его. Вот почему частенько на съёмках за киноаппаратом можно увидеть не только оператора, но и режиссёра, который хочет убедиться в правильности своего

выбора точки съёмки или композиции кадра.

Поиски пластической, зрительной выразительности начались еще в эпоху немого кино, в те годы, когда кинематограф только-только осознавал себя, свои возможности, нащупывал будущие пути. Операторы учились передавать красоту и изменчивость природы, подмечать и выявлять характерное в облике человека, давать образную трактовку жизненным явлениям. Они творчески использовали изобразительные возможности кино. Они вели прямую документальную съемку событий и явлений действительности, были зачинателями хроникально-документальной кинематографии, авторами очерковых и видовых фильмов, а также документальных сюжетов, из которых формировалась кинопериодика. Операторское искусство формировалось самой практикой.

Французский кинокритик Ж.Садуль вспоминая о первых фильмах, созданных в немом периоде, пишет, «...просматривая фильмы Люмьера сегодня, мы обязаны высказать свое уважение художественному вкусу и мастерству этого первого кинематографиста. Люмьер выбирает сюжеты, демонстрирующие изобразительные возможности нового искусства...» (Ж.Садуль книга собрание сочинений).

В первые десятилетия существования кинематографа операторская профессия не считалась профессией творческой. Отношение к оператору как к техническому исполнителю сохранялось еще долгое время во многих зарубежных странах. Русское кино с самого начала заявило принципиально новый подход. Операторы стали, по выражению С.Эйзенштейна, «свободными членами союза одинаково творческих индивидуальностей».

Постепенно, появились новые тенденции в операторском искусстве. Подвижная, чуткая камера С.Урусевского, тонкая светопись В.Юсова, графика Л.Пааташвили, темпераментная живопись М.Плихиной изменили привычные формы экранного изображения. Оно стало свободнее и динамичнее в своих композициях, подвижнее в мизансценах, богаче и тоньше в свето- и цветопередаче. Очень быстро у этих мастеров появились эпигоны. Движущаяся камера, острый ракурсный план, бросающая живописность становились модой.

Новаторские открытия, сделанные в одной стране её кинематографистами, становятся достоянием всех кинематографий мира. Вспомним «кружащиеся берёзы» в эпизоде смерти Бориса из фильма М.Калатозова и оператора С.Урусевского «Летят журавли». Это было великое откровение. Так ясно, чётко передавали они мелькающие в сознании умирающего человека мысли - видения. И эти кадры стали достоянием режиссёров и операторов разных стран мира.

В триумфальном успехе фильмов «Броненосец «Потемкин», «Мать», «Земля», «Окраина», «Мы из Кронштадта» большая заслуга принадлежит тоже операторам. Тогда впервые на весь мир наравне с именами кинорежиссеров С.Эйзенштейна, В.Пудовкина, А.Довженко прозвучали

имена Э.Тиссэ, А.Головни, Д.Демуцкого, А.Москвина, В.Нильсена, П.Наумова-Стража, впервые по достоинству оценено творчество кинооператора.

Мы нередко говорили «манера Москвина», «манера Волчека», «манера Урусевского», тем самым, утверждая авторство оператора. Признание самостоятельности и самобытности подхода оператора к изобразительной трактовке действительности ни в коей мере не противоречит природе операторской профессии, сущностью которой является воплощение в зрительных образах сценарно-режиссерского замысла. И несмотря на то, что оператору приходится работать с разными режиссерами и авторами, с разным драматургическим материалом и в различных жанрах, подлинные мастера всегда отличались самостоятельностью и своеобразием художественной манеры. Так, «почерк» А.Москвина, В.Волчека, Ю.Екельчика, М.Кириллова, Д.Фельдмана, В.Горданова не спутаешь с работами других мастеров. Квалифицированному, опытному зрителю достаточно увидеть несколько кадров картины, чтобы определить, кем она была снята.

Творчество больших мастеров операторской профессии оказывает мощное плодотворное влияние на молодых не суммой технических приемов, которые, можно умело и к месту скопировать, а своеобразием мироощущений, дающим толчок поиску собственного индивидуального стиля, своего почерка. Так, яркий талант Сергея Урусевского дал движение целому направлению в операторском искусстве, объединившему людей очень непохожих ни друг на друга, ни на вдохновившего их на поиск художника.

Кинооператорам, как авторам киноизображения, ближе всего язык живописи, поскольку мы, решая эмоциональные задачи, характеристику образов, оперируем пространственной композицией, цветом и светотенью, фактурой, объемом и плоскостью, линейной и воздушной перспективой. Однако изобразительный язык кино не тождественен языку живописи, он является своеобразным ответвлением, новым развитием, направлением, ворвавшимся в область движения, недоступную живописи.

Свойства киноизображения включают динамику колорита, динамику светотени, динамику объемов и пространственных перемен и перемещений, перемены точки зрения, смены монтажных планов и изменений оптики (переменная оптика, оптическая деформация и т.д.). Словом, содержит в себе динамику всех изобразительных элементов в союзе с динамикой и красками смежных искусств – музыки, актерского мастерства, режиссерских приемов, где нередко именно операторское искусство придает образам окончательное завершение и заострение.

Один из самых первых кинооператоров, который хорошо известен в нашей стране и за рубежом как замечательный художник, подлинный революционер советского киноискусства, корифей кинооператорского мастерства, творческое наследие которого стало классикой, является Эдуард Казимирович Тиссэ.

Э.Тиссе в фильме «Стачка» работал с неукротимой жадой творческих поисков, в попытке раскрыть все «тайны» кино, все его возможности. В итоге, публика была покорена эмоциональной выразительностью фильма, кинематографисты были изумлены творческими открытиями. Впечатляли поиски средств передачи подлинной жизни, отказ от плоскостных одноплановых композиций, использование развернутых глубинных построений кадра. «Стачка» для своего времени явилась произведением новаторским не только в области режиссуры, но и операторского мастерства.

«Броненосец «Потемкин» был первым советским фильмом, который восторженно приняли за рубежом: в 1926 году на Выставке искусств в Париже ему была присуждена большая золотая медаль. Лучшим фильмом в мире был признан «Броненосец «Потемкин» и спустя более тридцати лет, в 1958 году, в результате закрытого голосования, проведенного среди кинокритиков и киноведов на Всемирной выставке в Брюсселе.

«Броненосец «Потемкин» явился концентрацией поисков Э.Тиссэ новых возможностей киноизобразительности. «До «Броненосца «Потемкин», – писал профессор А. Головня, – мировом искусстве вряд ли кто понимал, что в лице оператора рождается новый художник нового изобразительного искусства».

В 1926 году на экраны вышел фильм «Мать», прославивший имена двух молодых людей - режиссера В. Пудовкина и оператора А.Головни. В возрасте двадцати шести лет Анатолий Головня стал уже признанным мастером, одним из тех, кто вместе с Э.Тиссэ, А.Москвиным, Д.Демуцким закладывал основы советской кинооператорской школы.

В фильмах Пудовкина - Головни немого периода - в «Матери», «Конце Санкт-Петербурга», «Потомке Чингисхана», - несмотря на историзм сюжетов, отчетливо прослушивается пульс времени кипучей и боевой эпохи 20-х годов. В них всегда присутствует особый воздух тех лет - неповторимый и живительный, в них смелость поиска, убежденность, страстное желание внести новое, индивидуальное.

В фильмах Пудовкина - Головни выбрано точнейшее соотношение житейской достоверности, удивительного бытового правдоподобия с откровенной и открытой символикой образной структуры. «...Типы переданы с необычайно увлекательной жизненной правдивостью. Кажется, что люди не играют, они переживают свою судьбу», - писал критик немецкой газеты «Лихтбильдбюне» сразу после показа фильма «Мать» в Берлине в феврале 1928 года.

С первых же кадров «Юности Максима», изображающих встречу нового, 1910 года, мы словно переносимся в кинематограф середины 20-х годов, в эпоху «Нового Вавилона» и «СВД»: на размытых, экспрессивных, колышущихся фонах — тройки с цыганами и подгулявшими купчиками

мчатся по ночным улицам... Так Москвин прощался со своей творческой молодостью, со своими увлечениями.

Лирическая образность Москвина сохраняет самые высокие светопластические качества.

...Черный мрачный цех. Яркие лучи весеннего, радостного света, проникшие в эту враждебную человеку коробку, в среду пара и дыма, освещают труп человека, накрытого рогожей, - все, что осталось от совсем еще недавно живого, веселого рабочего парня...

Мастерство Москвина как кинематографического портретиста в «Грозном» достигло своего совершенства. Он как бы играет вместе с актерами, выявляя то, что невозможно передать иным способом, кроме изображения. Оператор широко разрабатывает методику «драматического» освещения лиц актеров в заданной сюжетно-психологической ситуации. Прежде чем снимать, даже прежде чем ставить систему освещения, нужно было филигранно точно рассчитать, как и где расположить в кадре на лице актера световое пятнышко, блик либо тень. Годы работы до «Грозного» не прошли бесследно. Самым интересным здесь является динамика освещения, которая меняет выражение лица актера в одном и том же кадре. Экранные портреты Грозного, Малюты, Басмановых, Курбского бесконечно разнообразны.

И сегодня работа оператора в этом фильме вызывает не только профессиональное восхищение, но во многих своих деталях остается методически не разгаданной. До сих пор непостижимо, как же удалось так снять.

К прекрасным примерам можно отнести драматургическую изобразительную пластику лучшего узбекского черно-белого фильма «Тахир и Зухра» режиссера Н.Ганиева и оператора Д.Демуцкого, художника В.Еремяна. Великолепное понимание оператором драматургии и мастерское решение эпизодов и фильма в целом, а также слияние восприятия режиссера, оператора и художника привело к удачному решению фильма.

Можно привести несколько примеров. Первый пример: Встреча Тахира и Карабатыра с копиями. Оператор-постановщик, казалось бы, нецветного фильма, с помощью черно-белых тонов передает эмоциональное решение взаимоотношений героев фильма, полностью подчиняет изображение раскрытию драматургии, т.е. создает на экране изобразительный образ. Второй пример: фильм «Алишер Навои» режиссера К.Ярматова, оператора М.Краснянского.

Хусейн Байкаро, роль которого мастерски сыграл актер А.Исмаатов, узнает о трагическом убийстве внука в пьяном угаре. В эпизоде встречи Хусейна Байкаро с Алишером Навои, оператор, совместно с художником Еремянном, передает трагизм происшедшего через черные тона, обостряет драматургию через изображение. Это яркий пример мастерского решения эпизода оператором в фильме. Все эти фильмы сняты примерно в одной

изобразительной манере.

В стремлении к единому стилевому решению он использует яркое, жизнерадостное освещение, мягкий светотональный рисунок; подчеркивая воздушную перспективу, декоративность фона, не забывает о излюбленном принципе - акцентировке внимания на основном в кадре и фильме в целом. Тщательное изучение быта народа, памятников архитектуры, живописи, миниатюры, а также опыт работы в хронике - все это помогло Демуцкому создать на экране поэтический образ Востока.

Список литературы:

1. Исмаилов А. Кинотелеоператорское мастерство. –Ташкент, 2004.
2. Мелиқўзиев И.М. Кино-телеоператорлик маҳорати (бадий фотография шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари). Дарслик. –Тошкент, 2017.
3. Дыко Л.П. Основы композиции в фотографии. –Москва, 1989.
4. Исмаилов А.И. Живопис со светом в творчестве Витторио Сторраро. Ўқув қўлланма. –Ташкент, 2005.

ЎЗБЕК КЛИПЛАРИДА ТАСВИРИЙ ЕЧИМ МУАММОЛАРИ

ÖZBEK KLİPLERİNDE GÖRSEL ÇÖZÜM SORUNLARI

*Anvar Adilov,
Özbekistan Devlet Sanat ve Kültür
Enstitüsü Öğretmeni*

*Анвар Адиллов,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият
институтини ўқитувчиси*

Аннотация: Мазкур мақола ўзбек клипларида операторлик иши, маҳорати, фан-техника имкониятлари билан бадиий ижоднинг ўзаро уйғунлашуви принципларидан келиб чиққан ҳолда, республикамизда яратилаётган клипларининг миллий эстрада санъатимиздаги ўрни ва аҳамиятини холисона таҳлил қилиш, тасвирий тушунчасининг, ўрни услубининг ўзига хослиги ҳусусида.

Калит сўзлар: Кинооператор, режиссёр, матн, фотография, бадиий образ, нур-соя, ракурс, постановка, ранг-тасвир, композиция, услуб.

Юртимизнинг бугунги тараққиётида маданият, санъат, фан-таълим соҳаларини ажодларимизнинг маънавий-ижодий меросига таянган ҳолда янги давр, янги дунёқараш нуқтаи-назаридан ривожлантириш ва чуқур ислоҳотларни амалга ошириш катта аҳамиятга эга.

Давлатимиз ривожланиш палласига кирган бугунги кунда фарзандларимизни юқори маданиятли, юксак салоҳиятли қилиб тарбиялаш жуда муҳим бўлиб, бунда барча санъат турларининг ўрни беқиёсдир. Улар билан боғлиқ ислоҳотлар амалиётини изчил давом эттириш, уни янада такомиллаштириш, жаҳон халқлари тажрибаси ва ютуқларини ҳисобга олган ҳолда бойитиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир мамлакат жаҳон айвонида ўз ўрнига эга бўлишида санъат катта аҳамиятга моликдир. Юртни ҳеч бир нарса спорт ва санъатчилик дунёга тез танита олмаслиги маъносидаги тавсифлар бежиз айтилмаган. Дарҳақиқат, ҳар иккиси инсонни бевосита ички дунёси, қалби билан боғлиқ тушунчалардир. Санъат инсоният эътиқодини бут, иймонини мустаҳкам қилувчи, қаноат, руҳий осойишталик улашувчи қалб кўзгусидир. Бу куч орқали инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказиш мумкин. Шундай экан, санъатнинг ҳар бир тури кишиларни маънан поклайди.

Ўзбек санъати азал-азалдан нафақат Шарқ, балки, бутун жаҳон санъатида ўзининг бетакрор намуналари билан юксак эътирофга сазовор

бўлган. Айниқса, санъатнинг қўшиқчилик соҳасисиз кундалик ҳаётимизни тасаввур этиш жуда мушкул. Чунки, яхши қўшиқ кишига руҳий энгиллик бахш этади, ташқи дунёга эстетик муносабатда бўлишни шакллантиради, қолаверса, тарбиявий жиҳатдан таъсир этиш хусусиятига ҳам эга.

Ўзбек миллий санъати тарихида шундай буюк инсонлар ўтган-ки, улар куйлаганда юракларга алла қандай ором кирган, халқ уларнинг қўшиқларини жон қулоғи билан тинглаган. Мулла Туйчи Муҳаммедов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Орифхон Хотамов, Фахриддин Умаров сингари уста халқ ҳофизлари шулар жумласидандир. Айнан мана шу шу инсонларнинг машаққатли меҳнатлари, юксак иқтидорлари туфайли миллий қўшиқчилик санъатимиз ўзининг энг юқори чўққисига кўтарилган.

Буюк аллома Сайфи Саройи ўзининг “Васф ул-шуаро” асарида шоирларни мажозий маънода уч турга бўлиб, уларни булбул, тўти ва зоғга қиёслади. Агар биз ҳам санъаткорларга нисбатан ҳам худди шундай қиёслов белгилайдиган булсак, уларга булбул, какку, чумчуқ дея таъриф берамиз ва юқорида номларини зикр этиб ўтган устоз санъаткорларимизни ҳеч иккиланмай биринчи тоифа вакиллари, яъни булбуллар деб айта оламиз. Масалан, Таваккл Қодиров ижросидаги “Райҳон”, Фахриддин Умаров ижросидаги “Эй муҳаббат”, Ҳалима Носирова ижросидаги “Чаман ичра” сингари қўшиқлар ҳамон ўлмас наволар сифатида баҳоланиб келинмоқда. Бироқ, бугунги кунда миллий қўшиқчилик санъатимизнинг эстрада йўналишида ижод қилаётган шундай қўшиқчилар пайдо бўлган-ки, уларнинг ижоди борасида гап кетганда уларга нисбатан “ҳофиз”, “хонанда” сингари атамаларни қўллашга бироз иккиланиб қоласан киши.

Уларни юқорида келтирилган тоифаларнинг учинчиси, яъни чумчуққа қиёслаш тўғрироқ бўларди. Негаки, чумчуқ қанчалик ”чиройли куйлаяпман”- деб мақтанмасин, барибир уни булбул деб айта олмаймиз. Қолаверса, чумчуқларнинг сайраши жуда тез инсонлар медалига тегади. Биз бекорга бу гапларни таъкидлаётганимиз йуқ. Сабаби, сўнги йилларда эстрада йўналишида ижод қилаётган, одамларнинг руҳиятига, маънавиятига эмас, оний кайфиятларига, сезгиларига таъсир қилиш билан қониқиш ҳосил қилаётган ёки ўз нафсонияти йўлида жон олиб, жон бераётган қўшиқчиларимизнинг энгил-елпи оҳ-воҳлари ҳам айнан мана шу чумчуқларнинг сайрашини эслатади. Бундай қўшиқлар тингловчиларнинг ғашига тегади ва жуда қисқа фурсатларда унитилиб кетади. Боиси, уларнинг на матни ва на куйида маъно бор (Мелиқўзиев, 2017: 12-20).

Ижрога-ку умуман тўхталмаса ҳам бўлаверади. Биз бу гаплар билан ўзбек замонавий миллий қўшиқчилик санъатини ерга уриш ва ёки унинг устидан қора чизиклар тортиш ниятида эмасмиз. Аммо минг афсуски, соҳанинг бугунги ҳолатига ачинмасдан иложимиз йуқ.

Барчамизга маълумки, томошабин қўшиқчига эргашади ва ўзгача нигоҳ билан қарайди. Айнан қўшиқчилик санъатидаги клипларга эътибор

берайлик. Ҳозирда қўшиқларга олинаётган аксарият клипларни кузатар эканмиз, тасвирий ечимдаги нўноқликнинг, матндаги саёзликларнинг гувоҳи бўламиз.

Клип сўзи бизга мусиқавий клип билан бирга кичик видеопарча орқали кириб келди. Бу сўз инглизчадан олинган бўлиб, “парча”, “қисм” деган маънони англатади. Фильм фрагментларини ижодкор эркин тарзда талқин этиши мумкин, лекин бир-бирига боғлиқ бўлган нарсаларни кўздан қочирмаслиги керак, яъни вертуал ва реал ҳаётни ҳисобга олиши шарт. Маъносиз, саёз, мукаммал ишланмаган, бадийлик даражаси паст клиплар инсон онгини заҳарлайди.

Сўнги йилларда ўзбек санъатида қўшиқларни мусиқий клипсиз тасаввур қилиш бироз қийин. Мусиқий эстрадада кўплаб клиплар мавжуд. Қуйида улардан бирини таҳлилга тортамиз. Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг “Мендирман ўша” қўшиғига ишланган клип тасвирий ечимга эга бўлган асарлардан биридир.

Клип мазмуни қуйдагича: Халқимзнинг жасур фарзанди Жалолиддин Мангубердиннинг мўғил босқинчиларига кўрсатган жасорати ҳақида. Клип ижодкорлари ўша давр мухитини ишонарли даражада яратганлар. Оператор Рустам Муродов қаҳрамонлар портретини ёритаркан нур ва соя ўйинлари орқали ҳамда ёруғлик филтрларидан маҳорат билан фойдаланиб тасвир орқали томошабинга эмоционал таъсир кўрсата олган. Гўзал юртимизнинг сўлим табиатини тасвирга олишда тўғри танланган объектив ҳамда тасвирга олиш нуқтаси (яъни ракурс) аниқ танланганлиги албатта ижодкорнинг профессионализм сифатини намоён этади. Клипда оммавий жанг саҳналарини тасвирга олишда махсус ва мураккаб тасвирга олиш усулларининг энг замонавий компьютер технологиясидан фойдаланилган. Отлиқ аскарлар сони компьютер графикаси ёрдамида кўпайтирилган ва бу иш юқори сифатда ишонарли амалга оширилган. Клипнинг эътирофга сазоворлик жиҳати шундаки режиссёр, оператор, рассом, грим ва либос усталари бир мақсад учун қўшиқнинг ғоясига таянган ҳолда ягона бир натижа учун ижод қилганликларидир. Клип ниҳоясида кенг майдонда мустақил ўзбекистоннинг замонавий армиясининг кўриниши шу юртда яшаётган ҳар бир инсон юрагида ғурур ва ифтихор туйғуларини туяди.

Бугунги кунда тасвирга олинган клипларда тасвирий ечим ва матнлар номуносиблигини кўриб беихтиёр клипмейкер, операторлар қаерга қараётган экан деган савол туғилади. Айни кунда деярли барча қўшиқлар клипларида гўзал қизлар, уларнинг экзотик қарашларини бот-бот кўрамиз.

Ваҳоланки, қўшиқ матни айрилиқ, дард-алам ёки бошқа мавзуларни акс эттириб турганда, экранда ғарбона либосдаги қизлар, европача нигоҳлар тасвирланади. Санъаткорлар ўз иқтидорига ишонмаганликлари учун гўзал қизлар орқали томошабинлар эътиборини тортишга ҳаракат қилаётгандек туюлади. Бу борада оператор маҳорати катта аҳамиятга эга (Мелиқўзиев, 2017: 155-206)

Хонанда О.Муталхўжаевнинг “Роббим менга ёр ато эт” кўшиғига олинган клипга эътибор берайлик.

Кўшиқ сўзлари куйдагича:

*Тангрим менга ёр ато эт,
Кўзларимга қувонч тўлсин.
Латофати дилга ором,
Вафосига ишонч бўлсин.*

Шундай мазмун ифодаланган кўшиқ клипида эса ярим яланғоч кийимдаг қих хонанда йигит билан кўшиқ якунига қадар қўл ушлашиб сайр қилишиб юради. Демак йигитга Шарқ аёлларига хос бўлмаган кийимдаги қиз – ёр керак экан-да, деган ўйга толади киши. Бундай кийимдаги қизнинг вафосига ким ишонч билдира олади? Бундан ташқари кўшиқда хонанда тангридан ёр сўраяти. Аммо клипда О.Муталхўжаев қизнинг қўлидан тутиб, аллақачон ўз ёрига айлантиргандек айланиб юрибди. Клипда тасвирий ечим ва матн номутаносиблигини юқоридаги ўринлар исботлаб турибди.

Шоир шеърларини турли тўплам ёки хрестоматияларга киритилиши эса махсус матний тадқиқ этилганини эмас, балки халқ талабини қондириш учун қилинган уринишлар эканини кўрсатар эди. Адабиётшунос Марям Раҳматуллаева Навоий лирик асарлари нашрлари ҳақида шундай ёзади: “Улар турли хрестоматия ва антологияларда 1941, 1948, 1959-йиллари, алоҳида тўпламларда 1940, 1948, 1963, 1965-йиллари ва академик нашрда 1959, 1960-йиллари чоп этилган” (Навоий, 1988).

Навоийнинг шоҳ асари бўлмиш “Ҳазойину-л-маоний”даги шеърлар, аниқроғи, девоннинг тўртдан бир қисмигина 1959-йилга қадар терма девон шаклида атиги икки мартагина нашр этилган бўлиб, ана шу вақтга қадар эса тошбосма шаклларда, асосан, терма девон кўринишида араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида бир неча марта қайта-қайта турли ноширлар томонидан чоп этиб борилган. Проф. Ҳамид Сулаймоннинг келтирган маълумотига кўра, ушбу нашрларда девондаги шеърларнинг тўртдан бир қисмигина нашр этилган, холос (А.Навоий, 1959). Натижада, китобхонларга Навоий яратган ўзбек тилидаги 3132 шеърдан 736 тасигина маълум бўлиб қолган. 2396 таси эса ҳатто 60-йилларгача кўпчилик адабиётшуносларга ҳам маълум бўлмаган.

Собиқ империя адабиётшунослигида ижодкорларни, хусусан, Навоий ижодини ўрганишда ғоявий ажратиш ҳодисаси юз берди. Бу даврда асарларнинг нашри учун уч жиҳат муҳим ҳисобланган: *1. Ижтимоий гуруҳ манфаатлари ҳимояси; 2. Партиявийлик; 3. Халқчиллик (халқона тил, руҳ).*

Ҳ.Сулаймоннинг Навоий лирикасини текстологик ўрганиб, уни нашр эттиргунига қадар чиқарилган “Чор Девон” ва “Девон” номи остидаги терма девон шаклидаги ҳар 2 нашр ҳақида ҳам бундай фикрни айтиш мумкин (Əlişer Navoij, 1940; Мирзаев, Каримов, 1948).

Юқоридаги фикрлар исботини Уйғун ва С.Абдулла томонидан нашр этилган “Чор Девон” мисолида кўриш мумкин. Ушбу нашрда қуйидаги принциплар асос вазифасини бажарди (Əlişer Navoij, 1940: 27):

1. Сиёсий ёндашув. Нашр этилаётган шеърлар, албатта, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши, унда ҳукмрон табақалар, жумладан, подшоҳлар, диндорлар, оддий аҳолига зулм этувчи жамики унсурлар танқид қилиниши ёинки талқин этиш мумкин бўлиши лозим эди;

2. Бадиий мукамаллик. Бадиий воситаларнинг кўзга яққол ташланиб туриши, илм аҳли ҳам, оддий китобхон ҳам ўзига маънавий озуқа олиши кўзда тутилган эди. Қолаверса, ушбу нашр халқнинг Навоий лирик мероси ҳақидаги умумий тафаккурини шакллантириш, бадиий ва эстетик тафаккурини юксалтиришни ҳам назарда тутарди;

3. Содда ва равон, халқона тилда эканлиги. Оддий халқ тушуниши, кўшиқ бўлиши, умуман олганда, оммалаштириш назарда тутилган эди;

4. Воқеабанд бўлиши. Воқеабанд шеърларга сиёсий, ижтимоий ғоя юклаш талқин жараёнида кўп қийинчилик туғдирмас эди;

5. *Вазнлараро ноўхшашлик.* Навоий лирикасининг шаклий жиҳати ҳам мукамаллиги, кўпвазнлилик устунлик қилиши, шоир маҳоратини кўрсатишдаги яна бир омил эди. Бу даврда Навоий арузи устида ҳеч қандай тадқиқот қилинмаган эди. Ушбу нашр кейинчалик С.Мирзаевнинг Навоий арузи устидаги йирик тадқиқотига туртки бўлиб хизмат қилди (Мирзаев, 1948);

б. *Жанрлараро ноўхшашлик.* Навоийнинг барча жанрда бирдек маҳорат эгаси эканлигини кўрсатиш ва шоирнинг буюк истеъдодини халққа танитиш назарда тутилган эди. Девонда ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мусамман, маснавий, соқийнома, рубоий, туюқ, қитъа – жами 10 та адабий жанр киритилган эди;

Навоий Юбелей Кометети қошидаги текстология комиссиясидан ўтган ушбу нашр Уйғун ва Собир Абдулла томонидан “Чор Девон” номи остида нашр этилган бўлса-да, Навоий замонидан бери “Чор Девон” номи билан машҳур бўлган “Хазойину-л-маоний” куллиётидаги девонлардан саралаб олинган тўплам эди. Ушбу нашр “Хазойину-л-маоний” танқидий тексти ва тўлиқ нашри яратилишидан қарийб 20 йил аввал нашр этилган бўлиб, куллиётнинг тўлиқ нашри учун дастлабки босқич вазифасини ўтади. Негаки, ҳаммуаллифлар ушбу нашрда Ҳамид Сулаймон томонидан кенг қўлланган ва ўзбек матншунослигимизда оммалашган солиштириш-таққослаш методидан биринчилардан бўлиб фойдаландилар ва амалий шаклда вужудга келган ўзбек матншунослигининг эмперик босқичини бошлаб бердилар.

Ушбу “Хазойину-л-маоний” девонининг эски лотин ёзувидаги дастлабки нашри ўзига хос илмий характерга эга. Жумладан: “Чор Девон”га киритилган шеърлар нашрини амалга оширишда “Хазойину-л-маоний”нинг бир нечта қўлёзма нусхалари ўзаро солиштирилиб, мақбул варианты танлаб олинган. Асос қилиб олинган қўлёзмаларнинг барчаси Беруний номидаги Қўлёзмалар институти фондидаги манбалар бўлиб, улар инв. № 67(XVI), № 1315(XVII), № 1486(XVII) рақамли қўлёзмалардир. Баъзи ғазалларгина Ҳиротда Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган нусха билан солиштирилган. Ушбу тўпламда ғазал, мустазод, мухаммас, мустазод, мусаддас, мусамман, маснавий, соқийнома, рубоий, туюқ, қитъа жанрларидаги шеърлар киритилган. Ушбу нашрда девондаги тушунилиши қийин сўзларнинг изоҳи саҳифа остида келтирилган бўлиб, унда “Ғиёсу-л-луғат”, “Луғати Чиғатойи”, Ягеллонинг “Форсча-арабча-русча тўла луғат”, “Мунтахаб”, “Ахтари кабир” каби луғатлардан фойдаланилган. Изоҳланаётган сўз қайси тилдан олингани келтирилган бўлиб, арабча сўзлар учун “Э”, Форсча сўзлар учун “Ф”, форсча-арабча сўзлар учун “ФЭ”, эски туркийча сўзлар учун “оз” қисқартмалари қўлланган. Ҳозирга қадар муҳокамаларга сабаб бўлиб келаётган Навоий куллиёти номи “Чор Девон” сўзбошисида “Хазойинулмаоний” тарзида ёзилиб, мазкур муаммога ўз давридаёқ ечим топиб берган.

Ушбу нашр ўз давридаёқ кўплаб илмий тадқиқотлар учун манба вазифасини бажарган. Кейинги илмий текширув ва тадқиқотларнинг аксарияти Навоий таваллудининг 525 ёки 550 йиллик юбелейи муносабати билан амалга оширилган. Бироқ ушбу нашр Жаҳон Уруши бўлаётган бир пайтда, катта матонат билан амалга оширилганини ҳам алоҳида эслатиб ўтиш лозим. Нашр муаллифлари сўзбошида Девонни матбаага тайёрлашда Бакий, Маҳжур шоир, Улфат шоирлар хизматлари борлигини айтиб ўтади (Navoiy, 1939: 28). Бундан кўринадики, асар кўпчиликнинг меҳнати билан чоп этилган.

Катта қийинчиликлар, замон нотинчликларига қарамасдан чоп этилган “Чор Девон” танқидий матн асосидаги нашргача яратилган илк алоҳида нашр бўлиб, унда матн тузиш ва нашр этиш билан боғлиқ бир қатор принциплардан ўринли фойдаланилган, араб ва форс тилидан ўзлашган сўзларни ёзишда эса махсус луғатларга таянилган.

Мухтасар айтганда, ушбу нашр ҳам текстологик тадқиқ этиш, ҳам нашр этиш тамойилларидан тенг фойдаланилганлиги билан аҳамиятлидир. Қолаверса, “Чор Девон” номи остида чиқарилган Навоий куллиётидан саралаб олинган шеърлар ҳар бир даврда, ҳар қандай замонда Навоий ижоди севиб ўқилгани, унга бўлган талабнинг юқори бўлганини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сулаймон Ҳ. “Хазойинул-маоний” текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. Хазойинул-маоний. Ғаройибус-сиғар. Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1959.

2. Навоий А. Топмадим (тузувчи М.Раҳматуллаева). –Тошкент, 1988.

3. Навоий А. Хазойинул-маоний. Ғаройибус-сиғар (нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймон). –Тошкент: Ўзбекистон ССР ФА нашриёти, 1959.

4. Navoiy Ə. CAR DEVAN (Basmaga tajarlavçilar Ujqun va Saʼir Abdulla). – Taşkent, 1940; Навоий, Девон, нашрга тайёрловчилар: Содиқ Мирзаев ва Ғ.К.Каримов. – Тошкент, 1948.

5. Navoiy Ə. CAR DEVAN (Basmaga tajarlavçilar Ujqun va Saʼir Abdulla). – Taşkent, 1940.

6. Мирзаев С. Навоийи арузи. (ЎзФА Шарқшунослик институти кутубхонаси, қўлёзма № 48). –Тошкент, 1948.

7. Navoiy Ə. CAR DEVAN (Basmaga tajarlavçilar Ujqun va Saʼir Abdulla), Taşkent, 1939.

УВАЙСИЙ ИЖОДИГА ЯНГИЧА НАЗАР

ÜVEYSİ ESERLERİNİN YENİDEN DEĞERLENDİRİLMESİ

*Nasima Kadirova,
Buhara Devlet Üniversitesi
Doktora öğrencisi (Özbekistan)*

*Насима Қодирова,
Бухоро давлат университети
таянч докторанти (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мақолада адабиётшунос Иброҳим Ҳақуловнинг Увайсий шеъриятига бағишланган тадқиқоти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Увайсий, шоира, лирика, шеър, бадий санъатлар, субъектив кечинмалар

Annotation. In the article literary critic Ibrokhim Hakkul's research on the poetry of Uvaysi is analyzed.

Key words: Uvaysi, poetess, poetry, poem, artistic styles, subjective feelings.

Иброҳим Ҳаққуловнинг истеъдодли ўзбек шоираси Жаҳон отин Увайсий таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб яратилган “Увайсий шеърияти” рисоласи мумтоз адабиётшуносликда, шоира ижодини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутди. Тўғри, шоира ижодини ўрганиш, олимнинг ўзи таъкидлаганидек, анча вақтлардан бери давом этиб келмоқда. Бу соҳада Чўлпон, Т.Жалолов, А.Қаюмов, Ҳ.Раззоқов, Э.Иброҳимова каби олимларнинг тадқиқотлари мавжудлигини таъкидлаб, уларга таянган ҳолда шоира шеъриятининг янги қирраларини очишга ҳаракат қилади.

Адабиётшунос олим шоира шеъриятига, ижодига самимий бир муҳаббат, юксак эҳтиром билан қарайдики, бу унинг қуйидаги мулоҳазаларида яққол намоён бўлади. Увайсий “шеър билан кўнглини бўшатган, шеър билан муносабатини билдирган, шеър билан ўзлигини ахтарган шоира. Шунинг учун унинг шахси, субъектив кечинмалари, руҳиятидаги оғир ва изтироблар лирикасида қонуний шаклларда аксини топган. Увайсийнинг кўнгли – сўз гулшани. Унинг изтиробли руҳига сўз – тилимиздаги кўпдан-кўп сўзлар сирдош, ундош яшаган” (Ҳаққулов, 1982:5).

Олим рисолада дастлаб шоира лирикаси озиқ олган илдизларга назар ташлайди. Увайсий шеърияти – шакл, мазмун, образ ва тасвир йўллари билан унганча яратилган Шарқ адабиёти анъаналарига қаттиқ таянган, ривожланиш йўллари шу адабий заминдан келиб чиққан шеърият деб ҳисоблайди. Ҳақли равишда фикрларини исботлаб, Ҳофиз Шерозий, Мирзо Бедил сингари форс-тожик шоирлари, Муҳаммад Фузулий ғазалиёти,

Алишер Навоий даҳосининг таъсирлари ҳақида сўзлайди. Шоиранинг “Ёзма туморингни умр, эй гул керакмазми санго” мисраси билан бошланувчи ғазали Фузулийнинг “Ғамзасин севдинг кўнгул, жонинг керакмазми сенго” мисраси билан бошланувчи ғазалига ҳамоҳанглигини таъкидлайди. “Топмадим излаб бу олам аҳлидин бир дардманд”. Шоиранинг ушбу ҳасратли сўзлари Навоийнинг “Топмадим” радифли ғазалида ифодаланган етакчи маънога ниҳоятда уйғунлигини ҳис этади.

И.Ҳаққулов шоира ижодиётида лирик йўналиш устунлигига диққат қаратиб, ғазалларининг “ғоявий-бадий таркиби тозалиги, бироқ бир қадар мураккаб ва ёлқинли” эканлигини, “севган кўнгилнинг тўлқинли туғёнлари”, шоиранинг сўз билан ишқий эҳтирослардан анвойи гуллар яратиши, инсон руҳининг рангдор сувратларини чизишини ҳассослик ва завқ билан кўрсатади.

Ки, булбул нола, аффон айламакни мандин ўрганди,

Вужудин шамъи сўзон айламакни мандин ўрганди

мисралари билан бошланувчи ғазалида муҳаббатга чақириқ, муҳаббатга сиғиниш, уни улуғлаш, улуғлигини шеърий образларда талқин этиш тамойили етакчилик қилишини кўрсатар экан, Увайсийни ошиқона ғазалнинг кўркама намуналарини яратган ижодкор сифатида улуғлайди, ғазалларидаги оҳанглар чиндан ҳам булбулни сеҳрлайдиган даражада ҳароратли ва таъсирчанлигидан завқланади, бу завқни самимият билан китобхон қалбига кўчиришга интилади.

Рисолада олим шеърият, шоирлик ҳақидаги ўз мулоҳазаларини ҳам келтирадики, бу асарнинг, биринчидан, ўқимишли бўлишини таъминласа, иккинчидан, китобхоннинг адабиёт, шеърият ҳақидаги билимларини тўлдиришга ёрдам беради, учинчидан, тадқиқотнинг илмий назарий қимматини оширади. Айниқса, адабиёт ҳақида, шеър ва шоирлик ҳақида жўшиб қалам тебратаётган И.Ҳаққулов сингари олимлар ижодида бу фазилат ёрқин кўзга ташланади. Олим ҳассос мулоҳазаларини бевосита Увайсий ва унинг шеъриятига ҳам тегишли деб ҳисоблайди.

Увайсийнинг орифона ғазалларини таҳлил қилишда олим қиёсий типологик усулдан маҳорат билан фойдаланади. “Маҳбуб ул-қулуб”даги қаноат зикри билан шоиранинг ибрат мазмуни билан суғорилган ғазалларини қиёслайди. Шу билан бирга шоиранинг автобиографик характердаги шеърларини ҳам таҳлилга тортади. “Автобиографик шеър – санъаткорнинг ўзи тўғрисидаги сўз. Сўзда ўзини акс эттириш, сўз орқали “мен”лигини тасдиқлаш санъати” дея мулоҳаза юритган олим бу йўналишдаги шеърлар таҳлилида тарихийлик тамойилига таянади. Ҳар бир шеърнинг дунёга келиши шоиранинг шахсий ҳаёти, атрофидаги воқеалар билан чамбарчас боғлиқлигини очиб беради.

И.Ҳаққулов шоира шеърларини композицион жиҳатдан ўрганиб, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очишга ҳаракат қилади. Шоира лирикасида учрайдиган туюқ, мурабба, мухаммас, мусаддас каби жанрлар

ҳақида изчил фикр юритади, шу билан бирга бадий санъатларни ҳам назардан қочирмайди. Хусусан, параллелизм усулидан фойдаланиш маҳоратини очиб беради.

Олим Увайсий дostonлари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, ўзидан олдин бу ҳақда тўхталган Т.Жалолов, Ойбек қарашларига баҳо беради, уларнинг дoston бадиияти тўғрисидаги қарашларига қарши чиқади. Бу хусусда фикр билдирган Э.Иброҳимовнинг дostonларга хос ғоявий-бадий фазилатларни тўғри илғоганини таъкидлайди.

Увайсий шеърятининг ўз даври ва ундан кейинги замон шоирлари ижодига ғоявий ва бадий жиҳатдан таъсир ўтказганлиги масаласига ҳам тўхталиб ўтар экан, олим Нодира, Махзуна, Анбар отин каби шоиралар шеърларига қиёслаб, маълум хулосалар чиқаради.

И.Ҳаққулов Увайсийни шоира сифатида халқ, айниқса, ўзбек аёлининг қайғу-ҳасратларини чуқур ҳис қилган, буюк бир дардкашлик билан уларни шеърга кўчиришга интилган шижоатли шахс деб билади. “Увайсийнинг шижоати дард чекиш қобилиятининг ниҳоятда юксаклигида. Унинг дарди – ишқ, инсоний муҳаббат. У ўзининг истеъдод ва маҳоратини ишқ азобларидан қалби қонга тўлган ошиқ кечинмаларининг тасвирини беришга бағишлади ва бу соҳада ғоявий томондан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам эътиборга лойиқ ижодий натижаларга эришди”, – деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, талантли шоира Жаҳон отин Увайсий шеърятининг таҳлил ва талқинига бағишланган ушбу мўъжаз рисола ижодкор ҳаёти ва ижодини ўрганиш соҳасига муҳим ҳисса бўлиб қўшила олди. Олимнинг “Унинг шеърятисиз ўзбек адабиётининг муҳим бир жойи бўш қолган бўлур эди. У шеърга ўтган кўнгул ҳарорати, шеър ҳаракати билан ўша бўшлиқни тўлдирди. Увайсий – дард фарзанди... Жаҳон отин Увайсийнинг ҳассос лирикаси – унинг мангу ҳайкали”, деган самимий мулоҳазалари йиллар ўтса-да, ўз оҳорини йўқотмайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ҳаққулов И. Увайсий шеърятини. –Тошкент: Фан, 1982.

АДАБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ МАТЕРИАЛИНИНГ ЎРНИ
EDEBİYAT ÖĞRETİMİNDE OKUMA METİNLERİNİN ÖNEMİ

*Mahfuza Toyçiyeva Umarkulovna,
 Özbekistan Pedagoji Bilimleri
 Araştırma Enstitüsünün araştırmacısı*

*Маҳфуза Тўйчиева Умарқуловна,
 Ўзбекистон педагогика фанлари илмий
 текшириш институти тадқиқотчиси*

Аннотация. Мақолада адабиёт дарсларида ўқув материали билан ишлашда ўспирин психологиясининг ўзига хос жиҳатларининг айрим жиҳатлари таҳлил қилиниб, машғулотларда адабий таълим мақсадидан келиб чиқиб улардан фойдаланиб, ҳисобга олган ҳолда муносабада бўлиш усуллари ёритилган

Калит сўзлар: ўспирин психологияси, бадиий матн, ўқув материали, ўқув жараёни, бадиий асар таҳлили.

Annotation. In this article the methods of attitude in correspondence with particular characteristics inherent in the psychology of youth in using the work materials at the literature classes in academic lyceums.

Key words: youth psychology, artistic text, study materials, study process, analysis of work of art.

Адабиёт ўқув фани сифатида мактабдаги бошқа дарслардан фарқли ўлароқ ўқувчида ҳиссий, интеллектуал, ижодий, руҳий-маънавий ва ахлоқий сифатларнинг шаклланиши ҳамда ривожланиб боришига, дунёқарашининг кенгайишига кўмаклашади. Адабиёт дарсларидаги ўқув материалларини ўрганиш жараёнида тарбияланувчида маънавий-эстетик дид шакллана боради. Ўқувчиларга билим бериш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш ҳамда тарбиялашга йўналтирилган педагогик жараён учун танланган, ёзма ёки оғзаки фаолиятга ундайдиган ҳар қандай дидактик восита ўқув материали сифатида кўрилади. Ўқув материали овозли, схемали, шартли белгилар, суратлар ва матнлардан иборат бўлиб қолмай, ўқитувчининг мимикаси, гап оҳангини ҳам қамраб олади. Ўқувчининг бевосита дарс жараёнида, дарсдан ташқаридаги мустақил фаолиятида ҳам ўқув материалга таянади. Ўқув материали бадиий матн кўринишида ҳам, битта ҳарф ёки сўз шаклида ҳам (масалан, “Алифбе” дарслиги материаллари) бўлиши мумкин. “Педагогик атамалар луғати”да ўқув материалга қуйидагича таъриф берилган: “Ўқув материали– дидактик материалнинг моддий ёхуд моддийлашган моделларида акс этади ҳамда

ўқув фаолиятида ишлатиш учун мўлжалланади” (Педагогик атамалар рўйхати, 2008:159) Таълим оловчиларнинг ўқув-билув ва ўқув-амалий фаолиятларини жадаллаштиришда кўмак берувчи таълим методларини танлаш нафақат таълим мақсадига, балки ўқув материали мазмунига ҳам боғлиқдир. Ҳамма гап ўқув материалдан қандай фойдаланишда. Мутахассисларнинг таъкидлашларича: “Ўқув материали оғзаки баён этилганда талабалар маълумотнинг 5 – 10%ини эслаб қоладилар. Ўқув адабиётларидан мустақил ўқиш маълумотнинг 10–15%ини, кўргазмали материаллар эса маълумотларнинг 20 – 25%ини ўзлаштиришга имкон беради. Амалий методлар энг самарали ҳисобланиб, талабалар онгида маълумотнинг 75%и сақланиб қолади. Лекин ўқув материалларини талабалар томонидан мустақил ўрганиш, амалий машғулотларни мустақил бажариш ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, яъни билимларнинг 90%и ўзлаштирилади ва бир қатор кўникмалар шаклланади” (Матмуротова, 2017: 39).

Адабий таълим самарадорлигига эришишда: ўқув материали + педагогик маҳорат + таълим методлари + ўқувчи ёши билан боғлиқ психологик хусусиятлар + мустақил ва ижодий ишлаш қобилияти + синфдаги ўқувчилар сони + таълим муҳити + вақт чегараси яхлит бир бутунликда муҳим аҳамият касб этади. Бу талабларнинг баъзилари асосий, етакчи омил саналиб, улар билан машғулот жараёнида маълум натижаларга эришиш кафолатланса, айримлари шу нтижаларнинг сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўқув материалнинг педагогик мақсадга мувофиқ бўлмаслиги моҳир ўқитувчи меҳнатини ҳам йўққа чиқариши мумкин. Жиддий ёндашилиб, ишлаб чиқилмаган ўқув материали Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ўқитувчи ва ўқувчи кучию меҳнатини “ўтин ёришга сарфлаган”дай таассурот қолдиради. Узлуксиз таълимнинг ҳар бир босқичи, ҳар бир машғулот учун тақдим этиладиган ўқув материалнинг сифатли бўлиши таълим-тарбия самарадорлигининг гаровидир. Чунки, “ўқув муаммоси ёки ўқув топшириғида акс этган ўқув муаммоси олдин ўрганилган билим, фаолият усули, орттирилган тажриба воситасида ҳал этилса, унда ўқувчи ўз тезаурус (ўқувчида у ёки бу ўқув предмети бўйича тўпланган билим, кўникма, малака ва ҳаётий тажрибалар мажмуи)идан керакли билим, фаолият усули воситасини излайди. Зарурият туғилганда керакли билим, фаолият усули, орттирилган тажрибани янги ўқув вазиятига татбиқ этиш ўзига хос жараён бўлиб, у болаларда танлай олиш лаёқатини ривожлантиради”.

Адабий таълимда асосий ўқув материали – дарслик мазмунидан ўрин олган бадий асар, матнлар мазмуни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар, назарий маълумотлар ва айрим шеваларда қўлланиладиган, тарихий ёки эскирган сўзлар изоҳини акс эттирувчи луғатлардан иборат бўлади. Бугунги кунда адабий асарларнинг аудио шакли ҳам тарқалган.

Уларнинг барчасида ёзилиш сифатини юқори деб бўлмаса-да, ўқув жараёни ранг-баранглигини таъминлашда фойдаланиш мумкин. Афсуски, бадиий асарлар мазмуни билан боғлиқ иллюстрациялар миллий тасвирий санъат тизимида ҳали кенг тарқалмаган.

Адабиёт ўсмирнинг руҳияти, ҳиссиётларини бойитиб, ўткирлаштириб, интеллектга ижобий таъсир ўтказди. Таълим-тарбиянинг асоси – эмоционал таъсир бўлиши, ўқувчи сезгилари орқали ўзлаштирилган янги билимлар унинг ёдида қолиши, осон тушунилиши мумкин. Жамиятда фақат билимли эмас, балки ўткир ҳиссиётли инсонлар ҳам қадрланиши лозимлигини таъкидлаган Л.С.Виготский: “ўқувчи келажакда қандай инсон бўлиб улғайиши хоҳланса, унинг шу жиҳатларига таъсир ўтказиб тарбиялаш лозим” (Виготский, 1991: 140), деб ҳисоблайди.

Масалан, мана шу ҳолатни Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” (Йўлдошев, 2017:127), Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” (Аҳмедов, 2015:75) асарларида бола руҳияти нозик ифодаланган асарларни ўрганиш жараёнида кузатиш мумкин. Ўқувчини асар воқеалари кулминацияга чиққан ўринлардан, масалан, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарида буғуни майдалаш чоғида бола кечинмаларининг ифодаланишида, маст ҳолда ётган бобосининг юзи, уни балиққа айланиш фикрига келишга туртки бўлган сабабларни ёки “Кичкина шаҳзода” асаридаги болакай учувчидан кўзичоқ расмини чизиб беришни сўраб, дастлаб бўғма илонни, ориқ кўзичоқни, шохи бор кўчқорни рад қилиб, қутича чизиб берганида учувчини лол қолдириб, “талабчан ҳакам гул-гул ёниб”, худди шунақаси кераклигини таъкидлаган ўринларга ўқувчи эътиборини тортиш, болалигини, ёдида қолган биринчи чизган сурати ёки катталарга тушунтириб бера олмаган (тўғрироғи катталар тушунмаган) вазиятлар юзасидан изоҳлаш жараёнига шахсий муносабатини ифодалаш ҳар доимгидан кўра қийинроқ кечади, муносабат билдириш асносида ўқувчи шахсияти яққолроқ очилади. Савол-топшириқлар матнга таянган ҳолда ўқувчини ўз фикрини, ўйларини айтишга ундайди. Шу билан бирга ўқувчи ёзувчининг тасвирни бериш, қаҳрамон руҳиятини кўрсатишдаги маҳоратини ҳам баҳолаб боради. Натижада ўқувчининг машғулотга қизиқиши ортади, унда эркин фикрлаш кўникмаси ва бадиий диди шакллана борди.

Энг муҳими, бадиий асарлар ўз мазмун-моҳияти билан шаклланиб келаётган шахс маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатиши учун битик матни юзасидан тақдим этиладиган савол ва топшириқлар ўқув материали сифатида шунга йўналтирадиган тарзда тузилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун тақдим этиладиган бадиий матнлардаги муҳимлар муаллифлар томонидан номуҳимлардан фарқланиши керак. Яъни бадиий асардаги ўқувчининг руҳиятидан ўтса унинг маънавиятига қаттиқ таъсир кўрсатадиган, ўзидан ижобий из қолдирадиган ўринларни ажрата билиш ва

уларни савол-топшириққа айлантириб шулар асосида тарбияланувчининг эътиборини муҳимга қаратиш лозим бўлади.

Адабий таълимда асосий эътибор ўқувчиларни маънавий-ахлоқий, руҳий камолот йўлида тарбиялашга қаратилар экан, боланинг интеллектуал имкониятлари даражаси, шахсига хос бўлган табиий хусусиятлари ва ёшига хос ривожланишини ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки бадий асарнинг инсон шахси ривожланиши ва шаклланишига таъсири маълум даражада унинг билимига ҳам боғлиқ бўлади. Билим борлиқни бадий ҳис этиш, бадий сўзнинг қудратини, тасвирий воситаларни тушуниш, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва юксак инсоний туйғуларни тарбиялаш билан ҳамоҳангдир. Билим эгаси бадий асардаги ёзувчи маҳоратини тушуниши, завқланиши мумкин. Лекин, авалло, болада бадий матнга қизиқиш уйғотиш лозим бўлади. Шунда ўқувчи дарсга жиддий ёндашади, натижада унда билим билан бирга маънавий сифатлар ҳам шакллана боради. Қизиқиш уйғотиш учун эса ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш шарт.

Адабиётлар рўйхати:

1. Педагогик атамалар рўйхати: –Тошкент: «Фан», 2008. 159-бет.
2. URL <https://moluch.ru/archive/158/44686/>. Матмуротова З. Таълим методларини танлаш. // Молодой ученый. - 2017. №24. 2. - С. 39–40.
- 3.//<https://korilkaurokov.ru/nachalniye>. Умуров З. Ўқув материали ва ўқув муаммолари таҳлили.
4. Выготский Л. С. Педагогическая психология. – Москва: Педагогика, 1991. - С. 140.
5. Йўлдошев Қ., Қосимов Б., Қодиров В., Йўлдошбеков Ж. Адабиёт. 7-синф учун дарслик-мажмуа. –Тошкент: Шарқ, 2017. 127-бет.
6. Аҳмедов С., Қосимов Б., Қўчқоров Р., Адабиёт. 5-синф учун дарслик. II қисм – Тошкент: “Шарқ”, 2015. 75-бет.

ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯСИ

DİL BİRİMLERİNİN ESTETİK GÖREVİ

*T.A. Butunbayeva
Semerkand Devlet Üniversitesi
Araştırmacı (Özbekistan)*

*Т.А. Бутунбаева,
Самарқанд давлат университети
тадқиқотчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мақолада таниқли ўзбек шоирлари Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзоларнинг айрим асарлари таҳлили берилган. Таҳлил орқали шоирлар қўллаган тасвир воситаларидан метафорадан қай даражада ўринли ва маҳоратли фойдаланганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: тасвир воситалари, имконият, она тили, метафора, бадиий матн, бадиий эстетик, ижодкор, образлилик.

Annotation. The article analyzes some works by well-known Uzbek poets Azam Uktam and Minhojiddin Mirzo. The analysis shows that the imagery used by the poets are metaphorically and competently used.

Key words: image tools, opportunity, mother tongue, metaphor, artistic text, artistic aesthetics, creativity, imagery.

Бадиий тасвир воситалари бадиий асарнинг таъсирчанлиги, поэтик мукамаллиги, ўқувчи, яъни адресат қалбига етиб боришини таъминловчи кўприқдир. Уларсиз бадиий асар қуруқ ва зерикарли бўлади. Ўқувчи ижодкор томонидан қаламга олинган воқеликни ёки ҳиссий кечинмаларни жонли, табиий тарзда ҳаётнинг бир парчаси сифатида қабул қилишни хоҳлайди. Шундай экан, ижодкорнинг маҳорати бадиий тасвир воситаларини қай даражада ишлата олишига ҳам боғлиқ бўлади.

Бадиий тилда энг кенг қўлланадиган услубий воситалардан бири метафорадир. Бадиий асарларда тасвирланаётган нарсани жонли тасвирлаш учун, ҳис-туйғу, кечинмаларни ифодалашда ёзувчи ва шоирлар бадиий тасвир ва ифода воситаларидан фойдаланадилар. Қуйида таниқли шоирлар Аъзам Ўктам ва Минҳожиддин Мирзо шеъриятида қўлланган услубий воситалардан бири метафора таҳлил қилинади.

Бадиий тилда энг кенг қўлланадиган услубий воситалардан бири метафорадир. Шунинг учун ҳам бадиий асар тадқиқига бағишланган ишларда метафорага кўп эътибор қаратилади. Хусусан, шеърятда образлиликни юзага чиқаришда, тасвирнинг аниқ, ишонarli ва ёрқин тасаввур уйғотишида метафоранинг ўрни беқиёсдир. Метафора нарса-буюм,

воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашликка асосланган маъно кўчиш тури бўлиб, лирик қаҳрамоннинг воқеликка муносабатини образли ифодалашга хизмат қилади.

Метафора орқали икки хил лингвистик ҳодиса юз беради:

- 1). Номсиз нарсани номлаш
- 2). Номли нарсага қайта ном бериш (иккинчи ном).

Номсиз нарсани номлаш зарурияти мавжуд сўзнинг янги семасини юзага чиқариши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса мавжуд бўлган ном сўзловчи нуқтаи назаридан айна нутқий шароитни таъминлай олмай қолганда юзага чиқади (Қобулжонова, 2000).

“Нутққа образлилик, экспрессив бўёқ бериш ниятида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, сўз ёки ибораларни кўчма маънода ишлатиш метафорадир” (Қўнғуров, 1992: 97).

М.Йўлдошев мазмуний жиҳатдан метафораларни 3 гуруҳга ажратади:

- 1) одатий метафоралар
- 2) жонлантириш
- 3) синестетик метафоралар (Йўлдошев, 2002).

А.Ҳасанов жонлантириш ҳодисаси метафора таркибида эмас, балки алоҳида мустақил тасвирий восита сифатида ўрганиш кераклигини таъкидлайди (Ҳасанов, Дисс.), Э.Худойбердиев “жонли метафора” атамасини қўллайди (Худойбердиев, 2003:139). М.Қосимова жонлантириш ана шу “жонли метафора” асосида юзага келишини эътиборга олиб, тилшунослик нуқтаи назаридан “жонли метафора”ни маъқуллайди ва М.Йўлдошев таснифини қуйидаги шаклда беради:

- 1) одатий метафоралар,
- 2) жонли метафоралар,
- 3) синестетик метафоралар (Қосимова, номз. дисс. автореферати).

Биз ҳам таснифлаш қонуниятларининг мантиқий боғлиқлик заруриятини ҳисобга олиб, М.Қосимова таснифини маъқул деб топдик.

Одатий метафора. Аъзам Ўктам:

Қалб бор манов ерда, унда бор тугун,

Сўзим хоҳ тушунма ва ё хоҳ тушун,

Сенга рост сўзлагим келяпти бугун,

Фаришта эмасдир даданг ҳам, Тумор.

Семантик майдон доирасида “тугун” сўзида қуйидаги маъно қирраларини ажратиш мумкин:

- 1) тугилган,
- 2) ечиш мумкин,
- 3) керак-нокерак нарсалар йиғиндиси,
- 4) ташлаб юборилса ҳам бўлади

Лирик қаҳрамон “қалбдаги тугун” тушунчаси орқали тўртинчи сема ортига яширинган “малолли”, “ташлаб юборилса ҳам бўладиган” оғриқли ўтмиш хотиралари қийнаётганига ишора қилади, айбдорлик ҳисси ҳақида

“бонг уради”. “Фаришта эмасдир даданг ҳам” жумласи буни янада яққолроқ англашга ёрдам беради.

Минҳожиддин Мирзо:

*Эй дил, баҳор сеҳрин биз ҳам туйганмиз,
Битта қизғалдоқни биз ҳам суйганмиз.*

Баҳор ёшлик палласига ишора бўлса, «қизғалдоқ» шоирнинг индивидуал топилмаси, метафоранинг гўзал намунаси. Бунда кўчим қизғалдоқ гули маъно доирасидаги *нозик, нафис, қўл етса тўкиладиган* семаларига ишора қилинмоқда ва шу орқали «*фақат ёшлик баҳорида очиладиган нафис севги*»нинг шоирона тасвирига эришилган.

Минҳожиддин Мирзо:

*Қизларим, Худойим бахтиёр этсин,
Сизга толе тилаб ўтар ҳар оним.
Менинг дунёдаги тўртта фариштам,
Ибодан яралган тўртта девоним.*

Фаришта:

- 1) хур, малак,
- 2) нурдан яралган,
- 3) пок, беғуноҳ
- 4) гўзал,
- 5) беғубор,
- б) яхшилик, эзгулик тимсоли

Шоир, инсон ҳаётининг гўзал мевалари бўлган ўз қизларини юқорида келтирилган учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи семаларга ишора тарзида *фариштам* деб баҳоламоқда ва бу билан лирик қаҳрамоннинг оталик меҳрини анъанавий метафоранинг янгича талқини орқали ифодалашга эришган.

Девон:

- 1) шеърий тўплам,
- 2) шоир ижодининг маҳсули,
- 3) тартибли тузилган,
- 4) маънавий бойлик

«Қизларим – тўртта девоним» шоирнинг индивидуал топилмаси бўлиб, кўнгилдаги мулким, умримда топган бойлигим маъносини юзага чиқариб, **девон** сўзининг янги маъно қирраларини очишга, *ибодан яралган девон* сифатлаши орқали эса метафорик маънони янада кучайтириб, соф ўзбекона, нафис ифода йўсинига ҳамда экспрессив маъно кучайишига эришилган.

Жонли метафорада “Инсонга ва жонли мавжудотга хос белгилар табиат ҳодисаларига, нарсаларга ва тушунчаларга кўчирилади” (Худойбердиев, 2003). Табиат ҳодисаларини лирик қаҳрамон руҳиятини очишга хизмат қилдириш шоирларимиз ижодида кўп учрайди. Хусусан, Минҳожиддин Мирзо ўз шеърларида бадий-эстетик маъноларни юзага

чиқаришда жонли метафоралардан унумли фойдаланади. Унинг “Қишлоқ тонги” шеърида қалби қувончга тўла лирик қаҳрамоннинг кайфияти дилбар табиат лавҳаларини жонлантириш орқали тасвирланади.

Минҳожиддин Мирзо:

Қишлоқ тонги

Қайгадир шошилар, анҳор тўла сув,

Мажнунтол соч ювар ором не билмай.

Булбулни туш кўрар қизил гул – сулув,

Райҳонлар шеър ўқир бедор, ухламай.

Юлдузлар маҳлиё бўлиб аксига

Кўзларин қисади анҳорга боқиб.

Саболар соз чалар гуллар рақсига

Булбуллар дилида рашк ўтин ёқиб.

Кўзларин ишқалар уйқуга тўймай,

Тун бўйи тўлғониб чиққан ялпизлар.

Қалбидан учириб орзуларини,

Айвонда жилмайиб ухлайди қизлар.

*Теракнинг шохида **ғуррак** ғуриллаб,*

Офтобни чақирар кўзлари қулиб.

*Чинорнинг шохида **мизғиган шамол,***

*Тупроқ кўча бўйлаб кетар **югуриб.***

“Мизғимоқ” фақат инсонга хос, “югурмоқ” эса инсон ва ҳайвонларга, яъни жонли мавжудотга хос ҳаракат. Шоир уларни шамолга нисбатан қўллаш орқали феълнинг семантик имкониятини кенгайтиради. “Сувнинг қайгадир шошиши”, “мажнунтолнинг соч ювиши”, “гулнинг булбулни туш кўриши”, “райҳоннинг шеър ўқиши”, “юлдузларнинг кўз қисиши”, “булбуллар дилида рашк ўти ёниши”, “уйқуга тўймаган ялпизларнинг кўз ишқалаши” каби қабарик жонли метафораларни юзага келтириш орқали ҳолатни тасвирлашда эмоционал бўёқдорликни оширишга эришади.

Минҳожиддин Мирзо сатрларидаги жонли метафоралар гўзал табиат тасвирига ҳамоҳанг лирик кайфият уйғотса, Аъзам Ўктам қаламига мансуб табиат тасвирлари кучли ижтимоий – руҳий муносабатларни ёдга солади.

Айниқса, “Пишиқчилик” шеърида прагматик маъно ташувчи жонли метафоралар образлиликни қабарик ҳолда юзага чиқара олган.

Аъзам Ўктам:

Пишиқчилик

Тегирмон шодланиб айтар ашула –

Тўлишган буғдойга қучоғи тўлар.

Уни ўйлай-ўйлай

жонидан тўйган

Буғдойлар қовоғин очмасдан келар.

Овози борича ҳайқирар тандир:

“Қийқиринг, болалар:

*Ризқингиз бутун!”
 Нон юзи қизарар жилмайганидан,
 Жилмаяр қизариб кетгани учун.
 Бу пайтда
 Буғдойзор чиқармай нафас,
 Тегирмонни ўйлаб, сесканиб кетар.
 У эса
 Тумтайган буғдой ҳақида
 Энтикиб-энтикиб қўшиқлар айтар.*

Систем-структур тилшунослик тамойилларига кўра ҳар қандай сўзнинг маъноси бир нечта кичик маъно(сема)лардан ташкил топади. Метафорада сўздаги ана шу мавжуд семалардан бири етакчи қилиб олиниб, уни бошқа предмет ёки шахсга нисбатан ишлатилади. Бунда ўша предметлар учун умумий белги тушунчада сақланиб қолади (Ирискулов, 1992).

“Тегирмоннинг шодланиши”, “тўлишган буғдой”, “жонидан тўйган буғдой”, “тумтайган буғдой”, “тандирнинг ҳайқириши”, “буғдойзорнинг сесканиб кетиши”, “тегирмоннинг энтикиб қўшиқ айтиши” бирикувларидаги метафораларнинг мантиқий асосланилгани киши диққатини ўзига тортади. Масалан, тандирнинг оғзи катта очиклиги инсон ҳайқиргандаги оғиз очишига, буғдойзорнинг шамолда тебраниши инсон сескангандаги физиологик ҳолатга, тегирмоннинг шовқинли овоз чиқариб ишлаши қўшиқ айтиш ҳолатига ўхшашлиги асосида юзага келганлиги тилимизнинг нақадар бойлиги ва ҳар бир сўзни янги-янги жилоларда қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Шоирлар қаламига мансуб асарларда синестетик метафоралар ҳам, такрор, фонетик такрор ва уларнинг турлари каби қатор воситалар қўлланган. Табиийки, буларнинг тадқиқи она тилимиз моҳиятини янада ёрқин кўрсатишга имкон беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмудов Н., Худойберганова Д., Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013.
2. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. номзоди...дисс. автореф. -Тошкент, 2000.
3. Қўнғуров Р. ва бошқ. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
4. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. –Тошкент: Маънавият, 2002.
5. Қосимова М. “Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида)” мавзусидаги номзодлик дисс. автореферати.
6. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Тошкент, 2003.
7. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
8. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014.

9. Минҳожиддин Мирзо. Гуллаш пайти келди боғларим. –Тошкент: Тафаккур, 2015.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА МОДИФИКАЦИЯ

ÖZBEK EDEBİYATINDA MODİFİKASYON

*Nilufar Sultonova,
Karşi Devlet Üniversitesi
Araştırmacı (Özbekistan)*

*Нилуфар Султонова,
Қарши давлат университети
тадқиқотчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мазкур мақола модификациянинг бадиийлик мезонлари, унинг адабиётимиздаги ўзига хослиги адабий асарлар орқали таҳлил этади.

Калит сўзлар: Модус, атрибут, модификация, мезон, ўлчов.

Annotation. In this article, the artistic criterion of modification analyzes the uniqueness of our literature through literary works.

Key word: Modus, attribute, modification, measurement, measurement.

Модификация энг қадимги латинча сўз бўлиб, унга “Поэтический словарь Квятковского” китобида шундай маъно берилган: “Модификация - (қадим лат. *modifikatio* – қарор топган мезон-ўлчовлар, латинча *modus* – мезон, кўриниш, образ, кўчма хусусият ва лат. *fasio* – қилмоқ, амалга оширмақ), қайта барпо қилиш, ниманингдир янги хусусият касб этиш билан шакл ўзгартирилиши (Поэтический словарь Квятковского, 2006: 197).

Кўриниб турибдики, модификация тушунчасининг асосида файласуф Спинозанинг машхур субстанция ва модус ҳақидаги умумфалсафий қарашлари ётади. “Фалсафий луғат”да кўрсатилишича: “**Модус** – ўлчов, мезон, усул, йўл, тариқа, тарз деган маъноларни билдириб келади. Предметнинг муайян ҳолатлардаги хусусиятини ифодалайди. **Атрибут** (ўзига хослик)дан шу жиҳати билан фарқ қилади. Спинозага кўра, модус субстанциянинг барча ўткинчи (кўчувчи) ҳолатларини ифодаловчи восита ҳисобланади. Унинг борлиги ўзига эмас, субстанция ва унинг хоссасига боғлиқ бўлади. Модусда, ўзининг пайдо бўлишини ягона, абадий, чегарасиз моддий субтанцияда топадиган нарсаларнинг абадий кўпаювчанлиги ва кўчувчанлик сифати акс этади”.

Демакки, модус ўзгарувчанлик хусусиятига эга. Бу эса ўз навбатида моддий ва маънавий жараёнлардаги доимий ўзгаришлар, шунинг натижасида янги моделларнинг пайдо бўлишини таъмин этади. Модификация ҳодисаси ўз-ўзидан адабий-бадиий ва тарихий жараёнларга ҳам тегишлидир. Бутун ҳолатда мавжуд бўлган жанрлардан, масалан, халқ

қахрамонлик эпосидан бошқа эпик жанрларнинг шаклланиши, ўзгарган шаклда қайта туғилиши баъзи тадқиқотларда қайд этилган.

А.Р.Борованинг “Образ модификацияси: А.Кешакованинг 1960-йиллар поэзияси” тадқиқотида бевосита образ модификацияси ҳақида сўз юритилади. “Поэтик тасаввурларнинг тафаккур қатламида ўзаро интеграциялашуви идрокий-рационал даражада тафаккур қатламларидан жой олиши маданиятлараро алоқаларнинг нисбатан янги даврларига тегишли. – деб ёзади олима. – Бу жиҳат, айниқса, Шимолий Кавказ ва Россия ўртасидаги маданий алоқалар ҳудудларида кенг, деталлашган ҳолатда намоён бўлади. Шу ва шунга ўхшаш сабабларга кўра, ассоциативликнинг бурбутун уйғун шакллари ва мажмуалари шу билан боғлиқ виртуаль объектлар рус бадий тафаккури изчил тарзда тоғликлар дунёсига ўз таъсирини ўтказганини кўрсатади” (Борова, e-mail: assbora@mail.ru).

А.Боровнинг фикрича, адабий таъсирнинг модификацион кўриниши йирик пландаги улкан палотнолар шаклида эмас, бадий талқиннинг ички специфик қатламларида рўй беради. Модификациянинг синкретиклашув, синтезлашув ва адабий таъсирнинг бошқа шаклларида фарқланувчи ички қонуниятлари унинг соф поэтик, психологик, ижодкор лабораториясига хослик жиҳатлари шунда намоён бўлади. Ижодкорнинг ўзига ёндош (мас., рус) адабиётининг муайян даври, муайян поэтик усуллари, бадий услубларига нисбатан соф ижодий-индивидуал ёндашуви модификацион жараённинг бошланишига турки бўлади. “Ижодкорнинг шахсий эркинлиги шундай абсолют таянч нуқтаки, унинг ёрдамида шак-шубҳасиз дунёни ўзгартириш мумкин”, деб ёзади бу ҳақда олима.

Айни пайтда модификацион жараёнларнинг юз бериши учун ижтимоий ҳодисалар, жамият ҳаётидаги социал, сиёсий, иқтисодий, психологик ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Кабардин шоири А.Кешковнинг ўтган аср 60-йиллари поэзияси ҳақида гапириб, А.Борова барча собиқ иттифоқ республикалари учун характерли бўлган “шабада” (оттепель) даврига алоҳида урғу беради. Нисбий эркинлик даврида барча совет ёзувчи-шоирлари, драматурглари икки лагерга бўлингани, бири соцреализмни моҳиятига кўра чуқурлаштириш, иккинчи тоифа шахсий эркинлик ва эркин ижод концепциясини ёқлаб чиққанларини, А.Кешков иккинчи йўлни танлагани ва тўғри қилганини алоҳида таъкидлайди. Мана шундай тўғри танлов А.Кешков ижодида рус “кумуш аср” шеърияти анъаналари билан кабардин халқи бадий тафаккуринини ўз индивидуал бадий дунёсига ижодий модификациялашга олиб келганини ижобий ҳодиса сифатида баҳолайди. “А.Кешков учун,-деб ёзади А.Борова,-миллий услуб, кабардин шеъриятининг ўзига хослиги муаммоси соф шахсий муаммо эди. Ҳеч бир шубҳа йўқки, у ўз ижодининг тараққиёт йўлини аниқ мақсад билан шакллантирган”.

Бундан келиб чиқадикки, миллий адабиётларга хос модификацион жараёнлар ҳар қандай социал шароитда динамик тарзда рўй бериши

мумкин. Тўлақонли бадий модификация учун бу ўринда уч факторнинг бирбутун ҳаракатга келиши муҳим: жаҳон ёки торроқ (мас., совет иттифоқи) миқёсдаги адабий анъаналар, миллий тил ва адабиёт, хусусан, ижодкорнинг индивидуал ижодий шахсияти, бадий ғоя-нияти. Шундагина бадий адабиёт ўз ҳудудини янги, миллий ва миллий шоир ижодий шахсиятини уйғунлаштирган модификацион образлар билан бойитиш палласига киради.

Рус олими Н.Александровнинг қуйидаги фикрлари замонавий насрдаги модификацион жараёнларнинг қонунийлигини таъкидлаши билан бирга, ўзбек адабиётидаги бугунги эстетик янгиланишлардан келиб чиқиб белгиланганини яна бир бор таъкидлашга хизмат қилади: “Бугунги кунда жанр предметнинг эстетик рефлексияси тарзида сақланиб қолди. Яъни жанр ҳақидаги хотира қолди, энди чегараловчи жанр шаклига фақат устига чизиқ тортилган стилизация орқалигина қайтиш мумкин” (Александров, 1995:130).

Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳолат бугунги ўзбек прозиси учун ҳам хосдир. Г.Бинованинг “Энг янги рус насрида жанр модификацияси” номли тадқиқоти бевосита насрий жанрлар талқинига қаратилгани билан методологик аҳамията эга. У рус замонавий насрнинг етакчи хусусиятларидан бири жанр канонларининг бузилиши, бундай бузилишнинг модификацион операциялар натижасида юзага келаётгани деб таъкидлайди. Бадий насрнинг жанр канонларидан чекиниб, соф ижодий индивидуал талқин томон йўналганлиги замонавий рус адабий жараёнига хос хусусият сифатида кўрсатилади: “Кейинги йилларда рус адабиётига муносабатда каноник жанрлар даври қайтмайдиган бўлиб кетди, натижада қонуний равишда “жанр кризиси” бошланди, деган фикрлар тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Бу тарихан шаклланган жанр мезонлари ўрнини қонун-қоидалар устидан ўрнатилган том маънодаги анархия эгаллаганидан далолат беради” (Бинова Г.).

Адабиётшуноснинг фикрича, энди улкан ижтимоий воқеалар, сиёсий майдондаги курашлар, ахлоқ-одоб қоидалари комплексини ташкил этган маданиятлар ҳукм сурган XIX – XX асрлар анъанавий мезонлари ўзгариши билан, М.Бахтин маълум даражада канонларини белгилаган классик романлар даври ўтди. Л.Толстой, Ф.Достоевскийлар романидаги “сарф этилмаган потенциаллар”, келажакка интилиш руҳи бугун йўқ. Бу жараён рус романчилигида Гроссманнинг “Ҳаётлар ва тақдирлар”, Солженициннинг “Архипелаг ГУЛАГ” романлари билан тугади.

Ҳақиқатдан ҳам турли жанр, жанр компонентлари, услублар, образларни гибридлаштириш орқали пайдо бўлаётган модификация жараёни замонавий адабиёт учун характерли тус олмоқда. Бу ҳолат 90-йиллардан эътиборан ўзбек адабиётига ҳам кириб келди. Бадий адабиётнинг қонуни, анъаналар асосидаги модификациялашув жараёни XX аср охирига келиб ўта жадаллашди. Ў.Ҳошимов романларидаги “фолкнерча композиция” (“Тушда кечган умрлар”), Ш.Холмирзаев ижодидаги фалсафий-

реализм ва шафқатсиз реализмнинг уйғунлашуви (“Динозавр”), О.Мухтор романларидаги фалсафий, илмий, ривойий-мифологик ва бадий композиция ва услубларнинг уйғунлашуви (“Афлотун”, “Минг бир қиёфа”, “Аёллар салтанати ва мамлакат” ва ҳ.к.), М.Муҳаммад Дўст романидаги фалсафий полифонизм (“Лолазор”), Т.Мурод романларидаги фолклорча-халқона индивидуал-ижтимоий услуб гармоналлиги (“Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмади”), Н.Эшонқул романидаги Г.Маркес неореализми ва Кафка модернизмнинг шакл-мазмундаги бирикуви (“Гўрўғли”), Т.Рустамов романидаги “Улисс”га хос хаотик тафаккур тарзи (“Капалаклар ўйини”), У.Ҳамдам романларида учрайдиган ижтимоий-фалсафий, индивидуал-психологик руҳ, ниҳоят, И.Султон романларидаги постмодернистик композиция, сюжет ва образлар гибридлиги (“Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик”) шундан далолат беради. Ушбу фактлар нафақат И.Султон романларини мустақилликдан кейин дунё юзини кўрган кўплаб лирик, драматик, айниқса насрий жанрлардаги асрларни бадий модификация муаммоси юзасидан ўрганишни тақазо этади.

Демак, бадий модификация кенг кўламли эстетик ҳодисалардан ҳисобланади. У биринчи навбатда адабий таъсир ва анъаналарга эстетик муносабатдан келиб чиқади. Давр ва шу давр ўқувчисининг эҳтиёжига қараб анъанавий шаклларининг ўзгаришга учраши бадий модификациянинг қонунийлигини кўрсатади. Модификация ҳодисасининг яна бир сабаби адабий жараёндаги эстетик мезонларнинг ўзгариши, ижодкорларнинг адабиётга бошқача нуқтаи назар билан қарай бошлашидир. Бунда шакл ўзгаришига учраган ҳар бир бадий компонент ёки бирбутун адабий жанрнинг ўзи муаллиф ижодий индивидуаллигининг эстетик белгиси сифатида воқе бўлади. Модификация жараёнида бир йўла бир нечта бадий компонентлар (композиция, сюжет, образ, детал, услуб каби)нинг бир асар доирасида уйғунлашуви ҳодисаси камдан-кам учраса-да, бу эстетик ҳодиса пировард оқибатда жанр модификациясига олиб келади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Поэтический словарь Квятковского. – Мичуринск: Мичуринский государственный аграрный университет, 2006.
2. Философский словарь. – Москва: Политиздат, 1987.
3. Борова А.Р. Модификация образа: поэзия А.Кешекова 1960-х гг. /ФГБОУ ВПО «Кабардино-Балкарский государственный университет им. Х.М.Бербекова», Нальчик, Россия, *e-mail: assbora@mail.ru*
4. Александров Н. “Я леплю из пластилина” //Заметки о современном рассказе. Дружба народов №9, 1995.
5. Бинова Г. Жанровые модификации новейшей русской прозы / www.gramota.net/materials.2401.

“РАВШАН” ДОСТОНИДА ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЎРНИ
“RAVŞAN” DESTANINDAKİ BENZETMELERİN ÖZELLİKLERİ

A. Botirova
Karşi Devlet Üniversitesi
(Özbekistan)

А.Ботирова,
Қарши давлат университети
магистранти (Ўзбекистон)

Аннотация. Ушбу мақолада Эргаш Жуманбулбул ўғли томонидан ижро этилган “Равшан” достонида ўхшатишларнинг қўлланиши, уларнинг дoston бадийлигини оширишдаги аҳамияти таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: дoston, кўчим, ташбиҳ, ўхшатиш, руҳий ҳолатлар, образлар таркиби, бадий-тасвирий воситалар.

Annotation. This article analyzes the significance of the use of emotions in the epos "Ravshan" performed by Ergash Jumanbulbul ugli and their significance in artistic art.

Key words: epic, passion, exterior, emotional, mood, image composition, artistic means.

Ўзбек халқ дostonлари таркибида романик дostonлар алоҳида ўрин тутади. Бу тур дostonларнинг сюжет тузилиши бир-бирига яқин бўлиб, воқеалар қаҳрамоннинг гўзалга ошиқ бўлиши, севги-муҳаббат, бу йўлда қаҳрамоннинг сафарга отланиши ва севиқли ёрига етишиш эпизодлари билан тугайди. “Равшан” достони ҳам романик дostonларнинг ишқий-романик турига мансуб бўлиб, ўзининг сюжет ва композицион яхлитлиги, образлар таркиби, ғоявий-бадий хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Дoston Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган ва Ҳ.Зарипов томонидан чоп этирилган (Равшан, 2011). Дoston юксак бадий маҳорат билан ижро этилганлиги боис Жуманбулбулнинг “уч ҳайдалган шудгори” деб аталади. Гарчи дostonда Эргаш шоир воқеалар тасвири, образлар тизими, анъанавий портрет, қаҳрамонларнинг турли руҳий ҳолатларини маҳорат билан ижро этган бўлса-да, дostonда бадий-тасвир воситаларидан ўхшатишлардан бахши ўринли фойдаланади.

Маълумки, ўхшатишлар нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белги моҳиятини тўлароқ, аниқроқ кўрсатиб беришдир. Мумтоз адабиётимизда маънавий санъат тури ҳисобланган ташбиҳ атамаси билан кенг қўлланилади. “Ташбиҳ икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса, хусусиятларни улар ўртасидаги ўхшашлик,

умумийлик (сифат, белги ёки функция) нуқтаи назаридан қиёслаш” (Бобоев,2002:307) орқали юзага келувчи санъат туридир. Унинг вазифадошлик хусусиятлари ҳақида бир қатор дарслик, қўлланма ва мақолаларда назарий фикрлар билдирилган. Ўхшатишларнинг тасвирийликни оширишдаги мана шундай хусусиятларидан Эргаш Жуманбулбул ўғли ҳам маҳорат билан фойдаланган. Мисол учун “Равшан” достонида Зулхумор портретини чизишда бахши қўйидаги ўхшатишлардан фойдаланади: “Зулхуморнинг камоли, ойдаи жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдаи икки қоши ҳилоли, ясангай ҳурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари кундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдаи, тарлон- қарчиғай –учадиган кушдай, муҳрлаган қоғоздай ялт –юлт ўтирибди” (Равшан, 2011: 224). Ушбу портретда Зулхуморнинг гўзаллиги чизишда бахши дostonчилик анъаналарига хос усул ва йўлларини ўзлаштириш орқали чиройли тасвирларни яратади. Бахши Зулхумор юзининг гўзаллигини ойга қиёслайди, чунки ой қоронғу кечада нур таратиб гўзаллигини намоён қилади. Зулхуморнинг чиройини ана шундай ёруғ ёғдуга ўхшатади. Бу гўзалликни бахши янада кучайтириб оқ юзидаги холни ҳам ёндош тасвирлайди. Қоши эса, ҳилол- янги чиққан уч кунлик ойдаи ингичка, тўлин ойдаи гўзал ва тароватли. Зулхуморнинг ташқи кўринишини ҳурларга қиёслайди. Ҳур гўзалликда тенги йўқ парилардир. Зулхуморнинг ясаниб ўтиришини париларга ўхшатади. Дур-қимматбаҳо оппоқ ва ялтироқ тош. Бахши Зулхуморнинг тишларини кўзни олувчи, ярқироқ дурга ўхшатади ва тасвирга янада жозиба бахш этади. Қоронғу осмонда ялтиллаб, товланиб турувчи юлдузга кўзларининг ёниб порлашини ўхшатади. Чиройли ўсиқ қора қоши қимматбаҳо кундузга ўхшатиб гўзаллигини янада бўрттиради. Лаблари қизилдан ҳам зиёда қирмизидир. Тарлон – кучли, чаққон, эпчил куш. Зулхуморнинг ҳаракатини учадиган эпчил қарчиғайга ўхшатади. Бахши ўхшатишда табиий ҳодисалардан ҳам маҳорат билан фойдаланган. “Зулхуморнинг бетининг шуъласи ойнани кунга тутгандай ярқ-юрқ этиб ерга ураёттипти” (Равшан, 2011: 225). Ойна куёшга тутилса ярқиллаб кўзни қамаштиради, бу ҳодисани бахши Зулхуморнинг юзидаги нурга қиёслайди. Зулхуморнинг портретида қўлланилган ўхшатишлар Зулхуморнинг канизи Оққиз тасвирида ҳам давом эттирилса-да, аммо бахши турли руҳий жараёнларни акс эттириш учун Оққиз портретини қиёсий жиҳатдан тасвирлайди. Оққиз тасвирини ўқиганда Зулхуморнинг гўзаллиги янада кучайтириб тасвирланганини ҳис қиламиз. “Оққиз ўзи оқ қиз, ўзи тўлган соғ қиз, ўрта бўйли чоғ қиз, ўйнагани боғ қиз, уйқучи эмас соғ қиз, эри йўқ-ўзи тоқ қиз, кўп калондимоғқиз, яхши текил бўз болани кўрса, эси йўқ-аҳмоқ қиз, қора қиз, бодом қовоқ қиз, синли-сиёқ қиз, ўзи семиз-туриши ёғ қиз. Оқ юзин кўрсанг, ойдаи, ҳуркак –асов тойдай, олғир –қарчиғайдай қиз; ювошлиги қўйдай, семиз эмасми, ёйсанг, эрийди сариғ мойдай. Шундай оққиз эди; сайроқли, качкил бет, пас бурун, кулча бетли, ўрта бўйли, қизил

чиройли, кенг манглайли, тор биқинли, қобирғали, гўшдор, тўшдор, олчанглаган, бойбича монанд, оғир кўчган, қулоғи юқа, ияги сергўшт, қоши кўпроқ, бир-бирига улаш, кўзи қисмароқ қиз эди” (Равшан, 2011: 249-250). Оққиз портретидида оқ юзини гўзаллик рамзи, нурли ойга ўхшатади, асов той-тутқич бермайдиган, эркин от. Оққизнинг хуркаклигини бахши шундай қиёслайди. Қарчиғай - чаққон ҳаракат қилувчи эпчил қушга, ҳаракатини ўхшатади. Қўй, асосан, ювош, беозор жонивор, Оққизнинг характери мулойим қўйга ўхшатиляпти. Семизлигини эриб кетувчи сариғ мойга ўхшатиб дoston ўқилишига ўзига хос жозоба бахш этган.

Достонларда, умуман, халқ оғзаки ижодида қаҳрамонларнинг, жасурлиги ботирлиги, довюраклиги, йўлбарс, қоплон, шер, арслонга ўхшатилади. Достондаги Авазхон ва Ҳасанхон тасвирида қуйидаги ўхшатишларни кузатиш мумкин: “Авазхон ва Ҳасанхон ҳам шер ҳайбатли, йўлбарс келбатли, қоплон юракли, арслон билакли йигитлар бўлди” (Равшан, 2011: 165-166), ёки Равшан ҳолатида “Равшанбек полвон уларнинг бу сўзини эшитиб, шердай хурпайиб, йўлбарсдай чирпиниб, қоплондай жимийиб, хезланиб-тезланиб, қаҳри келиб, аждаҳор илондай захри келиб, баҳодирликлари уйғониб, ўтдай ёниб, оловдай қобиниб, бир қути гугуртдай бўлиб, ўт олиб кетгандай бўлди” (Равшан, 2011: 345). Арслон, шер, йўлбарс, қоплон, аждаҳо ўхшатиш тасвири орқали куч-қудрат, қаҳрамонларнинг жасурлик, ботирлик каби сифатлари намоён бўлади. Энг кучли ҳайвонлар тасвири замирида қадимий рамзий эътиқодлар ҳам мавжуд, бу қарашлар мифологик тасаввурларга бориб тақалади. Йўлбарс – довюраклик, жасурлик, баҳодирлик рамзи. Қадимий ёзма манбаларда, шунингдек, халқ оғзаки ижодида қаҳрамонлар йўлбарс терисини ёпиниб юришлари тасвири ҳам тасвирланган, бу орқали паҳлавонлик бўрттирилган. Туркий халқларнинг қаҳрамони Алп Эр Тўнгага ҳам арслон янглиғ ёлли, йўлбарсдан ҳам кучли хоқон деб таърифланган. Тўнга сўзининг маъноси йўлбарс жинсидан бўлган ҳайвон, қоплон, барс каби маъноларни билдиради. Йўлбарс терисини ёпиниб юрганлиги кучлилик рамзи бўлган. Юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Геракл ҳам йўлбарс терисини ёпиниб юриши йўлбарсдек кучилик рамзини ифодалаган. Бу каби афсоналар барча халқ манбаларида тасвирланган. Кучли ҳайвонлар шоҳларнинг тангаларида, байроқларида, аскарларнинг, қилич ва қалқонларида тасвирлари ўз аксини топган. Қадимий шоҳларнинг саройларида арслон, аждаҳо ҳайкаллари куч-қудрат ҳомийси сифатида улуғланган, шунингдек, ҳозиргача барча халқларнинг рамзий белгиси сифатида сақланиб қолган. Бундай ўхшатиш воситалари қадимги ёзма манбаларимизда ҳам учрайди. Масалан, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Саккокий ва бошқа ёзма манбаларимизда ҳам учратишимиз мумкин. Бундай хусусиятларни Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қудадғу билиг” асарида ҳам учратишимиз мумкин.

*Кўр арслан бўлу берса итқа баши
Бу ит барча арслан бўлур ўз туши*

*(Кўргин, агар итларга бош бўлса арслон,
Итларнинг барчаси у каби бўлади арслон)* каби мисраларда арслоннинг қудратлилиги ифодаланган.

Аждар, аждарҳо – илон бошли мифологик образ. Баъзи манбаларда кўп бошли, оғзидан олов пуркайдиган ҳолатда тасвирланади. Хитойда бахт ва омад, буюклик рамзи. Халқ оғзаки ижодида кенг қўлланилади. Қаҳрамонларнинг баҳодирлик, жасурлик, ботирлик рамзи. Бу ўхшатишларнинг қўлланиши тенгсиз куч-қудрат, жасоратни ифодалаб қолмасдан, шахс исмларида ҳам ўз аксини топган, масалан Арслон, Шербек, Йўлбарс, Қоплонбой каби бир қанча исмларда ҳам кучлилиқ рамзи сифатида қўйилган.

Бахши дostonда қушлар тасвири орқали ҳам ўзига хос ўхшатишни юзага келтирган. Равшаннинг Зулҳуморни излаб бозорга бориши, қизларга муружаатида ҳам ўхшатишларнинг гўзал кшринишини кузатиш мумкин.

...Кўлда суқсур-сўна қизлар,

Каптардай бўп юрган қизлар,

Қалпоқ сотиб турган қизлар (Равшан, 2011: 270).

Суқсур, сўна, каптар чиройли қушлар сифатида талқин қилинган. Нозиклиги, чиройи қизларга ўхшатишган. Ҳатто йигитлар ҳам суқсур йигит деб таърифланган. Каптарга ўхшатиш замирида қадимий урф-одатлар, тарихий асослар ҳам мавжуд. Номаларни юборишда кабутарлардан фойдаланишган, ҳатто парилар тимсоли сифатида талқин қилинади. Халқ дostonларининг деярли барча кўринишларида бундай ўхшатишларни учратишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бахши дoston қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатини, воқеликка муносабатини, руҳий жараёнларини бадий акс эттиришда мана шундай ўхшатишлардан унумли фойдаланган. Ўхшатиш дostonнинг жозибadorлигини, ранг-ранглигини, тароватини оширишга, бадий завқ беришга катта хизмат қилади. Бахши маҳорати эса, ўхшатишдан ўринли фойдаланиб ҳар бир воқеа, образ, хатти-ҳаракатларни ўринли ва асосли тасвирлаб, дoston бадийлигини оширишда муносиб улуш қўшган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Равшан. Дoston. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Ёзиб олиб нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарипов. –Тошкент: Шарқ, 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. -Тошкент: Ўқитувчи, 2002.

THE IMAGES IN EARLY EASTERN PORTRAIT MINIATURE

(from the collection of The Institute of Oriental studies of the
Republic of Uzbekistan)

*Asalkhon Rakhmatullaeva,
Basic doctoral student (PhD)
The National Institute of Arts and Design
named after Kamoliddin Behzod (Uzbekistan)*

Annotation: The article is devoted to the study of the concept of portrait in miniature of the East on the example of early miniatures from the collection of The Institute of Oriental studies of the Republic of Uzbekistan.

Key words: miniature, portrait miniature, image, ruler, manuscript, illustration, folio, painting.

Deep and serious study of the concept of portrait in miniature of East is the work of great importance, worthy of special study. Many scientists tried in the light of research and publications by A.A.Semenov, L.I.Rempel, G.A.Pugachenkova, K.V.Trever and other authors to briefly and in general outline the most interesting miniatures of the portrait genre of different periods in the history of Oriental art.

One of these periods is the ancient one, which gave a large number of deeply realistic and psychologically expressive portraits of basileuses on coins minted in the Greco-Bactrian Kingdom. These are the images of Euthydemus I, Heliocles, Diodotus I and others. Expressive portraits of the rulers were characterized by coinage in the Kushan period. In contrast to the images of basileuses in the images of Kushan kings individually-peculiar features were extremely typified. Examples of such portraits may be images of rulers, Giray, Arsamukh, Shaushafar, Abdullakh, etc.

The first mention of the portrait miniature of Central Asia include by the X century. It is known that Mahmud of Ghazni ordered the artist Abu Nasr Bini Arran to draw a portrait of Abu Ali Ibn Sina, who fled from the oppression of the Shakh and other artists to make 40 copies to distribute them to neighbouring countries for identification and capture of the great scientist:

The oldest portrait miniatures of Central Asia, preserved to the present day, are the miniatures of the list of “Chronicles” Rashid al-din (XIV c.), located in the National Library of Paris (Umarov, 1968: 6-7).

The earliest manuscript with miniatures of the collection of The Institute of Oriental studies of the Republic of Uzbekistan is a copy of “Djami al-tawarih” (“The collected annals”) by Rashiduddin under the Inventory number 1620.

An official ceremonial portrait of a Khan couple was used on a headpiece to certain sections which narrate the enthronement of various Khans from the Chingizids. So, on ff. 109v and 191v there are absolutely identical portrayals of Ugedey-khan with

his wife and Hulagu-khan with his wife. Both couples are portrayed in etiquette postures sitting either on carpets or low seats. Their schematic portrayals are broadly Mongoloid without individual features. By contrast, their clothes are drawn in precise detail: of style, embroidery and adornments. Typical of this are the headdresses: the khan wears a soft felt cap with a black brim and fine cores stretching up, probably imitating plumage; the khan's wife is in a high conical headdress with the plumage on the top tied up with strings of pearls and a red veil falling down onto her shoulders (Pugachenkova, 2001: 7).

The iconography of the khan couples in the miniatures from the Institute of Oriental studies manuscript is very similar to that of miniatures in the manuscripts of "Djami al-tawarih" dated 1307 and 1314 produced during the author's time in Tebriz, particularly in the large manuscript from the Berlin collection. However they have four distinguishing features: here the voluminous colourful pleats are absent on the King's clothes and his headdress is also represented differently. The faces of the characters are more typically Central Asian rather than Mongoloid.

Unknown miniaturist decorated these manuscript portraits of Mongol khans Ogedei, Kublai, Hulagu, Duban Accordion and the other with wives by Rashiduddin from the Institute of Oriental studies of the Republic of Uzbekistan. Despite the limited size of the manuscript sheet, the master managed to create unique and individually distinct images.

The author Fazlallah Rashiduddin ibn Imad al-Daula was an outstanding historian, statesman and physician. His major work of medieval historiography was completed in 710H/1310-11. The manuscript includes events from ancient times up to 703H/1302-03. The copy might date back to mid XIVth century. The basic text of the manuscript was copied in typical Naskh style in black ink, with titles written in Sulth in cinnabar, gold or emerald colours. Some folios are supplemented, with texts written in classical Nasta'liq style, probably in the XVIIth century. Some names of khans and princes are written in Uighur script. The paper from Samarkand is thick, glossy and of cream colour. Two lines frame the text and there are some family trees. The illumination of the manuscript was not completed: fifty-nine folios have lacunas, probably for miniatures. The middle of three folios was cut out and covered by some glued on miniatures. The manuscript was illuminated with 10 illustrations and sketches, four of which are in colour, the rest uncompleted pictures. The style is Turko-Mongolian. Twelve folios have non-illuminated colophons. The binding is late and of delicate work with an illustrated flap. The covers of the manuscript are made of cardboard; the edge is of claret-coloured leather. The covers of the binding at the vertical line are decorated with three medallions. The names of the bookbinder, Mullah Maqsud Shah and simply Muhammad Maqsud are inscribed in the upper and lower part. The flyleaf of the binding is sealed with ornamented paper "abr-i bahor". The manuscript lacks one of the first folios. At the end there is an uncertain number of folios. The narration ends with events dating back to 701H/1301-1302.

We will analyze two of the miniatures deeply:

In the miniature of “Bartan-Bahadur and his wife Sinigul-Fudjin” Bartan-Bahadur, the grandfather of Chingis-khan, in an orange Mongolian robe is sitting on a low chair with his hand hanging down. He has a headdress in Mongolian style with a stepped crown and cupola-shaped top. Sinigul-Fudjin is sitting on a scarlet carpet framed by a green border. She is wearing a yellow dress, an outer light blue robe with short sleeves and a high headdress crowned with a crescent moon with feathers on the top. Between them there is an open book with a few words written finely in Persian. The condition of the miniature is the face of Sinigul-Fudjin was painted in black later. The miniature was painted on folio 49.

The next miniature is “Ugeday-khan with his wife Turakine” is on folio 108. Ugeday-khan was the third son of Chingis-khan and his first wife Borta-Fudjin, a daughter of Dai-Noyon. According to Rashiduddin he was a haughty and clever person being highly gifted, respectable, and magnanimous and with a strong character. At the same time he was fond of enjoyment and wine. Ugeday has on a yellow robe with a simple ornament and side fold; on his head is a headdress with feathers. He is sitting on two cushions resting his right hand on his knee. His wife Turakine is sitting to the right of him. She has a high headdress. Beads of pearls adorn her head; her posture imitates the posture of her husband. The dress has rich ornaments, especially on the shoulders. The faces of the characters are round, the brows – crescent moon-shaped, and the eyes almond-shaped. In front of the royal couple there is a vase with fruit; the carpet is ornamented strictly and laconically. In the miniature brown, yellow, violet, orange, black and some other colours were used. This miniature is well preserved compared to the others. The lines are energetic; the outline of generalized characters is clear-cut. Condition: the faces have been effaced. The paper has been torn and partly glued on the back.

Other miniatures included in this manuscript are also of great importance in the study of the concept of portrait in miniature of the East. And the main task of the art critics is to study and research the manuscripts and miniatures which kept in the funds of the Institute. We can say that the miniatures in these manuscripts are vivid examples and reflect the portrait genre, eastern subjects and images from the poems of the writers. There are other manuscripts that reflect portrait miniatures of Central Asia at the Institute of Oriental studies of the Republic of Uzbekistan.

References:

1. Polyakova E.A., Rakhimova Z.I. *L’art de la miniature et la littérature de l’Orient*. –Tashkent, 1987.
2. Pugachenkova G.A. *The masterpieces of Central Asia. Literature and art named after G.Gulyam*. –Tashkent, 1986.
3. Ismailova E.M., Polyakova E.A. *Oriental miniatures in the collection of Institute of Oriental Studies*. –Tashkent, 1980.
4. Pugachenkova. G.A. *Oriental miniatures*. Compilers: A.Madraimov, E,Ismailova, Sh.Musaev. –Tashkent, 2001.
5. Umarov A. *The portrait painting of Uzbekistan*. –Tashkent: Fan, 1968.

**БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ ГРАФИКАСИДАГИ МАЖОЗИЙ ОБРАЗЛАРДА
АЁЛЛАР СИЙМОСИ ТАЛҚИНИ**

**BAHADIR CELALOV'UN ESERLERİNDEKİ MECAZİ TİMSALLARDA
KADIN İMAJİNİN TELKİNİ**

*Zilolahon Askarova,
K. Behzod adindaki MRDI.
Doktora öğrencisi (Özbekistan)*

*Зилолахон Асқарова,
К.Беҳзод номидаги МРДИ
таянч докторанти (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақолада рассом Баҳодир Жалоловнинг график асарларидаги аёллар образи талқин қилинган. Мажозий асарларида аёлларни поклик, маъсумалик, донишмандлик, мағрур ёлғизлик, аёлнинг беқиёс гўзаллиги тимсоли ҳамда аёллик негизи муҳаббат, меҳрибонлик билан қиёсланган. Коинотдаги оллоҳ мўъжизаларини, инсон кўзи билан кўриб, илғай олмайдиган нарсаларни рассом аёллар тасвирларида кўрсатишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган.

Калит сўзлар: графика, мажозий, аёл, архаик, Афродита, Апполон, антик, иконография, романтизм, композиция, Зевс.

Annotation. The article is about the image of women in graphic works by artist Bakhodir Jalolov. The purity, gentleness, wisdom, pride, loneliness, the unique beauty of women, and the love of women are likened. In his poetic works he tried to show the miracles of God in the universe, the things which cannot be seen by human eyes.

Key words: graphics, figurative, woman, archaic, Aphrodite, Apollo, antique, iconography, romanticism, composition, Zeus.

Мусаввир истиқлол йилларида тасвирий санъатнинг графика турида ҳам бир қатор асарлар ярата бошлади. Аста секин бу соҳада ҳам маҳорати ошиб, туркум асарлари дунёга келди. Рассомнинг “Келажак ҳақида хотиралар” номли альбомида ўттиздан ошиқ турли мавзулардаги қаламтасвир қораламалари жамланган.

Умуман мусаввирнинг график асарларига санъатшунослар турлича муносабат билдиришган. Жумладан, санъатшунослик фанлари доктори, профессор А.Ҳакимов шундай ёзади: “У беқиёс истеъдодли сураткаш. Унинг тугалланган композициялари ҳам, графикадаги тажрибалари ҳам бадиий жиҳатдан бирдай. Улар рассомнинг кейинчалик яратиладиган рангтасвир ёки маҳобатли асарлар асосига айланади” (А.А Ҳакимов, 2008: 6).

Б.Жалоловнинг графикада яратган асарларида аёллар мавзуси алоҳида бир туркумни ташкил этади. Диний мавзуларда яратилган асарларда аёллар асосан маъжозий образлар орқали ифодаланганлигини кўришимиз мумкин.

“Соҳибжамол ва оққуш” асари эса бир қарашда ўйлантириб қўяди кишини. Асар бадиий тафаккурга бойлиги, фикран ва мазмунан теранлиги билан ажралиб туради. Бир кўришда инсонни лол қолдирадиган бу асар аслида италиялик, Европа ўйғониш даври ҳайкалтароши томонидан ишланган бўлиб, ҳозирда Санъат музейида сақланмоқда. Ҳайкални рассом тасодифан кўриб қолиб, унда шунга ўхшаш асар яратиш фикри туғилади. Илҳомланган ижодкор уни чизгилар билан қоралай бошлайди ва тез орада маромига етқазиб ишлайди, натижада ушбу лавҳа ижод қилинади.

Асар композицияси ҳар томонлама тугал мазмунга эга. Унга назар ташлайдиган бўлсак, композициянинг марказида иккита бадиий образ - аёл ва оққуш кучли ракурсда тасвирланган. Аёлнинг кўзлари юмуқ, бадани оқсариқ, сочлари ҳам худди шу рангда, кўринишидан европалик қайсидир бир юқори мартабали хонимга ўхшайди. У тепага қараб оққушни кучоқлаган ҳолда ҳаёллар оғушига ғарқ бўлган кайфиятда лирик планда тасвирланган. Орқа фон учун қора ранг танланган. Бу бежиз эмас. Айнан қора ранг асосий образларнинг очиқ ранглarda берилишига замин яратган. Натижада соҳибжамол ва оққушнинг яна ҳам аниқроқ кўринишига хизмат қилган.

Дастлаб асосий тимсоллардан бири - аёл образининг мазмун-моҳиятига тўхталамиз, аёл - бу энг аввало маҳбуба, она, гўзал хоним, муқаддас нур, ижоддаги ҳаёлот акси, илҳомнинг аниқ манбаидир. У бир қатор тарихий ва илмий-бадиий манбаларда табиатдаги фаол бўлмаган султ жарайонларга ўхшатилади. Архаик маданиятда аёллик негизи ҳаётбахшликни мужассамлантиради ва муқаддаслик мақомини олади. Ҳинд асотирларида аёллик негизи фаоллик билан боғланади. Яъни аёл тимсоли яратувчилик қуввати сифатида қаралади. Рассом яратган образда аёлнинг айнан шу жиҳатлари эътиборга олинган. Асар бир қарашда эмоционал ҳиссиётга тўлаллиги билан ўзига жалб қилади.

Оққуш образи ҳам ўзига ҳос фалсафий мазмун-моҳият касб этиб келган. Оққуш бу – энг аввало поклик, маъсумалик, донишмандлик, мағрур ёлғизликдир. Оққуш аёлнинг беқиёс гўзаллиги тимсоли ҳамда аёллик негизи муҳаббат, меҳрибонлик билан қиёсланади. Қадимги Юнон тасвирий санъатида оққуш - афродита аполон қуши ҳисобланган ва қуёш, санъат билан боғланган. Чунки, ўз ўлими олдидан у дунёвий бўлмаган гўзал кўшиқни куйлайди деб ҳисобланган. Охирги тасаввурга мувофиқ оққуш шоир рамзи сифатида намоён бўлади. Антик ва ўрта асрларда жон осмонда оққуш кўринишида кезиб юради деб ишонишган.

Насронийлик иконографиясида эса оққуш Биби Мариям қушига айланган. Рассом ўз фалсафий рамзий қарашлари орқали инсон билан табиатнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатмоқчи. Яъни улар ҳар доим бир – бирини тўлдириб туради. Тўла гўзалликни мужассамлаштириш мақсадида

аёлни оққушга, оққушни эса аёлга қиёслагани эътиборга молик. Бунда чинакамига вафодорликни кўрамиз. Уларни бир бирларидан ажратиб бўлмайди. Икки ёрти – бир бутун (Хакимов, 1990: 2).

“Нур элчилари” график асарида эса осмон жисмлари турли шакллар, ўзга сайёраликларни бир-бирлари билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирланганлиги рассом бадий фантазиясининг жуда бойлигидан далолат беради. Асар чуқур фалсафий мазмунга ва аниқ бадий ечимга асосланган.

Коинотдаги оллоҳ мўжизаларини, инсон кўзи билан кўриб, илғай олмайдиган нарсаларни рассом ўз тасвирларида кўрсатишга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган. Асардаги нур элчилари янги либосдаги, инсонга хос кўринишга зид бўлган қарашлар - учта бошнинг битта танада бирлашганлиги гавдалантирилган. Учта образнинг ҳаммасига ўз нурларини бир тану бир жон бўлиб бирлашиш ҳолатида бадий ечимга олиб келинган. Уларнинг либослари худди жангчиларнинг совутига ўхшаш, юз қиёфалари эса аёл тимсолида тасвирланган. Аёлни нурга қиёслаган. Чунки, уларсиз бу дунё гўё зимистонга айланади.

Бош образлар - учта аёлнинг юз қиёфасига эътибор бериб қарасак, биринчи аёл кулимсираб, иккинчи аёл бироз жиддийроқ, учинчиси эса анча маънос ҳолатда тасвирланганлигини кўрамиз. Рассом бу қиёфаларда инсон ҳамиша бир кайфиятда бўлмаслигини кўрсатиб бермоқчи бўлган.

Асар қахрамонларининг ташқи кўринишлари – либослари, юз қиёфалари, кайфиятлари ҳам томошабинни янгиликлар, ғоялар, изланишлар олиб боришга, бевосита мулоҳаза юритишига ундайди. Ўзга сайёраликлар атрофини ўраб турган мажозий маънода тасвирланган осмон жисмлари бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда тасвирланиши ҳам ҳар бир сайёранинг ўз ўрни ва йўналишини яққол ифодалаган. Қолаварса, бўйинга таққан маржон сингари бир-бирига боғланган. Асар марказида фаришта аёл, гўё ўзга сайёраликлар деб тасвирлаган. Улар ортидан эса биз ёруғликни, нурни яққол кўришимиз учун фаришта қаноти рамзий маънода намоён бўлади. Боҳодир Жалол бу асарни нур элчилари деб номлаши ҳам шундан.

Аёллар образи рассомнинг “Илҳом парисини чизувчи Моний” деб номланган график асарида ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур асарнинг асосий мавзуси, ўзи севган касби мусаввирликни асос қилиб олган рассомнинг илҳом парисидир. Рангтасвирга қўйган меҳр ва муҳаббати туфайли бутун умрини шунга бағишлаб, ижодининг юксалишига туртки берувчи илҳом парисининг гўзал кўринишини - ёш, қадди-қомати келишган, гулгун чехрали қиёфада аёл тасвирида катта маҳорат билан ифодаган.

Асарда романтизм руҳи устунлик қилади. Лавҳа композициясининг биринчи бош кўринишида мусаввир Монийни биринчи режада томошабинга орқаси билан турган ҳолда тасвирлаган. У ўз илҳом

парисининг бир қўлида чироқ, иккинчи қўлида мўйқалами билан томошабинга қараб турган манзарасини юксак бадий савияда чиза олган. Айниқса, илҳом парисини бағрига босмоқчи бўлиб турган ҳолати рассом томонидан жуда катта маҳорат билан ишланган.

Иккинчи режада илҳом париси (юнон афсоналаридаги Зевснинг қизларидан бири, санъат маъбудаси) акс эттирилган. Моний ва парининг юз тузилиши шарқона қиёфада берилган. Пари қизнинг майин табассуми кўз ва нигоҳларидан сезилиб турибди. Либоси, тақинчоқлари бежирим, узун майда кокил қилиб ўрилган сочи-ю, бошидаги ўралган ромоли қизнинг хуснига гўзаллик, нафислик қўшиб турибди. Рассом парини шунчалар гўзал қилиб тасвирлашдан мақсад, уни илҳом париси яхшилик, эзгулик, гўзаллик, санъат, шеърият, куй-қўшиқ маъбудаси сифати тасвирлашни назарда тутган.

Асосий қаҳрамоннинг улуғворлигини, маҳобатлилигини, гўзаллигини кўрсатиш учун уни асарнинг биринчи режасида ишлаган. Моний, яъни мусаввир, қаламқаш соч-соқоли ўсган, бошида конуссимон қалпоғи, эгнида кенг қўйлагини рассом аниқ яққол кўрсатиб берган. Юз ифодани тасвирлашда ёруғ соядан фойдаланган. Монийнинг сочларига эътибор берсак, елкасигача узун ва жингалак, кўзларида қандайдир ўй-фикр ва тасаввурлар борлиги сезилиб турибди. Рассом ушбу қоғоз, қалам асарида бир аёлнинг тимсолида “Илҳом парисини” мураккаб ва пишиқ композицион ечимда тасвирлашга мувофиқ бўлган.

Боҳодир Жалолов график асарларидаги маъжозий образларда яратилган аёллар сиймоси бетакрор ва гўзаллиги билан кишини ҳайратлантиради. Зеро аёллар образи ҳар бир рассомнинг асосий илҳом парисидир. Чунки аёл гўзаллик тимсолидир. Гўзаллик эса дунёни кутқаради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Хакимов А.А., Элмира Г.В. Келажак ҳақида хотиралар. Монографик альбом. СМ ПРИНТ, 2009.
2. Хакимов А.А. Искусство нового Узбекистана. Санъат журнали, 1990. №2.

**ҲАМИД ОЛИМЖОН АСАРЛАРИДА АДАБИЙ–ЭСТЕТИК
ИДЕАЛ КАТЕГОРИЯСИ**

HAMÍD ALÍMCAN ESERLERİNDE EDEBÍ-ESTETİK İDEAL KATEGORİSİ

*Turopova Parizod,
Jizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü
Araştırmacı (Özbekistan)*

*Туропова Паризод,
Жиззах давлат педагогика институту
тадқиқотчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақола Ҳамид Олимжон асарларида адабий–эстетик идеал категорияси тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: Бадиий санъат, поэтик тафаккур, лирик жозибаторлик, лирик ифода, лирик қаҳрамон, тушунча, жараён.

Annotation. The article is devoted to the analysis focused on the aesthetic-literary, ideal categories in Hamid Olimjon’s works.

Key words: Fiction art, poetic thinking, lyrical allure, lyrical expression, the lyrical hero, concept, process.

Ҳамид Олимжон ижодиёти ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг шаклланиши, янгича тасвирлар, оҳанглар ва образлар тизими билан бойишида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳамид Олимжон ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёти, қардош халқлар адабиёти, замонавий Шарқ ва Ғарб шеъриятдан озиқланган, уларни яхши билган. Унинг шеърияти, шунингдек, ўз даври, яшаётган муҳит адабиётидан ҳам таъсирланган. Шоир асарларида қайд қилинган шеърият изларини турли шаклда кўришимиз мумкин. Уларда ошкора ва яширин фикрлар кўп учрайди. Шу боис Ҳамид Олимжон асарларида адабий–эстетик идеал деганда ана шу жиҳатларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ана шу нуқтайи назардан қараганда иждокор асарларида адабий–эстетик идеал категорияси трансформацияланиш ҳодисасининг ўзига хос кўринишларини идрок этамиз.

Ҳамид Олимжон ижоди XX асрнинг биринчи ярмида – ўзбек адабиётининг энг мураккаб тарихий жараёнларини бошидан кечириётган бир даврда ўсиб улғайди ва камолига етди. Шу боис қайд қилганимиздек, унинг мақола ва бадиий асарларида ана шу давр чизгиларни учратишимиз мумкин.

Шоирнинг аждодлари асрлар давомида куйлаган севги–муҳаббат борасидаги идеалларини “Зайнаб ва Омон” поэмаси мисолида кўрамиз.

“Зайнаб ва Омон” поэмаси янги совет даврининг “Фарҳод ва Ширин”и эди”, деб эътироф этади Н.Каримов (Каримов, 1964: 91).

Асар учун ўша даврда донгдор пахтакор сифатида танилган Зайнаб Омонованинг тақдири асос қилиб олинган. Ҳамид Олимжон поэма орқали севги борасидаги идеалларининг замонавий талқинини тақдим қилган:

*Бу севгида йўл бошлар вафо,
Ҳам вафони емирмас жафо;
Бунда асло қаро кун йўқдир,
Бунда мотамсаро кун йўқдир.*

Шоир бу мисралар Зайнаб ва Омон севгиси мисолида севгининг энг юксак кўриниши қандай бўлмоғи керак деган саволларга ўз идеалларини тақдим этиш орқали жавоб берган. Албатта, севгининг бу сингари завол билмас бўлишини барча замон қалам аҳли ҳам, ўқувчилари ҳам истайдилар. Севгининг идеал кўринишда бўлиши, бу борадаги ижодкорларнинг қарашлари ўқувчи идрокига тезроқ таъсир қилиши учун адабий қахрамоннинг ҳаётдаги прототипи бўлиши тажрибаси адабиётимиз тарихида кўплаб учрайди. Шарқ халқлари адабиётида машҳур “Лайли ва Мажнун”, “Юсуф ва Зулайхо” қиссаси бунга мисол бўла олади.

Ҳамид Олимжоннинг “Зайнаб ва Омон” поэмасини ҳам ана шундай қиссалар сирасига киритиш мумкин. Унинг салафлари асаридан фарқли жиҳати шундаки, ижодкор ўз замондоши ҳаёт йўлини поэмасининг асоси қилиб олган. Шу билан бирга унга замон руҳи ҳам сезилади:

*Довонларни ошди амаллар,
Яшашдаги чурук тамаллар.
Асосидан бир–бир бузулди,
Водий бўйлаб колхоз тузулди,
Анор хола оиласи ҳам,
Колхоз сари қўйдилар қадам.*

Гарчи ижодкор поэмада замон руҳини акс эттиришга интиланган бўлса ҳам, унинг марказида инсон омили, унинг руҳияти, муаллифнинг севги–муҳаббат борасидаги идеаллари ўз аксини топган.

Унинг “Болалик” шеъри даврнинг идеал кишиси қандай бўлиши кераклиги борасидаги саволларга жавоб ахтаришга ҳаракат қилади:

*...Бола эдик,
Тунлар – олов,
Қалб –қайноқ,
Кўзлар – ўтқир,
Диллар – соф,
Эркин–эркин ўйнардик...
Ҳаёт билан
Қайнар эди
Куй, қишлоқ...
Кенг кўчалар...*

Узун йўллар...

Порлар эди

Шам–чироқ... (Ҳамид Олимжон, 1979: 18).

Юқоридаги мисралар орқали ҳаётнинг бошланиши қанчалар сокин бўлса, кейинчалик у ўзгариб боради дейди. Кейинги мисралар ҳаётнинг жўшқинлашиб бораётганлиги, ҳаёт янги манзилларга бошлаётганлигини ёзади. Бу, албатта, шунчаки лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ифодаси эмас. Унда идеал инсоннинг, замон билан ҳамнафас бўлиши керак бўлган шахснинг бўйи–баста тасвирланган. Шоир шеърнинг сўнгида идеал шахс бўлиш учун ҳар қандай ҳолатни ҳам хурсандчилик билан енга билиш керак деган тезисни ўртага ташлайди:

Бир нафас жим қоламан,

Лекин, яна

Шовқинларга

Қулоч ёзиб бораман.

Тўлқинларда

Ўйнаб, қайнаб,

Чаппар уриб

Куламан (Ҳамид Олимжон, 1979: 20).

“Сиёб” ва “Бахтлар водийси” шеърларида ҳам шоир ижодига босилган даврнинг тамгалари сезилади. Гарчи Ҳамид Олимжон юртининг обод бўлаётгани, бундан ҳам обод бўлишини орзу қилса ҳам, бу истак–идеалларни тузум ғояларига йўғириб беришга мажбур эди. “Сиёб” шеърининг бир бандида:

Биз шод, қувноқ

Сиёб сари оқамиз,

Ҳар томонга

Севинч билан боқамиз

Бир ёнда:

Ёйилган

Қўйлар қўзилар,

Кезади,

деса, бошқа ўрнида:

Дов баландда,

Улуғ гўрда

Бир пайғамбар чўзилган,

Янги насл

Уни ортиқ

Нафрат билан кўради... (Ҳамид Олимжон, 1979:22-24).

“Бахтлар водийси” шеърида атрофнинг кўм–кўк эканлиги, гуллаб яшнаётганлиги тараннум этилади. Шеър ниҳоясида бу кўкликда яшаётган халққа “Эй, бахтли водийнинг болшевиклари!” дея хитоб қилади. Бахт билан боғлиқ идеали, энг олий даражадаги бахтли инсоннинг белгиси

қандайлиги унинг “Бахт тўғрисида” шеърида ўзига хос тарзда тасвирланади:

*Ҳар ким бир “нони насиба”–
Паррандалар ўз ҳаққин тилар,
Кўпни кўрган қари дунёда
Бахт ахтариб кўплар ўтдилар.*

дейди Ҳамид Олимжон. Яна давом эттириб айтишича:

*Бахт топилмас ҳеч бир замонда,
Эл қул бўлса, бўлса яланғоч,
Жаннатларни яратган одам*

Натижада ўзи қолса оч (Ҳамид Олимжон, 1979: 88).

Кўринадики, Ҳамид Олимжон шеъриятида ҳам давр сиёсий талаблари билан яратилган ўринлар учрайди. Лекин, шоир шеърлари таҳлили у ўзбек халқининг юксак орзулари, идеалларидан чекинмаганлиги, уларни янги кўринишларда тақдим этганлигини кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. –Тошкент: Фан, 1964.
2. Ҳамид Олимжон. Куйчининг хаёли. –Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1979.

ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ ҚИССАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

YAZAR ŞÜKÜR HALMİRZAYEV HİKAYELERİNİN ESTETİK ÖZELLİKLERİ

*Hakimova Dildora,
Jizzah Devlet Pedagoji Enstitüsü
(Özbekistan)*

*Ҳакимова Дилдора,
Жиззах давлат педагогика институти
магистранти (Ўзбекистон)*

Аннотация: Ушбу мақола Шукур Холмирзаев қиссаларида бадиий услуб, бадиий ифода усуллари тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: Бадиий маҳорат, тафаккур, драматик ҳолат, руҳий кечинма, бадиий ифода, психологик таҳлил.

The summary: This article is devoted to the study of artistic expression in artistic style in Shukur Kholmiraev's stories.

Key words: Art skill, reflection, dramatic condition, sincere experience, art expression, the psychological analysis.

Мустақиллик даврида бадиий адабиёт ва ижод аҳлига бўлган муносабат ўзгарди, хусусан, бадиий ифода усуллари ҳамда воқеликни тасвирлаш услубларида ҳам ўзига хос янгиланишлар рўй берди. Худди шундай ўзгаришларни ўз ижодида кўрсата олган, ҳозирги замон адабиётида муносиб ўрин эгаллаган кўп қиррали истеъдод соҳиби Шукур Холмирзаев адабиётнинг турли жанрларида ранг–баранг ҳикоялари, публицистик мақолалари, тарихий эсселари, реалистик қиссалари–ю ажойиб романлари билан китобхонларга, адабиёт аҳлига яхши маълум.

Қуйида биз китобхонларга оригинал қисса намуналари тақдим этган Шукур Холмирзаев қиссаларида бадиий услуб, инсон муаммосининг турли ракурсларда акс этиши, турфа образлар дунёси умумлашган ҳолатда намоён бўлаётганлигини кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Ёзувчи қиссаларини ўрганар эканмиз, улардаги қаҳрамонлари бир – бирига ўхшамаслигини, улар ҳар бирини ўзига хос ички дунёси борлигини шоҳиди бўламиз.

Хусусан, ёзувчининг “Тупроқ кўчалар” қиссасининг қаҳрамонлари мактаб ўқувчилари, энди дунё таниётган ўсмирлар. Қиссада болаликнинг беғубор кўчаларида кезиб юрган ўсмирларнинг гўзал ички дунёси ўзига хос бир йўсинда тасвирланган: “Қишлоғимизнинг ўртасидан сой ўтади. Сойда икки тегирмон сув оқиб ётади. Ёз бошланди дегунча биз мактаб болалари

сувнинг олдини тош, чим билан тўсиб, кўл қиламиз. Лекин Раҳимча ўртоқлари билан келиб кўлимизга эгалик қилиб олишади. Кейин, ўзимиз қурган кўлга тушиш учун уларга хушомад қилишимиз керак. Дўппида, этакда олмами, олчами, ишқилиб эйиладиган бирон нарса олиб борамиз. Мен булар билан ошна бўлишни орзу қилганлардан эдим” (Холмирзаев, 1984: 65).

Келтирилган бу парчадан кўриниб турибдики, қиссада асар қаҳрамонларининг болаларга хос соддалиги ўз ифодасини топган. Қисса қаҳрамонлари Гунг, Тарзан, Раҳимча каби кўча болалари билан танишамиз. Улар ўз тенгдошлари орасида ўзига хос қилиқлари билан ажралиб туради. Ёзувчи болалардаги димоғдорлик, такаббурлик каби ҳолатларни психологик, ижтимоий илдизларини бадий талқин этишга уринди, бунинг учун у реализм усулидан фойдаланади. Асардаги бир эпизодда чўмилишга келган Эшмаматнинг Тарзанлар томонидан тазйиққа учраши тасвирланади. Раҳимчанинг оғайнилари бегуноҳ Эшмаматни армондан чиққунча қалтаклайдилар. Эшмамат ҳам уларнинг зарбаларига бардош беради. Шу пайтда қисса қаҳрамони Эшмаматнинг ҳолига ачинса–да, бошқаларнинг раъйига қарши боролмади. Эшмамат бундан афсус чекиб ўкинди. Қисса қаҳрамони ҳам қилган қилмишидан пушаймон эди, аммо кеч эди.

Ёзувчининг “Юр, тоғларга кетамиз” қиссаси 70–йиллар ўзбек қиссачилигида алоҳида ўрин тутди. Маълумки, 70–йилларда ўзбек адабиётида давр қаҳрамонларини мадҳ этган қиссалар юзага келди. Уларда ишлаб чиқариш илғорлари – коммунист образи етакчи ўринга чиқди. Аммо адиб бундай йўлдан бормади. У ҳаётдаги ҳодисаларни қалб кўзи билан идрок этади, сўнг тасвирлайди. Китобхон кўз ўнгида оламнинг бетакрор манзараларини намоён этади: “Саройтошнинг икки томонида қад кўтариб турган дара соҳиллари, ундаги арчазорлар, сой бўйида ўсгучи юлғунзору бизнинг уйимиз яқинидаги эски чашма, чашма атрофида кўкариб ётадиган нилуфарлар, яна – қишлоқнинг тор, эгри–бугри кўчалари, муюлишларда дўмпайган гўнг тўдалари, атрофдан эшитилиб турадиган какликлар сайроғи, оқшом тушганида уйлар айвонида ёнувчи чироқлар, теварагида кўз тутиб суҳбатга берилган одамлар–буларнинг ҳаммаҳаммаси биз учун азиз, қадрдон эди! Қишлоққа кўчиб келдик дегунча атрофга изғиб кетардик. эски тегирмон борми, бойқуш ин қўйган қари шотут борми – бориб кўрардик, томларга чиқардик, бостирмаларда “искаланиб” юрардик” (Холмирзаев, 1984:83).

Табийки, бу каби тасвирлар китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи табиатнинг ўзига хос рангларини қалб кўзи билан илғай олган. Маълумки, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат масаласи ҳаммавақт долзарб бўлган. Ёзувчи табиат тасвирини беришда масаланинг мана шу томонини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Қиссадаги Қорабой исмли кучукнинг тақдири билан боғлиқ воқеалар бунинг ёрқин мисоли бўла олади: “Бостирмада нимадир қитирлагандек бўлди. Сакраб пастга тушдим.

Бостирмаэшигига этмасимдан, ичкарига нимадир чошиб кириб кетгандек бўлди. Бундоқ пайтда менда жон қоладими дейсиз. Ичкарига аста мўраладим. Бостирма нимқоронғи бўлганидан бояги нарса кўринмади. Кириб, бир оз серрайиб турдим. Бир пайт бурчакдаги охур томондан тагин шитирлаш эшитилди. Бир қадам босдим—у, тўхтадим. “Илон бўлса—я!” деб ўйладим. Лекин: “Ҳали кўрдим—ку, кучукка ўхшайди”, деб ўйладим—да, ташқарига қайтиб чиқдим. Уйга кириб, эски газеталардан олиб тушдим. Қувур қилиб ўраб, ёндириб тагин бостирмага кирдим. Машъалани тепамда тутиб қарасам, охур ичида иккита чўғ милтиллайди. Ит. Кучук! Бурчакка тиқилиб, оппоқ тишларини кўрсатиб турибди. Тепасига бордим. Ушламоқчи бўлиб қўл чўзувдим, кучук батта бурчакка тиқилиб, бўғиқ овоз чиқарди. Қўлимни тишлаб олиши аниқ!” (Холмирзаев, 1984: 83–84).

Бу парчада ёзувчининг синчков нигоҳини пайқаш қийин эмас. Муҳими шундаки, ёзувчи воқеа—ҳодисаларни, табиат манзараларини қисса бош қаҳрамони Нуралининг нигоҳи орқали кузатади. Шунинг учун ҳам қиссада тоғ ҳаётининг ўзига хос томонлари ёрқин намоён бўлади. Нуралининг нигоҳида дунё тоза ва бокира. Қисса қаҳрамонлари тоғ фарзандлари. Улар туғилган қишлоғини севадилар. Тоғ фарзандлари учун ўзлари туғилган жойдан гўзал ва улуғроқ маскан йўқ. Табиий ва руҳий уйғунликни далиллаш ҳамда уни бадий идрок этиш адиб асарларига хос бўлган асосий хислатдир. Ёзувчи бундай манзарани қуйидагича тасвирлайди: “Тоғ тоғ—да! Ҳозир этакдаги чўлларда қувраган баҳор бу эрда яшнаб турибди. Мен сизга Саройтош баҳори ҳақида гапирмадим, бунақасини бошқа эрда кўришингиз маҳол. Юрган йўлингиз, сўқмоғингиз ҳам ям—яшил! Худди яшил кўрпа устида юргандек лўкиллаб қадам ташлайсиз. Сўқмоқ бўйларига қизғалдоқлар очилган. Гиламдек—гиламдек майдонни эгаллаб чучмомалар ўсиб ётади. Булутлардан қолган янтоқлар тагида қаламқош гуллари!..Баҳри дилингиз очилиб, кўкрагингиз кенгайиб кетгандек бўлади. Анави тепалик яшилу наригиси ундан ҳам яшилроқ бўлиб туюлади. Аммо унга чиқиб бориб, қўшни тепалик яна ҳам яшилроқ эканини кўрасиз. Шундай қилиб, бирпасда қишлоқни ўраб турган дара соҳилларини айланиб чиқасиз. Уйларнинг томи лолақизғалдоқларга тўлиб кетади, улар билан бирга бўғотларда ёввойи арпа ҳам ўсади. Гўнг тўдаларида қўзиқулоқлар!” (Холмирзаев, 1984: 90–91).

Ёзувчи ўзи билган, ўзи севган тоғ манзараларини ички бир ғурур билан ифода этади. Табиат тасвири Шукур Холмирзаев ижодида чуқур лиризм, қаҳрамон субъектив призмаси орқали тасвир этилади. Ёзувчи юрт ва ватан кенгликлари, гўзал табиатдан завқлана олиш туйғусини китобхонга юқтиришга муваффақ бўлган. Ёзувчи болаликка ҳос беғубор туйғуни қисса охиригача сақлаб қолган. Аввалига Қорабойни бошқалардан сир сақлаб юрган қисса қаҳрамони энди ўз кучуги билан фахрланади. Ёзувчи бу билан Нурали ва унинг тенгдошларининг табиатга, борлиққа бўлган меҳрини алоҳида қайд этади. “Мен Қорабойни боғламайдиган бўлдим. Одам

қувониб кетар экан денг!. Ярми бўри шу ҳайвоннинг!! Буни жуда яхши биламан. Диккайган қулоқлари ҳам унинг қишлоқ итларидан фарқ қилишини айтиб турибди. Лекин қаранг, у бўш юрибди! Бемалол айвонга чиқиб келади. Мактабга борсам, орқамдан эргашади...” (Холмирзаев, 1984: 97).

Шукур Холмирзаев қиссаларида инсон кечинмалари чуқур таҳлил қилинади. У ёки бу тузум манфаатларига асар ғоясини бўйсундирилмайди. Ёзувчи қиссаларида инсоннинг қалб манзаралари ўз аксини топади. Шу пайтгача адабиётда реализм этакчи адабий–метод бўлиб келган бўлса, кейинги пайтларда унинг ёнига бошқа тасвир усуллари кўшилди. Қиссанинг бош қаҳрамони ит – Қорабой. У одамлар орасида катта бўлган. Бир кун қишлоққа бўри оралайди. Шу орада Қорабой ҳам йўқолиб қолади. Бундан ҳар ким, ҳар хил ҳулоса чиқаради. Оқсоқол Қорабой аллақачон бўриларга кўшилиб кетган дейди. эгамберди ака эса Қорабой бўриларга кўшилиб кетиши мумкин эмас деб ҳисоблайди. У Эгамберди ака билан Қорабойни излашга тушади. Асл воқеа қуйидагича эди: “Эгамберди ака изни қоралаб уч–тўрт қадам босдилар–у, тўхтаб, қолдилар. Менга қараб жилмайдилар. Мен у кишининг ёнига чопиб бордим. Отам чўнқайиб ўтирар, олдида Қорабой итимиз чўзилиб ётар, ундан нарида кўкиш бир ниманинг гавдаси ҳам кўринар эди. Борсак, кўкиш нарса ўртacha катталиқдаги бўри экан. Кекирдагидан узилган, ўлиб қотиб қолган” (Холмирзаев, 1984: 102).

Ушбу парчада итнинг одамларга бўлган муносабати очилибгина қолмай, балки Қодир подачининг ҳам ички дунёси ёритиб берилган. Ёзувчи асарда қишлоқ аҳлининг урф–одатига хос бўлган айрим анъаналар таърифига ҳам ўрин ажратади. “Майдонга қайтиб бордим. Ҳалиям одамлар тарқалишмаган. энди қишлоқ итлари ҳам ўралашиб юрар, териси шилинаётган рақибларига хўмрайиб қарашар эди. Бўрининг терисини Қодир подачи шилаётганди. У терисини шилиб бўлди–да, калтакка илиб, менга узатди. –Ол, кўтар! Қишлоқни айлан!

Тоғда ҳам, чўлда ҳам шунақа одат бор. Кимнинг ити бўрини олса, шу бўрининг терисини шилиб, ёғочга илишади–да, қишлоқда уйма–уй юришади. Шунда одамлар ҳимматига қараб бир нима ҳадя қилишади, қўй–эчки берадиганлари ҳам бўлади” (Холмирзаев, 1984: 102–103).

Кўрамизки, халқнинг ўзига хос миллий анъаналари замирида ҳалоллик ва ҳақиқат жамулжам эканини ёзувчи ғурур билан таъкидлайди. Қиссада Қодир подачи деган образ – ўзи содда бўлса–да, биров ғайирлиги бор. Қишлоқда Қорабойнинг пайдо бўлишини кўпчилик маъқуллаган бўлса, Қодир подачи зимдан уни йўқ қилиш пайига тушади. Девкамардаги жарликда калтак билан уриб пастга йиқитади. Қодир подачининг бу қилмиши бутун қишлоқ аҳлининг нафратини келтиради. Ёзувчи, бу воқеадан сўнг, китобхон эътиборини яна бир воқеага қаратади. “Бир куни ҳаво очилиб кетди. Онам мени шувоқ ўриб келишга юбордилар. Қайтиб келиб эшитсам, Қорабой қапамиз ортида молларнинг қўрадан чиқишини

кутиб ётганида, Қодир подачи эшагини миниб ўтаверибди. Қорабой ўрнидан туриб, унга эргашибди. Подачи эшакка хала берибди. Қорабой қирқ метр чамаси унинг кетидан борибди—да, бирдан эшакка сапчибди. Подачини йиқитиб, тагига босибди. Қодир подачи бўриларнинг одатини билгани учун бўйнини қисиб, юз тубан ётиб олибди. Қорабой унинг чопонини қўшиб бўйнидан тишлабди, бир—икки силтаб отибди. Сўнг уйимизга қайтиб келибди” (Холмирзаев, 1984:112). Бундан кўринадики, ҳатто итларга ҳам қасос олиш хислати хос. Ноҳақ калтакланган Қорабой Қодир подачидан ўчини олади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёзувчи ижодида табиат ва инсон муносабатлари алоҳида диққатга сазовор мавзулардан эканлиги, шунингдек уни бадиий образ яратиш тажрибасига ғоятда бойлиги, ўзига хос услубга эга адиб эканлигига шоҳид бўламиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Холмирзаев Ш. Тупроқ кўчалар // Йўллар йўлдошлар. – Тошкент, 1984.
2. Холмирзаев Ш. Юр, тоғларга кетамиз! // Йўллар йўлдошлар.— Тошкент, 1984.

**“G‘AROYIB US SIG‘AR” DEVONIDA VATAN TUSHUNCHASINING
MA‘NO NOZIKLIKLARI**

**“GARAYIB-US SIGAR” DĪVANINDA VATAN KAVRAMININ ANLAM
İNCELİKLERİ**

*Muslimova Kamola,
Semerkand Devlet Üniversitesi
(Özbekistan)*

*Musulmonova Kamola,
Samarqand davlat universiteti
magistranti (O‘zbekiston)*

Annotation. In this article explains the conceptions of fatherland and patriotism. There is some ideas about native country. In the work of Navoi “G‘aroyib us sig‘ar” interpreted the comprehension of these notions.

Key words: Motherland, social enlightenment, patriotism, believe.

Inson kamoloti masalasi barcha davrlarda birday ahamiyat kasb etib kelgan. Sharq-u G‘arbda bu borada qator asarlar yaratilgan. Bunday asarlarda insoniyat takomilida asosiy o‘rin tutuvchi yetakchi omillarga ham alohida diqqat qaratilgan. Aynan ana shunday omillar qatorida vatan tushunchasi yetakchi ahamiyat kasb etadi. Zero, inson botinidagi ezgu fazilatlar ana shu tushuncha atrofida birlashadi. Vatanparvarlik degan ijobiy sifat ham vatan tushunchasi negizida vujudga kelgan. Inson o‘z hayotida, faoliyatida vatan hissini teran anglasa, qalbiga jo aylasagina uning qadr-qimmatini teranlashadi. Shu jihatdan ham vatanparvarlik tushunchasini umumbashariylik nuqtayi nazaridan anglash, tahlil etish maqsadga muvofiq.

Alisher Navoiy ijodi g‘oyaviy-mazmuniy yo‘nalishiga qarab rang-barang. Asarlarida ilgari surilgan g‘oyalar bevosita shaxs kamoloti masalasiga borib taqaladi. Uning lirik asarlariga diqqat qaratadigan bo‘lsak, turfa mavzular, g‘oyalar teranligi, mohiyat betakrorligini ilg‘ash mumkin. “G‘aroyib us-sig‘ar” devonida ham ana shunday betakror mavzular qalamga olinadi. Devonda vatan tushunchasi bilan bog‘liq baytlar ham salmoqli o‘rin tutadi. Mohiyatan, vatan tushunchasi kishining tug‘ilib o‘sgan joyiga nisbat berilsa, g‘azallarda qo‘llangan vatan tushunchasi baytlar mazmuniga joziba baxsh etuvchi o‘ziga xos tashbeh vazifasini o‘taydi. Bunda, albatta, vatanning ulug‘lik, muqaddaslik, yagonalik sifatlariga alohida urg‘u beriladi.

Hazrat Alisher Navoiyning lirik asarlarida vatan va vatanparvarlik tushunchalari keng mazmun - mohiyatga ega.

Lirik merosida sa go‘zal tashbeh yaratishda o‘ziga xos vosita rolini o‘taydi:

Qoshing ichra rishtayi jonimg‘a chirmangan ko‘ngul,

Ankabutedurki, aylabdur vatan mehrob aro. (Навоий, 1987: 19)

Lirik qahramon o'z oshiqligining sifatini ramziy ma'noda ankabut timsoli orqali ifoda etadi. Ankabut mehrobda uya qurganidek, yor qoshlari ham rishta bo'lib oshiq ko'ngliga chirmashgan. Baytda qo'llangan vatan so'zi „yashash“, tura-joy, manzilgoh ma'nolarini ifodalab kelgan. Devonga kiritilgan 107-g'azalda ushbu tushunchaning boshqa ma'no nozikliklari anglashiladi:

Shujoat birla kirmak kulbayi faqr ichra bo'lmaskim,

Bu vayronni qila olmas vatan har ajdaho gustoh. (Навоий, 1987:71)

“Kulbayi faqr” - ko'ngil to'qligi. Uning nafsning turfa oroyishlaridan xoliligi va qalb xilvatida haq sari intilish demakdir. Kulbayi faqr shoir ta'rifida vayrona deb keltiriladi. Sababi u dunyoning o'tkinchi shodliklaridan xoli, qolaversa, dard-u g'ussaga makon. Hayot lazzatlaridan voz kechib ushbu faqirlik kulbasiga shijoat bilan qadam qo'yish har kimning ham qo'lidan kelmaydi. Ayniqsa, haybati ajdaho bo'lgan taqdirda ham, gustoh, ya'ni osiyalar bunda vatan tuta bilmaydi. Demak, vatan tushunchasi ushbu o'rinda muqaddaslikka yo'g'rilgan holda tasvir etiladi.

Yana bir o'rinda lirik qahramon ruhiy holatini tasvirlashda ishq makoni sifatida vatan tushunchasiga murojaat qilinadi:

Ko'ngul to vodiysi ishqig'a tushdi, qilmadi bir xam

Vatanni yod ul ovorayi bexonumon hargiz. (Навоий, 1987: 124)

Oshiq mahbusasi ishq vodiysida yashaydi, oshiq ko'ngli esa ana shu vodiya tushgan. Biroq yor o'zi makon tutgan joyga parvo qilmasdan ketadi. Endi oshiq uchun ham ma'shuq yashovchi joy - vatan. Ikkalasi uchun esa ishq vodiysi vatandir. Bu baytda esa vatan tushunchasi ishq-muhabbat bilan yonma-yon qo'yilgani holda, uni sevish, avaylash mazmuuniga nisbat beriladi.

Devonda “jaloyi vatan” tushunchasi ham keltiriladi.

Gar ko'ngullarni jaloyi vatan istar bo'lsang,

Yech tugunlarniyu zulfungni tara, ey qorako'z. (Навоий, 1987: 129)

Ushbu izofali birikma Navoiy asarlari lug'atida quyidagicha izohlanadi:

Jalo- vatandan ayrilish, g'urbanda bo'lish;

Jaloyi vatan-vatandan judo bo'lish;

Qilib Navoiy ovorani jaloyi vatan,

Balou dardga hamxona qildi ul sho'x (АНАТИЛ, 1983: 559)

Ana shu mazmundan kelib chiqqan holda yuqoridagi baytni quyidagicha sharxlash mumkin: ko'ngillarni vatandan judo bo'lishini istasang, zulfing tugunlarini yechib tara. Bu baytning yoyiq holati. Uni mohiyatan izohlaganda esa, boshqacha mazmun anglashiladi. Ko'ngil ishq rishtasi sifatida talqin etilishi ma'lum. Soch esa tasavvuf adabiyotida ishq sirlariga yetishish vositasi sifatida talqin etiladi. Ko'ngil esa ana shu sochlarga bog'langan. Bu bog'ichlar yechilsa, u „jaloyi vatan“ bo'lishga mahkum. “Jaloyi vatan” tushunchasi baytda ham, baytdan tashqarida ham og'riqli mazmunni ifoda etadi. Zero, inson uchun eng katta musibat-vatandan judo bo'lish. Bu kishini xor-zorlikka soladi. Yuqoridagi baytda ham oshiq qalbining, ruhiyatining og'riqlarini yanada aniqroq tasvirlashda ayni shu so'zdan foydalaniladi.

Ayrim o‘rinlarda vatan so‘zi Majnun timsoli bilan birgalikda, yoki unga ishora qilgan holda keltiriladi. Bunda Majnunning yor ostonasini makon tutganligi, yoki boshqa bir o‘rinda ana shu makondan judo bo‘lib jaf o chekkkanligi tasviri oshiq ruhiy holatga hamohang holda keltiriladi:

*Garchi Mjanunmen sening ko‘yungni o‘q aylab vatan,
Anda o‘q bo‘lsam bo‘lay bozichayi atfolkim* (Навоий, 1987: 242)

Yoki

*Lahad kunjin vatan aylab tiniptur umridin Majnun,
Ne bo‘lsa men kibi ovorayi bexonumon ermas.* (Навоий, 1987: 134)

Dastlab keltirigan baytda oshiq o‘zini Majnunga qiyos etadi. Xuddi u kabi yor ko‘yida bolalar o‘yinchoq‘i singari o‘q bo‘lishni ixtiyor etishini ifodalaydi. Keyingi baytda esa, o‘z holini Majnunnikidan yuqori qo‘yadi. Majnun lahad kunjin vatan tutub umrini nihoyasiga yetkazgan, biroq oshiq undan farqli ravishda, bexonumonlikda ovorayi sarson. Baytda vatan va bexonumonlik tushunchalari o‘zaro qarama-qarshilikda tasvirlanagan. Aslini olganda ham vatan va vatansizlik mazmunidagi bexonumonlik tushunchalari doimo o‘zaro zidlanadi. Vatan muayyan makonga ega ekanlik, unga taalluqlilik mazmunini anglatsa, bexonumonlik vatansizlik, undan judo bo‘lish singari ma‘nolarni ifoda etadi. Ko‘rinadiki, bunda vatanni tark etish, undan ayro tushish kishi boshiga g‘am tashvish, „ranj-u g‘urbat“ keltirishi alohida ta‘kidlangan. Har qanday kishi o‘z zaminida, ona tuprog‘ida shod-xurram hayot kechirishi mumkin. Undan ayrilish esa cheksiz iztiroblarga olib keladi. Hazrat Navoiy baytda ana shu mazmuni nazarda tutadi.

Vatan tushunchasini keng va tor ma‘noda tushunish mumkin. Tor ma‘noda kishining tug‘ilib o‘sgan yurti, muayyan xalqqa tegishli hudud m‘nosini anglatsa, keng ma‘noda esa, muayyan qit‘a vakillari uchun o‘z qit‘alari umumiy vatan, bashariyat uchun Yer sayyorasi yagona makon sanaladi. Shu sababdan uni faqat tor ma‘noda olish yaramaydi. Shuni alohida qayd etish joizki, vatan va vatanparvarlik mavzusi eng katta ehtiyoj singari har doim insoniyatga kerak bo‘lgan, uning ma‘naviy kamolotida asosiy omil bo‘lib xizmat qiladigan vositadir. Yosh avlodni buyuk kelajak uchun jonkuyar farzandlar qilib tarbiyalashda, eng asosiy e‘tibor ularning qalbida vatan tuyg‘usini chuqur ildiz ottirish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiylashga qaratiladi. Zero, o‘zligini anglagan, yuragida vatan ishq jo‘sh urgan kishigina o‘z zamini uchun chin ma‘noda qahramonlik ko‘rsatmoqqa qodir.

Vatanga muhabbat hissi qalbd shakllanadi va insonning haqiqatga bo‘lgan ishonchini ifoda etadi. Bu ishonch inson botinida ezgu tuyg‘ularga muhabbati orqali namoyon bo‘ladi. Vatanga bo‘lgan muhabbat ham vatanga nisbatan e‘tiqod natijasidir. Xullas, vatan konsepti keng tushuncha bo‘lib, uni tor ma‘noda emas, balki keng mazmun-mohiyatda buyuk mutafakkirlar, jumladan, hazrat Alisher Navoiy ijodida tadqiq etishni oldinda belgilangan dolzarb masalalardan biri sifatida e‘tirof etish mumkin. Shu boisdan uni o‘rganish va yosh avlodga yetkazish bizning asosiy vazifalarimizdan biri bo‘lib xizmat qiladi

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 11 том. – Toshkent: Фан, 1987.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати– Toshkent: Фан, 1983.

O‘ZBEK XALQ QO‘SHIQCHILIK IJODIYOTI
ÖZBEK HALK TÜRKÜLERİNİN ÖZELLİKLERİ

*Nodira Karimcanova,
Nizami adindaki Taşkent Devlet Pedagoji
Üniversitesi (Özbekistan)*

*Nodira Karimjonova,
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika
universiteti magistranti (O‘zbekiston)*

Annotatsiya. Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasining janubiy sharqida joylashgan Andijon viloyati musiqa ijodi va uning umumnazariy masalalari yoritilgan.

Kalit so‘zlar: musiqa, musiqa cholg‘usi, ashula, qo‘shiq, terma, yalla, lapar, katta ashula, musiqiy asar, ansambl.

Annotation. This article is about musical creativity and general theoretical tasks in Andijan, south-eastern of the Republic of Uzbekistan.

Key words: music, musical instrument, song, melody, terma, yalla, lapar, large song, musical poem, ensemble.

Mamlakatimizni mustaqil davlat taraqqiyoti yo‘lida barkamol avlod tarbiyasidagi e‘tibori nihoyatda katta ahamiyat kasb etmoqda. Har tomonlama rivojlangan, jismonan va aqlan yetuk shaxsni tarbiyalash jamiyatimizning dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi. Buning asosiy sababi O‘zbekistonda inson omili, inson manfaati davlat rivojlanish dasturining asosiy vazifalari qatorida turganligidan dalolatdir. Vatanimizning kelajagi bugungi yosh avlodning ilmiy salohiyati, mustaqil va oqilona fikr yurita olishlariga har tomonlama bog‘liqligi Davlat siyosati darajasiga olib chiqildi. SHuning uchun ham mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq shaxs tarbiyasiga, uning mahnaviyatini shakllantirishga alohida e‘tibor qaratildi.

O‘zbekiston Respublikasida Prezident Shavkat Mirziyoevning bevosita tashabbusi va rahbarligida qabul qilingan hamda izchil amalga oshirilayotgan 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalish bo‘yicha harakatlar strategiyasi taraqqiyotning yangi bosqichini boshlab berdi. Bu jarayonning amaliy natijalari, belgi va xususiyatlari bugungi kunda xayotimizning barcha jabxalarida, eng muhimi, halqimizning ongu tafakkuri, intilish va harakatlarida yaqqol ko‘zga tashlanmoqda. (O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. 2017, 6-son, 70-modda).

O‘zbekistonni tez sur‘atlar bilan o‘zgarayotgan zamon talablari asosida jadal rivojlantirishning ilmiy-nazariy, amaliy-konstruktiv asoslarini belgilab beradigan,

taraqqiyotning yangi davri uchun mo'ljallangan muhim dasturilamaldir, desak, ayni haqiqat bo'ladi. Harakatlar strategiyasining to'rtinchi yo'nalishida Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo'nalishining to'rtinchi va beshinchi bo'limlarida ta'lim va fanxasini rivojlantirish: uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish, bolalarni bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish, ularni musiqa va san'atga jalb qilish maqsadida bolalar musiqa va san'at maktablarini qurish, mavjudlarini rekonstruksiya qilish va ulardan oqilona foydalanish masalalariga jiddiy e'tibor qaratish belgilab berilgan.

Milliy musiqa ijodiyoti har bir xalqning ulkan ma'anaviy boyligi hisoblanadi (Pajabov, 1963). Uning tarkibidagi eng ommaviy, tarbiyaviy-ta'sirchan xalq qo'shiqlari o'zining g'oyaviy-badiiy mazmuni, xalq hayotining barcha qirralarini ifoda etishi kabi xususiyatlari bilan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy, ma'rifiy va estetik dunyoqarashini shakllantirishda muhim vosita hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.Karimov haqli ravishda ta'kidlaganlaridek "Har qanday xalq yoki millatning ma'naviyatini uning tarixi, o'ziga xos urf-odatlarini, an'analari, hayotiy qadriyatlaridan ayri holda tasavvur etib bo'lmaydi. Bu borada tabiiyki ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar eng muhim omillardan bo'lib xizmat qiladi" (Karimov, 2008: 30).

O'zbek xalqining milliy ma'naviy merosi, madaniy boyliklari, milliy qadriyatlar tizimida xalq qo'shiqchilik ijodiyoti alohida mavqega ega bo'lib, u xalqimizning milliy urf-odatlarini, an'analari, bayramlari, marosimlari, tarixiy, diniy, falsafiy qarashlari, ijtimoiy hayotda tutgan o'rni va mavqei, mehnati bilan chambarchas bog'liq holda o'zida ma'naviy-mahrifiy g'oyalarni mujassam etadi (Fitpat, 1993). Bilim olish, ilm o'rganish, insoniy fazilatlar hisoblangan odob, axloq, to'g'rilik, rostgo'ylik, halollik, iymon-e'tiqod, vatanni sevisish, uni qadrlash, asrash, kerak bo'lsa jonini fido qilib bo'lsa ham himoya qilish, ota-onani, qarindosh-urug'larni, qo'ni-qo'shni umuman olganda inson zotini hurmat qilish, ona tabiatni e'zozlash kabi umuminsoniy fazilatlarini madh etuvchi milliy va zamonaviy qo'shiqlarni o'rganish va kuylash o'z-o'zidan yoshlar qalbida ezgu his-tuyg'ular uyg'otishi, ularda insoniy fazilatlarini shakllanishiga badiiy-emotsional ta'sir etishi hech shubhasiz. Chunki, avlodlardan avlodga o'tib kelayotgan juda ko'plab xalq ijodiyotidagi kuy-qo'shiqlar, mumtoz va maqom ashulalari, qo'shiqchilik ijodiyotida bevosita xalqning yaratuvchilik qudratini mahsuli bo'lib, ularning tarbiyaviy ta'sir kuchi eng avvalo ular mazmunidagi go'zallik, ulug'vorlik, jo'shqinlik his etib yashash, hayotga bo'lgan qiziquvchanlikni oshirish, unga ishonuvchanlik tuyg'usi bilan qarash, tushkunlik, g'amginlik, ma'yuslik his-tuyg'ularini sezuvchanlik xususiyatlariga ega ekanligidadir. Bunday asarlarni tinglash, tahlil qilish, yaratilish tarixi, mohir ijrochilari, g'oyaviy-badiiy mazmuni haqidagi suhbatlar o'quvchi-yoshlar qalbida ezgu his-tuyg'ular uyg'otadi, ideal obrazlar timsolidagi oliyjanob fazilatlarini egallashga ilhomlantiradi.

Andijon xaqida so'z ketganda shu zaminda tavvalud topib, dunyoga dovrug' taratgan buyuk ajdodlarimiz Zahiriddin Muhammad Boburning "Anda jonim qoldi

mening” degan shoh satirlari bot-bot yodga tushadi. Bugungi kunda ham Andijonga tashrif buyurganing toabad unga maftun bo‘lib, “Anda joni qolib ketadi” desak aslo mubolag‘a bo‘lmaydi. Maftunkor go‘shamiz Andijonga bu galgi safardan maqsad “kim edigu kim bo‘ldik, ertaga qanday marralarni egallashimiz kerak”. “Ulug‘lar haqida so‘z aytmoq kitob yozmoq anga mushkul ish”. Bu zahmatli mehnat jarayoni ijodkorlardan katta bilim tajriba talab qiladi.

Andijon viloyati o‘zbek xalq qo‘shiqchilik ijodiyotini ilmiy o‘rganish masalasi juda ko‘plab olimlar hamda mutaxassislar tomonidan o‘rganilgan. Jumladan, Farg‘ona davlat universiteti o‘qituvchisi Sultonali Mannopov (Mannopov, 2004: 161) o‘zbek xalq qo‘shiqchilik ijodiyoti, musiqa merosi an‘analari tarkibi, o‘zbek xalq musiqasida mahalliy uslublar, ularning tarkibi, o‘ziga xos xususiyatlari xususida batafsil ma‘lumotlar keltirilgan. O‘zbekiston davlat konservatoriyasi dotsenti, san‘atshunoslik fanlari nomzodi S.Bekmatov (Bekmatov, 2007: 135) xofiz san‘atkorlar to‘g‘risida ma‘lumot berib, xofizlik san‘ati so‘zinining lug‘aviy ma‘nosi xususida batafsil ma‘lumotlar keltirilgan. Biroq, barcha tadqiqotlarda Andijon vohasi o‘zbek xalq qo‘shiqchilik ijodiyoti mustaqil tadqiqot sifatida alohida o‘rganilmagan. Shu bois ham Andijon qo‘shiqchilik ijodiyotini mazkur kichkina maqolada ma‘lum darajadi tilga olishga jazm qildik.

Andijon atamasining kelib chiqishi bo‘yicha turli turli afsona va rivoyatlar yuaradi. Ayrim manbalarda shahar nomi “andi”, “adoq”, “azoq”, kabi urug‘lar nomi bilan bog‘liqligi aytib o‘tilgan. Ikkinchi yana bir xolat bir davrlarda Andijon xududida andilar (xindlar) yashagan va shaharning nomi “Andikon” deb nomlanganligi haqida ham ma‘lumotlar bor. Andijonning Ark qismida hozirgi Bobur mahallasida va Shahristonda olib borilgan arxeologik qazishmalar natijasida VII-VIII asrlarga oid buyumlarning topilishi Andijon viloyatini O‘rta Osiyodagi ko‘hna va qadimi shaharlardan biri ekanligidan dalolat beradi. O‘rta asrlarda shahar Arki mudofaa devorlari bilan o‘rab olingan. Arab xalifaligi davrida Andukon deyilgan. Andijonda ilk bor yozma manbalarda taxminan X-asrlarda arab sayyohlari Ibn Havqal va Muqaddasiy asarlarida Andukon shaklida ta‘kidlab o‘tilgan. XI asarlarga kelib shahar Qoraxoniylar hukmronligi ostida o‘tgan. XI-XII asrlarda Farg‘ona vodiysining yirik savdo va hunarmandlik markaziga aylanadi (Mannopov, 2004:161). Shahar mo‘g‘illar istilosi davrida mutoloqo vayron etilgan. Ayrim manbalarni qayd etilishicha XIII asr oxirlariga kelib, mo‘g‘il xonlaridan Tuva va Xaydu tomonidan qayta tiklangan. Andijon XIV asrlarning 70-yillarida Farg‘ona vodiysi bilan birga Amir Temur asos solgan Temuriylar davlati tarkibiga kirgan. XV asrning 2-yarmidan A.Temuriylar davlatiga qarashli Farg‘ona viloyati (vodiysi)ning poytaxti bo‘lgan. Ayniqsa, Umarshayx Mirzo va uning o‘g‘li Zaxiriddin Muxamad Bobur o‘zining maur “Boburnoma” asarida Andijonni shunday ta‘riflaydi: “Oshlig‘i vofir, mevasi farovon, qovun va uzumi yaxshi bo‘lur. Qovun mahalida poliz boshida qovun sotmoq emas. Andijon noshpotisidan yaxshiroq noshpoti bo‘lmas. Movaraunnaharda Samarqand va Kesh (hozirgi nomi Shahrisabz) qo‘rg‘onidin so‘ngra mundin ulug‘roq qo‘rg‘on yo‘qdur. Uch darvozasi bor, To‘qqiz tanov suv kirar. Bu ajabdurkim bir yerdan ham chiqmas. Eli turkdir. 1504 yildan

Andijon shayboniylar qo‘l ostiga o‘tgan. 1710 yildan Qo‘qon xonligi tarkibiga kirgan va Rossiya Qo‘qon xonligini butunlay bosib olguniga qadar ya‘ni 1876 yilgacha Andijon bekning qarorgohi bo‘lgan. O‘sha davrlarda Andijonda mahalliy xalqlardan tashqar Sharqiy Turkiston (Sinьtszyan)dan kelganlar ham yashagan. Shahar o‘zining hunarmandchilik buyumlari, ip va ipak gazlamalari bilan shuhrat qozongan. XIX asar o‘rtalarida Andijon 4 ta dahaga bo‘lingan. Har bir dahaning o‘z qozisi, mingboshisi va boshqa boshqaruv lavozimlari bo‘lgan. Dahalar oqsoqol boshliq mahallalarga bo‘lingan. Mahallalarda yana bir qator mas‘ul lavozimlar ham tashkil etilgan. 1877 yilda shahar yondosh Xoqon (Haqan) qishlog‘i aholisi ko‘chirilib o‘rnida rus bosqinchilari uchun shahar yangi ko‘rinishda qurilgan. SHahar orasida Rossiya bilan temir yo‘l orqali bog‘langach 1899 yilda aholini ish bilan band qilish, ularning qo‘l mehnatidan foydalanish maqsadida dastlabki korxonalar tashkil etila boshlandi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Pajabov I. Maqom masalalapiga doip. -Toshkent, “Fan”, 1963.
2. Fitpat A. O‘zbek klassik musiqasi va uning tapixi. –Toshkent: “Fan”, 1993.
3. O‘zbek musiqa madaniyati tarixi sahifalari. O‘zbekiston milliy tiklanish demokratik partiyasi. -Toshkent. 161 b.
4. Mannopov S. “O‘zbek xalq musiqa madaniyati” nomli o‘quv qo‘llanma. -Toshkent. 2004. 161 b.
5. Bekmatov S. “Xofizlik san‘ati” nomli o‘quv-uslubiy qo‘llanma. -Toshkent. 2007. 135 b.
6. Karimov I. “Yuksak ma‘naviyat yengilmas kuch”. –Toshkent: “Ma‘naviyat”, 2008.

UMUMIY O'RTA TA'LIM TIZIMIDA CHOLG'U ASBOBLAR ANSAMBLINI
TASHKIL ETISH BO'YICHA AYRIM TAVSIYALAR

ORTA EĞİTİM SİSTEMİNDE ÇALGI ORKESTRASININ
ORGANİZASYONU İLE İLGİLİ BAZI TAVSİYELER

O.Sobirova

*Nizami adindaki Tashkent Devlet Pedagoji
Universitesi (O'zbekiston)*

O.Sobirova,

*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika
universiteti magistranti (O'zbekiston)*

Annotatsiya. Mazkur maqolada umumiy o'rta ta'lim muassasalarida sinfdan tashqari musiqiy ta'lim va tarbiyani olib borishda musiqiy ansambllari faoliyatidan foydalanish metodikasi bayon etilgan.

Kalit so'zlar: musiqa, ta'lim, tarbiya, musiqa cholg'usi, musiqiy tarbiya, musiqiy asar, ansambl.

Annotation. The article shows that the methods of musical ensembles activity in educational process of external classes in secondary educational system.

Key words: music, education, musical instrument, musical educating, music poem, ensemble.

Respublikamizda faoliyat ko'rsatayotgan umumiy o'rta ta'lim tizimi o'quvchi-yoshlarni tarbiyalashda eng asosiy ob'ekt sifatida xizmat qiladi. Ushbu ta'lim dargohlarida o'quvchilarga bilim, ko'nikma berishda umumiy o'rta ta'lim maktablarida tashkil etiladigan ansambllarning o'rni beqiyosdir. Odatda ansambllarni tashkil etishda musiqiy cholg'ular, o'quvchilarning iqtidori, ta'lim muassasasida yaratilgan shart-sharoitlar katta rol o'ynaydi. Ansambllarni tashkil etish va boshqarishda albatta musiqa ma'lumotga ega mutaxassislarning bilim va sohadagi tajribasi katta rol o'ynaydi (Azizboev, 2007: 34). Shu sababli hamda quyida umumiy o'rta ta'lim maktablarida tashkil etiladigan u yoki bu yo'nalishdagi ansambllarni tashkil etishning umumnazariy masalalari bilan bir qatorda uning metodikasini ochib berishga xarakat qilamiz. Jumladan, cholg'u ijrochilari ansambliga rahbarlik qilayotgan badiiy rahbar yoki musiqa rahbarining eng dolzarb, birlamchi vazifasi – ta'lim va tarbiyani jamoaviy ijrochilik xususiyatlariga xos holda moslashtirib borishdir. O'z o'rnida rahbar har tomonlama bilimli, ijrochilik mahorati yuqori, ilmi va musiqiy faoliyatda katta tajribaga ega bo'lishi shart. Odatda, o'quv japayonida ansambl tapkibi vaziyat taqozosi bilan tuziladi. Ustiga-ustak, ansambl ishtpokchilapining bilim mavqesi ham tuplicha bo'lishi muqappap. Shu bois, ansambl rahbari o'z ish faoliyatini muayyan tarkib asosida tuzishi

va olib borishini taqozo etadi. O'z imkon darajasidan kelib chiqqan holda o'zlashtirishning turli uslublariga tayanishi kerak.

O'quv jarayoniga mos hamda o'quvchilarning ijro saviyasini inobatga olgan holda quyidagicha uslub asosida ish yuritish maqsadga muvofiq bo'ladi. Unga ko'ra avvalo ansambl qatnashchilarining ma'lum guruhlariga bo'lish va ularni jo'rnavoqlik ijro amaliyotiga o'rgatish lozim. Guruhlar bilan ishlash jarayonida asarni mukammal o'zlashtirgandan so'ng, jamoa bo'lib ansambl sifatida birlashish yaxshi natijalarni olib keladi. Tarbiya jarayonining yana bir muhim tomoni shundaki, o'quvchilar imkoniyatiga mos, hamda ruhiyatiga xos ijro dasturini tanlashdir. So'ngra, tanlagan asarni sozandalarga o'rgata borishda o'quvchilarning darsga qatnashishi jarayonini muntazam ravishda kuzatib borish umumiy tarbiyaning muhim omillaridan biri sifatida gavdalandi.

Ansambl har xil sozlardan tashkil topganligini inobatga olib, bir sozni o'rnini ikkinchi bir soz bilan almashtira olmaslik holatiga tushib qolishlik muammosini bartaraf etish zarur (Fitpat, 1993). Mashg'ulotlarda o'quvchilar jamoasiga, har bir sozandaga hurmat ehtipom, o'zaro mehr muhabbat, insoniylik fazilatlarini bosqichma-bosqich o'quvchilar qalbiga singdira borish talab etiladi. Musiqa ta'limi ta'lim yo'nalishida qabul qilingan o'quvchilar dastlabki musiqiy saboqlarni musiqa maktablarida, o'pta maxsus o'quv yurtlarida, kollejlardan oladilar. Shunday ekan, keyingi bosqichlarda musiqa ta'lim tizimini yanada takomillashtirishga asoslanishi maqsadga muvofiqdir. Bu xususda o'qituvchi har bir o'quvchini bilim saviyasini va ijro mahoratini o'zlashtirishini nazorat etishi lozim. So'ngra, uning ijodiy rivojlanish qobiliyatini hisobga olib saboq rejasini tuzadi. Umumiy o'rta ta'lim tizimida xox u an'anaviy, xox vokal-xor, xox estrada musiqasi bo'lsin, albatta uni o'zlashtirish jarayonida bir qator an'anaviy va texnikaviy jihatlarga asoslanishi taqozo etiladi. Buni biz avvalo ustoz va shogird an'alarida ko'ramiz. Shu bilan birga har bir o'quvchi quyidagi o'zlashtirish omillariga alohida e'tibor berishlari talab etiladi.

a) tanlangan dasturni ustozlar ijropolaridan audio-video yozuvlari orqali eshitib borish;

b) musiqiy asarni yod olish;

v) nota yozuvlarini pavon, aniq va erkin ijro etish;

g) asar audio-video yozuvlarini nota yozuvi bilan taqqoslash;

d) asar ijrosiga ijodiy yondoshish.

Qayd etish lozimki, o'z o'rnida dastlabki asap ijrosi o'qituvchi tomonidan ijro etilishi, ta'lim talablaridan biri ekanligini e'tirof etish lozimdir. O'qituvchining dastlabki ijrosi nazariy tushuntirish bilan davom etishi, asarning tapkibiy qismi haqidagi ma'lumotlarni o'quvchilarga tushuntirish bilan davom etadi. Bu jarayonda o'qituvchi quyidagi unsurlarga e'tibor berishni o'qtirishi lozim. Jumladan: xalq musiqasida mavjud bo'lgan janr, yoki maqomning musiqiy bo'limidagi sho'balarda o'z o'rnini topgan, namunalarni aniqlash, ijroda uni seza bilmoq, avjlarni bilmoq, taronalarda uchraydigan murakkab o'lchovli usullar ustida mashg'ulotlarni ko'paytirishni yo'lga qo'yish lozim.

Yosh ijrochilarda asarni tez xotiralariga singdirish uchun «xirgoyi» tizimi bilan ishlashni alohida e'tipof etish kerak (Panjiyev, 2010). Og'ir o'lchovli (saraxbor taronalari, turkumli asarlar taronalari) murakkab bo'lgan asarlar ham hirgoyi uslubi yordamida o'zlashtiriladi.

Ansambl tarkibidagi ishtrokchilar bir-birlarini o'ta ziyraklik bilan eshitishi va asarni to'laqonli anglashi talabning eng oliy vazifasi deb hisoblash shart (Azizboev, 2007: 34). Musiqa so'zi go'zallik degan ma'noga ham yaqin bo'lgani sababli uni go'zallikdan tashqarida tasavvur etish qiyin. Jo'rnavozlik me'zoni aynan shu musiqiy go'zallik tarzida o'lchanishi shart. O'quvchi mohir ustozlar haqida kerakli ma'lumotga ega bo'lishi yoki bilmaganlarini ustozlari tomonidan hikoya etib berilishi, muayyan tasavvurga ega bo'lishlari uchun xizmat qiladi.

Ma'lumki, bir asar turli ustozlar tomonidan ijro etilgan. Imkoniyatdan kelib chiqib ijrochilarni bir-biri bilan taqqoslash holatlarini tashkil etish talaba ongining pivojiga asos bo'ladi. O'quvchining nazariy bilimni ya'ni, nota savodini muntazam pavishda kuzatib borish o'qituvchining asosiy vazifalaridan biridir.

Ansambl ijrochiligining muhim xususiyatlaridan biri ijroda bir xillikni ta'minlashdir (Azizboev, 2007: 34). Har bir sozandaning o'z ijro yo'li bo'lishi bu muqarrar jarayon. Shu bois, dasta ijrochiligida ularning ma'lum darajada bo'lsada tafovuti sezilishi aniq. Bu tafovutlar nimada aksini topadi? O'zbek musiqi ijrochiligi o'zining bezaklarga boy, sersayqal, qochirim va nolali ohanglardan iborat bo'lganligi barchamizga ma'lum.

Ma'lumki, musiqiy sayqal - bezaklarni talqini har bir ijrochining qalbi bilan bog'liq (Pajabov, 1963). Ana shu me'zon jo'rnavozlikda va ansambl bo'lib ko'pchilikning birgalikdagi ijrolarida o'zini namoyon etishida, ayrim muammolar yuzaga kelishiga sabab bo'ladi. Bu toza ijro bilan bog'liqdir. Sozandalar doimo bir-birini tinglab, ja'm bo'lib mashq qilib, faoliyat olib boradilar va ijrodagi mutanosiblikni saqlaydilar. Uning aksi esa albatta, ijroviy tafovutlarga olib keladi. Ansambl rahbari ijro jarayonida va asarlarni o'zlashtirish paytida aynan ijroviy bezaklarga alohida e'tibor berishi ijobiy natijalarga olib keladi. Ansambl qatnashchilariga ijro paytidagi bezaklar talqiniga, alohida e'tibor berishni va bir me'yordagi ijroni aniq ko'rsatib berish shartdir. Ijroni pavon va aniq yo'nalishda olib borish to'g'ri yo'l hisoblanadi. O'zlashtirilgan asarni albatta ustozlar hukmiga havola etish bilan birgalikda ijrochilik amaliyotida ham muntazam tarzda ijro etib borilishi muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, o'quvchi yoki yosh sozanda o'z mehnati samarasini tinglovchi bilan baham ko'rib, uning ijobiy munosabatidan ilhomlanib va ruhan mag'rurlanadi. Keyingi o'zlashtiriladigan musiqiy namunalar uchun ozuqa oladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Pajabov I. Maqom masalalariga doir. –Toshkent: “Fan”, 1963.
2. Fitpat A. O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi. –Toshkent:“Fan”, 1993.
3. Akbapov I. Musiqa lug'ati. -Toshkent, 1987.
4. Azizboev S. An'anaviy ansambl ijrochiligi dasturi. Metodik qo'llanma. – Tashkent, 2007.

5. Panjiyev Q. Surxondaryo viloyati o'zbek xalq qo'shiqchilik ijodiyoti. Dissertatsiya. 2010.

БАДИЙ ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРДАН Фойдаланишда муаллиф МАҲОРАТИ

EDEBİ TASVİR ARAÇLARININ KULLANIMINDA YAZARIN MAHARETİ

*Doç. Dr. Farida EGAMBERDIYEVA,
Vazira IBRAGIMOVA,
Özbekistan Milli Üniversitesi,*

*Фарида ЭГАМБЕРДИЕВА,
ЎзМУ доценти,
Вазира ИБРАГИМОВА,
ЎзМУ магистранти (Ўзбекистон)*

Аннотация. Мақолада бадий-тасвирий воситалар, улардан фойдаланишда муаллиф маҳорати, эссе жанридаги материалларда тил ва услуб масалалари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: эссе, метонимия, метафора, синекдоха.

Annotation. The according article is devoted to the use of inventive ways, the usage of author skills, and it talks about the value of language and methods in the essay.

Key words: essay, metonymy, metaphor, synecdoche.

Ҳар бир ижодкор қўлига қалам олиб яхши асар ёзиш ниятида қоғоз қоралашга тушар экан, ўз ғоясини ўқувчига етказиш, бадий ифодани қуюқлаштириш, уни ҳис-ҳаяжон билан бойитиш учун, албатта, сўз бойлигига таянади. Ҳар бир сўз ўз шакл-шамойили, ранг-бўёғи, салмоғи ва оҳангига эга. Ижодкор сўз сеҳри, жозибасини кўрсатишда бадий тасвир воситалари, маъно кўчиш усулларидан фойдаланади. Улар асар жозибасини кўрсатиш ва ижодкор маҳоратини намоён этишга хизмат қилади. Тасвирий воситалар ёрдамида нарса-ҳодисаларнинг баъзи бир томонлари, алоҳида белгиларини аниқ ва қисқа характерлаб беришга эришилади.

Тасвирий воситалар ичида кенг қўлланиладиган тури ўхшатишдир. Ўхшатиш икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, бўрттириброқ кўрсатиб беришдан иборат бадий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури (ЎТИЛ, 5-жилд. 2008: 185).

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси саҳифаларида эълон қилинган бадий публицистик материаллар - эссе, очерк, бадиа, ёзувчи мақолаларида тасвирий воситалар, усуллардан кенг фойдаланилади. Уларда бадий адабиёт унсурлари кўзга ташланади. Шу сабаб ҳам адабиётга ихтисослашган нашрларда биз бу турдаги материалларга кўп дуч келамиз.

Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва ўзининг нафис ва майин шеърлари, туғёнли дostonлари билан халқимизга яхши таниш. Унинг асарларида жўшқин ҳис-туйғулар, она юртимиз, гўзал табиат манзаралари, аёл қалби туғёнлари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шоиранинг ёзганларида латиф ва ҳароратли сатрлар талайгина. “Оҳанрабо” (“ЎзАС”, 2014, №9) сарлавҳали эссеси халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхонимга бағишланган. Маълумки, эссе тили образлилиги, жонли тилга яқинлиги билан ажралиб туради. Эссе орқали нарса ва ҳодисаларга ёки шахсга нисбатан субъектив фикр баён қилинади. Шунингдек, “бу жанр ёзувчига беҳад кенг эркинликлар беради: ўз кўнглида туғилган қандайдир ҳис-ҳаяжонини ҳам, ҳатто шахсий мулоҳазаларини ҳам бемалол ёзиш имконини беради” (Holmirzayev, “Esse-erkin ijod” www.ziyouz.com).

“Оҳанрабо” эссеси ҳам худди шундай эркин усулда, самимий тилда ёзилган. Мураккаб жумлалар деярли учрамайди. О.Ҳожиёва шоира Зулфия билан бирга ишлаган йилларини ёдга олади, унинг гўзал фазилатларидан сўзлайди. *“Устоз Зулфияхонимнинг меҳригиёси, оҳанрабоси бор эди. Бир марта унинг суҳбатида бўлган киши шоиранинг меҳру муҳаббати, ўзгача салобати, улуғворлигига мафтун бўлар, бу дилкаш инсон билан учрашувни умрбод эслаб юрарди. Унинг жўшқин, ўктам овози дунё минбарларида ўзбекнинг шону шавкатидан сўйлаган, Шарқ шеърятининг сеҳру жозибаси билан жаҳон аҳлига ошно бўлиб қолган эди.”* Эссе бошиданоқ ўқувчи кўз ўнгига шоира Зулфиянинг салобати, улуғворлиги намоён бўлади. Ва бу сурат эссенинг охирига қадар янада улканлашиб бораверади. Шоира шахсиятидаги оқиллик, камсуқумлигу камтарлик, атрофдагиларга, айниқса, опа-сингилларга, қизларга нисбатан меҳрибонлик хислатлари унинг сиймосини янада мафтункор қилади. Муаллиф ўтган йилларни эсларкан, шоира таваллуди муносабати билан унинг хонадонига ташриф буюрганини ёзади. *“Таваллуд айёми ажиб мушоирага айланарди. Ҳар биримизни таърифлаб, сўз берар ва мушоирага чорларди. Аввал Ҳамид Олимжондан ўқирдик, тўрда қўр тўкиб ўтирган Шоира яшариб кетар, шоирнинг шеърини биз билан такрорларди. Зулфиядан, ўзимиздан ўқирдик.”* Мазкур эсседаги услубий қирралар содда ва равон тузилган сўзларда намоён бўлади. Муаллиф ўхшатиш, метафора, метонимия, образли бирикмалардан ўз ўрнида фойдаланганки, улар эссе тилини янада гўзал, жонли ва таъсирчан бўлишини таъминлаган. Ҳамид Олимжондан ўқирдик, Зулфиядан, ўзимиздан ўқирдик деганда муаллиф метонимия усулидан фойдаланган. Муаллиф бу ерда мушоирани, Ҳамид Олимжон, Зулфия, ўзларининг ёзган шеърларини ўқишганини назарда тутган. *“Туркистон” саройининг мунаққаш устунларини жаранглашиб буюк ҳаяжон билан ўқилган шеър - “саксон йил лавуллаб сўнмаган ўтнинг” тафти она халқимизнинг кўнглида яна бир карра истиқлолга садоқат чироқларини ёқди”, ёки “Зулфиянинг боғларида навқиронлик, меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат, Ватанга сўнмас эътиқод*

чечаклари очилаверади. Бу боғлар хазон бўлмайди...” жумлаларида муаллиф метафора усулидан фойдаланган.

Синекдоха - муносабатдошлик, ўзаро боғланиш бўлиб, метонимиянинг кўринишларидан бири; бутун нарсанинг номини унинг қисми номи билан ёки аксинча аташдан иборат кўчим тури (ЎТИЛ, 3-жилд. 2007: 511). Саксон йил ловуллаб сўнмаган ўт бу - шоира Зулфия шахси, ижодига берилган юксак эътирофдир. Бу боғлар эса - эса шоиранинг шеърларидан яралган ижод бўстони дир.

“Оҳанрабо” эссесида муаллиф Ойдин Ҳожиёвнинг шоира Зулфияга бўлган шогирдлик хурмати, ҳақиқий Аёлга бўлган эҳтироми бўй кўрсатади. Эссе меҳр билан ёзилган, самимият, шараф билан йўғрилган. Шу жиҳатдан ҳам у ўқувчини таъсирлантиради, ортиқча қийинчиликсиз ўқилади.

Тилимизда эссе ва *бадиа* – ўзаро тенг маънони ифодалайдиган синоним ҳисобланади ва бадий-публицистиканинг бир жанрини билдиришдан бошқа маъно ташимайди.

Бадиа – тилимизга арабчадан ўтган сўз. Тилимизда бу ўзакдан ясалган сўзлар кўп ишлатилади: *бадий* (адабиёт, тасвир), *бадиият* (поэтика), *бидъат* (динга ўринсиз янгилик олиб кириш). Бадиага кишининг диққатини тортадиган бадий асар, деб ҳам таъриф берилади (ЎТИЛ, 5-жилд. 2006:134). “ЎзАС” саҳифаларида бадиа рукни остида берилган материалларни кузатиш асносида уларда эссега хос хусусиятлар яққол намоён бўлади. Бадиа ва эссени алмаштириб ишлатиш биргина ушбу газета фаолиятида эмас, балки кўпгина адабий-бадий нашрлар фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Газета саҳифаларида фаол ижодкор Ҳалима Аҳмедова кўпгина эссе, бадиалар муаллифи. Шоира ҳаяжон билан қўлига қалам оладиган ижодкорлардан. Шу сабабдан ҳам унинг ижод намуналарига кўз югуртирган китобхон қалби ҳаяжонга тушади. Маънодорлик, оҳангдорлик, бадий мукамаллик - ижодкор асарларининг таг замини. Шоира назм ва насрда баракали ижод қилиши билан бирга публицистикада ҳам фаол қалам тебратади. Айниқса, бадий-публицистикага доир материаллари республика матбуот саҳифаларида доимий тарзда чоп этилади. Бадий-публицистиканинг таркибига кирувчи эссе, очерклар орқали фикрлари, ўй-хаёллари, туйғуларини бадий бўёқлардан унумли фойдаланган ҳолда содда ва самимий, муҳими, таъсирчан тарзда ифода этади. “Қуёшли хотиралар” бадиаси (“ЎзАС”, 2014, № 19) “Минор” қабристонидан абадий кўним топган улуғ инсонлар хотирасига бағишланган. Улар Омон Мухтор, Нормурод Нарзуллаев, Шухрат домла, Яҳё Ғуломов, Ўлмас Умарбеков... қўйингки, ўзбек адабиётининг забардаст ва азим чинорларига аталган. Қадрдон хотиралар оғушида муаллиф содда, дилкаш, аммо қалбан буюк ижодкорлар билан ўтган дамларни эсга олади, суҳбатларни хотирлайди, улар билан хаёлан тиллашади. Қабристондан олган таассурот, маҳзун ва маъсум хотираларини гўзал ва таъсирчан тарзда қоғозга туширар экан,

бадий тасвир воситаларидан моҳирлик билан фойдаланади. Шу сабаб ҳам бадиа тили равон ва текис, самимий ва дилкашлик билан ёзилган. Бадиа болалик хотиралари, қабристонга кираверишдаги манзаралар билан бошланади. *“Кираверишдаги йўлакнинг четида бошини ўтганлар ҳаққи ҳурмати мангу эгиб олган кекса мажнунтолни яхши танийман. Унинг чилвир сочларидан мангуликнинг ҳиди келади. Ва яна бу ерда ётган шоирларнинг ёзилмай қолган шеърларининг тўлқини бор унинг кокилларининг титроқларида...”* Манзара тасвирини беришда шоиранинг шеъриятга яқинлиги, шоиртабиатлилиги қўл келади. *Бошини ўтганлар ҳаққи ҳурмати мангу эгиб олган мажнунтол* тимсоли кўз олдимизда гўёки қадрдон кишисидан айрилиб, қайғу-аламга ботган, ғам юкидан боши қуйи эгилган инсон образини гавдалантиради. Мажнунтолнинг шохлари чилвир сочларга қиёсланади, кокилларида ҳали туғилмаган шеърларнинг титроғи бордек туюлади. Маъно кўчимларидан унумли фойдаланилган бу ўринда биз кўчимлар образлар характерини ёрқин очиб беришда, асар жозоба кучининг ошишида ниҳоятда муҳим ўрин тутишига амин бўламиз. Муаллиф Омон Мухтор қабри қошида у билан ўтган дамларни, шоирга хос юксак фазилатларни ёдга олади. Хотиралардан кўнгли “иссиқ меҳрга”, “исмсиз соғинчга” тўлганини ҳис этади. *“Қушлар бири қўйиб, бири сайрар, анвойи дарахтларнинг япроқлари илоҳий оятларни такрорлаётган кимсадай сирли шивирларди.”* Ижодкор наздида, дарахт япроқлари киши руҳига таскин берувчи, ҳаловат улашувчи ҳаётбахш оятларни пичирлаб ўтирган кимса каби шивирламоқда. Бу шивирлар — илоҳий оятлар эса жисму тани мангу қўним топган қабрлар устига ёғилмоқда. *“Азиз инсонларнинг зиёратига шошиларканман ногаҳон оппоқ атиргуллар ичидан кимдир менга тикилгандек бўлди. Бурилиб қарадим. Не кўз билан кўрайки, Нормурод Нарзуллаев ўша атиргуллар ичидан жилмайиб боқиб турарди...”* Муаллиф бу ўринда метонимиядан усталик билан фойдаланади. Гап аввалида ўқувчида гўё шоир Нормурод Нарзуллаев чиндан ҳам унга кулиб қараб тургандек таассурот уйғонади. Бироқ кейинги ўриндаги *“У менга: “ - Ҳа, қўлга тушдингми, мени қўрмай ўтиб кетмоқчи эдингми?”*, дея ҳазиллашаётгандек эди. *Ортимга қайтдим-да, устоз қабри ёнидаги ўриндиққа ўтириб олдим”*, сўзларини ўқигач муаллиф ижодкорнинг ўзини эмас, унинг қабрини назарда тутганини англайди. Муаллиф наздида шоирнинг қабри уни ўзи каби кулиб кузатиб тургандек гўё. Шоирнинг ёниқ шеърияти, тийнатидаги босиқлик, бағрикенгликни ёдга олади, у билан кечган воқеаларни бир-бири хаёлида жонлантиради.

Улуғ инсонлар хоки ётган муқаддас макон зиёратидан руҳи энгил, қалби осойиш тортиб чиққан шоира *“қуёш қулоғимга секин шивирлади:*

- Булар Ватаннинг илдизлари”, дея сўзини якунлайди.

“Қуёшли хотиралар” бадиасидаги тасвирий воситаларнинг ишлатилиши, сўзларнинг образли, кўчма метафорик қўлланиши орқали муаллифнинг ўзига хос услуби ҳам кўзга ташланади. Муаллиф услубида эса

унинг маҳорати юз кўрсатади. Мажнунтолнинг чилвир сочларидаги мангулик ҳиди, кокилларнинг титроқлари, илоҳий оятларни такрорлаётган япроқлар, шивирлаётган қуёш тимсоллари орқали шеърятга ошуфта ижодкорнинг латиф қалби билан юзлашгандек бўламиз.

Виктор Алимасовнинг “Китобат” эссесини (Ўзбекистон адабиёти ва санъати”// 2017, №11) моҳир таржимон ва шоир Эркин Воҳидов маҳорат билан ўзбекчага ўгирган. Таржиманинг турли ғализликлардан холи эканлиги сабаб равон ўқилади. Муаллиф буни гўё ўзбек тилида ёзгандек таассурот уйғонади. “Китобат”да муаллиф “табобат” сўзига уйқаш қилиб “китобат” атамасини келтиради. *“Нега “табобат ” деган сўз бору “китобат” йўқ, дейман ўзимга ўзим... онгимга ўрнашган “китобат” сўзига асос ва мазмун излашга тушаман. Алишер Навоий бу сўзни ёзиш, битиш, хат маъносида ишлатган экан. “Лабидин айри тушиб сўз учун китобатдин, Не тонг либосин агар мушкфом қилди ҳадис”. Яъни шоир ҳадислар битилган хат, китобатни мусибатни беркитувчи, қувувчи кучга эга эканини қайд этмоқчи. Ҳарҳолда менда шундай фикр уйғонди.* Эссенинг бошланишидан сўнгги сўзигача муаллифнинг китобга бўлган меҳри, беқиёс муҳаббати намоён бўлади. Китоб ҳақидаги улуғлар фикри, машхур асарлардан келтирилган парчалар, муаллифнинг улардан чиқарган хулосалари ўқувчини асло зериктирмайди. Эссе фикр, фалсафий мулоҳазаларга бойлиги сабаб унда бадий-тасвирий восита ва усуллардан деярли фойдаланилмаган.

Эсседа, шунингдек, *“Умар Хайём мудом шогирд бўлиб яшаш инсон қисмати эканини, ҳаётга устод бўлишдан ҳам оғир юк йўқлигини эсимга солиб турарди. Бу фикрлар аслида ўз ҳаёт йўлини излаётган ёш ақлга хуш ёқарди”*(метафора), *“у мендан “контроль экземпляр”ни обкелиб беришни илтимос қилди”* (метонимия), *“уаламли ашқларини яшириш учун китобни юзига босди”* (ўхшатиш), *“Китобнинг мафтункор сеҳри, ҳаётий қуввати ва сиҳатбахшлиги шундан”*(ўхшатиш) каби тасвир воситаларидан ўринли фойдаланилганки, бу муаллиф фикрини лўнда, ихчам ва таъсирчан тарзда ифодашга хизмат қилди.

Биламизки, эссенинг фалсафий-эстетик, бадий хулосаларида инсон ва жамият руҳиятини шакллантирувчи фикрлар ифодаланади. Шунинг учун эссе жанрининг барча шаклий кўринишларида ижодкор шахси, унинг тафаккур олами, дунёқараши ва маданияти бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Виктор Алимасовнинг “Китобат” эссесидан ана шундай, руҳиятимизни шакллантирувчи, озиқлантирувчи фикрлар талайгина. Жумладан, *“Муаллифнинг ички туйғулари ҳар доим ҳам ўқувчининг ички туйғулари бўлавермайди, қалам аҳли китобхондан тўрт қадам олдинда юриши зарур. У ўқувчини азобланиб фикрлашга, азобланиб яратишга ўргатсагина эътибор топади. Чин иқтидоргина чин нарса яратади, оммабон бўлишга интилиш уни саёзлаштиради. Чин иқтидор тагида эса азобланиб*

изланиш, азобланиб яратиш ётади. Мана нима учун чин иқтидорни жамият шарафлайди, унинг китобатидан ёш ақл ҳикмат ва сабоқ қидиради. Ҳикмат ва сабоқ бўлмайдиган китобатнинг эса қадр-қиммати хасча”ёки “Китобнинг тақдири одамнинг тақдирига ўхшаш. Кўп ҳолларда айнан. китоб севилганида одам севилади. Китобни шарафлаб одамни ҳам шарафлайсиз. Китобга бефарқлик — одамга бефарқлик” каби жумлалар муаллифнинг бой тафаккуридан, юксак салоҳиятидан дараклайди. Ўқувчига тарбиявий озиқ беради.

Эссе жанрида муаллиф услубининг намоён бўлишини кузатиш, бадий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳоратини турли ижодкорлар ижодини қиёсий ўрганиб амин бўлдикки, ижодкорларнинг, хоҳ ёзувчи, хоҳ шоир бўлсин, бадий маҳорати ва индивидуал услуби қанчалик бир-бирини такрорламагани сингари, улар яратган эсселарнинг ҳар бирида турли-туман феъл-атвор, маънавий-интеллектуал савия, бетакрор ва ўзига хос характерлар тасвирланади. Ойдин Ҳожиевадаги равонлик ва самимият, Халима Аҳмедовадаги шоиртабиатлик ва ҳиссиятга берилувчанлик, Виктор Алимасовдаги фалсафий мушоҳадалар орқали муаллиф услубини кўрамиз, оз бўлса-да ижод лабораторияси билан танишамиз. Бадий-тасвирий воситалардан фойдаланишида эса ижодкор маҳорати намоён бўлади. Тили, услуби билан бир-биридан фарқланувчи бу ижодкорларнинг материаллари фикр эркинлиги, ўй-фикрлар, мулоҳазаларнинг эркин тарзда ифодаланиши, китобхон билан жонли мулоқотга киришиш каби унсурлари билан умумийликни ҳосил қилади.

Ҳар қандай ижодкорнинг бадий маҳорати у яратган бадий асарлар тилида намоён бўлади. Адибнинг ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга муносабати, ўзига хос дунёқараш, теран мулоҳазавий идроки, табиатдаги бошқалар кўра олмаган ранглари нозик ҳис этиши ҳамда уни гўзал шаклда китобхонга етказиб бера олиши ва яна кўпгина бошқа жиҳатлар биргаликда бадий асарнинг жозибдорлигини ташкил қилади. Ижодкорнинг халқ тилини чуқур билиши, чексиз сўз бойлигига эга бўлиши, сўзнинг таъсир қудратини ҳис эта олиши, ҳар бир сўзни маъно нозикликларигача илғаб олиши, сўз ўйинларидан усталик билан фойдалана олиши алоҳида ўрин тутади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. 2008. 185-бет.
2. Shukur Xolmirzayev. “Esse - erkin ijod” .www.ziyouz.com.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. 2007. 511-бет.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. 2006. 134-бет.
5. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” // 2017, № 11

THE IMAGE OF THE DOG IN ENGLISH AND RUSSIAN IDIOMS

G.G'anieva, X.Yunusova,
Fergana State University
(Uzbekistan)

Annotation. The article focuses on comparative linguistic analysis of English and Russian idioms within the frameworks of zoomorphic images of “dog”. This research allows to determine some similarities and differences of the images of “dog” in English and Russian idioms.

Key words: linguistic analysis, idioms, proverbs, expressions, dog, differences.

Annotatsiya. Maqola ingliz va rus iboralarining lingvistik solishtirma tahliliga qaratilgan. Ushbu tadqiqot ingliz va rus tilida itning imidjidagi oxshashlik va farqlarni aniqlash imkonini beradi.

Kalit soʻzlar: lingvistik tahlil, idiomalar, maqollar, iboralar, it, farqlilik.

Idioms, proverbs and expressions are an important part of everyday communication in many languages. They are used all the time both in written and spoken discourse. An idiom is a stable combination of words, the meaning of which is not determined by the meaning of its constituent words, so we should familiarize ourselves with the meaning and usage of each idiom. Idioms are used in speech very often in order to express thoughts more naturally, vividly and clearly. Both English and Russian are the languages with the vast idiomatic base, which allow us to express complex sentences in more simplified manner so that other people can relate to them more quickly. In fact, the idioms are the best way to express what we want to say, especially in a more elegant and vibrant way.

Idioms reflect accumulated human experience and life lessons from generations. Animals are the most frequent source of domain in idioms. A reason for this might be that they are very closely connected with people. Animals, especially domestic ones, not only fulfill a function in agriculture, but in everyday life of many people. So pet owners often impose human character features on their beloved cats and dogs.

If we take a closer look at the animal idioms about the dog that can be found in the dictionaries, like Longman Dictionary of English idioms, they encounter 29. Obviously, dogs are one of the most favored animals, as they have been fulfilling practical functions since former times (1).

In the Longman Dictionary of Contemporary English the word *dog*, except its definition as a common animal with four legs, fur and tail, is used to describe a *dishonest man* and an *unattractive woman*. Furthermore, it is usual to call something of very poor quality with the word *dog*.

In the Russian language, dog is translated like *собака* and this word figuratively describes not only an angry and rude person, but also an experienced man and a master of something (5).

Like a confirmation of aforementioned figurative senses can be given the idiom *as crooked as dog's hind leg* which refers to dishonest person and the Russian idiom *злой как собака* to describe a very angry man. Unkind relationship is also described using the name of the very animal in the idiom *treat as a dog*.

In Russian, an experienced person who is a master in a particular sphere can be described not only with the help of the word *собака* figuratively, but also using the idiom *собаку съел ни в чем, а в чем* (5). The situation when a person finds out the essence of something or understands the core can be expressed in the Russian language as *вот где собака зарыта*.

In Russian the adjective *собачий* which is derived from the word *собака* figuratively means something that is extremely bad, arduous, hard and humiliating (5). Both in English and Russian there are idioms, comparisons and proverbs, where the word *собака* is used in that meaning. For instance, idioms a *dog's life* and *собачья жизнь* characterize very difficult and unpleasant life, with little pleasure. The death that is a disgrace can be expressed in Russian as *собачья смерть*.

Also, the word *собачий* is used to depict chilly weather in Russian (*собачий холод*) (5). However, in the English language the idiom *dog days* means extremely hot days. Moreover, English includes the idiom *cats and dogs*, which have the same meaning as heavy rain. In these idioms, it is obvious that the image of the dog is used in the idioms to describe categorically different types of weather in both languages (6).

Usually we consider the dog as a helper in household as it guards our home, which is quite hard, difficult work. Such qualities of the dog are reflected in the idioms like *собачья работа*, meaning a very difficult job, along with *устал как собака* expressing tiredness compared with the dog's (3).

Furthermore, dogs in idioms imply the idea about deterioration and disorder. The idiom *dog's breakfast* is used to depict something in a mess, while the situation that is getting worse and difficult to improve is expressed as *go to the dogs* (6).

Besides that, there are dog idioms which are used to describe fakeness and silliness. For example, the idiom *put on the dog* means to pretend to be richer, more clever than you are and *dog and pony show* is about an event that has been organized so that people can admire it and think that it is impressive, not for any real purpose. A long story that usually ends in a silly or disappointing way is depicted as a *shaggy dog story* or the Russian idiom *собачья чушь* can be equivalent to something gibberish (6).

The image of the dog is also used in idioms associated with calamity and adversity. For instance, the idiom *let sleeping dog lie* means deliberately avoid mentioning a subject, so that you do not cause any trouble or argument. Another idiomatic expression for disgraceful, troubled situation is *in the doghouse* (4).

In the Russian and English languages comparative expression *как собака* or its equivalent in English *as a dog* is analogue to the adverb *very*. For example, *as clean as a*

dog/hound's tooth (very clean), *as sick as a dog* (very sick), *усталый как собака* (very tired) and *голодный как собака* (very hungry). Furthermore, dog idioms can be used as synonyms even to the word *many/much* in the idiom *как собак нарезанных*.

In the Russian and English idioms *dog* comes in the meaning a person, man or dude too. For example, a *big dog* – an important person, *jolly dog* – cheery person, *lucky dog*, *lazy dog*, *dirty dog* or in Russian, *каждая собака* and *ни одна собака* (3).

Although dog idioms are mostly used in negative context, there are idioms which emphasize dog's loyalty and friendship. That can be confirmed in the idioms *четвероногий друг*, *собака друг человека* and *собачья преданность*. In addition, a very pleased and happy person is described by the idiom which includes the word dog, *like a dog with two tails*.

In conclusion, after analyzing it is obvious that the symbol of the dog carries different meanings in the idiomatic expressions of the English and Russian languages. They are ranked from negative semantics like rudeness, difficult and humiliating life, deterioration and calamity to positive ones such as experience, loyalty, friendship.

References:

1. <https://m.grin.com/document/129980>
2. Войнова Л.А., Жуков В.П., Молотков А.И., Федорова А.И. Фразеологический словарь русского языка. –Москва, 1986.
3. Ивушкин Н.В. Концепт “собака” в английском и русском языках с лингвокультурологической точки зрения.
4. www.idiomconnection.com/animal.html.
5. Ожегов С.И. Словарь русского языка. –Москва: Русский язык, 1983.
6. Longman. Dictionary of Contemporary English.

**“ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” АСАРИНИНГ ЁЗИЛИШ
ЗАМОНИ ВА САБАБЛАРИ**

**“TARİH-İ ENBİYA VE HÜKEMA” ESERİNİN YAZIM TARİHİ VE
NEDENLERİ**

*Sevinç Eşankulova,
Cizzah Devlet Pedagoji
Enstitüsü (Özbekistan)*

*Севинч Эшонқулова,
Жиззах давлат педагогика
институту талабаси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақола “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг ёзилиш замони ва сабаблари тадқиқига бағишланган.

Калит сўзлар: Анбиё, ҳукамо, фузало, юнон файласуфи, қомусий олим, донишманд, тафаккур, руҳий кечинма, бадий ифода, психологик таҳлил.

Annotation. This is dedicated to the research of the reasons and the period of coming out of the work called “Tarikhi anbiyo and hukamo”.

Key words: Anbiyo, lawyer, fusalo, Greek philosopher, encyclopedic scholar, wise, mindset, spiritual state, artistic expression, psychological analysis.

Алишер Навоийнинг яқин вақтларга қадар иккинчи даражали, унча муҳим аҳамиятга эга бўлмаган диний асарлари сифатида қараб келинган “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар қаймоғи”) деб аталган жомеъ асарнинг биринчи қисми бўлган “Тарихи анбиё ва ҳукамо” – “Пайғамбарлар ва файласуфлар тарихи” деб номланувчи асари бутун инсоният тарихининг яратилиши, тарихий такомиллашиш босқичи ва бу жараёндаги пайғамбарлар, буюк шахслар билан боғлиқ тарихий, илмий манба, ҳамда уларнинг бошқарув маънавияти, донишмандлик маърифатлари хусусида мушоҳада юритгани ҳозирда барчамизга яхши маълум.

Яна шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бу асар мазмун моҳиятан “Зубдат ут-таворих”нинг кейинги қисми “Тарихи мулуки Ажам” асарининг яратилиши, шунингдек, подшоҳлар тарихи, бошқарув даври ва баркамолликларини ёритишга хизмат қилган.

Асарнинг ёзилиш тарихи 1485-1498 йиллар оралиғида деб тахмин қилинади. Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да устози Абдураҳмон Жомийни тирик шахс сифатида тилга олиб, “Худо унинг умрини узоқ қилсин”, деб дуо қилган. Демак, бу асар Абдураҳмон Жомий ҳаётлиги пайтида яратилган. Бундан бу иккала тарихий асар кетма-кет бир даврда

ёзилган, деган хулоса келиб чиқади. Бу фикрни Ҳусайн Бойқаро тарихини ёзиш ниятини ҳар иккала асарида баён қилганлиги факти ҳам тасдиқлайди.

Академик Азиз Қаюмовнинг таъкидлашларича ҳам Навоий ўз замонасининг ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятининг тарихини яратмоқ ниятида бўлган. Бу тўғрида Навоий “Тарихи мулуки Ажам”нинг охириги қисми маснавийда бундай деб ёзади:

*Вале эмди азмим будурким, Худой
Агар берса умрумга муҳлат фидой.
Чекиб турфа тарихинга хомани,
Қилиб нуқтаға тез ҳангомани,
Сифотингни аввалдин охиргача,
Хаёлоти махфию зоҳиргача,
Вадолат кунидин тутуб то бу дам
Барин шарҳ ила айлагайман рақам.*

Ўша даврдаги тарихнавислик анъанасига кўра ҳар бир тарих, аввало, Одам тўғрисидаги ҳикоядан бошланмоғи керак эди. Сўнгра набилар тарихи, ҳакимлар тарихи; Ажам мулки подшоҳлари тарихи, сўнгра Муҳаммад пайғамбар, саҳобалар, улардан кейин ҳукмдорлар тарихи, сўнг ўз замони тарихи келмоғи керак бўлган.

Навоий “Муҳокамат ул-луғатай” китобида ўзининг “Зубдат ут-таворих” деган асари тўғрисида сўзлайди. Унда ўтган маликларни қайта тирик қилдим деб ёзади. Бизгача етиб келган Навоийнинг тарихга оид асари ана шу “Зубдат ут-таворих”нинг бошланғич қисмлари бўлса керак. Улар “Тарихи анбиё ва ҳукамо” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарларидир (Қаюмов, 2009: 352).

Демак, агар биз юқорида тилга олган иккита тарихий асарни ва Алишер Навоий режасидаги (аммо амалга ошмаган) тарихий асарни назарда тутсак, унда ҳазратнинг ажойиб бир нияти борлигини англашимиз мумкин, яъни у Одам Атодан Ҳусайн Бойқарогача бўлган анбиё, ҳукамо, Ажам ва турк подшоҳларининг мухтасар тарихини яратишни ният қилган кўринади. Аммо бу шарафли ниятнинг бир қисми бажарилиб (анбиё, ҳукамо ва Ажам подшоҳлари тарихи), бир қисми – туркий ва темурий подшоҳлар, жумладан, Ҳусайн Бойқаро тарихини ёзиш номаълум сабабга кўра амалга ошмай қолган кўринади. Агар бу иш ҳам ниҳоясига етганда эди, унда Алишер Навоий туркий-ўзбек тилида Одам Атодан бошлаб Ҳусайн Бойқарогача бўлган тарихни мухтасар тарзда яратган бўларди. “Тарихи мулуки Ажам”нинг охирида келтирилган қуйидаги мисраларда Алишер Навоий шунга ишора қилган кўринади:

*Ғаразким бу сўз етса анжомиға,
Бу тарих юз қўйса итмомиға.
Анга ҳар киши солса очиб назар
Бўлиб қўнгли мазмунидин баҳравар.
Яқин англағай табъи донишвари,*

Ки меросинг эрмиш жаҳон кишвари.

Ки меросинг эрмиш жаҳондорлиғ,

Жаҳон хонлиғига сазоворлиғ.

Бунда “Сен” деганда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилмоқда (Валихўжаев, 2002: 82). Бундай фикр “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарининг Ёфас пайғамбарга бағишланган қисмида қуйидаги тазрда ифода этилган:

“Чун Ёфас Хито мулкида мутамаккин бўлди, бу ўғлонлариға ҳар ерники берди, ул ерни ул ўғли оти била атадилар. Чун бу тарихки битиладур, хотирда андоқдурким, Султони соҳибқирон ҳолот ва ансоби мазкур бўлғай, иншо аллоҳ таоло ул Ёфас тарихиға мавқуфдур. Чун бўлғусидур мунча била ихтисор қилилди”

Яъниким, “Ёфас Хитой мамлакатаида ўрнашгандан кейин ўғилларига қаерни берган бўлса, у жойлар шулар номлари билан аталди. Мен бу китобни ёзаётган ҳозирги кунларда Султони Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) ҳолати ва насл-у насаби тарихини Худо хоҳласа ёзсам, деган ният хотиримда пайдо бўлди. У Ёфас тарихига тегишлидир ва кейинроқ навбат келадиганлиги учун шу билан кифояландим”.

1990-йилда нашрдан чиққан, Ҳазрат Навоийнинг туғилган кунига 550 йил тўлиши муносабати билан тайёрланган “кичик бир туҳфа”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га сўз боши ёзган Ботирхон Валихўжаев ва Қобилжон Тоҳировларнинг фикрлари ҳам ҳақиқатга яқин кўринади.

Биз Навоийнинг тарихий асарлари мазмуни ва юқоридаги фикрларни ўрганиб чиққан ҳолда Академик Азиз Қаюмовнинг фикрларига қўшиламмиз. Бу икки асар Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро ҳақида ёзмоқчи бўлган асарининг илк бўлакларидир. Ҳақиқатан, иккала асарда ҳам махсус муқаддима ва тугалланма мавжуд эмас. Бу эса анъанавий тугал асарга хос ҳисобланмайди. Навоий “Тарихи мулуки Ажам”нинг сўнгида Ҳусайн Бойқаро тарихини ёзишга киришмоқчи эканлигини айтади.

Асарнинг хотимаси маснавий тарзида бўлиб, 50 байтдан иборат. Унда Навоий бевосита Шоҳ Ғозий – дўсти султон Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилади. Унинг адолати ва саховатини, инсон сифатидаги юксак хулқини мадҳ этади. Шоҳни ягона гавҳарга қиёслайди, шунинг учун ҳам унга бағишлаб “Назм ул-жавоҳир” асарини ёзганини айтади. Айнан Ҳусайн Бойқаро тарихини битиш нияти борлигини билдиради. Хотима-маснавийнинг сўнги байтларида Навоий шоҳсиз жаҳонга омонлик бўлмаслигини айтиб, Ҳусайн Бойқарога яхши тилаклар билдиради, дуосини ёдлайди ва ўзи ҳам дуолардан умидвор эканини айтиб асарни якунлайди (Юсупова, 2013: 214).

Навоийнинг умумий тарихга оид “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Тарихи мулуки Ажам” асарлари, фикримизча, Навоийнинг замонавий Хуросон тарихига оид асарларининг бошланғич бўлакларидир. Уларда Навоий чин инсоний фазилатлар – адолатпарварлик, инсонпарварлик, ғояларини ташвиқ этади. У тарихий воқеалар ва афсоналардан хулосалар чиқарар

экан, ҳамиша ёвузликни қоралайди, эзгулик ва ҳақиқатни улуғлайди. У чиркин иллатларга қарши курашади, ўз замонаси учун илғор кўринишларни қувватлайди. Ушбу асарлар ўз чуқур мазмуни ва гўзал бадиияти билан ёрқин бир ижод намунаси сифатида биз учун қадрлидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. 8-жилд, 544-бет.
2. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I-жилд. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. – Тошкент, 2002.
3. Д. Юсупова. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври) – Тошкент: Академнашр, 2013.
4. Қаюмов А. Асарлар, 3-жилд. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.

IMPROVING FOREIGN LANGUAGE LEARNERS' COMMUNICATIVE LANGUAGE THROUGH ROLE-PLAY TECHNIQUE

*Ikbola Nizamova Bakhodir kizi,
UzSWLU (Uzbekistan)*

Шоир халқимиз яратган маънавий хазинага, халқ қалбининг дилтортар оҳангларига шунчаки эргашмайди; унинг мазмун-моҳиятини тўла ўзлаштириб, ўз бадий тафаккури мезонлари, ўзи яшаётган давр муаммолари, ҳамнафас вантандошлари ва миллатдошлари қўнгли билан боғлайди. Шоир халқининг истиқболи учун қайғуради; ўзининг ҳаёт йўлини, қисматини «халқ йўлига туташ»ган ҳолда баён этади. Сўнгра ўз она халқига бўлган эҳтиромини шундай ёзади:

*Сени, она халқим, севаман жондан,
Сенинг ташвишингни ташвишим дейман.
Нима қилолардим? Фойдам кам гарчанд,
Бироқ мен ўзимча ғамингни ейман. .*

Ўзбек халқининг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини ўз ташвишидек бадий таъсирчан бўёқларда бетакрор тасвирлашга эришади. Шундай вазиятлар бўладики, бутун дунё ташвишини ўйлайди, ўзи мансуб бутун бир халқ ғам-ташвишларини “тоғдай оғир юкни” зиммасига олиб, “Қушдай енгил бўлиб юради шоир”. Табиийки, бу шоир қисмати. Бу ҳам Абдулла Ориповнинг ижодкорлик тақдиридир. Шоир руҳан, маънан, жисман ўзини бунёд этган халқ билан, киндик қони тўкилган Ватан билан бирга ҳис этади. Ортиқча сўзамоллик, ноўрин ғийбату машмашалар унга ортиқча.

*Чинор соясидан баҳраманд бўлиб,
Турфа хил эртақлар тўқимоқ осон.
Ўзинг ҳам эртанинг ташвишин қилиб,
Қайдадир бир ниҳол экдингми, Инсон.*

Инсон қалбини гўзаллаштириш, инсонни комил кўриш, «эртанинг ташвиши» - шоирнинг бош ташвишидир. Шоир англаб етган ҳикмат шуки, ўтмиш турфа хил, бугун ўтиб бормоқда. Халқимиз томонидан қурилган бетакрор обидалардан, яратилган асарлар ва умуман барча манъавий-моддий кадриятлардан баҳраманд бўлиш осон иш. Тайёр ошни ҳамма ейди. Шоир айтмоқчи, дейлик қачонлардир аждодлар томонидан экилган ва етилган чинор соясида ҳузурланиб ўтириш, боринги, бировга гап ўргатиш, бошқача айтганда, эртақлар сўйлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Бироқ келажак учун, келажакдаги шу улкан йўлдан ўтадиган йўловчилар ташвишини чекиб, эрта бир кун баҳайбат чинор бўлиб етишишини ўйлаган ҳолда «бир ниҳол экдингми», деган бағоят ўринли ва ҳамма замонлар учун муҳим бир саволни қўяди. Инсон ўйлайди. Зероки, бу тўртликдаги ҳикмат, ҳаётнинг турфа соҳаларига ҳам мос келадиган доно фикр халқ бисотидан олинган.

Мулоҳазалар Абдулла Орипов ижодий йўлининг мазмуни ва маънавий оламига, шеъриятининг гўзаллиги ва ранг-баранг оҳангларига халқона поэтик тафаккур нуқтаи назаридан қараш самарасидир. Зеро, тафаккур кенглиги, фалсафий мушоҳада қамрови даражаси ҳамда бадий идрок юксаклиги халқ руҳидан озикланган тақдирдагина юксак поэтик қудрат касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди.- Тошкент, 1988. 117-бет.
2. Улуғов А. Асл асарлар сеҳри. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. -Тошкент, 2007. 130-бет.

**COMMUNICATIVE APPROACH TO THE STUDYING OF
STUDENTS OF THE UNIVERSITY THE GRAMMAR
OF THE FOREIGN LANGUAGE**

*Khalikova Latofat Uktamovna,
Teacher at “Languages“ Department
Tashkent Railway Engineers Institute (Uzbekistan)*

Annotation. The article is devoted to the importance of communicative competence in teaching foreign languages. The article investigates the communicative competence in connection with grammar, socioculturalogy, and strategic competencies as components filling the effective usage of language as in the classroom so in everyday life.

Key words: communicative competence, grammar, authentic materials, sociocultural situations, teamwork, natural situations, real life.

Аннотация. Статья посвящается важности коммуникативной компетенции при обучении иностранным языкам. Статья рассматривает коммуникативную компетенцию в взаимосвязи с грамматической, социально-культурной, стратегической как дополняющие компоненты эффективного использования языка как на занятиях так в повседневной жизни.

Ключевые слова: коммуникативная компетентность, грамматика, аутентичные материалы, социокультурные ситуации, командная работа, природные ситуации, реальная жизнь.

Modern foreign language education in higher education is focused on teaching grammatically correct speech through communication, i.e. on learning grammar in the process of communicative activity (learning by doing), rather than on learning the rules of constructing statements and memorizing a large number of words. From a pedagogical standpoint, teaching a foreign language grammar is based on the use of certain grammatical structures (models) that convey specific meanings, is considered as a process of understanding the meaning of a statement through communication close to real-life communication situations. Thus, in the case of communicatively directed learning, the language is considered as “a system of expression of meaning, providing interaction and communication”.

Objective: to reveal the peculiarities of teaching foreign language grammar through the involvement of university students in communicative and activity speech activity. Sharing the point of view of scholars and practitioners in teaching the adult population English as a second or foreign language, we consider it necessary to improve the grammatical skills of university students in order to form competences in all types of speech activity: listening, speaking, reading and writing. Communication cannot take place under conditions when the grammatical structures used are incorrectly constructed

by the speaker / writer or their meaning is incomprehensible to the participants of these types of speech activity.

Supporters of communicatively directed language teaching call for the use of a wide range of authentic materials to ensure in the audience communication that is appropriate for real sociocultural situations. To achieve this goal, teachers need to select, adapt and develop didactic material for organizing a variety of communicatively directed student activities. Undoubtedly, such work involves imitating or creating an atmosphere of real communication. For this, the teacher should create real communicative communication situations with a speech partner orientation. The tasks developed by the teacher should be aimed at the development of the students' interactive abilities and provide for the use by students of “grammatically constructed, correctly conveying meaning and appropriate to the situation” grammatical structures for communicative purposes through context and function. Speech communication should convey more meaning, and not just be built on the studied grammatical material, and provide students with the opportunity to choose lexical material for the formulation of statements. To assist students in the correct use of grammatical structures, teachers are designed to focus on the form of studying communicatively relevant information and creating wide opportunities for its practical application.

Accordingly, in the process of classroom work, communication-oriented, rather than rule-oriented, training should be organized. It has been recognized that teaching foreign language communication is effective through engaging students in activity activity, and not by memorizing a huge number of terms, i.e. Attention is focused on the so-called “learning by action” approach, which functions precisely in the conditions of oral-verbal communication in a foreign language.

Mutual learning programs for foreign languages involve joint cooperation of students in the process of achieving the goal, and teamwork, in all respects, contributes to learning the language in more natural situations of real life. “Collective learning of a foreign language is more correlated with a real world outlook, because co-learning is close to real speech communication: one person rarely speaks, listens or writes for himself” (2).

Thus, communicative activity in small groups, role-playing games, various types of discussions contributes to the development of foreign language skills. In addition, verbal interaction with peers provides students with a good opportunity to participate in conscious mental activity and allows them to “hear the thoughts” of other participants in the communicative process.

It should be noted that, in accordance with the university program of foreign language communicative education, we understand the dynamic process of teaching English grammar by involving students in speech activity as a process based on the following interrelated communicative types of speech activity.

Interview (Interview). This type of activity organizes students to work in small groups for communication in the “question-answer” mode, followed by entering the interlocutor / s in the table of answers. So, for arguing the fact of admission to this

particular university, students are invited to use unions in speech because and because of.

Student 1: Alex, why did you choose this University?

Student 2: I chose it because of its reputation. I wanted to get a good higher education.

Student 1: Why do you study Psychology?

Student 2: Because I'd like to be highly - qualified in this field of Science.

Summing up the activities of students in interviewing, the teacher asks students to enter data into a table on the blackboard. You can also write to the table on the board suggestions or excerpts of information obtained in the process of interviewing the interlocutor.

Conversation cards. This type of activity provides for the request for information by one of the two participants of communication to receive a detailed response from the other, using prompts written in the cards. Then the participants exchange cards and continue to poll other students in the group. Let us give an example of the text of cards for students to use in speech grammatical constructions in the Present Perfect.

What are classes you haven't attended yet?	Have you begun to write a paper yet?	What is a report you've already made this term?
--	--------------------------------------	---

Students can record information about the interlocutor as a result of the survey as follows: Olga hasn't attended PT lessons yet. Anastasia hasn't begun to write a paper yet. Oleg has already made a report in General Psychology this term. Exchange of opinions (Opinion sharing). This is the most entertaining type of communicative activity in small groups that organizes the work of students in expressing a reasoned opinion. Such work allows not only to formulate grammatical skills of students, but also to develop the ability to exercise discussion, express agreement / disagreement, and discuss meanings. We offer an example of the organization of the work of students on the use of superlative adjectives. Ask and answer questions about your qualification/specialty. Use the clues. Add your own questions.

1. University - the most prestigious; 2. Education - the best quality; 3. Subjects - the most interesting; 4. Specialty - the most helpful.

Representatives of each group are invited to discuss the answers and summarize the information received. For example,

Why do you think the University you study at is the most prestigious in the region? From oral communication, you can go to writing activities.

Text puzzles (jigsaw). Students are invited to put the cut paragraphs of information in a logical sequence (having heard the information of the cards of other participants, each student enters into communication in order to restore the context). We offer an example of the organization of work in small groups to discuss the achievements of candidates for the status of "Student of the Year", making a statement in the Present Perfect.

A. There are five different candidates for Student of the Year. Each student of your group has information about different candidate. Having read the information of

your cards, communicate to others in your group asking and answering the questions to complete the chart.

Questions	Candidates			
	1	2	3	4
How many times has...been absent?				
How much has...worked for the group/department?				
How productive has...been?				
What has...done to deserve a promotion?				

B. Having completed the chart, discuss which of the five candidates should be Student of the Year. Be prepared to share the arguments of your decision.

The teacher first gives the floor to those groups of students whose opinions coincide, and then organizes the discussion of other points of view. Each group argues its point of view. For example,

In our opinion candidate N. should be considered Student of the Year for several reasons: N. has never been absent. N. has worked much for the group/department. We can see N. has been the most productive of all the candidates because... Evidently N. has done several things to deserve the award. For instance, N....

Then students can be invited to write a note about the Student of the Year to the faculty newspaper. Problem solving. Students are offered a problem or several problems to discuss and develop solutions that are written on the blackboard. Next, students discuss the best solution to the problem.

As an example, we offer the organization of discussion in small groups on the issue of Students' Money. Students are asked to use the modal verb "as a recommendation" as a recommendation and "should" to express advice.

1. Olga spends too much money on clothes. She could shop at discount stores. She could buy in bulk. She could stop buying fashionable things. I think she should make a budget for clothes.

2. Helen spends too much money on food.

3. Alex spends too much money on cell phone calls.

Role play. Role-playing game allows students to apply their life experience in a learning situation and is ideal for organizing work in pairs or small groups of not only poorly trained students, but also effective for advanced students with the introduction of some element of the conflict.

We offer several examples of situations for the organization of a role-playing game in class-lesson foreign language communication.

1. You order a sandwich, a drink and something for dessert. When it's time to pay, you discover that you do not have the correct amount of cash in your wallet.

2. *You are working in a University library. It's your first day and you want to make a good impression on the boss who is standing nearby. Be polite and friendly.*

3. *Four friends are coming to the canteen. You and your partner want to order food and drink for everyone. You have a budget of 300 RU. One friend is a vegetarian, another hates mushrooms. With your partner, decide what to order.*

Foreign language communication, based on situations close to reality, motivates students to communicate, strengthens confidence in the correctness of the order of the conversation, provides freedom of creativity when choosing a manner of transmitting speech behavior in a foreign language. It is important to properly present the situation to the students for the further development of their imaginary communication actions. Communication in pairs or small groups, i.e. collective interaction ensures the achievement of desired results, since a person rarely listens, speaks and / or writes for himself.

The joint search for a solution to the problem lies at the basis of the co-creation of the direct participants in the educational process at the university and provides, according to MM Bakhtin, “trust in another word, layering meaning on meaning, voice on voice, strengthening by merging, complementary understanding, going beyond understanding” (Karabutova, 2015).

Learning the language of communication is based on the integration of cognitive and communication tasks, built on authentic materials, which develops the students' ability to implement spontaneous interaction in the process of exchanging information and collectively finding a solution to a problem in classroom activities.

References:

1. Karabutova E.A., Kobzareva L.A., Kolchintseva L.N. Communicative Approach To The Studying Of Students Of The University The Grammar Of The Foreign Language // Modern Problems Of science and education. - 2015. - № 1-1.

2. URL:<http://science-education.ru/ru/article/view?id=19049> (дата обращения: 03.02.2019).

TRAGEDIYA JANRI HAQIDA SHARQ VA G'ARB

TRAJEDI TÜRÜ HAKKINDA DOĞU VE BATI

*Tangriyeva Dilafruz Ibodullayevna,
Özbekistan Devlet Sanat ve
Medeniyet Enstitüsü öğretim üyesi*

*Tangriyeva Dilafruz Ibodullayevna,
O'zbekiston davlat san'at va
madaniyat instituti o'qituvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqola tragediya janrning kelib chiqishi haqida bo'lib, unda sharq va qarb allomalari bergan tariflari bayon etilgan. Budan tashqari bizning buyuk mutaffakirimiz alloma Abu Ali Ibn Sino tragediya janrining boshqa janrlardan farqi va afzalligi haqida to'liq izohlab bergan.

Kalit so'zlar: Kino, teatr, janr, tragediya, Sharq, G'arb, allomalar.

Annotation. This article describes the origin of the genre of tragedy, which sets out the tariffs of Eastern and Western scientists. In addition, our great scholar Abu Ali Ibn Sino detailed the difference between the genre of tragedy and other genres.

Key words: Cinema, theatre, genre, tragedy, the East, the West, scholars.

Kino, teatr san'atlari haqida so'z ketar ekan, undagi janrlarga to'xtalib o'tmaslikning iloji yo'q. Albatta, hozirgi kunda ayniqsa, kino san'atida o'nlab turil tuman janrlar vujudga kelgan. Ammo kino va teatrning asosi bo'lmish drama paydo bo'lgan antik davrni oladigan bo'lsak, tragediya va komediya janrlari mavjud bo'lganligining guvohi bo'lamiz.

Ma'lumki, dramada asosan uchta janr: tragediya, komediya va drama mavjud. Tragediya janrining kelib chiqishi uzoq tarixga, Yunonistonda Dionis xudosisiga bag'ishlab o'tkazilgan diniy marosimga, borib taqaladi. Tragediya janrini ilimiy ravishda tahlil qilib, unga ta'rif berganlardan Arastu edi. U o'zining "Poetika" asarida tragediyaga quyidagicha izoh bergan edi: "Tragediya tugallangan va muhim harakatga taqlid bo'lib, aniq hajmga ega, so'z orqali har bir qismi boyitilgan, hikoya usulida emas balki, qo'rquv va rahm-shafqat asosida yuzaga kelgan harakatlar asosiga qurilgan asar" (Аристотель, 1957: 56).

Arastuning ushbu tragediyaga bergan ta'rifidan shu narsa ma'lum bo'ladiki, tragediya nafaqat so'zga, balki, harakatga ham qurilmog'i darkor. Unda amalga oshiriladigan xatti-harakatlar shunchalik tomoshabinda kuyinish xissini uyg'otishga qaratilgan bo'lishi kerak emas. Asar qahramonlari asarda yuzaga kelayotgan voqeahodisadan avvalambor o'zlari dahshatga tushishlari zarur. Shu bilan birga qahramonlar asarda yuz berayotgan fojeaga achinishlari lozim.

Demak, tragediya shunchaki tomoshabinga fojeali voqeani ko'rsatib uni yig'latishga qaratilgan asar emas. Tragediya inson hayotida uchraydigan mudxish voqeani tomoshabinga ko'rsatib unda shunday murakkab vaziyatga tushib qoladigan insonlarga raxm-shavqat bilan qarashga chorlovchi asardir.

Tragediya janri haqida so'z yuritar ekanmiz, u faqat G'arbda o'rganilgan deyish to'g'ri bo'lmaydi. Chunki tragediya janrini nafaqat G'arb mutafakkurlari ilmiy tahlil qilganlar. Sarq qomusiy olimi Abu Ali Ibn Sino "She'r san'ati" asarida bu janr haqida to'xtalib o'tgan. Tragediya janrini muhokama qilar ekanmiz sharq allomalrimizning fikrlarini ham inobatga olishimiz maqsadga muvofiqdir.

Axir bejiz emaski, O'zbekiston Respublikasining 1-prezidenti Islom Karimov 2014 yil 15-16 may kunlari Samarqand shahrida o'tkazilgan "O'rta asrlar sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati" mavzusidagi xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi o'z nutqida shunday deydi: "...o'rta asrlarda yashab, ijod etgan buyuk Sharq alloma va mutafakkirlarining tengsiz asarlari va ilmiy merosi faqat bir millat yoki xalqning emas, balki butun insoniyatning ma'naviy mulki ekanini yana bir bor tasdiqlaydi. Bu – bebaho boylik, yangi va yangi avlodlar uchun donishmandlik va bilim manbai, kerak bo'lsa, yangi kashfiyotlar uchun ajoyib materialdir" (I.Karimov, 2014 yil 15-16 may).

Abu Ali Ibn Sino tragediya janriga quyidagicha ta'rif beradi: "Tragediya bu afzalligi mukammal bo'lgan yuqori darajali muayyan bir hodisaga taqlid qilishdir. Bu taqlid muloyim so'z va she'r bilan ifodalangan bo'lishi kerak. Bu so'z bo'laklari o'zining oralig'i bilangina ajralib turmaydi. U bo'laklarga malaka jihatidan ta'sir etgan bo'lmay, balki xatti-harakat va fe'l-atvor jihatidan ta'sir qiladi. Bu o'rinda taqlid kishi ruhini rahm-shafqat yo xavfdan cho'chitishga olib boradigan harakatni bajaradi" (Abu Ali ibn Sino, 1980: 110).

Abu Ali Ibn Sinoning tragediyaga bergan ta'rifidan kelib chiqadigan bo'lsak, bu janrdagi asar inson hayoti bilan chambarchas bog'liq bo'lib, inson hayoti davomida ro'y berishi mumkin bo'lgan mudhish voqealar uning asosini tashkil qilishi kerakligini aniqlaymiz. Ya'ni har qanday badiiy asar real hayotning inikosi bo'lmog'li shart, aks holda asar voqeasi tomoshabinni ishontira olmaydi va natijada tomoshabin uni tomosha qilmaydi.

Tragediyaga berilgan ikki mutafakkirning ta'riflarini qiyoslar ekanmiz, ularning har ikkisi ham bir-biriga yaqin va bir-birini to'ldirishini ko'ramiz.

Tragediya janri tomoshabinlarga eng kuchli ta'sir kuchini o'tkaza oladigan janrlardan biri hisoblanadi. Chunki bu janrda yaratilgan asarni o'qigan yoki shu janrdagi sahna asarini tomosha qilgan inson albatta asardagi holatga achinadi va yig'lashgacha boradi. Aniqrog'i biror bir inson "Men hech qachon fojjiali yakun topgan asarni ko'rib ko'zimga yosh kelmagan" deya olmasa kerak. Har birimiz qaysidir tragediyani tomosha qilib yig'lab ichimizdagi barcha g'uborlarni chiqarib tashlagamiz va bu bilan katarsis jarayonini boshimizdan o'tkazganmiz.

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutida W.Shekspirning Gamlet tragediasi 4-kurs talabalari bilan sahnalashtirildi. Talabalar tragediya janrini tushunib,

tabiiy ijro etishdi. Hech qanday bo'rtishlarsiz ijro etilgan spektakl tamoshabinlarni ham oz bo'lsada larzaga soldi desak mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu spektaklni ishlash jarayonida talabalar aktyorlik maktabini yanada o'zlashtirishdi.

Tomoshabinlarni ruhan poklanishiga olib keluvchi tragik asarlarni yaratish esa unchalik ham oson ish emas. Bu janrdagi asarni yaratsi uchun ham mashaqqat va muayyan bilim zarurdir. Jumladan tragik asar yaratilishida ma'lum qonun-qoidalarga amal qilinishi talab etiladi.

Bu haqda Arastu shunday deydi: “Tragediya bu harakatga taqlid qilmoqdir. Harakat esa ma'lum bir ijrochi shaxslar tomonidan amalga oshiriladi. Shaxslar esa o'z o'rnida ma'lum bir xarakter va fikrlarga ega bo'lishlari kerak. Shunda harakat keltirib chiqaruvchi ikki sabab vujudga keladi: fikr va xarakter. Ular yo muvaffaqiyat yo muvaffaqiyatsizlikka asos bol'di” (Аристотель, 1957: 57).

Arastuning yuqorida aytganlarining mag'zini chaqar ekanmiz. Shunday fikrga kelishimiz mumkin. Ya'ni har bir tragediya ham boshqa sahna sarlari kabi avvalambor harakatga qurilishi zarur. Undan keyin asar qahramonlarining ichki duyosi va ularning ma'lum bir xarakterga ega bo'lishlari butun asar voqealirinig ishonarli va izchil kechishiga zamin yaratib beradi. Bundan kelib chiqadiki, Arastu asar qagramonlarining shunchaki harakatlanuvchi qo'g'irchoqlar emas, balki o'z dunyo qarashi va fikriga ega bol'gan shaxslar bo'lishi kerakligi haqida ta'kidlab o'tgan.

Abu Ali Ibn Sino esa tragediya janrida asar yaratishda quyidagilarni muhim deb bilgan: “Tragediya bo'laklarida eng avval obrazli qilib aytilgan so'z ma'nolaridan ko'zlangan maqsad asosiy sanaladi. Keyin o'sha ma'noga kuy va so'z ishlanadi. Mana shu kuy va so'z yig'indisi bilan taqlid qilinadi. So'z vaznli jumladir, kuy esa, she'r yozish uchun paydo bo'ladigan va ma'noga bog'liq bo'lgan kayfiyat kuchidir” (Abu Ali ibn Sino, 1980: 110-111).

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, G'arb va Sharq allomalarining bizga meros qilib qoldirgan asarlaridan bebaho bilimlarni olishimiz mumkin. Chunki ular aytgan fikrlar hozirgi kunga qadar o'z qadrini yo'qotmagan. San'at va madaniyat sohasida ularning yo'riqnomalariga amal qilish maqsadga muvofiq bo'lar edi. Jumladan janrlarga izoh berishimizda va ularning asosini o'rganishimizda Sharq va G'arb mutafakkirlarning fikrlarini inobatga olishimiz muhim hisoblanadi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Аристотель. Об искусстве поэзии. –Москва: Государственное издательство Художественной литературы, 1957.
2. Karimov I. “O'rta asrlar sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati”. Xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutq. Samarqand, 2014 yil 15-16 may.
3. Abu Ali ibn Sino. She'r san'ati. –Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1980.

МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИК

MANEVİ CANLANIŞ VE MİLLİ KİMLİK

*Rahima Yusupova,
ÖzDSME Öğretim üyesi (Özbekistan)*

*Раҳима Юсупова,
ЎзДСМИ ўқитувчиси (Ўзбекистон)*

Аннотация. Ушбу мақолада ватанимизнинг истиқболли ривожланишида ҳамда баркамол авлод тарбиясида миллий қадриятлар тикланиши, ўзликни англаш ҳисси, халқ ижодиёти ҳамда фольклор асарларининг оммага тадбиқ этилиши муҳимлиги, шунингдек, муҳим компоненти эканлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар: халқ ижодиёти, маънавият, маданият, фольклор, ўзликни англаш.

Annotation. This article analyzes as a component the importance of the restoration of national values, a sense of self-awareness, the popularization of works of folk art and folklore in the perspective development of our country and the upbringing of a harmoniously developed generation.

Key words: folk art, spirituality, culture, folklore, self-consciousness.

*Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш –
ҳалқимиз маънавий оламини юксалтиришининг
мустаҳкам пойдеворидир (Ш.Мирзиёев)*

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, анъанавий-маънавий қадриятларимизнинг тикланиши, халқ ижодиётининг барча тур ва жанрлари эркин ривожланиши, шўролар давридаги мафкуравий тутқунлик таъсирида деярли унутилиш даражасига келиб қолган қадимий фольклор анъаналарининг тикланиши ва кенг оммаланиши учун катта имкониятлар эшигини очиб берди. Юртимиз ўз эркини қўлга киритиб, истиқлол нашидасидан кўнгли тоғдек кўтарилган кунларда ўлкамизда чинакамига миллий ўзликни англаш, миллий уйғониш, асрий қадриятлар моҳиятига қайтиш, хуллас, бир сўз билан айтганда, маънавий тикланиш жараёни бошланди.

Зеро, халқимизнинг онгу тафаккурида ўзликни англаш, сўзи ниҳоятда ўлкан серққира маънога эга бўлиб, у билан боғлиқ ижтимоий мазмун ва амалий фаолият меъзонлари ҳаётимизнинг барча соҳаларини белгилайди ва бу тушунчанинг моҳиятини очиб бериш учун асос бўла олади.

Дарҳақиқат, мустақиллик, баркамол авлод, маънавият-маърифат, тафаккур ўзгариши, инновацион ғоялар, ахборот-технология янгиликлари каби сўзлар ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда таълим тизими, унда миллий, умумбашарий қадриятлар уйғунлиги, ўқитишда маънавий омилларнинг ўрни ва роли тўғрисида айрим фикрларни билдириш муҳимдир.

Маълумки, таълим ҳам, маънавият ҳам маданият деб аталувчи ўта муҳим, ижтимоий зарур ҳодисанинг устувор йўналишлари, ўқилдирилдири. Шу аснода, таълим маънавий жиҳатдан таъминланмас экан, талаба-ёшлар ўзлаштираётган ҳар қандай билимда маданиятнинг энг оддий кўринишлари бўлмас экан, у ҳолда бундай таълим бирёқлама бўлиб қолаверади.

Демак, энг аввало, таълим ва маънавият уйғунлигини таъминлашга эътибор бериш лозим. Таълим ва маънавият аслида баркамол авлодни шакллантиришга йўналтирилган бўлсада, аммо ушбу ҳар икки ҳодисанинг ўзига хос эътиборли жиҳати, ижтимоий вазифаси борлигини эсдан чиқармаслик керак.

Юртбошимиз баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор бермоқда. “Баркамол авлод имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват, мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган эркин, комил инсонлардир” – деган сўзлари биз ўқитувчиларни, ёшлар таълимига янада чуқурроқ эътибор беришимизга туртки бўлди.

Масалан, таълим тизими инсоннинг шаклланиши билан боғлиқ вазифаларини бажаришга жамият тараққиёти учун зарур бўлган мутахассис кадрлар тайёрлашдан иборатдир. Маънавият эса кўпроқ инсоннинг ўзлигини англаши, унинг руҳий покланиши, имон-иродасини, эътиқодини мустақамлашга хизмат қиладиган йўлдир.

Шунинг учун ҳам, барча зўр мутахассис, энг лаёқатли ходим яхши одам, гўзал инсон бўлмаслиги мумкин. Маънавият каби буюк ботиний кучнинг таъсиридагина мутахассис-ходим том маънода етук инсон бўлиб шаклланиш имконига эга бўлади.

Демак, маънавий омиллар инсон мавжудлиги ва унинг ўзини-ўзи намоён этишнинг воситасидир.

Жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги улўғвор ўзгаришларнинг замини бевосита маънавиятимиз дурдоналарида эди. Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган бундай туб ўзгаришлар халқ ижодиёти соҳасида ҳам янгилашиш жараёнини бошлаб берди. Халқ ижодиёти - маънавият сарчашмаси сифатида комил инсон тарбиясининг муҳим омилларидан бири бўлиб келган. Маънавий тикланиш жараёни жадал кечаётган истиқлол даврида халқ ижодиётининг ана шу хусусияти ғоят долзарб ижтимоий аҳамият касб этади. Халқ ижодиётида асрлар давомида шаклланган бадиий-эстетик анъаналар миллатнинг руҳий дунёсини мунаввар қилади. Зеро,

халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг устувор вазифасидир. Маънавият шундай бебаҳо неъматки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган. “Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суюнгандагина қудратли кучга айланади» (Каримов, 1998:60).

Нурли истиқбол сари дадил одимлаётган мустақил юртимизда бугунги кунда амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар мамлакатимизни янада мустаҳкамлаш ҳамда юксак даражада тараққий эттиришга қаратилган. Ана шу улуғвор ўзгаришлар силсиласида маънавий тикланиш жараёни ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни чор империяси бу ўлкани босиб олгандан кейин ўз мустақиллиги учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигини сақлаб қолишга бўлган ҳаракатларда моддий кучга айланиб келди. У Ўзбек миллатининг ўз мустақиллигини қўлга қиритгандан кейин ўз-ўзини англаши икки йўналишида: собиқ шўролар даврида топилган урф-одатларни қадр-қимматини, қадриятларини тиклаш ва маънавий меросларини ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ва янги адолатли демократик, ҳуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш билан боғлиқ бўлган ислохотларни ўтказиш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги умуммиллий ҳаракатларда намоён бўлмоқда.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиб бориши ёки миллатни ўзига миллатлардан ажралиб кетишига олиб келмайди, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларнинг мустаҳкамланиб боришига ёрдам бериб бораверади. Миллатларнинг ўз-ўзини англаши қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг ўз муаммоларини ҳал қилиш имконияти ҳам кенгайиб боради. Ўз-ўзини англаган миллатнинг миллий бирлиги ҳам мустаҳкам бўлади. Миллий бирлик ўз навбатида миллат абадийлигининг барқарор муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг учун мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилгандир.

Миллий ғоя, миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжихатликнинг кучайишига кўмак беради. Бу етук миллий онг, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжихатлик туйғуси заминида шаклландиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Кишиларда она заминга бўлган мухаббат қанчалик кучли бўлса, ватанни севиш, юксак даражада эозлаш тобора кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз ватани тарихини, миллий қадриятларини, ўз халқининг тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукамал билса, миллий манфаатларини, миллий тақдири ва истиқболини

чуқур англаб етган бўлса, жамиятимиз шунчалик мустахкам ва барқорор бўлади. Ватанимиз бахт-саодати, халқимиз, миллатимиз келажаги, истиқболимиз тақдири ҳар биримиз учун муқаддасдир.

Халқимизнинг унутулиш арафасига келиб қолган, бутун тарихи мобайнида яратилган абадий ёдгорликлари, санъат асарлари, урф-одатлар ва маросимлар қайтадан тикланди. Шу жумладан ўзликни англаш, миллий ғоя, миллий мафкура таркибига кирадиган инсонийлик, адолат, ҳақиқат, ҳололлик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, дину диёнат, анъана ва қадриятлар ҳақида янги-янги асарлар яратилмоқда.

Зеро, маънавий қадриятларга, ҳаётни эъзозлашга ундайдиган юксак қоидалар, нормалар, меъёрларга эътибор сусайганда жамият, давлат ривожланишдан қолади, инқироз томон боради. Аксинча, маънавий қадрият, ўзликни англаш миллий ва бошқа англашларга эътибор кучайса ривожланиш янада юксакроқ пағоналари сари давом этади.

Мустақилликка эришган илк кунларимиздан бошлаб юртимизда жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатдан уйғун ривожланишига, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада буюк аждодларимиз бошлаб берган анъаналар замон талаблари асосида давом эттирилмоқда. Ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, инсон ижтимоий жиҳатдан фаол яратувчи бўлиши учун, ўзини тўлиқ англаши учун, миллий ўзликни амалга ошириш учун эркин ва ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва тадбиркор, замоанавий билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи лозим. Халқимизнинг азалий қадриятлари ҳақида фикр юритганда, айнан ана шундай ноёб қадриятлар, масалан, урф-одадлар халқимизнинг маънавий қиёфаси, дунёқарashi, феъл-атворининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатганлигини асослаб беради.

Шу маънода И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Дунёдаги зўравон ва тажавузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни, энг буюк бойлиги бўлиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидадан жудо қилишга уринади” (Каримов, 2008:11).

Ватанимизда истиқоматқилаётган барча миллат ва элатларнинг қадриятлари, тили, маданияти, диний эътиқоди, урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир.

Мустақиллик шарофати билан “аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят ўлкан, бебаҳо маънавий ва маданий мерос тиклана бошланди” ва “халқимиз ўзига хос маданиятининг соҳибига айланди” (Каримов, 1998:125).

Маънавий тикланиш – миллий ўзликни англашнинг муҳим шартларидан бири бўлиб турган ҳозирги даврда халқ маънавий оламининг ўзига хос бадий кўзгуси ҳисобланган фольклор анъаналарини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Халқимиз миллий бадий

тафаккурининг мисли кўрилмаган даражадаги мўъжизага айланган оғзаки ижод намуналари асрлар давомида яратилиб, бадий сайқал берилиб, қалби эзгулик зиёси билан нурафшон бўлган кишилар дилига баркамоллик баҳш этиб келган.

Миллий қадриятлар, азалий урф-одатлар ва фольклор анъаналарини тиклаш, такомиллаштириш ҳамда унинг энг яхши жихатларини маънавиятимизнинг боқий сарчашмаси сифатида келгуси асрга олиб ўтиш халқ ижодиёти соҳасида фаолият олиб борувчи ижрочи, ижодкор, ташкилотчи ва илмий тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Чунки халқ ижодиёти маънавийлик ва маърифийлик асоси ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам маънавият миллий тафаккуримизнинг тараққиётини белгилайдиган етакчи эстетик асос вазифасини бажариб келган.

Маънавий комилликнинг илк сарчашмаси халқ оғзаки ижоди анъаналари саналади. Республикамиз мустақилликка эришгач, анъанавий халқ ижодиётини янада ривожлантириш, уни тадқиқ ва тарғиб этишнинг кенг имкониятлари очилди. Истиқлол берган миллий ҳурлик халқ ижоди асарларини тўлалигича нашр қилдириш, шўролар даврининг мафкуравий тутқунлиги оқибатида ёзиб олинмаган фольклор асарларини тўплаш ва оммалаштириш, халқ ижодиётини изчил тадқиқ этиш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Ўлкамизда қадимдан етук авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилган, бунда халқ ижодиёти ва турмуш тарзи анъаналари етакчи мезон қилиб олинган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда маънавий жиҳатдан етук, чин ватанпарвар, эл-юрт истиқболи учун фидойи авлодни тарбиялаб, уларни комил инсонлар қилиб ўстиришда миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг ўзлигини англатадиган юксак маънавийлик ва маърифийлик анъаналарига суянмоғимиз зарур. Халқ оғзаки ижодиёти анъаналари ҳам ана шундай улуғ қадриятлар тизимидан биридир.

Ўзбек халқ бадий ижодиёти ниҳоятда бой ва сермазмун бўлиб, ўзбек халқининг кўп асрлик бадий анъаналари билан боғлиқ ўзига хос миллий колорити билан ажралиб туради. Қўшиқчилик, рақс ва мусиқа санъатларининг ўзаро уйғунлигини ўзида намоён этган бу бадий мўъжизалар силсиласи халқимизнинг миллий ўзлигини ифодаловчи буюк поэтик қомусдир. Бугунги кунда бир томондан халқнинг миллий ўзлигини англашга бўлган интилиши ниҳоятда кучайганлиги, унинг ўз шонли тарихи, миллий маданияти ва санъатига қизиқиши ортганлиги, иккинчи томондан эса, маданият ва санъат олийгоҳларидаги ўқув машғулотларида миллий қадриятларимизнинг моҳияти етарли даражада ўз ифодасини топмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса боболаримиз бадий даҳосининг муҳташам қадрияти ҳисобланган миллий маънавиятга асосланиш – мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланган ҳозирги даврда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг миллий негизини янада мустаҳкамлаш, халқ бадий ижодиётининг эстетик

моҳиятини чуқур талқин қила оладиган кадрларни тарбиялаб, вояга етказиш нечоғлик долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

Санъат жуда қадим замонлардан, меҳнат жараёнининг тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик ҳисси ортди, воқеликдаги гўзаллик, қулайлик ва фойдалилик тушунчалари кенгайди. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлди. Санъат ҳам ўзига хос жиҳатларни, синфийлигини намоён этиб, ҳукмрон синфининг мафкурасини, тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди. Лекин шунга қарамай омма орасидан етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлар меҳнаткаш халқ оммасининг орзу ва инсонпарварлик ҳақидаги тушунчаларини ифода этувчи асарлар яратдилар. Халқнинг турмуш, хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган ана шундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак ҳислат ва фазилатларини камол топтирди, уларни тенглик, озодлик, биродарлик, ёрқин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди.

Хулоса қилиб айтганда, “Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмас экан, жамият ривожланмайди. Халқимизнинг ривожланиш даражаси, аввало, миллий маданиятимизга қараб баҳоланади. Шу маънода, маданият — бу халқимиз, жамиятимиз қиёфасидир. Биз Ўзбекистоннинг янги қиёфасини яратишга киришган эканмиз, буни аввало, миллий маданиятимизни ривожлантиришимиздан бошлашимиз лозим”.

Глобаллашув ва ахборот асри бўлган бугунги даврда, албатта, халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ниҳоятда кучайиб, беқиёс ранг-баранглик ва мураккаблик касб этмоқда. Бундай шароитда жамият тарққиётига таъсир кўрсатадиган янги омиллар пайдо бўла бошлади. Уларнинг барчасини теран англаб, таҳлил қилиб, амалий сиёсатда ҳисобга олиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда, давр даъватларига тўла жавоб бера оладиган баркамол авлодни вояга етказишда, ҳеч шубҳасиз, миллий ва умумбашарий ўзликни англаш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ўзлигини англаш жараёнида миллат келажаги бўлган ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки ёшларимизнинг миллий ўзлигини англаши аждоқларимиздан қолдирилган моддий ва маънавий меросни, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни ўзлаштириш билан бирга, уларда миллий манфаатларни, Ватан тақдири ва мамлакат тараққиёти учун масъуллик туйғуларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Ёшларда миллий ўзлигини англашнинг ўсиши, уларнинг миллий заминларга интилиши кучаётганлигига асосланиб айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг XXI асрда ислохатларни муваффақиятли амалга оширишда, жамиятда барқарорликни таъминлашда ва жаҳон қадриятлари тизимига кириб боришда миллий ғоямиз асосий “механизм” бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Тошкент: “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тарққиёт йўлида. 6-жилд. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 1998.
4. Эркаев А. Ўзликни англашга даъват. Маънавий юксалиш йўлида. - Тошкент: “Маънавият”, 2008.
5. Отамуратов С. Ўзбекистонда маънавий - руҳий тикланиш. -Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003.
6. Қуронов М. Миллий тарбия. -Тошкент: “Маънавият”, 2007.

BIOESTETIKA: TABIAT VA INSON DIALEKTIKASI

BIOESTETİK: DOĞA VE İNSAN DİZELİĞİ

*Umaraliyeva Gulçehra Bahodirjonovna,
ÖzDSME kideimli oğretmeni
Abdulaconova Komila,
ÖzDSME Yüksek Lisans oğrencisi (Özbekistan)*

*Umaraliyeva Gulchehra Bahodirjonovna,
O‘zDSMI katta o‘qituvchisi
Abdulajonova Komila,
O‘zDSMI magistranti (O‘zbekiston)*

Аннотация. Диссертация включает в себя вопросы связанные с развитием биоэстетики, культуру биоразнообразия и искусственную красоту, изменения в обществе, природу и воспроизводство человека, новые ландшафтные конструкции, пластическую хирургию, движения человеческого лица. Кроме того в работе уделено внимание изучению последствий глобализации для различных культур и их влияние на взрослых и молодых людей, что оказывают положительное и отрицательное воздействие на общество. Диссертация ранее не была как научное исследование.

Ключевые слова: биоэстетика, цивилизация, природа, общество, развитие, биополитика, эстетическое образование.

Annotation. The thesis includes issues related to the development of bio-esthetics, biodiversity culture and artificial beauty, changes in society, nature and reproduction of man, new landscape designs, plastic surgery, human face movements. In addition, the work focuses on studying the effects of globalization on different cultures and their impact on adults and young people, which have a positive and negative impact on society. The thesis was not previously a scientific study.

Key words: bioesthetics, civilization, nature, society, development, biopolitics, value aesthetic education.

Ma'lumki, ma'naviyat jamiyatdagi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni to'g'ri yo'naltiruvchi, uni rivojlantiruvchi muhim omillardan biri hisoblanadi. Agar iqtisodiy islohotlar ma'naviyat bilan o'zaro uyg'un holda rivojlantirilmasa, unda mamlakat asta-sekin inqirozga yuz tutib boradi. Zero, yoshlarimizning ma'naviy kamolotida umumbashariy yutuqlarni egallash, tariximiz, madaniyatimiz va buyuk ajdodlarimiz qoldirgan merosning ahamiyatini tobora chuqurroq anglash muhim ahamiyat kasb etadi. Shu o'qinda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev "Millatning, xalqning kelajagi, uning

kuch-qudrati xuddi shu qadriyatlarni yoshlarimiz tomonidan tobora chuqurroq anglanishida, bu ma'naviy boyliklarga tayanib, undan zarur xulosalarni chiqarib yashashga o'rganishdadir. Ma'naviyat tushunchasi juda keng tushuncha bo'lib, insonning ichki va tashqi jihatdan go'zalligi belgilovchi, ayni vaqtda ichki va tashqi dunyosini uyg'unligini ifodalovchi tushuncha ham deyish mumkin" deb ko'p marta ta'kidlamodalar (Shavkat Mirziyoyev, 2017).

Tarixiy manbalarga qaraganda «Avesto»da ham tozalik, ozodalik, halollikni ulug'lovchi falsafiy-axloqiy fikrlar e'tirof etilgan (Avesto, 2001: 248). Shuningdek, "Qur'oni Karim va hadisi shariflarda ham axloqiy-estetik madaniyatga oid "Liboslaringizni chiroyli qilinglar, ot- ulovlaringizni yaroqli tutinglar! Yuzdagi xoldek odamlarga namuna bo'linglar! Tishlaringizni misvok (tish tozalagich) bilan tozalab yuringlar va tozalikka odat qilinglar kabi nasihatlar mavjud. Hamma ishlaringizda to'g'ri bo'ling, odamlarga muomalada xulqingiz chiroyli bo'lsin! Yaxshilikning chehralari ochiq, xushro'y odamlardan kutinglar. Tangri go'zaldir, go'zallikni yaxshi ko'radi . Oralaringizda eng yaxshingiz – xulqi yaxshingizdir! – kabi juda ko'plab axloqiy va estetik madaniyatga oid fikrlar uchraydi (Hadis, 4- kitob, 1996).

Yana bir misol, qudratli Amir Temur bobomizning "Temur Tuzuklari" asarida hukmdor ega bo'lishi kerak bo'lgan fazilatlardan biri mamlakatni obodonlashtirish ijtimoiy - iqtisodiy, siyosiy hayotni yaxshilash, madaniy - ma'naviy sohani rivojlantirishdir deydi. Shuningdek axloqiy-estetik madaniyatning axloqiy-estetik asoslarini ishlab chiqish borasida g'arb faylasuflari Byork, I.Kant, F.V.Gegel, Yumlar tadqiqot olib borishgan" (Byork Edmund, 1979: 234). Zero, go'zallikka intilish orqali inson o'zining ma'naviy-axloqiy fazilatlarini shakllantirishga harakat qiladi.

Go'zallik doimo foydalidir, lekin bu foydalilik jamiyat taraqqiyoti uchun xizmat qilishga mo'ljallangan. Va nihoyat, go'zallik, Shillerning o'rinli iborasi bilan aytganda, inson ozodligining ramzi sifatida ifoda topadi. Kamolotga, go'zallikka intilish ko'p jihatlardan eng muvofiq shaklni izlab topish bilan bog'liq bo'lib, bu shakl yaratilmish narsaning mazmuniga mos kelishini taqozo etadi. Mamlakatimizda bugungi kunda ta'lim taraqqiyotining shaxs, jamiyat va davlatning iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy-texnik hamda madaniy ehtiyojlarini ta'minlaydigan ustuvor sohasi sifatida qonunan belgilab qo'yildi va asosiy e'tibor shaxsning kamolotiga qaratildi.

"Bioestetika estetikaning bir bo'lagi bo'lib, go'zallikni o'rganuvchi fan sifatida simmetriya qonunlariga asoslanadi.Simmetriya qonuni tirik va jonsiz obyektlar orasida harakterlidir. Simmetriya esa raqamlar degani, qadimgi grek faylasufi Pifagor "Raqamlar dunyoni boshqaradi" degan fikrlari har bir zamon uchun ahamiyatlidir" (Mhmc.in/bio_Aesthetic.aspx.)

"Rus olimi A.A.Lyubishev taxminicha evolyusiya davomida formalarning shakllanishi estetika qoidalariga bo'ysunadi, shunda go'zallikni his qilish qobilyatimiz shunga guvohlik beradiki, biz o'zimizni go'zallik evolyusiya mevasi va tasavvur dunyosining uyg'unligi deb bilishimiz lozim. Yuqorida aytib o'tilgan simmetrik qonunlar va oltin birikish bizlar uchun nafaqat go'zallik va xunuklikni farqlash, balki kishilik jamiyatida har xil farqlovchi ramzlarni, masalan, xristian dinidagi ikonalar

o‘zining tashqi ko‘rinishi bilan o‘zgalar diqqatini tortish kuchiga ega. Ikonaning tuzilishi simmetriyaga xos. Chunki xochga birkirilgan Iso bir chiziqda, assimetriya xolati esa Isoning chap qo‘lidagi kitob. Ramzlarning maxsus biosiyosiy ahamiyati esa bioestetik motivga ega, ya‘ni siyosiy ramzni o‘z ichiga oladi. Bu bo‘rttirish emas, balki XX-asr tarixiy siyosati. Qadimgi ilk siyosiy ramzlarga beshqirrali yulduz, oltiqirrali yulduz, pentagon-beshburchaklarga sig‘inishgan va bunda o‘zaro qarama qarshi fikrlar ham bo‘lgan. Lekin svastikaning bioestetik roli (ya‘ni ramzdan foydalanish), suzib yurgan meduzaning soyabonsifat ko‘rinishi deydi G.Veyl, -“Chunki u bezak sifatida Vatikan cherkovining panjaralarida ishlatilgan” (Mhmc.in/bio_Aesthetic.aspx.).

Rangli obrazlar ham tasavvurga yetarli va keraklidir. Ranglar miyaga ma‘lum qiyinchilikni yuklaydi. Bizga ma‘lumki yashil rang o‘simliklarda o‘zgacha namoyon bo‘ladi, lekin odamzotning paydo bo‘lgandan beri yashil rang ko‘z nurini kuchaytirishga xizmat qiladi, yashillikka boqish ko‘zga yoqadi deb hisoblashgan. Boshqa ranglarning esa miyaga qabul qilishda ba‘zan ijobiy, ba‘zan esa salbiy ta‘sir ko‘rsatishi, kutilmagan natijalarni berishi mumkin. Masalan: qizil issiqlikni, to‘q ko‘k rang sovuqlikni bildirgan. Umuman bioestetikada xususan bioarxitekturada ranglardan har xil kompozitsiyalarni yaratishda amaliy foydalaniladi. Arxitektor va dizaynerlar oldidagi asosiy masala binolar proyektini chizishda ranglarning insonlarga biologik va psihologik ta‘sirini o‘rganishlari zarur. Qadimda o‘ziga jalb qiluvchi bioestetik sxemalar qurilishda va bezak sifatida xram va cherkovlarda qo‘llanilgan.

Bioestetika biopolitika va bioetika bilan chambarchas bog‘liqdir. Ayrim hollarda insonlarga omad va omadsizlik, tashabbuskorlik qirralarini ochilishi va amalga oshirishning na‘munali bahosini beradi. Masalan bir tashabbuskorlik o‘sha ishlab chiqarishga to‘g‘ri ta‘sir qildimi, yo‘qmi, buni nima bilan o‘lchash, baholash mumkin. Buning uchun o‘sha ishlab chiqarishning tabiatni ifloslantirish yerga, havoga, suvga, o‘simliklarga, biomassaga ta‘siri yoki ushbu xilma xillikni tiklash uchun ko‘rgazma ishlari va bu tashabbusni ekspert baholashi kerak. Masalan, Germaniyadagi Rur shahrining zamonaviy ko‘rinishiga e‘tibor beraylik. Bu yerda zamonaviylik va madaniylik dasturi a‘lo darajada bajarilgan. Barchasi tabiat manzalaridan, daraxtlardan, gullardan foydalanilgan tabiiy va chiroyli. Yuqoridan qaralganda sun‘iyga o‘xshagan gullar yaqinroq kelsangiz hayratlanmaslikning iloji yo‘q, barchasi ona tabiat in‘om etgan jonli daraxtlar va gullar. Shakl va mazmun munosabati haqida so‘z borganda, mazmunning yetakchiligi, uning shaklni belgilash xususiyati haqida aytiladi. Darhaqiqat, ikqilamchi tabiat (inson tomonidan yaratilgan narsalar)ga nazar solinsa, buni yaqqol ko‘rish mumkin bo‘ladi. Misol uchun yana o‘sha stulni olaylik. Yuqorida ko‘rganimiz "o‘tirish uchun mo‘ljallangan moslama" degan mazmun yasalajak buyumning parametrlarini belgilaydi: balandligi, kengligi, suyanchiqqa ega bo‘lishi, o‘tirg‘ichning old tomoni biroz ko‘tarilgan bo‘lishi va h. YA‘ni, bu o‘rinda shaklning mazmunga muvofiq bo‘lishi talab qilinadi. Tasavvur qilingki: usta stulning oyoqlarini bir yarim metrdan qilib yasadi va natijada o‘tirg‘ich kishining yelkasi barobar turibdi; yoki o‘tirg‘ichning kattaligi shapaloqdek bo‘lsin. Albatta, har ikki holda ham shaklning mazmunga nomuvofiqligi yuzaga keladi va buyum o‘zining qimmatini yo‘qotadi.

“Shakl bilan mazmun mutanosibligi san’atda go‘zallikni namoyon ettiruvchi asosiy shartlardan biridir. Mazmun bilan shakl uyg‘unligining estetik qonuniyati shundaki, taraqqiyot jarayoni bularning o‘zaro muvofiqligi asosida sodir bo‘ladi”.

Badiiy loyihalashda tamoyil badiiy-estetik, g‘oya nukta nazaridan eng murakkab va mas’uliyatli bo‘lib hisoblanadi. Ma’lumki, asrlar davomida turli bino va inshootlarning shakli ularning mazmuniga mos ravishda uz ifodasini topgan. Tarixiy jarayonda me’morchilik turlari ilm, texnika, san’at, kishilar turmushi ijtimoiy sharoitlarining ilg‘or taraqqiyoti bilan birga o‘zgarib kelgan. Manfaatdorlik san’atda bu shakl va ko‘rinishlardir. Ayniqsa, yangi buyumlar va loyihalar, jamiyat ishlab chiqarish kuchlari rivojlanishida yangi iktisodiy, maishiy shart-sharoitlar paydo bo‘lgan vaqtda yuzaga keladi.

Xulosa o‘rnida shuni aytishim mumkinki, bugungi kunda har bir shaxs o‘zini inson sifatida tabiatning boshqa mavjudotlaridan ajratadi, muayyan millat vaqili sifatida boshqa xalqlar va elatlardan farqini sezadi va, nihoyat, ahli bashar sifatida o‘zga insonlar bilan umumiy jihatlari, Ona-sayyoraning ongli farzandi sifatida huquq va majburiyatlari haqida bosh qotiradi. Tabiat oldidida har bir alohida shaxs mas’uldir. Chunki u yer yuzidagi xalifadir, har bir elat va millatning o‘zi yashab turgan tabiiy makon – Ona-Vatani oldida mas’ulligi bor, ammo, baribir biz yashab turgan Yer kurrasi yagona makon va maskanimiz ekan, hali basharning uning oldidagi mas’ulligi ham yaxlitdir.

Adabiyotlar ro‘yhati:

1. Mirziyoyev Sh. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. –Toshkent: O‘zbekiston, 2017.
2. Avesto. A.Mahkamov tarjimasini. - Toshkent: Sharq, 2001.
3. Abu Abdullloh Muhammad Ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis.4- kitob. – Toshkent: Qomuslar Bosh tahririyati, 1996.
4. Byork Edmund. Filosofskoye issledovaniya o proisxojdeneiye nashix lyudey vozvishennogo i prekrasnogo. – Moskva: Iskusstvo. 1979.

ХОЛИД САИД ХЎЖАЕВ ВА УНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ**HALİD SAİD HOCAYEV VE ONUN BİLİMSEL PEDAGOJİK FAALİYETİ***Elmurad Kurbanov
ÖZDSME araştırmacısı**Элмурод Қурбонов
мустақил тадқиқотчи***Аннотация**

Холид Саид Хўжаев буюк маърифатпарвар, забардаст тилшунос, таниқли турколог, ўзбек ва озарбайжон халқининг фахри. Унинг илмий мероси XX аср туркологиясининг олтин саҳифасини ташкил этади. Ушбу мақолада Холид Саид Хўжаевнинг ҳаёти ва илмий-педагогик фаолияти ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Холид Саид Хўжаев, турколог, тилшунос, таржимон.

Özet

Halid Said Hocayev, büyük dilbilimci, ünlü Türkolog, Özbek ve Azerbaycan halkının gururu. Onun bilimsel mirası, 20. yüzyıl Türkolojisinin altın sayfasını oluşturur. Bu makalede Halid Said Hocayev'in yaşamı, bilimsel ve pedagojik çalışmaları kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler: Halid Said Hocayev, Türkolog, dilbilimci, tercüman.

Annotation

Khalid Said Khodjaev is a great linguist, a famous turkologist, the pride of the Uzbek and Azerbaijani peoples. Its scientific heritage constitutes the golden page of Turkology of the 20th century. This article discusses the life and scientific and educational activities of Khaled Said Khodjaev.

Key words: Khalid Said Khodjaev, turkologist, linguist, translator.

Холид Саид Хўжаев ҳақида ёзилган манбаларда унинг исми-шарифи билан бирга “буюк маърифатпарвар, забардаст тилшунос, умумэтироф қилинган турколог, ўзбек ва озарбайжон халқининг фахри” каби тавсифлар алоҳида эҳтиром рамзи сифатида келтирилади. Ҳеч қандай муболағасиз айтиш мумкинки, юртдошимиз Холид Саид Хўжаев ана шундай эҳтиромларга муносиб инсон эди. Шунгингдек, уни Озарбайжон ва умуман туркий тилшуносликнинг XX асрдаги тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома ҳамда туркий халқлар тилига лотин алифбосини жорий қилиш ҳақидаги илғор қарашларни дадил илгари сурган идеалист инсон сифатида ҳам эътироф этишади.

Холид Саид Хўжаев 1888 йилда Тошкент яқинидаги ҳозирги Ғазалкент туманига қарашли Қўшқўрғон қишлоғида оддий деҳқон оиласида тўнғич фарзанд бўлиб дунёга келган. Унинг тўртта укаси ва бир синглиси бўлиб отаси Саидалихўжа тумандаги таниқли ва баобрў кишилардан ҳисобланган.

Шу сабабли бўлса керак, Холид қишлоқ мактабини тугатганидан сўнг, Тошкент шаҳридаги мадрасаларнинг бирида таҳсил олган. Мадрасани тугатгач, Қўшқўрғонга бориб, 5-6 ой мобайнида ер ўлчаш ишлари билан машғул бўлади. Ундаги ўқишга бўлган катта иштиёқ Туркияга кетишга ва у ерда билим олишга туртки бўлади.

Озабайжон олимнинг хотираларига кўра, (Сəфəров Е. Halid Said ana yurdunda. “Elm” газетаси, 1988, 17 декабрь) “анъанавараст муҳит туфайли мен рус тилида таълимни давом эттира олмадим. Тошкентдаги мадрасани битиргач тупроқни текшириш усулини ўрганиб, 5-6 ой давомида ишлаб, Константинополга сафар қилиш учун етарли пул топдим. Константинополда университетда уч йиллик курсни тамомлаб, кейинчалик Истанбул университетини ҳам битирдим”.

Болалигидан илм-фанга, маърифатга ихлос қўйган йигит 1911 йилда Туркияга йўл олади. У ерга боргандан сўнг Истанбул университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради ва уч йил мобайнида шифокорликдан билим олади ва мутахасис бўлиб 1913 йилнинг охирларида она ватани Ўзбекистонга қайтиб келади. Лекин ватандошларининг оғир аҳволи, ижтимоий, иқтисодий ва маданий шароитда яшаётганини кўрган Холид шифокорлик билан эмас, қалам ва сўз билан ҳам жафокаш халққа хизмат қилишни лозим деб топади. Аммо ўзини зиёли деб билган аксар кишиларнинг тараққийпарварлик ғояларига лоқайдлигини кўргач, 1914 йил яна Туркияга кетади.

Ундаги адабиёт ва тилшуносликка бўлган муҳаббати умуман бошқа соҳа тарих ва филология йўналишида таҳсил олишга етаклайди. Туркияга бориб Истанбул университетни “тарих ва филология” факультетига ўқишга кириб 1918 йилда ўқишни тугатди. 1918 йилда Холид Саид Туркиядан Озарбайжонга келади. Дастлаб Ганжада сўнгра Бокуда олий ва ўрта таълим мактабларида ишлашни бошлайди. 1920 йилдагина Тошкентга қайтиб, манбаларда ёзилишича, (Azərbaycan Xalq Cümhuriyyəti энциклопедияси. 1-жилд. 394-бет. Баку, 2004.) шу ердаги “олий педагогика мактаби”га раҳбарлик қилади. Аммо орадан икки йил ўтгач, яна Озарбайжонга қайтиб, Бокуда педагогик фаолият билан шуғуллана бошлайди. У турли йилларда Бокудаги ишчилар факультетлари, педагогика ва иқтисод институтларида ишлаб, олий ўқув юртларининг аспирантларига турк, араб ва форс тилларидан дарс беради.

Марказий Осиёда миллий-худудий демаркациядан (Мағлуб давлат худудини зоналарга бўлувчи чизиқ. Ўзбек миллий энцикл. 3-жилд 247 бет) (1924) кейин Холид Саид Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасида Озарбайжоннинг таълим муассасаларида ёш ўзбек мутахассисларини тайёрлашда ва ташкил этишда фаол иштирок этди. Холид Саид талабаларга маърузалар ўқибгина қолмай, тилшуносликнинг турли соҳалари бўйича тадқиқот ишларини ҳам олиб борган. Унинг “Усмонли, ўзбек ва қозоқ тилларининг қиёсий грамматикаси”га бағишланган тадқиқоти 1926 йилда

Бокуда Озарбайжонни текшириш ва ўрганиш жамияти томонидан нашр этилган. Холид Саиднинг қизи Беҳижа Мамедованинг “Қатағон қилинган туркология” китобида, отаси ҳаётининг сўнгги йилларида СССР Фанлар академияси Озарбайжон бўлимининг тарих шуъбасида 1-разрядли илмий ходим бўлиб ишлаган ва айна пайтда тилшуносликнинг турли соҳалари (туркий тиллар грамматикаси ва стилистикаси, ёдгорликлардаги ёзувларни ўқиш ва бошқ.) бўйича талабалар ва аспирантларга маърузалар ўқиган.

Холид Саид 1926 йили Бокуда ўтказилган биринчи туркий конгресс ишида фаол иштирок этган. “У 1930 йили Рашид Нури Гунтекиннинг туркий оламда шуҳрат қозонган “Чоли қуши” романини озарбайжон тилига таржима қилди. Бу асардан олдин, 1928 йилда эса, у Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини ёзганидан хабар топиб, уни ўқишга жазм этди. Тошкентлик эски таниши, ҳатто дўстининг бу асари унга ғоят манзур бўлди. Бир замонлар тараққийпарварлардан кўнгли қолиб, улардан узоқлашмоқчи бўлган йигитнинг ўн йил ичида забардаст ёзувчи даражасига кўтарилгани ва Ўрта Осиё халқлари адабиётида биринчи миллий романни яратгани уни ҳайратга солди. У шундай баркамол асарнинг барча туркий тилларга таржима қилиниб, нашр этилишини истади ва ўзи биринчи бўлиб озарбайжон тилига таржима қилишга киришди. Лекин олим асарни педагогик фаолиятдан ортган вақтида таржима қила бошлаган бўлса керакки, Қодирий романининг озар китобхонларига тезроқ етиб бориши лозимлигини ўйлаб, бу ишга Қамчибекни ҳам жалб этди. Ўзбекистонда яшагани, ўзбеклар орасида улғайгани учун ўзига Қамчибек тахаллусини олган бу зотнинг асл исм-шарифи Абдулла Гайнуллин бўлган. Холид Саид Қамчибек билан Янги турк алифбоси Марказий қўмитаси деб аталган муваққат муассасада танишган ва унинг ўзбек тилини “сув қилиб ичиб юборгани”ни кўриб, ғоят хурсанд бўлган эди. Хуллас, шу икки маслақдош ижодий меҳнатининг натижаси ўлароқ 1928 йилда Бокуда “Ўткан кунлар” романи озарбайжон тилида нашр этилди.”

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асари туркий халқларнинг умумий ёзма ёдгорлигидир. Шу сабабли бу асарни кабардин, қозоқ ва бошқа тилларга ҳам таржима қилиб бериш борасида Холид Саидга мурожаат қилишган. Олимнинг 1935 йил 1 сентябрда “Девон”ни таржима қилишга киришиб, уни 1937 йил апрелида тугатган. 1 июлда эса “Девон” таржимасини шарҳлари билан Ленинграддаги муҳаррирлар- Крачковский билан Маловга юбориш ниятида бўлган.” (Наим Каримов. Абдулла Қодирий ва Холид Саид. “Китоб Дунёси” газетаси. 2014 йил 9 апрель 7-сон.) Орадан кўп вақт ўтмасдан "эски турк жосус хизмати" га хизмат қилишда айбланган Холид Саид Хўжаев 1937 йил 4 июнда жосус сифатида қамоққа олиниб, шу йилнинг 13 октябрида отиб ташланди. Аммо орадан 20 йил ўтиб яъни 1957 йил 16 май куни СССР Олий суди 1937 йил 12 октябрда чиқарилган ҳукмни бекор қилди.

Адабиётлар:

Тагирзаде А. Халид-Саид Ходжаев, Советская Тюркология, Баку, 1988, № 3
Azər Turan. Xalid Səid Xosayev. Шохид туркшунос. Баку, 2009
Azər Turan. Qizi Vəhicəxanimla “Divani-luğət-itTürk” üniltərsməçisi Xalid Səid haqqında söhbət. “Адабиёт Газетаси”, 2008, 14 ноябрь
Bünyadov Ziya. “Қонли террор”. Баку, Она Сўзи Газетаси 1988 йил
Сəfərov E. Halid Said ana yurdunda. “Элм” газетаси, 1988, 17 декабрь
Н.Каримов. “Абдулла Қодирий ва Холид Саид” Китоб Дунёси газетаси. 2014 йил 9 апрель 7- сон.

GENÇLERİN EĞİTİLMESİNDE KÜLTÜR KURUMLARININ ÖNEMİ

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ ЎРНИ

Bahtiyar Yuldashev

ÖzDSME kademli öğretim üyesi

Бахтиёр Юлдашев

ЎзДСМИ катта ўқитувчиси

Аннотация

Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Мақолада шу масала билан боғлиқ фикрлар қаламга олинган.

Калит сўзлар: ёш авлод, тарбия, маданий муассасалар.

Özet

Genç neslin yetiştirilmesi her zaman önemli bir mesele olarak toplumun dikkat merkezinde olmuştur. Yirmi birinci yüzyılda bu konu gerçekten bir ölüm kalım meselesi haline geldi. Makalede bu konuyla ilgili görüşler kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler: genç kuşak, eğitim, kültürel kurumlar.

Annotation

The upbringing of the younger generation has always been important and actual. In the twenty-first century this issue is really a matter of life and death. In this article, opinions on this issue have been written.

Key words: younger generation, education, cultural institutions.

Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Худудларда яшайдиган айрим ёшлар зерикканидан нима қилишни билмасдан бемаза ишларга берилиши, безорилик, жиноят йўлига кириши, зарарли оқимларга қўшилиб кетиши мумкинлиги ҳаммани безовта қилади, албатта.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани турли хил санъат соҳасидаги тугаракларнинг ёшлар учун хизмат қилаётгани бизларга маълум.

Лекин кўплаб ёшлар учун қизиқарли ёшларнинг айнан истакларидан келиб чиққан ҳолда турли маданий –маърифий тарбиявий қизиқарли уйинлар ташкил этиш ва уни ўтказиш учун маданият муассасаларида иш фаолиятини олиб бораётган мутахассисларимизнинг маҳорати етмаётганларида уларнинг шу соҳага креатив ёндошувини ошириш

зарурдир, фақатгина маданият ва истироҳат боғларда ташкил этилган турли атрикцион уйинлар билан чегаралиниб қолмаяпмизми. Шунинг учун ҳам ёшларимиз кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап.

Бу борада кўплаб қарор ва кўрсатмалар чиқарилди, шундай экан аввало шуни таъкидлаш керакки, энг устувор вазифалардан бири сифатида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузалари мазмун моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш назарда тутилгани айниқса эътиборга молик.

Айнан шахсан юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси бутун миллат олдидаги улкан масъулиятли вазифа эканлигини таъкидлаб: “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас” [1], дея таъкидлайдилар.

Республикамизнинг биринчи Президенти, раҳматли Ислом Каримовнинг: “Мен ёшларга ўзимга ишонгандай ишонаман, маррани баланд олинг, фарзандларим! Эртанги кун бизники, марра бизники!” дея баралла айтган гапларини дилдан чуқур ҳис этиб, бу ишончни оқлаш ҳам фарз ҳам қарзидир.

Бунинг учун эса фарзандларимизнинг бўш вақтларида маданий-маърифий масканларда ўзларининг севимли бўлган китоб ўқиши, музика ўрганиши, рақс ўрганиши, спорт ва бошқа бир қанча тўғаракларга қатнашиб ўзларининг истидодини намаён этишлари учун мамлакатимизда айнан “маданият марказлари”да, маданият ва истироҳат боғлари қошидаги маданият марказларида юқорида кўрсатиб ўтилган қизиқарли тўғараклар фаолият юритмоқда шундай экан биз ва ёшларга тарбиясига бе фарқ бўлмаган зиёлий инсонлар, ота оналар сусткашликка йўл қўймаслик зарур. Айнан ёшлар тарбиясида бўш вақтдан унумли фойдаланиш биз катталар учун маъсулият, зиммамиздаги кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифадир.

Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. Тарбия “ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир” [1].

Фаробий билимидан маърифатли етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: «*Ҳар кимки илм хикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин, илми ва доно кишиларни хурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча реал моддий нарсалар тўғрисида билимга эга бўлсин*». Бу фикрлардан Фаробийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта

яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди.

Дарҳақиқат, Буюк Шарқ миниатура санъати, ижрочилик санъатининг ўлмас мероси мақомларимиз, анъанавий мумтоз мусиқамиз, мумтоз адабиётимизнинг ўлмас асарлари, комил инсон тарбиясида, маънавий тарбияда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Биз ёшларимизга улуг аждодларимизнинг маънавий бойликларини ўргата борганимиз сари уларга яқинлик сезамиз. Буларнинг барчаси бизни комилликка етаклайди, маънавий тарбиямизни, фикримизни бойитади, келажакка ишонч билан қарашга ундайди.

Шундай экан бугунги кунда ёшларимизга яратилаётган имкониятлар, эртанги кунимиз порлоқ келажаги учун қўйилаётган тамал тошидир. Ёшлар тарбиясига эътибор, ўзимизнинг келажакимизга бўлган эътибор эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз ва бу йўлда барчамиз бирдай ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Шавкат Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. – Т.: Ўзбекистон, 2017- Б 21

2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008.- 176 б.

3.Абдулла Авлоний. Адабиёт ёхуд миллий шерлар , Педагогик фаолият , “Ўқитувчи”, Т.,1996.

4.Ибрагимов Д. А. Оила, маҳалла ва ўқув муассасаларида ёшлар тарбияси. Тошкент, 2006.

ШЕЪРИЙ МАТНДА ИНТЕРРОГАТИВ КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ŞİİRDE SORU İÇERİKLİ YAPILARIN KULLANIM ÖZELLİKLERİ

Tolkin Allayarov
Ali Şir Nevai Taşkent Devlet Özbek Dili ve
Edebiyatı Üniversitesi araştırmacısı

Тўлқин Аллаёров
мустақил тадқиқотчи,
Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ

Аннотация. Интеррогация термини тилшуносликда сўроқ гаплар учун ишлатилади. Интеррогатив конструкция термини сўроқ мазмунини ифодаловчи бирикма ва гаплар учун ишлатилади. Интеррогатив вазият термини эса сўроқ вазияти деган маънони билдиради ва нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлади. Мақолада интеррогатив конструкцияларнинг бадиияти ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: интеррогатив конструкция, интеррогатив вазият, бадий матн.

Öz. Interrogasyon terimi dilbiliminde soru içerikli cümleler için kullanılır. Interrogatif yapı terimi soru kalıpları ve cümleler için kullanılır. Interrogatif durum terimi ise soru sormayı gerektiren durum için kullanılır. Bu durum söylemin çeşitli türlerinde ortaya çıkar. Makalede interrogatif yapıların edebi yönü kaleme alınmıştır.

Anahtar Sözcükler: interrogatif yapı, interrogatif durum, edebi metin.

Интеррогация сўзи “сўроқ, сўраш, савол, муаммо” деган маънони билдиради. Луғатларда шундай изоҳланади: “*Оксфордский толковый словарь по психологии – интеррогатив интеррогатив. Речевой акт, в котором говорящий запрашивает информацию у слушателя. Оксфордский толковый словарь по психологии. 4. Большой англо-русский словарь – interrogative. 2) грам. вопросительный interrogative pronoun ≈ грам. вопросительное местоимение. 3) любопытный, любознательный, задающий много вопросов Syn: inquisitive.*”

Мазкур термин тилшуносликда сўроқ гаплар учун ишлатилади. Интеррогатив вазият нутқнинг турли кўринишларида намоён бўлади. Диалогик ва монологик нутқда қўлланиладиган интеррогатив вазият бадий матннинг лисоний қатламдорлигини таъминловчи муҳим муҳим воситалардан бири саналади. Ички нутқ муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб борган В.Н.Волшинов тил фалсафасининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлиш баробарида, психология ва тилшунослик фанлари интеграциясида ва бевосита тил ва тафаккур тушунчалари доирасида инсон

фаолиятининг барча жиҳатларини қамраб олади. Замонавий илм-фанда монологик нутққа нисбатан камида икки ёндашув мавжуд: махсус психологик, табиий ички нутқ ҳамда композицион-услубий ички нутқ (ИН2). Иккинчи ёндашув М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, Б.А.Успенский каби олимларнинг қарашларига асосланади. Унда ички-монологик нутқ тасвирланаётган объектнинг полифоник ва жозибатор бўлишини таъминлашга қай даражада хизмат қилиши текширилади. Бадиий асардаги ички нутқ табиий-психологик ички нутқдан фарқ қилиши лозим. Бу нутқ ўзига хос табиий ички нутқнинг иллюзияси ҳисобланади. В.В.Виноградов шундай ёзади: “бадиий асарлардаги ички монологик нутқ натуралистик тарзда (қандай реаллашган бўлса шундай) акс этмаслиги лозим. Унда ҳар доим – ҳатто психологик аниқлик талаб этиладиган бўлса ҳам – сезиларли даражада шартлиликка амал қилинган бўлиши лозим.”

Ўзбек тилидаги сўроқ гаплар ўзига хос грамматик хусусиятларга эга. Сўроқ гапларнинг кесими, одатда, аниқлик майлидаги феълдан ясалган бўлади. Ўзбек ва бошқа туркий тилларда ҳам сўроқ гапнинг кесими 1- ва 3- шахсда буйруқ ва орзу-истак майлидаги феъллардан ҳам ясала олади (қачон келай? нима қилай? қачон келсин? нима қилсин?): *Нима чалиб берай, Эшон ака? Сўроқ гаплар ҳам тасдиқ ва инкор формада келиши мумкин. Лекин сўроқ гапларда инкорнинг ишлатилиши дарак гаплардагидан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам дарак гапларда ишлатиладиган инкор гап (инкор ҳукм англлатувчи) терминини сўроқ гапларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Сўроқ сўзлар (сўроқ олмошлар ва равишлар) ёрдами билан ясалган сўроқ гапларнинг ҳаммаси ҳам бўлишсиз формага эга бўлмайди. Сўроқ сўз сўроқ гапнинг кесими бўлиб келганда, сўроқ гап ҳеч вақт инкор формага эга бўлмайди. Масалан: *Эй бобо, анави уч ўтов кимники?* (эртакдан) *Уларнинг номи нима?* (М.Шайхзода). Сўроқ сўзлар ёрдами билан тузилган сўроқ гапларнинг айрим турлари ҳам тасдиқ, ҳам инкор формага эга бўлади. Масалан: *Нимага сенинг сизиларинг шунча сут беради?* - *Нимага сенинг сизиларинг шунча сут бермайди?* Бу типдаги сўроқ гапларни сўроқ инкор гаплар деб юритиш мумкин, лекин улар дарак инкор гапларга функцияси жиҳатидан тўғри келмайди. Сўроқ гаплар типологик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилиш мумкин: 1.Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 2.Сўроқ маъносини ифодаловчи сўзлар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. 3.Оҳанг ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Лекин унутмаслик керакки, мазкур гапларнинг ҳар бирида сўроқ оҳанги албатта иштирок этади.*

Юкламалар ёрдамида шаклланган сўроқ мазмунли гаплар. Ҳозирги ўзбек тилида сўроқ асосан қуйидаги юкламалар билан ифодаланади: **–ми, –чи, –а, –да юкламаларининг бири + интонация ёрдами билан**. Ҳозирги ўзбек тилида (умуман бошқа туркий тилларда ҳам) сўроқ юкламалар баъзи ҳинд-европа тилларидагига нисбатан сўроқ ифодалашда актив иштирок этади. Бу юкламалардан энг маҳсулдори **–ми** сўроқ юкламасидир. Шеърый

нутқда мазкур сўроқ юкламаси таъкидни кучайтириш учун ишлатилади. Таъкид айна юкламанинг такроида янада аниқ намоён бўлади. Масалан:

Шоир!

Сен бу неъматларнинг ёқут кўркига

Боқдингми, уларга лабинг тегдимми?

Демак, сен қарздорсан.

Одамлар кўнглига

Сен ҳам битта ниҳол экдингми?

Баҳра ололдимми бир зот юраги?

Бирор қалб ғуборин юва олдингми?

Сен ҳам ўз шеърларинг замиридаги

Шўр сувларни қува олдингми? (Э.Воҳидов)

–**ми** юкламасининг ўзбек тилида ишлатилиш доираси ниҳоятда кенгдир. Бу юклама қадимий ёзма ёдгорликларда ҳам кенг ишлатилганлигини тадқиқотчилар қайд этишади. –**ми** сўроқ юкламасининг қадимги ёдгорликларда ҳам кўп учраши бошқа барча туркий тиллар учун ҳам умумий эканлигини тасдиқлайди. Мазкур юклама қадимги туркий ёдгорликларда ҳам, эски ўзбек тилида ҳам –**му** шаклида ишлатилган. Бу юкламанинг –**му** шакли ҳозирда ҳам шеъринг нутқда ишлатилади. Масалан:

Инсон юрган йўлларга атласдек узанганму?

Камалак ҳам атласдан андоза кўчирганму?

Уфқларнинг дудоғи қизарганму атласдан?

Куз ҳам атлас пардозин ўчирганму?

Навбаҳор ўз кўксини безарканму атласдан? (Б.Бойқобилов)

Шавкат Раҳмон ўз шеърларида сўроқ юкламасининг мазкур шаклини қўллаш орқали шеърда айтилган муаммонинг узоқ вақтдан бери ечилмай келганлигини ва бу юрт мустақиллигидан кейингина ҳал бўлганлигини айтмоқчи бўлади. Бу юклама шоирга фикрни шунчаки таъкидли ифода учунгина эмас, айна пайтда кучли кесатиқ маъносини ифодалаш имконини ҳам берган. Бу шакл –ми тарзида ифодаланиши ҳам мумкин эди, фақат унда биринчи навбатда, масаланинг тарихга бориб тақалиши ҳақидаги яширин информация сезилмас эди. Иккинчидан, кесатиқ бу қадар аниқ ифодаланмас эди. Шу маънода Шавкат Раҳмон –**мининг** тарихий шаклини қўллаш билан мазкур юкламани поэтик актуаллаштира олган:

Ўтганлар бари бек,

қолган жавдирар,

гардинда кўринмас ғуллар шалдирар,

меҳнатдан ёрилган кўллар қалтирар,

ўз беким ерида юрсак майлиму?

Насимлар гулламиш озод тоғларда,

озодлик муждаси сўлу соғларда,

боболар қийналиб тиккан боғларда

ағанаб бир хаёл сурсак майлиму?

-ми юкламаси, асосан, логик урғу тушган ҳар қандай бўлакка қўшилиб келади. Тилшунос Аюб Ғуломов –ми юкламасининг феълдан бошқа туркумдаги сўзларга, логик урғу талаби билан қўшилишини истисно деб билади ва “баъзан шеърий асарлардагина учраб қолади”, “жонли тилда учрамайдиган бу ҳодиса ёзув тили учун ҳам сунъийдир”¹⁰⁹ дея таъкидлайди. Шеърий тилнинг сунъий тил ҳисобланишини кўпчилик тилшунослар айтйиб ўтишган. Унинг сунъийлигини тил бирликларини муайян шаклларга “зўрлик” билан солиш, стандарт тил қонуниятларидан чекиниш ҳолларининг кўплиги, лисоний аномалияларининг кўп кузатилиши билан боғлиқ дейиш мумкин. Қуйидаги парчада шоир сўроқ юкламасини феълдан бошқа туркумдаги сўзларга тушириш орқали поэтик таъкиднинг кучли фиодаланишига эриша олган.

*Ёв суқғали келгач, қиличини юрагингга,
Туш оддига, ол кўксуми — қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёқға,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?(Фитрат)*

-чи сўроқ юкламаси ҳам соф сўроқ ифодалаш учун хизмат қилади. Бу юкламанинг ишлатилиш доираси жуда тордир. **-чи** юкламаси гапнинг кесимига қўшилиб кела олмайди. **-чи** билан ясалган сўроқ гапларда гапнинг кесими аниқлик майлидаги феълдан ясалган бўлмайди. Нутқий вазиятга кўра **қани**, **қаерда** каби сўроқ мазмунини ифодаловчи сўзлар эллипсисга учраши ва лексик воситалар билан ифодаланмаслиги мумкин. Масалан:

*- Болалар-чи?
- Қолмади ёдгор,
Менга унинг ёди кифоя.*

Ёки феълга қўшилганда сўроқ мазмуни таъкид билан бирга ифодаланади. Қуйидаги шеърий парчада *топа оласанми*, *топгин*, *топиб кўр* каби сўроқ ва буйруқ маъноларини таъкидли ифодалашга хизмат қилган ҳамда сўроқ гапнинг эквиваленти бўлиб келган:

*- Фикрим буюк ишлар билан банд.
Қани, топ-чи?*

-а юкламаси гапнинг кесимига, тўлиқсиз гапларда кесимдан бошқа бўлакка ҳам қўшилиб, сўроқ англатади. Бу юклама орқали ясалган сўроқ гаплардан ҳеч вақт соф сўроқ англашилмайди. –а ёрдами билан ясалган сўроқ гапларда сўроқ билан бирга тахмин англашилади. Бунда сўзловчи суҳбатдошининг тасдиқ жавоб беришига ишонади: *Бу тена ўзи сизники-а?* (А.Қодирий)

–а юкламаси оғзаки сўзлашувда эшитмаганлик, тушунмаганлик ҳолатлари билан боғлиқ тарзда қўлланаилади. Суҳбатдошининг нима

¹⁰⁹ Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. Тошкент, 1947, 31-бет; Содда гап, Тошкент, 1955, 15-бет.

деганини эшитмай қолса ёки тушунмай қолган пайтда такрорлашини билдириш мақсадида мазкур юкламадан фойдаланилади. Бадий асарда эса айна шу юклама диалогда ишлатилади ва уни шакллантиришга хизмат қилади. Масалан:

А? Кечирасан, эшитмадим. (Э.Воҳидов)

Эҳ, акажон-а, ўқишни билсам шунақа қилиб юрармидим?

Маҳмудий — Аъло даражада сомнамбула.

Матмуса — А? (Э.Воҳидов)

Одилжон — (Унинг характерини камтаринлик ва одамохунлик деб қабул қилади ва сидқидилдан кулади.) Матмуса Жалилович, кўчангизнинг эски номи нима эди?

Матмуса — А... (Шапиллатиб овқатланишда давом этади.) (Э.Воҳидов)

Матмуса — ...Сизни ўзимга ўринбосар қилиб оламан.

Маҳмудий — А?! (Гандираклар диванга ўтириб қолади.) (Э.Воҳидов)

-**да** юкламаси билан шаклланган гапларда сўроққа нисбатан таъкид кучли ифодаланган бўлади. Баъзан -**да** билан бирга -**а** ёки бошқа сўроқ ва таъкид ифодаловчи бирликлар қўлланилиши мумкин. -*Ҳалиги келинчакми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-**да**? // - Ҳалиги келинчакми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-**да, а**? // - Ҳалиги келинчакми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи **эмасми**? // - Ҳалиги келинчакми? Катта қишлоқлик Соибжон миробнинг қизи-**ку**!*

Ўзбек жадид адабиётининг меъморларидан Абдурауф Фитрат ижодини кўздан кечирганимизда сўроқ гап асосида шакллантирилган шеърларнинг ниҳоятда кўп эканлигини кузатдик. Бу гап шакли маълум маънода ўзини, ўзгаларни, даврни ва жамиятни сўроқлаш учун ҳам ниҳоятда мос шакл эди. Фитрат ижодида риторик сўроқнинг энг кўп қўлланилган шакли (балки ўша давр учун характерли бўлгандир) -ми сўроқ юкламасининг кесимдан олдинги сўзда ишлатилиши ҳисобланади. Аслида меъёр бўйича *Сени қутқармоқ учун жон керакми?* тарзида шаклланиши лозим бўлган гап таъкидни кучайтириш учун *Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?* тарзида ифодаланади. Бунда сўроқ юкламаси қатнашган бўлак кучли урғу билан айтилади ва ўша сўзнинг аҳамияти ортади, поэтик ақуталлаштирилади. Масалан:

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?

Номусми, виждон била имонми керакдир?

Темур била Чингиз қони тошди томуригда

Айтгил, Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?

Шеърда мухторият ғалабасининг нашъу намози балқиб турибди. Уйғонган халқ билан биргалик туйғуси, оталар шарафи ва улар руҳи олдидаги бурч, эл-юрт хизмати сурури яхши ифодаланган. Бу каби маъноларнинг рўёбида, албатта, ундаги синтактик конструкцияларнинг ўрни катта. Айниқса, сўроқ гап шакллариининг маҳорат билан қўлланилиши

оқибатида таъкиднинг кучли ифодаланиши, таъсирчанликнинг юқори даражада намоён бўлишига хизмат қилган.

Сўроқни ифодаловчи бирлик ва шакллар шоир учун ўз-ўзини сўроққа тутиш, виждонини ҳисобга тортиш, руҳий қийноқларининг сабабларини ифодалашда ниҳоятда қўл келиши билан бошқа нутқ шаклларида ажралиб туради. Шавкат Раҳмон дунёга келиб нима қилдим? Бирор ожизнинг оғирини енгиллатдимми? Ёки тўғрини ҳам эгрини ҳам кўриб турганим ҳолда кўрқмасдан айта олдимми? каби виждоний қийноқларини шеърда савол шаклидаги гаплар орқали ифодалайди:

*Кўлимни бердимми мазий қаъридан
чўзилган саноқсиз ожиз қўлларга?!
Куюш далдасида эгилганларнинг
енгилроқ қилдимми оғирлигини?
Айтдимми кимларнинг асл дўстлигин,
кимларнинг ҳақиқий ёғийлигини?!
Кун келди,
бошингни эгадиган кун,
ҳаттоки ўзгалар гуноҳи учун
юзингни босганча ернинг юзига,
силкиниб-силкиниб йиғлайдиган кун.
Мендан нима қолур,
абдий нурлар
барқ уриб яшнаган дунё томонда?*

Бунда шоир сўроқ юкламалари ва сўроқ олмошларини поэтик актуаллаштириш орқали шеърнинг таъсирчанлигини оширишга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Т.: “Фан”, 2008.
2. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985.
3. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси: монография. –Тошкент: Фан, 1990.
4. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 219 б.
5. Фитрат А. Адабиёт қоидалари // Танланган асарлар. 5 жилдлик. 4-жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақолалари ва тадқиқотлар. – Тошкент: «Маънавият», 2006.

JAPON EDEBIYATINDA ŞOVA DÖNEMİ

YAPON ADABIYOTIDA SHOVA DAVRI

Muslima Yuldasheva
Taşkent Devlet Şarkşinaslik Enstitüsü
Doğu Filolojisi ve Dil Öğretim Fakültesi
Japon ve İngiliz Edebiyatı Dalı

Muslima Yuldasheva
TDSHI Sharq filologiyasi va tillarni o'qitish fakulteti
Adabiyotshunoslik yo'nalishi Yapon-Ingliz
1-bosqich magistranti

Annotatsiya. Yaponiya tarixida Shova davri 1926-1989-yillarni o'z ichiga qamrab oladi. Bu davrda Imperator Hirohito hukmronlik qilgan. Shova davri Taisho davridan keyin kelgan, ya'ni 1912-1926-yillar. Shova davridan keyin esa Heisei davri boshlangan.

Kalit so'zlar: Shova davri, yapon adabiyoti.

Annotation. In the history of Japan, the period of Shova covers 1926-1989. During this period Emperor Hirohito ruled. The Shova era came from the time of Taisho, from 1912 to 1926. After the Shova period, the Heisei era began. This article analyzes the samples of literary works written in the days of Shova.

Key Words: Shova Period, Japanese Literature.

Özet. Japonya tarihinde, Şova dönemi 1926-1989'u kapsamaktadır. Bu dönemde İmparator Hirohito hüküm sürdü. Şova dönemi, 1912'den 1926'ya kadar Taisho döneminden sonra geldi. Shova dönemden sonra, Heisei dönemi başladı. Bu makalede Şova döneminde yazılmış edebi eser örnekleri incelenir.

Anahtar Kelimeler: Shova Dönemi, Japon Edebiyatı.

Yaponiya o'zining sharqona ko'hna tarixi, yuksak madaniyati va ma'naviy boyliklari bilan jahon adabiyoti xazinasiga salmoqli xissa qo'shgan davlatlar sirasiga kiradi. Kunchiqar mamlakat ming yildan ziyod tarixiga ega bo'lgan boy adabiyotini yaratgan. Yapon klassik adabiyoti bo'lmish bu ma'naviy xazinalar ko'lam jihatidan ham, mavzu va g'oyaviy yo'nalish nuqtai nazaridan, janrlari va badiiyliги tomonidan ham nihoyatda rang-barangdir. Ana shu bebaho xazinaning katta qismini nasriy asarlar tashkil qiladi. Bunday nasriy asarlar nafaqat Yaponiyaning, balki jahon adabiyoti madaniyati o'chog'ining ham nodir namunalaridan hisoblanadi. Bu namunalar ayniqsa, XIX-XX asrlarda jahon adabiyotiga yuz tutgan.

Yaponiya tarixida Shova davri 1926-1989-yillarni o'z ichiga qamrab oladi. Bu davrda Imperator Hirohito hukmronlik qilgan. Shova davri Taisho davridan keyin kelgan, ya'ni 1912-1926-yillar. Shova davridan keyin esa Heisei davri boshlangan. Shova davrining boshlari Hirohitoning 1926-yildan 1945-yil Ikkinchi jahon urushigacha

bo‘lgan hukmronlik davridir. Bu davr “ Ilk Shova davri” nomi bilan talqin qilinadi. Bu davr asosan Yaponiyada militarizmning o‘ssishi, Xitoyda Yapon hujumlari va boshqa so‘z bilan aytganda, Sharq va Janubiy Osiyo va mamlakatning urush davridagi mag‘lubiyati bilan izohlanadi. Urushdan keyin Shova davrining o‘n yilligi Yaponiyaning jadal sur‘atda qayta tiklanish davri bo‘ldi. Iqtisodiyotda ham ulkan rivojlanishlar bo‘ldi.

Farqli ravishda 1868-1912-yillardagi Meiji Restovratsiyasi Meiji imperatori qoidalariga va tarixchilarning ma‘lumotlariga asoslangan holda Yaponiyaning XX asrdagi asosiy davri sifatida ajratib ko‘rsatildi. Shova davri adabiyoti ham o‘z navbatida 1924-yildan ikkinchi jahon urushi boshlangungacha bo‘lgan davr adabiyoti va 1930-yillardagi “Buyuk turg‘unlik” davri , ya‘ni yaponiyadagi og‘ir, mashaqqatli davr adabiyotiga bo‘linadi.

Meyji davri 1868-yilda Yaponiyada muttasil 250 yillik hukmronlik qilib kelgan Tokugava syogunatini ag‘darish bilan boshlanib, 1912-yilda imperator Meyjining vafoti bilan yakun topdi. Biroq sodir bo‘lgan o‘zgarishlar faqat hokimiyatning almashinishini anglatmasdi, Tokugava syogunatining hukmronligi davrida Yaponiya tashqi dunyodan ajralgan, tashqi olamda jadal sodir bo‘layotgan o‘zgarishlardan ayrilgan, konfutsian jamiyatli mutloq feodal mamlakat edi. Savdo sohasini kengaytirishni istayotgan, rivojlangan mamlakatlar manfaatini bundan buyon hisobga olmaslikning iloji yo‘qligining pirovard natijasida, 1853 -yilda AQSHning Harbiy-dengiz boshlig‘i Mettyu Perri o‘zining “qora kemalari”¹¹⁰ bilan Uruga bandargohiga kelib, yapon hukumatiga ultimatum topshirishganida tasdiqlandi. Shundan so‘ng sodir bo‘lgan ichki to‘ntarish yangi hukumatning shakllanishiga olib kelib, bunda g‘arb madaniyati va texnologiyalarining Yaponiyada jadal kirib kelishi boshlandi. So‘nggi qirq yil ichida mamlakat juda o‘zgarib ketdi. Bugungi kunda Meyji davri mamlakatning tubdan transformatsiyalanishi sinonimi bo‘lib, u Yaponiyani biz bugun bilgan Yaponiya darajasiga olib kelgan o‘zgarishlarning uzoq jarayonini boshlab berdi.

1868- yil Meyji inqilobidan so‘ng, murakkab siyosiy jarayon boshlandi. Bu jarayon esa mamlakatni tez suratda “yevropalashtirish” , mamlakatda jamiyatni tubdan yangi siyosiy va iqtisodiy tomondan isloh qilish bilan belgilandi. Davlatni “yevropalashtirish” uchun birinchi navbatda adabiyotni izchil rivojlantirish kerakligiga e‘tibor qaratilib, adabiyotda publisistik janrda ijod qilish yo‘lga qo‘yildi. XIX asrning 70-yillarida maktablarda “Meyroku-zashshi” jurnalida, “Meyji, jamiyatning oltinchi bosqichi” nomi ostida maqolalar nashri yo‘lga qo‘yildi. Ushbu maqolalarning asosiy g‘oyasi yangidan barpo etilgan jamiyatda zamonaviy iqtisodning o‘ssishi, insonlarning demokratik huquq va erkinliklarimummolarini, jamiyatda erkak va ayollarning teng huquqli bo‘lishi kabi masalalar o‘z ifodasini topdi. Jurnalning birinchi sahifasida yapon yozuvini lotin yozuviga o‘tkazish masalasi ko‘tarib chiqildi. Ammo ushbu fikr asossiz deb topildi.

XIX asrning o‘rtalaridan yapon adabiyotida sentimental roman janri vujudga keldi, yevropalik mualliflarning asarlari tarjima qilina boshlandi. Shimey Futatabey

¹¹⁰yaponiyaliklar g‘arb kemalarini shunday atashar edi

“Suzuvchi bulutlar” romani bilan yapon adabiyotida tanqidiy realizmga asos soldi. Roka Tokutomi, Natsume Souseki ning asarlarida ham tanqidiy realizm g‘oyalari o‘zaksini topdi.

Bundan tashqari bu davrda naturalistik metod ham keng tarqaldi. Uning yorqin vakillari Kunikida Doppo va Tayama Kataylar edi. Biroq, shu bilan bir vaqtda yapon adabiyotida naturalizm g‘oyalari qarshi bo‘lgan nuqtai nazarni himoya qiluvchi yozuvchilar paydo bo‘ldi. Ularning orasida romanistlar Mori Ogay, Natsume Soseki bor edi.

“Bolakay”, “Sizning sodiq qulingiz – mushuk” va boshqa romanlar muallifi bo‘lgan Natsume Soseki butun jahonda dovruc qozondi. Uning ismi afsonaga aylandi. Natsume Soseki yapon adabiyotida o‘n bir yillik faol ijodi “Natsume yillari” deb ataldi. Yozuvchi o‘z asarlarida “Yaponiya jamiyatiga qay tomondan, ruhiy ya’ni, xissiy nuqtayi nazardanmi yoki aqliy, ya’ni, zakovat nuqtayi nazaridan qarash kerakmi?” degan savolni qo‘yadi va shunga javob qidiradi. Ushbu to‘g‘ridan-to‘g‘ri, ochiq-oydin qo‘yilgan savolga Natsumening barcha o‘quvchilari befarq bo‘la olmadi. Shuning uchun uning asarlari hozirda ham Yaponiyada sevib o‘qiladi. Yozuvchining aytgan so‘zlari o‘z jilvasini yo‘qotmadi, aksincha shiddat bilan ommalashdi.

O‘sha davrning qiziqishlari keng va rang-barang ijodkorlaridan biri Akutagava Ryunoskedir. O‘sha davrda yashab ijod qilgan juda ko‘p yozuvchilar qatori, Ryunoskening ijodiy yo‘liga ham chet el adabiyoti kuchli ta’sir ko‘rsatdi. Akutagava Yevropa, shu jumladan, rus adabiyotining bilimdoni edi. O‘zining bu bilimlaridan Ryunoske ijodiy faoliyatida keng foydalandi. Xususan, Dostoyevskiy, Gogol, Chexov, Tolstoy kabi rus mumtoz adabiyoti vakillarining asarlari Akutagavada kuchli taassurot qoldirdi, uning adabiy didi shakllanishiga ko‘maklashdi. Rus adabiyoti ta’sirida Akutagava Ryunoskening “Batat bo‘tqa”, “Bog‘”, “O‘rgimchak to‘ri”, “Do‘zax azobi” kabi va boshqa asarlari paydo bo‘ldi. Yaponiya ikki yuz yildan ko‘proq vaqt davom etgan mahdudlikdan so‘ng tashqi dunyo bilan o‘z aloqalarini tiklaganiga endigina ellik yil to‘lgan edi. Chegaralar ochilishi bilan mamlakatga Yevropa madaniyati o‘zining yaxshi-yomon ko‘rinishlarida kirib kela boshladi. Yapon ziyolilari bu hodisaga ikki xil yondashardi. Yoshlar (adabiyotda, san’atda, falsafada) goh u, goh bu yo‘nalishini shakshubhasiz qabul qilar, G‘arbdan o‘zlashtirilgan narsalarni ko‘pincha tanqidiy anglab yetishga ulgurmas, o‘zlari “Eskilik mamlakati” deb ataydigan Yaponiyaga chetdan kiruvchi hamma narsaga taraqqiyot omili sifatida qarar edi. Milliy an’analarga mamlakat taraqqiyotiga to‘g‘anoq bo‘lgan eskilik sarqiti sifatida yondashilardi. Keksa avlod esa, aksincha, chetdan kelgan hamma narsaga shubha va ishonchsizlik bilan qarar, unda milliy an’analarga tahdidni ko‘rardi. Bunda an’analarga yaxlit, bir butun deb qaralar, shu sababli ularning Yaponiya ijtimoiy va ma’naviy taraqqiyoti yo‘liga to‘g‘anoq bo‘layotgani uchun voz kechilishi lozim bo‘lgan qismi e’tiboriga olinmasdi. Shunday qilib, yoshlar G‘arbdan kelayotgan hamma narsaga ijobiy, milliy an’alariga esa tanqidiy yondashar, kekse avlodda esa buning tamomila aksi kuzatilardi. Biroq bu yerda eng yomoni “Yaponiya - G‘arb” o‘zaro nisbati aksariyat hollarda teran bilimlar emas, balki ahmoqlar nuqtayi nazaridan qaralar edi. Yapon an’analari kabi, G‘arb odati ham

yaxlit bir butun hodisa sifatida namoyon bo'lar ediki, bu haqiqiy manzaraning buzilishi, tanqidga munosib bo'lgan narsalar ijobiy qabul qilinishi va buning aksiga sabab bo'lardi. An'anaviy oqim vakillari va Yaponiyani zamonaviylashtirish tarafdorlari o'rtasidagi kurash jarayonida ziyolilar mamlakatni yangilash yo'llarini izlar edilar. Soseki, Kavabata, Akutagava kabi adiblar bu baxsda aniq va izchil pozitsiyani egalladilar - ular G'arbdan o'rganish, undan taraqqiyotga xizmat qilishi mumkin bo'lgan barcha narsalarni o'zlashtirish, biroq, shu bilan bir vaqtda, o'z milliy zaminida qolish tarafdori edilar. Ular yozgan maqolalari va xatlarida G'arb adabiyotining nufuzli vakillari asarlarini qay darajada chuqur o'rgangani, ba'zanhatto ularni tanqid qilganliklarini, ularni teran anglab yetishga urinishganini ko'rsatadi.

Yapon adabiyoti zarvaraqlarini XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asrning boshlaridagi davrlari ko'zdan kechirilgan ekan, har bir sahifa bo'stonida atoqli shoir va adib Miyazava Kenji (1896-1933) milliy uyg'unlikda yapon xalqi kechinmalarini adabiyot bilan bog'lab, bugungi kunda ham yapon nasrini payvast qilib turadigan ko'prik vazifasini o'tagan insonparvar ijodkor sifatida tilga olinadi.

XX asr jahon adabiyotida vujudga kelgan turli adabiy yo'nalish hamda uslublar ta'siri ostida zamonaviy yapon adabiyoti ham tez rivojlandi. 1920-yillarga kelib yapon adabiyotida estetizm, romantizm, naturalizm, tanqidiy realizm, ijtimoiy realizm, 30-yillarning o'rtalariga borib konkret belgilarga postmodernistik ijod namunalarini ham ko'rishimiz mumkin.

XX asrdan buyon jahon san'ati va adabiyotida qo'llanib kelinayotgan modernizm¹¹¹ janri yapon adabiyotining dolzarb mavzularidan biri hisoblanadi. Zeroki, modern she'riyati yangi mazmun mohiyati orqali "ko'zimizni ochadigan" kutilmagan jozibadorlik, so'zlardagi obrazlilik, oldin biz hech qachon eshitmagan ritmik shakllar kabi xususiyatlarni o'zida aks ettira olish imkoniga ega. Modernizm insonlarga tanish so'zlar, barchaga ma'lum bo'lgan til qoliplaridan otilib chiqqan mavhumlik va sirlilikka boy janrdir. To'g'ri, ba'zan u yoqimsiz, ba'zan qo'pol va hatto inson tasavvurlarini ostin - ustin qiluvchi bo'lishi ham mumkin, ammo ko'pchilik hech qachon e'tibor qilmagan, hayoliga kelmagan o'rinlardagi go'zallikni oshkor qiladi.

Bu vaqtga kelib jahon adabiyoti bilan o'zaro tor aloqada bo'lgan yapon zamonaviy adabiyotida ham modernizmning ta'siri va o'ziga xos namunalari paydo bo'la boshladi.

XX asr Yaponiya adabiyoti juda keskin o'zgarishlar bilan boshlandi. 1912-yildan 1925-yilgacha mamlakatda "Taishyou demokratiyasi"¹¹² nomli liberal oqim hukm surgan va ana shunday erkin fikrga ega bir paytda 1930-yildan boshlab juda qattiq totalitar tuzumga o'tilgan. XX asrning 20-yillarida yapon xalqi G'arbning juda ko'p madaniy boyliklari bilan tanish edi va hattoki G'arb san'ati va adabiyotiga nisbatan

¹¹¹Italyancha *modernismo*- 'zamonaviy oqim'. XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asrning 50-60-yillarida Yevropa, AQSH adabiyotida rivoj topgan oqim va yo'nalishning umumiy nomi.

¹¹²Yaponiyaning 1912-yil 30-iyulidan 1926-yil 25-dekabrigacha bo'lgan davr. Bu davr imperator Yoshihito boshqaruviga to'g'ri keladi va davlat siyosatida ilk bor Demokratik partiya paydo bo'ldi va parlament boshqaruviga o'tildi.

yapon xalqi o'zining erkin fikrini bildirardi. Ammo 1930- yildan boshlab G'arb haqida hattoki so'z yuritish man qilingan edi.

Ikkinchi jahon urushidan oldingi davrdagi yapon adabiyotining ahvoli juda qiyin edi. Sababi, tezlik bilan mamlakatga kirib kelayotgan siyosiy sotsialistik tuzum holatida milliy an'analarni saqlab qolish juda mushkul vazifa edi. Bu muammoning yana bir mushkul tomoni shunda ediki, milliy qadriyatlar va an'analar bilan birgalikda kirib kelayotgan yangiliklarni jamlashda edi, chunki bu ikkita bir biriga zid bo'lgan hodisa edi.

Bu yangi oqim XX asrning 20-yillarida "Shirakaba"¹¹³ deb nom olgan oqim bo'lib, uning o'ziga xos jihati shunda ediki, har bir yozilgan asarda yozuvchi "o'zlikni anglash" ga juda katta e'tibor qaratgan. O'tmishga nazar solsak, shu kunga qadar yozilgan asarlarda ezgulikka yetaklovchi insoniy xususiyatlar katta ahamiyatga ega bo'lgan. Biroq "Shirakaba" oqimining o'ziga xosligi ham shunda ediki, bu oqim vakillari tomonidan yaratilgan asarlarda yozuvchi o'zining ichki dunyosini, ya'ni, o'zlarining yaratgan ijodlari orqali bayon etishgan. Bu oqimning ilk namoyondalaridan Shiga Naoya bo'lib, uning yaratgan asarlari tengdoshlari orasida juda mashhur edi. Xattoki, hozirgi kunga qadar uning asarlari sevib o'qilib kelinadi.

Bunday uzoq yangilanish vaizlanishlar yapon adabiyotiga o'zgacha usul, ya'ni, "ego roman"ni paydo bo'lishiga asos bo'ldi. O'zlikni anglash va ichki xissiyotlarni yana yaqinroq ochib berish maqsadida har bir yaratilayotgan asardayozuvchi mayda detallarga ham e'tibor bergan holda, har bir sahnani ikir- chikirlarigacha yoritib berishda juda katta yordam berdi. Yaponiyada bu oqim 1910-1920-yillarda mashhur bo'lishiga qaramay ko'p davom etmadi. 1930-yillarga kelib o'z mashxurligini yo'qotdi.

XX asrning ikkinchi o'n yilligiga kelib, adabiyotda yangi yo'nalishlar vujudga kela boshladi. Bu "neoromantizm"¹¹⁴ ya'ni "yangi romantizm" deb nomlandi. Bu guruhga bir qator yozuvchi va adiblar kirgan, shular jumlasidan K. Natay, T. Junichiro va M. Kinositarni kiritishimiz mumkin. Ular o'zlarini estetik jihatdan yuqori vakillar guruhi deb ham atashgan. Ularning adabiy g'oyalari asosan milliylikni saqlab qolgan holda oldinga intilish bo'lgan. Ya'ni bu davr Yaponiyaning modernizm davri deb ham atalgan. Bu guruh yozuvchilari esa ana shu yangiliklarga o'z asarlari orqali qarshiliklarini namoyon qilishgandi. Buning sababi esa Yaponiya bu davrga qadar har tomonlama yopiq davlat bo'lgan. Ayniqsa, urf-odatlarini milliy g'oyasini saqlab qolgan holda davom etayotgan davlat hisoblangan. Ammo ikkinchi jahon urushi bunga keskin ta'sir ko'rsatgan. 1920-1930-yillar yapon adabiyotida ulkan burulish yasadi va yana yangi g'oya vujudga keldi. Unga asosan bu davr adabiyotining asosini oddiy xalqning jumladan mehnatkash xalqning qiziqishlari va turmush tarziga asoslangan holda ijod qilishi tashkil etar edi. Albatta, har bir mamlakatda yashovchi xalq bir nechta

¹¹³"Shirakaba" - "Oq qayin" deb tarjima qilinadi. 1907-yilda tashkil etilgan adabiy to'garak bo'lib keyinchalik esa adabiy jurnalga aylangan. Uning tarkibiga Kinoshita Rigen, Siga Naoya, Arisima Takeo kabilar a'zo bo'lgan.

¹¹⁴Yapon adabiyotida ilk bor G'arb adabiyoti bilan uyg'unlashgan holda asar yaratish yo'nalishi. Bu yo'nalishning asoschilaridan Nagai Kafu, Tanidzaki Jyunichiro lar qayd etilgan.

qatlamlarga va tabaqalarga bo‘linadi, bunda asosan past tabaqadagi insonlar e‘tiborini tortgan. Bu esa o‘z navbatida yuqori qatlam egalarining noroziligiga sabab bo‘lgan. Natijada, mamlakatda pastki va yuqori qatlamlar orasidagi nizolar kuchaygan. U davr adabiyotchilarining yordami bilan pastki qatlamning og‘ir turmush tarzi, qiyinchiliklar va muammolari ommaga olib chiqildi. Yozuvchilar o‘z asarlarida mavjud muammolarni yaqqol ochib berishar edi. Bu esa o‘z navbatida davlat tepasidagi badavlat insonlarning noroziligini keltirib chiqardi va oradan ko‘p o‘tmay yuqori tabaqa vakillari bu g‘oyani, bu oqimning butkul yo‘q bo‘lib ketishiga sabab bo‘ldi. Shunday bo‘lsada, bu davr o‘zining bir qator mashxuryozuvchilari bilan tanildi, ulardan Kobayashi Takidzi, Miyamoto Yuriko, Nakano Shigeharu va boshqalar durdona asarlar yaratishdi. Ularning ijodi kelajakdagi yosh ijodkorlar uchun boshlanish va asos bo‘ldi, ularning yordami bilan muammolardan qo‘rqmasdan tik qarab unga qarshi kurash olib borish uchun katta yordam bo‘ldi.

İkinci örnekte orijinaldeki hekimi yazar “Medunitsa” diye adlamıştır. O birinci tercümede “Yardimhan” diye aktarılmişsa, ikinci çeviride “Asalhan” diye çevirmiştir. Bundan dolayı ikinci çeviride “konuşan” isim daha güzel aksetmiş olup tercümanın yeniden tercüme sürecindeki verimli çalışmasının neticesidir.

III Örnek:

“Доктор <u>Компрессик</u> тут же прописал ему микстуру и велел положить на голову лёд, после чего лично пожал Маковке руку и поблагодарил её за то, что она привезла больного”.	1. “Доктор <u>Компрессжон</u> шу ернинг ўзидаёқ унга суюқ дори ёзиб бериб, бошига муз босишни буюрди ва шундан кейин касални олиб келгани учун Кўкноргулнинг қўлини қисиб, миннатдорчилик билдирди”.	2. “Доктор <u>Иссиқвой</u> шу ернинг ўзидаёқ унга суюқ дори ёзиб бериб, бошига муз босишни буюрди ва шундан кейин касални олиб келгани учун Кўкноргулнинг қўлини қисиб, миннатдорчилик билдирди” (237-238) .
---	--	--

Bizce, “Kompessik” “Issikvay” diye aktarılması daha doğrudur. Gerçi “Kompescan” diye çevrildiği takdirde Özbek okuyucusuna anlaşılada, onun “Issikvay” diye çevrilmesi asil manaya daha da yaklaşırmaktadır.

IV Örnekde eşya-nesnelere grubuna ait örnekleri inceleriz:

Аслиятда: “Механик <u>Винтик</u> и его помощник <u>Шпунтик</u> были очень хорошие мастера. Оба ходили в кожаных куртках. Из карманов их	1. “Механик <u>Винтик</u> ва унинг ёрдамчиси <u>Шпунтик</u> жуда яхши усталар эди. Иккови ҳам чарм камзул кийишарди.	2. “Механик <u>Мурватвой</u> ва унинг ёрдамчиси <u>Тузатвой</u> жуда яхши уста эдилар. Иккови ҳам чарм камзул кийишарди.
---	--	--

курток вечно торчали гаечные ключи, клещи, напильники и другие железные инструменты” (9).	Камзулларининг чўнтагидан доим гайка <u>калиди</u> , омбир, эгов ва бўлак темир асбоблар чиқиб турарди” (23).	Камзулларининг чўнтагидан доим гайка <u>калити</u> , омбир, эгов ва бошқа темир асбоблар чиқиб турарди” (22).
---	---	---

Birinci tercümede “Vintik” ve “Şpantik” aynen orijinal şeklinde kalmışsa da, ikinci tercümede “Murvatvay” ve “Tuzetvay” şeklinde çevrilmiştir. “Murvet” – biriktirmek için kullanılan nesne; vida ve arabaların anahtarı, “Tamirvetmekv-arızalanmış aletleri tamirini yapmak, yararlı duruma getirmek” manalarını anlatmaktadır. Demek “konuşan” isimler ikinci çeviride önceki çeviriye göre orijinala yakınlaşmıştır.

V Örnek dış görünüş grubuna aittir:

“Сейчас перед вами выступит знаменитый артист-трансформатор, по имени <u>Блинчик</u> . Незнайка и Пёстренький так и фыркнули, услышав это смешное имя. Занавес поднялся, и на сцену вышел из-за кулис артист в белом костюме и с флейтой в руках. Он был толстенький, кругленький, и лицо у него было румяное и кругленькое, как блин”.	1. “Ҳозир олдингизга <u>Кулчажон</u> деган машхур артист-трансформатор чиқади. Билмасвой билан Олабола бунақа қизиқ номни эшитиб пиқиллашди. Парда кўтарилиб, саҳнага оқ костюм кийган, қўлида сибизға тутган бир артист чиқиб қолди. У йўғон, бақалоқ ва юзи кулчадек думалоқ қип-қизил эди”.	2. “Ҳозир <u>Қуймоқжон</u> деган машхур товлангич артист чиқади. Билмасвой билан Олабола бунақа қизиқ номни эшитиб пиқиллашди. Парда кўтарилиб, саҳнага оқ костюм кийган, қўлида сибизға тутган бир артист чиқиб қелди. У йўғон, бақалоқ, юзи қуймоқдай думалоқ ва қип-қизил эди”. (214)
“Сейчас перед вами выступит знаменитый артист-трансформатор, по имени Блинчик. Незнайка и Пёстренький так и фыркнули, услышав это смешное имя. Занавес поднялся, и на сцену вышел из-за кулис артист в белом костюме и с флейтой в руках. Он был толстенький, кругленький, и лицо у него было румяное и	1. “Ҳозир олдингизга Кулчажон деган машхур артист-трансформатор чиқади. Билмасвой билан Олабола бунақа қизиқ номни эшитиб пиқиллашди. Парда кўтарилиб, саҳнага оқ костюм кийган, қўлида сибизға тутган бир артист чиқиб қолди. У йўғон, бақалоқ ва юзи кулчадек думалоқ қип-қизил эди”.	2. “Ҳозир Қуймоқжон деган машхур товлангич артист чиқади. Билмасвой билан Олабола бунақа қизиқ номни эшитиб пиқиллашди. Парда кўтарилиб, саҳнага оқ костюм кийган, қўлида сибизға тутган бир артист чиқиб қелди. У йўғон, бақалоқ, юзи қуймоқдай думалоқ ва қип-қизил эди”. (214)

кругленькое, как блин”.		
-------------------------	--	--

“Blinçik” - birinci çeviride “Külçecan”, ikinci tercümede “Kuymakcan” olarak aktarılmıştır. Külçe dediğimizde göz önümüzde küçük yuvarlak ekmek canlanmaktadır. Özbekçede “külçe yüz”, “külçeye benzer yuvarlak yüz” deyimleri kullanılmaktadır. “Külçecan” kelimesi “Kuymakcan” kelimesine değiştirilerek, çecirmen, doğru seçim yapmıştır. Ama “Külçecan” şeklini sakladığında çocukların anlaması daha da kolay olacaktı.

VI örnek fauna ve flora isimlerini akseden gruptur:

– А это у нас есть одна малышка, очень умная. Её зовут <u>Соломка</u> , – ответила Синеглазка. – Она очень любит сажать разные растения и выводить новые сорта (31).	– Бизда битта жуда ҳам ақлли қиз бор. Унинг оти <u>Похолой</u> , - деди Кўккўз. – У турли ўсимликлар ўстириб янги-янги навларини етиштиришга қизиқади (83).	– Бизда битта жуда ҳам ақлли қиз бор. Унинг оти <u>Майсаой</u> , - деди Кўккўз. – У турли ўсимликлар ўстириб, уларнинг янги-янги навларини етиштиришга қизиқади (59).
--	---	---

Yukarıdaki örnekte bilindiği gibi orijinaldeki ince “Solomka” ismi birinci çeviride kızların ismi olarak çok kaba isim olarak duyulan “Pahalay” çevrilmiştir. İkinci çeviride tercümana daha hafif duyulan “Meuseay” şeklinde çevrildiği doğrudur.

VII örnek “konuşan” ismin iç özellikleri ve karakterini ifade eden özellikleri taşır:

“ <u>Торопыжка</u> надел свой костюм-«молнию». Торопыжка, который всегда торопился и не любил тратить время попусту, придумал для себя специальный костюм, в котором не было ни одной пуговицы” (13).	1. <u>“Шошқалоқ</u> “Шошилинч” деб аталадиган костюмини кийиб олди. Шошқалоқ доим шошиб, вақтини бекор ўтказмасликка ҳаракат қиладиган ўзига битта ҳам тугмаси йўқ махсус костюм ўйлаб чиқарди” (36).	2. <u>“Шошқалоқ</u> “Шошилинч” деб аталадиган костюмини кийиб олди. Шошқалоқ доим шошиб, вақтини бекор ўтказмасликка ҳаракат қиладиган ўзига битта ҳам тугмаси йўқ махсус костюм ўйлаб чиқарди” (29).
---	---	---

Bu örnekte her iki çeviri aynı şekilde aktarılmış olup, “Торопыжка” (Rusçada *acele etmek* manasını anlatır) Özbek Türkçesine “Şaşkalak” tarzında aktarılmıştır.

Burada biz yazarın hayal dünyasının kendine özgü üslubunu da görürüz. Çünkü roman-masallar yaradıldığı dönemlerde gömlek, takım elbise gibi kıyafetler düğmeli olup, diğer türdeki kıyafetlerde mevcut değildi. Günümüzde kıyafetlerde düğme yerinde başka nesnelere kullandığı da yenilik değildir. Ama eski dönemlerde bu durum yenilikti. Demek bu durumu N.Nosov eserleri için yazarın uydurduğu bir olaydır.

Yukarıdaki fikirlerden yola çıkarak tercüme dalında isimleri transkripsyon etmektense onları çevirmek tercih edilir. Eğer insanlara takılan böyle isimleri çevirmeden açık bırakırsak okuyucuya anlamsız olmakla birlikte yazarın asıl hedefini de anlatır.

KAYNAKLAR:

Носов Н. Приключения Незнайки и его друзей. www.pupsam.ru.

Носов Н. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1958.

Носов Н. Билмасвой билан дўстларининг бошидан кечирганлари. Билмасвой Қуёш шаҳрида. – Тошкент. 1987.

Носов Н. Незнайка в Солнечном городе. www.pupsam.ru.

Носов Н. Билмасвой Қуёш шаҳрида. –Тошкент: Ёш гвардия. 1961.

Носов Н. Незнайка в Солнечном городе. www.pupsam.ru.

Носов Н. Билмасвой Қуёш шаҳрида. –Тошкент: Ёш гвардия. 1961.

Носов Н. Незнайка в Солнечном городе. www.pupsam.ru.

Носов Н. Билмасвой Қуёш шаҳрида. –Тошкент: Ёш гвардия. 1961.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ХОРИЖ ПСИХОЛОГИЯСИДА ЎРГАНИЛИШИ

PEDAGOJİK YÖNTEMLERİN YABANCI ÜLKELERDEKİ ARAŞTIRILMA DURUMU

Tuuçiyev C.M. ÖzDSME,

Тўйчиев Ж.М. ЎзДСМИ

Аннотация. Таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш. Ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Мақолада педагогик технологияларнинг хориж психологиясида ўрганилиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: педагогик технологиялар, таълим жараёни, хориж тажрибаси.

Özet. Genel eğitim sürecini ve yüksek eğitimin ders programi ve içeriğini yeni pedagojik yöntemler ve öğretim tekniklerine uygunlaştırma ile ilgili çalışmalar son dönemde hızla ilerlemekte. Bu süreç yüksek lisansta eğitimin kaliteye yönelik yeni düzeye çıkmasını sağlayan çağdaş eğitim tekniklerinden yararlanma kapsamında yürütülüyor. Eğitime uluslararası standartları uygulamaya ilişkin ileri pedagojik yöntemler, ders programları ve ders materyallerini uygulamak çok önemlidir. Makalede pedagojik yöntemlerin yabancı ülkelerdeki araştırılma durumu kaleme alınmıştır.

Anahtar kelimeler: pedagojik yöntemler, eğitim teknikleri, araştırma mekanizmaları.

«Педагогик технологиялар» назарияси ва амалиётининг пайдо бўлиши тарихи XX асрнинг 70-80 йилларига, яъни америкалик психолог ва педагог олимларнинг тадқиқотларига бориб тақалади. Педагогик технологиянинг пайдо бўлишида психология фанидаги йирик назарияларидан бири – бихевиоризм билан узвий боғлиқлик мавжуд. Маълумки, бихевиоризм (инглизча сўз behaviour – хатти-ҳаракат, хулқ-атвор деган маънони беради) ёки хулқ-атвор психологияси XX асрнинг бошларида Америкада вужудга келган. Мазкур назариянинг экспериментал асосини Эдуард Торндайк томонидан ҳайвонларда ўтказилган ва уларнинг хатти-ҳаракатлари тадқиқ қилинган ишлари ташкил этади. Мазкур тадқиқотларнинг кўплаб хулосалари одамларнинг хулқ-атворини тушунтириб беришда ҳам инobatга

олинади. Э.Торндайк 1906 йилда Америкада чоп этилган «Психологияга асосланган таълимнинг принциплари» китобида тартиб билан шундай фикрни илгари сурадики, педагогика психологияга таяниши лозим, даставвал эса хулқ-атвор психологиясига таяниш зарур деган маъно ётади. Бу китоб 1926 йилда рус тилида чоп этилди. Унинг русча таржимасига кириш сўзини Л.С.Виготский ёзган эди. Кириш сўзида Л.С.Виготский Торндайкни объектив психологиясининг ва хулқ-атвор психологиясининг асосчиси сифатида таърифлаб, шундай деб ёзади: “У (Торндайк) инсон психикасига ва хулқ-атворига гўёки муҳитдан келадиган ташқи кўзғалишларга ва организмнинг ўзида пайдо бўладиган ички кўзғатувчиларга организм реакциясининг тизими сифатида қарашни асослаб беради”. Унинг фикрича, деб таъкидлайди Л.С.Виготский, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари наслий тажрибада берилган шартсиз реакциялардан ва шахсий тажрибада берилган янги шартли алоқалардан ташкил топади.

Дж.Уотсон бихевиоризм таълимотини ривожлантирган олимлардан бири ҳисобланади ва у ўзининг “Психология хулқ-атвор ҳақидаги фан сифатида” китобида шундай деб ёзади: “Психология учун энг маҳсулдор нуқта – бу ўзини ўзи ўрганиш эмас, балки кўшнини ўрганишдир” [36.57]. Бихевиоризм то шу пайтгача (В.Вундт, У.Джеймс) субъективизмни инкор қилган ҳолда психологик ҳодисаларни объектив ҳолда ўрганиш тарафдорларидан бири сифатида юзага чиқди. Субъектив сезгилар, идрок, образлари ва ҳоказоларни ўргангандан кўра, ўзга кишининг хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш ҳақиқийроқ, объективроқ билимларни беради. Бошқача айтганда, ташқи муҳитнинг у ёки бу таъсирларига инсон қандай реакция кўрсатганлигини ўрганиш психология фани учун кўпроқ билимлар манбаси ҳисобланади. Мана шу фикрлар самараси ўлароқ S-P (стимул-реакция) кўринишидаги машҳур схема пайдо бўлди. Дж.Уотсоннинг фикрига кўра, психология хулқ-атвор ҳақидаги фан сифатида инсон онгининг таҳлили билан эмас, балки инсон ҳаракатларини башорат қилиш, уларни бошқариш билан шуғулланиши зарур.

Шунга ўхшаш масалаларни ечиш бихевиоризмнинг моҳияти ва аҳамиятини белгилайди. Дарҳақиқат, мазкур таълимотнинг кўплаб қоидалари инсон хатти-ҳаракатларининг ижтимоий, иқтисодий томонларини тушунтириб беришга ёрдам беради.

Бихевиоризмдан ажралиб чиққан необихевиористлар (Эдуард Чайс Толмен ва Кларк Леонд Холл) бихевиористлардан фарқли ўлароқ «медиаторлар» концепцияси билан чиқишди. Медиаторлар – бу стимул билан реакция ўртасида содир бўладиган ички жараёнлар ҳисобланадилар. Шу билан бирга, улар «кўзга ташланмас» медиаторлар учун ҳам объектив кўрсаткичлар мавжуд эканлигини таъкидлайдилар.

Бихевиоризм назариясининг сўнги намояндаларидан бири – Б.Ф.Скиннердир. У инсон ҳаётида кўникмаларнинг ролини кўрсатиб берар экан, уларга инсонларни ўргатиш мумкинлигини кўрсатиб беради .

Юқорида бихевиоризм назариясининг моҳияти қисқача кўриб чиқилди. Қуйида бу назариянинг “педагогик технологиялар” тушунчаси билан алоқаси масаласига эътибор қаратилади.

Агар эътибор бериб қаралса, стимул-реакция схемаси таълим жараёнидаги «ўқитувчи – талаба» системасига мос тушади. Демак, ўқитувчи – бу ўзига хос стимул ҳисобланади ва ўқув материали ёрдамида талабага таъсир кўрсатади. Таъсир натижасида талабада маълум реакциялар кузатилади. Бихевиористларнинг фикрича, ўқитувчининг стимулини ўрганиб ва бу стимулга нисбатан талабада пайдо бўладиган реакцияларни аниқлаб, умуман ўқув жараёнини бошқарса бўлади. «Стимул-реакция» қонуниятларини аниқлаштирган ҳолда стимулни маълум режа асосида тузиб, талабаларда вужудга келадиган реакцияларни башорат ҳам қилиш имконияти рўёбга чиқади. Бу эса ўз-ўзидан таълим жараёнида «технология» тушунчасини киритилишига сабаб бўлди. Б.Ф.Скиннер ҳатто педагогик технологияларнинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган программали таълим тизимини ҳам яратган олимдир.

Педагогик психология тараққиётида бихевиоризмнинг эришган муваффақиятларидан бири шундаки, биринчилардан бўлиб – бу назария ёрдамида ҳулқ-атворнинг янги шаклларида бири – ўргатиш (научение) – ўзлаштиришнинг психологик механизмларини тушунтириб беради. Шу ўринда М.Г.Воинованинг қуйидаги фикрларини келтирсак мақсадга мувофиқ бўлади. Унинг ёзишича, дидактиканинг кўплаб интуитив – хулосаловчи қоидаларидан (унинг муҳим камчилиги ҳам шунда ётибди) фарқли ўлароқ педагогик психология экспериментал психологиянинг аниқ методларига таянади. Жиддий экспериментал ва назарий базага эга. Бу эса амалиётга етарли даражадаги самарали чиқиш қилиш имкониятини беради. Олиманинг бу фикри яна бир марта педагогик технологиялар педагогик психология нуқтаи назардан ўрганилса ва педагогик психологиядаги қонун-қоидаларга амал қилинса, мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб турибди.

Шундай қилиб, бихевиоризмнинг таълим-тарбия учун хизмати ҳам шундаки, бихевиористлар тадқиқотчининг экспериментал методлари ёрдамида хатти-ҳаракатларнинг янги шаклларини ўзлаштириш имкониятининг психологик механизмларини кўрсатиб бердилар.

Шу билан бирга, бихевиоризм психологиянинг категориал аппаратига ҳаракат категориясини киритди. Агар ҳаракат илгарилари жараён ёки субъектив (ички) акт сифатида қаратилган бўлса, бихевиоризм бу тушунчага ташқи, тана реакцияларини киритиб, бу реакциялар асосида маълум ҳаракатлар шаклланишини асослаб берди.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги барча психологик ҳолатлар педагогик технологиялар жараёнининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилишига асос бўлиб хизмат қилди.

Шундай қилиб, биз юқорида бихевиоризм назарияси ва амалиёти нуқтаи назаридан педагогик технологиялар концепциясини таҳлил қилдик. Дарҳақиқат, таълим жараёнида ўқитувчининг ўқув материали ёрдамида талабага таъсирини «стимул-реакция» схемасига тушириш мумкин. Ўқитувчининг ўқув материални қай йўсинда узатиши – бу айнан педагогик технологияларни беради ва шу ҳолат келажакда «педагогик технологиялар» концепциясининг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Педагогик технологиялар» концепциясини ўзига хос ҳолда талқин қилган илмий йўналишларидан яна бири – гештальтпсихология ҳисобланади. Немис олимлари томонидан илгари сурилган бу йўналиш асосан инсон онги ва тафаккурининг ташкилий хусусияти ҳақидаги ғояни тарғиб қилади. Гештальтпсихология илмий йўналиши вакиллари, биринчи навбатда Макс Вертгаймер ва Вольфганг Кёллерлар асосий эътиборларини инсоннинг ички психик фаолиятига қаратишади. «Gestalt» немисча сўз бўлиб, «шакл», «ташқил этиш», «кўриниш», «образ» деган маъноларни билдиради. Психологияда «гештальт» тушунчаси «ташқилий жиҳатдан яхлит» деган маънони беради. Бу яхлитнинг ўзига хос томони шундаки, у уни ташқил қиладиган қисмлари хусусиятларининг йиғиндисидан иборат эмас.

Гештальтпсихология назариясининг ўзига хос хусусиятли ғояларидан бири – инсайт натижасида пайдо бўладиган яхлит тузилма сифатидаги образ ғояси эканлиги. Савол туғилади: «инсайт» сўзининг маъноси нимадан иборат? Инсайт – объект тузилмасини тезлик билан «бирданига (яшин тезлигида) инсон томонидан ўзлаштириб олиними».

Таъкидлаш жоизки, шахслараро муносабатларни тушунишда ҳам инсайт тушунчаси фойдалидир. Жумладан, В.Кёллер инсайт деганда муносабатларнинг зудлик билан «эгаллаб олиними», улар хусусиятининг яхлит ҳолда тезлик билан англанишидир. Олимнинг фикрига кўра, бу асосан англанмаганлик даражасида кечадиган психик жараёни кутилмагандаги тезлик билан эгалланганлик жараёни деб тушунтириш мумкин.

Дж.Дьюи таълимнинг ўзига хос психологик назариясини ишлаб чиқиб, унга биноан таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг роли таълим олувчиларнинг мустақиллигини бошқаришдан ва уларни мустақил тафаккур қилувчи инсонларга айлантиришдан иборат. Америкалик психолог Дж.Брунернинг фикрича, ўқув материалларини эгаллаш жараёнида интуитив тафаккурнинг устунлик қилишни кашф қилди. У асосий эътиборини билимларнинг тузилмасига қаратади ва бу тузилмада билимлар тизимининг барча зарур элементлари мужассамлашган бўлиши керак деб ҳисоблайди. Мазкур бўлимлар тузилмаси талаба шахси тараққиётининг йўналишини белгилаб беради. У.Александр, П.Хальверсон

ва ҳоказоларга тааллуқли бўлган «муаммоларни ечиш орқали таълим бериш» назарияси бугунги кунда америка педагогик психологиясида катта эътиборга эга. Бу назария қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади:

а) бу назарияда ўқитувчининг ролини ошириш ва талабанинг «ўзини-ўзи ифодалашга» ўта катта эътибор қаратилмаган;

б) бу таълимотда муаммони ечишнинг жамоавий принципи илгари сурилади;

в) таълимда муаммоларни ечиш усулига ёрдамчи усул сифатида қаралади.

С.Л.Рубинштейн, Н.А.Менчинская, Т.В.Кудрявцев сингари психологлар ақлий тараққиёт нафақат ўзлаштирилган билимларнинг ҳажми ва сифати билан характерланади, балки ақлий жараёнларнинг структураси билан, талабадаги мантиқий операциялар ва ақлий ҳаракатларнинг тизими билан ҳам характерланади. А.М.Матюшкиннинг фикрича, таълим жараёнида таълим олувчи тафаккурининг ривожланишига сабаб бўладиган асосий омил – бу муаммоли вазият ҳисобланади. Муаммоли вазиятни яратган ҳолда таълим бериш янги педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, таълимда талабани фикрлашга, мустақил ғояларни илгари суришга олиб келади.

Адабиётлар

1. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. - 182 б.
2. Ғозиев Э.Ғ, Тўлаганова Г. Педагогик психология асослари. – Тошкент: Университет, 1997. - 186 б
3. Дьюи Дж. Психология и педагогика мышления (Как мы мыслим)/ Пер. с англ. – М., 1999. - 187 с.
4. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А., Педагогик технология асослари: Қўлланма. - Т.: «Ўқитувчи», 2004.

**“ТАФСИРИ ҲУСАЙНИЙ” АСАРИНИНГ XVI ЮЗЙИЛЛИКДАГИ ТУРКИЙ
ТАРЖИМАСИ**

“TEFSİR-İ HÜSEYİNİ” ESERİNİN 16. YÜZYILDAKİ TÜRKÇE TERCÜMESİ

*Dr. Öğr. Üyesi Saidbek Boltabayev
Karabük Üniversitesi Edebiyat Fakültesi (Türkiye)*

*ф.ф.н. Саидбек Болтабаев
Туркия Республикаси Карабук
давлат университети ўқитувчиси*

Özet. Türk halkları İslamiyeti kabul ettiklerinden sonra Kur'an-i Kerimi anlamak, tabii oldukları dinin esaslarını öğrenmek için Türkçe Kur'an tercüme ve tefsirlerine ihtiyaç artmıştır. Türkçe Kur'an tercüme ve tefsirleri kaleme alınırken birtakim yeni kelimeler türetilmiş veya mevcut kelimelere yeni anlamlar yüklenmiştir. Bunun neticesi olarak Türkçe leksik olarak zenginleşmiştir. Makalede Türkçe yazılan ilk Kur'an tercüme ve tefsirleri hakkında bilgi verildikten sonra Topkapı ve Konya nüshaları bilinen XVI. yüzyılda Çağatay Türkçesiyle yazılan tefsirin metindilbilimsel ve dil özellikleri üzerinde durulmuştur.

Anahtar kelimeler: *Kur'an-i Kerim, Türkçe Kur'an tercümeleri, tefsir, Çağatay Türkçesi, leksikoloji.*

Аннотация. Туркий халқлар ислом динини қабул қилгандан сўнг муқаддас китоб бўлмиш Қуръонни англай олиш, унинг асосларини ўрганиш учун Қуръони каримни туркий тилга таржима қилишга эҳтиёж сеза бошладилар. Таржима ва тафсир қилиш жараёнида бир қатор янги сўзлар ясадиши, диний атамаларнинг туркий сўзлар билан ифода этилиши натижасида тил лексик жиҳатдан янада бойиб борди. Бу мақолада туркий тилда яратилган энг эски таржима ва тафсирлар ҳақида умумий маълумот берилгач, Туркияда сақланаётган XV^o асрда эски ўзбек тилида ёзилган муаллифи номаълум тафсирнинг қўлёзма ва тил хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Калит сўз ва иборалар: *Қуръони карим, Қуръоннинг туркий таржималари, тафсир, эски ўзбек тили, лексикология.*

Аннотация. После того, как тюркские народы приняли веру Ислам, они нуждались в переводе Корана на тюркский язык для того, чтобы

изучить и понять основы Корана и религии. В ходе перевода и толкования Корана на тюркский язык обогатился новыми терминами и словами со стороны лексики. Данная статья дает краткую информацию о тефсирах Корана на тюркском языке. Кроме этого дается полная информация тефсира, созданной в XV^o веке на старотюркском языке, хранящийся в рукописном фонде в Турции.

Ключевые слова и выражения: Куран-керим, тюркские переводы Корана, тефсир, староузбекский язык, лексикология.

Abstract. After accepting the \bar{O} slam Turkic people as a state religion they need of being translated of Koran into Turkish for understanding it, learning its rules and principles have occurred. \bar{O} n consequence of making lexicalization of new words and expressing religious terms with Turkish words, lexicalization of language enriched. \bar{O} n this article after giving general information about the oldest translations and commentaries of Koran we will acquaint and analyse language features of Turkey copy of anonymous commentary of Koran which had written in old Uzbek language in XV^o century.

Key words and expressions: *Quran al-Kerim, Turkic commentaries of Quran, commentary, Old Uzbek language, Lexicology.*

Туркий халқлар доим қабул қилган динларининг муқаддас китобларига алоҳида эътибор бериб келган. Улар ўз динининг қутлуғ китобларини ўз она тилларига таржима қилиб, динни ёйишга ҳаракат қилганлар. Мисол учун, буддизмни қабул қилган туркий халқлар “Суварнапрабҳаса” асарини санскритчадан туркий тилга “Олтин тусли ёруғ” сифатида ўгирган бўлса, кейинчалик “Майтри симит ном битиг” каби буддизмнинг асосларини ўргатувчи диний китобларни таржима қилганлар. Шу жумладан, “Codex Cumanicus” асаридаги дуо ва дин асослари ҳақидаги қисмларини назарга оладиган бўлсак, христианликни қабул қилган туркий халқларнинг бош китобларидан бири бўлган.

Қуръони карим эса Сомонийлар даврида Мансур ибн Нуҳ томонидан Мовароуннаҳрдаги олимлардан фатво олган ҳолда Табарий тафсири ва Қуръонни туркий халқлар ва форсийзабон халқлардан иборат бўлган ҳайъат форс тилига таржима қилдиргани маълум.¹¹⁵

Илм дунёсида маълум бўлган энг эски Қуръон таржимаси Қарши шаҳридан топилган ва ҳозирда Россия ФА нинг Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтида 332- кўрсаткичи остида сақланаётган Ўрта Осиё тафсиридир. Кейинчалик туркий тил билан ёзилган бошқа Қуръон тафсир

¹¹⁵ *JGnos Eckmann. Kur'ân'ın Doğu Türkçesine Tercümeleeri. çev. Ekrem Ural, TDED, C. XXI (1975), s. 15-17.*

ва таржималари ҳам топилди. Ана шундай тафсирлардан бири XVI юзйилликда яратилган тафсирдир. Эски ўзбек тилида ёзилган ушбу тафсирнинг бизга маълум бўлган икки нусхаси бор:

А) Биринчи нусха Истанбул Тўпқопи саройи музейининг кутубхонасида Аҳмет III бўлими 16 рақами остида сақланади. Нусханинг охири саҳифасида ҳижрий 950 йилда (1543) кўчирилганига доир маълумот бор. Бу нусхани билим дунёсига Я. Экман 1967 йилда танитган¹¹⁶. Асар икки жилдли бўлиб, ҳар бир жилдда 308 варақ мавжуд. Ҳар бир саҳифаси 27 сатрдан иборат. Илк жилднинг узунлиги 400 мм, эни 425 мм. Иккинчи жилднинг узунлиги 460 мм, эни 425 мм. Қўлёзма новвот ранг қоғозга ёзилган, матн қисми олтин суви юргизилган ҳошияли жадвал ичига настаълиқ хатида ёзилган. Ҳарфларнинг нуқталари кўп ҳолларда қўйилмаган. Биринчи жилд Фотиҳа сураси билан бошланиб, Каҳф сураси билан тугаган ҳолда 18 сурани ўз ичига олади. Иккинчи жилд эса Марям сураси билан бошланиб, Нас сураси билан тугайди. Асарда Қуръон оятлари баъзан сўз, баъзан сўз бирикмаси ҳолида туркий тилга таржима қилинади. Оятлардан сўнг баъзан кенг тафсилотлар, ҳикоялар, ҳадислар, қиссалар, бошқа тафсирлардан ўрнаклар келтирилади. Оятларнинг устига асосан қизил сиёҳ билан чизиб қўйилган, лекин устига чизилмаган ўринлари ҳам учрайди. Сура номлари қизил сиёҳ билан ёзилган. Матнда тушиб қолган оятлар, ибора ёки сўзлар ҳошияга ёзилган. Ҳар бир варақда пойгир қўлланилган. Асар муқовасининг ички қисмида кутубхона муҳрининг тагида *Ḥikmat-i X'āja Aḥmad Yassavī 'alayhi's-ṣalātu va'r-rizvān* дея бошланган 10 байтли ҳикмат ёзилган. Бу ҳикматларни Ҳ. Зулфиқор ўқиб нашр қилган¹¹⁷. Ҳикматларнинг ўнг тарафида *Min kütübi al-faqir as-sayyid Fayzullāh al-mufti fi as-ṣalṭanati'l 'āliyyati'l 'usmāniyya 'afv-i 'anh* қайди ва *Maḥmūd Ibn-i Muḥammad al-vāni 'afv-i 'anhumā* ёзуви бор. Муфтий Файзуллоҳ ва Маҳмуд ибн Муҳаммад ал Ваний маълум даврларда китобнинг эгалари бўлган бўлиши керак. Асарнинг сарлавҳа қисми ўнг тарафида Султон Аҳмад III нинг муҳри жой олган. Муҳрда шундай ибора мавжуд: *Vaqfi Sulṭān Aḥmad Xan bin Ğāzi Sulṭān Muḥammad Xan*. Бу муҳр орқали асар Султон Аҳмад III замонида Тўпқопи саройи кутубхонасига келтирилганини билиб олиш мумкин.

Б) Иккинчи нусха Туркиянинг Кўня шаҳри Юсуф Оға кутубхонасида 42 YU 6624 кўрсаткичи остида сақланади. Бу нусха ҳижрий 951 йилда (1544)

¹¹⁶ *JĠnos Eckmann. Doĝu Türkçesinde Bir Kur'ân Çevirisi (Rylands Nüshası). Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleteni. Ankara, 1968. s. 53.*

¹¹⁷ *Hamza Zülfikar. Çaĝatayca Bir Kur'ân Tefsiri. Türkoloji Dergisi. C. IV, S. 1. Ankara, 1974. s. 153–195.*

кўчирилган. Сарлавҳаси ва ҳошияларига олтин суви юргизилган бўлиб, жами 653 варақдир. Ҳар бир саҳифа 29 сатрдан иборат. Асарнинг узунлиги 365 мм, эни эса 248 мм ҳисобланади. Хат тури насх бўлиб, сура номлари одатда матндан ташқарига ҳошия қисмига ёзилган, баъзан эса умуман кўрсатилмаган. Оятларнинг устига қизил сиёҳ билан чизиб қўйилган. Баъзида чизилмаган ёки қора сиёҳ билан чизилган ҳолатлар ҳам кузатилади. Бу нусхада Тўпқопи нусхасидан кўра оятлар ва ҳадислардаги ҳаракат ишоратлари ва ҳарф нуқталарининг тартиблироқ равишда қўйилгани ва пойгирлар мавжуд эмаслиги эътиборни тортади. Бу нусханинг ичида бир варақ кўшимча қоғоз қистириб қўйилган бўлиб, унда кутубхона ходими томонидан ёзилган араб хатларида қайдлар мавжуд. Унда билдирилишича, асар Садриддин Қўнявий мақбарасидан 1926 йилда Юсуф Оға кутубхонасига олиб келинган. Бу нусханинг илк юз варағи устида турк олими Ҳ. Зулфиқор докторлик диссертацияси¹¹⁸, 60 варағи устида И. Таш, Э. Темел, ва Д. Чағлар магистрлик диссертацияси ёзганлар¹¹⁹.

Асарнинг ким томонидан қаерда ёзилганига доир ҳеч бир ерда маълумот келтирилмаган. Турк олими А. Инан асарнинг уч қисмида *Ubaydulloh qaddasallohu sirrahu* ифодаси қайд этилгани билдиради¹²⁰. Шунинг билан бирга олган ҳолда Ҳ. Зулфиқор асарнинг муаллифи вафоти 1533 бўлган, Қуръон тафсири ёза оладиган даражада диний билимга эга бўлган Убайдуллоҳ хон ёзганини ёки асар унинг ташвиқи билан чуқур диний билимга эга ва туркий тилни яхши билладиган бошқа шахсга ёздирилганини тахмин қилади¹²¹. Фақат асарда зикр этилган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бўлиб, ундан ташқари ҳам даврнинг бошқа кўплаб олимлари, авлиёлари ҳам зикр этилади. Шу боис бу тафсирнинг муаллифи Убайдуллоҳ хон бўлиш ҳақидаги тахмин унчалик қувватли эмас.

Докторлик диссертацияси сифатида биз тадқиқ қилаётган ушбу туркий тафсир барча туркшунослар томонидан муаллифи маълум эмас (аноним) деб билинар эди. Тафсир бўйича тадқиқот олиб борган барча олимлар асарнинг ким томонидан қаерда ёзилгани ҳақида фақатгина тахмин юритганлар. Биз тадқиқот давомида асар тилида бир қанча муҳим

¹¹⁸ *Hamza Zülfikar*. Çağatayca Kur'an Tefsiri. Dilbilgisi İncelemesi-Metin-Dizin. Ankara Üniversitesi. Ankara, 1970.

¹¹⁹ *İbrahim Taş*. Çağatayca Kur'an Tefsiri 21a-41b (Giriş-Metin-Dizin). Marmara Üniversitesi. İstanbul, 2001; *Emine Temel*. Doğu Türkçesi Kur'an Tefsiri (Nur ve Furkan sureleri). Marmara Üniversitesi. İstanbul, 2013; *Dursaliye Çağlar*. Doğu Türkçesi Kur'an Tefsiri (Şu'ara ve Neml sureleri). Marmara Üniversitesi. İstanbul, 2013.

¹²⁰ *Abülkadir İnan*. Şeybanlı Özbekler Çağına Ait Bir Kur'an Tefsiri. Türk Dili Araştırmaları Yıllığı Belleteni. Ankara 1962 s. 61.

¹²¹ *Hamza Zülfikar*. Çağatayca Bir Kur'an Tefsiri. Türkoloji Dergisi, VI/1 (1974), s. 177.

форс тилига оид хусусиятларга дуч келдик. Улардан бири форс тилидаги кўшма гапларда ишлатилувчи аниқлик “уā”си (ع) эди. Ушбу “уā” форс тилида аниқловчи эргаш гапли кўшма гапларда аниқланаётган сўзга артикл вазифасида кўшилади. Ушбу “уā” кўшимчаси асар тилида жуда кўп ҳолларда кўшма гапларда қўлланилгани эътиборни ўзига жалб этди. Кўплаб тадқиқотларда ушбу кўшимча “э” унлиси билан ўқилади. Ҳозирда эса форс халқи узун “и” сифатида талаффуз қиладилар. Биз уни узун “и” билан кўрсатишни маъқул кўрдик. Мисол учун:

ey kişilārî-kim îmān keltürüpsizlār (185a/25, 189a/12), *u kişilārî-kim taḥqîq va yaqîn bilā îmānî bardurlar* (190b/8), *teşükî-kim anda yaşuna algaylar* (191b/26), *aşuqmaqî-kim kişiniñ qaytarmağliğî bilā qaytmaslar* (192a/1).

Айниқса, артикл вазифасидаги “уā”нинг туркий сўзларга ҳам кўшилиб қўлланиши, кўплик ёки келишик кўшимчаларидан кейин ҳам кўп кез қўлланиши жуда кам ҳолатларда учрайдиган ҳолат бўлсада, асар тилида кўп бора дуч келиш мумкин.

Шунингдек, форс тилига оид бўлган яна бир хусусият асар тилида кўзга ташланади. Бу тўлдирувчи ва кесимнинг контакт ва дистант ҳолатидир. Бу қоидага кўра, кесим вазифасида келаётган кўшма феълнинг орасида тўлдирувчи вазифасидаги сўзлар кўшилиши мумкин. Бу ҳолат ҳам XVI юзйилликда яратилган тафсир тилида кўзга ташланади. Мисол учун:

ta'ām yegüçi bilā kim bismillāh aytmağan bolğay şirkat yemäkdä qilur (305a/12).

Юқоридаги мисолда *şirkat yemäkdä qilur* ифодасида *şirkat qil-* кўшма феълнинг орасида воситали тўлдирувчи вазифасидаги *yemäkdä* сўзи кирган.

Бунинг каби форс тилига оид хусусиятларни асар тилида учратгач, асарни форс тилини мукамал билувчи ва бу тилнинг маълум таъсири остида бўлган киши томонидан ёзилган ёки асарнинг форс тилидан таржима қилингани хусусида тахмин юритдик. Шундан кейин асар ёзилган XVI асрда халқ орасида машҳур бўлган форс тилида ёзилган тафсирлар билан қиёслашга қарор қилдик. Натижада асарни қуйидаги тафсирлар билан солиштириб чиқдик:

1. Таржимаи Тафсири Табарий
2. Тафсири Зоҳидий
3. Тафсири Қушайрий
4. Кашфул-асрор
5. Тафсири Насафий
6. Тафсири Яъқуб Чархий
7. Тафсири Жомий
8. Жавоҳирут-тафсир
9. Мавоҳиби Алийя (Тафсири Ҳусайний).

Форс тилида бўлган юқоридаги тафсирлар билан қиёслаб чиққач, докторлик диссертацияси сифатида биз тадқиқ қилаётган туркий тафсир “Мавоҳиби Алийя” (Тафсири Ҳусайний) асарининг туркий таржимаси экани

маълум бўлди. “Мавоҳиби Алийя” (ал-Мавоҳибул-Алийя фи тафсирил-каломир-Раббонийя) асари кўпроқ Тафсири Ҳусайний номи билан машҳур бўлиб, Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан 897-899 (1492-1494) йилларда форс тилида ёзилган мухтасарп тафсирдир.

Ҳусайн Воиз Кошифий

Мавлоно Камолиддин Ҳусайн бин Али Байҳақий Сабзаворий ҳижрий 830 (милодий 1427) йилда Хуросон минтақасига оид Сабзавор шаҳрида дунёга келган. Қилган ваъзлари билан машҳур бўлгани учун “Воиз” деб лақаб олган, ўз шеърларида эса Кошифий тахаллусини қўллаган. Воиз Кошифий ўз даврининг машҳур нақшбандия шайхи бўлган Саодиддин Кошғарийнинг Ҳиротда вафот этгани ҳақида тушида кўради. Унинг қабрини зиёрат қилиш мақсадида 1465- йилда Ҳиротга боради. Бу ерда Саодиддин Кошғарийнинг муриди бўлган Абдурраҳмон Жомий билан танишади ва унинг василаси билан нақшбандия тариқатига интисоб этади. Ҳиротда қилган ваъзлари орқали қисқа муддатда машҳур бўлиб кетган Ҳусайн Воиз бир қанча вақт сўнгра Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ҳомийлиги остида ижод қилади. Уларнинг ташвиқи билан бир қанча китоб ёзади. Ҳамидулла Лутфуллаевнинг келтиришича Ҳусайн Воиз Кошифий илм-фаннинг турли соҳаларига оид 40 дан зиёд асар таълиф этган. Жумладан, Қуръон илмларига доир – “Жавоҳир ат-тафсир ли тухфат ал-Амир”, “Мухтасар ал-жавоҳир”, “Жомеъ ас-ситтийн ё тафсири сураи Юсуф”, “Мавоҳиби Алийя”, “Нақовот фи одоб ат-тиловат”; ҳадис илмларига тааллуқли – “Рисолат ал-алийя фи аҳодис ан-набавийя”; тасаввуфга доир – “Футувватномаи султоний”; адабиётга доир – “Анвори Суҳайлий”, “Бадоеъ ал-афкор фи синоат ал-ашъор”, “Лубби лубоби маънавий фи интихоби маснавий”; тилшуносликка доир – “Манзумаи авомил”; астрономияга доир – “Алвоҳ ал-қамар”, “Шаш рисола”; иншо илмига оид – “Махзан ал-иншо”, “Саҳифаи шоҳий”; ахлоққа доир – “Ахлоқи Муҳсиний”; тарихга доир – “Равзат аш-шуҳадо” каби аксарият асарлари бизнинг давримизгача етиб келган.¹²²

Жомийнинг вафотидан (898/1492) кейин Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳиротдан Сабзаворга қайтади ва ҳижрий 910 (милодий 1504-1505) йилда Сабзаворда вафот этади. Қабри ҳозирда Сабзавор шаҳрида.

Алишер Навоий “Мажолис-ун-нафоис” тазкирасининг тўртинчи мажлисида Ҳусайн Воиз Кошифий ҳақида қуйидагича маълумот беради:

Kāshifī taxalluṣ qīlur, Sabzavārliqdur. Yigirmi yilga yaqīn bar kim ṣahrdadur. Mavlānā zū-funūn va rangīn va purkār vāqe' boluptur. Az fan bolgāy kim daxlī bolmağay xuṣūṣan va 'z va inṣā va nujūm ki anīñ haqqīdur, har qaysīda muta'ayyin va maṣhūr iṣlāri bar. Muṣannafātīdīn biri Javāhiru't-tafsīrdūr kim Al-Baqara sūrasīn bir

¹²² Ҳамидулла Лутфуллаев. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алийя” асари Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент. 2011. 12- б.

mujallad bitipdür, munşif-i qaṭ' bilä yüz jüz' bolğay, bā-vujūd-i barça xîralik va dānālîq. Şahr şūxlaridîn biri X'āca Hāfîznîñ bu maṭla'yîñ bitip minbarnîñ üstigä qoyğandur, budur kim

Vā'izān k'in jilva bār mihrāb u minbār mikunānd

Çün bā xilvāt mirāvānd ān kāri dîğār mikunānd

Alîp oquğaç köp mutağayyir va muṭtarib bolup xaylî xāriji mabḥas söz aytîp neçä vaqt va 'z aytmadî. Xaşmî nā-ma'lūm xōd öz maqşūdîñ ḥāşîl qıldî, ammā Mavlānā qîlğanîñîñ xaṭā erkānigä vāqîf bolğaç yana öz işi başîğā bardî. Barmasa iki xaṭā bolur erdi. Bāk yoq, 'aybsîz Teñridür. Bu maṭla' anîñdur kim

Sabz xaṭā zi muşki tar gāliya bār sāmān māsān

Sunbuli tāb dādā rā bār guli nāstārin māsān¹²³

Бундан ташқари Хусайн Воиз Кошифий ҳақида Навоий “Хамсат-ул-мутахаййирин” асарида ҳам тилга олади. Маълумки, бу асар Жомийнинг вафоти муносабати билан ёзилган. Жомий вафот этгач, Навоий унинг хотирасига атаб бир марсия ёзади ва бу марсияни Хусайн Бойқаронинг буйруғи билан ташкил этилган маросимда ўз даврининг машҳур воизи Хусайн Воиз Кошифий ўқиган “Хамсат-ул-мутахаййирин” асароиди шундай келтириб ўтилган:

...Va nazm ahli köp ta'rixlar aytîp oqudilar. Ul jumladin ḥurūf rāqîmî bu marsiya bilä ta'rixni aytîp yil aşî tartarda sulṭānî şāhibqîrān 'alî majlislaridä ötkärdi va ḥukm boldî-kim Mavlānā Husayn Vā'iz minbar üstidä oqudi...¹²⁴

Тафсири Хусайний

Тўлиқ оти “ал-Мавоҳибул-Алийя фиит тафсирил-каломир-Раббонийя” бўлган ушбу асар кўпроқ “Тафсири Хусайний” номи билан танилган. Тафсир исмидаги Алийя сўзидан ҳам кўриниб турганидек, бу асар Алишер Навоийга бағишланиб ёзилган. Асарнинг турли давлатлардаги қўлёзмалар кутубхоналарида юзлаб нусхаси мавжуддир. Ҳамидулла Лутфуллаевнинг келтиришича, ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 68 нусха бор бўлиб, уларнинг 11 таси “Шарқ қўлёзмалари тўплами (СВР)да тавсифланган. Олимнинг таъкидлашича, 2181 кўрсаткич остида сақланаётган нусха бу нусхалар ичида энг қадимгиси бўлиб, қўлёзма ҳошиясидаги тузатишлар ва колофонда ёзилган котиб исмидан келиб чиқиб, уни муаллиф дастхати сифатида қабул қилиш мумкин. Шунингдек, ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам

¹²³ Алишер Навоий. МАТ. 13- жилд. Мажолисун-нафоис. (Нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева). Тошкент. 1999. 113- б.

¹²⁴ Алишер Навоий. МАТ. 15- жилд. Хамсат-ул-мутахаййирин. (Нашрга тайёрловчи: С. Ғаниева). Тошкент. 1999. 99- б.

“Мавоҳиби Алийя”нинг туркий таржимаси мавжуддир.¹²⁵ Ушбу нусха 7455 рақами остида сақланаётган бўлиб, ҳижрий 1261 (милодий 1845) йилда кўчирилган. Асар 248 варақдан иборат бўлиб, Марям сурасидан бошланиб, Малоика сураси билан тугайди. Марям сураси билан бошланганига кўра ушбу нусха асарнинг фақат иккинчи жилди бўлиши керак. Нусха 1845 йилда кўчирилган бўлса-да Тўпқопи ва Қўня нусхалари каби XVI юзйилликдаги туркий тил хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Биз қиёслаш учун “Тафсири Ҳусайний”нинг икки форс тилидаги нусхасидан фойдаландик. Ушбу нусхаларнинг картотекадаги маълумоти куйидагича:

1) Асар оти: Мавоҳиби Алийя

Муалифи: Ҳусайн Воиз ал-Кошифий бин Али (вафоти 910/1540)

Кўчирилган йили: 971 (1563)

Кўчирилган жойи: Шероз

Сақланаётган жойи: Миллий кутубхона – Анқара, Туркия

Коллекция: Анқара Аднан Ўтукан вилоят халқ

кутубхонаси

Сақланиш рақами: 1247

Варақ сони: 565

Сатр сони: 29

Хат тури: Насх

2) Тафсири Мавоҳиби Алийя (Тафсири Ҳусайний)

Сақланиш рақами: 105

Муаллифи: Ҳусайн Воиз ал-Кошифий бир Али

Кўчирилган йили: 923 (1517)

Сақланаётган жойи: Фирдавсий университети, Диншунослик факультети, Қўлёмалар кутубхонаси, Эрон

Варақ сони: 582

Шакл жиҳатидан ўхшашликлар

Форс тилида ёзилган “Тафсири Ҳусайний” билан биз тадқиқ қилаётган туркий тафсирни қиёслашда биринчи навбатда шаклий ўхшашликлар эътиборни тортди. Чунки, форс тилида ёзилган “Тафсири Ҳусайний” нусхалари ҳам одатда икки жилдли; биринчи жилди Фотиҳа сураси билан бошланиб, Каҳф сураси билан тугамоқда, иккинчи жилд эса Марям сураси билан бошланиб, Нас сураси билан тугамоқда. Бундан ташқари форсча нусхаларда ҳам асосан ҳар бир саҳифада 25-29 сатр матн бўлиб, оятлар қизил сиёҳ билан ёзилган ёки устига қизил сиёҳ билан чизиқ тортилган.

¹²⁵ Ҳамидулла Лутфуллаев. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Мавоҳиби Алийя” асари Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент. 2011. 12- б.

Форсий ва туркий Тафсири Ҳусайнийнинг қиёси

Тўпқопи нусхасининг 187a/5 сатрида Тавба сурасининг 17- ояти ва тафсири келтирилган. Бу ерда مَا كَلِمَةٌ مُّشْرِكِينَ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَئِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُوا أَمْرَهُ وَلَا تَقْرَبُوا كَلِمَاتٍ كُفْرًا كَالَّذِينَ قَبْلَهُمْ لَعُنَّا إِنَّهُمْ جَاءُوا اللَّهَ بِحَدِيثٍ قَلِيلٍ مُّكَرَّمٍ لَو كَانُوا يَعْلَمُونَ *nasazad* “ўхшамайди” дея кесимнинг форсчаси адашиб ёзиб қўйилган. Кейинчалик эса котиб бу сўзнинг устига чизиб, “охшамас” дея сўзнинг туркий таржимасини ёзган. سۆزүзи форсча нусхаларда шу қисмда айнан шундай келтирилган. Бу эса Тўпқопи нусхасининг тўғридан-тўғри форс тилидан таржима қилинганини ва тамал нусха бўлиши мумкин эканини кўрсатиб туради.

Қуйида Фотиҳа сурасининг туркий ва форсий нусхалардаги қиёси транскрипцияли матн шаклида келтирилмоқда:

“Тафсири Ҳусайний”нинг туркий таржимасида Фотиҳа сураси:	Форсий “Тафсири Ҳусайний”да Фотиҳа сураси:
(1) قَالَ قِيلَ لِمَ كَذَّبْتُمْ qāz qıldım xudāy ta’ālānīñ atī bilā kim ‘ibādat qılmaq aña sazāvār erür الْحَيَاتُ jūd va ḥayāt bilā yaxşı bağışlağuçi xalqqa الْحَيَاتُ bağışlağuçi alarğa ḥayāt bilā va saqlamaqlıg āfatlardīn	(1) نَامَ nām-i xudā-yi sazā-yi parastış بِخَشَايَتِهِ baxşanda bār xalq bā vujūd va ḥayāt بِخَشَايَتِهِ xşāyanda va mihribān bā işān bā baqā va muḥāfazat kunāndā az āfāt.
(2) هَرَّ hār bolğan sanā va āfarīn-kim azaldīn abadğaçā mavjūd va ma’lūm turur va bar durur va bolğusi durur aniñ barisi tamāmi va kāmālī bilā وَدَّ udāyğa durur kim musammā va mavşūf erür barça kamāllıg ismlār va şifatlarğa رَبِّ الْعَالَمِينَ rabīl-ālamīn yaratquçi va estürgüçi va saqlağuçi va tarbiyyat etküçi va qılğuçi barça ‘ālamların işini fariştalar va parīlār va ādamīlār va vuḥuş va quşlar va sibā’ darandalar va su ḥayvānlarī va andīn özgālār	(2) هَرَّ hār sanāyī va āfarīnī-ki az azal tā abad mavjūd va ma’lūm būd va häst va x’āhad būd jumla-yi ān bā tamām va kamāl وَدَّ udāy rā-ki musammā va mavşūf āst bā hamā-yi asmā’ va sifāt-i kamāliyyā رَبِّ الْعَالَمِينَ rabīl-ālamīnāndā va parvarandā va dārandā va tarbiyyāt kunāndā va sāzandā-yi kārḥā-yi hamā-yi ‘ālamīn az malā’ikā va jin va ins va vuḥuş va tuyūr va sibā’ va ḥayvānāt-i ābī va ğayr-i ān
(3) حَيَاتًا ḥayātqa bağışlağuçi yana qatla āxiratda barça nimā yoq bolğandīn soñra بِخَشَايَتِهِ bağışlağuçi yana qatla mihribānlıg bilā mo’minlārgā va alarni uçmaxğa kirgüzmağkā	(3) بِخَشَايَتِهِ baxşanda-yi vujūd bār-i dıgār dār āxirāt ba’d az fanā-yi jihāniyān بِخَشَايَتِهِ xşāyanda-yi dıgār bārā bā rā’fat va raḥmat bār mu’minān va dar-āvaranda-yi işān bā bihişt
(4) يَوْمَ يُنَادِي jazā küniniñ egāsi yā taşarruf qılğuçi ul kündā hār nimāni tilāsā pāyandalar ‘amallariniñ asrağuçisi tā alarni bermäk va almaqda yanlış bolmağay yā ḥisāb küniniñ qāzisi ḥukm qılğuçisi-kim	(4) يَوْمَ يُنَادِي udāvand-i rüz-i jazā yā muḥaşşarif dār ān rüz bā hār çe x’āhad yā ḥāfiz-i a’ māl-i bandāgān tā dār dādan va satadan nāmḥā ğalaṭ naşavad yā qāzi-yi rüz-i ḥisāb-ki miyān-i

bandalarniň arasida tüzlüg bilä hukm qılğay yā jazā bergüçi jazā künidä	bandägän bä haq hukm kunäd va yā jazā dāhandä bä rāstī dār rüz-i pādāş
(5) وَإِيَّاكَ عِبْدًا ʾibādat qılurbiz va bäs-kim sendin özgä ʾibādatğa sazāvār yoqtur وَإِيَّاكَ ʾIYÄK qıxāşşa sendin yārī tilārbiz şaşa qulluq qılmaqda seniň ʾibādatıñda va andin özgä hājatlar va muhimlärädä	(5) وَإِيَّاكَ عِبْدًا ʾIYÄK-rā mîparastîm va bas-ki ğayr-i tū mustahaq-i ʾibādat nîst وَإِيَّاكَ ʾIYÄK xāş az tū yārī mîxʾāhim dār parastîş-i tū va dār ānjāh sāyir havāyij va muhimmāt
(6) رِاطٌ مُسْتَقِيمٌ bizlārgä yol körsät tüz yolğa sözlär va işlär va qılığlarda-kim ul orta bolğay ifrāt va tafrīt va ğuluvv va taqşır arasida yā berk qıl bizlärni mustaqîm yolda kim İslām dîni va ʾālam sayyidi ʾalayhiʾş-şalavatu va ʾs-salām sunnatī durur ʾāriflärniň quţbī va vāşillärniň ğavsī nāsiruʾl-ḥaq va ʾd-dîn ḥazrat-i Xʾāja ʾUbaydullāh quddisa sirruhuʾl-ʾazîz bu maʾnāda baland nūktä va arjumand kälimä aytîpdurlar va ul budur-kim körsät bizlārgä tüz yol yaʾnî özüñnün zātîñniň muḥabbatī bilä müşarraf tutqıl tā özümüz iltifātđin özümüzgä va sendin özgädin va sendin özgägä āzād bolup tüğäl seniň bilä bolalıñ va sendin özgäni körmäliñ va sendin özgäni sağış qılmalıñ yā ul-kim körsätkil bizgä tüz yol yaʾnî ul yolī-kim seniň ḥazratıñdadur hār mavjūdîniň nisbatī bilä-kim ul mavjūdñi ansiz vujūdī yoqtur va öz kāmālîniň ğāyatıġa ansiz yetmäsdir tā barçada sendin özgäni körmäliñ va sendin özgägä tavajjuh qılmaqđin āzād bolalıñ	(6) رِاطٌ مُسْتَقِيمٌ mā rā rāh namāyi bā rāh-i rāst az aqvāl va af āl va axlāq-ki ān rāh mutavvassit buvad miyān-i ifrāt va tafrīt va ğuluvv va taqşır yā sābit dārad mā rā ba rāh-i mustaqîm-ki dîn-i Islām va sunnat-i sayyid-i anām ʾalayhiʾş-şalavatu va ʾs-salām va ḥazrat-i quţbuʾl-ārifîn ğavsuʾl-vāşilîn nāsiruʾl-ḥaq va ʾd-dîn Xʾāja ʾUbaydullāh quddisallāhu sirruhuʾl-ʾazîz dār in maʾnā nūktä-yi bulānd va kalimä-yi arjumand farmūdayand va ān in āst ki bānamāy mā rā rāh-i rāst yaʾnî bā muḥabbat-i zātī-yi xōd muşarraf dār tā az iltifāt bā xōd va ğayr az tū āzād ġaştā bā tamāmî giriftār-i tū ġārdîm juz tū nadānîm va juz tū nabînîm va yā ānki bānamāy mā rā rāh-i rāst yaʾnî ān rāhî-ki ḥazrat-i tūrāst bā nisbat-i hār mavjūdî-ki ān mavjūd bî ān paydāyî nadārad va baġāyat-i kāmāl-i xōd bî ān namîrasad tā dār hamā-yi aḥvāl juz tū nabînîm va az tavajjuh bā ğayr-i tū āzād ġārdîm
(7) رِاطٌ ذِينَ ʾam körgüz bizlārgä alarniň yolini-kim öz fazlıñ bilä ʾam qılıpsen alarğa nubuvvat va risālat va vilāyat va şiddiqiyyat va şahādat va şalāhiyyat neʾmatī bilä yā alarniň yolī-kim qurb ahlīdurlar va zāhir neʾmatiniň kāmālī bilä-kim şarīʾat qabūlidur va bāṭin neʾmatiniň jamālī bilä-kim ḥaqīqat asrārīġa muṭṭalīʾdür alarni ʾazîz va mukārrām	(7) رِاطٌ ذِينَ bānamāy bā mā rāh-i ānān-ki bā fazl-i xōd ʾam kardī bār işān bā niʾmat-i nubuvvat va risālat va vilāyat va şiddiqiyyat va şahādat va şalāhiyyat yā rāh-i ān-ki ahl-i qurband va bā kāmāl-i niʾmat-i zāhir-ki qabūl-i şarīʾat āst va bā jamāl-i niʾmat-i bāṭin-ki itlāʾ bā daġāyiq-i asrār-i ḥaqīqat āst işān rā muʾazzaz va

<p>qılıpsen يُرْمَى مَعْضُوبًا إِلَيْهِمْ ne ul kişilärniñ yolı-kim gâzab qılıpsen alarğa ya' nî mavjüddin burun seniñ gâzabıñniñ mu' arriziğa kiripdürlär va ul sabab bilä-kim küfrgä ayaq qoyuqturlar yâ juhüdlarniñ yolı-kim tamarrud sababı bilä mu' ânada va mukâbara va payğambarlar öltürmäkdä va kitâblarnı tağyîrdä alarğa gâzab etipsen وَاللَّذَالِّينَ ne azğanlarniñ yolı-kim ya' nî kişilärî-kim vujüddin soñ muxtalif yollar va egri yollarğa tüşüpdürlär yâ tarsälarniñ yolı-kim ifrâṭ vâsiṭasi bilä heç şanıda va tafriṭi ḥabîb şalavâtullâh va salâmuhu 'alayhumâ bâbida azîpdurlar. Āmîn munuñ dek bolsun.</p>	<p>mukarram sâxtä يُرْمَى مَعْضُوبًا إِلَيْهِمْ na rāh-i ān kasānî-ki xaşm giriftayi bār işān ya' nî qabūl az vujūd bā mu' arri-zi gâzab-i tū dār āmadand bādān sabab bār kufri iqdām namūdā va yā rāh-i juhūdān-ki bā sabab-i tamarrud dār mu' ânida va mukâbara va qatl-i anbiyā' taḥrîf-i kutub bār işān xaşm girifta وَاللَّذَالِّينَ na rāh-i gumrāhān ya' nî kasānî-ki ba'd az vujūd dār turuq-i muxtalifā va sabîl-i munḥarifa uftādayānd yā rāh-i tarsāyān-ki bā vâsita-yi ifrâṭ dār şān masîḥ va tafriṭ dār bāb-i ḥabîb-i mā şalavâtullâh va salâmuhu 'alayhumâ gumrāh gaşṭayand. Āmîn çenîn bād.</p>
---	--

Атоқли отларнинг солиштирмаси

Асар тафсир хусусиятига эга бўлгани боис матнда бир қанча асарларнинг номлари манбаа сифатида қайд қилиб ўтилган. Матндаги асар ва киши отлари билан бир қаторда, этнонимлар, топонимлар ҳам форсий «Мавоҳиби алийя» ва туркий таржимасида бир хил тартибда келган. Бу ҳам асарнинг форс тилида ёзилган «Мавоҳиби алийя» тафсирининг таржимаси эканини тасдиқлайди.

<p><i>Kāşfu'l-asrār</i>da aytıpdur-kim: “Raḥmat ‘aşılār üçündür va rizvān muṭı’lār üçün va jannat barça mo’min üçün. (Тавба сураси 22- оят)</p>	<p>Dār <i>Kāşfu'l-āsrār</i> farmūdā-ki raḥmāt bārāyi ‘aşıyān āst va rizvān bārāyi muṭı’yān va jānnāt bārāyi kāfā-yi mu’minān. (Тавба сураси 22- оят)</p>
<p><i>‘Aynu’l-mā’ānī</i>dā aytıpdurlar-kim avliyā jamā’atıdurlar-kim alarniñ liqāsı Xudāy yād qılmaq müjibi bolur. Va <i>Baḥru’l-ḥaqāyiq</i>da keltürüptür-kim murād avliyāullahdın alardurlar-kim öz nāfläriniñ duşmanları bolğaylar. (Юнус сураси 62- оят.)</p>	<p>Dār <i>‘Aynu’l-mā’ānī</i> farmūdā-ki avliyā’ jamā’atı-ānd-ki liqā-yi işān müjib-i yād kārđān-i Xudā bāşad. Va dār <i>Baḥru’l-ḥaqāyiq</i> āvārdā-ki murād āz avliyāullah ānand-ki a’đā-yi nufūs-i xōd bāşand. (Юнус сураси 62- оят.)</p>
<p><i>Şāhibi Kāşşāf</i> keltürüptür-kim mustaqar ḥayvānlarniñ turar yeridür, yer va su va havādın mustavda’ alarniñ qarār yeri istiqrārdın burun şulb va raḥm va qursağ va yumurtqa dek. (Худ сураси 6- оят.)</p>	<p><i>Şāhibi Kāşşāf</i> āvārdā-ki mustaqar māsķān-i ḥayvānān āst, az zāmın va āb u havā va mustavda’ mavzi’ qarāri işān qabl az istiqrār çün şulb va raḥm va bāyza. (Худ сураси 6- оят)</p>
<p><i>Şayx Abū ‘Abdurraḥman Sulamiy, Abū ‘Alī Jūrjāniy</i> qaddasallāhu rūḥahumādın naql qılur-kim āğār şukr qılşañızlar Islām</p>	<p><i>Şayx Abū ‘Abdurraḥman Sulamiy, az Abū ‘Alī Jūrjāniy</i> qaddasallāhu rūḥahumā naql mīkunād-ki āğār şukr</p>

ne'matiğa artuq qılurmen anı îmân bilä. (Иброҳим сураси 7- оят.)	mîkunîd bär ne'mäti Islâm ziyäd kunäm ân-râ bâ îmân. (Иброҳим сураси 7- оят.)
- ERAYDIN, S. (2011), *Tasavvuf ve Tarikatlar*, MİFAV Yay., 9. Bas., İstanbul.
- ERDOĞAN, K. (2008), *Niyâzî-i Misrî Divânî*, Akçağ Yay., Ankara.
- es- SÜHREVERDÎ, Ş. Ö. (1990), *Avârifu'l-Maarif*, (Çev. H. Kamil Yılmaz-İrfan Gündüz), Vefa Yay., İstanbul.
- es- SÜHREVERDÎ, Ş. Ö. (2010), *Avârifu'l-Maarif*, (Çev. Abdülvehhab Öztürk), Saadet Yay., İstanbul.
- GAZÂLÎ, (1992), *İhyâu Ulûmi'ddîn*, (Çev. Ahmet Serdaroğlu), Bedir Yay., İstanbul.
- GÖLPINARLI, A. (1970), Halvetiyye, *Türk Ansiklopedisi*, C. 18, Milli Eğitim Yay., Ankara, 1970, ss. 420-423.
- GÖLPINARLI, A. (1983), *Mevlana'dan Sonra Mevlevîlik*, İstanbul.
- GÜNDOĞDU, C. (2000), *Bir Türk Mutasavvifi Abdülmecîd Sivâsî*, Kültür Bakanlığı Yay., Ankara.
- Kur'ân-i Kerîm ve Açıklamalı Meâli*, (2012), TDV Yay., Ankara
- KUŞEYRÎ, A. (1991), *Kuşeyrî Risâlesi*, (haz. Süleyman Uludağ), Dergâh Yay., İstanbul.
- KUŞEYRÎ, A. (1980), *Kuşeyrî Risâlesi*, (çev Ali Arslan), Haşmet Yay., İstanbul.
- ÖZELSEL, M.M. (2002), *Halvette Kirk Gün*, Kaknüs Yay., 8. Bas., İstanbul.

ÖZTÜRK, Y.N. (1989), *Kur'an-i Kerîm ve Sünnete Göre Tasavvuf*, MİFAV., 3. Bas., İstanbul.

SAMİ, Ş. (1996), *Kâmûs-i Türkî*, Çağrı Yay., 7. Bas., İstanbul.

TANMAN, B. (1997), Halvethâne, TDVİA., C. 15, ss. 388-393.

TATÇI, M. (2012), *Ömer Fuâdî Halvetî Divânçe-i İlâhiyât*, Şeyh Sabân-i Velî Kültür ve Sanat Derneği Yay., Ankara.

_____ (2004), *Ünsî Hasan Şa'bânî Divân-i İlâhiyât*, Sahaflar Kitap Sarayı Yay., İstanbul.

_____ (2004), *Üsküdarlı Muhammed Nasûhî ve Divânî*, Kaknüs Yay., İstanbul.

_____ (2003), *Üsküdarlı Mustafâ Manevî Divânçe-i İlâhiyât*, Kaknüs Yay., İstanbul.

_____ (2005), *Büyükçekmeceli Nesîmî-zâde Şeyh Mustafâ İbretî ve Divân-i İlâhiyât*, Sahaflar Kitap Yay., İstanbul.

TAVUKÇU, O. K. (2005), *Dede Ömer Rûşenî ,Hayatî, Eserleri, Edebî Kişiliği ve Divânî'nin Tenkitli Metni*, Erzurum.

TOPARLI, R. (1984), *Şemseddin Sivâsî Divânî*, Gurbet Yay., Sivas.

TOSUN, N. (2010), *Zikir ve Tefekkür*, Hâcegân Yay., İstanbul.

TÜRER, O. (2011), *Ana Hatlariyla Tasavvuf Tarihi*, Ataç Yay., İstanbul.

ULUDAĞ, S. (1997), Halvet, TDVİA., C. 15, ss. 386-387.

YILMAZ, H. K. (1994), *Ana Hatlariyla Tasavvuf ve Tarikatlar*, Ensar Yay., İstanbul.

_____ (1980), *Azîz Mahmûd Hüdâyî ve Celvetiyye Tarikatî*, MİFAV Yay., İstanbul.

JOMIY “BAHORISTON” INING MA’RIFIY AHAMMIYATI
CAMI’NIN *BAHARİSTAN* ADLI ESERİNİN EĞİTİCİ DEĞERİ ÜZERİNE

Farruh Kulsahatov

Ali Şir Nevai adlı Taşkent devlet

Özbek Dili ve Edebiyatı Üniversitesi öğrencisi

Qulsaxatov Farrux

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU

401-guruh talabasi

Annotatsiya. Maqolada buyuk shoir va mutafakkir, o‘z davrining eng este‘dodli yozuvchisi Abdurahmon Jomiyning “Bahoriston” asari tahlilga tortilgan asardagi “Ravza”larmazmun-mohiyati xususida mulohazalar bildirilgan. Jomiyning axloq-odob, ta’lim-tarbiyaga oid so‘zlari hikoyatlar tahlili orqali o‘rganilgan. Natijada, Jomiy ma’rifiy, ma’naviy qarashlari xususida muayyan xulosalarga kelingan.

Kalit so‘zlar: Ravza (jannat), devon, mahram (do‘st), hikoyat, tanbeh, darvesh, ilm-irfon, ustod, avliyo.

Abstract. The article analyzes the works of the great poet and thinker Abdurahman Jami of his time "Bahoriston". Commentary on the content and significance of the speeches. The moral character of the jâmî was studied by the analysis of stories. As a result, some of the conclusions concerning the spiritual, moral and spiritual aspects of the Jumu'ah were made.

Key Words: raven, devon, mahram, friendship, story, correction, dervish, wisdom, master, saint.

Butun dunyo xalqlari tan olayotgan O'zbekiston davlati asrlar davomida ilm-fan, madaniyat, ma'rifat rivojlangan qadimiy yurtlardan sanaladi. Bu zamin o'z bag'riga minglab buyuklarni ulg'aytirgan ularning Sharq tamadduni tarixiga hissa sababchi bo'lgan. Temuriylar sulolasi davrida Samarqand va Hirot shaharlari ilm-fan va adabiyotning muhim uchoqlariga aylanishgan. Buyuk ajdodlarimizning bizgacha yetib kelgan nodir meroslari bundan dalolat beradi. Masalan, Hofizi Abro'ning "Zubdat-ut tavorix", Sharofiddin Ali Yazdiyning "Zafarnoma", Abdurazzoq Samarqandiyning "Matlai-us-sa'dayn", va "Majmai-ul-bahrayn", Mirxondning "Ravzat-us-safo", Hofiz Tanishning "Sharafnamai shohiy" kabi tarixiy, ilmiy-adabiy asarlari shular jumlasidandir. Buyuk mutafakkir Alisher Navoiy hamda uning do'sti, ustoz Abdurahmon Jomiyning hayoti va ijodi abadiy keljak avlod uchun dastur-ul-ulamol bo'lib xizmat qiladi.

XV asrning ikkinchi yarmi, XVI asrning boshlarida Huroson muzofotining bag'rida shakllangan. Hirot adabiy muhitining yirik vakili, ma'naviy hayot ilm-fan rahnamosi Abdurahmon Jomiy ijodiy merosini o'rganish, asarlarining mazmun mohiyatini anglab yetish dolzarb vazifalaridan biridir. Abdurahmon Jomiy 1414-yil 7-noyabr kuni Hirot yaqinidagi Jom viloyatining Hargart qishlog'ida tavallud topgan. U o'qish va yozishni hamda arab tili saboqlarini otasi Nizomiddin Ahmaddan o'rgandi. So'ng Hirotidagi Nizomiya madrasasi hamda Samarqandda o'z o'qishini davom etadi. Umrining asosiy qismini Jomiy Hirotida Husayn Boyqaro homiyligi ostida o'tkazdi. Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma"

Asarida berilgan dalillarga ko'ra Hirot shahrida yashab ijod qilgan shoir, olim, tarixchi, rassom, xattot, me'morlar Alisher Navoiy va Abdurahmon Jomiy atrofida jamlanishar edi. Faqat shoir va yozuvchilar emas, balki musiqachi va qo'shiqchilar xattot va ullomolar o'zlarini Jomiyning sgogirti deb hisoblashardi. XV asrda yaratilgan aksariyat adabiy asarlar Jomiyga bag'ishlangan yoki uning ijodi tasirida yaratilgan edi. Movaraunnahr,

Ozarbayjon, Hindiston, Iroq, Kichik Osiyo, Arabistondan ko'psonli yozuvchi va shoirlar uning oldiga kelishardi hamda u bilan doimiy ravishda o'zaro xat yozishib turishgan. Uning 337 ta yozgan xati saqlangan. Ularda Jomiy shahar obodonlashtirilishi, yo'llar qurilishi, madaniyat arboblari, oddiy xalq hayotini yaxshilash, soliqlarni kamaytirish bo'yicha maslahatlar bergan.

Bizgacha Abdurahmon Jomiydan 40 dan ortiq ilmiy adabiy asarlar yetib kelgan. Shuni takidlashimiz kerakki, Jomiy birinchi o'rinda shoir va yozuvchi sifatida shuhrat qozongan. Undan bizgacha uchta shery devoni, yettita dostonidan iborat "Haft avrang", "Bahoriston" didaktik asari hamda "Arbain yoki Chihil hadis" nomli hadislar to'plami yetib kelganki, ularning har biri katta estetik ahamiyatga ega.

Abdurahmon Jomiyning adabiy ijodida g'azalnavislik asosiy o'rin egallaydi. Masalan, birinchi devoni "Fotihat ush-shubob" da 1016 ta g'azal, ikkinchi devoni "Vositat ul-iqd" da 493 ta g'azal, uchinchi devoni "Xotimat ul-hayot" da 296 ta g'azal mavjud bo'lib, ularning umumiy miqdori 1805 taga tengdir. Shoir devonlarida 53 ta qasida bo'lib, ular asosan falsafiy, tarbiyaviy harakterga ega bo'lgan. Masalan, tarbiyaviy-axloqiy masalalarga qaratilgan "Lujjat ul-asror" qasidasida yoshlarni chaqoloqligidan to'g'ri yo'lga yo'naltirilib tarbiyalash zarurligi takidlangan, chunki, shoirming fikricha yoshlar nozik nihol kabitdirlar. Parvarish qilingan nihollar a'lo hosil berganidek, yoshlar ham kamolga yetib, yaxshi va foydali ishlarni amalga oshirishadi:

Shuningdek, Jomiy o'z ijodida ko'p sonli ruboiy, qit'a, tarjiband, tarkibband, murabba fardlarni ham yaratgan. Ular ham o'zining pand-nasihati va tarbiyaviy jihatlari bilan qimmatlidir.

Jomiy she'rlari hayot bo'lgan davridayoq Alisher Navoiy tominidan o'zbek tiliga, kashmirlik shoir Srivari tomonidan sanskrit tiliga tarjima qilingan. Uning asarlari gruzin, ozarboyjon, turkman, o'zbek, hind, arab va Yevropa xalqlari tillariga tarjima qilinib, sevib o'qilib kelinmoqda. Jomiyning "Bahoriston" asari 1487-yil o'g'li Ziyovuddin Yusufga o'qish kitobi sifatida yozilgan. Ma'lumki, "Bahoriston" sakkiz bobga bo'lingan. Asarning har bir bobini

Jomiy "ravza" (bog') deb atagan. Jomiyning "Bahoriston"i o'g'liga saboq darsligi sifatida yozilgan bo'lsa-da, uning qamrov doirasi, o'ziga mujassam qilgan muammolar ko'lami benihoya kengdir. Asar, eng avvalo, axloqiy-tarbiyaviy manba sifatida bebaho.

"Bahoriston"ni "Donolar hikmati haqida" deb nomlangan 2-ravzasidagi hikoyatga e'tiborni qaratsak, buni shohidi bo'lamiz: Hakimlardan biri demishki: Hikmatdan qirq daftar yozdim, ammo undan naf ko'rmadim. Undan qirq kalimasin ixtiyor qildim, ammo na

manfaatuna na foydasini bilmadim. Undan to'rt so'z tanlab oldim va qidirgan narsamni topib ko'ngilga soldim:

Avvali shuki, ayollarga ham erkaklar kabi e'timod qo'yma. Ikkinchisi shuki, boylikka mag'rur bo'lma, boylik qanchalik farovon bo'lmasin uni zamon oxir poymol etadi:

Boylikdan kerilmoq-aqldan nari,

Chunki u o'tkinchi bulut singari.

O'tkinchi bulutda javhar bo'lsa-da,

Subutiga yo'qdir aqlning bovari.

“Bahoriston” ravzasidagi hikoyatlar hajman siqiq bo'lishiga qaramay, ularning mazmuni teran, ta'siri kuchli. Hajmining ixchamligi, mulohaza maydonining ko'lamdorligiga mone'lik qilmaydi:

Iskandar bir bilimdon kishini sharafligini va baland amalidan bekor qilib past bir ishga tayinladi. Bir kuni u Iskandar huzuriga kelganda:

- Qalay, yangi amaling yoqdimi? – deb so'radi shoh.

- Podshoning umrlari uzoq bo'lsin, - dedi ul kishi – odam amali bilan sharafligini emas, amal inson bilan sharafligiga ega bo'ladi. Har bir ishda ham xushtabiatlik, adolat va insof lozim.

Bu gap Iskandarga ma'qul tushdi va uni o'z joyiga qaytardi:

Baland mansab tepasida ham,

Ilm oshirmoq fikrin qil har dam.

Mansab bilan balandmas odam,

Mansab odam bilan muhtaram.

Ko'rinib turibdiki, Jomiy insonni, insoniy munosabatlarni, yaxshilik va ezgulikni kuylaydi. Hayotda insonni pok, irodali, kuchli va mag'rur bo'lishini orzu qiladi. Asar ham

nasriy hikoyat shaklida yozilib, har bir hikoyat qissadan hissa shaklidagi she'rpanlar bilan yakunlangan.

“Bahoriston”dagi yana bir hikoyatga e'tiborni qaratsak: “Podsholarning yaqin kishilari chuqur mulohazali kishilar bo'lishi kerak, hazilkash nadimlar emas.” Chunki ulardan kamol cho'qqisiga ko'tariladilar, bulardan esa pastlik jariga itariladilar.

Donolar labidan to'kukur gavhar,

Kim ko'ksin xazina qilolsa a'lo.

Hikmat g'aznasidir donolar dili,

Undan uzoq tutma o'zingni aslo.

Jomiy ilmga va ilm-fan ahliga yuksak baho berib, kishilarni ilm olishga, olimlarni izzat hurmat qilishga chaqiradi. Kishilarning yaxshi va yomon sifati, xislati va odatini

bir-biriga qarama-qarshi qo'yib, birini yoqlab “chuqur mulohazali hakimlar” kamol cho'qqisoga ko'taradi, desa, ikkinchisini qoralab “hazilkash nadimlar” pastlik jariga itaradi degan fikrni oldinga suradi.

Hikoyatdan anglashinib turibdiki, Jomiy inson va chin insoniylikni madh etar ekan, insonni yaxshi xislatlarini g'oyat baland tutadi va uning yuksak va oliy janob mavqeni, insonni ulug'lovchi, uning ruhiy dunyosini boyituvchi, insonni oliy martabasiga munosib etuvchi omil samimiy tuyg'u, mehr-oqibat degan xulosaga keladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Jomiyning “Bahoriston” asarida berilgan hikoyalar mazmuni ma'naviyatli va komil insonlarni tarbiyashda va yoshlarni adabiyotga bo'lgan qiziqishlarini orttirishda katta ahamiyatga ega sanaladi. Jomiy asarining barcha ravzasi insoniy kamolotga erishuvchi hikoyatlar, hikmatlar bilan boyitilgan. Biz mazkur maqolada faqatgina birinchi ravza hikmatlarini taxlilga tortdik kelajakda qolgan yeti bog' xususida, ayniqsa, ularning mazmun – mohiyati xususida bayon etib boramiz.

Adabiyotlar

1. Jomiy. Bahoriston. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2007.

2. Abdurahmon Jomiy. Saylanma.– Toshkent: Adabiyot va san'at, 1972.
3. Бертельсю Навои ва Жомий. – Москва:Наука, 1965.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ”ДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

“MAHBUBÜ’L-KULUB”DA FOLKLOR BİRİMLERİNİN KULLANIMI

Ахмедова Азиза

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори

институту таянч докторанти

Ahmedova Aziza

Özbek Dili, Edebiyatı ve Folkloru Enstitüsü

Doktora Öğrencisi

Аннотация. Мақолада Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги танбеҳларда қўлланган мақоллар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ёзма адабиёт, танбеҳ, мақол, оддий фольклоризм, лингвопоэтика

Аннотация. В статье проанализированы народные пословицы, использованные в замечаниях Алишера Навои в его книге «Возлюбленный сердце».

Ключевые слова: письменная литература, замечание, пословица, простой фольклоризм, лингвопоэтика.

Resume. The article analyzes people's proverbs used in the remarks of Alisher Navoi in his book "The Beloved of Hearts."

Key words: written literature, remark, proverb, simple folklorism, lingvopoetics.

Ўзбек халқининг жуда бой оғзаки ижоди қадим замонларга бориб тақалади. “Таркий халқлар ўз ёзма адабиётларини вужудга келтирмасдан бурун мазмуни бой, шакли ранг-баранг бўлган оғзаки адабиёт – қўшиқлар, эртақлар дostonлар яратган эдилар” деб айтган эди Ойбек (Ойбек, 1974:167). Халқ оғзаки ижоди ҳар бир давр ёзма адабиётига “қайнар булоқ”, мислсиз, бебаҳо манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳаётини тажриба асосида халқ томонидан яратилган мақол ва маталлардан фойдаланиш ўзбек адабиётини узоқ тарихларга бориб тақалади. Мақолларда халқнинг асрлар давомида шаклланган ҳукмлари, орзу-интилишлари, дунёқарашлари ўз аксини топгандир.

Алишер Навоий деярли барча асарларида халқ оғзаки ижоди аънаналаридан унумли фойдаланиб, бебаҳо дурдоналар яратган. Навоий шеърини халқ оғзаки ижоди аънаналарини ўрганган адабиётшунос олим

М.Ҳакимовнинг маълумотига қараганда улуг мутафаккирнинг шеърий ва насрий, тарихий ва илмий асарларида уч мингдан зиёд халқ мақоли, таъбирлари, ҳикматлари мужассам бўлган. Бу нарса бир томондан, шоирнинг халқ ижоди ва анъаналарини жуда чуқур билишини, иккинчи томондан эса унинг халқ ҳаётига нақадар яқин бўлганлигини кўрсатади.

Н.Маллаев Алишер Навоийнинг “Хамса”сидаги беш дostonни халқ оғзаки ижоди ва ўзидан олдинги ёзган, яратган салафларнинг dostonлари билан қиёслаб, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатади. Бундан ташқари олим “Алишер Навоий ва халқ ижоди” номли монографиясида фольклор муносабатларини алоҳида ўрганган.

Адабиётшунос олим Б.Саримсоқов мақолларни оддий фольклоризмлар дейди (Саримсоқов, 1980:40). Фольклоризм атамаси XIX асрнинг француз фольклоршуноси П. Себийо томонидан таклиф қилинган ва ёзувчилар, танқидчилар ва журналистларнинг халқ оғзаки ижодининг сюжетлари, мотивлари ва қизиқишларини тасвирлаш учун ишлатилган. Ушбу мақоламизда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарига қўлланган оддий фольклоризм – мақолларни таҳлил қиламиз.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг учинчи қисми “Мутафарриқа фавойид ва амсол сураги” (Алишер Навоий, 1998:72) деб номланади. Бу бўлимда одоб ва ахлоқ масалаларига доир тўрт юзга яқин мақол ва ҳикматли сўзлар танбеҳлар шаклида қўлланган бўлиб, адиб улар орқали кишиларга панд-насихат бериб, гўзал инсоний фазилатларни эгаллашга, ёмон иллатлардан тийилишга, илм ўрганишга, яхшиларга ҳамроҳ бўлишга, муҳтожларга ёрдам беришга, халқ ва аллоҳ олдидаги бурч, вазифаларини ҳалол бажаришга даъват этади.

“Маҳбуб ул-қулуб”даги ҳар бир танбеҳ, байт ёки қитъа ҳаётий ҳикмат даражасига кўтарилганки, бу танбеҳлар замирига халқнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси давомида тўпланган мақол ва маталларининг мазмуни сингдирилган.

“Фано аҳлига кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд. Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур ҳоли. Кўп деган кўп янгилур ва кўп еган кўп йиқилур”(Алишер Навоий, 1998:73).

Адибнинг фикрича, халққа кўп гапириш номақбулдир, балки кўп эшитиш яхшидир дейди. Кўп эшитиш халқни фикрлашга ундайди. Шу ўринда “Кўп гапирганнинг хатоси ҳам кўп, кўп еган кўп йиқилади” мақолини қўллайди. Ҳозирда ушбу мақолнинг “Кўп гап эшакка юк”, “Кўп гапиргунча, кўп эшит”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир” каби вариантлари мавжуд.

“Яхши бўл ё ямон, иккиси бўлурмен деган ҳамону ямон ҳамон. Ямон била яхши орасида кўп фарқдур, икки кеманинг учин тутқон фарқдур.” (Алишер Навоий, 1998:122) Айтиш лозимки, Навоий инсонларга фақат яхшилик қилишни, яхши бўлишга чорлайди. Ушбу мақол “яхшига ёндаш, ёмондан қоч”, “яхши билан юрдинг – етдинг муродга, ёмон билан юрдинг –

қолдинг уётга”, “Яхши одам йўлдошидан билинур” каби мақоллар билан муштаракдир.

Халқ мақолларида кўп учрайдиган бадий-тасвирий воситалардан бири истиора (метафора)дир. Ушбу мақол метафора усули билан ясалган.

Алишер Навоий инсонларни илм олишга ундайди, чунки илм етукликка олиб чиқади. “Билмаганни сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамаган ўзига золим. Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур” (Алишер Навоий, 1998:112).

Биламизки, чилғалар келиб ирмоқларга, ирмоқлар келиб ўзанларга бирлашиб дарё ҳосил бўлади. Инсон ҳам аста-секин изланиб, ўрганиб, билим тўплаб борса олим, донишманд бўлади. Аксинча, орланиб сўрамай, ҳамма нарсани биламан деб ўтирса, ўзига душман бўлиб қолади.

Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асаарида халқ мақоллари ва ҳикматларини санъаткорлик билан қўллаган. Бу эса асарни бебаҳо, юксак даражага кўтарган. Мақоллар баъзи ўринларда асл шакли сақланган ҳолда келтирилган бўлса, баъзи ўринларда ҳаммага маълум бўлган халқ ҳикматининг фақат мазмуни сатрлар силсиласига сингдириб юборилган. Бу ҳикматлар замирида инсон ахлоқини тузатишга, илм олишга, камтар бўлишга, яхшилик қилишга, ёмонликдан тийилишга қаратилган хулосалар ётади.

Алишер Навоий танбеҳларининг таъсирчанлигини оширган воситалардан яна бири бу – уларнинг “Қуръон” ҳикматларидан озиқланганлигидир. “Такаббур шайтон иши ва бийиклик нодон иши”, “Одам била шайтон мухолафатин унутма, ота душманинг ўзинга дўст тутма” каби ибратомуз ҳикматларни келтиради.

Демак, Навоий асарларида қўлланган мақоллар маданиятимиз ва маънавиятимизни намоён қилувчи лисоний бирликларнинг лингвопозетик хусусиятларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ойбек. Асарлар. 10 жилдли. 9-жилд. –Тошкент, 1974. –Б. 167.
2. Б.Саримсоқов Фольклоризмлар типологиясига доир // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. –Тошкент, 1980. №4. –Б.40.
3. <https://www.litdic.ru/folklorizm/>.
4. Н.М.Маллаев. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди. –Тошкент, 1974.
5. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукамал асарлар тўплами. 20 томли. 14-том. –Тошкент, 1998.

АДАБИЁТИМИЗ ТАРИХИНИНГ ТАДҚИҚИ ВА ТАРҒИБИ

EDEBİYATIMIZ TARİHİNİN TEDKİKİ VE GÖSTERİSİ

Отабек Жўрабоев,

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат

адабиёт музейи илмий котиби,

филология фанлари номзоди.

Doç. Dr. Atabek Rüstambekoğlu

(Otabek R. Juraboev)

Özbekistan İlimler akademisi Ali Şir Nevai

Devlet Edebiyat müzesi ilmi müdürü

Bildiride A.Kayumov tarafından yayınlanan 10 cilt (12) kitaptan oluşmakta olan ESERLER söz konusudur. Bu yayın A.Kayumov'un çok yıllık ilmi araştırmalarını kapsamaktadır. Genellikle Çağatay (Özbek) edebiyati, ilk Türk yazıtları ve Biruni, İbni Sina, Ali Şir Nevai, Babur gibi yazarlar hakkındaki tedkikleri yer almaktadır. Bunu edebiyat tahninin tedkiki olması ve alim olarak A.Kayumov görüşleri incelenir.

(A.Қаюмов. Асарлар. 10 жилд (12 китоб). -Тошкент: Mumtoz so'z, 2008-2010)

Замонавий ўзбек адабиётшунослиги асосан XX асрда шакланган бўлса-да, ўз ривожланиши босқичлари, анъаналари, тамойиллари ва ўзига хос уникал жиҳатлари билан камол топган. Юз йилдан ортиқ тарихга эга адабиётшунослигимизнинг равнақ топишида эса заҳматқаш адабиётшуносларимизнинг меҳнатлари беқиёс даражада муҳимдир. Ана шундай кўп сонли олимларимиз қаторида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, академик Азизхон Қаюмовнинг номи алоҳида эътироф этмоқ зарур. Узоқ йиллардан буён ўзбек

адабиётшунослигига муносиб ҳисса қўшиб келган олимнинг 12 китобдан иборат ўн жилдлик “Асарлар тўплами” бунинг яққол исботидир. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, нафақат ўзбек балки, дунё адабиётшунослари орасида ҳам бундай кўп жилдлик асарлари босилган олим жуда кам топилади. Бу мажмуани фанимиз ва маърифий ҳаётимизда ўзига хос янгиликдир, дейиш ҳам мумкин.

А.Қаюмов қамрови кенг олим эди. У адабий меросимизнинг кўп асрлик саҳифалари билан ёш авлодни баҳраманд қилишдек эзгу мақсадни ўз олдига қўйгани китоблар саҳифасидан аён бўлади. Албатта, миллий маънавиятимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшган улуғ аллома, шоир ва адибларимиз ҳаёти ҳамда ижодий меросларини ҳар тарафлама жиддий ўрганиш олимдан узоқ йиллик машаққатли меҳнатни талаб қилган.

Асарларда илк туркий ёзма ёдгорликлардан тортиб то XIX асрнинг охиригача бўлган ўзбек адабиётига дахлдор материаллар тадқиқ этилган. Уларнинг ичида Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган жилдлар катта қисмини ташкил этади (тўрт жилд, 1-жилд икки китобдан иборат). Бешинчи жилд – Заҳириддин Муҳаммад Бобур, олтинчи –

XVI аср ўзбек адабиёти ва Ҳувайдо, еттинчи – Қўқон адабий муҳити, саккизинчи – Огаҳий, Комил ва Фурқат, тўққизинчиси ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний ва Абу Али ибн Синога бағишланган бўлса, ўнинчи жилд эса қадимги ёзма ёдгорликлар, Амир Темури ҳақида қиссалар, Шоҳруҳ ва Улуғбек Мирзо, ҳамда Ҳиндистондаги туркий адабиёт ҳақидадир.

Айтиш мумкинки, олим XX аср навоийшунослигида энг сермахсул мутахассислардан биридир. “Асарлар”нинг 1-жилди (икки китоб) улуғ шоирнинг муаззам асари “Хамса” дostonларини ўрганишга бағишланган. Уларда А.Қаюмов “Ҳайрат-ул-аброр талқинлари”, “Фарҳод ва Ширин сирлари”, “Ишқ водийси чечаклари (Лайли ва Мажнун)”, “Етти саёҳатчи” ҳамда “Саддий Искандарий” асарларини киритган. Лекин, “Хамса”ни ўрганишга бағишланган яна бир тадқиқот “Хамса сарлавҳалари” 3-жилддан ўрин олган бўлиб, бу асарлар ҳаммаси яхлит ҳолда буюк мутафаккирнинг муҳташам дostonлари борасида ёрқин тасаввур уйғота олган. Муаллифнинг Навоий лирик мероси (“Ҳазойин-ул-маоний” ва яна аввалги икки девон)нинг тадқиқига бағишлаган асарлари ҳам қизиқарли бўлиб, уларда “Бадойиъ-ул-бидоя”, “Наводир-ун-ниҳоя”, “Бадоеъ-ул-васат”, “Фавойид-ул-кибар” девонларининг таркиби, ғазал ва бошқа жанрдаги асарларнинг бадиияти ва маъно-мазмунлари ҳақида баён қилинган (2-, 3- ва 4-жилдлар). Яна, “Нодир саҳифалар” ва “Бу оҳанг ила бўлғасен нақшбанд” асарлари ҳам кўп жилдлик саҳифаларидан ўрин олган. Тўғри, улар аввал ҳам китоб тарзида нашр этилган ва мутахассисларга таниш. Лекин, бундай асарларни жам ҳолга

келтирилиши адабиётшунос ва тадқиқотчилар учун кўп жиҳатдан фойдалидир.

Домла бошқа асарлари каби бу тадқиқот намуналарида кўпроқ оммавий китобхонни кўзда тутган ҳамда, ўқувчи учун содда ва тушунарли услубни қўллаган. Унинг бундай равон баёни оддий ўқувчини ҳам Навоийнинг ижод оламига осонлик билан киришига ёрдам беради. Масалан, муаллифнинг “Бадоеъ-ул-васат”га бағишланган кузатишлари 3-жилд, 146-192-бетларда ўрин олган бўлиб, девондаги ғазал, таржиъбанд, қитъа, туюқ, луғз, мустаҳзод, мухаммас ва мусаддаслар ҳақида қисқача маълумот ҳамда улардан айрим намуналар таҳлил этилган. Бу борада олим масалага оид илмий фактларни келтирмайди, баҳсли мушоҳадага ҳам чорламайди. Фақат, китобхонни Навоий ижодиёти билан таништиришга интилади, холос. Унингча: *“Гап шеърларнинг қачон ёзилгани эмас, унда қандай ғоя ва фикрлар баён этилганида, уларнинг бадиияти даражасидадир”* (147-бет).

Умуман олганда, А.Қаюмов “Асарлар”ининг дастлабки тўрт жилди билан танишган китобхон Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди тўғрисида яхлит ва лўнда маълумотларга, шоирнинг бадиий ва ғоялар дунёси ҳақида тасаввурга эга бўла олади.

Кейинги жилдлардаги умумий кўриниш, услуб ва баён ҳам аввалгиларга мувофиқ. Шоирлар, айтайлик Бобур, Огаҳий ёки Фурқат қайси бири бўлмасин улар ижоди юзасидан олимнинг илмий кузатишлари ва таҳлиллари ўқувчини толиқтирмайди, ортиқча маълумот юки ташламайди, турли шубҳа-гумонларга ҳам чорламайди.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу асарларнинг барчаси ҳам соф илмий тадқиқот эмас. Улардан бир қанчаси эссе ёки бадиа, ҳаттоки ҳикоя характерида эга асарлардир. Мисол учун, “Алишер Навоий. Машҳур сиймолар ҳаёти” (4-ж., 185-194-бетлар), “Заҳридин Муҳаммад Бобур. Шоир ҳаёти лавҳалари” (5-ж., 206-258-бетлар), “Чимёнли шоир Ҳувайдо” (6-ж., 192-294-бетлар), “Шоир Фурқат” (8-ж., 111-287-бетлар), “Аҳмад Фарғоний”, “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино” (8-ж.) эссе ва биографик қиссалардир. 8-жилддан эса олимнинг “Беруний изидан” номли ҳикояси ҳам ўрин олган бўлиб, унда аллома мероси билан қизиқувчи замонавий ёшлар ҳақида соф бадиий асар яратилган. Яъни, бу ўринларда А.Қаюмовнинг олимлик билан бирга ёзувчилик маҳорати ҳам кўринади. Мисол учун, А.Қаюмовнинг “Шоир Фурқат” номли тарихий эссеси ижодкор ҳақида ёзилган бошқа тадқиқ ва асарлардан анча фарқ қилади. (Мисол учун: А.Абдуғафуров. “Зокиржон Фурқат”. -Т., 1977; Ш.Юсупов. “Фурқат йўлларида”. -Т., 1984.) Унда муаллиф шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлини биографик материаллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилади. Шу билан бир қаторда бадиий тўқима ва лирик

чекинишлар асарни ўзгача тусга киритади, тез ва осон тушунарли бўлишига омил бўлади. Гўёки, А.Қаюмов Фурқатни шоир сифатидаги ўрнига диққат қилади, ҳаётини эса йўл-йўлакай гоҳ биографик, гоҳ тўқима воқеалар орқали ёритиб боради.

Мазкур кўп жилдликда муаллифнинг илк бора китоб ҳолида тақдим этаётган асарлари ҳам бор. Улар – “Навоийнинг Қуш тили достони”, “Гўзалликларнинг бошланиши (Навоийнинг “Бадойиъ-ул-бидоя” девони)”, “Нодирликларнинг тугалланиши (Навоийнинг “Наводир-ун-ниҳоя” девони)” (2-ж.), “Хамса сарлавҳалари”, “Ўрта ёш гўзалликлари (“Бадойиъ-ул-васат” девони)”, “Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўллари” (3-ж.), “Улуғ ёш фойдалари (Навоийнинг “Фавойид-ул-кибар” девони хусусида айрим қайдлар)” (4-ж.), “Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Шоир ҳаёти лавҳалари)” (5-ж.), “Шохрух Мирзо”, “Улуғбек Мирзо”, “XVI аср ҳинд адабий сарманзиллари” (10-ж.). Уларнинг бир қанчаси эса ўн жилдлик учун махсус ёзилган.

Асарлар тўплами жуда муҳим ва яхши тадқиқотлар ҳамда кузатишлардан иборат бўлса-да, унинг айрим жилдлари нуқсон ва камчиликлардан ҳоли эмас. Аввало, деярли ҳар бир жилд саҳифаларида услуб, имло ва тиниш белгиларида хатоларга дуч келинади. Лекин, энг муҳими назаримизда илмий янглишлар ва баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Эслатиш жоизки, муаллиф аввал яратган айрим асарларига танқидий қараб, бир қанча таҳрирлар билан ушбу кўп жилдликка киритган. Бу эса унинг илмий ишга кенг ва холис ёндашувидан далолатдир. Мисол учун, А.Қаюмовнинг 1961 йил докторлик диссертациясига асос бўлган Қўқон адабий муҳити ҳақидаги асари билан “Асарлар” таркибидаги икки китобдан иборат тадқиқот ўртасида анча фарқ бор. Бу нашрда кейин аниқланган янги маълумотлар билан бирга янгича қарашлар ҳам ўз аксини топган.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаш керак, А.Қаюмов кўп жилдлигидаги асарларнинг барчаси ҳам соф илмий тадқиқот эмас. Улардан бир қанчаси эссе ёки бадиа, ҳаттоки ҳикоя характерида эга асарлардир. Мисол учун, “Алишер Навоий. Машҳур сиймолар ҳаёти” (4-ж., 185-194-бетлар), “Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Шоир ҳаёти лавҳалари” (5-ж., 206-258-бетлар), “Чимёнли шоир Ҳувайдо” (6-ж., 192-294-бетлар), “Шоир Фурқат” (8-ж., 111-287-бетлар), “Аҳмад Фарғоний”, “Абу Райҳон Беруний”, “Абу Али ибн Сино” (8-ж.) эссе ва биографик қиссалардир. 8-жилддан эса олимнинг “Беруний изидан” номли ҳикояси ҳам ўрин олган бўлиб, унда аллома мероси билан қизиқувчи замонавий ёшлар ҳақида соф бадиий асар яратилган. Яъни, бу ўринларда А.Қаюмовнинг олимлик билан бирга ёзувчилик маҳорати ҳам кўринади. Мисол учун, унинг “Шоир Фурқат” номли тарихий эссеси ижодкор ҳақида ёзилган бошқа тадқиқ ва асарлардан анча фарқ қилади. Унда муаллиф шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлини биографик материаллар асосида

ёритиб беришга ҳаракат қилади. Шу билан бир қаторда бадиий тўқима ва лирик чекинишлар асарни ўзгача тусга киритади, тез ва осон тушунарли бўлишига омил бўлади. Гўёки, А.Қаюмов Фурқатни шоир сифатидаги ўрнига диққат қилади, ҳаётини эса йўл-йўлакай гоҳ биографик, гоҳ тўқима воқеалар орқали ёритиб боради. Бироқ, шоир ҳақидаги «Шеърят жилолари» (1997) тадқиқот эса олимнинг фурқатшуносликка қўшган муҳим натижалардан бири бўлган эди.

Умуман айтганда, академик А.Қаюмовнинг нашр этилган жами китоб, рисола ва мақолаларининг адади 500 дан ортиқ. Устоз олим илмий кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам самарали ишлаган. Бир неча йил Қўлёзмалар институти қошидаги ихтисослашган кенгашга раислик қилиб, жуда кўплаб муносиб тадқиқот ва олимларнинг кашф этилишига сабаб бўлди. Ўзи ҳам ўндан зиёд номзодлик ва докторлик ишларига раҳбарлик қилган.

Шунингдек, Азизхон домла истеъдодли шоир ҳамдир. Унинг “Азизий” таҳаллуси билан ёзилган кўплаб шеърлари, жумладан Навоий ғазаларига қилинган ўнлаб мухаммаслари эътирофга сазовордир (Навоийга таъзим. 1 ва иккинчи китоблар, 2003-2005).

Устознинг ажойиб ва ибратли хислатларидан яна бири устозларга доимо садоқатидир. У кишининг қаламига мансуб “Академик Ғафур Ғулом”, “Академик Ойбек”, “Академик В.Зоҳидов” ва яна ХХ асрда ном қозонган бир қатор таниқли олимлар ҳақидаги хотира-рисолалари ҳам жамоатчилик эътиборига тушган.

Маълум бўладики, устоз олим ўз илмий ва ижодий изланишини узлуксиз, муттасил равишда давом эттириб келган. Бунинг исботи бўлган ушбу асарлар тўпламида, нафақат адабиётшунослик, балки тарих ва фалсафа нуқтаи назаридан қимматли бўлган тадқиқотлар ўрин олган, дейиш мумкин.

YESEVİLİK GELENEĞİNİ YANSITAN YENİ BİR ESER:

“RİSÂLE-İ SULTÂN HOCA AHMED YESEVÎ”

Nadirhan Hasan¹⁹²

Son yıllarda Hoca Ahmed Yesevî'nin hayatı ve görüşleri hakkında birçok araştırmalar yapıldı. Buna rağmen hâlâ kütüphanelerimizde Hoca Ahmed Yesevî ve Yesevilik kültürüyle ilgili henüz araştırılmayan birçok eserler bulunmaktadır. Bizce bu eserlerden biri “Risâle-i Sultân Hoca Ahmed Yesevî”dir. Burada biz bu eseri tanıtmaya çalışacağız.

Özbekistan İlimler Akademisi, Birunî Şarkiyat Enstitüsü kütüphânesinde bulunan bu yazma eser hicrî 1253/milâdî 1837 yılında kâtip Ganı Hoca Hayrullah Hoca tarafından nastalîk hattıyla istinsah edilmiştir¹⁹³. Eserin bulunduğu 324 varaklı büyük mecmuada Seyyid Şerif Hüseyinî, Muhammed Musa Dehbidî, Molla Abdurrahman Câmî, Ahmed Gazalî, Muhammed Emin Zâhid ve diğer mutasavvıf yazarların Tasavvuf ve Tarikat kültürüyle ilgili ondan fazla eseri bulunmaktadır. Bunlar:

1. Seyyid Şerif Hüseyinî. “Müteferrikât-ı muntahebe” (Hâce Übeydullah Ahrar'ın makamâtı);
2. “Nefehatül-üns”ten bir parça;
3. “Lâm'at-u lâmiâ”;
4. Muhammed Musa Dehbidî'nin “Zübdetül-hakâyık” (Hâce Übeydullah makamâtı),
5. “Nevâdirul-meârif”;
6. “Risâle-i zikriyye”;
7. “Tarikat-ı müceddidiyye”;
8. “Tarikat-ı Hâcegân”;
9. İmam Muhammed Emin Zâhid'in “Tuhfetül-ahyâr”;
10. İmam Ahmad Gazalî'nin “Der şerh-ı erbâin”;

¹⁹² Prof. Dr., Karabük Üniversitesi Edebiyat Fakültesi. nkhasanov@karabuk.edu.tr

¹⁹³ Özbekistan İlimler Akademisi, Birunî Şarkiyat Enstitüsü kütüphânesi, nr: 3808, v. 312-316.

11. “Risâle der beyân-ı makamât-ı ışk ve hâlât-ı âşik”;
12. “Risâle-i kalenderî ve sûret-ı dervîşî”;
13. “Risâle der beyân-ı sûret-i fakîr”;
14. “Risâle der beyân-ı kâide-i târik” gibi eserlerdir.

“*Haza Risâlet-u Sultan Hoca Ahmed Yesevî*” başlığıyla başlayan ve Farsçada te’lif edilen bu eserde Tarikat âdâbı, pir-mürît ilişkileri, dervîşlik, Allah’ı tanıma ve ilâhî aşk gibi Tasavvufun mühim meselelerine değinilmiştir. Girişte kutb ul-aktab ve burhan-ul hakikat hazret-ı Hoca Ahmed Yesevî bu risâlesinde Hak yolcularının bâtın gözlerinin açılması için tâliplere birkaç tasavvufî âdâplar öğretmektedir. Bunlar Tarikat hükümleri, Tarikat rükünleri, Tarikat vacipleri, Tarikat sünnetleri, Tarikat müstehapları, Tarikat âdâbı gibilerdir ki bunların her biri altışar bölüme ayrılarak tahlil edilmiştir:

1. Tarikat hükümleri,
2. Tarikat rükünleri,
3. Tarikat vacipleri,
4. Tarikat sünnetleri,
5. Tarikat müstehapları ve
6. Tarikat âdâbıdır ki bunların her biri altıya ayrılmıştır (313 a-b).

Bununla birlikte didaktik ruh üstün olan bu eserde yer-yer Kuran-ı kerim ayetleri, Hazret-ı Peygamber’in hadis-i şerifleri, pir-üstatlara saygı ve anne rızası hakkında şiirlerden numuneler verilmiştir.

Bilindiği üzere, kaynak eserleri biri-biriyle karşılaştırarak incelemek her zaman olumlu neticeler vermiştir. Ona göre biz de mezkûr risâleyi Yesevîliğe ait diğer eserler – Hoca Ahmed Yesevî’ye isnad edilen “Fakrnâme” ve XVI yy. Yesevî müelliflerinden Hazini’nin “Cevâhirul-ebrâr min evvac il-bihar” adlı eseriyle mukayese ettik. Neticede onların arasında çok yakın benzerliklerin olduğu ortaya çıktı. Meselâ, tarikat âdâbı konusunu ele alalım. “Fakrnâme”de Hz. Peygamber a.s., Hz. Ali ve Hz. Şihabuddin¹⁹⁴ gibi zatlardan rivâyet edilen fakirlik ve dervîşliğin kırk

¹⁹⁴ Şihabuddin Sühreverdî veya Şihabuddin İsficâbî (Siğnâkî ve Âlim Şeyh’in eserlerinde Ahmed Yesevî’nin bu zatlardan eğitim aldığı bildirilmiştir)

makamı hakkında bahsedilmiştir¹⁹⁵. “Cevâhirul-ebrâr”da yetmiş ilim ve vuslata ermek için kırk dört makama ermek gerektiği, bu makamları tahsil etmeden şeyhlik iddia eden kimse evliyaullah nezdinde düşman olarak kabul edildiği, mahşerde bu gibi kimseler yüzü kara olarak dirileceğine dair Ahmed Yesevî’den nakiller yapılmıştır¹⁹⁶. Ahmed Yesevî risâlesinde de dervişliğin mezkûr kırk makamından kâmil şeyhın vâkıf olması şart olarak telakki edilmiştir (313 b). “Divân-ı Hikmet”ten yer alan aşağıdaki dörtlük ise bu fikirlerin Ahmed Yesevî’ye ait olduğunu gösteriyor:

Lâhût ara mürid eğer makam tutsa,
Dervişlikte kırk dört makam andın ötse,
Şeyhmen teyü dünya koyup otını yutsa,
Bî-meşakket tapmaz îmân helâvetin.

"Fakr-nâme"da fakrın altı âdâbı, “Cevâhirul-ebrâr”da ise Yesevîliğin altı âdâbı Ahmed Yesevî dilinden tefsilatlı şekilde beyan edilmiştir. Örneğin, Hazînî şöyle yazıyor:

<p><u>Hazînî’de Tarikat şehristânının altı ahkâmı:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Mârifet-ı Hak, 2. Sehavât-ı mutlak, 3. Sıdk-ı hâkikî, 4. Yakın-ı mustağrak, 5. Tevekkul-ı rızk-ı muallak (rızka tevekkül), 6. Tefekkür-ı müdakkak. <p><u>Şeyhlik ve müktedâlık erkânı altı:</u></p>	<p><u>“Risâle-i Sultân Hoca Ahmed Yesevî”de aynen:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Marifet, 2. Sehavet, 3. Sıdk, 4. Yakın, 5. Tevekkül, 6. Tefekkür; <p><u>İkinci bölüm: Tarikat erkânı:</u></p>
--	--

¹⁹⁵ Ahmed-ı Yesevî. Divân-ı Hikmet. Taşkent, 1992, s.11.

¹⁹⁶ Hazînî. Cevâhirul-ebrâr min emvacil bihâr, İstanbul Üniversitesi ktp., TY, nr 3893. 55 a-b. Bundan sonra ıktıbas alınan varak rakamı parantez içinde gösterilecektir.

<p>1. İlm-ı din-ı yakın, 2. Hilm-ı mubin-ı Matîn, 3. Sabr-ı Cemil, 4. Rızay-ı Celil, 5. İhlas-ı Halil, 6. Kurb-ı Cezil (kâmil olan Allah'a yakınlık)</p> <p style="text-align: center;"><u>Tarikat vacibâtı altı:</u></p> <p>1. Taleb-ı sahibkemâl ve takarrub-ı zul-Celâl, 2. Şevk-ı visâl-ı lâ Yazel, 3. Havf-ı Mâlik-ı bîzevâl, 4. Her hâl-u kârda recâ-ümitdâr olmak, 5. Devâmlı zikir, 6. Fikr-ı tevessul-ı Hayy-ı müteâl.</p> <p style="text-align: center;"><u>Tarikatın sünnetleri altı:</u></p> <p>1. Cemaatle namaz kılmak, 2. Seherlerde uyanık olmak, 3. Devamlı abdestli olmak, 4. Huzur-ı billah ıl-kerim, 5. Tâzimle zikrullah etmek, 6. Sulehâ, ürefâ ve muktedâlara itaat ve onları duâ etmek.</p> <p style="text-align: center;"><u>Tarikat müstehapları altı:</u></p> <p>1. Misafiri gönül hoşnutluğuyla karşılamak, 2. İmkân kadar iyi ağırlamak, 3. Misafiri ganimet bilmek, 4. Misafiri kırk adıma kadar uzatmak,</p>	<p>1. İlim, 2. Hilm, 3. Sabır, 4. Rıza, 5. İhlas, 6. Kurb;</p> <p style="text-align: center;"><u>Üçüncü bölüm: Tarikat vacipleri:</u></p> <p>1. Talep, 2. Şevk, 3. Havf, 4. Reça, 5. Zikir, 6. Fikir;</p> <p style="text-align: center;"><u>Dördüncü bölüm: Tarikat sünnetleri:</u></p> <p>1. Cemaatle namaz kılmak, 2. Sabah erken kalkma, 3. Devamlı abdestli olmak, 4. Temizliğe dikkat, 5. Zikri tazimle icra etmek, 6. Enbiya-evliya, hükümdar, anne-baba, pir-hoca, çocukları için beş vakit namazda dua etmek;</p> <p style="text-align: center;"><u>Beşinci bölüm: Tarikat müstehapları:</u></p> <p>1. Misafire iyi davranmak, 2. Misafire yemek ikram etmek, 3. Misafiri ganimet bilmek, 4. Misafiri hoşnutlukla gözetmek, uğurlamak, 5. Misafirin ihtiyacını gidermek,</p>
--	---

<p>5. Misafırın isteđini kırmamak, bilakis dediđini hazırlamak,</p> <p>6. Ahmed Yesevî'ye ve şeyhine dua etmek.</p> <p style="text-align: center;"><u>Tarikat adabı altı:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Diz üstü tevazu ve edeple oturmak, 2. Diđer insanlardan kendisini alçak tutmak, 3. Her kişiyi kendinden efdal bilmek, 4. Cümle şeyh ve pırleri aziz-u evliya bilmek ve huzurlarında süsmek, 5. Meşayihın meclisinde izinsiz konuşmamak, 6. Şeyhin velayet sırlarını ifşâ etmemek ve keramet rümüzlerini muhafaza etmek (65b-66b). 	<p>6. Müminlere hizmette kusur etmemek;</p> <p style="text-align: center;"><u>Altıncı bölüm: Tarikat adabı:</u></p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Pir hizmetinde adapla diz üstünde oturmak; 2. Kendisini herkesten alçak bilmek; 3. (Pir) hizmetinde (ondan) önce konuşmamak; 4. Büyükler hizmetinde başkalarla konuşarak meşğul olmamak; 5. Pirin izni olmadan konuşmamak; 6. Pir, hoca gibilerin saygısını can u gönülle yerine getirmek, onların izniyle iş yapmak, onların hizmetini anne baba hizmetinden önceye koymak. (313 a).
--	--

Hoca Ahmed Yesevi risalesi ve "Cevahir ul-ebrar" arasında tarikat adabı hususunda cüzi fark var, Hazini eserinde 6.bölümün 6.kısımında şeyhin velilik sırrı ve keramet rümüzlerini gerçek inançla muhafaza etmek adabı olarak belirtilmiş ise, Ahmed Yesevi risalesinde hocalara gönülden saygı göstermek, onların izniyle iş yapmak, onlara hizmeti anne babadan önceye almak tavsiye edilmiştir.

Bilindiđi üzere tasavvufta sâliklerden tarikatın bazı kurallarına uymaları talep edilmektedir. Mesela, Hazini'nin Hoca Ahmed Yesevi'den naklettiđine göre muhakkikler ve mudakkikler nezdinde bu kırk dört muteber makamı esas edinen tâlip ve sâlikler gayretle aşıđıdaki sekiz makama ulaşmak için çaba göstermeleri gerekir.

1. Tövbekârlar makamı: Riyazet ve Mücahede...

2. Âlimler makamı: Tevazu, Tazarru, Teveccuh ve beş hazaratı talep etmek¹⁹⁷.
3. Zahidler makamı: Rikkat, Dikkat, Muhabbet ve Şefkat.
4. Sabirler makamı: Tehemmül, Derin mülâhaza ve Tevekkül.
5. Raziler makamı: Memnunluk, İrtibat ve (halkla) celvet.
6. Şakirler makamı: Tevhid, Temcid ve Tahmid.
7. Muhibler makamı: devamlı İrade, Evrad, Ezkar ve İstiğfarla meşgul olmak.
8. Arifler makamı: gündüzleri saim, geceleri kaim ve daimî murakabe mertebesi (57a-b).

Ahmed Yesevi risalesinde Pir-i Türkistan şöyle demektedir: Öyle bir şeyhe iradet etmek gerekir ki, şeyh 44 makamdan haberdar olması şart. Eğer bunlardan haberi yoksa dervişliğin 22 makamını bilmesi lazım. Eğer bunlardan da vakıf değilse dervişliğin şu sekiz makamından âgâh olması zaruridir. Bu 8 makamdan 8 harf oluşur: Elif, Be, Te, Sin, Sad, Fe, Kaf, Ra. Bil ki:

1. Elif–doğruluktur. Derviş elif gibi dos-doğru olacaktır;
2. Be–beşaretli (müjdeci) olacak;
3. Te–terk-i dünya edecek;
4. Se – seyr-ı sulûkte olacak;
5. Sad – sabırlı olacak;
6. Fe – Fake (muhtaç) olacak;
7. Kaf – kanaatkar olacak;
8. Ra – derviş devamlı riyazet içinde olacak” (313 b).

Malumunuz, “*Fakirlik fahrimdir*” hadis-ı şerifinden yola çıkan mutasavvıflar Fakr makamını tasavvufun esası diye bilmişlerdir. Şihabuddin Sühreverdi’nin “Fakr tasavvufi mertebelere erişme yoludur”¹⁹⁸ sözü de bunu tasdik etmektedir. Zira, fakrın kendine has birtakım zorlukları var, Hazini eserinde bunları Ahmed Yesevi dilinden şöyle beyan etmiştir: “Fakr yolculuğunda batın âlemi ve gayb diyarına ait 6 yol olup, 18.000 alem bu altı yolun başında hayran ve muztardır. Sâlikler bu yollardan geçmeleri şarttır. Salik batın âlemi ve gayb diyarında 360

¹⁹⁷ Hazarat-ı hamse, varlığın beş ana kategorisi (bakınız: S.Uludağ. Tasavvuf terimleri sözlüğü. İstanbul, 1996, S. 232)

¹⁹⁸ Şihabüddin-i Sühreverdi. Âvarif ul-maarif. S. 67. İstanbul, 1993.

deryanın dalgası ve yağmurlara uğrar. 44 berzah ve perdeler aşılır. Her berzah ve perde altından ve zühüründen 44 yol çıkar... Fakr u fena çölünün bu menzillerinden kılavuzsuz asla geçilmez". (59 a-b).

Ahmed Yesevi risalesi düzen itibarıyla "Fakr-name"yi hatırlatır. Çünkü "Fakr-name"deki fakrın 6 adabı Ahmed Yesevi risalesindeki altıncı bölüm adaplarına çok benzer: "Ey derviş, fakrın 6 adabı vardır:

1. İyi-kötü sözlere sukut etmek,
2. Pir önünde hamuş (sâkin) durmak,
3. Pirin icazeti olmadan konuşmamak,
4. İnsanlarla kavga etmemek,
5. Gerçek âlime hizmet etmek,
6. Nefsini terbiye edip heva-hevesini terk eylemek.

Fakr'dın daha da pâk şey yoktur!" (s.17).

Demek, Ahmed Yesevi'ye göre fakr mertebesi makam-ı âlâ olup, herkes ona erişemez. Zira, bu makam uzun yıllar sürülen riyazet ve mücahede ile erişilecek yüksek bir makamdır.

Bu mukayeselerden de belli oluyor ki, Ahmed Yesevi risalesi hacmen küçük olmasına rağmen Yesevilik araştırmalarında önemli yere sahiptir. Çünkü:

1. Risalenin bir takım meşhur tasavvufi eserlerle beraber bir ciltte yer almasını eserin bir fazileti diyebiliriz, çünkü Ahmed Yesevi risalesini bu eserlerle bağlayan hususlar var. Mesela, onlarda Ahmed Yesevi'nin mübarek ismiyle beraber Hoca Yusuf Hemedanî, Abdullah Berrakî, Hasan Endakî, Hoca Abdulhalik Gicduvanî, Necmeddin-ı Kübra, Hakîm Senayi gibi mutasavvıflar hem de Arslan Bab, Mansur Ata, Hakim Ata Süleyman Bakırgan, Zengi Ata, Uzun Hasan Ata, İshak Hoca, Alim Şeyh gibi birçok Yesevi mutasavvıfları Hoca Ahmed Yesevi'le ilgili olarak anılmıştır.
2. Ahmed Yesevi risalesinin Farsçada kaleme alındığı o dönemde Yesevilğin Fars dilli ülkelerde de tanındığını göstermektedir.
3. Aynı zamanda risaledeki görüşler "Divan-ı Hikmet"teki dörtlüklerin mana-mahiyetini bilmemiz için de yardımcı olacaktır. Zira, Yeseviliğe dair

kaynaklardan haberdar olmadan, Divan-ı Hikmet'teki hikmetlerin mahiyetini anlamak zordur.

Hâsılı, tarikat-name türündeki bu gibi eserler hacım olarak muhtasar olsa da, anlamı, tasavvufa dair malumatı, irfanî ve edebi terim ve deęimlere sahip olduęu, mutasavvıfların fikir ve görüşleri, sâliklere güzel nasihatlerin içermesi bakımından tasavvuf kültürü arařtırmaları, ahlak, adab ve eęitim alanlarında büyük önem taşımaktadır. Bu gibi eserler tarikatların toplumdaki manevi, sosyal, kültürel fonksiyonu, şeyh ve mürit münasebetleri, tasavvufun fikri boyutunu yansıtmaları, mutasavvıfların Kuran-ı kerim ve Hadis-ı şeriflerle irtibatı, menkıbeler gibi yönlerden değerlidir. Bu eserin bulunması Yesevilik çalışmalarında yeni kaynakların arařtırılmasına devam etmek gerektiğini, yine başka eserlerin bulunabileceğini göstermektedir.